БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

6

ИЮНЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 6
ИЮНЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Амалга оширилиши бутун партия турмушини бойитадиган ғояларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш зарур. Ҳар бир партия ташкилоти ўз ишининг конкрет шароитида қайта қуришнинг улкан вазифаларини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшсин. ...Юқоридан кўрсатма бўлишини кутиб ўтирмаслик керак. Мақсадлар ва вазифалар аниқлаб олинган, сиёсат ишлаб чиқилган. Қайта қуришнинг асосий йўналишлари равшан, энди ҳаракат қилиш керак, ўртоқлар.

М. С. Горбачевнинг Ўзбекистон Компартияси МКда республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 23 майда КПСС Марказий Қомитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум «КПСС Марказий Қомитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тезисларининг лойиҳаси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масала юзасидан нутқ сўзлади.

Пленумда: Қозоғистон Компартияси Кустанай область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Н. Герасимов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Г. Ведерников, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. Қ. Месяц, СССР молия министри Б. И. Гостев, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.-Б. И. Сонгайла, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребияк, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашко, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари Е. Ф. Муравьев, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, Украина Компартияси Одесса область комитетининг биринчи секретари А. П. Ночевкин ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карповни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан аъзоликка ўтказди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1988 ЙИЛ 23 МАЙДАГИ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Қомитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Марказий Қомитет Сиёсий бюроси тақдим этган тезислари маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Қомитетининг тезислари партия ташкилотларида, барча меҳнаткашлар ўртасида кенг муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилинсин.

3. КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида доклад қилиш топширилсин.

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ—АСОСИЙ БЎҒИН

БОШЛАНҒИЧ партия ташкилотларининг роли уларнинг КПСС ва жамият ҳаётида тутган ўрни билан белгиланади. Улар партиянинг негизи бўлиб, уни омма билан боғловчи асосий бўғин, партия сиёсатини ўтказувчилардир, улар белгиланган ўзгартишларни амалга ошириш учун курашнинг олдинги маррасида борадилар. КПСС Уставида бошланғич партия ташкилоти меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги эканлиги қайд этилган. Унинг Уставда кўрсатилган вазифалари жамият ҳаёти учун ниҳоятда катта роль ўйнайди — бошланғич партия ташкилоти бевосита меҳнаткашлар ўртасида иш олиб боради, уларни партия теварагига жипслаштиради, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун уюштиради, КПССнинг кадрлар сиёсатини ўтказишда актив қатнашади. Жамиятдаги вазиятнинг ҳолати, уни қайта қуришнинг бориши бошланғич партия ташкилотларида иш қандай бораётганига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Партия ўз ҳужжатларида партия ишини янгилашнинг, ривожлантиришнинг асосий бўғини бошланғич партия ташкилоти эканлигини таъкидлаётганлиги бежиз эмас. Масаланинг бундай қўйилиши қайта қуриш иккинчи босқичи бош вазифалари — жамиятни янада демократиялаш ҳамда туб иқтисодий ислоҳот амалга оширилиши билан тўғридан-тўғри ва жуда яқиндан боғланган.

КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда Ўзбекистон раҳбар ходимлари олдида сўзга чиқиб, ҳозир қайта қуришнинг асосий масаласи демократик жараёнларни чуқурлаштиришдан иборат эканлигини таъкидлади: «Социалистик демократия имкониятларини ишга солмай туриб, биз социализм потенциалини ҳам рўёбга чиқара олмаймиз, қайта қуришимизни муқаррар қила олмаймиз, қайта қуриш илгари сурган мақсадларга эриша олмаймиз, социализмнинг ленинча идеаллари халқнинг мулки бўлиб қолишига эриша олмаймиз...».

Партия биринчи ўринга демократиялаш заруратини илгари суриб, бутун халқни, аҳолининг барча қатламларини қайта қуриш ҳаракатига жалб этишга интилмоқда, уларни жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш учун курашда бирлаштирмоқда. Буни қандай амалга ошириш мумкин? КПСС МҚда 1987 йил ноябрида ўтказилган кенгашда таъкидланганидек, ана шундай шароитда партия ўз зиммасига ушбу масалаларни бевосита ҳал этиш вазифасинигина олиб қолмай, шу билан бирга ўз олдига партия ташкилотлари, кадрлар орқали, партия контроли орқали, шаҳарда, районда, коллективда соғлом, энергияга тўлиқ муҳитни яратиш орқали оммани йўналтириш, координациялаш, унга социал активлик бағишлашдек бошқача, янада қийинроқ вазифани қўйиши керак.

Бунинг учун бошланғич партия ташкилотлари ҳам катта масъулият сезишлари керак. Бу осон иш эмас. У бошқа вазифалардан ташқари, форма ва методларни янгилашни, партия ишининг ўзини тубдан қайта қуришни талаб қилади. Бу ишни, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, барча коммунистларнинг куч-ғайрати билангина, партиянинг ўз ичида демократияни бутун чоралар билан ривожлантириш, ҳамма поғоналарда коллектив раҳбарлик принципини амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, контролни, ишга масъулиятли муносабатни авж олдириш йўли билангина қилиш мумкин. Бунингсиз демократиялаш йўлидаги асосий мушкулот, асосий ғов бўлган буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасини

бартараф этиш мумкин эмас. Қайта қуриш учун жон куйдираётган ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси бюрократик методлар асосида иш юритишга одатланган кишилар ўз мавқеларини осонгина топширмаслигини равшан англаб олиши керак. М. С. Горбачев Тошкентдаги нутқида таъкидлаганидек, завод, қишлоқ, колхоз, район ва шаҳарни ўз отамерослари деб биладиган одамлар жуда кўпайиб кетган. «Демократиянгизнинг ҳоли шу бўлдими!» деган овозлар янграганда ана шу сўзлар замирида халққа ҳурматсизлик, унинг донолигига, ватанпарварлигига, соғлом ақл-идрокига, унинг ижодий қобилиятига ишончсизлик, унинг масъулиятига ва социализмга садоқатига ишончсизлик сезилиб турибди.

Ҳолбуки, халқнинг айтадиган фикрлари, қайта қуриш учун курашга ҳисса бўлиб қўшиладиган нарсалари мавжуд. Лекин буларни кенг демократия шароитидагина амалга ошириш мумкин. Бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳам ошкоралик, хўжалик ҳисоби, пудрат орқали, меҳнат коллективлари ҳаётига демократик асосларни жорий қилиш орқали барча кишиларни, ҳар бир кишини муштарак ишимизга жалб этишдан иборатдир. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун бу борада катта имкониятлар очмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективлари советлари, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уни практикада амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам беришга даъват этилганлар. Бунда ишнинг ҳозирги талабларга жавоб берувчи, энг кенг миқёсдаги меҳнаткаш омма билан алоқани мустаҳкамлашга ёрдам берувчи, кишиларнинг фикрини, эҳтиёж ва орзу-умидларини ўрганишга, ижтимоий ривожланишда янги тенденцияларни аниқлашга, етилган проблемаларни ҳал этишга имкон берувчи барча форма ва методларни эгаллаб олиш масаласи ҳам биринчи даражали аҳамият касб этади. Буларнинг зарурлигини англашнинг ўзиёқ партия ташкилотини собитқадам, кишиларни ўз ортидан эргаштиришга қодир қилади. Афсуски, ҳаёт практикасида бундай тушуниш катта қийинчилик билан ўзига йўл очмоқда.

Буйруқбозлик-бюрократик система, унинг услуби узоқ йиллар мобайнида энг демократик, халқ билан яқиндан боғлангандек бўлиб кўринган қуйи бўғин даражасида ҳам чуқур илдиз отишга муваффақ бўлган эди. Бу ҳол кишиларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинишида ҳам, уларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор бермасликда ҳам, ҳар қандай ҳолатда маъмурий методларни қўллашга интилишда ҳам намоён бўлади. Коммунистлар раҳбарлар фикрига мос келмайдиган ўз фикрларини баралла айтишдан қўрқадиган, иккиюзламачилик, хушомадгўйлик, принципсизлик позициялари қучли бўлган, ишлари яхши юришмаётган бўлсада бепарволик ва хотиржамлик кайфияти ҳукм сураётган ана шундай партия ташкилотлари, афсуски, ҳали оз эмас.

Турғунлик ҳодисалари курашнинг олдинги маррасидаги кўпгина участкаларда ҳали ҳам мустаҳкамлигини эътироф этиш керак. Нафақат кўпгина оддий коммунистларга, балки баъзи бир партия етакчиларига ҳам воқеалар ривожини жимгина кутиш, «аралашмаслик» хосдир. Бу эса муқаррар равишда бир жойда туриб қолишга, ишларда таназзул бошланишига олиб келади, меҳнат коллективларидаги ахлоқий иқлимга салбий таъсир кўрсатади. Республикада ҳозир давлат топшириқларини уддалай олмаётган, шартномавий мажбуриятларини бажармаётган юзлаб корхона ва хўжаликлар бор. Бу ҳол кўп нарсалардан, аввало, меҳнат коллективининг жуда катта тарбиявий имкониятларидан, инсон омилидан фойдалана олмасликдан, кишиларда ўз қобилиятларига ишончни, изланишга, ижод қилишга интилишни уйғота олмасликдан далолат беради. Ҳар бир раҳбар, хусусан, партия ташкилотининг етакчиси бўлган киши одамлар ўртасида ишлаш санъатини эгаллаган бўлиши керак. Халқ билан, оддий меҳнаткашлар билан доимо маслаҳатда бўлиш, уларнинг тажрибаси ва ақл-идрокига мурожаат қилиш демократиянинг энг бирламчи талаби бўлиб, уни энг аввало раҳбарлик ҳуқуқига эга бўлмиш кишилар ўзлаштириб олиши керак.

Турғунлик ҳодисалари экономика, социал ва бошқа қандайдир соҳаларда орқада қолишнинг ўзигина эмаслигини эътиборга олиш керак. Афсуски, улар кишилар ўзаро муносабатларининг миллатлараро муносабатлар каби чуқур, мураккаб соҳасига ҳам тааллуқли бўлди. Бунда ҳам бир андазада фикрлашга одатланиш, жамиятнинг нормал ривожланиши учун ғоят зарур янги тенденцияларни сезмасликка мойиллик реал воқеликни объектив баҳолаш қўлдан бой берилиши-

га олиб келди. Воқеликдан ажралиб қолмасликлари учун партия ташкилотлари Ўзбекистон раҳбар ходимлари олдида сўзлаган нутқида М. С. Горбачев катта эътибор берган ва кўп миллатли республикамиз учун алоҳида аҳамиятга молик ҳолатни ҳам эътибордан соқит қилмасликлари керак. Социал, иқтисодий ва ҳар қандай бошқа муаммо совет кишиларининг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигига, социализмнинг энг катта ғалабаси бўлган уларнинг дўстлигига путур етказилмайдиган тарзда ҳал этилиши керак. Бу — муаммонинг бир томони. Бошқа томондан олсак, жамиятимиз тараққиёти ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини танишининг, ҳар бир миллатнинг маънавий жиҳатдан бойишининг ўсиши билан биргаликда боришини ҳисобга олмоқ зарур, бу эса янги проблемаларни юзага келтирадики, уларни кўра билиш ҳамда ҳар томонлама ўйлаб анализ қилиш ва объектив баҳолаш асосида ҳал қилиш керак. Бу соҳада баъзан партия органлари қилаётганидек догматик, схематик ёндашишга йўл қўйиб бўлмайди.

Интернационал тарбия масаласида партия ташкилотлари етти ўлчаб бир кесишлари, ўзларининг сиёсий авангардлик ролларини унутмасликлари керак. Уларнинг вазифаси ҳар кунги, одатий ишда ҳам интернационализм тажрибаси авлоддан авлодга шундоққина ўтиб қолмаслиги фактини диққат марказида тутишдан иборат. Ҳар бир янги авлод ўз мактабини ўтиши ва халқлар ҳамкорлиги ҳамда яқинлашишини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Республикамизда интернационализм анъаналари теран илдизларга эга, партия ташкилотлари улардан актив фойдаланишлари ва уларни мустаҳкамлашлари керак. Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумининг (1988 йил январь) қарорида интернационал тарбияда аниқ система ва натижаларни танқидий баҳолаш йўқлиги, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга етарлича эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Демак, ушбу масалалардаги стихиялилик элементи тарбия жараёнида.энг муҳим бўғин бўлган қуйи бўғин даражасида ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида партия ва давлат аппаратини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, фан ва маданият муассасаларини тузишда, давлат мукофотларига тақдим қилишда, партияга қабул қилишда миллий вакилликка риоя қилинмагани ҳам таъкидланди. Бундай ҳолат бошланғич ташкилотларга ҳам тааллуқли бўлди. Масалан, КПСС МКнинг Тошкент область партия ташкилотига оид маълум қарорида партияга қабул ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий нуқсонларни бартараф этиш бевосита бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, улар фаолиятини яхшилаш билан боғлаб изоҳланади. Уларнинг кўплари, Уставга кўра катта ҳуқуқларга эга бўлишига қарамай, баъзи партия комитетларининг измида бордилар, КПСС сафларига сиёсий ғўр, мустақил фикри йўқ, ахлоқий жиҳатдан бекарор, партия йўлини онгли ва изчил олиб боришга ноқобил кишиларни қабул қилдилар.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговар қобилиятининг пасайиши республика экономикаси, социал соҳаси, маънавий ҳаётида ғоят ўткир проблемаларнинг бутун-бутун қатламлари тўпланиб қолишига асосий сабаблардан бири бўлди. М. С. Горбачев Тошкентда сўзлаган нутқида Ўзбекистон халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришдаги бир қатор ташвишли фактларни кўрсатиб ўтди. Ўзбекистон экономикасини оғир аҳволдан олиб чиқишнинг баъзи бир йўллари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида экономикадаги аҳвол жиддий анализ қилинди, уни соғломлаштириш ва мустаҳкамлашга доир йўналишлар белгилаб берилди. Ўзбекистон Компартияси МК X пленумида (1988 йил апрель) КПСС МК 1988 йил февраль Пленуми қарорлари асосида ўрта ва олий мактаб ислоҳотини амалга оширишга ҳамда қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашга доир вазифалар хусусида катта, муҳим мусоҳаба бўлиб ўтди. Ушбу пленумларнинг қарорлари ҳар бир партия комитети ҳамда бошланғичдан тортиб республика миқёсигача бўлган барча партия ташкилоти учун дастуриламалдир.

Афсуски, кўпгина партия ташкилотлари саноатда ишлаб чиқариш аппаратини янгилашнинг аҳамиятини ҳануз тушуниб етмаганлар. 1987 йили корхоналарнинг 53 процента янги техникани жорий қилиш билан умуман шуғулланмаганлиги факти ана шундан далолат беради. Фан-техника тараққиёти масалаларини ҳал

этишда консерватив позицияда бўлиш индустриянинг бир жойда депсинишига олиб келади — барча бошланғич партия ташкилотларининг етакчилари, активистлари бундай тенденцияга барҳам бериш зарурлигини тушуниб етишлари керак, кўп нарса уларнинг фикрларига боғлиқ.

Капитал қурилишда ҳам тормозлаш механизми юзага келиб қолди. Албатта, бу ердаги проблемаларнинг ҳаммасига қуйи бўғин барҳам бера олмайди. Лекин, масалан, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишга, унинг маданиятига, ижрочилик интизомига, бўлинмаларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга тайёрланиш суръатига ҳамда бунга ўтишга бевосита таъсир кўрсата олади ва таъсир кўрсатиши керак.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим, чунки бу нарса катта социал-сиёсий аҳамиятга эга. Лекин беш йилликнинг икки йили мобайнида чакана нархларда оммавий талаб қилинувчи буюмларни ишлаб чиқариш плани қарийб 400 миллион сўмлик миқдорида кам бажарилди. Ана шу молларнинг сифатини ошириш ҳам ҳали ҳал қилишдан анча узоқ проблема бўлиб қолмоқда. Бу соҳада партия ташкилотлари ўз қатъий сўзларини айтишлари мумкин ва керак.

Конкрет корхонадаги ишлар аҳволига қараб у ердаги бошланғич партия ташкилоти қайта қуришга қандай муносабатдалигини дарҳол билиш мумкин. Агар у ҳақиқатан ҳам дадиллик, собитқадамлик билан иш олиб борса, юқоридан йўл-йўриқлар кутмай, ўзи янгиланиш, ишлаб чиқаришда тараққиёт йўлларини қидирса, кашфиётларга, баъзан мунозарали бўлган илғор тажрибага йўлни кенг очиб берса, демак у қайта қуришдан, унинг ғалаба қилишидан манфаатдор. Бундай ташкилотлар республикада тобора кўпайиб боряпти. Қўқондаги пайпоқ-йигирув ишлаб чиқариш бирлашмасини олиб кўрайлик. Унинг партия ташкилоти ҳар бир йирик қадамини корхонадаги барча коммунистлар, ходимлар билан биргаликда мулоҳаза қилиб кўради, қарорлар ишлаб чиқиш ва эришилган натижаларга баҳо беришда уларнинг фикрига таянади. Натижада коллективда соғлом ахлоқий-психологик иқлим яратилди, маҳсулот сифатини оширишда жиддий силжишлар юз берди, ишлаб чиқаришнинг кўпгина кўрсаткичлари яхшиланди.

Ташаббускорликда, ишга дадиллик билан ёндашишда, тайёрга айёрлик кайфиятларига барҳам беришда Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилотини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, ғоят ўткир бўлган уй-жой проблемасини ҳал қилиш учун бу ерда барча имкониятларни пухта ҳисоблаб чиқиб, ўз кучларига таяниш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш йўлидан бордилар. Бу осон вазифа эмас, лекин бирлашмадагилар уй-жой программаси қоғоздагина мавжуд бўлмаслиги керак деб ҳисоблайдилар. Кишилар партия ташкилотидан конкрет ишларни кутадилар.

Республика агросаноат комплексидаги аҳвол хўжалик, совет органларининг, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашини талаб этмоқда. Бу ерда ер-сув ресурсларидан, табиий-иқтисодий потенциалдан қониқарсиз фойдаланиляпти, суғориладиган гектар ҳосилдорлиги жуда паст — 1987 йили у 23 центнер пахта, 200 центнер сабзавот, 35,5 центнер маккажўхори дони, 107 центнер полиз маҳсулоти ва 69 центнер узумни ташкил этди. Бундай кўрсаткичлар ташвиш туғдирмай қолмайди, лекин баъзи раҳбарлар, шу жумладан, партия етакчилари ҳам, ишлар аҳволини пухта анализ қилиш, қолоқлик сабабларини аниқлаш, кишиларни уни бартараф этиш учун сафарбар қилиш ўрнига ҳалигача барча айбни ўтмишга ағдариш билан машғулдирлар.

Бошланғич партия ташкилотлари, хусусан, антимеханизаторлик кайфиятларига қарши дадил зарба беришлари, пахтакорлик касби обрў-эътиборини ошириш учун ҳамма ишни қилишлари керак. У оммавий қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик туфайли анча обрўсизлангани учун ҳам бу нарса жуда муҳимдир. Янги-янги ёндашувларни излаш ва топиш, қишлоқ аҳолисини онгли, астойдил, юқори самарали меҳнат қилишга отлантириш керак. КПСС МК қишлоқ хўжалигига тааллуқли бир қатор қарорлар қабул қилиб, ташаббускорлик, топқирлик, хилма-хил маҳорат кўрсатиш борасида агросаноат комплекси ходимлари олдида катта имкониятлар очиб берди. Бошланғич партия ташкилотлари кишиларни ўз ортидан эргаштириши, уларга истиқбол йўлини очиб бериши, интенсив технологияни жорий қилиш, селекция ва уруғчилик ишини яхшилаш, аввало терим даврида механиза-

циялаш даражасини кескин ошириш, меҳнатни ташкил этиш прогрессив формаларини (аренда, пудрат, хўжалик ҳисобини) ривожлантириш, сут-товар фермаларидаги батартиб меҳнат, чорвачиликни юксалтириш — мўл-кўлликка, халқнинг мустаҳкам фаровонлигига олиб келувчи ягона йўл эканлигини кўрсатиб бериши керак. Бутун халқ қишлоқ меҳнаткашларининг ишга ана шундай ёндашувини кутмоқда.

Лекин, афсуски, ҳозирча агросаноат комплексида эски методларга ёпишиб олиш яққол кўриниб турибди. Кўпгина партия ташкилотлари фаолиятига янгича ёндашувлар йўқлиги хос бўлиб, бу эса тармоқнинг умумий аҳволига таъсир кўрсатяпти. Аммо бу соҳада ҳам ишга чинакам масъулият билан муносабатда бўлиш мисолларини кўрсатиш мумкин. Хўжаликнинг партия ташкилоти учун энг асосий вазифа унинг экономикасини юксалтириш учун тўғри йўлни топишдан, юксак меҳнат натижаларидан кишиларни манфаатдор қилишдан (бунда маънавий манфаатдорликни ҳам эсдан чиқармаслик керак), раҳбарлар билан оддий меҳнаткашлар ўртасида ишонч муҳитини яратиш, сўз билан иш бирлигига эришишдан иборатдир. Республикада «Савай» совхози илгаридан маълум — унинг шуҳрати кенг тарқалган. Лекин совхоз ишлари кўнгилдагидек бўлса ҳам, унинг партия ташкилоти эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаяпти. Бу ерда унинг ёрдамида чорва молларини бўрдоқига боқиш ва қаровнинг интенсив технологияси жорий қилинди. Бунинг ташаббускори, Москва қишлоқ хўжалик академиясини битириб келган Абдуллажон Қорабоев коммунистлардан мадад олиб совхоз чорвачилигини прогрессив негизга қўйди. Ҳозир у Андижон область агросаноати раҳбарларидан бири лавозимида тармоқдаги аҳвол учун шахсан масъуллигини чуқур ҳис қилган ҳолда илғор тажрибани областдаги кўпгина хўжаликларга ёймоқда. Партия ташкилотлари ёрдам кўрсатаётган жойларда ишлар тезроқ олға силжимоқда. Масалан, Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз сут-товар фермаси нисбатан қисқа муддат ичида юксак рентабелли бўлиб қолди. Бунда интенсив технология ғоясини қўллаб-қувватлаган хўжалик коммунистларининг, коллектив пудрат жорий этилишининг ҳам хизмати бор.

Республикамиз учун ғоят ўткир бўлган сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш масаласида ҳам дадил ечимлар, проблемага янгича қараш зарур. Бунда асосий йўналиш мавжуд суғориш системаларини комплекс реконструкциялашдан, суғоришда сувни тежовчи технологияни ҳар томонлама жорий қилишдан иборат.

Шундай қилиб, халқ хўжалигининг қайси бир соҳасини олиб кўрмайлик, унинг янгиланиши ва ривожланиши қайта қуришнинг узак ғоясини амалга ошириш билан, тафаккур ва ҳаракатдаги революционлик билан чамбарчас боғланган. Кўпроқ ошкоралик, кўпроқ демократия, кўпроқ социализм бўлсин — ана шундай шароитдагина хўжалик ҳисобига, социал адолат принципларини изчил ўтказишга, виждонан ишловчи меҳнаткашнинг, ижодкор шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланган иқтисодий ислоҳот ғалабага эришади.

Шу йилдан бошлаб республикамизда 1748 саноат, қурилиш, савдо ва маиший хизмат корхонаси ва ташкилоти янгича ишлай бошлади. Сурхондарё область агросаноат комплекси бутунлай хўжалик юритишнинг прогрессив йўлига ўтказилди.

Республикамиз экономикасидаги қайта қуришнинг дастлабки сабоқлари қандай бўлди? Улар ислоҳотга ҳар томонлама тайёрланиш, қарор чиқаришда чуқур мулоҳаза юритиш, ишга ижодий ёндашишни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда меҳнат коллективларининг социал эҳтиёжларини ҳам унутмаслик керак. Иш натижалари кўп жиҳатдан ана шуларга боғлиқдир. Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари буни яхши тушуниб, ходимларнинг меҳнат қилишлари учун яхши шарт-шароит яратиш хусусида ҳам, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш хусусида ҳам ғамхўрлик кўрсатяптилар. Масалан, фойда олишни кўпайтириш ҳисобига бу ерда уй-жой қурилишидек ўткир проблемани тезроқ ҳал этиш имкони топилди.

Лекин кўпгина корхоналар, улардаги партия ташкилотлари учун ислоҳот ҳақиқий синов бўлди. «Узбекхиммаш», «Средазкабель» сингари йирик корхоналарда ҳам хўжалик юритишнинг янгича шароитига ўтиш осон бўлмаяпти. Ўтган йилнинг якунларига қараганда 1600 дан ортиқ корхона ва ташкилот фойда олмаган ва жами 700 миллион сўм миқдорида зарар кўрган. Агросаноат комплексида ҳар уч совхознинг бири йилни зарар кўриш билан якунлаган. Бу ва бошқа фактлар партия, совет, хўжалик органлари иқтисодий ислоҳотга ҳар томонлама ва чуқур тайёргарлик кўрмаганликларидан ва ўз навбатида бошланғич партия ташкилотларига тегишлича таъсир кўрсатмаганликларидан далолат беради.

Қайта қуришдан мақсад кишилар бахт-саодати, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш эканлигини кўзда тутадиган бўлсак, соғлиқни сақлаш, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, халқ маорифи, фан, маданият, идеология соҳаларида иш олиб борувчи бошланғич партия ташкилотларининг роли ҳам ғоят масъулиятли эканлиги яққол кўринади. Социал сиёсатни амалга оширишда халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия органлари, уларда ишловчи коммунистлар ўйнайдиган роль салмоқлидир. Ушбу ташкилотлар ҳақида гапирганда аслида уларнинг қайта қуришнинг асосий омили — инсон омилини реализация қилишда актив иштирок этиши хусусида сўз бораётганини таъкидлаш керак. Инсоннинг ўзи, унинг сиёсий ва интеллектуал қиёфаси, маҳорати, ватанпарварлиги ва интернационализми, ижод қилишга қобилияти, гражданлик позицияси ва активлиги қандай бўлса, жамиятимиз ҳам, унинг потенциали, ўзини ўзи янгилаши ва поклаши учун имкониятлари ҳам ана шу даражада бўлади. Шу сабабли ҳам ўрта ва олий мактаб ислоҳотига умумпартия ва умумхалқ иши сифатида қаралятпи, қайта қуришни идеологик таъминлаш масалаларига эса биринчи даражали аҳамият берилятпи. Бошланғич партия ташкилотлари ана шундай иш олиб борар эканлар, социал сиёсат билан яқиндан боғланишсиз идеологик фаолият самара келтирмаслигини эътиборга олишлари керак.

Ҳозир Ўзбекистон Компартиясида 21 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилоти бор. Уларнинг бугунги кундаги вазифаси янги форма ва методлар ёрдамида ошкоралик, демократия, иқтисодий ислоҳот ўтказиш кучларини ишга солишдан иборатки, КПСС Устави, партия XXVII съезди қарорлари бунинг учун катта имкониятлар очиб бермоқда. Уставга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳам коммунистларнинг авангардлик ролини, бошланғич партия ташкилотларининг жанговар қобилиятини оширишга, ички партия демократиясини ривожлантиришга, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир ходим фаолияти устидан доимий контролни таъминлашга йўналтирилган. Уставда белгиланган қоидаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш партия ишини қайта қуришга имкон берадики, КПСС XXVII съездида ҳар бир партия ташкилоти партия йўлини ҳаётга татбиқ қилиш учун актив кураш олиб бориши, ўз фаолиятининг форма ва методларини излаш, янгилаш муҳитида яшаши бу ишнинг моҳиятини ташкил этади деб таъкидланган эди. Партия XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида қуйи партия бўғинининг аҳамияти яққол қилиб шундай деб таъкидланди: «Ҳар бир жойда ишчан, ижодий услубни қарор топтиришда бошланғич партия ташкилотларининг роли жуда муҳимдир. Партия комитетлари ҳар доим уларга суянишлари, ишда мустақилликни ривожлантиришлари, ҳар бир партия ташкилотида фикр ва қарорлар очиқ-ойдинлиги, ошкоралиги, инсонийлик, коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги, уларнинг умумий иш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиши билан ажралиб турадиган тўлақонли ҳаёт таъминланишига эришишлари керак».

Бунинг учун бошланғич партия ташкилоти ихтиёрида қандай воситалар бор? Аввало, партия йиғилиши. Айни унда партия ташкилотининг, бутун меҳнат коллективи ҳаётининг ғоят муҳим масалалари муҳокама қилинади. Коммунистларга очиқ-ойдин, раҳбарлардан ҳадиксирамай ўз фикрини айта олиш имконини бериш зарур. Уларнинг ҳар бири ҳар қандай проблемани муҳокама қилишда ўзини тенг ҳуқуқли қатнашчи деб ҳис қилиши керак. Танқид учун таъқиб қилиш, Устав қоидасига мувофиқ, КПСС сафидан чиқаришга қадар бўлган қаттиқ партиявий жавобгарликка сабаб бўлади. Ана шу кўрсатма катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, партия йиғилишлари чинакам коммунистларни тарбиялаш мактаби бўлиб қолишига имкон яратади. Лекин кўпгина бошланғич ташкилотлар бошқача йўлдан

боришни давом эттиряптилар. Бу ҳол айниқса мактабларда, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида ишловчи кам аъзоли партия ташкилотларига хосдир. Ана шундай муассаса ва корхоналарнинг роли турмушимизда ошиб боряпти, лекин улардаги қайта қуриш секин, сусткашлик билан боряпти. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ана шу бошланғич ташкилотлардаги йиғилишларда кўпинча кундалик масалалар муҳокама қилинади, раҳбарлар шаънига танқид бўлиб қолса, у фавқулодда воқеа сифатида баҳоланади, жонли ташкилотчилик, сиёсий иш эса деярли олиб борилмайди.

Коммунистлар авангардлик ролини оширишнинг муҳим воситаси — уларнинг Устав талабларини ва партия топшириқларини қандай бажараётгани ҳақидаги ҳисоботларини партия йиғилишларида, партия бюроси ва комитетлар мажлисларида тинглашдир. Улар ҳозир ҳамма жойда тинглансада, қуйи бўғинда ҳали ҳам раҳбарларнинг, айниқса, юқори раҳбарларнинг ҳисоботлари журъатсизлик, ҳадиксираш билан тингланади. Бунда ҳалигача расмиятчилик, «ўз» одамларини ёқлашга, танқид қилиб чиққан, камчиликларни кўрсатган кишиларнинг «адабини» беришга интилиш ҳам тез-тез учрайди. Ҳисобот шошиб-пишиб тайёрланмаслиги керак, коммунистнинг фаолиятини олдиндан холис ўрганиб чиқиш бир группа ўртоқларга топширилган, уларга буни яхшилашга доир ўз тавсияларини изҳор қилиш ҳам юклатилган тақдирда ҳисобот янада самарали бўлади. Ҳисоботлар партия аъзоларининг ҳам ишлаб чиқаришдаги, ҳам жамоат ишидаги активлигини рағбатлантиради, улардаги масъулият туйғусини оширади, интизомли қилади.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ошкораликни янада ривожлантириш мақсадида КПСС Уставига қуйидагича қўшимча киритилган: «Парткомлар, партия бюролари, бошланғич, цех партия ташкилотларининг секретарлари ўз ишлари ҳақида партия йиғилишларида коммунистларга мунтазам равишда ахборот бериб турадилар». Бу қоида шунингдек сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларига уларга ишонч кўрсатган кишилар олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажаришга бурчли эканликларини тушунишларида ёрдам беради.

Партия ташкилотлари фаолиятидаги ошкоралик, демократизм масалалари коммунистларни ҳаяжонлантириб келмоқда. КПСС МКнинг 1987 йил январь ва июнь Пленумларида ана шу мавзуга оид қимматли таклифлар билдирилди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан ҳам умид катта, унинг кун тартибидаги иккинчи банд партия ва жамият ҳаётини демократиялашга бағишланган. Маълумки, ҳозирдаёқ турли даражадаги раҳбарларни сайлаш етарлича кенг миқёсда расм бўляпти, бу эса изҳор этувчи фикри юқорига кўтариш жараёнида белгиловчи роль ўйнайдиган партия ташкилотларининг фаолиятига ҳам ҳаётбахш таъсир кўрсатяпти. Анкета тарқатиш, суҳбатлашиш, йиғилишларда сўзга чиқишлар воситасида жамоат фикрини аниқлаш тобора сайлаб қўйиладиган партия органлари, пастдан юқорига кўтариш учун резерв тузиш борасида ҳам ҳаётдан кўпроқ ўрин олмоқда. Бундай тажриба, хусусан, Тошкентдаги Куйбишев район партия комитетида тўпланмоқдаки, у меҳнат коллективлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кадрлар масалаларини демократик йўсинда ҳал этиш, кишилар ўртасида кунт билан иш олиб бориш бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик қобилиятини оширишнинг асосий жиҳатларидан биридир. Улар ҳар бир конкрет инсонга, шахсга қанчалик яқин турсалар, янги тенденцияларни қанчалик муфассал ҳисобга олиб, уларнинг моҳиятига кириб борсалар, улар шунчалик тез ўзларини қайта қура оладилар ва давр талабига мувофиқ ҳолда ҳаракат қила оладилар. Одамларни яхшироқ билиб олайлик, уларнинг позицияларини активлаштирайлик, шахс, меҳнат коллективи ва жамият манфаатларини яқинлаштиришга, ҳар бир партия аъзосини коммунистик идеаллар, ўз бурчига масъулият билан ёндашиш руҳида тарбиялашга кўмаклашайлик — бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўриги, коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси каби тадбирлар ана шунга даъват этилган. Улар Фарғона ва Тошкент областларидаги кўпгина партия ташкилотларида кенг авж олди. Масалан, Қўқонда 2 мингдан зиёд коммунисти бўлган ташкилотлар бошланғич ташкилотлар жанговарлиги кўригига қамраб олинди.

Бошланғич партия ташкилотларининг маъмурият фаолияти ва партия ҳамда ҳукумат директиваларини бажариш, совет қонунларига риоя қилиш хусусида аппарат иши устидан контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари меҳнат коллективларидаги ишлар аҳволини яхшилаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, ҳозиргача бошланғич ташкилотларнинг бу борадаги имкониятлари юзага чиқмаган. Ҳолбуки, улар учун фаолият майдони бепоёндир. Маълумки, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган кўпгина корхона ва ташкилотларнинг иши яхши юришмаяпти, бу ерда, шу жумладан, контролни амалга ошириш масалаларида ҳам бошланғич партия ташкилотлари коллективнинг чинакам авангарди бўлиб қолиши керак. Зеро, бунингсиз ишлаб чиқаришдаги «танг» жойларни аниқлаш ва бартараф қилиш қийин.

Партия ташкилотлари қайта қуришдан орқада қола олмайдилар. Улар халқ хизматидаги партиянинг бир бўлаги бўлиб, коммунистлар активлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, жамият ҳаётидаги соғлом тенденцияларни рағбатлантиришга, оммани ва кадрлар билан ишлашни уюштиришда янгича методларни ўзлаштиришга даъват этилганлар. Уларнинг вазифаси КПСС Уставининг 58-моддасига мувофиқ ҳолда қайта қуришни тормозловчи, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришни секинлаштирувчи қолоқ қараш ва кайфиятларга қарши курашишдан иборат. Ана шу мақсадда улар ўз коллективларида сиёсий ва иқтисодий ўқувни яхши ташкил этиш, коммунист ва партиясизларнинг сиёсий маданиятини, социал активлиги ва масъулиятини ошириш, ҳар бир меҳнаткашда социалистик ўз-ўзини бошқаришда иштирок этиш кўникмасини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари керак. Бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ мустақиллик, кадрларга ташаббус кўрсатиш учун кенг майдон бериб қўйилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Меҳнат коллективларига ҳаммадан яқин турган, бошланғич ташкилотларнинг куч-қуввати ва имкониятларини яхши билувчи район ва шаҳар партия комитетлари буни амалга оширишлари керак. Аммо ҳозирча улар етарлича самарали ҳаракат қилаётганича йўқ.

Лекин бошқалар учун намуна бўла оладиган кучлар тўпланган Тошкент шаҳар партия комитетидек йирик ташкилотда ҳам кўпгина камчиликларни кўриш мумкин. Албатта, ижобий тажрибани ҳам унутмаслик зарур — бу тажрибадан кенг миқёсда фойдаланиш ва уни такомиллаштириш керак. Масалан, партия ходимларининг шаҳар комитетидаги стажировкаси яхши натижалар бермоқда. Шаҳар комитети бюросида ҳам, қуйи бўғин даражасида ҳам раҳбарларнинг ҳисоботини тинглаш практикаси мустаҳкамланмоқда, бу эса раҳбарларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширмоқда. Бюро аъзолари жойларда тез-тез бўлмоқдалар, конкрет маслаҳатлари билан ёрдам бермоқдалар. Меҳнат коллективлари ҳаётидаги демократик негизлар кучаймоқда. Масалан, 1987 йили Тошкентда юқори бўғиндаги 50, ўрта бўғиндаги салкам 400 раҳбар ва 2,5 мингдан зиёд бригадир сайланди.

Шаҳарда ҳозир салкам 2300 бошланғич партия ташкилоти бор, лекин уларнинг ҳаммасини ҳам меҳнат коллективининг авангарди деб бўлмайди. Масалан, эътиборга молик вазифаларни ҳал қилишга ҳалигача технократик ёндашиш устун бўлиб турибди. Буюмлар сифати паст, меҳнат унумдорлиги секин ўсяпти, мол етказиб бериш тартиб-интизоми бузиляпти. Давлат қабулига ўтган ҳар икки корхонанинг бири планни бажара олмаяпти.

Бошланғич ташкилотлар ташаббусига кенг йўл очиб беришга даъват этилган шаҳар комитети эса, аксинча, уларнинг ҳар бир қадамини регламентга солиш билан машғул. Раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий услуби қуйи бўғиннинг фаолиятини жиловлаб қўймоқда. Кўпгина меҳнат коллективлари советлари ўз функциялари, ҳуқуқ ва бурчларини яхши билмайдилар. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашнинг моҳияти кўпчилик меҳнаткашларга етказилмаган. Идеологик ишда расмиятчилик ва тўрачиликнинг кўплаб мисоллари мавжуд.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг КПСС МК 1987 йил январь Пленуми талаблари асосида бошланғич партия ташкилотлари ишини қайта қуриш хусусида 1987 йил июнда қабул қилган қарорида қуйи бўғин учун типик бўлган нуқсонлар кўрсатилган. Қарорга Андижон область партия комитетининг ҳисоботи асос қилиб олинган. Бошланғич партия ташилотларига раҳбарлик қилишда қатъий ва изчил

йўлнинг йўқлиги партия ва ҳукумат қарорларида кўзда тутилган имкониятлардан тўла фойдаланмасликка олиб келади. Экономикадаги нуқсонлар, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитидан қониқмаслиги, уй-жой қуришда, қишлоқларни социал жиҳатдан ўзгартиришдаги қолоқлик ана шунга боғлиқ. Масалан, областдаги кўпгина корхоналар реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш юзасидан асосланган программаларга эга эмас, ҳар тўрт корхонанинг бири янги техникага доир топшириқни бажармаяпти. Маҳсулотнинг атиги 3 проценти давлат Сифат белгиси билан чиқариляпти. Аграр секторда эса ҳар уч хўжаликдан бири зарар кўряпти ва рентабеллиги паст бўляпти. Мактабларнинг қарийб ярми мослаштирилган биноларда жойлашганлиги, болалар боғчалари озлиги социал соҳанинг қай аҳволда эканини кўрсатиб турибди.

Бошланғич партия ташкилотларидаги турғунлик район, шаҳар ва область партия комитетлари ҳалигача қоғозбозликдан ва технократик раҳбарлик услубидан воз кечишга журъат этмаётганлиги, перспектив масалалар ўрнига кўпроқ жорий масалалар билан шуғулланиши, КПСС сафларини шишириб юборишга йўл қўйиши, ҳал қилувчи участкаларда партия таъсирини кучайтиришга эришмаётгани, раҳбарликнинг сиёсий методларини бўш ўзлаштираётгани билан бевосита боғлиқдир. Кўпчилик бошланғич партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг роли пасайтириб юборилганлиги, деб таъкидланди Ўзбекистон Компартияси МҚнинг Андижон область партия комитети ҳисоботига доир қарорида, ташвиш уйғотмоқда. Андижон, Избоскан ва Хўжаобод районларида аҳвол ана шундай. Кўпгина идеологик тадбирлар кампаниябозлик характерига эга.

Ҳозирда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қуйи бўғиндаги ишлар аҳволи учун район, шаҳар ва область партия комитетларига нисбатан талабчанликни оширяпти, уларни бошланғич партия ташкилотларининг куч-ҳаракатини ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг, социал соҳадаги қолоқликка барҳам беришнинг белгиловчи йўналишларига жамлашга отлантирмоқда. Партия XXVII съезди қарорлари, партия ва ҳукуматнинг бутун бир қатор қарорлари бунга кенг йўл очиб берди.

Шуни унутмаслик керакки, Программанинг янги таҳрири, КПСС Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши қайта қуриш учун мустаҳкам замин яратиш, коммунистларнинг, барча қуйи бўғиннинг ташаббуслари ҳамда мустақиллигига йўл очиб бериш учун энг яхши шарт-шароитни таъминлаш мақсадида партия олиб борган жуда катта ишнинг ғоят муҳим қисмидир. Партиянинг ушбу йўналишдаги иши давом этмоқда, миллионлаб коммунистлар ва партиясизларни, барча партия ташкилотлари ва комитетларини қамраб олган КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик кўриш ҳам ана шундан далолат беради. Охирги пайтда матбуот органларининг ўзидагина совет кишиларининг партия ва жамият ҳаётини янада демократиялашга қаратилган минглаб таклифлари эълон қилинди. Шубҳа йўқки, конференция социализмнинг ленинча моҳияти тикланишига, уни қуйқалардан ва шакл жиҳатидан ўзгартишлардан поклашга муносиб ҳисса қўшади, аввало бошланғич партия ташкилотлари орқали жамиятни танг аҳволга солиб қўйган, социализм потенциалидан тўла даражада фойдаланишга имкон бермаган барча нарсалардан халос этишга ёрдам беради.

ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, ПАРТИЯ КАДРЛАРИ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

Я. МИХАЙЛОВ

Интизом ва топширилган иш учун коммунистлар масъулияти масалалари КПСС фаолиятида ҳамиша актуал бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз ривожининг ҳозирги бурилиш босқичида бу масалалар айниқса алоҳида аҳамият касб этяпти, маълум ҳолатларга кўра уларнинг Ўзбекистон партия ташкилотлари учун аҳамияти икки чандон ортяпти.

Интизомни мустаҳкамлаш, партия кадрларининг масъулиятини ошириш зарурати қатор ҳам объектив, ҳам субъектив характердаги сабаблар билан боғлиқдир. Бу, биринчидан, социал иқтисодий ривожлантириш ва қайта қуриш вазифаларининг кўламдорлиги ва янгилигидир. Миллион-миллион кишилар манфаатларига дахлдор бўлган жамиятни демократиялаштириш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, фан-техника тараққиётининг ҳаётнинг ҳамма томонларига таъсирини кучайтириш, ижтимоий алоқа ва муносабатлар мураккаблашган шароитда партиявий раҳбарликнинг марказда ҳам, жойларда ҳам роли, маҳаллий партия комитетлари қабул қилаётган ва амалга ошираётган қарорлар самарадорлиги жиддий ортади. Бинобарин, нокомпетентлик, интизомсизлик ва масъулиятсизлик туфайли йўл қўйиладиган хатолар «баҳоси» ҳам тегишли равишда ортади. Иккинчидан, буларнинг оқибати ўлароқ инсон омилини активлаштириш, униng асосий ҳаракатлантирувчи кучи — меҳнаткашлар оммасини қайта қуришга жалб этиш, социалистик демократизмни янада чуқурлаштириш, халқнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожлантириш энг муҳим вазифалар бўлиб қолади. Учинчидан, интизомнинг бўшаштириб юборилиши ва партия комитетлари ходимлари масъулиятининг пасайиши билан боғлиқ салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун кураш кескинлашмоқда.

Партия томонидан ишлаб чиқилган қайта қуриш концепцияси партиявий интизом ва масъулият ҳисси моҳиятига янгича ёндашишни, уларни ленинча тушунишни тиклашни, уларга КПССнинг новаторларча қарорларига жавоб берадиган мазмунни сингдиришни тақозо этади. Раҳбар кадрларнинг бир қисмида турғунлик даврида қарор топган сўз билан иш ўртасидаги чуқур фарқни охиригача бартараф этиш керак бўлади. Яқин ўтмишдаги воқеаларни биринчи навбатда шунинг учун ҳам идрок этиш керакки, улар келгуси ишларимизга сабоқ бўлсин. Кўпдан-кўп мураккаб, чигал масалаларга жавоб излашда В. И. Ленин меросига қайта-қайта мурожаат қиламиз.

В. И. Ленин «Кадетлик қилаётган социал-демократларга қарши кураш ва партия интизоми» мақоласида шундай деб ёзган эди: «Биз ишчилар партиясида интизомнинг аҳамиятига ва интизом тушунчасига қандай қараганлигимизни принцип жиҳатидан бир неча бор белгилаб олган эдик. *Ҳаракат бирлиги, муҳокама ва танқид эркинлиги,* — бизнинг белгилаганимиз ана шудир. Фақат ана шундай интизомгина илғор синфнинг демократик партиясига муносибдир» (Тўла асарлар тўплами, 14-том, 141—142-бетлар). Ғоявий бирлик билан бирга ташкилий бирлик ҳисобланмиш интизом партиянинг қарор топиши, ишлаши ва ривожланиши учун зарур шартдир. Ҳаракат бирлиги КПСС фаолияти жараёнида пайдо бўладиган

алоқа ва муносабатлар орқали таъминланади. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин интизомга ижтимоий алоқа сифатида қарарди (ТАТ, 39-том, 19-бет, 40-том, 364-бетларга қаралсин). Шундай қилиб, партиянинг, унинг алоқалари ва муносабатлари ривожланиши партия интизомини мустаҳкамлашни, КПСС тарихининг турли босқичларида партия интизоми мазмунининг диалектикаси учун асос яратади.

Партия МҚнинг 1987 йил январь Пленуми КПСС XXVII съезди қоидаларини ривожлантириб, демократия ва интизомни, мустақиллик ва масъулиятни, мансабдор шахслар ҳуқуқ ва вазифаларини уйғун равишда қўшиб олиб бориш социалистик демократизмнинг ҳал қилувчи белгиси, деб хулоса чиқарди.

Ўз табиатига кўра демократик бўлган партия интизомига коллектив равишда ишлаб чиқилган қарорларни бажариш жараёнида озчилик кўпчиликка онгли тарзда бўйсунган тақдирдагина эришиш мумкин. Партия ички демократиясининг моҳияти ҳам шунда. Интизомни мустаҳкамлаш айни бир вақтда демократияни мустаҳкамлашни ҳам англатади. Иккинчи томондан, демократияни ривожлантириш, ошкоралик, эркин муҳокама ва танқид шароитида коллектив қарорларни тайёрлашда ҳамда уларни амалга оширишда ҳар бир коммунистнинг иштирок этиши ягона ирода, ҳаракатларнинг ягона тартибини қарор топтиришга имкон беради, яъни интизом билан масъулиятни мустаҳкамлайди.

Интизом ихтиёрий ёки мажбурий бўйсунишни англатади. Партия интизоми ва ҳар бир киши ички интизомининг онгли характери партиянинг ўз табиатидан, коммунистларнинг ғоявий бирлигидан келиб чиқади. Идеалдаги юксак онглилик, яъни партия манфаатлари билан яшаш, уларни ўз фаолиятининг асоси деб билиш шароитидаги бўйсундириш «кўпроқ дирижёрнинг мулойим раҳбарлигига ўхшайдиган бир нарса бўлади. Агар аъло даражада интизом ва онг бўлмаса, бу бўйсундириш кескин диктаторлик формасига кирмоғи мумкин. Лекин қандай бўлмасин... ҳамманинг бир киши иродасига... *бўйсунмоғи* албатта зарур» (В. И. Ленин. ТАТ, 36-том, 226—227-бетлар).

КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, партия ички ҳаёти қанчалик хилма-хил бўлса, ленинча демократик централизмга нечоғлик қатъий амал қилинса, партиянинг ижтимоий жараёнларга кўрсатаётган таъсири шунчалик кучли ва самарали бўлади. Демократик централизм эса партия интизоми орқали амалга ошириладики, бунинг натижасида унда демократия билан централизм ўртасидаги, онгли интизом, ихтиёрий бўйсуниш билан мажбурий бўйсундириш интизоми ўртасидаги чораларнинг бутун мураккаблиги акс этади.

Партия раҳбарлиги бу сиёсий раҳбарлик бўлиб, бинобарин, партия кадрларига, аппаратга, уларнинг интизоми ва масъулиятига нисбатан қўйиладиган талаблар шунга мувофиқ бўлиши керак. В. И. Ленин «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарида пролетариат революцион партиясининг интизоми нимага асосланади, қандай текширилади, нима билан мустаҳкамланади деган саволга жавоб берар экан шундай деб ёзганди: «Биринчидан, пролетар авангардининг онглилиги ва унинг революцияга садоқати билан, унинг сабот-матонати, фидокорлиги, қаҳрамонлиги билан мустаҳкамланади. Иккинчидан, унинг жуда кенг меҳнаткашлар оммаси билан, биринчи навбатда, пролетар оммаси билан, *лекин шу билан бирга нопролетар* меҳнаткаш омма билан ҳам боғлана, яқинлаша, агар истасангиз, маълум даражада қўшила билиши билан мустаҳкамланади. Учинчидан, бу авангард амалга оширадиган сиёсий раҳбарликнинг тўғрилиги, унинг сиёсий стратегия ва тактикасининг тўғрилиги билан мустаҳкамланади, лекин буларнинг тўғрилигига жуда кенг омма *ўз тажрибасида* ишонч ҳосил қилиши шарт. Бу шартлар бўлмаганда... революцион партияда интизом барпо қилиб бўлмас эди» (ТАТ, 41-том, 7-бет).

Ленинча методология, коммунистлар интизоми ва масъулиятига ленинча ёндашиш мантиққа тўғри келмайдиган қуйидаги вазиятни чуқур тушуниш ва танқидий баҳолашга ёрдам беради: 70- ва 80-йилларнинг бошларида раҳбар кадрлар интизоми ва масъулиятини ошириш масалалари ҳам марказий, ҳам маҳаллий партия органларининг кун тартибидан тушмай қолганди, айни бир вақтда эса масъулиятсизлик, ноталабчанлик, фаолиятсизлик амалда нормага айланиб қолганди, мамлакатни ривожлантиришнинг пишиб етилган проблемалари ҳал қилинмасди. Интизом бўшашиб кетганди, жамиятда ва партияда ҳам ахлоқий муҳит ёмонлашиб кетганди.

Бундай аҳволнинг сабабларидан бири шунда эдики, асосий эътибор усткурма, маънавий, яъни иккиламчи омилларга қаратилганди, базисга оид, моддий, бирламчи проблемалар аллақачон ҳал қилинган деб ҳисобланарди. Бу онгни, тафаккурни қайта қуриш аспектларини ва улар билан боғлиқ интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш масалаларини тўғридан-тўғри, бир томонлама тушунишга олиб келди.

Қ. Маркс билан Ф. Энгельснинг «инсонларнинг турмуш шароити, ижтимоий муносабатлари, ижтимоий турмушлари ўзгариши билан уларнинг тасаввурлари, қарашлари ва тушунчалари, — қисқаси, уларнинг онглари ўзгариши...» тўғрисидаги фикрлари маълум (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, 125-бет). Бошқача қилиб айтганда, социалистик жамиятнинг турмуш уклади — ишлаб чиқариш усули, тақсимлаш формалари, чинакам демократия, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи — булар коммунистик онглиликка, интизом ва масъулиятга ҳал қилувчи даражада таъсир этади.

КПСС МК 1987 йил январь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, назарий фаолиятга етарлича баҳо бермаслик ва партия раҳбарлиги практикасидаги хато ҳамда нуқсонлар жиддий оқибатларга олиб келди. Буларга қуйидагилар киради: социализмнинг ленинча концепциясини сийқалаштириб талқин қилиш, кўпинча унинг назарий теранлиги ва аҳамиятини бемаънилаштириш; ишлаб чиқариш ва тақсимлашда жамиятнинг реал етуклигига мувофиқ келмайдиган, қатор ҳолларда унинг табиатига зид келиб қолган муносабатларни ўрнатиш; социалистик демократия тартиботлари ишидаги жиддий камчиликлар; эскирган, кўпинча реал воқеликка жавоб бермайдиган сиёсий ва назарий кўрсатмалар, йўл-йўриқлар; бошқаришнинг консерватив механизми; социал масалаларга лоқайдлик; социал таназзул, маънавий муҳитнинг ёмонлашиши, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботнинг бузилиши. Бунинг натижасида жойларда раҳбар, шу жумладан партия кадрларининг талабчанлиги, интизоми ва масъулияти бўшашиб кетди.

Яна бир сабаб партия ўзининг, партия ички муносабатлари, унинг кадр корпусининг аҳволи билан боғлиқ. Бу ерда гап салбий ҳодисаларга қарши курашда партия ташкилотлари, комитетлари, бюролари, партия кадрларининг журъатсизлиги, қолаверса принципсизлиги, қуюшқондан чиқиб кетишлар, интизомнинг бўшашиб кетганлиги, коммунистларда ғоявий-сиёсий ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларига, ишда коллегиалликка катъий амал қилишга эътиборнинг сусайиб кетганлиги тўғрисида боряпти. Кўпгина коммунист-раҳбарлар контрол ва танқиддан холи бўлди, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишди. Улардан айримлари жиноятларда иштирок этишди, баъзида уларни ташкил этишди ҳам. Кўпинча партияга ва унинг раҳбарлик лавозимларига ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик белгиларига қараб ўтказилди, поралар орқасида нопок, ғаразгўй одамлар суқилиб кириб олишди.

Ўзбекистон партия ташкилотидаги вазият бир қисм раҳбар кадрлар маданий савиясининг пастлиги, партия этикаси ва социалистик ахлоққа зид бўлган урф-одат ва анъаналарнинг таъсири, ислом ҳимоячилари фаолиятига йўл қўйиб бериш туфайли яна ҳам мураккаблашган эди. Раҳбарликнинг буйруқбозлик-тазйиқ ўтказиш методи, партия органларининг маъмуриятчилиги биринчи навбатда одамлар билан ишлашга анча зарар етказди, кадрларнинг масъулиятини, мустақиллигини пасайтирди, улар ўртасида хушомадгўйлик, лаганбардорлик, «мансаби каттароқларга» ҳамду сано ўқишларни келтириб чиқарди. «Муносиб» раҳбарнинг ўзига хос бир стереотипи юзага келди: буюрганни қилади, бошлиққа гап қайтармайди, демак «ишонса бўладиган». Қанчалик оғир бўлмасин, шуни эътироф этиш керакки, ўз фикрига эга бўлган, мустақил иш кўрган ва ўйламасдан чиқарилган қарорларга қаршилик кўрсатган одам эмас, балки ҳар қандай кўрсатмани, ҳатто у соғлом ақлга тўғри келмаса, жамият манфаатларига зид келса, ҳатто қонунсиз бўлса ҳам лом-мим демай сўзсиз бажарадиган одамлар ишончли одамлар деб ҳисобланди. Бундай шароитда онгли, иxтиёрий партия интизомининг ўрнини кўпинча Устав талабларини сохта тушунишга асосланган мажбурий бўйсуниш эгалларди.

Назарияни ривожлантирмасдан, иқтисодий ислоҳотни ўтказмасдан ва демократик тартиботларни такомиллаштирмасдан туриб интизом ва масъулиятни

мустаҳкамлашга уриниш вазиятни жиддий ўзгартириб юборолмади. КПСС МК 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди, унинг Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қайта қуриш стратегиясини, партия ишининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Интизомни мустаҳкамлаш ва партия кадрлари масъулиятини ошириш тадбирлари шундан келиб чиқади.

Партия комитетлари фаолияти иқтисодий ислоҳот, жамият ва партияни демократиялаш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишни таъминлаши, унинг давлат ва хўжалик органлари, идеология, илмий, ижодий ва жамоат ташкилотлари учун қайта қуришда намуна бўлиши учун бу ерда чиндан ҳам энг яхши кучларни тўплаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак бўлади. Анкета тарқатиш йўли билан маълумоти бўйича мутахассислиги, илгариги лавозимлари, ёши, жинси, миллати ва бошқаларни аниқлашнинг ўзи бу ишда ҳал қилувчи тадбир бўлиб қолмаслиги керак (бу жиҳатларни ҳисобга олиш зарурлиги ўз-ўзидан шубҳасиздир). Ҳозир, қайта қуриш босқичида айниқса шундай одамларнинг қадрига етиш керакки, «уларнинг қуруқ сўзга ишонмасликларига, ҳеч қандай виждонсизлик қилмасликларига кафил бўлиш мумкин бўлсин», улар «ҳар қандай қийинчиликлар борлигини тан олишдан қўрқмасликлари ва ўз олдиларига қўйилган жиддий мақсадга эришув йўлида олиб бориладиган ҳар қандай курашдан қўрқмасликлари лозим» (В. И. Ленин. ТАТ, 45-том, 437-бет).

Республиканинг кўпгина партия комитетлари ҳозир кадрлар билан ишлаш программаларига эга ёки уларни ишлаб чиқмоқдаки, бу программалар одамларни уларнинг сиёсий ишчанлик ва маънавий хислатларини ҳисобга олиб танлашни назарда тутади. Лекин бу ишда бир нозик жиҳатга эътибор бериш керак: Программаларда социал тузумимиздаги барча энг яхши нарсаларни танлаб олиш эмас, балки ҳисобга олиш ҳақида гап боряпти (ўша жойда, 437-бетга қаралсин). Ленинча ёндашишдан принципиал фарқ қиладиган жиҳат худди шундадир.

Шаҳар, район партия комитетларининг тобора кўпчилиги раҳбарликнинг соф тармоқ принципини (бўлимлар) функционал принципи билан қўшиб олиб боришга интилмоқдалар, гарчи бу функционал принцип партия қурилиши тарихидан маълум бўлса ҳам, лекин улардан ҳозир сифат жиҳатдан бутунлай бошқа даражада фойдаланилмоқда. Гап бу ерда ҳар томонлама назорат қилиб бориш тўғрисида боряпти, яъни райком инструктори бир гуруҳ бошланғич партия ташкилотларининг ишларини назорат қилиб, уларнинг фаолиятига боғлиқ беистисно ҳамма масалалар билан шуғулланади. Шундай қилинганда у «идорачилик» таъсиридан холи бўлади, бошланғич ташкилот ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини кўради, бинобарин, анча самарали ёрдам кўрсатиши мумкин бўлади. Навоий шаҳар, Тошкентнинг Ленин райони партия комитетлари, баъзи бир бошқа партия комитетлари бу йўналишда изланмоқдалар. Бунда зарур шарт — вазиятни чуқур, батафсил ўрганиш ва баҳолаш, кадрлар составининг имкониятларини, шаҳар, район партия комитетлари аппарати ходимлари, биринчи навбатда инструкторлар малакасининг юксак даражасини ҳисобга олишдир, зеро инструкторлар ҳам ташкилотчилик, идеологик фаолият, хўжаликка раҳбарлик қилиш санъатини бошқалар билан баравар эгаллашлари керак ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам Навоий шаҳар партия комитетида инструкторлик вазифасига штатдаги партком секретарларини, шаҳар Совети депутатларини, раҳбарларни, яъни одамлар билан ишлаш тажрибаси ва кўникмасига эга бўлган кишиларни тавсия қилишга интиладилар. Гарчи дастлабки натижалар кишида ишонч туғдирса ҳам ҳозирча бирон бир хулоса чиқаришга ҳали эртароқ.

Партия аппарати иши самарадорлигини, бинобарин, унинг кадрлари масъулиятини ошириш учун яна ҳам «радикал» тадбирларни таклиф этишяпти. Масалан, область партия комитетларидаги ташкилий-партиявий ишлар бўлимларини тармоқ ва идеология бўлимлари ҳисобига йириклаштириш, шаҳар, район партия ташкилотларини комплекс бошқариш имконияти туғилиши учун зонал группалар ташкил этиш керак. Бунда тармоқ бўлимларини ортиқча бўғинларни йўқотиш ҳисобига бирлаштириш ва қисқартиш (одамларнинг бир қисмини ва тегишли функцияларни ташкилий-партиявий ишлар бўлимига ўтказишдан ташқари) мумкин: секретарь билан бўлим мудири лавозимларини бирлаштириш, сектор мудирлари билан инструкторларнинг бевосита секретарь билан иш битириши учун бўлим мудири ўринбосари лавозимини тугатиш мумкин.

Йирик область партия комитетларида мавжуд секретарлар базасида кадрлар билан ишлаш бўйича марказлар ташкил этиш эҳтиёжи тобора кучлироқ ҳис этиляпти. Бундай марказларнинг вазифаси — методикаларни яратиш, кадрларга бўлган эҳтиёжни узоқ муддатни мўлжаллаб прогнозлаш, уларнинг хизмат жойларини ўзгартириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказишда ва юқори вазифага кўтаришда социолог, психологларни жалб қилган ҳолда анкета тарқатиш, топшириқ бериб билим савиясини аниқлаш, компьютер техникаси базасида кадрларнинг сифат состави ҳақидаги маълумотларни мунтазам (ҳозиргидай йилида бир марта эмас) йиғиш ва қайта ишлаш, улар билан ишлашдаги мавжуд тажрибани умумлаштиришдан иборатдир.

Шуни айтиш керакки, раҳбарликнинг сиёсий методларига бурилиш ниҳоятда секин амалга ошириляпти, кўпинча партия ходимлари уларга бўлган чуқур эҳтиёжни ҳис этмаяптилар, кўрмаяптилар. Кўпгина партия комитетларида қарор топган услуб биринчи навбатда иқтисодий ислоҳотни ва ижтимоий ҳаётни демократиялаштиришни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқадиган узоқ муддатга мўлжалланган программаларни бажариш эмас, балки ижрочилик, оперативлик, жорий, кундалик масалаларни ҳал этишга мойиллик сингари хислатларни шакллантиради. Баъзида шундай ҳам бўладики, айрим кишилар қайта қуришга бўлган даъватни сўзда баралла қўллаб-қувватлайдию, амалда эса соғлом ўзгаришларга ҳар томонлама қаршилик кўрсатадилар. Коммунистлар бундай аҳвол билан, айрим раҳбарларнинг фаолиятсизлиги, масъулиятсизлиги, сусткашлиги, қайта қуришга лоқайдларча муносабати билан муроса қилишни истамаяптилар. Бунинг исботи тариқасида бир факт келтирамиз. КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми қарорига мувофиқ сайлаб қўйиладиган партия органларининг ҳисоботларини муҳокама қилган пленумлар ва мажлислар давомида республикада 627 партком ва партбюро иши қониқарсиз деб топилди, вазифаларини уддалай олмаган ёки обрўсини тўккан шаҳар ва район партия комитетлари бюросининг 73 аъзоси ўзгартирилди. Тошкент область Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари, Коммунистик райкомининг секретари вазифасидан бўшатилди.

Маҳаллий партия комитетлари пленумлари материаллари партия ишини қайта қуриш процессини секинлаштираётганини кўрсатувчи кўпдан-кўп фактлар, ижтимоий ҳаётни янада демократиялаштириш вазифалари билан партия аппарати фаолияти услуби, методлари ўртасида зиддиятлар борлигидан далолат беради. Чунончи, Самарқанд шаҳар партия комитети аппарати хўжалик, баъзида диспетчерлик функцияларидан қийинчилик билан қутулмоқда. Тармоқ бўлимларида идорачилик психологияси, кабинет иш услубига ҳали ҳам барҳам берилмаган. Қарорларни бажаришни ташкил этиш ўрнига хўжакўрсинга активлик кўрсатилади, кенгашлар ўтказилади, тадбирлар белгиланади, лекин улардан кейин тегишли равишда амалий иш қилинмайди. Бундай практика бошқа кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари учун ҳам характерлидир. Фарғона шаҳар партия комитети пленумида механика заводи партия комитетининг секретари А. А. Отабоев кейинги икки ярим йил ичида шаҳар партия комитетининг улар партия ташкилоти ишини назорат қилиб борадиган инструктори заводда атиги икки марта бўлганини айтди. «Раҳбарлик» эса одатда телефон қўнғироқлари ва циркулярлар воситасида амалга ошириларди.

Социологик тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, партия аппарати ходимларининг 79 проценти ҳозир ҳам совет ва хўжалик раҳбарларининг ишини бажаришади, уларнинг майда-чуйда ишларига аралашишади. Партия ходимларининг 61 проценти, аппарат асосан жорий, кундалик вазифалар ва йўл-йўриқларни бажариш билан банд, деб ҳисоблашишади. Партия ходимининг учтасидан биттаси мустақил иш қилиши, ташаббус кўрсатиши, ижодий ёндашиш учун кам имкониятга эга, 35 проценти тобора ўсиб бораётган талаблар ва бериб қўйилган ҳуқуқларга мос эмаслигини, иккитадан биттаси — иш кунининг ниҳоятда интенсивлигини, иш натижаларининг яққол кўзга ташланмаслигини, иш кунининг нормалаштирилмаганини кўрсатиб ўтишди. Мана шу ва бошқа сабабларга кўра партия ходимларининг 51 проценти ўз ишидан кўнгли тўлмайди.

Шундай қилиб, ўз умрини яшаб бўлган ижтимоий, биринчи навбатда иқтисодий алоқаларнинг партиявий раҳбарлик механизмига кўрсатган салбий таъсири, маҳаллий партия комитетларининг бу таъсирни бартараф этолмаганликлари,

кўпгина партия ходимларининг перспектив вазифаларга зарар келтирган ҳолда асосан жорий вазифалар ва кўрсатмаларни бажариш билан банд бўлиши, «пастдан бўладиган» ташаббусни кўпинча хуш кўрмасликлари парткомлар фаолиятини қайта қуришни жиддий равишда секинлаштиряпти. Унинг эскириб қолган мазмун ва методлари — сиёсий эмас, кўпроқ маъмурий методлари партия ходимларида норозилик туғдирмоқда, уларнинг ташаббусини, мустақиллигини, ижодини бўғиб қўймоқда, интизом ва масъулиятни пасайтириб юбормоқда.

Партия ходимларининг кўпчилиги (82 процентдан ортиғи) партия комитетлари билан партия ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш биринчи навбатда интизомни мустаҳкамлаш ва раҳбар кадрлар масъулиятини кучайтириш билан қўшиб олиб борилиши керак деб ҳисобламоқдалар. Бунда улар партия комитетлари аппарати иши самарадорлигини ошириш тадбирлари ичида партия, совет ва хўжалик органлари функцияларини чегаралашни биринчи ўринга қўймоқдалар (жавобларнинг 58 проценти), учтасидан биттаси партия аппарати ходимларининг функцияларини аниқ белгилаб бериш зарур, деб кўрсатмоқдалар.

Интизомнинг онгли характерда бўлишига В. И. Ленин жуда катта аҳамият бергани маълум (ТАТ, 36-том, 298-бетга қаралсин).

Ҳозир партия кадрларининг юксак масъулияти шунчаки ўзича эмас, балки қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш шарти сифатида керак. Сўраб чиқилган партия ходимларидан 82 процентининг ҳисоблашича, онгли интизом, раҳбар кадрларнинг ташаббуси асосан уларнинг сиёсий етуклигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия активи ўртасида марксча-ленинча назарияни эгаллашга тор прагматик, формал муносабатда бўлиш кайфиятининг тарқалиши фактини писанд қилмаслик мумкин эмас. Кўпгина партия ходимлари марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганиш зарурлиги ва муҳимлигини оғизда эътироф этишиб, аслида эса унга интилишмайди, улар ҳаётий ва профессионал тажрибамиз бугунги шароитда ҳам етарли деб ҳисоблашади. Афсуски, ғоявий-сиёсий тайёргарликка бундай муносабатда бўлишга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Республикамизда ўтказилган социологик тадқиқотлар маълумотлари ҳам шуни тасдиқлайди. Партия аппарати ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг атиги 20—30 процентигина кадрларни юқори лавозимга кўтаришда партия ходимининг аналитик қобилиятини, унинг ўқишга ва ўз билимини мустақил оширишга мойиллигини, раҳбарлик тажрибасининг кўп қирралилигини, уларнинг фан-техника тараққиётининг жуда кўп проблемалари билан шуғулланишларини, бошқаришнинг илмий методларидан фойдалана олиш қобилиятини биринчи ўринга қўядилар. Ҳолбуки, айни шу аналитик қобилиятлар, вазият ва проблемаларни системали равишда кўриш, муҳим, асосий масалаларни ажрата олиш, уларни ҳал этишнинг рационал методларини топиш, иқтисодий тафаккур ҳозир ҳамма нарсадан ҳам зарур. Мана шу фазилатларнинг етишмаслиги туфайли кўпгина партия ходимлари беихтиёр ташкилотчилик функцияларини бажариш ўрнига контрол қилишга ўтиб олишади, фақат рақамлар билан иш кўришади, лекин одамларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларининг мотивлари кўпинча уларнинг эътиборидан четда қолади.

Партия ишига кўтарилаётган кишиларнинг ўқуви ва уларни синаб кўриш ҳозирги босқичда принципиал муҳим масала бўлиб қолди. Аслида гап, аввал уларни олий партия ўқув юртларида ўқитиб, имтиҳон қилиб, синаб кўриб, шундан кейингина партия органларига тавсия қилиш ҳақида боряпти. Базавий маълумоти ва ўқитиш вақтидаги билим савияси асос қилиб олинган тақдирдагина бундай ўқитишга ўтиш яхши самара бериши, истиқболли бўлиши мумкин. Бу ерда энг муҳими — янги тафаккурни шакллантиришни таъминлаш, КПСС тарихий тажрибасини эгаллаш, партия қурилишини ўрганишдан иборат.

КПСС МҚнинг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарори (1987 йил сентябрь) мустақил билим олишни ўқувнинг замонавий системасининг асосий йўналиши деб билади. Бу ишдаги қийинчиликлардан бири — зарур методикаларнинг йўқлиги бўлиб, уларнинг мавжудлиги тингловчилар олий ўқув юртларида ўрганган ёки мустақил ўрганишган фанларни Олий партия мактабида, қайта тайёрлаш факультетлари ва курсларда такрорлашдан воз кечишга, ўқитишнинг факультатив методини кенгайтиришга имкон берарди.

Партия ички турмушини янада демократиялаштириш интизомни мустаҳкамлаш ва партия кадрлари масъулиятини ошириш проблемаларини ҳал этишга янгича ёндашишларни талаб этади. Бу процессни ривожлантириш бўйича тадбирлар КПСС XXVII съезди, унинг Марказий Комитети Пленумлари томонидан ишлаб чиқилди, бу масала XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кун тартибига ҳам киритилган. Лекин бу ишда маълум қийинчиликлар бор. КПСС Уставининг 21-§ га мувофиқ ҳамма партия ташкилотлари маҳаллий масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга, лекин бу қарорлар партия сиёсатига зид келмаслиги керак. Лекин аслида ҳатто майда, принципиал аҳамиятга эга бўлмаган масалалар ҳам юқори лавозимдаги шахслар билан «келишиб» олинади. Партия кадрлари мустақил иш кўришда, ташаббус кўрсатишда, ўз зиммаларига масъулият олишда ҳали ҳам ҳадиксирайдилар. Партия ходимларининг атиги 17 процентига яқинигина, биз кўпроқ иш форма ва методларини танлашдагина ташаббус кўрсатамиз, деб таъкидлашади.

Сайлаб қўйиладиган партия органлари ролини ошириш, партия комитетлари аппарати фаолиятини ҳам ўзлари томонидан, ҳам қуйидан контрол қилишни кучайтириш, сайловларни демократиялаштириш, партия ходимларининг ўз фаолияти тўғрисида коммунистлар ва партиясизлар олдида ҳисобот беришлари, у қониқарсиз ишлаган пайтда уларнинг алмаштирилиши, танлашда, ишга тайинлашда, фаолиятни баҳолашда ошкоралик, аттестация, танқид ва ўз-ўзини танқид кундалик практикага тобора кенг кириб боряпти. Буларнинг бари партия кадрларини психологик жиҳатдан қайта қуришни талаб қилади, уларнинг интизомини мустаҳкамлашга ва қайта қуриш тақдири учун уларнинг масъулиятини оширишга ёрдам беради.

Ходимнинг хатти-ҳаракатини далиллаш, унинг манфаатлари билан жамият манфаатларининг мос келиши катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, бу проблема партия кадрларига татбиқан деярли ўрганилмаяпти. Ҳолбуки, ривожланишнинг ҳозирги босқичидаги асосий зиддиятларнинг партия кадрларининг фаолиятига, интизомига ва масъулиятига таъсир этишини эътиборга олмаслик мумкин эмас, бу зиддиятларга КПСС МК 1987 йил июнь, 1988 йил февраль Пленумларида ва 1987 йилнинг ноябрида КПСС МКда бўлиб ўтган кенгашда баҳо берилди. Бу: 1) янгиланиш талаблари билан консерватизм, ғаразли манфаатлар ўртасида; 2) аҳоли турли группалари, коллективлари, идоралар ва ташкилотлар манфаатлари ўртасида; 3) айрим шахс ва группаларнинг вақтинчалик, — тор маънода тушунилган манфаатлари билан жамият манфаатлари ўртасида; 4) меҳнат соҳаси ва тақсимлаш муносабатларидаги; 5) партия йўли билан етуклиги ва масъулият туйғуси етарлича бўлмаган, табиати нобоп, зарур тажриба ва билими йўқлиги туфайли ўз ролини яхши тушунмаган айрим партия ходимлари фаолияти ўртасидаги зиддиятлардир. Охирги зиддиятлар группасига, бизнингча, кадрлар иш шароити, меҳнат характери (ижодий, ижрочилик ва ҳоказо), қариндош-уруғчилик, таниш-билишлар, оилавий ҳолатлар, маиший турмуш билан боғлиқ зиддиятларни ҳам киритиш мумкин.

Бинобарин, вазифа манфаатларни ҳисобга олиб бориш, уларга таъсир кўрсатиш, уларни бошқариш ва улар орқали бошқаришдан иборатдир. Интизомни мустаҳкамлаш ва раҳбар кадрлар, шу жумладан партия ходимлари масъулиятини ошириш билан боғлиқ проблемаларнинг илдизи шу ердадир. Маҳаллий партия комитетлари бу йўналишдаги иш форма ва методларини такомиллаштирмоқдалар. Улардан асосийлари: партия кадрларида юксак ғоявий-сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий хислатларни, оқилона манфаатларни шакллантириш; коллектив раҳбарлик ва шахсий масъулиятни мустаҳкамлаш; функцияларни тўғри белгилаш, мустақиллик ва ташаббусни кенгайтириш; ошкораликни ва ишда контролни кучайтириш; танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш; меҳнат шароити ва уни рағбатлантиришни, партия кадрлари фаолиятини баҳолашни такомиллаштириш. Бу иш қайта қуриш вазифаларини ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий процессларга фаол таъсир кўрсатади. Унинг муҳимлиги ва долзарблиги ҳам шундан келиб чиқади. Ўйлаймизки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари уни яхшилашга самарали таъсир кўрсатади.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЎТИШ ШАРОИТИДА

Л. ГУЗЕНКО,
иқтисод фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИДА қабул қилинган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини хўжалик механизмини ўзгартиришсиз, бошқариш форма ва методларини ҳозирги талабларга мувофиқлаштирмасдан тасаввур этиб бўлмайди. КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, «барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик методларидан иқтисодий методларга, манфаатларни бошқариш ва манфаатлар орқали бошқаришни кенг демократиялашга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтиш — мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан қайта қуришнинг моҳиятидир».

Экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш асосий ишлаб чиқариш бўғинлари — корхоналарнинг (бирлашмаларнинг) самарали ишлаши учун шарт-шароит яратишни кўзда тутади. Ислоҳотни амалга ошириш давомида уларга кенг ҳуқуқлар берилади ҳамда уларнинг хўжалик ҳисоби асосидаги ҳақиқий мустақиллиги таъминланади. Бу ўринда хўжалик ҳисоби принципларини янада тўлароқ амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги хулосага социалистик экономикани ташкил этишда рационал ва самарали формаларни узоқ вақт изланиш натижасида келинганини таъкидлаш керак.

Хўжалик ҳисобининг дастлабки «одимлари» «ҳарбий коммунизм»дан янги иқтисодий сиёсат — нэпга ўтиш даврида бошқариш методларини революцион тарзда қайта қуриш билан боғланган эди. Ўша вақтдаёқ В. И. Ленин социализмга айнан мос келувчи хўжалик юритиш форма ва методларини излаш билан машғул бўлган эди. Шу сабабли ҳам демократик централизмни, узоқ муддатли иқтисодий нормативлар тимсоли бўлган хўжалик ҳисоби, озиқ-овқат солиғи ғояларини назарий жиҳатдан эгаллаш жараёнида ҳозирги кўпчилик проблемаларимизни тушуниш ва ҳал этиш калитини топа оламиз.

Хўжалик ҳисоби социалистик экономикани планли бошқаришнинг зарурий бўғини эканлигини эътироф этиш билангина иш битмайди. Тарих сабоқларини мушоҳада қилиш у хўжалик юритишнинг шунчаки бир методи бўлиб қолмай, балки катта аҳамиятга молик метод эканлигини кўрсатмоқда. Проблемаларнинг ҳозирги кўриниши ижтимоий мулкни иқтисодий реализация қилиш механизмида — ишлаб чиқаришни планлаштиришда, ягона структуравий, инвестиция ва илмий-техника сиёсатини амалга оширишда ушбу метод алоҳида роль ўйнашини тушуниш билан боғланган. Лекин ушбу формалар нақадар муҳим бўлмасин, уларнинг ўзи иқтисодий манфаатлар бирикишини таъминлай олмайди, хўжалик ҳаётига ва меҳнат коллективлари ҳамда айрим ходимларнинг моддий аҳволига бевосита таъсир кўрсата олмайди.

Айни шу сабабли кишилар кўпинча ижтимоий мулкни қандайдир мавҳум, фақат юридик форма сифатида идрок этадилар. Унга «давлат мулки», «эгасиз мулк» сифатида муносабатда бўлиш сабаби ҳам ана шунда. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида марксча-ленинча назариянинг асосий

ғояси: мулкка муносабат аввало инсон яшаётган реал шароит, унинг ишлаб чиқаришни ташкил этишга, меҳнат натижаларини тақсимлаш ва ундан фойдаланишга таъсир кўрсатиш имкониятлари билан шакллантирилиши таъкидланганлиги бежиз эмас.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев бу фикрни ривожлантириб, партия МК июнь (1987 йил) Пленумидаги докладида меҳнаткаш инсоннинг ўз иш жойида ҳам, коллективда ҳам, умуман жамиятда ҳам чинакам соҳиб бўлишини таъминлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг таъсирчан омилларини вужудга келтириш йўлини очиб берадиган воситадир деб таъкидлади. Сўнгра у шундай деди: «Бу — коллективлар ва айрим ходимларга жамоат мулкини тасарруф қилишда кенг имкониятлар бериш ва ундан самарали фойдаланиш учун масъулиятни ошириш, демакдир. Бу — меҳнаткашлар кенг оммасининг бригададан тортиб халқ хўжалигигача бўлган барча даражаларда экономикани бошқаришда қатнашишини амалда таъминлаш демакдир. Бу — меҳнаткашларнинг даромадларини ҳар бир киши ўз иш жойида, ўз корхонаси доирасида қандай ишлаётганлигига ва ниҳоят бутун мамлакатда иш қандай бораётганлигига, умуман пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўйилиши зарур, демакдир».

Корхоналарда (бирлашмаларда) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашини кўзда тутувчи тўлиқ хўжалик ҳисоби ана шундай шароит яратишнинг энг самарали усули, ижтимоий мулкни иқтисодий реализация қилишнинг ғоят муҳим формасидир. Тўлиқ хўжалик ҳисоби асосидагина меҳнатга ва унинг натижаларига соҳибларча муносабат шаклланади, меҳнат коллективларининг ташаббуси ва мустақиллиги реал заминга эга бўлади, уларнинг масъулият сезиши ва интизоми мустаҳкамланади. Корхоналарнинг (бирлашмаларнинг) мустақиллигини янада кўпроқ ошириш ва масъулиятини кучайтириш зарур эканлигини кўрсатган иқтисодий эксперимент ана шундай хулосага ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ғоясига олиб келди. Тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари улар фаолиятининг асоси бўлиб қолмокда. Бу эса ўз навбатида меҳнаткашларнинг халқ мулкига ўз шахсий мулкларидек муносабатда бўлишларини ривожлантиришга, умумхалқ социалистик мулкни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хўжалик ҳисоби бўғинига ажратиладиган ресурслар миқдори аввало у ёки бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарурати билан белгиланади. Шу билан бирга корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳиссаси коллективнинг моддий манфаатдорлиги принципи билан боғланиши керакки, бу ҳол унинг биргаликдаги меҳнат самарадорлигига, корхона хўжалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлишини тақозо этади. Бунга эса фойдани тақсимлаш узоқ муддатли характер касб этиб, беш йиллик йиллари бўйича табақалаштирилган миқдорда тасдиқланган барқарор нормативлар асосида амалга оширилган тақдирдагина эришиш мумкин. Бундай ҳолда капитал маблағлардан самарасиз фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларини топшириш муддатини барбод қилиш ва ҳоказолар нафақат умуман жамият учун, балки аввало ушбу хўжалик ҳисобидаги бўғин учун талафотларга олиб келади, яъни унинг ихтиёрига тушадиган маблағларни чеклаб қўяди. Демак, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш пировард натижада ижтимоий нормативли ҳамда хўжалик ҳисобидаги бўғин ихтиёрида қоладиган маблағлар билан давлатнинг марказлаштирилган даромадига ўтказиладиган маблағлар ўртасида аввалдан белгиланган узоқ муддатли планли пропорцияларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кетган харажатларни корхона маблағи ҳисобидан қоплашни англатади.

Фойданинг узоқ муддатга мўлжалланган нормативли-ҳиссали тақсимоти нафақат жорий хўжалик фаолиятининг натижалари учун, балки ички резервлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жамғармаси самарадорлиги учун ҳам қаттиқ молиявий интизомни таъминлаш имконини беради. Самарадорлик ошган тақдирда капитал маблағларнинг тежалган қисми ва оборотдан бўшатиб олинган маблағлар бутунлай корхона ихтиёрида қолади. Самарадорликнинг етарлича бўлмаслиги эса молия ресурслари тақчиллигига ҳамда нафақат жорий

эхтиёжларни таъминлаш билан, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан ҳам боғлиқ қийинчиликларга олиб келади.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида кредитдан фойдаланиш механизми ўзгаради, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ўз маблағи етмаган тақдирда корхоналарга кредит бериш мумкин бўлади. Бу ҳол ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига зид бўлмайди, чунки қарзни узиш ва процентларини тўлаш пул жамғармаларини ҳам қўшган ҳолда корхона маблағлари ҳисобига, яъни норматив бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қолдириладиган фойда ҳиссаси доирасида амалга оширилади. Кредит беришни, бизнингча, конкурс асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди, бунда энг самарали лойиҳалар тақдим этган ва маблағларнинг белгиланган ҳажмининг камида 1/2 қисми миқдорида ўз маблағ манбаларига эга бўлган корхоналарга имтиёз бериларди. Планлаштирилган бошқа харажатларни пул билан таъминлашдан зарар кўрмаган ҳолда банк билан ҳисоб-китоб қилиш учун корхона кредит бериладиган тадбирлардан олинадиган фойдани планда кўзланганча кўпайтиришни таъминлаши лозим. Ресурслар ажратишнинг бундай формаси хўжалик ҳисобида пул билан таъминлашнинг асосий принципларига жавоб беради ҳамда хўжалик ҳисоби муносабатларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини кучайтиришга кўмаклашади.

Лекин ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамма нарсани қамровчи характер касб этиши, унинг воситасида барча капитал маблағлар реализация қилиниши мумкин эмас, чунки бу ҳол социалистик такрор ишлаб чиқариш қонунларига зид келиб қолар эди. Турли тармоқларнинг ривожланишидаги планли нотекислик — бу нарса улар ичида етакчи тармоқларнинг устун даражадаги суръатларда ўсишида ҳамда фан-техника тараққиёти натижасида принципиал янги ишлаб чиқаришлар пайдо бўлишида ифодаланади — экономика тармоқ структурасини вақти-вақти билан қайта қуриш зарурратини келтириб чиқаради. Бундай қайта қуришни амалга ошириш корхоналар соф даромадининг анчагина қисмини давлат бюджетида жамлашни ва унинг орқали қайта тақсимлашни талаб этади. Бюджет воситасида пул билан таъминлаш методлари ишнинг узоқ муддатли истиқболда самарали хўжалик юритиш учун қулай шароитни таъминлашни мақсад қилиб қўйган қисмига ҳам мувофиқ келади. Булар аввало ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасидаги асосий илмий тадқиқотлар, принципиал янги техника яратиш, инфраструктура объектларини бунёд этиш, мамлакатнинг янги районларини ўзлаштириш, геология-қидирув ишларини олиб бориш ва ҳоказо ишлардир.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш социалистик жамиятга локал оптимумга қараганда глобал (халқ хўжалик) оптимум устунлигини амалга ошириш имконини берадиган марказлаштирилган бошқариш учун альтернатива бўла олмайдики, социализмнинг асосий афзалликларидан бири ҳам ана шундай глобалликдадир. Лекин ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш корхоналарнинг мустақиллиги билан узвий бирикувчи янгича типдаги централизмни белгилайди. У марказ вазифаларини ўз зиммасига олмайди, балки ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бошқа бирорта даражасида ҳал этиб бўлмайдиган проблемаларни унинг даражасида реализация қилади. Бундай вазиятда марказий органларнинг корхоналар билан муносабати улар фаолиятини ипидан игнасигача регламентлашга асосланиши керак эмас, балки корхоналарнинг манфаатлари ва раҳбарликнинг иқтисодий методларидан фойдаланишга таянган ҳолда корхоналар ишлаши учун зарур шароит яратиб беришга қаратилиши керак. Бунда корхона социализм ишлаб чиқариш муносабатлари системасининг актив субъекти сифатида марказда қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш қобилияти ва имкониятидек янги сифатларга эга бўлади. Шундай қилиб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш корхона коллективини хўжалик ҳисоби асосида ишлаб топилган маблағлардан фойда олишга йўллаб, унинг социалистик ишлаб чиқаришни планли бошқаришдаги ролини жиддий равишда оширади.

«Экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий қоидалари»да тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтишда корхоналарнинг коллективлари ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашдаги иккита моделдан бирини танлаб олиш-

лари мумкин деб таъкидланган. Иккала модель практикада синаб кўрилган ва яхши натижалар берган.

Биринчи модель фойдани нормативлар асосида тақсимлашга асосланган. Бу ҳолда бюджет ва юқори орган томонидан у ҳисоб-китоб қилинади, кредит учун процентлар тўлангач, қолган қисми корхона ихтиёрига тушади. Ушбу қолган қисмидан нормативлар асосида ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш, социал ривожланиш, моддий рағбатлантириш фондлари ҳосил қилинади. Бундай моделда хўжалик ҳисобининг даромади иш ҳақи фонди ва қолган фойдадан ташкил топади.

«Средазхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи 1987 йил январидан бошлаб ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг биринчи модели асосида ишлаяпти. Бирлашманинг бюджет билан ҳисоб-китоби ишлаб чиқариш фондлари учун ҳақ тўлаш ва фойдадан чегириш кўринишида марказлашмаган тартибда амалга оширилянти. Тўловлар нормативлари қуйидагича табақалаштирилган: ишлаб чиқариш фондлари учун ҳақ тўлаш — уларга нисбатан рентабеллик даражасига боғлиқ ҳолда, фойдадан чегириш эса — маҳсулот рентабеллигининг унинг таннархига боғлиқлиги асосида.

1987 йили «Средазхиммаш» бирлашмаси бюджет учун чегирмасининг умумий суммаси балансдаги фойданинг 31,2 процентини ташкил этди. Бундан буён у ўсиб боради, чунки, юқорида таъкидланганидек, бюджетга чегириб қолиш рентабелликка боғлиқ қилиб қўйилган. Беш йиллик охиригача чегирманинг ҳиссаси 38 процентгача кўпаяди (бирлашма бўйича фойданинг миқдори 2,8 баравардан кўпроқ ўсиши билан бирга).

Бюджет учун мажбурий тўлов ҳамда министрлик ҳисобига чегирмалардан сўнг қоладиган фойданинг суммаси ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуроллантириш ва кенгайтириш, меҳнаткашларни моддий рағбатлантиришни маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи, шунингдек, социал ривожлантириш харажатларининг негизи бўлиб қолади. «Средазхиммаш»да 1987 йили бюджет ва министрликка чегирилгандан сўнг олинган фойданинг 61,3 проценти ўз эҳтиёжлари учун қолди. Ана шу маблағнинг 56,4 проценти ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондига, 16,9 проценти моддий рағбатлантириш фондига, 26,7 проценти эса социал ривожлантириш фондига ажратилди. Агар 1986 йили бу ерда капитал қурилиш учун 200 минг сўм ажратилган бўлса, 1987 йилда (кўчиб ўтган маблағларни ҳам ҳисоблаганда) 1 миллион 370 минг сўм ажратилди (уй-жой қуришга 1 миллион 200 минг, болалар боғчаси қурилишига 170 минг сўм ажратилди).

Янгича шароитда ишлаш мустақилликни ва хўжалик соҳасидаги ташаббускорликни кенгайтирди. Масалан, бирлашмани техникавий қайта қуроллантириш планини амалга ошириш ҳар йили камида 4 миллион сўмлик янги ускуналарни харид этишни талаб этади, марказлаштирилган тартибда эса фақат 600 минг сўм ажратилади. «Средазхиммаш» ҳам ўзининг янги ҳуқуқларидан фойдаланиб, ўз станоксозлигини ривожлантиришга, шунингдек ташқи бозорга чиқишга қарор қилди. 1987 йили компенсация асосида бирлашмага ностандарт ускуналарни етказиб бериш юзасидан ГДРдаги турдош фирма билан бевосита шартнома имзоланди.

Бошқа бир мисол — Карелия металлургия заводи билан шартнома бекор қилинди. Материалларни бир маромда етказиб бермаслик, заводнинг ўз сўзи устидан чиқмаслиги билан бундан буён кўникишни истамаган коллектив қуйиш ишларини бевосита бирлашмада йўлга қўйишга, бу билан транспорт харажатларини ҳам тежаб қолишга қарор қилди. Албатта, ўз кучларига таяниш принципи ҳар доим ҳам истеъмолчининг манфаатларини муҳофаза қила олмайди, лекин ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаш илгарилари чорасиздек бўлиб кўринган вазиятлардан чиқиш йўлини излашга мажбур қилади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг эркин бозорини ташкил этишгина кўпгина иқтисодий кулфатларимизнинг туб сабабига — ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига ўз ҳукмини ўтказишига барҳам бера олади. Етказиб берувчилар истеъмолчилар ортидан югуришлари керак, аксинча бўлиши мумкин эмас. Шундагина етказиб бериш муддатларининг бузилиши ёки тайёрланадиган маҳсулот паст сифатли бўлиши улар учун ҳамёнга зарар келтирадиган бўлади. Ҳозир эса мод-

дий қадриятларнинг тахминан 30 проценти улгуржи савдо йўли билан тақсимланяпти, 1992 йилга бориб эса ушбу кўрсаткични 75—80 процентга етказиш белгиланган.

Меҳнат унумдорлигини, фойдани ва ишлаб чиқариш умумий ҳажмини планлаштириш соҳасида ҳам ҳамма иш силлиқ бораётгани йўқ. Бу борада бирлашмада муайян мустақиллик пайдо бўлди. Етказиб берувчилар билан келишган ҳолда у шартномалар асосида етказиб бериш муддатларини йил ичида ўзгартириши мумкин. Бу эса ишдаги кўрсаткичларни яхшилашда муҳим омил бўлади. Лекин буюмлар номенклатурасини планлаштиришга корхона ҳуқуқлари кескин қисқаряпти, чунки маҳсулотнинг деярли 100 проценти давлат буюртмаси асосида чиқариляпти, бевосита алоқалар асосида шартномалар тузиш учун резерв амалда йўқ, оператив хўжалик фаолиятида манёвр қилишга имконият мавжуд эмас.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда белгиланган ҳуқуқлардан «Средазхиммаш» тобора кенгроқ фойдаланмоқда. Масалан, ўз маблағлари ҳисобига топширилаётган уй-жой фондининг 15 процентгача қисми юқори малакали мутахассисларга навбатсиз берилмоқда, штат жадвалига мувофиқ бўлган ўртача окладлар чекланмаяпти, инженер-техник ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлашда аккорд формасига қадар турли хил формалар қўлланяпти, мукофотлашга доир типовой низомлар бекор қилиниб, ишлаб чиқаришнинг конкрет шароитлари билан боғлиқ ўз низоми ишлаб чиқилди; моддий рағбатлантириш фондининг бир қисми бирлашманинг техника жиҳатидан қайта қуролланишига, янги техника ва илғор технологияни жорий этишига ёрдам берувчи шерик корхоналарга ажратилади.

«Средазхиммаш»нинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитидаги дастлабки иш якунлари кўрсатишича, 1987 йилда ҳажмий кўрсаткичлар бўйича, шартнома мажбуриятларига риоя қилинишини ҳисобга олган ҳолда реализация қилиш бўйича, меҳнат унумдорлиги бўйича план топшириқлари бажарилмаган бўлсада, фойда олиш плани ошириб бажарилган. Олинган 1 миллион 600 минг сўмлик қўшимча фойда керакли миқдорларда рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш, ўз вақтида Қурилиш банкига взносларни, бюджетга тўловларни тўлаш, олинадиган маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш имконини берди.

Лекин «Средазхиммаш»нинг проблемалари ҳали оз эмас. Улар аввало халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш плани бирлашманинг ишлаб чиқариш қувватлари билан балансланмаганлиги, планлаштиришда иқтисодий методларга ўтилиши, цех ва бригадалар хўжалик ҳисобининг жорий этилиши, бевосита узоқ муддатли алоқалар ўрнатилиши, ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдоси жорий этилиши, ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси оширилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг янгиланиши ва ҳоказо сабаблар билан боғлиқдир.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва тўлиқ хўжалик ҳисоби корхоналар ишидаги жиддий нуқсонларни, ишлаб чиқаришни планлаштириш, бошқариш, ташкил этишдаги камчиликларни очиб ташлади. Уларнинг кўпларига барҳам бериш министрликларга боғлиқ, корхоналарнинг қабул қилинувчи қарорлар натижаларини олдиндан кўришига ва уларни бажаришга доир ишларни ташкил эта олишига масъул бўлган раҳбарияти шуғулланиши керак бўлган масалалар ҳам оз эмас. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг меҳнат коллективларида муҳокама қилиниши бу йўналишда катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Афсуски, кўп ҳолларда асосий эътибор рационал хўжалик юритиш йўли билан ишлаб топилган маблағни кўпайтиришга эмас, балки уни тақсимлаш ҳуқуқига қаратилмоқда. Хусусан, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва тўлиқ хўжалик ҳисоби шароитида ишлаётган корхоналарнинг аксарияти 1988 йил учун ички резервлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига оширилган планлар қабул қилмаганлиги факти ана шундай хулосага олиб келади.

«Средазхиммаш» бирлашмасининг иш тажрибаси ишнинг муваффақияти меҳнат коллективларида қунт билан тушунтириш ва ташкилотчилик иши олиб боришга боғлиқ эканини ишонарли тарзда тасдиқламоқда. Тўлиқ хўжалик ҳисоби принциплари цех, участка, бригадаларга изчиллик билан етказилиши ва бунда барча кадрларнинг билимдонлигини оширишга, улар томонидан янгича

иқтисодий методлар эгалланишига биринчи даражали аҳамият берилиши керак.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг **иккинчи модели** (коллектив пудрат методи) ялпи даромадни нормативлар асосида тақсимлашга асосланади. Корхона оладиган даромаддан ана шу модель доирасида ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилишга кетган моддий сарф-харажатлар чиқариб ташланади. Сўнгра бюджет ва юқори орган билан ҳисоб-китоблар қилинади, кредит учун процентлар тўланади. Қолган қисм эса корхонанинг хўжалик ҳисобидаги даромадидир. Ундан нормативлар бўйича ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фонди ва социал ривожланиш фонди ҳосил қилинади, улардан қолгани эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона фондини ташкил этади. Шундай қилиб, иш ҳақи коллективнинг хўжалик ҳисобидаги даромадига бевосита боғлиқ бўлади.

Ушбу модель ички завод миқёсида ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни ҳосил қилишга ҳам йўналтирадики, унда ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси — цех, участка, бригада — чинакам хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар бўлиши керак. Ишнинг бундай йўлга қўйилиши ички завод нархлари системасини ишлаб чиқишни, цех, участка, бригадаларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва фаолият натижаларини ҳаққоний ҳисобга олишни ташкил этишни талаб этади.

Тўлиқ хўжалик ҳисобининг иккинчи моделини такомиллаштириш мақсадида, бизнинг назаримизча, иш ҳақи фонди давлат бюджетига ва министрликка нормативлар бўйича чегириб қолгандан сўнг қоладиган корхонанинг ялпи даромади нормативи бўйича белгиланиши керак. Даромаднинг қолган қисми ишлаб чиқариш, илмий-техника ва социал ривожланишга йўналтирилиши керак. Бунда айрим йўналишлар бўйича нормативларни тасдиқлаш, бизнингча, даркор эмас, чунки меҳнат коллективи ўз ривожланишининг муайян босқичида маблағларни қайси соҳага — ишлаб чиқариш, илмий-техника ёки социал соҳага — сарфлаши унинг ўзига яхшироқ маълум. Пировард натижа — ялпи даромад учун ишлаётган меҳнат коллективи ўз корхонасининг оптимал равишда перспектив ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ўзи қарор қабул қилади. Хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашнинг, ишга соҳибларча муносабатнинг, пировард натижада эса ижтимоий мулкни самарали реализация қилишни таъминлашнинг жиҳатларидан бири ҳам айни шундадир.

Корхоналарнинг ўзи ишлаб топган маблағларини мустақил сарфлаш ҳуқуқи сарф-харажатлар самарадорлиги устидан давлат контрол қилишидан воз кечишни англатмаслигини таъкидламоқчиман. Қолаверса, хўжалик юритишнинг янги шароитида молия механизмининг чиқимларга қарши йўналганлиги кучайтирилади.

Кўпчилик тармоқлар корхоналарида 1987 йили ўрнатилган янги кўрсаткич — товар-моддий қадриятларнинг маҳсулот ҳар бир сўми ҳисобига тўғри келадиган запасларнинг энг юқори даражаси нормативлари аввало ана шу йўналишга хизмат қилади. Улар беш йиллик планлари бўйича шундай ҳисоб-китоб билан ишлаб чиқилганки, запаслар ҳар бир сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва шу йўл билан КПСС XXVII съездининг яқин беш йил ичида халқ хўжалигининг ёқилғи, хом ашё ва материалларга бўлган қўшимча эҳтиёжини уларни тежаш ҳисобига 60—65 процент қондиришни таъминлашдан иборат йўл-йўриғини амалга оширишга эришиш кўзда тутилади. Моддий ресурслардан норационал фойдаланиш учун жуда қаттиқ молиявий санкцияларни изчил қўлланиш ҳам ана шунга ёрдам беради: ресурсларни ортиқча сарфлаган тақдирда бюджетга ортиқча сарфланган ресурсларнинг икки ҳисса қиймати миқдорида тўлов ундириб олинади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига молиявий таъсир, (хусусан, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги планли нисбат бузилишига нисбатан санкциялар қўллаш орқали кучайтириляпти. Амалдаги тартибга мувофиқ, иш ҳақи ортиқча ўсган тақдирда моддий рағбатлантириш фондининг тегишли қисми резервга олинади ёки социал ривожланиш фондига ўтказилади. Ҳозир ана шу маблағларни меҳнат унумдорлигини оширишни таъминловчи тадбирлар ўтказилиши учун ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондига йўналтириш хусусидаги масала қўйиляпти.

1988—1989 йилларда ишловчилари ва иш жойлари миқдорига боғлиқ ҳолда

корхоналар фойдасидан маҳаллий бюджетларга чегирмалар жорий қилиниши ҳам янгилик бўлди. Бу, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, уни ташкил этишни яхшилаш негизида ишловчиларнинг кам миқдори билан белгиланган топшириқларни бажаришга эришишга йўналтиради.

Тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиш корхоналарнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтиришнигина эмас, балки уларнинг ўз иши натижалари учун иқтисодий масъулиятини кучайтиришни ҳам тақозо этишига эътибор бериш муҳим. Агар корхона олинган маҳсулотга ҳақ тўлашни кечиктириб ёки етказиб бериш хусусидаги шартнома шартларини бузиб, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятини ўз вақтида бажармаган тақдирда унга нисбатан пеня, жарима ва неустойкалар шаклида иқтисодий санкциялар қўлланади, улар тўлалигича корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан ундирилади.

Экономикага партия раҳбарлиги методлари қайта қуришнинг энг актуал масалаларидан биридир. КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, «ҳозир қайта қуришнинг барча йўналишларида партия таъсирини кучайтириш, ижтимоий жараёнларга моҳирона раҳбарликни, партиявий ишда янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқилишини таъминлаш айниқса муҳим». Ана шу нуқтаи назардан олганда «Средазхиммаш» бирлашмасида тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишни партиявий таъминлаш тажрибасини тавсия қилиш мумкин. Бирлашма партия комитети тайёргарлик даврида ташкилий-пропаганда тадбирлари системасини ишлаб чиқди, цех раҳбарлари, цех партия ташкилотларининг секретарлари, экономист ва ишчилар ўқувини йўлга қўйди. Бош корхонада ва бўлинмаларда тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтишнинг барча масалалари бўйича партия, комсомол ва ишчилар йиғилишлари ўтказилди. Барча меҳнатчиларга атаб «Хўжалик ҳисобини муваффақиятли татбиқ этиш — ҳар бир кишининг иши» эсдаликномаси чиқариш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилинди, цехларда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш моҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмали материаллар жойлаштирилган бурчаклар безатилди. КПСС аъзолари бригадаларга шундай тақсимландики, ҳар бир ишловчи партиявий таъсир билан қамраб олинадиган бўлди, коммунист раҳбарлар кўпчилигининг ҳисоботи тингланди. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларнинг, шунингдек, бирлашма иқтисодий хизматининг фаолияти активлаштирилди, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг моҳиятини очиб берадиган тушунтириш хати тайёрланди. Қисқаси, катта тайёргарлик иши олиб борилди.

Шундай бўлсада, бу ерда хотиржамланишга асос йўқ. Ҳали иқтисодий саводсизликни тугатиш проблемаси ҳал этилганича йўқ. Айрим участкаларда бунга расмиятчилик билан ёндашдилар, кўплар эса тўлиқ хўжалик ҳисоби хўжалик юритишнинг аввалги шарт-шароитидан конкрет қандай фарқ қилишини ҳануз аниқ тушунмайдилар. Фойдадан қандай фондлар ҳосил бўлишини ишчиларгина тушунмайди деб бўлмайди, балки раҳбар ва мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам юз бераётган ўзгаришлар ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас.

Инсон омилини активлаштириш алоҳида актуаллик касб этгани учун бу соҳада ҳам кадрларнинг иқтисодий саводхонлигини оширмасдан илож йўқ, аҳволни яхшилаш керак. Министрлик, идора, корхоналар, маҳаллий партия ва касаба союз органлари кадрларнинг иқтисодий ўқувини аҳён-аҳёндагина эмас, балки мунтазам йўлга қўйишлари зарур. Корхоналар раҳбарлари, мутахассислар, ишчилар бугунги кунда тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш воситаларини тезроқ эгаллаб олишлари шарт.

Чуқур билимларсиз ҳеч қандай ишда муваффақиятга эришиб бўлмаслиги яхши маълум. Бу нарса хўжалик ҳисобига ўтишга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидирки, унда нотўғри қўйилган ҳар бир қадам бутун коллективга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Агар ишчилар, мастерлар, участка бошлиқлари хўжалик юритиш янги механизмидан маҳорат билан фойдаланишни ўрганиб олмасалар, хўжалик ҳисоби корхоналар раҳбарлари даражасида қолиб кетади. Зеро туб иқтисодий ислоҳотнинг асосий мақсади ўз участкаси, заводи, умуман совет экономикаси тақдири учун жон куйдирувчи совет кишисини сўзда эмас, амалда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий соҳибига айлантиришдир.

САВДОДАГИ ҚАЙТА ҚУРИШ ИСТЕЪМОЛ КОМПЛЕКСИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ БИР ҚИСМИ

А. СОЛИЕВ,
иктисод фанлари доктори
У. ТЎХТАМИШЕВ

КПСС XXVII СЪЕЗДИДА кўзда тутилган узоқ муддатли, бир бутун, кучли социал сиёсатни амалга ошириш кўп жиҳатдан савдонинг — ишлаб чиқариш билан истеъмолчини боғловчи муҳим бўғиннинг ҳолатига боғлиқдир. Афсуски, бугунги кунда республикамиз халқ хўжалигининг ушбу соҳасидаги ишлар аҳволи кўнгилдагидек эмас. Бу ерда, Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида (1988 йил январь) таъкидланганидек, совет савдоси қоидаларини бузиш ҳоллари оз эмас, чакана товар обороти планлари тез-тез барбод қилиняпти. Савдо ва омбор майдони билан таъминланганлик ҳамда жон бошига ўртача товар обороти бизда иттифоқ даражасидан анча паст, савдо корхоналарининг прогрессив типлари, хизмат кўрсатиш технологияси ва формалари секин ривожланяпти. Савдони бошқаришни ташкил этиш тубдан ўзгартиришга муҳтож. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги, улар фаолияти устидан контрол қилишдаги нуқсонлар, шунингдек, иқтисодий ишнинг ниҳоятда паст даражада эканлиги катта зиён етказмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳоли эҳтиёжининг қондирилмаслигига, унинг пул даромадлари билан сарф-харажатлари балансланмаганлигига, пландан ташқари пул зарб қилишга олиб келяпти.

Совет савдоси истиқболи, уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари КПСС МК Сиёсий бюроси маъқуллаган 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг Комплекс программасида аниқ қилиб таърифланган. Уни муваффақиятли амалга ошириш савдо соҳасида мавжуд бўлган, қайта қуриш жараёнида ҳал этиш зарур бўлган проблемаларни ўз вақтида аниқлаш ва эътибор билан ўрганишни тақозо этади. Уларнинг Ўзбекистон учун характерли бўлган баъзиларини қараб чиқамиз.

Савдо конъюнктураси мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда, мутахассисларнинг фикрича, улгуржи базалардаги, маҳаллий савдо идоралари, район кооператив ташкилотлари, область матлубот союзлари ва савдо бошқармалари аппаратларидаги ташкилий-тижорат иши даражаси уни қайта қуришнинг асосий факторига айланмоқда. Лекин ҳозирги вақтда улгуржи базалар одатда товарларни пассив тақсимловчи ролини бажармоқда ва чакана савдо корхоналарини талаб қилинадиган ассортиментдаги товарлар билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишни, товар запасларидан моҳирона фойдаланиш, харидорлар эҳтиёжини ўрганиш, товарлар учун буюртмаларни иқтисодий жиҳатдан асослаш, самарали реклама тадбирларини ўтказиш хусусида ўйламаяпти. Аслида буларнинг ҳаммаси уларнинг вазифасидир.

Айни улгуржи базалар саноат билан ҳамкорликда товарлар сифати кўриклари, савдо кўргазмалари, харидорлар конференциялари ташкил этиш соҳасидаги ишни бошқаришлари, талаб қилинмаётган буюмларни ишлаб чиқаришдан олиб ташланишига эришишлари керак. Савдо кўргазмалари ўтказиляпти деб эътироз билдириш мумкин. Лекин қандай ўтказиляпти? Расмиятчилик билан, зарур тайёргарликсиз ва аҳолини кенг миқёсда хабардор қилмасдан ўтказилаётгани учун ҳам улар самара бермаяпти. «Узобувьторг» ва «Узторгодежда» улгур-

жи базаларида эса чакана савдо вакилларига товарлар ассортиментини намойиш этиш учун ҳатто энг оддий шароитлар ҳам яратилмаган, ассортимент заллари ва товар намуналарининг кўчма хоналари жиҳозланмаган.

Республика давлат савдосида ҳам, кооператив савдосида ҳам аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини чинакам ўрганиш йўлга қўйилмаган, савдо ташкилотларининг тижорат аппаратлари ишда ягона координацион планга эга эмаслар. Улгуржи базаларда замонавий диспетчерлик хизмати ҳам йўқ. Эҳтиёжни ўрганиш билан шуғулланувчи кадрлар кўнимсизлиги эса товарлар ҳаракатини ҳисобга олиш билан кўпинча тайёргарлиги йўқ кишилар шуғулланишига олиб келяпти. Савдо билан саноат ўртасида эҳтиёж ва конъюнктура тўғрисидаги зарурий ахборот айирбошлаш сингари, «магазин — чакана савдо — ташкилот — улгуржи база» занжири бўйлаб ахборотнинг доимий оқими ҳам йўлга қўйилмаган.

Давлат савдоси билан матлубот кооперациясининг чакана савдо корхоналарида қондирилмаган эҳтиёжларни ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилмаган. Улар товар етказиб бериш учун талабнома-буюртмаларни тузмайдилар ҳамда уларнинг ассортиментини кўпинча базанинг ўзида тўлдирадилар.

Шундай қилиб, савдодаги қайта қуришни, бизнингча, уни ташкил этишни такомиллаштиришдан бошлаган маъқул. Ҳозирги кунда энг асосийси — кундалик эҳтиёж моллари савдосини аҳоли доимий яшайдиган жойларга энг кўп даражада яқинлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш комплекси билан бирликда мураккаб ассортиментдаги моллар савдосини қишлоқда — йирик аҳоли пунктлари ва район марказларида, шаҳарда эса — тураржой массивлари ва марказий қисмда тўплашдир. 70-йиллар бошида ишлаб чиқилган бу концепция товар ва хизматларга истеъмолчилик эҳтиёжининг комплекс характерига мувофиқ келади. У ҳам бизда, ҳам Европадаги социалистик мамлакатларда чакана савдони ташкил этиш илғор тажрибаси томонидан тасдиқланган, ўз самарадорлигини кўрсатган ва келажак учун мўлжал бўла олади.

Тилга олинган концепция асосида чакана савдонинг моддий-техника базаси ривожланяпти, магазинларни хилларга бўлиш ва ихтисослаштириш такомиллаштириляпти. 150—200 киши яшайдиган майда аҳоли пунктларида «Кундалик эҳтиёж моллари» магазини, шаҳарларда эса икки-уч микрорайон аҳолисига хизмат кўрсатиш учун «Универсам» хили танланган. Қишлоқ жойларда ҳам, шаҳарларда ҳам савдони ташкил этишнинг кейинги босқичи сифатида «Маҳсулотлар», «Нон — сут», «Сабзавот ва мевалар», «Булкалар ва кондитер маҳсулоти», «Газламалар», «Пойабзал», «Кийим», «Хўжалик моллари», «Маданий моллар», «Техника», «Замонавий уй хўжалиги», «Мебель», универмаглар ва бошқа ихтисослаштирилган магазинлар тармоғи кўзда тутилган.

Лекин тилга олинган хиллардаги магазинлар сонининг ўсиши ўз ҳолича товар обороти планининг бажарилишига ва савдо хизмати маданиятининг юксалишига олиб келмайди. Тегишли ассортимент сиёсати ҳам талаб этилади. Афсуски, буни ҳамма жойда ҳам тушунавермайдилар. Масалан, Ўзбекистон кооператив савдосида «Кундалик эҳтиёж моллари» магазинлари жуда кенг тарқалган — барча магазинлар савдо майдонининг 25 проценти ва товар оборотининг 30 проценти улар ҳиссасига тўғри келади. Лекин улгуржи базалар томонидан етарлича назорат йўқлиги ҳамда ушбу категориядаги магазинларнинг ассортимент йўналишига риоя қилинмаслиги оқибатида ҳозирги вақтда уларда барча турдаги товарларни кўриш мумкин. Уч областда — Наманган, Самарқанд ва Қашқадарёда ўтказилган текшириш «Кундалик эҳтиёж моллари» типидаги барча магазинларда телевизор, радиоприёмник, кийим, пойабзал, трикотаж ва ҳоказолардан иборат мураккаб ассортимент мавжудлигини кўрсатди. Шу билан бирга бу товарлар (магазин ходимлари эътирофича) колхоз бозорлари ва ярмаркаларда сотиш учун мўлжалланган, ҳафтада камида 2 марта ўша ерларга олиб борилади. У ерларда товарларни кўрсатиш ва сотиш учун шароит йўқлиги натижасида товарлар бир қатор сафардан сўнг фабрика упаковкасини йўқотади, зарур кўриниш ва жозибадан маҳрум бўлади. Шунга қарамай олис қишлоқлар аҳолиси ноозиқ-овқат молларни колхоз бозорларида, майдонларда сотиб олишга ҳозироқ кўникиб қолди. Натижада раскладушкалар, столлар устига қўйиб, ҳатто ерда сотилаётган мураккаб ассортиментдаги товарлар чанг бўляпти, офтобда қовжирамоқдаю, уларни сотиш учун махсус қурилган магазинлар ҳувиллаб ётибди.

Бу ерда, бизнингча, В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ айтган фикрни эслатиш ўринли бўларди: «Савдо қилган киши савдогар бўла олади, деб ўйлаш бутунлай нотўғри. У савдо қилади, бироқ бу билан маданий савдогар бўла олишгача ҳали анча бор» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 418-бет).

Тилга олинган текшириш материалларини ўрганиш ҳозирги вақтда «Кундалик эҳтиёж моллари» магазинлари ассортиментини ҳеч ким бошқармаётганини кўрсатди. Бизнингча, Ўзбекистон шароитида улар озиқ-овқат моллари, иш кийимлари ва пойабзали, майда-чуйда металл буюмлар, боғ ва полиз товарлари, идиш-товоқ (биллур ва қимматбаҳо чинни, фаянс ва шиша буюмларидан ташқари), ўйинчоқлар ва болалар ассортиментидаги барча товарлар, канцелярия буюмлари, газмоллар (жун ва қимматбаҳо шойи материаллардан ташқари) ва ҳоказо моллар билан савдо қилиши керак. Мураккаб ассортиментдаги молларни эса фақат ихтисослаштирилган ва универсал магазинларда сотиш керак.

Шуни айтиш керакки, бундай магазинларнинг салмоғи республикадаги барча чакана савдо корхоналари умумий савдо майдонида ҳам, оборотида ҳам ошиб бормоқда. Агар 1970 йили Ўзбекбирлашув системасида ноозиқ-овқат моллари сотишга ихтисослаштирилган магазинларнинг савдо майдони 40,4 процентни ташкил этган бўлса, 1985 йилда 68,8 процентга етди. Шу билан бир вақтда «Кундалик эҳтиёж моллари» типидаги магазинлар ҳиссаси 33,5 дан 24,9 процентга тушди. Бу ҳол қонунийдир, чунки қишлоқ аҳоли пунктларининг йириклаштирилиши натижасида нисбатан йирик савдо корхоналари қуриш ва «Кундалик эҳтиёж моллари» магазинларини бошқа хилдаги магазинларга айлантириш учун объектив шароитлар юзага келади.

Лекин ихтисослаштирилган ва универсал магазинлар тармоғини ривожлантиришни планлаштираётганда аҳолига товар тақдим этиш пунктларининг структураси чакана савдода реализация қилинадиган истеъмол буюмларига эҳтиёжларни шакллантириш қонуниятлари ҳамда унинг фондлари бутун потенциалидан самарали фойдаланиш социал-иқтисодий вазифалари билан белгиланиши ҳамма ерда ҳам ҳисобга олаверилмайди. Ҳозирги вақтда аҳолининг товар ва хизматларга эҳтиёжи **комплекс характер** касб этмоқда. Шу сабабли озиқ-овқат моллари чакана савдосини ривожлантиришда ассортиментни универсаллаштириш асосий йўналиш бўлиб қолди, ноозиқ-овқат моллари савдосида эса майдони кичик ихтисослаштирилган «Пойабзал», «Газмол», «Трикотаж», «Галантерея», «Кийим» магазинлари миқдорини нисбатан қисқартириш, мебель, телевизор, радио ва музика товарлари савдосини чекланган миқдордаги магазинларга тўплаш жараёни бормоқда. Масалан, Минскда мебель савдосини хизмат кўрсатиш комплексига эга йирик магазинларда ташкил этиш уни сотиш пунктларини 100 тадан 16 тага қисқартириш имконини берди.

Ўхшаш товарлар савдосини концентрациялаш даражаси ихтисослаштирилган магазинлар сонининг ушбу товарларни сотиш пунктлари умумий миқдорига нисбати билан ифодаланади. Масалан, мебель савдосининг концентрация коэффициенти Самаркандда —0,5, Вильнюсда эса (барча мебель бу ерда битта магазинда сотилади) —1, шунга мувофиқ болалар кийими савдосида —0,05 ва 0,7, радиотоварлар бўйича 0,5 ва 1, газмоллар бўйича 0,09 ва 0,6, эркаклар кийими бўйича 0,2 ва 0,6.

Чакана савдо корхоналари тармоғида юзага келган аҳволни анализ қилиш бир қатор қонуниятларни аниқлаш имконини берди. Масалан, 25 минг кишидан 75 минг кишигача хизмат кўрсатувчи матлубот жамиятларида умумий савдо майдонида 10 дан 15 процентгача жойни эгаллайдиган универсал магазинлар энг самарадор эканлиги маълум бўлди. Уларда 1 квадрат метр ҳисобидаги товар обороти ушбу группадаги аҳоли пунктларига хизмат кўрсатувчи магазинларга қараганда ўртача икки баравар юқоридир. 75 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатувчи матлубот жамиятларида энг самарадори универмаглардир, улар ҳиссасига бутун савдо майдонининг 15—20 проценти тўғри келади. Айниқса барча магазинларнинг умумий савдо майдонида ҳиссаси 2,1 дан 3,6 процентгача бўлган тақдирда (ҳозир эса у 1,7 процентга тенг) «Маданий моллар» магазинларини рационал ихтисослаштириш ҳар квадрат метр ҳисобига товар оборотини анчагина оширади. Умуман олганда чакана савдо тармоғини рационал ва фактик ихтисослаштиришда савдо майдонининг ҳар квадрат метрига тўғри келувчи товар обороти ҳажмига

доир маълумотлар қиёсланиши товар обороти тўлиқ рационаллаштириш ҳисобига камида 15—20 процент кўпая олишини кўрсатяпти.

Ассортимент сиёсати проблемалари жиддий эътиборни талаб этяпти. Унинг яхши ўйланмаганлиги ва савдони ташкил этишда ҳамма қабул этган принципларнинг бузилиши товар ресурсларини улгуржи ва чакана савдо корхоналари ўртасида жойлаштиришда, шунингдек, товар запасларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда жиддий мутаносибсизликларга олиб келди. Масалан, 1967 йилда барча товар запасларининг тахминан 28 проценти улгуржи савдо ва саноатда жамланган бўлса, ҳозирги вақтда у салкам 20 процентга тенг. Қиёслаш учун чет мамлакатлар улгуржи савдосидаги товарлар запаси ҳақидаги маълумотларни келтирамиз: мисол учун, у ВХРда 49, ЧССРда —45, АҚШда 45 процентни ташкил этади. Кўриниб турибдики, республикамиз учун товар запасларини чакана ва улгуржи савдо ўртасида қайта тақсимлаш актуал вазифа бўлиб турибди. Унинг ҳал этилиши товарлар ассортиментини бошқаришни анча яхшилаш, аҳолининг эҳтиёжини янада аниқроқ ҳисобга олиш ва унинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш, товарлар етказиб беришга доир асосли заявка ва буюртмаларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Буларнинг ҳаммаси савдо корхоналарини хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказиш учун ҳам зарурдир. Маълумки, партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ савдо 1987 йил июлдан шундай янги шароитларга ўта бошлади. Ушбу жараён силлиққина бораётгани йўқ. Гап хусусан шундаки, чакана ва улгуржи корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқалари системаси пухта ишланмаганлиги туфайли улгуржи корхоналар пировард натижалар учун, яъни улар харид қилган товарларнинг чакана савдоси учун моддий жиҳатдан жавоб бермайдилар. Шу сабабли талаб қилинмайдиган, нормативдан ошиқча запас ва товарлар асосан чакана савдо корхоналарида тўпланиб қолади. Эҳтиёжга жавоб бермайдиган товарларни харид қилгани учун савдонинг, буюртма берилмаган товарларни етказиб бергани учун эса саноатнинг моддий жавобгарлиги конкретлаштирилган, ҳамма жойда хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш жорий қилинаётган хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитида улгуржи ва чакана корхоналарнинг ўзаро алоқасини шартнома муносабатларини мустаҳкамлаш, товар запасларининг улгуржи савдода жамланишини таъминлаш асосида тубдан қайта қуриш объектив зарурияти юзага келади.

Савдони такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари қаторига унинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш, ишлаб турган корхоналарини фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида чуқур реконструкция қилиш ҳам киради. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг айрим регионларида савдони рационаллаштиришнинг мақсадли комплекс программалари амалга ошириляпти. Ушбу программаларнинг хусусияти шундаки, уларда халқ хўжалигининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарига етказиб бериш билан боғлиқ барча тармоқларига савдо билан ҳамкорликда истеъмолчилик комплексини ҳосил этишга даъват этилган ягона хўжалик механизми сифатида қаралади.

Савдони рационаллаштириш товар ҳаракатининг прогрессив технологиясини жорий этиш билан боғлиқдир. Сўз тара-ускуналардан — контейнерлардан фойдаланиш хусусида боряпти, улар корхоналарда ишлаб чиқариладиган товарлар билан тўлдирилиб, савдо залларига етказиб берилади, бу ерда харидорлар бевосита контейнердан ўзларига керакли товарни танлаб оладилар. Бу эса товарларни тахлаш учун кетадиган вақтни 10—15 баравар қисқартириш, қўлда бажариладиган операцияларни жуда озайтириш ёки умуман йўқ қилиш имконини беради. Эстония, Литва, Белоруссия матлубот союзларининг тажрибаси улгуржи база — магазин, нон заводи — магазин, сабзавот омбори — магазин, саноат корхонаси — магазин ва дала — магазин схемалари асосида чакана савдо тармоғи ички товар таъминоти системасини ташкил этишда тара-ускуналардан фойдаланиш кенг имкониятларга эгалигига ишонч туғдиради.

Бу фойдали ва қулай! Лекин тара-ускуналарни кенг миқёсда жорий қилишни моддий-техника базасининг аҳволи тўхтатиб турибди, бунинг учун савдо корхоналарини лозимича тайёрлаш, уларни юк кўтариш-тушириш қурилмалари, қадоқлаш ускуналари, бортли юк кўтаргич ва бошқа механизация воситалари билан жиҳозлаш талаб қилинади.

Тара-ускуналар ишлаб чиқаришдаги аҳвол ҳам қоникарли эмас: ўн биринчи беш йилликда планлаштирилган миқдорнинг атиги 25 проценти тайёрланди ва жорий этилди. Бунда яна шуниси борки, саноат корхоналари тара-ускуна конструкцияларининг 20 га яқин турли хилини ишлаб чиқаради, бу эса улар билан ишлашни анчагина мураккаблаштиради.

Озиқ-овқат молларини сифатли упаковкада саноат йўли билан қадоқлаш ҳажмининг қоникарсизлиги ҳам товарларни тара-ускуналарда олиб келиш ва уларни ўзига ўзи хизмат кўрсатиш йўли билан сотишнинг бундан буёнги ривожланишини тўхтатиб турибди. Саноат корхоналарида қадоқланган шакар, ун ва крупанинг салмоғи ҳозирги вақтда 15 процентдан ошмайди, саноат йўли билан қадоқланган озиқ-овқат моллари умумий ҳиссаси эса атиги 38,2 процентни ташкил этадики, бу эса товар ҳаракатининг прогрессив технологиясини кенг миқёсда жорий этиш учун сира ҳам етарли эмас.

Савдо корхоналарини реконструкциялаш савдони рационаллаштиришнинг яна бир муҳим элементидир. Ушбу йўл кам чиқим билан савдо майдонининг анчагина ўсишига олиб келиши ва омбор ҳажмларини кенгайтириши, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг, биринчи навбатда ёрдамчи ишчиларнинг бир қисмини бўшатиб бериши, савдо объектлари ишидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаши ҳисоб-китоблар билан исботланган ва практикада тасдиқланган. Ускуналар харажатларининг ҳиссаси кескин ошиши бундаги асосий ютуқлардан биридир. Масалан, агар умумий овқатланиш корхоналарини янгидан қуришда ускуналар ҳиссасига капитал маблағларнинг 11—15 проценти тўғри келса, реконструкцияда эса 21—40 проценти тўғри келади.

Шаҳарлар ва қишлоқлар учун савдо тармоғи рационал структурасини танлаш асосий принципларининг илмий-методик жиҳатдан заиф ишлаб чиқилиши, харидорлар ҳаракатини, ҳар бир аҳоли пунктининг социал, шаҳарсозлик, табиий ва иқтисодий омилларга мувофиқ функционал хусусиятларини қоникарсиз ўрганиш ва ҳисобга олиш, бизнингча, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни ташкил этишдаги жиддий камчиликдир. Аҳолига рационал савдо хизмати кўрсатиш уни ташкил этишнинг шаҳар ва қишлоқ учун, регион территориясидаги барча аҳоли пунктлари ва ишловчи-савдо системалари учун умумий бўлган ягона схемаси асосидагина таъминланиши мумкин. Перспектив модель тарзида ишлаб чиқилган бундай схема савдо корхоналарини ривожлантириш ва жойлаштиришда муҳим план олди ҳужжати бўлиб қолиши керак.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда товар муомаласи ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари имкониятларига етарлича баҳо берилмаганлигига қатъиян барҳам бериш зарурати уларни ҳозирги шароитда ривожлантиришнинг назарий ва амалий йўналишларини ишлаб чиқишни кучайтиришни талаб қилади. Бозорнинг шахсий истеъмол предметлари ва хизматларга тўлиқ бўлиши билан характерланадиган ва жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида аҳолининг оқилона эҳтиёжларига мувофиқ келадиган рационал истеъмолчилик комплексининг шаклланиши иқтисодий ўсишнинг жуда муҳим социал механизмидир. Социалистик истеъмолчилик комплекси шаклланишининг яхлит назарий концепцияси йўқлиги аҳолининг товарлар ва хизматларга эҳтиёжи билан уларни қондириш имкониятлари ўртасида амалда жиддий узилишга олиб келди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг Комплекс программаси муайян даражада ушбу проблемани ҳал этиши керак. Лекин анализнинг кўрсатишича, уни шакллантиришда тармоққа хос ёндашиш устун турганидан савдо ҳамда умумий овқатланишни, маиший хизматни ривожлантиришнинг асосий параметрлари, шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам конкрет регионларнинг социал-иқтисодий проблемалари билан кўп жиҳатдан мувофиқлаштирилмаган. Бунинг оқибатида ушбу программанинг конкрет территорияда (шаҳар, район, областда) бажарилиш даражасини объектив ўлчаш ва амалиётда баҳолаш мумкин бўлмай қолган. Зеро ҳозирги вақтда мамлакатнинг турли регионлари аҳолисини савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хилма-хил хизматлар билан таъминлашда, уларнинг асосий хилларини ривожлантиришда, шунингдек, таклиф этиладиган ва истеъмол қилинадиган хизматлар ҳажми, ассортименти ва сифати ўртасида жиддий мутаносибсизликлар вужудга келди. КПСС XXVII съездида социал соҳани бундан

буён ривожлантиришга янгича қараш, унинг ошиб бораётган аҳамиятини тўла ҳажмда баҳолаш зарурлиги таъкидланганлиги бежиз эмас.

Истеъмол комплекси социалистик моделини шакллантиришнинг қуйидаги назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш учун объектив эҳтиёж етилди: унинг шаклланишида ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ келувчи тенденция ва қонуниятларни аниқлаш; иқтисодий ўсишнинг энг муҳим социал омили сифатида аҳолининг оқилона эҳтиёжларини тарбиялашнинг моҳияти ва ролини очиб бериш; фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида комплекснинг моддий-техника базаси ва технологиясини ривожлантиришнинг территориал, тармоқ ичи ва такрор ишлаб чиқариш пропорцияларини белгилаш; бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва ҳоказо.

Ушбу проблемаларни ҳал этиш йўлида дастлабки қадамларгина қўйилди. Ҳолбуки, товар муомаласи ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўп йиллик кузатишлар практика доим назариядан илгарилаб кетишини, истеъмол комплексининг ўзаро боғланган кичик тармоқлари эса бир-бирлари билан жуда ёмон боғланганлигини кўрсатяпти. Натижада янги йўналишларнинг айрим қуртаклари, масалан, «Ҳаммаси хотин-қизлар учун», «Универсам», «Ёшлар учун товарлар», «Мода», «Комфорт», «Замонавий уй хўжалиги» типидаги магазинларда товар ва хизматларнинг ассортиментдаги моделларини шакллантириш, бўш вақтдан фойдаланишнинг «Видео-бар», «Диско-бар» каби ва ҳоказо корхоналари, аҳолини товар билан таъминлаш ва хизмат кўрсатишнинг прогрессив технологияси, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарини хилларга ажратиш, ихтисослаштириш, концентрациялаш ва кооперациялаш масалалари, перспектив планлаштириш учун уларнинг норматив базасини яратиш назарий жиҳатдан таъминланмаган.

Истеъмол комплексини шакллантириш масалаларини ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларида зарур илмий потенциалнинг йўқлиги (чунки улар тор доирада ихтисослашган) проблемани жиддийлаштиради. Жумладан, турли регионлардаги оилалар айрим категорияларининг истеъмолчилик комплексини шакллантириш соҳасида социологларнинг қўшимча назарий тадқиқотлари, шунингдек, уларнинг дизайнерлар билан биргаликда ишлашлари талаб қилинади.

Истеъмол комплексини шакллантиришнинг асосий амалий йўналишларига, бизнингча, барча тармоқлар корхоналарининг шаҳар ва районда муомала ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантириш манбаларини шакллантиришга доир фаолиятини чуқур интеграциялаш ҳам, шунингдек, ҳар бир аҳоли пунктининг функционал ролига ҳамда уни ривожлантиришнинг иқтисодий, социал, шаҳарсозлик омилларига мувофиқ ҳолда савдо-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш перспектив комплекс планини ишлаб чиқиш ҳам киритилиши керак.

Ўзбекистоннинг умумий овқатланишдаги, тайёрлаш ва қайта ишлаш тармоқларидаги сингари савдодаги қайта қуриш ҳам юзага келган объектив сабаблар натижасида ундаги иш аҳволини синчиклаб анализ қилишни, шунингдек, меҳнаткашлар, мутахассислар, амалиётчилар кенг қатламининг мулоҳаза ва таклифларини, фан тавсияларини талаб қилувчи машаққатли ишга айланиб қолган. Республика савдосида бошланган қайта қуриш салмоқли натижаларга эга бўлиши учун қуйидагиларни амалга ошириш керак деб биламиз:

— ҳар бир район ва шаҳар бўйича ишлаб турган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини комплекс рационаллаштириш программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда янгича типлаштириш, ихтисослаштириш, ассортимент сиёсати ва технологияни, хизмат кўрсатиш прогрессив формалари, илғор практикани жорий қилиш ва бошқаришнинг янги ташкилий формаларига ўтиш кўзда тутилади; маҳаллий савдо идоралари ва унга мувофиқ улгуржи базаларни, ресторан трестлари, ошхоналарни, умумий овқатланиш бошқармаларини қайта ташкил этиб, товар группалари бўйича улгуржи-чакана бирлашмалар, функционал аҳамиятдаги умумий овқатланиш бирлашмаларини (ишлаб чиқариш корхоналари, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари контингентларига хизмат кўрсатиш учун ҳаммабоп тармоқ) тузиш керак;

— илмий асосланган нормативлар асосида районлар, шаҳарлар, областлар ва умуман республика социал-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда савдо ва умумий овқатланиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари товар оборотини, моддий-техника базасини ривожлантиришнинг перспектив планларини экспертизадан ўтказиш;

— савдо ташкилотлари ва корхоналарининг раҳбарларида, мутахассисларда, тармоқнинг барча ходимларида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш ҳақида ғамхўрлик қилиш;

— фаннинг практика билан узвий қўшилиши, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш мақсадида ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этиш;

— савдо, тайёрлаш, умумий овқатланиш ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг фаолиятини чуқур интеграция қилишга ўтиш; матлубот кооперацияси системасида эксперимент тартибида саноат-савдо, агросаноат-савдо, тайёрлов-саноат-савдо комплексларини ташкил этиш;

— колхоз бозорлари территориясини ноозиқ-овқат моллари сотувчи магазинлардан бўшатиш, реконструкция ва техникавий қайта жиҳозлаш асосида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотувчи деҳқонлар учун хизмат кўрсатиш комплексини бунёд этиш, ушбу маҳсулотларни комиссион асосларда сотишда матлубот кооперациясининг, ишлаб чиқариш планининг 30 проценти ҳисобидан сотишда эса колхоз ва совхозларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш;

— билимдон, ташаббускор, юксак масъулиятли кадрларни танлашга алоҳида эътибор бериш ва уларнинг ҳар кунги фаолияти устидан доимий, таъсирчан назорат ўрнатиш;

— тасодифий ва қўли эгри кишилардан қатъиян қутула бориб, савдо ва умумий овқатланиш барча ходимларини аттестациядан ўтказиш; савдо ва умумий овқатланишда ишлаш учун асосан хотин-қизларни тайёрлаш йўлини изчил ўтказиб бориш.

Ўзбекистонда савдо сифатини яхшилашга доир проблемалар оз эмас. Уларнинг ҳал этилиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсган имкониятларига ҳамда КПСС XXVII съездида белгилаб берилган социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш вазифаларига мувофиқ олиб борилиши керак.

ҚИШЛОҚНИНГ СОЦИАЛ-МАДАНИЙ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АКТУАЛ ВАЗИФАЛАР

Б. МУСАЕВ,

философия фанлари кандидати

МАМЛАКАТИМИЗДА авж олдириб юборилган қайта қуришнинг муҳим таркибий қисми, КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларида таъкидланганидек, қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашдан иборатдир. Партия МК июнь (1987 йил) Пленуми пайдо бўлган янги имкониятлардан фойдаланган ҳолда қишлоқнинг социал проблемаларини янада активроқ ҳал этишга чақирди. Кейинги даврга оид партия-ҳукумат ҳужжатларида ушбу соҳани ривожлантиришни планлаштириш асослари сифатида илмий асосланган социал нормативларни кенг қўлланиш, социал-маданий комплекс моддий-техника базасининг ўсишини ва ундан фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш кўзда тутилган. Масаланинг бундай қўйилиши социал мезонларни АСКнинг амалдаги хўжалик механизмига регионал, территориал-тармоққа оид қарорларни қабул қилиш ва уларни барча маҳаллий даражаларда реализация қилиш жараёнида узвий «киритиш»ни тақозо этади.

Ушбу вазифа республикамиз учун айниқса актуалдир, чунки, Ўзбекистон Компартияси МК пленумларида таъкидланганидек, бизнинг ҳали кўпгина партия комитетларимиз, совет ва агросаноат органларимиз социал проблеманинг нақадар кескинлигига етарлича баҳо бермаяптилар. Хусусан, республика қишлоқ аҳолисининг уй-жой, соғлиқни сақлаш, савдо, маданият объектлари билан кам таъминланганлиги ҳолида ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ўзлаштирилмаётганлиги факти бундан яққол далолат беради.

Шу кунги практика ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг социал мақсадларига нисбатан АСК бўлинмаларининг кўпгина раҳбарларида ҳозирча жиддий силжишлар юз бермаганлигини кўрсатмоқда. Партия МК июнь (1987 йил) Пленумида КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев айни шу хилдаги ҳодисалар ҳақида гапирган эди: «Айрим жойларда ҳали ҳам сусткашлик, ташаббуссизлик «маконлари» сақланиб қолмоқда. Булар ҳам — реалликдир, уларни кўрмасликка ҳаққимиз йўқ, айниқса уларни эътиборсиз қолдиришга ва уларга партиявий баҳо бермасликка ҳаққимиз йўқ».

Қишлоқнинг социал соҳасини ривожлантиришдаги жиддий орқада қолиш турғунлик йилларида аграр сектор ишида юз берган муваффақиятсизликлар билан жуда яқиндан боғланган эди. Маълумки, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети системасида ҳар бир ходимнинг фонд билан қуролланганлиги кейинги ўн йил ичида 2,3 баравар, энергия билан қуролланганлиги эса бир ярим баравар ўсди. Лекин Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги мамлакат бўйича ўртача даражадан деярли икки баравар паст, қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўпгина турларининг таннархи эса Иттифоқдаги ўртача даражадан анча юқори. Бизда зарар кўрувчи колхоз ва совхозларнинг ҳалигача кўплиги сир эмас.

Республика АСК кўпгина тармоқларида тўпланиб қолган проблемаларни бартараф этиш учун аввало агросаноат ишлаб чиқаришидаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи ҳамда унинг меҳнатчилари учун ишлаб чиқаришдан ташқарида шароит яратиш хусусида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш, қишлоқни социал ривожлантиришнинг мақсадли программасини ишлаб чиқиш зарур. Республика партия-

хўжалик активининг 1987 йил 11 июлда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида таъкидланганидек, қишлоқнинг социал проблемаларини ҳал этиш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш йўлигина бўлиб қолмай, балки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш асосий факторларидан бири ҳамдир. Ҳақиқатан ҳам на табиат, на техника ўз ҳолича унинг интенсивлаштирилишини таъминлай олмайди. Бунда фақат инсонгина асосий воситачи ва манба бўлиши мумкин.

Ҳаётнинг ўзи эътиборни қишлоқни қайтадан қуришга, у ерда агросаноат комплексининг ишлаб чиқариш қувватларига мувофиқ келувчи мустаҳкам «социал орқа томонини» бунёд этишга, бошқача айтганда, иқтисодий ва социал синхронлаштиришни таъминлашга кескин қаратиш зарурлигини тақозо этяпти.

Қишлоқнинг социал-иқтисодий жиҳатдан кескин ҳолатида, республика қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва шарт-шароитида ҳал қилиниши актив илмий-бошқарув таъсирини талаб қилаётган ўткир регионал проблемалар кўзгудагидек ўз аксини топмоқда. Ўйлашимизча, ҳозирги демографик вазият шароитида қишлоқнинг актуал социал проблемаларини ўз вақтида ва самарали ҳал этмаслик ўз-ўзидан юз берувчи, бошқариб бўлмайдиган жараёнлар манбаи бўлиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам қишлоқ меҳнаткашларига яшаш ва юқори унум билан ишлаш учун барча зарур шароитни яратишга доир янги йўналишларни излаш ва топиш керак. Зотан, бу ҳол уларнинг нафақат соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний ривожланишларини, ишлаш қобилиятларини яхшилашгагина ёрдам бериб қолмай, балки уларнинг маънавий-идеологик, маданий даражасини оширади ҳам.

Афсуски, республиканинг планлаштириш органлари, маҳаллий Советларининг кўпгина ижроия комитетлари, хўжалик раҳбарларининг аксарияти ҳамда партия аппаратининг баъзи бир вакиллари бошқарув нуқтаи назаридан олганда буни ҳозирча англаб етмаяптилар. Қишлоқнинг «инфраструктуравий дармонсизлиги», маблағ билан таъминлашнинг «қолдиқли» практикасига барҳам берилмаганлиги бунинг далолатидир. Ҳолбуки, аввалги раҳбарлик хатоларининг оқибатларига янги авлодга мансуб кадрларнинг янглишишлари келиб қўшилди. Натижада, социологик тадқиқотлар кўрсатаётганидек, Ўзбекистонда қишлоқнинг социал ривожланиш даражаси пастлигича қоляпти. Масалан, Андижон области қишлоқ меҳнатчилари турмуш шароитларининг ҳолатини текшириш пайтида исм-фамилияни кўрсатиш айтилмаган анкетанинг кейинги бир неча йил мобайнида уларнинг турмуш шароити қандай ўзгарганлиги тўғрисидаги саволига деярли ҳар тўрт кишининг бири ҳеч қандай ўзгармади деб жавоб берган. Ўзбекистон Компартияси МК VII пленумида (1987 йил декабрь) кишиларнинг энг муҳим эҳтиёжлари ва ташвишларига лоқайдлик қишлоқда социал соҳанинг орқада қолишига олиб келди ва бу аҳволни тубдан ўзгартириш керак деб таъкидланганлиги бежиз эмас.

Ривожланишдаги иқтисодий ва социал мақсадларнинг ўзаро нисбати хусусидаги анъанавий тасаввурларни тубдан ўзгартириш учун маҳаллий Советларнинг уй-жой, социал инфраструктурани лойиҳалаш ва қуришдаги ягона буюртмачилар сифатидаги ролини, уларнинг қишлоқларнинг комплекс ривожланиши, иморатлар сифати ва архитектура қиёфаси учун масъулиятини ошириш керак бўлади. Маҳаллий бошқариш органларининг фаолияти партия социал сиёсати ягона принципларининг регионал даражада реализация қилинишини, яъни:

— социал-маданий неъматлар ва хизматларнинг бутун қишлоқ аҳолиси учун баробар бўлишини;

— туб ерли аҳолининг норматив-қадриятлар ориентацияси билан биргаликда турли социал группаларнинг эҳтиёж ҳамда манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаш керак.

Бунинг учун маҳаллий Советларда имкониятлар оз эмас. Тегишли қарорлар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советлари, министрликлари ва идораларининг партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим шарти — инсон омили ролини ҳар томонлама ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини рўёбга чиқариш юзасидан қилаётган ишлари тўғрисида»ги қарорида шундай

деб ёзилган: «Халқ депутатлари Советларининг амалда бошқарув органларига нисбатан устунлиги таъминлансин. Советларнинг сессиялари роли ва аҳамияти оширилсин, сессиялар олдиндан тайёрланган лойиҳаларни расмий жиҳатдан маъқуллаш учун эмас, балки территорияни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли кўпчилиги манфаатларига дахлдор бўлган энг актуал масалаларини манфаатдорлик билан ҳал этиш учун чақирилиши керак».

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси МК IX (1988 йил январь) ва X (1988 йил апрель) пленумларида таъкидланганидек, республикамизда ҳозирча халқ депутатлари Советлари қишлоқнинг социал проблемаларига қарата дадил юз тутганларича йўқ. Мисол учун, қишлоқда маданият муассасаларининг қурилишини олиб кўрайлик, кейинги икки йил ичида бунга ажратилган капитал маблағларнинг 30 процентдан кўпроғи ўзлаштирилмаган.

Қишлоқда ушбу проблемани ҳал этиш хусусида алоҳида ташвишланишимиз бежиз эмас, чунки сўз у ерда инсон омилини активлаштириш, агросаноат ишлаб чиқаришининг осон бўлмаган вазифаларини ҳал этишга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга лаёқатли ходимни «қўлга киритиш» учун шароит яратиш тўғрисида боряпти. Зотан айни социал соҳа аҳолининг психик-физиологик ва шахсга оид характеристикаларини сифатли такрор тайёрлашни таъминлашга кўп жиҳатдан даъват этилган.

Социал-маданий соҳа деганда, маълумки, маънавий неъматларни ҳосил қилиш, шунингдек, моддий ва маънавий истеъмолни ижтимоий жиҳатдан ташкил этиш тушунилади. Социал-маданий соҳанинг моддий-техник базаси социал инфраструктура бўлиб, унинг асосий элементларига уй-жой хўжалиги, савдо ва маиший хизмат корхоналари, маданият, ахборот, таълим, кадрларни тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт муассасалари киради.

Шундай қилиб, социал инфраструктура аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб, аҳолининг зарур миқдор ва сифатда такрор вужудга келиб туриши шарт-шароитини таъминлаш, унга «меҳнаткаш индивидуумнинг нормал ишлаш ва яшаш ҳолатида бўлишини қўллаб-қувватлаш» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 23, с. 182) учун етарли бўлган турмуш воситалари мажмуини яратиш унинг вазифаси ҳисобланади. Бунда шуни таъкидлаш керакки, социал инфраструктура тармоқлари ва корхоналарининг такрор ишлаб чиқариш вазифаси ва умуман ижтимоий аҳамияти аввало уларнинг аҳоли соғлиғини, профессионал-малака структурасини яхшилашдаги, маданий-техник ва маънавий потенциалини юксалтиришдаги имкониятлари билан баҳоланиши керак. Ушбу масалалар республика туб ерли аҳолисининг учдан икки қисмидан ортиғини ташкил этувчи қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва даражасида туб силжишлар бўлиши учун принципиал аҳамиятга эга. Аслини олганда меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини рационаллаштириш: миграцион ҳаракатчанликни кучайтириш, аҳолининг халқ хўжалиги тармоқларидаги фаолият турлари бўйича бандлиги структурасида салбий тенденцияларни бартараф этиш; бундан буёнги интернационаллаштириш ва ҳаётдаги консерватив анъаналарни ҳамда патриархал негизларни ўзгартириш асносида ижтимоий онгни ошириш каби ва бошқа кўламдор вазифаларни реализация қилиш орқалигина ушбу силжишларни таъминлаш мумкин.

Санаб чиқилган проблемаларни ҳал этишда социал инфраструктура муҳим роль ўйнайди. Масалан, социал-психологик йўл-йўриқларни, мотивларни шакллантириш негизи сифатида аҳолининг янги меҳнат, профессионал кўникмаларини ривожлантирмай ҳамда туб ерли аҳоли бир қисмининг «ўз республикасидан четга» — БАМ, РСФСР Ноқоратупроқ зонаси, Узоқ Шарқ районларига боришга тайёрлигини шакллантирмай туриб илмий-техника тараққиёти комплекси программасини ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш, меҳнат ресурсларининг Ўзбекистон территориясида, АСК ва индустрия тармоқларида бир текисда қайта тақсимланишини амалга ошириб бўлинмаслигини таъкидлаш етарлидир. Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида (1988 йил январь) кўрсатилганидек, кишиларни ҳатто республика ичида кўчиришга доир ҳаракатлар ғоят журъатсиз амалга ошириляпти — кўп йиллар мобайнида биз Мирзачўл ва Қарши чўлидаги қўриқ совхозларини лоақал Фарғона водийсидан олинадиган кадрлар билан таъминлай олмаяпмиз.

Меҳнат ресурслари бир қисмининг республика чегарасидан ташқарида қайта тақсимланиши ва улардан аҳоли сийрак яшайдиган, хўжалик жиҳатидан янги ўзлаштирилган районларда фойдаланиш — Ўзбекистон аҳолисининг иш билан бандлиги проблемасини ҳал этишнинг муҳим йўналишидир. Лекин мигрантлар составида ўзбекларнинг, айниқса, қишлоқдан чиққанларнинг ҳиссаси кескин ошган тақдирдагина меҳнат ресурсларининг ҳаракати ушбу формаси тўлиқ миқдорда социал самара келтириши мумкин (ҳозирча ўз вақтида саноат ишлаб чиқаришини ўзлаштириш учун республикага келган рус ва украинлар Ўзбекистондан кўчиб бораётганларнинг асосий қисмини ташкил этяпти). Маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзининг марказга интилувчанлик кучи бунга асосий тўсиқ бўляпти. Тегишли ихтисосга эга бўлиш йўлидаги қийинчиликлар, қишлоқ мактабларида умумий таълим тайёргарлигининг қониқарсизлиги, рус тилини яхши билмаслик, ҳалигача катта мустаҳкамлик запасига эга бўлган ҳамда туб ерли аҳолининг ижодий, бунёдкорликка доир яширин имкониятларини чекловчи патриархал қадрият ориентацияларининг онгда консервациялангнлиги бундан қолишмайдиган жиддий сабаблар ҳисобланади. Шу сабабли А. С. Чамкин «Жадаллаштириш: тубсиз хаёллар ва реаллик» мақоласида («Звезда Востока», 1987 йил 8-сонинг 138-бетига қаралсин) таклиф қилганидек, қишлоқ аҳолисига: «Сизлар туғилиб-ўсган, қадрдон еригизга ишлов берган жойларда керак эмассиз... Шаҳарга, республиканинг бошқа регионига кўчиб боринг...» дейишдек «дангал ва осонлик билан» проблемани асло ҳал этиб бўлмайди. Шу билан бирга Ўрта Осиё республикаларида уларнинг регионал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишда банд бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолининг республика доирасининг ўзида миграцион ҳаракатчанлигини активлаштириш уни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг бошланғич босқичи бўларди деб таъкидловчи демографларнинг фикрларига ҳам қўшилмай бўлмайди.

Тегишли социал параметрларга эга бўлган, янги ўзлаштирилган районларда меҳнат фаолиятининг турли хилларига қодир ишчи кадрларни тайёрлашда республиканинг мавжуд ресурс имкониятлари ҳақидаги масаладан четга чиқиб, социал инфраструктуранинг таълим, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш системалари сингари элементларига жиддий эътибор бериш зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Санаб ўтилган масалаларни ҳал қилиш учун стратегик позицияларни ишлаб чиқиш қишлоқ меҳнаткашларининг турмушдаги шарт-шароит ва яшаш тарзини соғломлаштиришни биринчи навбатдаги чоралар қаторига киритишни тақозо этади. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институти олимлари А. С. Чамкин ва Б. З. Умаров томонидан Фарғона ва Жиззах областларидаги 50 медицина муассасасида ўтказилган текширув натижаларига қараганда ҳамма жойда ҳам уларнинг аҳволи ҳозирги талабларга жавоб беравермайди: 80 проценти мослаштирилган биноларда жойлашган, уларнинг 46 проценти капитал ремонтга муҳтож, 8 проценти эса авария ҳолатида. Фарғона областида текшириб чиқилган медицина муассасаларининг 84 процентида канализация йўқ, иккала областда жойлашганларининг 62 процентида водопровод йўқ, фақат 6 процентигина иссиқ сув билан таъминланган. Бундан ташқари, ўрта медицина ходимлари жуда ҳам етишмайди, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи медицина муассасаларининг кўпчилигида бактериал лабораториялар мавжуд эмас. Соғлиқни сақлашнинг бундай аҳволида аҳолининг такрор вужудга келиши учун ҳамда унинг нормал ҳаётий фаолиятига ёрдам бериш учун номатлуб бўлган «экологик зарбалар»нинг нохуш таъсирини, ҳозирги турмуш тарзининг биологияга зид тенденциялари ва шу сингари бошқа факторларни муваффақият билан нейтраллаш мумкин эмаслиги тушунарли ҳолдир.

Хизмат кўрсатиш соҳаси вазифаларини аҳолининг такрор вужудга келиши мезони бўйича баҳолаш баҳсталаб мавзудир, лекин у социал баҳолашни иқтисодий баҳолаш билан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражаси (шароитлари) билан боғлашга имкон беради. Ишлаб чиқариш вазифалари биринчи аҳамиятга моликлиги хусусида баҳслашмаган ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, уларни социал-маданий со-

ҳадаги неъмат ва хизматларнинг умумий тақчиллигини бартараф этмасдан, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар билан социал инфраструктура объекларини бунёд этиш орасидаги мавжуд вақт тафовутини йўқотмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Ўзбекистон қўриқ массивларидаги янги совхозлардаги ишларнинг аҳволи буни тасдиқлаши мумкин, уларда ўтроқлик коэффициенти паст, ходимларнинг ишлаб чиқариш коллективларига кўникиши суст, ер массивлари фойдаланишга ўз вақтида топширилмайди. Масалан, Жиззах областида яшаш учун кўчиб келган ҳар 100 кишидан 47 нафари, Сурхондарё области ва Қорақалпоғистон АССРда 69 ва Қашқадарё областида 63 нафари қайтиб кетган пайтдан бери ҳали кўп нарса ўзгаргани йўқ. «Қашкадарьинская правда» газетаси ўзининг 1986 йил 27 июндаги сонида Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида Наманган областидан кўчиб келган 120 оиладан атиги учдан бири қолганини таъкидлади. Бу ҳол, шубҳасиз, асосий эътибор техник-иқтисодий вазифаларга қаратилганлиги, социал вазифалар эса тўлиқ ҳолда ҳисобга олинмаганлиги ёки бутунлай инкор этилганлиги натижасида юз берган. Илгари янги ерларда ташкил этилган ўнлаб хўжаликларда меҳнат ва турмуш шароитлари ҳозиргача оғир аҳволдалиги, ноишлаб чиқариш инфраструктураси объектлари йўқлиги, ҳал қилиш қийин бўлган кўплаб вазифалар мавжудлиги, жумладан, сув билан, шунингдек ичимлик сув билан таъминлаш ҳал қилинмаганлиги сир эмас.

Қишлоқдаги инфраструктура билан боғлиқ барча проблемаларни Ўзбекистон АСКга кирувчи ташкилот, муассаса ва идоралар ҳаммасининг ҳамкорлиги учун асос бўлган социал ривожланиш комплекс программалари негизида ҳал этиш керак. Ушбу ишда Госагропром қўлдан бой берган имкониятлар социал проблемаларни ҳал қилишда «синалган» маъмурий-идора методларининг яшовчанлиги билан кўп жиҳатдан изоҳланади. Бунга мисоллар келтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Қишлоқни социал ривожлантириш программасига эга бўлган район агросаноат бирлашмалари (РАСБ) советлари кўпми деган саволга жавоб беришнинг ўзиёқ кифоя қилади. Лекин АСҚ хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг социал воситаларини аниқлашга ҳозиргача амалий ёрдам кўрсатмаган республика жамиятшуносларига таъна қилса ҳам бўлади. Методологик схемалар, тақиқлар ва методик андаза ҳамда анъаналар сиқиғида қолган олимларимиз сўнгги вақтларгача ижтимоий ҳодисалар юзасида сузиб юрдилар ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуши шароитидаги принципиал янги жиҳатларни гўё «пайқамадилар». Инсон омилининг активланишини қаттиқ бўғувчи чуқур салбий жараён ва ҳодисалар уларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келди.

Социал-маданий соҳа корхоналарининг ишлаш практикаси зарур даражадан узоқда ва принципиал янги иқтисодий ҳамда ташкилий асосда яхшиланишга муҳтож. Юқорида тилга олинган социал-маданий соҳа хизматларининг тақчиллиги проблемаси унинг кўп элементлари ривожланишида вақт ва территория жиҳатларидан олганда номутаносиблик туфайли чуқурлашаётганлигини таъкидлаш лозим. Республика қишлоқ жойлари учун характерли бўлган ушбу проблемалар социал-маданий соҳани нокомплекс ривожлантириш натижаси бўлиб, унда социал инфраструктура кўпгина элементларининг азалдан тақчиллиги яққол кўринади.

Қишлоқдаги маданий-маиший соҳа тармоқларида иш билан бандлик ўсмаётганлиги ундаги нохуш аҳвол инъикосидир. Бизнинг ҳисоб-китобимизга қараганда, Ўзбекистон ССРнинг собиқ Қишлоқ хўжалиги министрлиги системасидаги колхоз ва совхозларда ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар мобайнида социал-профессионал группалар таркибида хизмат кўрсатувчи ва маданий-маиший муассасалар ходимларининг салмоғи анча-мунча камайган: 1975 йили у колхозларда 7 процентга, 1985 йили 4,9 процентга тенг бўлган, совхозларда эса тегишли равишда 6,4 ва 5,5 процент эди. Ҳатто республика пойтахтига жуда яқин жойда — Сирдарё областининг Сирдарё районида махсус маълумотли клуб ходимлари жуда ҳам етишмаяпти.

Республика АСКда кадрлар қўнимсизлиги камаймаётганлиги асосий сабабларидан бири социал инфраструктура ривожланиши даражасининг қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқдир. Масалан, унинг асосий сектори — қишлоқ хўжалигида ходимларнинг биркитилганлиги ўн бирин-

чи беш йилликда 70,4 процентни ташкил этди. Агросаноат корхоналаридаги ишлар аҳволини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Масалан, Андижон область Хўжаобод районидаги С. М. Киров номли АСКда 1981 йили 380 киши ишга қабул қилинган ва айни вақтда 166 киши ишдан бўшаган. 1985 йилда бу рақамлар 304 ва 293 ни ташкил этган. Ўз иқтисодий ва социал вазифаларини самарали бажариши учун АСК тармоқларида барқарор кадр составига эришиш ва уни қўллаб-қувватлаш қанчалик муҳимлигини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Лекин бу ва бошқа проблемаларнинг ҳал этилишини қишлоқ меҳнаткашлари учун неъмат ва хизматларни шунчаки кўпайтириш билан боғлаш нотўғри бўларди.

Бизнингча, бунда социал соҳани ривожлантиришга янгича қараш ва унинг ўсиб бораётган ролини тўлиқ ҳажмда баҳолаш зарурлиги хусусида КПСС XXVII съезди берган йўл-йўриқлар принципиал аҳамиятга эга. Бу эса партия социал сиёсати стратегик мақсадларининг фаровонлик муайян даражасини таъминлашдан такрор ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга, ҳозирги фаровонлик даражаси ва мавжуд ресурслар ҳажмида социал адолат принципларини қарор топтиришга қайтадан йўлланаётганлиги билан боғлиқдир. Туб иқтисодий ислоҳот меҳнаткашлар турмушининг социал-маиший шароитини яхшилашда корхоналар ўз маблағларининг ролини жиддий равишда оширишни, ишлаб чиқариш объекларини бунёд этишда тежалган капитал маблағларни социал-маданий соҳа моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтиришни ҳамда ушбу соҳа корхоналарини маблағ билан таъминлашнинг хўжалик ҳисобидаги формаларини улар иши пировард натижалари билан чамбарчас бирликда жорий қилишни кўзда тутади. Шу сабабли социал-маданий ва маиший соҳаларнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ташкилий форма ҳамда методларини изланиш проблемаси актуаллаштирилмоқда.

Социалистик экономиканинг хўжалик механизми тубдан қайта қурилаётган бугунги кунда идоравий биқиқликни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этишнинг архаик форма, методларини сақлаб қолаётган ушбу муассасалар билан боғлиқ вазиятнинг проблемавийлиги яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институти олимлари томонидан Фарғона ва Жиззах областларида ўтказилган социологик тадқиқот шундай муассасаларнинг социал самарасизлигини тасдиқламоқда. Идоравий тарқоқлик кўп жиҳатдан уларнинг нафақат нотекис «география»сини, ишдаги ва кадрлар билан таъминланишдаги бир хил эмасликни, балки маҳаллий шароитга, қишлоқ аҳолисининг фаолият турлари ва эҳтиёжлари характерига, айникса, бўш вақт, ҳордиқ чиқариш соҳасида, очиқдан-очиқ мувофиқ келмаслигини ҳам шартламоқда. Аҳолига ҳар куни ва вақти-вақти билан хизмат кўрсатиш объектлари обрўси, уларнинг иқтисодий ва социал самарадорлиги пасайиши кузатилаётганлиги бежиз эмас. Турли социал-демографик группалар меҳнаткашларининг бўш вақти режими кўнгилдагидек ҳисобга олинмаётганлиги ҳам бунда катта роль ўйнаяпти. Натижалар ҳам шунга яраша: масалан, Фарғона областининг Киров районида сўралганларнинг 39 процентигина кутубхоналарнинг, 36 проценти маданият уйларининг, 28 проценти Маиший хизмат уйларининг хизматларидан фойдаланган.

Республика қишлоқ аҳолисининг маданий ҳордиқ чиқариш фаолияти анализ қилинганда унда шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, уй-рўзғор ишларига боғлиқ турларнинг миқдори ошиб бораётгани кўзга ташланади. Уларни «мақбул» ёки «номақбул» турларга бўлиб ўтирмаймиз, чунки ҳар қандай ҳолда ҳам ҳордиқ чиқаришнинг тарбиявий потенциали пасаяди. Тилга олинган тадқиқот кўрсатганидек, сўралган қишлоқ меҳнатчиларининг 71 проценти бўш вақтнинг катта қисмини зарур уй-рўзғор ишларига, 11 проценти дам олиш ва кўнгил очишларга, 18 проценти у ва бу хил ҳордиқ чиқаришга бир текисда сарфлар экан. Қишлоқ аҳолисининг сўров пайтида аниқланган ҳордиқ чиқариш шарт-шароити ва маиший хизмат кўрсатишдан қониқмаслиги (Андижон областида масалан, сўралганларнинг ярмидан кўпи уни ёмон аҳволда деб айтди) аввалги «сохта қониққанлик» андозасига барҳам бериш тенденциясидан, қишлоқ меҳнатчилари эҳтиёжларини ривожлантиришдаги ижобий силжишдан далолат беради.

Қишлоқ аҳолисининг нисбатан биқиқлиги ва маданий-билишга доир эҳтиёж ҳамда қизиқишларининг чекланганлиги кўп жиҳатдан қишлоқ социал-маданий

соҳаси моддий базасининг чекланганлиги, унинг юқори малакали кадрлар билан кам таъминланганлиги, маданият муассасалари территория жиҳатидан нотекис жойлашганлиги билан изоҳланади. Маданият муассасалари иш олиб бормайдиган жойларда ҳордиқ чиқаришда ички оилавий форма етакчилик қилади, ёшларда эса ўз тенгдошлари билан норасмий мулоқот устун ўринни эгаллайди.

Шу муносабат билан социал-маданий муассасалар ходимлари, жамоат ташкилотлари, аввало, комсомол олдида аҳоли турли категориялари, айникса ёшлар «ўз ташаббускорлиги» асосида фойдаланаётган ёки жорий қилаётган ҳордиқ чиқаришнинг янги формаларини «кўриш»дек жиддий вазифа турибди. Бундай формаларга зарур идеологик йўналиш бағишлаш, шунингдек, «ноз уйқуда» ётган клубларни уйғотиб, ишга солиб юбориш зарур деб ўйлаймиз. Ҳордиқ чиқариш муассасаларини интеграциялаш ҳақидаги, уларнинг территориал структураси маҳаллий шароитларга мувофиқ ҳолда ривожланиши, кишиларнинг иш жойидаги ҳордиғини ташкил этиш системасини тўлдириши ҳамда хоҳ ҳар кунги, хоҳ ҳар ҳафтада танлаб ўтказилувчи ҳордиқ бўлсин, у билан ҳамжиҳат бўлиб иш кўриши хусусидаги масалаларни ҳал қилиш керак. Аҳоли турли социал-демографик группаларининг конкрет эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳордиқ чиқариш муассасалари фаолиятини планлаштириш, программалаштириш ва координациялаш шароитида бунда каттагина тарбиявий потенциал яширинганини эътиборга олиш керак.

Қишлоқдаги социал-маданий ва маиший соҳада тўпланиб қолган проблемаларнинг мураккаблиги ва кескинлиги кўпгина хўжалик раҳбарлари уларни ўз вақтида ҳал қилишнинг сиёсий аҳамиятини тушуниб етмаслиги натижасида чуқурлашяпти. Бугун ушбу ҳол билан келишиб бўлмайди. Қишлоқ меҳнаткашларининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун таъсирчан чораларни шошилинч амалга ошириш ўрнига уларга бюрократларча ёндашаётганлардан дадиллик билан халос бўлишимиз керак. Партия масалани ана шу тарзда қўймоқда. Зотан, бундай раҳбарлар иқтисодий ҳаракатдан мақсад социал неъматлардир деган марксча ҳақиқатни ситиб чиқариб, амалда меҳнаткашнинг социал активланишини бўғиб қўймоқдалар, оқибатда эса қайта қуриш жиддий оқсаяпти.

Афсуски, социал жараёнларни бошқаришнинг эскирган методларидан фойдаланиш ҳали ҳам мавжуд, чунки социал инфраструктуранинг «қолдиқли планлаштириш» деб номланган принципининг «илдизлари» чуқур жойлашган. Баъзи партия, хўжалик раҳбарлари, маҳаллий Советлар ходимлари иқтисодий ва социал ривожланиш баланслилигини бузиш қандай салбий оқибатларга олиб келишини тўлиқ англаб етмаганлар. Ахир, сўз амалда юз минглаб қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётий фаолияти учун нормал шарт-шароит яратиш, уларнинг орзу-умидлари, ҳар кунги рўзғор эҳтиёжлари тўғрисида боряпти-ку. Шу билан бирга таъкидлаш керакки, социал инфраструктуранинг регионал ориентир ва нормативлари ишлаб чиқилмаганлиги иқтисодий ва социал жиҳатларнинг ўзаро нисбати, уларни ривожлантириш суръатлари, социал самарадорликка эришишда ижтимоий ишлаб чиқариш имкониятлари, инсон омилини активлаштириш хусусидаги анъанавий тасаввурларни тубдан ўзгартиришга халақит беряпти.

Қишлоқдаги социал-маданий ва маиший соҳалар корхоналари зарур даражадан ўқтин-ўқтин орқада қолаётганлиги, социал инфраструктура муассасаларини ташкил этишнинг қишлоқдаги асосан индивидуал-оилавий яшаш характерига очиқдан-очиқ зид келувчи форма ва методлари сақланиб қолаётганлиги АСКдаги қайта қуриш ишига жиддий ғов бўлаётгани учун ҳам қишлоқни социал ривожлантириш Комплекс программасини амалга ошириш республикамиз учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу программа қуйидаги мақсадларни ўз ичига олиши керак:

— социал инфраструктура объектларини меҳнаткашларнинг тураржойлари ва ишлаб чиқариш фаолияти ўтадиган жойларга энг кўп даражада яқинлаштириш;

— территориал муштараклик хили, унинг архитектура-планлаштириш ва социал-демографик параметрларига боғлиқ ҳолда социал инфраструктура турли элементларини оптимал равишда бирлаштириш;

— тармоқли (идоравий) ва маҳаллий (территориал) бўйсунишдаги социал инфраструктура объектларини рационал бирлаштириш;

— аҳолининг миллий хусусиятларини ҳамда унинг маданий ҳордиқ олиш фаолиятининг ўз-ўзидан уюштирилувчи формаларини ҳисобга олган ҳолда социал инфраструктура объектларини ташкил этиш.

Бундай кенг доирадаги проблемаларни ҳал этиш партия органларининг йўналтириш ва контрол қилишга доир жиддий фаолиятини, маҳаллий Советлар ишини активлаштиришни талаб қилади. Зотан қишлоқни жадал ривожлантириш жараёнида қайта қуришнинг иқтисодий, ташкилий, социал факторлари бутун комплексини ҳисобга олиш керак. Ушбу занжирдан биргина ҳалқанинг бўлса ҳам тушиб қолиши куч-ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин. Шу сабабли қишлоқни социал-маданий ривожлантириш проблемаларини ҳал этишга дахлдор бўлган ҳар бир киши уларнинг комплекс характердалигини ҳамда жадаллаштириш концепцияси, экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш билан чамбарчас алоқадорлигини англаб етиши керак. Бунда ҳозирги пайтнинг ҳатто энг ўткир проблемалари ҳам узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши лозим, чунки бу шартни инкор этиш янги, янада ўткир социал проблемалар пайдо бўлишига олиб келади.

Қишлоқ аҳолиси турли социал-демографик ва профессионал группаларининг социал-маданий эҳтиёжларини қондириш имкониятига оқилона қараш уларни назарий жиҳатдангина ўзаро тенг деб атаса бўлишини кўрсатмоқда. Моддий-техника базаси ривожланмаганлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси структураси ва унинг ишини ташкил этиш такомиллашмагани сабабли қишлоқ аҳолиси яшаш муҳитининг «узуқ-юлуқлиги» фактини ҳисобга олган ҳолда, аср охиригача ва XXI аср бошларида республика туб ерли аҳолиси моддий ва маънавий эҳтиёжлари юксалиши ва тубдан ўзгаришини белгиловчи факторларни ҳам эътиборда тутиш керак. Аҳолининг миграцион ҳаракатчанлиги кучайиши, социал таъминот яхшиланиши билан боғлиқ ҳолда қишлоқ оилалари даромадларининг мўлжалланган ҳолда ўсиши, улар маданий даражасининг ошиши, турмуш тарзининг шаҳарга хос стандартлари тарқалиши, хулқ-атвор ва истеъмолдаги баъзи бир халқаро намуналарнинг таъсири кўзда тутиляпти.

Бошқача айтганда, биз бугунги кундаёқ нафақат техника ва ишлаб чиқариш технологияси соҳасидаги, балки социал-маданий соҳадаги янгиликлар ҳақида ҳам ўйлашимиз ва ғамхўрлик қилишимиз керак. Яқин келажакда регионал социал сиёсат тадбирларини амалга оширишда жамиятнинг маданий жараёнларини янги эҳтиёжлар, турли формадаги маданий активлик шаклланадиган ва ривожланадиган халқнинг кундалик оддий маданияти билан яқинлаштиришга доир йўналишларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу муносабат билан реал юзага келган социал-демографик вазиятни социологик тадқиқ қилишни барча чоралар билан кенгайтириш мақсадга мувофиқдир, чунки у ноишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланиш тенденцияларини, қишлоқ аҳолисига шаҳарликларникидек турмуш шароитини яратишни жадаллаштириш учун ушбу соҳанинг «хаста» проблемаларини ўз вақтида илғаб олишга ёрдам беради.

Хулосада шуни таъкидламоқчимизки, қишлоқнинг социал-маданий соҳасини ривожлантириш актуал вазифаларининг ҳал этилиши шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутларни йўқотиш, аҳолининг турмушида социал-иқтисодий ва маданий-маиший шарт-шароитни бараварлаштириш қонуниятлари ҳамда тенденцияларини билишда янги босқичга чиқиш имконини беради.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Долзарб мавзуда савол-жавоб

ДЕМОКРАТИЯЛАШ ЖАРАЁНИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ

«Ўзбекистон коммунисти» журнали саволларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. РОМАНОВСКИЙ жавоб беради

— Социалистик демократияни ривожлантириш — партиямизнинг ҳозирги босқичдаги сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Республикамиз ижтимоий ҳаётини демократиялаш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли қандай?

— Энг аввало ижтимоий ҳаётни демократиялаш ўз моҳиятига кўра ҳам, қайта қуришнинг, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий воситаси сифатида ҳам жуда муҳим эканлигини таъкидлаш лозим. Зеро янгиланиш моҳиятини баъзан социализм кўпроқ бўлсин деган қисқа, аммо лўнда ибора билан ифодалайдилар. Шундай қилиб, вазифа социалистик тузум афзалликлари ва имкониятларини, унинг моддий ва маънавий потенциалини, қудратли революцион омилини тўла-тўкис рўёбга чиқариш ҳамда фойдаланишдан иборат. Бу вазифани ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири демократиялаш орқали, барча меҳнаткашларнинг, меҳнат коллективларининг жамият ишларини бошқарувда кун сайин актив ва амалий тарзда қатнашиши учун шароит яратиш орқали халқни қайта қуришга жалб этишдир.

Маълумки, 70-йиллардаги ва 80-йилларнинг бошларидаги турғунлик ҳолатлари давлатимизда яратилган иқтисодий ва сиёсий тартиботлардан тўла-тўкис фойдаланиш, СССР Конституцияси ва совет қонунларида қайд этилган норма ҳамда қоидаларни ижтимоий практикада изчил қўлланишга халақит берди. Бу ҳол кадрларни танлаш ва тарбиялашда ленинча принципларнинг бузилиши, идеология ишидаги нуқсонлар, оммавий тарздаги суиистеъмоллик, ўғирлик ва порахўрликлар билан биргаликда оғир оқибатларга олиб келди. Ўзбекистонда салбий ҳодисаларни бартараф этиш, социал адолатни тиклаш, маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш учун фавқулодда чоралар кўриш зарур бўлиб қолди.

Буларни айтишдан мақсад респуликадаги ижтимоий тараққиёт жараёнига тўғаноқ бўлган рашидовчилик бизни қанчалар орқага суриб юборганини таъкидлашдир. Шу сабабли конституция ва қонунлардаги халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг хуқуқий кафолатини акс эттирувчи ҳамда ўзида улкан демократик потенциални мужассамлаштирувчи талаблар бизнинг шароитимизда тобора актуаллик касб этмоқда.

Партия бугунги кунда халқ ҳокимияти тартиботлари самарадорлигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига реал таъсир ўтказиши масаласини айниқса кескин қўймоқда. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, халқ депутатлари Советлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга оммани сафарбар этишнинг муҳим бўғинларидан бири бўла оладилар ва шундай бўлишлари ҳам керак. Ҳокимият органларининг халқ хоҳиш-иродасини

ҳар куни, амалда ифодалаб туришларига, кейинги йилларда анчагина кенгайган ўз ваколатларидан активроқ фойдаланишларига қаратилган йўл оғишмай ўтказиб келинмоқда. 1986 йил июлида КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши ўз тасарруфларидаги территорияда экономика ва социал-маданий соҳани комплекс ривожлантиришни таъминлашда, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини жадаллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишда халқ ҳокимияти органларининг сифат жиҳатидан янгича роли тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Бу ҳужжат уларга корхона, бирлашма ва ташкилотларга таъсир ўтказишда янги омил бахш этди, Советлар билан улар тасарруфидаги хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтирди, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини яхшилашдан уларнинг ўзаро манфаатдорлигини кучайтирди. Ҳокимият органлари масъулиятини ошириш билан бир қаторда республика ва маҳаллий Советларнинг, шунингдек «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.

Советларга берилган ваколатлар билан уларни амалга оширишнинг реал практикаси ўртасида турғунлик даврида қарор топган номувофиқликни бартараф этишга кейинги уч йилда катта куч-ғайрат сарфланди. Республика қонунларини такомиллаштириш, уларни бугунги талабларга мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон ССР Олий Совети, унинг Президиуми фаолиятидан муҳим ўрин олди. Давлат ҳокимияти органлари ишини планлаштиришни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар қабул қилинди. Маҳаллий Советларнинг эътибори меҳнаткашлар манфаатларига дахлдор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилди. Президиум мажлисларида Сирдарё область Советининг қуйи совет органлари ишини қайта қуриш, Андижон область Советининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш проблемаларини комплекс ҳал этиш, Қарши шаҳар Советининг аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, Қужган қишлоқ Советининг аҳолининг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантириш борасидаги фаолияти, Хоразм область Советларининг Чита области билан бевосита алоқани ривожлантиришга доир тажрибаси ва бошқа масалаларнинг муҳокама этилиши республика давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.

Ҳозирги кунда асосий эътибор ўз компетенциясига кирадиган масалаларни ҳал этишда барча даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советларини активлаштиришга қаратилмоқда. Бу эса бошқарувни ортиқча марказлаштириш, бюрократчилик ва маҳкамачиликдан холи бўлишга ёрдам беради. Ана шундай ёндашув тўғри эканлигини маҳаллий ҳокимият органлари роли ва обрў-эътибори анча ошганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Советлар экономика масалалари билан чуқурроқ шуғуллана бориб, уларни диққат билан қараб чиқмоқдалар ва ҳал этишга кўмаклашмоқдалар. Советлар территориянинг социал инфраструктурасида юзага келган камчиликларни бартараф этишга жиддий тарзда киришдилар, эртанги кун тўғрисида ўйлашни истамаётгани, одамларнинг кундалик талаб-эҳтиёжлари хусусида ғамхўрлик кўрсатилмаётгани учун «ўзгалар» тасарруфида бўлган ҳамма даражадаги идоралар раҳбарларидан дадил талаб қилмоқдалар.

— Халқ депутатлари Советлари фаолиятида кейинги вақтда пайдо бўлган янги, истиқболли иш усулларидан, Сизнингча, қайсиларини алоҳида таъкидлаш мумкин?

— Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ўзларининг конституцион ваколатлари ҳамда янги имкониятларидан қандай фойдаланаётганликларига мисол сифатида Чирчиқ шаҳар Советини кўрсатиш мумкин. Бу Совет корхоналар ишига, улар қайси идорага қарашлигидан қатъи назар, ўз таъсири самарадорлигини анчагина оширди. Советнинг сессияларида, ижроком ва доимий комиссиялар мажлисларида хўжалик фаолиятининг ҳар хил жиҳатлари муҳокама этилади, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш тадбирлари тасдиқланади ҳамда уларни амалга ошириш назорат қилиб борилади, белгиланган режаларни рўёбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатилади. Шаҳар ижроия комитети қарийб барча

корхона халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришига, бундай товарларнинг ҳажми ортиб, ассортименти кенгайишига эриша олди. Шаҳар муаммоларини тезда ҳал этиб бориш учун директорлар кенгаши тузилган бўлиб, у жумладан уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш, шаҳарни ободонлаштиришга корхоналар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга ёрдам берди.

Термиз шаҳар Совети бошқарувнинг тармоқ ва территориал принципларини энг мақбул тарзда уйғунлаштириш, юқори идораларга бўйсунадиган корхоналар ва ташкилотлар иш натижасига актив таъсир ўтказиш йўлларини қунт билан изламоқда. Бу ерда республикада биринчи территориал-тармоқлараро бирлашма тузилган бўлиб, унинг куч-ғайрати билан илғор техника ва технологияни жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара салмоғи ошмоқда, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари реконструкцияси тезлашди, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг тури кўпайиб, сифати яхшиланди. Бирлашма тармоқлараро бир нечта ишлаб чиқариш, шаҳар хўжалигининг ягона диспетчерлик бошқарувини ташкил этди, ҳиссабай асосда уй-жой қуриш, шаҳарни ободонлаштириш учун корхоналар маблағларини жамламоқда ва бу ишларни назорат қилиб турибди.

Термизликлар республикамизда биринчи бўлиб Советларнинг ўз тасарруфидаги территорияда жойлашган корхоналар билан ўзаро муносабатининг янги механизмини яхшилаб ўрганиб, идоравий ва маҳаллий манфаатларни уйғунлаштирдилар. Наманган, Ангрен, Оҳангарон, Бухоро шаҳар Советлари ижроия комитетларида ҳам шу сингари тажриба тўпланган, уларда корхона ва ташкилотлар кучғайратларини мувофиқлаштириб бориш учун комплекс социал-иқтисодий ривожланиш бўлимлари ташкил этилган. Маҳаллий Советлар эндиликда социал соҳани мустаҳкамлаш учун корхоналар билан ташкилотлар маблағларини тез-тез бирлаштирадиган бўлиб қолдилар, натижада уй-жой, мактаб ва болалар боғчалари кўпроқ қурилмоқда, коммунал хизмат яхшиланиб бормоқда.

Аммо халқ депутатлари Советларининг ўз фаолиятини ташкил этиш, олдинда турган вазифаларни ҳал этишга бундай ёндашуви ҳозирча кенг оммалашди дея олмаймиз.

— Сизнингча бунинг сабаби нимада?

— Сабаблари оз эмас. Республикамизда шундай регионлар борки, таъбир жоиз бўлса, уларни кутиб туриш зоналари деган бўлардим. Маҳаллий ҳокимият органлари қайта қуришга шошилмаяптилар, ҳамма масала юзасидан «юқоридан» қўшимча йўл-йўриқ ва кўрсатма кутмоқдалар. Кўпгина совет органларида буйруқбозлик-бюрократик услуб ўз мавқеини қўлдан бермаяпти, оқибатда фикр-мулоҳаза билан, қатъий ҳаракат қилиш ўрнини муаммоларга юзаки ёндашув, нуқсонларни шунчаки қайд этиб қўя қолиш, «объектив» баҳоналарни ва ваколатлар етарли эмаслигини рўкач қилиш эгалламоқда. Маълумки, КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республикамиз раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқида уларнинг эътиборини буйруқбозлик-маъмурий услубга қаратди. Бу ҳол масаланинг катта аҳамияти ва актуаллигидан далолатдир.

Айрим Советлар ўз ҳуқуқларидан ниҳоятда журъатсизлик, эҳтиёткорлик билан фойдаланмоқдалар, ҳали батамом синдирилмаган тўғаноқ солиш механизмига дуч келишлари биланоқ эски ҳолатга қайтиб қўя қоладилар. Бу ҳам халқ ҳокимияти органлари фаолиятида самара юқори эмаслигининг жиддий сабабларидан биридир. Министрлик ва идоралар Советлар билан ўз муносабатларини қайта қурганларича йўқ, ҳокимликни улар билан бўлишишни истамаяптилар, баъзан эса эскириб қолган инструкцияларни пеш қилмоқдалар. Жумладан, республика Қурилиш, Маиший хизмат кўрсатиш министрликлари ва Госснаби етарлича асос бўлмаса-да, бир қанча корхоналарни, тармоқлараро аҳамиятга молик участкаларни юқорида айтиб ўтилган Термиз территориал-тармоқлараро бирлашмаси ихтиёрига ўтказишни рад этдилар.

Қайта қуришга бюрократик ёндашувнинг хавфлилиги туб иқтисодий ислоҳот асносида айниқса яққол кўринмоқда. Маълумки, шу йилдан эътиборан республикамиз саноати, қурилиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги 1748 та корхона ва ташкилот тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишламоқда, яъни давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонуннинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий методларни кучайтириш ва де-

мократик асосларни кенгайтиришга, меҳнат коллективларининг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришга қаратилган қоидалари рўёбга чиқарилмоқда. Бироқ давлат буюртмаси ишлаб чиқариш план ҳажмининг юз процентини ташкил этган Самарқанд чинни заводи, Олмалик, Бухоро ва Янгийўл мебель фабрикаларида демократиялаш, ўз-ўзини бошқариш ҳақида гап бўлиши мумкинми?! Маҳаллий саноат министрлиги Навоий цемент заводининг давлат буюртмасига ҳатто пландан ташқари маҳсулот ҳам киритибди. Баъзи министрликлар корхоналардан даромаднинг кўп қисмини тортиб олмоқдалар, оқибатда коллективларни ишлаб чиқариш ва социал ривожлантириш масалаларини ҳал этиш учун корхоналарда имкон қолмаяпти. Кўриниб турибдики, идоралар баъзан давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунни тўғридан-тўғри бузяптилар, унинг асосий қоидаларини яширин суратда тафтиш қиляптилар.

Яқинда, ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессиясида маъқулланган республика халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби, министрликларнинг ўз амрини ўтказиш йўлига жиддий зарба беради. Унда белгиланган тадбирларга ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш, хўжалик юритишнинг асосан иқтисодий методларига ўтиш, умумдавлат манфаатларини меҳнат коллективлари ва территориялар манфаатлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш асос қилиб олинди. Бош схема асосида маҳаллий Советларнинг регионларни комплекс ривожлантиришни таъминлашдаги, қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар шу территорияда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг ишларини, хусусан ер ва сувдан фойдаланиш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, кадрлар тайёрлаш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига доир ишларини мувофиқлаштириб боришдаги роли айниқса ошади. Иқтисодий ишни идора этиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

— Лекин яқин-яқингача совет органлари фаолиятининг ана шу жабҳаси ҳам форма ва методлар хилма-хиллиги билан ажралиб турмасди, у ҳам маъмурий-буйруқбозлик иллатидан холи эмасди...

— Жуда тўғри, бугунги кунда Советлар меҳнат коллективлари билан ўз муносабатларини янгича асосда, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ тарзда йўлга қўйишни ўрганиб олишлари лозим. Илгарилари ижрокомлар кўпинча ҳар хил қўшимча топшириқларга зўр берардилар, энди бу нарсани хўжалик ҳисоби кўтармайди. Совет органлари ходимларида мутлақо бошқача бошқарув этикаси, таъбир жоиз бўлса, ишлаб чиқариш раҳбарлари ҳамда меҳнат коллективлари билан демократик муносабатлар маданияти шакллантирилмоғи даркор.

Шуни эътироф қилиш керакки, юқорида номи зикр этилган Қонунни амалга оширишда қийинчиликлар бўлди, келгусида ҳам шундай бўлади — янгича шароитда ишлашга ҳамма ҳам тайёр эмас, қолаверса, планлаштириш, экономикани бошқаришни қайта қуриш тугалланган йўқ, эскича тасаввурларнинг психологик юки ҳали ҳам босиб турибди. Айни Советлар ўтмишнинг кераксиз юкларидан халос бўлиш ишига бош бўлишлари, яъни корхоналарни хўжалик юритишнинг янги йўлига ўтказиш механизмини пухта ишлата билишлари, амалий иқтисодий таълимни ташкил этишлари, социал инфраструктурани тартибга келтиришлари, хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатини ўзи қоплаш шароитидаги илғор иш тажрибаларини оммалаштиришлари лозим. Депутатлар уюшмаларининг, ҳар бир депутатнинг, барча Советларнинг фаолияти ана шунга йўналтирилмоғи зарур.

Меҳнат коллективлари ташаббускорлигини янада кучайтириш, инсон омили ролини ошириш, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилган социалистик ўз-ўзини бошқарув принципларини амалда рўёбга чиқариш учун республикамизнинг халқ депутатлари Советлари халқ хўжалиги асосий бўғини фаолиятида демократик асосларни ривожлантиришга, раҳбарларни сайлаб қўйишни амалга оширишга, ишнинг пировард натижаси учун ҳар бир меҳнатчининг масъулиятини кучайтиришга ҳар тарафлама кўмаклашмоқлари лозим. Меҳнат коллективлари кенгашлари қайта қуришга актив ёрдам беришлари керак. Халқ ҳокимияти органлари ишлаб чиқариш, социал ва кадрларга доир кенг кўламдаги масалалар юзасидан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга

корхона маъмурияти билан жамоат ташкилотлари ёрдам бераяптими-йўқми, уларнинг ишини такрорлашга ва бажаришга йўл қўйилмаяптими — ҳамма-ҳаммасини муттасил назорат қилиб боришлари шарт. Ҳаёт шуни кўрсатадики, яхши қонун ва йўл-йўриқларга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади — уларга риоя этишни ўрганиш керак.

— Бу вазифани Советлар қай даражада уддаламоқдалар, ҳокимият органларини шакллантиришда ва уларнинг ишлаш жараёнида демократик принциплар қандай амалга оширилмоқда?

— Республика маҳаллий Советларига ўтган йилнинг июнида бўлган охирги сайлов халқ ҳокимияти органларини қайта қуриш ишида жиддий синов бўлди. Сайлов муайян даражада Советлар билан уларнинг органлари фаолиятида демократик асосларни қарор топтиришга чоғлади. Кўп йиллар мобайнида илк марта сайлов кампаниясида одамлар билан жонли иш олиб боришга алоҳида эътибор берилди. Сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгаришлар жамоат ташкилотлари ролини оширди. Маҳалла ва кўча комитетлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, хотин-қизлар кенгашлари ўз вакилларини сайлов комиссияларига бевосита кўрсатиш ҳуқуқини олдилар. Депутатликка номзодларнинг анча қисми гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилиш ва йиғинларида кўрсатилди, сайлоолди тадбирларининг аксарияти ҳам шу жойга кўчирилди, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан алоқасининг ноанъанавий формалари кенг қўлланилди. Ҳамма ерда йиғилишлар муҳокамасига бир нечтадан номзод киритилди.

Республикамизнинг ўн учта районида сайлов кўп мандатли округлар бўйича ўтказилди. Худди ана шу районларда меҳнаткашларнинг гражданлик активлиги ва уларнинг Советлар фаолиятини такомиллаштиришдан қизғин манфаатдорлиги айниқса ёркин намоён бўлди. Уларда турли даражадаги Советлар составига бир канча совет ходимлари ўтмай қолди, бу ҳол халқ кечаги иш методларидан ҳам, ана шу методларнинг тарафдорларидан ҳам халос бўлмоқчи эканлигидан далолат беради.

Кўпгина Советлар фаолиятида демократия, ошкоралик кучайиб, расмиятчилик барҳам топмоқда. Бу нарса уларнинг фаолияти самарадорлиги ўтказилган мажлислар, муҳокама этилган масалалар миқдори ёки қоғозлар сони билан эмас, балки амалий иш билан ўлчанаётганлигида ҳам кўриняпти. Айрим мисолларга тўхталамиз.

Советларнинг сессияларини ўтказиш такомиллаштирилмоқда. Бунда амалда Советлар билан сайловчиларнинг бевосита алоқаси йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда сессиялар, ижроком мажлислари материаллари матбуотда олдиндан эълон қилинмоқда, улар меҳнат коллективларида, истиқомат жойларида кенг муҳокама этилмоқда, қарорларни ишлаб чиқиш чоғида меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинмоқда. Бу ҳол депутатларнинг ҳам, аҳолининг ҳам активлигини оширишга самарали таъсир этяпти. Энг муҳими эса одамлар ўз Советларининг ишига бевосита дахлдор эканликларини ҳис этмоқдалар, унинг қарорларини амалга ошириш борасидаги манфаатдорлик ҳам шундан келиб чиқмоқда. Меҳнаткашларда ҳокимият органларига ишонч кучаймоқда, улар ўз депутатларига тез-тез мурожаат этадиган бўлиб қолдилар, кишиларнинг социал пассивлиги йўқолмоқда. Чунончи, ҳозирги чақириқ Наманган область Советининг учинчи сессияси материаллари муҳокамасида 50 мингдан ортиқ киши қатнашди, 3 мингга яқин танқидий фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Айрим жойларда сессиялар янгичасига ўтказилмоқда, улар кўпинча дабдабасиз, кескин мунозара, юксак ишчанлик вазиятида ўтаётир. Андижон, Жиззах, Наманган область ижроия комитетининг бўлим ва бошқармалари раҳбарлари жиддий синовдан ўтдилар: уларнинг номзодлари шу Советларнинг биринчи сессияси тасдиғига киритилган эди; ҳар бир номзоднинг шахсий хислатлари тегишли доимий комиссияларда олдиндан ўрганилди, меҳнат коллективлари йиғилишларида муҳокама этилди.

1988 йилги план ва бюджет муҳокамаси бўйича Самарқанд шаҳар Совети сессия ўтказишнинг қизиқарли формасини топди: депутатларни иш жойи, эгаллаган лавозими, у ёки бу комиссияга аъзолигини инобатга олган ҳолда 5 та тармоқ секциясига тақсимладилар. Бу эса муҳокамани конкретлаштирди, унинг активлигини оширди. Илгарилари 5—7 депутат сўзга чиққан бўлса, энди 30 дан ортиқ депутат муҳокамада қатнашди.

Сессия мажлислари ўтадиган залга ҳозирда кўпинча қўшимча микрофонлар ўрнатилмоқда, ундан депутатлар актив фойдаланмоқдалар. Тошкент шаҳар Совети шаҳар ҳаётига доир муҳим масалаларни муҳокама этиш учун газета, радио, телевидение орқали республика пойтахти аҳолиси билан «бевосита мулоқот» ташкил этмоқда. Олмалиқ шаҳар ижроия комитети прокуратура билан биргаликда «ишонч телефони» ташкил этди, меҳнаткашлар шу йўл билан социалистик қонунни бузиш ҳоллари тўғрисида хабар берадилар. Сайёр сессиялар, ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг кўчма мажлислари, «Очиқ хатлар кунлари» ўтказиш, жойларга бориб одамларни ўша ернинг ўзида қабул қилиш нормага айланмоқда. Термиз ва Самарқанд шаҳар Советлари гражданларнинг шикоят ва аризаларини тезда ҳал этиш учун «05 хизмати» жорий этдилар. Хуллас, демократия ва ошкоралик Советлар ишида тобора чуқур қарор топмоқда.

Лекин булар илк қадамлар, холос. Қайта қуриш, Советлар ташкилий фаолиятини демократиялаш жараёни қуйи бўғинларга, депутатларнинг асосий қисмига тўла-тўкис бориб етди деб бўлмайди. Кўпинча шакл изланяпти, у янги мазмун билан бойимаяпти: аҳвол чуқур ўрганилмайди, ишни баҳолашда танқид етишмайди, жойлардаги ҳаётнинг долзарб муаммолари дадил кўтарилмайди. У ёки бу Советдаги демократия ривожини депутатлар сўрови яққол кўрсатади. Лекин бу ишдан етарлича фойдаланилмаяпти. Хоразм область, бир қанча шаҳар ва район Советларининг сессияларида ўтган йили депутатлар сўрови умуман киритилмаганлиги ташвиш уйғотади.

Доимий комиссиялар фаолияти жонланиб қолди. Ҳозир улар ўзларининг контроллик ва аналитик функцияларига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Лекин бунда ҳам қоғозбозлик, расмиятчилик жуда секин бартараф этилмоқда. Комиссия аъзолари ўз куч-ғайратларини кўпинча жонли ташкилий ишга эмас, балки кўпроқ факт «тўплаш»га, «масалалар тайёрлаш»га қаратмоқдалар. Таассуфки, пухта тайёрланган ва муҳокама этилган масалалар ҳам кўп ҳолларда қатъият кўрсатилмагани, Советларнинг доимий комиссиялари тавсиялари министрликлар, идоралар, хўжалик органлари, уларнинг бўлинмалари томонидан қандай ижро этилаётгани назорат қилинмаслиги оқибатида бажарилмай қолмоқда.

Афсуски, бугунги кунда халқ депутатлари барча Советлари астойдил ишламоқдалар деб айта олмаймиз. Уларнинг айримларида ҳамон фаолиятсизлик, тадбирбозлик, сафсатабозлик ҳукм сурмоқда. Қайта қуришнинг бошланғич босқичида фурсат, суръат бой берилди, баъзи жойларда ташаббус кўрсата олмадилар. Бюрократизм ва расмиятчиликка қарши кураш олиб бормадилар, ҳатто буни истамадилар. Ана шундай жойларда депутатлар, меҳнат коллективлари, аҳоли билан иш олиб боришда маъмуриятчилик, тазйиқ ўтказиш, партиямиз қатъий қоралаётган бошқа йўсиндаги бюрократик бузилишлар сақланиб қолмоқда.

— Бу фактларга машъум тўғаноқ механизмининг таъсири деб қараш мумкинми?

— Ҳа. Айни чоғда унинг сабабларини ҳам аниқ кўрсатиш керак. Айрим ижроком раҳбарларининг сўзи билан иши нима учун фарқ қилиши ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Улар ижтимоий ҳаётни демократиялашни шунчаки вақтинча, иш услубини тубдан ўзгартиришни талаб этмайдиган шунчаки бир тарғиботчилик кампанияси деб қабул қилмоқдалар.

Шу маънода «қуйидан» контрол, сайлаб қўйилган ва тайинланган барча мансабдор шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб туриши сингари жамиятни демократиялашнинг қудратли воситалари ҳамон писанд қилинмаётганлиги бежиз эмас. Ўтган йили респулика маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг 250 дан ортиқ бўлим ва бошқармалари, 9 ижроия комитети меҳнаткашлар олдида ҳисоб бермадилар. Советлар халқ олдида ҳисоб бериб туришлари лозим деган ленинча принциплар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, бундай «фаромушлик»ни оқлаш қийин.

Демократия, ошкоралик эндиликда норма бўлиб қолиши, соз ишлайдиган системага айланиши керак. Тўғаноқ механизмига бошқа бир механизмни қарши қўйиш керакки, у Советларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини, халқнинг ҳокимият органлари фаолиятида актив иштирокини таъминловчи барча сиёсий ва ҳуқуқий кафолатларни ишга сола билсин. Гражданларнинг йиғилишлари, сайловчилар наказлари, меҳнаткашларнинг хатлари, матбуот, телевидение, радио, жамоат фик-

рини аниклашнинг бошка воситалари, омма талаб-эҳтиёжи ва кайфиятига оператив тарзда жавоб бериш сингари демократиянинг формаларини ривожлантириш айникса муҳимдир.

Республика Олий Совети яқинда қабул қилган «Ўзбекистон ССР давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида»ги Қонун айни шу йўналишдаги кадамдир. Ҳар бир совет кишисига берилган давлат ва жамоат органлари фаолиятига амалий таъсир ўтказиш имкониятининг пухта ҳуқуқий базаси яратилди.

Қонунда гражданларнинг маҳаллий аҳамиятга молик проблемалар муҳокамасида қатнашувига алоҳида ўрин ажратилган. Қонун бу борада комплекс иктисодий ва социал ривожланиш планлари ҳамда бюджет тўғрисидаги, социалистик конунчилик, ҳуқуқ-тартиботни ва гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишни таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иши, шунингдек у ёки бу территориядаги давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг бошқа кўпгина муҳим масалалари юзасидан маҳаллий Советларнинг ҳамда улар ижроия комитетларининг қарорлари лойиҳаларини аҳоли муҳокамасига тақдим этишни **талаб қилади.** Бу ҳол ҳокимият органларини аҳолининг эҳтиёж ва талабларини кенг кўламда ўрганишга йўналтиради, қарорларнинг энг мақбул вариантларини танлаш имконини беради. Шуни ҳам айтиш керакки, бу қарорлар лойиҳалари Советлар ва улар ижроия комитетларининг таклифи билангина эмас, шунингдек депутатлар группалари, айрим депутатлар, жамоат ташкилотлари, меҳнат ва ўқув коллективлари, маҳалла, квартал ва уй комитетлари, гражданларнинг йиғилишлари ва йиғинлари таклифи билан ҳам муҳокама қилинади.

КПСС МК январь (1987 й.) Пленумининг Советлар ижроия комитетлари штатли аппарати билан депутатларнинг ўзаро муносабатлари характери ва услубини тубдан ўзгартириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари конунчилик практикасида ҳам, ҳаётда ҳам амалга оширилмоқда. Бу анча суст бўлса ҳам, лекин изчил ва собитқадамлик билан амалга оширилялти.

— Бироқ ҳанузга қадар кўпчилик ҳокимият органи деганда Советнинг ўзини эмас, балки ижроком аппаратини тушунади. Бунинг боиси бор, албатта, Айтайлик, маҳаллий Совет сессияси иш бошламоқда. Аллақаёқдан пайдо бўлган, аммо яшовчан анъанага кўра ижроком аъзолари, бошқа раҳбар ўртоқлар президиумдан жой оладилар. Бунинг устига ана шундай «фахрий» президиумда ўтирганлар сўзга чиққан депутатнинг гапини кўпоолик билан бўлишлари, белгиланган регламентни бузишлари мумкин...

— Бу ўтмиш ҳақида гапириладиган бўлса, бор гап, аммо шу хилдаги «манзара»ни энди учратиш қийин. Тўғри, сиртдан қараганда бунақа бюрократизм кўринишлари кўзга ёмон ташланади, кишини хафа қилади, албатта. Лекин амалдаги расмиятчилик ҳам, бунинг оқибатида келиб чиқадиган тадбирбозлик ҳам сессияларга ўз таъсирини ўтказган. Аппарат ходимлари ҳамон баъзан нутқларни таҳрир этадилар, уларнинг йўналишини, танқиднинг меъёрини белгилаб берадилар. Шундай методлардан қатъиян халос бўлинмоқда.

Ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифалардан бири ижроком аппаратининг депутатларга буйрук бериш, уларнинг ишини бажариш, халқ сайлаб қўйган депутатлар компетенциясига кирадиган масалаларни ҳал этишга, уларни конкрет ишлардан ажратиб қўйишга уринишларига чек қўйишдан иборат. Ҳокимият органлари сифатида Советларнинг обрў-эътибори пировард натижада унинг депутатлари обрў-эътибори билан белгиланади. Бинобарин, халқ вакиллари тартиботи давримиз илгари сураётган вазифаларга монанд бўлиши керак.

Совет сайлов системасини такомиллаштириш ана шу йўлда қўйилган илк одимлардан биридир. Ёшига, касбига ва маълумот даражасига, хуллас, анкета маълумотларига қараб эмас, балки шахсий фазилатларига, гражданлик позициясига, ўз сайловчилари манфаатлари учун кураша билиш лаёқатига қараб сайлаш лозим. Ҳозирги кунда сайлов тўғрисидаги қонунларимизни янги принциплар билан тўлдириш устида иш олиб борилмоқда. Бу эса қонуннинг демократик характерини янада кучайтиради.

Халқ вакилларининг обрў-эътибори ва масъулиятини ҳар тарафлама ошириш, партия XXVII съездининг депутат деган ном лавозимга қўшимча нарса эмас, фахр-

ли имтиёз эмас, балки Советда, аҳоли орасида катта ва қийин ишларни бажариш демак, деган наказини доимо ёдда тутиш лозим. Республикамизда халқ депутатларининг 105 минг кишидан ортиқ отрядига кўпгина янги муносиб кишилар келиб қўшилди. Уларга ҳар тарафлама ёрдам бериш, аҳолининг кундалик турмушига оид жиддий проблемаларни ҳал этишдан совет ёки хўжалик раҳбарларининг бош тортиш йўлидаги ҳар қанақа уринишига, ўз сайловчилари номидан депутатлар улар олдига қўядиган масалаларни ҳал этишга бюрократик ёндашувнинг ҳар бир кўринишига принципиал баҳо бериш керак.

Советлар, сайловчилар халқ депутатларининг ўзига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари лозим. Ўзини жуда пассив тутадиган, нари борса сессияларда шунчаки қатнашиш билан чекланадиган, ўз сайловчилари билан учрашмайдиган, умумий ташвишлардан четда турадиган депутатлар ҳам оз эмас. Уларнинг айримлари буйруқбозлик билан ишлашга ўрганиб қолишган. Мана, масалан, кўп мандатли округни олиб кўрайлик — бу форма депутатлар фаолияти учун кенг уфқ очиб беради, аҳил коллектив бўлиб ишлаш имкониятини яратади. Фарғона ва Тошкент областида ишлар аҳволини ўрганиш шуни кўрсатдики, йириклаштирилган округларда иш ҳамон эскичасига, ўша-ўша методлар билан олиб борилмоқда. Фаоллик, манфаатдорлик, ишни янгичасига олиб боришга интилиш мутлақо сезилмайди. Кўп мандатли округ депутатлари йиғилиб, наказлар ижроси учун контролни қай тарзда яхшироқ йўлга қўйиш, кимлар одамларни қабул қилиши, кимлар эса сайловчиларнинг уйига бориши кераклигини, қолоқ участкаларга кимларни бириктириб қўйиш лозимлигини ҳал этишлари учун наҳотки, алоҳида йўлйўриқ керак бўлса?

Халқ сайлаб қўйган кишиларнинг ижодий активлигини ўстиришнинг янги формаларини излаш керак. Сессияларда, мандат комиссиялари мажлисларида депутатларнинг ўз бурчларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги мунтазам ҳисоботлари барча бўғиндаги Советлар иш тажрибасидан ўрин олди. Уч йилдирки, депутатларнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботлари ҳафталиклари ўтказилмоқда. Бир қанча ижроия комитетлари депутатлар ўқувини яхши йўлга қўйдилар, Советлардаги ва сайлов округларидаги ваколатларини амалга оширишнинг амалий кўникмаларини ҳосил қилишда уларга яқиндан ёрдам беряптилар. Барча совет органлари куч-ғайратни депутатларнинг, аҳолининг жамоатчилик асосидаги органларининг активлигини оширишга жамламоқлари лозим. Энг асосийси одамларда қайта қуриш ишига ва мамлакат тақдирига қизиқиш уйғотиб, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантирмоғимиз керак.

Ўзбекистон раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқида М. С. Горбачев таъкидлаганидек, социализм табиати замирининг ўзидаги имкониятларни намоён этиш йўли билан жамиятни тубдан янгилашдан, социализм шаклини ўзгартирган, халқнинг ижодий қобилиятларини бўғиб қўйган ҳамма иллатлардан халос бўлишдан бошқа илож йўқ.

Биз ҳаммамиз бугунги кунни ҳам, ўтмишни ҳам чуқур тушуниб олишимиз, энг асосийси эса тегишли сабоқлар чиқариш ва реал билимлар асосида истиқболни барпо этишимиз керак. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ана шу масалаларга бағишланган бўлиб, у партиямизнинг, бутун халқимизнинг назарий ва амалий фаолиятига янги омил бахш этади.

Ўтган йилнинг 30 декабрида республика Советларининг барча ижроия комитетларида «Совет демократияси дарслари» ўтказилди. Шу куни чорак миллион йигит ва қиз ижроия комитетларига бориб, уларнинг раҳбарлари, депутатлар билан учрашдилар. Совет органлари иши ҳақида кўпгина янги нарсаларни билиб олдилар, ўз фикр-мулоҳазалари, ташвишлари билан ўртоқлашдилар, таклифларини ўртага ташладилар. Советлар ишидаги бу форма шунчалик қизиқарли, фойдали ва муҳим бўлиб чиқдики, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми «Совет демократияси дарслари»ни анъанавий қилишга, уни ҳар йили СССР ташкил топган куни ўтказишга қарор қилди.

Бундай дарслар ёшларгагина эмас, катталарга ҳам керак. Зеро, биз ҳаммамиз бугун демократия шароитида яшаш ва ишлашни ўрганаётирмиз. Ана шу коллектив, умумхалқ таълимида Советларнинг орқада қолишга ҳаққи йўқ. Аксинча, ибрат кўрсатиб бошқаларни ўз ортидан эргаштириши керак.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Н. ТЎХЛИЕВ,
Ўзбекистон Компартияси МК фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири

МАМЛАКАТ ҲАЁТИНИНГ ҳамма соҳаларида жадаллаштириш суръатлари профессионализм, ғоявий-сиёсий етуклик, ташкилотчилик ва бошқарув фаолияти кўникмаларини ўзида мужассамлаштирган юксак малакали мутахассисларни қанчалик муваффақият билан тайёрлашга белгиловчи даражада боғлиқдир. М. С. Горбачев КПСС МК 1988 йил февраль Пленумида партиянинг стратегик мақсадлари билан таълимни тубдан қайта қуриш ўзаро узвий боғлиқлигини уқтириб, «биз экономикамиз, маданиятимиз, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўлларини белгилашга қайси позицияларда туриб ёндашмайлик, инсоннинг ўзи, унинг сиёсий қиёфаси ва ақл-заковати, унинг маҳорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг ижод қилиш қобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги ҳамиша ҳал қилувчи омил бўлади», деб таъкидлади. Буни халқ маорифида жиддий ўзгаришлар қилмасдан, бутун жамиятни бу борада етилган муаммолар томон буриб юбормасдан туриб бунёдкорликни жадал суръатлар билан олиб бориб бўлмаслиги, юксакликка кескин кўтарилиб бўлмаслиги ҳақида Пленум чиқарган хулоса тақозо этди.

Олий мактабни қайта қуриш йўлларини белгилашда шуни ёдда тутиш зарурки, унинг олдида халқ хўжалигини мутахассислар билан таъминлаш вазифасигина эмас, балки халқ зиёлилари сафларини мамлакатнинг барча синфлари ва социал группалари, миллат ва элатлари намояндалари билан тўлдириш вазифаси ҳам турибди. «Жамиятда ғоявий-сиёсий, маънавий муҳитни шакллантиришда, мамлакатнинг маънавий, маданий ҳаётини бойитишда, — дейилади КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, МК секретари Е. К. Лигачевнинг партия МК 1988 йил февраль Пленумидаги докладида, — олий ўқув юртларининг роли ғоят каттадир».

Республика партия ташкилотининг ўрта ва олий мактаб ислоҳотини амалга ошириш ҳамда қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашга доир вазифаларини муҳокама қилган Ўзбекистон Компартияси МК X пленумида (1988 йил апрель) ҳозирги ва келгуси революцион ўзгартишларнинг асосий омили — инсон омили хусусида, республикамиз хусусиятлари ва унда йиғилиб қолган проблемаларни эътиборга олган ҳолда, кескин руҳда конструктив мусоҳаба бўлди. Кўпгина категорияларга мансуб ходимлар профессионал ва умумий маълумот даражасининг пастлиги меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ёмонлашишидаги, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларининг қониқарсиз ҳал қилинишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Таълимни янгилашнинг жуда ҳам зарурлигини яна шу нарса тақозо этадики, бошқа соҳалардагидек унда ҳам кўп йиллар давомида салбий тенденциялар кучайиб борди, уларни бартараф этиш юзасидан эса тегишли чора-тадбирлар кўрилмади. Бунинг оқибатида у кадрлар тайёрлашнинг талаб этилган даражасини таъминлай олмади.

Бутун мамлакатимиз халқ маорифига хос камчиликлар республикамизда айниқса яққол кўзга ташланди. Экстенсив ривожланиш йўлидан бориш, ўринсиз

равишда ялпи, микдорий кўрсаткичларга берилиб кетиш, ихтисосларни асоссиз майдалаштириш, халқ хўжалигининг реал эҳтиёжларига жавоб беролмаслик мутахассислар тайёрлаш сифатини анча пасайтирди, ишлаб чиқаришда, маданият ва фанда улардан самарали фойдаланиш имкониятини жуда ҳам чеклаб қўйди.

Маҳкамачилик ва маҳаллийчилик манфаатларининг кенг ёйилиши кўпдан-кўп олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, уларнинг филиаллари пайдо бўлишига олиб келдики, уларда таълим-тарбия жараёнининг юксак савияда бўлиши таъминланмади, профессор-ўқитувчилар составининг тайёргарлик даражаси замон талабларига жавоб беролмай қолди, моддий-техника базаси заиф. Республикадаги 10 министрлик ва идорага бўйсунувчи 42 олий ўқув юртида салкам 300 минг студент 226 ихтисослик бўйича таълим олмокда.

Юзага келган аҳвол танқидий анализ қилинаётган ҳозирги кунда бундан буёнги ишларнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, олий таълимни қайта қуриш амалий тадбирларга айлантирилиши керак. Бу тадбирлар қандай?

Муҳими уларнинг мазмуни — ўқув, ишлаб чиқариш ва фаннинг узвий бирлигини таъминлаш, уларнинг ўзаро алоқаларининг янги принципларига ўтиш. Бу, ўз навбатида, кенг профилли мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш сифатини ошириш, олий ўқув юртлари структурасини қайта кўриб чиқиш, халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб ихтисослар рўйхатини анча қисқартириш, мутахассисларга муҳтож корхоналар билан олий мактаб ўртасидаги муносабатларни иқтисодий асосларда ташкил этиш заруратини тақозо этади. Бошқа бир жуда муҳим вазифа таълимга бўлган маҳаллийчилик, тор маҳкамачилик қарашларини бартараф этишдан, олий ўқув юрти ҳаётини кенг демократиялашдан иборат. У ёки бу институт, филиал, факультет ёки кафедрани субъектив мулоҳазалар, қандайдир «обрў-эътибор»ни кўзлаб сақлаб қолишга уриниш — бу масалага партиявий, давлат нуқтаи назаридан ёндашиш эмас, бу кўпинча моддий ва маънавий йўқотувларга олиб келади.

Мабодо структуравий ўзгартишлар билан бир вақтда олий ўқув юртларида мутахассисларни якка тартибда тайёрлашни кенгайтириш томон кескин бурилиш ясай олмасак, улар кутилган натижани бермайди. Ўқув жараёнини тубдан модернизациялаш таълимнинг актив форма ва методларига, студентларнинг яхши ташкил этилган мустақил ишлашига, уларнинг ижодий лаёқатларини ҳар томонлама ривожлантиришга таяниши керак. Ўз билимларини мунтазам кўпайтириб боришга ўргатишгина эмас, балки мустақил фикрлай билишни, ишга ташаббускорлик, ижодкорлик билан ёндашишни тарбиялаш, таълимни гуманитаризациялашга эришиш ҳам лозимки, бу ҳозир айниқса муҳимдир. Олий таълимни қайта қуришнинг боиси ана шунда — бу ўқитувчиларнинг ўз ишларига ёндашишини, ректоратлар танлаш ва парткомларнинг педагогларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш борасидаги фаолиятини ўзгартириш ҳам демакдир.

Жадаллаштириш вазифалари кадрлар тайёрлашда амалий йўналишни кучайтириш эҳтиёжини туғдиради. Ана шу маънода аудитория билан студентнинг мустақил ишлаши ўртасидаги, лекциялар ва амалий машғулотлар ҳажмлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш, ишлаб чиқариш практикасининг ролини ошириш, студентни ўқитиш билан бирга уни албатта ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, унинг илмий ва ижодий изланишда фаол қатнашиши зарурдир.

Олий ўқув юртларида тарбия ишлари ўқишдан ташқарида қолган, кадрлар тайёрлаш реал проблемаларидан узилган ҳозирги аҳволга барҳам бериш мақсадида таълим ва тарбиянинг бирлиги ленинча принципини турмушга ошириш — олий таълимни қайта қуришнинг энг муҳим талабидир. Ўқитувчи билан студентнинг мулоқоти томон, ҳозирги куннинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини, ёшларимизни тўлқинлантираётган масалаларни жонли муҳокама қилиш томон кескин бурилиш ясаш зарур.

Олий ўқув юртларидаги аҳволни ўрганиш шуни кўрсатадики, студентларни ғоявий-сиёсий, меҳнатда ва ахлоқий тарбиялашда, бўлғуси мутахассисларни етук гражданинга айлантиришда сифат жиҳатдан ўзгаришлар бўлмади. Марксизм-ленинизмдан дарс беришнинг ғоявий-назарий савияси замонавий талабларга асло жавоб бермайди. Жамиятшунослик фанлари бўйича курслар марксча-

ленинча тафаккур ва амалиётнинг энг янги ютуқлари билан суст бойитилмоқда. Ижтимоий фанлар кафедралари студентларнинг КПСС XXVII съезди, партия МК съезддан кейинги Пленумлари материалларини ўрганишлари тегишли савияда бўлишини, уларнинг мамлакат бошидан кечираётган ўтиш моментининг характерини, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлларини излаш зарурлигини аниқ-равшан тушуниб олишларини таъминламаётир. Жамиятшунослик фанлари бўйича лекция ва семинарлар кўпинча эскича тартибда ўтказилади, ўқитувчининг материални диктовка қилиши ҳамон учраб турибди, проблемали лекциялар жорий этилмаган, схоластик тарзда назарийлаштиришга барҳам берилмаган, институтнинг профили, мутахассисларнинг келажакдаги ишлаб чиқариш фаолиятининг характери ҳисобга олинмайди. Студентларнинг дастлабки манбаларни ўрганиши паст даражада, марксизм-ленинизм классиклари асарлари, КПСС ҳужжатлари, вақтли матбуот, илмий ва статистик адабиёт материаллари устида мунтазам равишда мустақил ишлаш эҳтиёжи ва кўникмалари студентларга сингдириб борилмайди. Студентлар дунёқарашни ҳосил қилувчи фанларга унчалик қизиқмайдилар, уларнинг бир қисмида фаол ҳаётий позиция шаклланмаган. Ўзбекистон Компартияси МК пленуми олий ўқув юртларида тарбия сифатига етарлича эътибор берилмаётганини таъкидлади. Бунинг оқибатида ёшлар муҳитида ижтимоий-сиёсий пассивлик, нигилизм, ахлоқий мезонлар тушкунлиги, дин билан муросасозлик тез-тез учрамоқда. Шу муносабат билан олий ўқув юртларидаги қайта қуришнинг энг муҳим йўналиши уни идеологик таъминлашдан, ёшларни ғоявий ишонч, социализм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашга доир ишни кучайтиришдан иборат бўлиб қолди.

Қайта қуриш студентларнинг ўз-ўзларини бошқаришини ривожлантиришни, ўқиш ва турмушни йўлга қўйишда ёшларнинг ролини оширишни кўзда тутади. Партия комитетлари, ректоратлар ва комсомол ташкилотлари студентларни илмий советлар составига механик тарзда киритиш билан чекланиб қолмасликлари керак. Ниҳоят, формал тарзда эмас, балки моҳият жиҳатдан қандай масалаларни студентлар ташкилотлари эҳтиёжларига бериб қўйишни аниқлаш лозим, лекин бунда, табиийки, қабул қилинадиган қарорлар учун улар жавобгар бўлишлари шарт. Республиканинг ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш борасида биринчи қадамларни қўйган бир қатор олий ўқув юртларида ўтказилган анкеталар тўлдириш шуни кўрсатдики, студентларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқ ва вазифаларини билмайди, илмий советдаги ўз вакилларини ҳам билмайди.

Олий мактабни қайта қуриш — кўп қиррали жараён. Бошқариш принципларини ўзгартириш, ўқув юртларининг ташаббусини ривожлантириш ва ҳуқуқларини кенгайтириш, улар фаолиятида демократик асосларни мустаҳкамлаш бу жараённинг негизидир. Бунда партия ташкилотлари мазкур жараёнга бош бўлиб, етакчилик ролини ўйнашлари, барча жамоат ташкилотлари, илмий-педагогик коллективларнинг аҳил, батартиб ишлашини таъминлашлари лозим.

Республикада олий ўқув юртлари фаолиятида янгича ёндашишларни рўёбга чиқариш бошланди. Тармоқ министрликлари билан биргаликда йирик корхоналарда олий ўқув юртлари кафедраларининг 60 та филиали бунёд этилди, 18 та ўқув илмий-ишлаб чиқариш комплекслари ташкил қилинди. Бир қатор институтлар корхоналар ва ташкилотларнинг конкрет буюртмалари бўйича мутахассисларни тармоқни мўлжаллаб ўқитишга киришдилар.

Олий ўқув юртлари структурасини оптималлаштиришда ҳам дастлабки қадамлар қўйилди. Институтларнинг моддий базаси заиф бўлган ва мутахассисларни сифатли тайёрлай олмаган 19 та филиаллари ва умумтехникавий факультетлари, 51 та кафедра ва факультет тугатилди. Айни бир вақтда халқ хўжалиги учун замонавий фан ва техниканинг илғор йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўқув жараёнини сифат жиҳатдан яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда: ўқитишнинг якка-якка формаси жорий этилмоқда, студентларнинг мустақил ишлаши роли оширилмоқда, уларни ўқитишда амалиётга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бешта институтда студентларнинг саноат корхоналаридаги бир йиллик практикаси жорий этилмоқда. Бир қанча ихтисослар бўйича аудиториялардаги мажбурий машғулотларни қисқартириш ва шунинг ҳисобидан мустақил машғулотларни анча кўпайтириш кўзда тутилган ўқув

планлари ишлаб чиқилди. Айрим олий ўқув юртларида ўқиш вақтининг бир қисми энди фан-техника тараққиёти ютуқларини ўрганишга ажратилмоқда.

Шуни айтиш керакки, олий мактабни қайта қуриш революцион характерда бўлган тақдирдагина сезиларли натижалар бериши мумкин. Партия йиғилишлари кўрсатиб берганидек, аксар ҳолларда қайта қуриш деганда энг оддий тартиб ўрнатишни, шундоққина кўзга ташланиб турган камчиликларни-тугатишнигина тушунадилар. Бу ҳам муҳим, албатта. Аммо институт ҳаёт ва фаолияти системасининг ўзи ўзгармай қолаверса, ҳамма камчиликлар яна пайдо бўлади. Шу боисдан юзаки пардоз қилиш билан олий ўқув юрти ишини қисман яхшилаб, қайта қуриш қилиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда республикада олий мактаб фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-сиёсий тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон КП Марказий Комитети раҳбар ва илмий-педагог кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда олий ўқув юрти бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини анча оширишни, коллективлар ҳаёт ва фаолияти барча соҳа ва жабҳаларига партиявий таъсирни кучайтиришни ҳал қилувчи омил деб билади. Яқинда Ўзбекистон Компартияси МК Бюроси «КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорини бажариш борасида Беруний номли Тошкент политехника институти парткоми олиб бораётган иш хусусида»ги масалани қараб чиқди.

Бир қанча институтларнинг коммунистлари олий ўқув юрти ишига оид у ёки бу муаммоларни ҳал этишда дастлабки одимлар қўйди. Масалан, Фарғона политехника институтининг партия комитети ва ректорати абитуриентлар танлаш ва кириш имтиҳонлари ўтказиш каби олий ўқув юртининг «иллатли» нуқталари теварагидаги вазиятни соғломлаштириш мақсадини кўзлаган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бўлғуси студентлар контингентини шакллантириш учунгина эмас, балки институтдаги маънавий-ахлоқий муҳит, унинг обрў-эътибори учун ҳам бу тадбирларнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, коллектив куч-ғайратини худди ана шунга қаратишга қарор қилинди. Кириш имтиҳонларидан анча аввал область шаҳар ва қишлоқлари ўқувчилари орасида касбга йўллаш тадбирлари, очиқ эшиклар кунлари, фанлар бўйича олимпиада ва викториналар, обзорли лекциялар ва консультациялар ўтказилади. Шу билан бир қаторда мактабларни битирувчилар учун репитиция имтиҳонлари уюштирилиб, уларда юқори синф ўқувчилари ўз билимларини фақат текширибгина қолмай, балки масъулиятли ишга киришиш учун психологик тайёргарлик кўрадилар, кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби ва талаблари билан танишадилар.

Олий мактаб парткоми ва ректорати имтиҳонларни ва институтга олишни максимал ошкоралик вазиятида ўтказдилар. Имтиҳон олувчилар состави коллегиал тарзда белгиланди, халқ маорифи органларининг тавсияси билан унга мактабларнинг энг яхши ўқитувчилари киритилди. Абитуриентларга ва уларнинг ота-оналарига қабул қилиш қоидалари ва имтиҳон олиш тартиби батафсил тушунтириб берилди. Уларни ташкил этиш иши билан истовчиларнинг ҳаммаси бемалол танишишди. Имтиҳонлар холис бўлсин деб студентнинг кейинги ўқиб кетиши учун имтиҳон олувчилар шахсан жавобгарлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Мандат комиссиясининг мажлиси институтнинг катта залида ўтказилди, унга бари абитуриентларни, жамоатчилик вакилларини таклиф қилишди. Ҳар бир абитуриентни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик сабаби батафсил тушунтирилди. Натижада кириш имтиҳонларининг якунлари хусусида биронта ҳам шикоят тушмади.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтида ҳам студентлар қабулини ташкил этишни ўзгартириш йўлидан борилди. Бунда партком стандарт схемалардан қочишга интилади, қабул планини ҳар қандай қилиб бўлса-да бажаришдан воз кечади, олий ўқув юртига бўлғуси касбини онгли равишда танлаган истеъдодли ёшлар келишини таъминлашга интилади. Эксперимент тариқасида институт қошида умумий таълим мактабининг иккита ўнинчи синфи ишлай бошлади, уларда ўқиш учун қобилиятли йигит ва қизлар фақат Ўзбекистондангина эмас, балки мамлакатнинг бошқа регионларидан ҳам танлаб олинди. Уларнинг ҳаммаси 10-синфни битиргач кириш имтиҳонларисиз биринчи

курсга олинади. Уларни ўқитишда мактаб программаси бўйича дарс бериш билан бирга олий мактаб етакчи ўқитувчиларининг раҳбарлигида фундаментал фанлар ҳам ўрганилади.

Лекин бу ерда йиғилиб қолган проблемалар комплекс равишда ҳал қилишни талаб этмоқда. Шу муносабат билан министрлик ва идораларга, ўқув юртларига Ўзбекистон Компартияси МК X пленуми қарори билан ўқув юртларига кирувчиларни олдиндан тайёрлаш ва танлаб олишнинг турли формаларини ривожлантиришга доир ишни кучайтириш, айрим фанларни чуқур ўрганувчи умумий таълим мактаб-интернатларининг юзага келган тармоғини кенгайтиришни, кадрлар билан, моддий ва методик жиҳатдан мустаҳкамлашни кўзда тутган ҳолда ушбу тармоқни қайта кўриб чиқиш топширилди.

Республиканинг олий ўқув юртларида янги қабулнинг структурасини оптималлаштириш иши бошлаб юборилди. Бунда муҳими конкрет буюртмага қараб иш тутиш, корхоналар билан ўзаро алоқаларда иқтисодий принципларга ўтишдир. Андижон пахтачилик институтида, масалан, биринчи курсдагиларнинг қарийб ярми 1987/1988 ўқув йилида агросаноат комплекси ташкилотлари тармоқ мақсадига мос ўқишга юборган студентлардан иборат бўлди.

Олий ўқув юртларининг ўзида ҳам структурани такомиллаштириш ана шу йўсинда амалга оширилмоқда. Чунончи, Тошкент автомобиль-йўллар институти парткомининг кенгайтирилган мажлисида илмий совет ишини қайта қуриш йўллари ҳақидаги масалани муҳокама қилиш якунлари юзасидан мавжуд бешта факультет негизида учта факультет тузишга қарор қилинди. Бунда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилди: биринчидан, профессор-ўқитувчилар составининг кучғайратини кенг профилли инженерлар тайёрлашга қаратиш, иккинчидан, илмий-педагог кадрларни қайта тақсимлаш, майда ва камқувват кафедраларни тугатиш ва, ниҳоят, ўқитишнинг кечки ва сиртқи формаларига ихтисослаштириладиган доимий меҳнат коллективларини яратиш, уларда цех партия ташкилотлари тузиш орқали партиявий таъсирни кучайтиришдир.

Кучларни бундай жамлаш институт коллективига таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш томон реал одимлар ташлаш имконини берди. Ўқув-ишлаб чиқариш ва илмий марказ тузилди, бу эса аксарият ўқув машғулотларини ишлаб чиқариш шароитида ўтказиш, студентларнинг илмий тадқиқотларини активлаштириш, амалий аҳамиятга эга бўлган диплом лойиҳаларини тайёрлашга тўла-тўкис ўтиш имконини берди. Бундан ташқари, тармоқнинг илғор корхоналарида профилни белгиловчи кафедраларнинг филиаллари барпо этилди, лаборатория ва амалиёт машғулотларининг каттагина қисми шу филиалларга ўтказилди.

Ана шу негизда студентларнинг ишлаб чиқариш практикасини ташкил қилишга принцип жиҳатдан янгича ёндашишлар учун имкониятлар пайдо бўлди. Одатда, бу инженерлик тафаккурини талаб этувчи лавозимлардаги ҳақ тўланадиган ишдир, яхши ўқиётган студентлар эса цех ва участкалар раҳбарларининг дублёрлари сифатида практикадан ўтадилар. Фақат 1987 йилнинг ўзида автойўллар институтида ҳар учта диплом лойиҳасининг биттаси бевосита ишлаб чиқаришда давлат имтиҳон комиссиясининг мажлисида ёқланди. Бунда диплом лойиҳаларини тайёрлаш пул тўланадиган буюртмага тобора кўпроқ мўлжаллаб амалга оширилди. Масалан, «Автомобилларни ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш» кафедраси 50 минг сўмлик шартнома тузди, бу шартнома битириб чиқувчининг диплом ёқлаш якунлари бўйича 1 минг сўм моддий ҳақ олишини кўзда тутади.

Шу билан бир вақтда республикада таълим, ишлаб чиқариш ва фанни интеграциялаш проблемаси ҳали узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Ўзбекистон Компартияси МК X пленумида кўрсатиб ўтилганидек, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари кадр тайёрловчи ўқув юртларига расмиятчилик билан муносабатда бўлмоқдалар, моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштиришда уларга ёрдам кўрсатмаяптилар, олий ўқув юрти фани билан алоқалари заиф. Натижада битириб чиқувчиларнинг профессионал ва назарий тайёргарлик даражаси ҳаддан ташқари паст бўляпти, уларнинг кўплари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара олмайди. Шу муносабат билан кадрларни бевосита корхоналар билан шартнома тузиш воситасида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш практикасини ҳар томонлама кенгайтириш-

га, кадрларни касбга йўллаш, танлаш, тайёрлаш ва улардан рационал фойдаланишда моддий ишлаб чиқариш соҳаси иштирок этишининг конкрет программасини ишлаб чиқишга қарор қилинди. Тармоқларнинг раҳбарларига кадрлар корпусини шакллантиришга доир барча ишни ўқув юртлари билан тузилган, ўзаро мажбуриятлар аниқ белгилаб берилган шартномалар асосида олиб бориш топширилди.

Ўқув жараёнини тубдан ўзгартириш, дарс беришнинг янги интенсив формаларидан фойдаланиш республика олий ўқув юртлари фаолиятини яхшилашнинг асосий йўналишидир. Чунончи, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида лекция машғулотлари структурасини такомиллаштириш борасида тажриба ўтказилмоқда: программанинг асосий материалини баён этишга 60 минут ажратилади, қолган 30 минут эса тема бўйича амалий ўйин ўтказишга, вазиятни таҳлил этишга, ижодий топшириқларни бажаришга кетади. Шу янгилик муносабати билан студентларнинг машғулотларга қизиқиши анча ортди. Андижон пахтачилик институтида имтиҳон сессиясисиз тинимсиз ўқиш жорий этилмоқда, имтиҳонлар эса студентлар ташаббуси билан машғулотлар давомида топширилади. Ҳафталик нагрузкани 24 соатгача қисқартирган ҳолда бу билан ўқув жараёнини интенсивлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Тошкент политехника институтининг партия комитети ўқишни ва илмий ишни компьютерлаштиришнинг асосий йўналишларини кўриб чиқди. Партком қарорига мувофиқ тузилган советга институтнинг ҳам, ЭҲМи бўлган бошқа ташкилотларнинг ҳам имкониятларидан фойдаланиб, ўқитувчилар ва студентларнинг компьютер юзасидан билими билан шуғулланишни, замонавий ҳисоблаш техникасини ўқув жараёнининг, диплом ва курс ишларини бажаришнинг, илмий тадқиқотларнинг ажралмас қисмига айлантиришни топширди.

Олий ўқув юрти ҳаётини демократиялаштириш ҳақида партия комитетлари алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Демократия энг аввало кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда ўзини кўрсатиши керак.

Кўп йиллардан буён олий мактабда мавжуд бўлган лавозимга сайлаш практикаси муайян пайтга келиб ўзининг чинакам демократизмини йўқотди. Сайловлар яхши йўлга қўйилган маросимга айланди, унда расмиятчилик, бир-бирининг айбини яшириш, машъум «цех» бирдамлиги бир-бири билан чатишиб кетди. Бундай шароитда ҳатто шубҳасиз истеъдодли ва кўпроқ муносиб бўлган институтдан ташқаридаги кишининг биқиқ доира деворини ёриб кириши амалда мумкин эмас эди. Янги кучлар келиб турмаганлиги, кадрлар, тажриба алмаштириб турилмаганлиги, соғлом конкуренция бўлмаганлиги оқибатида кафедралар коллективлари албатта турғунлик ҳолатига тушиб қолардилар. Шу боисдан республикадаги бир қатор олий ўқув юртларининг парткомлари ва ректоратлари ўз эътиборларини аввало коллективлар ичида демократик принципларни, конкурс асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратдилар. Ҳозирдаёқ ана шундай асосда олтита ректор сайланди. Проректорлик, деканлик, кафедра мудирлиги лавозимларига кўтаришдан олдин тобора кўпроқ мусобақалашув, фаолият программаларини таққослаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Фарғона политехника институтининг парткоми ва ректорати ўтказган «амалий учрашувлар» коллектив ижодий имкониятларидан самарали фойдаланиш, қулай маънавий-психологик иқлим яратиш резервларини излашга бағишланди. Бу учрашувлар давомида раҳбарият ишидаги камчиликлар, қайта қуриш суст бораётганлиги сабаблари, студентларнинг ўзини ўзи бошқариши ва ҳоказолар ҳақида студентлар билан ўқитувчиларнинг самимий суҳбатлари бўлиб ўтди. Кафедра мудирлари ва деканлар фаолиятига очиқ-ошкора баҳо берилди. Коллективнинг фикри ҳисобга олиниб икки факультетда деканларни муддатидан олдин қайта сайлашга қарор қилинди.

Олий таълимни қайта қуриш олий ўқув юртлари моддий-техника базасининг аҳволини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Янги ўқув-лаборатория биноларини ҳар тарафлама ривожлантириш ва ишга туширишни тезлаштириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, компьютер техникаси билан жиҳозлаш зарур. Ана шу мақсадда маҳкамачилик тўсиқларини олиб ташлаш, «буюртмачи» бўлган саноат корхоналари ва ташкилотларни, халқ хўжалиги тармоқларини ишга жалб этиш лозим.

Афсуски, бу соҳада капитал маблағларни ўзлаштириш юзасидан 1987 йил плани атиги 73 процент бажарилди. Республиканинг 42 та олий ўқув юртидан биронтасида ҳам нормативга яқин бўлган ўқув-лаборатория майдончалари йўқ, ҳар бир студентга Ўзбекистон бўйича ўрта ҳисобда ўн квадрат метрдан сал кўпроқ ёки зарур миқдорнинг қарийб 60 проценти тўғри келади. Шу боисдан олий ўқув юртларида машғулотлар икки, баъзан эса уч сменада ўтказилади. Ётоқхоналар билан таъминланиш даражаси ҳам бундан яхши эмас — ҳамма олий ўқув юртлари бўйича у эҳтиёжнинг атиги 70,4 процентини ташкил этади.

Юзага келган аҳволнинг сабаби нимада? Капитал маблағларнинг етишмаслигини важ қилиб кўрсатиш мумкин, албатта. Аммо ажратилганлари ҳам ҳаммавақт ўзлаштирилавермайди. Шуни тан олиш керакки, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш масалалари эътиборсиз қолдирилган. Олий ўқув юртлари қурилишига 1986—1987 йиллар учун ажратилган 51,6 миллион сўмдан атиги 36,4 миллиони ўзлаштирилган.

Бунда машъум «туя гўшти еган қурилиш» практикаси юзага келган. Масалан, Ф. Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар давлат педагогика институтининг корпуси норма 23 ой бўлгани ҳолда ...108 ойдан буён қурилмоқда. Афсуски, бу якка-ю ёлғиз мисол эмас.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, ҳатто мавжуд моддий база ҳам жуда ёмон, баъзан ғоят оддий тарзда жиҳозланади. Республика олий таълими раҳбарлари бунда жиддий айбдордирлар, албатта. Уларда қатъият, ташаббус, баъзан эса талабчанлик етишмайди. Акс ҳолда, масалан, Тошкент политехника институтида қиймати 600 минг сўмликдан зиёд ўрнатилмаган, шу жумладан четдан келтирилган асбоб-ускуналар ётганлигини нима билан изоҳласа бўлади. Бу институтда ЭҲМ пульти олдидаги бир иш ўрнига 200—220 студент, Тошкент давлат университетида — 180—200, Нукус давлат университетида — 300—400 студент тўғри келади, ваҳоланки мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртларида ушбу кўрсаткич 20—25 студентга тенг. Дарвоқе, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ўқув юртларида 492 та ҳар хил ЭҲМ (нормативнинг 20—22 проценти) бор, лекин уларнинг 60—70 проценти маънавий эскирган.

Олий ўқув юртларидаги фаннинг ҳозирги аҳволи устида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Ҳозирги вақтда бу соҳада республика олимларининг салкам 60 проценти меҳнат қилмоқда. Жами илмий-тадқиқот ишларининг ярмидан кўпроғи уларнинг улушига тўғри келади. Ўн биринчи беш йилликнинг ўзида халқ хўжалигига Ўзбекистон олий ўқув юртлари олимларининг салкам 3 мингта ечимлари жорий этилди, бу эса 526 миллион сўм иқтисодий самара берди. Аммо олий ўқув юрти орасида юзага келган аҳволни яхши деб бўлмайди. Ўзбекистон олий ўқув фанида бир ўқитувчи ҳиссасига тўғри келадиган илмий тадқиқотлар ҳажми иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар камдир. Бунинг устига фаннинг самараси ортиш у ёқда турсин, ҳатто йилдан-йилга камаймоқда. Майда темаларга, кучларнинг парчаланиб кетишига, ҳал қилинаётган вазифаларнинг мамлакат экономикаси эҳтиёжларидан ажралиб қолганлигига барҳам берилмаган. Тошкент политехника институтида, масалан, ўқитувчиларнинг атиги учдан бир қисми халқ хўжалиги буюртмаси бўлган илмий-тадқиқот ишида қатнашади, 19 та факультетдан фақат учтасидагина тадқиқотлар натижаларини жорий этишдан олинган самара уларни ўтказишга ажратилган маблағлардан кўпроқдир.

Кейинги пайтларда олий ўқув юртларидаги бошқарув функцияларини оптималлаштиришда муайян ўзгаришлар бўлди. Уларга юбориладиган ҳисобот ҳужжатлари, циркулярлар ва фармойишлар сони камайди. Аммо рўй-рост айтиш керакки, ўқув жараёнини ташкил қилишда ҳали туб ўзгариш бўлгани йўқ. Унинг янги формаларига ўтиш ташкилий-методик жиҳатдан зарур даражада таъминланмади. Ишлаб чиқариш практикаси муддатларини узайтириш билан бир вақтда кўпинча практиканинг ўзининг мазмуни қайта кўриб чиқилмайди. Профессор ва ўқитувчиларнинг кўпчилиги ҳамон машғулот ўтказишнинг эски (асосан монолог ўқиш) формасига ёпишиб олганлар, аслида актив методларни жорий этишга тайёр эмасликларини ёки уларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришни истамаётганликларини кўрсатдилар.

Турли-туман идораларга бўйсунувчи олий ўқув юртларида ўринсиз равишда бир хил мутахассисларни тайёрлаш ҳал этилмаган проблемадир. Бир қанча ихти-

сослар бўйича битириб чиқувчилар сони халқ хўжалиги эҳтиёжларидан анча ортиқчадир, бошқалари бўйича, аксинча, етишмайди. Шу кунга келиб, 23 мингдан зиёд олий ва 88 минг ўрта махсус маълумотли мутахассислар олган дипломларига тўғри келмайдиган лавозимларда ишламоқдалар.

Эски тасаввурлар, илдиз отиб кетган иш методларининг инерцияси ҳали кучли бўлиб, кўпинча ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳанузгача маъмуриятчиликка, қарорларни зўрма-зўраки ўтказишга, бепарволик ва принципсизликларга дуч келиб турибмиз. Бунинг оқибатида белгиланган тадбирларнинг кўпи тўла-тўкис ёки ўз муддатида бажарилмайди, баъзан ҳатто «тўхтатиб қўйилади». Протекционизм, қариндош-уруғчилик, бир-бирининг айбини яшириш каби ҳолатларга барҳам берилмаганки, булар катта маънавий-ахлоқий зиён етказади, олий мактабнинг ва унинг ходимларининг обрўсини тўкади. Айрим коллективларда ғийбатчилик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик ҳамон давом этмоқдаки, бу носоғлом маънавий-психологик муҳитни вужудга келтиради. Эндиликда бу хилдаги муаммоларни қатъий равишда ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли ошкоралик, демократия, танқид ва ўз-ўзини танқидни сўз ва иш учун масъулиятни ошириш билан узвий боғлаган ҳолда ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида қайта қуриш ишлари эндигина авж олиб бормоқда. Ҳал қилинмаган муаммолар, амалга оширилмаган ишлар ҳали кўп. Уларни бартараф этишда, олий мактаб ишини яхшилашда КПСС МҚ 1988 йил февраль Пленумининг қарорлари, партия Марказий Қомитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосий мақсад ва қудратли куч бўлиб хизмат қилади.

АТЕИСТИК ИШНИ АКТИВ РАВИШДА ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

И. МАҚАТОВ,
философия фанлари доктори,
КПСС МК хузуридаги Ижтимоий фанлар академияси
Илмий атеизм институти республикалараро
филиалининг директор ўринбосари

БУГУНГИ ҚУНДА партия ва совет халқи амалга ошираётган қайта қуриш илмий-атеистик фаолиятда ҳам ўзгартишларни тақозо этмоқда. Бу ишда муваффақиятга эришиш учун аввало аҳолининг диндорлик ҳолатини, бу нарса нималардан ҳосил бўлишини ҳар томонлама анализ қилиб чиқиш керак. Бошқача айтганда қайта қуриш реал шароитдан, конкрет диний ва атеистик вазиятдан келиб чиқиши лозим. Уларга объектив баҳо берилмаслиги практикада икки қарама-қарши тенденцияга олиб келади.

Бир томондан, партия, совет ва комсомол ходимлари бир қисми ўртасида диндан оммавий воз кечилганлиги, бугунги кунда айрим кекса кишиларгина ислом таъсири остида қолиб келаётганлиги, ёшлар эса баъзан мусулмонча маросимларда қатнашсаларда буни эътиқод қўйганлари учун эмас, балки қарияларнинг дилини ранжитмаслик учун қилаётганликлари хусусида фикр мавжуд. Бундай даъволарнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида аноним (исм-фамилияларни қайд этмасдан) сўров ўтказилганда туб ерли миллатга мансуб 29 ёшнинг 30 процентча қисми ҳеч қандай қўшимча мулоҳаза билдириб ўтирмай ўзларини у ёки бу мусулмон маросим ҳамда байрамларида қатнашувчи диндор кишилар деб эътироф этдилар (яна шундай бир факт диққатга сазовор: сўровдан сўнг бир нечта йигит ва қиз бунгача ҳеч ким уларнинг дин ва атеизм масалаларига доир фикрлари билан қизиқмаганлигини айтдилар).

Бошқа томондан, олимлар ва идеология ходимлари кўпинча диндорлик даражаси бизда жуда юқори деб ҳисоблайдилар, натижада бундаги диний жамоалар ва руҳоний шахсларнинг, айниқса ҳозирги ислом намояндаларининг ролига ортикча баҳо берадилар. Бундай хулосалар чиқаришга кўпинча диний маросимларда қатнашувчи кишилар миқдорининг ўсиши, шунингдек, мачитлар даромадининг ошиб бориши кўрсаткичлари асос бўлиб хизмат қилади.

Диндорлик динамикаси мураккаб, зиддиятли ва анализ қилиш қийин бўлган жараёндир. Шу сабабли партия, совет ва жамоат органлари аҳоли диндорлиги ва атеистик пропаганда самарадорлигининг объектив манзарасига эга бўлиш учун ҳақли равишда конкрет-социологик тадқиқотларга мурожаат қиладилар. Фан ва практика моҳирона уюштирилганда бундай тадқиқотлар ҳаққоний ахборот беришини кўрсатди. Афсуски, диндорлик (репрезентативлик) объекти ҳамда субъектининг ваколатини аниқлаш, уни ўтказишда ва методикасида ҳали ҳам кустарчилик кучли. Кўпинча ана шу сермеҳнат ва жуда нозик ишга социологик технологияда билими бўлмаган кишилар қўл урадилар. Оқибатда бундай ёндашув кўпинча партия ва совет органларини, жамоат тартиботларини чалғитади, олинган маълумотлардан эса хато хулосаларни асослаш учун фойдаланилади. Нима учун шундай ҳол юз беради?

Узоқ вақт мобайнида атеистик тарбия эътибори социализм ҳозирги босқичидаёқ диннинг бутунлай йўқолиб кетишига қаратилганлигини эътироф этиш керак. Буни истакни воқелик деб билишга, динга қарши кураш кўп куч ва воситаларни банд қилиши (ҳозир ҳам шундай) сабабли унга тезроқ барҳам беришга инти-

лиш билан изоҳлаб келинди. Амалда волюнтаризм кўпинча партия ва давлатнинг динга ҳамда диндорларга муносабатининг ленинча принципларини бузишга олиб келди. Ҳаёт диний онг такроран ҳосил бўлиши учун объектив заминлар сақланиб турган тақдирда социализм ривожининг бутун бир даври устидан сакраб ўтиш мумкин эмаслиги хусусидаги марксча-ленинча қоида ҳаққонийлигини яна бир карра исботлади, бинобарин, динсиз жамият тўғрисида сўз юритишга вақт ҳали эрта.

Лекин шу билан бирга «мамлакатимизнинг баъзи жойларида аҳолининг диндорлиги ўсиши мавжуд» деган нуқтаи назар билан ҳам (А. Турсунов. Атеизм и культура. — «Правда», 1987 йил 16 январь) келишиб бўлмайди. У ҳеч қандай жиддий социологик материаллар билан мустаҳкамланмаган. Бундай пала-партиш хулосалар дин аҳлига социалистик жамият ҳамда илмий атеизмнинг шак-шубҳасиз ютуқларини инкор этиш, «атеистларнинг (яъни марксистларнинг — **И. М.**) социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт ўсиб борган сари диннинг йўқолиб бориши хусусидаги яқингинадаги тасаввурларини эндиликда ишонч билан соддадиллик деб характерлаш мумкин» деб очиқдан-очиқ эълон қилиш учун баҳона бўлади (С. Н. П а в л о в. О современном состоянии русской православной церкви. — «Социологические исследования», 1987, № 3, с. 41).

Албатта, у ёки бу дин раҳбарияти намояндалари марксизм-ленинизмнинг социализм ривожланиб борган сайин дин йўқолиб бориши тўғрисидаги маълум қоидасини ҳар қандай қилиб бўлсада рад этишни истайдилар. Буни тушунса бўлади. Бошқа нарса тушунарсиз: марксистик журнал саҳифаларидан жой берилган илоҳиётчининг бу қадар яққол хуружи эътибордан нима учун четда қолди ва рад этилмади?

КПСС МҚ ҳузуридаги ИФА Илмий атеизм институтининг таянч пунктлари томонидан Совет Шарқи ва Шимолий Қавказ баъзи бир республикаларида ўтказилган социологик тадқиқотлар аҳолининг диндорлиги на миқдор кўрсаткичлари жиҳатидан, на сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ўсганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, унинг мистик-догматик мазмуни анчагина пасайди. Шу билан бирга демократия шароитида муқаррар бўлган диний жамоалар томонидан ҳам, айрим диндорлар томонидан ҳам янада эркинроқ намойиш этилиши ҳисобига мавжуд диндорликнинг жонланиши кўзга ташланди. Ушбу ҳолатни диний жамоалар кўпинча ўзича талқин қиладилар ҳамда ундан ўз мақсадлари йўлида энг кўп даражада фойдаланадилар.

Дин ва атеизм социологиясига нопрофессионал ёндашиш кўпинча, бир томондан, ғоят шубҳали маълумотларни абсолютлаштиришга, догматизмга, бошқа томондан эса, атеистик ишда сўлларга хос чегарадан чиқишларга, шаклнинг мазмундан ажралиб қолишига олиб келади. Масалан, Бухоро областида комсомол ташкилотлари ташаббуси билан диндорликнинг даражаси ва характерини аниқлаш мақсадида 25 минг йигит ва қиздан сўраб чиқилган. Улардан 35 нафари (яъни 0,14 проценти) динни эътироф этишини айтди, шу жумладан 16 киши диний расм-русмларга амал қилишлари сабабини тушунтириб бера олмади, 76 йигит-қиз эса бетараф туришни афзал кўришди. Бундан шундай хулоса чиқарилади: ёшлар ўртасида «диний афъюнга ишонч йўқолди-ю, аммо эски одатлар кучи сақланиб қолди» (М. А б д у л л а е в а. Атеистик иш ҳужумкор бўлиши керак. — «Партия турмуши», Тошкент, 1987, № 2, 87-бет). Бошқа бир мисол. Тошкентдаги Беруний номли политехника, Низомий номли педагогика институтлари, тўқимачилик ва енгил саноат институти студентлари ўртасида ўтказилган сўров уларнинг 60 проценти турли сабабларга кўра диний маросим ҳамда расм-русмларга амал қилишини кўрсатди. Албатта, бундан бутунлай бошқача хулоса ҳам чиқарилди: дин «социал тормозлаш механизмининг асосий элементларидан бири» сифатида қараб чиқилди («Ташкентская правда», 1987 йил 16 октябрь сонига қаралсин).

«Мўътабар» маълумотлар олиш, уларни баҳолашдаги бундай бир-бирига зид фикрлар, бизнингча, кўп миллатли ҳамда бир қанча динлар мавжуд бўлган регионларда диндорлик ва атеистик ҳолатни ўрганишнинг илмий ишлаб чиқилган социологик методикалари, ягона мезонлари йўқлиги туфайли келиб чиқяпти. Шу муносабат билан ислом анъанавий тарқалган жойларда аҳолининг диндорлиги ва атеистик ҳолатини ўрганувчилар олдида турган бир қатор проблемаларни зудлик билан ҳал этиш тақозо этиляпти.

Бизнингча, диншунослик ва атеистик категорияларда тилга доир, терминологик ғовни енгиб ўтиш муҳимдир. Практиканинг далолат беришича, илмий атеизмда қабул қилинган кўпгина терминлар, мисол учун, ислом динига эътиқод қилувчиларга ва қисман туб ерли миллатларга мансуб динга ишонмайдиган кишиларга ҳам ҳар доим тушунарли бўлавермайди. Шунингдек, таржима адабиётимизда кўпгина атеистик тушунчаларнинг мазмунини тўғри ифодалаш ҳам ишлаб чиқилмаган. Масалан, социологик тадқиқотларда «диндор», «худо», «дин», «руҳонийлар», «ғайритабиий кучлар», «диний хурофотлар» ва шу сингари бошқа абстракт категориялардан воз кечилса яхши бўларди.

Маълумки, ҳаётда умуман диндор ёки дин йўқ, балки конкрет диндор ёки конкрет дин мавжуд. Диндорлар ўртасида иш олиб борган вақтда тадқиқотчилар «дин», «худо», «динга ишонувчилар» тушунчаларидан фойдаланилганда диндорлар гўё уларга тааллуқли бўлмаган, бутунлай бошқача ҳодисалар ҳақида сўз бораётгандек ўзларини хотиржам тутганликларини сезганлар. Абстракт тушунчалар, мисол учун, «мусулмон дини», «оллоҳ» каби ва бошқа терминлар билан алмаштирилганда бутунлай бошқача муносабат кузатилган. Мусулмонлар тушунчасига кўра конкрет ислом билан боғланмаган ҳамма нарсалар улар ҳаётига хос жараён ва ҳодисалар чегарасидан ташқарига чиқади.

Танлаб олишнинг, айниқса миқдорий жиҳатдан, репрезентативлигини аниқлай олмаслик социологик тадқиқотларнинг бошқа бир камчилигидир. Унинг эътиборга моликлигини, Бухоро областида бўлганидек, катта миқдордаги кишиларни сўраш йўли билан таъминлашга уринишлар материалга ишлов беришда катта қийинчиликлар туғдиради, унинг натижаларини атеистик тарбияда қўлланишда оперативлик ҳамда ҳаракатчанликни йўқотишга олиб келади. Баъзи бир партия ва совет ходимларининг дин ва атеизм социологиясига маълум даражада етарлича баҳо бермаслиги, ҳатто ишонмаслиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Социологик маълумотларнинг ишонтирарли ва етарли бўлишига уларни бир томонлама, бир хил восита орқали тўплаш усули ҳам таъсир кўрсатмоқда. Аҳолининг диндорлик ёки атеистик ҳолатини, динамикасини конкрет-социологик ўрганиш фақат анкета сўровлари билан чекланиб қолмаслиги керак. У комплекс ёндашувни тақозо этади, бунга эса социологик ахборот олишнинг программалаштирилган ёки программалаштирилмаган ҳолда интервью олиш, суҳбатлашиш, кузатиш, тегишли ҳужжатларни ўрганиш, анкета тарқатиш, мутахассисларнинг фикрларини ҳамда атеистик тарбия масалалари билан шуғулланувчи социологлар, пропагандистлар, атеист лекторлар, партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимларининг экспертлик баҳоларини ҳисобга олиш ва ҳоказо турли-туман метод ҳамда формаларини узвий бириктириш орқали эришилади.

Инсон диндорлиги ва атеистиклиги мезонларининг ўзи улар сўралган кишиларнинг типологик характеристикаларини белгилашда ўзаро боғлиқлиги сабабли янада кенгроқ ишлаб чиқишни тақозо этади. 60-йиллар охирида КПСС МК ҳузуридаги ИФА Илмий атеизм институти диндорлик типологияси проблемалари билан шуғулланди. Ушбу феноменни тадқиқ қилишнинг онг ва хулқ-атвор бирлигидек умумий методологик принципи, турли регионларга тааллуқли социологик ахборот репрезентативлиги ва анализининг умуман олганда мақбул бўлган методикаси аниқланди. Кейинги чорак аср ичида инсон диндорлиги ички структурасида ҳам, уни асослаш мотивларида ҳам (хусусан, миллий ориентация кучайди) сезиларли ўзгаришлар юз берди, кишилар хулқ-атворининг диний тус берилган кўринишлари диапазони кенгайди, ноанъанавий деб ном олган диний формалар модага айланди.

Эндиликда атеистлар «диндорлик фақат олий вужудни эътироф этиш билангина кифояланолмайди, у муайян маросимларни ижро этишни ҳам билдиради» деган даъвога дуч келмоқдалар (В. Н. Шердаков. Где кончается религиозность и начинается атеизм. — «Социологические исследования», 1987, № 4, с. 45). Бундан ташқари, диндорлик негизи сифатида кўпинча ғайритабиийликка эътиқод қўйиш эмас, балки «диннинг асосий белгиси» сифатида ҳам баҳоланадиган ритуализм (Қ. Д. Давлетшин. Нации и ислам. — Казань, 1985, с. 154) ёки аҳолининг диндор қисмида «урф-одат» тушунчасида миллий жиҳат билан диний жиҳатнинг аралашиб кетиши барча кишиларга татбиқ этилиб, «у фақат диний термин сифатида талқин этилган» жиҳат (И. Беляев. Ислам и политика. — «Ли-

тературная газета», 20 мая 1987 года) олинмоқда. Диний типология назарияси учун баъзилар «49 эмпирик принцип»ни таклиф қилмоқдаларки, бу социологик ахборотни тўплаш ва ҳисобга олишни мураккаблаштиради, бошқалар эса «эътиқод» белгисини ўлчаш ҳамда диний (ёки атеистик) фаолиятга муносабат ва ҳоказо билан чекланяптилар (Ф. И. Ильясов. Религиозное сознание и поведение. — «Социологические исследования», 1987, № 3, с. 51). Айтмоқчи, кейинги ҳолда онг ва хулқ-атворнинг у ёки бу соҳасида инсоннинг далил-важлари каби муҳим социал-психологик белги эътиборга олинмайди.

Буларнинг бари КПСС МК ҳузуридаги ИФА Илмий атеизм институтининг барча илмий бўлинмалари иштирокида диндорлик ва атеизм типологияси мезонларини ишлаб чиқиш проблемасига яна қайтиш ғоят муҳим зарурат эканлигини кўрсатмоқда. Дин ва атеизм социологларини марказлаштирилган тартибда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш хусусидаги масалани ҳам ижобий ҳал қилиш маъқул бўларди, чунки жойларда аҳолининг диндорлигини конкрет-социологик тадқиқ қилишни планлаштириш ва ўтказиш профессионал ёндашишни, ўз ҳолича иш тутишдан воз кечишни, малакали атеист-социологларни жалб этишни тақозо этади.

Идеология ходимлари ўртасида «либерал» ва «нейтрал» кайфият ҳамда позициялар маълум бир ўринни эгаллаган бўлсада, диний дунёқарашни баҳолашда, унинг ғайриилмий табиатини тушунишда улар якдилдир. Шу билан бирга турли тоифадаги руҳонийлар фаолиятига муносабатда уларда бир хил фикр мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда мусулмон руҳонийларининг уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин: расман рўйхатга олинган, расман рўйхатга олинмаган (сохта) руҳонийлар ҳамда эшон-мурид группаларининг ушбу жамоалар шахсан тасдиқлаган пешволари. Ҳозир кўпгина регионларда, шу жумладан, ислом анъанавий тарқалган жойларда рўйхатдан ўтмаган руҳонийлар фаолиятида тартиб ўрнатиляпти: улар рўйхатга олиниб, улар устидан қонунга мувофиқ контрол ўрнатиляпти.

Лекин ушбу жараёндаги баъзи бир салбий тенденциялар, шунингдек, ушбу ғоят нозик масалани ҳал қилишда фойдаланилаётган методлар кишини ташвишлантиради. Жойлардаги диний вазиятга баҳо беришда кўпинча рўйхатдан ўтмаган руҳонийларни асосий хавф деб биладилар ва бор куч-ғайратни тезроқ уларни рўйхатга олишга йўналтирадилар. Шубҳасиз, орасида диндан ўз мақсадида фойдаланувчи қаллоблар ҳам талайгина бўлган бу тоифадаги руҳонийлар динни кенг миқёсда ва тийиқсиз ҳолда тарғиб қилувчи, диндорларнинг маросимларга эҳтиёжини қондирувчи реал кучдир. Шу билан бирга эътиборни фақат ана шу тоифадаги руҳонийларнинг диний фаолиятига жамлаш кўпинча диний жамоалар ва улар марказларининг дунёқарашга доир ва идеологик концепцияларини илмий танқид қилишни унутишга олиб келади.

Профессор В. Н. Шердаковнинг қуйидаги нуқтаи назарига буткул қўшилиш мумкин, яъни «социал ўзгартишларни қўллаб-қувватлаш йўлига ўтган ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати асосий мақсадлари билан ҳамжиҳатлигини билдирган етакчи диний ташкилотларни идеологик ва сиёсий мухолифларга айлантиришда умуман хеч қандай маъно йўқ» («Социологические исследования», 1987, № 4, с. 49). Лекин, бизнингча, шу билан кифояланиш ҳам керак эмас. Бир томондан, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатига нисбатан холис позицияда турган ҳамда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини қўллаб-қувватлаётган диний бирлашмалар сиёсий йўли билан, иккинчи томондан, мачит, черков ва синагогаларда мунтазам пропаганда қилинаётган диний дунёқараш ўртасида аниқ чегара ўтказиш муҳимдир.

Бизнингча, партия ва жамоат ташкилотлари диний дунёқарашга қарши курашда принципиал позицияни эгаллашлари зарур. Руҳонийлар фаолиятида қандай конъюнктуравий элементлар бўлмасин, бу кураш хеч қачон тўхтатиб қўйилмаслиги керак. Бунда нейтраллик ва муросасозликка ўрин бўлмаслиги лозим. Айни марксча-ленинча таълимот партия комитетлари, илмий, идеологик ва жамоат ташкилотлари ҳамда муассасаларининг атеистик фаолиятига асос қилиб олиниши керак.

Рўйхатдан ўтмаган руҳонийларнинг ғайриқонуний фаолиятига барҳам беришга доир иш олиб борганда КПСС коммунистик дунёқарашни шакллантиришни

идеологик, сиёсий-тарбиявий ва илмий-атеистик ишдаги асосий жиҳат деб ҳисоблашини доим эсда тутиш керак, бундай дунёқараш совет кишиларида онг ва хулқатвордаги ўтмиш сарқитларига, диний идеология ва ахлоқ кўринишларига барҳам бериш шароитида қарор топади.

Эътиқоди мустаҳкам мусулмон руҳонийларининг муайян доиралари сохта муллаларни рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қилаётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди, бу ҳол уларга расмий руҳонийлар обрў-эътиборини ҳамда ҳозирги мачитларнинг диндорлар ўртасидаги таъсирини объектив равишда оширувчи ўз назоратини ўрнатиш учун керак. Масалан, Қорақалпоғистоннинг бир қатор район ва шаҳар ижроия комитетлари саёқ муллаларни бир ерга тўплашган ҳамда улар эътиқоди бутун мусулмон руҳонийлари кўмагида гўё ислом қонун-қоидаларига мос келмаган ҳолда маросим ва расм-русмларни уюштираётганликлари учун танқид қилинган, тегишли рўйхатдан ўтиш ва бундан буён диний фаолиятни мачитлар назорати остида олиб боришга даъват этишган. Ислом анъанавий тарқалган бошқа регионларда ҳам ана шундай тенденциялар қайд этилган. Жиззах областида фикри сўралган мачит хизматчиларининг аксарияти «Диний маросимлар тўғрисидаги мавжуд қонунчиликка қандай ўзгартишлар киритиш керак?» деган саволга «Ижозат этилган ҳуқуқлари бўлмаган ҳолда ибодат ўтказиш иши билан шуғулланадиган шахсларни жазолаш чораларини кучайтириш керак» деб жавоб беришган. Қолганлар эса диний байрамлар кунида диндорларнинг ишга чиқмаслигига рухсат берувчи қўшимча киритишни таклиф қилганлар.

Шундай қилиб, эътиқоди мустаҳкам руҳонийлар ҳозир ишлаб турган диний ташкилотларнинг фаолият майдонини мустаҳкамлашга ва имкони борича кенгайтиришга, ва демак, диний пропагандани кишиларнинг одатий эътиқоди даражасидагина эмас, балки теология ва идеология соҳасида ҳам кучайтиришга интиляптилар. Исломнинг конфессионал ўзига хослигини ҳам, виждон эркинлигининг конституцион принципини ҳам ҳисобга олганда ана шу тенденцияга ғоят жиддий диққат-эътибор бериш лозим бўлади.

Афсуски, атеистик пропаганданинг дунёқарашга оид кўпгина масалалари ҳозирги мусулмон руҳонийларининг идеологик, сиёсий ва ахлоқий позицияларини ҳамда диндорлар маънавий дунёсидаги ўзгаришлар характерини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилмаган. Ислом ақидалари ва унда, мусулмонлар онгида юз бераётган жараёнларни жиддий анализ қиладиган фундаментал асарлар ҳалигача яратилмаган. Бундай тадқиқотларнинг актуал эканлигини ҳисобга олиб, КПСС МК ҳузуридаги ИФА Илмий атеизм институтининг Тошкентдаги республикалараро филиали «Ислом, диндорлар, замонамиз» темасини ҳар томонлама ўрганишга киришди. Уни ишлаб чиқишга ислом анъанавий тарқалган регионларнинг таниқли олимлари жалб қилинган. Авторлар состави чекланган эмас, унда иштирок этишни хоҳлаганларнинг барчаси учун эшигимиз очиқ.

Илмий-атеистик ишни қайта қуриш кишилар диндорлиги жараёнларини ва динамикасини бошқариш методларини такомиллаштиришни, диндорларда ва диний жамоаларда юзага келадиган ташкилий ва бошқа хил вазифаларни ўз вақтида ҳал этишни тақозо этади. Лекин жойларда ушбу проблемалар устида жиддий иш олиб борилмаяпти. Масалан, 60-йиллардан бошлаб Шимолий Кавказда мурид группаларининг мавжуд бўлиши қонуниймп ёки йўқми экани хусусида мунозара қилинмоқда. Ҳозиргача идеология ва совет ходимлари ушбу группаларнинг ҳаммасини ёппасига экстремистлар қаторига киритган ҳолда уларни рўйхатдан ўтказишга қарши чиқмоқдалар. Лекин бу ҳол ушбу группаларга ўз ишларини очиқойдин олиб бориш учун халақит бермаяпти. Кўриб турибмизки, бу проблеманинг тагига етган ҳолда ҳал қилиш зарур, чунки у катта амалий аҳамиятга эга. Афсуски, ҳозирги мурид жамоаларига табақалаштирилган ҳолда ёндашиш кўпинча уларга фақат маъмурий тазйиқ кўрсатиш чоралари билан алмаштириб келинди. Бундай чоралар, ҳозир тўла ишонч билан айтиш мумкин, олдиндан муваффақиятсизликка учраши аниқ эди. Улар, бундан ташқари, муридлар ўртасида тарбиявий, атеистик иш олиб боришни қийинлаштирди ҳамда уларни атеистлардан, ижтимоий-маданий тадбирлардан ажратиб қўйди.

Муридларнинг ташкилий уюшган жамоалари билан жамоат тартиботлари ўртасидаги муносабатларда қонунга риоя қилинишини таъминлаш муҳим. Шу нуқтаи назардан қараганда барча тоифадаги мусулмон руҳонийларига (шу жум-

ладан, ибодат фаолияти кўпинча ортодоксал ислом доирасидан четга чиқувчи ҳозирги муридизм намояндаларига) нисбатан ҳам муносабатни ўзгартириш пайти келди. Уларнинг фаолиятини легаллаштириш масалаларини реал иш аҳволидан, ҳар бир мурид жамоасининг социал-сиёсий, ҳуқуқий позицияларидан келиб чиққан, диний маросимлар хусусидаги совет қонунларига қатъиян мувофиқ ҳолда ҳал қилмоқ зарур. Маълумки, мамлакатимизда тақиқланган мазҳаб ва диний жамоалар йўқ, балки уларнинг қонунга номувофиқ фаолиятигина тақиқланган. Холис кайфиятдаги ва ўз диний эхтиёжларини қондириш доирасидан четга чиқмасликка тайёр турган мурид жамоаларига нисбатан йўл-йўриқларни ана шундан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш керак. Буларнинг ҳаммаси экстремистик кайфиятдаги гуруҳлар ва диний мураббийлар обрўсини йўқотишга, муридлар ўртасидаги тарбиявий ишни активлаштиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳозирги катта ёки кичик диний жамоаларнинг истисносиз ҳаммаси, улар қандай конъюнктуравий қарашларни тарғиб қилмасин, ғайриилмий дунёқарашнинг асосий ташувчилари ва тарғиботчиларидир. Шу сабабли идеология кадрлари олдида турган бош вазифа атеистик тарбияни илмий, марксча-ленинча дунёқараш мазмуни билан бойитишдан иборатдир.

Ислом анъанавий тарқалган республикаларда олиб борилаётган атеистик иш ҳолатини танқидий баҳолаб шуни айтиш мумкинки, баъзи бир партия ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг кишилар диндорлигига барҳам бериш жараёнини жадаллаштиришга бўлган интилиши ушбу ишнинг асосий камчилиги бўлмоқда. Бунда субъектив факторга ортиқча баҳо бериш юз бермоқда. Ушбу тенденция олиб бориладиган иш услубига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, «диний маросимларни тугатиш учун ғайрат билан чоралар кўрилсин», «янги, социалистик анъана, урф-одат ва маросимлар турмушга янада дадиллик билан жорий қилинсин», «атеистик пропаганда ҳужумкор, шиддатли руҳда бўлсин» сингари йўл-йўриқлар ўзгармай келяпти. Матбуот саҳифаларидан кўп ҳолларда «Диний моғор», «Дин товламачилари», «Исломнинг реакцион моҳияти», «Газандалар уяси» каби ва шу сингари тумтароқ сарлавҳалар тушмай келади. Бундай оҳанг атеистлар билан диндорлар ўртасида амалий ва бамайлихотир мулоқот ўрнатилишига ёрдам бериши даргумон. Қарашлар системаси сифатида дин табиатининг ғайриилмийлиги танқидини шундайлигича унинг мухлисларига кўчириб бўлмайди. Зеро, ҳар бир диндор, айтайлик, ислом дини танқидини ўз баҳоси ҳамда кечинмалари чиғириғидан ўтказиб қабул қиладики, улар, одатда, диннинг догматик, ахлоқий ва бошқа қоидаларига кўп жиҳатдан мувофиқ келмайди. Атеистик пропагандамизда бу хил тафовутларга доим ҳам эътибор берилавермайди, динга ҳам, унинг мухлисларига ҳам бир хил муносабатда бўлинади.

Диндорларни атеистик тарбиялаш методикаси хусусида сўзлайдиган бўлсак, бунда инсонга ўзи тўғри хулосаларга келиши, илмий атеизм позициясида туриши учун имконият қолдирмайдиган насиҳатомуз ўгитлардан воз кечиш керак. Атеистик пропаганда кўпинча ширасиз, қуруқ тилда олиб борилади. Зеро, бу темадаги чиқишлар концептуал характерда бўлиши, инсон қалбига етиб бориши, унда қизиқиш уйғотиши, ошкора суҳбатга, мунозарага чорлаши керак-ку. Диндорликни ташувчи киши ҳақида сўзлаганда атеист ўзининг асосий вазифаси инсонни қайта тарбиялашдан иборат эканлигини унутмаслиги керак. Диндорга қарши эмас, балки диндор киши учун кураш олиб бориш лозим. Атеистик тарбия методикасини, айниқса унинг якка тартибдаги формаларини ҳам ана шундан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш зарур.

Кўпгина партия ва совет ходимларини, олим, ёзувчи, журналистларни атеистик пропаганданинг ҳозирги аҳволи ҳаяжонлантираётгани сир эмас. Улар буни таҳлил қилишга, унинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айни шу сабабли идеологик ишнинг бу соҳасидаги қайта қуриш масалаларига доир фикр алмашинишларни ҳар қандай йўллар билан рағбатлантириш керак. Шу билан бир пайтда айрим мулоҳаза, хулосаларнинг ўта қатъий руҳдалиги, атеистлар шаънига ва улар фаолиятига нисбатан кўпинча дилозор таъналар билдирилиши ташвишга солади. Матбуот, адабиёт орқали атеизм кўпинча кўнгилчанликда, қўполликда, саводсизликда, ҳатто ахлоқсизликда ҳамда миллий маданиятга, ўтмишнинг миллий қадриятларига нисбатан бефарқликда ва ҳоказо гуноҳларда айбланади.

Мисол учун О. Чайковскаянинг «Сўл ярим шар тушлари» сарлавҳаси остида «Советская культура»нинг 1987 йил 26 ва 29 сентябрь сонларида эълон қилинган иккита мақоласини олиш мумкин. Авторнинг ёзишича, ҳозирги атеистик адабиётда гўё Исо яшаб ўтмаганлиги (нима учун у яшаб ўтмаган экан, ахир Муҳаммад ва янги динларнинг бошқа асосчилари яшаб ўтган-ку), худога фақат аҳмоқлар ишониши хусусида ғоят ишонтирувчи даъволар мавжуд.

Атеистик адабиётни бу даражада бўрттириш нимага керак бўлиб қолди? Атеист-философ сифатида айтишим мумкинки, ҳозиргача матбуот орқали диндорларни кимдир аҳмоқ деб ҳақоратлаганига дуч келганим йўқ эди, диндорларга, уларнинг туйғуларига ҳурмат билан муносабатда бўлинмаган, улар шаънига нисбатан бирорта ҳақоратга йўл қўйилган китоб, брошюра, бошқа хил атеистик нашрни топиш жуда қийин.

О. Чайковская эса, айтиш лозим, атеизм ва атеистлар хусусида номақбул мулоҳазалар билдиради. Ереван давлат университетидаги шахсий ўч олиш ҳодисасини асос қилиб олиб, уни атеистик фаолиятнинг «варианти», атеизм бўйича лекторларни эса «фандаги ҳам, диндаги ҳам» дилетантлар деб таърифлайди. Автор ўзининг «учинчи авлодга мансуб» атеистлигини баралла айтсада, лекин шу заҳоти ўтмишнинг буюк мутафаккирлари қаторига «кишиларга ўгит-насиҳат қилиш орқали уларга ўз қалбларини энг тубигача очиб беришдан қўрқмаган» шахсларни — Валий Августин, Жан-Жак Руссо, Л. Н. Толстойни қўяди.

Беихтиёр шундай савол туғилади: бошқаларни дунёқараши чалкашликда айблаётган атеист қандай қилиб христиан динини танқид қилган буюк француз философи ва мутафаккири билан 1901 йили муқаддас Синод черковдан четлатган улуғ рус гуманист адибини инсоннинг ердаги ҳаётдан ташқарида халос бўлиши хусусидаги асосий диний ақидалардан бирини ишлаб чиққан христиан илоҳиётчиси билан бир қаторга қўйиши мумкин?

Таникли ёзувчи Комил Икромов ҳам матбуотда ўтмиш сарқитларини дадил фош этувчи қизиқарли мақолалари билан чиқмоқда. Ўрта Осиёда хотин-қизларнинг ўзини ўзи ҳалок этиши ҳақида сўз борган бир мақоласида у шундай деб ёзади: «Ўзини ўзи ҳалок этиш учун даҳшатли усул — ўзини ўзи ёндириш танланган. Биз буни исломга тақаймиз ва хурофот деб атаймиз. Лекин исломнинг бунга дахли бўлмасачи?» («Советская культура», 1986 йил 26 август).

Ҳақиқатан ҳам, шариат ўзини ўзи ҳалок этишни гуноҳи азим деб билади, чунки инсон ўз ҳаётининг соҳиби эмас, уни оллоҳ берган ва фақат угина қайтариб олади. Агар ислом йўл-йўриқларига расман қарайдиган бўлсак, уни беихтиёр кишиларнинг кўпгина номатлуб хатти-ҳаракатларидан ажратиб қўямиз. Лекин у ёки бу сарқитларнинг, шу жумладан, ўзини ўзи ёқишнинг такрорланиши моҳияти ҳамда сабабларига объектив, холисона ёндашадиган бўлсак, уларнинг сақланиб қолиши кўп жиҳатдан исломга боғлиқлигини англаш қийин эмас. Мусулмон ахлоқи ва ҳуқуқи аввал бошдан оллоҳ номи билан хотин-қизларга нисбатан хулқ-атворнинг патриархал принциплари ва нормаларини жорий этган эди. Айни улар ҳаётидаги оғир шароит, ислом «муқаддаслаштирган» оила-никоҳ соҳасида инсон қадр-қимматининг ерга урилиши ҳаётдан воз кечишнинг ана шундай ваҳшиёна усулини танлашга ундамоқда.

Маълумки, тарихий ривожланишда этник ва диний қўшимталарнинг узоқ вақт ўзаро таъсирда бўлиши диннинг, хусусан, исломнинг халқлар миллий психологиясига ҳам чуқур кириб боришини шартлаган эди. Дин кишилар ижтимоий ва шахсий ҳаётининг деярли барча соҳаларини: сиёсат, маданият, анъана ва урф-одатлар соҳасини, турмушга доир, шу жумладан, оилавий муносабатларни ва ҳоказоларни қамраб олган эди. Шу сабабли асосан миллий ҳисобланувчи кўпгина сақланиб қолган маросим ва байрамлар диний элементлардан холи эмаслиги яхши тушунарли. Уларда эскилик билан янгилик, ижобий жиҳат билан салбий жиҳатлар қоришиб кетган. Уларни совет турмуш тарзига зид келувчи, нафақат исломга тааллуқли, балки исломдан аввалги эътиқодлардан қолган этноконфессионал қатламлардан ҳам халос қилмоқ керак. Ушбу хусусиятларни билмаслик ёки ҳисобга олмаслик нафақат диний, балки халқлар ўртасида машҳур календарь маросим ва байрамларига баҳо беришда чалкашликка олиб келади (мисол учун, Наврўз байрамига муносабатда шундай ҳол юз берди. У аслини олганда Ўзбекистоннинг бир қатор областларида тақиқлаб қўйилди).

Бизнингча, инсон атеистиклигини, унинг ҳаётий принципларини баҳолаш системасига миллий тарих ва маданиятга, уларда дин ва атеизм ўйнаган ўрин ҳамда вазифаларга онгли муносабатни ҳам киритиш даркор. Ўтмишда халқлар (ҳозир ҳам аҳолининг анчагина қисми) томонидан тарихий воқеа, факт ва ҳодисалар исломга боғлаб тушунтирилганини ҳисобга олиб, илмий атеизмни ишлаб чиқишда тарихчи, шарқшунос, этнограф, археолог, социал соҳа психологи, физиолог, медик, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва ҳоказо олимлар биргаликда иш олиб бориши зарур. Бундай ҳамжиҳатликнинг бўлмаслиги атеистик тарбия мазмунига салбий таъсир кўрсатади, ислом анъанавий тарқалган регионларда эса исломшунослик билан илмий атеизм ўртасида маълум узилиш бўлишига олиб келади.

Шу сабабли илмий атеизмнинг тор тадқиқотчилик доирасидан четга чиқиши атеистик тарбия самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ишда марказий ва республика шарқшунослик институтлари катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Атеистик тарбияни қайта қуриш иши эндигина кенг тус ола бошлади. Олдимизда турган ишлар жуда кўп. Атеизм курашчилари сафига янги кучлар келиб қўшилишини табриклаш ва буни ҳамма воситалар билан қўллаб-қувватлаш керак. Бу ишда қайта қуришнинг ўзига хос ҳаракатлантирувчиси бўлган мунозаралар ҳам керак. «Биз ижтимоий фикрларнинг хилма-хиллиги, маънавий ҳаётнинг бой бўлиши тарафдоримиз, — деди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган докладда. — Биз ижтимоий ривожланишнинг қийин муаммоларини очиқ-ойдин ўртага қўйиб, ҳал этишдан, танқид қилиш ва баҳслашишдан қўрқмаслигимиз керак. Айни мана шундай шароитда ҳақиқат юзага келади, тўғри қарорлар ишлаб чиқилади».

Шу билан бирга чиқишларда ўтмишда қилинган ва ҳозир амалга оширилаётган атеистик ишга, коммунистик тарбиянинг ана шу мураккаб, ранг-баранг ва олижаноб соҳасида банд бўлган кишиларга нисбатан ҳам шаклан, ҳам мазмунан эҳтиром билан муносабатда бўлиш лозим. Атеистик пропагандадаги камчиликларнинг танқиди нигилистик характер касб этмаслиги, балки қатъиян конструктив позицияларда туриши, илмий атеизмни янада ривожлантириш ҳамда атеистик ишни такомиллаштиришга доир тажрибага асосланган таклифларни олға суриши керак. Ана шундагина мунозара, баҳс, таклифлар қайта қуриш талабларига жавоб беради, совет кишисининг эркин суратда маънавий камол топишига хизмат қилади.

ЛЕНИНЧИЛАР ШОНЛИ ПЛЕЯДАСИДАН БИРИ

В. В. КУЙБИШЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

П. КИМ,
тарих фанлари доктори

...*«Аппарат ёнида Депутатлар советининг раиси Куйбишев, Самарадан.*
Ўрток Ленин, Оренбургда дутовчилар яна бош кўтарди; Оренбургдан 20 чакирим нарида казак отрядлари ҳужум қиляпти, деган хабар олинди. Илецкни казаклар қуршаб олган, казаклар ҳамма станицаларни сафарбар қилмоқдалар, ниҳоятда йирткичлик қилмокдалар, ижрокомнинг уч аъзоси, советдаги казак секциясининг раиси Захаров ўлдирилган. Оренбург буржуазияси фаол иштирок этмокда. Оренбург Дутов фитнасини илдизи билан куритишда Халқ Комиссарлари Советидан ёрдам беришни сўрайди, акс ҳолда яна йўлда тўсиқ пайдо бўлиб, Туркистон ўлкасидаги 12 000 000 аҳолини очликдан ҳалок қилади...» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 50-том, 62-бетга қаралсин).

Лениннинг жавоби:

«Ҳарбий идораларни дарҳол хабардор қилиш ва сизларга ёрдам кўрсатиш учун ҳозироқ ҳамма чораларни кўраман. *Ленин»* (ў ш а ж о й д а).

Бу 1918 йил май ойининг охирида прямой провод оркали В. В. Куйбишевнинг В. И. Ленин билан суҳбатидан олинган текстдир. У гражданлар уруши ва ажнабий интервенция фронтлари ҳалкаси ичида қолган Совет Туркистони халқлари такдири учун В. В. Куйбишевнинг чуқур ташвиши ва куюнчаклиги билан йўғрилгандир.

В. И. Ленин В. В. Куйбишев билан гаплашганидан кейин дарҳол партия, совет ва ҳарбий органларга Совет Туркистонига дарҳол ҳарбий ва озиқ-овкат билан ёрдам қилиш тўғрисида тегишли кўрсатма берди. В. В. Куйбишевнинг номи Ўрта Осиё халқлари тарихига шу тарика кириб келди.

Валериан Владимирович Куйбишев революционер йўлига студентлик йилларидаёқ кириб, подполье кураши, камоклар ва сургунларни кўрди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин унинг атоқли партия, давлат ва ҳарбий арбоблардан бири сифатидаги ташкилотчилик таланти тўла намоён бўлди. У Совет Шаркида ленинча миллий сиёсатни амалга оширишга улкан ҳисса қўшди.

РСФСР революцион Ҳарбий Совети (РҲС)нинг 1919 йил 11 августдаги буйруғи билан Қизил Армиянинг Шарқий фронти икки фронтга: Шарқий ва Туркистон фронтига бўлинди. Туркистон фронти қўмондони қилиб М. В. Фрунзе, РҲС аъзолари қилиб — В. В. Куйбишев билан Ш. З. Элиава тайинланди.

Туркистон фронти қўшинлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев раҳбарлигида душманни тор-мор келтириш юзасидан муваффақиятли жанговар операция ўтказдилар. Туркистон фронтининг 1-армияси билан Туркистон республикасининг қўшинлари 1919 йил 13 сентябрда шиддатли жанглардан кейин Муроджар разъезди районида қўшилишди. Бунинг натижасида «Оренбург пробкаси» деб аталган тўсиқ тугатилди. Унинг тугатилиши Совет Туркистонига кўпдан кутиб келинган сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш учун шароит яратди.

Маълумки, 1919 йилнинг иккинчи ярмида Туркистон республикасида ташвишли вазият вужудга келди. Хом ашё, саноат ва қишлоқ хўжалик моллари, озиқ-овкат етишмасди. ТКП МҚ ва ТуркМИК ва Туркистон АССР ХКСнинг раҳ-

бар состави 1919 йил январда Тошкентда контрреволюцион оқгвардиячилар исёни вақтида 14 комиссарнинг ҳалокати муносабати билан заифлашиб қолган эди.

РКП(б) МҚ ёш республикага амалий ёрдам кўрсатиш учун Туркистонга бир гуруҳ тажрибали партия ва совет ходимларини юборишни лозим кўрди. 1919 йил 8 октябрда В. И. Ленин БМИК ва РСФСР ХКСнинг Ш. З. Элиава, Ф. И. Голошчекин, Г. И. Бокий, Я. Э. Рудзутак, М. В. Фрунзе ва В. В. Қуйбишевдан иборат Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) тузиш тўғрисидаги қарорини имзолади. Турккомиссияга РКП(б) МҚ номидан Туркистонда олий партия назоратини ҳам амалга ошириш топширилган эди.

Турккомиссиянинг вазифалари юқорида тилга олинган БМИК ва РСФСР ХКСнинг қарори ҳамда В. И. Лениннинг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» йўллаган хати билан белгилаб берилди. Унда Владимир Ильич «Туркистон халқлари билан ибрат кўрсатиб, амалий иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни, — Британия империализми бош бўлган жаҳон империализмига қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганимизни уларга иш билан исбот қилишингизни — бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашингизни ва унинг директиваларига, яъни худди шу руҳда унга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети томонидан берилган директиваларга қаттиқ риоя қилишингизни сизлардан жуда илтимос қиламан», деб мурожаат қилган эди (ТАТ, 39-том, 349-бет).

В. И. Ленин РСФСР билан ТАССР халқлари ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш «бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, минглаб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади» (ў ш а ж о й д а) деб уқтирди.

В. В. Қуйбишевнинг Туркистондаги Турккомиссия аъзоси сифатидаги конкрет вазифалари унга 1919 йил 10 октябрда берилган В. И. Ленин имзо чеккан мандатда белгилаб берилган эди.

В. В. Қуйбишевга, шунингдек ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиш, зарур бўлиб қолганда эса, Туркистондаги армияларга қўмондонлик қилиш ҳам топширилди. Фронтларда вужудга келган мушкул вазият шуни тақозо этар эди.

В. В. Қуйбишев Турккомиссия аъзоси ва Туркистон фронти Революцион Ҳарбий Советининг аъзоси бўлиб, армияни мустаҳкамлаш юзасидан катта иш қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида қўшинлар қайта ташкил этилди, революцион интизом билан мустаҳкамланган, жипслашган полклар, бригадалар, дивизияларга айланган Қизил Армия қисмларидаги партизанчилик тугатилди.

Ҳарбий операцияларга умумий раҳбарлик Туркистон фронтининг Революцион Ҳарбий Совети томонидан амалга ошириларди, унинг ҳузурида В. В. Қуйбишев бошчилигида Сиёсий бошқарма тузилди. Закаспий фронтида инглиз босқинчилари ва оқгвардиячиларни тор-мор қилиш Революцион Ҳарбий Советнинг муҳим вазифаларидан бири эди. Бу вазифанинг ҳал этилиши Красноводскни озод қилишни ва Бокуга йўл очилишини таъминларди.

1919 йил декабрининг бошида В. В. Қуйбишев Закаспий фронтига келди, бу ерда у Ойдин станциясида душманнинг асосий кучларини тор-мор қилишнинг дадил оператив планини ишлаб чиқишда қатнашди. Операция жуда қийин ва одатдан ташқари эди. Кейинчалик В. В. Қуйбишевнинг хотирлашича, бийдай саҳродан катта миқдордаги қўшинларни олиб ўтиш ва мутлақо ҳамма нарсани — артиллерия учун снарядларни, ўқларни, озиқ-овқат ва ҳатто сувни ҳам жамғариб олиш керак эди, чунки атрофда битта ҳам булоқ йўқ эди.

Қизил аскарлар В. В. Қуйбишев раҳбарлигида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар, у 12 соат узлуксиз давом этган жангда олдинги маррада бўлиб, ўзининг шахсий намунаси билан жангчиларни илҳомлантирди, душманга қирон келтирилди. Кўп сонли душман солдатлари таслим бўлди, душманнинг штаби барча ҳужжатлари ва одамлари билан, икки броневик, жуда кўп тўп-замбараклар, озиқ-овқатлар қўлга туширилди. Закаспий фронти қўшинлари ҳужумни ривожлантира бориб, 1920 йил февралда Красноводскни озод қилдилар ва сўнгра оқ армия қолдиқларини Каспий денгизига улоқтирдилар.

М. В. Фрунзе билан В. В. Қуйбишев раҳбарлигида Еттисувда қўзғолон кўтарган қулоқларни, Фарғонадаги босмачи тўдаларини батамом тор-мор қилиш

операцияси муваффакиятли ўтди. Босмачилар билан муваффакиятли курашмок учун алданган меҳнаткаш деҳқонларни Совет ҳокимиятига душман унсурлар таъсиридан қутқариб олиш зарурлигини англаб, М. В. Фрунзе билан В. В. Куйбишев катта ташкилотчилик иши олиб бордилар. Фарғонада Ревком тузилди, партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилди. Ўлка коммунистлари босмачиликни меҳнаткашларга қарши, мулкдор синфлар ва ажнабий империалистлар манфаатларини кўзловчи ҳаракат сифатида фош этдилар. М. В. Фрунзенинг сўзларига қараганда, «аҳоли буни тезда сезиб олди ва халқ Совет ҳокимияти томонига ўта бошлади» («Правда Востока», 1940, 25 январь).

В. В. Куйбишев В. И. Ленин ва РКП(б) МКнинг меҳнаткашларни, шу жумладан туб ерли аҳолини Ватанни ҳимоя қилишга сафарбар этиш тўғрисидаги муҳим кўрсатмаларидан бирини турмушга оширишга катта эътибор берди.

М. В. Фрунзе билан В. В. Куйбишев раҳбарлигида қисқа вақт ичида Қизил Армиянинг кўплаб миллий қисмлари: Алоҳида туркман отлиқ бригадаси, Туркман полки, Верний (ҳозирги Олма-ота) шаҳрида миллий крепость ротаси (Еттисув фронти), Ўзбек бригадаси, Қирғиз Қавалерия полки, 4-миллий кавалерия полки, Фарғонада миллий қоровул батальони, Қўқонда Эски шаҳар миллий ротаси (Фарғона фронти) ва бошқалар тузилди. Туб ерли аҳолидан ҳарбий кадрлар тайёрлаш учун кўп иш қилинди.

Туркомиссиянинг муҳим ташкилий тадбирларидан бири ТАССР Советлари VIII съезди қарори билан (1919 йил 6 сентябрь — 4 октябрь) янглиш тугатилган Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг қайта тикланганлиги бўлди. Туркомиссиянинг 1920 йил 28 февралдаги мажлисида В. В. Куйбишев нутқ сўзлаб, ана шу олий давлат органини тиклаш зарурлигини асослаб берди.

Ички контрреволюция асосий кучлари ва ҳарбий интервентлар тугатилганидан кейин Туркомиссия асосий эътиборни социалистик қурилишда ҳамда миллий сиёсат соҳасида йўл қўйилган хатоларни бартараф этишда партия ва совет органларига ёрдам кўрсатишга қаратди. Ана шу вазифаларни ҳал этишда В. В. Куйбишев муҳим роль ўйнади. 1920 йил 20 январда у Туркомиссиянинг кенгайтирилган мажлисида катта нутқ сўзлади. В. В. Куйбишев унинг Туркистондаги мақсад ва вазифаларини таърифлар экан, В. И. Ленин ва РКП(б) МК пролетар интернационализми принципига амал қилиб, социалистик қурилишда айни Туркистон АССРнинг партия ва совет органларига ёрдам бериш учун Туркомиссия юборганликларини таъкидлади. У барча мазлум ва капиталистик зулмдан озод бўлган халқларнинг умид-орзуларини ифодалаган ленинча миллий сиёсатнинг моҳиятини муфассал баён қилиб берди. В. И. Ленин ҳамда РКП(б) МК ана шу сиёсатни турмушга ошириш юзасидан қўяётган амалий қадамлар тўғрисида гапирди ҳамда социалистик қурилишдан иборат умумий вазифани амалга оширишда Россия билан Туркистоннинг партия аъзолари, ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари бирлигини мустаҳкамлашга даъват этди.

В. В. Куйбишев РКП(б) МКнинг «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда актив қатнашди. Ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги ўзининг амалий тажрибасидан келиб чиқиб, В. В. Куйбишев Москвада бўлган Ш. З. Элиава ва Я. Э. Рудзутак билан прямой провод орқали бўлган суҳбатида мазкур қарор лойиҳасига киритилган таклифларни илгари сурди. Унинг ташаббуси билан ана шу директив ҳужжатга: Туркистон партия ва совет органларини тозалаш, Туркистонга қуйи партия ва совет аппаратини мустаҳкамлаш учун бир группа ходимларни юбориш, Туркомиссия ихтиёрига «Қизил Шарқ» агитация-инструкторлик поездини топшириш тўғрисидаги моддалар киритилди.

1920 йил 29 июнда РКП(б) МК В. И. Ленин мулоҳазаларини, В. В. Куйбишев ҳамда Туркомиссия бошқа аъзоларининг таклифларини ҳисобга олиб, «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Бу қарор Туркомиссия ҳамда Туркистон партия органлари фаолиятида программавий ҳужжат бўлди.

Ана шу қарорнинг турмушга оширилишига В. В. Куйбишевнинг Туркистон Компартияси Вақтли Марказий Комитетини тузиш ҳамда унинг фаолиятига доир тўғри йўлни ишлаб чиқишга ҳар тарафлама амалий ёрдам кўрсатишдаги фаол иштироки кўп жиҳатдан ёрдам берди. В. В. Куйбишев Вақтли МКнинг 1920

йил 21 июлдаги мажлисида сўзлаб шундай деган эди: «Оммани ишга солиш керак... Шу вақтга қадар бўлганидек, фақат яхши қарорлар чиқариш билан чекланмаслик, балки қарорлар ижро қилиниши учун ҳамма эътиборни ишга қаратиш лозим».

В. В. Куйбишев РКП(б) МҚнинг 1920 йил 29 июндаги қарорини турмушга ошира бориб, туб ерли аҳолини партия ва совет қурилишига кенг жалб этишда жонбозлик қилди. У Н. Т. Тўрақуловни ТКП МҚ секретари лавозимига кўтаришни қизғин қўллаб-қувватлади, уни «марксча фикр юритадиган, атоқли истеъдодли туғма арбоб» деб таърифлаган эди. Н. Т. Тўрақуловдан ташқари ТКП МҚ составига Қ. Отабоев, С. Қосимхўжаев ва туб ерли миллатларга мансуб бошқа вакиллар ҳам кирди.

В. В. Куйбишев йирик партия ва давлат арбоби, ўзбек халқининг содиқ фарзанди Акмал Икромов ҳаётида катта роль ўйнади. Кейинчалик А. Икромов бу тўғрида шундай деб ёзган эди: «Мен Валериан Владимирович Куйбишев билан биринчи марта Наманган уезд шаҳрида учрашган эдим. Бу 1919 йилнинг охирида бўлган эди, ўша вақтда мен ҳали русчани яхши тушунмас эдим. У яхши ўқитувчига хос кунт билан менинг бир нарсани яхши тушуниб олишим учун қайта-қайта такрорлар эди. У улуғ давлатчилик ва маҳаллий миллатчилик оқимлари қандай зарар келтиришини муфассал тушунтирарди. Партиянинг моҳиятини ва миллий масалага доир Ленин таълимотини тушунтирарди. Биз, ўша маҳалда Туркистоннинг ёш партия ходимлари ўз шубҳа ва ташвишларимиз билан бевосита ўртоқ Куйбишевга тортинмай мурожаат қилардик. Ҳамиша ундан маслаҳат ва мадад олардик. Унинг раҳбарлигида биз Фарғона областида раҳбарлик лавозимларига суқилиб кириб олган миллатчиларни муваффақиятли тор-мор қилдик... Бизнинг ҳар биримиз учун, жумладан шахсан мен учун бизнинг ўша вақтдаги Валериан Владимирович билан учрашувларимиз катта мактаб бўлди» («Правда Востока», 1935, 28 январь).

В. В. Куйбишев Россия Федерацияси билан Хоразм Халқ Совет Республикаси ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантириш учун кўп иш қилди. Унинг бевосита иштирокида РСФСР ва ХХСР ҳукуматлари ўртасида иттифоқчилик шартномаси ва иқтисодий битим тузилди.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро меҳнаткашларининг қуролли қўзғолони ғалаба қилди. Биринчи Бутунбухоро халқ вакиллари қурултойи Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Бухорода халқ ҳокимияти қарор топган дастлабки кунларданоқ Советлар Мамлакати унга ёрдам қўлини чўзди, тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида у билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Туркомиссиянинг ўша йил 10 сентябрдаги қарорига кўра В. В. Куйбишев РСФСР, РКП(б) МҚ ва Коминтернининг Бухоро Халқ Совет Республикасидаги биринчи мухтор вакили қилиб тайинланди. Унга кенг ваколатлар берилди. Туркомиссиянинг В. И. Ленинга йўллаган ахборотида бундай дейилган эди: «Туркомиссия қарори билан ўртоқ Куйбишев РСФСРнинг Бухоро Ревкоми ҳузуридаги вақтли мухтор вакили қилиб тайинланди. Унинг ҳузуридаги коллегия состави қўшимча равишда маълум қилинади. Туркомиссия Куйбишевни Туркомисия аъзоси лавозимида қолдириб, ана шу қарорни зудлик билан тасдиқлашни илтимос қилади».

В. В. Куйбишев 1920 йил 11 сентябрда Бухорога келиши билан халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашда Бухоро Компартияси Марказий Комитетига ҳамда БХСР ҳукуматига ташкилий ёрдам кўрсатиш юзасидан ишга киришиб кетди. 14 сентябрда БКП МҚ ва Халқ Нозирлари Кенгашининг бирлашган мажлисида В. В. Куйбишев БХСР ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаевга ишонч ёрлиқларини топшириб баёнот берди, унда жумладан шундай деди: «РСФСРнинг асосий талаби Бухоро давлатининг мустақиллигини ҳурматлаш ва барча Россия гражданларига Бухоро мустақиллигига нисбатан ана шу ҳурматни сингдиришдир».

В. В. Куйбишев ленинча миллий сиёсатни ўтказа бориб, РСФСР билан БХСР ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатилишига кўп куч сарф қилди.

В. В. Куйбишев БХСРда партия ва совет қурилиши ишига бебаҳо амалий ёрдам кўрсатди, Бухоро революцияси ғалабаларини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш учун актив курашди. Файзулла Хўжаев В. В. Куйбишевнинг БХСРдаги фаолиятини таърифлаб шундай деб ёзган эди: «Куйбишев асл боль-

шевик-интернационалчи, улуғ Ленин партиясининг вакили сифатида Бухоронинг мазлум меҳнаткаш оммасига биринчи бўлиб ёрдамга келган киши ва у жуда кўп ойлар мобайнида қардош РСФСР вакили сифатида собиқ феодал-амир Бухороси территориясида янги социалистик давлат барпо қилишда мунтазам ёрдам бериб келди. Валериан Владимирович бизни, Шарқ коммунистларини, оммага раҳбарлик қилишнинг большевистик санъатига, янги совет давлати қуриш санъатига ўргатди» («Известия», 1935, 26 январь).

1920 йил декабрда В. В. Куйбишев Бутун Россия Советларининг VIII съездига делегат қилиб сайланганлиги муносабати билан Москвага жўнаб кетди ва марказда ишга қолдирилди. У Ўрта Осиёда бир йилдан сал кўпроқ бўлиб, ана шу нисбатан қисқа вақт ичида жуда кўп иш қилди. Унинг бевосита иштирокида ички контрреволюция ва ажнабий интервентларнинг асосий кучлари тор-мор қилинди, Туркистонни РСФСРдан ажратиш йўлидаги буржуа-миллатчилик интилишлари тамомила барбод бўлди, улуғ давлатчилик шовинистлари фош этилди.

1921 йил январда РКП(б) МК секретариатининг қарори билан В. В. Куйбишев масъулиятли иш соҳаларидан бирига — Бутун Россия Марказий Касаба Союзлари Совети ихтиёрига юборилди ҳамда ВЦСПСнинг иқтисодий бўлимига бошчилик қилди. В. И. Ленин чақириғига биноан у касаба союз аъзоларини ёқилғи кризисини тугатиш учун курашга жалб этиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

РКП(б)нинг 1921 йил мартда бўлиб ўтган X съездида В. В. Куйбишев партия МК аъзолигига кандидат қилиб сайланди, май ойида эса Бутун Россия советларининг VI съезди уни БХХК (ВСНХ) президиумининг аъзолигига сайлади. Тез орада В. И. Лениннинг таклифи билан у Главэлектро бошлиғи қилиб тайинланди.

Партия XI съездида В. В. Куйбишев РКП(б) Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди, РКП(б) МКнинг 1922 йил 3 апрелда бўлиб ўтган Пленуми уни партия МК секретарлигига сайлади. 1923—1929 йилларда, троцкийчилар билан кескин кураш даврида В. В. Куйбишев РКП(б) Марказий Контрол Комиссиясига бошчилик қилди. Асл революционер, содиқ ленинчи сифатида у партияни ажратиб юборишга ҳамда РКП(б) Марказий Комитетининг ленинча бош йўлини турмушга оширишга халақит қилмоқчи бўлган троцкийчиларга кескин қарши чиқди.

В. В. Куйбишев Москвада бўлган маҳалида ҳам Ўрта Осиё халқлари турмуши билан доимо қизиқди. У Ўзбекистон Коммунистик партияси I съезди очилишини самимий табриклади. Съезд Президиумига юборилган телеграммада В. В. Куйбишев шундай деб ёзди:

«РКП(б) Марказий Контрол Комиссияси номидан Қурултойни табриклайман. Ана шу съезд тузадиган ёш Ўзбекистон Коммунистик партиясига улкан вазифалар юкланади. Аввало Ўзбекистон Коммунистик партияси шундай давлат қуриши керакки, у деҳқонлар, батраклар, ишчилар ва барча камбағаллар томонидан ўз давлатимиз деб тан олиниши, камбағалларнинг иқтисодий, миллий ва маданий-маиший манфаатларини ўз фаолиятининг асосий иши деб билиши керак... Масалан, давлат аппаратининг бутун ишини хўжаликни тиклашга, мамлакатнинг табиий бойликларидан тўла фойдаланишга қаратиши зарур. Ўзбекистон Компартияси зиммасига тушадиган асосий вазифа ана шундай. Деҳқонлар ва ишчиларнинг Совет ҳокимиятига ва Коммунистик партияга хайрихоҳлиги шу соҳадаги ишларнинг муваффақиятлари билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳар қандай бошқа ўлкадагидан кўра Совет давлатининг куч-ғайрати аҳолининг маданияти ва саводхонлигини оширишга кўпроқ қаратилиши керак. Ёш Коммунистик партия давлат фаолиятининг ана шу соҳасига ҳам раҳбарлик қилиши лозим бўлади, Ўзбекистон Коммунистик партияси шу тарихий вазифаларни бажариш учун бирдам ва меҳнаткаш омма билан боғлиқ бўлиши керак.

Яшасин Шарқдаги коммунизмнинг авангард пости — Ўзбекистон Компартияси» («Правда Востока», 1925, 6 февраль).

Социалистик индустриялаш учун кураш даврида партия В. В. Куйбишевни хўжалик ишининг жуда муҳим соҳасига кўтарди. 1926 йилда у БХХК (ВСНХ) раиси қилиб тайинланди, 1930 йилда эса Госплан раиси, СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда СССР Меҳнат ва Мудофаа Совети Раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади. Халқ Комиссарлари Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР ММК (СТО) раиси сифатида у пахтачиликни юксалтиришга, мамлакат-

нинг пахта мустақиллигини таъминлашга, тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун мустаҳкам база яратишга катта эътибор берди. 1934 йил 5 ноябрда В. В. Куйбишев ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг Вакили сифатида пахта тайёрлашни ташкил этишда партия ва совет органларига ёрдам бериш учун Ўзбекистонга келди. Тошкент вокзалида уни Й. Охунбобоев, Ф. Хўжаев, А. Икромов ва бошқа партия ва совет арбоблари кутиб олишди. Бу азалий дўстлар, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун революцион курашдаги сафдошларнинг ҳаяжонли учрашуви эди.

В. В. Куйбишев республиканинг давлатга пахта топшириш планини бажармаганлиги сабабларини ўзига хос диққат-эътибор билан ўрганиб чиқди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахтачиликни ривожлантиришга раҳбарлиги иши билан синчиклаб танишди, республика партия ва ҳукумати раҳбарларига хатоларни тузатишга қаратилган қимматли амалий маслаҳатлар берди, В. В. Куйбишев республика бўйлаб анча кун сафар қилди: Акмал Икромов ҳамроҳлигида у 30 район ва 100 колхозда бўлди.

Ҳамма ерда В. В. Куйбишевни қадимги дўст сифатида зўр хурсандчилик билан кутиб олишди. У Самарқанд, Фарғона, Қўқонда бўлди. Валериан Владимирович Ўзбекистонни кезиб чиқар экан, республиканинг иқтисодий ва маданий қурилишдаги муваффақиятларини муносиб баҳолади. Фарғонада 15 ноябрда меҳнаткашлар митингида сўзлаб у бундай деди: «Ўзбекистон ҳозирдаёқ улкан саноатга эга ўлкага айланмоқда ва у шу беш йилнинг охирига бориб саноат мамлакати бўлиб қолади. Пахта майдони кўпаймоқда, пахта ҳосилдорлиги ва миқдори ўсмоқда, у ишчи ва деҳқонлар эҳтиёжларини қондириш учун иттифоқимиз фабрикаларига етказиб берилади. Ўзбекистон халқ хўжалиги барча тармоқларининг бундай гуркираб ўсиши Ўзбекистон ҳар бир ишчи ва колхозчисига Октябрь йиллигини мағрур кутиб олиш имконини беради, чунки социализм қурилиши, янги социалистик қишлоқнинг барпо бўлиши, Ўзбекистон экономикасининг қудратли равнақи ўзбек ишчи ва деҳқонлари активлиги, ижодий ташаббускорлиги ва фидокорлиги билан содир бўлди» («Правда Востока», 1934, 20 ноябрь).

В. В. Куйбишев билан А. Икромовнинг республика бўйлаб сафари вақтида тўпланган материаллар умумлаштирилди ва Ўзбекистон К(б)П МК билан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 1934 йил 21 ноябрдаги «Пахтани йиғиб-териш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида»ги қарорига асос қилиб олинди.

В. В. Куйбишевнинг қимматли мулоҳазалари, унинг партия ва совет органлари фаолиятини қайта қуришдаги бевосита иштироки пахтачиликни янада ривожлантириш борасидаги ишни кучайтиришга ёрдам берди. 1935 йилдаёқ Ўзбекистонда шу вақтгача мисли кўрилмаган ҳосил етиштирилди — давлатга 1,5 миллион тонна пахта хом ашёси топширилди. Республика меҳнаткашлари ўзларига кўрсатган ёрдами учун В. В. Куйбишевга қизғин ташаккур айтишди. Бу тўғрида Ўзбекистон Советлари V съезди минбаридан гапирилди, бу съезд В. В. Куйбишевни Ўзбекистон ССРдан Советларнинг Бутуниттифоқ VIII съездига делегат қилиб сайлаган эди.

В. В. Куйбишев сингари кўламдаги арбобларнинг иш тажрибаси бугунги кунда ҳам биринчи даражали аҳамиятга моликдир. Марксча-ленинча таълимотга содиқликни, партиявийлик, принципиаллик, фикр-ниятларнинг мусаффолиги, олға томон ҳаракатимизга халақит берадиган жамики нарсаларга муросасизлик, тафаккур кенглиги, билимдонлик, масъулият ҳисси, ишга сиёсий ёндашув, ҳатто «майда-чуйда» вазифаларда ҳам ривожланиш истиқболларини кўра билиш, халқнинг битмас-туганмас ижодий кучларига қатъий ишонч, янгилик туйғуси, меҳнаткашларнинг дадил ташаббусини қўллаб-қувватлашни ўз ичига оладиган уларнинг раҳбарлик услуби ва методлари, уларга хос большевизм анъаналари — ўз актуаллигини йўқотмадигина эмас, балки, аксинча коммунист жангчилар, омманинг ҳақиқий етакчилари, Ленин партияси ишига, халқ ишига чексиз содиқ янги кадрларни тарбиялашда фавқулодда долзарблик касб этди.

В. И. Ленин сафдошларининг машаққатли ва ибратли тажрибасининг улкан аҳамияти ана шунда, бутун онгли ҳаётини коммунизм буюк идеалларининг амалга ошишига бахш этган шонли плеядага Валериан Владимирович Куйбишев ҳам мансубдир.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ФРОНТ БИЛАН МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИ БИРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

М. ҚОСИМОВА,
тарих фанлари кандидати

КПСС нинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартияси Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ фронт ва мамлакат ичкариси, армия ва халқ бирлигини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Ўзбекистон К(б)П МК Лениннинг «урушни чинакамига олиб бориш учун мамлакат ичкарисини мустаҳкам ташкил қилиш керак» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 454-бет) деган қоидасини амалга ошира бориб, республика меҳнаткашларининг маънавий кучи ва моддий ресурсларини сафарбар этиш юзасидан жуда катта ҳарбий-ташкилотчилик ва идеологик иш олиб борди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг Қизил Армиянинг энг муҳим аслаҳахоналаридан бирига айланишига кўмаклашди.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — Советлар Мамлакатидаги барча халқларнинг умумий ташвиши эканлигини уруш йиллари ишонарли тарзда исботлади. Ватанпарварлик ва интернационализмнинг бирлиги бунинг ёрқин ифодаси бўлиб, фронт билан мамлакат ичкарисининг мустаҳкамланиши бунинг бир формаси эди. Бунга совет ижтимоий ва давлат тузумининг социал-сиёсий бир хиллиги, ягона идеология, ҳарбий доктринанинг бирлиги, социалистик Ватаннинг вақтинча босиб олинган территорияларини озод қилиш ва душманни тор-мор этишдан иборат пировард мақсаднинг муштараклиги туфайли эришилди. Совет халқи ўз Ватанини ҳимоя қилиш учун Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган ватанпарварлик ва интернационал бирлик намунасини инсоният тарихида кўп миллатли халқ оммаси ҳеч қачон кўрсатмаган.

Социализм ғалабаси натижасида совет кишиларининг онги ўзгарди ва бойиди, унда миллий ва интернационал жиҳатлар бирлашиб кетди. Бу уларнинг даҳшатли уруш йилларидаги ватанпарварлик туйғуларида айниқса ёрқин намоён бўлди. «Ватан узра пайдо бўлган ажал хавфи, жуда зўр ватанпарварлик кучи, — деди КПСС МКнинг Бош секретари М. С. Горбачев совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан қилган «Совет халқининг ўлмас жасорати» докладида, — бутун мамлакатни халқ урушига, муқаддас урушга отлантирди. Совет кишилари улуғ Ленин ғояларидан куч олдилар. Уларни тарихимизнинг қаҳрамонона саҳифалари, халқнинг ажнабий золимларга қарши кураши илҳомлантирди. Улар ўз Ватани ҳимоясига отландилар».

Фронт билан мамлакат ичкариси, армия билан халқнинг бузилмас бирлиги қонуний бўлиб, у социалистик кўп миллатли давлатнинг моҳиятидан келиб чиқади. «Ишчи ва деҳқонларнинг кўпчилиги ўз ҳокимиятини, — деган эди В. И. Ленин, — яъни Совет ҳокимиятини — меҳнаткашлар ҳокимиятини ҳимоя қилаётганлигини билган, ҳис этган ва кўрган, ўзи ҳимоя қилаётган ишнинг ғалабаси унга ва унинг болаларига маданиятнинг барча неъматларидан, инсон меҳнатининг барча самараларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашини билган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди» (ТАТ, 38-том, 369-бет).

Коммунистик партия куч-ғайратини армия ва халқ, фронт ва мамлакат ичкарисининг бирлигини қатъий сиёсий, давлат ва ҳарбий раҳбарлик билан таъмин-

лашга қаратди. Шу мақсадда 1941 йилнинг 30 июнида Давлат Мудофаа Комитети (ДМҚ) тузилди, у барча давлат, хўжалик, ҳарбий ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб турди.

Ўзбекистон Қ(б)П МҚ ишни ҳарбий изга мослаб қайта қуришда ВКП(б) МҚ ва СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1941 йилнинг 29 июнида фронт яқинидаги областларнинг партия ва совет органлари учун қабул қилган директивасига амал қилди. Барча бўғинлардаги партия органлари ишини қайта қуриш ва унинг оперативлигини кучайтириш мамлакат ичкариси билан фронт бирлигини мустаҳкамлашни таъминлади. Партия комитетларидаги кучайтирилган ва янгитдан ташкил этилган ҳарбий ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари бўйича бўлимлари, транспортда, МТС ва совхозларда тузилган сиёсий бўлимлар ҳам фронт ва мамлакат ичкарисининг мустаҳкамланишига ёрдам берди. Оммага идеологик таъсир этиш воситалари: оғзаки агитация, пропаганда, матбуот, адабиёт ва санъат ҳам шу ишга сафарбар этилганди.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, шунингдек ҳарбий органлар ҳарбий-ташкилий тадбирларни амалга оширишда партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлишди. Бошқа кўпгина республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Халқ Комиссарлари Совети Раисининг қурол-яроғ ва ўқ-дорилар бўйича ўринбосари лавозими, ижроия комитетларда эса — раиснинг ҳарбий масалалар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Бу ҳарбий-мудофаа аҳамиятига эга масалаларни оператив ҳал этиш мақсадида партия, давлат, ҳарбий, хўжалик органлари ишини мувофиқлаштириб туришга ёрдам берди.

ВКП(б) МКнинг 1941 йил 5 сентябрдаги қарори билан ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг аъзоси, партия МҚ секретари А. А. Андреев бошчилигида мамлакат ичкарисининг фронт билан алоқасини амалга ошириш бўйича Марказий комиссия, иттифоқчи республикалар Компартиялари МҚ, ўлка комитетлари, область партия комитетлари қошида эса тегишли равишда маҳаллий комиссиялар ташкил этилди.

Ўзбекистон Компартиясининг экономикани ҳарбий изга кўчириш борасида бир мақсадни кўзлаб олиб борган иши натижасида (мамлакатимизда социализм қуришда эришилган ютуқлар бу ишнинг муваффақиятини таъминлаган эди) республика саноати фронтга тобора кўп миқдорда самолётлар, қурол-яроғ, ўқ-дори, қишлоқ хўжалиги эса — зарур хом ашё, озиқ-овқат жўната бошлади.

Ҳарбий ва гражданлик органларининг Қизил Армия учун ҳарбий резервлар тайёрлаш масаласида мустаҳкам алоқада иш кўришлари фронт ва мамлакат ичкариси бирлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Бу иш икки хил тарзда: қўшинлар — СССР Мудофаа халқ комиссарлиги йўли билан ва қўшинлардан ташқари — оммавий ҳарбий-ватанпарварлик ташкилотлари, 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркакларга умумий мажбурий ҳарбий таълим бериш ва ёшларни ҳарбий чақириқдан олдин ҳарбий хизматга тайёрлаш йўли билан амалга оширилди. ДМКнинг 1941 йил 16 июлдаги директивасига мувофиқ чақириқ ёшидаги СССР гражданларининг ҳаммаси, уларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, армия ва флотга чақириларди.

В. И. Ленин гражданлар уруши йилларидаёқ турли миллат меҳнаткашларининг жанговар ҳамкорлигини муттасил мустаҳкамлаб бориш зарурлиги тўғрисида гапирган эди. Кимки бу иттифоқни бузса, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич, у Қизил Армияни заифлаштиради, меҳнаткаш халқнинг душманларига ёрдам беради (В. И. Ленин ва Совет Қуролли Кучлари. М., 1980, 387-бетга қаралсин). Бизнинг армия ва флотимиз ҳарбий соҳада ленинча миллий сиёсатнинг тимсоли эди ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг партия, совет ва жамоатчилик ташкилотлари стратегик ва оператив резервларни барпо этиш ҳамда кучайтириш, қўшилмалар ва қисмларни тузишда Ўрта Осиё ҳарбий округига ёрдам бериш борасида жуда катта ишларни амалга оширдилар. Маҳаллий Советлар ўша қўшилмалар ва қисмлар, ўқув юртларини уй-жой фондлари ва ер участкалари билан таъминлаб турардилар; улар ҳарбий комиссарликлар билан биргаликда запасдаги ҳарбий хизмат ёшидаги кишиларни армияга чақириш ва моддий ресурсларни сафарбар этишни амалга оширардилар. Область, шаҳар, район партия комитетлари аҳоли ўртасида агитация-пропаганда ишини авж олдирдилар, область ва шаҳар партия комитет-

ларининг ҳарбий бўлимлари ҳарбий комиссарлик ва маҳаллий Советларнинг ҳарбий хизмат ёшидагиларни сафарбар этиш ишини назорат қилиб бордилар.

Ўзларининг интернационал бурчини бажараётган, мамлакат бошига тушган хавф-хатарни чуқур ҳис этган Ўзбекистон, бошқа республикаларнинг меҳнаткашлари миллий қўшинлар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. Давлат Мудофаа Комитети бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, тегишли қарор қабул қилди. 1941 йилнинг 13 ноябрида Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳар ва районларида шаҳар ҳамда район партия комитетларининг навбатдан ташқари пленумлари, корхоналар, муассасалар, колхоз ва совхозларда эса очиқ партия йиғилишлари бўлиб, уларда мазкур қарор муҳокама қилинди. Ўзбекистон К(б)П МҚ ўзбек миллий қисмларини коммунистлар ва комсомоллар ҳисобига тўлдиришга эътибор берди.

Партия, совет, ҳарбий органлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг олиб борган жуда катта ишлари натижасида Ўзбекистонда нисбатан қисқа муддат ичида — 1941 йилнинг ноябридан 1942 йилнинг мартигача 14 миллий қўшилма тузилди. Бу миллий анъаналар ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳарбий ҳамда сиёсий тайёргарликни ўзбек тилида кенг авж олдириш имконини бердики, бу армияга энди чақирилган солдатларга ҳарбий таълим бериш ишини тезлаштирди. Уруш йилларида Ўзбекистонда миллий қўшилмалар билан бирга интернационал ўқчи ва отлиқ дивизиялар, курсантлик бригадалари, марш роталари ташкил этилди.

Ўзбекистон Компартияси ва республика ҳукумати бутун куч-ғайратини йирик қўшинлар қўшилмаларини тузишга йўналтирар эканлар меҳнаткашларга ҳарбий-ўқув пунктлари, мудофаа тўгараклари ва Осовиахим клублари орқали умумий ҳарбий таълим бериш ишини кенг авж олдириш учун ҳамма зарур ишларни қилдилар. Ҳарбий ишни ўрганган ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенцияси вакиллари ҳар дақиқада Ватан ҳимоячилари сафига туришга тайёр эдилар.

1937—1938 йиллардаги оммавий репрессиялар туфайли уруш бошларига келиб Қизил Армиянинг ҳарбий ва сиёсий раҳбарлиги анча заифлашган эди. Бундай жуда оғир шароитда Коммунистик партияга офицерлар составини қайта тиклаш учун қатъий чоралар кўришга тўғри келди, чунки В. И. Ленин таъкидлаганидек, «ёлғиз қизил офицерларгина солдатлар орасида обрўга эга бўла оладилар ва армиямизда социализмни мустаҳкамлай оладилар» (ТАТ, 37-том, 202-бет).

Ўзбекистон партия ва совет органлари эвакуация қилинган ўнлаб ҳарбий академиялар, билим юртларини жойлаштириш, уларга нормал шарт-шароит яратиб бериш учун жуда кўп иш қилдилар.

Ўзбекистонда Қизил Армия учун ҳарбий резервларнинг тайёрланиши душман устидан эришилган ғалабага жиддий ҳисса бўлиб қўшилди. Улуғ Ватан уруши фронтларида фидокорона жанг қилган юз минглаб ўзбекистонликлар, шу жумладан 38 минг коммунист ва 200 мингдан ортиқ комсомоллар бунинг ёрқин исботидир. Улар Москва яқинида, Сталинград остоналарида, Курск ёйида бўлган жангларда, Берлинни штурм қилишда қатнашиб ўзларини сўнмас шон-шуҳратга буркадилар. Кўрсатган ҳарбий жасорати, Варшавани озод қилгани учун 5439, Прагани — 6846, Белградни — 664, Будапештни — 2430, Венани озод қилгани учун 2000 ўзбекистонлик жангчи юксак давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон медицина кадрларини тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшди. 1941 ва 1945 йиллар ичида Тошкент ва Самарқанд медицина институтлари фронт ва мамлакат халқ хўжалиги учун 3257 врач, 4864 нафар ўрта медицина ходими тайёрлаб берди.

ВКП(б) Марказий Комитети 1942 йилнинг сентябрида Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Грузия, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон Компартиялари МҚ, Бошқирдистон, Қалмиқ ва Татаристон автоном республикаларининг область партия комитетлари зиммасига армия сиёсий бўлимлари ва фронтлар сиёсий бошқармаларида агитатор сифатида ишлашлари учун раҳбар партия ва совет активи составидан 260 нафар энг яхши коммунистни сафарбар этиш вазифасини юклади. Бунга қўшимча равишда 1943 йилда М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академия қошидаги жадаллаштирилган курсларни битириб чиққан Ўзбекистоннинг 146 нафар раҳбар партия ва комсомол ходимлари Ҳаракатдаги армияга жўнатилди.

Партиявий-сиёсий ишни, сиёсий состав кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида 1943 йилнинг июль ойида Москвада рус бўлмаган агитаторларнинг йигирма кунлик сбори ўтказилди. Қизил Армия Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи ВКП(б) МҚ секретари, генерал-лейтенант А. С. Шчербаков «РҚҚАдаги рус бўлмаган миллатларнинг оддий жангчилари ва кичик командирлари ўртасида олиб бориладиган партиявий-сиёсий ишнинг вазифалари тўғрисида» деган мавзуда доклад қилди. Ўзбекистон ССР ХКС раисининг ўринбосари Е. Ю. Алиев, Қозоғистон ССР ХКС раисининг ўринбосари И. Шарипов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони майор Малик Габдуллинлар «Миллий республикалар немис-фашист босқинчиларига қарши Улуғ Ватан урушида» деган мавзуда сўзга чиқдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Калинин сборлар иштирокчиларининг бир группасини қабул қилди. У ўз сўзида жангчиларни Ватанга меҳр-муҳаббат, фашист босқинчиларига нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб руҳида тарбиялашга, она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилаётган жангларда уларни мардлик ва жасоратга илҳомлантиришга, СССР халқларининг жанговар шон-шуҳрати ва дўстлигини мустаҳкамлашга даъват этилган фронтчи-агитаторларнинг вазифалари тўғрисида гапирди.

Миллий республикаларда тузилган фронт бадиий бригадалари фронт билан мамлакат ичкариси, армия билан халқ бирлигини мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнади. Ўзбекистон ССР ХКС қошидаги Санъат ишлари Бошқармаси томонидан 1942 йилнинг августида ташкил этилган ана шундай бригадалардан бири 1943 йилнинг июлигача тўртта фронтда бўлиб, қисмлар ва бўлинмаларда 200 дан ортиқ концерт беришди, уларнинг анча қисми олдинги линияларда кўрсатилди. Ҳар бир концерт олдидан митинг бўлар, митинг қатнашчиларига мамлакат ичкарисидаги меҳнатчиларнинг ишлари, Ўзбекистонда янгитдан қад кўтарган янги корхоналар, уларнинг фронт учун қурол-яроғ ишлаб чиқараётгани, далаларда ва станок олдида эрлари, фарзандлари ва ака-укалари ўрнида меҳнат қилаётган шонли ўзбек хотин-қизлари тўғрисида гапириб беришарди. Бригада ишини тугатганидан кейин ВКП(б) МҚнинг агитация ва пропаганда Бошқармасида қабул қилинди, унда «Ўзбек фронт бригадасининг агитация-оммавий иш тажрибаси бошқа фронт миллий бадиий коллективлар практикасига жорий қилинади» деб таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон санъат арбоблари уруш бошланганидан то 1945 йилнинг январига қадар Қизил Армия жангчилари ва командирлари, шунингдек республикадан ташқаридаги саноат объектларида ишлаётган ўзбекистонликлар орасида 21 мингдан ортиқ концерт, спектакллар кўрсатишди, санъат тўғрисида лекция-докладлар қилдилар, ижодий рапортлар бердилар. Бу учрашувларнинг ҳар бири кўп миллатли совет халқи бузилмас бирлиги ва жанговар қардошлиги, фронт билан мамлакат ичкариси бирлигининг ёрқин намойишига айланди. Юртдошлар билан бўлган учрашувлар, жонажон республикалардан делегацияларнинг келиши жангчиларни душман билан курашга илҳомлантирарди.

Партия урушнинг биринчи куниданоқ матбуот сўзининг сафарбарлик кучидан кенг фойдаланди. Газеталар (марказий ва фронт газеталари) социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ленин васиятларини тинимсиз пропаганда қилдилар, Улуғ Ватан урушининг адолатли мақсадлари ва унинг умумхалқ характерини тушунтирдилар, совет кишиларини фронт ва мамлакат ичкарисида жасоратга даъват этдилар, армия ва халқ бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилдилар.

Жангчилар ва командирларни СССР халқларининг дўстлиги ҳамда жанговар қардошлиги руҳида тарбиялашда ҳарбий матбуот жуда катта роль ўйнади. У Коммунистик партия сиёсати ва ғояларининг Совет Қуролли Кучларидаги тарғиботчиси бўлди.

Ҳаракатдаги армияда миллий ҳарбий қисмларнинг тузилиши муносабати билан турли миллат жангчилари ўртасида партиявий-сиёсий ишни кучайтириш керак эди. Кўпгина совет халқлари тилларида Қизил Армиянинг фронт газеталарини яратиш зарур бўлиб қолди. 1943 йилнинг бошига келиб 3 та марказий, 13 та фронт ва 60 тадан ортиқ армия газеталари чиқарди, брошюралар, варақалар ва плакатлар оммавий тиражларда босиларди. Орадан бир оз вақт ўтгач

СССР халқлари тилларида 47 газета чиқа бошлади. Шуни ҳам айтиш керакки, энг кўп газета (11 тадан) қозоқ ва ўзбек тилларида нашр этилди. Ўзбек тилида: «Душманга қарши олға» — Калинин, кейинчалик 1-Болтиқбўйи фронти сиёсий бошқармаси органи, «Душманни тор-мор этишга» — Брянск фронти сиёсий бошқармасининг органи (1943 йилнинг ноябридан бу газета «Суворовчи» номи билан чиқа бошлади); «Ватан учун» — Шимоли-Ғарбий, кейинчалик 3-Болтиқбўйи фронти сиёсий бошқармасининг органи; «Қизил Армия» — бирин-кетин Дон, Сталинград, Марказий ва 1-Белоруссия фронтлари сиёсий бошқармаларининг органи; «Қизил аскар ҳақиқати» — Ғарбий фронт, кейинчалик 3-Белоруссия фронти сиёсий бошқармаси органи ва бошқа газеталар чиқарди. Ўзбек тилида чиқадиган фронт газеталари орасида «Ғалаба учун» номи билан битта бригада газетаси чиқарди — у Жануби-Ғарбий фронт 90-алоҳида ўқчи бригадаси сиёсий бошқармасининг органи эди.

Қизил Армиянинг Бош сиёсий бошқармаси СССР халқларининг турли тилларида қатор журналлар, китоблар, брошюраларни нашр этишни ташкил қилди. «Блокнот агитатора Красной Армии» 1943 йилнинг августидан то 1945 йилнинг декабригача Москвада олти тилда — рус, қозоқ, ўзбек, озарбайжон, грузин, арман тилларида босилди. Уларни Бош сиёсий бошқарманинг миллий группа ходимлари таҳрир қиларди, жумладан ўзбек тилидагисига Тўлқин Рустамов редакторлик қилганди. Уруш охиригача ўзбек тилидаги «Қизил Армия агитатори блокноти» журналининг 28 сони 392 минг нусхада босилиб чиқди. «Блокнот» агитаторларга армия ва флот жангчилари билан командирлари ўртасида кундалик идеологик иш олиб боришларида катта ёрдам берди.

Ҳарбий газеталар ва журналлар агитатор ва пропагандистларнинг қўлида жангчининг қўлидаги милтиқдай қуролга айланарди. Юқорида айтиб ўтилган нашрлар сиёсий ходимларга уларнинг СССР халқларининг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг социал ва маданий ғалабаларини ҳимоя қилиш, жангчиларни Ватан шон-шуҳрати йўлида янги жанговар жасоратларга сафарбар этиш борасида олиб борадиган оғир пропагандистлик фаолиятида ёрдам берарди.

Жангчиларга тинимсиз келиб турадиган совға-саломларда халқ ўз армиясига бўлган меҳр-муҳаббатини ифода этарди. Ўзбекистонликлар совға-саломларни фронтга умумхалқ байрамлари арафасида жўнатишарди. Масалан, янги йил совғаларини янги, 1942 йил арафасида топшириш учун республикамиздан Ҳаракатдаги армияга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Йўлдош Охунбобоев бошчилигида делегация жўнаб кетганди. Делегация составига 73 ёшли Ҳасан ота Исломов (унинг икки ўғли билан икки невараси гитлерчиларга қарши жанг қиларди), ўзбек аёлларидан биринчи машинист Башорат Мирбобоева, колхоз раиси Абдулла Ортиқов, донгдор тўқувчи Муҳаббат Носирова ва республикамизнинг бошқа донгдор меҳнатчилари кирган эди. Ўзбек халқи вакиллари Ҳаракатдаги армиянинг жуда кўп қисмларида бўлишди, уларни ҳамма жойда зўр қувонч ва самимият билан кутиб олишарди. Кейинчалик Й. Охунбобоев шундай деб ёзганди: «...Ўзбек халқи фронтга янги йил совғаларини юбориш билан фронт билан мамлакат ичкарисининг мустаҳкам алоқасини, ўзбек халқининг тақдирини фронтларда ҳал қилаётган Қизил Армия жангчилари, командирлари ва сиёсий ходимларига ўзининг чексиз меҳр-муҳаббатини изҳор қилган эди».

Ўзбек халқи делегациялари қамалдаги Ленинградга бир неча бор боришганди. Ўзбекистон К(б)П МК республика меҳнаткашларининг Нева соҳилидаги шаҳар ҳимоячиларига ҳар томонлама ёрдам бериш ватанпарварлик ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Кўпгина меҳнат коллективлари Ленинград областидаги корхоналар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмларни оталиққа олишди ва уларга ҳамма турда ёрдам ташкил этишди.

«Марат» линкори шахсий составининг Ўзбекистон К(б)П МК ва ХКС номига йўллаган хатида кўрсатилган ғамхўрлиги ва эътибори учун ўзбек халқига миннатдорчилик изҳор қилинганди. Болтиқ флоти денгизчилари шундай деб ёзишганди: «...Сизларнинг совға-саломларингизни ўзбек халқининг Қизил Армия ва Қизил флот жангчилари ва командирларига бекиёс меҳр-муҳаббати деб биламиз... Биз сизларга ва сизлар орқали бутун ўзбек халқига ғамхўрлик ва меҳрибонлик учун чин кўнглимиздан миннатдорчилик билдирамиз» («Правда Востока», 1942, 12 июнь).

Ўша кунлари «Правда» шундай деб ёзганди: «Фронтга қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат тинимсиз оқиб келиб турибди, танклар, самолётлар, снарядлар, иссиқ кийимлар — Қизил Армияга зарур нарсаларнинг ҳаммаси келиб турибди.

Бу тинимсиз оқимда алоҳида, кенг ва қудратли бир оқим борки, у фронтни таъминлашда, фронтга хизмат қилишда алоҳида ўрин тутади. Бу — Қизил Армияга юборилган совға-саломлардир. Бу ерда бурч совет халқининг ўз Ватанига, ўзининг севимли Қизил Армиясига бўлган буюк муҳаббати, чексиз садоқати билан қўшилиб кетади... Фронтга юборилган посилкалар — фронт билан мамлакат ичкарисининг, армия билан халқнинг муқаддас дўстлигининг ёрқин кўринишларидан биридирки, улар мамлакатимизда ягона бир бутунликни ташкил этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди» («Правда», 1942, 27 октябрь).

Бутун уруш давомида ўзбекистонликлар социализм ғалаба қилган жаҳондаги биринчи мамлакатнинг озодлиги ва мустақиллигини жанг майдонларида ҳимоя қилаётган жангчилар билан мустаҳкам алоқада бўлдиларки, уруш йиллари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган минг-минглаб хатлар ҳам, шунингдек партия ва давлат архивларида сақланаётган хатлар ҳам шундан далолат беради. Фронт билан мамлакат ичкарисининг ҳаёти ҳамда фаолияти тўғрисида ахборотлар алмашиб туриш кўп миллатли совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлашнинг қудратли омили, гитлерчи босқинчиларга қарши умумий курашда ҳар бир жангчи ва мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашнинг ўз роли ҳамда шахсий масъулиятини чуқур англашининг битмас-туганмас манбаи бўлди.

Душман Волгага ташланиб, Кавказни босиб олишга уринган 1942 йилнинг оғир кунларида ўзбек халқи ўзбек жангчиларига қалб кўри билан ёзилган хатнаказ билан мурожаат қилди. Унга 2 миллион 412 минг киши имзо чеккан эди.

Хатни бутун ўзбек халқи тайёрлади; уни республиканинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида, завод ва фабрикаларида, муассаса ва олий ўқув юртларида муҳокама қилишди. Хатда жумладан шундай дейилади: «Азиз ўғлонларимиз, шердай мард, жасур бўлинглар!.. Гитлерчи газандаларга қарши мамлакатимиз қардош халқлари билан елкама-елка туриб курашингиз... Қўрқоқлар, қочоқларни лаънатлаймиз, куёшли Ўзбекистонимизда улар учун макон йўқ...» («Правда», 1942, 31 октябрь).

Ўзбек жангчилари ўз халқининг хат-наказини юксак ватанпарварлик ҳисси билан кутиб олдилар. Хат митинглардан бирида муҳокама қилинган пайтда кичик сержант Ойбек Абдулов шундай деди: «Юртдошларим хати кучимга-куч қўшди, айниқса у немис босқинчиларига бўлган ғазаб нафратимни ўн чандон ошириб юборди, у мени жангга чорлайди, жонажон қишлоғимдагилар эшитсин учун овозимнинг борича шундай деб ҳайқиргим келади: «Меҳрибон оталаримиз, оналаримиз, хотинларимиз, опа-сингилларимиз! Фароғатли тинч кунларда Ойбек Абдулов катта Фарғона каналини қурди... У биринчилар қаторида бўлиб, Ўзбекистон республикаси Олий Советининг фахрий ёрлиғини олди. Халқ ўз озодлиги ва мустақиллигини немис фашистларидан ҳимоя қилсин деб Ойбекни жангга жўнатди. Ойбек ўз халқининг амрини бажариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилади» («Фрунзевец», 1942, 2 декабрь).

Ҳаракатдаги армиядаги ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг жанговар ишлари тўғрисидаги хат-ҳисоботлари билан мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларга мурожаат қилишарди. «СССРда яшовчи қардош халқларнинг ягона иттифоқисиз биз учун Ватан йўқ, — деб ёзишганди, масалан, 1-Белоруссия фронти жангчилари, — Ватан биз учун бу қонларимиз дарё бўлиб тўкилган Волга соҳиллари ҳам, Украина даштлари ҳам, Белоруссия ерлари ҳам. Биз, ўзбеклар ҳам, Совет Иттифоқининг барча халқлари билан баравар қўлимизда муқаддас қурол ушлаб, буюк озодлик курашида фаол иштирок этяпганимиздан фахрланамиз» («Правда Востока», 1945, 11 март).

Совет Иттифоқи Маршали Р. Л. Малиновский «Правда Востока» газетасига шундай деб ёзганди: «Ўзбек халқининг фарзандлари руслар, украинлар, белоруслар ва Совет Иттифоқининг бошқа халқлари билан бирга немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона жанг қилиб, Ватанимиз тарихига кўп шонли саҳифа битдилар. Ўзбек жангчилари, сержантлари ва офицерлари фронтимиз-

нинг турли қўшин турларида мардлик ва жасорат, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқдалар» (ў ш а ж о й д а, 1945, 8 январь).

Ишчилар, колхозчилар, интеллигенция, студент ва ўқувчиларнинг Ватан мудофааси умумхалқ фондини яратиш учун оммавий ҳаракати совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган ватанпарварлиги ва интернационализмининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мамлакат ичкариси меҳнатчилари бу фондга пул, озиқ-овқат, турли қимматли буюмларни ўтказдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари Давлат ҳарбий заёмларига ёзилишларини ўзларининг муқаддас гражданлик бурчини бажариш деб билдилар. Бу заёмлар ва пул-буюм лотереялари уруш йиллари мамлакатимизнинг молиявий қудратини мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади. Ўзбекистон ССР бўйича давлат заёмлари ва пул-буюм лотереяларидан 5 миллиард 821 миллион сўмдан ортиқ пул тушди. Республика меҳнаткашларининг ўзлари бевосита мамлакат мудофаа фондига салкам 650 миллион сўм пул ўтказдилар. Бу совет кишилари, фронт билан мамлакат ичкарисининг, армия билан халқ жипслигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. «Правда Востока» газетаси ўзининг 1943 йил 1 январь сонидаги бош мақоласида шундай деб ёзганди: «Халқлар дўстлигини ҳеч ким бузолмайди. Совет Иттифоқи халқлари орасига ҳеч ким нифоқ сололмайди!.. Фронт ва мамлакат ичкарисининг бирлиги, бутун халқнинг Қизил Армияга меҳр-муҳаббати шавкатли жангчиларимизга... душманга кетма-кет янги қақшатғич зарбани тайёрлаш ва етказишга имкон берди... Янги, 1943 йилнинг биринчи кунида ўзбек халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари билан биргаликда бутун совет ери узра шодиёна ғалаба қўшиғининг баралла жаранглаши учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилади деб буюк Ватанга қасамёд қилади».

Совет тузумининг интернационал табиати, СССР халқлари қардошларча дўстлигининг енгилмас кучи етим қолган ва кўчириб келтирилган болаларга нисбатан кўрсатилган оталарча ғамхўрликда, фашист босқинчилари вақтинча ишғол қилган районлардан республикага келишган гражданларга ҳар томонлама кўрсатилган ёрдамда ёрқин намоён бўлди. Ўзбекистон уруш йиллари ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини, шу жумладан 200 минг болани қабул қилди. Республикамизнинг кўп оилалари уруш туфайли бошпанасиз қолган, ота-онасидан жудо бўлган болаларни ўз тарбиясига олиш истагини билдирдилар. 4 мингдан ортиқ болаларни ўзбекистонликлар ўз бағрига олишди. Бунда ҳам совет тузумининг интернационал табиати, СССР халқлари қардошларча дўстлигининг енгилмас, қудратли кучи яна бир бор намоён бўлди.

Уруш йиллари Ўзбекистонда жойлашган госпиталларда минг-минглаб касаллар ва Қизил Армиянинг яраланган жангчи ва командирлари ўз соғлиқлари ҳамда жанговарлик қобилиятларини тикладилар. Республика территориясида 39140 ўринга эга кўчириб келтирилган 113 госпиталь бор эди. Маҳаллий органлар уларни жойлаштириш, моддий жиҳатдан ва озиқ-овқат билан таъминлаш юзасидан тегишли тадбирларни кўрдилар. 750 ташкилот ва корхона бу госпиталларни оталиққа олдилар. Фронтга ҳар томонлама кўрсатилган ёрдам, жангчилар тўғрисида бутун халқнинг ғамхўрлик қилиши совет солдат ва офицерларининг маънавий руҳини кўтарарди, немис-фашист босқинчиларига қарши курашда уларнинг кучига куч, ғайратига-ғайрат қўшарди.

Фронт билан мамлакат ичкарисининг бузилмас бирлиги, мамлакатимиз барча миллат ва элатларининг дўстлиги ва қардошлиги совет халқининг Улуғ Ватан урушида эришган Ғалабасининг энг муҳим манбаларидан бири бўлди. «Бизга қарши қилинган агрессия социалистик тузумнинг ҳаётийлигига, кўп миллатли Совет давлатининг мустаҳкамлигига, совет кишилари ватанпарварлик руҳининг қудратига қаттиқ имтиҳон бўлди, — деб таъкидлади КПСС МКнинг Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган докладида. — Бу имтиҳондан эса биз ўт ва қилич билан ўтдик...

Шунинг учун ҳам бардош берилдики, уруш умумхалқ урушига айланди. Ҳамма: кекса-ю ёш, эркагу аёл, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар Ватан ҳимоясига отланди».

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ: ПРОБЛЕМАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Анъанага мувофиқ ёшларга хос деб ҳисобланадиган кўпдан-кўп проблемалар (масалан, таълим, никоҳ ва шу кабилар) орасида бўш вақтни ташкил этиш кейинги вақтда етакчи проблема бўлиб қолмоқда. Бу тасодифми? Йўқ, албатта. Зотан киши фақат меҳнат қилиш, моддий ва маънавий қадриятлар яратиш, билим олиш билан чекланиб қола олмайди. У дам олиши ҳам керакки, бундай дам олиш оқилона бўлиши, унинг жисмоний кучларини ҳар томонлама тиклаши лозим.

Ёшларнинг бўш вақти жуда мураккаб проблемадир. Кишиларнинг ҳар бир янги авлоди унга ўзига хос нимадир қўшади. 80-йиллар ёшларининг уюштирилган бўш вақти идеологик таъсирнинг турли формаларидан актив фойдаланган ҳолда умумий таълим ва ҳунар мактаби ишини бошқа сифатда давом эттириб, нафақат дам олиш, балки тарбия сифатида ҳам ташкил этилиши керак. Шундай қилиб, бўш вақт ёшларни коммунистик тарбиялаш турларидан бири бўлиб, давлат бунга алоҳида аҳамият бермоқда.

Кўпинча шундай вазиятга дуч келиш мумкин: ўсмирнинг «энага»лари — муассаса ва ташкилотлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб, улар бўш вақт масаласини ўзларининг тор идоравий манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этишга уринадилар. Бундай ёндашиш натижасида қандайдир бир иш формасига қизиқиб кетилади. Оқибатда ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетадики, дам олишни ташкил этишнинг бирон-бир изчил системаси тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолдан қутулиш учун, бизнингча, биринчидан, барча манфаатдор идоралар куч-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, иккинчидан, ёшларнинг бўш вақтини уюштиришга даъват этилган асосий механизм ва бўғинларнинг марказлаштирилган тарзда бошқарилишини ташкил этиш керак.

Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигининг болалар ва ўсмирлар билан тураржойларда тегишли иш олиб борадиган махсус бўлинмалари ана шундай бўғинлардан биридир. Маҳаллий Советларнинг уй-жой-коммунал ташкилотлари педагог кадрларга, аҳоли ўртасида оммавий-маданий ва физкультура-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш учун зарур маблағларга, болалар ва ўсмирлар клубларига, бевосита тураржойлардаги ўйин майдончалари ва спорт иншоотларига эгадирлар. Уй-жой-эксплуатация бошқармалари (ЖЭУ) болалар ва ўсмирлар клубларининг ўзигина салкам 40 минг ўсмирни қамраб олган, физкультура-соғломлаштириш ва оммавий-маданий ҳаракатда эса бундан тўрт баравар кўпроқ миқдорда барча ёшдаги кишилар иштирок этмоқда.

Ҳажм жиҳатдан катта ва мазмунан мураккаб иш унинг сифати проблемасини юзага келтиради. ЖЭУ ташкилотчи-педагогига ҳамма нарсани бажара олиш ва ҳамма ишда улгуриш учун ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама билим зарур. Бу соҳада кўп сонли, асосан юқори малакали тўгарак ҳамда спорт секциялари раҳбарларидан иборат отряд ишласа ҳам, бари бир, улар ўз билимларини муттасил такомиллаштиришлари ва маҳоратларини оширишлари зарур. Республикамизда бу соҳадаги ишлар аҳволи қандай? Афсуски, ҳозирги кунгача ташкилотчи-педагоглар таълим олиб келган уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари малакасини ошириш курслари бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Ўқув плани эскирган, кўп фанлар бўйича программалар йўқ. Лекция ва амалий машғулотларни асосан тарбиявий иш практикасидан йироқ кишилар олиб бормоқда. Бундай шароитда курсларнинг ўқув-методик базасини тубдан қайта қуриш, мактабдан ташқари иш мазмунини ёш авлодни тарбиялашга доир партия томонидан қўйилган вазифаларга мувофиқ ўзгартириш талаб қилинади.

Бугунги кунда комсомол ва касаба союзлари бизга ёрдамга келди. Кейинги вақтда ЖЭУларнинг ўнлаб ташкилотчи-педагоглари ва спорт инструкторлари республика комсомол мактабида ва Узсовпроф курсларида ўқитилди. Лекин аҳволни яхшилаш учун бу етарли эмас. Ушбу масалани ҳал

эта оладиган идораларaро ёки регионал ихтисослаштирилган марказ, область методика хизматлари ташкил этиш, уй-жой трестларининг ташкилотчи-инструкторлари ўрнига аҳоли ўртасида иш олиб бориш бўйича катта методистларга эга бўлиш лозим. Тураржойларда ёшлар билан ишлашга доир ҳамма иш ЖЭУларнинг болалар ва ўсмирлар клубларида олиб борилаётгани учун ҳам уларни ихтисослаштирилган методик марказлар функцияси бериладиган таянч-намуна клублари билан тўлдириш керак бўлади.

Ҳозир Ўзбекистондаги уй-жой-коммунал ташкилотларнинг ўзидагина 220 та болалар ва ўсмирлар клуби ташкил этилган. Маҳаллий Советлар ижрокомлари уларга зарур хоналарни қандай қийинчилик билан беришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу оз эмас. Лекин барибир бу хилдаги клубларга эҳтиёж катта. Энг умумий ҳисобларга қараганда, ўн иккинчи беш йиллик охиригача улар камида 1,5 мингта бўлиши керак. Бунинг учун эса тилга олинган проблемага маҳаллий Советларнинг муносабатини тубдан яхшилаш зарур.

Бўш вақтни уюштиришнинг моддий-техника таъминотига ҳам кўпгина масалалар боғлиқ. Масалан, биз «Оргтехстрой» тресты, хўжалик ҳисобидаги баъзи ремонт-қурилиш бошқармалари, Маданият министрлиги ва республикадаги бошқа муассаса ҳамда идоралар ёрдами билан болалар ўйин ва спорт майдончаларини ускуналаш учун комплектлар тайёрлашни маълум даражада йўлга қўйдик. Улар нисбатан қиммат эмас — 2—2,5 минг сўм, уй-жой-коммунал ташкилотлар уларни бемалол харид қилиши мумкин. Лекин бу проблемани ҳал этишнинг ярмиси, холос. ЖЭУларнинг болалар ва ўсмирлар клубларини моддий-техникавий таъминлаш масаласи очиқ қоляпти. Партия ва хукуматнинг бир қатор қарорларида уй-жой-коммунал ташкилотларнинг квартира ҳақидан олган даромадлари бир қисми аҳоли билан ишлашга: 2 проценти оммавий-маданий ва 3 проценти физкультура-соғломлаштириш тадбирларига ажратилиши кўзда тутилган. Республика бўйича унинг умумий миқдори салкам 2 миллион сўмни ташкил этадики, бу жудаям кам: мисол учун, у маҳаллий Советлар уйларида яшовчи ҳар бир киши ҳисобига кўпи билан 10 тийиндангина тўғри келади. Лекин ана шу сумманинг ўзидан 40 проценти ташкилотчи-педагоглар ва спорт инструкторларига маош тўлашга сарфланади. Табиийки, инвентарь харид қилиш учун жуда оз маблағ қолади. Қўшни Тожикистонда эса, мисол учун, ташкилотчи-педагогларга уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари иш ҳақи умумий фондидан маош тўланади. РСФСРда ҳам худди шундай қилинади.

Эҳтимол, шу сабабли ҳам Ўзбекистонда техника клублари шу қадар кам, спортнинг сувга доир турлари бўш ривожланган, спорт ускуналарини сотиб олишга маблағ етишмаса керак. Агар молия органлари ва савдо ташкилотлари қўядиган хилма-хил тўсиқларни ҳам ҳисобга олсак, аҳволнинг қанчалик оғирлиги яна ҳам яққол кўринади. ЖЭУ ташкилотчи-педагоги бевосита ёшларнинг бўш вақти билан шуғулланиш ўрнига кўпинча банкларга, у ёки бу зарур предметни излаб улгуржи магазинлар ва спорт базаларига югуришга мажбур бўляпти.

Шу билан бирга барча айбни молия органлари билан савдога юклаш ҳам тўғри бўлмайди. Аҳоли ўртасида иш олиб бориш моддий жиҳатдан қониқарсиз таъминланганлигида уй-жой-коммунал ташкилотлари, шу жумладан, республика Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигининг ўзи кўп жиҳатдан айбдордир. Шуни айтиш кифояки, ана шу барча ишларга министрлик уй-жой хўжалиги бошқармасида тўрт кишилик кичиккина бўлим раҳбарлик қилади. Кундалик ишларга куч ва вақт етмай турганда областларга таъсирчан ёрдам кўрсатиб бўлармиди!

Лекин булар ҳали ҳаммаси эмас. Кейинги уч йилда уй-жой хўжалиги область ва шаҳар ташкилотларининг педагог ходимлари қаттиқ ишлашди: барча куч болалар ва ўсмирлар клубларини ташкил этишга йўналтирилди. Хоналар, тўгарак ва спорт секциялари учун раҳбарлар изланди, ускуналар, инвентарь, методик қўлланмалар битталаб йиғилди. Қийинчиликлар орқада қолгандек бўлди: уй-жой-коммунал бошқармалар қошида клубларнинг кенг тармоғи ташкил топди, уларнинг ҳар бирида бир нечтадан тўгарак ва спорт секциялари, соғломлаштириш группалари ва ҳоказолар мавжуд. Уларнинг анчагина қисми наридан-бери мослаштирилган, кичик хоналарга жойлаштирилган бўлсада, ҳар ҳолда ишлаш учун моддий асос яратилди. Шундай қилиб, мактабдан ташқари муассасаларнинг янги системаси юзага келди, улар ўз олдига қўйилган вазифаларни: ёшларнинг бўш вақтини уюштириш, улар ўртасида ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш вазифаларини ҳал қила олади. Бошқача айтганда, оммавий-маданий, физкультура-соғломлаштириш, ҳуқуқий-профилактик, агитация-пропаганда ва шу сингари бошқа тадбирлар ёрдамида умумий таълим мактабининг совет кишилари янги авлодини тарбиялашдек ишини давом эттирувчи система яратилди.

Бир қарашда пухта ўйлангандек туюлган бу ишда бирдан кўплаб проблемалар пайдо бўлди. Албатта, болалар ва ўсмирлар клуби мактабдан ташқари муассасанинг — айтайлик, Пионерлар уйи, ёш техниклар ёки ёш табиатшунослар станцияси, болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шунчаки филиали бўла олмайди. У аввало норасмий мулоқот, қизиқишлар бўйича уюшиш учун мўлжалланган. Бунда Пионерлар уйидаги

тўгараклар учун мўлжалланган анча чегараланган программа тўғри келмайди. Клуб аъзоларининг оммавийлигига мўлжалланган сифат жиҳатидан бошқача ёндашиш зарур. Бу эса аввало у ёки бу тўгарак, спорт секцияси, ҳаваскорлик бирлашмасининг универсал бўлишини, шунингдек, раҳбарларининг эса кенг билимга эга бўлишини тақозо этади. Масалан, у велоклуб бўлса, албатта ўлкашунослик билан боғлиқ бўлиши, агар китоб ишқибозлари клуби бўлса, албатта кенг профилда бўлиши керак. Шунингдек, уларда тўлиқ мустақиллик элементлари бўлиши лозим. Бу ҳол ўсмирлар мустақиллигининг тасвирий ва театр санъати, техника ижодиёти каби йўналишларига кўп даражада тааллуқлидир. Буни шунчаки истак ўрнида эмас, балки Ўзбекистон кўп областларидаги ташкилотчи-педагогларнинг иш тажрибасидан келиб чиқиб гапиряпмиз. Бу тажриба шуни кўрсатдики, клуб ўрнига қандайдир филиал «ташкил этилган» жойларда қизиқишларни шакллантириш, тарбияси қийин болаларни тўгарак ишига мумкин қадар кўпроқ жалб этиш тадбирлари кўнгилдагидек натижа бермаяпти.

ЖЭУ ташкилотчи-педагоги билан болалар ва ўсмирлар клуби директорининг вазифалари бутунлай ҳар хил эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ташкилотчи-педагог вазифалари алоҳида Низомда санаб ўтилган бўлсада, клуб директорининг вазифалари берилмаган. Маҳаллий Советлар уй-жой-коммунал ташкилотларида клуб директори лавозими ҳам, тўгарак раҳбари лавозими ҳам йўқ. Бу лавозимлар эса жуда зарур. Лекин мазкур ташкилотлар маблағ етишмаслиги сабабли ўша лавозимларни ўз штатларига кирита олмайдилар.

Бунинг иложи борми? Албатта, бор. Масалан, ана шундай штатлари бор касаба союз ташкилотлари ёрдам бериши мумкин. Маълумки, Ўзбекистон касаба союзлари ўн иккинчи беш йиллик охиригача мактабларда, ҳунар-техника билим юртлари ва болалар яшайдиган жойларда корхона ҳамда муассасаларнинг кооперациялашган маблағлари ҳисобига камида 1 мингта болалар ва ўсмирлар клубларини ташкил этишлари керак. 250—300 кишини қамраб олишга қодир ана шундай клуб беш кишигача бўлган ходимлар, шу жумладан, директор штатига эга. Ана шу штат лавозимларининг бир қисми ЖЭУларнинг ўз майдонига эга болалар ва ўсмирлар клубларига берилса, ташкилотчи-педагоглар микрорайонларда мактабдан ташқари ишларга умумий раҳбарлик қилиши, шунингдек, катта ёшли аҳоли бўш вақти ҳақида ғамхўрлик кўрсатиши мумкин бўлади.

Идора манфаатларидан келиб чиқиб иш тутиш ёшлар дам олишини ташкил этишга халақит бермоқда. Ана шу салбий ҳодисага барҳам бериш учун эса ихтисослаштирилган, аҳоли ўртасида олиб бориладиган ишнинг социал самарасини таъминлай оладиган илмий-методик марказ зарур.

Б. ЗАВАДОВСКИЙ,
Р. МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги тураржойларда аҳоли ўртасида иш олиб бориш бўлимининг ходимлари.

СОЦИАЛИЗМ ПЛЮРАЛИСТИК МОДЕЛЛАРИНИНГ РЕАКЦИОН МОҲИЯТИ

Б. ТЎЙЧИЕВ,
философия фанлари кандидати

СОЦИАЛИЗМ ПЛАНЕТАМИЗДА реал воқеликка айланганидан бери унинг «тузатувчилари» ҳамда чақирилмаган хайрихоҳлари етарлича бўлди. Шундай бўлсада, уларнинг «маслаҳат»ларидан баъзи бир муштарак оҳангларни илғаб олиш қийин эмас.

Масалан, 40-йилларнинг охиридан бошлаб барча даражадаги ревизионист ва реформистлар учун ўзида дунёқарашдаги, идеологик, сиёсий, иқтисодий плюрализмнинг турли вариантларини мужассамлаштирган «кўп моделли социализм» севимли мавзу бўлиб қолди. 70—80-йиллар оралиғида халқ Польшасининг социал-иқтисодий ривожланиши заминига социализмга қарши айни плюралистик қобиқдаги хатти-ҳаракатлар билан путур етказишга уринилган эди. Эндиликда ПХРни социалистик ҳамдўстликдан юлиб олишга, мамлакатда капиталистик тартибларни тиклашга уринган идеологик қўпорувчиларга кимлар ҳомийлик қилганлиги яхши маълум. 1968 йилдаёқ Чехословакияга «кўп вариантли социализм» концепциясини исботсиз ҳақиқат сифатида ҳар томонлама тиқиштирган реакционерлар ана шундай мақсадларни кўзлаган эдилар.

Ҳозир буржуа идеологларининг сиёсий сўз бойлигида социализмнинг бир қатор «модели» мавжуд, уларнинг тур белгилари сифатида мутлақ ҳодиса даражасига кўтарилган у ёки бу регионал ва миллий хусусиятлар олға сурилади. Ана шундай оддийгина усул ёрдамида сохтагўйлар «африкача», «Лотин Америкасига хос» ва ҳатто «японча» социализмларни «кашф» этдилар. Ҳатто сионистлар ҳам ушбу коллекцияни «киббуцизм» деб ғаройиб номланувчи ўз «социализм»лари билан тўлдирдилар. Ана шу «ижод»ларнинг ҳаммаси изоҳ талаб қилади. Ҳолбуки, ана шу назарий мулоҳазалар ҳамда сафсатабозликлар ортидан етарлича хатарли, тамомила амалий ниятлар очиқ-ойдин кўзга ташланмоқда.

Бу ўринда Лениннинг маълум огоҳлантиришини эсга олиш ўринли бўлади: «Кишилар сиёсат бобида ҳамма вақт тентакларча алданиб ва ўзларини ўзлари алдаб келганлар ва улар ҳар қандай ахлоқий, диний, сиёсий, ижтимоий иборалар, баёнот, ваъдалар заминида маълум синфларнинг *манфаатлари* борлигини пайқай оладиган бўлгунларича алданаверадилар» (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 52—53-бетлар). Ҳақиқатан ҳам идеологик «моделчилар»ни реал социализмни ёқтиришда айблай ололмаймиз. Реформизм ва ревизионизм жонбозларининг бунчалик қатъий тавсияларига, социалистик тузумни такомиллаштириш хусусидаги «ғамхўрлик» қилишларига сабаб нима? Социализм моделларининг кўпдан-кўп концепцияларини яратувчилар кимларнинг манфаатларини кўзлаяптилар? Яққол кўриниб турибдики, улар социалистик ғояларнинг кенг меҳнаткаш омма учун жозибадор эканлигидан қўрқувчи кучларнинг, экспансиячилик, янги мустамлакачилик интилишларига муккасидан кетган империалистик доираларнинг манфаатларини кўзлаяптилар.

Антикоммунист ва ревизионистлар қандай мантиққа асосланиб мулоҳаза юритадилар? Унинг бошланиш нуқтаси равшан: бирор бир моделни пропаганда қилишдан аввал реал социализм яхши эмаслигини, яна ҳам яхшиси, у умуман

социализм эмаслигини исботлаш керак, чунки, уларнинг фикрича, Совет Иттифоқида иқтисодий ва сиёсий демократия мавжуд эмас. Бундай «хулосалар»дан кейинчалик социалистик мамлакатларда «давлат капитализми», «тоталитар экономика» ва ҳоказолар мавжудлигини исботлаш учун фойдаланилади.

Бу борада ҳар қандай киши бундай далил-исботларга дуч келганда, табиийки, ўзига шундай савол беради: шундай экан, сохтагўйлар социалистик мамлакат деб аталиш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқни ўйлаган мамлакатнинг ибратли социал-иқтисодий муваффақиятларини нима билан изоҳлаш мумкин? Советшунослар бу саволга ҳам жавоб топиб қўйишган. Улар СССРнинг иқтисодий соҳадаги муваффақиятларини тан олган ҳолда бунинг сабабини совет кишиларининг «шафқатсиз эксплуатация қилиниши», улар «эҳтиёжларининг паст даражадалиги» билан, тутуриқсизлиги яққол кўриниб тургани учун алоҳида раддияни талаб қилмайдиган ва ҳоказо уйдирмалар билан тушунтирадилар.

Идеологик мухолифларимиз қандай шартларда социалистик давлатни эътироф этмоқчилар? Бунда, тўғриси, тўлиқ якдиллик йўқ. Уларнинг бир хиллари социалистик иқтисодий база билан идеологик устқурмадаги хилма-хиллик ёнма-ён яшашига розилар. Уларнинг фикрича, турли идеологиялар, қарама-қарши дунёқарашлар ёнма-ён мавжуд бўлган ва параллел ривожланадиган жамиятнигина ҳақиқий социалистик жамият дейиш мумкин. Бошқаларга эса бу камлик қилади. Улар сиёсий оппозиция мавжуд бўлиши учун жонбозлик қиладилар, ҳолбуки, социализм мамлакатларида бунинг учун синфий асос йўқ. Яна бир хиллар эса «ҳақиқий» социализмни экономикадаги давлат сектори билан бир қаторда ривожланган хусусий корчалонликсиз тасаввур қилолмайдилар. Буларнинг ҳаммасига эса илмий тус бериб, турли терминлар билан бўяб кўрсатадилар.

Лекин сўз социализмни яхшилаш хусусида бормаяпти. Сохтагўйларнинг нияти реал социализмни бадном қилишдан, унинг ютуқларини тилга олмаслик ёки бузиб кўрсатишдан, биздаги мавжуд, изоҳлаш ва барҳам бериш мумкин бўлган қийинчиликлар, зиддиятларни кўпиртиришдан иборат. АҚШ Компартияси Бош секретари Г. Холл таъкидлаганидек, «реал социализмга ҳужум қилиш, марксизм-ленинизм илмий назариясидан воз кечиш, социализмни барпо этиш ва ривожлантириш пайтида эришилган муваффақият ҳамда зафарларни инкор этиш — буларнинг ҳаммаси аввало ҳар бир мамлакатдаги ички пропаганда учун мўлжалланади... Бу — антикоммунизм ва антисоветизмга хос катта ёлғон таъсирига тушиб қолган халқнинг мададига оппортунистик воситалар ёрдамида эришишга уринишдир... Бу — синфий курашнинг ўткир масалаларини ҳал этишдан оппортунистик йўл билан ўзини олиб қочишга интилишлардир».

Антикоммунист, реформист ва социал-демократларнинг плюралистик тасаввурлари хилма-хил бўлсада, Коммунистик партиянинг, улар фикрича, «демократияга қарама-қарши» бўлган раҳбарлик ролини якдиллик билан инкор этиш уларни бирлаштириб туради. Улар марксчи-ленинчи партияларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги аҳамиятини бузиб кўрсатиб, «партия диктатураси», «тоталитаризм» ҳақида қайта-қайта гапирадилар, «сиёсий кучларнинг эркин ўйини»га даъват қиладилар, «партия аралашишидан халос бўлиш»ни орзу қиладилар. Венгриядаги 1956 йилдаги, Чехословакиядаги 1968—1969 йиллардаги воқеалар ревизионистик «рецептлар»га асосланиб марксчи-ленинчи партиянинг раҳбарлик роли бўшаштирилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатди. Социализм душманлари плюрализмни тарғиб қилишдан бошлаб моҳиятига кўра эксплуатацияга асосланган эскирган тартибларни тиклаш программасини демагогларча сал-пал бўяган ҳолда ҳокимиятни куч билан олишга тўғридан-тўғри тайёрланишгача бориб етган Польша сабоғи ҳам шу жиҳатдан ғоят ибратлидир.

Реал социализмни бадном қилишга уриниб, унинг турли миллий «моделлари»нинг авторлари антисоветчилар ва антикоммунистларнинг ҳамтовоғига айланмоқдалар. Уларнинг назариялари империализмнинг социалистик ҳамдўстликни кўпоришга ва жаҳон коммунистик ҳаракати орасига нифоқ солишга йўналтирилган узоқ муддатли стратегиясига тўла мувофиқ келади. Америкалик таниқли антикоммунист З. Бжезинский, мисол учун, АҚШ империалистик доираларининг манфаатларига зид келмайдиган ва қуйидаги «шартлар»га, яъни Совет Иттифоқидан ажратиб олишга; пролетариат диктатурасидан, демократик централизм

принципидан воз кечишга; буржуача «демократия» концепциясини қўллаб-қувватлашга; ҳар бир мамлакатнинг «миллий анъаналари»га мувофиқ келадиган ва синфий курашни хаспўшловчи сиёсат ўтказишга; АҚШ ташқи сиёсат йўлини танқид қилишни тўхтатишга (агар бундай танқид муқаррар бўлган тақдирда америка ва совет сиёсатини бир хил қилиб кўрсатишга) ва ҳоказоларга жавоб берадиган социализм моделларини тан олади.

Ҳозирги социал-демократия капиталистик мамлакатлардаги коммунистларнинг «мураббийси» бўлишга уринмоқда. Австрия социалистик партияси раҳбари Б. Крайский шундай деб ёзади: «Агар коммунистлар ҳақиқатан ҳам демократ бўлишга интилсалар, бунинг учун пролетариат диктатураси концепциясидан шунчаки воз кечишнинг ўзи озлик қилади... Коммунизм учун характерли бўлган нарсалардан ҳеч нарса қолдирилмаслиги керак». Итальян социалистлари раҳбари Б. Кракси эса коммунистлар билан мулоқотнинг шарти сифатида улар фаолиятининг ғоявий асоси сифатида ленинизмдан воз кечишни илгари сурди.

З. Бжезинский билан Европа социал-демократияси айрим намояндалари мезонларининг бир-бирига мослиги маънодор бир ҳолдир! Воситалар ҳар хилу мақсад эса битта: социалистик ҳамдўстлик ўртасига нифоқ солиш, жаҳон коммунистик ҳаракатини қўпориш, унга ревизионистик идеологияни олиб кириш. Улар ҳам, булар ҳам устомонлик қилиб социализмнинг «миллий» моделларидан фойдаланишнинг пайидалар. Масалан, 30-йиллардаёқ австриялик ревизионист К. Реннер «ҳар бир мамлакатнинг ўз марксизми мавжуд» деб ҳисоблаган эди. 70—80-йилларнинг оралиғида бир қатор ревизионистлар социализмнинг «полякча» модели концепциясини эълон қилдилар. Ер юзининг турли регионларида янги ижтимоий тузум шаклланишининг хусусиятларини абсолютлаштириш кўп моделлилик назариялари тарафдорларини қанча мамлакат мавжуд бўлса, шунча «социализм» бўлиши мумкин деган фикрга олиб келади.

Идеологик мухолифларимиз ўз плюралистик машқларига одатда демократик тус бағишлашни хуш кўрадилар. Бундай жўн усул буржуа мамлакатларида сиёсий партиялар хилма-хиллиги товланишига, пропагандавий томоша қонун-қоидаларига мувофиқ олиб бориладиган сайлов олди муҳорабаларига маҳлиё бўладиган баъзи бир калтабин кишиларни ўзига ром қилади. Лекин лақма кишиларга шуни эслатиш ўринлики, парламентлар ўзгариб, сиёсий партия ва коалициялар ғалаба қозонган ёки мағлуб бўлган, сайлов ёки қайта сайловда у ёки бу хил якунга эришилган тақдирда ҳам бутун иқтисодий қувват, қуролли кучлар, жазолаш органлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг қарийб ҳаммаси капитал қўлида қолаверади, унга эса дозаларга бўлинган, яъни тўғрироғи, «жиловланган» плюрализмгина керак.

Капиталистик дунёдаги плюрализмни буржуазиянинг демократия идеалларига садоқати деб баҳолаб бўлмайди, чунки у жамиятнинг антагонистик синфларга бўлиниб кетганинигина акс эттиради, ички зиддиятлар кескинлашганидан далолат беради. Капиталистик мамлакатларда иқтисодий ва социал кризислар кучайтираётган синфий кураш монополистик буржуазияни манёвр қилишга ҳамда ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун вақт-вақти билан уни у ёки бу буржуа партиясига беришга мажбур этмоқда.

Кўп вариантли социализм тарафдорлари исбот-далил тариқасида спекулятив усуллардан фойдаланиш билан бирга методологик характерда бузиб талқин қилишларга ҳам қўл урадилар. Мисол учун, тарихий жараёндаги умумийлик ва алоҳидалик ҳақидаги масалани олиб кўрайлик. Марксизм учун социализм шаклланишининг ҳам умумий, ҳам ўзига хос, алоҳида хусусиятларини абсолютлаштириш ёт нарсадир. Айни умумийлик ва алоҳидалик диалектикасига мурожаат қилар экан, В. И. Ленин капитализмнинг нотекис ривожланишини анализ қилиш чоғида социализмнинг битта, алоҳида олинган мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлигини асослаб берди. «Барча миллатлар, — деб ёзган эди у, — социализмга боради, бу турган гап, лекин ҳаммаси бир хилда бормайди, ҳар бир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини социалистик асосда ўзгартишнинг бирор суръатига ўз хусусиятини киритади» (ТАТ, 30-том, 147-бет).

Шу билан бир вақтда, СССРда, Шарқий Европа мамлакатларида, Хитой, Монголия, Кубада социализм қурилиши тажрибаси умумийликнинг алоҳида-

ликдан устунлиги хусусидаги марксча қоидани тасдиқламоқда. Асосий қонуниятлар менсилмаган, асосий эътибор миллий ўзига хосликка, фақатгина ўз ривожланиш тажрибасига қаратилган тақдирда социалистик йўлдан четга чиқиш юз беради. В. И. Ленин башорат қилган эдики, «бутун дунё тарихида тараққиёт қонуни умумий бўлса ҳам, тараққиётнинг ё формаси ёки тартиби жиҳатидан ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган айрим паллалари бўлиши...» мумкин (ТАТ, 45-том, 424-бет). Турли мамлакатларда социализм шаклланишининг ўзига хослиги ҳамда хусусиятлари қанчалик улкан бўлмасин, улар социалистик жамият қурилишининг умумий қонуниятларига зид келмайди. «Тарихнинг ана шу эгри-бугри йўлларида, бурилишларида йўқолиб кетмаслик ва умумий истиқболни сақлаб қолиш учун капитализмнинг бутун тараққиётини боғлайдиган ва яққол кўриниб турган ипни ҳамда социализмга олиб борадиган бутун йўлни кўриб туриш учун, бизга табиий тўғри йўл бўлиб кўринган ва биз тўппа-тўғри деб билишимиз лозим бўлган йўлни кўриб туриш учун, бу йўлнинг бошланишини, давомини ва охирини кўриб туриш учун...» ҳам улар принципиал, ижодий йўлдан бормоқдалар (ТАТ, 36-том, 54-бет).

Айни умумийликнинг алоҳидаликдан бирламчилиги, асосий қонуниятларнинг формаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ранг-баранглигидан устунлиги социализм плюралистик «моделлари»нинг тутуриқсизлиги хусусида хулоса чиқаришга имкон беради. Капитализм ўз эксплуататорлик моҳиятига кўра яхлитдир, плюралистик эмас, «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деган гуманистик принципни эълон қилган социализм ҳам ўз моҳият белгиларига кўра плюралистик эмас, балки бир бутундир.

Социализм ривожланиб борган ва социалистик мамлакатларнинг социал-иқтисодий характеристикалари бараварлашиб борган сайин умумийлик ва алоҳидаликнинг ўзаро нисбати интернационаллик фойдасига ўзгариб боради. Ушбу тенденцияни В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ таъкидлаган эди: «...Революциямизнинг баъзи бир асосий томонлари маҳаллий, махсус-миллий аҳамиятга, фақат Россияга хос аҳамиятгагина эга бўлмасдан, балки халқаро аҳамиятга ҳам эга» (ТАТ, 41-том, 3-бет). Бу аҳамият амалий хусусиятга ҳам эга. Чунки бошқа мамлакатлардаги социалистик ўзгартишлар, В. И. Ленин чуқур ишонганидек, асосий жиҳатларда Совет Россияси тажрибасини такрорлайди, «рус намунаси *ҳамма* мамлакатларга, улар учун муқаррар бўлган ва уларнинг яқин келажакларидан баъзи бир ғоят муҳим нарсаларни кўрсатиб турибди» (ў ш а ж о й д а, 4-бет).

Шундай қилиб, умумий қонуниятлар тобора социалистик ҳамдўстлик амал қилишини белгиловчи фактор бўлиб бормоқда. Бу ҳолат ҳам плюралистик «моделлар» авторларига тутуриқсиз қарашларни амалга ошириш учун умид қолдирмайди. Шу билан биргаликда умумийликнинг алоҳидаликдан устунлилиги хусусидаги қоидани асосларкан, марксистлар социалистик қурилишдаги конкрет алоҳидалик, ўзига хосликни инкор этмайдилар ва унинг аҳамиятини камситмайдилар. Бир мамлакат тажрибасини шундайлигича бошқа мамлакат заминига кўчириш марксизм-ленинизмга ётдир. Ижодий ёндашиш, конкрет тарихий шарт-шароитни ҳисобга олиш марксча-ленинча социализм ва коммунизм назариясининг ҳаммабоплиги ва универсаллигига зид келмайди. Масалан, Совет Иттифоқидан фарқ қилиб, айрим социалистик мамлакатларда ағдариб ташланган эксплуататор синфлар вакилларини сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилишни зарур деб топмадилар. Масалан, капиталистик хусусий мулкни тугатиш ГДРда биздагидан бошқача борди. Бу ерда давлат бир неча йил мобайнида ҳали хусусий мулк бўлган корхоналарни сотиб олиб, халқ мулкига айлантира борди.

Ф. Кастро таъкидлаганидек, марксча-ленинча таълимотнинг «бирорта умумий принципларидан воз кечмаган, уларни инкор этмаган ҳолда уни талқин этмоқ ва конкрет шароитга татбиқ қилмоқ керак. Агар биз бу жиҳатдан олганда садоқатли, изчил бўлмаганимизда, ушбу принципларнинг мағзини ташкил этадиган нарсалардан, ҳеч бўлмаганда биттасидан воз кечганимизда эди, революцияни амалга оширмаган,...қамалга бардош бериб империалистлар агрессиясига қарши тура олмаган бўлар эдик». Болгария Компартияси МК Бош секретари Т. Живков ҳам шу ҳақда ёзади: «Болгария ўзининг кўпгина хусусиятлари билан фарқлансада, биздаги халқ-демократик революцияси ва социалистик қурилиш жараёни

Октябрь революцияси ва социалистик қурилишнинг совет тажрибаси эга бўлганидек ўша асосий хусусият ва моментларга эгадир... Ҳар бир марксчи-ленинчи учун революциянинг умумий принцип ва қонуниятлари масаласи асосий, ҳал қилувчи масала бўлиб, миллий хусусиятлар ҳамда формалар ва уларнинг намоён бўлиш йўллари масаласи эса тобе бўлиш аҳамиятига эга».

Кимга бўлишидан қатъи назар андаза ва схемаларни тиқиштириш, у ёки бу мамлакат хусусиятларини инкор этиш марксизм-ленинизмнинг ижодкорлик руҳига, социалистик интернационализм принципларига зиддир. Ревизионист ва реформистлар Чехословакия (1968 йил) ва Польшада (1980—1982 йиллар) кризисга олиб келган ҳодисалар совет тажрибасини ушбу мамлакатлар заминига гўё шундоқлигича олиб кирилиши натижасида юзага келганлиги хусусида сохта тезис ўйлаб чиқардилар. Ҳолбуки, мисол учун ПХРдаги қишлоқ хўжалигини юритиш ҳам, черков билан давлат ўртасидаги муносабатлар ҳам, давлат ҳокимияти структураси ҳам, ҳаёт услуби ҳам ва ҳоказолар социализмнинг «совет модели» билан ҳеч қандай муштаракликка эга эмас. Агар, умуман, «совет модели» хусусида сўзлаш мумкин бўлса, аслида бунда айни совет спецификасини тушуниш лозим бўлар эди. Лекин ПХРдаги кризис сабаби ҳақида сўзлаганда Польшанинг миллий хусусиятларини назарга олмаслик ва тўғри баҳоламасликни кўрсатиш хусусида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Социализм қурилишининг социалистик йўлга ўтган ва ўтаётган барча мамлакатларнинг тажрибаси тасдиқлаган умумий қонуниятларига асосланганда плюралистик концепциялар танқиддан тубан туради. Буржуа давлат машинасининг емирилиши ва моҳиятига кўра меҳнаткашлар ҳокимиятини ифодаловчи ишчилар синфи сиёсий ҳокимияти — пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши; ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалик ва унинг асосида социалистик ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши; барча меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда халқ хўжалигини планли ривожлантириш; социализмнинг фан-техника революцияси олий ютуқларига асосланган моддий-техника базасини шакллантириш; марксчи-ленинчи партиялар томонидан ижтимоий тараққиётга раҳбарлик қилиниши, кенг меҳнаткашлар оммасини давлат ишларида иштирок этишга, таълим олишга, маънавий маданиятнинг олий қадриятларига жалб қилиш; социалистик ватанпарварлик ва ҳамма мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик руҳида тарбиялаш; пролетар, социалистик интернационализм принципларига мувофиқ бўлган ташқи сиёсат ана шундай умумий қонуниятлардир.

Ҳар бир холис фикрловчи ва синчков тадқиқотчи ана шу муҳим белгиларни социалистик мамлакатлар практикаси билан қиёслаб, социализм қуришнинг асосий қонуниятлари объективлиги ва умумийлигига, ва демак, унинг плюралистик «моделлари» авторларининг назарий мулоҳазалари пучлиги ва сафсаталигига ишонч ҳосил қилади.

Реал социализмга ривожланмай қолган бошқариш формалари, қотиб қолган ижтимоий-сиёсий тартиботлар ётдир. КПСС МҚ 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди, унинг МҚ 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорлари асослаган йўл ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан янгилаш негизида социализмни takомиллаштириш истиқболини белгилаб берди. Қайта қуриш халқ ташаббусини юзага келтиради, кенг ва эркин мунозаралар, фикр алмашишлар учун янги имкониятлар очади. Агар турли меҳнат коллективларининг ўз социал ва иқтисодий ижодларидаги тажрибанинг хилма-хиллиги ва қимматини назарда тутадиган бўлсак, ана шундай таг маънодаги «плюрализм» терминига қарши эмасмиз. «Ҳар бир нашрда бутун жамият иштирок этиши, айтиш мумкинки, бутун социалистик плюрализм мавжуд бўлиши учун, — деб даъват этди М. С. Горбачев журналистларни, ижодий союзлар аъзоларини, — барча чиқишларимизни ранг-баранг қилайлик. Бизга шу нарса зарурдир!»

КОЛХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН колхозларини социал-иктисодий ривожлантиришнинг назарий ва амалий проблемалари кенг кўламда ишлаб чиқиляпти. Лекин улар шу вақтгача колхоз ишлаб чиқаришининг ҳозирги босқичдаги хусусиятларини, унинг фан-техника тараққиёти билан ўзаро муносабатларини ажратиб кўрсатмасдан, республика экономикаси аграр сектори ҳолатининг умумий масалалари билан боғлиқ ҳолдагина қараб чиқилар эди. Тақриз қилинаётган, колхозларни интенсивлаш йўлига ўтказишнинг баъзи бир жиҳатларига, ушбу жараёнга партия ва хўжалик органлари қандай раҳбарлик қилаётганига бағишланган китобда* ўша камчиликни тўлдиришга ҳаракат қилинган.

Авторнинг мазкур проблемани ўрганишдаги муваффақиятлар тўғрисида ҳам, камчиликлар тўғрисида ҳам очиқ гапириши эътиборни тортади. У бир қатор асарларда ютуқлар бўрттирилганлиги, нуқсонлар эса хаспўшлаб ўтилганлиги, натижада тадқиқотлар тенденциоз характер касб этганлигини, бу колхозлар ҳақидаги фаннинг тараққий этишига ёрдам бермаганлигини ҳаққоний таъкидлайди. Маълумки, катта маънавий ва иқтисодий зиён келтирган қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳамда давлат ва халқни алдашнинг бошқа формалари билан боғлиқ салбий ҳодисалар республика қишлоқ хўжалигидаги ишлар аҳволида энг кўп даражада акс этди.

Қишлоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган бобда колхоз ишлаб чиқаришини интенсивлашда комплекс механизациянинг роли, ирригация ва мелиорация ривожланиши, деҳқончиликни химиялаштириш, фаннинг амалиёт билан алоқаси анализ қилинган. Қишлоқ хўжалик машинасозлигини юксалтириш билан колхозларнинг техника билан тобора кўп таъминланиши ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирини тақозо қилиши, аграр меҳнатни индустриялашга таъсир кўрсатадиган объектив ва субъектив факторлар кенг материал асосида кўрсатилган. Муаллиф ҳақли равишда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳозирги босқичида деҳқончилик ва чорвачиликни комплекс механизациялашни секинлаштирувчи объектив сабаблар йўқ деб кўрсатади. 70- ва 80-йиллар чегарасида комплекс механизация суръатларининг пасайиши эса айрим партия ва хўжалик раҳбарлари, колхозлар бош мутахассисларидаги механизацияга қарши кайфият, бу муҳим соҳага партия раҳбарлигининг бўшашганлиги, шунингдек қишлоқ учун оммавий касблар кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқдир.

Маълумки, ҳосил йиғим-терими пахтачиликдаги энг сермеҳнат, фонд ва капитал маблағларни кўп талаб қилувчи операциялардан биридир. Лекин ушбу проблемани кўп жиҳатдан ҳал этиши, унинг кескинлигини йўқотиши лозим бўлган машиналар ўнлаб йиллар давомида етарлича такомиллаштирилмаяпти. Натижада улар ишининг сифати хўжаликларни унчалик қониқтирмаяпти. Бундан ташқари, пахта териш комбайнларини ишлатиш янада самарали, заҳари кам дефолиантлардан фойдаланишни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси, бизнингча, дала ишларини, айниқса пахта теримини кенг миқёсда механизациялашга халақит бераётган факторлардир. Binoбарин, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш — қишлоқ хўжалигига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишдаги биринчи даражали вазифа бўлиб, у автор фикрига кўра, «қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ва чорва моллари маҳсулдорлигини муттасил оширишнинг, маҳсулот таннархини пасайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир» (66-бет).

Фан-техника тараққиёти қишлоқда социал-иқтисодий муносабатлар бутун системасини ривожлантиришга, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар эришган даражага мутаносиблигини таъминлашга кучли таъсир кўрсатади, у эса ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялангаnлигини кенгайтиришни чуқурлаштиришда, хўжаликлараро кооперация ва агросаноат

* Э. Бекметов. Интенсификация колхозного производства на современном этапе: практика, опыт, проблемы. Ташкент, «Мехнат», 1987, 176 с.

интеграциясини жадаллаштиришда моддийлашади. Лекин, сўз стихияли жараён ҳақида бормаяпти. Ана шу сифат силжишларига эришиш, деб таъкидланади китобда, партия ва хўжалик органларининг, агросаноат комплексини бошқариш барча бўғинларининг ғайрат кўрсатиб ишлашини талаб этади. Бунда сусткашлик ва чала-чулпаликка йўл қўйиб бўлмайди. Айни вақтда илгарилаб кетиш, ушбу жараёнга волюнтаристик ёндашиш ҳам хавфлидир (80—81-бетларга қаралсин).

Э. Бекметов хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси масалаларини шу тарзда қараб чиқар экан, агросаноат интеграциясининг колхоз секторидаги моҳияти ҳақида эътиборга молик мулоҳаза билдиради. Хусусан, мулкнинг колхоз-кооператив формаси спецификасини инкор этувчилар, колхоз-заводлар ташкил этиш тарафдорлари билан баҳсга киришиб, у колхоз ишлаб чиқаришини саноат билан қўшишнинг, бизнингча, энг мақбул ва сарф-харажатни кам талаб этадиган йўлини, яъни колхозларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотини истеъмолчига етказиб бериш билан шуғулланувчи АСК III соҳаси тармоқлари билан бевосита алоқаларини мустаҳкамлашни таклиф этади.

Бундай йўлнинг мақсадга мувофиқлигини практика тасдиқлай бошлади. Масалан, 1984 йили республика колхозлари 530 ишлаб чиқариш бирлашмаси ва енгил саноатнинг йирик корхоналари билан, кўп минглаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан алоқада бўлдилар. Шу туфайли колхозлар бир қатор технологик операциялардан (қишлоқ хўжалик маҳсулотини истеъмолчига албатта зарур кондицияда етказишдан) халос бўлдиларки, бу, шубҳасиз, катта иқтисодий фойда келтирди (107-бетга қаралсин). Бундан келиб чиқадики, проблемани колхоз ишлаб чиқаришининг ўзини ажратиб олиш эмас, балки унинг давлат индустриал комплекси билан алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидан бориш билан ҳал этиш керак, партия ва ҳукуматнинг АСКда хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш масалаларига доир қарорлари ҳам ана шунга қаратилган. Шу муносабат билан КПСС МҚнинг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани ҳақида»ги қарори (1987 йил) катта аҳамият касб этади.

Социалистик мулк икки формасини, қишлоқ хўжалик меҳнати билан саноат меҳнатини яқинлаштиришга, колхоз ишлаб чиқаришини умумлаштириш даражасининг ошишига доир тадбирлар системасининг таъсир кўрсатиш натижалари китобда батафсил анализ қилинади.

КПСС XXVII съезди партия бутун ишининг марказига социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштиришни, унинг имконият ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишни қўяётган ҳозирги пайтда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг умумий жараёнида инсон омилининг роли беқиёс ошиб бормоқда. Махсус бобда экономикамизнинг колхоз-кооператив секторида ушбу омилни активлаштириш борасида нималар қилингани ва қилиниши кераклиги ҳақида гап боради. Маълумки, ушбу вазифани ҳал этишда социалистик мусобақа муҳим роль ўйнайди. Республика энг яхши коллективларининг китобда келтирилган тажрибаси уни ташкил этишнинг мавжуд форма ва принципларининг колхоз ишлаб чиқаришини интенсивлаш йўлларини ижодий излашга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидан далолат беряпти (120—130-бетларга қаралсин). Автор партия комитетлари социалистик мусобақани ташкил этишнинг ленинча принципларига амал қилган, унинг турли формаларидан моҳирона фойдаланаётган, хўжалик фаолиятини муттасил такомиллаштираётган жойларда албатта яхши пировард натижаларга эришилади деб хулоса чиқаради.

Шу билан бирга республикадаги кўпгина партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш натижасида қишлоқда юзага келаётган янги иқтисодий вазиятни, ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиб бораётган етуклик даражасини доим ҳам эътиборга олмаяптилар, мусобақанинг иқтисодий ва социал мақсадлари бирлигини заиф таъминлаяптилар (131-бетга қаралсин). Шу муносабат билан Э. Бекметов колхозларда социалистик мусобақани ташкил этиш комплекс планини татбиқ этишни, икки томонлама шартномалар асосида унинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришни планлаштириш билан алоқасини кучайтиришни, меҳнат беллашувининг якка тартибдаги (шахсий ижодий планлар асосида) ва коллектив (хўжалик ичидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида) формаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашни таклиф этади. Бу унга мазмун ва конкретлик бахш этади, пировард натижалар учун шериклар масъулиятини оширади, уларнинг ишга бўлган ижодий муносабатини рағбатлантиради. Бундан ташқари, колхозлар билан АСК I ва III соҳалари корхоналари РАСБ доирасида ва ундан ташқарида шартнома асосида мусобақалашиши мумкинки, бу унинг меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга, иқтисод ва тежамкорликка таъсирини кучайтиради.

Инсон омилини активлаштиришда илғор тажриба катта роль ўйнайди. Автор семинар-кўрикларда, касбга доир конкурсларда, иқтисодий таълим системаси машғулотла-

рида, илғор тажриба мактабларида юзага келган уни ўрганиш, умумлаштириш ва тарғиб этиш практикасини анализ қилади. Ўша формаларнинг ҳар бири уни ўзича оммалаштиради, лекин шу билан бирга, китобда таъкидланганидек, уларнинг ҳаммаси хўжалик юритишнинг прогрессив методларини пропаганда қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини фан ва техника ютуқлари асосида олиб боришнинг яхлит механизмини ташкил қилиб, ўзаро яқиндан боғланган, бир-бирини тўлдиради, моддий, молия ва меҳнат ресурсларини энг кам сарфлаган ҳолда деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари барча турларини кўплаб етиштиришга эришишни ўргатади (143-бетга қаралсин).

Инсон омилини активлаштиришнинг кўпдан-кўп воситалари орасидан автор ҳақли равишда коллектив (бригада) пудратни ажратиб кўрсатади. Ўзбекистон колхозлари ҳаётидан олинган ишончли мисолларда ушбу метод колхозчиларнинг ташаббуси ва меҳнатга ижодий муносабатда бўлишига, уларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришга қанчалик самарали таъсир қилиши кўрсатилган, тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтишга тўсқинлик қилувчи сабаблар очиб берилган, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

Мураккаб илмий материалнинг оммабоп баён этилганлиги, унинг қишлоқдаги иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишга қаратилганлиги китобнинг шубҳасиз фазилатларидан биридир. Уларнинг ҳар бири бўйича тегишли хулосалар билан мустаҳкамланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Лекин тақриз қилинаётган нашрнинг барча бўлимларида ҳам кўтарилган масалалар етарлича тўла ёритилган деб бўлмайди. Модомики китоб колхоз ишлаб чиқаришини интенсивлашга махсус бағишланган экан, хўжаликни экстенсив юритиш оқибатларини охиригача очиб бериш, унинг қишлоқ ҳаётига бўлган салбий таъсирини (бу кейинги йилларда республикамизда айниқса яққол кўзга ташланди) кўрсатиш мантиқан тўғри бўларди.

Китобда фан-техника тараққиётининг баъзи бир муҳим йўналишлари ёритилмаган. Унинг ютуқлари, маълумки, ўз ҳолича ишлаб чиқаришга татбиқ этилмайди. Бу — техникавий жиҳатдан билимдон кадрларнинг ишидир. Бинобарин, масаланинг ана шу томонига ҳам автор эътибор бериши зарур эди.

Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти фақат соф илмий ғоялардагина ифодаланиб қолмайди. Қишлоқ хўжалигига татбиқан олганда, бу яна юқори ҳосилдор, касалликларга ва табиат инжиқликларига чидамли ўсимлик навларини, чорва молларининг янада сермаҳсул зотларини яратиш ҳамдир. Ушбу проблемалар, афсуски, тадқиқ этилмаган.

Агар колхоз ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг социал оқибатлари қараб чиқилганда, китобнинг қиммати яна ҳам ошарди. Шунингдек, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш шароитида колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги аҳволига ҳам махсус тўхтаб ўтиш керак эди. Бундан ташқари, китобда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш планининг бажарилмаганлиги сабаблари анализ қилинмаган.

Кўрсатилган камчиликлар, тақриз қилинаётган китобнинг аҳамиятини камайтирмайди, унда кўтарилган проблематиканинг мураккаблиги ва кўп қирралилигини, уни бундан кейин ҳам ишлаб чиқиш зарурлигини яна бир карра тасдиқлайди.

А. НУРИЛЛАЕВ,
тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси философия кафедрасининг профессори.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ТАБИАТИНИНГ ТАДҚИҚИ

ФАН-ТЕХНИКА тараққиётини жадаллаштириш замонавий илмий билимларни олиш, ҳосил қилиш ва ўзгартириш йўллари ҳамда воситаларини чуқур анализ қилишни талаб этяпти. Илмий изланиш табиатини, уни амалга ошириш формаларини тадқиқ қилиш айниқса муҳимдир. Тақриз қилинаётган китоб* шу жиҳатдан актуал ва фойдалидир.

Фан қонунлари илмий изланиш ўзагини ташкил этади. Шу сабабли китобда проблемани кўриб чиқиш ушбу қонунларни методологик анализ қилиш билан боғланган. Масалан, У. Ж. Ҳайдаров тадқиқ қилиш махсус, биринчи навбатда физика-математика фанлари натижаларини ўрганишга, уларнинг ғоя ва методларига, конкрет илмий назарияларни ҳамда назарий системалар структурасини анализ қилишга асосланиши керак дейди (6-бетга қаралсин). Ҳозирги табиий-илмий билим структураси, унинг ўзаро боғланган учта компоненти — эмпи-

* У. Ж. Хайдаров. Законы науки и научный поиск. Ташкент, «Фан», 1987, 113 с.

рик, назарий ва философик (методологик) билимлар, билимнинг «тушунча», «фан қонунлари» ва «назария» каби структура элементларининг ўзаро муносабати айни шу нуқтаи назардан қараб чиқилган.

Асарда қонун моҳиятига, илмий билим системасидаги ўрнига, назарияда бажарилувчи методологик функциясига эътибор берилган. Автор фан қонунларининг хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг ҳаммага маълум айрим белгиларига характеристика бериш билан чекланмайди, балки у ёки бу назария, билим системасига нисбатан уларнинг конкрет амал қилишини аниқлашга интилади. «Билимнинг ривожланган соҳаларида қонунлар математика тилида таърифланади»,— деб кўрсатади У. Ж. Ҳайдаров (12-бет) ва ана шу хусусиятни ўрганишга махсус бўлим бағишлаб, физика қонунлари билан математик методларнинг ривожланишдаги ўзаро алоқасини анализ қилади.

Тақриз қилинаётган китобда фан қонунлари методологик функцияларини янада конкрет кўриб чиқилишига, бизнингча, уларнинг хилма-хил турларга ажратилганлиги, шунингдек, динамик ва статистик қонунларни ажратиб олиб, улар табиатини зарурият ва тасодиф категориялари ёрдамида очиб бериши ёрдам қилган. Бунда номунтазамлик, синергетика ва ўз-ўзини уюштириш концепцияларига эътибор берилади, қонун ва концептуал системаларнинг янги класслари ҳақидаги тасаввурларни ишлаб чиқишда улар ўйнайдиган роль таъкидланади (53—54-бетларга қаралсин). Бу мақсадда физика, математика, илмий билиш методологияси ва тарихи материалларидан кенг фойдаланилади.

Автор қонунларнинг баъзи бир хусусиятларини анализ қилар экан, уларни янада кенг планда — янги билим олиш жараёнида қараб чиқади, бунда фан қонунлари назариянинг структура элементлари сифатида эмас, балки фаннинг, илмий системанинг элементлари сифатида намоён бўлади. Бу ерда назария ривожи, бир назариядан иккинчисига ўтиш, улар давомийлиги, янги билимлар ҳосил қилишнинг ўзиёқ тадқиқ предметига айланади. Янги билим ҳосил қилишда фан қонунлари катта роль ўйнайди. Шу муносабат билан авторнинг уларнинг экстрополяцияси ҳақидаги масалани муҳокама қилишга уриниши диққатга сазовордир, зеро у илмий изланишнинг энг муҳим методларидан биридир, чунки янги фактларни аниқлаш ва топишни, мавжуд назарияни янада умумлаштиришни англатади, бинобарин, мавжуд тушунчаларнинг чекланганлигини, камчилигини енгишни ва янги тушунчаларни шакллантириш, янги қонунларни кашф этишни англатади (61-бетга қаралсин).

У. Ж. Ҳайдаров фан тараққиёти қонуниятларини анализ қилиш давомида илмий назария ривожидаги давомийликни ҳамда унинг янгиланишга муносабатини тадқиқ қилади. «Ривожланишдаги давомийлик инкорни истисно этмайдигина эмас, балки тақозо этади ҳам» (56-бет), деб таъкидланади китобда. Абстрактликдан конкретликка ўсиб ўтиш принципи ролига юксак баҳо бериб, автор шундай деб кўрсатади: «ушбу принцип К. Маркс томонидан сиёсий иқтисод ривожланишини анализ қилишда қараб чиқилган эди, лекин у умумий аҳамиятга эга бўлиб астрономия, химия, геология, физика ва шу сингари фанларда катта муваффақият билан қўлланилмоқда» (58-бет). Ушбу методни қўллашдаги муваффақиятларга бундай ишонч билан баҳо берилиши бизнингча барвақт бўлиб, у тадқиқ қилишнинг оддий компонентлардан уларни назарий синтезлашга ўтиш анализига доир жараёнини бир қадар жўн тушунишга асосланган. Автор бир қатор совет философлари, хусусан, Э. В. Ильенков, Б. М. Кедров, М. М. Розенталь, В. Н. Тинухин асарларида берилган диалектик логиканинг ушбу принципи методологик экспликациясидан фойдаланганда эришилган натижаларга янада ҳаққонийроқ баҳо берган бўларди.

Абстрактликдан конкретликка ўсиб ўтиш методининг қўлланишига мисол тариқасида автор иссиқлик механик назариясининг яратилиши тарихини келтиради. Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, ушбу назарияни яратишда иштирок этган физиклар бу методдан онгли методологик регулятив сифатида фойдаланмаганлар.

Китобда мувофиқлик принципи билан абстрактликдан конкретликка ўсиб ўтиш методининг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг абсолют, нисбий ва объектив ҳақиқатлар диалектикасидаги роли, афсуски, жуда қисқа кўрсатилган (58—61-бетларга қаралсин). Хусусан, илмий билим ривожидаги давомийлик, кумулятивликкагина эмас, балки янги назариянинг эскисини инкор қилишига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Мувофиқлик ва номувофиқлик принципларининг анализи, шунингдек, уларнинг «методда бурилиш» принципи билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш шунга ёрдам берган бўларди.

Илмий методни «кашфиётлар қилиш санъати» сифатида қараб чиқар экан (76-бет), автор ижодий жараённинг ички механизмларига, кузатиш, экспериментнинг роли ва аҳамиятига эътибор беради. Илмий метод проблематикасида ушбу жиҳатлар анализ қилиниши, бизнингча, асосан тўғри. Лекин «илмий метод» тушунчасининг мазмунини китобда аниқлаштириб берилмаган «санъат» тушунчасини метафорик ишлатиш орқали аниқлашга интилиш унинг мундарижасига илмий оммабоп тус беради.

Замонавий фан амал қилишнинг муштарак мақсади билан бирлаштирилган кўплаб нисбатан мустақил қисмлар, кичик система-

лардан иборат мураккаб системалар билан иш кўради. Шунга мувофиқ эксперимент ҳам ўрганишнинг мураккаб объекти бўлиб қолмоқда: экспериментал тадқиқотларни оптималлаштириш зарурати туғилди. Китоб автори ҳам масаланинг ана шу томонига эътиборни қаратади.

Илмий билим пайдо бўлиши ва ривожида моделлаштириш ўйнайдиган роль, моделнинг фан назарияси ва қонунлари билан ўзаро муносабати ҳақидаги масалалар қисқа, лекин жуда мазмундор баён этилган, ЭҲМни қўллаш ёрдамида математик моделлаштириш хусусиятлари анализ қилинган. Автор фикрича, фаннинг назарий аппаратида ЭҲМ лардан фойдаланиш натижасида юзага келган ўзгаришларнинг анализи табиий-илмий билим структурасида қонунлар ва моделларнинг ўзаро муносабатини янгича мушоҳада қилишга, моделларни қуришда муайян илмий қонунларни билиш, борган сари кўпроқ жалб этилишини англашга олиб келади, «аввало янги назариялар куртаги сифатида намоён бўладиган» (83-бет) моделларнинг анализи эса янги қонунларни билишга олиб келиши мумкин.

Китобда илмий тадқиқ ва изланишни ташкил этиш масалаларининг ёритилиши қизиқиш уйғотади. Марксистик адабиётда уларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, У. Ж. Ҳайдаров дунёнинг илмий манзарасини, билиш фаолиятининг идеал ва нормалари, философия ғоялари ва принципларини ва ҳоказоларни илмий изланиш замини деб ҳисоблайди. Ҳозирги вақтда илмий тадқиқотларни ташкил этиш, планлаштириш ва прогнозлаш эҳтиёжлари туфайли бу проблемага кўпроқ мурожаат қилинаётганлигини ҳисобга олиб, автор шундай деб таъкидлайди: «ушбу масалаларни ҳал этишда илмий изланишдаги асосий жиҳатни ажратиб кўрсатиш, тадқиқотларнинг мумкин бўлган йўналишларига, уларнинг ижтимоий аҳамиятига қиёсий баҳо бериш, бир тадқиқот программасининг иккинчисидан афзаллигини кўрсатиш зарурати пайдо бўлади» (90-бет).

Илмий изланишнинг ижодий жиҳатини ўрганишда китобда унинг учун характерли бўлган энг аҳамиятли алоқалар, яъни янги билим олиш чоғида мантиқий мулоҳазаларда интуитив момент бўлиши, илмий изланишда қатъий алгоритм йўқлиги, юксак абстракт даражадаги идеал объектлар тузиш, билимларнинг символизация ва формализацияси ва ҳоказолар ажратиб кўрсатилган (94—95-бетларга қаралсин).

Коммунистик қурилиш практикасида илмий изланиш қандай аҳамиятга эга? Фаннинг ҳозирги илмий-техника тараққиёти шароитида у техника, ишлаб чиқариш ва бошқариш билан узвий бирикиб, халқ хўжалиги проблемаларини ҳал қилишда муҳим омилга айланмоқда. Илмий билиш вазифаларини илмий-ташкилий вазифаларга бирлаштириш ҳамда бошқаришнинг билимларни интеграциялашнинг янги формасига айланиши зарурияти ҳам шундан келиб чиқади, деб таъкидланади асарда. «Фаннинг амалий функцияси борган сари ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятига айланмоқда» (107-бет).

Айтилганларга хулоса ясаб, тақриз қилинаётган китоб анчагина юксак илмий-назарий савияда ёзилганини таъкидлаш мумкин: авторнинг асосий ғоя ва хулосалари шунга мувофиқ масалаларнинг адабиётимизда ўрганиш натижаларига, физика, математика, фан тарихи ва методологиясининг, шунингдек, ҳозирги илмий билиш бир қатор бошқа тармоқларининг конкрет материалларини анализ қилишга асосланади. Шунга қарамай, химия, биология ва социология маълумотларидан янада кенгроқ фойдаланиш китоб мазмунини анча бойитган бўларди. Зеро, умуман олганда илмий изланиш, хусусан эса назариянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши методологик принципларни қўлланиш билан боғлиқдир, улар илмий қонунлар негизида билишнинг муайян қоидалари, тадқиқотчига нисбатан қўйиладиган талаблар сифатида таърифланади. Демак, фан қонунлари изланишга доир тадқиқотларнинг бевосита воситалари эмас, балки, авторнинг ўзи таъкидлаганидек, янги ҳодисаларни билишнинг, ижодий жараён — илмий изланишнинг энг умумий регулятивлари бўлиб майдонга чиқади (3-бет).

«Илмий фаолият структурасидаги методлар» бобида У. Ж. Ҳайдаров негадир эксперимент ва моделлаштиришнинг илмий билишдаги ролини тадқиқ қилиш билан чегараланган. Ҳолбуки, илмий изланишнинг ижодий характери абстрактлаш, идеаллаштириш, фикрий экспериментлар, илмий фаразларни тузиш ва тасдиқлашда айниқса ёрқин намоён бўлади. Бинобарин, уларни ҳам ана шу бобда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Тақриз қилинаётган китоб ушбу проблема устида ишлаётган философлар ва фан методологларига, ҳозирги илмий билиш масалалари билан қизиқувчи барча кишиларга фойда келтиради.

Б. КАРИМОВ,
философия фанлари кандидати,
ЎзССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими.

М. ШАРИПОВ,
философия фанлари кандидати,
В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети философия-экономика факультети философия кафедрасининг доценти.

Б. ТЎРАЕВ,
философия фанлари кандидати,
В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети гуманитар факультетлар философия кафедрасининг доценти.

ХОРАЗМ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ТАЖРИБАСИ

Маълумки, Хоразм революцияси Улуғ Октябрнинг мантиқий давоми бўлди. Унинг тарихий тажрибаси илгари қолоқ бўлган халқларнинг капитализмни четлаб социалистик ривожланиш йўлига ўтиши, миллий масалани ҳал қилиши мумкин эканлигини тасдиқламоқда. Шу сабабли кўплаб тадқиқотчиларнинг бу тажрибага эътибор бераётганлиги табиийдир. Совет тарихшунослик адабиётида Хоразм революцияси ва Хоразм Компартияси тарихининг турли жиҳатлари ёритилган. Революцион воқеаларнинг бевосита иштирокчилари ёки шоҳидлари ана шундай материалларнинг дастлабки авторлари бўлганлиги характерлидир.

Тақриз қилинаётган монография* ҳам китобхонларда қизиқиш уйғотади, унда ушбу проблеманинг барча асосий моментлари манбаларни, кўп сонли архив материалларини чуқур ўрганиш асосида ёритилган. Унда Хива хонлигининг социал-иқтисодий системаси, бу ерга Россия капиталининг кириб келиши, Россия билан савдо алоқаларининг кенгайиши, хонлик ва Россия чоризми томонидан меҳнаткашларнинг эксплуатация қилиниши бу ерда революцион вазият етилишига имкон яратиб берганлиги масалалари муайян ўрин ишғол қилган.

В. И. Ленин Хива билан Бухорони мустамлакага ўхшаган бир нарса (Тўла асарлар тўплами, 32-том, 312-бетга қаралсин) деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам, XIX аср охирида Хива хонлиги амалда Россия империясининг бир қисми, унинг хом ашё манбаи ва мол чиқариб сотиш бозори бўлиб қолган эди. Чор ҳукумати, деб қайд этади автор, ўзининг халққа қарши сиёсатига содиқ қолиб, нафақат хон истибдодини чеклаш учун ҳеч қандай чоралар кўрмади, балки уни сақлаб қолиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди (33-бетга қаралсин).

Россия билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатилгач, ўлкада саноат ривожлана бошлади, патриархал-феодал муносабатлар емирилиши тезлашди. Хива деҳқонларини эксплуатация қилиш кучайди. Миллий буржуазия худди шу вақтда шакллана борди. Айни шу пайтда, автор фикрича, жадидизм таъсирида ўзини ёш хиваликлар партияси деб атаган буржуа-миллатчилик партияси пайдо бўлди. Улар ўз олдиларига мамлакатни миллий озод қилиш вазифасини қўймаган эдилар, балки меҳнаткаш омманинг озодлик ҳаракатидан ўз синфий манфаатлари йўлида фойдаланишга интилдилар» (37-бет).

Маълумки, В. И. Ленин тарихчилардан ҳар бир воқеанинг конкрет хусусиятларига қараб, «айни шу ўткинчи форманинг *нимадан нимага* ўтишдан иборат эканлигини» (ТАТ, 33-том, 83-бет) ҳисобга олмоқ учун барча воқеаларни уларнинг тарихий ривожланишида қараб чиқишни талаб қилган эди. Автор регион, шу жумладан, Хива хонлиги халқлари социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишининг объектив шартлари ва субъектив факторларини аниқлашда шунга асосланган ҳолда, бизнингча, ушбу шартлар ва факторлар капиталистик Россияда юз берган шарт-шароит билан бир вақтда ва унинг белгиловчилик роли остида шаклланганини эътиборга олиши зарур эди.

Ушбу жараённи анализ қилишда, ўйлашимизча, икки даврни фарқлаш лозим. Биринчи давр (XIX аср охири — XX аср бошлари) Россиянинг империалистик босқичга, мустамлака Туркистонининг капитализм йўлига ўтиши билан бошланиб, Улуғ Октябрь революциясининг ғалабаси, ўлкада пролетар диктатурасининг, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида эса халқ-совет ҳокимияти тарзида демократик ҳокимиятнинг ўрнатилиши билан якунланди. Туркистонда демократик ва социалистик ўзгартишларнинг (Бухоро ва Хоразм халқ совет республикаларида аввалига (1920—1923 йилларда) демократик, сўнгроқ эса социалистик ўзгартишларнинг) амалга оширилиши иккинчи, революциядан кейинги даврга тўғри келади, бу давр СССРда социализмнинг ғалабаси билан якунланди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши Хива учун ҳам, шубҳасиз, прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Регион меҳнаткашлари йўлбошчиси большевиклар партияси бўлган рус ишчилар синфи билан яқиндан алоқа ўрнатди. Авторнинг ҳисоб-китобига қараганда, 1917 йили маҳаллий саноатда салкам 2 минг ишчи банд бўлиб, уларнинг ярми руслардан иборат эди (38-бетга қаралсин).

1918 йил январида туркман қабилалари сардори Жунаидхон Хивани ишғол этди ва Асфандиёрхонга таслим бўлишни таклиф қилди. Империалистлар бу ерда Жунаидхон диктатурасининг ўрнатилиши учун катта ёрдам кўрсатдилар, улар Совет ҳокимиятининг Ўрта Осиёда ёйилишига йўл қўймасликка интилдилар. Хиванинг ҳукмрон доиралари ҳам ана шундай давлат бошлиғини орзу қилардилар. Бундан ташқари, Жунаидхоннинг Асфандиёрга нисбатан очиқдан-очиқ душманларча муносабатда бўлгани меҳнаткаш аҳолининг бирмун-

* К. Б. Мухамедбердиев. История Хорезмской революции. Ташкент, «Фан», 1986. 232 с.

ча онги паст қисмини ўзига жалб қилди.

Шу муносабат билан тақриз қилинаётган асар автори Хоразмда халқ революцияси амалга оширилишига имконият яратган иккита сабабни кўрсатиб ўтади. Биринчидан, Улуғ Октябрнинг қудратли таъсири остида хон истибдодининг негизлари емирила бошлади, иккинчидан, Жунаидхон ҳокимияти ўрнатилгач бу ерда террор авж олди, аҳолининг иқтисодий аҳволи кескин ёмонлашди, бу эса революцион вазиятга кучли туртки берди.

Коммунистларнинг ёш хиваликлар билан иттифоқи қандай қилиб ва қандай шароитда юзага келди? Халқ революциясида ушбу иттифоқнинг роли қандай? Автор ана шу саволларга жавоб бераркан, большевикларнинг ёш хиваликларга нисбатан тутган тўғри сиёсати РКП(б)нинг Хоразм халқлари билан алоқаси кенгайишига ёрдам берди деб ҳақли равишда таъкидлайди.

Ўлка тарихида ёш хиваликлар ҳаракати қандайдир ижобий роль ўйнаганини инкор қилувчи кўпгина тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, Қ. Б. Муҳаммадбердиев архив материаллари ва бошқа манбаларга асосланиб, ёш хиваликларнинг бир қисми, айниқса ўз социал аҳволига кўра асосан камбағал ҳунармандларга, майда савдогарларга мансуб сўл қаноти ўзлари амал қилаётган программа уларнинг манфаатларини акс эттирмаётганини тушуниб етиб, революцион ҳаракатда коммунистлар билан иттифоқ тузишга интилганини кўрсатади. Масалан, РКП(б)нинг Петроалександровск комитети 1919 йил 15 июлда ёш хиваликлар секциясини тузиб, ёш хиваликлар революцион комитетидаги хиваликларни Петроалександровск ташкилоти рўйхатига киритиш ҳақида қарор қабул қилган эди (67-бетга қаралсин).

Баъзи ҳужжатларда ўша даврдаги хивалик коммунистлар ташкилоти «ёш хиваликлар Коммунистик партияси» деб аталади. Лекин автор бу фикрга қўшилмайди, чунки ёш хиваликлар Амударё сўл соҳилидаги партия-совет органлари составига ёш хиваликлар партияси аъзолари сифатида эмас, балки хивалик революционер-коммунистлар тарзида киритилган эдилар. «Шундай қилиб, Хива хонлигидаги миллий-озодлик ҳаракати ана шу пайтдан бошлаб, — деб таъкидланади китобда, — ушбу ҳаракатни пировард ғалабага, революциянинг ғалабасига олиб боришга қодир бўлган Хива коммунистик группасидек янги йўлбошчига эга бўлди» (67-бет).

Шунга қарамай ёш хиваликлар масаласи Хоразм революциясидаги энг мураккаб масалалардан бири бўлиб қоляпти. Кўп олимлар уни ёритишга турлича ёндашяптилар. Афсуски, Қ. Б. Муҳаммадбердиев бошқа тадқиқотчиларнинг ушбу проблемага доир асарларига ўз муносабатини билдирмаган.

В. И. Ленин ташаббуси билан 1919 йил октябрида ташкил этилган БМИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) меҳнаткашларнинг Жунаидхон истибдодига қарши, Хоразмда халқ революциясини амалга ошириш учун курашида жуда катта роль ўйнади. Унинг составига Ленин мактабига мансуб Ф. И. Голощекин, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, М. В. Фрунзе, Ш. З. Элиава каби революционер-большевиклар кирган эди. Тақриз қилинаётган китобда Хивадаги халқ революциясига раҳбарлик қилган коммунистик группа ва комитетларнинг шаклланишига Турккомиссия кўрсатган ёрдам ёритилган.

Маълумки, Хоразм революцияси социалистик эмас, балки халқ-демократик характер касб этди. Шу муносабат билан коммунистлар олдида феодал тартибларни тугатиш ва социалистик ўзгартишларга ўтиш вазифаси турган эди. Халқ оммасига раҳбарлик қилиш учун Хоразм коммунистлари ташкилий жиҳатдан уюшишлари, маҳаллий шароитга мувофиқ келадиган давлат ҳокимиятини ташкил этишлари керак бўларди.

Хивадаги мураккаб сиёсий аҳволни ҳисобга олиб, деб таъкидлайди автор, Хоразм коммунистларига амалий ёрдам кўрсатиш ва коммунистик партия ҳамда Совет давлатининг стратегияси ва тактикасини белгилаб олиш мақсадида 1920 йил марти охирида ХХСРга Турккомиссия вакиллари келдилар, уларнинг фаолияти «Европа маданиятини Ўрта Осиёнинг энг овлоқ бурчакларига зўравонлик билан жорий қилинмаслигини кўзлаб, жуда ҳам эҳтиёткорлик билан иш тутишни талаб қиларди». Бунда улар «ўзларининг барча ишларини бутун маҳаллий ҳаёт тарзи: урф-одатлар, турмуш ва ҳатто диний эътиқодлар билан боғлаб олиб боришлари» (91-бет) керак эди. Ўзига хос ривожланиш тажрибасига ҳамда партия сиёсатига эга бўлган социалистик ориентациядаги дастлабки заиф ривожланган давлатлар сифатида ХХСР ва БХСРнинг практикаси моҳияти ҳам ана шунда эди.

Шу билан бирга автор В. И. Лениннинг комиссия лойиҳасига асос бўлган ва РКП(б) МҚ Сиёсий бюросининг 1920 йил 29 июндаги тарихий «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида»ги қарорини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этган мулоҳазаларига дадилроқ суяниши лозим эди. Ушбу мулоҳазалар Ўрта Осиё воқелигининг ўзига хос шароитини ҳисобга олишнинг классик намунаси, Хоразм ва Бухоро халқ совет республикалари тарихини ўрганишнинг методологик негизи ҳисобланади.

Маълумки, Хива хонлигида Совет ҳокимияти Туркистондагидан уч йил кейин ўрнатилди. Мустақил давлат тузилмаси бўл-

ган ХХСР 1924 йилгача БХСРга ўхшаб РСФСР ҳамда СССР составига кирмаган эди. Бу ва бошқа моментлар, шунингдек, революциянинг халқ-демократик характердалиги тарихчилардан бу масалаларни батафсил ўрганишни талаб этади. Давлат ва партия бошқаруви формаси ҳам бошқа республикалар, ҳатто қўшни Туркистондагидан фарқланар эди. «Дастлабки босқичда ягона партия-совет марказини ташкил этишга қарор қилинди, Хоразм коммунистлари комитети ҳамда 1920 йил 4 апрелда партия-совет активи кенгашида тузилган Халқ Нозирлари (Министрлари) Совети ана шундай марказ бўлди» (92-бет).

В. И. Лениннинг деҳқонлар революциясида *«бир қанча ўтишлар, ўткинчи босқичлар* бўлмасдан туриб, ...қолоқ мамлакатда социалистик революция қилиш мумкин эмаслиги» (ТАТ, 37-том, 368-бет), бундай мамлакатда анча секинлик, анча эҳтиётлик ва анча изчиллик билан социализмга ўтиш кераклиги (ТАТ, 43-том, 225-бетга қаралсин) тўғрисидаги йўл-йўриғи ХХСРнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишга асос бўлади. В. И. Ленин деҳқонлар Советлари ғоясини пропаганда қила бориб, Советларнинг Бутун Россия VIII съездида (1920 йил декабрь) Шарқдаги янги Совет республикаларини табриклади ва бу билан юқоридаги фикрни ривожлантирди. Китобда ана шу қоидаларга эътибор бериш лозим эди.

Китобда Хоразм коммунистлари комитетининг материаллари ва ҳужжатларига асосланган ҳолда уни ташкил этишда йўл қўйилган хатолар кўрсатилади. «Ушбу органда барча лавозимларни маҳаллий аҳоли вакиллари эгаллаган бўлсада, на қорақалпоқлар, на қозоқлар ундан ўрин олдилар. Энг асосийси шундаки, ана шу олий партия-совет органи составида, Ревкомнинг олдинги составидагидек, меҳнаткаш синфларнинг бирорта вакили йўқ эди» (93-бет). Ўз фаолиятидаги баъзи бир камчиликларга қарамай, Коммунистлар комитети Хоразм революциясининг алоҳида шароитида бу ерда совет давлатчилигини қуриш ишида ижобий роль ўйнади. Бунда унинг Туркомиссия билан яқин алоқада ишлаганлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ХХСР ҳукумати ташкил этилиши билан Коммунистлар комитети тарқатиб юборилди ва маҳаллий коммунистлар раҳбар органсиз қолдилар, бу эса Хоразм Компартиясини ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш заруратини тақозо этди. 1920 йил майда чақирилган Бутун Хоразм биринчи Таъсис партия конференцияси ана шу вазифани бажарди. Конференция Хоразм Компартияси МКни сайлади, унинг составига революцияга садоқатли кишилар кирди. Бухородаги феодал реакция кучларига қарши курашда чиниққан ва РКП(б) йўлланмаси билан 1920 йил бошларида Хоразмга келган ишчи Олимжон Оқчурин МК раиси қилиб сайланди. Монографияда Хоразм Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитетининг революцион-демократик ўзгартишларни ўтказиш, коммунистларни, меҳнаткаш оммани жипслаштириш, совет давлатчилигини ривожлантиришда, революция ғалабаларини мустаҳкамлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги фаолияти далил-исботли ва етарлича кенг ёритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм ва Бухоро компартиялари 1922 йилгача расман РКП(б) составига кирмаган эди. Лекин РКП(б) МК ва Коминтерн Ижрокоми ушбу партиялар ишига бевосита раҳбарлик қилдилар, ҳар томонлама мадад ва ёрдам кўрсатдилар. Хоразм ва Бухоро Компартиялари Коммунистик Интернационал составига мустақил ташкилотлар сифатида кирдилар, Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари съездида ва Коминтерн конгрессларида (Иккинчи Коминтерндан бошлаб) иштирок этдилар.

II конгресс мажлисларидан бирида Хоразм коммунистлари делегацияси бошлиғи Бобоохун Салимов сўзга чиқиб, яқиндагина ташкил топган ёш Хоразм Коммунистик партияси ҳаётида Коминтерн муҳим роль ўйнаганини таъкидлади. Конгресс кунларида делегация аъзолари В. И. Ленин билан учрашдилар. Афсуски, тақриз қилинаётган китобда ушбу тарихий суҳбатнинг жуда катта сиёсий, назарий ролини ёритишда фан қўлга киритган сўнгги ютуқлардан фойдаланилмаган. Автор делегация аъзоси М. Хўжамамедов хотираларидан олинган умумий характердаги бир неча жумлани баён этиш билангина чекланган (105-бетга қаралсин). Умуман олганда суҳбат мазмуни очилмай қолган. Китобхон Б. Салимовнинг конгрессдаги нутқи мазмунини ҳам билмайди.

Китобда Хоразм Халқ Республикасининг социалистик республикага айланиши жараёни пухта асослаб берилган. Хоразм Компартиясининг 1923 йил апрелда бўлган III съезди ана шундай йўлни эълон қилганидан сўнг советларнинг навбатдаги, Бутун Хоразм IV қурултойини чақиришга доир кенг кампания авж олиб кетди. Ана шу мақсадда тузилган Марказий сайлов комиссиясига Компартия, комсомол, касаба союз ва деҳқонлар комитетлари вакиллари кирдилар. 1923 йил октябрида ўтган съезд Халқ Республикасини Хоразм Совет Социалистик Республикасига айлантириш ҳақидаги қарорни ва янги Конституция қабул қилди, унга мувофиқ регион тарихида илк бор бутун ҳокимият тамомила меҳнаткаш омма Советлари қўлига берилди, ер эса умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

Монография автори қайд этганидек, синфий кураш кескинлашган шароитда Хоразм коммунистлари, меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни ҳал этишда марказий Россия ва Туркистондан юборилган большевик-

лар беқиёс роль ўйнадилар. Хусусан, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси тавсияси билан Тошкентдан келган, кўзга кўринган партия ходимларидан бири Низомиддин Хўжаев, шунингдек Чори Перлиев, Николай Алексеевич Шайдаков ва бошқалар социалистик ўзгартишларни, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, революция ғалабаларини мустаҳкамлашда, туб ерли миллат вакилларидан раҳбар кадрларни тарбиялашда Хоразм коммунистларига катта ёрдам кўрсатдилар.

Ўрта Осиёдаги миллий-давлат чегараланиши ва социалистик республикалар ташкил этилиши ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқлардан ташқари яна ўнга яқин миллат вакиллари яшовчи Хоразм учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Автор таъкидлаганидек, миллий зиддиятлар социалистик республиканинг янги йўлдан ривожланишидаги энг характерли хусусиятлардан бири эди. Синфий душманлар миллатлараро адоватни авж олдириш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланишга уринардилар.

Хоразм Компартияси миллий масала большевиклар партиясининг ленинча миллий сиёсатига мувофиқ ҳал қилиниши учун ҳамма ишни қилди. Ўрта Осиёда янги миллий республикалар ташкил этилиб, улар ихтиёрий равишда ССР Иттифоқига қўшилгач, Хоразм халқлари Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва сўнгра Қорақалпоғистон АССР составига кирдилар.

Хива хонлигининг бошқа халқларга, айниқса, қорақалпоқларга муносабати қараб чиқилаётган проблеманинг принципиал муҳим жиҳатларидан бирини ташкил этади. У «История Каракалпакской АССР (с древнейших времен до наших дней)» тадқиқотида (Тошкент, «Фан», 1986) анча батафсил ёритилган бўлиб, унинг авторларидан бири Қ. Б. Муҳаммадбердиевдир. Шу муносабат билан иккала асар авторлари уларга қандайдир бир хил муносабатда бўлганидек таассурот туғилади: бир хил воқеа ва фактлар уларда конкрет фарқланмай ва бир-бирига ўхшаш архив манбалари асосида деярли бир қолипда баён этиладики, бу ҳол, шубҳасиз, ғоят қизиқарли иккала китобнинг ғоявий-назарий аҳамиятини бир қадар пасайтиради. Шунга қарамай, тақриз қилинаётган монография автори ўз олдига қўйган мақсадга эришган — Хоразм революцияси мисолида қолоқ халқлар ривожланган мамлакатларнинг пролетариати ва компартиялари ёрдамида капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтиши мумкинлиги хусусидаги марксча-ленинча қоида тўғрилигини кенг ва ҳар томонлама ёритишга ҳамда исботлашга муваффақ бўлган.

Т. САИДҚУЛОВ,

тарих фанлари доктори,
В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети
тарих факультети КПСС
тарихи кафедрасининг профессори.

Н. ТОЖИБОЕВ,

тарих фанлари кандидати,
шу кафедра доценти.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 12.05.1988 й. Босишга рухсат этилди 10.06.1988 й. Формати 70×108 1/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,5. Тиражи 27669. Нашр А-54. Заказ № 3600

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



7

ИЮЛЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 7
ИЮЛЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Ҳозирги пайтда мақсадларимизга эришиш КПСС жамиятнинг сиёсий етакчиси ролини қандай қилиб муваффақиятли бажаришига ҳар қачонгидан кўра ҳам кўпроқ боғлиқдир. КПСС, партия Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ҳар бир партия комитети, партия ташкилоти, ҳар бир коммунист қандай ҳаракат қилишига қайта қуриш тақдири ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ўзбекистон Компартияси МКда республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

КОММУНИСТНИНГ ҒОЯВИЙ ЕТУКЛИГИ

Коммунистнинг ғоявий етуклиги — марксизм-ленинизмнинг, КПСС сиёсатининг ҳақлигига унинг батамом, чуқур ва қатъиян ишончидир. Бу ишонч практикада, ишда, коммунистнинг ҳар бир қадами ва хатти-ҳаракатида муқаррар гавдаланади. Инсон тирик экан, бу ишончни йўқотиш, бекор қилиш, ўзгартириш мумкин эмас.

Ғоявий етуклик — коммунистнинг энг биринчи хислатидир. Ҳамма вақт шундай бўлган. Айниқса ҳозир, тарихда кескин бурилиш бўлаётган, жаҳон майдонида бир-бирига қарама-қарши икки система ғояларининг кураши бораётган, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларини янгилашнинг ўз кўлами ва мураккаблиги жиҳатидан мисли кўрилмаган жараёнлари авж олиб бораётган пайтда ҳам шундай бўлмоқда. Қайта қуриш ва жадаллаштириш йўли ўзининг маънавий-психологик жўшқинлиги жиҳатидан революцияга тенгдир ва уни рўёбга чиқариш ғоят юксак ғоявий етукликни талаб этади.

Ғарб социализмнинг тинкасини қуритиш ва унга ўз шартларини ўтказиш учун ҳамма ишларни қилмоқда. Аммо биз ён бера олмаймиз, чунки ён бериш ўлим демакдир. Шу боисдан ҳам биз қайта қуриш ва жадаллаштиришсиз, туб иқтисодийислоҳотни амалга оширмасдан асло яшай олмаймиз. Бу объектив зарурат бўлиб, у социализмнинг ва бутун жаҳон тараққиётининг нуфуз-эътибори масалаларига тааллуқлидир. Бошимиздан кечираётган даврнинг худди ана шу кескинлигини ҳар бир совет кишисининг онгига чуқур сингдириш лозим. Бу, КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, энг муҳим масала бўлиб, партиявий таъсирнинг бутун кучини ана шунга қаратиш зарур. Бу йўлни амалга оширишда энг аввало коммунистнинг ғоявий етуклиги ўзини кўрсатиши лозим.

Ҳозирги шароитда шахснинг қандай белгиларини шакллантирмоқ зарур? Бу саволга ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг 1986 йил октябрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида аниқ жавоб берилди: булар — партия ишига, халқ ишига чексиз содиқлик; содир бўлаётган ўзгаришларнинг маъносини ва уларни амалга оширишдаги ўз ролини аниқ тушуниб олиш; профессионализм; қарорлар қабул қилиш ва уларни турмушга оширишда ташкилотчилик қобилияти, мустақиллик; мамлакат ва бутун социалистик ҳамдўстлик тараққиёти учун ватанпарварона ифтихор туйғусидир. Кўриб турибмизки, партия асосий эътиборни айнан шахснинг ғоявий етуклигини шакллантиришга қаратмоқда, чунки бизнинг ҳамма вазифаларимизни ҳал этиш коммунистларнинг, барча совет кишиларининг ғоявий-сиёсий қуролланганлигига, уларнинг маънавий куч-қудратига ғоят боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев юқорида тилга олинган кенгашда бундай деб уқтирди: «Биз тажрибадан шуни биламизки, агар инсон ва жамиятда маънавий, ахлоқий асос бўшашиб қолса, муқаррар равишда истеъмолчилик кайфияти, молпарастлик кучаяди, ички дунё юпунлашади».

Ғоявий етуклик — инсоннинг туғма сифати эмас. У социал — объектив ва субъектив омиллар натижасидир. Объектив вазият, ҳаёт, албатта, кишиларни ўргатади, ғоявий чиниқтиради, аммо улар салбий самаралар ҳам беради, ғоявийликка фақат йўл-йўлакай, илон изи йўллардан бориб ва турлича чекинишлар

билан, бетайинлик ва мужмаллик билан ўргатади. Равшанки, фақат ана шундай ўрганишгагина умид боғлаш ярамайди. Ғоявий чиниқтириш кўп қиррали идеология иши жараёнида аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Мазмун жиҳатдан у марксча-ленинча назарияни янада ижодий ривожлантиришни, уни кенг ёйиш ва халқ оммаси онгига сингдиришни, марксизм-ленинизмни ҳар қандай «модернизациялаш»дан ҳимоя қилишни, буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши курашни ўз ичига олади. Ғоявий-назарий фаолият, коммунистик пропаганда, сиёсий агитация, маданий-маърифий иш идеология ишининг таркибий қисмларидир. Айни чоғда унинг моҳияти — марксча-ленинча идеологияни меҳнаткашлар онгига сингдириш, умумий мезони эса — ғоявий етукликдир. Идеология ишининг ташкилотчиси партиядир, уни турмушга оширувчилар эса биринчи галда коммунистлардир. Ҳар бир коммунист — бу идеология ходимидир, унинг энг биринчи бурчи — ҳозирги замон талаблари даражасида бўлиш, ғоявий етукликда ўрнак бўлиб хизмат қилишдир.

Ҳозирги кунда идеология ишининг асосий хусусияти — унинг ҳаёт билан, КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг съезддан кейинги Пленумлари қўйган вазифаларни амалда ҳал қилиш билан боғлиқлигидир. Қайта қуриш ва жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократиялаш коммунистлар олдига бир қанча принципиал янги талаблар қўядики, бу талаблар психологияни, фикрлаш услуби ва методларини ўзгартириш, инсоннинг барча имкониятлари ва потенциалларини, бутун инсон омили деб аталувчи нарсани активлаштириш билан боғлиқдир. Партия худди шу инсон омили ролини ошириш орқали белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин деб билади.

Инсон омили — бу ҳам катта, ҳам кичик барча социал жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучидир; бу инсоннинг моддий ва маънавий имкониятларининг комплекси, унинг меҳнат коллективи ва жамият билан узвий қўшилишиб кетган ижодий потенциалидир. Инсон (коллектив)нинг прогрессив, социал улкан аҳамиятли мақсадларни рўёбга чиқаришдаги марксча-ленинча ғоявийлиги, активлиги ва масъулиятлилиги инсон омилининг ўзагидир.

Инсон ҳамиша жами нарсаларнинг ўлчови, тараққиётнинг асосий ижрочи кучи ва ҳаракатлантирувчиси бўлган. Бу айниқса бизнинг совет воқелигимизга тааллуқлидир. Тарихий мақсадлар қанчалик кўламдор ва мураккаб бўлса, омманинг уларга эришишда манфаатдорлик билан, масъулият сезиб онгли ва фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир. Тарих парадокси шундан иборатки, техника қанчалик қудратли бўлса, янги, прогрессив жамиятни ва бутун цивилизацияни ривожлантиришда инсоннинг ғоявий етуклиги роли шунчалик юқори бўлади.

Социализмнинг табиати ҳозирги вақтда мамлакатимизни саноатининг ривожи ва меҳнат унумдорлиги дунёда энг юксак даражада бўлган мамлакатга айлантириш имконини беради. Объектив жиҳатдан бунинг учун ҳамма нарса: қудратли моддий-техника базаси, малакали кадрлар, қулай социал-сиёсий шароит мавжуд. Аммо бу ишга ғоявий етук кишиларни жалб этмасдан туриб, ҳеч қандай, энг қулай, энг объектив шарт-шароитлар ҳам муваффақиятга олиб келмайди. Объективлик билан субъективлик диалектикасида субъективлик актив, ташаббускор роль ўйнайди. Ўз ишидаги муваффақиятсизликлар ва тартибсизликларни оқлаш учун объектив вазиятни баҳона қилиб кўрсатиш осон ва оддий, лекин коммунистга муносиб эмас. Зеро объектив вазиятни, пировард натижада, инсонлар, субъектлар яратади, объектив вазият эмас, балки айнан инсонлар ишни ҳал қилади. Барча ижтимоий жараёнларда объектив жиҳат белгиловчидир, субъектив жиҳат эса — энг аввало ғоявий етуклик, умуман инсон омили — ҳал қилувчидир.

Инсон омили — қатъий илмий тушунча бўлиб, ҳар бир кишига, ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар қандай ҳаётий вазиятга татбиқан ўз конкрет мазмунига эга. Шу боисдан унинг максимал таъсирчан бўлишини таъминлаш, инсоннинг ичдан, қизғин ижодий активлиги учун барча шарт-шароитларни яратиш ғоят муҳимдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, фаолиятнинг барча соҳаларида инсон омилини ривожлантиришга системали-комплекс ёндашмоқ зарур. Бунда коммунистларнинг ғоявий-сиёсий етуклигини, юксак маънавий-ахлоқий хислатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга, уларнинг билим ва маданий савияларини, касб-малака маҳоратини оширишга, янги-янги хўжалик-иқтисодий методларни эгаллашга, ташаббус ва ижодкорликни ривожлантиришга, ҳар бир шахснинг ҳар

тарафлама камол топиши учун шароитни таъминлашга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Инсон омилини системали-комплекс ривожлантириш сўнгра шахснинг ортиб борувчи оқилона эҳтиёжларини оптимал қондиришни, меҳнатни, турмуш ва дам олишни ташкил этишни ва шароитларини яхшилашни, коллективда ўзини кўрсатиш ва индивидуал хислатларини намойиш этиш учун реал имкониятларни кенгайтиришни кўзда тутади. Ҳар бир коммунистнинг, оддий меҳнатчининг масъулиятли ва ижтимоий муҳим қарорларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этиши инсон омилининг ролини оширишга кўмаклашади.

Демократиялаш бунга эришишнинг асосий воситаси бўлиб, у социализмнинг ленинча концепцияси моҳиятига мосдир. Демократиялаш жамиятимизга Октябрь революциясини амалга оширишдан кўзда тутилган идеалларга эришиш имконини беради. Ана шунинг учун ҳам, КПСС МК 1988 йил февраль Пленумида қайд этилганидек, «бутун партияда фақат демократиялаш орқалигина инсон омилини жамият турмуши барча соҳаларини тубдан ўзгартиришга, бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувнинг амалдаги жараёнларига тўла-тўкис қўшиб юбориш мумкинлиги равшан англаб олиниши керак. Меҳнаткашларнинг чуқур илдиз отган лоқайдлигига фақат демократиялаш ва ошкоралик орқалигина чек қўйиш ва уларнинг социал-сиёсий активлигига қудратли туртки бериш мумкин. Меҳнаткашларнинг жамият барча ишларида ўзлари манфаатдорлик билан онгли равишда қатнашиши орқалигина социализмнинг инсонпарварлик мақсадларини рўёбга чиқариш мумкин».

Партия, ҳар бир коммунист, айниқса раҳбар демократизм намунасини кўрсатиши лозим. Буни ёдда тутмоқ муҳимдир. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида таъкидланганидек, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига, социализмнинг янги қиёфасига йўл революцион қайта қуриш, ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва социал соҳаларда ҳаётни демократиялаш, сиёсий системани ўзгартириш орқали ўтади. Инсон сўзда эмас, балки амалда моддий ва маънавий ривожланишнинг асосий фактори, унинг бирдан-бир мақсадига айланадиган илмий социализм принципларини бутун чуқур маъносида тикламоқ зарур.

Ҳозирги кунда коммунистнинг ғоявий етуклиги унинг интизомни, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлаш учун, жамиятдаги бутун вазиятни соғломлаштириш учун кураши билан текширилади. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шу масалалар юзасидан, жумладан гиёҳвандликка, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, меҳнатсиз даромадлар ва ҳоказоларга қарши курашни кучайтириш масалалари юзасидан бир қатор йирик-йирик қарорлар қабул қилдилар. Коммунистнинг бурчи — ўз жойида ана шу қарорларни ғайрат-шижоат ва қатъият билан турмушга ошириб боришдир. Партия ташкилотларини айниган, нопок ва қўли эгри кишилардан тозалаш социал иқлимни соғломлаштиришда ижобий роль ўйнайди. КПСС МКнинг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида (1987 йил июль) қайд этиладики, «партия сафларининг софлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, амалпарастлардан, ғоявий ва маънавий жиҳатдан беқарор кишилардан партия сафларини ҳимоя қилиш — ҳар бир бошланғич ташкилотнинг, КПСС ҳар бир аъзосининг энг биринчи бурчи ва ғоят муҳим вазифасидир».

Бу иш кампаниячилик характерига эга бўлиб қолмаслиги, доимо ва собитқадамлик билан олиб борилиши жуда муҳимдир. Бироқ, ҳали кўпгина партия ташкилотлари янги талаблар негизида ўз ишларини ғоят сўст қайта қурмоқдалар; иш услубида жиддий ўзгаришлар йўқ, эскича ёндашиш ва андозалар, бeғамлик, ўз-ўзини танқид руҳи йўқлиги ва бюрократизм, кўп коммунистларнинг, шу жумладан раҳбарларнинг психологиясида турғунлик ҳамон мавжуд. Уларнинг айримлари ишдаги истиқболли йўналишларни кўрмайдилар, тегишлича ташаббус кўрсатмайдилар, юқоридан кўрсатма келишини кутадилар. Ана шуларнинг бари — коммунистлар ғоявий етуклигининг паст даражада эканлиги оқибатидир.

Коммунист — партия социал сиёсатини турмушга фаол оширувчидир. Унинг ғоявий етуклиги ана шунда ҳам намоён бўлади. Социалистик турмуш нормаларидан четга чиқишларга қарши курашни қатъиян кучайтириш ҳозирги кунда социал

сиёсатнинг энг кескин масаласидир. Бир қатор партия ҳужжатларида қайд этилганидек, мабодо биз ўғирликларга, порахўрликка, олибсотарлик ва бошқа салбий ҳолатларга барҳам бермайдиган бўлсак, КПССнинг социал адолатни барқарор этишга қаратилган йўлини амалга ошириб бўлмайди. Партиянинг кейинги вақтлардаги қарорлари шахс билан жамият манфаатлари ўртасидаги алоқа социал адолатни бузувчи бюрократик тўсиқларни босиб ўтиб, тўғридан-тўғри амал қилишига қаратилгандир. Ҳар бир меҳнатчининг даромадлари унинг шахсий ҳиссасига, цех, завод, колхоз ёки совхознинг, бутун мамлакатнинг ишига бевосита боғлиқ бўлиши керак. М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида айтганидек, иккинчи томондан, ҳамма ерда ҳар бир кишининг қадр-қиммати, билимлари, меҳнати ва қобилияти ҳурмат қилиниши, ҳалол, ишчан, ижодкор инсон ўз меҳнати тегишли тарзда баҳоланишига, у ўзининг ҳақ эканлигини ҳамиша исботлай олиши ва қўллаб-қувватланишига, ишёқмас, юлғич, бюрократ ва сурбет одамнинг жилови тортиб қўйилишига, ҳақиқий башараси очиб ташланишига ишончи комил бўлиши керак. Социализмнинг ахлоқий қонуни ана шу бўлиб, бу қонун ҳозирги куннинг бошқа талаби: демократия кўпроқ, социализм кўпроқ бўлсин, деган талаб билан узвий боғлиқ, зеро демократизмдан чекиниш ҳамиша ор-номуснинг ерга урилишига, инсон қадр-қимматининг таҳқирланишига олиб келади.

Партия миллий муносабатларни такомиллаштиришни, СССР миллатлари ва элатлари қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашни социал сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида илгари сурмоқда. Маълумки, миллий масаланинг социалистик ҳал этилганлиги Октябрь революциясининг улкан зафарлари, инсон цивилизациясининг юксак ютуқлари жумласига киради. Қисқа тарихий муддатларда туб социал-иқтисодий ва маданий ўзгартишларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатда принцип жиҳатдан янги миллатлараро муносабатлар вужудга келдики, социалистик ижтимоий муносабатларнинг бутун системаси каби бу муносабатлар учун ҳам коллективистик негизлар, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам характерлидир. Социал-иқтисодий, давлат-сиёсий ва маънавий бирликнинг қўлга киритилган даражаси негизида кишиларнинг тарихан янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқи ташкил топди.

Аммо миллий масалани ҳал этишдаги муваффақиятлар уни кун туртибидан олиб ташлаш учун, назария ва сиёсатнинг назар доирасидан четда қолдириш учун бизга асло асос бўлолмайди. Миллий муносабатлар ва уларнинг кишилар ижтимоий онгида, психологияси, қарашлари ва хулқ-атворида акс этиши — бу жонли, ҳаракатчан реаллик бўлиб, экономиканинг аҳволига, социал соҳанинг ривожланишига, давлат ва маданий қурилишнинг барча муваффақиятлари ва қийинчиликларига ҳушёрлик билан ўз муносабатини билдириб туради. Биз ана шу реалликни максимал даражада тўла-тўкис ва объектив тарзда ўрганишимиз, уни билишимиз, барча янги ҳолатларга, ижтимоий аҳамиятга молик барча фактларга, шу жумладан ривожланаётган социализмнинг умумий нормал ҳаёти оқимидан чиқиб қоладиган фактларга ҳам эътибор беришимиз лозим. Совет ватанпарварлиги руҳига, интернационалистик принципларга зид бўлган, СССР халқлари дўстлигига зарар келтирадиган салбий ҳолатлар эса, афсуски, мавжуд: турғунлик йиллари, ҳал этилмаган ҳаётий муаммоларнинг тўпланиб қолиши, ана шундай шароитда жамиятга зид элементларнинг бюрократик бузилиши ва жонланиши ўз таъсирини кўрсатди. Бу хил фактларнинг ҳар қандайини четлаб ўтишга, улардан кўз юмишга йўл қўйиб бўлмайди. Айни чоқда шуни доимо эсда тутиш кераккки, миллатчилик билан пролетар, социалистик интернационализм — булар бир-бирига қарама-қарши икки сиёсат, бир-бирига қарама-қарши икки дунёқарашдир.

Шу маънода республикамизда салбий ҳолатларга қарши кураш ва қайта қуришнинг авж олиши аҳолини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатди. Бу борадаги иш ҳозирча системасиз тарзда олиб борилмоқда. Унда ҳали ҳам дабдабабозлик ва формализм устунлик қилмоқда, салбий моментлар ҳақида чурқ этилмайди, кескин масалалар четлаб ўтилади. Иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда миллатчилик ва маҳаллийчилик кўринишларига тегишлича зарба берилмаётир.

Миллатлараро проблемалар, умуман кишилар ўртасидаги ўзаро проблемалар каби, ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди. Бизга рашидовчиликдан мерос бўлиб қолган,

аслида эса ленинча сиёсатни бузишдан иборат бўлган дабдаба ва хўжакўрсинга мўлжалланган интернационализм шундан далолат берадики, агар проблемаларни ҳал қилишдан қочилса, улар тўпланиб бораверади. Партия ходимлари, олимлар ҳам, маданият арбоблари ҳам — ҳамма интернационал тарбияга ва миллатлараро муносабатлар аҳволига проблемаларсиз жараён деб қарашдек эскириб қолган қарашлардан воз кечадиган пайт келди. Шу ҳол ташвишлантирадики, анча-мунча партия ва совет кадрлари, фан ва маданият ходимлари социал-демографик вазиятни яхши тушунмайдилар, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг моҳияти ҳақида юзаки тасаввурга эгадирлар. Айрим кишилар ҳамма нарса жойида деб кўрсатишга уринадилар, одамларнинг миллий психологиясини, унинг ўз тараққиётида мураккаб даврни бошидан кечираётган республикада мавжуд бўлган ҳозирги конкрет вазият билан алоқасини мутлақо эътиборга олмайдилар. Маҳаллийчилик, миллий биқиқлик, социал тайёрга айёрлик кўринишларига қарши, баъзан эса очиқ-ошкора миллатчилик чиқишларига қарши курашда айрим кишиларга, шу жумладан масъул лавозимли шахсларга қатъият етишмайди.

Кишиларнинг сиҳат-саломатлиги билан, атроф муҳитни қўриқлаш билан, тарих ва маданият ёдгорликларини авайлаб сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳамда вазмин ва ғоят малакали тарзда ҳал этишни талаб этадиган мураккаб ва кўламдор масалалар баъзан сийқа тарзда, асабийлашган ҳолатда бўрттирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистондаги анча мураккаб социал-иқтисодий вазиятдан фойдаланиб, ўзининг иззат-талаб кайфиятини кўрсатмоқчи ёки миллий чекланганлик ғояларини ўтказмоқчи бўлган кимсаларга ғоят қатъий зарба бермоқ муҳимдир. Ҳар қандай баҳоналар билан социалистик идеология принципларидан, халқнинг интернационалистик ва ватанпарварлик анъаналаридан воз кечишга уринишларга йўл қўйиб бўлмайди.

СССР халқлари энг оғир синовларни бошидан кечирган жамиятимизнинг негизи бўлмиш тарихий тақдирларининг умумийлиги асосида бир-бири билан боғлиқдирлар. Шу боисдан табиийдирки, М. С. Горбачев КПСС МК 1988 йил февраль Пленумидаги нутқида таъкидлаганидек, «ҳар бир халқнинг қадр-қиммати, шон-шарафи, маданияти, тили ва тарихи чуқур ҳурмат қилинган, улар ўртасида кенг мулоқотда бўлинган тақдирдагина чинакам интернационализм, халқларнинг чинакам дўстлиги бўлиши мумкин. Биз миллий маданиятлар мулоқотини янада кенгайтиришга, улар бир-бирларини бойитишига, миллий маданиятларни ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга ҳар томонлама кўмаклашишимиз лозим».

Эндиликда шуни ҳамиша ёдда тутиш муҳимки, жамиятимизда интернационал ва ватанпарварлик жараёнлари бир-бирини тўлдириб туради, бири бўлмаса, бошқаси ҳам бўлмайди. Агар қисқа ва конкрет қилиб айтиладиган бўлса, бугунги кунда чинакам ватанпарвар қайта қуриш учун актив курашчидир. Ижтимоий тузумимизга динамизм бахш этиш, уни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш — энг юксак гражданлик бурчидир. Қайта қуриш — социализмни ривожлантириш стратегияси ва реал иш бўлиб, у фидокорона меҳнатни, интизомлиликни, ҳар бир кишининг барча ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришни, фарзандларча ғамхўрлик ва маънавий саховатни талаб этади. Қайта қуришнинг революцион характери, унинг инсонга қаратилганлиги, демократиялаш жараёнининг кучайиб бориши жамиятнинг маънавий ҳаётини жонлантиради, энг яхши инсоний хислатларнинг ривожланишига кўмаклашади, ҳар бир кишининг шахсий манфаатлари мамлакат тақдири билан бевосита ўзаро боғлиқ эканлигини турғунлик зангларидан тозалайди. Ўз иши ва ҳаёти билан, ақли ва қалби билан Ватаннинг мураккаб тақдирига дахлдорлигини сеза биладиган, унинг муаммолари ва қийинчиликларини ўзиники деб биладиган кишигина социалистик Ватанга муҳаббат туйғусига эга бўлади.

Шундай қилиб, жамиятни ривожлантиришнинг етилган масалаларини ҳал қилишда, партия йўлини амалда турмушга ошириш учун курашдагина коммунист ғоявий чиниқиши мумкин. Хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш, давлат қабулини, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг бошқа янги методларини жорий этиш ҳозирги куннинг долзарб проблемалари ҳамда шу билан бирга партия аъзоларининг ғоявий жипслигини шакллантириш майдонидир. Бу — жамият, коллектив ва шахс манфаатларини уйғунлаштиришга олиб борадиган йўлдирки, бу йўлда ижтимоий эҳтиёж-

ларни қондириш гарантияланади ва айни чоғда меҳнаткашларнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан манфаатдорлик бўлиши таъминланади. Бу — бизга жуда кўп зарар етказган текисчилик, тайёрга айёрликни йўқотиш йўлидир, интизомни мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи йўлдир. Бу — социал проблемаларни жуда тез ҳал этиш, халқнинг турмуш даражасини ҳар томонлама кўтариш йўлидир.

Ғоявий чиниқтириш инсоннинг муттасил ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондиришга зид эмас. Бунинг устига, К. Маркс сўзлари билан айтганда, инсоннинг ҳеч бир хислати коммунистга ёт эмас. Шуниси ҳам борки, эҳтиёжларнинг ошиб боришидан иборат объектив мавжуд қонун, ўз навбатида, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Гап, албатта, ҳар қандай эҳтиёжларни эмас, балки оқилона эҳтиёжларни қондириш ҳақида бориши керак. Уларнинг мезони қандай? Аввало шундайки, эҳтиёжларни қондириш инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаши лозим. Бу эҳтиёжлар жамиятнинг имкониятларига, уни ривожлантиришга қўшилган шахсий меҳнат ҳиссасига, социалистик турмуш тарзи принципларига мувофиқ бўлиши керак. Ниҳоят, эҳтиёжларни қондириш шахснинг ҳар томонлама камол топишига кўмаклашиши лозим. Ҳам моддий, ҳам маънавий оқилона эҳтиёжларни шакллантириш коммунистни ғоявий чиниқтириш билан боғлиқ бўлиб, омма орасида олиб бориладиган идеология иши ана шунга бўйсундирилиши керак.

Маънавий жиҳатдан олганда ғоявий чиниқтиришнинг асосий йўналишларидан бири коммунистларнинг қаҳрамонона онгини шакллантиришдир. Буни социалистик жамият ҳаёти ва фаолияти барча жиҳатларини қайта қуришнинг революцион характери талаб этади. Буни халқаро вазият ҳам талаб этади. Жаҳон майдонида империализмнинг ҳимояланиш системаси чириб бораётганлиги тобора яққол кўринмоқда, унинг сиёсати ҳамон хавфли ва бебош сиёсат бўлиб қолмоқда. Қуролланиш пойгаси авж олдирилмоқда, ашаддий антисоветизмни кенг ёйишга уринилмоқда. Шу сабабли ҳарбий устунликка эришиш йўли тутилмоқда. Бундай шароитда кўнгилчан бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди. Коммунистнинг ҳар қандай вазиятда ҳам сиёсий хушёрлик туйғусини йўқотмаслиги, дунёда содир бўлаётган воқеаларга синфий позициялардан туриб баҳо бериши муҳимдир.

КПССнинг тинчликни таъминлаш соҳасидаги сиёсати маълум — бу ядровий ва оддий қурол-яроғни қисқартиш ва тугатиш, ҳамма учун баб-баравар хавфсизлик, ҳарбий-стратегик мувозанатдир. Ҳозир вазият шундайки, битта реал дунёда бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган икки имконият — урушнинг олдини олиш ва уни бошлаб юбориш имкониятлари мавжуд. Ана шу имкониятлардан (альтернативалардан) қайси бири устун бўлиб чиқиши — бу батамом ва тамомила субъектив, инсоний омилга, жумладан коммунистларнинг ғоявий етуклигига боғлиқдир.

Ана шунинг учун ҳам ёдда тутиш зарурки, ҳарбий-стратегик баланс бир-бирига қарши курашаётган томонларнинг маънавий, ахлоқий-сиёсий потенциалларига нисбатан қўлланилмайди. Биз маънавий мувозанатга қаршимиз, биз ғоявий устунликка, тинчликни таъминлашнинг қудратли омили бўлмиш маънавий-сиёсий потенциални ошириб боришга тарафдормиз. Вазифа душман устидан ғоявий устунликни самарали тарзда ошириб бориш йўлларини доимо излаш ва амалга оширишдан иборат. Ана шу жиҳатдан коммунистларни, барча совет кишиларини, айниқса ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳозир ғоят актуал вазифадир.

Ғоявий чиниқтириш мустақилликни ривожлантириш билан, ҳар бир кишида ва бутун меҳнат коллективида хўжайинлик туйғусини тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай майда-чуйда ишларга аралашавериш чинакам партия аъзосига ярашмайди, чунки коммунист — бу энг юксак ва шарафли унвондир. У ҳамма нарса учун жавобгар. Ҳамма ишда унга ишониш, лекин ундан қатъий талаб қилиш ҳам зарур. Коммунист — фақат юксак хизмат бурчи юклатилган кишигина эмас, балки шубҳасиз маънавий ор-номус соҳиби ҳамдир. Унинг ахлоқий маслаги ҳақиқат, сўз билан ишнинг бирлиги бўлиши керак.

Амалда коммунист ҳамиша ҳам шундайми? Афсуски, ҳамма вақт ҳам шундай эмас. Ахлоқ-одобдаги нохуш ҳолатлар энг аввало билим билан ҳаракат (иш) ўртасидаги тафовутда, билим даражасининг билимларни идеологик практикага, тарбиялашга ва ўз-ўзини тарбиялашга татбиқ қила билиш маҳоратига тўғри кел-

маслигида (яъни маънавий ғояларнинг суст мужассамлаштирилишида), коммунистнинг этикасига, унинг интизоми ва ижрочилигига эътибор сусайганлигида намоён бўлади. Партия айрим аъзоларининг маънавий иродасизлигини, уларнинг тайёрга айёрлигини, бетайинлигини бартараф этиш, жанговарликни ошириш лозим. Коммунистларни ғоявий-ахлоқий тарбиялашда баъзан ташаббус, изланишлар, собитқадамлик етишмайди, ижобий тажриба ва имкониятлардан яхши фойдаланилмайди.

Коммунистни ғоявий чиниқтиришда социалистик сиёсий маданиятга алоҳида ўрин ажратилади. У кишилар томонидан марксча-ленинча идеология ва КПСС сиёсатининг чуқур англаб олиниши, ижтимоий-сиёсий тажрибанинг эгалланиши ҳамда кундалик фаолиятда партия йўлини фаол ўтказиб борилиши демакдир. В. И. Ленин уқтирган эдики, «сиёсий маданиятнинг, сиёсий маорифнинг мақсади — ёлғон-яшиқларни, хурофотларни енга оладиган ва эски тартибни енгиб, давлат қурилиши ишини... юргизиш учун меҳнаткашлар оммасига ёрдам бера оладиган чин коммунистлар тарбиялаб етиштиришдан иборат... Бу ишни... бутун билимларни эгаллаб олиш йўли билангина амалга ошириш мумкин» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 454-бет). Коммунист сиёсий маданиятининг юксак даражада бўлиши унинг онги ва фаолиятининг синфий ҳалоллик ва аниқ мақсадни кўзлаш, партиявий эътиқод ва маънавий-сиёсий собитқадамлик, социал йўл-йўриқларнинг равшан ва аниқлиги, ҳаракатчанлик ва жанговарлик, социал-иқтисодий оптимизм, буржуа сиёсати ва идеологиясига, антикоммунистик идеалларга муросасизлик каби белгиларини ҳосил қилишни кўзда тутади.

Коммунистларнинг профессионал ва ижтимоий активлиги, фаолиятининг мотивлари ва мақсадлари ҳамда, пировард натижада, конкрет ишлари, ҳар бирининг ўз иш жойидаги меҳнат натижалари унинг сиёсий маданиятининг ўлчови бўлиб хизмат қилади. Шуни уқтириш керакки, ҳамма коммунистлар ҳам мазкур мезонларга мувофиқдирлар, деб бўлмайди ҳали. Сиёсий маданиятнинг антиподлари сиёсатдан йироқликнинг турли вариантларида — партия ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига бефарқликда, сиёсий нигилизм ва синфий зийракликнинг йўқлигида, умумдавлат манфаатларини менсимаслик ва биринчи ўринга шахсий манфаатларни қўйишда, социал-сиёсий бетайинликда намоён бўлади. У индивидуализмга, майда буржуа психологиясини ва мешчанликни қайта тиклашга олиб келади, хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, оиласидан бошқа нарсани билмаслик, протекционизм ва камчиликлардан кўз юмиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик, порахўрлик каби ярамас ҳолатларни келтириб чиқаради. Ғоясизликка, сиёсий бефарқликка қарши курашга, коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришга партия ғоят катта аҳамият беради. Унинг Программасида бундай ёзилган: «КПСС барча совет кишилари марксча-ленинча таълимотни чуқур эгаллаб олишлари тўғрисида, ўзларининг сиёсий маданиятларини оширишлари, партиянинг сиёсатини ишлаб чиқишда онгли иштирок этишлари ва уни фаоллик билан ҳаётга татбиқ қилишлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаверади».

Коммунистнинг атеистик пухта қуролланганлиги, диний идеология ва психологияга қарши илмий позицияларда туриб далиллар асосида кураш олиб бориш маҳорати унинг ғоявий етуклигининг ажралмас қисмидир. Аммо бизда ҳали жойларда диндорлар билан мунозара етарли даражада эмас, динни танқид қилиш эскириб кетган позициялардан туриб олиб борилади, унда ҳужумкорлик ва изчиллик етишмайди.

Ҳозирги кунда буржуа идеологлари марксизм-ленинизмга қарши курашни атеизмга қарши курашдан бошлаш керак, деб даъво қилмоқдалар. Улар шундай қилмоқдалар ва бу анча муваффақиятли чиқмоқда ҳам. Мамлакатнинг бир қанча регионларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам диний (айниқса ислом) жамоалар жонланмоқда. Масалан, бизнинг республикамизда атеистик тарбиялашда, интернационализмнинг ғоявий-ахлоқий негизларини шакллантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган диний хурофотларга қарши курашда кескин бурилиш ясалгани йўқ; ҳамон диний-патриархал расм-русмларни миллий анъаналар ва маҳаллий специфика қилиб кўрсатишга уринилмоқда. Ҳатто студент ёшлар орасида ҳам динга ишонувчи қатлам пайдо бўлди. Иш шунга бориб етдики, руҳонийлик хизматининг муайян қисмини давлат олий ўқув юртларини битириб чиққан кишилар бажар-

моқда. Адабиёт ва санъатда баъзан худо излаш ва худо ясаш томон, анимизм ва мистика томон ҳаракат қайта тикланмоқда, диннинг роли ошириб ва бузиб кўрсатилмоқда.

Коммунистларнинг ғоявий етуклигини, шу жумладан динга қарши эътиқодларини, активлиги ва жанговарлигини тарбиялашда бошланғич партия ташкилотлари катта роль ўйнашга даъват этилган. Худди ана шу жабҳада аслини олганда қайта қуришнинг ҳамма проблемалари жам бўлади ва бир-бири билан маҳкам боғланади, шу ерда унинг новаторлик ғоялари конкрет ишларга айланади. Бевосита омма орасида иш олиб борадиган партия бошланғич бўғинларининг аниқ мақсадни кўзлаган ишчанлиги, уларнинг одамларни замон тақозо этаётган бунёдкор вазифаларни ҳал этишга, ишда сезиларли муваффақиятларни изчил таъминлашга оёқлантира ва илҳомлантира билиш қобилияти қайта қуришни муваффақиятли тарзда ривожлантиришнинг пухта гарантиясидир.

Меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги бўлмиш бошланғич партия ташкилоти коллективдаги ишларнинг аҳволи учун, унда янги ахлоқий-психологик муҳитни барқарор этиш учун тўла-тўкис ва батамом жавобгардир. Бинобарин, ўзаро муносабатларнинг демократиклиги ва очиқ-ошкоралиги, ният ва қарорларнинг ошкоралиги, сўз билан ишнинг бирлиги, консерватизм ва лойиҳапарастликка қарши курашнинг дадиллиги коммунистларнинг кундалик ҳаёти учун характерли бўлган жойда кишиларнинг фикрлаши, онги ва хулқ-атворида қувончли ўзгаришлар айниқса кўзга ташланади. Ишнинг муваффақияти корхоналар, хўжаликлардаги партия аъзоларининг меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини ишга жорий этишга, тўғаноқ солиш механизмини ҳамда у «ҳомийлик қилаётган» бюрократизмни, тайёрга айёрлик, текисчиликни таг-томири билан йўқотишга қанчалик ҳисса қўшаётганлигига ҳам боғлиқдир. Бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиши муносабати билан пайдо бўлаётган имкониятлардан кишиларда хўжайинлик туйғусини, умумий иш-ташвишларга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш учун моҳирона фойдаланишлари керак.

Шак-шубҳа йўқки, агар ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ўз ихтиёридаги қайта қуришга партиявий таъсир кўрсатиш потенциалини тўла-тўкис ишга солса, унда ҳамма меҳнат коллективлари ишни анча яхшилаган бўладилар. Ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи ярмига ўтилаётган ҳозирги вақтда худди ана шу нарса зарурдир. Эртага ҳам, ҳамиша ҳам худди ана шу нарса ғоят зарур бўлади. Зеро, қайта қуриш — албатта жадаллаштирилган тарзда доимо олға томон ҳаракат қилишдир.

Сафларнинг жипслиги, бошланган ишнинг тўғрилигига бўлган ишонч ва революцион чидамлилик, мақсад сари олиб борадиган йўлдаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этишга қатъий аҳд қилганлик — ана шулар бугун ҳар бир коммунистнинг позициясини белгилаб бериши керак. В. И. Ленин онглиликни тарбиялаш ҳар бир партия аъзоси бутун ишининг базаси ва мазмуни бўлиши керак, деб таълим берган эди. КПСС XXVII съезди шу нарсани яна бир бор эслатдики, **«жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш — онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир».** Ана шу методологик қоидалар партия ишига асос қилиб олиниши лозим.

Тобора кенг кўламда авж олаётган қайта қуриш бизнинг ҳар биримизни ҳам батамом ўз ичига олди. Қайта қуришнинг ва ғоявий етукликнинг диалектикаси мана бундай: бир томондан, юксак даражада онгли, ғоявий етук кишиларгина қайта қуришни муваффақиятли олиб боришлари мумкин, иккинчи томондан, айнан кадрларнинг онгини, ғоявий чиниқишини қайта қуриш — қайта қуришнинг асосий вазифаларидан бирідир. Бошқача айтганда, онг қайта қуришни яратади (кишиларнинг фаолияти орқали, албатта), қайта қуриш эса онгни белгилайди.

Партия бундай деб таълим беради: қайта қуришни киши ўзидан бошлаши керак. Бу қоидани тўғри тушунмоқ ва моҳирлик билан татбиқ эта билмоқ лозим. Аммо ўзидан ташқаридаги фаолият орқалигина киши ўзини қайта қуриши мумкин. Маркс билан Энгельснинг фикрича, табиатга таъсир кўрсатиб ва ўзгартира бориб, инсон бу билан ўз табиатини ўзгартиради; бошқача сўзлар билан айтганда, «ўзини ўзи ўзгартириш вазиятни тубдан ўзгартириш билан мос бўлади» (Асарлар,

3-том, 201-бет). Фақат шундай бўлади. Бошқача йўл йўқ. Демак, биз қайта қуришни ўзимиздан бошлашимиз керак деганимиз амалий иш қилишимиз керак, демакдир. Бажараётган ўз асосий ишингни қилиш демакдир. Яхши ва янада яхши қилиш демакдир. Масаланинг моҳияти ана шунда. Қайта қуриш томошабинларга эмас, балки ғоявий етук, партия билан халққа чексиз содиқ индивидларнинг фаол ишлашига муҳтождир. Унинг ўзи ҳам янгиланиш революцион жараёнига тўғаноқ солаётган кишиларни ҳозирги кескин ва ажойиб тарихий моментнинг чеккасига улоқтириб ташлаб, ўша содиқ кишиларни яратади. Бурилишнинг пешқадами бўлиш, ана шу мураккаб, лекин зарур диалектик жараённи кучайтирувчи бўлиш — коммунистнинг шарафли вазифаси ва юксак бурчидир.

Партия қайта қуришни ўзидан, ўз кадрларидан бошлаб, ўзи амал қиладиган асосий мезонни — қайта қуришга муносабатни эълон қилди. Сайлаб қўйиладиган органларнинг барча партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисоботлари шуни кўрсатадики, коммунистларнинг кўпчилиги фаолиятсизлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик билан, қайта қуришга бепарво муносабат билан муроса қилишни истамаяптилар, сафсатабозлар ва маҳмадоналарга тоқат қилмаяптилар. Бу — қайта қуриш иши учун кадрлар олдига каттароқ талаблар қўйиш вазияти партияда юзага келтирилганлигининг қонуний натижасидир.

КПСС МК 1988 йил февраль Пленуми ана шу йўлдан изчиллик билан боришга, демак, қайта қуриш даври талаб қилаётганидек, демократизмга ҳормай ўрганишга даъват этди. Бундай ўқиш-ўрганишнинг ишончли йўли, ишончли ленинча методи бизда бор, бу — тап тортмай танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришдир. Бу — доимо омма орасида, энг долзарб ҳаётий проблемалар ичида бўлишга интилишдир. Бу — меҳнаткашларнинг, жамият барча табақаларининг кайфиятларини, эҳтиёжларини ва зарур манфаатларини жамлашдир. Бу, ниҳоят,— ишнинг ленинча, ишчанлик услубини кун сайин барқарор этишдирки, унинг асосий белгиси — оммага таянишдир.

Биз шуни ёдда тутишимиз шартки, партиямизнинг раҳбарлик роли юқоридан бирон-бир киши томонидан, ҳамишаликка берилган эмас, балки уни коммунистларнинг бир қанча авлодлари, социализм учун, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун фидокорона кураши билан қўлга киритган. Бинобарин, эндиликда — ҳар ой ва ҳар соатда — биз халқ учун, жонажон мамлакат учун фидокорона меҳнат қилиб, жамиятни революцион янгилашнинг авангардида бўлишдек ўз ҳуқуқимизни тасдиқлашимиз ва барқарор этишимиз лозим.

«Партия, — дейилади КПСС МКнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида, — марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, ижтимоий тараққиёт назарияси ва стратегиясини, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиши, социалистик янгиланиш идеологиясини шакллантириши, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини, кадрларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишларини олиб бориши зарур... Партия қайта қуришни бошлаб, қадам-бақадам ўзини қайта қурмоқда, партия ички турмушини янгиламоқда. Бундан буён жамиятга партиявий раҳбарлик ленинча принциплари бузилиши имкониятларини истисно қиладиган сиёсий механизмлар ва гарантияларни яратиш — кечиктириб бўлмайдиган вазифадир».

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ

У. РАШИДОВ,
иқтисод фанлари кандидати

КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ишлаб чиқаришни барча чоралар билан интенсивлашга қаратилган йўли ўз характерига кўра биринчи навбатда фан-техника революцияси ривожланишининг ҳозирги босқичи хусусиятлари билан боғланган объектив ҳодисадир. Бунда иқтисодий ўсиш экстенсив факторларининг тамом бўлганлиги, ресурслар, асосан табиий ресурслар чекланганлигининг ошиб борганлиги катта роль ўйнади. Ушбу жараённи планли бошқариш афзалликларига ва, бинобарин, энг кўп пировард натижаларга эришиш имкониятига эга бўлган социалистик ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг социал-сиёсий аҳамияти ҳам шу қадар муҳимдир. Ана шу жиҳатлар билан биргаликда ишлаб чиқаришни анъанавий, асосан экстенсив методлар ёрдамида кенгайтиришдек одат бўлиб қолган тенденцияларга барҳам беришга қатъиян қаратилган ижтимоий эҳтиёж интенсивлашни КПСС иқтисодий стратегиясининг глобал йўналиши сифатида олға сурди.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш ғоят муҳим иқтисодий категория бўлиб, у ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларидаги доимий сифат ўзгаришларини акс эттиради. Марксизм-ленинизм классиклари унинг моҳиятини, такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал йўналганлигини характерлар эканлар, иқтисодий ривожланиш факторларининг сифат томонини таъкидлаганлар. Масалан, Қ. Маркс «Капитал»да «кенгайтирилган миқёсдаги» такрор ишлаб чиқариш хусусида сўз юритиб, «фақат ишлаб чиқариш майдони кенгайса, кенгайтирилган экстенсив, ишлаб чиқаришнинг янада самарадор воситалари татбиқ этилса, кенгайтирилган интенсив такрор ишлаб чиқариш» (Қ. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 24, с. 193) мавжуд бўлишини таъкидлайди. Демак, интенсивлаш ишлаб чиқариш факторларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, ишлаб чиқариш даражаси ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида техника ва технологияда қилинган прогрессив ўзгаришлар, умумиқтисодий ва социал шароитни ҳисобга олган ҳолда уларни татбиқ этишдаги ана шундай ўзгаришлар демакдир.

Кенгайтирилган асосда такрор ишлаб чиқаришнинг реал жараёнида иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив факторлари ўзаро боғлиқликда ҳамда жамият тараққиёти ҳар бир тарихий босқичи учун белгиланган бирикувда амал қилади. Бундай бирикув тилга олинган факторлар социал мазмуни, улардан фойдаланиш мақсад ҳамда оқибатларини шартловчи ижтимоий тузумга ҳам боғлиқ бўлади. Лекин умумиқтисодий жиҳатдан олганда интенсивлаш, В. И. Ленин таърифига кўра, «ҳамма маданиятли мамлакатларнинг на тасодифий, на маҳаллий, на эпизодик, балки *муштарак* ҳодисаси» (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 168-бет) бўлгани учун фан ва техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг индустриал технология ва методлари ривожланиши билан такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типи тобора устун бўлиб боради.

Қ. Маркс аграр секторга татбиқан олганда интенсивлашни «айни биргина ер майдонида капиталнинг концентрацияланиши» (Қ. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 25, ч. II, с. 227) деб қараган эди. В. И. Ленин ҳам проблеманинг моҳиятини

ана шундай тушунган, яъни «...қўшимча меҳнат ва капитал сарф қилиш (ёки: ҳар гал сарф қилиб бориш)» деган тушунчанинг ўзи ишлаб чиқариш усулларининг ўзгаришини, техниканинг ўзгаришини *тақозо қилади.* Ерга сарф қилинадиган капитал миқдорини анча кўпайтириш учун янги машиналар, янги деҳқончилик системалари, мол боқиш, маҳсулотни ташишда янги усуллар *ихтиро қилмоқ* керак ва ҳоказо ва ҳоказо» (ТАТ, 5-том, 113-бет).

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигидаги интенсивлашнинг моҳияти ер майдони бирлигига ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат воситаларини сифат жиҳатидан такомиллаштиришни шарт қилган ҳолда маблағ сарфлашни кўпайтириш демакдир. Қ. Маркс таъкидлаганидек, «айни бир хил иш воситасидан, яъни айни бир хил асосий капиталдан унинг ҳар йилги истеъмоли вақтини узайтириш воситасида ҳам, уни татбиқ қилиш интенсивлигини ошириш воситасида ҳам янада самарали фойдаланиш мумкинки, бунинг учун қўшимча пул харажати талаб қилинмайди...» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 24, с. 399).

Бу ерда интенсивлаш жараёнини фақат капитал маблағлар ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш фондларини жамғаришгагина боғлиқ қилиб қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлаш муҳим. Партия ва ҳукуматнинг кейинги ҳужжатларида таъкидланганидек, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган воситалар массасининг оширилиши ўз ҳолича интенсивлашнинг янада юксак даражаси учун потенциал имкониятнигина яратади. Лекин, ушбу имкониятни реализация қилиш учун фан ва илғор тажриба ютуқларидан, ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологияси ва ташкил этилишидан фойдаланиш зарур.

Қонуниятлар характери кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш интенсив формасининг муҳим хусусияти бўлиб, улар, биринчидан, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан такомиллаштиришдаги умумий сарф-харажатлар билан суръатлар ўсиши ўртасида; иккинчидан, бир томондан умумий меҳнат сарфлари билан бошқа томондан, маҳсулот ҳамда унинг қиймати ўртасида ҳосил бўладики, маҳсулот ишлаб чиқарилиши умумий меҳнат сарфлари ўсишидан илгарилаб кетиши керак. Иккинчи қонуният мантиқан биринчисини тақозо этади ҳамда ўшандан келиб чиқади. Шундай қилиб, интенсивлаш ўз моҳиятига кўра кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан янада самарали формасидир.

КПСС XXVII съезди ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш проблемасига янгича ёндашувни белгилаб бердики, у қуйидаги талабларни ўз ичига олади:

интенсивлаш бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнини қамраб олиши, комплекс, ҳар томонлама ва изчил олиб борилиши керак;

фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва тежамкорлик режимини кучайтириш сингари ҳал қилувчи факторлар биринчи ўринга қўйилади; агар илгарилари, мисол учун, ишлаб чиқариш жараёнлари йўналганлигини фан ва техника ютуқларини жорий қилиш орқали кучайтириш хусусида сўзланганда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурлиги эътибордан четда қолиб келган бўлса, ҳозир эса бундай аҳволни тубдан яхшилаш, энг унумдор ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини сифат жиҳатидан ўзгартирадиган техникани жорий қилиш вазифаси қўйилган, яъни жорий этишнинг ўзи эмас, балки унинг пировард натижаси мақсадга айланади;

экономикани бошқариш янада демократик характер касб этади, меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини активлаштириш имконияти туғилади, — бошқача айтганда, бошқариш халқ хўжалигининг асосий бўғинига — корхона ҳамда бирлашмаларга кўчиб ўтади;

экономиканинг асосан интенсив ривожланиш йўлига ўтказилиши бир вақтнинг ўзида социал сиёсатни кучайтириш, инсон омилини барча чоралар билан активлаштириш билан биргаликда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда бир вақтнинг ўзида ўсимлик маҳсулотларини етиштиришнинг асосий воситаси, Қ. Маркс ибораси билан айтганда ўзига хос машина ҳам бўлган ер «ишлаб чиқариш майдони» ҳисобланади. Лекин ушбу машинани, яъни мавжуд ерларни ҳаракатга келтириш учун жамият етарли меҳнат ресурсларига ҳамда бошқа ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши керак.

Ҳақиқий аҳвол шундан иборатки, мамлакатда ҳар йили қишлоқ хўжалик оборотидан жуда кўп миқдорда қимматли ер-мулклар чиқиб қоляпти: ҳар бир киши ҳисобига тўғри келувчи экинзор майдони 1960 йилдаги 1,03 гектардан 1987 йилда 0,76 гектарга қисқарди. Ана шу ғоят муҳим табиий-иқтисодий ресурс чекланганлиги ошиб бораётганлиги шароитида қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш икки асосий вазифани ҳал қилишга: биринчидан, «ер-машина» унумдорлигини оширишга, иккинчидан, «ер-машина»ни ҳаракатга келтиришга ҳамда унинг ишлашидан меҳнат сарфлари нисбатан камайиб борган ҳолда натижаларни қўлга киритишга имкон берувчи ишлаб чиқариш воситаларини барча чоралар билан ривожлантиришга йўналтирилган.

Бу эса социалистик қишлоқ хўжалигини интенсивлаш муайян техника-ишлаб чиқариш ва иқтисодий шароитлар, яъни интенсивлаш факторлари мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириладиган ҳолда, яъни унинг ўзига хос ишлаб чиқарувчи кучи иқтисодий самарадорлигини юксалтиришга ифодаланади демакдир. Ўзининг функционал аҳамиятига кўра ушбу факторларни учта катта группага бўлиш мумкин: ер майдони ҳар бир бирлигидан ва ҳар бир бош маҳсулдор чорва молидан маҳсулот олинишини кўпайтирувчи факторлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бирлигини етиштиришга кетган меҳнат сарфини камайтирувчи факторлар; у ёки бу вазифанинг бир вақтнинг ўзида тенг даражада ҳал қилинишини таъминловчи факторлар. Ушбу группалар ўзаро чамбарчас боғланганлиги, бир-бирини тақозо этиши сабабли муайян қатъий системада, такрор ишлаб чиқаришнинг имманент интенсив формасида ривожланиши керак. Интенсивлаш факторларининг барча группалари социалистик қишлоқ хўжалигида юз бераётган фан-техника, иқтисодий ва социал тараққиётнинг конкрет ифодаловчиси бўлаётгани уларнинг ҳаммаси учун муштарак ҳолдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш социализм иқтисодий қонунларини реализация қилишнинг алоҳида формаси сифатида, бизнингча, сарф-харажатлар ҳамда уларнинг натижалари шунчаки ўзаро боғланган ҳолда ҳаракат қилишини эмас, балки уларнинг ҳар бир бирлик ер майдони ҳамда ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмдан маҳсулот (фойда) олинишини кўпайтиришни таъминлайдиган ҳаракатини тақозо этади.

Социалистик қишлоқ хўжалигини интенсивлаш яккаланиб қолган жараён эмас, балки ягона халқ хўжалик комплексида такрор ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисмидир, чунки экономиканинг бошқа тармоқларидаги сингари, индустриал меҳнат воситаларининг устун даражада ўсиши унинг моддий негизини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва миқёслари колхоз-совхозлар учун машина, ускуна, ўғит ва ҳоказолар ишлаб чиқарувчи саноатнинг ишига, АСК барча бўғинлари уйғун-ва мутаносиб ривожланишига боғлиқдир. АСК системасида уни интенсивлаш соҳасига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ҳам озиқ-овқат саноатини техникавий қайта қуроллантириш, химиялаштириш ва мелиорация, ишлаб чиқариш воситаларини ишловчи тармоқлар (машинасозлик, қурилиш, омихта ем ва микробиология саноати ва шу кабилар) ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш киритилади.

АСК системасида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ер ва ҳатто умуман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзигина эмас, балки қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи барча соҳа ҳамда тармоқлар мажмуи ҳам интенсивлашнинг объекти ҳисобланади. Бу ерда аграр меҳнатни саноат меҳнати билан қўшиб олиб бориш ва кооперациялаш ҳамда шу асосда озиқ-овқат етиштиришга доир вазифаларни қишлоқ хўжалиги билан индустрия ўртасида қайта тақсимлаш интенсивлашнинг характерли хусусияти ҳисобланади.

АСК такрор ишлаб чиқаришнинг негизида озиқ-овқат етиштиришнинг агросаноат усули ётган алоҳида кичик системасидир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнининг асосий элементлари ўртасида ҳам, АСК барча бўғинлари ўртасида ҳам барқарор балансланганликка эришиш агросаноат комплексини узилишларсиз ишлайдиган, пухта уйғунлашган организмга айлантириш демакдир. Сўз қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлигига сифат жиҳатидан янгича ёндашиш хусусида боряптики, у буларнинг ривожланишида мақбул мутаносибликка эришиш учун йўналтирилиши

керак. Бу эса, ўз навбатида, биринчидан, унинг барча тармоқларининг ўсиш суръатларида илмий асосланган боғлиқлик бўлишини; иккинчидан, АСК ҳар бир бўғинини ижтимоий-нормал миқдордаги самара билан таъминлашни; учинчидан, юксак пировард натижаларга эришишда АСКга тааллуқли барча шериклар манфаатларининг бирлиги ва тенглигини тақозо этади.

Чуқур ва моҳиятан туб ҳодиса бўлган мутаносиблик реал воқеликда балансланганлик формасида намоён бўладики, у ҳар бир конкрет ҳолда кўпгина ҳолатларга боғлиқ бўлади. У оптимал пропорцияларда ҳам, нооптимал пропорцияларда ҳам бўлиши мумкин. Лекин балансланганлик билан мутаносиблик ўртасида мувофиқлик қанча юқори бўлса, агросаноат комплексининг самарадорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади (бунда мутаносиблик деганда пропорцияларнинг ижтимоий эҳтиёжларга энг кўп мувофиқ келишлик йўналишидаги динамиклиги ҳамда ҳаракатчанлигини тушуниш керак).

Ҳозирча, маълумки, АСКга кирувчи тармоқларни ривожлантиришда жиддий номутаносибликларга барҳам беришга муваффақ бўлинмади. АСКда фан-техника тараққиётини амалга ошириш учун комплекс ёндашилмаяпти, бу эса унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда зарур мутаносибликка эришиш ишида халақит беряпти. Юксак пировард натижаларга эришишда АСК барча шериклари манфаатларининг бирлиги ҳамда тенглигини таъминлаш вазифаси ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни яхшилаш проблемалари ҳал қилинмаган. Амалдаги хўжалик механизмида ҳали камчиликлар оз эмас, иқтисодий методлар ва ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатувчи воситалар суст ривожланган.

Қишлоқ хўжалигини индустриал меҳнат воситалари билан таъминлашни ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харид қилинишини ҳам тартибга солувчи перспектив план-буюртмаларни илмий асослаш даражасининг оширилиши АСКда ишлаб чиқариш балансланганлигини таъминлашнинг муҳим фактори ҳисобланади. Етказиб бериладиган маҳсулот ва хизматлар характеристикасини аниқлашда устунлик, бизнингча, истеъмол қилувчи тармоқларга мансуб бўлиши керак. План-буюртмалар ишлаб чиқариш планининг негизига қўйилиши керак, унда истеъмолчи тармоқнинг барча таклифлари ҳам миқдорий, ҳам сифат параметрлари бўйича қайд этилиши, агросаноат комплекси тармоқлари ўртасидаги муносабатлар эса бевосита узоқ муддатли шартномалар ҳамда хўжалик алоқалари асосида ривожлантирилиши керак.

Ҳам давлатнинг, ҳам колхозларнинг капитал маблағлари АСКда интенсив такрор ишлаб чиқаришнинг моддий негизи ҳисобланади. Совет ҳокимияти йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бутун комплекс бўйича 827,6 миллиард сўм, шу жумладан 1986 йилда 46,0 миллиард сўм (унинг 31,3 миллиардини давлат маблағлари ва 14,7 миллиардини колхоз маблағлари ташкил этди) ажратилди. Ана шундай йирик капитал маблағлар туфайли 1981—1986 йилларнинг ўзидагина АСКда 327,5 миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди, суғориладиган ерлар майдони 3,9 миллион гектарга, захи қочирилган ерлар эса 4,2 миллион гектарга кўпайтирилди, 19 миллион гектар яйловга сув чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги ҳар йили кўп миқдорда тракторлар, ғалла комбайнлари, минерал ўғит ва бошқа кўп нарсаларни олмоқда.

1987 йилда АСКга кирувчи тармоқлар ҳиссасига (уни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларни қўшганда) ялпи ижтимоий маҳсулот, асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳамда халқ хўжалигида банд бўлган кишилар сонининг салкам учдан бир қисми тўғри келди. Ҳозирда АСК мамлакат чакана товар оборотининг 70 процентдан ортиқроғини товар ресурслари билан таъминламоқда.

Лекин анализнинг кўрсатишича, АСК иқтисодий ўсишининг суръатлари уни ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар суръатидан кескин орқада қолмоқда: агар комплекснинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1970—1986 йиллар ичида 3 баравар кўпайган бўлса, маҳсулот ҳажми эса 1,5 баравар ошди. Меҳнат унумдорлиги ва фонд самарадорлигининг паст даражадалиги бундай аҳволнинг бош сабабидир. КПСС XXVII съезди агросаноат комплексини ривожлантиришда кескин силжиш кераклигини бежиз уқтиргани йўқ.

Ушбу хулоса Ўзбекистон агросанот комплекси учун алоҳида актуалликка молик. Унинг ҳиссасига ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда халқ хўжалигида жами

банд бўлган кишиларнинг тахминан 50 проценти, республика асосий ишлаб чиқариш фондларининг 43 проценти тўғри келмоқда. Унда Қорақалпоғистон АССР, 12 область ҳамда 156 район агросаноат бирлашмалари иш олиб бормоқда, уларга 2119 колхоз, совхоз, хўжаликлараро ва қишлоқ хўжалигига тааллуқли бошқа корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек, 278 саноат, 1178 хизмат кўрсатиш ва 828 бошқа хил корхона ҳамда ташкилотлар киради.

Республика қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга катта капитал маблағлар ажратиляпти — кейинги 10 йил ичида салкам 28 миллиард сўм ажратилди. Натижада аграр секторнинг фонд ҳамда энергия билан таъминланганлиги ошди, сув хўжалиги соҳасида катта ишлар амалга оширилди, катта қўриқ ер массивлари ўзлаштирилди. Ҳозир Ўзбекистон колхоз ва совхозлари амалда чекланмаган меҳнат ресурсларига эга, улар ихтиёрида 257 минг трактор, пахта териш машинаси, ғалла комбайни бўлиб, ҳар йили салкам 1,3 миллион тонна минерал ўғит (100 процентли озиқ моддасига эгалигини ҳисоблаганда) олмоқдалар. Республика сув омборларининг умумий сиғими 18 миллиард кубометр сувдан ортиқ, ирригация тармоғининг узунлиги 120 минг километрга етади.

Лекин ана шу жуда катта табиий-иқтисодий потенциалдан фойдаланиш жуда қониқарсиз аҳволда. Кенг доирадаги масалаларни қамраб олувчи юксак даражадаги деҳқончилик маданияти асосидагина аҳволни тузатиш мумкин. Бу масалаларга табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришдаги технологик жараёнларни такомиллаштириш ва бир қатор бошқа масалалар киради.

Тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш проблемаси алоҳида ўринда турибди. Республиканинг умумий суғориш фонди бўлмиш 4 миллион гектар ердан салкам 600 минги мелиоратив ҳолатни яхшилашга муҳтож, 400 минг гектарда сув билан таъминланганлик 75 процентга етмайди, бир қатор нобоп хусусиятлари туфайли 150 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ер жуда паст ҳосил бермоқда, 2,5 миллион гектардан зиёд майдонда турли даражадаги шамол эрозияси кузатилди. Кейинги 10 йил ичида чиринди моддаларга жуда бой тупроғи билан ажралиб турувчи эскидан суғориладиган ерлар салмоғи 45 дан 36 процентга қамайди. Умуман олганда республика бўйича 2,3 миллион гектар суғориладиган ерлар реконструкциялашга муҳтождир.

Суғориладиган ерларнинг бундай аҳволи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг пировард натижаларига салбий таъсир кўрсатмай қолмас эди. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида 100 гектар экинзор ҳисобига фонд билан таъминланганлик 25 процент ҳамда ҳар бир ходимнинг энергия билан қуролланганлиги 11 процент ошгани ҳолда суғориладиган гектар ҳосилдорлиги камайганлиги сир эмас. Зарар кўрувчи хўжаликлар сони кўпайди, асосий экинимиз — пахтанинг ҳосилдорлиги пасайди: бир миллион гектардан ошиқ ерда ҳар гектардан 25 центнердан кам, шу жумладан, 400 минг гектарда 20 центнердан кам, 230 минг гектарда эса 15 центнердан кам ҳосил олинмоқда.

Пахтачиликнинг самарадорлиги — аввало меҳнат унумдорлиги ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичлари эканини эслатиб ўтамиз. 1986 йили республикада ҳар бир ходим ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш Иттифоқдаги ўртача даражанинг атиги 57 процентини ташкил этди. Ўзбекистон ана шу кўрсаткич бўйича мамлакатда ўн тўртинчи ўринда туради.

Республикада пахта етиштиришга бўлган меҳнат сарфи 1976 йил даражасида қоляпти. Комплекс механизациянинг охирига етказилмаганлиги, хўжалик ҳисоби, коллектив ва оила пудратларидан суст фойдаланиш бунинг асосий сабабларидан биридир. Анализнинг кўрсатишича, ҳатто механизациялаш воситалари билан ҳозирги қуролланганлик даражасида ҳамда ҳисобга олиш ишида энг оддий тартиб ўрнатиш орқали ҳам бу сарфларни 25—30 процент камайтириш мумкин.

Ҳолбуки кейинги вақтларгача кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари машина теримини ташкил этиш ўрнига мактаб ўқувчилари, студентлар, корхона ва ташкилотлар ходимларини теримга оммавий жалб қилган ҳолда қўл меҳнатига ёпишиб олган эдилар. Механизацияга қарши ана шундай кайфиятлар оқибатида, Ўзбекистон Компартияси МК VII пленуми (1987 йил декабрь) кўрсатиб ўтгани-

дек, техниканинг анчагина қисми амалда темир-терсакка айланиб қолди ҳамда колхоз-совхозлар балансидагина рўйхатда турибди. 1987 йили жами ҳосилнинг атиги 42 процентигина машиналарда териб олинди. Ўзбекистон Компартияси МК бундай аҳволни тузатиш ғоят муҳимлигини эътиборга олиб, ушбу кўрсаткични 1988 йилда 60 процентга етказиш вазифасини қўйди.

Республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини такомиллаштиришга доир иш олиб борилянти, у борган сари кўп тармоқни қамрамоқда. Дон хўжалигини, мева-сабзавотчилик, озуқа етиштириш, чорвачилик соҳаларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди.

АСК пировард маҳсулоти олинишида қайта ишлаш саноати корхоналари муҳим ўрин тутади. Хўжаликлар билан пахта тозалаш заводларининг бевосита моддий манфаатдорлиги ўрнатилганлиги сезиларли иқтисодий натижаларга олиб келди. 1984 йилдан тола чиқиши кўпайиб, у 1987 йилда 33 процентга яқин бўлди, шунинг ҳисобига колхоз ва совхозлар 1985—1986 йилларда қўшимча равишда 388 миллион сўм олдилар, пахта тозалаш тармоғи яна рентабел бўлиб қолди.

Шу билан бирга узоқ вақт мобайнида қайта ишловчи тармоқларга етарлича эътибор берилмаганлиги ўз таъсирини кўрсатяпти. Уларнинг янгиланиши бир маромда бормади ҳамда бунда корхоналарнинг техник холати ҳисобга олинмади. Ёғ-мой, сут, консерва, кондитерлик ва балиқни қайта ишлаш тармоқларида кувватлар етишмаслиги сезилмоқда. Консерва, кондитерлик, нон ва сут заводларининг учдан бир қисмидан кўпроғи техник ва санитария нормаларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган, уларда маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан эскирган ускуналар кўп.

Маҳсулотларни сақлаш базаси айниқса орқада қолган ва суст ривожланяпти. АСК хўжаликлари ва корхоналари картошка, сабзавот ва мева омборлари билан ўз эҳтиёжларининг атиги ярмиси миқдорида таъминланганлар. Ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳсулот сифати билан қайта ишлаш саноатининг техника даражаси ўртасида очиқдан-очиқ номутаносиблик юзага келди. Корхоналарни жадал реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобигагина бу проблемани ҳал этиш мумкин. Лекин 1986 йилда нон заводларини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағлар ҳажми қисқарди; 24 нон заводини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришга 1,9 миллион сўм ажратилган эди, унинг бор-йўғи 1,3 миллионигина ўзлаштирилди. 1987 йили ана шу мақсадлар учун атиги 210 минг сўм, ёки ҳар бир нон заводи учун 9 минг сўмдан камроқ маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Қайта ишлаш тармоқларидаги ишлар аҳволи шу қадар мураккаблашдики, ишлаб чиқаришга дахли бўлмаган харажат ва нобудгарчиликлар умумий суммаси 1986 йилда 425 миллион сўмдан ошиб кетди. Йиғиб-териб олинган пахтани, мева-сабзавотларни сақлаш ҳамда қайта ишлашда хўжасизлик натижасида, умумиттифоқ фондига етказиб бериш пайтида катта зарар кўриляпти. Республика озиқ-овқат саноати тармоқлари кўплаб брак маҳсулот ишлаб чиқармоқда, натижада реализация қилиш ҳажмидан 1986 йили бундай маҳсулотлар 1985 йилга қараганда 1,5 баравар кўпроқ олиб ташланди.

Илмий асосланган алмашлаб экишни ўзлаштириш республика қишлоқ хўжалигини янада чуқурроқ интенсивлаш учун зарур шартлардан бири ҳисобланади. 1987 йили умуман республика бўйича пахтазорлар 72 процентни ташкил этди, бедазорлар улушига эса, олимлар тавсия қилганидек, барча экинзорларнинг 25—30 проценти эмас, балки атиги 14,5 процентигина тўғри келди. Тўғри, беда алмашлаб экиш ўзлаштирилаётган пайкаллар 1986 йилга қараганда бирмунча кўпайди, лекин шундай бўлсада бу нарса ҳозирча фақат 28 район ва 278 хўжаликда татбиқ этилган. Бунинг натижадорлиги хусусида, жумладан, Самарқанд областининг Нарпай ва Пахтачи районларида алмашлаб экишга тўлиқ ўтган хўжаликлар тажрибаси гувоҳлик бермоқда. Масалан, Пахтачи районидаги К. Маркс номли колхозда йилига ҳар гектардан 40 центнердан пахта йиғиб олинмоқда. Афсуски, республика хўжаликларининг аксариятида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашда алмашлаб экиш ўйнайдиган ролга етарлича баҳо бермаслик оқибатида уларни ўзлаштиришга доир топшириқлар бажарилмаяпти, уларни жорий қилиш бўйича иш эса ўғит ҳамда гўнгдан фойдаланиш системасини такомиллаштириш билан боғлаб олиб борилмаяпти.

Республикада пахта етиштиришни кўпайтириш сўнгги пайтгача янги ерларни ўзлаштириш ҳамда бошқа экинларни камайтириб, пахтазорларни кенгайтириш ҳисобига, яъни экстенсив йўл билан олиб борилди. Суғориладиган ерлардан фойдаланишда тегишли назорат йўқлиги натижасида жиддий бузилишларга йўл қўйилди. Кўпгина қишлоқ хўжалик ташкилотларида аҳволни яхши деб кўрсатиш мақсадида ҳисоботдан яширилган пахтазорлар кенг ўрин олди. Пландан ташқари экинзорлар, одатда, тупроқ ҳосилдорлигига зарар етказиб, ирригация жиҳатидан тайёрланмаган, суғориш суви билан таъминланмаган ерларда жойлаштирилди. Бундай ерларда ҳосил унмаганлиги тушунарли, албатта. Бу ҳол ишлаб чиқаришга дахли йўқ харажатларга олиб келди, кўп миқдорда ўғит солиш ҳисобига аҳволни тўғрилашга уриниш эса чиринди моддалар камайиб, тупроқ структураси ёмонлашишига, унинг химикатлар билан ғоят тўйиниб кетишига олиб келди.

Алмашлаб экишни ўзлаштиришга доир иш эса кетга суриб қўйилди. Шуни таъкидлаш кераккки, бунда икки пайкалли беданинг икки йил сақланишини кўзда тутган ҳолда пахта-маккажўхори (чопиқ қилинадиган) ва пахта-беда алмашлаб экиш татбиқ қилиниши ҳамда ўзлаштирилиши ўз салбий ролини ўйнаган эди. «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари томонидан ўтмишдош экинлар ғўза ҳосилдорлигига қандай таъсир кўрсатишига доир олиб борилган тадқиқотлар пахта-беда алмашлаб экилишида ҳосилдорлик бир хил экин экилишига қараганда анча юқори бўлишини кўрсатди: уч йиллик бедазор ҳайдалгач у 1,6 баравар, шунда сўнгги иккинчи йилда 1,7, учинчи йилда 1,3, тўртинчи йилда 1,1 баравар, яна уч йил мобайнида 6—9 процент юқори бўлади. Бедазор ҳайдалгач экилган ғўзадан 1 центнер ҳосил олиш учун сувни сарфлаш эскидан бир хил экин экиладиган ерга қараганда 1,5 баравар камлиги ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот бирлиги олишга азотни сарфлаш ҳам камаяди. Шу билан бир вақтда пахта-маккажўхори алмашлаб экишдаги ғўзага ишлов бериш туфайли ротация охирида унинг ҳосилдорилиги 25 процентгача пасаяди, яъни тупроқнинг потенциал ҳосилдорлиги кескин камаяди, чунки пахта билан маккажўхори уни ҳаддан ташқари ориқлатиб юборади.

Пахта экувчи районларда алмашлаб экишни ўзлаштириш янги вазифа эмас. У 1920 йилдаёқ илгари сурилган эди. Хўжалик соҳасидаги раҳбарларимиз Ўзбекистонда уни амалга ошириш қуйидаги ҳолларга имконият яратишини англаб олишлари учун вақт етиб келди:

1) тупроқда чиринди камайиши жараёнини тўхтатади;

2) юқори миқдордаги минерал ўғитни ишлатмасдан суғориладиган ерлар самарадорлигини оширади, бу эса экологик вазиятни хам яхшилайди;

3) озуқа етиштириш масалаларини амалда ҳал қилади;

4) хар гектарда сувдан фойдаланишни ўртача 600 кубометргача камайтиради;

5) ғўза вилти ривожланишига тўсқинлик қилади ҳамда пахта толасининг сифатини оширади.

Ҳозирги вақтда республикада ана шу ишни муваффақиятли ўтказиш учун объектив шарт-шароит юзага келди. Ўн иккинчи беш йилликда янги майдонларни ўзлаштириш плани камайтирилди, шу туфайли бўшатиб олинадиган капитал маблағлар биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва реконструкциялашга йўналтирилади. Пахта етиштиришга доир план топшириқлари ҳам пасайтирилди. Буларнинг ҳаммаси, олим ва мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, барча пахтачилик хўжаликларида 1990 йилга бориб пахта-беда алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш имконини беради. Бунинг учун, бизнингча, биринчи навбатда мелиоратив ишлар ўтказилишини талаб қилувчи ерларда (0,6 миллион гектар) 1:3:5 ёки 1:3:6 схемаси асосида пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш зарур.

Минерал ва органик ўғитлар деҳқончиликни интенсивлашнинг қандай кудратли воситаси эканлиги маълум. Улардан тўғри фойдаланувчи хўжаликлар бир килограмм азот ҳисобига 15—17 килограммдан пахта оляптилар. Лекин ўғитни кўпинча «чамалаб», ўсимликнинг ҳақиқий эҳтиёжини ҳисобга олмай пайкалга олиб чиқадилар. Натижада ўғит кўп миқдорда исроф бўлади, маҳсулот таннархи ҳам ошиб кетади. Шу сабабли ўғитни илмий асосланган ҳолда тақсимлашни таъминлаш, уларни ҳар бир пайкалга тупроқнинг озиқ моддаларига эҳтиёжи

амалда қандайлигига қараб олиб чиқиш ҳам энг актуал масалалар бўлиб қоляпти.

Агросаноат комплекси тармоқларини интенсивлаш, партия ва ҳукумат ҳужжатларида таъкидланганидек, маҳсулот етиштириш учун кетадиган харажатларни камайтирган ҳолда унинг ҳажмини оширишнинг бош йўлидир. Бугунги кунда капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланиш, ер майдони бирлигидан кўп миқдорда маҳсулот олиш вазифалари биринчи ўринга қўйилмоқда. Агросаноат комплекси интенсив ривожланишининг ресурс тежовчи стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг ғоят муҳим зарурати ҳам шундан келиб чиқадики, у қуйидагиларни тақозо этади:

— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мамлакат зоналари бўйлаб, шунингдек, зоналар ичида мувофиқ ҳолда жойлаштириш ва ихтисослаштириш йўли билан тупроқ-иқлим потенциалидан янада самарали фойдаланиш;

— мамлакат агросаноат комплексида АСК биринчи соҳасининг янада самарали ишлашини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура ҳамда қолоқ бўғинларни ўзаро тенглаштириб олишни, етиштирилган маҳсулотни янада тўлиқроқ қайта ишлаш ва сақлашни таъминловчи прогрессив структуравий силжишларини таъминлаш;

— барча ўсиш факторларининг зарурий балансланганлигига эришиш учун маблағлар устунлиги ва босқичларини аниқ белгилашни, ресурслар билан мослашувчан ҳаракат қилишни кўзда тутувчи самарадор инвестиция стратегияси ҳамда тактикасини олиб бориш;

— хўжалик механизмини АСК барча бўғинларида ресурс тежовчи ечимларни излаш ва реализация қилишга қайтадан йўллаш.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш энг муҳим проблема ҳисобланади. У планлаштиришни, бошқаришнинг ташкилий структураси, иқтисодий восита ва стимуллар системасини қамраб олиши керак.

Планлаштиришнинг халқ хўжалиги кўламидаги даражаси ҳал қилувчи позиция ва пропорцияларни қамраб олган ривожланишнинг ресурс тежовчи стратегиясини амалга оширишни таъминлашга даъват этилган. Ана шу даражада мамлакат бўйича ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг рационал схемасидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир регион учун озиқ-овқатга бўлган ўз эҳтиёжларини таъминлаш ва иттифоқ озиқ-овқат фондига қўшадиган ҳисса учун конкрет масъулият чора-тадбирларининг илмий асосланган таърифи муҳим аҳамиятга эга.

Барча даражада агросаноат комплексини бир бутун ҳолда бошқариш энг кўп пировард самарага эришиш мақсадида ресурсларини тармоқлараро ва территориал миқёсда маневр қилиш учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит яратади. Лекин бошқариш органларида ҳуқуқ ва ресурсларнинг марказлаштирилиши ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўғинларининг мустақиллигини йўқотишга олиб келмаслиги керак. Шу сабабли нархнинг ўзаро нисбатлари ва тўловларни тартибга солиш, кредит ҳамда молиявий имтиёзлар олиш шарт-шароитини барқарор этиш, шунингдек марказлаштирилган озиқ-овқат ва молия фондларини яратишда уларнинг ресурс потенциялларига баҳо беришга мувофиқ ҳолда территориал бўғин ҳамда хўжаликлар ҳиссасининг иқтисодий нормативларини белгилаш воситасида муштарак мақсадларга эришишни таъминловчи хўжалик бирликларига планли таъсир кўрсатишнинг иқтисодий методлари роли оширилади. Буларнинг бари майда ишлаб чиқариш бўғинларига ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини изчиллик билан етказишга боғлиқ. Ресурс потенциали бирлиги ҳисобига маҳсулот чиқарилиши (ижтимоий-норматив харажатлар асосида) қишлоқ хўжалик корхоналари ва территориал бўғинлар фаолиятининг якунларига баҳо беришда асосий кўрсаткич бўлиши керак. Хўжалик соҳасидаги шериклар ўртасида етказилган зарар учун уларнинг тўла моддий маъсулиятини тақозо этувчи ҳамда бирор бир хўжалик бўғинининг колхозлар ва совхозларга нисбатан танҳо мавқега эга бўлишини истисно этувчи шартнома муносабатларини авж олдириш жуда муҳимдир. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида 1988 йил 23 март куни сўзлаган нутқида янги ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни эгаллаш вазифасини ҳаётий зарур вазифа деб атаганлиги бежиз эмас. Аграр муносабатларни ривожлантиришда амалга оширилаётган чуқур бурилиш,

деб таъкидлади у, колхоз ва совхозлар потенциалини очиб беришга, кооператив фаолиятнинг турли формаларини ихтиёрий танлаш ҳуқуқини таъминлашга, хўжалик ҳисобидаги пудратни, шу жумладан, оилавий ва ижара пудратини кенг тарқатишга мўлжалланган.

Яна, бизнингча, шаҳарсозлик, саноат, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалар қурилиши натижасида қишлоқ хўжалик оборотидан қимматли ер-мулклар чиқиб қолишини чекловчи иқтисодий механизмни яратиш керак.

Хўжалик механизмининг ер-сув ресурсларидан тежаб-тергаб ва рационал фойдаланишга таъсирини кучайтириш алоҳида актуаллик касб этмоқда. Уларга ҳақ тўлашни тартибга солиш, хусусан, ер солиғи формасида қайд этилган рента тўловларини, суғориш суви учун ҳақни, ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатларда расм бўлаётганидек, қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган фойдаланувчиларга улар даромадлари ҳисобига берилаётган ер учун юксак ставкаларни жорий қилиш табиатдан фойдаланишни рационаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

АСКдаги ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатидан янги техник даражаси интенсивлашнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолади. Ўн иккинчи беш йилликда ана шу мақсадда қишлоқ хўжалигига камида 43 миллиард сўмлик юксак унумли машина ва ускуналар етказиб бериш планлаштирилмоқда (ҳозирги вақтда мамлакат колхоз ва совхозлари иш машиналари ва ускуналарининг умумий қиймати салкам 30 миллиард сўмни ташкил этяпти). Бундан ташқари, минерал ўғит ҳамда химиялаштириш воситаларини етказиб бериш кескин ошади.

АСК асосий фондлари структурасини такомиллаштириш, капитал маблағларнинг устун йўналишларини белгилаш, маҳсулот етиштиришдан тортиб уни реализация қилишгача бўлган бутун технологик цикл бўйича танг жойларга барҳам бериш интенсивлашни чуқурлаштириш учун кучайиб борувчи аҳамият касб этади. Агар интенсивлаш жараёнида инсон омилини зарур даражада активлаштириш таъминланмаса, энг замонавий техника ва технология мақбул натижа бермаслигини ҳам унутмаслик керак.

АСКни узоқ муддатли ривожлантириш унинг баркамол социал-иқтисодий системага айланиши тугалланишига таянадики, ушбу система қуйидагиларга қодир бўлади:

— АСК корхона ва бирлашмаларининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашини рағбатлантиришга;

— марказлаштирилган капитал маблағларни АСК бўғинлари ўртасида уларнинг пировард маҳсулот ўсишида иштирок этишига қараб тақсимлашга;

— АСК кичик комплексларини ривожлантиришга капитал маблағларни улар ҳар бирининг проблемаларини ҳал этишга доир тадбирларни реализация қилиш учун талаб қилинадиган ҳажмда ажратишга;

— инвестицияларнинг асосий ҳиссасини биринчи навбатда қайта ишловчи саноат тармоқларини ва инфраструктурани ривожлантиришга йўналтиришга;

— АСКнинг фонд ҳосил қилувчи тармоқларини структуравий қайта қуришни капитал маблағлар билан таъминлашга.

Партия ва ҳукуматнинг кейинги ҳужжатларида таъкидланганидек, агросаноат тармоқларида ғоят ўткир ва мураккаб проблемалар ҳали оз эмас. Уларни мамлакатимиз қайта қуришнинг янги босқичига — ишлаб чиқаришни интенсивлашни амалда турмушга ошириш босқичига қадам қўйганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Маҳсулот сифатини ошириш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ушбу проблема комплекс характерда бўлиб, уни ҳал этиш турли факторларга боғлиқдир. «Ўзбекистон коммунисти»нинг штатсиз мухбири А. Бочков ана шу темада СССР Давлат стандарт комитети Ўзбекистон республика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати М. Н. Алимовдан интервью олди.

— Марат Нуриевич, маҳсулот сифатини ошириш проблемаси, маълумки, мамлакатмиз ривожланишининг турли даврларида турлича ҳал қилиб келинди. Марҳамат қилиб, ушбу проблемага ёндашиш илгари қандай бўлганлиги ва ҳозир қандайлиги хусусида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимизда маҳсулот сифатини оширишга системали ёндашишнинг биринчи босқичи 1954 йилга тааллуқлидир, ўша пайтда сортларга ажратишнинг техника жиҳатидан жуда содда системаси ўрнига **маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлашга (МНТ)** асосланган саратовча тадбирлар системаси ишлаб чиқилди ва кенг тарқалди. Ана шу системада моддий рағбатлантириш маҳсулотни техника контроли бўлимига биринчи тақдимдаёқ топшириш процентига боғлиқ эди.

Нуқсонсиз ишлаш системаси (НИС) иккинчи босқични ташкил этди. Унда яна бир баҳолаш кўрсаткичи — меҳнат сифатининг коэффициенти пайдо бўлди, моддий рағбатлантириш ҳам иккала кўрсаткичга боғлиқ бўлиб қолди. Львов области саноатида сифат ҳосил қилинишининг барча босқичларида (конструкциялаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш) қўлланилган НИС асосида 70-йилларда **маҳсулот сифатини бошқаришниинг комплекс системаси (МСБКС)** ишлаб чиқилди.

Днепропетровск области ва Краснодар ўлкаси корхоналарида **ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишнинг комплекс системаси (ИС ва ИСОКС)** туғилганлигини кейинги босқич бошланиши деб ҳисоблаш мумкин, унда маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш билан яқиндан боғлиқ ҳолда қараб чиқилган эди. Дарвоқе, ҳозирги вақтда республикамизда 97 саноат корхонаси МСБКСни такомиллаштириб бўлдилар, 317 таси эса Днепропетровск области ва Краснодар ўлкаси корхоналарининг тажрибасини жорий қилишга киришди.

Хўжалик ҳисобига ўтиш сифатни бошқариш системаларининг энг мақбул ва оптимал моделларини излашга руҳлантиради. 1989 йил 1 январдан жорий қилиш бошланадиган 9000-«Сифат системалари» серияси халқаро стандартлари ана шу ишда мадад беради. Бироқ МСБКС маҳсулотнинг техника даражаси ва сифатини оширишга доир ишнинг асоси бўлиб қолаверади.

— Аммо, нарсаларнинг реал аҳволига қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, маҳсулот сифатини яхшилашнинг МСБКС орқали ўтадиган йўли ўзини тўлиқ оқлагани йўқ.

— Лекин МСБКСни жорий этиш ана шу ғоят муҳим проблемага системали ёндашишни таъминлаганини ҳам унутмаслигимиз керак. Системали ёндашишнинг ҳамма формаларида албатта «сифатни контрол қилиш» вазифаси мавжуд. Бунда технология жараёнининг бир қисми бўлган техника контроли назарда тутилаётгани йўқ. Сўз идоравий, идорадан ташқари, давлат контролининг турли формалари хусусида боряпти. Сельхозтехника, сельхозхимия, электр ускуналар қабул қилиб олувчиларининг жуда катта «тартиботи» тўғрисида сўзлашга ҳам ўрин йўқ. Қанчалик мантиққа зид бўлмасин, айни шу йўналишда контрол самарадорлиги паст бўлиб қолган. Базалар, омборларда ўнлаб миллиард сўмлик кондицияга етказилмаган, ўтмас моллар тахланиб қолганлиги сир эмас. Уларни ҳатто таннархидан паст нархда ҳам харид қилмаяптилар. Ахир, бу маҳсулот ўз вақтида жуда катта контролёрлар армияси амалга оширган турли формадаги контрол тўсиқларидан ўтган эди-ку.

— Марат Нуриевич, Давлат стандарт комитети ходимлари ҳам талаб даражасида бўлмаптиларда? Зеро маҳсулот сифати устидан давлат назоратини ўрнатиш уларнинг бевосита вазифаси-ку.

— Афсуски, шундай. Контрол қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқларини кенгайтирган ҳолда стандарт талаблари ва техника шартларини бузганлик учун ҳуқуқий ҳамда иқтисодий таъсир кўрсатиш чораларини қаттиқлаштирилганлигига ҳам қарамай шундай бўлди. Вазиятни яхшилаш мақсадида кейинги йилларда мамлакатда ўлчовлар бирлигини таъминлаш, ўлчов стандартлари ва воситалари устидан давлат назорати, стандартлаштиришга доир ишни ташкил этиш, стандартлаштириш ва маҳсулот сифатига доир қоидаларнинг бузилиши, ўлчов воситаларининг муомалага чиқарилиши ва мундарижаси ҳамда улардан фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик хусусида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Шундай бўлсада 1987 йили текширилган корхоналарнинг 73 процентида давлат стандартлари талаблари бузилган. Ана шу сабабга биноан уларнинг реализация қилиш плани бажарилиши хусусидаги ҳисобот маълумотларидан 18,6 миллиондан кўпроқ сўм олиб ташланди. 42 корхонада 51 хил маҳсулотни ишлаб чиқариш тақиқланди, 35 корхонада маҳсулотни қабул қилиб олишнинг алоҳида тартиби жорий этилди. Прокуратура органларига ностандарт буюмлар ишлаб чиқарилиши ҳақида 122 материал юборилди ҳамда 113 нафар лавозимли шахсдан 33,5 минг сўм ундириб олинди. Бундан ташқари, 1381 кишига 44,4 минг сўмлик жарима солинди, 337 киши маъмурий комиссиялар томонидан огоҳлантирилди. Лекин иқтисодий ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг қаттиқ чоралари жорий этилгани кутилган самарани бермади.

— Ана шунда ҳаёт яна бир янги йўлни — Давлат стандарт комитети базасида идорадан ташқари контролнинг махсус органларини — маҳсулотнинг давлат қабулини ташкил этишдек йўлни кўрсатиб бердими? 1985 йили, маълумки, у эксперимент тариқасида мамлакатнинг 19 корхонасида, 1987 йил 1 январдан эса 1500 корхонада, шу жумладан республикамизнинг 33 корхонасида жорий қилинди. Уларда маҳсулот сифатининг даражасини юксалтиришга эришилдими?

— Ўзингиз хулоса чиқариб олинг. Ўзбекистонда давлат қабули қишлоқ хўжалик машинасозлик маҳсулотининг 84, енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлигида 50 дан ортиқ, электротехника саноатида 82, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда 75 процентини қамраб олган, умуман олганда товар маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 13 процентини банд этган. Масалан, 1987 йил январида — давлат қабули иш бошлаган дастлабки ойда 33 корхонанинг ҳаммасида биринчи тақдимдаёқ 78,6 процент, ўша йил декабрида эса 92 процент маҳсулот қабул қилиб олинган. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Самарқанд лифтсозлик заводи, Наманган трансформатор заводи, Тошкент электрон техника заводи, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси доимий равишда ўз маҳсулотининг 90 процентдан кўпроғини давлат қабулига биринчи тақдимдаёқ топшириб келмоқда.

Умуман республика бўйича қайта ишлаш ва иккинчи тақдимдан сўнг 209 миллион сўмлик маҳсулот қабул қилиб олинди, 695 минг сўмлик маҳсулот бутунлай бракка чиқарилди.

— Давлат қабулининг вазифаси тайёр маҳсулот сифатига баҳо бериш билан чекланадими?

— Йўқ, унинг вазифаси анча кенгроқ. Давлат қабули ҳаракатчан контрол деб аталувчи, у ёки бу технологик жараёнларни танлаб контрол қилиш йўли билан барча қайта ишлашларда маҳсулот тайёрлаш сифати барқарор бўлишини актив равишда таъминлайди. Бундан ташқари, давлат қабули органлари ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга доир ташкилий-техника тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ва маҳсулот сифатини оширишда корхоналарнинг инженерлик хизматлари билан яқиндан ҳамкорлик, пировард натижада, давлат қабулининг стратегик вазифаси бўлиб қолди. Давлат қабули шундай бир кўзга кўринмас чизиқ тортгандек бўлдики, унинг ортида маъмуриятчилик, муросасозлик қарорлари, юқоридан кўрсатма беришлар ўз кучини йўқотди. Сўзда эмас, балки амалда қайта қуришга киришган кишилар учун идорадан ташқари контрол қўрқинчли эмас. Зеро, давлат қабули ҳеч қандай ғайритабиий нарсани талаб қилмайди: маҳсулот ГОСТга айнан мувофиқ бўлиши керак.

— Давлат қабули ўз ваколатини ошириб юбормаяптимикин? Зотаи уни татбиқ қилгандан сўнг кўпинча «ихтилофли вазиятлар» юзага келаётгани, у ҳатто ишлаб чиқаришни издан чиқараяпти, деган фикрлар юргани маълум.

— Гап шундаки, бир қатор бирлашма ва корхоналарда турғунлик даврида вужудга келган аҳволни тузатиш унчалик осон иш эмас: бирида техника ҳужжатлари қаровсиз ҳолда қолган, иккинчисида узоқ вақт технологияни такомиллаштириш билан шуғулланилмаган, учинчисида яна бошқача ўзига хос иллатлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги учун технология ускуналарини янгилаш суръатларининг сустлиги, хом ашё, материал ва комплектловчи буюмларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги ҳамда сифати пастлиги, ишлаб чиқариш бир маромда эмаслиги ва технология интизоми даражасининг пастлиги келтириб чиқарган қийинчиликлар муштарак қийинчиликлардир.

Технологик ускуналарнинг салкам 30 процентининг ёши 20 йилдан ортиқ бўлган Тошкент электротехника заводида ёки уларнинг 52 проценти ана шундай ёшга кирган «Таштекстильмаш» заводида, мисол учун, маҳсулот сифати қандай бўлиши мумкин? Кўпгина корхоналарда ўлчаш, контрол қилиш, синаш, стенд хўжалиги воситалари қониқарсиз аҳволда ёки улар умуман йўқ. Бу нарса маҳсулот сифатига қандай таъсир кўрсатаётганини тушуниш қийин эмас.

Давлат қабули ишлаб чиқариш ходимлари йиллар мобайнида «ялпи маҳсулот», сохта дориломонликни деб «пайқамай» келган кўплаб камчилик, чала иш ва бузилишларни «янги нигоҳ» билан очиб ташламоқда. Хусусан, айрим корхоналарда меҳнат сарфини камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини сунъий равишда кўпайтириш мақсадида айникса контрол қилиш ва синашга доир технологик операциялар асоссиз равишда қисқартирилган ёки умуман олиб ташланган эди.

Давлат қабули органлари бу соҳада тегишли тартиб ўрнатилишини талаб қилдилар. Технологик ва контрол операциялари сонининг кўпайиши, техника ҳужжатларининг такомиллаштирилиши айрим корхоналарда ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфининг ошиб кетишига, маҳсулотнинг қайтарилишига ёки бутунлай бракка чиқарилишига, айрим ҳолларда эса уни ишлаб чиқаришни тўхтатишга, яъни оқибатда меҳнаткашлар иш ҳақининг бир қадар пасайишига олиб келди. Масалан, меҳнат сарфининг ошиши «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида 15—20 процентни, «Подъемник» заводида 13—15,5, «Ташсельмаш» да 10—15, «Таштекстильмаш»да (айрим операциялар бўйича) 30—40 процентга қадарни ташкил этди.

Давлат қабули мутахассисларига ана шундай шароитда, айникса кишиларда ишга илгаригидек ёндашишдан воз кечишни шакллантиришга доир тарбиявий иш оқсаётган жойларда иш олиб бориш қандай оғир бўлаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шундай ҳолатда корхоналар ходимлари билан давлат

қабули органлари ўртасида келишмовчиликлар, низолар, гоҳида эса жиддий ихтилофлар ҳам юзага келиб қолади.

— Давлат қабули қандайдир ҳолат таъсирида «кондицияга етмаган» маҳсулотни — бракни ўтказиб юбориши ҳоллари бўлганми?

— Йўқ. Тўғри, корхоналарнинг ўзлари қўпол бузишларга йўл қўйганлар — идорадан ташқари контрол органларини четлаб ўтиб маҳсулотни реализация қилганлар. Улар орасида, «Узбекхиммаш» заводи, Оҳангарондаги «Строй-пластмасс» комбинати, Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бор. Қоидани бузувчиларга нисбатан тегишли чоралар қўлланиляпти, лекин давлат қабулини «четлаб ўтишга» уринишлар давом этяпти.

— Давлат қабули жорий қилиниши билан кўпчиликда шундай савол туғилди: у жорий қилинган жойларда ОТҚ контролёрларига эҳтиёж бормикин? Марат Нуриевич, бу борада қандай фикрдасиз?

— АҚШ саноатида ОТҚда банд бўлган кишилар барча ишловчиларнинг 15 процентини, Японияда 5 процентчани, бизда ҳам тахминан шунча миқдорни ташкил этади. Японлар контролёрлар миқдорини камайтиришда қуйидаги психологик мантиқдан келиб чиққанлар: бракка йўл қўйиб, сўнгра контрол қилиб уни аниқлашдан қандай маъно бор?

Биз маҳсулот сифатини яхшилашнинг ижрочилар маънавий масъулияти ва моддий манфаатдорлигини оширишдек жуда катта резервидан, очиқ айтиш керакки, қониқарсиз фойдаланяпмиз. Уларга кўпроқ ишониш, ўзини ўзи контрол қилиш, шахсий тамға билан ишлаш системасини кенг қўлланиш керак. Ҳар бир операцияга контролер қўйиш мумкин эмас, у бирор маънога эга ҳам эмас.

Ҳам ахлоқий-этик, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан олганда ҳамма жойда кириш контролини жорий қилишни ҳам нотўғри ва норационал деб ҳисоблайман. Зотан, шерик корхонадан тайёрловчига келиб тушадиган хом ашё, материал ва комплектловчи буюмлардаёқ ОТҚнинг «Яроқли» деган муҳрини кўряпмиз.

Менимча, ушбу проблемаларни яқин келажакда ҳал қилишга тўғри келади. Бугунги кунда эса ОТҚ бракни қайд этибгина қолмай, унинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига, шерик корхоналар фаолиятига актив аралашиши ҳам керак бўлади. Яъни контролёрлар ҳам билимдон, ҳам принципиал, ҳам ташаббускор бўлишлари керак. Реал аҳвол шундан иборатки, республика машинасозлиги 18 корхонасида ОТҚ контролёрларининг атиги етти проценти олий маълумотга эга, Андижондаги «Электродвигатель» ва Наманагандаги машинасозлик заводларида битта ҳам олий маълумотли контролёр йўқ. Бунинг асосий сабаби конролёрларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масалалари жуда суст ҳал қилинаётганида деб биламан. ОТҚ ишини такомиллаштиришда иқтисодий стимуллардан амалда фойдаланилмаётгани туфайли контролёрларни қайтадан аттестациядан ўтказиш ҳам кўпинча расман ўтяпти. Корхоналарнинг ҳаммасида ҳам ОТҚни комплектлаш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларини сифат контроли билан қамраб олиш масалалари ҳал қилинган деб бўлмайди, ОТҚ ходимлари ҳамма жойда ҳам барча зарурий контрол-ўлчаш асбоблари ҳамда ўлчов воситалари билан таъминланган эмас. Гапларимдан хулоса чиқарарканман, шуни таъкидламоқчиман: техника контроли технологик жараённинг бир қисмидир, бинобарин, уни тугатиш тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Уни жиддий равишда такомиллаштириш лозимлиги эса бошқа масала.

— Марат Нуриевич, корхоналар хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиб, биринчи ўринга иқтисодий воситалар қўйилган шароитда давлат қабули керак бўлмай қолади деган фикрга қўшиласизми?

— Балки шундай бўлар. Зеро бутун саноат тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтган шароитда истеъмолчининг ўзи сифат устидан жуда қаттиқ контрол ўрнатади. Лекин ҳозирча давлат қабули брак йўлига қўйилган энг ишончли тўсиқ бўляпти. Корхоналарнинг аксариятида техника контроли хизматлари юқорида айтилган сабабларга кўра ўз вазифаларини унчалик қониқарли бажараётганлари йўқ. Фақат қайта ишлангач давлат қабули қабул қилиб олган ёки бутунлай бракка чиқарилган маҳсулот миқдори ҳақидаги маълумотлар — республика бўйича уларни юқорида келтириб ўтган эдим — давлат қабулининг самарали эканлигига яққол далолатдир. Мен «РАФ» микроавтобуслари заводи бош директори В. Боссертнинг «давлат қабулининг жазоловчи мазмуни қайта қуришнинг демократик

мазмунига зид келади» деган фикрига қўшилмайман. Албатта, брак йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш ОТКнинг вазифаси, лекин у ҳозирча бунинг уддасидан чиқолмаяпти. Бинобарин, ҳозир ана шу вазифани бажараётган давлат қабулини жазолаш органи деб аташ тўғри эмас. В. Боссертнинг давлат қабули вакиллари доимо цехда бўлиб, конвейердан нари кетмасликлари кераклиги хусусидаги талабига ҳам қўшилиб бўлмайди. Ана шу вақтда мастерлар, участка ва смена бошлиқлари, технологлар, цех раҳбарияти ва, ниҳоят, ОТК ходимлари қаерда бўладилар? Бу тушунарли эмас. Тармоқнинг бошқа ишлар қаторида ишлаб чиқариш жараёнида сифат барқарорлиги масалаларини ҳам ҳал этишга даъват этилган қудратли асосий ва база ташкилотлари қаерда қолди? Давлат қабули, шубҳасиз, ишлаб чиқарувчиларга ёрдам бериши керак, лекин корхоналарнинг кўп сонли хизматлари ўрнини босиш орқали эмас.

Менимча, ишлаб чиқаришни ташкил этишда тўла тартиб ўрнатилгандагина давлат қабулининг керак эмаслиги хусусидаги гап-сўзлар асосга эга бўлиши мумкин.

— Демак, маҳсулот сифатини ошириш ишида энг таъсирчан воситалар МСБКС ва давлат қабули экан. Бу ишда республика, тармоқ, заводларнинг «Сифат» программалари қандай роль ўйнайдилар?

— Ўзбекистон ССРда 17 министрлик ва идора, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, иттифоққа бўйсунувчи 72 корхона «Сифат» программасини ишлаб чиққан. Бу программалар барча даражаларда маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, олий сифат категориясидаги маҳсулот ҳиссасини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, кадрлар малакасини ошириш, сифатни бошқаришга системали ёндашиш борасида ўн иккинчи беш йилликнинг ҳар бир йилига тақсимланган топшириқларга эга. Масалан, республика «Сифат» программасида 1990 йилда товар маҳсулоти умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғини 1985 йилдаги 9,4 процент ўрнига 13,8 процентга етказиш кўзда тутилган. Аттестация қилинадиган маҳсулотнинг умумий ҳажмида давлат Сифат белгиси бор маҳсулот салмоғини 1985 йилдаги 28 процентдан 1990 йилда 48,5 процентга кўтариш белгиланган. Программага ғоят муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ва республикадаги 30 корхонада тайёрланадиган 96 хил маҳсулотнинг техника даражаси ва сифатини оширишга доир топшириқлар киритилган. 10 мингдан ортиқ янги хил маҳсулотлар ўзлаштирилади (шу жумладан, 190 хили СССРда илк маротаба) ҳамда уч минг хилдан кўпроқ эскирган маҳсулот ишлаб чиқаришдан олиб ташланади. 1300дан кўпроқ цех, ишлаб чиқариш ҳамда участкани механизациялаш ва автоматлаштириш, салкам 1700 комплекс механизациялашган, поток ва автомат линияларни, салкам 6500 бирликда ярим автомат ва автомат ускуналарни, 2000 дан кўпроқ прогрессив технологик жараёнларни татбиқ қилиш, бошқа тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Табиийки, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда «Сифат» программасига тузатишлар киритилади.

— Саноатнинг бугунги кундаги бош вазифаси буюмларнинг техника даражасини, жаҳон бозорида рақобатга қобиллигини оширишдан иборат. Давлат қабули олий сифат категориясидаги маҳсулот чиқаришни кўпайтиришга қандай ҳисса қўшмоқда?

— Давлат қабули шароитида ишлаётган корхоналарда 1986 йилдаги 111 та ўрнига 1987 йили 122 та маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилди. «Компрессор», Самарқанд лифтсозлик, Чирчиқ трансформатор заводларида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи ошди.

Умуман республикадаги 77 корхонада 322 номда ўз техника-иқтисодий кўрсаткичларига кўра жаҳондаги энг яхши ютуқларга мувофиқ келувчи олий сифат категориясида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. У Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО), Халқаро электротехника комиссияси (ХЭК) кўрсаткичлари ҳамда ЎИЕК стандартларидан фойдаланилган стандартлар асосида ишлаб чиқилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ана шу буюм ҳиссаси 1987 йили пландаги 9,1 процент ўрнига 9,5 процентни ташкил этди. Аттестация қи-

линадиган маҳсулот ҳажмида Сифат белгисига эга маҳсулотлар салмоғининг кўрсаткичи ошди: у 1985 йили 28 процентни, 1986 йили — 33,3 ва 1987 йили — 47 процентни ташкил этди.

Давлат аттестация комиссияларининг объективлиги, маҳсулот тайёрлаш жараёнида сифатга нисбатан талабчанлиги оширилмоқда. Натижада Сифат белгисини маҳсулотдан олиб ташлаш ҳодисаларининг миқдори камайиб боряпти: 1985 йили 22, 1986 йили 12, 1987 йили 4 буюмдан у олиб ташланди.

Албатта, кўп иш қилинди ва қилиняпти. Лекин агар айрим бирлашма ва корхоналар ишига чуқурроқ назар ташласак, унинг натижаларини муфассалроқ анализ қилсак, ушбу ишда жиддий камчилик ва нуқсонлар, қўпол хатолар, фойдаланилмаган резерв ва имкониятлар мавжудлигини кўриш мумкин. Министрлик ва идоралар, бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари планлаштиришда ва хўжалик фаолиятига баҳо беришда сифат кўрсаткичларига тегишли эътибор берилмаган даврда шаклланган фаолиятсизлик кучини ҳали енгиб ўтганлари йўқ. Техника жиҳатидан қолоқ ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш билан муроса қилиб келмоқдалар. Айрим ҳолларда машина ва ускуналар 15—20 йил мобайнида жиддий конструктив ўзгаришлар ва такомиллаштиришларсиз ишлаб чиқариляпти. Шундай қилиб саноат маҳсулотининг сифати республика экономикасидаги энг «танг жойлар»дан бири, кўпгина қийинчилик ва проблемалар манбаи бўлиб қоляпти.

— 1988 йили Ўзбекистон ССРнинг яна 12 корхонасида маҳсулотни давлат қабули қабул қила бошлагани шунинг учун қонуний ҳолдир. Қандай корхоналар танлаб олинди?

— СССР Министрлар Советининг қарори билан 1988 йилдан бошлаб мамлакатдаги яна 727 корхонада, шу жумладан, Сиз айтгандек, республикамиздаги 12 корхонада ҳам давлат қабули жорий қилинди. Давлат қабули нафақат энига, балки бўйига қараб ҳам ўсмоқда. Практика кўрсатганидек, маҳсулот сифатини яхшилашнинг барча проблемаларини уни тайёрлашнинг якунловчи босқичида ҳал қилиш мумкин эмас. Кўпинча паст сифатли хом ашё, материал ва комплектловчи буюмлар етказиб берувчи шерик панд беради. Шу сабабли ҳам ана шу 12 корхона орасида 1987 йилдан бошлаб давлат қабулига ўтган корхоналарнинг шериклари бор. Яъни давлат қабули сифат проблемасига комплекс тарзда ёндаша бошлади.

1988 йилги давлат қабулининг фаолият соҳасига қайта ишловчи корхоналар, шу жумладан, республикамиздаги учта пахта тозалаш заводи ҳам жалб қилинган. Давлат қабули қурилиш индустриясига ҳам кириб келди, унинг шаънига айтилган таъналар, маълумки, оз эмас. Ҳозир Фарғона ва Самарқанд уйсозлик комбинатлари, Фарғона ёғочни қайта ишлаш заводи ишлаб чиқараётган маҳсулот, шунингдек, Фарғона шаҳрида уй-жой ва социал-маданий объектлар бунёд этиш идорадан ташқари контрол билан қамраб олинди.

— Шундай қилиб, Марат Нуриевич, сиз келтирган фактларга қараганда, давлат қабули маҳсулот сифатини ошириш ишида самарадорликка эришиш учун муваффақиятли равишда имтиҳон топширганми?

— Биринчидан, давлат қабули ўзининг ҳаётий зарурлигини исботлади, хўжалик раҳбарлари ва бирлашма ҳамда корхоналар мутахассислари учун жиддий синов бўлди, йиллар мобайнида очиқ қолиб келган масалаларни ҳал қилишни талаб этди.

Иккинчидан, давлат қабули нафақат сифатсиз маҳсулот йўлига ғов солибгина қолмай, ишлаб чиқаришдаги «танг жойлар»га эътиборни кучайтиради ҳам, ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда уларни бартараф этишга ҳамда маҳсулот сифатини стабиллаштиришга оператив равишда таъсир кўрсатади.

Тўпланган тажриба корхоналарнинг барча хизматлари давлат қабули билан амалий ҳамкорлик қилгандагина юқори сифатга эришиш мумкинлигини кўрсатяпти. Бундай ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган маҳсулотнинг техника даражасини ҳамда сифатини тубдан оширишга қаратилган вазифаларнинг ҳал қилинишини, демак, умуман қайта қуришнинг амалга оширилишини ҳам жадаллаштиради.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: ПРОБЛЕМАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

С. БАХРОМОВ,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри

ПАРТИЯ ТОМОНИДАН илгари сурилган жадаллаштириш концепцияси шу жумладан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам йирик социал программаларни амалга оширишни кўзда тутади. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» қарорида (1987 йил) партия билан давлат совет кишиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни, уларнинг умрини узайтириб, ижодий фаоллигини кучайтиришни, медицина ёрдамининг сифатини тубдан яхшилашни биринчи даражали аҳамиятга молик иш деб ҳисоблаши таъкидланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати республикамизда соғлиқни сақлашга доир проблемаларни кўп маротаба муҳокама қилганлар, уларда ижобий жиҳатлар билан бир қаторда даволаш-профилактика ва дори-дармонлар билан ёрдам беришни ташкил этишдаги, медицина кадрларини тайёрлашдаги, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни қайд этганлар.

Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг 70 йили мобайнида аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишнинг мукаммал системаси ташкил топди, ҳозир у каттагина моддий ва кадр потенциалига эга. Лекин 70-йиллар ҳамда 80-йиллар бошидаги турғунлик ҳодисалари оқибатида республикамизда (бутун мамлакатда юз берганидек) соғлиқни муҳофаза қилиш даражаси — унинг техника билан жиҳозланиши, планлаштирилиши, даволаш-диагностика ишини ташкил этиш ва ҳоказолар — аҳолининг ҳозирги эҳтиёжларига, фан-техника революцияси талабларига мувофиқ келмай қолди.

Ушбу соҳадаги ишлар аҳволини тубдан яхшилаш учун нималар қилиш керак? Соғлиқни муҳофаза қилишни яхшилаш учун аввало унга сарфланадиган капитал маблағларни кўпайтириш, миқдорий кўрсаткичларни кўпайтиришдан воз кечиш зарур. Бундан ташқари, медицина ёрдамининг сифатини кескин яхшилаш учун касалланишнинг олдини олишни кучайтиришга, бутун аҳолини диспансердан ўтказишни босқичма-босқич жорий этиш, медицина кадрларини профессионал тайёрлаш даражасини, медицина хизмати кўрсатиш ва дори-дармон билан таъминлаш маданиятини оширишга доир таъсирчан чора-тадбирлар кўриш лозим.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантиришнинг Асосий йўналишларига мувофиқ ҳолда касалликларнинг олдини олиш совет соғлиқни сақлаш системасининг бош йўналиши бўлиб қолаверади. Ўзбекистоннинг санитария-эпидемиология хизмати атроф муҳитни ифлослантиришга ҳамда экологик мувозанатни бузишларга қарши курашга бошчилик қиларкан, бу ишни профилактик фаолиятнинг биринчи даражали вазифаларидан бири деб қарамоқда.

Бугунги кунда Ангрен-Олмалиқ территориал-ишлаб чиқариш комплексида ҳаво ҳавзасини ифлослантиришни камайтиришга доир гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилган, бу эса ушбу регионда болалар ўртасидаги умумий касалланишнинг 1,5 баравар камайишини таъминлади. Кейинги йилларда атроф муҳитнинг 200 дан ортиқ сифат стандарти жорий қилинди, 250 дан зиёд методик ҳужжатлар ва санитария қоидалари амал қилмоқда, ҳаво, сув ва тупроқни ифлослантирувчи салкам 105 зарарли модда ва уларнинг 15 хил аралашмасининг энг кўп йўл қўйиладиган концентрациялари тасдиқланган. Кўрсатилган нормативлар республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан кенг қўлланилмоқда.

Шунга қарамай, ҳануз атмосфера ҳавосининг, минерал ўғит, пестицидларни сақлаш ва ташишнинг, шунингдек умумий овқатланиш ва озиқ-овқат саноати объектларининг аҳволи қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Масалан, 471 саноат корхонасида атмосферага зарарли чиқиндилар чиқарувчи 35 минг манба бўлиб, уларнинг атиги 55 процентигина чанг-газ чиқиндиларини ушлаб қолувчи қурилмалар билан жиҳозланган. Олмалиқ, Чирчиқ, Фарғона, Навоий ва бошқа шаҳарларда, шунингдек СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, Рангли металлургия, Нефть-химия саноати министрликларига, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли бир қатор корхоналарда йўл қўйиладиган нормадан 4—26 баравар ортиқ концентрацияларда зарарли моддалар ҳавога чиқарилмоқда. Республиканинг тўққиз йирик саноат шаҳрида аҳоли касалланишини анализ қилиш атмосфера ҳавоси ифлосланиши ошиши билан бу ерда касалланиш 2—3 баравар ўсишини кўрсатди.

Санитария маданияти ва турмуш гигиенасининг ёмон аҳволдалиги қишлоқ аҳолиси саломатлигининг ёмонлашишига сабабдир. Заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар қўлланиши қоидаларининг, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланишида санитария-гигиена талабларининг бузилиши, овқат тайёрлаш технологиясига риоя қилмаслик кўпинча ўлим билан тугайдиган группавий заҳарланишлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш алоҳида эътиборни талаб этади. Пасайиш тенденцияси бўлишига қарамай (100 минг кишига 21,1 ҳодиса) 1987 йили Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Навоий областларида ич терлама ва паратиф бирдан авж олганлиги кузатилди. Шуни эътироф этиш керакки, медицина тадбирларининг қониқарсиз ўтказилиши ичак касалликлари билан касалланишга «ёрдам» кўрсатмоқда. Масалан, беморларни кечикиб аниқлаш ва касалхонага ётқизиш, гемокультурани аниқлаш мақсадидаги текширишларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, сифатсиз дезинфекция, эмлашни ўтказишда қоидага риоя қилмаслик фактларига, афсуски, ҳозирча барҳам берилмаган.

Шу билан бирга республика аҳолисининг ўткир ичак касалликларига мойиллигининг юқори бўлишига айниқса Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё областлари қишлоқ районлари аҳолисининг тоза ичимлик суви билан қониқарсиз таъминланганлиги асосий сабаб эканлигини айтмай бўлмайди. Киши бошига бир кеча-кундузда норма 200—250 литр бўлгани ҳолда бу ерларда рўзғорга яроқли ичимлик сувнинг амалдаги истеъмоли 51 литрни ташкил этяпти. Турли оқиндилар билан ифлосланган қудуқлар, очиқ ҳавзалардан олинган сифатсиз сувни истеъмол қилиш нафақат ич терлама ва паратиф, балки вирусли гепатит билан ҳам касалланишга йўл очиб беради.

Республика аҳолисининг ичимлик сув билан таъминлаш проблемасини ҳал этишга қатъиян ёндашиш учун йирик сув йўлларини қуриш, водопровод ва артезиан қудуқларининг мавжуд тармоғини ривожлантириш зарур. Ҳозирча айрим регионларда ичимлик сув тақчиллиги ўрнини бир қатор жойларда манбалари бўлган булоқлар сувини 1—2 литрли шишаларга солиш ҳисобига қисман тўлдириш мумкин бўлар эди. Биринчи қарашда қимматга тушадиган бўлиб туюладиган ушбу усул ўзини тўла қоплайди, чунки давлатга юқумли касалликлар келтирадиган зарар жуда катта миқдорни ташкил этмоқда.

Касалликлар профилактикасида диспансердан ўтказишга муҳим ўрин ажратилган, бу тадбир турли касалликларнинг дастлабки белгилари бўлган, шунингдек, саломатликка зарарли муҳит ёки турмуш тарзи факторларига учраган шахсларни аниқлаш ҳамда соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш мақсадида ҳар бир кишини ҳар йили медицина текширувидан ўтказишни тақозо этади. Диспан-

сердан ўтказиш икки босқичда амалга оширилади: 1991 йилгача сурункали касалларни, болалар ва ўсмирларни, ўқувчи ёшлар, ҳомиладор аёллар, уруш ветеранлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари ишчи ҳамда хизматчиларини, 1995 йилга келиб эса республиканинг бутун аҳолисини текширишдан ўтказиш белгиланган. 1988 йил 1 январига келибоқ 3 миллион 763 минг киши, шу жумладан, 1 миллион 400 минг бола диспансердан ўтказиб бўлинди.

Шундай бўлсада, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм областларида диспансердан ўтказиш даражаси ҳали паст, ҳамма жойда ҳам аҳоли ўртасида ушбу тадбирнинг муҳимлиги хусусидаги тушунтириш иши тегишли даражада олиб борилмаяпти. Ҳозир республика соғлиқни сақлаш органлари олдига фан-техника тараққиёти ютуқларига таянган ҳолда диспансердан ўтказишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш вазифаси қўйилган.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш профилактика иши самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир.

КПСС МК ва СССР Министрлар Совети ичкиликбозлик ва алкоголизмга барҳам бериш тадбирлари хусусида 1985 йилда қабул қилган қарор совет кишиларининг соғлиғи тўғрисидаги жуда катта ғамхўрликнинг яна бир кўриниши бўлди. Ҳозирги вақтда республикада 23 наркологик диспансер ва 175 кабинет ташкил этилган. 12 диспансерда алкоголизм билан касалланганларни ва алкоголни суиистеъмол қилувчи шахсларни анонимли даволаш кабинетлари, Тошкент, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Қарши, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Урганч, Нукусда хўжалик ҳисобидаги анонимли кабинетлар очилди. Алкоголга мойил бўлган ва даволаниб чиққан кишилар ичида қайтадан ича бошлаш ҳоллари қайд этилмаганлиги наркологик кабинетлар иши самарадор бўлаётганидан далолат беради.

Афсуски, Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё ва Фарғона областларидаги наркологик диспансерлар нобоп хоналарда жойлашган. Район марказий касалхоналаридаги кўпгина наркологик кабинетлар ҳам ана шундай шароитда. Наркологик бўлимлар ишини «Ташсельмаш» заводи, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», «Средазкабель», «Средазэлектроаппарат», «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент электротехника ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари сингари корхоналарда кенг йўлга қўйишга доир топшириқлар бажарилмай қоляпти. Республика соғлиқни сақлаш министрлигининг ушбу масалани ҳал қилишга қаратилган куч-ҳаракатини, афсуски, баъзи министрлик, идора ва бирлашмалар ҳанузгача тўғри тушуниб етмадилар ва лозимича қўллаб-кувватламаяптилар, ҳолбуки, ишлаб чиқариш манфаатлари нуқтаи назаридан олганда улар ўзларига қарашли корхоналарда наркологик бўлим ва кабинетлар ташкил этилишининг ташаббускорлари бўлишлари керак.

Алкоголь, наркотик ва токсик сархушликни экспертизадан ўтказиш наркология хизматининг энг муҳим вазифаларидан биридир. 15 наркологик диспансерда ва бир қатор район марказий касалхоналарида кеча-кундуз ишлайдиган экспертиза кабинетлари ташкил этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг Давлат автоинспекцияси республика Соғлиқни сақлаш министрлиги билан ҳамкорликда сайёр наркологик бригадалар ташкил этди.

Лекин ўтказилаётган ишлар етарли эмаслиги яққол кўриняпти. Наркология бўйича интернатурага 1986 йили 49, 1987 йили 41 ва 1988 йили 40 врач юборилган бўлсада, нарколог-врачлар билан таъминланганлик 100 минг кишига ҳозирча 1,7 врачни (СССР бўйича 1,9) ташкил этмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, алкоголизм билан хасталаниш камайиши билан биргаликда (ўткир психозлар миқдори камайганлиги унинг характерли белгиларидан биридир) кейинги пайтда айниқса ўсмирлар ўртасида гиёҳвандлик ва заҳарвандлик миқдори ўсиши тенденцияси кўзга ташланяпти. Профилактика ишини кучайтириш мақсадида наркологик диспансерлар штатига қўшимча равишда ўсмирлар наркологлари лавозими киритилди.

Умуман олганда, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида таъкидланганидек, ҳар бир киши ва бутун жамият учун соғлом турмуш тарзини қарор топтириш зарарли одатларга барҳам бериш, меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиш, мунтазам равишда физкультура ва

спорт билан шуғулланиш, хулқ-атвор ва овқатланиш маданиятини тарбиялаш, санитария маданиятини оширишга боғлиқдир.

Республикада аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш паст сифатдалиги диагностикадаги жиддий камчилик билан боғлиқдир. Бу эса даволаш-профилактика муассасаларининг ультратовушли, радиоизотоп, рентген-контрастли ва текширишнинг бошқа методлари учун зарур аппаратлар билан етарлича таъминланмаганлигига, шунингдек, ана шундай методларни эгаллаган мутахассисларнинг айниқса қишлоқ жойларда етишмаслигига бориб тақалади. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ана шу камчиликларга барҳам бериш мақсадида диагностика марказлари ташкил қилмоқда. Ҳозир Тошкент давлат медицина институтининг 1-клиникаси қошида республика консультация-диагностика маркази, Андижон, Гулистон, Қарши, Наманган, Самарқанд, Урганч ва Фарғонада облась диагностика марказлари ишлаб турибди. Уларда самарадорлиги юқори бўлган ускуналар ва медицина техникаси, энг малакали мутахассислар тўпланган. Орттирилган тажрибага асосланиб, ишонч билан айтиш мумкинки, ана шу диагностика марказлари айниқса қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг сифатини анчагина ошириш имконини бериши шубҳасиз.

Амалий соғлиқни сақлашнинг яна бир муҳим масаласи ихтисослаштирилган медицина ёрдамини кўрсатишдир. Унинг етарлича ривожланмаганлиги натижасида беморларнинг муайян қисми марказий илмий-тадқиқот институтлари ва клиникаларга юбориларди. Шу сабабли ихтисослаштирилган марказлар ташкил этиш йўлига ўтдик. Жумладан, Тошкент давлат медицина институтининг 1-клиникасида эшитиш ва сўзлашдаги нуқсонларни тузатиш, экзоген интоксикацияга учраган беморларни даволаш марказлари; Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти қошида қони камайиб кетган касаллар маркази, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази Тошкент филиали базасида детоксикация, лазер хирургияси марказлари ишлаб турибди. Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро областларида гемодиализли неврология, пульманология бўйича ва бошқа областлараро марказлар очилган. Ўзбекистонда жами 47 ихтисослаштирилган марказ бўлиб, уларга доир маълумотлар барча маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига юборилган. Ихтисослаштирилган медицина ёрдамини янада ривожлантириш зарурати муносабати билан ушбу органлар умумий терапевтик, хирургик ва педиатрия ўринларини ихтисослаштирилган ўринларга алмаштиришдан бошлаган ишларини ниҳоясига етказишлари лозим.

Республикада ҳали ҳам турли профилдаги доимий ўринларнинг сезиларли танқчиллиги сақланиб келмоқда. Масалан, саноат ва транспортда ишловчи 4 миллион кишига 10 мингдан камроқ ўрин тўғри келади. Шунга қарамай, медицина-санитария қисмларини ривожлантириш иши жуда суст боряпти. Масалан, Тошкентда 50 га яқин йирик корхона бўлсада, атиги 17 тасида медицина қисмлари мавжуд. Ўз медицина-санитария қисмлари бўлмаган корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари иши шундоқ ҳам тўлиб-тошиб ётган шаҳар ва район даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қиладилар. Ахир, «Сиҳат-саломатлик» программасида Тошкентнинг ўзидагина ўн иккинчи беш йилликда 8 та медицина-санитария қисмини бунёд этиш кўзда тутилган-ку. Ҳозирги вақтда фақат Главташкентстройнинг медицина-санитария қисмигина ишга туширилган.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида ўринлар ўсишини зичлаб жойлаштириш ҳисобига таъминлаш орқали уларнинг танқчиллигига барҳам бериш практикаси шаклландики, натижада касалхоналарда санитария-гигиена нормаларига риоя қилиш ёмонлашди, касалхоналар ичида юқумли касалликлар авж олиб кетди. Янги ўринларни фақат фойдаланишга топшириладиган стационарлардагина жойлаштириш, улар майдонининг бир қисмини мавжуд ўринлар тармоғини жойлаштириш учун ажратиш вазифаси қўйилган.

Кўп профилли ва ихтисослаштирилган касалхоналарни бундан буён ҳам қуриш, улар составида реанимация ва интенсив терапия, касалларнинг кундузги қабули бўлимлари (палаталари) ни ташкил этиш аҳолига стационар ёрдам кўрсатишни яхшилашда истиқболли йўналишдир. Ана шундай йўналиш республикамизда ҳам ривожланмоқда.

Аҳолига амбулатория ва поликлиникаларда ёрдам кўрсатиш ҳам жиддий эътиборни талаб этади, ушбу тармоқ ҳозиргача кадрлар билан қониқарли таъмин-

ланмаган. Ҳозир битта участка врачига нормада 1,7 минг катта ёшли киши тўғри келиши ўрнига 2 мингга яқин киши тўғри келмоқда. Майдон етишмаслиги оқибатида поликлиникаларнинг ҳаммасида ҳам тикловчи даволаш бўлимлари, меҳнат реабилитацияси, механотерапия кабинетлари, игна-рефлекс терапияси ташкил этилган эмас. Поликлиникаларда ўтказиладиган диагностика текширувлари ва даволаш тадбирлари доим ҳам замонавий талабларга мос келавермайди. Амбулатория-поликлиника ёрдамининг пухта йўлга қўйилмаганлиги кўпинча касалларни асоссиз равишда касалхоналарга юборишга олиб келяпти. Шуни айтиш кифояки, ҳар йили республика аҳолисининг чорак қисмигача бўлган қисми касалхоналарга юборилялти, ҳолбуки, поликлиникаларда диагноз қўйиш ва даволаш жараёнларининг сифати юқори бўлганида уларнинг 25—30 проценти бунга эҳтиёж сезмас эди.

Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқда яшовчи Ўзбекистонда қишлоқдаги соғлиқни сақлаш ишлари жадал ривожлантирилиши керак. Бу аввало фельдшерлик-акушерлик пунктлари, қишлоқ даволаш амбулаториялари, марказий район ва қишлоқ участка касалхоналарининг моддий-техника базасини яхшилашга тааллуқлидир. Ана шу соғлиқни сақлаш бошланғич бўғини муассасаларида даволаш-диагностика ва профилактика жараёнини замонавий даражада ташкил этиш учун уларни типовой лойиҳалар асосида қуриш ёки реконструкция қилиб, санитария нормаларига мувофиқлаштириш керак.

Ихтисослаштирилган ёрдамни қишлоқ аҳолисига яқинлаштириш учун чоралар кўриляпти; умумий ва ихтисослаштирилган профиллардаги ўринлар ўртасидаги мутаносибсизлик тугатиляпти. Кейинги икки йил ичида гастроэнтереологик ўринлар сони тахминан учдан бир ҳисса, неврологик ўринлар эса 20 процент кўпайди; ҳозир республикада 2,8 мингдан ортиқ пульманологик ўринлар бор. Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона областларида электрокардиограммаларни телефон орқали «Волна» дистанция системаси ёрдамида қабул қилиш ташкил этилган. Эндиликда юрак-қон томири касалига чалинган кишилар райондан чиқмаган ҳолда областдаги малақали мутахассисларнинг консультациясини тезроқ олишлари мумкин.

19 поликлиникада уйларда стационар хизмати кўрсатиш ташкил қилинган; кўпгина область, шаҳарларда ва қишлоқ районларида катта ёшли кишилар ва болалар учун ҳозирдаёқ кундузги стационарлар ишлай бошлади. Бу ерда беморлар кун давомида оддий касалхоналардагидек даволанадилар, кечқурун эса ўз уйларига, одатий муҳитга қайтиш имкониятига эга бўладилар. Бу ҳол катта ижобий психологик самара беряпти ва даволаниш муддатини қисқартиряпти. Кундузги стационарлар, бизнингча, катта истиқболга эга.

Республикада даволаш-профилактика муассасаларини замонавий медицина техникаси билан жиҳозлашга доир иш олиб бориляпти. 1985—1987 йилларда умумий баҳоси 70 миллион сўмликдан зиёд янги аппаратлар, шу жумладан, ультратовушли, доплер, криоген техника, ихтисослаштирилган компьютер томографлари, компьютерли радиоиммун гамма-камералар, турли хил радиоизотоп техникаси, автомат лаборатория комплекслари, «сунъий буйрак» аппаратлари ва кўплаб бошқа ускуналар ўрнатилди.

Касалхоналарда овқатланишни яхшилашга доир чоралар кўриляпти, кейинги икки йил ичида 70 озиқ-овқат блоки, 25 сабзавот омбори, 60 болалар сут ошхонаси қурилди ва реконструкция қилинди. Аҳолини дори-дармонлар билан тўлиқроқ таъминлаш мақсадида шу давр ичида 153 дорихона очилди, баъзи ноёб дорилар ҳар йили республикадан ташқарида қўшимча равишда харид қилинмоқда.

1986—1987 йилларда Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтказилди. Жумладан, уларнинг қарийб 10 проценти ҳозирги талабларга мувофиқ келмаслиги аниқланди. Уларнинг ҳаммаси эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди, улар ўрнига эса янги, асосан ёш раҳбарлар сайланди. Малака категориясини аниқлашга доир аттестациядан врачларнинг кўп қисми ҳам ўтказилди.

Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, амалий ишдаги врачларга ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларидаги, шунингдек ССCР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Медицина фанлари

академияси илмий марказ ҳамда институтларининг Тошкентда жойлашган филиалларидаги профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар составидан малакали мутахассислар республиканинг ҳар бир районига биркитиб қўйилди. Улар консультация берадилар, касалларни операция қиладилар, амалий ишдаги врачларга диагностиканинг замонавий методларини ўргатадилар, даволаш методикасининг энг янги ютуқларини жорий этишда ёрдам берадилар. Бу иш янада активлаштириш ва такомиллаштиришни талаб қилсада, у ҳозирданоқ жойларда даволаш-профилактика ёрдамини ташкил этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг расмий илтимоси билан мамлакат марказий институтлари мутахассислари регион учун энг актуал бўлган масалаларга бағишланган сайёр циклларни ўтказмоқдалар. Масалан, 1986 йили ана шундай 9 та, 1987 йили 10 та учрашув ўтказилди.

Шу билан бирга шуни ҳам айтиш зарурки, даволаш-профилактика муассасаларининг баъзи раҳбарлари ва медицина ходимлари беморларга нисбатан қўполлик, эътиборсизликка йўл қўймоқдалар, тамагирлик, камомад ва талон-торож қилиш фактларига ҳали барҳам берилганича йўқ. Ҳозир ахлоқ нормаларини, молия ва меҳнат интизомини бузувчилардан қаттиқ талаб қиляпмиз. Медицина коллективларидаги тарбия иши сифати ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш системасининг моддий-техника базасини яхшилаш билан боғлиқ масала кескинлигича қоляпти. 1991—1995 йилларда унинг ривожланишига ажратиладиган капитал маблағларни 2—2,5 баравар ошириш планлаштириляпти, унинг 40 процентчаси янги объектларни замонавий медицина техникаси билан жиҳозлашга йўналтирилади. Ўн иккинчи — ўн учинчи беш йилликларда дори-дармонлар учун чиқимларнинг пул нормалари стационарларда 1,8—2,2 баравар, поликлиникаларда 2—3 баравар, овқатланиш харажати 1,5—2,5 ва юмшоқ инвентарь ҳамда мебель харид қилиш харажати 3 баравар ўсади.

Соғлиқни сақлашдаги қайта қуришни медицина кадрларининг топширилган ишга ёндашишини ўзгартирмасдан, улар малакасини оширмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Ана шу мақсадга эришиш учун медиклар ишига улар билимдонлиги, виждонан ишлаши ва меҳнатдаги интенсивлик кўрсаткичларига қараб баҳо бериш кўзланяпти. Олий ўқув юртларида врачлар тайёрлаш борасидаги талаблар кучайтирилади, медицина ёрдамини амалда кўрсата олиш маҳоратига катта эътибор берилади. Соғлиқни сақлаш муассаса ҳамда органларининг раҳбарларига катта ҳуқуқлар берилиши уларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга имкон беради, барча даражада моддий ва молия ресурслари, кадрлар билан манёвр қилишни таъминлайди, расмиятчилик ва бюрократизмга қатъият билан барҳам бериш имконини яратади.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳаси олдида йирик миқёсли вазифалар турибди. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги уларни бажариш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқяпти. Лекин, аҳолининг соғлиғини сақлаш проблемалари умумдавлат аҳамиятига эга бўлгани учун уларни соғлиқни сақлаш органлари, бошқа министрлик ва идоралар ҳамда партия ва совет органларининг биргаликдаги куч-ҳаракати билангина ҳал қилиш мумкин.

ИНСОН — ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ИНСОН ОМИЛИ

Л. ТАРАСЕВИЧ,
С. ЗАЙНИДДИНОВ,
иқтисод фанлари докторлари

ДАВЛАТИМИЗ ҳозир қадам қўйган тарихий босқич ғоят мураккаб, масъулиятли ва кўп жиҳатдан зиддиятлидир. Бу тушунарли, албатта, чунки ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қайта қуриш бормоқда, унга шу нарса сабаб бўлдики, КПСС МК 1987 йил январь Пленумида қайд этилганидек, мамлакат ўз тараққиётининг муайян даврида ҳаракат суръатларини бой бера бошлади, қийинчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар тўплана борди, экономикада, социал ва маънавий соҳаларда турғунлик ва социализмга ёт бўлган бошқа ҳолатлар пайдо бўлди. Узоқ йиллар мобайнида хўжаликни бошқариш практикасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга технократик ёндашишга асосланган эскириб қолган методлар қўлланилиб келди, бунда инсон омилига, унинг социал самарасига иккинчи даражали ўрин ажратилди. Айни чоқда тақсимот ва истеъмол соҳасида социалистик турмуш тарзига мувофиқ бўлмаган муносабатлар жорий этила бордики, бу ҳол тобора чуқур илдиз отган бир қатор жиддий зиддиятларнинг пайдо бўлишига олиб келиши турган гап эди.

Фан-техника революцияси ривожланиши билан ишлаб чиқаришда инсон омилининг объектив аҳамияти оша борди, айни чоқда ишлаб чиқаришнинг умумлашув миқёслари кенгайиб ва ихтисослашуви чуқурлашиб борди, меҳнатнинг техника билан қуролланиши ўсди. Аммо мамлакат социал-иқтисодий ривожланишида инсоннинг ролига, унинг турмуш тарзига етарлича баҳо берилмади. Сўз билан ишнинг бир-бирига тўғри келмаслиги, жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлашда ошкораликнинг йўқлиги хўжалик фаолиятининг қиймат ва ишлаб чиқариш натижалари ўртасида номувофиқликни келтириб чиқардики, бу ҳол социализмнинг асосий иқтисодий қонунининг амал қилишида бузилишларга сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, кишилар фаровонлигининг ўсишига, уларнинг жисмоний, маънавий камол топишига тўғаноқ сола бошлади. Бу ҳол эса уларнинг меҳнат самараси пасайиб кетишига, демак, иқтисодий ўсиш суръатларининг кучайишига ҳам дарҳол ўз таъсирини кўрсатди. Экономиканинг социал йўналтирилишининг сусайиши шунга олиб келдики, биз жами аҳолининг иш билан таъминланиши масаласини муваффақиятли ҳал этиб, ишлаб чиқариш воситаларига одилона эгалик принципларини таъминлаб, айни чоқда социализмнинг кишилар фаровонлигини муттасил ошириб бориш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, озиқ-овқат билан таъминланишини, транспорт, медицина хизматини, хизматлар кўрсатиш ва бўш вақтни ўтказиш соҳасини, бир қатор бошқа вазифаларни ташкил этишни яхшилаш борасидаги имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқара олмадик.

КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумлари йўл қўйилган камчиликларга принципиал баҳо бериб, меҳнаткашларнинг меҳнат ва социал соҳадаги активлигини жуда ҳам кучайтириб юборди. Совет кишилари тўпланиб қолган проблемаларнинг мураккаблигини, чинакам чуқур туб ўзгартишлар қилиш, янгилаш йўлини жамият ҳаётига изчил жорий эта бориш зарурлигини

тобора равшан англамоқдалар. Қишиларнинг меҳнатга, ўз хизмат вазифаларини бажаришга муносабатлари ўзгариб бораётганлиги партиянинг қайта қуриш сари тутган йўли қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатиб турибди.

Инсон омилини активлаштириш, ижтимоий муносабатлар бутун системасини такомиллаштиришда унинг ролини ошириш вазифаси мамлакат социал-иқтисодий ривожини жадаллаштириш концепциясини рўёбга чиқаришда қонуний тарзда марказий ўрин тутади. Зеро, В. И. Ленин таълим берганидек, «биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак.» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 164-бет). Владимир Ильич шу нарсани ҳормай эслатардики, социализм халқ оммасининг ўзи бунёд қилган нарсадир, бизнинг муваффақиятларимиз тўғридан-тўғри меҳнаткашларнинг аниқ мақсадни кўзлаган ғайрат-шижоатига боғлиқ. Ҳозир, қайта қуриш шароитида уларнинг сиёсий ва ахлоқий позицияси, уларнинг маҳорати ва ғайрат-шижоати, меҳнатда берадиган самараси, онги ва хатти-ҳаракатлари алоҳида муҳим аҳамият касб этади. КПСС XXVII съезди инсон тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий омил, унинг жони эди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолаверади деб таъкидлагани бежиз эмас.

Шундай қилиб, инсон омилини активлаштириш, омма ташаббуси ва ижодига кенг майдон очиб бериш зарурати — бу социализмнинг умумий қонунияти ҳам, СССР ривожи ҳозирги босқичининг хусусияти ҳамдир. Шуни қайд этамизки, бунда инсон омили — ижтимоий жараёнларда инсоннинг роли ошганлиги билан боғлиқ ҳам базисга, ҳам устқурмага тааллуқли ҳолатларни ифода этувчи жамланган тушунчадир. Бу тушунча экономикага татбиқан инсоннинг шахс сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришда роли ошиб кетганлигини англатади ва ана шу сифатда унга ишлаб чиқаришнинг инсон омили деб қаралади. Уни активлаштириш йўллари қандай? Бундай хилма-хил йўллардан шартли тарзда учта йирик группасини ажратиб кўрсатиш мумкинки, улар: энг яқин резервларни ишга солиш; тақсимот муносабатларини ва социал сиёсатни такомиллаштириш; мулкий муносабатларни такомиллаштириш ва соҳиблик туйғусини тарбиялашдир.

Биринчи группага, бизнингча, меҳнатни ташкил этишни ва унинг интизомини яхшилашни, иқтисодий мусобақа формаларини ривожлантиришни, кадрларнинг малакасини ва умумий билим даражасини оширишни ва «меҳнатни меҳнат билан рағбатлантириш» деб аталувчи нарсани, яъни меҳнат шароитини ва унинг мазмундорлигини яхшилашни киритиш лозим.

Иккинчи группа меҳнатга ҳақ тўлаш формаларини такомиллаштиришни, ижтимоий истеъмол фондларини ривожлантиришни, қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солиб туришни ўз ичига олади (тилга олинган ҳар бир вазифа бошқа кўпдан-кўп, янада конкретроқ вазифалардан иборатдир).

Учинчи группага инсон омилини активлаштиришнинг энг аввало умумлаштириш даражасини анча оширишга қаратилган теран вазифалари киради. Меҳнат коллективларини ресурслардан самарали фойдаланишдан ва юқори сифатли маҳсулот чиқаришдан манфаатдор қилиш, экономикада ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш зарур ва ҳоказо.

Жадаллаштириш концепциясининг асоси пухта. Мамлакатимиз қудратли фан-техника, ишлаб чиқариш, меҳнат, мудофаа потенциалига эга. СССР ихтиролар сони бўйича дунёда биринчи ўринни ишғол қилади, жаҳондаги илмий маҳсулотнинг деярли учдан бир қисмини, ҳар йили дунёда рўйхатга олинадиган жами техникавий ечимларнинг бешдан бир қисмини беради. Техника ва технологиядаги революцион ўзгаришларни таъминловчи биринчи даражали фундаментал тадқиқотлар бисоти бўйича СССР АҚШ ва «Умумий бозор» мамлакатларидан ўзиб кетган.

Биз ҳали фан ва техника ютуқларини ўз вақтида ва кенг кўламда жорий эта олмаётганлигимиз бошқа бир масала. Бунга ўрганиб олиш — жуда муҳим халқ хўжалик вазифасидир. Бундан ташқари, КПСС XXVII съезди белгилаган вазифаларни бажариш ривожланишнинг илгаригига қараганда бошқача методларини, сифат жиҳатдан янги моддий-техника базасини талаб этади. Кўп вақт мобайнида экономикамиз асосан экстенсив омиллар асосида ривожланиб келган

бўлса, эндиликда ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бутун ишнинг марказига қўйилган.

Амал қилиб турган технологияларни шунчаки такомиллаштириш, машиналар ва асбоб-ускуналарнинг мавжуд паркини қисман модернизациялаш йўли билан бундай жадаллаштиришга эришиб бўлмайди. Уни буюмларнинг дунёдаги энг яхши намуналарига яқинлаштириш ёки улар билан бир даражага кўтаришдан иборат қилиб қўйиб бўлмайди. Диққат-эътиборни жаҳон ютуқларидан ўзиб кетишга қаратмоқ зарур. Бундай вазифанинг қўйилиши ва унинг асослаб берилиши — социализмни ривожлантиришдаги янги тарихий қадамдир. Ишлаб чиқаришнинг социал йўналишини кучайтириш, демократияни ва социал адолатни чуқурлаштириш уни ҳал этишга хизмат қиладики, булар ижтимоий манфаатдорликни кучайтириши, барча меҳнаткашларнинг меҳнат активлигини ошириши лозим. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ана шу жуда муҳим жиҳатига эътибор бермаслик шунга олиб келдики, анча-мунча кишилар ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқаришдан беихтиёр четлашиб қолдилар, ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий жиҳатлари унинг социализмдаги асосий мақсадини — инсонни камол топтиришни тўсиб қўйгандек бўлди. Оддий меҳнатчиларнинг ишлаб чиқаришни, меҳнат натижаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишга таъсир кўрсатиш имкониятлари ҳам катта эмас эди.

Ижтимоий тараққиёт энг аввало социал актив, сиёсий онгли, маданий ва ахлоқий жиҳатдан камол топган инсонга асосланиши айниқса кўзга ташланиб турган ҳозирги кунда аҳвол ўзгармоқда. Маданият, маориф, медицина, маиший хизмат эҳтиёжларига сарфланадиган маблағлар кескин равишда кўпайтирилмоқда, уларни самарали ўзлаштиришга эътибор кучаймоқда. Аммо қайта қуришнинг мазкур йўналишини шахсни социал жиҳатдан йўналтириш, унинг маънавий маданияти ва меҳнат активлигини кучайтириш борасидаги бошқа — изчил, самарали, кўп қиррали иш билан қатъийроқ равишда қўшиб олиб бориш зарур. Ана шу икки йўналиш инсонни қайта қуришнинг, унинг куч ва қобилиятларини жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга сафарбар этишнинг моддий ва маънавий асосини ташкил этади.

Турғунлик даврида социал сиёсатнинг, конкрет инсон ҳақида ғамхўрликнинг самарадорлиги пасайиб кетганлиги кишиларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини сусайтирди. Истеъмолчилик, мешчанлик турмуш тарзи, меҳнатсиз даромад манбаларига интилиш ҳоллари қайта пайдо бўлди. Аслини олганда юксак унумли меҳнат фаолиятининг моддий ва маънавий стимулларини текислаштирувчи, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, ижтимоий муносабатлар бутун системасини такомиллаштиришда меҳнаткашларнинг ўзларининг ролини ҳам пасайтирувчи шароит юзага келди. Ўша вақтдаёқ ижтимоий истеъмол фондларидан социал неъматларни тақсимлашнинг юзага келган характери ҳам инсон омилини активлаштиришга кўмаклашмайди, зеро унинг бу характери текислаштиришга, шахссизлаштиришга интилиши билан ажралиб туради ҳамда муайян индивид ёки оиланинг меҳнат ҳиссасини амалда ҳисобга олмайди.

Меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги узвий алоқанинг бузилиши фақат меҳнатга бўлган муносабатни бузиб, унинг унумдорлиги ўсишига тўғаноқ солибгина қолмай, балки социал адолат принципининг бузилишига ҳам олиб келдики, бу энди улкан сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш ишлаб чиқариш муносабатларининг, социалистик демократия тартиботларининг, эскириб қолган ва кўпинча хўжаликни бошқариш методларининг реалликларига жавоб бермай қўйган тартиботларнинг амал қилишидаги жиддий камчиликларни тўғрилашга боғлиқдир. Бу борада ишни инсоннинг ўзини қайта қуришдан, жамоат ишларида унинг ролини оширишдан бошлаш лозим. Бунинг учун эса иш жойларида ҳам, турмушда ҳам қулай шароитларни яратиш зарур. Акс ҳолда фаолиятларини активлаштириш ҳақидаги чақириқлар билан кишиларга мурожаат қилиб туриш узоқ амал қиладиган асосга эга бўлмайди ва бу жамиятда аҳоли барча табақалари социал умидсизлиги, консерватизмининг, социализм идеаллари ва афзалликларига ишонмаслигининг илгаригига қараганда кўпроқ такрорланиб туришига олиб келиши мумкин.

Меҳнат — жамиятимиз моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, инсон социал обрў-эътиборининг бош мезони, социалистик турмуш тарзи шаклланишининг пойдеворидир. Бинобарин, шуни тушуниб олиш жуда муҳимки, қайта қуришнинг инсон омилини қандайдир шахссизлантирилган нарса деб тушуниш ярамайди, жамият у ёки бу аъзоси ҳаёт-фаолиятининг ўзига хос хусусиятини, унинг умумий ишдаги иштироки, бу ишдан манфаатдорлиги ва унга қўшадиган ҳиссасини ҳисобга олмасдан туриб, уни активлаштириб бўлмайди. Бунда турли синфлар, социал группалар, айрим шахсларнинг манфаатларига, эҳтиёжларига баҳо бериш борасида чуқур ва дадил тадқиқотлар ўтказмасдан туриб ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Кишиларнинг лаёқатларини, уларнинг қадрият ориентацияларини ҳисобга олишга, фаолиятнинг коллективистик ва соф индивидуалистик мотивлари нисбатига, афсуски, одат бўлиб қолган «ялпи» ёндашишни бартараф этиш лозим бўлади. Бизнингча, инсон омилини активлаштириш резервларини излашга ёндашишнинг реализми ҳам ана шундадир.

Ишлаб чиқаришни юксак малакали, хўжаликни замонавий талабларга мувофиқ равишда юритишга қобил мутахассислар билан таъминлаш қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бироқ, кадрлардан уларнинг ихтисосга оид маълумотини ва ишчанлик сифатларини ҳисобга олмасдан туриб фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ССР саноатида салкам 77 минг инженер ва техниклар ишчилар ўрнида меҳнат қилмоқдалар, аграр секторда эса 4 мингдан ортиқ киши ўз ихтисосидан бошқа ишларда ишламоқда. Бу ҳол экономикага фақат зиён келтирибгина қолмай, балки инсон омилига салбий таъсир ҳам кўрсатмоқда.

Бу ўринда биз машҳур совет экономисти академик С. Шаталиннинг фикрига батамом қўшиламизки, у ҳали социализм аҳолини шунчаки иш билан тўла банд этиш (бу экстенсив ривожланишнинг босиб ўтилган босқичидир) механизмини эмас, балки иш билан социал ва иқтисодий, рационал ва тўла банд этиш механизмини яратиши лозим бўлади, социализм принциплари — бу меҳнат қилишга лаёқатидан қатъи назар ҳар бир кишига иш жойини автоматик тарзда гарантияловчи хайр-эҳсон принциплари эмас, дейди.

Халқ хўжалик планларига мувофиқ Ўзбекистонда ўн иккинчи беш йиллик мобайнида 1 миллион 147 минг кишини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш лозим бўлади. Бироқ, агар ҳозирги суръатлар билан бориладиган бўлса, бунинг учун 5 йил эмас, балки 10 йил даркор. Кўп сменали иш режимига ўтиш ғоят суст бормоқда: ҳозир республикада ана шундай режимга ўтказилиши лозим бўлган 1108 та корхонадан атиги 278 таси икки-уч сменада ишламоқда.

Қўл меҳнати ҳиссасини қисқартиш натижасида бўшатиб олинган ходимлардан фойдаланиш бу ишда муҳим резерв бўлиб қолиши мумкин. Маълумки, бу ҳисса ҳозирча катталигича қолмоқда — мамлакат саноатида ишчиларнинг тахминан учдан бир қисми, қурилишда ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалигида чорак қисми асосан қўл меҳнати билан банд.

Хўжалик механизмини қайта қуриш ҳам ҳар бир меҳнатчининг умумий ишдан манфаатдорлигини барқарор этишга ёрдам беришга даъват этилган. У жамиятни ташкил этишнинг юзага келган формаларини абсолютлаштириш негизида, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қотиб қолган ҳолати, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар билан диалектик ўзаро алоқадорлигини менсимаслик негизида амалга оширилиши мумкин эмас. Қайта қуриш давомида ишлаб чиқариш усулини такомиллаштириш олдига қўйилаётган талаб, тажриба кўрсатиб турганидек, иқтисодий фаолиятнинг пировард мақсадлари ва натижаларига баҳо беришга ҳаддан ортиқ авж олиб кетган технократик, қиймат асосида ёндашишга қарама-қарши ўлароқ, унинг «инсонбоп» йўналишини кучайтириш зарурлигидан иборатдир. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, социал омилларнинг бутун комплексига етарлича баҳо бермаслик мазкур ёндашувларнинг оқибати бўлдики, бу жамият аъзоларида социалистик мулкни кўпайтиришдан, унга хўжайинларча муносабатда бўлишдан манфаатдорлик йўқолишига олиб келди. Дарҳақиқат, агар оддий меҳнаткашлар бошқарувнинг бюрократлаштирилиши туфайли амалда ана шу мулкни реал тасарруф этиш, ундан ўз фаровонлигини ошириш мақсадида фойдаланиш имкониятидан маҳрум этилган бўлсалар, юқорида тилга олинган туйғулар қандай қилиб ривож топиши мумкин

эди? Бинобарин, ҳар бир ҳалол меҳнаткаш ўз иш жойида ўзини тўла хўжайин деб ҳис этиши учун ҳали кўп ишлар қилишга тўғри келади. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақида мамлакатда қабул қилинган Қонун айнан ана шунга қаратилган. У тўла хўжалик ҳисобига ва бошқарувнинг демократик принципларига ўтиш шароитида меҳнат коллективларининг ишини тартибга солади. Бироқ, мазкур принциплар амалда мустаҳкамланиб қолиши учун уларнинг конкрет фойдаси ҳақида меҳнаткашларда ишонч пайдо қилмоқ лозим.

Ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқариш муносабатларини кишилар фаровонлигини ўстириш, уларнинг турмуш тарзини такомиллаштириш томон тубдан ўзгартиш қайта қуриш фойдасига хизмат қиладиган ғоят салмоқли далилдир ва айни чоқда унинг зарур шарт-шароитидир. Мазкур туб ўзгартиш қанчалик муваффақиятли борса, умуман қайта қуриш зарурлиги шунчалик чуқур англаб олинади. Эндиликда инсоннинг ўзи «ишлаб чиқариладиган» ва ривожланадиган социал соҳа илгаригидек сўзда эмас, балки амалда ўзига жуда катта эътибор талаб қилаётганлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Дарвоқе, амалга оширилаётган қайта қуришнинг бошланғич босқичларида у илдам ривожланиб бориши керак, чунки жамиятда тўпланиб қолган салбий жараёнлар айнан шу соҳада кўпроқ намоён бўлди ва айнан меҳнаткашлар социал жиҳатдан кўрсатган хизматларига қараганда камроқ неъматлар олдилар. Ана шунинг учун ҳам партия хўжалик раҳбарларини инсон ҳақида ғамхўрлик қилишни барча планлар ва қарорларнинг марказига қўйишга шунчалик қатъият билан даъват этмоқда. Ишлаб чиқаришнинг социал йўналишини кучайтириш — бу кераксиз бир машмаша, вақтинча ҳолат эмас, балки бизнинг ижтимоий тузумимиз ривожининг объектив қонунияти эканлигига зўр берилмоқдаки, буни назар-писанд қилмаслик жуда жиддий сиёсий характердаги оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки гап социализмнинг асосий иқтисодий қонуни ҳақида боради.

Агар кишилар мамлакат олдида турган асосий вазифаларни онгли равишда ва актив тарзда бажармасалар, ҳеч қандай фан-техника революцияси бу вазифаларни ҳал қилиб беришга қодир эмас. Партия ҳужжатларида, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқларида асосий ижрочи шахс — халқ қайта қуришга киришмаса, у оқсоқланиб қолади, деб таъкидланаётганлиги бежиз эмас.

Инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда янада активроқ иштирок этиши учун қандай имкониятлари бор? Бизнинг жамиятимиз шароитида бу имкониятлар жуда катта. Зеро социализмнинг негизи — хусусий эмас, балки умумхалқ мулкидан иборатдир. Бу ҳол меҳнаткаш инсонни сўзда эмас, балки амалда ишлаб чиқаришнинг, жамият бутун иқтисодий ҳаётининг хўжайини қилиш учун фавқулодда усуллар топиш имконини беради. Ушбу вазифа ҳозирги кунда биринчи даражали аҳамиятга молик. Шунинг учун ҳам уни ҳал этишга барча партия, жамоат ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг куч-ғайратини қаратмоқ зарур. Улар меҳнат коллективларида ўзаро талабчанлик, ўртоқларча қатъият, юксак масъулият, камчиликларга муросасизлик вазиятини вужудга келтириш ҳақида қайғуришлари лозим. Меҳнат фаолиятига моддий ва маънавий стимулларни оқилона қўшиб олиб боришни ўрганиб олмоқ муҳимдир.

Ёшларга алоҳида бир тарзда ёндашмоқ лозим — бунда диққат-эътиборни уларда меҳнатга шайликни, касбга меҳр қўйишни, ўз вазифаларига ҳалол муносабатни, ўз меҳнатидан фахрланишни, унинг зарурлиги ва социал аҳамиятини тушунишни шакллантиришга қаратмоқ керак. Бу борада ҳам умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари фаолияти учун кенг майдон мавжуд. Уларнинг вазифаларини КПСС МК 1988 йил февраль Пленуми, бизнинг республикамизга татбиқан эса — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X (1988 йил апрель) пленуми аниқ белгилаб берди. Энди гап — қабул қилинган қарорларни амалга оширишдадир. Ўзбекистонда инсон омилини активлаштириш проблемаси жуда кескин бўлиб турибди, бунда республикада экономика ва социал соҳада йўл қўйилган ишларнинг барбод бўлиши, туб ерли миллатлардан индустриал ишчилар синфини шакллантиришдаги, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд қилиш проблемасини ҳал этишдаги жиддий қолоқлик ўз таъсирини кўрсатди. Принципиал партиявий баҳо олган ана шу ва бошқа бир қатор сабабларга кўра Ўзбекистон ССР салбий

жараёнлар ғоят ярамас тус олган регионлар жумласидан эканлиги маълум бўлди.

Ана шуларнинг ҳаммаси республикамизда қайта қуриш жараёнини мураккаблаштиради, албатта. Яхшилик томон ўзгаришлар ғоят суст содир бўлмоқда. Хўжалик ва маданий қурилишнинг кўп йўналишлари бўйича, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX (1988 йил январь) ва X (1988 йил апрель) пленумларида қайд этилганидек, кейинги уч йил ичида қўлга киритилган натижалар кишини ташвишга солади. Республика халқ хўжалиги структурасини қайта қуриш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш резервларини излаш ва ишга солиш масалаларини асосли равишда ҳал қилмоқ лозим. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлишидаги аҳвол жиддийлигича қолмоқда. Республика аҳолиси 19 миллион кишидан иборат бўлган ҳозирги пайтда ишламаётган кишилар сони, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг маълумотларига кўра, салкам 1 миллионни ташкил этади. Агар 2000 йилга қадар Ўзбекистон аҳолиси, олимларнинг прогнозларига кўра, 26—27 миллион кишига етса, республикада меҳнат ресурслари анча кўпайиб кетади. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўла-тўкис таъминлашни яна шу нарса қийинлаштирадики, фан-техника тараққиёти ютуқлари жорий этилиши ва бошқарув аппаратининг қисқартирилиши натижасида ишлаб турган кишиларнинг каттагина қисми ижтимоий ишлаб чиқаришдан бўшатиб олинади.

Бу борада республикада кўрилаётган чора-тадбирлар — ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, корхоналарни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш, янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ишлаб турганларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш — ҳозирча тегишли натижалар бермаётир. Бу чора-тадбирлар 1988 йилда ишлаб чиқаришга салкам 300 минг кишини жалб этиш имконини беради. Демак, бусиз ҳам аҳолининг ишламаётган катта қисми кўпайиб бораверади.

Бизнингча, ушбу проблемага бошқа жиҳатдан ҳам ёндошмоқ лозим. Иш билан банд қилишни рационаллаштиришнинг мавжуд йўлларидан фойдаланиш билан бир қаторда демографик сиёсатга жиддий ўзгартишлар киритмоқ зарур. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг бутун территориясида бу сиёсат бола туғилишини рағбатлантиришга, кўп болали оилалар обрў-эътиборини оширишга қаратилганлиги билан ягонадир. Бола туғилиши кўрсаткичлари анъанавий тарзда юксак бўлган бизнинг республикамизда бу ҳол меҳнат потенциалининг, демак, иш билан банд этилмаган кишилар сонининг ҳам мунтазам кўпайиб боришига олиб келади. Агар ҳозир Ўзбекистонда мамлакатдаги ўртача даражага қараганда аҳоли жон бошига миллий даромад 2 баравар, товарлар эса 4 баравар кам ишлаб чиқарилаётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, республикамиз аҳолисининг муқим ўсиб бориши унинг турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мутлақо равшан. Шу боисдан биз бола туғилишини тартибга солишга ва оилани режалаштиришга муносабатни қайта кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблаётган олимларнинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаймиз. Демографик хатти-ҳаракатнинг ҳозирги соғлом турмуш тарзига мувофиқ бўлган янги стереотипини ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг бундан буёнги социал-иқтисодий тараққиёти манфаатларига ҳаммадан яхшироқ жавоб берадиган болалар сони ўртача бўлган оилаларни шакллантиришга медицина, педагогика, ҳуқуқий ва этик таъсир кўрсатишнинг бир қатор чора-тадбирларини ўйлаб топиш ва амалга ошириш зарур.

Қайта қуриш бошланганига уч йил бўлди. Яхшилик томон дастлабки ўзгаришлар бўлаётганлиги ҳозирдаёқ сезилмоқда. Бинобарин, бу ўзгаришларнинг энг асосийси — М. С. Горбачев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1988 йил 8 апрелда республика раҳбар ходимлари олдида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтган ўзгаришдир: кишилар бошқача бўлиб қолмоқдалар — улар социал умидсизлик, ўз теваракларида содир бўлаётган воқеаларга бефарқлик ҳолатидан чиқмоқдалар. Бундан буён ҳам демократиялаш, ошкоралик, туб иқтисодий ислоҳот орқали инсон омилини активлаштиришнинг ана шу жараёнини кучайтириб ва чуқурлаштириб бориш ҳаётий муҳим вазифадир.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Н. РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ фан-техника потенциали, иқтисодий ва социал ривожланиш даражасига кўра республикада етакчи областлардан биридир.

Бугунги кунда область халқ хўжалигида 143 минг нафар олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис ишламоқда. 3,4 минг киши илмий фаолият билан шуғулланади. Шулардан ярмидан кўпроғи — фан докторлари (147) ва кандидатлари (1740)дир. Уларнинг ўндан етти қисми бешта тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, шунингдек марказий ва республика илмий муассасаларининг ўнта филиали, тажриба станциялари ва таянч пунктларида, қолганлари — олтита олий ўқув юртларида тўпланган. Академия фани (2 процент) Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг ходимларидан иборат.

Самарқандлик олимларнинг илмий тадқиқотлари натижаларидан областдан ва республикадан ташқарида ҳам фойдаланилади. Масалан, В. И. Скрябин номидаги Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти мутахассислари ишлаб чиққан қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг энг кўп тарқалган касалликлари билан кураш методи, барқарор ветеринариянинг яхши ҳолатда бўлишини таъминлайдиган саноат чорвачилик комплексларида чорва молларни боқишнинг прогрессив технологияси эътироф қилинди. Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида дашт ва ярим дашт районлар учун ишлаб чиқилган чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашнинг юқори унумдор технологияси ишлаб чиқилди. Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг олимлари Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий зонаси учун узумнинг янги қимматли навларини яратмоқдалар.

Олий ўқув юртларининг кўпгина кафедралари актуал ва истиқболли тадқиқотлар олиб бормоқдалар. А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг проблемали лабораторияси ГДР ва Болгария олимлари билан биргаликда саноат асосидаги чорвачиликда микроэлементларнинг биологик ролини ўрганмоқда. Юқори рентабелли озуқа ўсимликлари интродукцияси юзасидан муваффақиятли иш олиб борилмоқда, бу ўсимликлар ҳосилдорлиги бедага қараганда 3—4 баравар юқоридир.

Қишлоқ хўжалик институтининг агроном олимлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини 20 процентдан зиёд кўтариш имконини берадиган 80 дан ортиқ агротехника усулларини, сут ва гўшт чорвачилигида ҳамда паррандачиликда чорвачилик рентабеллигини 15—20 процент оширган саноат йўли билан чатиштириш ва ишлаб чиқариш технологиясининг 10 схемасини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар.

Архитектура-қурилиш институтида ишлаб чиқилган инженерлик конструкциялари расчётларидан Сирдарё ва Толимаржон ГРЭСларида, Костромадаги АЭСни лойиҳалаштиришда фойдаланилди.

Бошқа олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари коллективлари самарали меҳнат қилишмоқда. 1983 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси-

нинг Самарқанд илмий маркази барпо қилинганлиги олимлар куч-ғайратини координациялаштиришда, улар ечимларини актуаллаштириш ва амалда қўлланишда ижобий роль ўйнади. Қисқа муддат ичида областдаги етакчи олимлар иштирокида 1986—1990 йилларга мўлжалланган 3 та мақсадли комплекс программалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Булар озиқ-овқат таъминоти, капитал қурилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, саноат чиқиндиларидан ва иккиламчи хом ашёдан оқилона фойдаланиш проблемалари бўйича 60 дан кўпрок йўналишлар ва темаларни қамраб олади. Бу программаларга экспериментларнинг ҳамма босқичларидан ўтган ва уларни жорий этиш учун зарур тавсияномаларга эга бўлган энг самарали илмий ечимлар киритилган. Илмий марказнинг бевосита кўмагида илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари билан областдаги хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ўртасида кашфиётлар ва ихтироларни жорий этиш тўғрисида хўжалик шартномалари тузилмоқда.

Ўтган йилда халқ хўжалигида фойдаланилган илмий ечимлар сони 1986 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ортиб, 300 га етди, иқтисодий наф 40 процент кўпайиб 39 миллион сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалик ва кооператив институтлари, университет, илмий-тадқиқот ветеринария институти ҳамда СоюзНИХИ пахтачилик станцияси олимлари Озиқ-овқат программаси доирасида энг кўп ҳисса қўшдилар.

Архитектура-қурилиш институти олими А. Азимовнинг саноат чиқиндиларидан фойдаланиб тошқол-ишқорли ёпишқоқ бетонлар ишлаб чиқариш ҳамда Н. Солоповнинг алифсиз шпатлёвка яратишга доир ечими амалиёт учун қимматли бўлди, анча иқтисодий наф келтирди.

СамДУ доценти Р. Н. Қутбиддинов иккиламчи хом ашё — химия ишлаб чиқариши чиқиндиларидан фойдаланиш устида кўп йиллардан бери ишламоқда. Унинг фосфогипс негизида олган қурилиш шпатлёвкаси, паста, алифсиз замаска, сувоқ эритмаси қурилиш объектларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Ана шу материаллардан фойдаланиш анъанавий материалларга нисбатан бир тонна ҳисобига 50 сўмдан 600 сўмгача тежамни ташкил қилади.

Олимлар ҳиссаси областдаги халқ хўжалиги барча тармоқларидаги инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг рационализаторлик таклифлари билан тўлдирилмоқда.

Кейинги ўн йил мобайнида область партия ташкилоти инженер-техник ходимларнинг шахсий ижодий планлари ва шахсий тежам ҳисоблари бўйича социалистик мусобақанинг илғор тажрибасини муттасил ўрганиб, изчиллик билан ёйиб келмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервлари аниқланмоқда, кўрик-конкурслар ва рейдлар ўтказилмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари область, шаҳар ва район бўғинидаги деярли барча сайланиб қўйиладиган органлар йиғилишларида (пленумлар, конференциялар, семинар-кенгашларда) муҳокама қилинди.

КПСС XXVII съезди ва унинг Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорлари партия ташкилотлари олдига янги мураккаб вазифаларни — хўжалик фаолиятига, фан-техника тараққиётига раҳбарлик услуби ва методларини кадрлар тафаккурини, шу жумладан иқтисодчи кадрлар тафаккурини қайта қуриш, топширилган иш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш вазифасини қўйди.

Область партия ташкилоти ленинградликлар тажрибасидан фойдаланиб, тарқоқ ҳолдаги жорий планлар ва тадбирлардан узоқ муддатли планлаштиришга ўтди. «Интенсивлаш — 90», «Сифат», «Иқтисод», «Иккиламчи ресурслар» мақсадли комплекс программалар тузилди, область, шаҳар ва район партия комитетлари хузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи советлар янгидан тузилиб мустаҳкамланди.

Партиявий ишда асосий эътибор меҳнат коллективларига қаратилди. Раҳбарлар, партия ташкилотлари қайта қуриш ғояларини ўзлаштириб олган, маҳсулот техник даражасини ҳамда иш сифатини оширишга ташаббускорлик ва қатъият билан эришаётган жойларда ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Самарқанд химия заводи коллективи янги техника ечимларини қатъият, ҳатто таваккаллик билан татбиқ қилиш намунасини кўрсатди. Бу ерда «тешикларни» шунчаки ямаш нафақат муваффақият келтирмаслиги, балки корхонанинг социал-

иқтисодий тараққиётини қийинлаштириши равшан бўлиб қолганида директор В. Я. Ёқубов, бош инженер В. В. Куряков, партком секретари Ш. С. Шоймардонов коллектив кўмагида ҳатто жорий план бажарилишига хилоф равишда 1987 йилда экстракцион-фосфор кислотаси ишлаб чиқариш цехини ҳар йилгидай капитал ремонт қилиш ўрнига реконструкция қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар. Мутахассислар мамлакатда ўхшаши бўлмаган принципиал янги техника ечимини қўлладилар. Эндиликда авторлар уни ихтирога заявка бериб ҳимоя қилиб қолдилар. Завод бош инженери ишлаб чиққан янги технологиянинг жорий этилиши химикларга бир экстракторда нагрузкани 2,5—3 баравар ошириш, ресурсларни уч, истиқболда эса 10 процент тежаш, асбоб-ускуналарни учдан бирига камайтириш имконини берди. Реконструкциядан умумий наф 3 миллион сўм миқдорида кутилмоқда. Бу йил иккинчи цехни ҳам техникавий жиҳатдан қайта қуриш иши олиб борилмоқда.

Содир бўлаётган жараёнлар муқаррарлигини, асл новаторлик руҳини теран тушуниш областнинг кўпгина хўжалик раҳбарлари ва партия ходимларига хосдир. Буларнинг орасида, масалан,— СССР 50 йиллиги номидаги лифтсозлик заводи директори П. С. Тенни кўрсатиш мумкин, у қисқа муддат ичида маҳсулот чиқариш ҳажмини камайтириш тенденциясини бартараф этишга муваффақ бўлди. Ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили ичида бу ерда ўсиш 16,5 процентни ташкил қилди, бу эса беш йиллик топшириқдан 4 процент ортиқдир. Бунга фан-техника тараққиёти ютуқларини ва биринчи навбатда — юқори унумдор асбоб-ускуналарни жорий этиш ҳамда уларнинг кам-кўстини тузатиш ва модернизация қилиш йўли билан унинг технология имкониятларини кенгайтириш ҳисобига эришилди. Сменалиликни кўпайтириш, шунингдек янги материаллар ва технологияни қўлланиш, бир қатор буюмларни унификация қилиш, иш ўринларини аттестация қилиш ҳамда меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиш анча наф келтирди. Лифтсозлик заводи коллективи планлари ва социалистик мажбуриятлари шундан далолат берадики, у бу йил ҳам дадил қадам ташлаб лифтларнинг 80 процентини давлат Сифат белгиси билан чиқармоқда, хорижий фирмалар билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

«Электробытмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директор В. А. Чжен корхона парткомининг фаол мадади билан холодильникларнинг техника даражаси ва сифатини ошириш йўлини тутмоқда. Завод маҳсулоти ўтган йили биринчи дафъа Хитой, Польша ва Афғонистонга экспорт қилинди. Бу эса умумий маҳсулот ҳажмининг 40 процентдан зиёд қисмини ташкил этади. Холодильникларнинг биринчи партияси Кубага жўнатилди.

Инсон омилини активлаштириш борасидаги куч-ғайрат тобора салмоқли натижалар келтирмоқда. Шу туфайли ихтирочилар ва рационализаторлар сафлари анча кенгайди, уларнинг техникани такомиллаштиришга, область экономикасини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси ошмоқда. Ишлаб чиқариш новаторлари ишламаларидан фойдаланиш ўн иккинчи беш йилликнинг фақат икки йили ичида халқ хўжалигига 41 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий тежам келтирди. Агар 1984 йилда жорий этилган бир таклиф ҳисобига у 10 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1987 йилда — 16 минг сўмни ташкил этди. Техника ижодкорлиги ташаббускорлари — уйсозлик комбинати бош инженерининг ўринбосари Ф. И. Пак, пойабзал фабрикаси қолипчиси Д. Х. Шарипова, кўнчилик заводи слесари Г. А. Галиулин, университет доценти Ц. Д. Бронштейн, лифтсозлик заводи инженери Қ. Н. Яковлев, «Электробытмаш» бирлашмаси созловчиси Қ. Шукуров, мебель фабрикаси андозачиси А. Г. Гросс кўплаб фойдали такомиллаштиришларни жорий этдилар.

Ахборот манбаларидан олинган фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш — ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг йўлларидан биридир. Айтиш керакки, кейинги икки йил ичида бу борада самарали ишлар қилинди. Оралаб текшириб чиқилган 25 корхонада тармоқ ва тармоқлараро ахборот манбаларидан олинган 410 янгиликни қўлланишнинг иқтисодий самараси 4 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилди. «Самарқандгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ана шундай изланишни фаол олиб бормоқда, бу ерда мураккаб геологик шароитларда қудуқларни бурғилашда полимерлар қўшилган ювиш суюқликларидан фойдаланишнинг ўзидангина 142 минг сўмлик иқтисодий

наф олинди, жами 64 янгиликни жорий этиш натижасида 2,7 миллион сўм наф кўрилди.

«Гелион» ва чинни заводлари, шойи тўқиш фабрикаси, 8 март номли ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмаси ахборот манбалари ёрдамида ишлаб чиқаришдаги танг жойларни муваффақиятли бартараф этмоқдалар, бу корхоналар неча ўнлаб тадбирларни жорий этганлар. Тикувчилик бирлашмасида курткаларга ҳалқачалар қадаш учун пневматик машиналарни ўзлаштириш нафақат маҳсулот таннарҳини арзонлаштиришга, шунингдек иш ўрнида хавфсизлик техникасини анча яхшилаш, яна 27 янгиликни жорий этишни ҳисобга олганда 212 минг сўмлик иқтисодий наф кўриш имконини берди.

Ўтган беш йилликда чинни заводида фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш бобида 36 тадбир амалга оширилди, бу эса 306 минг сўмлик иқтисодий наф келтирди, шу беш йилликнинг ўтган икки йили ичида эса фақат ахборот манбаларидан 50 минг сўмдан зиёд иқтисодий наф келтирган 27 янгилик жорий этилди. Бу корхонани реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта қуриш борасида системали иш олиб бориш билан бир қаторда, коллективга ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдаланиш, технологияни доимо такомиллаштириб бориш, маҳсулотни ўз вақтида янгилаш имконини беради.

Самарқанд илмий-техника ахбороти тармоқлараро территориал маркази (ИТАМ) янгиликларни жорий этишда корхоналарга катта ёрдам кўрсатмоқда. 1987 йилда унинг директори Л. Б. Квасованинг ҳисоботи область партия комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи советда эшитилди, совет илмий-техника ахборотини яхшилашга доир ишлаб чиқилган тадбирлар ва тавсияларни маъқуллади. Шу йил ИТАМ корхона ва ташкилотларнинг заявкалари бўйича техника ва технологияни такомиллаштириш, маҳсулот ва асбобларнинг янги турларини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини, бошқариш системаларини ўзлаштиришга доир 5 мингта тематик подборкаларни тарқатади.

Уйсозлик комбинатининг бу соҳадаги ишлари илмий-техника ахборотидан фойдаланишнинг яхши намунасидир. Ўтган йилда бу ерда ахборот манбаларидан иккита янгилик жорий этилди, бу йил эса 29 янгилик жорий этиш мўлжалланмоқда. Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш шароитида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги формаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Умуман Самарқанд уйсозлик комбинати партия комитетининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш жараёнига раҳбарлик соҳасидаги иши бошқаларга намуна бўлиб қолди. Аввало бу ерда фан-техника тараққиётининг йўналишлари ҳамда туб проблемалар — йирик панелли уйсозлик заводлари маҳсулоти ва ишга туширилаётган уй-жойларнинг сифати, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ресурсларни тежашнинг туб проблемалари аниқлаб олинди. Партком мажлислари, маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқини амалга ошириш комиссияларининг иши, коммунистларнинг партия йиғилишларидаги ҳисоботлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари куч-ғайрати — буларнинг бари қўйилган мақсадларга эришишга бўйсундирилган.

Икки йил аввал комбинат парткоми коммунист Ф. И. Пак раҳбарлигида ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини жорий этиш группаси составини танлаб олди ва тасдиқлади. Бу группанинг Самарқанд, Тошкент, Калинин шаҳарларидаги илмий ва лойиҳалаш институтлари билан ҳамкорлиги доимо ижодий изланиш олиб бориш, ҳар йили янги техника ва технологияни ўзлаштириш имконини беради. 1987 йилда жорий этилган 7 таклиф йилига 180 минг сўм иқтисодий наф кўриш имконини берди.

Уйсозлик комбинати коллективининг фаолияти муносиб баҳоланди — у 1987 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлди ва КПСС МҚ, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Лекин қилинган ишни пировард натижалар билан боғлиқ ҳолда олиб қаралса, фан ва техника ютуқларининг ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётига таъсири қониқарсиз эканлигини аниқ англайсан. Бир қатор меҳнат коллективлари хўжалик фаолияти анча яхшиланганлигига қарамай, умуман регионнинг иқтисодий ва социал тараққиёт плани бажарилишида анча мураккаб вазият вужудга

келмоқда. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмлари ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари секинлашишига ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Қолаверса, ўн биринчи беш йилликда бу суръатлар бир йилда ўртача тегишли равишда 3,5 ва 1,7 процентни ташкил қилган бўлса, ҳозирги беш йилликда маҳсулот ҳажми икки йил ичида атиги 2,2 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 1985 йилдагига нисбатан ҳатто бирмунча пасайди ҳам.

Аввалгича ҳар тўрт-беш корхонанинг бири таннархни арзонлаштириш топшириқларини, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини, маҳсулот ишлаб чиқариш планини уддаламаётир. Капитал қурилишда ишлар аҳволи тубдан ўзгаргани йўқ, меҳнат унумдорлиги, янги фондларни ишга солиш, маблағларни ўзлаштириш юзасидан планлар бажарилмади. Биз товар обороти бўйича, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида анча орқада қолмоқдамиз, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳали ҳам паст. Агросаноат комплексида пахта, ғалла, мева экинлари, қоракўл, гўшт, сут тайёрлаш бўйича жиддий қолоқликка йўл қўйилди, бу эса, ўз навбатида қайта ишлаш саноатидаги ишлар аҳволига салбий таъсир кўрсатди.

Буларнинг сабаби нима? Нега сарф қилинган куч-ғайрат кутилган натижаларни бермаётир?

Агар кўп йиллар мобайнида асосий эътибор фан-техника тараққиёти тўғрисида ғамхўрлик қилишга эмас, балки ҳар қандай қилиб бўлса ҳам жорий планни бажаришга қаратиб келинганлигини, коллективларда конкрет ташкилотчилик ва тарбиявий иш ўрнини шиорлар, рапортлар, чақириқлар, бўлар-бўлмасга гулдурос олқишлар олганлиги эсга олинса, бунга жавоб топиш қийин эмас.

Фан-техника тараққиётининг асосий кўрсаткичларига доир статистика бюллетенларининг маълумотлари диққат-эътибор билан анализ қилинса, кўп нарса равшан бўлади қолади. Бинобарин, гап ҳатто планлаштирилган топшириқлар ва тадбирлардан орқада қолинганлигидан кўра планларнинг ўзи унчалик тиғиз эмаслигида, фан-техника тараққиётининг устун йўналишларига етарлича эътибор берилмаганлигидадир. Эскириб қолган технологиядан, маънавий ва жисмоний ишдан чиқиб қолган асбоблардан фойдаланишнинг сабаби шунда. «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасини техника жиҳатдан қайта қуроллантириш масаласи тўртта беш йиллик давомида ҳал қилинмай келмоқда, бу ерда 1927 йилги нусхадаги 252 та пиллакашлик дастгоҳи ҳаммаси тўхтаб қолай деб турибди. Маҳаллий саноат корхоналаридаги асбоб-ускуналарнинг 60 процентдан кўпроғи 20 йилдан буён ишлатилиб келинади. Ана шу ва бошқа баъзи корхоналардаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг атиги ўндан биригина янгиланган. Умуман область бўйича у (1986 йилдаги натижаларга мувофиқ) атиги 2,3 ни ташкил этди, ҳолбуки, бу бир неча баравар кўп бўлиши керак эди.

Айни вақтда янгиликлардан фойдаланиш соҳасида тегишлича чоралар кўрилмаётир. Масалан, «Красный двигатель» кўп йиллардан буён мустаҳкамловчи қопламалар билан деталлар ишлаб чиқаришнинг прогрессив технологиясини жорий этолмаяпти; Каттақўрғондаги «Хлопкомаш» заводи ўтган йили планлаштирилган еттита янги технологиянинг ҳаммасини ўзлаштириб «улгурмади»; шу заводнинг ўзида роликларни йиғадиган янги конвейер линия, рақамли программали бошқарув станоклари ишга солинмади ва ҳоказо. Ҳар беш саноат корхонасининг бири механизациялаштирилган ва ярим автоматик линияларни, автоматик асбоб-ускуналарни жорий этишни уддаламаётир, яна шунча корхона умуман ўтган йили ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш юзасидан иш қилмади.

Шундай бир мураккаб вазият юзага келмоқда. Бир томондан, корхоналарнинг 80 проценти янги техника ва технология бўйича планларнинг барбод бўлишига асбоб-ускуналар, хом ашё, комплектлаштирувчи буюмларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги, лойиҳа-смета ҳужжатларининг йўқлигини сабаб қилиб кўрсатади, иккинчи томондан, ўрнатилмаган асбоб-ускуналар, шу жумладан қиммат баҳоли импорт ускуналар миқдори камаймаётир.

Жорий этилаётган янгиликларни ҳам кўнгилдагидай деб бўлмайди. Кўпинча бу арзимаган техника ечимлар, такомиллаштиришлар бўлиб, бунинг устига улар тегишлича самара келтирмаётир. Масалан, саноатда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишдан иқтисодий наф бир сўмлик харажат ҳисобига 1 сўм

7 тийинни ташкил қилди, шу ҳам 1986 йилдагига нисбатан 71 тийин камайди. Корхоналарнинг анчагина қисми чиқимларининг ярмини ҳам қопламайди. «Красный двигатель» ва Каттақўрғондаги «Хлопкомаш» заводлари, «Самаркандстройматериалы» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Зарафшондаги шағал карьери шулар жумласидандир.

Темаларнинг майдалиги, фан-техника тараққиётининг устун йўналишларига эътиборнинг йўқлигини қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди: фан-техника тараққиётига доир 3 минг тадбирдан 2 йил ичида область саноат ишлаб чиқаришига атиги 3 та робортлаштирилган технология комплекси, 8 та рақамли программали бошқарув жорий этилди, атиги 11 та асбоб-ускуна ва приборларнинг янги турлари ўзлаштирилди, планлаштирилган 10 та автоматик линиялардан 8 таси ишга солинди. Кам чиқитли технология процессларини ишлаб чиқаришда қўлланиш иши аслида бошланғич босқичдадир.

Техника жиҳатдан прогрессив ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан моддий манфаатдорликнинг йўқлиги кўпчилик одамларда ижодий активликни сўндириб юборди. Ихтирочилик ва рационализаторлик ишининг обрўси пасайиб кетди. Ижодкорликнинг бу турида область халқ хўжалигидаги меҳнаткашларнинг бир процентдан ҳам камроғи иштирок этмоқда, бу эса бутун мамлакатдаги шу кўрсаткичдан беш марта камдир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидаги ишларнинг аҳволи бундан ҳам ёмон, бу соҳада ишловчилар билан рационализаторлар умумий сонининг нисбати улар орасида саноатдагига қараганда 10 баравар камдир.

Афсуски, рационализаторлик ҳаракатининг ўсиши, бу ишнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши ҳам кўзга ташланмаяпти. Ахир рационализаторлик таклифларининг 60 процентдан кўпроғи шунчаки конструкторларнинг кам-кўстини, хатоларини тузатишдан, майда такомиллаштиришлардангина иборатдир. Янгиликлардан фойдаланиш муддатларини қисқартириш ва уларнинг микёсларини кенгайтиришда ҳам ҳозирча муваффақиятлар йўқ. Ҳар йили, асосан корхоналар ва бирлашмаларда экспериментал цехлар ва участкаларнинг йўқлиги туфайли новаторлардан салкам 500 тасининг техника ечимларидан фойдаланилмаяпти.

Илмий техника ахборотлари, патентшунослик ва рационализаторлик ишини юридик жиҳатдан расмийлаштирмасдан ва моддий жиҳатдан рағбатлантирмасдан кишилар зиммасига юклашдек зарарли практикага барҳам берилгани йўқ. Баъзи раҳбарлар қайта қуришни шундай тушунадиларки, ошириб юборилган бошқарув аппаратини қисқартириш ўрнига улар патент хизматини ва ихтирочилик бюросини, илмий техника ахбороти бошланғич органларини тугатиб юбормоқдалар. Бундай тенденция яхшиликка олиб келмайди.

Областнинг илмий потенциали имкониятларидан ҳам тўла фойдаланилмаётир. Илмий тадқиқотларни ўтказиш учун олий ўқув юртлари ва фан муассасаларини маблағ билан таъминлаш ялпи ўсган ҳолда ҳар бир сўм чиқим ҳисобига уларнинг самараси камайганлиги кўзга ташланмоқда. 1987 йилда область бўйича фаннинг самараси 1,5 сўмни ташкил этди ва 1985 йилда эришилганидан паст бўлди, бунинг устига бу кўрсаткич олий ўқув юрти фани бўйича мамлакатдаги ўртача даражадан 2 баравар камдир.

Мантиққа зид шундай бир ҳолат юз берди, умуман ишлаб чиқариш фандан нима исташини кўпинча билмайди, фаннинг ҳиссаси эса етарлича самарали эмас, чунки ишлаб чиқариш қилинган ишланмалардан фойдаланишга ҳали тайёр эмас.

Саноат ишлаб чиқариши ва унинг етакчи тармоғи — машинасозлик проблемаларига доир илмий тадқиқотлар аҳволи алоҳида ташвиш туғдиради. Агар Озиқ-овқат программасининг турли масалаларини ишлаб чиқишда областдаги илмий потенциалнинг салкам учдан бир қисми қатнашса ва олимларнинг 10 проценти капитал қурилиш соҳасида тадқиқотлар олиб борса, индустрияни ривожлантириш проблемалари билан олимларнинг атиги 2 проценти шуғулланмоқда. Жорий этилаётган илмий ечимларнинг фақат 4 процентидан саноат ишлаб чиқаришида фойдаланилмоқда.

Турган гапки, қарор топган анъанани бартараф этишдан, турғунлик давридаги тафаккур стереотипларини енгишдан, изланишга, ижод қилишга, новаторликка иштиёқ уйғотишдан кўра камчиликлар сабабларини очиш осонроқдир. Барча

даражаларда тарбиявий ва тушунтириш ишлари олиб бориш билан бир қаторда яқин вақтлар ичида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ёрдам берадиган бир қатор ташкилий тадбирларни кўриш тақозо этилади. Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи советлар ролини ошириш, турли жорий этувчи ташкилотлар (фирмалар, мувaққат ижодий коллективлар, фан-техника хизмати марказлари, кооперативлар ва ҳоказо) барпо қилиш белгиланган.

Халқ истеъмол моллари бўйича 1988 йил мартида Самарқандда ўтказилган илмий-техника ғоялари ярмаркаси бу ишда қатнашишга қобил, энг муҳими буни истовчи кўпгина мутахассислар, малакали ишчилар, олимлар, студентлар борлигини кўрсатди. Ёшларнинг илмий-техника ижоди координацион маркази, бошқа ташкилотлар 1988 йил давомида бир нечта жорий этувчи коллективлар тузиш, уларга амалий ёрдам кўрсатишни мўлжалламоқдалар.

Область ижрокомининг маҳаллий саноат бошқармаси ҳузурида кооператив асосида илмий-ишлаб чиқариш кооперативи тузилди, унда СамДУ химия факультетининг олимлари ва студентлари ҳамкорлик қилмоқда. Улар химия заводи чиқиндиси — фосфогипсдан фойдаланиб, қурилиш блоклари ва бошқа турдаги буюмлар чиқарадилар.

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатдан яхшилаш ҳамда олий ўқув юртлари факультетлари ва кафедраларини область қишлоқ хўжалик корхоналари билан интеграциялаш мақсадида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий кенгаши ўқув илмий-ишлаб чиқариш комплекси (ЎИИК) тузишга қарор қилди. Архитектура-қурилиш институтида ҳам шу мақсадда қурилиш проблемалари бўйича ЎИИК тузилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Самарқанд илмий маркази томонидан озиқ-овқат саноатининг иккиламчи чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш ва улардан донадор озуқа олиш, шунингдек 2010 йилгача бўлган даврга мўлжаллаб областни социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш мақсадида тармоқлараро лаборатория ташкил этиш учун мувaққат ижодий коллектив ташкил этиш асослаб берилди. Ана шу икки таклиф муҳокама қилинди ва манфаатдор буюртмачилар ва область ижрокоми билан келишиб олинди.

Шу йилнинг февраль ойида Самарқанд область ижрокоми, облсовпрофи ва область комсомол комитетининг қарори билан ёшларнинг техника ижодиётини ривожлантириш мақсадида уларнинг илмий-техника ижодини ривожлантириш бўйича область координацион Совети барпо қилинди.

Пул билан таъминлаш, планлаштириш ва юридик статус билан боғлиқ бўлган ҳал этилмаган проблемалар областда шунга ўхшаш ташкилий формаларни кенг ривожлантиришга халақит қилмоқда. Бошланиб кетган ижодий ташаббусни активлаштиришда, турли тузилмаларнинг ҳамкорлик қилишида директорлар, бош инженерларнинг район, шаҳар советлари, амалий учрашувлар клублари ижобий роль ўйнаши мумкин. Масалан, яқинда фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи Самарқанд шаҳар совети илмий техника ахбороти маркази билан биргаликда Сиёб районида амалий учрашувлар клуби тажрибасини умумлаштирди ва маъқуллади. Бундан 10 йил муқаддам ташкил этилган, райондаги барча корхоналар раҳбарларини бирлаштирган ана шу клуб амалий малакаларни оширишга, илғор тажрибани алмашишга қаратилган ишни мунтазам олиб бормоқда. Махсус монтаж-созлаш бошқармаси бошлиғи Эркин Маликович Жунаев клубнинг кўп йиллик раиси бўлиб, у фидойи, изланувчи, турли янгиликларни жорий этишга жонкуяр кишидир.

Бу йил директорлар совети Самарқанднинг Темир йўл районида ташкил этилди, у Каттақўрғон шаҳрида ҳам тикланмоқда. Ана шу тузилмалар доирасида йирик ва бақувват корхоналарнинг кичик ва техникавий ҳамда иқтисодий жиҳатдан заиф корхоналарга оталик ёрдамини уюштириш, айрим илмий-техникавий ҳамда социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун куч ва воситаларни кооперациялаш, бир-бирига маънавий мадад бериш тўла амалга оширилиши мумкин.

Лекин ҳар ҳолда фан-техника тараққиётининг мураккаб масалаларини фақат жамоатчилик асосида ҳал этиш кам самарали бўлади. Масалан, уларни территориал бошқаришни олиб кўрайлик. Ҳозир бу гўё фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи Советларнинг компетенциясида бўлиб, улар вужудга келган

проблемаларни муҳокама этадилар ва уларни ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Лекин бу иш онда-сонда ва оралатиб амалга оширилади. Ижрокомларнинг план комиссияларида халқ хўжалигига зарур бўлган фан ва техника ютуқларини нафақат планлаштириш, шунингдек тармоқлар ва регионлар бўйича уларнинг жорий этилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, анализ қилиш вазифалари билан шуғулланадиган бўлимлар ва бошқармалар бўлиши керак.

Бошқа бир муҳим проблема — бу яхши тайёргарлик кўрган кадрларнинг йўклигидир. Афсуски, ишлаб чиқаришни бошқараётган кишиларнинг кўпи кам компетентлилиги туфайли фан таклиф этаётган нарсаларни идрок этишга ва уларни конкрет конструкторлик ишламаларига айлантиришга қодир эмаслар. Ахир саноатда инженерлик лавозимларининг 42 процентини агроном ва педагоглар эгаллаб турибди, уларнинг 20 проценти эса олий маълумотга эга эмас. Бинобарин, инженерлар, иқтисодчилар ва саноат ишлаб чиқариши ташкилотчиларини тайёрлаш масаласи бугун ҳам кескин бўлиб турибди.

Фан-техника тараққиётини бошқаришнинг тегишли моддий-техника базасини яратиш проблемаси ғоятда долзарб масаладир. Узоқ йиллар мобайнида областнинг партия, совет ва хўжалик органлари илмий-техника жамоатчилиги фикрини писанд қилмай, илмий-техника ва иқтисодий жамиятларнинг, рационализаторлар ва ихтирочилар совети, ижодий союзлар, клублар ва шу кабиларнинг муваффақиятли ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни яратмаганлар, буни сира кечириб бўлмайди. Ҳозир бу нуқсон тузатилмоқда — Фан ва техника уйи лойиҳалаштирилмоқда. Уни қуриш 1989 йилда бошланади. Бу уйнинг ишга туширилиши билан барча ижодий союзлар, жамият ва ташкилотлар куч-ғайратини активлаштириш, фан-техника кўргазмалари ва ғоялар ярмаркаларини, амалий учрашувлар ва бошқа тузилмалар мажлисларини мунтазам ўтказиб туриш, халқ хўжалиги мутахассислари, олимлар малакасини доимо ошириб бориш, фан ва техника ютуқларини пропаганда қилиш ва жорий этишни, компьютер саводхонлигини ёйиш, автоматлаштирилган бошқариш системалари асосларини ўзлаштиришни яхшилаш имконияти туғилади. Бу ўринда биз тегишли министрликлар ва идораларнинг, хусусан ишламаларни апробация қилиш учун экспериментал-ишлаб чиқариш базасини ташкил этишда, тажриба намуналарини тайёрлашда, шунингдек кўпгина хўжаликлар ва корхоналарнинг моддий-техника таъминотини яхшилашда ёрдам беришларига умид қиламиз. Бизнингча, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, инженерлик ва коммерция марказлари барпо этиш самарали бўлур эди.

Ҳозир фан-техника тараққиётининг устун йўналишларини белгилаш ҳамда 2010 йилгача бўлга даврга мўлжалланган областнинг социал-иқтисодий ривожланиши прогнози ва концепциясини ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолди. Бироқ, биз ана шу вазифаларни ҳал эта оладиган бирорта ҳам академик ёки тармоқ илмий-тадқиқот институтига эга эмасмиз. Лекин бунинг чораси бор. Самарқанд илмий марказини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг филиали деб билиб, унинг базасида регионал социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этиш юзасидан комплекс бўлинма ташкил этиш мумкин.

Ҳаёт бизни шошилтирмоқда. Қимда ким илмий ғояларда олдинда юрмаса, ҳамма соҳада орқада қолиш эҳтимоли бор. Бизнинг давримиз — совет жамиятидаги чуқур ўзгаришлар даври масалани шу тарзда қўймоқда.

МАТЕРИАЛИСТИК ДИАЛЕКТИКА— ЯНГИЧА ТАФАККУР ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК НЕГИЗИ

Ж. ТУЛЕНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ ҳар томонлама тараққий этиши, унинг коммунизм сари олға қараб ҳаракати мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш асосидагина таъминланиши мумкин ва керак. Юксак даражада ташкил топган ва самарали, ҳар томонлама ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, етук социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига, яхши созланган хўжалик механизмига эга бўлган экономикага ўтишни амалга ошириш, деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, партиянинг стратегик йўлидир. Шу билан бир қаторда меҳнат мазмуни ва характерида, кишилар ҳаётининг моддий ва маънавий шарт-шароитида ўзгартишлар қилиш, сиёсий, ижтимоий ва идеологик тартиботларнинг бутун бир системасини активлаштириш кўзда тутилмоқда.

Жадаллаштириш нафақат жамиятнинг иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ҳаётида туб ўзгартишлар қилишни, балки ҳар бир совет кишисининг тафаккурини оператив равишда қайта қуришни, олға ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган андазаларга, ишдаги эски услуб, форма ва методларга қатъиян барҳам беришни ҳам талаб этмоқда. Совет кишиларининг ҳаммаси бундай қайта қуришнинг зарурлигини қанчалик тезроқ англаб етсалар, янгичасига ташаббус кўрсатиб ва ижодий фикрлаб меҳнат қилишни ўргансалар, коммунистик бунёдкорлик режалари янада муваффақиятлироқ амалга оширилади.

Афсуски, жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини қайта қуриш вазифаларига уйғун бўлган янгича тафаккур зарурлигини ҳали ҳамма ҳам англаб етганича йўқ. Бу эса ижтимоий онгнинг ривожланиши ижтимоий борлиқдан орқада қолиш тенденциясига эга бўлган мураккаб диалектик жараён эканлиги билан маълум даражада изоҳланади.

«Турмуш тарзини бирданига ўзгартириб бўлмайди,— деб таъкидланади КПСС XXVII съезди материалларида,— тафаккурдаги сусткашликни бартараф этиш эса бундан ҳам мураккаброқдир. Бунда қатъий куч-ҳаракатлар тақозо қилинади». Бугунги кунда ҳар бир киши ҳозирги вазифалар характерини чуқур тушунишини, тафаккурда ижодий услубга эга бўлишини, ишга масъулият билан ёндашишини шакллантириш, онг етуклигини оғишмай ошириб бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш айниқса муҳимдир. Ҳаракатчан, диалектик жиҳатдан мослашувчан янгича тафаккур ҳам илмий, ҳам амалиётчи ходимларга ғоят зарурдир, чунки унингсиз фанни тўғри ва жадал ривожлантириш ва айниқса англаб етиш ҳамда социал практикага айлантириш мумкин эмас.

«Ҳаммамиз эгаллаб олишимиз лозим бўлган янгича тафаккур,— деди КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида (1986 йил октябрь) сўзлаган нутқида,— диалектик тафаккурдир», диалектика эса, Қ. Маркс ёзганидек, «ҳеч нарсага бўйин эгмайди ҳамда ўз моҳиятига кўра танқидий ва революциондир» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 23, с. 22).

Материалистик диалектика мангу барҳаёт, революцион таълимотдир. Шу сабабли ҳам у жадаллаштириш, қайта қуриш стратегиясининг моҳиятини ҳаққоний акс эттирувчи янги услубдаги тафаккурнинг методологик негизи сифатида майдонга чиқмоқда. Фақат материалистик диалектика, унинг қонунлари, категория ва принциплари негизида эгалланадиган тафаккургина жамиятимиз ҳаётида юз бераётган революцион ўзгаришларни уларнинг бузилмас ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирини тақозо этиши, зиддиятли ҳаракат қилиши ва ривожланиши орқали айнан акс эттиришга қодир. КПСС Программасида бундай деб ёзилганлиги шу сабабли ҳам тасодифий эмас: «Диалектик-материалистик методология табиий-илмий ва социал билишнинг принципиал, синалган негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уни бундан буён ҳам ижодий ривожлантириш, тадқиқотчилик ишида ва ижтимоий практикада оқилона қўллаш керак».

Материалистик диалектиканинг тафаккурдаги янгича услубни ҳосил қилиш борасида самарадорлиги КПСС XXVII съезди, унинг МК кейинги Пленумлари ҳужжатларида ёрқин кўрсатилган. Уларда ҳам мамлакат ичида, ҳам халқаро майдонда юз бераётган жараёнларни диалектик анализ қилиш асосида жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги янгича тафаккур принциплари таърифланган, идеология ишидаги янги ёндашишлар аниқлаб берилган.

Янгича иқтисодий тафаккур 70-йилларда ва 80-йиллар бошида экономикада кўзга ташланган нохуш тенденцияларни бартараф этишга ва мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантиришни таъминлашга даъват этилган. Шунга мувофиқ равишда ҳозирги беш йилликдаёқ меҳнат унумдорлиги ўн биринчи беш йилликдаги 16,5 ўрнига 20—23 процент ошиши керак. Истеъмол қилиш ва жамғаришда фойдаланиладиган миллий даромадни ўтган беш йилликдаги 17 процент ўрнига 19—22 процент ўстириш кўзланяпти.

Ўсишнинг интенсив, сифат факторларидан фойдаланиш ҳисобига юксак пировард натижаларга эришишга йўллаши ҳам янгича иқтисодий тафаккурнинг принципиал хусусиятидир. Мамлакатимиз тарихида илк маротаба ҳозирги беш йилликдаёқ миллий даромад, саноат ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотининг бутун ўсишини ишловчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда таъминлаш лозим бўлади. Халқ хўжалигининг хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган қўшимча эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи аввалгидек уларни ундириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш эмас, балки уларни тежаш ва миришкорларча ишлатиш бўлиб қолади.

Янгича иқтисодий тафаккур, шунингдек ишлаб чиқариш муносабатларини сифат жиҳатидан такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Сўз улар ҳаракат формаларининг бутун мажмуини, улар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун кенг йўл беришини кўзлаган ҳолда, тубдан қайта қуриш хусусида боряпти. Ҳозирги вақтда амал қилаётган ишлаб чиқариш муносабатлари формалари, хўжалик юритиш ва бошқариш системаси асосан экономикани экстенсив ривожлантириш шароитида шаклланган. Улар аста-секин эскириб борди, рағбатлантирувчилик ролини йўқота бориб, баъзи ҳолларда тормозловчига ҳам айланиб қолди. Эндиликда биз хўжалик механизмининг йўналганлигини ўзгартиришга, унинг серчиқим характерига барҳам беришга, сифат ва самарадорликни оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, инсон омилининг ролини кучайтиришга йўналтиришга интиляпмиз. Бу эса, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек бош вазифадир.

Янгича иқтисодий тафаккур ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш социализм имкониятларини тўлиқроқ амалга оширишга имкон берувчи чуқур қайта қуриш, самарали ва мослашувчан бошқарув системасисиз мумкин эмаслигини ҳисобга олади. Хўжалик механизмини қайта қуришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

— хўжалик ҳисобидаги бўғинларнинг кундалик ишларига марказнинг аралашишини чеклаш ҳамда унинг эътибори жамланиши лозим бўлган вазифалар доирасини аниқ белгилаш билан бир вақтнинг ўзида экономикага марказлаштирилган раҳбарликнинг даражасини ошириш ва уни кучайтириш;

— ҳақиқий хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш йўли билан асосий ишлаб чиқариш

бўғинларининг хўжалик мустақиллиги чегараларини анчагина кенгайтириш;

— халқ хўжалигининг ҳамма даражасида моддий-техника таъминотини қайта қуриш, нарх белгилаш, маблағ ва кредит билан таъминлаш системасини, чиқимдорликка қарши таъсирчан воситаларни ишлаб чиқиш асосида раҳбарлик қилишнинг иқтисодий методларини жорий қилиш, 1987 йил бошларидан саноат корхоналари хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказилди, у кенг миқёсли иқтисодий эксперимент мобайнида синовдан ўтказилган эди. Транспорт, алоқа, маиший хизмат кўрсатиш янгича ишлаяпти, қурилишда ҳам хўжалик юритишнинг янгича методлари қўлланиляпти;

— ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперациялашнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уни бошқаришнинг замонавий структураларини жорий қилиш, ўзаро боғланган тармоқлар ва территориал-ишлаб чиқариш тузилмалари комплексларини, илмий-техника тармоқлараро марказларини бунёд этиш;

— хўжаликни тармоқлар бўйича ва территориал бошқаришни оптимал қўшиб олиб боришни таъминлаш, республика ва регионларни комплекс равишда иқтисодий ва социал ривожлантириш, регионал тармоқлараро алоқаларни йўлга қўйиш;

— бошқарувни ҳар томонлама демократиялашни таъминлаган, экономика соҳасида социалистик ўзини ўзи бошқаришни авж олдирган ҳолда меҳнат коллективларининг бошқарувдаги ролини ошириш.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш маҳсулот сифатининг ошишига, шунингдек, меҳнат коллективларининг моддий ва маънавий аҳволига самарали таъсир кўрсатиши кутиляпти. Корхона ва бирлашмаларда жорий қилинган маҳсулотнинг давлат қабули ҳам ана шунга салмоқли даражада ёрдам беради.

Янгича иқтисодий тафаккурга мувофиқ йирик тадбирларни амалга ошириш белгиланмоқдаки, улар ҳозирги беш йилликдаёқ озиқ-овқат таъминотини анчагина яхшилаш учун аграр секторда дадил бурилишни таъминлаши керак. Марказда ва жойларда қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ саноат тармоқларининг реал ҳамда самарали интеграциясини таъминлашга даъват этилган ягона АСК бошқармаси органларининг ташкил этилиши ана шу йўналишдаги принципиал қадам бўлди. Бу ва бошқа тадбирлар аграр секторда хўжалик юритишнинг иқтисодий методларига кенг йўл очиб беради, колхоз ва совхозлар мустақиллигини анча кенгайтиришга, пировард натижалар учун манфаатдорлигини, масъулиятини оширишга ёрдам беради.

Лекин янгича иқтисодий тафаккур силлиққина шаклланмаяпти, иқтисодий тафаккурнинг аввалги андазаларига қарши кескин кураш боряпти. Экономика масалаларини тегишлича илмий асосламасдан ҳал этишга эскича ёндашиш анчагина чуқур илдиз отган, унга машаққат билан барҳам бериляпти. Бир қатор ҳолларда иқтисодий саводхонлик етишмаслиги оқибатида янги, янада кенг ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланишнинг уддасидан чиқолмаяптилар. Бундай шароитда меҳнат коллективларида чуқур иқтисодий ўзгартишлар қатъиян зарурлигини янгича иқтисодий тафаккур позициясидан туриб кенг миқёсда тушунтириш ишини авж олдириб юбориш муҳимдир.

Хўжалик механизмини ҳар қандай қайта қуриш, дейилди КПСС XXVII съездининг ҳужжатларида, онгни қайта қуришдан, тафаккур ва практикада юзага келган андазалардан воз кечишдан, янги вазифаларни равшан тушунишдан бошланади. Бугунги кунда кадрларни психологик жиҳатдан қайта қуриш, уларда замонавий иқтисодий тафаккурни ҳосил қилиш ишлаб чиқарувчи кучларни ва ишлаб чиқариш муносабатлари формаларини жиддий янгилашнинг, совет экономикасининг янги сифат ҳолатига мувофиқ келувчи созланган хўжалик механизмини яратишнинг зарурий шартлари сифатида майдонга чиқмоқда.

Партия ўз иқтисодий сиёсатининг мақсад ва вазифаларини белгиларкан, уларни совет жамияти социал ривожланиши билан узвий бирликда қараб чиқади. КПСС XXVII съездида марказ ва маҳаллий органлар томонидан социал-маданий соҳа моддий базасининг етилган проблемаларига етарлича баҳо бермаслик ҳолларига йўл қўйилганлиги таъкидланди. Натижада уни ривожлантириш учун, аслини олганда, қолдиқ ресурсларни ажратиш принципи вужудга келди. Технократик ёндашишлар томон муайян даражада оғиш ишлаб чиқариш-

нинг социал жиҳатига, турмушга, бўш вақтни ўтказишга эътиборни сусайтирдики, бу ҳол муқаррар равишда меҳнаткашларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигининг пасайишига, интизомнинг бўшашувига ва бошқа салбий ҳолатларга олиб келди.

КПСС МҚнинг 1987 йил январь Пленумида уй-жой шароитини, озиқ-овқат билан таъминлаш, транспорт иши, медицина хизмати, таълимни ташкил этишни яхшилашда, бошқа долзарб проблемаларни ҳал этишда ҳали социализм имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга муваффақ бўлмаганимиз яна бир бор таъкидланди. Бир қатор саноат ва озиқ-овқат моллари, уй-жойнинг тақчиллиги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар чайқовчилик, порахўрликнинг ўсишига, меҳнатсиз даромад орттиришга сабаб бўлади. 1985 йилнинг ўзидагина жами 16 миллиард сўмлик меҳнатсиз топилган даромад ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мусодара қилинди ва давлатга қайтарилди. Пайдо бўлиб қолган социал инқироз белгилари жамиятнинг маънавий кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди, халқимизга доимо хос бўлган ва фахрланишимиз манбаи бўлган ғоявий эътиқод, меҳнатдаги жонбозлик, совет ватанпарварлигидек юксак ахлоқий қадриятларни қандайдир сездирмасдан туриб заифлаштириб қўйди. Жамоат ишларига қизиқиш пасайганлиги, маънавиятсизлик ва скептицизм намоён бўлгани, меҳнатнинг маънавий стимуллари роли пасайганлиги унинг муқаррар оқибати бўлди.

КПСС социал соҳадаги камчиликларни дадил очиб ташлаб, халқ фаровонлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Ҳозирги аср охиригача турмуш шароитини яхшилашга йўналтириладиган ресурслар ҳажмини икки ҳисса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни 1,6—1,8 баравар ошириш кўзланяпти.

Фан ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида амалга оширилган тақдирдагина социал-иқтисодий ривожланиш соҳасида партия белгилаган янгича ёндашишлар мақбул натижа бера олади. Бу эса, ўз навбатида, баъзи бир назарий тасаввур ва концепцияларга янгича қарашимизни, бошқача айтганда, бугунги кун эҳтиёжларига жавоб берадиган янги назарий тафаккур ҳосил қилишимизни тақозо этади. Айтилган фикр ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро таъсири, социалистик мулк ва уни реализация қилишнинг иқтисодий формалари, товар-пул муносабатлари, централизм билан хўжалик ташкилотлари мустақиллигининг бирикиши сингари ва бошқа йирик проблемаларга тааллуқлидир.

Практика социалистик шарт-шароитда ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мувофиқлиги гўё ўз-ўзидан таъминланиши хусусида илгари мавжуд бўлган тасаввурлар асоссизлигини кўрсатди. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига йўл очиб бериши, лекин ўзлари ҳам доимо такомиллашиб бориши кераклиги, акс ҳолда улар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш формасидан уни тормозловчи кучга айланиши мумкинлиги умум томонидан эътироф этилган. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикасини тушуниш ана шуни ҳисобга олган ҳолда аниқлаб чиқилган ва чуқурлаштирилган. Хусусан, янгича назарий тафаккур ишлаб чиқарувчи кучларнинг динамик ривожланиши натижасида улар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида доимо ноантагонистик зиддиятлар пайдо бўлишини ҳисобга олади; ушбу зиддиятлар ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга доир тадбирларни ўтказиш йўли орқали бартараф қилинадики, юзага келадиган зиддиятларни ўз вақтида аниқлаш ва зудлик билан уларга барҳам бериш имкониятига эга бўлиш учун такомиллаштириш доимий бўлиши керак. Фақат шундагина ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасига доимо мувофиқ бўлишига эришилади.

Янгича назарий фикрлаш позицияларидан туриб ижтимоий тузумимиз негизи сифатида социалистик мулкка нисбатан ҳам янада тўлиқроқ тасаввур ишлаб чиқилган. Ушбу мулк бой мундарижага эга, ўзига мамлакат кишилари, коллективлари, тармоқлари, регионлари ўртасида фондлардан ва ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш борасидаги муносабатларнинг кўп қиррали системасини, иқтисодий манфаатларининг бутун бир мажмуини қамраб олади. Муносабат-

ларнинг ушбу мураккаб комплекси муайян бирикув ва доимий йўлга солиб туришни талаб этади, чунки у диалектик ҳаракат ва ривожланишдадир.

Сўнгги вақтгача кооператив мулкка нотўғри муносабат мавжуд бўлиб, у қандайдир «иккинчи даражали» ва истиқболсиз нарса деб тасвирланарди. Бу эса аграр ва социал сиёсатда жиддий оқибатларга олиб келди, колхозларга нисбатан маъмуриятчиликни юзага келтирди, майда ҳунармандчилик кооперациясининг тугатилишига олиб келди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг чорак қисмидан кўпроғини берадиган шахсий ёрдамчи хўжаликка ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятига қарашда жиддий янглишишлар ҳам бўлди, бу ҳам жамиятимизга катта зарар етказди. Кучга кирган СССРдаги якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва Кооперация тўғрисидаги Қонунлар социал ривожланиш вазифаларини ҳал этишда ва йўл қўйилган камчиликларни тузатишда муҳим роль ўйнашга даъват этилган. Планлаштириш ва халқ хўжалигини бошқариш соҳасида тўпланиб қолган деформацияларга барҳам бериш учун бир қатор йирик тадбирлар кўриляпти.

Товар-пул муносабатларига нисбатан хато фикрлар, экономикага планли раҳбарлик қилиш практикасида улар аҳамиятини камситиш аста-секин бартараф этиляпти. Практика кишиларнинг манфаатдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга улар актив таъсир кўрсатиши мумкинлигини инкор этиш хўжалик ҳисобини заифлаштиришини, бошқа номақбул оқибатларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда. Товар-пул муносабатларининг социалистик асосда соғлом тарзда амал қилиши хўжалик юритишда унинг натижалари бутунлай коллектив ишининг сифатига, раҳбарларнинг маҳорати ва ташаббусига боғлиқ бўладиган шарт-шароитни яратишга қодирлиги хусусидаги шубҳасиз ҳақиқат тобора қарор топиб бормоқда.

Назария, маълумки, ҳаётни тўғри акс эттирган, ижтимоий ривожланишнинг асосий тенденцияларини пайқаб олган тақдирдагина жамиятнинг олға қараб ҳаракатига имконият яратади. Лекин назарий тафаккурнинг муайян формалари реал воқеликдан ажралиб қолган ва вақтинча қотиб қолган тақдирда юзага келадиган проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш ўрнига ички ғовга, жамият тараққиёти йўлидаги тормозга айланиб қолиши мумкин. Назарий қоидалар реалликка зид келган ҳар бир ҳолда ҳам ҳаёт ўз тузатишларини киритади. Масалан, бир вақтда ижтимоий фанларда коммунистик жамият қурилиши кенг авж олганлиги, мамлакатимиз 80-йилларга келиб меҳнат унумдорлиги даражаси ва аҳоли жон бошига энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича АҚШдан ўзиб кетиши хусусидаги қоида зўр бериб тарғиб қилинган эди. Лекин ҳаёт бундай ишончнинг асоссизлигини кўрсатди, ундан воз кечишимизга тўғри келди. Кейинроқ ривожланган социализм концепцияси олға сурилди, баъзи олимлар эса коммунизмнинг қуйи ва юқори фазалари билан бир қаторда ривожланган социализмга мувофиқ келувчи алоҳида ўрта фаза мавжудлигини ҳатто назарий жиҳатдан асослашга уриндилар ҳам. Лекин бу гал ҳам ҳаёт ўз тузатишларини киритди. КПСС XXVII съезди ҳужжатларида таъкидланганидек, ҳозир мамлакатимиз ривожланган социализм босқичига кирган бўлиб, унда энг муҳим социалистик принципларни амалга оширишга тўлиқ даражада эришиш талаб қилинади. Ушбу хулоса мамлакатимиз ҳозирги пайтда бошидан кечираётган конкрет иқтисодий ва социал вазиятнинг натижасидир. У ижодий характери ва новаторлиги билан фарқ этиб, одатдаги, лекин ўз умрини тугатган тасаввурлар доирасидан анча четга чиқади. Бу эса янги факт ва ҳодисаларни, социал-иқтисодий ўзгартишлар тажрибасини ижодий умумлаштириш асосидаги янгича назарий тафаккурнинг яна бир ёрқин мисоли бўлди.

Ҳаётимизни қайта қуриш, уни янгилаш жараёнида ғоялар, психологик кўрсатмалар, тафаккур ва хулқ-атвор услубларининг доим ҳам очиқ кўринмасада, лекин муросасиз кескин кураши кетяпти. Эскилик курашсиз таслим бўлмайди, у турли хил схоластик жимжимадорликлар орқали ҳаёт динамикасига мослашишнинг янги-янги формаларини изламоқда. Лекин, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, бугунги жараёнларни эски таърифлар ёрдамида ифодалаб бўлмайди. Ҳозирги ҳаёт диалектикасини акс эттирувчи янги хулосаларни ишлаб чиқиш лозим. КПСС МКнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида янги куч билан таъкидланганидек, турли нуқтаи назарлар кураши,

мунозара ва муҳокамалар, аввалги андазаларга барҳам бериш муҳитидагина буни амалга ошириш мумкин. Шу сабабли ҳам бугунги кунда партия ҳақиқат «палласи» хусусидаги, ҳақиқатни ҳаётда ҳам, уни ўрганишга ҳамда унинг проблемаларини оқилона ва самарали ҳал этишга даъват этилган фанда ҳам қарор топтириш хусусидаги масалани кескин қилиб қўймоқда.

Афсуски, айни ҳақиқат «палласи» жамиятшуносларимизнинг кўпгина назарий тадқиқотлари учун баъзан етишмай қолмоқда. Мисол тариқасида миллий масалага доир асарларни келтириш мумкин, уларда ютуқларимиз одатда бир ёқлама, фақат яхши томондан баён этилади, мавжуд қийинчиликлар ва камчиликлар тилга олинмайди, бу эса шубҳасиз, ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатади.

Мамлакатимиздаги миллий муносабатлар учун, маълумки, бир томондан, миллат ва элатларнинг янада гуллаб-яшнаши, бошқа томондан эса ихтиёрийлик, тенглик, қардошларча ҳамкорлик негизида уларнинг оғишмай яқинлашиб бориши характерлидир. Бунда ривожланишдаги объектив жараёнларни сунъий равишда ҳар қандай жадаллаштиришга ҳам, тўхтатиб қолишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Яқинлашиш ва гуллаб-яшнаш бир-бири билан чамбарчас боғланган, лекин шу билан бир вақтнинг ўзида ўзаро қўшилмайдиган тенденциялардир. Шу сабабли улардан бирининг ролини ошириш муқаррар равишда иккинчисининг ролига етарли баҳо бермасликка, камситишга олиб келадики, бу ҳолни амалий фаолиятда доим ҳам ҳисобга олавермайдилар.

Лекин ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқлиги хусусидаги тасаввурни туғдирмаслиги керак. Ҳар қандай ривожланиш учун зиддиятлар хосдир, улар ушбу соҳада ҳам муқаррардир. Энг асосийси, уларнинг мунтазам пайдо булаётган жиҳат ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт илгари сураётган саволларга тўғри жавобни излаш ва буни ўз вақтида айтишдир. Айниқса, бу соҳада ҳали миллий биқиқликка, маҳаллийчиликка интилиш, тайёрга айёрлик кайфиятларига барҳам берилган эмас ва баъзан улар ўзлигини кескин намоён қилмоқда.

Пухта ўйланган, ҳар томонлама асосланган миллий сиёсат мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегик вазифасини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар бир республиканинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссаси борган сари каттароқ аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун бундан буён ҳам ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, регионлар бўйича ихтисослаштириш ва кооперациялашни, хўжалик алоқалари ва юк ташиш схемаларини ҳам такомиллаштириш талаб этилади.

Социалистик миллатларнинг ягона иттифоққа бирлашуви совет халқининг нафақат моддий, балки маънавий бойлигининг ҳам қўшимча манбаларидан бири бўлиб қолди. Лекин бунда ҳам ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Ишнинг янги, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, маданиятларнинг ўзаро бойишини янада самарали қилишга, барча кишиларга ҳар бир халқ маданияти берадиган ҳамма яхши нарсалар йўлини кенг очиб қўйишга имкон берадиган метод ва формаларини сабот билан излаш лозим.

Ҳаёт СССРдаги барча миллат ва элатларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти улар миллий ўзлигини англаш муқаррар ўсиши билан бирга боришини кўрсатди. Бу — қонуний, объектив жараёндир. Лекин, эришилган муваффақиятлардан табиий равишда фахрланиш миллий кибр-ҳаво ёки манманликка айланиб кетмаслиги, ажралиб яшаш, бошқа миллат ва элатларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш тенденцияларини туғдирмаслиги муҳимдир. Бунда ҳамма нарса — тилга, ўтмиш ёдгорликларига муносабат ҳам, тарихий воқеаларни талқин қилиш ҳам, кишиларнинг меҳнат шароити ва ҳаётига таъсир қилган ҳолда қишлоқ ва шаҳарларни ўзгартираётганимиз ҳам муҳимдир. Маҳаллий партия ва совет органлари республика, область ва шаҳарларнинг аҳоли табиий миграцияси натижасида юзага келган кўп миллатлилик характерини ҳисобга олган ҳолда каттаю кичик барча миллат ва элатларнинг меҳнатдаги ва турмушдаги уйғун, қардошларча муносабатини таъминлашлари керак.

Ишчи синфи миллий кадрларининг роли оширилиши ҳам иқтисодий, ҳам

сиёсий жиҳатлардан олганда ҳозир алоҳида актуаллик касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, республикаларда яшовчи барча миллат ва элатларнинг вакилларидан малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш ҳамда яхшилашни талаб қилади.

Шунингдек, ватанпарварлик ва интернационал тарбия — мамлакатдаги барча миллат ва элатларни бир-бирини ҳурмат қилиш ва ўзаро дўстлик, ўз Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг меҳнатдаги ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш соҳасида хилма-хил вазифалар турибди. Барча миллат гражданларининг партия ва совет органлари турли бўғинларидаги ваколати ҳақидаги масала ҳам ғоят муҳимдир.

Буларнинг ҳаммаси бошқа масалалар сингари миллий проблематика ҳам янгича тафаккур позициясидан туриб чуқур назарий мушоҳада этишни талаб қилишини кўрсатмоқда.

КПСС XXVII съезди ҳозирги дунёнинг асосий тенденциялари ва зиддиятларини чуқур ҳамда ҳар томонлама анализ қилиш асосида янгича сиёсий тафаккурни ишлаб чиқди, партия халқаро фаолиятининг асосий мақсад ва йўналишларини таърифлаб берди. Съезд ҳозирги дунё мураккаб, хилма-хил ва зиддиятларга тўлиқлигини таъкидлади. Шу билан бир вақтда дунё объектив равишда тобора ўзаро боғлиқ ва бир бутун бўлиб боряпти. Ташқи сиёсат реалистик асосда қуриладиган бўлса, XX аср охиридаги инсон ҳамжамиятининг ана шу хусусиятини ҳисобга олмасдан бўлмайди. Акс ҳолда халқаро муносабатлар фалокатли мухолифликка маҳкумдир. Ижтимоий тараққиётнинг бориши бутун планета миқёсида давлат ва халқларнинг конструктив, бунёдкорона ўзаро ҳаракатини йўлга қўйишни борган сари қатъият билан талаб этяпти.

КПСС буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, партия XXVII съездида қабул қилинган ва тинчликсевар кучлар томонидан ялпи маъқулланган халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси Асосларини илгари сурди. Кейинги вақтнинг ўзидагина Совет Иттифоқи бир қатор асосий халқаро проблемаларни ўзаро келишиб ҳал этиш ташаббускори бўлиб чиқдики, бу ҳол унинг нафақат қурол-яроғларсиз ва урушларсиз дунёга самимий интилиш натижаси бўлмай, шу билан бирга олий давлат даражасидаги донолигининг, «қўрқув мувозанати» шароитида яшашдан ҳориган ҳозирги дунё шу қадар эҳтиёж сезаётган янгича сиёсий тафаккурнинг ифодаси ҳам бўлди.

Совет тинчлик ташаббуслари кенг акс-садо туғдирди. Ер юзидаги аксар давлатлардаги сиёсатчилар ва парламент аъзолари, жамоат арбоблари ва оммавий ташкилотлар уларда замонавий проблемаларга конструктив ёндашиш намунасини, ядро ҳалокати олдидаги қўрқувдан халос бўлиш учун умидни кўрдилар.

Шундай қилиб, янгича тафаккур ижтимоий ҳаётнинг социал-иқтисодий, маънавий, халқаро ва бошқа соҳаларида юз бераётган ўзгартишларни мушоҳада қилиш формаси бўлиб қоляпти. Хўжакўрсинчилик, дабдабабозлик ва беғамлик, хотиржамлик, расмиятчилик, масъулиятсизлик кайфиятлари, камчиликларни тилга олмаслик, эскича тафаккур услубига хос бўлган зиддиятларни инкор этиш аста-секин йўқолиб боряпти. Эскирган андазалар ўрнини ишга талабчанлик билан ёндашиш, камчилик ва зиддиятларни очиқ-ойдин муҳокама қилиш, социалистик уддабуронлик, ишчанлик олмоқда. Қисқаси, социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда ҳам, гражданлар психологияси, умуман ижтимоий онг соҳасида ҳам ҳар томонлама ва чуқур янгиланиш боряпти.

Албатта, тафаккурни қайта қуриш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. У, бир томондан, кишиларда, жамиятда шаклланган қадрият ва ҳаёт ориентацияларини, фаолият, хулқ-атвор мотивларини ўзгартиришни, бошқа томондан эса, чуқур социал-иқтисодий ўзгартишларни тақозо этади, чунки кишиларнинг фикрлаш тарзи улар турмуш тарзининг инъикосидир.

Тафаккурни қайта қуриш инсон онгини, маънавий дунёсини сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамдир. Бунга эришиш учун ҳар бир киши унинг зарурлигини англаб етиши, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган тафаккур, социал йўл-йўриқлар, одатларнинг эскича андазалари, фаолият услуби ва хулқ-атворнинг тормозловчи таъсирини равшан кўриши, мамлакатда юз бераётган туб ўзгартишларнинг бурилиш характерига мос келувчи янгича йўл-йўриқ ва тасаввурларни ишлаб чиқиб, амалда жорий қилиши муҳимдир.

Кадрларимиз томонидан диалектик-материалистик методологиянинг ғоявий бойлиги чуқур эгаллаб олиниши тафаккурни қайта қуриш ишида муҳим аҳамият касб этади. Яхши маълумки, материалистик диалектика нафақат дунёқарашга доир, шу билан бирга мантиқий-методологик вазифани ҳам бажаради. Ушбу аспектда у диалектик мантиқ сифатида майдонга чиқади. Философия ўз вазифаларининг спецификасидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида ёрдам кўрсатишга ҳамда ижтимоий онг ҳолатини, кишилар тафаккури сифатини улар қайта қуриш, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш вазифаларига мувофиқлиги, янгича фикрлаш ва ҳаракат қилиш учун ундаши нуқтаи назаридан туриб тўғри баҳолашга ҳам даъват этилган.

Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий фанлар ўқитилишини тубдан қайта қуришни талаб этмоқда. Юзага келган таълим системаси жамиятшуносларни ёшларни асосан имкони борича кўпроқ тайёр билимлар билан қуроллантиришга йўллар эди, уларга ижодий фикрлаш ва олинган билимларни амалиётда мустақил қўлланишни ўргатиш учун имконият бермас эди. Демак, таълим ва тарбия жараёнини янгича қуриш зарур. Партия жадал ривожланишнинг янги, чинакам катта миқёсли ва мураккаб вазифаларини илгари сурган ҳозирги шароитда уларни эски ҳақиқатлардан, ишнинг эскирган форма ва методларидан келиб чиққан ҳолда хал қилиш мумкин эмаслигини аниқ англаш ҳам муҳимдир.

Ижтимоий фанлар қайта қуришнинг ғоявий негизидир, бу эса уларнинг жамият ҳаётидаги ролини беқиёс даражада оширади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фанлар ўқитилишини практикага, реал ҳаётга яқинлаштириш, аввалги андазаларга дадиллик билан барҳам бериш, юз бераётган ўзгаришларни ижодий марксизм-ленинизм позицияларидан туриб баҳолаш зарур. Ҳар бир машғулотни ҳаёт дарсига, замонамизнинг актуал проблемаларини марксча-ленинча анализ қилиш мактабига айлантириш лозим. Студентларга реал жараёнларни мустақил равишда ижодий анализ қилиш ва улардан тўғри хулосалар чиқаришни ўргатиш, мустақил мулоҳаза юритиш қобилиятини, илмий темада баҳс юритиш маҳоратини кўпроқ йўлга қўйиш муҳим, зеро, маълумки, ҳақиқат баҳсларда туғилади.

Кадрларнинг марксча-ленинча таълими шунчаки мақсад эмас, у ҳар бир киши партиянинг янги жамият қуришга доир вазифаларини чуқур англаб етиши ва уларни амалга оширишда актив иштирок этишга тайёр бўлиши учун зарурдир. Дунёқараш нафақат дунё ҳақидаги умумий маълумотларнинг мажмуи, балки англаб етилган синфий манфаат ва идеаллар, меҳнат ва ахлоқий қадриятлар, инсоннинг ҳаётдаги хулқ-атвор йўлини белгилаб берувчи жамики нарсалар ҳамдир.

Практика экономикани бошқаришдаги айнишлар, оммавий қўшиб ёзишлар, порахўрлик, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принциплари бузилиши ва турғунлик давридаги бошқа бузилишлар сиёсий-тарбиявий ишдаги жиддий нуқсонлар билан ҳам бевосита боғланганлигини кўрсатяпти. Шу сабабли ҳам КПСС ташаббуси билан авж олдирилган совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини қайта қуриш идеологик фаолиятни марксизм-ленинизм асосида ҳаётнинг реал проблемалари билан яқиндан боғлаб олиб боришни, уни инсон билан якка тартибда иш олиб боришга йўналтиришни, сафсатабозлик ва насиҳатгўйликдан халос этишни, инсонни янгича фикрлаш ва ҳаракат қилишга ўргатишни тақозо этади.

Юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини юксак профессионал билимдонлик, уддабуронлик ва ишчанликни бириктирган ҳолда диалектик жиҳатдан анализ қилиш ва чуқур англаб етиш маҳорати кадрларимизда партия XXVII съезди, КПСС МҚнинг кейинги Пленумлари қарорларида ҳамда бошқа партия ҳужжатларида илгари сурилган сифат ўзгартишларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган янгича тафаккур ҳосил қилишнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТИК ОНГНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛЛАРИ

Б. НОРМУРОДОВ,
философия фанлари доктори

Совет тузуми, партиянинг ленинча миллий сиёсати СССР халқлари ўртасида уйғун ва чинакам инсонпарварлик муносабатлари вужудга келишида асос бўлди. Миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихан бутунлай янги моҳиятини акс эттирувчи ягона оила туйғуси юзага келди ва мустаҳкамланди, унга миллий нифоқ ва ишончсизлик, маҳдудлик ва биқиқлик бутунлай ётдир. «Халқларнинг бузилмас дўстлиги, барча халқларнинг миллий маданияти ва миллий қадр-қимматини ҳурматлаш ўн миллионлаб кишилар онгида мустаҳкам ўрин олди,— деб таъкидланди МҚнинг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида.— Совет халқи иқтисодий манфаатларнинг, идеология ва сиёсий мақсадларнинг ягоналиги негизида жипслашган, сифат жиҳатдан янги социал ва интернационал бирлик сифатида ташкил топди».

Эндиликда СССР фақат ўзидаги миллат ва элатларнинг биргаликда коммунистик жамият қуриш мақсадидаги давлат бирлиги рамзи бўлмай, шунингдек, маънавий, ахлоқий-сиёсий бузилмаслиги тимсоли ҳамдир. Совет халқининг онги, дунёқараши, характер ва психологиясига социалистик жамиятнинг умумий принциплари хос, чунки синфлар ва социал группалар, миллатлар ва элатларнинг туб манфаатлари мос келадигина эмас, балки бир бутун бўлиб бирлашиб ҳам кетади. Мамлакатимизнинг кўп миллатли состави унинг куч-қуввати ва гуллаб-яшнашининг манбаи бўлиб, интернационал бирлиги эса олға қараб бориш гаровидир.

Умуман социалистик жамиятни ривожлантиришда, миллий муносабатларни равнақ топтириш, ўзида совет халқини мужассамлаштирувчи социал ва интернационал бирликни мустаҳкамлашда ижтимоий турмушни ҳар тарафлама демократиялаш жараёнлари алоҳида аҳамият касб этади. СССРда миллий муносабатларни халқлар дўстлиги, интернационал социалистик ўртоқлик негизида ривожлантириш Советлар ҳокимиятининг 70 йиллик даври мобайнида амалга оширилган туб социал-иқтисодий ўзгартишлар қатори миллатлар ўртасидаги муносабатларда изчил ва тўла демократизмга қаратилган ленинча миллий сиёсатнинг принципиал йўл-йўриқлари билан таъминланмоқда. В. И. Ленин ўз асарларида бу талабни бир неча бор таърифлаб берган. «Ҳеч қандай миллатга, ҳеч қандай тилга биронта ҳам имтиёз берилмаслиги керак!» — деб даъват этган эди у (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 168-бет).

Социалистик демократизм миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши энг ишончли кафолатдир. Муштарак вазифаларни ҳал этишда ҳамиша ҳар бир халқнинг ўзига хос социал-иқтисодий ва маданий-тарихий манфаатларини пухта ҳисобга олувчи кўп миллатли давлатда янги жамият қуришдаги тажрибамиз бунинг ёрқин далилидир. «Тажрибамиз бизда шундай қатъий бир ишонч ҳосил қилдики,— деган эди В. И. Ленин,— турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқ-фасод хавфи йўқолади, шундай ишонч, айниқса, турли тилларда сўзловчи ишчи

ва деҳқонларда шундай ишонч туғдирадики, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча кимматли ютукларни бир кадар бўлса-да муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас» (ТАТ, 45-том, 274—275-бетлар).

Социализмни такомиллаштириш шароитида дўстлик, совет ватанпарварлиги туйғулари янада чуқур мазмун ва кучга эга бўлмоқда. Уларнинг манбалари ижтимоий тузумимизда, инсонпарварлик руҳидаги идеологиямиздадир. Чинакам ватанпарварлик актив гражданлик позициясида, дунёқарашдаги етукликда, ғоявий эътиқодда, юксак маънавиятда, чор атрофдаги воқеликни чуқур идрок эта билишда, ҳар қанақа салбий ҳолатларга нисбатан муросасизликда намоён бўлади.

СССРда Ватан, ватанпарварлик тушунчалари ажралмас бўлиб, аллақачон миллий доирадан чиқиб интернационал мазмун касб этди, умумсовет моҳияти билан бойиди. Илгарилари, масалан, Ўрта Осиё халқларида хусусан ватан ҳақида тўғри тушунча йўқ эди. Шу сабабли бу ерда ватанпарварлик, миллий бирлик туйғулари яхши ривожланмаган, маҳаллийчилик, юртдошлик, қон-қардошлик алоқалари устунлик қиларди. Ватан тушунчаси эса ўз шаҳри ёки қишлоғи билан чекланган бўларди. Истиқомат жойи ёки уруғ-аймоқчилик белгилари билан ўзини ажратиб кўрсатиш ана шу регионидаги аҳолининг кўпчилик қисмига хос хусусият эди. Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир аҳоли пункти «маҳрга тушган» жой сифатида тушуниларди. Ислом дини ҳам бунга ёрдам берарди. Диндорлик баъзида миллий белгига нисбатан нуфузлироқ эди. Руҳонийлар таъсиридаги сиёсат Ўрта Осиё халқлари миллий онги ривожига тўғаноқ бўлиб келди.

Юз ва минг йиллар мобайнида биқиқ овлоқ ватанлар тушунчаси билан мустаҳкамланган энг теран туйғу бўлмиш ватанпарварлик ўзига хос хусусиятларга эга. Территориал маҳдудлик, доимий низо, уруш-жанжал, буржуа ҳукмронлиги оқибатида жамиятнинг синфларга бўлиниши амалда миллий бирлик ва онгни ажратиб юборди. Социализм эса халқлар турмуши барча соҳаларини, шу жумладан уларнинг янги жамият, синфлар, миллат ва элатлар тўғрисидаги қарашлари, тасаввурларини тубдан ўзгартира бориб, ватанпарварлик тўғрисида тўғри тушунчани қарор топтирди. Шуниси ҳам борки, социалистик интернационализмни ҳар бир халқнинг манфаатлари, ўзига хос хусусиятлари, миллий қадр-қимматини ҳурматлашдан ажратиб бўлмаганидек, совет ватанпарварлиги ўзида умумий иш учун масъулият ва фахр туйғусини, мамлакатдаги ҳар бир миллат ва элат равнақ топиши, уларнинг ижодий имкониятларини ҳамда совет жамиятини сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтказишга қўшадиган ҳиссасини ошира бориш тўғрисидаги ғамхўрликни мужассамлаштиради. Тарихда илгарилари ҳам салмоқли роль ўйнаган ватанпарварлик онги асрлар мобайнида юзага келган пухта ижтимоий туйғуларни ҳамда давримизнинг энг илғор ғояларини, инсон қалбининг оддий туғёнлари ва социалистик цивилизациянинг энг олий маънавий қадриятларини бир бутун қилиб бирлаштира бориб, ижтимоий тараққиётнинг актив ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Чинакам ватанпарварлик бу Ватан фаровонлиги йўлидаги кундалик меҳнат, кўп миллатли улуғ давлатимизни ҳар тарафлама ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги ғамхўрликдир. Партия XXVII съезди, КПСС МКнинг съезддан кейинги Пленумлари кўрсатмаларига мувофиқ СССР миллатлари ва элатлари тараққиётини жадаллаштириш, уларнинг яқин ҳамкорлигини кучайтириш, ҳар тарафлама бир-бирига яқинлаштириш, ижтимоий онг ва ижтимоий практикада совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализмнинг обрў-эътибори ва таъсирчанлигини янада ошириш керак.

Совет миллат ва элатларининг қардошларча дўстлиги туфайли тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялашган, илғор фан ва техника, маданиятга эга бўлган ривожланган индустриал давлатлардан бирига айланди. Совет кишилари фашизм билан шафқатсиз жангларда ўз эътиқодлари, ўз социалистик турмуш тарзлари учун курашиб, руҳий бардамлик, халқлар дўстлиги ленинча ғояларига садоқат синовидан шараф билан ўтдилар. Турли миллатларнинг партия тарбиялаган вакиллари ўзларининг совет кишиси эканликларини ҳамма нарсадан юқори қўйдилар.

В. И. Ленин Ватан туйғусининг юксак роли хусусида шундай деган эди: «Россияни чет элликларга бергандан кўра... оч яшашни афзал кўрадиган кишининг ватанпарварлиги — ҳақиқий ватанпарварликдир, бусиз биз... яшай олмаган бўлар эдик. Агар ана шу ватанпарварлик бўлмаса биз Совет республикасини ҳимоя қилиб қола олмаган бўлар эдик... Бу — энг яхши революцион ватанпарварликдир». (ТАТ, 42-том, 145-бет).

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари учун ўзининг кичкина ватанига патриархал мухлислик характерли эди. Аммо Улуғ Ватан уруши бошланганида улар Ватан тушунчасини бошқачароқ тарзда англайдиган бўлдилар. Бу тушунча социалистик Ватан миқёсида кенгайди, бутун Советлар мамлакати билан муштарак туйғуга айланди. Шу маънода социализм ўзига хос ватанлар вужудга келганидан буён яшаб келадиган кўҳна ватанпарварлик туйғусига янги сифат бахш этди. Совет ватанпарварлиги ўнлаб халқлар учун муштарак, ягона туйғуга айланди.

Инсоннинг ижтимоий қадр-қиммати ҳеч қачон бунчалик юқори мезон билан ўлчанмаган, умумбашарий қадриятлар билан бу қадар бевосита алоқада бўлмаган эди. Социализмни такомиллаштириш ишига, ижтимоий турмушнинг ҳамма жиҳатларини қайта қуриш, бу турмушни демократиялаш ишига шахсан дахлдорлик туйғуси билан қоришиб кетган ватанпарварлик туйғуси конфликтсиз бўлмаган ҳаётий тажриба ўчоғида тобланишдан ўтиб, ютуқлар қувончи ҳамда хатолар аламида, айтилган ва айтилмаган шубҳаларда синовдан ўтиб, бутунлай янги сифат касб этмоқда, бойиб бормоқда, ўзида қудратли маънавий омилни жамламоқда, интернационализмнинг энг ёрқин қирраларини намоён этмоқда.

СССР халқларининг энг яхши фазилатларини ўзида жамулжам этган совет ватанпарварлиги интернационализм, коллективчилик, халқлар дўстлиги билан узвий боғланиб кетган. Ватанпарварлик, интернационалистик онг, коллектив тафаккур совет гражданларининг актив ҳаётий позициясида ўз ифодасини топаётган ўша ғоявий, дунёқараш ва маънавий психологик омил бўлиб қолди. Эндиликда Ватан туйғуси том маънода умумдавлат, умумхалқ ватанпарварлик онги даражасига, кўп миллатли Ватанимизни онгли равишда севиш даражасига бориб етганлиги боиси ҳам шунда.

Шундай қилиб, совет тузуми шароитида халқларнинг ватанпарварлиги чинакам интернационал ютуқ бўлмиш умумсовет ягона ватанпарварлигига қўшилиб кетди. Одамлар ўз тақдирини мамлакат тақдири билан бир деб билиши, ижтимоий бойликни кўпайтириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши. кўзбўямачиликка, қўшиб ёзиш, порахўрлик, халқ мулкини ўғирлаш, лоқайдлик, меҳнат ва социал пассивлик, ўз бурчига ношудларча муносабатда бўлиш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, хусусий мулкчилик идеологиясига, бошқа салбий ҳолатларга қарши муросасиз курашиш аслида юксак ривожланган ана шундай онг ва туйғу натижасидир. Шон-шавкат, шахснинг қадр-қиммати билан бирлашиб кетган ватанпарварлик инсонга масъулиятни чуқур тушуниш, қайта қуриш йўлида қатъий ҳаракат қилиш учун дадил ва мустақил бўлиш иштиёқини инъом этмоқда.

Ватанпарварлик ва интернационализм туйғулар ғоясини бойитиб борадиган ва, аксинча, туйғулардан ғоя ва эътиқодга олиб борадиган диалектик бирликдир. Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, бир томондан, турли миллат кишиларини ажратиб турадиган ҳамма нарсани йўқотиш, иккинчи томондан эса уларнинг манфаатларини, совет жамиятини тўла социал бир хиллик, миллатларнинг катта бирлиги томон бориши асосий тенденцияларини ифода этувчи ҳамма нарсани бирлаштириш демак. Совет кишилари ўз миллатлари, республикаларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқларидан ҳам, бутун Совет давлатининг шу жабҳадаги ютуқларидан ҳам фахрланадилар. СССР халқларининг кўп миллатли оиласига мансублик, уларнинг ютуқларига дахлдорлик ватанпарварлик туйғусини, умуммиллий фахр туйғусини мустаҳкамлайди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, совет ватанпарварлиги ижтимоий аҳамиятдаги хатти-ҳаракатларда, Ватанга чексиз садоқатда, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун, шуҳратига шуҳрат қўшиш учун курашишга шайликда намоён бўладиган актив гражданлик позициясини тақозо этади. Совет кишилари ўзларининг ватан-

парварлик интилишлари, интернационал етуклик ва бурчни тушунишларини фидокорона меҳнатлари, ССР Иттифоқини гуллаб-яшнатишга шахсан ҳисса қўшиш билан исботламоқдалар. Миллий муносабатларни ривожлантириш йўллари интернационал ҳамкорликнинг барча турларини мустаҳкамлаш, ижтимоий турмушни янада демократиялаш, вакиллик органларида барча миллатга мансуб СССР гражданларининг етарли даражада иштирок этиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш, социалистик ўртоқлик муносабатларини ҳар тарафлама ривожлантириш, республикаларда миллатлараро мулоқот тилини янада яхшироқ эгаллаш ҳамда икки тиллиликни мустаҳкамлаш, барча тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги негизида тил ва маданият бобидаги ҳамкорликни интенсивлаштириш, ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялашни кучайтиришдан иборат.

Бироқ интернационалистик онг миллий муносабатлар соҳасидаги ютуқларимиз, ижобий омиллар таъсиридагина қарор топмайди. У ўз навбатида кишиларнинг қарашлари ва кайфиятига албатта таъсир этадиган салбий ҳолатларни бартараф этиш асносида ҳам қарор топади. Реал ҳаётда шахсга унда янги хусусият ва фазилатларни шакллантиришга ёрдам берадиган, шунингдек бу жараёнга тўғаноқ бўладиган тенденциялар таъсир этади. Бюрократизм, маҳаллийчилик, шахсиятпарастлик, тамагирлик, хусусий мулкчилик ва миллатчилик психологияси элементлари, консерватизм, қолоқлик коммунистик тарбияни мураккаблаштиради. Социалистик турмуш тарзига қарши турадиган нарсаларни фаол тарзда қабул этмаслик социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, миллий муносабатлардаги ютуқларимиз бу соҳада проблема йўқ экан деган тасаввур уйғотмаслиги керак. «Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир,— деб таъкидланди КПСС XXVII съездида.— Энг муҳими — уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб беришдан иборат. Айниқса, шунинг учунки, бу борада ҳали миллий биқиқликка, маҳаллийчиликка интилиш, бошқалар қарамоғида яшаш кайфияти бархам топмаган ва вақти-вақти билан булар аянчли тарзда ўзини кўрсатиб қўймоқда».

Ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни янада такомиллаштириш ҳамда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш интернационалистик онг билан айрим миллатчилик, маҳаллийчилик, миллий чекланганлик ва такаббурлик ўртасидаги; миллий ўз-ўзини англашни интернационаллаштириш билан айрим шахслар томонидан уни субъектив тарзда қабул этиш ўртасидаги; ватанпарварлик туйғуси билан ватанпарварликдаги умрини ўтаб бўлган миллий, «маҳаллий» жиҳатларни сақлаб қолишга интилиш ўртасидаги; умумсовет фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш билан йўқолиб бораётган миллий ғурур тўғрисидаги айрим эскириб қолган тасаввурлар ўртасидаги; умумсовет, интернационал анъана, одат ва расм-русмлар билан айрим эскириб қолган миллий анъана, одат ва расм-русмлар ўртасидаги; ватанпарварлик ва интернационал бурчни ўташ билан бевосита ёки билвосита миллатчилик қинғайишларини келтириб чиқарадиган ижтимоий ҳаётдаги барча салбий ҳолатларга қарши кураш ўртасидаги; миллатлараро мулоқотнинг юксак маданияти руҳида тарбиялашнинг реал имкониятлари билан тафаккур ва хатти-ҳаракатдаги ҳали бархам топмаган қолоқлик ўртасидаги антагонистик бўлмаган мавжуд зиддиятларни бартараф этишни тақозо қилади.

Аммо шахснинг интернационалистик хислатлари коммунистик ахлоқ нормаларини, муайян билимларни ўзлаштириш билангина қарор топмайди. Совет қонунларини, социалистик жамият принципларини яхши била туриб, уларга зид иш тутадиган кишилар ҳали ҳам оз эмас. В. И. Ленин «мен интернационалистман деб онт ичган ва қасамёд қилган киши интернационалист эмас, балки... ҳақиқатан интернационалистча курашган киши интернационалистдир» (ТАТ, 30-том, 325-бет) деб ҳисобларди. Шу боисдан олинган билимлар эътиқодга айланишига, одам ўзининг кундалик фаолиятида уларга амал қилишига эришиш жуда муҳимдир. Эътиқодга, амалий ҳаракатларга айланмагунча билимнинг кучи чиқора. Мутафаккирлар ва революцион ишнинг дарғалари, илмий коммунизм асосчилари ҳақиқатни билиш билан бирга жуда эътиқодли кишилар эди: уларнинг таълимоти айни чоғда уларнинг хулқ-атвори, реал ишлари ҳам эди.

«Ватанпарварлик», «интернационализм», «халқлар дўстлиги»ни бемаъни ўйинга айлантириш юзакилик, сафсатабозликни келтириб чиқаради. Бу сўзларнинг мағзини тушунибгина қолмай, уларни чин қалбдан ҳис этиш керак. Ҳар бир миллатнинг ватанпарварлик туйғулари меҳнаткашларни, ҳар бир одамни бутун мамлакат манфаатлари йўлида ўз республикасида жадаллаштириш резервларидан тўла-тўкис фойдаланишга ундамоғи лозим. Ишлаб чиқаришни, аҳоли жон бошига миллий даромадни ўстириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, социал проблемаларни ҳал этиш, маданиятни ривожлантириш ҳамда маънавий турмушни бойитишнинг юксак кўрсаткичлари, қайта қуриш ва демократиялаш ютуқлари, партиянинг «социализм кўпроқ бўлсин» деган даъватини рўёбга чиқариш миллий ғурур мазмунини ташкил эта олади ва ташкил этиши ҳам керак.

...Совет халқи! Ана шу воқелик замирида энг аввало меҳнат аҳлининг социал, сиёсий, иқтисодий тенглиги, уларнинг манфаатлари, мақсад ва интилишлари бирлиги ётади. Бу тушунча бутун давлатимиз системасига сингиб кетган ва ижтимоий онгнинг муҳим элементларини ташкил этадиган турли миллат кишиларининг дўстлигини, реал ватанпарварлик, интернационализм ва коллективчиликни ифодалайди. Бизда дўстлик, қардошлик интернационализм ва коллективчилик турмуш нормаси бўлибгина қолмай, ҳар бир совет кишисининг ички маънавий эҳтиёжи ҳамдир. Ана шу муқаддас тушунчалар мавҳум бўлмай, ўзининг моддий ифодасига ҳам эгадир.

Совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм, ленинча халқлар дўстлиги ғоялари ўз бирлигида коммунизм сари боришда тўғаноқ бўладиган нарсаларнинг барчасига қарши курашни тақозо этади. Улар миллатлараро мулоқот маданиятининг норма ва принципларига зид келадиган ҳар қанақа антиподларни сира ёқтирмайди. Ҳар бир халқнинг маданий меросига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, янги шароитда истиқбол учун қадрли бўлган ҳамма нарсани авайлаб сақлашнинг социал-тарихий ва эстетик бадхўрлик билан ҳам, эскириб қолган буржуа, крепостнойлик, уруғ-аймоқчилик ёки патриархал маънавий ва хулқ-атвор андазалари қолдиқларини «халқчил» ва «миллий» йўсинда тақдим этишга уринишлар билан ҳам сира алоқаси йўқ. Бундай ҳолатларни, бунақа унсурларни марксча-ленинча тарихийлик илмий позициясидан туриб, ҳар бир миллий маданиятда икки маданият бўлиши тўғрисидаги ленинча таълимот нуктаи назаридан, бўлғуси социалистик цивилизация ва унинг маънавий маданиятини барпо этишга Ленин таърифлаб берган изчил синфий позициядан туриб баҳо бериш керак.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ижтимоий турмушнинг кўпгина масалаларини, шу жумладан миллатлараро муносабатлар ва хусусан миллий маданиятларнинг ўзаро муносабати масалаларини демократик асосда ҳал этиш юзасидан ҳозирги кунда жадал тўпланаётган тажриба қайта қуриш, социализмни такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолади. Демократия маданияти шу маънода миллатлараро муносабатлар, миллатлараро мулоқотнинг юксак маданиятини тарбиялаш масалаларида ниҳоятда сезгирлик ва доимий эътиборни тақозо этади. «Ҳар бир халқнинг қадр-қиммати, шон-шарафи, маданияти, тили ва тарихи чуқур ҳурмат қилинган, улар ўртасида кенг мулоқотда бўлинган тақдирдагина чинакам интернационализм, халқларнинг чинакам дўстлиги бўлиши мумкин,— деб таъкидлади КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев партия МҚ февраль (1988 йил) Пленумида сўзлаган нутқида.— Биз миллий маданиятлар мулоқотини янада кенгайтиришга, улар бир-бирларини бойитишига, миллий маданиятларни ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга ҳар томонлама кўмаклашишимиз лозим».

Ленинча миллий сиёсат маъноси шундаки, ҳар бир киши, ҳар бир миллат эркин ривожлансин, ҳар бир халқ ижтимоий-сиёсий турмушнинг барча соҳалари, она тили ва маданият, энг яхши одат ва анъаналарга бўлган ўз талаб-эҳтиёжларини қондира олсин. Халқлар ўртасига низо ва ишончсизлик солиш социалистик принципларимиз ва маънавиятимиз, совет кишиларининг қардошлик анъаналарига зиддир. Ҳар қандай кескин вазият бизни мамлакатимиз эришган халқлар дўстлигининг улкан ғалабаларидан орқага суриб юбориши мумкин. Миллатлараро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни совет халқларининг интернационал жипслигига асло зиён етказмай, халқ тақдирининг жиддий масалалари ўзбошим-

чалик билан ҳал этилишига сира йўл қўймай туриб, демократик жараёнлар ва қонун доирасидагина ҳал этиш мумкин. Маданиятни, шу жумладан миллатлараро муносабат маданиятини ривожлантиришга ленинча ёндашув хилма-хиллик, чинакам демократизм, шахс ҳурмати, халқдаги барча талантли кишиларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Партия бундан буён ҳам шу йўлдан олға қараб бораверишга чақиради.

Октябрь ғояларига, Ленин васиятларига, партия ишига садоқат совет кишиларининг миллий онги мазмунида асос бўлиб қолди. Уни интернационаллаштириш эса ижтимоий, моҳият эътибори билан интернационалистик онг бир хиллигининг қарор топишида белгиловчи омил ҳисобланган меҳнаткашлар, хизматчиларнинг синфий онги ва ўзини англаши негизида рўй беради. Айни интернационализм миллатлар ва элатларни бир бутун қилиб бирлаштирувчи умумийликни тушунишга ёрдам беради, синфий интернационалистик онги ва ўзини англаш туйғуси ривожланган киши ўз миллатидаги прогрессив анъанавийликни сохта анъанавийликдан осонгина ажрата олади.

Социализмда миллий ўзини англаш ва психология кишиларни бир-биридан ажратмайди, чунки у тенглик, қардошлик, ҳамкорлик шароитида ривожланади. Эндиликда миллий онг ўз миллатига, элатига, тилига, маданиятига, расм-русм ва анъаналарига мансублик туйғуси совет халқига, Ватанига бўлгани каби социализмга мансублик учун фахрланиш туйғуси билан узвий боғланиб кетиши билан ажралиб туради.

Ватанпарварлик, интернационализм, коллективчилик дунёқарашимизнинг характерли хусусиятидир. Манфаатлар, мақсадлар ва интилишларнинг муштараклиги совет жамиятини изчил, жадал ривожлантиришга бўлган умумий манфаатдорликни янада чуқурроқ қарор топтирувчи муайян хусусиятларни ривожлантиради. Халқ талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларига монанд яшаш ва ишлаш, ўзида мамлакат соҳиби туйғусини, унинг ишлари ва ташвишларига дахлдорлик туйғусини тарбиялай бориш ижтимоий онг нормасига айланмоқда.

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ватанпарварлик ва интернационализмни, СССР халқлари бузилмас дўстлигини янги босқичга кўтарадики, бу ҳол тафаккур ва онгни, кишиларнинг турмуш тарзини социализмни ҳар тарафлама такомиллаштириш мақсадида қайта қуришни тақозо этади. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари Совет Иттифоқининг муштарак мақсадларини ҳам, ҳар бир республика манфаатларини ҳам ҳисобга олиб амалга оширилаётган ленинча миллий сиёсатнинг моҳиятини яққол кўрсатиб берди.

КПСС ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялашни янада такомиллаштиришни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. «Партия, бизнинг давлатимиз,— дейилади КПСС Программасида,— ҳар бир совет кишисига СССРдаги барча миллатлар ва элатларни бирлаштирувчи дўстлик ва қардошлик туйғуси, миллатлараро юксак алоқа маданияти сингдирилишдан, миллатчилик ва шовинизм, миллий маҳдудлик ва миллий худбинлик кўринишларига, турмушни коммунистик янгилашга халақит бераётган урф-одатлар ва феъл-атворларга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғулари сингдирилишидан манфаатдордирлар».

Совет кишилари социализм идеалларига садоқат билан хизмат қилишда, меҳнаткашлар бахт-саодати учун, тинчлик ва халқлар қардошлиги учун курашда якдилдирлар. Партия совет кишисида Октябрь ватанига, ўзи туғилиб ўсган ерга меҳр-муҳаббат, ер юзидаги биринчи социалистик давлатда амалга оширилган тарихий бунёдкорликлардан фахрланиш пролетар, социалистик интернационализм билан, қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан, империализмга қарши, социал тараққиёт ва тинчлик учун курашаётганларнинг барчаси билан, синфий бирдамлик туйғуси билан уйғунлашиб кетиши устида бундан буён ҳам тинмай иш олиб бораверади.

Совет халқи социализм қуриб, башарият тараққиётига йил сайин салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда, у ўз тақдирини бошқа мамлакатлар меҳнаткашлари тақдиридан ажратиб қўймайди. Зеро унинг бу вазифаси интернационал характер ва аҳамиятга эгадир.

АТЕИСТИК ТАРБИЯ—БУ ЭНГ АВВАЛО ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ДЕМАКДИР

Ж. КАРИМОВ, Г. ЦОЙ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари

НАМАНГАН ОБЛАСТИ аҳолиси ўртасида диндорликнинг кучайиб кетганлиги, партия ташкилотлари атеистик ишда йўл қўйган камчиликлари республика матбуоти саҳифаларида, ҳар хил кенгашларда бир неча бор танқидий таҳлил қилинди. Энг муҳими — Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳам, унинг Марказий Комитети пленумларида ҳам бу ҳақда ташвишланиб гапиришди. Буларнинг ҳаммаси биз олимларни бундай аҳволнинг сабабларини чуқурроқ ўрганишга, уларнинг илдизларини аниқлашга, атеистик ишларни янгича ташкил этиш йўлларини излашга мажбур қилади.

Энг аввало оддий бир ҳақиқатни таъкидламоқчимизки, чуқур ўйланган кадрлар сиёсатисиз биронта ҳам проблемани ҳал этиб бўлмайди. Атеистик иш ҳам бундан мустасно эмас. Бу соҳадаги камчиликларнинг кўпчилигини бу иш билан компетентсиз кишилар шуғулланишгани, атеистларнинг оғир меҳнатини тўғри, ҳалол баҳоламаслик билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, атеизмнинг танқидий томони ҳақида кўп гапирилиб, унинг позитив моҳияти унутилиб қўйиларди.

Маълумки, илмий атеизм марксча-ленинча назарияга, коммунистик ахлоқ ҳақидаги таълимотга, унинг инсонпарварлик, ватанпарварлик ва интернационализм сингари энг муҳим нормаларига асосланади. Афсуски, атеизм тушунчасининг ўзи кўп сонли сохта атеистлар томонидан бузиб талқин қилинарди, бу аҳолининг кенг қатламида бу соҳадаги барча ишлар ҳақида хато тасаввур шаклланишига олиб келди.

Наманган областида атеистик ишдаги қайта қуришни талабга жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан бошлашганлиги табиийдир, чунки аттестация ўтказилганда бундай кадрларга эҳтиёж жуда катта эканлиги маълум бўлди. Область ва район партия комитетлари ҳузурида атеист лекторларнинг икки йиллик мактаблари очилди. Бошқа йўналишлардаги аҳвол ҳам анализ қилинди. Масалан, партия комитетларида четдан жалб этилаётган кишиларнинг нима учун атеистик ишга иштиёқи йўқлигининг сабабларини аниқладилар. Атеист-пропагандист ўзининг жамоатчилик ишидан қандай манфаат кўради, деган саволга кўпчилик тўғридан-тўғри, ҳеч нима, фақат таниш-билишлар, қўни-қўшнилар совуқ, баъзан эса адоват билан қарайдиган бўлиб қолишди, деб жавоб беришди. Фақат партия комитетлари, қатор жамоат ташкилотларининг маънавий қўллаб-қувватлашигина таскин беради. Доим қўллаб-қувватлашадими? Тан олиш керакки, доимо эмас. Хулоса битта: ёш атеистлар ҳам, тажрибали атеистлар ҳам партия органларининг ғамхўрликларига, меҳрибонликларига доимо муҳтождирлар ва буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Ижобий мисоллар эса областда йўқ эмас.

Косонсой районида атеист-пропагандистларга эътибор билан қарашади. Бу ерда диндорлар билан якка тартибда иш олиб боришнинг қизиқарли тажрибаси қарор топганлиги бежиз эмас. Бу тажриба «Ленин йўли» колхозида

тўпланган. Шу хўжалик агитатори Сайфиддин Темиров диндорлардан бири билан ишлашнинг 1986 йилдан 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган шахсий планини тузди. Сайфиддин ака тахминан ойида бир марта диндорнинг оиласига боради, фақат у билангина эмас, кекса ота-оналари, қўшнилари, фарзандлари билан ҳам суҳбатлашади. Суҳбат мавзуи хилма-хил: Совет ҳокимияти йилларида ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳам, фазовий кенгликларни забт этиш, фан ва техника янгиликлари тўғрисида ҳам гаплашишади. С. Темиров ўз ҳамсуҳбатларини марксизм-ленинизм классикларининг дин ва атеизм ҳақидаги фикрлари, газета ва журналларда чиққан қизиқарли мақолалар билан таништиради, партия ва давлатнинг динга, черковга, мачитга, диндорларга муносабати тўғрисида гапириб беради. Тўғри, бу ишларнинг самараси тезда кўзга кўрина қолмайди: диндорни эътиқодидан қайтариш осон иш эмас. Аммо маълум вакт ўтгандан кейин бундай самимий суҳбатларнинг болаларга, ёшларга таъсири кучли бўлади.

Ўша районда атеизм пропагандаси бўйича агитбригада иш олиб бормоқда, унга Аҳмаджон Ваҳобов раҳбарлик қилмоқда. Бу коллектив клублар, чойхоналар, дала шийпонларида чиқишлар қилиб, ўз ҳажвияларида эски урф-одатлар, диний сарқитларга ўралашиб қолган ёш йигит-қизларни танқид қилади, кулги остига олади. Шуниси қувонарлики, бу кишиларнинг оғир меҳнатини район партия комитетида қадрлашади, ҳар доим қўллаб-кувватлашади.

Атеистик иш билан шуғуланувчи хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш керак, чунки анъанавий жамоат фикрининг уларга тазйиқи анча кучли бўлади. Бунда шуни унутмаслик керакки, маҳаллий миллат хотин-қизлари ўртасида бундай ишларни фақат хотин-қизларнинг ўзлари ўтказа оладилар. Шунинг учун партия комитетлари уларга эътиборни кучайтиришлари керак. Ҳозир хотин-қизлар ўртасидаги атеистик ишлар уларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳақида реал ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориляпти. Шундай қилингани тўғри ҳам: ахир улар уйда ва ишлаб чиқаришда меҳнат қилишади, уларнинг оилавий ва меҳнат ҳаётида кўплаб проблемалар бўлса-да, улар ёрдам ва маслаҳат сўраб кимга мурожаат қилишни билишмайди. Шунинг учун оғир дамларда улар «муқаддас жойлар»даги мулла-эшонларга сиғинишга мажбур бўлаётганлари, баъзан эса ҳатто ҳаётни ҳам тарк этаётганлари бежиз эмас.

Хотин-қизлар ўртасидаги атеистик ишларнинг асосий қисмини хотин-қизлар советлари ўз зиммаларига олишмоқда. Шулардан бири Наманган шаҳрида иш олиб боряпти. Хотин-қизлар советида беш секция, шу жумладан, атеистик секция ҳам борки, у ўз навбатида жойларда, меҳнат коллективларида, мактаб ва билим юртларида ўз фаолиятларини олиб борадиган уч пропагандист группага бўлинади. Ҳар бир группа составига партия ва совет ходимлари, юристлар, врач-гинеколог, педиатр, уруш ва меҳнат ветерани киради. Улар ҳафтада бир марта жойларга чиқишади, хотин-қизлар қандай яшаётганликлари ва ишлаётганликлари билан танишишади, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари билан қизиқишади.

Наманган шаҳар партия комитети ҳузурида махсус кабинет тузилган бўлиб, унга хотин-қизлар ўз дарду ташвишларини айтгани келишлари, яхши маслаҳат ва амалий ёрдам олишлари мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпларга фойдаси тегди: болалар боғчаларга жойлаштирилди, айрим жанжалкаш эркакларнинг таноби тортиб қўйилди.

Учқўрғон районида иш олиб бораётган ва Хадича Сатторова раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар советининг фойдали ишлари ҳали кўп. Район партия комитетининг ғамхўрлик қилиши унинг обрўйини ошириб юборди, хотин-қизлар ҳозир оилавий ҳаётларининг турли проблемаларини ҳал этиш учун бу ерга мурожаат қилишади. Доно ва меҳри дарё аёл Хадича опа одамларни турмуш маданиятини оширишга, оила аъзолари ўртасида тотувликни барқарор қилишга йўналтиради. Бу баъзан арзимагандан чиқадиган жанжал-низоларнинг олдини олишга, айрим кишиларнинг ўз ишларига танқидий қарашни ўрганишга, камчиликлардан халос бўлишларига ёрдам беради.

Хадича Сатторова ташаббуси билан район банкида хотин-қизлар Советининг счёти очилди. Бу счётга тушган маблағлардан кўп болали оналарга, камбағал оилаларга, ёлғиз кампир-чолларга ёрдам учун фойдаланилади.

Жамоат ишлаб чиқаришига тобора кўплаб хотин-қизлар жалб этилмоқда. Аммо бу ўз-ўзидан диний қараш ва сарқитларнинг тугатилишига олиб келади, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Наманган тикувчилик бирлашмасидаги сингари муайян мақсадга йўналтирилган пухта иш олиб бориш керак. Бу ерда 1900 дан зиёд киши ишлайди, уларнинг 90 проценти хотин-қизлардир. «Ҳужум» ҳаракатининг анъаналари авайлаб асраб келинаётган бу корхонада 9 кишидан иборат атеистик Кенгаш ишлаб турибди. У меҳнаткашлар учун атеистик мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштиради. Қизлар илмий атеизм курсларидаги машғулотларга таклиф қилинади. Ҳозир у ерда 30 киши ўқияпти.

Хотин-қизларнинг динга берилганлиги кўп жиҳатдан қишлоқда болалар ўртасида ҳамон ўлимнинг кўплиги билан ҳам боғлиқ. Бу маълум даражада ёш оналарнинг турмуш маданияти ва гигиенаси нормаларини яхши билмаслиги оқибатидир. Шунинг учун партия ва жамоат ташкилотлари қишлоқда санитария маорифини яхшилашга, турмуш маданиятини юксалтиришга тобора кўпроқ эътибор бермоқда. «Янгиобод» колхозида шундай йўл танлашди: бу ерда турмуш маданияти ва гигиенаси халқ университетини ташкил этишиб, намунали оилаларда унинг филиалларини ҳам очишди. Хўжаликдаги ҳамма ёш болалар боғчаларга боришади, бу улар ўртасида касалланишнинг анча камайишига сабаб бўлди, оқибатда оналарнинг қўлларида бемор фарзандлари билан «муқаддас жой»ларга зиёратга боришлари ҳам озайди.

Ўрни келганда халқ университетининг оилалардаги филиаллари ҳақида ҳам гапириб ўтайлик (буларнинг орасида ўзбек оилалари ҳам, татар ва қирғиз оилалари ҳам бор). Бу ерда кўргазмалилик ва олис бир жойдаги кимлардир эмас, балки ўз қўшниларининг турмуш маданиятига эришганлиги ҳақидаги фикр катта аҳамият касб этади. Энг муҳими бу ишларни аёлларнинг ўзлари қиляпти.

Масалан, татар Ружия Асанова оиласи катта ҳурматга сазовор. Оилада 8 ўғил-қиз ўсмоқда. Фарзандларидан бири Ризо интернационалист жангчи. Бу оила уйи чиндан ҳам дарвозасига «Турмуш маданияти ва гигиенаси халқ университети филиали» деб ёзилган лавҳага муносибдир. Ҳовлининг ҳамма ёғи гулзор, озода, саранжом-саришта, хоналардаги пештахталар китобларга тўла. Ружия Асанованинг жиддий жамоат топшириқлари бор: у «Дилором» ашула ва рақс ансамблига, Маданият уйи ишига, кўчма кутубхонага раҳбарлик қилади.

Мақсадли конкурс оилада турмуш маданиятини оширишга ёрдам бермоқда. «Учқўрғон» совхозида ҳозирдаёқ 50 та намунали хонадон мавжудлигида ана шу конкурснинг хизмати бор. Уларнинг турмуш маданияти юксак даражада, хонадонларда болаларнинг овунишлари, маданий дам олишлари учун ҳамма нарса бор. Ҳовлилар озода, гуллар экилган. Бундай оилаларнинг сони йилдан-йилга ошиб боряпти ва бунда уй бекасининг алоҳида роли борлигини таъкидлаб ўтиш керак. Анъанавий ўзбек оиласида одатда икки уй бекаси бор: бири — қайнона, иккинчиси — келин. Оиланинг тинч-тотувлиги уларнинг ўзаро муносабатига боғлиқдир. Маълум даражада дин туфайли ҳам сақланиб қолаётган ўтмиш сарқитлари кўпинча оилада кучли низоларнинг келиб чиқишига, ёш келиннинг камситилишига ва баъзан бунинг фожиали оқибатларга олиб келишига сабаб бўлади. Бу ёмон мерос ҳақида қанчалик очиқ-ойдин гапирилса, уни тугатиш шунчалик осонлашади.

Наманган областида мавжуд жуда кўп расм-русмлар орасида шундайи ҳам бор: келиннинг ота-оналари тўйдан кейин уч-тўрт ой мобайнида ҳар пайшанба ва якшанба кунлари куёвнинг уйига паловнинг қуруғини — икки килограмм гўшт, гурунч, ёғ ва бошқа масалликлар юбориб туради. Бундан ташқари, куёвнинг уйига келганларида кўплаб совға-саломлар келтиришади, бундай туҳфалар қизи турмушга чиққан дастлабки кунлар ва байрамларда айниқса кўпайиб кетади. Бу расм-русм рақобат тусини олди — одамлар совға-салом қилишда бир-бирларидан ўтишга уринишади. Натижада ота-оналар кўпинча яхши овқатланиш, кийинишда қисиладиган бўлиб қолишди, топган-тутганларини совға-саломларга сарфлайдиган бўлишди. Бундан ташқари, бундай анъаналар қайнона ва келин ўртасида яхши муносабатларнинг ўрнатилишига ёрдамлашмайди.

Табиийки, хотин-қизлар советлари бундай проблемаларга алоҳида эътибор берадиган бўлишди. Масалан, Наманган шаҳар хотин-қизлар совети ўз уставига эга бўлган «Қайнона-келин» клубини ташкил этди. Унда, жумладан, турли

муассасалар билан биргаликда концертлар, конференциялар, спектакллар, фестиваллар ташкил этиш, клуб фаолиятини матбуотда пропаганда қилиш, барча муҳим масалаларни умумий мажлисларда муҳокама этишни кўзда тутади.

Шундай қилиб, Наманган областида илк ячейка — оиладан бошлашиб, бутун аҳолининг турмуш тарзини такомиллаштиришда ўзгаришларга эришишга ҳаракат қилишмоқда.

Янги совет одатлари ва анъаналарини турмушга жорий этганда ота-боболаримиздан мерос қолган энг яхши удумларни сақлаб қолиш зарур. Шу билан диний мазмунга эга бўлган, аммо кенг халқ оммаси томонидан миллий урф-одат сифатида қабул қилинаётган эски сарқитлардан қутулиш керак.

Ҳаёт пайдо бўлишининг илоҳий кучлар билан боғлиқлигига ишонч ва у билан боғлиқ диний тушунчалар энг аввало одамларнинг рўза ҳайит, қурбон ҳайит сингари диний байрамларда, расм-русмларда иштирок этишларида намоён бўлмоқдаки, булар ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Янги оила тузишда ҳам эскилик сарқитларининг таъсири кучлидир. Ёшларнинг анчагина қисми ота-оналарининг ихтиёрига қараб турмуш қурмоқдалар. Бу кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда. Ажримларнинг тахминан 20 проценти ота-оналар эндигина ўрта мактабни битирган қизларини мажбуран эрга берганлари натижасида юз беряпти.

Ёшларнинг кўпчилиги ЗАГС идораларидаги никоҳдан сўнг диний никоҳдан ҳам ўтмоқдалар. Тўй тантаналари кўп кишилар қатнашадиган серчиқим базмдир. Турғунлик йилларида бунга кўплаб миқдорда спиртли ичимликлар ичишдек зарарли одат ҳам қўшилди. Жаноза ва ўлим билан боғлиқ бошқа урф-одатларда ҳам кўп сарқитлар сақланиб қолган.

Аҳволнинг мураккаблигини англаган, янгича расм-русмларнинг жорий этилиши диний урф-одатларни тугатишга ёрдам беришини тушунган партия комитетлари, маҳалла комитетлари ва хотин-қизлар советлари бундай ишларни кучайтириб юбордилар. Бу соҳада янгича ёндашувлар пайдо бўлди. Масалан, Тўрақўрғон районида аҳолига коммунал, маиший, маданий хизмат кўрсатадиган ва хўжалик ҳисобида ишлайдиган «Садоқат» кооперативи ташкил этилган. У мебель, идиш-товоқни ижарага беради, атеистик йўналишда экскурсиялар уюштиради, қабристонларни ободонлаштиришга ёрдамлашади, мотам митинглари уюштиради, ёдгорликлар ўрнатади, бошқа хизматлар кўрсатади.

Практиканинг кўрсатишича, лекция ва докладларда зарарли одатлардан воз кечишга, янгича расм-русмларга амал қилишга даъватлар тингловчиларга кам таъсир кўрсатар экан. Шу маънода қишлоқ йиғинларининг самараси каттадир, буларда кишилар ўзларини ташвишлантираётган нарсалар ҳақида очиқ-ойдин гапирадилар, ўтмиш сарқитларига салбий муносабатларини билдирадилар. Шундай йиғин, масалан, Чорток районидаги Алихон қишлоғида бўлиб ўтди. Унда Алихон қишлоқ Советининг раиси Мавлуда Тоштемирова кескин нутқ сўзлади. У қишлоқда жанозаларда ҳамон совғалар берилаётганлиги, тўкин-сочин дастурхонлар ёзилиб, дайди муллалар таклиф этилаётганлиги ҳақида куйиниб гапирди. Исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда, спиртли ичимликлар ичиш авж олмоқда, арақ ва винони яширинча чойнакларда келтириш одат тусига кирмоқда.

Сарой қишлоғи маҳалла комитети жамоатчилик комиссиясининг аъзоси, етти фарзанд онаси Ҳайитбуви Қурбонбекова тўйлар ўтказишга кетаётган улкан сарф-харажатлар ҳақида ташвишланиб гапирди. У кўп болали оилаларнинг маош ҳисобига катта тўйлар ўтказа олмаслиги, шунинг учун бундай одам меҳнатсиз даромад қилишга интилиши ҳақида рўй-рост сўзлади.

«Ўзбекистон» совхозининг ишчиси Қодиржон Ўринбоев жаноза маъракасига келган ҳар бир аёлга уч донадан нон тарқатишдек ёмон одатни танқид қилди. Бундай расм-русмга риоя этилган тақдирда баъзан бир ярим минг дона нон ҳам етмай қолади.

Сўзга чиққанлар қизғин гапиришди. Пировардида бир оғиздан: барча эскилик сарқитларига қарши аёвсиз кураш олиб бориш керак, деган қарорга келинди. Бу кураш натижаси ҳар бир одамга боғлиқ, бинобарин, ҳеч ким четда томошабин бўлиб турмаслиги, актив ҳаракат қилиши керак.

Тўғри, қишлоқдаги битта йиғин зарарли расм-русмларнинг тугашига олиб келмайди, лекин у жиддий ҳисса қўшиши мумкин.

Агар тўйлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларни янгичасига ўтказишга жамоат фикрининг ўзгаришигина эмас, балки комсомол, совет органлари ташкилий томонларини ўз қўлига олганлиги ҳам ёрдам бермоқда. Тўй расм-русм сифатида ёшларни, иштирокчиларни тарбиялайди. Энг яхши миллий анъаналарнинг сақланиши ва уларга янги, илғор, социалистик элементларнинг қўшилиши бу расм-русмнинг ўзига хослигини оширади, маънавий эҳтиёжларни қондиради, жозибали қилади. Масалан, Наманганда никоҳларни тантанали равишда қайд этишни Жанговар ва меҳнат шуҳрати уйида, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари иштирокида ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Никоҳ ҳақидаги гувоҳномани олганларидан кейин келин-куёвлар жанговар шуҳрат мемориалига гуллар қўйишади ва бир минут сукут сақлаб халқ бахт-саодати учун жон фидо қилганлар хотирасини эъзозлайдилар. Тантаналар хушчақчақ, комсомол-ёшлар тўйи билан якунланади, бундай тўйларга эскичасига қараганда икки-уч баравар кам сарф-харажат қилинади.

Никоҳ ўқитишнинг сақланиб қолиниши кекса авлод психологиясидаги никоҳ оилани мустаҳкамлайди деган тушунча билан маълум даражада боғлиқдир. Ҳозир ажримларнинг кўпайиб бораётганлигини айрим кекса кишилар никоҳ ўқитишнинг камайиб бораётганлиги билан изоҳламоқчи бўладилар. Шуни таъкидлаш керакки, оила қуришдаги диний никоҳ ўқитишни, эскича анъаналарни исботсиз рад этиш, агар бу танқид ёш оиланинг фаровонлиги ҳақидаги реал ғамхўрлик билан қўшиб олиб борилмаса, кам фойда беради.

Бу жиҳатдан Тўрақўрғон районидаги Шаҳанд қишлоқ Советининг тўй маъракаларини ўтказиш, хотин-қизлар советининг ёш оилани мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган фаолияти диққатга сазовордир.

Тўй тантаналари чиройли безатилган «Бахт уйи»да ўтказилади, бу ерда илгари никоҳдан ўтган келин-куёвларнинг фотосуратлари қўйилган стендлар, «Атеист бурчаги» бор. «Совчи» клуби фойда келтиряпти, унда куёв ва келинларнинг ота-оналари тўпланишади, улар билан атеистик йўналишда тарбиявий суҳбатлар олиб борилади.

Хотин-қизлар совети келинларнинг ўқишини ташкил этади, уларни оилавий ҳаётга тайёрлайди. Ёш келин-куёвлар учун ўтказиладиган «Олтин ҳалқа» конкурси анъанага айланиб қолди: улар рўзғор юрита билиш бўйича мусобақалашадилар. Ғолиб келин ва куёвга ёрлиқ ва соврин топширилади. Бундай конкурс тўйга қадар куёв ва келиннинг аҳиллашувига ёрдам беради, бу эса, шубҳасиз, оиланинг мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Диний анъаналар никоҳ маросимларида қанчалик илдиз отган бўлмасин, барибир, диний ақидалар инсон билан видолашув, уни сўнгги йўлга кузатув билан боғлиқ урф-одатларда кўпроқ мустаҳкамланиб қолган. Бу соҳада янгиликни жорий этиш айниқса қийин бўляпти. Айтиш керакки, марҳумнинг қариндош-уруғларига нисбатан доимо ҳам одоб, инсонийлик билан муносабатда бўлиняпти, дейиш қийин. Ҳозирча Хотира кунини ўтказишни кўпчилик ижобий қабул қиляпти, у кишиларда эзгулик, одамгарчилик, маданиятлиликни тарбиялашга ёрдам беряпти. Ўт босиб кетган, ташландиқ қабристонлар ободонлашиб боряпти. Ҳолбуки, ислом анъаналарига кўра одамлар мозорларни қаровсиз қолдириши (мусулмончилик қарашлари бўйича қабристонлар дўзахга ўхшаб кўриниши) керак. Кўп мозорлар айниқса, қишлоқдагилари худди шундай кўринарди ҳам. Шу даражага бориб етгандики, нодон кишилар қабристонларда шахсий молларини ҳам боқиб юришарди.

Чуст районида Хотира куни 34 қабристоннинг ҳаммасини тубдан қайта ўзгартиришга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда уларнинг атрофи ўралган, чироғлар қўйилган, кўпчилиги асфальтланган, мотам майдончалари бор. Ҳар бир қабристонга обрўли кишилардан бири жавобгар сифатида бириктилган.

Хотира куни районда илк бор ўтказилганда барча қабристонларда митинглар ўтказилди. Айниқса Чустдаги «Биродарлик» қабристонидаги митинг кўп кишилик бўлди, унда икки мингдан ортиқ одам қатнашди. Уруш ва меҳнат ветеранлари, партия ташкилотлари раҳбарлари нутқ сўзладилар. Ўша куни қабристон территориясидаги 20 гектар майдонда 4 мингдан ортиқ кўчат ва жуда кўп

гуллар ўтказилди. Ҳа, яқин кишиларимиз, ўртоқларимиз, дўстларимиз ётган жой обод ва шинам бўлиши, улар бизнинг эзгу хотирамизда доимо сақланиб туриши керак.

Бахтимизга энди собиқ бўлган кўпгина идеология ходимларининг хатолари ва ўз иш соҳаларини яхши билмасликлари туфайли аҳоли ўртасида атеистлар миллий маданиятга қарши курашувчи одамлардир, деган тушунча шаклланганди. Ҳолбуки, аслида атеистик ишлар халқнинг маданий меросига эҳтиёткорлик, ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳи билан суғорилган. Шу иш манфаатлари йўлида диний тушунчалар билан алоқадор меъморчилик ёдгорликларидан ҳам усталик билан фойдаланса бўлади. Адабиёт музейи, кутубхона жойлашган собиқ мадрасалар яхши мисол бўла олади.

Областнинг партия комитетлари идеология, шу жумладан атеистик ишнинг яхши йўлга қўйилмаганлигининг муҳим сабабларидан бири бундай ишни олиб бориш учун етарли шароит йўқ эканлигини аниқлаб, ижтимоий-сиёсий тарбия марказлари ташкил этиш лозим ва бу ерларда тарбиявий ишлар комплекс равишда олиб борилиши зарур, деган хулосага келди. Бундай марказлар асосан маданият уйларида жойлаштирилган ва ҳозир областда уларнинг сони 120 тага етди. Улардан айримлари ўз фаолиятини аҳолининг муайян қатлами билан иш олиб боришга қаратган. Масалан, Наманган шаҳар партия комитети ҳузуридаги ижтимоий-сиёсий марказ ўз куч-ғайратини маҳаллалар аҳолисини тарбиялашга қаратмоқда. Маълумки, шаҳардаги аҳолининг қарийб ярми (136 мингга яқин киши) маҳаллаларда яшайди. Улардан кўпчилиги ҳунармандчилик, уй ишлари, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмайди, шунинг учун диний таъсирга кўпроқ берилган. Аҳолининг ана шу қисмига катта эътибор берилаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Наманган ижтимоий-сиёсий марказида илмий атеизм секцияси ташкил этилганлиги бежиз эмас. Тўғри, бундай марказлар фаолиятини ҳали кўп такомиллаштириш керак, лекин, энг муҳими, эзгу иш бошлаб юборилди.

Шунга ўхшаш муассасалар ҳозир кўп жойларда ташкил этилмоқда. Масалан, Наманган районидаги «Қизил байроқ» колхозида правление биносида илмий атеизм кабинети жойлашган, бу ерда диндорлар билан яккама-якка суҳбатлашиш учун махсус хона ҳам мавжуд. Бу кабинет вужудга келишининг сабаблари бор эди: маҳаллий аҳоли ўртасида диндорлик кучайганлиги сезилиб қолди, шунинг учун ҳар бир одамга эътибор бериш керак эди. Ёш атеист Назрулла Холбоев ўз тенгдошлари билан дам-бадам суҳбатлар ўтказиб туради. Ҳозирча ҳамма нарса силлиқ кетаяпти, деб бўлмайди: тажриба етишмайди, баъзан эса асосли жавоб бериш учун билим ҳам камлик қилиб қолади. Аммо Назрулла кўп ўқийди, ўз билимини оширишга уринади, мунозаралар олиб бориш учун ўзида кўникма ҳосил қилади. Лекин барибир зарур адабиётларнинг йўқлиги диндорлар ўртасида иш олиб боришда қийинчилик туғдирмоқда. Кўпчилик кишилар тажрибали атеистлар, олимлар диний догматиканинг турли масалалари, ҳаёт мазмуни, уруш ва тинчлик, бахт, сиҳат-саломатлик, миллий маданият ва бошқа проблемалар бўйича диндорлар билан суҳбат формасида оммабоп брошюралар тайёрлаб берсалар яхши бўларди, деган истакни билдирмоқда.

Район партия комитетлари ҳузуридаги илмий атеизм кабинетлари атеистик ишларнинг илмий-методик марказлари бўлиб қолди. Масалан, Задарё райони лекторлари кабинетдаги фалсафий-атеистик кутубхоначадан, фильмотекадан, плакатлардан, турли қўлланмалардан фаол фойдаланишяпти. Кабинет ходимлари янгича расм-русмлар ва урф-одатларни жорий этиш бўйича лекциялар, суҳбатлар тематикаси, тавсияларни ишлаб чиқдилар. Бу ерда илмий атеизм пропагандистлари билан методик машғулотлар, семинарлар мунтазам ўтказиб турилади.

Кабинет ишининг самарадорлигини янада ошириш учун мазкур жойдаги диндорлик аҳволи ва кўринишлари ҳақидаги ахборотни доим тўплаб бориш керак. Зеро диндорлик вазияти ҳақида чинакам ахборотнинг йўқлиги кўпинча атеистик тарбияни яхшилашга халақит беради. Ҳозир бу ерда муайян силжишлар бор. Наманган область, шаҳар ва район партия комитетларида диндорлик ҳолати паспорти бор. Унда аҳолининг миллий-социал структураси, социал-демографик вазият, диний жамоаларнинг мавжудлиги ва ҳоказолар ўз ифодасини топган.

Маълум бўлишича, диний ҳаёт мачитларда ва «муқаддас жой»лар атрофидагина жўш урмай, баъзан у Наманган областида кўп ва машҳур бўлган чойхоналардаги диний суҳбатларда ҳам ўз оқимида секин давом этаркан. Чойхоналар керак, айниқса ёз пайтларида у ерларда таниш-билишлар, дўстлар билан суҳбатлашиб роҳатланиб дам олиш мумкин. Лекин чойхона ҳаёти ўз ҳолига ташлаб қўйилмаслиги керак.

Намангандаги А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида улкан чинорлар соясида «Гулзор», «Бешчинор» чойхоналари жойлашган, бу ерларда мазали таомлар тановул қилиш, ёзги жазирамадан сақланиб, очиқ айвон атрофидаги анвойи гулларни томоша қилиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Бу ерда «Бир пиёла чойга марҳамат» деб номланган суҳбатлар анъанага айланиб қолди. Ўшандай суҳбатлардан бирини «Ҳужум» ҳаракати қатнашчилари ўтказишди. Улар қаҳрамонона ўтмишимиз ва бугунги ҳаётимизга хос ҳодисалар ҳақида, бизга замондош хотин-қизларнинг баъзилари онгини эскилик сарқитларидан халос қилиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар, чунки уларнинг айримлари ҳамон диний тасаввурлардан қутула олишмаган.

Кейинги йилларда одамларнинг газеталарга қизиқиши кескин ўсиб кетди. Газетхонлар ҳаётимизнинг турли проблемаларига, шу жумладан атеистик мавзуларга бағишланган, илмий позициялардан туриб жўшиб ёзилган мақолаларни жуда қизиқиб ўқишади. Шундай мақолалар область газетасида ҳам пайдо бўляпти. Масалан, «Наманган ҳақиқати» газетасида махсус рубрикада илмий атеизмни ижобий таълимот сифатида пропаганда қилувчи қизиқарли мақолалар эълон қилиняпти. Улар асосан ёшларга аталган.

Оиланинг кундалик ҳаёт тарзи билан боғлиқ ўткир проблемалар қаламга олинган материаллар ҳам оз эмас. Масалан, ўтган йили «Наманган ҳақиқати»да босилган «Яна қайнона ҳақида» деган мақола кўпчиликнинг хотирасида қолди. Унда «Ударник» маҳалласида яшовчи Қаҳрамон она М. Каримова ўз фикр-мулоҳазалари ва кузатувлари билан ўртоқлашган. М. Каримованинг айтишича, у ёши анчага борганда педагогика институтини сиртдан битирган ва мактабда дарс бера бошлаган. Уларнинг оиласида ҳукм сурадиган аҳиллик, тотувлик унинг ҳаётида катта ёрдам берган. Энди бу оилага яна икки келин қўшилди. Ҳамма уй ишлари ҳамкорликда қилинади ва бўш вақтларини оила аъзолари биргаликда ўтказишади, масалан, газета-журналларни давра қуриб ўқиш одат тусига кирган. М. Каримованинг фикрича, оиладаги тотувлик биринчи галда қайнонага боғлиқ. Маҳалла хотин-қизлар советининг раиси сифатида унга баъзан арзимаган сабабларга кўра, бир-бирига ён босмаслик ва дағаллик туфайли юз берадиган қайнона-келин ўртасидаги можароларга аралашишга тўғри келади. Бундай кезларда ёши улуғлар донолик қилишлари керак, афсуски, баъзан бунинг акси бўлади. Айрим қайноналар, гарчанд ноҳақ бўлсалар-да ўз билганларида туриб оладилар. Уларга таъсир этиш эса қийин бўлади: одатда, улар ҳеч қаерда ишлашмайди, жамоатчилик таъсиридан четда бўладилар. М. Каримова маҳаллаларда қайноналар йиғилишларини уюштириб, улар билан суҳбатлар ўтказиб туришни таклиф қилади. Бу шунинг учун ҳам keракки, кўпчилик қизлар ўнинчи синфни битиришлари биланоқ турмушга чиқадилар, уларнинг айримлари эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишларини давом эттирадилар, лекин қайноналари бунга қаршилик кўрсатадилар.

Область партия комитети матбуот саҳифаларида атеистик пропаганданинг сифатини ошириш мақсадида область Илмий атеизм уйи билан биргаликда ўша мавзудаги энг яхши мақолалар учун конкурс эълон қилди. Республика миқёсида ҳам шундай тадбирлар ўтказилса, яхши бўларди.

Атеистик тарбия соҳасидаги ижобий тажриба доим партия комитетларининг, коммунистларнинг активлиги билан боғлиқдир. Бу қонунийдир — коммунистларнинг принципиал позицияси бўлмаган жойда атеистик иш ҳам бўш бўлади. Тўрақўрғон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими текшириш ўтказганда Шаҳанд қишлоқ Совети, «Ўзбекистон» колхози, 48-мактаб-интернат партия ташкилотлари атеистик ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари маълум бўлди, партия ва комсомол аъзоларининг диний маросимларда қатнашаётганликларига принципиал баҳо бермадилар, тобора кўпроқ кишиларнинг дин таъсирига берилаётганлигига бефарқ қарадилар. Район партия комитетининг қаттиқ танқиди ўз

таъсирини кўрсатди, муайян ўзгаришлар юз берди (Шаҳанд қишлоқ Советининг тўй маросимларини ўтказиш бўйича тажрибаси ҳақида юқорида ҳикоя қилинди).

Атеистик ишда инсон омилининг роли коммунистларнинг актив дунёқарашлари ва ҳаёт позицияларида, динсизларнинг ҳам, диндорларнинг ҳам талаб-эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатишда кўринади. Атеист бўлмоқ кишилар манфаати учун, уларнинг моддий, маънавий, жисмоний фаровонлиги ва баркамоллиги учун жон куйдириш, кишилардаги диний тушунчаларни йўқотиш, унинг онгини ўстириш, куч-ғайратини мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга йўналтириш демакдир.

Қосонсой районида биз 151-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи бўлиб ишлаётган коммунист Абдуллахон Қаландаров билан танишиб қолдик. Раҳбар сифатида у талабчан бўлса-да, айни пайтда одамларга меҳрибон, унинг кабинети эшиги барчага доим очиқ. У ҳар бир кишининг ҳаётига лоқайд қарамайди, уларнинг ўз ишларидан қанчалик қаноатланаётганликлари, оилаларининг моддий ва социал аҳволи билан доимо қизиқиб туради. А. Қаландаров меҳнат коллективига раҳбар бўлганидан кейин ишчиларнинг кўпчилиги диний байрамларда мачитларга боришини, эскича анъаналарга риоя этишларини пайқаб қолди. У партия ташкилоти секретари, касаба союз комитети раиси билан бирга бу масалани чуқур ўргана бошлади. Уйда ҳам шу ҳақда ўйлади, атеистик адабиётни ўқиди. Сўнг бутун коллективни тўплаб, юрагидаги бор гапни тўкиб солди. А. Қаландаров энг аввало социал проблемаларга эътиборни қаратди, қурувчилар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши мумкин бўлган соғломлаштириш комплексини яратиш ҳақидаги ўз режаси билан ўртоқлашди.

Ишчилар ўз раҳбарининг фикрини актив қўллаб-қувватладилар. Уч ойдан сўнг улар ўз Дам олиш уйига эга бўлдилар. Соғломлаштириш комплексида ҳозир фин ҳаммоми, биллиардхона, кутубхона, овқат буюриш билан бирга ўзлари ҳам масаллиқ келтириб таомлар тайёрлашлари мумкин бўлган ошхона бор. Дам олиш уйида туғилган кунларни, юбилейларни, кумуш ва олтин тўйларни нишонлаш, келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказиш, армияга ва пенсияга кузатиш, ёшларни меҳнат коллективларига қабул қилиш, социалистик мусобақа ғолибларини шарафлаш каби маросимларни уюштириш анъанага айланиб қолди. Кўчма механизациялашган колонна касаба союзи комитети ташаббуси билан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хивага сафарлар уюштирилмоқда. Бу тадбирлар коллективни жипслаштиради, улар ишчиларнинг маънавий маданиятини оширмоқда ва, шубҳасиз, диний анъаналардан соқит бўлишга ёрдам бермоқда.

Лекин инсонга ғамхўрлик кўрсатилмаса, у ҳолда ишлаб чиқариш илғори бўлган тақдирда ҳам бу одамнинг дунёқараши анча чекланган бўлади ва у диний расм-русмларни одатдаги жўн нарсадай қабул қилаверади. Масалан, ўша районда биз «Ленин йўли» колхозининг илғор сут соғувчиси Гулчеҳра Сатторова билан танишиб қолдик. Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Умархон Амирхонов иштирокида бўлган суҳбатлардан бирида диний расм-русмларни ўтказишни оддий бир нарса ҳақида сўзлагандай гапириб берди ва сут соғувчиликдан бошқа ҳеч нарсани билмаслигини айтди.

Шунинг учун партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари учун қилинадиган ва яхшилаб ўрганиладиган ишлар ҳали жуда кўп. Шундоққина юзада кўриниб турган проблемалар кўп, аммо пастда яшириниб ётганлари ҳам анчагина. Уларнинг илдизигача етиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Атеистик ишда айниқса формализм ва хўжакўрсинчиликка чидаб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 1988 йил апрель ойида бўлиб ўтган мажлисида Наманган шаҳар партия комитетининг идеология, сиёсий-тарбиявий ишлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича иши тўғрисидаги масала кўрилганда худди ўша иллатларга эътибор кучайтирилганлиги бежиз эмас. Шу билан бирга ижобий тажрибани зарралаб йиғиб бориш керак, биз Наманган областидаги ишларнинг аҳволини таҳлил қилганимизда худди ана шунга интилдик. Бусиз, шунингдек проблемаларни кўндаланг қўйиб ва уларни ҳал этмасдан туриб, диний хурофот, бидъатларга қарши курашиб бўлмайди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎҚИТИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

С. СВИРСКИЙ,
философия фанлари доктори, Тошкент алоқа электротехника институти философия кафедрасининг мудири

ҚПСС МҚ 1988 йил февраль Пленумининг материалларида мамлакатда халқ таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, уни қайта қуриш вазифалари, мақсад ва йўллари, педагог кадрларни шакллантириш ва уларнинг кейинги ўсиши проблемалари таърифлаб берилган. Қисқаси, бундан кейинги кўп йиллар учун иш олиб боришнинг асослари баён қилинган.

Февраль Пленуми олий мактаб социалистик давлат ва ижтимоий системанинг энг муҳим тартиботларидан бири эканлигини; унда умуман олганда совет жамиятининг турмушини белгиловчи жараёнлар қонуний ва муқаррар равишда юз беришини ва шу билан бирга таълим соҳасининг олға қараб жадал ҳаракат қилишимизга, қайта қуриш муваффақиятига замин яратувчи бир қисми эканлигини таъкидлади.

Шундай қилиб, бугунги кунда олий мактаб қайта қуриш объекти сифатида ҳам, уни амалга ошириш фактори сифатида ҳам майдонга чиқяпти. Таълим ва тарбиянинг юқоридан қуйигача бутун структураси ва методикасидаги ўзгаришларнинг сабаби ва ундовчи кучи ҳам ана шу диалектик бирликдадир.

* *
*

Агар ҚПСС МҚ 1988 йил февраль Пленумининг материалларини диққат билан анализ қилсак, ундан фанларни ўқитиш методикасини ва бутун характерини қайта қуришнинг ҳеч бўлмаганда учта асосий йўналишини аниқлаб олишимиз мумкин. Биринчидан, илгари педагогнинг актив таъсирига (лекция курсларига) ва студентнинг пассив идрок этишига асосланган педагогик жараён эндиликда **ўқитувчи билан студентнинг ҳамкорликда ишлаши** формасини қабул қилиши керак. Бу эса ўқитувчи фақат «сўзлаб», студентлар «тинглаши» вақтидаги ўгит-насиҳатлар камроқ бўлиб, группавий ва яккама-якка суҳбатлар, мунозаралар, реал социал-иқтисодий, сиёсий ва этик вазиятлар анализи, студентлар тайёрлаган докладлар муҳокамаси ва ҳоказолар кўпроқ бўлсин демакдир. Бунда студентдан ўқитувчигача бўлган «тескари алоқа» тўла ҳажмда ўрнатилиши кераклиги энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Кўпинча биз конспектларни текшириш ёки имтиҳонда жавобларни эшитиш чоғида студентнинг онгида лекцияда айтилган нарсалар нотўғри, чалакам-чатти, бузилган ҳолда ўрнашганини кўриб ҳайрон бўламиз, гоҳида хафа ҳам бўламиз. Бунда, қисман, ўқитувчида ўз фикрини аниқ ифодалаш маҳорати йўқлиги ҳам, таълим олувчининг толиққанлиги ҳам, умумий тайёргарлик заифлиги оқибати сифатида унинг тушунмаслиги ҳам маълум роль ўйнайди. Ўқитувчининг студентлар билан мунтазам ва тез-тез мулоқот қилиши, материаллар устида биргаликда иш олиб бориши ана шу камчиликларни осонгина бартараф этиши мумкин.

Иккинчидан, **студентларнинг мустақил ишлаши** бутун таълим жараёни учун асос қилиб олинади. ҚПСС МҚ билан СССР Министрлар Советининг «Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини ва улардан халқ хўжалигида фой-

даланишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (1987 йил) «студентларнинг мустақил ишлашининг ролини анча ошириш, уни планлаштириш ва ташкил этишни яхшилаш, ўқитувчилар томонидан бўладиган контрол ва ёрдамни кучайтириш» зарурлиги кўрсатилган. Шу билан бирга лекция соатлари сонини қисқартириш тавсия қилинган.

Ана шу иккинчи жиҳат методик томондан биринчи жиҳат билан чамбарчас боғланганини кўрамиз, чунки ўқитувчи томонидан консультация, суҳбат ва маслаҳатлар тарзида доимо ёрдам кўрсатилганидагина мустақил ишлаш самарали бўлиши мумкин. Бунда олий мактабда ижтимоий фанларни ўзлаштириш бошқа ҳар қандай фанга қараганда анчагина мураккаб жараён эканлигини эътиборда тутиш лозим. Зотан, мисол учун, студент математика, физика, кибернетика, химия фанларини тушуниб етишга мўлжалланган дарсликлар — методик ишлаб чиқилган қўлланмаларга қараб ўрганади. Ҳеч ким Гаусс, Эйнштейн ёки Винер асарлари билан танишиб чиқишни таклиф қилмайди. Лекин ижтимоий фанларга келганда студент биринчи курсдаёқ К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин тадқиқотларига, шу билан бирга уларнинг «Капитал», «Анти-Дюринг», «Материализм ва эмпириокритицизм» сингари ғоят мураккаб асарларига дуч келади. Бу ўринда ҳам ўқитувчининг доимий ёрдами жуда керак.

Ва ниҳоят, таълим бериш **практикага,** пировард натижага **йўналган бўлиши** керак. «Энди назария амалиётга айланадиган, амалиёт билан жонланадиган, амалиёт билан тузаладиган, амалиётда синаладиган тарихий пайт келганлиги...» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 223-бет) тўғрисидаги ленинча фикр ҳеч қачон бунчалик актуал бўлмаган эди.

Жамиятшунослик фанларининг студентлар томонидан фақат назарий билимлар мажмуи сифатидагина ўрганилиши таълимдаги асосий камчиликлардан биридир. Эндиликда диалектик-материалистик дунёқарашни шакллантириш жараёни актив ҳаётий позиция ҳосил қилиниши, тарбиявий таъсир практикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу эса урғуни бошқа ўринга кўчириш, таълимнинг практикага уланиши, марксизм-ленинизм курсини ўрганиш қандайдир даражада студентни инженерга (шунчаки олий маълумотли эмас, балки муайян соҳа мутахассисига), врач, агроном ва ҳоказоларга айлантирадиган амалий билимларга муқаддима, методологик дебоча бўладиган қилиб ўқитиш методикасини қайта қуриш керак демакдир. Бунда эса цитаталар келтириш ва лекция курсини янгилаш билан иш битмайди. Йўналишнинг, албатта, мазмундор материал программаси билан белгиланган педагогик фаолият стратегия ва тактикасининг ўзини методик жиҳатдан сифатли ўзгартириш тақозо этилади.

Буни конкрет қандай амалга ошириш мумкин? Албатта, бунда ҳаммабоп восита йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, лекин дастлабки қадамлардан бирини кўрсатиб ўтиш мумкин. В. И. Лениннинг «инженер коммунизмни тан олиш масаласига... *ўз фанининг маълумотлари орқали* келишини, коммунизмни тан олиш масаласига — агроном *ўзича,* ўрмоншунос ва бошқалар ўзича келишини хотирда тутиш лозим» (ТАТ, 42-том, 408-бет) деган сўзлари бу ўринда ориентир бўла олади.

КПСС XXVII съездида амалий вазифаларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан таъминлашга қатъиян бурилиш зарурлиги хусусида айтилган фикрни жамиятшунос-педагог учун дастуриламал бўлган В. И. Лениннинг ушбу хулосаси билан қиёсласак, қуйидагиларни айтиш мумкин: студент ёшларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш методикаси («таълим воситасида тарбиялаш» принципига амал қилганда) қандай мутахассисни тайёрлаш зарурлигига боғлиқ ҳолда конкрет бўлиши керак. У ёки бу касб мутахассисининг илмий асосланган моделини яратиш бундай ёндашиш учун бошланғич маълумотларни бунёд этишнинг энг мақбул варианти ҳисобланиши мумкин (бир қатор касблар бўйича бундай моделлар ҳозирдаёқ яратилган).

Педагоглар коллективи эришиши керак бўлган пировард натижа сингари айни ушбу модель, уни жонли одамларда мужассамлантириш эҳтиёжи фаолият программасини белгилаб бериши керак. Ижтимоий фанлар ўқитувчиси ўзи шакллантиришда иштирок этаётган мутахассис қандай бўлиши кераклигини аниқ билиши, ушбу ҳолатда мувофиқ бўлган конкрет методикани ишлата олиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

КПСС XXVII съезди, унинг МҚ 1988 йил февраль Пленуми материалларида, партия ва Совет ҳукуматининг олий мактабни қайта қуришга доир ҳужжатларида кўрсатилган таълим ва тарбияга доир муштарак мақсад ҳамда вазифалар амалга оширилиши учун бутун педагоглар коллективи бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Институт профилига оид етарлича билимлар, у ёки бу ихтисослик бўйича фан ва практика маълумотлари бўлган тақдирдагина фақат ана шундай йўл билан даставвал кенг доирада (умуман инженер, умуман врач, умуман педагог ва ҳоказо), сўнгра эса идеологик таъсир йўналишини торайтирган ҳолда ҳозирги мутахассиснинг дунёқарашини шакллантириш мумкин.

Ўқитишнинг янги методикасига эҳтиёж аллақачон ҳис этила бошланганини, олий мактабдаги бир қатор педагоглар уни ишлаб чиқишга ҳаракат қилганини эсга олиш лозим. Масалан, жамиятшунослик фанларининг студентлар бир вақтда ўрганадиган назарий ва ихтисосга оид фанлар билан яқиндан ўзаро боғлаб олиб борилиши каби методика жиҳатидан ўзини оқловчи тадбирлар таклиф қилинди. Талабаларнинг ўқув программалари ва календарь планлари билан танишиш жамиятшунос ўқитувчига улар билан бевосита ўзаро мулоқотда бўлиш имконини беради. Ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг олий ўқув юрти кадрлар тайёрлаб берадиган корхоналар билан яқиндан алоқада бўлиши кераклиги масаласи ҳам қўйилди. Бундай алоқа қанчалик амалий ва мунтазам бўлса, жамиятшунослар ўз ишларида дунёқарашни тарбиялашнинг хилма-хил формаларидан фойдаланиш учун ушбу соҳани қайта қуриш қандай бораётгани хусусида шунчалик кенгроқ ва хилма-хил материалга эга бўладилар.

Бир қатор олий ўқув юртларида баъзи темалар бўйича семинар машғулотлари ўтказилганда шерик раҳбар сифатида физиклар, математиклар, лингвистлар, тарихчилар ва бошқа умумназарий фанларнинг ўқитувчилари ҳам таклиф этиладилар. Студентларнинг илмий тўгаракларига биргаликда раҳбарлик қилиш ҳам мумкин.

Кўпгина олий ўқув юртларида студентларга «Илмий тадқиқот асослари» махсус курси ўқитилади. Унда тадқиқотларни қўйиш, уюштириш ва бажариш, илмий экспериментни планлаштириш ва ташкил этиш методикаси, ушбу ихтисосликда қўлланиладиган илмий изланиш методлари спецификаси қараб чиқилади. Ана шу курсни олиб бориш учун жалб этилган жамиятшунослар илмий фаолият маданияти масалаларини шахс маданиятининг бир формаси сифатида ёритадилар, билиш вазияти моделларини яратадилар, бу эса талабаларга илмий тадқиқот шарт-шароитини мулоҳаза қилишда ёрдам беради.

Шу муносабат билан, бизнингча, студентларга диалектиканинг ҳар қандай билим соҳасидаги илмий тадқиқотнинг методологияси сифатидаги аҳамиятини уқтириш, уларга фикрлаш маданиятини, мантиқий мулоҳаза юритишни, мавҳум тушунчалардан фойдалана олиш маҳоратини сингдириш, тадқиқотнинг бошланғич асосларини ҳам, пировард натижасини ҳам танқидий анализ қилиш зарурлигини тушунишга йўллаш мақсадга мувофиқ бўларди. Айни шуларда студентнинг янги ахборотни ўзлаштириш ва билимлар системасида тез ориентир олишга, мустақил билим олишга, ўз позициясини ҳимоя қила олишга, ўзини ўзи идора ва назорат қилишга, ғояларни илгари суришга, интуиция ва хаёлоти ривож топишига, проблемани очиб бериш маҳоратига, коллектив ижод формаларида актив иштирок этишга бўлган қобилияти аниқланади. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада адабиётларда ёритилмоқда, лекин, афсуски, амалда жуда камдан-кам ҳолда қўлланилмоқда.

Жамиятшунос-педагог онгидан эндиликда ўрин олиши ва унинг фаолиятида намоён бўлиши керак бўлган асосий ғояни мана бундай таърифлаш мумкин: декларативлик, абстрактлилик, практикадан узилиб қолиш (студентлар ижтимоий фанлардаги категорияларни билиш уларга нима учун кераклигини ҳамда улардан турмушда қандай фойдаланишни билмасликлари), умумий чақириқ ва насиҳатлар камроқ бўлсин, конкретлилик, олий ўқув юрти йўналиши, бўлажак ихтисослик билан боғлиқлик эса кўпроқ бўлсин. Ҳозир зарур бўлган методик йўналиш ана шундай бўлиши керак чоғи.

Ижтимоий фанларни ўқитишни ташкил этишни ва унинг методикасини қайта қуришдаги проблемалар қаторидан ўқув адабиёти алоҳида ўрин эгаллаган.

Дарслик ўқитувнинг замонавий даражасига жавоб бера олиши айниқса студентларнинг мустақил ишлаши учун ғоят муҳимдир.

Ҳозирги дарсликларнинг жиддий камчилиги шундан иборатки, улар ўзаро боғланган боб ва бўлимлар системаси эмас, балки кўпроқ турли авторлар мақолаларининг тўпламидан иборат бўлиб қоляпти. Ваҳоланки, боб ва бўлимларни шундай жойлаштириш керакки, улар бир-бирини тақозо этсин ва кейинги темага йўл «очиб берсин». Материал баёни шундай бўлсинки, студентда навбатдаги бўлим устида ишлаш охирлаганда саволлар туғилсин, унга жавобларни эса кейинги бўлимлардан топсин, фақат шундай қилибгина ўрганилаётган предметга қизиқиш уйғотиш мумкин.

Шу муносабат билан К. Маркснинг «Капитал» асари Францияда алоҳида нашрлар сифатида бўлиб-бўлиб чиқарилганини, унинг ношири Морис Лашатр авторга ёзган хатида китобхон кейинги нашрларга қизиқмайди деб хавотирланганини айтганини эслатиб ўтишни истардим. К. Маркснинг Лашатрга жавоб хатидан маълум ва кейинги воқеалар тасдиқладики, ҳар бир боб методика жиҳатидан кейинги бобни тақозо этиши туфайли китобхонлар асарнинг навбатдаги давомини сабрсизлик билан кутганлар. Материалнинг бундай берилиши дарслик ёзишда намуна бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги дарсликлардаги бир қатор таърифларда илмий ишнинг яна бир қоидаси — терминологиянинг ягона маънода бўлиши ҳам бузиляпти, яъни бир хил ҳолларда турлича таъриф беriляпти. Бу эса талабаларни чалғитади, холос.

Олий мактабда ижтимоий фанларни эгаллашда давомийлик принципининг авторлар томонидан унутилиши дарсликларнинг, бизнингча, яна бир жиддий камчилигидир. Масалан, философияни ўрганишда КПСС тарихи курсига, сиёсий иқтисодни ўрганишда философия категорияларига суяниш керак. Бу эса ёшларда яхлит дунёқараш шаклланишининг гарови бўлиб қолади.

Афсуски, у ёки бу дарсликни ғоят эътибор билан ўрганиб чиқиш ҳам ижтимоий фанларнинг бундан олдинги курслари мавжудлиги ҳақида лоақал фикр ҳам уйғота олмайди; улар ҳатто эслатиб ўтилмайди ҳам. Масалан, философия дарслигида диалектика қонунлари ва категорияларига таъриф беришда физика, химия, биологиядан кўплаб мисоллар келтириладию, лекин, афсуски, партия тарихи фактларига бирорта ҳам ҳавола йўқ, ушбу курсни эса студентлар ўзлаштириб бўлишган ва унга суяниш зарур. Сиёсий иқтисод дарслигида фалсафага оид материал амалда йўқ. Зеро, В. И. Ленининнинг Маркс «Капитал»и диалектикаси ҳақидаги йўл-йўриғи маълумку. Фалсафа категорияларидан мунтазам фойдаланмай «Капитал»ни қандай қилиб чуқур ўрганиш мумкин? Янги дарсликларда олдинги курсларнинг материаллари билан боғланиш, уларга суяниш бўлади деб ишонгимиз келади.

Дунёқарашни тарбиялаш, айниқса студентларнинг яккама-якка ишлаши активлашган пайтда, ҳам рационал, ҳам эмоционал таъсир кўрсатишни тақозо этади. Бунинг учун тарбиячи педагогика ва психология соҳасида чуқур билимга эга бўлиши керак. Афсуски, олий мактаб ўқитувчиларининг аксарияти ушбу фанларни ўрганмаганлар ва улар ҳақида юзаки тасаввурга эгадирлар. Буни тан олиш қанчалик таассуфли бўлмасин, уларнинг анчагина қисми, профессор ва доцент деган педагогик унвонларга эга бўлганлари ҳам, профессионал педагоглар эмас. Бу ҳақда кўп йиллардан бери гапирилмоқда ва ёзилмоқда, лекин ҳозиргача биронта ўзгариш бўлгани йўқ*.

Ўйлашимизча, олий ўқув юрти ходимларининг педагогик жиҳатдан тайёргарлигининг заифлиги проблема методи, таълимнинг техника воситаларини қўлланиш (педагогик актнинг ўз структурасини ушбу методларни татбиқ этишга мувофиқ ҳолда қайта қуриш билан) сингари ва ўқитишнинг бошқа прогрессив методлари суст жорий қилинишига олиб келди. Профессионал бўлмаган педагоглар, психологиядан хабарсиз кишилар учун ўқитишда, масалан, проблема методидан фойдаланиш катта қийинчилик туғдиради.

* Ушбу мақола автори 1978 йилдаёқ олий мактабдаги ўқитиш методикасини қайта қуриш зарурлиги, шунингдек, олий ўқув юртларининг барча ўқитувчилари педагогика ва психологияни ўрганишлари лозимлиги хусусида ёзган, ана шу фанларни аспирантлар тайёрлаш планларига киритишни, стажировка учун педагогика олий ўқув юртларига юборишни, Малака ошириш институтида тегишли курсларни жорий қилишни таклиф қилган эди.

Охирги мулоҳаза. Студентларнинг философия ва илмий коммунизмни ўрганиш вақтлари оралиғидаги узилишга барҳам бериш зарур. Ҳозир философия иккинчи курсда, илмий коммунизм эса битириш курсида, шунда ҳам сиёсий иқтисоддан кейин ўқитилади. Лекин, практика кўрсатишича, бундай ҳолда тарихий материализм ва илмий коммунизмни ўрганишда бир-бирини такрорлаш бўлиши муқаррар. Бунда, айниқса, КПСС XXVII съезди материалларини ўрганишда ҳозирги даврга «чиқиш» тақозо қилинадики, философия ва илмий коммунизм курсларининг материаллари бу ҳолда албатта бир-бирининг ўрнини эгаллайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ушбу фанларга доир ҳозир амалда бўлган программаларга мурожаат қилиш кифоя.

Тарихий материализм ва илмий коммунизм курслари битта лекция потокларида параллел олиб борилиши тарзида ижтимоий фанлар ўқитилишининг тартибини ўзгартирсак, бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслик мумкин. Ўшанда, мисол учун, студентлар философия курсидан «Ижтимоий-иқтисодий формациялар структураси ва ривожланиши» темасига бағишланган лекцияни тинглаб, эртасига илмий коммунизм курсидан «Коммунистик формация» темаси билан танишишлари, «Жамиятнинг социал структураси» темаси эса «Социалистик жамиятнинг социал-синфий структураси ва социал бир хилликка эришиш йўллари» темаси орқали мантиқан ривожлантирилиши ва якунланиши мумкин ва ҳоказо.

Философия ва илмий коммунизм курслари ўртасида амалда ана шундай «синхронлик» ўрнатилиши илмий коммунизм ўқитилиши билан бир вақтда КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, диалектик материализм ва, ниҳоят, тарихий материализмни ўрганиш тартибига ўзгартишлар киритилишини талаб қилсада, уни бажариб бўлмайдиган вазифа деб бўлмайди. Албатта, деканатлар томонидан дарс жадваллари тузиш пайтидаги муқаррар қийинчиликларни енгиб ўтиш зарур бўлади, лекин бундаги ютуқ шубҳасиздир — студентларга таълим бериш сифати ва уларнинг марксизм-ленинизм бўйича давлат имтиҳонига тайёргарлик кўриш даражаси яхшиланади.

Ҳозир олий мактаб юксалишда, уни қайта қуриш муваффақиятли боряпти, дейишга ҳали вақт эрта. Ўзгаришлар эндигина бошланаётганини қайд этишга тўғри келади. Кўп ҳолларда фаолиятнинг янгича методларига қандай ўтиш аниқ эмас, олий ва ўрта махсус таълимнинг раҳбар органлари эса институтларга керакли ёрдамни ҳамма вақт ҳам кўрсатавермайдилар. Олий мактаб илмий-тадқиқот институтига келсак, афсуски, олий ўқув юртларининг ҳамма ходимлари ҳам бундай муассаса борлигини биладилар деб бўлмайди, чунки унинг фаолияти умуман сезилмаяпти.

Бугунги кунда олий ўқув юртлари, яна бир бор такрорлайман, КПСС XXVII съезди ва унинг МК кейинги Пленумлари ғоялари асосида яратиладиган ижтимоий фанларга доир пухта дарсликларга, таълимнинг техника воситаларига, лаборатория ва полигонларнинг фан-техника тараққиёти ҳозирги ҳолатига мувофиқ келувчи ускуна-жиҳозларига, студентлар турмуш шароитини анчагина яхшилашга жуда муҳтождирлар. Олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Партия бизни даъват этаётганидек олий мактабни қайта қуришдек ғоят мураккаб ва масъулиятли ишда улар ҳар бир педагог, ходим, студентнинг активлиги ҳар томонлама қулоч ёйишига эришишлари керак.

Юқорида айтилганидек, студентларнинг олий ўқув юртини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, педагоглар билан биргаликда таълим жараёнини такомиллаштиришда фаолият кўрсатишлари олий мактабда кадрлар тайёрлашни яхшилашнинг бош йўлларидан биридир. Ана шу ишда партия ва комсомол ташкилотлари етакчи роль ўйнашлари керак. Коммунист ва комсомолларнинг авангардлик позицияси ана шунда яққол намоён бўлиши лозим. Ҳозир ана шу нарса, шубҳасиз, бутун халқ маорифини, шу жумладан олий мактабни муваффақиятли қайта қуришни, юксак малакали, ғоявий эътиқодли кадрларни тайёрлашни таъминлайдиган ва таъминлаши керак бўлган энг асосий талабдир.

ҚУРИЛИШДА ЯНГИ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИ

Капитал қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи тадбирлар комплексини кўзда тутади. Агар қандайдир бирорта агрегати ёки органи бузилган ёхуд йўқ бўлган тақдирда ҳар қандай механизм ишлай олмаслиги сингари қурилишдаги хўжалик мехнизми ҳам, бизнингча, коллектив пудрат, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш бирлиги амалга оширилиши таъминланмаса, ўзига юклатилган вазифаларни бажара олмайди.

Самарқанд области қурилиш коллективларининг тажрибасига мурожаат қилайлик. Коллектив пудратга ўтилиши билан уларнинг кўплари, айниқса қуйи бўлинмаларидагилари, ўз кўрсаткичларини яхшилаб олдилар. Лекин бир қатор қурилиш ташкилотларида яхшиланиш томон ўзгаришлар юз бермаяпти.

Нима учун шундай? Ахир, янгича ишлаш коллективнинг барча аъзоларини умумий натижаларга ҳисса қўшган ҳолда ўз имкониятларини янада тўлиқроқ реализация қилишлари учун рағбатлантириши керак-ку. Бунинг асосий сабаби коллектив пудратга ўтиш арафасида тайёргарлик ишига, шу жумладан ғоявий-тарбиявий ишга етарлича баҳо берилмаганлигига бориб тақаладики, натижада кишилар ана шу прогрессив методнинг, иқтисодий ва социал стимулларнинг моҳиятини тушуниб етмаган эдилар. Хусусан, областдаги қурилиш трестлари ишчиларининг учдан икки қисмидан кўпроғи улар иш ҳақи ҳосил бўлишидаги янгиликлардан яхши хабардор эмас. Хўжалик ва социал масалаларни ҳал қилишда меҳнат коллективлари советларининг ҳуқуқларини ҳам жуда кам кишилар яхши биладилар.

Ишчиларнинг анчагина қисми меҳнатда қатнашиш коэффициенти (МҚК) қандай татбиқ қилиниши ҳақида равшан тасаввурга эга эмаслиги факти ҳам нохуш аҳволдан дарак беради. Ишчилар МҚКни белгилаш жараёнидан четга суриб қўйилган, ана шу ғоят муҳим иш билан бригада совети ўрнига мастер ёки прорабнинг якка ўзи шуғулланадиган коллективлар оз эмас. Яъни меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш системаси шароитида ҳам бошқаришнинг аввалги буйруқбозлик-маъмурий методларини сақлаб қолишга уринишлар яққол кўзга ташланмоқда.

Ишлар бундай аҳволдалигида оддий ходимларнинг ўз вазифаларига муносабатларини тубдан ўзгартишларини кутиш соддадилликдир. Киши ўзининг хусусий натижасида умумий якунни кўрмагунча ва уни шахсий манфаатлари билан боғламагунча ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий соҳибига айлана олмайди.

Самарқанд областидаги бир қатор қурилиш ташкилотлари янги шароитда ишлаётганига бир йилдан ошди, лекин коллектив пудрат уларда ҳали тўла даражада жорий этилганича йўқ. Ўйлаймизки, ушбу жараёнга партиявий-сиёсий раҳбарлик етарлича самарали олиб борилмаётгани, оддий ходимларнинг бошқарувда, хусусан, меҳнат коллективи советини, бригадирни сайлашда, МҚКни белгилашда чиндан иштирок этиши таъминланмагани бунда каттагина роль ўйнамоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтишни лозим деб биламизки, коллектив пудратнинг таъсир доираси трест даражасида чекланиб, министрликка етиб бормагунча керакли самарага эришиб бўлмайди: пудрат коллективларининг раҳбарларини қуйидан ишчилар, юқоридан министрлик «сиқади». Министрликнинг амалий ёрдами эса ҳозирча кўринмаяпти. Янги хўжалик механизмининг ҳар бир элементи айрим-айрим эмас, балки бошқаришнинг барча даражаларида жорий қилиниши керак деб ҳисоблаймиз. Ана шундагина у энг кўп самара беради.

Областдаги қурилиш бўлинмаларида ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш бундан ҳам оғир аҳволда. Ҳатто фойда олишга доир план топшириқларини бажарган тақдирда ҳам 5-трест, «Самаркандхимстрой», «Самаркандсовхозводстрой» трестлари, Узагропромстройнинг 1- ва 2-бирлашмалари ўз харажатларини ўзлари қоплай олмайдилар. Зотан сўз ўз маблағларига материал ва конструкцияларни харид қилиш, социал-

маданий ва маиший объектларни таъминлаш, иш ҳақини тўлаш хусусида боряпти. Юқорида тилга олинган қурилиш ташкилотларининг реал имкониятларини билган ҳолда улар тез орада ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўта оладилар деб фараз қилиш ўзини алдашдан бошқа нарса эмас.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ барча ишлаб чиқариш коллективлари муайян миқдорда фойда олган ҳолда давлат билан ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорликда ишлашлари керак. Тўлиқ хўжалик ҳисобини амалга ошириш учун фойда иш ҳажмининг камида 20—25 процентига тенг бўлиши лозим. Бунча фойда олишга бугунги кунда областдаги қурилиш ташкилотларининг ҳозирча қурби етмайди. Лекин, партия-ҳукумат ҳужжатларида таъкидланганидек, тўлиқ хўжалик ҳисобини жорий этиш проблемаларини йўл-йўлакай ҳал этиб боришга тўғри келади. Шу сабабли ҳам хўжалик ҳисобида даромад ва харажатлар гўё тарозининг турли палласига қўйилгандек бўлишини, даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлиши тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш элементлари пайдо бўлишининг дастлабки белгиси эканлигини кишиларга оммабоп қилиб тушунтириш керак. Энг асосийси коллективларда ўз иқтисодий ва социал ривожланишлари учун маблағни ўз қўллари билан ишлаб топишлари кераклигини, қурилиш ташкилоти даромадининг ўсиши ҳар бир меҳнатчи фаровонлигининг яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатишини англаб етсинлар. Очиқ партия мажлисларида, ишчилар йиғилишларида иқтисодий фаолиятнинг янгича методларини ўзлаштириш масалалари амалий, манфаатдорлик билан муҳокама қилиниши коллектив қандай биринчи навбатдаги ва перспектив вазифаларни ҳал қилиши кераклигини, унинг ишлаб чиқариш ва социал эҳтиёжларини қондириш учун нималар зарурлигини аниқлаб олиш имконини беради.

Маълумки, тўлиқ хўжалик ҳисобининг иқтисодий механизми иккита турлича моделга асосланади. Бизнинг тармоққа тўғри келувчи **биринчи моделда** иш ҳақи фонди бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмидан келиб чиқувчи норматив бўйича ҳосил қилинади ва уларни бажариш учун кетган ресурслар сарфига боғлиқ бўлмайди. Бунда ишчиларни мукофотлаш янги шароитда рағбатлантиришнинг асосий манбаи бўлиши керак бўлган фойда олиш билан етарли даражада боғланмайди, моддий рағбатлантириш фонди маблағлари эса асосан қурилиш ташкилоти бошқармасининг аппаратини мукофотлашга йўналтирилади.

Иккинчи модель даромадни норматив тақсимлашга асосланган бўлиб, унда ишчи, мутахассис ва раҳбар ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди «қолдиқли принцип» асосида — даромад билан мажбурий тўловлар ҳамда бюджетга чегирмалар ўртасидаги айирма тарзида, шунингдек, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондига ҳамда социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондига ажратиладиган маблағлардан ҳосил қилинади. Ресурсларга кетган сарф-харажатлар қанча кам бўлса, ана шу айирма шунчалик катта бўлиши тушунарли. Ишловчиларнинг барча категорияси уни кўпайтиришдан манфаатдордир, чунки меҳнатга ҳақ тўлаш фонди мукофотни ҳам қўшганда барча тўловларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Демак, бунда иқтисодий муносабатлар соҳасига моддий ресурслар тежалишини шартловчи, сарф-харажатга қарши реал механизм келиб қўшилади. Ҳақиқатан ишлаб топилган маблағлар тақсимланади.

Биринчи модель ҳам, иккинчи модель ҳам битта мақсадни — тўлиқ хўжалик ҳисобини кўзда тутади. Лекин биринчи моделда зарар кўриб ишлаш ва шунга қарамай коллективларда юзага келган даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини канда қилмай олиш мумкин. Иккинчи модель эса катта иш ҳақи олишни таъминлашга имкон беради, лекин ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида унга ўтиш анча таваккалчиликдир: муайян миқдорда даромад олинмаса иш ҳақисиз ҳам қолиш мумкин. Шу билан бир вақтда тўлиқ хўжалик ҳисобининг иккинчи моделигина молия соҳасини соғломлаштириш, билимсиз, ношуд ходимлардан қутулиш имконини беради.

Қуйидаги ҳол ҳам иккинчи модель фойдасига хизмат қилади. Биринчи моделда моддий рағбатлантириш фонди фойда суммасининг салкам 10—15 процентини ташкил этади, аммо ундан вақт ҳамда йўналишлар бўйича фойдаланиш доимо ҳам яққол кузатиб борилмайди. Иккинчи моделда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди даромаднинг салкам 50—55 процентини ташкил этади. У даромад олинган ойда ҳосил бўлади ва шу вақтнинг ўзида ундан фойдаланиш мумкин. Демак, мисол учун, ишчилар биринчи модель шароитида 500 сўмлик материални тежаб, моддий рағбатлантириш фондидан 50—75 сўмни ...қачондир олишни орзугина қилишлари мумкин. Ана шундай тежамкорлик иккинчи моделда даромадни 500 сўмга кўпайтириш имконини берадики, унинг камида 250 сўми дарҳол меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтирилади. Шу билан бирга уларнинг 180—185 сўми бевосита ишчиларга мўлжалланади, бу тежалган ойнинг ўзида уларга тўланиши ҳам мумкин. Бундан биринчи модель коллективнинг сарф-харажатни камайтиришдан жиддий равишда моддий манфаатдор бўлишини таъминламаслиги келиб чиқади. Лекин, министрлик-

лар, одатда, биринчи моделга ўтишни трестларга тавсия қилмоқдалар.

Бундай позицияни тушуниш қийин эмас. Зеро, агар иккинчи модель асосида ишлаганда трестга, айтайлик, илгаригидек амрфармо бериш йўли билан лойиҳа-смета ҳужжатлари, ускуна ва ҳоказоларнинг бутун ҳажми билан таъминланмаган объект бунёд этиш юклатилса, уни ишга тушириш барбод этилган тақдирда қурувчилар иш ҳақисиз қолишлари, унинг оқибатида турли нохушликларга дуч келишлари мумкин. Биринчи моделда эса иш ҳақи аслида гарантияланган бўлиб, меҳнат коллективлари раҳбарларининг министрлик аппарати билан ихтилофда бўлиши учун жиддий зарурат бўлмайди.

Қўрамизки, тўлиқ хўжалик ҳисобининг бир қатор асосий иқтисодий масалаларига берилувчи ягона жавоблар ҳали йўқ экан. Бир нарса шубҳасиз: ҳозирги хўжалик юритиш моҳиятини тушуниш учун иқтисодий саводсизликдан дадил воз кечиш керак. Партия ташкилотларининг бурчи ҳам асосий куч-ҳаракатни ходимларнинг муайян қисмидаги фаолиятсизликни, тайёрга айёрликни бартараф қилишга, айниқса қуйи коллективларда соҳиблик туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлашга, у ерда ташаббускорликни янада ривожлантиришга йўналтирган ҳолда ана шу ғоят муҳим ишга бошчилик қилишдан иборатдир. Кишиларни тўлиқ хўжалик ҳисобининг ҳар қандай моделида ҳам сарф-харажатни албатта ҳисоблашга ўргатиш, ҳар бир бўлинмада харажатларнинг ҳар бир элементи бўйича — материаллар, иш ҳақи, машина ва механизмлардан фойдаланиш, қўшимча харажатларга доир тўлиқ манзарага эга бўлинишига эришиш керак.

Партия ташкилотлари раҳбарларни, мутахассисларни ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш резервларини доимий изланишга янада сабот билан йўллашлари лозим. «Самаркандводстрой» ва «Самаркандтрансстрой» трестларида ишонч ҳосил қилганларидек, бунда таъсир кўрсатишнинг коммунистлар ҳисоботи, улар билан иш таннархини пасайтиришга оид конкрет масалалар бўйича суҳбатлашиш, фойда нобудгарчилигига барҳам бериш каби форма ва методларидан фойдаланиш яхши воситадир. Тилга олинган трестларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши меҳнаткашлар масъулияти ўсишига, уларда ишлаб чиқаришнинг соҳиби туйғусини мустаҳкамлашга туртки берди. Илгари, мисол учун, мутахассислардан: у нарса, бу нарса йўқ, шундай экан планни бажариш ва фойда олиш тўғрисида қандай сўз юритиш мумкин деган гапларни тез-тез эшитиш мумкин эди. Эндиликда эса таъминотдаги тартибсизликка қарши бир ёқадан киришиб, уни яхшилашга муваффақ бўлишди — ўзини ўзи маблағ билан таъминлашда аввалги муросасозликка ўрин бўлиши мумкин эмас.

Трестларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши, албатта, хўжалик механизмини қайта қуришда жиддий қадамдир. Лекин, афсуски, у ҳозирча министрликдан олинган топшириқларни маблағ билан таъминлашдан, яъни унинг аппарати фаолиятини ўзига хос равишда енгиллаштиришдан иборат бўляпти. Меҳнат коллективларининг чинакам мустақил бўлишига, ҳақиқий хўжалик юритишига ҳали анча узоқ. Агар қисқа муддат ичида пудратга ўтиш мумкин бўлса ҳам, тўлақонли соҳиблик туйғуси бирданига шаклланмайди. У аввало иш орқали тарбия топади.

Шунинг учун ташкилот коллектив пудратга ўтган-ўтмаганлигидан қатъи назар, трестларда ва уларнинг ишлаб чиқариш бирликларида меҳнат коллективининг советларини ташкил этиш керак. Ва албатта, советларнинг аъзоларини ўқувни амалиётга ҳар томонлама яқинлаштирган ҳолда саводли хўжалик юритишга жиддий равишда ўргатиш керак. Хусусан, советларнинг барча аъзолари коллектив пудрат ҳақидаги низомни ишлаб чиқишда, бригада ва участкаларнинг меҳнат ҳиссаси коэффициентларини, меҳнатда индивидуал равишда иштирок этиш коэффициентларини белгилашда иштирок этишлари лозим.

«Самаркандводстрой» ва «Самаркандтрансстрой» трестлари тажрибасининг анализи меҳнат коллективлари советлари кишиларнинг ўзларига ва ҳамкасб ўртоқларига нисбатан талабчанлигини оширишга, салбий ҳодисаларга, шу жумладан ичкиликбозлик ва алкоголизмга муросасизликни тарбиялашга ёрдам бераётганини кўрсатяпти. Албатта, тўлиқ хўжалик ҳисоби ва айниқса ўзини ўзи бошқариш принциплари практикада узил-кесил текширишдан ўтди дейишга ҳали эрта. Меҳнат коллективлари советлари олдида ҳали мураккаб, лекин шу билан бирга жуда керакли ва ғоят қизиқарли ишлар кўп. Зеро ҳақиқий коллектив пудрат, тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш янги хўжалик механизмининг асосий иқтисодий мазмуни бўлиб, уни созламай туриб партия қўйган вазифаларни бажариб бўлмайди.

С. БЕТМАН,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашиш советининг капитал қурилиш самарадорлигини ошириш бюроси илмий раҳбари.
К. КРАСНАЯ,
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қурилиш экономикаси ва ташкил этилиши кафедрасининг ишлаб чиқаришдаги филиали доценти.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН УРУШГА ҚАРШИ МАВЗУЛАРДА ДАРСЛИКЛАР ЯРАТАЙЛИК

Ҳозирги кунда дунё ғоят катта вайроналик келтирувчи кучга эга бўлган ядро динамитига тўлиб-тошган. Ер юзида ҳар минутда ҳарбий эҳтиёжларга 1,5 миллион доллар сарфланади ва ана шу минут давомида ривожланаётган мамлакатларда 30 нафар бола овқат ёки дори-дармон етишмаслигидан ўлади. Ана шу мамлакатлардаги оч-яланғочларни зарур озиқ-овқат билан таъминлаш учун йилига қўшимча равишда 8 миллиард доллар маблағ ажратиш зарур; 22 миллиард доллар саводсизлик муаммосини ҳал этиш ва энг хавфли касалликларни тугатиш учун етар эди. Айни вақтда, такрор айтаман, ҳар йили салкам триллион доллар ҳарбий мақсадларга сарфланади!

Бутун дунё манфаатларига дахлдор бўлган энг муҳим вазифа ядро урушининг олдини олиш, ядро қуроллари пойгасига чек қўйиш, инсониятни бир умрга ядро қуролидан халос этишдир. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёноти худди ана шу вазифани ҳал этишда тарихий қадам бўлди. Баёнотда шу асрнинг ўзидаёқ Ер юзини ядро қурол-яроғидан босқичма-босқич халос этишни кўзда тутувчи тинчлик ташаббуси илгари сурилган. СССРнинг ленинча тинчликсевар сиёсатини барча қитъа халқлари қизғин маъқулламоқдалар.

Ядро қуролсиз тинчлик учун, инсониятнинг тинч келажаги учун ҳаракат планетамиздаги барча халқларнинг энг муҳим манфаатларига жавоб беради. Уни батамом асосли тарзда инсоният тарихидаги энг йирик ва улкан гуманистик ҳаракат деб аташ мумкин.

1987 йил ноябрида Вашингтонда имзоланган ўртача ва камроқ олислик ядро ракеталарини йўқотиш ҳақидаги Совет-Америка шартномасини дунё халқлари маъқуллаб ва умид билан кутиб олдилар. Шартнома қуролсизланиш йўлидаги тарихий қадам бўлди.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейганнинг шу йил май-июнь ойида Москвадаги музокараларининг якунлари қуролланиш пойгаси ва конфронтация сиёсатидан воз кечиш негизида сиёсий воситалар билан тинчлик ва хавфсизликка эришиш йўлларини излаш имкониятини яратдики, бу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги ўзгаришларга эришилди.

Хўш биз, совет олимлари халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашар эканмиз, нималар қилишимиз керак? Энг аввало ёшлар орасида катта тарбиявий ва тушунтириш иши олиб боришимиз лозим. Мен уруш хавфи ҳақидаги умумий гапларни эмас, балки ишнинг кўзини билиб, конкрет тарбиявий сиёсат олиб боришни, айнан сиёсатни назарда тутяпман.

Хўш, аслида нималар бўляпти ўзи? Биз бадиий сўзнинг, айниқса улкан санъаткор сўзининг куч-қудратини яхши биламиз. Бинобарин, ҳозирги кунларда тинчлик тақдиридан, инсоният келажагидан ташвишланмаётган совет санъаткори, асл санъаткор йўқ.

Бизлар, физиклар, медиклар, биологлар, яъни ядро энергияси ва ядро қуролини қўлланиш оқибатлари соҳасидаги мутахассислар ёшларга тушунарли тарзда (рақамлар, мисоллар билан) илм-маърифат бериш, тинчлик учун онгли курашчиларни тарбиялаш учун кўп иш қилаяпмизми? Ҳеч ким бу иш билан шуғулланмаяпти демоқчи эмасман. Гап шундай муҳим ҳаётий проблема бўйича илмий-оммабоп адабиёт жуда камлиги ҳақида боряпти. Назаримда бундай адабиётни яратиш ва нашр этишни ҳеч ким планлаштираётгани йўқ. Натижада, СССР халқларининг баъзи тилларида, масалан, ўзбек тилида мактаб ўқувчилари учун бундай адабиёт деярлик йўқ (бизнинг республикамизда эса 4 миллиондан зиёд мактаб ўқувчиси бор).

Оммавий қирғин келтирувчи замонавий қурол ҳақида, ядро урушининг оқибатлари ҳақида илмий билимларни кенг тарқатишдек муҳим ва керакли ишга куч ва вақтни аямаслик керак, деб ўйлайман.

Шу мақсадда мактаб ўқувчилари учун китоблар ва брошюралар сериясини яратмоқ, уларни ёзишни физиклар, химиклар, биологлар, медиклар ва бошқа мутахассисларга топширмоқ, шунингдек ушбу проблемага бағишланган мавжуд китобларни рус тилидан таржима қилмоқ ва СССР халқлари тилларида нашр этмоқ зарур.

Р. БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ЛОТИН АМЕРИКАСИ ХАЛҚЛАРИ ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ

Л. БАЛИН,
юридик фанлар кандидати,
Тошкент давлат маданият институти
илмий коммунизм кафедрасининг доценти

Илгари эзилиб келган халқларнинг мустақиллик йўлига кириши ва ўнлаб янги давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг жаҳон сиёсатидаги ролининг ошиши — ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу умуман озодликка чиққан мамлакатлардаги, жумладан Лотин Америкаси мамлакатларидаги антиимпериалистик процесснинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш учун негиз бўлади.

Майдони салкам 21 миллион квадрат километрни, аҳолиси эса тахминан 350 миллион кишини ташкил этувчи Лотин Америкаси қитъасида 30 мустақил давлат, шу жумладан социалистик Куба жойлашган. Регион мамлакатларини социал-иқтисодий ривожланиши жиҳатидан шартли равишда уч группага бўлиш мумкин.

Биринчисига энг йирик ва индустриал-аграр мамлакатлардан Бразилия (135 миллион киши) билан Мексика (70 миллион киши) киради. Ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича улар ҳамма ривожланаётган давлатлардан ўзиб кетди ва капиталистик дунёнинг биринчи ўн мамлакати қаторига киради. Бу ерда йирик давлат-монополистик капитали таркиб топди. Иккинчи группани Аргентина, Уругвай, Венесуэла, Чили, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия, Ямайка сингари ўртача ривожланган индустриал-аграр ва аграр-индустриал мамлакатлар ташкил этади. Учинчи группага аграр экономикаси қолоқ бўлган ва токапиталистик укладлар устун бўлган мамлакатлар — Коста-Рика, Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Доминикан Республикаси, Гаити, Парагвай киради.

Бу ерда қолоқ мустамлака ўлкалар ҳам сақланиб қолган: Пуэрто-Рико, Виргиния ороллари (АҚШ), Бермуд, Фолкленд (Мальвин) ороллари (Буюк Британия), Мартиника, Гваделупа (Франция) ва бошқалар. Мустамлакалар 50,7 минг квадрат километр территорияни эгаллайди, бу ерда 4,35 миллион киши яшайди.

Лотин Америкаси мамлакатларининг аксар кўпчилиги Испания ва Португалия мустамлакачиларининг кўп асрлик ҳукмронлигига қарши курашда XIX асрнинг бошларидаёқ мустақилликка эришган эдилар. Лекин кейинчалик улар иқтисодий жиҳатдан АҚШ ва бошқа империалистик давлатларга қарам бўлиб, жаҳон капиталистик хўжалигининг аграр, хом ашё қўшимтасига айланганди. Бунинг натижасида Лотин Америкаси регионидаги мамлакатларнинг социал-иқтисодий ривожланиши издан чиқди. Бу экономикада ажнабий биринчи навбатда Шимолий Америка монополиялари транснационал корпорациялари (ТНК) ва банклари (ТНБ)нинг ҳукмронлиги; маҳаллий капиталнинг нисбатан ожизлиги, яхши ривожланмаганлиги; кўп укладлилиги, капитализмнинг сақланиб қолган феодал ер эгалиги билан бирга яшашга мослашиши; империализмнинг маҳаллий молиявий-латифундистлик олигархия билан қўшилиб кетиши билан характерланади. Бундан ташқари, мустамлакачиликнинг мерос бўлиб қолган сарқитлари, шу жумладан собиқ мустамлакалардаги ернинг хусусий мулклиги, арзон иш кучининг чет

эл монополиялари томонидан тўғридан-тўғри эксплуатация қилиниши ва ҳоказолар, шунингдек «аралаш» компаниялар, қарз бериш, технология, фан-техника ютуқлари ва бозор орқали бўйсундиришнинг анча «нозик» формалари Лотин Америкаси мамлакатларини капитализмга қарам қилиб қўйди.

Шуни таъкидлаш зарурки, бундай қарамлик шароитида иқтисодий ривожланишнинг ўзи чет эл монополияларининг ҳукмронлигини бўшаштирмайди. Аксинча, зўрайтиради. Масалан, агар ТНК ривожланаётган дунё бутун саноат маҳсулотининг 40 процентини ўз қўлида ушлаб турса, Бразилияда бу кўрсаткич 50 процентни, Мексикада эса — 52 процентни ташкил этади.

Кейинги йилларда транснационал корпорациялар ва банклар Лотин Америкаси давлатларини эксплуатация қилишни кучайтириб, жаҳон иқтисодий кризисининг асосий оғирлигини улар зиммасига юклашди. Бу давлатларнинг чет мамлакатлардан қарзи анча ортиб, ҳозирнинг ўзида 400 миллиард доллардан ошиб кетди. Шуниси характерлики, регионнинг иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган мамлакатлари айни вақтда йирик қарздор мамлакатлардир. Чунончи, Мексика билан Бразилия империалистик кредиторларга 100 миллиард доллардан, Аргентина — 52 миллиард, Венесуэла — 35 миллиард доллар қарздор бўлиб қолди ва ҳоказо. Тадқиқотчилар бундай қарздорликни ҳақли равишда кўк томирни очишга ўхшатишадики, империализм бу орқали ўша мамлакатлар экономикасини қонсизлантиради. АҚШ монополияларининг Лотин Америкасидан олаётган фойдаси фақат кейинги ўн йиллар ичида уларнинг дастлабки вақтларда сарфлаган капитал маблағларидан ўн баравардан зиёд ортиб кетди.

Империализм қарамлик муносабатлари асосида янги мустамлакачилик эксплуатациянинг ниҳоятда нозик системасини ярата олди. Қашшоқлик, иқтисодий колоқлик, саводсизлик, соғлиқни сақлашнинг йўқлиги, болалар ўлимининг ниҳоятда юқори даражадалиги Лотин Америкаси кўпчилик мамлакатлари учун характерлидир. 100 миллиондан ортиқ лотинамерикаликлар тўйиб овқат емасликдан изтироб чекишади. Бу ерда аҳоли жон бошига олинадиган даромад ривожланган капиталистик мамлакатлардагига нисбатан тўрт баравар кам. 1980 йилдан 1985 йилгача ялпи маҳсулот 9 процент камайиб кетди, реал иш ҳақи кескин пасайди, ишсизлик шаҳар аҳолисининг 40 процентини, қишлоқ аҳлининг 67 процентини қамраб олди.

Турган гапки, бундай аҳволнинг умрбод сақланиб қолиши мумкин эмас. Айни шундай аҳвол (империализм идеологларининг тўқиб чиқарган «коммунистик агрессия», «Москванинг қўли», «Гавананинг қўли» эмас) озодлик, антиимпериалистик ҳаракатнинг кучайишига чинакам сабаб бўлмоқда. КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, бундай шароитларда пулларга тўлдирилган қоплар порох солинган бочкаларга айланиши мумкин. Партиямиз Программасида таъкидланадики, ҳатто аллақачон давлат мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар АҚШ ва бошқа империалистик давлатлар монополияларининг зўравонлигига қарши курашишга мажбур бўлмоқдалар. Жаҳон тараққиётининг бундан кейинги 50 йилдаги истиқболларини анализ қилиб чиққан Америка ташқи сиёсати стратегларининг прогнози бежиз эмас, унга мувофиқ «учинчи дунёдаги» ва АҚШ чегаралари жанубидаги мамлакатлардаги катаклизм АҚШ учун энг жиддий хавф туғдиради. Бундан контрреволюцияни экспорт қилиш, Лотин Америкаси регионида озодлик ҳаракатини бўғиш асосий нарса бўлиб қолади, деган хулоса чиқади.

Лотин Америкаси — жуда катта потенциал имкониятларга ва традицияларга эга қитъадир. Уни «вулқонли», «туғёнли», «алангали» ва ҳоказо қитъа деб аташлари бежиз эмас. Бу ерда демократик ва антиимпериалистик ҳаракатлар ривожланмоқда, революцион процесслар кучаймоқда, уларнинг асосий хусусияти шундаки, империализмга ва маҳаллий олигархияга қарши, тўла миллий мустақиллик учун кураш демократия ҳамда социализм учун кураш билан чамбарчас боғланиб кетган.

Қитъадаги вазиятнинг ўзига хос мураккаблиги унинг географик жиҳатдан АҚШга яқинлиги билан изоҳланади, у контрреволюциянинг бош таянчи эди, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда, регионлаги мамлакатларнинг ички ишларига доимо аралашади, уларда Вашингтонга маъқул келадиган халққа қарши, реакцион давлат тузумини мажбуран ўрнатишга интилади. Америкадаги Си-би-эс телекомпанияси шарҳловчисининг маълумотларига қараганда, АҚШ 1798 йилдан

буён Мексикага қарши 14 марта, Кубага — 13, Панамага — 11, Никарагуага — 10, Доминикан Республикасига — 9, Колумбияга — 7, Гондурасга — 7, Гаитига — 5, Пуэрто-Рикога — 3, Гватемалага қарши — 2 марта қуролли ҳаракат қилган.

Кейинги йилларда президент Рейган томонидан эълон қилинган неоглобализм доктринаси асосида АҚШнинг бу региондаги агрессив ҳаракатлари янада кучайдики, Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруш, Гренаданинг босиб олиниши, Америка Қўшма Штатларининг Гондурасда ҳарбий кучларининг кўпайиши, Сальвадордаги реакцион режимни қўллаб-қувватлаши, Панамада ўнг кучларни ҳукуматга қарши чиқишга гижгижлаши бунинг далилидир. АҚШнинг аралашуви Лотин Америкаси мамлакатлари ички сиёсий ҳаётининг ностабиллигини кучайтиряпти, бу мамлакатларда бир неча ўн йилликлар давомида революцион портлашлар сон-саноқсиз ҳарбий ва давлат тўнтаришлари билан алмашиниб туради.

Синфий зиддиятлар ниҳоятда кучайган бир шароитда реакция кўпинча турли хил авторитар режимларни, ҳарбий-фашистлар диктатурасини ўрнатишга киришади. Лотин Америкасида ҳокимият тепасига фашизмнинг келиши (унинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда) — бу фақат маҳаллий эмас, балки ажнабий, биринчи навбатда Шимолий Америка монополияларининг очиқдан-очиқ террористик диктатурасини англатади. Айни ўшалар фашистлашиб борувчи группировкаларни пул билан таъминлаб туради, улар ёрдамида ишчилар, озодлик, антиимпериалистик ҳаракатни бостиришга, революцион процессни тўхтатиб қолишга уринишади. Бразилиядаги «антикоммунистик ҳаракат» ва «коммунистларни ов қилиш командалари», Аргентинадаги «тикланишнинг миллий гвардияси», Сальводордаги «ажал эскадронлари» ва бошқалар бу хилдаги анча машҳур бирлашмалардир. Улар ўз халқларига нисбатан геноцид методларини қўлланишдан ҳам тап тортмай ёвузона жиноятлар қилмоқдалар. Масалан, ҳарбий-фашистлар тўдасининг Гватемаладаги ўттиз йиллик ҳукмронлиги даврида салкам 100 минг одам қириб ташланди, яна 38 минг одам бедарак йўқолганлар рўйхатида турибди. Ўн минглаб одам Чили, Парагвай ва бошқа мамлакатлардаги фашистлар режимининг қурбони бўлди.

80-йиллар Лотин Америкасининг ҳамма жойида фашизмнинг кризиси билан нишонландики, бу революцион-демократик процесс зўрайишининг кўринишларидан биридир. Террористик ҳарбий-фашист диктатуралари бирин-кетин ағдарилди, уларнинг ўрнига Боливияда (1982 йил), Аргентинада (1983 йил), Бразилия ва Уругвайда (1985 йил), Гватемалада (1986 йил) парламент демократияси келди. Гаитидаги Дювалье жамоасининг наслдан ўтиб келаётган қонли ҳукмронлиги барбод бўлди (1986 йил). Чилида Пиночет ва Парагвайда Стресснер бошлиқ фашистлар режимини ағдариб ташлаш учун кураш тўхтамаяпти. Сальвадорда исёнчилар ҳаракати авж оляпти, Американинг аслида Гондурасни босиб олишига қаршилик кучаймоқда. Лотин Америкасидаги антиимпериалистик оммавий чиқишлар ҳозир янги кўтарилиш босқичини бошидан кечиряпти.

Империализм ва маҳаллий реакцияга қарши курашда Лотин Америкасидаги барча демократик кучлар жипслиги мустаҳкамланмоқда. Капитализм етуклигининг анча юқори даражадалиги, кўп сонли ва уюшган ишчилар синфининг мавжудлиги, унинг марксча-ленинча авангарди — коммунистик партиялар фаолиятининг жанговарлиги бу курашнинг кенг ёйилишига ва юксак авж олишига сабаб бўляпти. Бу ерда бир халқнинг революцион тажрибасини бошқа халқнинг тез ўзлаштириши ҳам муҳим роль ўйнаяпти. Ўша халқлар тарихий тақдирларининг муштараклиги, аслида бир тилда гаплашишлари, умумий золим ва душман — Америка империализмининг мавжудлиги бунга ёрдам бермоқда. Буларнинг ҳаммаси, ҳар бир мамлакатнинг озодлик ҳаракатидаги табиий тафовутларга қарамай, *умумий Лотин Америкаси революцион процесси* тўғрисида гапириш учун етарлича асос беради.

1959 йилда Кубада революциянинг ғалаба қилиши қитъа тарихида XX асрнинг энг муҳим воқеаси бўлиб, у АҚШ империалистик ҳукмронлигининг асосий бўғинларидан бирини ёриб ўтиб, миллий, демократик, социалистик революциялар ва озодлик ҳаракатларида янги даврни бошлаб берди, улар Қўшма Штатлар чегарасидан жанубда жойлашган мамлакатларга кенг ёйилди. Революциянинг жаҳон империализмининг қалъаси бўлмиш АҚШга яқин жойда ғалаба қилиши, Кубада қарийб ўттиз йил давомида социализмнинг муваффақиятли қурилиши, АҚШ томо-

нидан зўравонлик, иқтисодий қамал, диверсия ва иғвогарликларнинг тўхтатилмаётганлигига қарамай, бутун Лотин Америкасига жуда катта революционлаштирувчи таъсир кўрсатмоқда, уларнинг халқларига ўз адолатли ишларининг пировард тантанасига ишонч бахш этяпти.

Кубадаги революция марксча-ленинча таълимотнинг умумийлигини, регионнинг кўпчилик мамлакатларида социализмнинг моддий асослари яратилганлигини, ишчилар синфи ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолганлигини исботлади, империалистик пропаганданинг Ғарбий ярим шардаги мамлакатлар учун ривожланишнинг социалистик йўли тўғри келмаслиги тўғрисидаги тезисининг мутлақо асоссиз эканлигини кўрсатди.

Куба революцияси империалистик доираларни чўчитиб қўйди, чунки улар унда ўзларининг Лотин Америкасидаги ҳукмронлигига ўлим хавфини кўриб туришарди. Унинг таъсирини йўққа чиқариш учун империалистик доиралар 1961 йилда «Тараққиёт йўлидаги иттифоқ» программасини илгари сурдилар, унда «революцияни тинч йўл билан тартибга солиш» ниқоби остида Лотин Америкаси мамлакатларига 10 йил давомида ҳар йили маълум шартлар асосида 2 миллиард доллар бериб туриш йўли билан уларнинг қарамлигини кучайтиришга умид қилишарди. Айни бир вақтда Куба революциясини ҳарбий йўл билан йўқ қилишга уринилмоқда. Бу интилиш бутунлай барбод бўлди. Куба халқини қўллаб-қувватлашдаги СССРнинг изчил позицияси революциянинг тинч йўл билан ривожланишини ва унинг миллий-демократик революциядан социалистик революцияга ўсиб ўтишини таъминлади.

Куба Коммунистик партиясининг III съезди (1986 йил) социализм қурилишига якун ясаб, мамлакатнинг келгусидаги социал-иқтисодий тараққиёти истиқболини белгилади. Лотин Америкасидаги ўткир кризис фонида Куба ўз экономикаси, социал соҳаси, халқнинг турмуш даражасини кўтаришда, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, таълимда юксак динамизм ва стабилликни намойиш этди. Куба Республикасининг ҳам Лотин Америкасидаги, ҳам унинг ташқарисидаги бир қатор прогрессив ривожланаётган давлатларга хўжалик ва маданий қурилишда, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ёрдам бериши фактининг ўзи ҳам муҳимдир.

Чилидаги революция ва контрреволюция сабоқлари ҳам халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун катта аҳамиятга эгадир. Халқ бирлиги блокининг 1970 йилда президент сайловларидаги ғалабаси, Чилида империалистлар, монополиялар, помешчиклар олигархияси ҳукмронлигини тугатиш ва социализм қуришни бошлашни мақсад қилиб қўйган ҳукуматнинг тузилиши ва фаолияти қитъадаги озодлик ҳаракати тарихида чинакам босқич бўлди. Бу процесс аҳамиятини тушунишда Чили ва халқаро, биринчи навбатда АҚШ реакцион кучлари ҳам хато қилмадилар, шунинг учун ҳам улар 1973 йилнинг сентябрида қонуний ҳукуматни зўравонлик билан ағдариб ташлашни уюштирдилар, аслини олганда фашистлар тўнтаришини амалга оширдилар.

Чили коммунистлари ўтказган анализ революция мағлубиятининг бир қатор объектив ва субъектив факторларини ойдинлаштиради. Чили Компартиясининг Бош секретари Л. Корвалан ёзганидек, партиянинг «ҳокимиятни тўла-тўкис қўлга олиш ва революциянинг бир босқичидан бошқа босқичига ўтиш йўли етарлича аниқ ишлаб чиқилмаганди, бу чинданам социализмга келишга имкон берарди».

Халқ бирлиги блокига фақат ҳукумат кирарди. Парламентда эса ўринларнинг кўпчилигини консерваторлар билан центристлар сақлаб қолишганди. Маъмурий ва суд органлари ҳам кирган давлат аппарати асосан эскилигича қолганди, унда ўнг, контрреволюцион элементлар кўпчиликни ташкил этарди. Жиддий хатолардан бири шунда эдики, компартия, у билан бирга Халқ бирлиги бутун блоки «армиянинг сиёсатдан йироқлиги» тўғрисидаги ниҳоятда хато концепция таъсирида эдилар, улар тегишли ҳарбий сиёсатни ишлаб чиқмадилар, қуролли кучларни ўз орқасидан эргаштирмай, уларни контрреволюция қўлида қолдирдилар.

Йирик камчиликлар ишчилар синфининг раҳбарлик ролини аниқлашда сектантлик позицияси билан боғлиқ бўлиб, бу уни ўз иттифоқчиларидан узилиб қолишга олиб келди. Революцион процессга ягона раҳбарликнинг, социалистлар билан коммунистлар ўртасида мустаҳкам иттифоқнинг бўлмаганлиги мағлуби-

ятнинг асосий сабабларидан бири бўлди. Ташқи хавфга — АҚШ аралашувининг тобора ортиб боришига етарлича баҳо берилмади.

Чили революциясининг вактинчалик мағлубияти унинг тажрибаси аҳамиятини пасайтирмайди, зеро Лотин Америкаси, шунингдек жаҳоннинг бошқа регионлари компартиялари ундан тегишли сабоқ чиқардилар.

Никарагуада халқ революциясининг ғалабаси (1979 йил) қитъадаги озодлик ҳаракатида муҳим босқич бўлди, бу ерда Сандиночилар миллий озодлик фронти (СМОФ) раҳбарлигида, коммунистларнинг актив иштирокида қуролли кураш давомида мамлакатда 40 йилдан ортиқ вакт ҳукмронлик қилиб келган Америка гумаштаси Сомоса ва унинг ўғилларининг қонли диктатураси тугатилди. Умумий сиёсий иш ташлашларнинг қуролли қўзғолонга, кейинчалик эса зулмга қарши умумхалқ курашига ўсиб ўтиши бу революциянинг характерли белгисидир. Унинг бошқа бир хусусияти шунда эдики, СМОФ революцияга умуммиллий характер бахш эта олди, ишчилар шаҳарнинг ўрта табақалари, миллий буржуазияни, ҳатто помешчикларнинг анча қисмини ўз томонига жалб қила олди.

Қуролли кураш давомида эски давлат машинаси синдириб ташланди. Сандиночилик ҳимоя комитетлари, меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотларига таянувчи чинакам халқ ҳокимияти ўрнатилди. Мамлакатда кўп қиррали система қарор топди, унда Сандиночилар миллий озодлик фронти авангардлик ролини ўйнамоқда. Бугун бу ерда халқ манфаатлари йўлида аграр ислоҳот, чуқур социал-иқтисодий қайта ўзгаришлар ўтказилмоқда, мустақил тинч ташқи сиёсат йўли амалга оширилмоқда.

АҚШ Никарагуа томонидан «коммунистик хавф» туғилмоқда деган баҳона билан бу кичкина давлатга қарши эълон қилинмаган урушни бошлаб юборди, уни иқтисодий қамалга дучор қилди. 100 мингдан зиёд америкалик ҳарбий хизматчилар Гондурасда тайёргарликдан ўтди ва улар ҳар дақиқада Никарагуага очиқдан-очиқ бостириб киришга тайёр турибдилар.

Империализмнинг агрессив ҳаракатлари натижасида 43 мингдан ортиқ никарагуаликлар ҳалок бўлди, республикага келтирилган иқтисодий зарар 3,6 миллиард доллардан ошиб кетди. Сандиночилар ҳукумати мудофаа эҳтиёжларига ялпи миллий маҳсулотнинг учдан бир қисмини сарфлашга мажбур бўляпти. Лекин СМОФ атрофига жипслашган Никарагуа халқи империализм ва маҳаллий реакциянинг ҳамма кирдикорларига сабот-матонат билан қаршилик кўрсатмоқда, ўзи танлаган революцион-демократик йўлдан дадил бормоқда.

Сандиночилар революциясининг ғалабаси қитъадаги озодлик ҳаракати учун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бошқа мамлакатлардаги ҳукмрон синфлар унинг таъсирида ўзгаришлар қилиш зарурлигини тушуниши, баъзи бир масалаларда муросага келишга ва меҳнаткашларга ён босишга мажбур бўлдилар. 80-йилларда Марказий ва Жанубий Американинг бир қатор давлатларида демократиялаш процесси бошланди.

Антиимпериалистик курашда ишчилар синфи ролининг ортиб бориши бу курашнинг муҳим омили бўлиб, унинг Лотин Америкасидаги ёлланма меҳнат кишилари орасидаги ҳиссаси 80 процентдан ошиб кетди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, регионлаги ишчилар ва бутун антиимпериалистик ҳаракат авангардида коммунистик партиялар бормоқда, улар 26 мамлакатда иш кўришиб, сафларида салкам 900 минг одам бор. Аргентина, Бразилия, Уругвай, Боливия компартиялари кўп йиллик қаҳрамонона кураш натижасида подпольедан чиқиб, сиёсий ҳаётда очиқ қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар, ўз сафларини кўпайтирмоқдалар ва оммага таъсирни кучайтирмоқдалар. Кўпгина компартиялар ҳамон яширин шароитларда ишламоқдалар, шафқатсиз репрессияларга учрамоқдалар. Чили, Парагвай, Гондурас, Сальвадор турмалари коммунистлар ва бошқа ватанпарварларга тўлиб кетган. Очиқ ҳаракат қилаётган компартиялар ҳам реакция тазйиқини доимо бошдан кечирмоқдалар.

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси (1975 йил), Марказий Америка ва Мексика (1974, 1980 йиллар) компартияларининг регионал кенгашлари ҳамда конференциялари ягона стратегия ва тактикани ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Регион коммунистик ҳаракатида революцион процесснинг узлуксизлиги тўғрисидаги нуқтаи назар устунлик қилади, АҚШ империализмига қарамлик бу процесс йўлидаги асосий тўсиқдир. Бинобарин, вазифа — антиимпериалистик вазифа-

ларни чуқур социал туб ўзгаришлар қилиш мақсадлари билан яқинлаштиришдир. Лотин Америкаси компартияларининг деярли барча программ ҳужжатларида қитъанинг революцион кучлари чет эл монополистик капиталининг, даставвал АҚШ капиталининг зўравонлигини йўқотмасдан туриб, ғалабага эриша олмайдилар, деб таъкидланади.

Кенг социал иттифоқлар сиёсати Лотин Америкаси мамлакатлари компартияларининг тактикаси учун характерли бўлиб, бунда ишчилар синфи деҳқонларни, шаҳарнинг ўрта табақасини ва ҳатто номонополистик буржуазияни ҳам ўз атрофига жипслаштиради. Католиклар черкови ва армиянинг прогрессив-ватанпарварлик доираларига ҳам катта эътибор берилади. Сўл кучларнинг ягона демократик антиимпериалистик фронтларини яратиш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифалардан биридир. Уругвайдаги «Кенг фронт», Колумбиядаги «Ватанпарварлик иттифоқи», Чилидаги «Халқ-демократик ҳаракати», Аргентинадаги «Халқ фронти» ана шундай бирлашмалар жумласидандир.

Урушга қарши курашга омманинг жалб этилиши қитъада революцион процессни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Жанубий Америка компартиясининг Буэнос-Айресдаги кенгаши (1984 йил) тинчликни ҳимоя қилиш билан антиимпериалистик курашнинг чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Тинчликсевар кучларнинг авангардида бораётган регион коммунистлари урушга қарши умумдемократик ҳаракатда объектив равишда антиимпериалистик йўналишга эга бўлган оммани жуда кенг кўламда бирлаштириш имконини кўрадилар.

Лотин Америкаси халқларининг империализмга қарши кураши халқаро муносабатларни демократиялашнинг тобора салмоқли омили бўлиб бормоқда. Бу регион давлатлари ташқи алоқаларнинг ривожланган системасига эга. Чунончи, революцион Куба 121 давлат билан дипломатик алоқа ўрнатган. Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Колумбия, Мексиканинг ташқи сиёсий партнёрларининг сони 100 га яқинлашди ёки бу рақамдан ҳам ортиб кетди. Лотин Америкаси мамлакатларининг кўпчилиги БМТнинг аъзоси, Қўшилмаслик ҳаракатида иштирок этмоқдалар.

Лотин Америкаси мамлакатларининг асосий группаси Америка империализмининг глобал стратегияси ва унинг милитаристик йўлидан ажралиб чиқиб, гарчи 1947 йилда АҚШ ҳомийлигида барпо этилган Америка давлатларининг Ташкилотига («Рио-де-Жанейро пакти» деб аталган) расмий равишда боғланган бўлса ҳам, лекин мустақил ташқи сиёсат юргизишга интилмоқда. Улар янги, адолатли, жаҳон иқтисодий тартибини ўрнатиш, ядросиз зонани барпо этиш, Марказий Америка регионидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, социалистик Куба билан алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. «Деҳли олтилиги» деб ном олган группа иштирокчилари ядровий қуролсизлантириш масалаларида муҳим ташаббус билан чиқмоқдалар, бу «олтиликка» Ҳиндистон, Греция, Танзания ва Швеция раҳбарларидан ташқари Мексика билан Аргентина президентлари ҳам кирган.

Лотин Америкасида бирлашиш процесси кенг авж олиб, у қитъа мамлакатларининг бошқа давлатлар билан муносабатларини ўзлари хоҳлаганча ўрнатиш қобилиятини кучайтирмоқда. Чунончи, Бразилия 1987 йилнинг апрелида хусусий чет эл банкларига қарзини тўлашни тўхтатишини ва бошқа қарзларни тўлаш муддатини чўзишни маълум қилди. Бу қарор Лотин Америкаси регионни ташқарисида ҳам акс садо берди. Айни шу вақтнинг ўзида Ғарбий Африка давлатларидан еттитаси чет эл қарзларини тўлашга қодир эмасликларини маълум қилишди.

Эквадорда мамлакатнинг қонун чиқарувчи юқори органи — Миллий конгресс ўз территориясидан 10 минг Америка ҳарбий хизматчиларини тезда олиб чиқиб кетишларини талаб қилди. 1987 йилнинг августида Гватемала пойтахтида бўлиб ўтган кенгашда беш давлат — Коста-Рики, Никарагуа, Сальвадор, Гватемала ва Гондурас президентлари Вашингтон маъмуриятининг қаршилик кўрсатишига қарамай уруш хавфини бартараф этиш ва қуролли тўқнашувларни тўхтатиш бўйича конкрет тадбир-чоралар кўриш тўғрисида келишиб олдилар. Никарагуа ҳукумати Гватемала битимини амалга оширишда биринчи бўлиб намуна кўрсатиб, миллий яраш бўйича нуфузли комиссия тузди. Гватемаладаги келишувлар бутун қитъада ижобий акс садо бердики, бу орадан кўп ўтмай Лотин Америкасининг 13 та етакчи мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг учрашувида ёр-

кин намоён бўлди, унда Гватемалада имзоланган «Тинчлик плани» маъқулланибгина қолмай, шунингдек БМТ билан келишилган ҳолда ўша планнинг бажарилиши устидан контрол қилиб борувчи халқаро комиссия ҳам тузилди.

Совет ҳукумати Гватемаладаги кенгаш натижаларини қутлади ва эришилган битимларни қўллаб-қувватлашини билдирди. АҚШ маъмуриятига келганда шуни айтиш керакки, у Лотин Америкасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш планини рад этди, ўз планини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, бу план Никарагуада бошқариш системасини ва унинг ташқи сиёсатини, биринчи навбатда СССР ҳамда бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан муносабатини ўзгартишни кўзда тутарди. Вашингтондагилар АҚШнинг яқин-яқиндагина «банан республикалари» деб нафратомуз номланган жанубий қўшниларининг эндиликда мустақил иш кўришмоқчи бўлишганига, Никарагуа президенти Д. Ортеганинг бошқа Марказий Америка давлатлари раҳбарлари билан тенгма-тенг музокаралар олиб борганлигига сира кўника олмаяптилар.

Қитъа халқларининг антиимпериалистик бирлиги тобора кенгайиб ва кучайиб бормоқда. Гарчи АҚШнинг Лотин Америкасидаги таъсири ҳали анча сақланиб қолган бўлса-да, бу қитъа энди Америка империализмининг ишончли орқа таянчи бўлмай қолди, ундаги вазият тобора хатарли тус олмоқда.

Совет Иттифоқи Лотин Америкаси мамлакатлари халқларининг империализмга қарши адолатли курашини қўллаб-қувватлаб келмоқда. СССР 19 та Лотин Америкаси давлатлари билан дипломатик муносабат ўрнатган, уларда регион аҳолисининг 95 процентдан кўпроғи яшайди: улар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни чуқурлаштирмоқдаки, бу ўша давлатлар мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Миллий ва иқтисодий мустақиллик, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда Лотин Америкаси мамлакатларининг ишончли иттифоқчиси бўлган Совет Иттифоқи АҚШнинг Гватемала (1954 йил), Доминикан Республикаси (1965 йил) ишларига қуролли аралашувини, Гренадани босиб олишини (1983 йил) қоралади. Мамлакатимиз Панаманинг Панама каналига суверенитетини тиклаш тўғрисидаги, Аргентинанинг Фолкленд (Мальвин) оролларига Британиянинг мустамлакачилик ҳукмронлигини тугатиш ҳақидаги адолатли талабини қўллаб-қувватламоқда.

Совет Иттифоқининг революцион Кубани сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, АҚШ томонидан бўлган агрессиянинг энг оғир кунларида Кубанинг бардош беришига ёрдам қилди. Никарагуада антиимпериалистик революция ғалаба қилганидан кейин СССР билан бу мамлакат ўртасида ҳамма соҳада прогрессив туб ўзгартишларни амалга оширишга ва империализм кирдикорларини даф этишга ёрдам беришга қаратилган қардошларча ҳамкорлик ўрнатилди. Совет Иттифоқи билан регионддаги бошқа давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар янада ривожлантирилди, бу уларни анъанавий товарларини сотиш учун барқарор бозор, замонавий саноат асбоб-ускуналари, шунингдек техник ва илмий ёрдам олиш манбаи билан таъминлади.

1917 йилнинг Октябридан бошлаб қудратли социалистик давлатнинг мавжудлиги фактининг ўзи ҳам Лотин Америкасида миллий озодлик, демократия ва социал тараққиёт ишига хизмат қилади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, деб таъкидланади компартиялар регионал Кенгаши Декларациясида (1975 йил), Лотин Америкаси халқлари учун «уларнинг тўла-тўкис озод бўлиш йўлидаги машаққатли ва тенгсиз курашида мустаҳкам таянчдир».

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Тошкентлик журналхон Д. Раҳимов Ўзбекистоннинг Венгрия Халқ Республикаси билан иқтисодий ва маданий алоқалари қандай ривожланаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилишни сўрабди.

ЎЗБЕКИСТОН—ВЕНГРИЯ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

КПСС, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари марксизм-ленинизм классикларининг ишчилар синфи ғолиб отрядларининг интернационал иттифоқи тўғрисидаги ғояларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Улар қардош халқлар ўртасидаги дўстликни муттасил мустаҳкамлаб бориш учун кўп куч ғайрат сарфлаб, социалистик давлатларнинг тенг ҳуқуқлик, мустақиллик ва ўзаро манфаатдорлик асосида жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ҳамкорлиги самарадорлигини янада оширишга актив ёрдам бермоқдалар.

СССРнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳамма иттифоқчи республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССР ҳам иштирок этмоқда. Венгрия Халқ Республикаси билан иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳамкорлик мисолида бу кўриниб турибди.

СССР билан ВХР ўртасида тузилган савдо-иқтисодий битимлар асосида Ўзбекистон Венгрияга унинг интенсив ривожланишига ёрдам берадиган кўплаб товарлар етказиб беради. Республикамиз Венгрия тўқимачилик саноатини энг муҳим хом ашё — пахта билан таъминлайди, шунингдек бу мамлакатга йигирув-чийратиш ва хом ип ясайдиган станоклар ҳамда уларга запас қисмлар, ер ковлайдиган машиналар, компрессор станциялар, тракторлар, прицеплар, трансформаторлар ва машинасозликнинг бошқа буюмлари, химия маҳсулотлари, ёқилғи, минерал хом ашё ва металлар жўнатади. Буларнинг ҳаммаси республикамизнинг 30 корхонасида, шу жумладан «Таштекстильмаш», «Ташкенткабель», «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекхиммаш»да ишлаб чиқарилади.

Ўз навбатида венгер товарларининг Ўзбекистонга импорт қилиниши республикамизга саноатнинг айрим тармоқларини жадал ривожлантириш, аҳолининг у ёки бу маҳсулот турларига эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради. ВХРдан республикамизга келаётган товарлар рўйхатида — кучли музлатадиган қурилмалар, ўлчаш асбоблари, телевизион аппаратура, телефон автоматик станциялар, автоматлаштирилган паррандачилик фермалари учун асбоб-ускуналар, тикувчилик саноати учун станоклар, комфортли автобуслар, медикаментлар, енгил ва озиқ-овқат индустрияси маҳсулотлари бор. Масалан, «Будовокс» акционер жамияти юқори частотали телефонлаштиришнинг йигирма каналли системаси Фарҳод ГЭС алоқа линиясида ишламоқда, тикувчилик буюмларини тайёрлаш учун асбоб-ускуналар, парогенераторлар ва бошқа кўп нарсалар Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасида, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасида ўрнатилган.

Совет-Венгер ҳамкорлиги доирасида Ўзбекистон ССР билан Венгрия ўртасида илмий-техник ҳамкорлик ривожланмоқда ва чуқурлашмоқда. Бу капитал қурилиш, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасидаги фан ҳамда техника ютуқларини ўзаро алмашинишда, ўз тажрибалари билан бир-бирларини таништиришда, турли фан-техника ва ишлаб чиқариш масалаларини биргалашиб муҳокама қилишда ўз ифодасини топмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Венгриянинг қатор корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида амалий алоқалар ўрнатилган. Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» билан Тиссай химия комбинати, «Таштекстильмаш» билан «Текстильмювек» (Капошвар шаҳри) фабрикаси, «Ташкенткабел» билан Будапешт кабел заводи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг марказий лойиҳа-конструкторлик ва илмий асбобсозлик технологик бюроси билан Венгрия Фанлар академияси қошидаги «СТАКИ» ҳисоблаш техникаси ва автоматика тадқиқот институти коллективлари фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, техник ҳужжатлар, чизмаларни муттасил алмашиниб туришади, бир-бирларига мутахассисларни командировка қиладилар.

СССР билан Венгрия турли техник иншоотларни қуриш ва монтаж қилишда бир-бирларига катта ёрдам бермоқда. Алоқанинг техник воситалари ва аниқ механик буюмларни жиҳозлаш бўйича Венгриядаги машҳур ташқи савдо корхонаси «Электроимпекс» мутахассислари республикамизда узоқ вақт бўлишди. Уларнинг ёрдамида «Пахтакор» стадионида нурли информацион табло, Ўзбекистон Компартияси МҚ нашриётининг редакцион корпусида — тўрт рангли «Публиколор» реклама қурилмаси ўрнатилди.

Самарали ҳамкорлик туфайли Венгрия билан Ўзбекистон эришган ютуқлар ҳамда орттирган тажриба барча социалистик мамлакатларнинг мулкига айланмоқда. Бу ўз навбатида, ЎИЁКга кирувчи мамлакатлар олдида турган асосий вазифа — социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш вазифасини амалга оширишга ёрдам беради.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардаги корхоналар, ташкилотларнинг бир-бирлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишларининг таомилга кириб бориши ўзаро фойдали ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам бермоқда. Масалан, Тошкент Марказий универмаги билан Будапештдаги «Корвин» универмаги ўртасида ана шундай алоқа ўрнатилган. 1987 йилда улар товар алмашиш тўғрисида битим туздилар, бу харидорларга ўша магазинларда Ўзбекистон ва Венгрия ишлаб чиқарган товарларни харид қилишга имкон беради.

Ўзбекистон ва Венгрия фан арбоблари ўртасидаги алоқалар турли формаларда амалга оширилмоқда — илмий командировкалар, симпозиум ва конференцияларни биргаликда ўтказиш, стажировкалар ва илмий асарларни ўзаро алмашиш, олимларнинг лекциялар ўқиш ва консультациялар ўтказиш учун бир-бирларига бориб келиши ва ҳоказо. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги математика институти, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг эҳтимоллик назарияси кафедраси билан Будапештдаги Л. Этвёш номли университет, шунингдек Венгриянинг бошқа илмий марказлари билан эҳтимоллик назарияси ва математик статистика соҳасида тадқиқотлар ўтказишда алоқалар жуда яхши йўлга қўйилган. Чунончи, Венгриянинг етакчи математикларидан Ференц Мориц, Тибор Немец, Янош Комлош, Йожеф Томко ва бошқалар шу мақсадда Ўзбекистонга келишди. Ўз навбатида В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети эҳтимоллик назарияси кафедрасининг ходимларидан доцентлар А. Шомирзаев, Ш. Исматуллаев ва С. Г. Ткачуклар Венгрияда стажировкадан ўтдилар.

Иқтисодий Ўзаро Ёрдам Кенгашининг топшириғи билан проблемаларни бугунги кунда ишлаб чиқиш қардош социалистик мамлакатларнинг илмий алоқаларида катта аҳамият касб этяпти. Ўзбекистон ССР ва ВХР қатор илмий-тадқиқот институтлари бу ишга қўшилишди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институти Венгриянинг Аграр университети ва ЎИЁҚ аъзолари бўлган бошқа мамлакатларнинг илмий муассасалари билан биргаликда сув ўтларини ўстириш физиологиясини ўрганишда шерик ижрочи сифатида қатнашмоқда. Бунинг натижасида микро сув ўтларидан чорвачиликда, пахтачиликда, ипакчиликда биостимуляторлар сифатида фойдаланишнинг самарали усуллари топилди, оқава сувларни тозалаш методикаси ишлаб чиқилди, ипакчилик чиқиндиларидан сув ўтларини ўстиришда озуқа воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиш имкониятлари ўрганилди ва ҳоказо. Ўзбекистон Фанлар академияси биоорганик химия институти ва Венгрия фанлар академиясининг Биология институти олимлари биологик физика соҳасида ЎИЁҚ программаси асосида бир неча йиллардан буён биргаликда тадқиқот олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон билан Венгрия халқларининг маънавий соҳадаги алоқалари кенгаймоқда ва ривожланмоқда. Бунда ҳамкорликнинг хилма-хил формаларидан фойдаланилмоқда — маданият арбоблари делегациялари ва ижодий коллективлар билан ўзаро алмашиш, бадиий асарларни нашр этиш, китоблар ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини ташкил этиш, маданият декадаларини ўтказиш ва ҳоказо.

Ўзбек ёзувчилари асарларининг Венгрияда кўп нусхада чоп этилиши венгер китобхонларининг ўзбек адабиётига катта қизиқишидан далолат беради. Улар орасида — Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»; Ойбекнинг «Нур қидириб» асарлари, Ғафур Ғулом ва Зулфия шеърлари, Комил Яшиннинг пьесалари ва бошқа асарлар бор. Ўзбекистонда ўз навбатида, Венгрия ёзувчиларининг исмлари ва асарлари китобхонларга яхши таниш, Шандор Петефи, Матэ Золка ва бошқа адиблар юбилейларининг нишонланиши бунинг ёрқин исботидир.

Республикамизнинг «Баҳор», «Шодлик» рақс ансамбллари, «Ялла» вокаль-инструментал ансамбли сингари машҳур ижодий коллективлари Венгрияда кенг шуҳрат қозонган. Ўзбекистон пойтахтининг кекса ҳаваскорлик коллективларидан бири — Тошкент тўқимачилик комбинати Маданият саройи халқ ансамблининг чиқишини қардош мамлакат меҳнаткашлари самимий, илиқ кутиб олдилар, мазкур коллектив мамлакатимиз номидан Венгриянинг Сегеде шаҳрида бўлиб ўтган халқ рақсларининг VI Халқаро фестивалида муффақиятли қатнашиб, бош соврин — «Олтин туфли» олишга муваффақ бўлди. Фарғона области Кува райони Маданият уйининг «Анор» ашула ва

ракс халқ ансамбли фольклор фестивалида катнашиб, эсдалик олтин медаль билан мукофотланди.

Венгрия артистлари республикамизнинг азиз меҳмонлари бўлиб колган. Ўзбекистон томошабинлари йирик органист Янош Шебештьен, Будапешт давлат операсининг солистлари Мария Матьяш ва Жолта Бенде, ВХРнинг етакчи дирижёри Янош Шандор ва бошқа кўплаб санъаткорларни завқ-шавқ билан қарши олдилар.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги муносабати билан 1987 йилнинг ноябрида ВХРда Ўзбекистон мисолида СССР Маданият кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР делегацияси Будапештда, Сольнокда, Сексардда, Чонградда, Дунауйварошда, Сегедеа ва Секешфехерварда бўлишди.

Ҳаёт кўрсатдики, Венгрия Халқ Республикаси билан Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий, илмий-техника ва маданият соҳасидаги самарали ҳамкорлиги — бу қонуний, тарихан зарурий бўлиб, икки томон учун ҳам фойдали, кудратли интернационал кучга айланган жаҳон социализмининг ривожига хизмат қилади.

Э. НУРИДДИНОВ,

тарих фанлари кандидати, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчиси

Тошкентлик журналхонимиз З. Плетинский бизга бундай деб ёзибди: «Бу йил «Интернационал» биринчи дафъа ижро этилганига 100 йил тўлади. «Ўзбекистон коммунисти» журналида ленинчи партиямизнинг ҳам гимни бўлиб қолган ана шу пролетар гимнининг авторлари тўғрисида маълумот берилишини истар эдик».

БАРҲАЁТ ПРОЛЕТАР ГИМНИНИНГ ИЖОДКОРЛАРИ

Эжен Потье билан Пьер Дегейтер... Бу номлар инсоният революцион курашининг солномасига олтин ҳарфлар билан битилган. 1870 йили, жаҳонни титратган Париж Коммунаси арафасида Э. Потье «Интернационал» шеърини яратди, орадан 18 йил ўтгандан кейин П. Дегейтер унга куй басталади.

1830 йилда Францияда Июль революцияси кезларида инқилобий шеърият осмонида Э. Потье юлдузи пайдо бўлди. У ўн тўрт ёшида «Яшасин озодлик!» номли биринчи шеърини ёзади. Унинг кейинги шеърий ва кўшиқ тўпламларида ўша вақтда машҳур бўлган демократ шоир Беранженинг самарали таъсири сезиларди.

Э. Потье меҳнат фаолиятини эрта бошлади — 13 ёшидан у отасининг устахонасида упаковкачи ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади, сўнгра мактабда синф назоратчиси, қоғоз магазинида приказчик, газлама рассоми бўлиб ишлади ва ҳоказо. Э. Потье фақат бошланғич маълумот олди холос. Лекин пролетар муҳити унинг учун ҳаёт дорулфунини бўлди.

Франциядаги 1848 йилги буржуа-демократик революцияси ва айникса Париж пролетариатининг Июнь кўзғолони Эжен Потье ижодида чуқур из қолдирди. Унинг шеърияти сиёсий ўткирлик, социал йўналиш, революцион публицистик характер касб этади. Бу жиҳатдан «Халқ», «Умумий овоз бериш», «Емоқ истайман!», «Ғам-ғуссани ёзиш», «Эски уй бузилсин!», «1848 йил июни», «Ким телба?» ва бошқа шеър ва кўшиқлар характерлидир. «1840 йилдан бошлаб, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — у (Э. Потье — **Р. Ф.**) Франция ҳаётида юз берган барча катта воқеаларга муносабатини жанговар кўшиқларида куйлади, қолоқлар онгини уйғотиб, ишчиларни бирлашишга чақириб, Франция буржуазиясини ва Франциянинг буржуа ҳукуматларини фош қилиб келди» (Тўла асарлар тўплами, 22-том, 306-бет). Владимир Ильич Потьени *«қўшиқ билан* иш олиб борган энг улуғ *пропагандистлардан* бири», деб атади (ў ш а ж о й д а, 307-бет).

Эжен Потье ишчилар билан бирга 1848 йил революциясининг баррикада жангларида фаол қатнашди, қалам ва қурол билан хизмат қилди. Иккинчи империянинг даҳшатли кунларида (1852—1870 йиллар) у революцион идеалларга содиқ қолди. 60-йилларнинг охирида Э. Потье 500 тагача кишидан иборат газлама рассомлари касаба союзини ташкил этди. Бу союз I Интернационалнинг француз секциясига кирди, бу Интернационални К. Маркс билан Ф. Энгельс барпо этган эдилар. Э. Потье шеър ва кўшиқларида Франция пролетариати, халқи асосий қаҳрамон бўлиб қолди.

1876 йил 18 мартда, Парижнинг қаҳрамон ишчилар синфи биринчи бор шаҳарнинг ҳақиқий хўжайини бўлганида, Э. Потье ўзини бутунлай революция ишига бағишлади. Унинг жўшқин фаолияти Париж Коммунаси мажлислари протоколларида зикр этилди, у 1871 йил 16 апрелдан бошлаб Коммунанинг аъзоси эди. Шу нарса характерлики,

Париж Коммунасининг суронли кунларида шоир биронта ҳам шеър ёзмади: чамаси шеърдан кўра муҳимроқ ишлари бор эди.

Коммуна кўпгина адабиёт ва санъат арбобларини ижодий зафарларга илҳомлантирганди, бироқ сўз усталаридан биронтаси пролетариат диктатурасининг дастлабки тажрибаснни бадиий жиҳатдан Эжен Потьечалик реал ва ҳаққоний умумлаштира олмаган эди. У Париж Коммунасининг мағлубиятидан кейин ёзган поэмалари, қўшиқ ва шеърларида коммунарлар қаҳрамонлигини жўшиб куйлади. Бу жиҳатдан унинг «Париж Коммунаси», «Америка ишчилари — Франция ишчиларига» поэмаларини, «Коммуна шу ердан ўтган эди», «Социал революция», «Муқаддас троица», «1871 йил 18 март йиллиги» шеърларини тилга олиш мумкин.

Париж Коммунасининг мағлубиятидан кейин Э. Потье Англия билан АҚШда дарбадар ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Фақат 1880 йилда амнистиядан кейин у юртига қайтди. Ўша йили у Ж. Гед билан П. Лафарг ташкил этган марксистик Ишчи партия сафига кирди. 80-йилларда француз тилида иккита сайланма асарлари тўплами босилиб чиқди.

Э. Потье 1887 йил 8 ноябрда Парижда вафот қилди. Франция пойтахтининг мингминглаб меҳнаткашлари уни сўнгги йўлга кузатиб қолдилар. Э. Потьенинг дафн маросими Коммуна шарафига оммавий намойишга айланиб кетди.

Марксизм-ленинизм классиклари Э. Потье ижодини юксак қадрлаганлар. Ф. Энгельс унинг шеърларини зўр мароқ билан ўқир эди. 1913 йил 3 январда В. И. Ленин «Правда»да «Евгений Потье» мақоласини эълон қилди, унда шундай деб ёзган эди: «...у ўзига чиндан ҳам қўл-ла созлаб бўлмас ҳайкал қолдирди» (ТАТ, 22-том, 307-бет).

Э. Потьенинг шеърига басталанган «Интернационал» куйининг автори Пьер Дегейтер Гент (Бельгия)да завод ишчисининг кўп болалик оиласида 1848 йил 8 октябрда туғилган. Етти ёшидан бошлабоқ Пьер фабрикада ишлайди. 1870—1871 йиллардаги Франция-Пруссия урушида у Пруссияга қарши жанг қилган. Дегейтер парижлик ишчилар қўзғолонидан бохабар бўлгач, бир неча дўстлари билан бирга, Коммуна байроқларини кўтарганлар сафида бўлиш учун қамал қилинган шаҳар ичига кириб олишга ҳаракат қилди. Бироқ бунга муваффақ бўлолмади: у асирга тушиб, Франциянинг шимолига бадарға қилинди.

1871 йилдан 1902 йилгача П. Дегейтер Лилль шаҳрида яшади. Бу ерда у ишчи социалистик ташкилотига кирди.

Хушовоз П. Дегейтер қўшиқ айтишга жуда ишқивоз эди, бир неча хор жамиятларида куйлади, музика тўгаракларига қатнади. Лиллда у хор тўгараги тузишда қатнашди, бу тўгарак «Ишчилар лираси» номини олган эди, Дегейтер унга дирижёрлик қилди.

Э. Потьенинг шеърлар тўплами билан танишув музикант ҳаётида муҳим воқеа бўлди. «Мен шу заҳотиёқ китобни қўлимга олиб, тасодифан «Интернационал» битилган саҳифасини очиб қолдим, — деб хотирлаган эди П. Дегейтер. — У менга хор учун жуда қойилмақом бўлиб кўринди... Эртаси куниёқ эрталаб куплетларининг хомаки куйини яратдим, иккинчи куни унга яхшигина нақорат ёздим...» Орадан бир неча кундан кейин — 1888 йил 23 июнда — «Интернационал» биринчи дафъа халқ олдида ижро этилди.

Қўшиқ Франция меҳнаткашларининг тезда меҳр-муҳаббатини қозонди. Шаҳар муниципалитетида социалистлар кўпчилик овоз олган Лиллда 1896 йил 20 июлда француз Ишчи партиясининг XIV миллий конгресси очилди. Унда 200 га яқин делегат, шунингдек Германиядан меҳмонлар қатнашди. Конгрессда духовой оркестрда «Интернационал» янгради. Шундан буён бу қўшиқ бутун Францияда, сўнгра эса бутун жаҳонда кенг ёйилди.

«Интернационал» шуҳратининг ошиб бориши композиторга қизиқиш уйғотди, таъқиб қилмасликлари учун унинг номи матбуот нашрларида тилга олинмас эди. Бундан уни авторлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга уринган турли хил олғирлар фойдаланишди. Фақат орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтгач, 74 ёшли Пьер Дегейтер суд қарори билан «Интернационал» куйининг автори деб тан олинди.

1902 йилда П. Дегейтер Париж чеккасидаги Сен-Денига кўчиб борди. Бу ерда у умрининг охиригача уста-дурадгор бўлиб ишлади, ишчилар хорига раҳбарлик қилди. У бир қатор янги қўшиқлар яратди, уларнинг баъзиларига ўзи текст ёзди. Шулардан бири — «Ишчилар синфи, олға» жуда машҳур бўлиб кетди.

П. Дегейтер Улуғ Октябрь социалистик революциясини қизғин табриклаб кутиб олди. 1927 йилда у Октябрь ўн йиллигига бағишланган Москвадаги тантаналарда қатнашди. Пьер Дегейтер Сен-Денида 1932 йил сентябрида вафот қилди.

«Интернационал» рус тилига биринчи марта 1902 йилда А. Коц томонидан таржима қилинди. Октябрь революцияси ғалабасидан кейин у Россиянинг ғолиб пролетариати гимни бўлиб қолди. Ҳозир «Интернационал» — КПСС гимнидир.

1919—1925 йилларда «Интернационал» ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинди. Атоқли сўз усталари Ҳамза, А. Авлоний, Б. Сўфизода ва бошқалар «Интернационал» таъсирида ажойиб инқилобий қўшиқлар ва шеърлар ёздилар.

Р. ФАРМОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ВАТАН МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ИЖОДИЙ МЕҲНАТ

Ривожланаётган социализм шароитида совет жамиятининг етакчи кучи бўлмиш ишчилар синфининг ижодий активлиги ошиши объектив қонуниятдир. Бу эса нафақат экономиканинг тараққий этишига, шу билан бирга шахсни ҳар томонлама камол топтиришга, турғунлик ҳолларини бартараф этишда, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуришда унинг манфаатдор иштирокига ҳам имкон беради. Тақриз қилинаётган, ушбу проблеманинг бир қатор философик жиҳатларини очиб беришга бағишланган китоб* ана шу сабабли эътиборга сазовор.

Ишчилар синфи ўз ижодий активлигини намоён этишининг формалари хилма-хилдир. Бу нарса аввало моддий неъматларни ишлаб чиқаришда, фан-техника тараққиёти учун курашда, социалистик мусобақада, кишиларнинг ўз малакасини, маданий-техника савиясини оширишга, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатида иштирок этишга доимий интилишларида ва ҳоказоларда ўз ифодасини топяпти. Автор шу муносабат билан ҳозирги куннинг илғор ишчисини шундай таърифлайди: «У чуқур билимларга, кенг маданий савияга эга бўлган, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўладиган кишидир. У ўзини ишлаб чиқаришнинг соҳиби, жамиятимизда юз бераётган ҳамма нарсалар учун масъулият сезувчи киши деб ҳис этади» (6-бет).

Совет ишчилар синфининг меҳнат фаолияти китобда социалистик турмуш тарзининг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида қараб чиқилган. Социализмгина, деб таъкидлайди автор, эксплуатациядан халос бўлган меҳнат кишисини ғоят баланд юксакликка кўтарди, халқ оммаси ижодий куч ва қобилиятларининг намоён бўлиши, фан ва техника ютуқларини самарали татбиқ этиш учун шарт-шароит яратди (7-бетга қаралсин).

Социалистик саноатни, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини олға ҳаракатлантира бориб, ишчилар синфининг ўзи ҳар томонлама ривожланмоқда. Унинг ижодий ва меҳнат активлиги ошишида ишлаб чиқариш коллективлари, уларда демократиянинг қарор топиши ҳал қилувчи роль ўйнаяпти, зотан жамиятимизни социал-иқтисодий, маънавий ривожлантиришни демократия иштирокисиз жадаллаштириб бўлмайди (8—9-бетларга қаралсин).

Социализмни такомиллаштириш шароитида ишчилар синфининг меҳнат активлиги янги босқичга кўтарилади, унинг мазмуни ва намоён бўлиш формаларида позитив ўзгаришлар юз беради. Бундай активликнинг моҳияти ишчилар техника ижодининг объектив шароити — фан-техника революциясининг таъсирида анчагина бойийди. Натижада улар меҳнатидаги «соф жисмоний» ва «соф ақлий» негизларни аниқлаб олиш тобора мураккаблашади. Меҳнат фаолиятининг ана шу икки томони борган сари ўзаро яқинлашяпти. Автор кўпгина мисол ва умумлаштиришлар асосида ана шундай хулосаларга келади (13—15-бетларга қаралсин). Бунда у ишчилар синфининг илмий-техника ижодини олдиндан белгилаб берган бир қатор социал-иқтисодий ва маънавий факторларни таъкидлайди ҳамда улар ҳар бирининг моҳиятини очиб беради.

Ижод қилиш аввало кишининг меҳнат фаолиятида кўзга ташланади. Автор шу муносабат билан жамиятнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш даврида ишчининг онглилиги, ташаббускорлиги, интизомлилиги, масъулият сезиши, меҳнатсеварлиги, коллективизми борган сари таъсирчан бўлиб бориши хусусида сўз юритади. Ижодий меҳнат табиатини, хусусан, ишчилар синфининг ижодий активлигини асослаб бериш китобнинг негизини ташкил этган.

Бундай активлик шаклланишини объектив шароит ва субъектив факторлар олдиндан белгилаб бериши туфайли автор уларнинг ишчиларга кўрсатадиган конкрет таъсирига батафсил тўхтайди. Ушбу шароит ва

*Ф. Р. Абдурахманов. Творческая трудовая активность рабочего класса. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 72 с.

факторлар ўзаро боғлиқ бўлиб, диалектик жиҳатдан зиддиятли бирликни ташкил этади, бунинг устига объектив жиҳатга боғлиқ бўлган субъектив жиҳат бир вақтнинг ўзида ишчилар синфи ижодий фаолиятида ғоят муҳим жиҳат ҳисобланади (20—22-бетларга қаралсин). Барча меҳнаткашлар сингари ишчиларнинг ҳам ижодий активлиги ривожланишида турмушнинг моддий шарт-шароити: аввало ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулк эканлигига асосланган социалистик тузум, меҳнатга қараб тақсимлашнинг социалистик принципи ва ҳоказолар эса объектив замин ҳисобланади.

Китобда ишчилар синфи ва бошқа социал группаларнинг меҳнат активлигига таъсир кўрсатувчи субъектив факторларнинг аҳамияти асослаб берилган. Жамият ривожланишининг объектив қонунларини билишда, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программасини ишлаб чиқишда, ғоявий эътиқод, коллективизм, ўзаро ёрдам, меҳнатга онгли, манфаатли муносабатни шакллантириш ва қарор топтиришда, идеалларимизни амалга ошириш учун меҳнаткаш оммани сафарбар қилишда КПССнинг раҳбарлик ҳамда йўналтирувчилик ролининг ошиб бориши — шуларнинг бари ишчилар синфининг меҳнат активлигига таъсир кўрсатувчи биринчи ва асосий субъектив факторнинг моҳиятини ташкил этади (28—35-бетларга қаралсин).

Ижтимоий психологиянинг ўзгариши ушбу жараёнда муҳим роль ўйнайди. Автор ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, тафаккурни қайта қуриш, янгича психологияни ишлаб чиқиш ва совет кишиларининг турмуш тарзи, ҳаёт нормаси сифатида динамизмни қарор топтириш хусусида КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан қоидалар катта аҳамиятга эгалигини таъкидлайди.

Республикада 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ижтимоий ривожланишга сиёсий раҳбарликда, айниқса социал сиёсатда йўл қўйилган жиддий бузишлар ва оғишларнинг омманинг, шу жумладан, ишчилар синфининг ижодий активлиги пасайишига олиб келган салбий таъсирига узуқ-юлуқ характеристика берилгани, бизнингча, асарнинг жиддий камчилигидир.

Шунингдек автор ишчилар синфининг илмий-техника ижоди билан боғлиқ равишда характерлаган факторлар тўлиқ даражада унинг ижодий активлиги намоён бўладиган бошқа кўринишларга ҳам тааллуклидир, деб биламиз. Ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кенг демократия, шахс ўзини намоён этишнинг турли хиллари ва формалари, социал жиҳатдан аҳамиятли ташаббусларни эътироф этиш ҳамда рағбатлантириш ва ҳоказолар ишчиларнинг, барча меҳнаткашларнинг активлигини белгиловчи ғоят муҳим шарт-шароитлар жумласига киради. Афсуски, китобда ана шу шарт-шароит ва факторларнинг ишчилар активлиги ошиши билан ўзаро диалектик боғлиқлиги етарлича танқидий анализ қилинмаган.

Умуман олганда тақриз қилинаётган китоб мамлакатда авж олиб кетган қайта қуриш шароитида ишчилар синфи меҳнат активлигини ривожлантириш проблемаларини философик мушоҳада қилишга доир Ўзбекистондаги дастлабки фойдали уринишлардан биридир.

А. АКРОМОВ,
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти илмий коммунизм кафедрасининг профессори.

Ф. ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари кандидати,
Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими.

АКТУАЛ ПРОБЛЕМАНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА МУВАФФАҚИЯТСИЗ УРИНИШ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ белгилаб берган совет жамиятини социал-иқтисодий, маънавий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг мураккаб ва масъулиятли вазифаларини тегишли территориялар доирасида кўпгина проблемаларни ҳал қилишга комплекс ёндашмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бундай ёндашувни таъминлаш энг аввало халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бурчидир. Улар фаолиятига бағишланган тадқиқотлар ҳам кенг қамровли, комплекс характерга эга бўлиши керак. Тақриз этилаётган китобда* Ўзбекистон ССР Советларининг ўз территорияларини социал ривожлантириш планларини амалга ошириш соҳасидаги

* Расширение функций местных Советов в обеспечении комплексного плана социального развития территории. Ответственный редактор К. Камилов. Ташкент, «Фан», 1987, 126 с.

ишини ўрганишга уриниб кўрилган. Бироқ муаллифлар қанчалик бунинг уддасидан чиқа олишган?

Китобда каттагина фактик материал, қизиқарли статистик маълумотлар тўпланган, тегишли қонун ҳужжатларидан кенг фойдаланилган, Советларнинг социал соҳани ривожлантириш борасидаги фаолиятини яхшилашга доир талайгина тавсиялар берилади. Лекин проблеманинг барча аспектлари юзасидан ва ҳамма ҳолларда ҳам шундай йўл тутилган деб бўлмайди.

Даставвал зарур моддий шарт-шароитларга эга бўлмасдан туриб бирор-бир социал вазифани планлаштириш ва ҳал қилиш мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам иқтисодий ва социал масалаларни бир-биридан алоҳида ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди. Модомики чуқурроқ тадқиқ қилиш мақсадида улардан бирини «ажратиш»га тўғри келиб қолган тақдирда ҳам улар ўртасидаги мавжуд узвий алоқани, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ва бир-бирини тақозо этишини қисқача, лекин ишончли қилиб кўрсатиб бериш керак бўлади. Зеро жамиятимизни тараққий эттириш комплекс планлари унинг барча бўғинларида иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари деб аталиши бежиз эмас. Афсуски, фақат китоб муқаддимасида социал программаларни ҳал этишнинг моддий шарт-шароитлари хусусида жуда қисқача сўз юритилган.

Муаллифлар соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт, маданий-оқартув ишларини ривожлантириш масалаларини назардан четда қолдирганликларини умуман тушунтириб бўлмайди: партия бу масалаларга нафақат жамиятимизни жисмоний, балки шу билан бирга маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштиришнинг қудратли воситалари деб қарамоқда. Шу жиҳатдан ҳам улар маҳаллий Советлар фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди ва тадқиқ этишга лойиқ.

Советлар ўз территорияларида амалга ошираётган социал страхование ва пенсия таъминоти социалистик тузум афзаллигидан ёрқин далолатдир. Муаллиф (А. Ваҳобов) китобнинг тегишли бўлимида социал таъминотнинг шу иккала формасини ёритар экан, пенсия таъминотига алоҳида эътибор беради. У маҳаллий Советлар компетенцияси ҳақида батафсил ҳикоя қилади, КПСС МК ва Совет ҳукумати қарорларига таяниб, Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг социал таъминоти масалаларини қараб чиқади, мавжуд камчилик ва нуқсонларни кўрсатади, бу ишни янада яхшилашга оид амалий тавсиялар беради. Бироқ баъзи тавсиялар умумий характерга эга. Масалан, муаллиф илғор иш форма ва методларини кенг қўллашни таклиф қилган ҳолда фақат пенсия тайинлаш комиссияларининг кўчма мажлисларини кўрсатиб ўтади. Аслида эса бошқа илғор иш формаларини ҳам кўрсатиб бериш, ҳеч бўлмаганда бирорта ижобий тажриба адресини тилга олиш лозим эди.

Ёки муаллифнинг уруш ва меҳнат ветеранлари, инвалидлари эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги таклифини олиб кўрайлик. Бу ишни қандай йўлга қўйиш мумкин? Афсуски, китобда бу саволга жавоб йўқ. Мавжуд ижобий тажрибани умумлаштириш эса фойдадан холи бўлмасди. Масалан, қариялар ва инвалидлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган хўжалик ҳисобидаги бирлашмаларнинг фаолияти, уларга студентлар коллективлари, мактаб отрядлари, «норасмий уюшмалар»нинг группалари кўрсатаётган оталиқ ёрдами ва ҳоказолар қизиқарлидир. Советлар пенсияга оид қонунларга риоя қилиниши, инвалидларни ишга жойлаштириш, болалар интернат-уйлари иши устидан қандай назорат олиб бораётганлиги тўғрисида ҳам ҳикоя қилиб бериш лозим эди. Депутатлар, уларнинг группалари, доимий комиссияларнинг социал таъминотга доир бир қатор масалаларни ҳал қилишдаги роли очилмай қолган. Ҳолбуки улар қариялар ва инвалидларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкил қилишда, ғоят мураккаб социал проблема бўлган ёлғизлик муаммосини ҳал қилишда катта ёрдам кўрсатишлари мумкин. Советларнинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамда аҳолининг жамоатчилик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги кўрсатиб берилса маъқул бўларди.

Советларнинг уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги вазифалари 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлашдан иборат КПСС XXVII съезди белгилаб берган партиянинг программ мақсадидан келиб чиқади. Бироқ партиянинг жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ана шу кўрсатмаси китобда тилга олинмайди. Ҳолбуки кўпгина маҳаллий Советлар аллақачон «Уй-жой» комплекс программасини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Бу эса ўз навбатида улардан уй-жой-коммунал хўжалигига раҳбарлик форма ва методларини янада яхшилашни, социал адолат принципларига мувофиқ равишда бу соҳадаги камчиликларни тугата боришни талаб қилади.

Уй-жой проблемасини ҳал қилишда маҳаллий Советлар ролига бағишланган бобда (муаллифлари С. Ғойибов, А. Файзуллаев) тураржойларни қуришда ҳамда уй-жой фондини, инженерлик коммуникацияларини капитал ва жорий ремонт қилишда, микрорайонлар территорияларини комплекс ободонлаштиришда Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари фаоллиги тобора ошиб бораётганлиги таъкидланади.

Бу масалалар халк депутатлари Чирчик шаҳар, Фрунзе, Паркент район халк депутатлари Советлари иш практикасидан олинган конкрет мисоллар билан мустаҳкамлаб тадкик этилади.

Корхоналарнинг уй-жой курилишида шерикчилик асосида иштирок этишига, идораларга карашли уй-жой фондини маҳаллий Советлар ихтиёрига ўтказишга, хуторлар проблемасига, якка тартибда ва кооператив тарзда (жумладан кишлок жойларда) амалга ошириладиган курилишга муайян эътибор берилган. Лекин бундай курилиш масалаларини кўриб чикишда муаллифлар мазкур муҳим ишда халк депутатлари Советларининг иштирокини эътибордан четда колдирганлар. Ҳолбуки, якка тартибда уй-жой курилишини кенгайтириш кўп жиҳатдан мазкур ишга Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлиги тубдан яхшиланишига боғликдир. Якка тартибдаги уй-жой курилишига алокадор кўплаб муҳим масалалар — уй курувчиларга ер ажратиб бериш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, аҳолига курилиш материалларини сотишни ташкил этиш, унга пулли хизматлар кўрсатиш ва бошка масалалар очилмай колган.

Маълумки, уй-жой проблемасининг ҳал килиниши умуман олганда айникса маҳаллий хом ашёдан курилиш материаллари ишлаб чикарувчи корхоналар куввати тобора ошиб боришига, Советларнинг ёшлар учун уй-жой комплекслари бунёд этилишига раҳбарлик килишига, бўшаб колган уйжой фондидан фойдаланиш устидан катъий контролликка ва бошка масалаларга бевосита боғлик. Тураржой биноларини асраш ва улардан тўғри фойдаланиш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммасида намунали турмуш ва уйларни яхши тутиш учун социалистик мусобакани йўлга кўядиган, тураржойлардан фойдаланиш органлари иши устидан контролликни амалга оширадиган маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари, депутатлар ва уларнинг группалари, маҳалла ва уй комитетлари катта роль ўйнайдилар. Лекин бу муҳим масалаларнинг барчаси такриз этилаётган китобда ўз аксини топмаган.

Уй-жойлар ҳисоби ва таксимотидек муҳим ишдаги камчиликлар танкидий таҳлил килинганда ва уларни бартараф килиш йўллари кўрсатиб берилганда мазкур бобнинг мазмуни анча бойиган бўларди. Уйжой программасини амалга оширишдаги ижобий тажриба ҳам эътиборсиз колдирилган: Фарғона областида район ижроия комитетлари кошида якка тартибда уй-жой курувчиларга хизмат кўрсатиш юзасидан хўжалик ҳисобида ишловчи архитектура группалари ташкил этилган, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чикариш бирлашмасида, В. И. Ленин номли Олмалик кон-металлургия комбинатида, Самарканддаги «Красный двигатель» заводида ва бошка айрим корхоналарда Горький автомобиль заводи коллективига эргашиб ўз кучлари ҳамда маблағлари ҳисобига уйлар куриш йўли билан ишчи ва хизматчиларни тураржойлар билан таъминлаш тадбирлари белгиланган, Уй-жой-коммунал хўжалигига бағишланган бобда гражданларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чикишнинг умумий масалаларига бағишланган махсус бўлим ажратилганлиги ҳамда «таклиф», «ариза», «шикоят» тушунчалари мазмунини чегаралаш хусусидаги фикрлар берилганлиги ҳайрон коларлидир.

Китоб бобларидан бири (муаллифи Х. Латипова) «Халк депутатлари маҳаллий Советлари ва мактабгача болалар муассасаларининг ривожланиши» деб номланган бўлса-да, унда умуман Советларнинг халк таълими соҳасидаги компетенцияси караб чикилган. Муаллиф болаларни ўкитиш ва тарбиялашга кетадиган харажатларнинг ўсишига, педагог кадрлар составига, мактабгача тарбия муассасаларининг сонига оид статистик материалларни келтиради, бу муассасаларнинг моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларни тўғри жойлаштириш масалаларини ёритади, мактабгача тарбия системасини ривожлантиришда кишлокнинг колоклигини бартараф этиш проблемасини кўтаради. У мазкур соҳага раҳбарлик форма ва методларини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайдию, кандай килиб бу ишни яхширок уддалаш мумкинлигини конкрет кўрсатиб бермайди. Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиявий ишни, медицина хизматини, овкатлар сифатини, икки тилни эгаллаш аҳволини яхшилашдек муҳим масалалар кўтарилмайди. Халк депутатлари Советлари, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлар группалари, жамоатчилик асосида тузилган органларнинг умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ килишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан мактабгача тарбия соҳасидаги конкрет вазифалари ҳамда ташкилотчилик ишларини кўрсатиб бериш максадга мувофик бўлур эди.

Муаллиф бир катор амалий таклифлар беради, лекин уларнинг ҳаммасини ҳам маъкул деб бўлмайди. Жумладан халк таълими доимий комиссиялари структураси ҳамда вазифаларини кайта кўриб чикиш тўғрисидаги таклифини (75-бетга каралсин) кабул килиш кийин. Мазкур масалалар ҳозир амал килаётган Ўзбекистон ССР маҳаллий Советлари доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомда аник-равшан белгилаб берилган ва, назаримизда, бу комиссияларнинг ҳукукий статусига ҳам, замонавий талабларга ҳам тўлик жавоб беради. Бу ўринда сўз фakат уларнинг ўз ҳукукларидан тўлик фойдаланишлари, улар фаолия-

тини активлаштириш, иш форма ва методларини такомиллаштириш ҳақидагина бориши мумкин. Қишлоқ жойларида марказлаштирилган колхозлараро мактабгача тарбия бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф (77-бетга қаралсин) ҳам асослаб берилмаган.

Савдо хизмати ва умумий овқатланишнинг яхши йўлга қўйилганлиги маҳаллий Советлар ўз территорияларини социал ривожлантириш соҳасида муваффақиятли иш олиб бораётганлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Тегишли бобда (муаллифи Қ. Комилов) маҳаллий Советларнинг бу масалаларни ҳал этишдаги компетенцияси батафсил баён қилиниши билан бир қаторда савдо ва умумий овқатланишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилади.

Республика аҳолиси учун савдо хизматини ташкил қилишда матлубот кооперацияси анча катта ўрин эгаллайди. Андижон, Тошкент, Фарғона ва Хоразм областларида унинг жамиятлари маҳаллий советлар билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бориб, ўз хизматларидан аҳолини мамнун қилиш борасида муайян тажриба тўпладилар. Китобда шундай ҳамкорлик форма ва методлари яхши кўрсатиб берилган. Масалан, санаб ўтилган областларда матлубот кооперациясининг йиллик ва перспектив планлари территорияни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс планларига таркибий қисм бўлиб киради. Советлар бу планларнинг бажарилишини контрол қилиб борадилар. Умумий овқатланишни яхшилаш учун ҳам кўп ишлар қилиняпти. Муаллиф конкрет мисоллар асосида умумий овқатланишни ривожлантиришга Советлар раҳбарлиги формаларини, бу масаланинг сессияларда ҳамда ижроия комитетлари, доимий комиссияларнинг мажлисларида муҳокама қилинишини кўрсатиб берган.

Бироқ китобда савдо ва умумий овқатланишнинг бир қатор муҳим проблемалари етарлича ёритилмаган. Ишнинг янги, прогрессив методларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва кооперативлар маҳсулотларини, ишлаб чиқариш чиқиндилари, қиёмига етказилмаган буюмлар ва материалларни сотиш, савдо тармоғини жойлаштириш ва ихтисослаштириш, савдо корхоналари томонидан қўшимча хизматлар кўрсатилиши, соҳа учун кадрлар тайёрлаш, умумий овқатланиш тармоғини кенгайтириш ва унинг корхоналарини оптимал равишда жойлаштириш, уларнинг санитария аҳволи, овқатлар сифати ва хилма-хиллиги, овқатланиш соҳасидаги кооператив хизматларининг роли ва бошқа проблемалар шулар жумласидандир.

Маълумки, савдо ва умумий овқатланишни яхшилашда улар устидан маҳаллий Советлар бошқа органлар билан биргаликда олиб борадиган доимий контрол муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадларда жамоатчилик вакиллари иштирокида комплекс текшириш ва рейдлар ўтказилади. Тақриз қилинаётган китобда ана шундай контролнинг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш вазифалари ҳам ўз аксини топмаган.

Китобнинг якунловчи боби (муаллифи Р. Матчонов) Советларнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашига бағишланган бўлиб, унда 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс программасининг мазмуни батафсил очиб берилади. Қишлоқда маиший хизмат сифатини яхшилаш масалаларига, хизмат кўрсатиш объектларини қуришда корхоналар иштирок этишининг, хизмат кўрсатиш янги турлари ва прогрессив методларини жорий этишнинг, кадрларни тайёрлаш ва улар муқим ишлаб қолишларига эришишнинг, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонунни маиший хизмат соҳасида амалга оширишнинг энг рационал йўллари ва формаларига катта эътибор берилган.

Шу билан бирга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришнинг конкрет йўллари етарли даражада тўлиқ очиб берилмаган, ҳал қилиниши кўп жиҳатдан маҳаллий Советлар позициясига боғлиқ бўлган «мушкул» проблемалар ўртага қўйилмайди. Янги, прогрессив иш формалари, хизмат турлари жорий этилиши хусусида ҳам муфассалроқ ҳикоя қилиб бериш, илғор тажрибани умумлаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, бевосита саноат корхоналарида маиший хизмат тармоғини кенгайтириш устида тўхталиш лозим эди. Доимий комиссиялар, депутатлар, уларнинг группалари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ҳузуридаги жамоатчилик асосида ишловчи маиший хизмат бўлимларининг роли жуда заиф кўрсатилган.

Боблар ўртасида ички мантиқий алоқа йўқлиги китоб яхлит тадқиқот эмас, балки айрим мақолалар тўпламидек тасаввур туғдиради. Буни бир қатор умумий қоидалар китобнинг ҳар бир бобида такрорланавериши ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, 30, 33, 47, 49, 59, 75, 79-бетларда маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетларига оид қоидалар келтириладики, уларни китобнинг муқаддима қисмида умумлаштирган ҳолда баён этса бўларди.

Асар асосан баёнчилик характерига эга. Кўпинча қонун ҳужжатлари, партия ҳужжатларининг тегишли қоидаларини қайд қилишга, масала тарихига, статистика маълумотлари ва ҳоказоларга урғу берилиб, тадқиқ этилаётган соҳаларда Советлар ўз фаолияти форма ва методларини такомиллаштириш борасида олиб бораётган жонли ташкилотчилик иши бир мунча

сояда қолган. Муаллифлар позитив характердаги бир қатор мисолларни қайд этиш билангина кифояланадилар, аслида эса вазифа ижобий тажрибани умумлаштириш ва шу асосда уни ёйишга доир тегишли тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

КПСС МҚ, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети — 1986 йил 25 июлда қабул қилган «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари маҳаллий Советлари ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори территорияларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда, социал масалаларни ҳал қилишда маҳаллий Советлар ҳуқуқи ва имкониятларини анча кенгайтирдики, муаллифлар бу қарордан етарлича фойдаланмаганликлари жиддий нуқсондир. Афсуски, бу ҳужжатнинг умумий қоидалари савдо ва умумий овқатланишни ривожлантиришда Советлар компетенциясига бағишланган боб охирида, унда ҳам конкрет практика билан боғламасдан санаб ўтилган, холос.

Китобда иккинчи даражали, баъзида эса тадқиқот объектига умуман алоқаси бўлмаган ахборот талайгина. Масалан, назаримизда, уй-жой-коммунал қурилишига бағишланган бобда турмуш даражасини ошириш тўғрисидаги мулоҳазаларнинг (35-бетга қаралсин) проблемани очишга ҳеч қандай нафи тегмайди, Ўзбекистондаги барча маҳаллий Советлар доимий комиссияларининг ва улар кўрнб чиққан масалаларнинг (74-бетга қаралсин), 1984 йилда ўтказилган сессияларининг ва уларда муҳокама қилинган проблемаларнинг (90-бетга қаралсин) умумий сони тўғрисида маълумот бериш ҳам шарт эмасди. Бундай мисолларни давом эттиравериш мумкин.

Терминологияда ҳам ноаниқликлар мавжуд. Масалан, 117-бетда «депутатлар комиссиялари» тушунчаси ишлатилганки, у аслида қонунан белгиланмаган бўлиб, фақат муомала тилида қўлланилади.

Кўрсатилган камчиликлар шундай муҳим комплекс проблемани тадқиқот объекти қилиб олган китоб қийматини анча туширган.

Г. ИНОМЖОНОВА,
юридик фанлар кандидати,
Тошкент олий партия мактабининг доценти.

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИНИНГ ЯНГИ КИТОБ ВА БРОШЮРАЛАРИ

Ленин В. И. **Ҳозирги куннинг асосий вазифаси.** 1988, 46 бет.

Ленин В. И. **Ёшлар союзларининг вазифалари.** (Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг 1920 йил 2 октябрь III Бутун Россия съездидаги нутқ). **Сиёсий таълим тўғрисида.** (Надежда Константиновна тезисларига мақолалар). **Қуидалнкдан саҳифалар.** 1988, 32 бет.

Ленин В. И. **Биз қайси меросдан воз кечамиз?** 1988, 50 бет.

Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 2. 1988, 912 с.

Тўпламга республика партия ташкилотларининг 1938—1959 йиллардаги муҳим ҳужжатлари кирган.

Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш ҳақида. Ҳужжатлар тўплами. 1988, 262 бет.

Тўплам «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунини, СССР Олий Советининг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги қарорини, шунингдек КПСС МҚ 1987 йил июнь Пленуми маъқуллаган КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг экономикани бошқаришнинг туб реформасини амалга оширишга ва марказий, республика ҳамда маҳаллий органлар фаолиятини қайта қуришга алоқадор қарорини ўз ичига олади.

Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. 1987, 334 с.

Китобда Ўзбекистон ССРни 1986 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек уларнинг 1913, 1924, 1940, 1960, 1970, 1980, 1985 ва бошқа йиллар билан қиёсий натижалари берилган. Бир қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича 1987 йилнинг план топшириқлари келтирилган. Йилномада хўжалик ва маданий қурилишнинг умумреспублика миқёсидаги натижаларидан ташқари Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигини ривожлантиришга доир маълумотлар келтирилади. Алоҳида жадвалларда 1985 йил маълумотларига илгари

эълон қилинган кўрсаткичларга нисбатан аниклик киритилган.

Узбекская ССР в цифрах в 1986 году. Краткий статистический сборник. 1987, 117 с.

Тўпламда 1986 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришга доир маълумотлар, шунингдек уларнинг 1970, 1980, 1985 ва бир қанча бошқа йиллар билан қиёсий натижалари берилган. Айрим ҳолларда 1985 йил маълумотлари илгари эълон қилинган кўрсаткичларга нисбатан аниқлаб чиқилган.

Қонун, дин, черков (Марксизм-ленинизм классикларининг фикрлари, КПСС, Ўзбекистон Компартияси, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг дин ва атеизм тўғрисидаги ҳужжатлари тўплами). 1987, 148 бет.

Китобга марксизм-ленинизм классикларининг атеизм, дин ва черков масалаларига оид назарий меросидан парчалар, КПСС ва Совет давлатининг динга, черковга муносабатини белгилаб берган партия ва совет ҳужжатлари, давлат ва норматив актлари киритилган.

Мысли о религии. 1987, 133 с.

Китоб марксизм-ленинизм классиклари, КПСС, Совет давлати, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоблари, революцион демократлар, қадимги замон ва ҳозирги давр олимлари, мутафаккирларининг дин ва черков ҳақидаги фикрлари мажмуасидир.

* * *

Гитлин С. И. **На переломном этапе.** 1988, 157 с.

Китобда КПСС XXVII съездининг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини амалга ошириш тўғрисида ҳикоя қилинади, партиянинг ҳозирги босқичдаги миллий сиёсати ёритиб берилади.

Октябрь фарзандлари. 1988, 33 бет.

Бу китобчага кирган очерклар авлодлар эстафетасини давом эттириб, гигант корхоналар қураётган, чўлларни обод қилаётган, космос сирларини очаётган, хуллас оталаримизнинг шонли анъаналарини янги мазмун билан бойитаётган замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Захаров О. А. **Бошланғич партия ташкилотида ҳужжат ишлари** (Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашридан таржима. М., Политиздат, 1986 й.). 1988, 198 бет.

Китобда партия ҳужжатлари билан ишлаш тажрибаси умумлаштирилган. Коммунистлар учётини йўлга қўйиш, ҳар хил справкалар тузиш, протоколлар, қарорларни расмийлаштириш, аъзолик взносини тўлаш, партияга қабул қилишга ва коммунистларнинг шахсий ишларини муҳокама қилишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш, ишларни планлаштириш, ҳисоботларни топшириш, меҳнаткашларнинг хатларини ҳисоб-китоб қилиб бориш ва кўриб чиқишга оид маълумотлар берилган.

Ислом ва атеизм. Саволлар ва жавоблар. 1987, 272 бет.

Китоб авторлари — Ўрта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон, Шимолий Кавказ республикалари ва мамлакатнинг бошқа регионлари олимлари, партия ходимлари СССР территориясида мусулмон ва бошқа динларнинг вужудга келиши, эволюцияси, тарқалиши, ислом ақидалари танқиди, шунингдек ҳозирги идеологик курашда унинг ўрни ва роли масалаларини, тоат-ибодат ва расм-русмлар практикасини, КПСС ва Совет давлатининг динга муносабатини, диний сарқитларни бартараф этиш, атеистик тарбияни такомиллаштириш форма ва методларини кўриб чиқади.

Илк қадамлар, муаммолар. 1988, 144 бет.

Китоб партия ходимлари, журналистлар, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг республика вақтли матбуотида илгари эълон қилинган қайта қуриш тўғрисидаги фикрларини ифода этувчи материаллардан иборат.

Петраш Ю. Г. **Несвященная «святость».** 1988, 69 с.

Брошюрада катта тарихий ва фактик материал асосида мусулмонлар сиғинувчи «муқаддас жойлар» тўғрисидаги ҳақиқат очиб берилади. «Муқаддас» Тахти Сулаймон тоғининг довруғи атрофида алоҳида гап юритилади.

Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. 1987, 135 с.

Бу жиноят қонунчилиги нормалари ҳамда мансабни суиистеъмол қилиш ва хўжалик жиноятлари билан кураш практикаси, шу жумладан мансабини ёки хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, қўшиб ёзиш ва давлат планларининг, хусусан пахтачилик соҳасида бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг бузиб кўрсатилишини, чайқовчилик, транспортдан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, қонунга хилоф равишда балиқ овлаш билан шуғулланишни, хўжасизликни анализ қилган мақолалар тўпламидир. Авторлар суд ишлари тажрибасида камчиликларни бартараф қилиш ва кўрсатилган жиноятларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарасини ошириш йўлларини кўрсатиб беради.

Под звездой Октября. Сборник документальных очерков. 1987, 90 с.

«Правда Востока» газетаси журналистлари қаламига мансуб очеркларда турли хил авлод ва касб кишилари ҳақида ҳикоя қилинади. Улар тақдири совет халқининг янги жамият қуришнинг турли босқичларидаги ишлари ва ғалабалари солномасига узвий равишда қўшилиб кетади.

ЖУРНАЛХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шу йилнинг 22 апрелида М. Т. Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институтида «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда институт ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчилари иштирок этдилар.

Конференцияда философия кафедрасининг мудири, доцент Н. Б. Бердиев, шу кафедра доценти Ш. Б. Саматов, КПСС тарихи кафедрасининг доценти А. И. Исаев, илмий коммунизм кафедрасининг мудири, доцент Р. Т. Турсунов, КПСС тарихи кафедрасининг доценти А. Ч. Чориев, илмий коммунизм кафедрасининг ўқитувчиси У. М. Мустафоев, ижтимоий фанлар ва ижтимоий касблар факультетининг декани, доцент Х. Х. Худойбердиевлар сўзга чиқишди.

Сўзга чиққанлар бир қатор танқидий фикр-мулоҳаза ва истаклар билдирдилар.

Журналда ижтимоий фанларнинг айрим йўналишлари, айниқса философия ва сиёсий иқтисод, ўзбек ҳамда регионда бошқа халқларнинг маданий мероси, миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ва бир-бирига таъсири ҳақида чуқур назарий мақолалар, қардош республикаларнинг иқтисодий ва социал-маданий масалаларни ҳал қилишдаги тажрибаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шахсга сиғиниш даврида асоссиз репрессия қилинган атоқли арбоблари тўғрисида материаллар, Ўзбекистон ССР ва унинг партия ташкилоти тарихига доир ғоят муҳим ҳужжатлар кам берилябти.

Журнал саҳифаларида қарши пропаганда суст олиб борилябти, бу масалага доир материаллар доим ҳам етарлича исботланмайди. Сўзга чиққанлар у қадар актуал, қизиқарли бўлмаган масала, майда темалар бўйича мақолалар босилаётганини, уларда янгилик кам бўлишини таъкидладилар.

Журнал ижтимоий фанларга оид материаллари билан, деб таъкидлашди сўзга чиққанлар, ижтимоий фанлар бўйича ўқув программалари ва ўқув қўлланмалари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан ҳозир анча оғир аҳволга тушиб қолган олий ўқув юртларининг ўқитувчиларига кўпроқ ёрдам бериши керак. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси тарихига, илмий атеизм проблемаларига, республикадаги конкрет диний аҳволга доир янги материалларни кўпроқ бериш лозим. Ўзбекистоннинг иқтисодий, социал ва маданий ривожланиши тўғрисида махсус рубрика остида статистика маълумотлари бериб борилса, бу идеология активига катта ёрдам бўларди. Конференция иштирокчилари редакцияга авторлар доирасини ёш,шу жумладан, республика областларида ишлаётган истеъдодли тадқиқотчилар ҳисобига мунтазам кенгайтириб боришни таклиф қилдилар.

Учрашув пировардида журнал редакцияси танқид ва библиография бўлими редактори Ш. Холмуродов конференция иштирокчиларининг саволларига жавоб берди.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 8.06.1988 й. Босишга рухсат этилди 1.07.1988 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,5. Тиражи 27099. Нашр № 55. Заказ № 3747.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

1

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси

8

АВГУСТ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 8
АВГУСТ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Социал адолат жамиятини, эркин ва тенг ҳуқуқли кишилар цивилизациясини барпо этиш мумкинлигини илмий асослаб берган марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаётийлигига ишончимиз комил. Биз революцион қайта қуриш давомида ҳам шунга амал қилмоқдамиз. Биз конференциямиз бошлаб бераётган унинг янги, ғоят муҳим босқичида ҳам шундай ҳаракат қилаверамиз!

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясидаги докладидан

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

1988 йил 28 июнь—1 июлда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси ишчанлик вазиятида, ленинча анъаналар руҳида бўлиб ўтди.

Бундан аввалги конференция 47 йил муқаддам ўтказилган эди. КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан чақирилган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ва мамлакат учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган: қайта қуришнинг дастлабки якунлари қандай, унинг йўлида турган ғовларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак, революцион янгиланиш жараёни муқаррар бўлиб қолиши учун нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб бериш учун қайта қуришнинг бурилиш босқичида бошланди.

Конференциядан олдин КПСС Марказий Комитетининг Тезислари юзасидан самарали ва рўй-рост мунозаралар бўлиб ўтди. Мунозаралар давомида коммунистлар ва партиясизлар совет жамиятини янада жипслаштириш ва бирлаштиришга, қайта қуришни кучайтиришга қаратилган кўплаб амалий таклиф ҳамда танқидий мулоҳазалар билдирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг топшириғига биноан конференцияни КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев очди. У шундай деди:

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциямизга беш минг делегат сайланган. Конференцияга 4 минг 991 делегат келди. Қолган делегатлар узрли сабабларга кўра қатнашишмаяпти. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғига биноан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси очиқ деб эълон қилинади.

Биз Президиумни, Секретариатни, редакцион ва мандат комиссияларини сайлашимиз зарур. Кеча делегациялар вакилларининг кенгаши мажлис ўтказди. Ана шу органларнинг состави хусусидаги таклифлар ишлаб чиқилиб, сизларнинг кўриб чиқишингиз учун ҳавола этилди. Аввало конференциянинг Президиуми тўғрисида. Зўр масъулият юкланаётган конференциямизнинг характеридан келиб чиқиб, биз катта ишни бажаришимиз лозим. Конференцияда ишчанлик кўпроқ бўлиши керак.

Делегатлар конференциянинг 112 кишидан иборат Президиумини сайладилар.

Ўртоқлар, деб давом қилди М. С. Горбачев, бизнинг Президиум составига Эстония партия ташкилотининг секретаридан ташқари барча республика партия ташкилотларининг секретарлари кирганлигига эътибор берган бўлсангиз керак, чунки ўртоқ Вяляс конференцияга делегатлар сайлаб бўлингандан кейин Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланганди. Биз кеча маслаҳатлашдик ва сизларнинг муҳокамангизга қуйидаги таклифни киритамиз: бизда барча партия ташкилотларининг вакиллари бўлиши учун ўртоқ Вяляс мандат бериш ҳуқуқи бор. Биз сизлар билан шундай ҳуқуққа эгамиз.

В. И. Вяляс якдиллик билан конференция делегати ва Президиум аъзоси этиб сайланади.

Сўнгра конференциянинг бошқа раҳбар органлари — Секретариат, Редакцион ва Мандат комиссиялари якдиллик билан тузилди.

Конференция очилиши кунидаги эрталабки мажлисга раислик қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев конференциянинг КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида тасдиқланган кун тартибини эълон қилади:

1. КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ҳамда партия ташкилотларининг қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида.

2. Партия ва жамият турмушини янада демократиялаш тадбирлари ҳақида.

Конференциянинг кун тартиби ва иш тартиби тасдиқланади, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ҳам, иккинчи масала юзасидан ҳам битта доклад қилиш тўғрисидаги таклиф қабул этилади.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига доклади учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток М. С. Горбачевга сўз берилади.

М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» қилган докладини делегатлар зўр эътибор бериб тингладилар ва доклад қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Докладни муҳокама қилишда 65 делегат қатнашди. Конференцияда сўзга чиққан делегатларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди, залдан луқмалар, хитоблар, эътирозлар эшитилиб турди.

Делегатлар резолюциялар лойиҳасини тайёрлаш комиссияларини сайладилар.

Конференция делегатлари ўртага қўйган бир қанча принципиал масалалар хусусида КПСС Марказий Комитети Бош секретари — «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий система ислоҳоти тўғрисида» резолюциялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси М. С. Горбачев сўзга чиқиб изоҳ берди.

Ўрток М. С. Горбачев конференция президиумига тушган бир қатор саволларга жавоб берди.

Делегатлар конференциянинг қуйидаги резолюциялари лойиҳаларини муҳокама қилдилар:

«КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида».

«Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида».

«Миллатлараро муносабатлар ҳақида».

«Ошкоралик тўғрисида».

«Ҳуқуқий ислоҳот ҳақида».

Комиссияларда муҳокама қилинаётган ҳужжатлар юзасидан мунозараларда 150 киши сўзга чиқди.

Комиссиялар раислари: КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико конференция Резолюцияларини тайёрлаш комиссиялари иши тўғрисида маълумот бердилар.

Резолюциялар лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг тузатиш ва қўшимчалар билан қабул қилинди.

Ўрток М. С. Горбачев конференцияда якунловчи нутқ сўзлади. Конференция президиумининг топшириғига мувофиқ М. С. Горбачев «Мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»ги Резолюцияни қабул қилишни таклиф этди. Резолюцияни делегатлар бир овоздан қабул қиладилар.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ёпиқ деб эълон қилинди.

Партия гимни — «Интернационал» янграйди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРНШ ВАЗНФАЛАРИ ТЎҒРИСНДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида 1988 йил 28 июнда қилган доклади

Делегат ўртоқлар!

Партия ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида мамлакатимизда авж олиб кетган революцион қайта қуришни қандай қилиб кучайтириш ва муқаррар қилиш керак, — биз, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегатлари олдида турган туб масала мана шундан иборат.

Бу масалани ҳаётнинг ўзи ўртага қўйди. Бу масала партияда ва халқ орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Партия совет жамияти тараққиётининг янги босқичида сиёсий авангард ролини бажаришга қодирми ёки йўқми эканлиги бизнинг шу масалага нақадар тўғри жавоб беришимизга боғлиқ бўлади.

Турмушимиздаги сўнгги уч йилни тўла ҳуқуқ билан бурилиш йиллари дейиш мумкин. Мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда кризис томон боришини тўхтатишга партиянинг, меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари туфайли муваффақ бўлинди. Энди жамият ўз ўтмишини, ҳозирги кунини ва келажагини яхшироқ билиб, тушуниб турибди. Аниқ-равшан социал-иқтисодий программаларда батафсил белгилаб берилган қайта қуриш сиёсати миллион-миллион кишиларнинг амалий иши бўлиб қолмоқда. Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг моҳияти мана шундан иборат.

Жамиятнинг руҳи нақадар кўтарилганини кўриб турибмиз. Мамлакатнинг маънавий турмуши янада хилма-хил, мароқли ва сермазмун бўлиб қолди. К. Маркс билан В. И. Лениннинг яқин вақтларгача ё бир томонлама идрок этилган ёки бутунлай тилга олинмай қўйилган кўпгина ғоялари янгича талқин этилмоқда. Илмий, инсонпарвар социализмнинг ижодий негизи догматизмга қарши курашда қайтадан бунёд этилмоқда.

Одамлар ўз масъулиятини ҳис этиб олдилар, лоқайдлик ва бегоналашувдан халос бўлмоқдалар. Янгиланиш шабадаси халқнинг маънавий соғломлигини чиниқтирмоқда. Демократиялаш фикрлар, ҳис-туйғулар, ташаббусларнинг кудратли оқимини жўш урдирди. Ҳақиқат ва ошкораликнинг қарор топиши ижтимоий муҳитни покламоқда, одамларни руҳлантирмоқда, онгга эрк бермоқда, актив фаолиятни рағбатлантирмоқда.

Ўртоқлар, бу ёрқин, жозибадор жараёндир, жамиятимиздаги жамики софдил, илғор кучлар шу жараёнга қўшилмоқдалар. Революцион янгиланиш кучлари жипслашмоқда. Одамлар қайта қуришга ишонч ҳосил қилдилар, улар муттасил олға ва фақат олға ҳаракат қилишни талаб этмоқдалар.

Ишчилар синфи юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқда. Турмушимизга одатдан ташқари янги ва мураккаб жараён кириб келган бир пайтда у яна ўзининг ажойиб сиёсий ва ахлоқий фазилатларини намойиш қилмоқда, ишларга давлат манфаатларини кўзлаб чинакам гражданларча ёндашмоқда, қайта қуришни қўллаб-қувватлашини меҳнатда ифодаламоқда. Ишчилар синфининг бу позицияси партияга революцион ўзгартишларни дадил ўтказавериш имконини беради.

Деҳқонлар зўр манфаатдорлик билан фикр билдирдилар. Улар қайта қуриш соҳасида нақадар зўр куч-ғайратга эга эканликларини колхозчиларнинг съезди кўрсатди. Қишлоқ хўжалигидаги қайта қуриш жонкуярлари дадиллик билан янги иш усулларига ўтмоқдалар, илм-фан, самарали технология билан қуролланмоқдалар, янги иш манфаатлари йўлида тажриба қилиб кўриш, излаш, ҳатто таваккал иш тутишга, ўзлари учун ва Ватан манфаатлари йўлида тўла самарадорлик, масъулият ва омилкорлик билан ишлашга тайёр эканликларини намоён этмоқда.

Қайта қуриш Лениннинг зиёлиларнинг социал сезгирлиги, ўткирлиги, уларнинг ижтимоий ўзгаришларга ҳозиржавоб эканликлари тўғрисидаги маълум фикрини тасдиқлади. Улар партиянинг жамиятнинг интеллектуал, маънавий куч-қудратини қайта қуришга тўла-тўкис хизмат қилдириш тўғрисидаги даъватига лаббай, деб жавоб бердилар. Зиёлилар XXVII съезд берган ҳақиқат сабоғини сидқидилдан қўллаб-қувватладилар. Партиянинг кейинги уч йил мобайнида қабул қилган қарорларини зиёлилар чуқур тушуниб маъқулладилар.

Шундай қилиб, бутун ижтимоий муҳит ўзгарганлиги, янгиланиш ғоялари моддий тус ола бошлаганлиги, партиянинг қайта қуриш йўлини совет халқи тобора кучлироқ қўллаб-қувватлаётганлиги — апрелдан кейинги даврнинг асосий сиёсий якунидир.

Аммо бу ҳамма жойда яхшиланиш сари силжишлар жўшқин содир бўлмоқда, революцион ўзгартишлар муқаррар тус олди, деган маънони билдирадими?

Йўқ, бу маънони билдирмайди. Агар биз реаллик заминида туришни истасак, ҳозирча бундай бўлгани йўқ, деб тан олишимиз керак, ўртоқлар. Ҳали биз тўғаноқ солишнинг чуқур сабабларини бартараф этганимиз йўқ, янгиланиш омилларини ҳамма жойда ҳам ишга солганимиз, айрим соҳаларда эса бундай омилларни ишлаб чиққанимиз ҳам йўқ. Кўпгина партия ташкилотларининг иш қобилияти ҳали қайта қуриш вазифалари даражасида эмас. Тараққиётимизга янги сифат ўзгаришларини бахш этиш керак, бу эса таг-заминли қарорларни, фаол ва ташаббускор ҳаракатларни талаб этади.

Ҳозир олдимизда кўпгина мураккаб масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Аммо бу масалаларнинг қайси бири энг муҳим? КПСС Марказий Комитетининг фикрича, сиёсий системамизни ислоҳ қилиш мана шундай энг муҳим масаладир.

Марказий Комитет конференцияга Тезисларда ўз платформасини баён этиб берди. Бу Тезисларда ҳамма саволларга тайёр жавоблар қайтариш вазифаси қўйилмаган эди. Муҳокама давомида янги ғоялар ва таклифлар вужудга келишини, конференция бу ғоя ва таклифларни эътиборга олиши мумкинлигини назарда тутган эдик. Шундагина конференциянинг қарорлари бутун партия билан халқ коллектив ижодкорлигининг ҳақиқий натижаси бўлади.

Шу тарика конференциямизнинг сиёсий мўлжали — ленинча анъаналар руҳида ва орттирилган тажрибага таяниб, Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейинги даврни ҳар томонлама ва танқидий идрок этишдан, ўзгартишларимиз стратегиясини бойитиш ҳамда тактикасини равшанлаштиришдан, қайта қуришни муттасил ривожлантиришни ва унинг муқаррарлигини таъминлайдиган йўлларни, иш шакллари ва усулларини белгилаб беришдан иборатдир.

I. ҚАЙТА ҚУРИШНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК ВА ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

1. Эришилган натижаларни ўз-ўзини танқид асосида баҳолайлик

Ўртоқлар! Революцион янгиланиш жараёни турмушнинг ҳал қилувчи соҳаси — экономикага тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Биз халқ хўжалигини бошқариш системасини ўз мақсадлари ва миқёслари жиҳатидан чуқур, чинакам тубдан ислоҳ қилишга киришдик. Экономика

бошланғич бўғинларининг анчагина қисми давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини ўзлаштирмоқда. СССРда кооперация тўғрисида яқинда қабул қилинган Қонун мамлакат экономикасида йирик кооператив секторни вужудга келтириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида кооперациянинг хилма-хил шаклларини кенг жорий этиш йўлини очади.

Ижтимоий мулкнинг афзалликларини инсоннинг шахсий манфаати билан, унинг ишга омилкорлик муносабати билан, гражданларча ўзини ўзи қарор топтириши билан бирга қўшиш имконини берадиган пудрат ва ижара асосидаги меҳнат, ички ишлаб чиқариш муносабатлари қайта қурила бошлади. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга сезиларли омил бахш этилди.

Принципиал характердаги бир қанча йирик қарорлар қабул этилди, халқ хўжалиги ва социал соҳанинг асосий тармоқларидаги йўналишларни белгилаб берган бу қарорлар турмушга татбиқ этилмоқда.

Экономика иш суръатини тобора кучайтирмоқда. Ўтган йили миллий даромад ўсишининг ҳаммаси биринчи марта меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари яна ўса бошлади: шу беш йилликнинг икки йили мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 4,6 процент кўпайди.

Ўн биринчи беш йилликка нисбатан уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш йилига 15 миллион квадрат метр оша бошлади. Биз халқ маорифини ва соғлиқни сақлашни қайта қуришга жиддий киришдик. Туғилиш кўпайди ва ўлим камайди, бу эса ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши кураш билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу йил ҳам социал-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш тенденцияси ривожланмоқда. Миллий даромад моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган кишиларнинг мутлақ сони қисқаргани ҳолда, планда кўзда тутилганидан кўра тезроқ кўпаймоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ўсмоқда, бу эса товар обороти ҳажми юзасидан белгиланган беш ойлик топшириқни бажариш имконини берди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллар 5,9 процент кўп сотилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 13,5 процент кўпайди.

Уй-жой ва социал-маиший объектлар қурилиши жадаллашди. Квартиралар ва уйлар қуриш 6 процент, умумий таълим мактаблари қуриш 22 процент, мактабгача тарбия болалар муассасалари, клублар ва маданият уйлари қуриш салкам учдан бир ҳисса, касалхоналар қуриш икки баравар кўпайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси — қайта қуришнинг яққол кўриниб турган самараларидир. Аммо биз, ўртоқлар, ўзимизга ўзимиз танқидий назар билан қарашимиз, ҳамма ижобий жиҳатларга қарамай, экономикадаги ишларнинг аҳволи, айниқса пировард натижа — халқнинг турмуш даражасига қараб фикр юритилганда, секинлик билан ўзгараётганини яққол кўришимиз керак.

Бунинг сабаблари нимада?

Ўртоқлар, шуни рўй-рост айтиш керакки, биз ўтган йиллардаги бузилишлар ва турғунликнинг бутун чуқурлиги ҳамда оғирлигига етарли баҳо бермаган эканмиз. Кўп нарсани тузукроқ билмаган эдик ва экономиканинг ҳар хил соҳаларидаги ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аввал бошда тасаввур этилганидан кўра жиддийроқ бўлиб чиққанини эндигина кўриб турибмиз.

Вазият нақадар жиддийлигини, жумладан, мамлакатнинг молиявий аҳволидан кўриш мумкин. Кўп йиллар мобайнида давлат бюджетининг харажатлари даромадлардан тезроқ ошиб борди. Бюджетнинг камомади бозорга тазйиқ қилади, сўмнинг барқарорлигига ва бутун пул муомаласига путур етказади, пулнинг қадрсизланиш жараёнларини келтириб чиқаради.

Шундай бўлса-да, ўтмиш хатолари ва аччиқ сабоқлари ҳақида гапирганда, биз ўзимизга, ҳозирги ишларга салафларга бўлгандан кўра ҳам қаттиққўлроқ ва принципиалроқ ёндашишимиз, кейинги уч йил мобайнидаги фаолиятимизнинг муваффақиятларинигина эмас, улар билан бирга хатолари ва сабоқларини, қайта қуриш жараёнида йўл қўйилган хатолар ва нуқсонларни ҳам таҳлил этишимиз керак. Мана шу нуқтаи назардан ўз-ўзини танқид асосида айтиш керак: уч йил

мобайнида биз қайта қуришнинг асосий йўналишларида, аввало экономикамизнинг самарадорлигини ошириш, унинг пировард натижаларини яхшилаш соҳаларида қилганимиздан кўра анча кўп иш қила олишимиз мумкин эди.

Чунки мамлакат ҳозир ҳам миллий даромад бирлиги ҳисобига ёқилғи, электр энергия, металлни анча кўп миқдорда сарфлаб келаётганлиги факт-ку, ахир. Ресурслар кўп ҳажмда ишлаб чиқарилишига қарамай, улар тақчиллигининг, бу эса хом ашё ва ёқилғи-энергетика базасини кучайтириш учун тобора янги маблағлар сарфлашга мажбур этаётганлигининг сабаби мана шундан келиб чиқади.

Мана шу ёмон гирдобдан чиқиб олиш учун биз фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, бутун халқ хўжалигимизни реконструкция қилишнинг ҳал қилувчи шарти бўлмиш мамлакат машинасозлигини тубдан модернизация қила бошладик. Буни мислсиз программа деса бўлади. Шу сабабли у бекиёс куч-ғайрат сарфлашни ҳам талаб қилади. Машинасозликнинг ўзидагина эмас, химия саноатида, металлургияда, бошқа тармоқларда ва албатта, илмий тадқиқотлар ҳамда ишланмалар соҳасида ҳам мана шундай куч-ғайрат сарфланиши лозим. Бу соҳадаги ишлар авж олдириб юборилган бўлса ҳам, бироқ бу ишлар ҳали ўртага қўйилган вазифаларнинг миқёсларига мос эмас, айниқса микроэлектроника, компьютер техникаси, янги материаллар ҳосил қилиш каби пешқадам йўналишларда секинлик билан олиб борилмоқда. Бунинг учун СССР Министрлар Советининг Машинасозлик бюроси ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитети, тармоқнинг раҳбар кадрлари бевосита жавобгардирлар. Экономикадаги структура силжишлари ҳам умуман суст давом этмоқда. Бунинг маъноси эса шундан иборатки, экономикада ўтмишда тўпланиб қолган муаммоларнинг кўпи ҳали ҳам сақланиб турибди. Аммо шунинг ўзи ҳам экономикага раҳбарликка ҳозирги ёндашувларнинг ифодасидир.

Яна бир гап. Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь Пленумида узоқ муддатли стратегик мақсадларга эришишни халқнинг энг зарур эҳтиёжларини имкони борича яхшироқ қондириш билан қўшиб олиб бориш лозимлиги ҳақида гапирилганлиги эсингизда бўлса керак. Структурани қайта қуриш, туб иқтисодий ислоҳот — таг-заминли жараёнлардир. Бу жараёнлар вақтни, кўп куч-ғайрат ва маблағни талаб қилади. Биз шу вазифаларни амалга ошириш билан айни бир вақтда халқ фаровонлигини юксалтиришнинг кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ҳам зудлик билан ҳал қилишимиз керак. Бу йўл партия XXVII съездининг тараққиётимизнинг социал йўналишини кучайтириш тўғрисидаги йўл-йўриқларидан тўла-тўкис келиб чиқади.

Хўш, бу вазифалар қандай ҳал этилмоқда?

Гапни озиқ-овқат муаммосидан бошлай қолай, чунки бу жамиятимиз турмушининг энг нозик жиҳати, энг ўткир муаммоси бўлиб турибди.

Бу соҳада муайян силжишлар бор. Аммо булар бизни қаноатлантира олмайди. Аслида, озиқ-овқатни кўпайтириш соҳасида биз эришган ютуқлар кўп жиҳатдан аҳолининг ўсиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қоплашга кетди. Бунинг маъноси шуки, ўртоқлар, бизга озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг бошқа, янада юқори суръатлари керак. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш чўзилиб кетишига маънавий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам тоқат қилолмаймиз.

Бу соҳада олға силжишга нега шу қадар узоқ вақт муваффақ бўла олмаяпмиз, деган ҳаққоний савол туғилади. Кўп сабабларнинг илдизлари ўтмишга бориб тақалиши, шубҳасиз Ўтмишда қишлоқни ривожлантириш негизлари жиддий равишда кўпорилган эди. Аммо бу нарса қишлоқ хўжалигида ҳозир йўл қўйилаётган камчиликларни асло оқламайди. Назаримда, ҳамма масалалар ҳал қилинди, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун колхоз ва совхозларга, районларга, областларга, республикаларга жуда кенг ҳуқуқлар бериб қўйилди, аммо ҳозирча кўнгилдагидек натижа йўқ. Бунинг устига, кейинги вақтлардаги кўпгина қарорлар тушунмаслик балосига бориб тақалмоқда, уларни амалга оширишда сусткашликка, турли-туман бюрократик тўғаноқларга, баъзан эса янгичасига ишлашни мутлақо истамаслик каби ҳолларга ҳам дуч келинмоқда.

Ҳатто табиий-иқтисодий шароитлари тенг бўлган кўпгина регионлар фаолиятининг натижаларидаги тафовутлар бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқлаб

турибди. Ишга зўр ғайрат билан киришилган, янги имкониятлардан чинакамига фойдаланилаётган жойларда аҳвол сезиларли равишда ўнглаб олинмоқда. Белоруссия, Литвани, Олтой ўлкасини, Белгород, Волгоград, Житомир, Липецк, Орёл, Хмельницкий, Целиноград областларини олиб кўринг. Бу жойларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муттасил ўсмоқда, бу эса озиқ-овқат билан таъминлашни сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Хўш, нега Белгород областида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга муваффақ бўлдилар-у, қўшни Курск областида нега бундай қилмадилар? Нега Целиноград областининг қишлоқ меҳнатчилари савдога гўшт, сут, сабзавот етказиб беришни кўпайтирдилар-у, Шимолий Қозоғистон областида ва бошқа баъзи қўшни областларда нега бундай қила олмадилар?

Бундай мисоллар, таъбир жоиз бўлса, қалашиб ётибди, ўртоқлар. Бунинг устига, Вологда, Калининград, Кировоград, Курган, Ярославль областларида, Қалмоқ автоном республикасида эса ҳатто кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш камайишига йўл қўйдилар. Ўзбекистон, Молдавия, Закавказье республикалари қишлоқ хўжалигида турғунлик ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Демак, кўп нарса ишга ёндашув, раҳбарликнинг омилкорлиги, хўжаликни янгича юритиш маҳорати замирида яшириниб ётибди.

Назаримда, озиқ-овқат етиштиришни яхшилаш йўлларини ҳамма жойда ва аввало, аҳвол ўзгармаётган ёки суст яхшиланаётган область ҳамда республикаларда давом эттириш керак. Бу ишни бутун халқ иштирокида — қишлоқ хўжалигининг аҳволини чуқур таҳлил этиш асосида қилмоқ керак.

Хўш, диққат-эътибор нималарга қаратилиши лозим? Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ижара ҳамда бошқа самарали усулларини ҳамма жойда кенг жорий этиш — озиқ-овқат мўл-кўллигига эришишнинг энг қисқа ва ишончли йўли эканини тажриба кўрсатиб турибди. Бу — ҳозирги аграр сиёсатнинг энг муҳим бўғинидир.

Нисбатан қисқа муддатларда ҳосилдорликни ва чорва маҳсулдорлигини тез ошириш, меҳнат унумдорлигини анча кўтариш, нобудгарчиликни камайтириш ва яхши сифатли маҳсулотлар бериш мумкинлигини ижарачи ва пудратчи коллективлар ишининг якунлари исботлади. Мамлакат озиқ-овқат муаммосини қачон ҳал этади, деган асосий саволнинг жавобини мана шу тажрибадан топиш мумкин, ўртоқлар. Ҳамма нарса биз одамларни қандай қизиқтиришимизга, ижарачи ва пудратчи коллективлар ишини йўлга қўйишимизга, қишлоқ меҳнатчиларини бу жараёнга нақадар кенг жалб этишимизга, деҳқонни ернинг ҳақиқий хўжайинига айлантиришимизга боғлиқ.

Шу билан бирга биз қишлоқ хўжалигининг ва озиқ-овқат саноатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлини давом эттиришимиз кераклиги ўз-ўзидан равшан. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ташиш, асраш ва қайта ишлашни яхшилаш тадбирлари кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар сирасига киради. Агар ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб, ташиб олсак, нобуд қилмай қайта ишласак, маҳсулотни истеъмолчига ўз вақтида етказиб беришга муваффақ бўлсак, далалар ҳосилдорлиги ва фермалар маҳсулдорлиги ҳозирги даражасининг ўзидаёқ озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини 20—30 процент кўпайтира оламиз.

Очиқ-равшан кўриниб турган шу резервдан фойдаланиш керак. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, асраш ва ташишни яхшилашнинг конкрет программасини ишлаб чиқиб, шу мақсадлар учун XII беш йилликнинг қолган йилларида ва ўн учинчи беш йилликка 77 миллиард сўм ажратдик. Энди ишни моҳирона ташкил этиш, бу ресурслардан самарали фойдаланиш, шу тариқа аҳволни қисқа муддатда қатъиян тузатиб олиш лозим.

Кооперацияни кенг миқёсда ривожлантириш, хўжалик ҳисобини, ижара пудратини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа илғор усулларини жорий этиш агросаноат комплексини бошқаришда туб ўзгартишларни объектив равишда талаб қилади. Районлар ва областларда ҳозирги тарздаги агросаноат органлари эскириб қолаётганлигини тажриба кўрсатди. Чамаси, турмуш тақозо этган йўлдан бормоқ керак, Тула ғаллакорларидан намуна олган кўпгина районлар, областлар ва республикалар шу йўлга ўтдилар. Бунда мен қўшма хизматлар ва бошқарув органларини тузиш учун колхоз ва совхозларнинг ихтиёрий бирлашувини назарда тутаман. Қишлоқ меҳнатчилари ўзларига қайси

бошқарув ва хизматни уюштириш усуллари кераклигини ўзлари яхширок биладилар.

Совет ва партия органларига келганда эса, уларнинг вазифаси қишлоқдаги қайта қуришда, бошқарув усулларини тубдан ўзгартиришда хўжаликларга ёрдам ва мадад беришдан иборат. Ишга халақит бераётган, янгилик йўлида ғов бўлиб турган ходимларни эса, колхозчиларнинг съездида айтилганидек, қатъият билан йўлдан суриб ташлаш керак.

Яна бир муҳим муаммога тўхталмоқчиман, биз қишлоқ хўжалигига қанча ресурс сарфламайлик, башарти, инсон ҳақида, унинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилинмаса, бу ресурслар муносиб самара бермайди. Қишлоқни социал жиҳатдан ривожлантириш ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Бу соҳада жамият қишлоқ аҳолисидан анчагина қарздор бўлиб қолмоқда. Кўпгина районларда уй-жой, социал-маданий шароитлар, қишлоқдаги тиббий хизмат паст савияда қолмоқда. Бунинг устига, қишлоқ уйларининг ободончилиги қониқарли эмас, энергия таъминотида, рўзғор техникасидан фойдаланишда қийинчиликлар бор, йўлларнинг ҳолати ёмон.

Ҳозирги беш йилликда қишлоқдаги социал соҳани яхшилаш юзасидан ҳар қачонгидан ҳам катта чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, мамлакатнинг Россия Ноқоратупроқ ўлкаси каби жуда муҳим регионида ўзгартишларнинг катта программаси амалга оширилмоқда. Қишлоқ меҳнатчилари яқин йиллардаёқ ҳамма жойда турмуш ва меҳнат шароитлари амалда ўзгарганини сезиб оладиган бўлишлари керак. Шу йўл келгусида ҳам изчиллик билан амалга оширилиши лозим. СССР Госплани ва Давлат агросаноат комитети ўн учинчи беш йиллик планини тайёрлашда мана шунга асосланишлари керак.

Хуллас, ўртоқлар, ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатнинг моҳияти қишлоқнинг ўзидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат. Биз шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий мувозанатни қайта тиклашимиз, колхоз ва совхозларнинг имкониятларини пудрат ва ижаранинг хилма-хил усулларини ривожлантириш орқали ҳар томонлама рўёбга чиқаришимиз, деҳқоннинг ердан бегоналашувини бартараф қилишимиз, уни тўла ҳокимиятли хўжайинга айлантириб, ҳар қандай буйруқбозликдан ҳимоя қилишимиз, қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш шароитини тубдан ўзгартиришимиз лозим. Агросаноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини шу асосдагина кескин ошириш, мамлакатдаги озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланишини йўлга қўйишимиз мумкин.

Уй-жой муаммоси ҳақида. Биз бениҳоя муҳим вазифани ҳал этишга — амалда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришдик. Бунинг учун 35 миллионтадан кўпроқ квартира ва уй қуриш кераклиги маълум. Гарчи уй-жой қурилишидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлаган бўлса-да, бу муаммо ҳамон жуда кескин бўлиб турибди, одамлар йиллар давомида квартира берилишини кутмоқдалар.

Шу муносабат билан биз алоҳида муҳим қарорлар қабул этдик — ишлаб чиқариш қурилишларига капитал маблағ сарфини камайтириб, давлат ресурслари ҳисобидан, шунингдек хўжалик ҳисобига ўтган меҳнат коллективларининг маблағларидан янги уйлар ва квартиралар қуриш миқёсларини анча кенгайтирдик. Кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш соҳасида амалий тадбирлар кўрилди. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, кооператив квартирага ёки ўз шахсий уйига эга бўлиш истагидаги кишиларнинг хоҳишини қондирмоқ керак. Шу мақсадда иморатларнинг ҳажми ва уларнинг қаватлари хусусидаги ҳамма тақиқлар ва чеклашлар олиб ташланди. Майли, одамлар ўз меҳнатлари билан топган маблағ эвазига ўзларининг бугунги ва келажакдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўзларига керакли иморатни қураверсинлар. Гражданларга ўзлари яшаб турган квартираларни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан давлатдан сотиб олиш имкониятини бериш тўғрисидаги кўпдан-кўп таклифлар ҳам ўринли, деб ҳисоблайман.

Уй-жой қурилишини жадаллаштириш юзасидан қабул қилинган қарорларни совет кишилари маъқуллайдилар. Иш ҳамма жойда яхшилик сари ўзгара бошлади, аммо янги муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Қурилиш ташкилотларининг ва бинокорлик материаллари саноатининг базасини ривожлантириш даражаси ошиб бораётган эҳтиёжларга мувофиқ келмаяпти. Шу сабабли бу соҳада областлар,

ўлкалар ва республикалардаги мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиб, кўп иш қилиш керак. Кўп нарса машинасозларга ҳам боғлиқ, улар қурувчиларга ҳамда бинокорлик материаллари индустрияси корхоналарига энг замонавий техника ва машина-ускуналарни етказиб беришлари лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини пайсалга солмай, амалий равишда ҳал этиш керак.

Ниҳоят, халқ истеъмоли молларига бўлган талабни қондириш, савдо-сотиқни ва хизмат соҳасини ривожлантириш ҳақида. Бу соҳада бошланган ўзгаришлар — моллар ва хизматларнинг таклиф қилиниши аҳолининг харид қуввати ўсишидан орқада қолаётганлиги, бунга мазкур соҳанинг қолоқлиги ҳам, унга бўлган муносабат ҳам кўп жиҳатдан сабаб бўлаётганлигидан иборат энг муҳим муаммони ҳал этмайди.

Кўп нарса енгил саноатнинг ишига боғлиқ. Ҳозир биз бу тармоқни ривожлантиришга кўп йиллар мобайнида менсимай қараб келинганининг азобини тортяпмиз. Унинг корхоналарида эскирган машина-ускуналардан фойдаланилмоқда, оғир қўл меҳнати кўп. Мана шуларнинг ҳаммаси унумдорликка, маҳсулотнинг миқдори ва сифатига, кадрларнинг барқарорлигига таъсир қилмоқда. Ҳозир бу соҳадаги аҳволни ўнглаб олиши лозим бўлган чора-тадбирлар кўрилди. Катта маблағ ажратилди. Корхоналар ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, ҳам чет эллардан сотиб олинган машина-ускуналардан фойдаланиб, модернизация қилинмоқда.

Аммо бошқа сабаблар ҳам бор. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш сусткашлик билан кўпайтирилиши кўп жиҳатдан иқтисодий механизмимизнинг яхши созланмаганлиги, рағбатлантирувчи омилларнинг заифлиги билан изоҳланади. Савдога узоқ муддат фойдаланиладиган молларни етказиб бериши лозим бўлган Иттифоқ министрликлари ва идораларининг кўпгина корхоналари буни иккинчи даражали вазифа, деб ҳисобламоқда, ҳар қандай баҳоналарни важ қилиб, бу вазифани ҳал этишдан бўйин товлашга уринмоқдалар.

Биз қисқа муддатларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган замонавий ва қудратли индустрияни вужудга келтиришимиз керак. Бу гап енгил саноатгагина тааллуқли бўлиб қолмай, шу билан бирга мудофаа заводларига, оғир индустрия корхоналарига ҳам тааллуқлидир. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва етказиб беришга бу корхоналарнинг қўшадиган ҳиссаси қатъиян кўпайтирилиши лозим. Бунда гап фақат миқдор кўрсаткичлари ҳақида эмас, сифат кўрсаткичлари ҳақида ҳам бормоқда.

Моллар ва хизмат билан таъминлаш учун маҳаллий органлар зиммасига алоҳида масъулият тушади. Республикалар ва областларда савдони маҳаллий имкониятлар ҳисобидан моллар билан мўл-кўл таъминлаш ишида ҳақиқий ташаббус ва омилкорлик кўрсатиш намуналари оз эмас. Шундай бўлса-да, кўпгина регионларда тайёрга айёрлик кайфиятлари, ҳатто ўз жойида бемалол ишлаб чиқариш мумкин бўлган молларга ҳам фондлар ундириб олишга уринишлар жуда кучли. Кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилган ҳозирги пайтда бундай позицияни кечириб бўлмайди. Буни ўз вақтида тушуниб олиб, зарур шарт-шароитлар яратилган жойларда натижалар яққол кўриниб турибди, янги-янги моллар ва хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Буни фақат табриклаш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, одамларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган бу ишга муносабатни марказда ҳам, жойларда ҳам тубдан ўзгартириш керак.

2. Туб иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга оширайлик

Ўртоқлар! Қайта қуришнинг боришини кўриб чиқа туриб, туб иқтисодий ислоҳот қандай амалга оширилаётгани ҳақидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқ керак.

Корхоналарнинг хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўзини ўзи бошқаришга ўтиши коллективларнинг ўз янги ҳуқуқларини ҳам, енгил бўлмаган масъулият юкини ҳам чинакамига ҳис этишларига имкон беради, гарчи

ислоҳот дастлабки қадамларнигина қўяётган, хўжалик юритиш янги методлари эса эндигина ўзлаштирилаётган бўлса-да, булар ҳозирдаёқ кўпгина ишлаб чиқариш муаммолари ва социал муаммоларни ҳал этишга, коллективлардаги бутун вазиятга ижобий таъсир ўтказа бошлади.

Янгича ишлаётган корхоналар бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан планнинг бажарилишинигина таъминлаб қолмай, шу билан бирга ўз иқтисодий кўрсаткичларини ҳам анча яхшилаб олдилар. Бу жуда диққатга сазовордир.

Аммо ҳозир ислоҳотнинг илк босқичи қийинчиликларидан сабоқ чиқариб олиш энг муҳим вазифадир. Практика шундай муаммоларни яққол кўрсатдики, улар янги иқтисодий механизмни шатакка олишга олиб келмоқда. Муайян даражада бу муаммолар шу механизмнинг ҳали ҳамма элементлари ҳам жорий этилмаганлиги, биз ислоҳотни, айтайлик, йўл-йўлакай, беш йиллик давомида, планнинг структуравий марралари белгилаб қўйилган шароитда, эскириб қолган нархлар, ресурсларни тақсимлашнинг аввалги марказлаштирилган методлари сақланиб қолган бир шароитда амалга ошира бошлаганлигимиз билан боғлиқдир.

Кўп нарсани мана шу билан изоҳлаш мумкин. Кўп нарсани, лекин ҳамма нарсани эмас. Мавжуд қийинчиликлар талай даражада хўжалик юритишнинг сийқа усуллари яшовчанлиги, экономикага раҳбарликнинг одатдаги буйруқбозлик-маъмурий методларини сақлаб қолиш муддаоси, бошқарув ходимларининг бир қисми янгиликка қаршилик қилаётганлиги сабабли юзага келган. Бир қанча ҳолларда эса биз ислоҳотнинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, янгича бошқарув формаларини эскича мазмун билан тўлдириш йўлидаги бевосита уринишларга ҳам дуч келмоқдамиз. Министрликлар билан идоралар ҳамма жойда ва ҳар қадамда корхона тўғрисидаги Қонуннинг мазмуни ҳамда руҳидан чекинишларга йўл қўймоқдалар, мана шу сабабли кўпгина хўжалик ходимларининг тан олишларича, бу Қонун тўлиқ рўёбга чиқарилмаяпти.

Корхоналарнинг шу йилги планларини ишлаб чиқиш тажрибаси айни мана шундан далолат бермоқда, бунда давлат буюртмалари ниқоби остида ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан мажбурий топшириқларнинг аввалги системаси амалда сақлаб қолинди. Бу — Госплан ва СССР Министрлар Совети доимий органлари томонидан тегишли назоратнинг йўқлиги, ҳатто уларнинг йўл қўйиб берганликлари туфайли министрликларнинг ўзбошимчалиги натижасидан бошқа нарса эмас.

Давлат буюртмалари орқали корхоналарни истеъмолчиларга манзур бўлмаётган маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур қилишаётганлигига эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Машъум «ялпи маҳсулот»ни таъминлаш учунгина уларни мажбур қилмоқдалар. Ҳатто «Уралмаш», «Алтайсельмаш», Кургандаги ғилдиракли шатакчи машиналар заводи, Боку шина заводи каби катта-катта коллективларга нисбатан ана шундай буйруқбозликка йўл қўйилди, жуда кўп ўрта ва майда корхоналар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳазрати «ялпи маҳсулот»га садоқат билан хизмат қилаётган кимсалар бизда ҳали нақадар кўп!

Бу ҳол ислоҳотнинг моҳиятига тубдан зид бўлиб, экономикамизни боши берк кўчага олиб кирган ўша бошқариш методларини саклаб қолиш билан баробар эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эндиликда аввалги тартибларга сира ҳам қайтилмаслиги ҳаммага равшан бўлиши керакдек эди. Шунга қарамай, ҳозир ҳам агар корхонага план билан «тазйиқ» ўтказилмаса, у гўё иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга интилмай қўяди, деган фикрларни эшитишга тўғри келмоқда. Бир қарашда бу фикр-мулоҳазаларда қандайдир маъно бордек туюлади. Аммо реал турмуш бошқа нарсадан далолат бериб турибди. Бир фактни келтириб ўтаман, холос.

Кўплар корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш директив кўрсаткичлар доирасини торайтириш, план кўрсаткичларининг пасайишига ва беш йиллик топшириқларини қайта кўриб чиқиш заруратига олиб келади, деб хавотирланган эди. Дарҳақиқат, тўла хўжалик ҳисобига ўтган саноат корхоналари шу йил учун қабул қилган фойда олиш планларидаги жами маблағ миқдори контрол ра-

камлардагига нисбатан 4,5 миллиард сўм кам бўлди. Эскича методларнинг баъзи ашаддий тарафдорлари: фақат иқтисодий воситалар ва омилларгагина умид боғлашга интилиш мана нимага олиб келади, деб ичи қоралик билан суюндилар.

Амалда эса иш қандай борди? Иш шундай бордики, мазкур корхоналар шу йилнинг беш ойи ичида фойда олиш планларини 2,5 миллиард сўмлик ошириб бажардилар. Тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган меҳнат коллективларида фойда олишнинг ўсиши эскича ишлаётган корхоналардаги 10,2 процент ўрнига 12,8 процентни ташкил этди. Бунда шу нарса муҳимки, фойдани оширишга асосан таннархни арзонлаштириш, моддий сарф-харажатларни камайтириш ҳисобидан эришилди.

Бу натижа кейинги вақтда бизнинг экономикамиз учун, тўғрисини айтсам, жуда одатдан ташқари натижадир. Бу натижа эътибор билан ҳар томонлама ўрганишга арзийди. Шу хусусда нималарни айтиш мумкин? Афтидан, иқтисодий механизмда корхоналарнинг яна ҳам юқорироқ план топшириқларини қабул қилишлари учун самарали омиллар ҳали вужудга келтирилмагандир. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак. Аммо, ўртоқлар, бизга охир оқибатда пировард натижа муҳим-ку, ахир. Модомики, хўжалик механизми ишлай бошлаб, реал натижаларни яхшилашни таъминлаётган экан, бу айни муддаонинг ўзи-ку. Ибратли сабоқ! Бу нарса, ниҳоят, план органларини планлаштиришга ёндашувларни қатъиян қайта кўриб чиқишга, асосий эътиборни «план билан тазйиқ ўтказиш»дан иқтисодий воситалар ва омилларга қаратишга ундаши лозим.

Ўртоқлар, иқтисодий ислоҳотнинг бориши КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг доимий эътиборига муҳтож эканлигини тажриба кўрсатиб турибди. Давлат буюртмаси ғоясининг бузилганлигини улар кечикиб пайқаганлигини эътироф этиш керак. Олинган сигналларга ўз вақтида ва тегишли тарзда баҳо берилмади. Энди бу хато тузатилмоқда. Яқин вақт ичида давлат буюртмаларини қўлланиш тартиби тўғрисида ҳукуматнинг махсус қарорлари қабул қилинади.

Ислоҳотнинг илк босқичида иқтисодий нормативларни тузиш масалалари ҳам меҳнат коллективлари билан бошқарув органларининг диққат марказида бўлди. Бунда ҳам министрликлар ва идораларнинг корхоналарга нисбатан буйруқбозлик одатларини сақлаб қолиш йўлидаги уринишлари намоён бўлди. Кўпгина министрликлар шундай нормативларни белгилашга ҳаракат қилдиларки, мазкур нормативлар ёрдамида аввалгидек маблағларни яхши ишлаётган корхоналардан кам самарали корхоналар фойдасига қайта тақсимлаш имкониятини сақлаб қолмоқчи бўлдилар.

Эҳтимол хўжалик ҳисоби ва ўз харажатини ўзи қоплаш йўлига ўтаётган меҳнат коллективларининг ишни энди бошлаётган пайтдаги имкониятлари турлича эканлигини эътиборга олганда ҳозир бундай қайта тақсимлашни муайян даражада изоҳлаш мумкиндир. Аммо нормативларнинг асосий вазифаси бошқа нарсада-ку, ахир, яъни даромадларнинг пировард натижалар билан бевосита боғлиқлигини шундай таъминлаш кераккки, коллектив иш сифатининг ҳар қандай яхшиланиши унинг даромадлари оширилиши билан рағбатлантириладиган бўлсин. Биз тайёрга айёрликнинг ҳар қандай ошкора ёки яширин формаларига, ёмон ишлаб баҳузур яшаш имкониятига тоқат қила олмаймиз. Текисчилик психологиямизга ва хўжалик практикамизга жуда мустаҳкам ўрнашиб қолган-да, ўртоқлар! Уни эшикдан ҳайдасанг, тешикдан кириб келяпти, деса бўлади.

Иш ҳақини ислоҳ қилиш давомида ҳам биз худди шундай муаммога дуч келмоқдамиз. Унинг дастлабки натижалари умидбахш кўринади. Янгича шароитга ўтган коллективларда меҳнат унумдорлиги ошди, унга ҳақ тўлаш кўпайди. Аммо бунда ҳам текисчилик таслим бўлаётгани йўқ. Яхши ходимларни муносиб равишда мукофотлаш ва дангасалар, бракчилар, ишёқмасларнинг маошини камайтириш ҳуқуқини олган бўлишларига қарамай, корхоналар ундан журъатсизлик билан, бирон кишини ранжитиб қўймасак эди, деган принципга амал қилган ҳолда фойдаланмоқдалар.

Меҳнат коллективларининг фаолиятида биз турғунлик давридан мерос қолган ёндашувларни ҳозирча бартараф этганимиз йўқ. Ана шундай ёндашувлар чоғида

ижодий, юксак самарали, баъзида эса ноёб меҳнат намунасини кўрсатаётган ишчилар, техниклар, инженерларнинг иш ҳақи сунъий равишда чеклаб қўйилмоқда. Бу хусусдаги баъзи норматив актларга ҳам танқидий муносабатда бўлиш зарур. Меҳнат коллективларининг фаолиятидагина эмас, балки улардаги барча бўлинмаларнинг фаолиятида ҳам, ҳар бир иш жойида ҳам хўжалик ҳисоби принципларини изчиллик билан амалга ошириш — текисчилик тенденцияларини таг-томири билан тугатишнинг энг самарали йўли эканлигини наҳотки ҳали ҳам исботлаш лозим бўлса?

Оддий қилиб айтганда, ислоҳот деярли ҳар бир меҳнаткашнинг шахсий манфаатларига чуқур дахл қилмаса, унинг жонажон иши бўлиб қолмаса, бундай ислоҳот ишга тушмайди биз умид боғлаётган натижаларни бермайди.

Кооператив ҳаракатни кенг авж олдириш — туб иқтисодий ислоҳотнинг бош йўналишларидан биридир. Колхозчиларнинг съездида ҳам, кооперация тўғрисидаги Қонунни тасдиқлаган Олий Совет сессиясида ҳам бу масалалар етарлича муфассал муҳокама қилинди. Шу тариқа биз кооперацияни бутун чоралар билан ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни асосан вужудга келтириб бўлдик. Марказий Комитет кооператив ҳаракатни юксалтириш жамиятнинг кўпгина ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал этиш учун кенг имкониятлар очади, деган фикрга асосланмоқда.

В. И. Ленин кооперацияга қандай аҳамият ва роль берган бўлса, биз ҳам кооперацияни ривожлантиришга худди шундай аҳамият ва роль бахш этдик. Ҳозир асосий эътибор амалий ишлар соҳасига қаратилмоқда. Зотан, меҳнаткашларнинг кооперация асосида қайта қуриш ишига тобора кўпроқ ҳисса қўшиш муддаосини ҳарчанд қўллаб-қувватлаш Советларнинг, партия ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Ўртоқлар! Бошқарув аппаратида консерватизм шу қадар яшовчан бўлмаганида иқтисодий ислоҳот анча яхшироқ амалга оширилиши мумкин эди. Буйруқбозлик ва маъмуриятчилик ўз позицияларига зўр бериб ёпишиб олмоқда. Биз ислоҳотни амалда рўёбга чиқариш давомида қолоқ кучларнинг қаршилигини реал равишда сезиб турибмиз, бундай қаршилик эса баъзида чалакам-чатти, муросасозликдан иборат, баъзан хато қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда.

Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш ниқоби остида министрликларнинг аввалги бюрократик бош бошқармалари системасини қайта тиклашга уриниб кўрилганлиги факт-ку, ўртоқлар. Шундай йўл билан мустақил корхоналарнинг ихтиёрий бирлашуви ғоясини идоравий ғовларни сақлаб қолган ҳолда ва бошқарув аппарати ҳаддан зиёд бўлган қаттиқ марказлаштирилган ташкилот билан алмаштирмоқчи бўлдилар.

Демократиялаш ва иқтисодий ислоҳот шарт-шароитларига мос бўлиб тушаётган янги бошқарув формаларини қабул қилмаётган ходимлар марказда ҳам, жойларда ҳам ҳали оз эмас.

Иттифоқ ҳамда республика министрликлари ва идораларининг бошқарув аппаратини, область ва ўлка бошқарув органларини қисқартириш чоғида ҳам шу нарса намоён бўлди. Хўш, бунга нима дейиш керак? Биз учун бу принципиал масаладир. Биз аппаратни қисқартириш ва арзонлаштириш, унинг иш самарадорлигини ошириш йўлини қатъият билан ўтказишимиз керак. Айни вақтда ана шу тадбирлар натижасида бўшатиб олинаётган кишилар бошқа идораларда ўрнашиб қолмай, балки ишлаб чиқаришга, хизмат соҳасига, кооперативларга, савдога, коммунал хўжалигига, хуллас кадрлар етишмаслиги ҳақиқатан ҳам сезилиб турган жойларга боришлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш лозим.

Кўриб турибмизки, ислоҳотнинг бошланиши билан боғлиқ жараёнларнинг ҳатто қисқача таҳлили ҳам бу нақадар осон иш эмаслигини, у қанчалик катта ва зўр эътибор берилишини талаб қилаётганлигини кўрсатиб турибди. Ҳа, қийинчиликлар бор, келгусида ҳам улар эҳтимолдан холи эмас, аммо ислоҳот хўжаликнинг тобора кенг соҳаларини қамраб олиб, ўзининг яшаш қобилиятини намойиш этмоқда.

Биз орттирилган тажрибани эътиборга олиб, 1989 йилдан бошлаб моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги барча корхоналарнинг хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтишини ниҳоясига етказишга пухта ҳозирлик кўришимиз керак. Бу

жуда жиддий масала бўлиб, унда майда-чуйдалар йўқ, чунки ислоҳот яна миллион-миллион меҳнаткашларга дахл қилади.

Корхоналарни янги шароитда ишлашга кабинетларда ўтириб тайёрлаш — ўтмишдаги энг катта хато бўлиб, биз уни такрорлашимиз асло мумкин эмас. Меҳнаткашлар, меҳнат коллективларининг кенгашлари ислоҳотни амалга оширишдан четда қолган жойларда, ҳамма нарса хуфиёна, юқоридан туриб ҳал қилинган жойларда — айни мана шундай жойларда энг жиддий нуқсонлар ҳам пайқалди, кўпгина кутилмаган қийинчиликлар юзага келди. Бу эса одамларнинг социал кайфиятига, уларнинг ислоҳотга бўлган муносабатига таъсир қилди.

Шу йилнинг тажрибаси ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога ўтишни жадаллаштириш зарурлигини англаб етишимизни ҳам мустаҳкамлади. Хўш, биз бугун нимани кўряпмиз! Хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтганлар учун улгуржи савдо матлубгина эмас, балки ҳаётий зарурат ҳамдир. Келгуси йил бошидан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарнинг ҳаммаси хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бўлиши сабабли, афтидан, биз ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдога ўтиш муддатларига ҳам янгича ёндашишимиз, уни кўп йилларга чўзиб юбормай, балки шу беш йиллик доирасида ниҳоясига етказишимиз лозим бўлади. СССР Госплани ҳам, Госснаби ҳам бу хусусда конкрет таклифлар киритишади, деб ўйлайман.

Ҳозир кўп нарса нарх белгилашни ислоҳ қилишга бориб тақалмоқда, албатта. Мен улгуржи нархларни ҳам, харид нархларини ҳам, чакана нархларни ҳам, тарифларни ҳам қайта кўриб чиқишни назарда тутяпман. Бу муаммонинг ҳал қилинмаганлиги иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни жуда ҳам мушкуллаштирмоқда. Нархларни ислоҳ қилмай туриб, биз халқ хўжалигида нормал иқтисодий муносабатларни вужудга келтира олмаймиз, ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларига асосли баҳо беришни, товарлар ва хизматларни айрибошлашдаги мутаносибликни таъминлай олмаймиз, фан-техника тараққиётини ҳамда ресурслар тежалишини рағбатлантира олмаймиз, бозордаги вазиятни нормаллаштира олмаймиз ва меҳнатга қараб адолатли равишда тақсимлашни амалга ошира олмаймиз.

Масалан, хом ашё ва ёқилғининг нархлари пасайтирилган ҳолда хўжаликни қандай қилиб тежамли юритиш мумкин? Асло бундай қилиб бўлмайди. Ёки бошқа бир масалани олиб кўрайлик. Давлат товарларнинг бир группасидан юқори фойда олиб, айни вақтда бошқа бир товарлар группасига бюджетдан ўнлаб миллиард сўм дотация тўлашга мажбур бўлмоқда. Ваҳоланки, дотация бериладиган паст нархлар ҳам, асоссиз юқори нархлар ҳам ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантирмаслиги ҳамда фан-техника тараққиётига ниҳоятда салбий таъсир ўтказиши яхши маълум.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, нарх белгилашни ислоҳ қилишнинг ўзи агар айни бир вақтда молиявий баланслилик, кредит-молия системасида, банклар фаолиятида, бюджетда ва ҳоказоларда тартиб ўрнатиш масалалари ҳал этилмас экан, иқтисодий вазиятни яхшиламайди. Шу боисдан нарх белгилашни ислоҳ қилишни халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш программасини амалга ошириш билан чамбарчас боғлаш керак. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволи, ҳар бир меҳнат коллективининг иши билан боғланган. Буни ҳам унутмаслик керак.

Нарх белгилашни ислоҳ қилиш чакана нархларга ҳам дахл қилмаслиги мумкин эмас, чунки улар бутун нарх-наво системаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозир кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларининг, аввало, гўшт ва сутнинг чакана нархлари уларни етиштиришга кетаётган реал харажатлардан ва харид нархларидан анча арзондир. Давлат бу тафовутни истеъмолчига дотация ҳолида қоплашга мажбур. Бундай аҳвол нормал эмас. Бу ҳол мана шу маҳсулотларни етиштириш омилларига путур етказади, уларга, айниқса нонга нисбатан беғамликни келтириб чиқаради.

Буларнинг ҳаммасини биз ҳаммамиз биламиз, ўртоқлар. Шу боисдан бу вазифа қанчалик қийин бўлмасин, бир қарашда у қанчалик шубҳа-гумон ва хавотирликни келтириб чиқармасин, уни ҳал этишимиз ниҳоятда зарурдир. Ҳозир

чакана нархлар тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилмоқда. Бу хусусдаги таклифлар халқнинг ҳар томонлама муҳокамасига қўйилади.

Бунда фақат битта ёндашув бўлиши мумкин, у ҳам бўлса — чакана нархларни ўзгартириш одамларнинг турмуш даражасини мутлақо пасайтирмаслиги керак. Масала мана бундай қўйилмоқда: ҳозир давлат дотациялар ҳолида тўлаётган маблағлар компенсация ҳолида батамом аҳолига берилади. Шундай қилиб, чакана нархларни қайта кўриб чиқишдан давлат бирон-бир бевосита молиявий наф кўрмайди ва аҳоли ҳам ҳеч нарса ютқизмайди. Бунда гап халқ хўжалигидаги вазиятни соғломлаштириш, иқтисодий воситалар ва омилларнинг ишлаши учун, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш учун, бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тезроқ тўлдириш учун анча қулай шароитларни вужудга келтириш тўғрисида боряпти.

Қайта қуриш доирасида ва туб иқтисодийислоҳотни амалга оширишни эътиборга олиб, ташқи иқтисодий сиёсатни қайтадан идрок этиш борасида катта ишлар қилинди. Бунда ҳам халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан яхшироқ фойдаланиш имконини берадиган принципиал янги ёндашувлар зарур бўлиб қолди. Эндиликда корхоналар ва бирлашмалар учун ташқи бозорга кенг миқёсда чиқиш, бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар барпо этиш имкониятлари очилди.

Биз илгари бўлганидек, социалистик мамлакатлар билан муносабатларни устун қўямиз. Икки томонлама ва кўп томонлама асосда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида биз дўстларимиз билан бирга фан-техника тараққиётининг, иқтисодий ҳамкорлик замонавий формаларини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга киришмоқдамиз. Истиқболда сўмнинг эркин муомалада бўлишига ўтилишини, ягона социалистик бозор шаклланишини кўриб турибмиз.

Биз ўзаро манфаатдорлик асосида капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ҳам ҳаракат қила берамиз. Бу соҳада ҳам турли хил халқаро кооперация ҳамда ихтисослашиш негизида илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасида чуқур ҳамда комплекс равишда ҳамкорлик қилиш йўлидан борилмоқда.

Ўртоқлар! Иқтисодий ислоҳотнинг дастлабки якунларини чиқара туриб, биз ҳозирги беш йилликни қандай бажариш тўғрисидагина ўйлаб қолмаслигимиз керак. Келгуси ва биринчи навбатда ўн учинчи беш йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш учун қайта қуриш дастлабки йилларининг сабоқларидан фойдаланиш принципиал муҳимдир.

Марказий Комитет билан ҳукуматда шундай якдил фикр қарор топмоқда: ўн учинчи беш йиллик ва мамлакатнинг кейинги тараққиёт концепциясида Марказий Комитет апрель Пленумининг, КПСС XXVII съездининг экономикамизни социал соҳага қаратиш йўли чуқур ва оғишмай ўтказилиши лозим.

Аввало, одамларнинг тўла қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, бозорни халқ истеъмоли моллари ҳамда хизматлар билан керакли турларда ва юқори сифатли қилиб бойитиш, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданиятини яхшилаш программаларини амалга ошириш шулар жумласидандир. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакатда экологик вазиятни тубдан яхшилаш борасидаги ғайрат-шижоатларни кучайтириш биринчи навбатдаги вазифалардандир. Мана шундай ёндашилган тақдирдагина биз турғунлик давридан қолган қарзларни узиб, экономикамизни халқ манфаатлари йўлида соғлом ривожланиш изига ўтказа оламиз.

Иқтисодий ривожланишни социал соҳага йўналтириш, миллий даромадда истеъмол улушини кўпайтириш бутун структура ва инвестиция сиёсатининг ўзаги, экономика суръатлари ва мутаносибликларини шакллантириш негизи бўлиб қолиши керак. Ҳозир шу нарса равшанки, хизмат соҳасидан бошлаб оғир индустрия ва мудофаа саноатигача умуман халқ хўжалигини қамраб оладиган чуқур ўзгартишларни амалга ошириш лозим.

КПСС Марказий Комитети конференция шундай йўлни қўллаб-қувватлаб фикр билдиришига умид боғлайди.

Шу муносабат билан яна бир масалани ҳам муҳокама қилиш керак. Гап иқтисодий тараққиёт мезонлари ва кўрсаткичлари тўғрисида боряпти. Маҳсулотни

ўстириш суръатларининг ўзигина эмас, балки уларнинг реал равишда кўпайиши, халқнинг талаб-эҳтиёжлари ҳақиқатда қондирилиши муҳимлиги ҳақида биринчи марта гапираётганимиз йўқ.

Хом ашё ва ёқилғи-энергетика тармоқларининг маҳсулоти ресурслардан норационал, исрофгарчилик билан фойдаланилиши натижасида «ямлаб юборилаётган» экан, бу маҳсулотнинг кўпайтирилишидан нима фойда? Ёки қишлоқ хўжалик машиналарининг иш самарадорлиги пастлиги сабабли уларни харид қилишмас экан, ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг кимга кераги бор? Енгил саноатда ҳам «ялпи маҳсулот» эмас, ишлаб чиқаришнинг ҳажми эмас, балки одамларнинг реал эҳтиёжини қондирадиган буюмларнинг турлари керак.

Биз эскича ёндашувлардан ҳали сира ҳам воз кеча олмаяпмиз. Бизга шунчаки миллионлаб тонна пўлат, миллионлаб тонна цемент, миллионлаб тонна кўмир эмас, балки конкрет пировард натижалар керак. «Ишлаб чиқарилса бўлди» ва «план бўлса бўлди» деган мутлақо эскириб қолган мушкул тасаввурлар ва фикрлар доирасида биз қачонгача айланиб юраверамиз?

СССР Госплани, Фанлар академияси ушбу масала юзасидан таклифлар ишлаб чиқишлари зарур, ана шу таклифлар асосида ўн учинчи беш йилликдаёқ планлар тузилган ва иқтисодий ривожланиш натижаларига баҳо берилган бўлур эди.

Ўртоқлар, социал-иқтисодий соҳадаги ишимизнинг баъзи якунлари мана шулардан иборат, туб иқтисодий ислоҳот илк босқичидаги зиддиятлар ва муаммолар мана шулардан иборат, яқин келажак ва анча олис истиқболни назарда тутган баъзи фикр-мулоҳазалар мана шулардан иборат.

3. Жамиятнинг интеллектуал, маънавий имкониятини активлаштирайлик

Ўртоқлар! Жамиятнинг фан, таълим, бутун маданиятдан иборат интеллектуал, маънавий имкониятини ҳар томонлама активлаштирмай туриб қайта қуриш, социализмни янгилаш мумкин бўлмайди. Аммо бу гапни айтиб қўйишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳаракат қилиш, ҳаракат қилганда ҳам ғайрат билан ва дунёда бу йўналишга жуда катта куч-ғайрат сарфланаётганлигини, бу соҳага капитал маблағ сарфлаш кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда кенг кўламда ҳаракат қилиш керак.

Қайта қуришнинг бошидаёқ устун соҳалар ўрнини ўзгартириш, маънавий соҳа ролини ошириш, унга етарли баҳо бермасликни бартараф этиш вазифаси қўйилган эди. Зотан, бу соҳада кўпгина нарсалар ўзгарди. Янги ижтимоий-сиёсий муҳит — ошкоралик, ижодиёт ва мунозаралар, объектив, холисона тадқиқот, танқид ва ўз-ўзини танқид эркинлиги муҳити вужудга келди. Онгнинг чинакам революцияси давом этмоқда. Бусиз янги ҳаёт қуриш мумкин эмас.

Партия олимларимизнинг қайта қуришга қўшаётган ҳиссасига катта аҳамият бераётир. Марказий Комитет Тезисларида таъкидланганидек, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва аввало унинг ҳозирги босқичидаги авангард технологияларни — микроэлектроника, робототехника, информатика, биотехнология ва шу сингариларни ривожлантириш билан боғлиқ ютуқларини эгаллаш партия иқтисодий ва социал стратегиясининг негизидир.

Фан ва техникани ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Маҳсулотнинг техника даражасига талабчанлик ошди, илмий-тадқиқот ташкилотларининг ечимларни ўзлаштириш муддатлари қисқарди. Тадқиқотлар ва ечимларни планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва уларнинг моддий таъминоти системасини ўзгартириш, фан ютуқларидан практикада тезроқ фойдаланиш, илмий меҳнатни рағбатлантириш юзасидан катта тадбирлар кўрилди. Бу тадбирлар ижобий таъсирини кўрсатди, лекин вазиятни тубдан ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ.

Илм-фан ва фан-техника тараққиёти истиқболини белгилайдиган фундаментал тадқиқотларда вазият айниқса мураккаб эканлиги маълум бўлди. Фаннинг

ўз тараққиёти мантиқидан келиб чиқмайдиган тадқиқот йўналишларини фанга кўпинча зўрлик билан қабул қилдирилган пайтдаги раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий методлари ҳукмронлик қилган даврдан мерос бўлиб қолган кўпгина тўсиқлар ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Аксинча, тадқиқотларнинг кўпгина янги истиқболли соҳалари ўз вақтида қўллаб-қувватланмади ва ҳатто тақиқлаб қўйилди.

Қатор-қатор асосланган вазифалар қўйилар, лекин улар моддий ва ташкилий жиҳатдан таъминланмас эди. Бу эса умуман илм-фан соҳасидаги сиёсатнинг обрўсини тушириб қўйди. Фан умумий давлат план системасига унинг таркибий қисми сифатида зарур даражада киритилмади. Ваҳоланки, усиз кенг маънодаги социал-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Олимлар лойиҳалар, ечимлар, планларни экспертиза қилиш учун аҳён-аҳёндагина жалб қилинди, уларнинг фикри идоралар фикрига тўғри келмаса, бу фикр писанд қилинмас ва ҳатто баъзан таъқиб остига олинар эди.

Натижада кейинги ўн йилликлар мобайнида, илм-фаннинг ижтимоий статуси ва илмий фаолиятнинг обрўси жуда пасайиб кетди. Энг ташвишли нарса шуки, турғунлик йилларида совет фани бир қатор етакчи йўналишлар бўйича орқада қолиб кетди. Унинг «қувиб етиш» йўсинидаги ривожланиши асосий йўналиш бўлиб қолди. Фаннинг фундаментал тадқиқотлар асосий ҳажмини бажарувчи академия сектори ҳиссасига илмий тадқиқотлар учун ажратилган барча маблағларнинг 6,8 процентигина тўғри келганлиги нормал ҳол эмас, албатта.

Шу сабабли эндиликда илм-фан соҳасидаги, сиёсатдаги ана шу барча хатолар ва нуқсонларни тузатишнинг ўзигина кифоя эмас. Гап чуқур қайта қуриш ҳақида, хўжалик механизмининг кўпгина қарор топган структураларини синдириш ҳақида, илм-фандаги ички муносабатларни такомиллаштириш ҳақида боради. Ватанимизнинг сифат жиҳатдан янги илмий потенциалини яратиш зарурки, бусиз фундаментал тадқиқотларда қисқа муддатларда туб ўзгаришлар қилишнинг ва шу асосда жамиятимизни социал-иқтисодий қайта қуриш соҳасида белгиланган программалар бутун комплексини муваффақиятли амалга оширишнинг иложи йўқ.

Фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштиришда, идора тўсиқларини бартараф этишда кескин чоралар талаб қилинади. Бунда тармоқлараро фан-техника комплексларини, инженерлик марказларини, тармоқ вазифаларини ҳал этиш учун муваққат коллективларни тузиш имкони бўлган йўллардан биридир. Илмий ташкилотларнинг хўжалик ҳисоби муносабатлари системасига узвий равишда қўшила бошлаганлиги, илмий-тадқиқотлар — техника ва технология — инвестиция — ишлаб чиқариш — реализация — хизмат кўрсатишдан иборат тугал циклнинг вужудга келтирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тўғри, фундаментал ва амалий фанларнинг имкониятлари йиллар ва ўн йиллар давомида тўпланади, лекин фан ривожланишини жадаллаштириш омиллари ҳам бор. Аввало, фандаги вазиятни демократиялаш, бюрократизм ва маъмуриятчиликни, консерватизм ва монополизмни бартараф этиш ана шу омиллар жумласига киради. Истеъдодларнинг, ижодий ташаббускорлик ва ўз-ўзини бошқаришнинг, тенг ҳуқуқли мусобақанинг, илмий ғоялар ва фикрлар рақобатининг энг кўп даражада намоён бўлиши учун имконият очиб бериш керак. Бир қатор олимлар илм-фанни хилма-хил усулда ташкил қилишни, бунда давлат ва кооператив формаларни оқилона қўшиб олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳам қўймоқдалар.

Ижтимоий фанларни ривожлантириш алоҳида эътиборни талаб қилади. Шахсга сиғиниш, раҳбарликнинг бюрократик методлари, догматизм ва ўзи билмайдиган ишларга аралашаверишдан худди ана шу фанлар энг кўп даражада жабр кўрди. Маълумки, КПСС XX съездидан кейин жамиятшунослик тадқиқотларида сезиларли жонланиш рўй берди. Янги илмий йўналишлар ва олимларнинг ишни янгича олиб боришга қодир бўлган янги кадрлари вужудга келди. Аммо кўп ўтмай, жамиятшунослик тафаккури вазифаларини шакллантиришга зўравонларча ёндашиш, уларни ҳал этишнинг догматик методлари қайта тиклана бошланди.

Қайта қуриш шароитида жамиятшунослик тадқиқотларига нисбатан жиддий социал талаб вужудга келди. Биз марксизм-ленинизм дунёқараши ва методологияси негизида ижтимоий фанларнинг чинакам юксалишига муҳтожмиз. Қайта қуришнинг иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани реконструкция қилиш, демокра-

тиялаштириш, гуманистик янгиланиш, миллатлараро муносабатлар, янги сиёсий тафаккур ва бошқа кўпгина проблемаларнинг объектив тадқиқотлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг сифат жиҳатдан янги ҳолати томон бораётган жамият ривожланишнинг яхлит концепциясига, жараёнлар диалектикасини, уларнинг омма онгида зиддиятли акс этишини идрок эта билишга, фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олишга, илмий асосланган истиқболни ишлаб чиқишга муҳтождир.

Партия ижтимоий фанларда ижодий изланишни рағбатлантиришни давом эттиришни, қайта қуришнинг назарий аслаҳахонасининг бойишига ёрдам беришни ўз вазифаси деб билади. Аммо фанга муносабатда туб ўзгаришлар бўлиши керак. «Самарасидан фойдаланилмаган» фан эртами-кеч ўлимга маҳкум, илмий билимларга шундай муносабатда бўлинганда практика мўлжални йўқотади ва қуввати камайиб боради. Буларнинг барчаси бизга мақбул эмас. Бинобарин, олимларга нисбатан талабчанликни ошириш билан бир вақтда уларга кўпроқ ишонч билдириш ҳамда ижодиёт, янгилик излаш учун барча зарур шароитларни яратиб бериш керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифалари социал тараққиёт билан биргаликда кўриб чиқилиши керак. Олимларнинг фикрича, турли фанлар — табииёт, техника ва ижтимоий фанлар «туташадиган жойларда»ги муаммоларнинг таҳлилига асосий эътиборни қаратиш керак. Улар ўртасидаги мустаҳкам ўзаро алоқа бугунги кунда фан ва техника тараққиётининг барча йўналишларида революцион ўзгаришларни амалга оширишни таъкинлайди. Бинобарин, фан-техника тараққиётининг бутун комплексига, унинг инсоний мезонига социал тадқиқотларнинг кўпроқ таъсир кўрсатиши талаб қилинади. Ўтмишдан сабоқ олиб, илмий-техникавий ва инженерлик лойиҳаларининг контролсиз ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган экологик ва бошқа зарарларни энг кам даражага келтириш, яхшиси эса уларга бутунлай барҳам бериш учун ана шу лойҳаларнинг социал экспертизасини кенг жамоатчилик иштирокида чинакамига ва кенг кўламда йўлга қўйиш лозим.

Кейинги уч йил мобайнида партияда ва жамиятда иқтисодий ва социал тараққиётнинг, маънавий янгиланишнинг асосий омилларидан бири сифатида таълимнинг ғоят катта ролини англаб олиш жараёни рўй берди. Биз бу соҳадаги аҳволга танқидий баҳо бериб, таълим ва тарбия ишидаги ўзгаришлар программасини ишлаб чиқдик. Бу соҳага катта қўшимча маблағлар ажратилаётир. Таълим жараёнини компьютерлаш анча ривожлантнрилмоқда, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш оширилди.

Тўғри, маориф ва фанга сарфланаётган харажатлар жуда катта, лекин уларнинг орқада қолиши беқиёс даражада қимматга тушмоқда. Маориф, илмий тадқиқотлар сифати юксак бўлмаса, умумий ва профессионал маданият бўлмаса — буларсиз қайта қуриш мақсадларига эриша олмаймиз. Совет кишиларининг янги авлоди онгли меҳнат ва сиёсий ҳаётга қадам қўяётганида юксак ғоявийликка ва ахлоққа, ўз касби соҳасида яхши билимларга ва кенг маданий фикр доирасига эга бўлишлари, мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммаларига олишларига тайёр бўлишлари учун ҳамма шароитларни яратиш лозим.

Жамиятимизнинг социалистик янгиланишида совет маданияти арбоблари ғоят катта роль ўйнашлари лозим. Қайта қуриш платформасида ижодий кучларнинг бирлашуви апрель Пленумидан кейинги даврда партиянинг амалий вазифаси бўлиб қолди. Биз бугун шуни қайд қила оламизки, маданиятга раҳбарликда маъмуриятчилик қилиш, санъаткорларга ваъз-насиҳат қилиш даври ўтмишда қолди. Маънавий соҳада беллашув, эркин ижодий изланиш вазияти аста-секин вужудга келмоқдаки, бу нарса санъаткорнинг ўз социалистик жамияти олдидаги граждандлик масъулиятига асосланаи.

Бадиий маданият авлодларнинг жонли алоқаси ва ворислигини мужассамлаштиради, инсонга ўз халқи, унинг тарихи ва истиқболдаги умидлари билан қондошликнн ҳис этишда, ҳар қандай амалий фаолиятига юксак ахлоқий идеалларни асос қилиб олишда ёрдам беради.

Бизнинг публицистикамизда, бадиий ва илмий нашрларимизда социализмнинг янгиланиш йўллари ҳақида, тарих ва замонамиз ҳақида кўлами, ошкоралиги, интеллектуал бойлиги жиҳатидан мислсиз мусобақа олиб борилмоқда. Бу жуда

соз. Партия зиёлиларнинг қайта қуришни амалга оширишга тобора кўпроқ ҳисса қўшаётганликларини ғоят қадрлайди. Биз фан, маориф, маданият намояндаларининг ижтимоий, сиёсий фаолияти активлашаётганлигини табриклаймиз. Биз улардан янги ижодий кашфиётлар, тафаккур ва маънавиятнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар қилишни кутамиз.

Шу тариқа умуман маданият соҳасидаги жараёнлар соғлом асосда ривожланаётир. Аммо биз бу жараёнлар қарама-қаршиликсиз, баъзан социалистик қадриятлар доирасидан чиқиб кетаётган камчиликларсиз бораётир, десак холис бўлмасдан, ҳақиқатга қарши гап айтган бўлар эдик. Умуман жамиятда бўлганидек, зиёлилар орасида ҳам консерватизм, янгиликни қабул қилмаслик ҳоллари намоён бўлаётир, рўй бераётган воқеаларга баҳо беришда енгилтаклик ва ҳатто ривожланишимизнинг мураккаб муаммоларига ёндашишда масъулиятсизлик кўзга ташланаётир.

Афсуски, баъзан айрим ўртоқлар ҳатто мамлакатимиз тақдири ҳал бўлаётган даврда ҳам тарафкашлик курашидан, гуруҳбозлик ҳис-туйғуларидан ва шахсий фикрларини ҳар қандай бўлсада ўтказишга интилишлардан воз кеча олмаётирлар. Ижодий изланишларни асабийлашиб кутиб олаётган, кўпайиб бораётган хилма-хил йўналишларни эса социалистик санъат принципларидан чекиниш, деб талқин қилаётган одамлар ҳам оз эмас. Бунинг сабаби маълум: жуда кўп вақтдан бери бир хиллик, ягона андоза доирасида қолиш, ўртамиёналик тараққиёт мезони деб ҳисобланиб келинди. Бизда мунозараларга, бошқача фикр айтишга, эркин беллашувга одат ҳали таркиб топгани йўқ. Аҳволни фожиали қилиб тасвирламоқчи эмасман. Бунинг учун унчалик асос ҳам йўқ. Аммо бундай ҳодисаларни сезмаслик, уларга эътибор бермаслик ҳам ақлдан бўлмайди.

Қайта қуриш даврида фан, маориф ва маданият соҳасидаги сиёсатнинг бош йўналиши ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йўналиш ленинча принципларга қайтишдан, инсон томон бурилишдан, халқнинг маънавий бойиши томон бурилишдан иборат бўлади. Партия ана шу инсонпарварлик мақсади йўлида куч-ғайратни ошираверишни ўз вазифаси деб билади.

4. Халқаро муносабатларнинг демократиялаштирилиши

Ўртоқлар! СССРдаги қайта қуриш жаҳон аҳамиятига эга бўлган омилга айланди. Ўз уйимиздаги туб ўзгаришлар халқаро ишларда ҳам янгича ёндашувни талаб қилди.

Урушдан кейинги даврдаги совет ташқи сиёсатига баҳо берар эканмиз, биз шуни унутмаймизки, империализм бизнинг ва иттифоқчиларимизнинг атрофида амалда фавқулодда вазиятни вужудга келтирди. АҚШ бошчилигидаги Ғарбий ҳарбий блок социализмга нисбатан ўзини очиқдан-очиқ агрессив тарзда тутди. Биз учун уруш хавфи доимий нарса бўлиб қолди. Бу хавф ҳамон йўқолгани йўқ. Совет Иттифоқи ўз иттифоқчилари билан биргаликда бунга, шунингдек, социалистик мамлакатларга қарши қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган психологик урушга эътибор бермаслиги мумкин эмас эди.

Шундай бўлсада, ўтмишдан сабоқ чиқарар эканмиз, буйруқбозлик-маъмурий методлар ташқи сиёсат соҳасига ҳам таъсир кўрсатмай қолмаганлигини тан олмаслик нотўғри бўлур эди. Баъзан ҳатто энг муҳим қарорлар ҳам коллектив томонидан ҳар томонлама муҳокама ва таҳлил қилинмасдан, баъзан эса дўстлар билан етарли даражада маслаҳат қилинмасдан тор доирадаги кишилар томонидан қабул қилинган ҳоллар ҳам бўлган. Бу эса халқаро воқеаларга ва бошқа давлатларнинг сиёсатига нохолисона муносабатда бўлишга, баъзан эса хато қарорларга ҳам олиб келар эди. Афсуски хатти-ҳаракатларнинг у ёки бу варианти халққа нақадар қимматга тушиши ва қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида жиддий ўйлаб кўрилмас эди.

Бизга ва бутун социалистик дунёга қилинган ядровий дағдағага жавобан АҚШ билан стратегик тенгликка эришиш зарур эди. Шундай қилинди ҳам. Аммо империализмга қарши ҳаракатда ҳарбий жиҳатга жуда катта маблағлар ажратиб ва бу масалага жиддий эътибор бериб биз давлат хавфсизлигини таъминлаш учун, кескинликни камайтириш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш

учун дунёда рўй берган асосли ўзгаришлар муносабати билан вужудга келган сиёсий имкониятлардан ҳамиша ҳам фойдаланганимиз йўқ. Натижада куролланиш пойгасига мубтало бўлишимизга йўл қўйдик, бу эса мамлакат социал-иқтисодий ривожланишига ва унинг халқаро аҳволига таъсир кўрсатмай қолиши мумкин эмас эди.

Шу аснода қуролланиш пойгаси қалтис нуқтага яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан бизнинг тинчлик ва қуролсизланиш йўлидаги анъанавий-сиёсий ва ижтимоий фаолиятимиз ўзининг ишончли хусусиятларини йўқота бошлади. Жиддийроқ қилиб айтадиган бўлсак,— бундай ривожланиш мантиқини ўзгартирмасак,— ҳарбий қарама-қаршилик чегарасига ҳақиқатан ҳам яқинлашиб қолган бўлардик.

Шу боисдан ташқи сиёсатни шунчаки такомиллаштириш эмас, балки қатъиян янгилаш зарур бўлиб қолди.

Бунинг учун эса янгича сиёсий фикрлаш зарур эди. Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди бу тафаккурга асос солди. Пленум ва съезд қайта қуриш шароитида халқаро фаолиятимиз учун фалсафий асос яратди. Янгича фикрлаш — ёпиқ ва тугал доктрина эмас. У диалектик характерга эга, шу сабабли сиёсатни жўшқин ҳаёт жараёнига мувофиқ тарзда узлуксиз такомиллаштириш ва ривожлантириш имконини беради. Табиийки, у бизнинг социалистик йўлимизга, ленинча принципларга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Ички ишларда бўлганидек, совет раҳбарияти Ленинга, унинг тажрибасига мурожаат қилди — ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда реализм позициясидан ҳаракат қила бошлади. Фақат шундай ташқи сиёсатгина қайта қуришга самарали хизмат қила олади. Шу тақдирдагина у кимга қаратилган бўлса, уларнинг ана шу сиёсатга реалистик муносабатига умид боғлай олади. Шу ҳолдагина у дунёни яқинлашиб келаётган хатардан сақлашда ёрдам бериш қобилиятига эга бўлади.

Биз ҳозирги дунёни таҳлил қилар эканмиз, шуни аниқ тасаввур қиламизки, халқаро муносабатлар, ўз синфий характерини сақлаган ҳолда, худди халқлар ўртасидаги муносабатлар сифатида тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Биз жаҳон ишларида халқларнинг, миллатларнинг, шаклланаётган янги миллий давлатларнинг роли тобора ошиб бораётганлигини қайд қилдик. Бу эса халқаро ишларда манфаатларнинг хилма-хиллиги билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслигини тақозо қилади. Уларни ҳисобга олиш янги сиёсий тафаккурнинг муҳим элементидир.

Биз ядровий хавфнинг ошиб бораётганлиги, бошқа глобал проблемаларнинг кескинлашуви, дунёдаги барча жараёнлар интернационаллашувининг кучайиши билан характерланувчи замонамиз позициясидан — унинг барча зиддиятларидан қатъи назар, тобора яхлит ва ўзаро боғлиқлик тусини олаётган замонамиз позицияларидан, марксизмнинг негизидан келиб чиқадиган ғояни — пролетар-синфий ва умуминсоний манфаатларнинг ўзаро боғлиқлиги ғоясини чуқурроқ идрок этишга ҳаракат қилдик. Бу эса бизларни асримизда умуминсоний қадриятлар устун туриши керак, деган хулосага олиб келди. Янги сиёсий тафаккурнинг негизи ҳам ана шунда.

У ҳозирги халқаро муносабатлар учун халқлар томонидан асрлар давомида вужудга келтирилган ҳамда инсониятнинг буюк мутаффакирлари томонидан умумлаштирилган, сайқал берилган маънавий қадриятларнинг ҳаётий аҳамиятга эга эканлигига кенгроқ кўламда баҳо бериш имкониятини яратди.

Дунёдаги туб ўзгаришларни таҳлил қилиш жараёнида бизнинг имкониятларимизни чеклаб келган ва ҳақиқий ниятларимизни бузиб кўрсатиш билан шуғулланган кишиларга муайян даражада далда бериб келган кўпгина эски андозалар бартараф этилаётир.

Бизнинг бошқа мамлакатларнинг намояндалари билан — давлат ва ҳукумат бошлиқларидан то оддий гражданларгача, фан-маданият соҳасидаги ҳамма томонидан эътироф этилган арбоблар билан, атоқли ёзувчилар билан, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг раҳбарлари ва делегациялари билан, касаба союз ва социал-демократик ташкилотларнинг раҳбарлари, дин арбоблари ва парламент аъзолари билан кенг кўламда алоқа боғлаганлигимиз катта роль ўйнади.

Бевосита алоқаларнинг ана шундай бойитилганлиги Совет Иттифоқини ташқи дунё учун бамисоли янгитдан «очаётир». Биз эса ўз томонимиздан ташқи дунёни яхшироқ кўриш ва тушуниш, унинг проблемаларини муҳокама қилишда ва бу проблемаларни ҳал этиш йўлларини излашда катнашиш, бошқа маданиятлар ва маънавий анъаналардан келиб чиқадиган ғояларнинг фойдали жиҳатларини олиш имконига эга бўлдикки, бу нарса масалан 1986 йилги Деҳли декларациясида ўз аксини топди. Ана шу «икки томонлама алоқа» ёрдамида озодлик, демократия сингари қадриятларнинг аҳамияти тўғрисидаги масала хусусида ҳам ҳамжиҳатликни топиш осонроқ бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси совет ташқи сиёсатига жўшқинлик бағишлаб, бир қатор йирик ташаббусларни олға суриш имконини берди.

Ядро қуролини 2000 йилгача босқичма-босқич тугатиш программаси, кенг қамровли хавфсизлик системаси, ривожланиш йўлини танлаш эркинлиги, манфаатлар мувозанати, «Умумевропа хонадони», Осиё — Тинч океан регионида муносабатларни қайта қуриш, мудофаа учун кифоя қиладиган қуролларнигина сақлаш ва ҳужум қилмаслик доктринаси, миллий ва регионал хавфсизликни мустаҳкамлаш йўли сифатида қурол-яроғлар даражасини камайтириш, ўзга территориялардаги қўшинларни олиб чиқиб кетиш ва базаларни тугатиш, ишонч тадбирлари, халқаро иқтисодий хавфсизлик, илм-фан обрўсини жаҳон сиёсатига бевосита қўшиш ғояси шулар жумласидандир.

Давлатлараро йўлдаги алоқаларимизга мулоқот, қуролсизланиш соҳасида эса чуқур ўзаро контролга тайёрлик асос қилиб олинди. Бу эса ишонч доирасини одатдаги дунёқараш спектридан анча кенг майдонга олиб чиқиш имконини берди. Биз идеологик жиҳатдан ўзимиздан жуда йироқ бўлган таъсирчан доираларда ҳам ҳамжиҳатлик ҳамда тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлик соҳасида кўпгина имкониятлар борлигини кўрдик.

Бизнинг биргаликда мулоҳаза юритиш ва изланишга астойдил ва ошкора таклиф қилганлигимиз дунёда катта таассурот қолдирди. Ошкоралик, қайта қуриш эса бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ғояларимиз ва ташаббусларимизга «моддий» ишонч бағишламоқда.

Бундай ёндашув жаҳон сиёсатида ва аввало қуролсизланиш соҳасида, музокара жараёнига реал йўл бағишлаб, Вашингтон ва Москвадаги Олий даражадаги учрашувларнинг муваффақиятини таъминлаган. Женева ва Рейкьявик учрашувларидаги сингари катта ўзгаришлар қилиш имконини берди. Натижада бутун халқаро вазият ўзгараётир.

Жаҳонда социализмнинг мавқеи янги тафаккур нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Дўстларимиз билан биргаликда биз ўртоқлик руҳида муносабатларимизнинг интернационалистик моҳиятини ўтмиш сарқитларидан холи этишга ҳаракат қилдик. Партиялар ва давлатлар раҳбарларининг шахсий алоқалари жонланиб, ишчан ва оператив тус олди. Социалистик ҳамдўстлик ташқи сиёсатини уйғунлаштириш такомиллаштирилмоқда.

Жаҳон социализми мураккаб даврни, ўзгариш даврини бошидан кечиряпти. Социалистик мамлакатларнинг янги марраларга чиқиб олганликлари, миллий ва халқаро доираларда уларнинг имкониятлари намоён бўлаётганлиги жаҳон тараққиётида социализмнинг обрўси ва ролини кўтармоқда.

Тараққиёт йўлини эркин танлаш концепцияси янги тафаккурда асосий ўринни эгаллайди. Биз цивилизация омон қолишининг ўзи асосий, умумий жаҳоншумул проблемага айланган бир пайтда бу принцип халқаро муносабатлар учун универсал бўлиб қолганлигига аминмиз.

Бу концепцияни дунёнинг беқиёс даражада хилма-хиллиги ва бу хилма-хилликнинг ошиб бораётганлиги тақозо қилади. Биз жаҳон тарихидан асрлар бўйи четда қолиб келган миллиардларча кишиларнинг шу тарихга актив жалб этилганлигидан иборат ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ана шу миллиардларча кишилар мутлақо янги шароитларда мустақил тарихий ижодиёт саҳнасига чиқаётирлар. Зотан миллий онг ҳамма жойда ўсаётган вазиятда улар тараққиёт йўлини танлашда ҳали ўз сўзларини айтадилар.

Ана шундай вазиятда социал тузумни, турмуш тарзини, сиёсатни ҳарбий йўл ҳақида гапирмаганда ҳам, ҳар қандай воситалар билан четдан мажбуран қабул қилдиришга интилиш — илгариги йилларнинг хавфли қуролларидир. Суверенитет

ва мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва аралашмаслик халқаро муносабатларнинг ҳамма тан олган нормаларига айланмоқда, шу нарсанинг ўзи XX асрнинг жуда катта ютуғидир. Ривожланиш йўлини танлашдаги эркинликка қаршилик қилиш — ўзини тарихнинг объектив жараёнига қарама-қарши қўйиш демакдир. Шу сабабли куч ишлатиш сиёсатининг ҳамма формалар ва кўринишлари тарихан ўз умрини яшаб бўлгандир.

Хуллас, биз шунга астойдил аминдирмизки, янги тафаккур ва унга асосланган сиёсат ҳозирги дунёнинг етилган талабларини ва эҳтиёжларини тўғри акс эттирди. Улар умид бағишлаб, инсоният онгида сифат ўзгаришларига йўл очиб бердилар.

Совет кишиларини ҳаммадан кўпроқ ташвишга солаётган ва уч йил ичидаги иш натижасига шу масала юзасидан бериладиган баҳо ҳақидаги асосий саволга: уруш хавфини нарироққа сура олдикми, деган саволга биз: ҳа, сўзсиз сура олдик,— деб жавоб бера оламиз.

Хўш, бу нарса нимада ифодаланди? Аввало, шу нарсада ифодаландики, халқаро ҳаётнинг маркази қарама-қаршиликдан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик томон, истиқболда конкрет натижаларга, биринчи навбатда оммавий қирғин қуроллари хусусида конкрет натижаларга ўтиш имконини берадиган музокаралар сари силжиди. Совет — Америка муносабатлари яхшиланди. Ядро қуролларининг бир қисмини тугатиш тўғрисида шартнома тузилди. Давлатлараро ва айниқса жамоатчилик даражасида Умумевропа жараёни жонланди.

Женева битими ва Афғонистондан ҳарбий қисмларимиз олиб чиқиб кетила бошланганлиги умуман тинчлик учун хавф туғдираётган, халқлар тараққиётига тўғаноқ бўлаётган регионал низоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ишида муҳим халқаро босқич бўлди.

Партия конференциямиз минбаридан туриб партия ва халқ номидан солдат ва офицерларга, граждан мутахассисларга — тақдири шу уруш билан боғланган ва шу уруш оловидан ўтган ҳамма кишиларга яна бир бор чуқур миннатдорчилик изҳор қилишга рухсат этгайсизлар **(Қарсаклар).** Жангчиларимиз Афғонистондан Ватан амри билан чиқиб кетмоқдалар. Ватанимиз эса доно йўл тутиб, шу йиллар ичида янги сиёсий ва маънавий тажриба орттирди, ҳозирги дунёни, унинг зиддиятларини ва истиқбол йўлидаги қийинчиликларни чуқурроқ англаб олди.

Умуман, ўртоқлар, ҳозирги мавжуд реалликларни таҳлил қилсак: ана шу реалликларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга эришилса, XX — XXI асрлар чегарасидаги дунё қиёфасини қуйидаги тенденциялар белгилайди, деб тахмин қилиш имконини беради:

— Халқаро муносабатлар аста-секин демилитаризациялашиб ва инсонпарварлик тусини олиб боради, бунда, ниҳоят, худбинлик интилишлари ва хурофотлари эмас, балки ақл-идрок, билим ва ахлоқий нормалар дунёдаги жуда кўпдан-кўп зиддиятларни ҳал этишда ва манфаатлар мувозанатига эришишда давлатлар учун дастак бўлади, бунда ҳар бир кишининг ривожланиш йўлини эркин танлаш ҳуқуқи тан олинади.

— Давлатлар хавфсизлиги ҳарбий имкониятларнинг нисбати соҳасидан тобора кўпроқ сиёсий ҳамжиҳатлик ва халқаро мажбуриятларни қатъий бажариш соҳасига ўтиб боради; халқаро хавфсизликнинг кенг камровли системаси асосан, БМТ роли ва самарадорлигини ошириш орқали вужудга келтирилади.

— Фан-техника имкониятининг ғоят ўсишидан оламшумул иқтисодий, экологик, энергетика, озиқ-овқат, медицина ва бошқа вазифаларни бутун инсоният фойдасини кўзлаб ҳал этиш йўлида биргаликда маданийроқ тарзда фойдаланиладиган бўлади.

— Мустақил давлатлар ва халқларнинг хилма-хил ва ихтиёрий алоқаси уларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бойишига ишончли тарзда хизмат қилади, ялпи тинчлик структурасини мустаҳкамлайди.

Бунда хом хаёлларга йўл қўяётганимиз йўқмикан? Наҳотки, агрессия ва урушларнинг империалистик манбалари йўқолган бўлса? Йўқ. Биз империалистик милитаризм томонидан тинчликка хавф солинаётганлигини унутмаймиз ва бошланган ижобий жараёнларнинг барқарорлигига ҳозирча гарантиялар вужудга келгани йўқ, деб ҳисоблаймиз. Янги сиёсий тафаккур эса зўравонлик сиёсатига

илгаригига қараганда кенгроқ сиёсий негизда қарама-қарши туриш учун янги имкониятларни кўриш ва топишга йўл очади.

Шу асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган янги объектив факторлар ҳам бу имкониятларни мустаҳкамлайди.

Мудофаа қурилишимиз ҳам шу билан белгиланади. Бу қурилиш самарадорлиги бундан буён техника, ҳарбий фан жиҳатидан ҳам, қуролли кучлари состави жиҳатидан ҳам асосан сифат кўрсаткичлари билан таъминланади. Мудофаа қурилишимиз Совет давлати ва унинг иттифоқчиларининг ишончли хавфсизлигини таъминлаши, мудофаа доктринамизга мувофиқ равишда амалга оширилиши керак.

Биз ўз амалий халқаро фаолиятимизда бундан буён ҳам мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлини излайверамиз. Бундан буён ҳам социалистик мамлакатлар билан муносабатлар биз учун биринчи ўринда тураверади. Биз ривожланаётган давлатлар билан, қўшилмаслик ҳаракати билан муносабатларимизни чуқурлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказаверамиз. Ўз мамлакатларида ҳокимиятга эга бўлган давлат арбоблари билан аввало жаҳон сиёсатининг бош йўналишида — қуролсизланиш масалалари бўйича актив суҳбат ва музокара олиб бораверамиз. Қайта қуриш йилларида биз қўшни ва жуда олисдаги кўпгина давлатлар билан муносабатларни яхшиладик ёки биринчи бор муносабат боғладик. Ҳеч ким билан муносабатларимизни бузмадик. Бундан буён ҳам шундай иш олиб боришга ҳаракат қиламиз.

КПСС ўзини жаҳон коммунистик ҳаракатининг ажралмас қисми деб ҳисоблайдики, бу ҳаракат ҳозир ўз тарихий тараққиётининг янги босқичига чиқишдан иборат қийин изланиш йўлини олиб бораётир. Биз бу изланишда тўла тенг ҳуқуқлилик ва ҳурмат асосида актив иштирок этаверамиз. Жаҳон фани ва адабиётининг намояндалари бўлган кўпдан-кўп жамоатчилик кучлари билан, ўзгача идеологик йўналишдаги сиёсий партиялар билан, биринчи навбатда социалистлар, социал демократлар, лейбористлар билан, «сўл» деб аталадиган бошқа доиралар ва ҳаракатлар билан янгича муносабатларимиз тобора кўпроқ халқаро имкониятлар яратмоқда. Бутун дунё меҳнаткашлари билан, мустамлакачиликка, ирқчилик ва реакцияга қарши курашчилар билан бирдамлигимиз ўзгармасдир.

Ўртоқлар! Совет ташқи сиёсати ўтмишдаги баъзи хатолар ва нуқсонларга қарамай мамлакат, социализм олдида, бутун инсоният олдида ғоят катта хизматларга эга. Қайта қуриш ундан моҳият жиҳатидан ҳам, форма жиҳатидан ҳам янги сифатни талаб қилди. Ички сиёсат сингари ташқи сиёсат ҳам амалда партия билан халқнинг коллектив фикрини мужассамлаштириши керак. Рўй бераётган ўзгаришларнигина эмас, балки бундан буён бўладиган ўзгаришларни ҳам оператив тарзда ҳисобга олиш зарур. Дунёдаги объектив жараёнлар ҳамда бизнинг имкониятларимиз жамоатчилик ва унинг ташкилотлари иштирокида доимо илмий ва оммавий муҳокамадан ўтказиб турилиши керак. Халқаро масалаларга оид ахборотлар сифатини юқори кўтариш лозим. Сиёсий система ислоҳоти доирасида халқаро сиёсат масалаларини ишчанлик ва малакали тарзда муҳокама қилишни таъминлайдиган таъсирчан конституцион ваколатли механизмни яратиш вазифаси турибди.

II. СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ—ҚАЙТА ҚУРИШ МУҚАРРАРЛИГИНИНГ ЭНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ижтимоий-сиёсий ҳаётни тубдан демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш программасини XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси муҳокамасига қўяр экан, бу нарса сиёсий тартибқоидаларимизнинг самарадорлигини тубдан ошириш, социалистик халқ ҳокимиятининг нималарга қодирлигини намоён этиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Сиёсий системани ислоҳ қилиш нима учун керак

Биз бу ишни бўш жойдан, аввалбошдан бошлаётганимиз йўқ. Бизнинг дунёда биринчи социалистик демократиядан иборат ноёб тажрибамиз бор. Халқ ҳокимиятининг социализм туфайли юзага келган шакл ва усуллари инсониятнинг социал тараққиётига жуда катта таъсир ўтказди, ҳозирги замоннинг сиёсий маданиятига сингиб кетди. Айнан бизнинг мамлакатимизда Советлар республикаси тимсолидаги меҳнаткашлар ҳокимияти, ишчилар назорати, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва инсоннинг бошқа энг муҳим социал ҳуқуқлари, аёллар билан эркакларнинг, миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги юзага келди. Бошқача қилиб айтганда, биз XX асрнинг кўпгина демократик ташаббусларида биринчи бўлдик.

Хўш, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш вазифаси ҳозир ўртага қўйилаётганининг сабаби нима? Гап аввало шундаки, ўртоқлар, Октябрь революциясининг ғалабаси натижасида барпо этилган сиёсий система маълум бир босқичда жиддий равишда бузилдики, бугун сиз билан биз буни тан олишимиз керак. Натижада Сталин ва унинг атрофидагиларнинг чексиз ҳукмронлиги ҳам, репрессиялар ва бедодликлар тўлқини ҳам рўй бериши мумкин бўлиб қолди. Ўша йилларда қарор топган бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари жамиятимиз тараққиётининг турли соҳаларига ҳалокатли таъсир қилди. Биз ҳозир ҳам бошдан кечираётган кўпгина қийинчиликларнинг илдизлари ўша системага бориб тақалади.

Партия XX съездининг қарорлари партия ва давлат ҳаётининг ленинча принципларини бузишларни бартараф этиш учун имконият очган эди. Бироқ, аввало, социалистик демократияга етарли баҳо берилмаганлиги ва унинг аҳамияти камайтирилганлиги оқибатида бу имкониятлардан фойдаланилмади. Бу эса яна шахсга сиғиниш ҳодисаларининг такрорланишига олиб келди.

Мавжуд сиёсий система бизни кейинги ўн йилликларда хўжалик ва социал турмушдаги турғунлик ҳолатлари кучайишидан сақлаб қола олмади ва ўша пайтда бошланган ислоҳотларни муваффақиятсизликка маҳкум этди. Хўжалик-бошқарув вазифаларининг партия-сиёсий раҳбарияти қўлида тобора кўпроқ тўпланиши характерли тус олди. Айни вақтда ижроия аппаратининг роли ортиқ даражада катталаштириб юборилди. Турли давлат ва жамоат органларига сайланган кишиларнинг сони мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг учдан бир қисмига етди, аммо айни вақтда уларнинг асосий оммаси давлат ва жамоат ишларини ҳал этишда амалий равишда қатнашишдан четлаштириб қўйилган эди.

Турғунлик даврида бошқарув аппарати салкам юзта иттифоқ ва саккиз юзта республика министрликлари ҳамда идораларини ўз ичига олиб, аслида хўжаликка ҳам, сиёсатга ҳам ўз иродасини ўтказа бошлади. Айнан идоралар ва бошқа бошқарув структуралари қабул этилган қарорларнинг ижросини ўз қўлларига олган эдилар, ўзларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари билан: нималар бўлиши кераг-у, нималар бўлмаслиги кераклигини белгилар эдилар. Советлар, кўп жиҳатдан партия органлари ҳам идоравий манфаатлар қисувини назорат қилишга қодир бўлмай қолган эдилар. Қарор қилувчи орган ўз ҳаракатларининг оқибатлари учун иқтисодий жиҳатдан масъул бўлмаслиги универсал қоида бўлиб қолган эди.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳаддан ташқари давлат тасарруфига ўтказиб юборилганлиги ҳам вужудга келган сиёсий системанинг катта камчилиги эди. Албатта, социализм шароитидаги давлатнинг вазифалари ва юмушлари ҳажми капитализм шароитида бўлганидан анча кенгдир. Бироқ марксизм-ленинизм асосчиларининг фикрича, бошқарув вазифаларининг бу қадар кенгайишига маъмуриятчилик ва зўрликка таянувчи ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, балки аввало демократик омилни кучайтириш, кенг халқ оммасини бошқарувга жалб этиш йўли билан эришиш лозим. Лениннинг социалистик давлат «том маънода бўлмаган давлат» ёки тадрижий равишда ўсиб, ижтимоий ўзини ўзи бошқаришга айланиб борувчи «ярим давлат» деган маълум иборасини эсга олайлик. Афсуски, В. И. Ле-

нин вафотидан кейин назарияда, ҳатто практикада ҳам давлатга «том маънодаги», яъни тушунчанинг эски маъносидаги давлат деб ёндашиш устунлик қилди. Ижтимоий фаолиятнинг бениҳоя кенг соҳаси давлат йўли билан тартибга солинадиган бўлиб қолди. Турмушнинг ҳамма жабҳаларини икир-чикиригача бир марказда планлаштириш ва назорат қилишга интилиш жамиятни бутунлай йўргаклаб ташлади, одамларнинг, жамоат ташкилотлари ва коллективларнинг ташаббуси учун катта тўсиқ бўлиб қолди. Бу эса бошқа иллатлар билан бир қаторда «пинҳона» экономика ва маданиятни келтириб чиқарди, булар давлат органларининг аҳоли моддий ва маънавий эҳтиёжларини ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда қондиришга лаёқатсизлигидан фойдаланиб яшай бошлади.

Давлат структураларининг бюрократлашуви, омма социал ижодкорлигининг заифлашуви жамиятни бир қолипда ва статистик тарзда фикрлайдиган қилиб қўйди. Ҳокимиятни ҳақиқатда амалга ошириш меҳнаткашларнинг актив сиёсий фаолияти билан эмас, балки аввало ижроия органлари билан айнан бир нарса деб тушуниладиган социалистик халқ ҳокимиятининг жўн, кемтик қиёфаси вужудга келиб, ҳозир ҳам одамларнинг онгига таъсир қилиб турибди.

Ниҳоят, амалдаги сиёсий система неча ўн йиллар мобайнида ижтимоий ҳаётни қонунлар доирасида ташкил этишга эмас, балки асосан мажбурий фармойишлар ва кўрсатмаларга мослаштирилди. Оғизда демократик принципларнинг эълон қилиниши ва амалдаги обрўга кўр-кўрона бўйсуниш, халқ ҳокимияти тўғрисида ваъзлар айтиш, аммо амалдаги волюнтаризм ва субъективизм, демократик тартиб-қоидалар тўғрисидаги гап-сўзлар ва социалистик турмуш тарзи нормаларининг амалда поймол этилиши, танқид ва ошкораликнинг кемтиклиги — мана шуларнинг ҳаммаси жамият турмушида кенг тарқалган, илдиз отган эди.

Бу усулларнинг жазоси қаттиқ бўлди — омма бефарқ бўлиб, унинг социал фаоллиги сусайди, меҳнат аҳли ижтимоий мулкдан ва бошқарувдан бегоналашди. Ҳозир қайта қуришнинг туб муаммолари — иқтисодий ислоҳот ҳам, социал-маданий соҳани ривожлантириш ҳам, одамларни мамлакатда рўй бераётган барча ҳодисаларга соҳибларча манфаатдорлик билан қараш руҳида тарбиялаш ҳам айнан қотиб қолган ҳокимият системасига, унинг буйруқбозлик-тазйиқ ўтказувчанлик тиргакларига бориб тақалмоқда.

1985 йилнинг кўкламида партия ижтимоий-сиёсий структураларини янгилаш учун қатъий кураш бошлади. Янги хўжалик механизми аста-секин йўлга қўйилмоқда. Ижтимоий муносабатларнинг характери ўзгармоқда. Қайта қуришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Биз демократия ва ошкораликни ўрганяпмиз, баҳслашиш ва мунозара юритишни, бир-биримизга ҳақиқатни гапиришни ўрганяпмиз. Шунинг ўзи ҳам оз эмас, албатта.

Бироқ марказда ҳам, жойларда ҳам демократиялаш жараёнлари секинлик билан ривожланмоқда. Башарти сиёсий система ўзгармай, бир жойда тураверадиган бўлса, биз қайта қуриш вазифаларини уддалай олмаслигимизни ҳозир мардона тан олиш керак.

Сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш масаласини қўйганда, аввало: унинг қайси сифатлари замон синовига бардош берган ва ҳозир биз учун зарур бўлиб турганлигини, қайсиларини эса, аксинча, йўқ даражага келтириб ёки бутунлай барҳам топтириш зарурлигини равшан тасаввур этиш керак. Назаримизда, гап қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш:

биринчидан, миллион-миллион меҳнаткашлар мамлакатни идора қилишга оғизда эмас, балки амалда жалб этилиши учун бутун чоралар кўрилиши;

иккинчидан, жамиятнинг ўзини ўзи тартибга солиши ва ўз-ўзини бошқариш жараёнига имкони борича кенг уфқ очиб бериш, гражданларнинг, ваколатли ҳокимият органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ташаббусини тўла-тўкис ривожлантириш учун шарт-шароит яратилиши;

учинчидан, барча синфлар ва социал гуруҳларнинг манфаатлари ва хоҳиш-иродаси эркин шаклланиши ҳамда намоён бўлиши, уларнинг Совет давлати ички ва ташқи сиёсатида мувофиқлашиб, рўёбга чиқиши йўлга қўйилиши;

тўртинчидан, ҳар бир миллат ва элатнинг янада эркин ривожланиши, уларнинг дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги интернационализм принциплари негизида мустаҳкамланиши учун шарт-шароит таъминланиши;

бешинчидан, ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритиш ва суиистеъмоллар имкониятини истисно қилиш, бюрократизмга ва расмиятчиликка самарали равишда қарши туриш, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг, шунингдек, уларнинг жамият ва давлат олдидаги бурчлари бажарилишини ишончли равишда таъминлаш учун социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тубдан мустаҳкамланиши;

олтинчидан, Коммунистик партия жамиятнинг сиёсий авангарди ролини ва Совет давлати халқ ҳокимияти қуроли ролини ўйнаши тўғрисидаги ленинча концепцияга мувофиқ, партия ва давлат органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилиши;

ниҳоят, еттинчидан, ўзгариб борувчи ички ва халқаро шароитларни эътиборга олиб, социалистик демократия ва ўз-ўзини бошқариш принципларини турмушнинг барча соҳаларида тобора фаолроқ ривожлантириш ва жорий қилишга қодир бўлган сиёсий система ўз вақтида ўзини ўзи янгилаб боришини таъминлайдиган самарали механизм яратилиши ҳақида бориши керак.

2. Қайта қуриш ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама бойитиш, совет кишиларининг социал фаоллигини ошириш сиёсий системани ислоҳ қилишнинг пировард мақсади ва бу ислоҳотни турмушга нақадар татбиқ эта олишимизнинг асосий мезонидир. Бу масала социализм назарияси ва практикасида марказий ўрин олади. Мамлакатимиздаги Октябрь революцияси яратган пойдевор устида гражданнинг кўп соҳаларда гарантияланган ҳуқуқлари салобатли биноси барпо этилган. Биз бу ҳуқуқлардан фойдаланяпмиз ва очиғини айтганда, биз учун жуда одатий бўлиб қолган ана шу ҳамма ҳуқуқлар ҳали дунёнинг кўпгина жойларида меҳнаткашларнинг умиди, улар курашининг мақсадларигина бўлиб қолаётганлиги ҳақида камдан-кам ўйлаймиз.

Жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари — давлатнинг инъоми эмас, кимнингдир хайр-эҳсони эмас. Булар — социализмнинг таркибий хусусияти, унинг ғалабасидир. Шахс ва жамият, граждан ва давлат, инсон ва коллектив — буларнинг ҳаммаси битта катта муаммонинг турли жиҳатларидир. Бу муаммо қандай ҳал этилаётганлиги сиёсий тузумнинг табиатини ифодалайди ва кўп жиҳатдан одамлар фаолиятининг натижаларини, ижтимоий ҳаётнинг бутун укладини олдиндан белгилаб беради. Бу муаммони социалистик тарзда ҳал этиш коллективчилик ва шахсий негизларнинг узвий равишда бирга қўшилишидан иборат. Жамият тузилишининг шу муҳим масаласида бизнинг фалсафамиз «Коммунистик партия манифести»нинг: ҳар кимнинг эркин камол топиши ҳамманинг эркин камол топиши учун шарт бўлади, деган машҳур формуласига асосланади.

Биз, пировард натижада инсоннинг социал фаоллиги, меҳнат ғайрати, сиёсий фаоллиги ҳам инсоннинг айнан жамиятдаги мавқеи билан унга бериб қўйилган ҳуқуқлар ва унинг зиммасига юклатилган вазифалар билан белгиланишини тушуниб олишнинг ўзигина эмас, шу билан бирга бу йўлда ҳаракат қилиб, иқтисодий ислоҳотни ва сиёсий система ислоҳотини амалга оширишимиз ҳам муҳимдир, ўртоқлар.

Хўш, бу соҳада қандай вазифалар турибди?

Аввало, шахснинг социал ҳуқуқлари ҳақида. Бизда жамиятнинг инсон ҳақидаги ғамхўрлиги кенг тармоқли системаси вужудга келган, аммо тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз унинг заифликлари ва камчиликларини кўриб турибмиз, меҳнат шароитларини яхшилаш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш сифатини кўтариш, меҳнаткашларнинг социал таъминоти даражасини ошириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишга интиляпмиз. Мана шуларнинг ҳаммасида партиянинг совет кишилари тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга, уларнинг социал жиҳатдан ҳимояланишига оид қатъий йўл-йўриқлари ифодаланмоқда.

Бироқ шу муносабат билан қуйидагиларни айтмоқ керак. Биз шахснинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлашни истаймиз, бунинг учун эса иқтисодий ва сиёсий шароитларни тегишли равишда ўзгартириш зарур. Бироқ

шу ўзгартишларнинг характери ҳам, уларни амалга ошириш муддатлари ҳам совет жамияти барча аъзоларининг меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланган. Жамиятдан олинаётган социал неъматлар ва меҳнатга муносабат жуда чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир киши ўзига талабчанлик билан қараши зарурлигини тушуниши муҳимдир. Бу ўринда хўжалик юритишнинг хўжалик ҳисоби принциплари муҳимлиги яна бир бор намоён бўлади, бу принциплар иш ҳақинигина эмас, социал эҳтиёжларнинг қондирилишини ҳам ҳар бир кишининг, ҳар бир коллективнинг меҳнат ҳиссаси билан боғлаш имконини беради. Бойликлар ва неъматлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни фақат меҳнат вужудга келтиради. Ишга виждонсизлик билан қараш, паст меҳнат интизоми, сусткашлик, социал жиҳатдан тайёрга айёрлик биз учун ётдир.

Ҳа, турғунлик йилларида меҳнат фаолияти соҳасида бир талай қийин муаммолар йиғилиб қолганини биламиз. Энди биз ишни ўнглаб олишимизга ва бой берилган нарсаларни қайтадан тиклашимизга тўғри келмоқда. Бу иш унчалик осон эмас, чунки у бутун жамиятга тааллуқлидир.

Қайта қуриш инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани қўйди. Бу ҳуқуқларни амалга оширишга раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари ва шу усуллар билан боғлиқ бўлган демократиянинг чекланиши айникса асоратли таъсир қилди. Мана шуларнинг ҳаммаси инсоннинг ҳокимиятдан, сиёсатдан бегоналашувини бартараф этиш жараёнини — Октябрь бошлаб берган жараённи секинлаштирди ва чигаллаштирди.

Конференциямиз муҳокамасига қўйилаётган сиёсий ислоҳот лойиҳаси меҳнаткашларни мамлакат ишларини идора қилишга кенг жалб этиш жараёнини айни жадаллаштиришга қаратилган. Бунинг учун эса, табиийки, реал шароитлар яратилган — сайлов системаси ўзгартирилган, ҳокимият ва бошқарув органларининг структураси қайта тузилган, қонунлар янгиланган бўлиши керак. Бу эса миллион-миллион кишиларнинг ижтимоий онгидаги тегишли ўзгаришларни ҳам тақозо этади.

Ҳозир қайта қуриш бизгача етиб келмади, деб тез-тез айтмоқдалар ва жойлардан ёзмоқдалар, қайта қуриш қачон етиб келишини сўрамоқдалар. Аммо қайта қуриш осмондан ёғиладиган чалпак эмас, шу сабабли уни қаердандир олиб келишларини кутмасдан, балки, ўз шаҳри ёки қишлоғида, ўз меҳнат коллективида уни ижод қилиш керак. Ҳозир қайта қуриш хусусидаги гап-сўзлар эмас, балки ҳаракатлар, ишлар ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Бу ўринда кўп нарса кадрларимизга, район, шаҳар, область ва республика миқёсидаги раҳбарларимизга боғлиқ.

Аммо бир қанча жойларда қайта қуриш юришмаётган экан, бунинг учун фақат раҳбарларгина айбдор эмас. Ҳамма камчиликларни раҳбарларга тўнкаш энг осон иш эканлиги маълум. Айни мана шу нарса бизда жуда кенг тарқалган. Мамлакатдаги ижтимоий муҳит, партия ва давлат органларининг фаолияти актив гражданлик позициясини намоён этиш учун зарур шарт-шароитларни яратмаган пайтда бу одатни бирмунча тушуниш мумкин эди. Аммо ҳозир, ўртоқлар ҳамма нарса тубдан ўзгармоқда ва кўп кишилар қайта қуришнинг барча жараёнларига бажонидил қўшилдилар. Шу сабабли ҳозир ҳам шикоят қилишни, раҳбарларга, «юқорига» ишора қилишни давом эттираётган кишиларга биз: Хўш, сен қайта қуриш учун нима қилдинг? — деб тўғридан-тўғри савол беришимиз керак. **(Давомли қарсаклар).**

Инсонга ҳар қандай масалада ўз фикрини изҳор этиш имконини берадиган сиёсий эркинликларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Шу эркинликларни рўёбга чиқариш — ижтимоий қизиқишга молик бўлган ҳар қандай муаммо ҳар томонлама муҳокама этилишининг, ҳамма яхши ва ёмон томонларни чамалаб кўришнинг реал гарантияси бўлиб, бу нарса барча хилма-хил фикрлар ва реал имкониятларни эътиборга олган ҳолда энг тўғри ечимларни топишга ёрдам берган бўлур эди. Хуллас, ўртоқлар, гап мамлакатда афкор омманинг янги роли тўғрисида боряпти, зотан, фикр-мулоҳазаларнинг янгилигидан, одатдан ташқари эканлигидан чўчимаслик керак, мунозараларнинг ҳар бир бурилишида ўзни четга олиб қочмаслик ва ҳар томонга урмаслик лозим.

Виждон эркинлиги каби принципиал масалани ҳам тилга олмоқчиман. Ҳозир

Русияда христианлик жорий этилганлигининг минг йиллиги муносабати билан бу масалага кўпроқ эътибор берилмоқда. Биз номатериалистик, ноилмий дунёқараш бўлмиш диний дунёқарашга ўз муносабатимизни яширмаймиз. Аммо бу диндор кишиларнинг маънавий дунёсига ҳурматсизлик билан қарашга ва бунинг устига материалистик қарашларни қарор топтириш учун ҳар қандай маъмурий тазйиқни қўлланишга асос бўла олмайди.

Бундан 70 йил муқаддам черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида қабул қилинган Ленин декрети улар ўртасидаги муносабатларнинг янги асосларини яратди. Бу муносабатлар ҳамиша ҳам нормал таркиб топавермаганлиги маълум. Аммо турмушнинг ўзи, тарих Улуғ Ватан уруши синови йилларида ҳам, социалистик жамиятимизни барпо этишда ҳам, тинчлик учун курашда ҳам советлар мамлакатининг гражданлари, ватанпарварлар бўлмиш диндорлар билан динга ишонмовчиларни бирлаштирди.

Барча диндорлар қайси динга мансуб эканликларидан қатъи назар СССРнинг тўла ҳуқуқли гражданларидир. Уларнинг ғоят кўпчилиги ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий турмушимизда, қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишда фаол қатнашмоқдалар. Виждон эркинлиги тўғрисида ҳозир тайёрланаётган қонун лойиҳаси ленинча принципларга асосланади, барча реалликларни эътиборга олади.

Энди гражданларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, бунда ҳам қонун йўли билан анча аниқроқ тартибга солиниш талаб қилинади. Ҳозирдаёқ бирмунча ишлар қилиб қўйилди. Юмалоқ хатларни кўриб чиқмаслик, танқид учун таъқиб этишга жиноий жавобгарлик белгилаш, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун судга шикоят қилиш, шундай хатти-ҳаракатлар етказган зарарни ундириб олиш тартиби, руҳий касал кишиларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилишини кучайтириш тўғрисидаги қарор зўр мамнуният билан кутиб олинди. Бизнинг бутун ҳуқуқ-тартиботимиз гражданларнинг шахсий ҳаёти, уй-жойи дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалари, почта ва телеграф орқали жўнатган нарсаларнинг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини гарантиялаши лозим. Қонун инсоннинг шахсий қадр-қимматини пухта ҳимоя қилиши керак.

Биз совет кишиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бутун чоралар билан муҳофаза қилиб ҳамда гарантиялаб, уларга гражданлик бурчларидан ажралган ҳолда қарай олмаймиз. Демократия оқилона жамоат тартибини тақозо этадики, аслини олганда бусиз шахсий эркинликнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизнинг қонунларимиз жамиятни ҳар хил юлғичлардан, муттаҳам порахўрлардан, ташмачилардан, безорилардан, туҳматчилардан, сурбетлардан қатъиян ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди. Жамиятнинг ихтиёрида жамиятга зид унсурларга таъсир ўтказишнинг, уларни қайта тарбиялаш ва нормал меҳнат ҳаётига жалб этишнинг самарали воситалари бўлиши керак.

Яна бир муаммо ҳам бор. Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликларни қарор топтириш, умуман демократия ва ошкораликни кенгайтириш қонунчиликни мустаҳкамлаш билан, қонунни сўзсиз ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш билан айни бир вақтда амалга оширилиши лозим. Ўзбошимчалик ҳам, масъулиятсизлик ҳам, тартибсизлик ҳам демократияга зиддир. **(Қарсаклар).**

Ўзларингизга маълумки, кейинги вақтларда биз демократик ҳуқуқлардан демократияга хилоф мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларга бир неча марта дуч келдик. Баъзи бир кимсаларга чегараларни ўзгартишдан то оппозициядаги партияларни тузишгача ҳар қандай масалаларни шундай йўл билан ҳал этиш мумкиндек туюлмоқда. КПСС Марказий Комитети демократиялашни бундай суиистеъмол қилиш қайта қуриш вазифаларига тубдан зид, халқ манфаатларига хилофдир, деб ҳисоблайди. **(Давомли қарсаклар).**

Инсон ҳуқуқлари муаммосининг муҳим халқаро жиҳати ҳам бор. Социалистик йўлимизнинг тўғрилигига ишончимиз комил ва биз барча қинғайиш ва бузилишларни бартараф эта бориб, шахс ҳуқуқларини айни социалистик заминда бойитишга, тузумимизнинг табиатига мос келадиган доираларда ва усуллар асосида ҳаракат қилишга азму қарор қилганмиз. Аммо ҳозирги шароитда инсон ҳуқуқлари, ва, аввало, яшаш ҳуқуқи бутун жаҳон ҳамжамияти ғамхўрлик қилаётган мавзу бўлиб, ижтимоий турмушнинг бошқа кўпгина жиҳатлари каби у ҳам интернационал тус олиб бормоқда.

Биз бошқа барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга, тажрибаларни баҳам кўришга, зиммамизга олган мажбуриятларни беками-кўст бажаришга тайёрмиз.

Қайта қуриш инсоннинг барча — социал, сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини таъминлашда социализмнинг сўзсиз афзалликларини кўрсатиш имконини беражагига ишончимиз комил. **(Қарсаклар).**

3. Ҳокимиятни ташкил этишни такомиллаштириш

Ўртоқлар! Маълумки, бизнинг давлатимиз ишчилар синфи диктатурасининг қуроли сифатида дунёга келган, 60-йилларнинг бошларида эса унинг босқичма-босқич умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши тўғрисида хулоса чиқарилган эди. Аммо биз сиёсий жараённинг мазмунини қанчалик чуқурроқ билиб борганимиз сари давлатчилигимизни том маънодаги умумхалқ давлатига етказиш зарурлиги шунчалик равшан бўлиб қолмоқда. Бунинг учун ҳокимият ва бошқарувни шундай ташкил этиш керакки, бунда ҳамиша халқ ҳал қилувчи, сўнгги сўзни айтадиган бўлсин, жамиятнинг ўзини ўзи тартибга солиш ва ўзини ўзи бошқариш жараёнлари кенг имкониятга эга бўлиб қолсин. Бунда ҳокимият ваколатларини сиёсий системанинг асосий бўғинлари, биринчи навбатда, партия билан давлат ўртасида тўғри тақсимлаш принципиал аҳамиятга эгадир.

Турмуш олдимизга халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини қайта тиклаш вазифасини жуда кескин қилиб қўймоқдаки, бунда чала-ярим тадбирлар билан иш битмайди. Муаммога комплекс ёндашиш ва уни тубдан ҳал этиш керак.

Конференциядан олдин ўтказилган мунозара Марказий Комитетнинг Советларни қайта қуришга доир таклиф этган чора-тадбирлари қўллаб-қувватланаётганлиги ва маъқулланаётганлигини кўрсатди. Асосий принципни шундай таърифлаш мумкин: давлат, хўжалик аҳамиятига ёки социал аҳамиятга молик биронта ҳам масала Советларсиз ҳал этилиши мумкин эмас. Партиянинг иқтисодий, социал, миллий сиёсати, аввало, халқ ҳокимияти органлари сифатида халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширилиши лозим.

Ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи таъминлаш принциплари асосида маҳаллий ишларга раҳбарликни қайта ташкил этиш жуда зарур бўлиб қолди.

Бу иш иқтисодий ислоҳотнинг узвий давоми бўлиб қолиши, бутун жамият манфаатларини ундаги ҳар бир территориал ячейка ва меҳнат коллективининг талаб-эҳтиёжлари билан ўзаро боғлаши, идоравий тарқоқликка ва маҳаллий хўжаликнинг пароканддалигига барҳам бериши керак. Советларнинг ўз қарамоғидаги территорияларни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда уларнинг тўла жавобгарлигини ва мустақиллигини белгилаб қўйиш, корхоналар кимга бўйсунишидан қатъи назар, улар оладиган фойданинг бир қисмини Советлар бюджетига ажратишни кўпайтириш лозим.

Советлар узоқ муддатли нормативларга асосланган салмоқли даромад манбаларига, жумладан уларнинг территориясида жойлашган барча корхоналардан олиб туриладиган тушумларга эга бўлишлари, катта-катта вазифаларни амалга ошириш учун маблағ жамғаришлари керак. Мазкур шаҳар, район, посёлка аҳолиси учун муштарак бўлган социал ва маданий-маиший ривожланиш масалаларини ҳал этиш мақсадида аҳолининг пул маблағларини жалб этиш ишида ҳам уларда зарур имкониятлар бўлиши лозим.

Маҳсулоти аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган корхоналарни маҳаллий Советлар қарамоғига ўтказишни жадаллаштириш, юқорироқ идораларга бўйсунувчи корхоналарга ҳам буюртмалар беришда уларга имконият яратиш керак. Советларнинг корхоналар ва колхозлар билан, уларнинг меҳнат коллективлари билан муносабатларини қонунда пухта ва аниқ-равшан белгилаб қўйиш керак.

Ваколатли органлар ишини ташкил этишнинг ўзини қатъиян янгилаш, фақат уларнинг сессияларида ҳал этиладиган масалалар доирасини кенгайтириш, депутатларнинг бир қисми Советларда ва сайлов округларида ишлаш учун вақти-

вақти билан хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиб турилишини кўзда тутиш, Советлар ҳамда улар доимий комиссияларининг контроллик вазифаларини яна ҳам таъсирчан қилиш керак. Сессияларда ижроия комитетларни сайлаш, бўлимлар ва бошқармаларнинг раҳбарларини тасдиқлаш чоғида муқобил номзодларни кўрсатиш, яширин овоз бериш, конкурслар ва бошқа демократик формалар қоида бўлиб қолиши лозим. Барча бўғинлардаги Советларнинг иши ошкора олиб борилишига, доимо сайловчиларнинг кўз ўнгида бўлишига эришиш керак.

Лениннинг фикрига кўра Советлар қонун чиқариш, фармойиш бериш ва контрол қилиш вазифаларини бирлаштиради. Аммо, бу давлат органлари ўртасида меҳнатни оқилона тақсимлашни инкор этмайди, бу эса Советларнинг ўз ижроия комитетлари билан ўзаро муносабатлари учун айниқса муҳимдир. Вазифаларни тўғри чегаралаб қўйиш, ваколатли органларнинг ижроия комитетлар фаолияти устидан назоратини кучайтириш манфаатларини кўзлаб, мунозаранинг кўпгина қатнашчилари маҳаллий ҳокимият органларида Советларнинг доимий ишлайдиган раисларига ва Советларнинг президиумига эга бўлиш тўғрисидаги таклифни айтдилар. Ана шу Советларнинг раислари ва президиумлари сессияларни тайёрлаш, доимий комиссиялар ва депутатлик группаларининг ишини мувофиқлаштириш, хуллас ваколатли ҳокимият органининг интенсив фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни ўз зиммасига олган бўлур эди.

Модомики, ҳозирги шароитда сайлаб қўйиладиган органларнинг, депутатларнинг ролини ошириш вазифаси қўйилаётган экан, янги вазифаларни эътиборга олганда халқнинг ваколатли органлари сифатида Советларнинг ролини партиянинг обрўси билан мустаҳкамлашни жуда муҳим деб ҳисоблаётган ўртоқларнинг фикри асослидир. Аммо буни ҳуқуққа қатъий асосланган ҳолда бажариш керак.

Қоида тариқасида тегишли партия комитетларининг биринчи секретарларини Советларнинг раиси лавозимларига тавсия этиш — бунинг энг реал йўлидир. Улар Советларга ва Советларнинг президиумларига раҳбарлик қила туриб, халқ ваколатли органлари фаолиятининг барча томонларини яхшилашга жуда актив тарзда кўмаклашадилар.

Бу катта аҳамиятга молик масала бўлиб, уни муфассалроқ кўриб чиқиш керак. Ҳозир биринчи секретарлар одатда ижроия комитетларнинг аъзоларидир. Бу эса кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, ваколатли органлар бўлмиш Советларнинг обрў-эътиборига путур етказган ҳолда ижроия органларнинг, улар аппаратининг алоҳида ҳуқуқларини ихтиёрий ёки беихтиёр равишда кучайтиришга олиб келади.

Агар партия комитетининг биринчи секретари Совет раиси этиб сайланадиган бўлса, бу ҳол Советнинг обрўсини оширади, ижроия комитети ва унинг раиси фаолияти устидан контролликни кучайтиради, бошқарув фаолияти асосан Советларга ўтаётган шароитда партия ва совет органларининг вазифаларини аниқроқ чегаралаб қўйиш имконини беради.

Иккинчи томондан, ўртоқлар, партия раҳбарларининг Советлар раиси лавозимларига тавсия этилиши уларни меҳнаткашларнинг анча таъсирчан назорати остига қўяди, чунки сайлов сессияларда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бунинг маъноси шуки, партия раҳбарига коммунистлар топширадиган мандат ҳар гал Советларнинг барча босқичларида халқ вакиллари томонидан текширилиб, тасдиқлангандек бўлади. Партия секретарларининг тавсия этилган номзодини депутатлар қўллаб-қувватламайдиган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин, албатта. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳолларда партия комитети, коммунистлар ҳам бундан тегишли хулосаларини чиқариб олишлари лозим бўлади.

Ижроия комитет аъзолари ҳамда унинг бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари тегишли Совет депутатлари составига кира олмайдиган қоидани белгилаш ваколатли ва ижроия органлар ўртасидаги ваколатларни яхшироқ чегаралаб қўйишга хизмат қилиши лозим. Ҳозир ижроия комитет аъзолари, унинг бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари Советларнинг депутатлари бўлиб, мажлис қиладилар, ўзларига ўзлари топшириқ берадилар. Бу топшириқлар бўшроқ ва камроқ бўлишидан уларнинг манфаатдорлиги равшан. Бундай принципни судьялар, прокурорлар, арбитрларга, ССР Иттифоқида иттифоқдош ва

автоном республикаларда эса ҳукумат аъзолари билан идораларнинг раҳбарларига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб туришга бир қанча демократик чекланишларни жорий этиш зарур бўлиб қолди. Ўтмиш тажрибаси мана шундай чекланишларнинг йўқлиги марказда ҳам, жойларда ҳам ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг бош сабабларидан бири бўлганлигини кўрсатмоқда. Жуда муносиб, қобилиятли раҳбарлар неча ўн йиллар мобайнида бир лавозимда туриб даққи бўлиб қолган ва раҳбарлик лавозимини эгаллашда давом этиб ишда тўғаноққа ва тирик товонга айланган кўпгина мисолларни биламиз.

Конференция олдидан ўтказилган мунозара материаллари бундай аҳволни ўзгартириш аслида умумпартиявий, умумхалқ талаби бўлиб қолганлигини кўрсатмоқда. Тўғри, бунда ҳар хил нуқтаи назарлар билдирилди. Баъзилар гарчи фавқулодда ҳолларда бўлса ҳам сурункасига учинчи муддатга сайлаш эҳтимоли хусусидаги писанда кераклигига шубҳаландилар. Бошқаларнинг фикрича эса ваколатларни учинчи муддатга узайтиришга ҳокимиятнинг энг юқори доирасидагина йўл қўйилиши керак. Келинг мана шу таклифларни муҳокама қилайлик.

Яна бир нарса: агар Тезисларда муддатларни чеклаш сайлаб қўйиладиган лавозимларгагина тааллуқли бўлса, мунозаранинг кўпгина қатнашчилари уни Советлар тайинлайдиган ва тасдиқлайдиган ходимларга ҳам жорий этишни таклиф қилдилар. Бизнингча, бу тўғри мулоҳаза ва уни қўллаб-қувватлаш керак.

Муайян ёшга етгандан кейин сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб туришни чеклаб қўйиш тўғрисидаги таклиф ҳам муҳокама қилинди. Бундай қилиш сайловчиларнинг суверен ҳуқуқини чеклаб қўйиш бўлур эди деган қарама-қарши фикрлар ҳам айтилди. Ҳокимият ва бошқарув органларини тузишнинг бутун жараёнини кенг демократиялаш ҳисобга олинса, бу муаммо ўзининг ўткирлигини йўқотади, уни сайловчилар ва депутатларнинг ўзлари демократик тадбирлар ёрдамида ҳал этадилар, деб ўйлайман.

Халқ депутатининг реал сиёсий обрўйи — Советлар фаолиятини юксалтиришнинг сўзсиз шартидир, депутатнинг сиёсий обрўйи эса ваколатли ҳокимият органларини тузишнинг бутун жараёни билан бевосита боғлиқ. Сайлов системамизни қатъиян янгилаш зарурлиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Биз партия XXVII съезди қарорларини бажара бориб сайлов системасини янгилаш йўлига ўтдик. Сўнгги сайлов давомида сайлов округларининг бир қисмида сайловлар кўп мандатли схема бўйича ўтказилди, кўпгина округларда иккитадан ва ундан кўпроқ номзодлар кўрсатилди. Умуман мамлакатимизда муҳокама қилинган номзодларнинг умумий сони мандатлар сонидан деярли икки баравар ортиб кетди. Мусобақалашув сайловларни жонлантирди, унга сайловчиларнинг қизиқишини кучайтирди, депутатларнинг масъулиятини оширди. Эндиликда сайлов системасига янгича ёндашувларни ўзлаштириб ва мустаҳкамлаб, ана шу йўлдан олға бориш керак.

Советларни тузиш чоғида чекланмаган миқдорда номзодларни кўрсатиш, уларни кенг ва эркин муҳокама қилиш, сайловнинг демократик тадбирларига қатъий риоя этиш, депутатларнинг мунтазам ҳисобот бериб бориши, уларни чақириб олиш имконияти ҳуқуқларини таъминлаш лозим бўлади. Округ сайлоолди йиғилишларига янада кенгроқ ваколат билан келиш керак, улар номзодларни мусобақа асосида танлаб олишнинг демократик анжуманига айланиши керак.

Умуман, ўртоқлар, эндиликда бизда депутатлар корпуси разнарядка асосида эмас, балки, аввало сайловчиларнинг ўз иродаларини жонли, эркин ифодалашлари асосида шакллантирилиши лозим. Советларга давлат миқёсида фикр юрита оладиган, ўз сайловчиларининг муносиб вакили бўла оладиган ва ҳокимият органларида фаол ҳаракат қиладиган принципиал, серғайрат ва тажрибали кишиларни сайлаш Советлар иши самарадорлигининг биринчи шартидир.

Аҳоли турли қатламлари вакилларининг номутаносиблигидан қўрқмаслик керак. Бизда ишчилар синфида ҳам, деҳқонлар орасида ҳам, зиёлилар қаторида ҳам жанговар, сиёсий жиҳатдан саводли ва фаол кишилар бор. Сайловчилар уларни энг яхши тарзда танлаб олишларини таъминлайдиган яхши созланган мусобақалашув механизминигина барпо этиш керак. Ана ўшанда аҳолининг барча

асосий группалари, уларнинг манфаатлари Советларнинг составида ўз ифодасини топади. Бизнинг тушунишимизча, жамиятда маҳаллий Советлар состави сонини камайтириш масаласида якдиллик бор.

Марказий Комитетнинг конференцияга Тезисларини муҳокама қилиш чоғида барча Советлар учун бир хил — беш йил ваколат муддатини белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклиф кенг қўллаб-қувватланди. Бундай шароитда маҳаллий Советларнинг депутатлари дадилроқ иш олиб борадилар, ўз режаларини амалга ошириш учун етарли вақтга эга бўладилар. Дангаса ёки ўз ишини уддалай олмаган депутатни чақириб олиш, ёки зарур бўлган тақдирда Советнинг составини тўлдириш мумкин бўлади — сайловчиларнинг бундай ҳуқуқлари ҳамиша сақланиб қолаверади.

Совет ҳокимиятининг олий органлари қандай тузилганлиги ва қандай ваколатларга эгалиги Советлар ишининг самарали бўлиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Депутатлар, Президиум, СССР Олий Совети комиссиялари фойдали ишларни қилаётганига қарамай, Олий ҳокимият органимиз структураси ва унинг фаолияти режими жиддий ўзгартиришни талаб қилаётганлиги ҳаммага равшан. Марказий Комитет Тезислари теварагида авж олиб кетган баҳсларда бу масалага алоҳида қизиқиш билан қаралди.

Октябрдан кейинги ўн йилликлар тажрибасига мурожаат қилиш керак, деган кўпгина таклифлар тушди, ўша вақтда бизда Советлар съездлари системаси амал қилар эди. Бу съездлар халқнинг кенг ва тўла ҳокимиятли йиғилишлари бўлиб, съездлар оралиғида ғоят ваколатли марказий ижроия комитетлар иш олиб борарди.

Ваколатларнинг оммавийлиги қонун чиқариш соҳасидаги доимий иш, бошқариш ва контрол билан қўшиб олиб бориларди. Баҳсларда жамоат ташкилотларимизнинг мамлакат Олий ҳокимият органида бевосита вакили бўлиши зарур, деган фикр ҳам айтилди.

КПСС Марказий Комитети ана шу фикрларни умумлаштириб, конференция муҳокамасига қуйидаги таклифларни киритади.

Биринчи. Давлат ҳокимияти олий босқичида меҳнаткашлар вакиллари сонини анча кенгайтириш.

Бунинг учун Иттифоқ Советига территорияга қараб аҳоли вакиллари сайлаш ҳамда Миллатлар Советига миллатлар ва элатлар вакилларини сайлашнинг ҳозирги ана шу тартиби бизнинг сиёсий системамизга кирадиган жамоат ташкилотларидан бевосита вакиллар кўрсатиш билан тўлдирилиши керак. Шундай қилиб, 1500 депутат ҳозиргидек территориал ва миллий округлардан сайланган бўлур эди, тахминан яна 750 депутат эса партия, касаба союз, кооператив, ёшлар, хотин-қизлар, ветеранлар, илмий, ижодий ва бошқа ташкилотлар съездларида ёки уларнинг марказий органлари пленумларида сайланган бўлур эди. Бундай ташкилотларнинг рўйхатини ва ваколат нормаларини конституцияда белгилаб қўйиш мумкин бўлади.

Беш йил муддатга сайлаб қўйиладиган барча депутатлар биргаликда давлат ҳокимиятининг янги ваколатли Олий органи — СССР халқ депутатлари съездини ташкил этган бўлур эди.

СССР халқ депутатлари съезди йилига бир марта ўз мажлисига тўпланиб, мамлакат ҳаётидаги энг муҳим конституцион, сиёсий ва социал-иқтисодий масалаларни ҳал этган бўлур эди.

Қонун чиқариш, ижро ва контрол тусидаги барча масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ўзига бўйсунувчи органлар ҳамда Советларнинг қуйи бўғинлари ишини йўналтириб туриш учун халқ депутатлари съезди ўз составидан сон жиҳатидан унча катта бўлмаган (айтайлик, 400—450 кишидан иборат бўлган) икки палатали СССР Олий Советини сайлаши мумкин. Бу эса халқ депутатлари съездига бўйсунадиган доимий ишлайдиган Олий ҳокимият органи бўлур эди. Шундай қилиб, қонун чиқариш ва контрол қилишга доир ишларнинг ҳаммаси бевосита Олий Совет ва унинг комиссияларида мужассамлаштирилади, бу эса Олий давлат структурасини демократиялаш йўлида янги қадам бўлади.

СССР Олий Совети составининг бир қисмини вақти-вақти билан ўзгартириб туришни ҳам ўйлаб кўриш мумкин.

Иккинчи. СССР Олий Совети палаталарининг ишини фаоллаштириш,

уларнинг ҳозирги мавжуд вазифалари ноаниқлигига барҳам бериш керак.

Ўз-ўзидан равшанки, давлат ҳаётининг асосий муаммоларига доир қонунлар ва қарорларнинг лойиҳаларини илгаригидек Олий Советнинг ҳар икки палатаси аъзолари муҳокама қилиб қабул этиши лозим.

Шу билан бирга мамлакатнинг барча миллий-давлат ва миллий-маъмурий ташкилотлари вакили ҳисобланган Миллатлар Совети уларни иқтисодий ва социал ривожлантириш, миллатлараро муносабатлар, бу соҳада қонунларга риоя қилиниши, республикалар, автономия бўлинмалари манфаатларига дахлдор бўлган иттифоқ министрликлари ва идоралари фаолиятини контрол қилиш масалалари ва бошқа масалаларни кўриб чиқиши мумкин бўлур эди.

Ўз навбатида умумхалқ манфаатларини, барча синфлар ва социал гуруҳларнинг эҳтиёжларини ифодалайдиган Иттифоқ Совети диққат-эътиборини катта социал-иқтисодий программалар ва планларни ишлаб чиқишга, нарх-наво ва солиқ, меҳнат муносабатлари, гражданлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва бошқа соҳалардаги сиёсат масалаларига қаратиши мумкин бўлур эди.

Шу ерда, конференциямизда палаталарнинг вазифаларини принципиал белгилаб қўйиш тўғрисида келишиб олишимиз керак. Буларнинг ҳаммаси СССР Конституциясида ва бошқа қонун актларида ўзининг конкрет ифодасини топиши лозим.

Муҳокама фаол баҳсларга сабаб бўлган яна бир мавзу борлигини кўрсатди. Бу — партия ва давлат олий лавозимларининг нисбати, олий ҳокимият структурасидаги уларнинг ўрни тўғрисидаги масаладир. Шу муносабат билан баъзи бировлар В. И. Ленин ҳаётлиги чоғида мавжуд бўлган практикага қайтишни тўғри деб ҳисобламоқдалар, ўша вақтда партия раҳбари айни бир пайтда ҳукумат бошлиғи эди. Бошқалар эса, умуман партия ва давлат лавозимларини бир вақтда эгаллаб туриш номақбуллиги тўғрисида гапирмоқдалар. Яна бирлари эса СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳақида фикр билдирмоқдалар. Баъзилар эса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари амалда мамлакат олий вакили ролини бажарадиган ҳолат ҳуқуқий давлат концепциясига мос келмаслигини уқтирмоқдалар. Яна кўпгина бошқа мулоҳазалар ҳам айтилмоқда.

Ўртоқлар, бу жиддий масала ва уни конференциямизда батафсил муҳокама қилиш керак. Масалани сиёсий системани ислоҳ қилиш давомида энг мақбул ечимини топадиган тарзда муҳокама қилиш даркор.

КПСС Марказий Комитетининг фикрича, СССР Олий Совети раиси лавозимининг таъсис этилиши ваколатли олий органлар ва халқ депутатлари Советлари бутун системасининг ролини оширишга, ҳокимиятнинг ҳуқуқий характерини мустаҳкамлашга, жаҳон ишларида Совет Иттифоқи энг яхши тарзда иштирок этишига мос бўлур эди.

СССР Олий Советининг Раиси СССР халқ депутатлари съездида яширин овоз бериш йўли билан сайланади ва чақириб олинади, съезд олдида тўла масъул бўлиб, унга ҳисоб беради, деб белгилаб қўйиш керак.

Ваколатли органлар ролини умуман ошириш шароитида СССР Олий Советининг Раиси етарли даражада кенг давлат ваколатларига эга бўлиши лозим. Хусусан у қонунлар ва энг муҳим социал-иқтисодий программаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилиши, ташқи сиёсатнинг мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигининг асосий масалаларини ҳал этиши, мудофаа кенгашига бошчилик қилиши, СССР Министрлар Совети Раиси номзоди тўғрисида таклифлар киритиши, шунингдек давлатдаги ана шундай лавозим учун анъанавий ҳисобланган бошқа вазифаларни бажариши мумкин бўлур эди.

Биз олий ҳокимият структурасида Олий Совет Раиси раҳбарлигида ишлайдиган СССР Олий Совети Президиуми ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Президиум составига Раиснинг икки ўринбосари (улардан бири СССР Халқ контроли комитетининг раиси бўлиши мумкин), ўн беш ўринбосари (иттифоқдош республикаларнинг сонига кўра), палаталар, доимий комиссиялар ва Олий Совет Комитетларининг Раислари кириши мумкин бўлур эди. Президиум сессияларни чақириш, Олий Совет комиссиялари ва депутатлари ишини мувофиқлаштириш, шунингдек бошқа баъзи вакиллик ишлари ваколатларини бажариши мумкин.

Олий ҳокимият органининг доимий комиссиялари статусини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Бу комиссиялар Олий Совет аъзолари ва халқ депутатлари съезди депутатларидан тузилиши мумкин. Бу комиссиялар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида ҳам, шунингдек биргаликда ҳам (бирлашган комитетлар) тузилиши мумкин.

Комиссиялар ва комитетларнинг ваколатларини янги вазифаларни ҳисобга олиб анча кенгайтириш лозим бўлур эди. Масалан, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан қарорлар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарларини, бошқа мансабдор шахсларни тайинлаш тўғрисидаги қарорлар бундай комиссиялар ва комитетларда албатта олдиндан муҳокама қилингандан кейингина қабул қилинишини кўзда тутиш мумкин. Уларнинг ваколатларини янада кенгайтириб, комиссиялар ва комитетларда ошкора эшитиш, ўткир ижтимоий қизиқиш уйғотган муаммоларни ўрганиш учун махсус депутатлар группалари тузиш йўлидан бориш мумкин.

СССР халқ депутатлари съезди сайлаб қўядиган конституция назорати комитети каби органни ҳам Олий ҳокимият структурасида барпо этиш масаласи ўртага қўйилмоқда. Бу комитет қонунларимизнинг ва бошқа ҳуқуқий актларимизнинг мамлакат асосий қонунига мос келишини кузатиб бориши ва бунинг учун етарли ваколатларга эга бўлиши лозим. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай комитетнинг мавжуд бўлиши барча мансабдор кишилар, шу жумладан энг юқори лавозимларни эгаллаб турган кишилар фаолиятини демократик контрол қилишнинг қўшимча гарантияси бўлур эди.

Учинчи. Олий ҳокимиятни ташкил этишнинг янги шакллари унинг самарадорлигини ўз-ўзидан гарантияламайди. Бунинг учун Олий Совет фаолиятининг характери ва услубини қатъиян ўзгартириш лозим. Сессияларни узундан-узоқ нутқлар ва ўз ишлари ҳақидаги ҳисоботлардан,ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйиш ва расмиятчиликдан халос этиш керак. Сессиялар ҳаётий ва талабчан бўлиши, таклиф этилаётган қарорларнинг вариантларини қиёслаши, тузатишлар, қўшимчалар, эътирозларни муҳокама қилиши лозим. Ҳукуматнинг депутатлар саволларига жавоб қайтарадиган кунларини жорий этиш, депутат сўровлари практикасини кенгайтириш зарур.

Шундай бўлиши ҳам мумкинки, у ёки бу қарорларни қабул қилишда тўла якдиллик бўлмай қолади. Аммо, бу демократия жараёни учун нормал ҳодисадир. Умуман оппонентнинг овозига эътибор билан қулоқ солиш, олдиндан янглиш ўйлаб чиқарилган хулосалар билан унинг фикрини рад қилмасликка ўрганиш пайти аллақачон келган. Фикрларнинг социалистик плюрализми яъни хилма-хиллиги, баҳслар, мунозаралар, қарашларни бир-бирига қиёслаш — энг яхши, энг мақбул қарорларни излаш йўлидир.

КПСС Марказий Комитети ССР Иттифоқи Олий ҳокимият органининг структурасида ва унинг ишини ташкил этишда ана шу ўзгартишларни таклиф қилар экан, бу таклифларнинг кўп қисми республикалар Олий ҳокимият органлари учун ҳам қўлланса бўлади, деб ҳисоблайди. Бу тадбирлар уларнинг роли ва обрў-эътиборини оширишга кўмаклашган, умуман иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини янада кенгайтирган бўлур эди. Бундан ташқари иттифоқдош ва республика ҳокимият органлари тузилиши ва демократик фаолияти режимининг бирлиги умуман Советларнинг бутун системаси иши самарадорлиги ва уйғунлигини таъминлаган бўлур эди.

Белгиланган ўзгартишларни ҳисобга олиб, автоном республикалар ҳокимият органларини тузиш, уларнинг структуралари ва вазифалари масалаларини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Агар делегатлар рози бўлсалар, бу таклифларнинг ҳаммасини конференциянинг махсус резолюциясида баён қилиб бериш мумкин. Аммо Советларни қайта қуришни пайсалга солиб бўлмайди.

Жумладан, шу йил куздаёқ СССР Олий Советида тегишли қонун актларини кўриб чиқиш, сўнгра эса келгуси йил баҳорида навбатдаги сайловдан кейин давлат ҳокимияти умумиттифоқ органларини қайта ташкил этиш мумкин бўлур эди.

Ваколатли демократиянинг пойдевори сифатида Советларни мустаҳкамлаб, бевосита демократияни — ишлаб чиқаришда, истиқомат жойида, гражданларнинг йиғилишлари ва йиғинларда, энг муҳим умумдавлат қарорлари ва маҳаллий

қарорларни муҳокама қилиш жараёнида демократияни ҳар томонлама ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш зарур.

Сўнгги йилларнинг тажрибаси энг катта умумдавлат қарорлари — давлат корхонаси, кооперация, мактаб ислоҳоти, соғликни сақлашни ташкил этиш тўғрисидаги ва бошқа қарорлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси нақадар самарали эканини кўрсатди. Қишлоқ, район, шаҳар даражасида, одамларга айниқса яқиндан дахлдор бўлган ва якдил фикр билдирилмаган масалалар юзасидан гражданларнинг овоз бериши йўли билан ҳозиргига нисбатан тез-тез қарорлар қабул қилиб туриш керак. Бундай ҳолларда у ёки бу муаммоларни кўпчилик ҳал қилсин.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши барча формаларини ривожлантиришда жуда катта резервлар мавжуд. Уларни ривожлантириш, айниқса меҳнат коллективларида кенг авж олдириш учун бизда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий, ҳам маълум даражада психологик асослар бор. Ўз тажрибамизга ҳам, социалистик мамлакатлардаги дўстларимиз тажрибасига ҳам ҳар томонлама баҳо бериб, бу соҳада вужудга келаётган, давлат органларининг айрим вазифаларини ўз-ўзини бошқарувчи у ёки бу ташкилотларга тўла ёки қисман топшириш мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида такрор-такрор ўйлаб кўриш керак. Энг муҳими, бу иш шаклан эмас, балки моҳиятига кўра амалга оширилсин.

Биз ҳаммамиз қайта қуриш, демократия ва ошкораликни авж олдириш шароитида ғоят хилма-хил соҳаларда меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги намоён бўлаётганининг гувоҳимиз. Лекин очиғини айтишимиз керак, бу соҳада ҳамма нарса ҳам осонгина бўлаётгани йўқ, ўртоқлар. Мисол учун хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган меҳнат коллективини олиб кўрайлик. У фақат ўзини ўзи бошқарадиган организм сифатидагина ўз-ўзини пул билан таъминлаш принципларида фаолият кўрсатиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, бу ўринда умумий йиғилиш билан колллектив кенгаши, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан маъмурият ўртасидаги ўзаро алоқалар, ана шу бутун комплекснинг халқ депутатлари Советлари билан муносабати масалалари янгича қўйилмоқда. Бизнинг тажрибамиз, эҳтимол ҳали камдир, лекин кун сайин тажрибамиз ортиб бораяпти ва бинобарин ўз-ўзини бошқариш жараёнини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб бу тажрибадан омилкорлик билан фойдаланишимиз лозим.

Ниҳоят, социалистик халқ ҳокимиятининг яна бир муҳим шакли — контрол тўғрисида гапирмоқчиман.

Ишчи контроли ғояси Октябрь даврида вужудга келган. Маълумки, бу ғояни Ленин сўнгги асарларида пухта тадқиқ қилган эди. Ленин айни омма контролини ўзбошимчаликнинг, субъективизмнинг, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш учун ҳал қилувчи гарантия, мустаҳкам социалистик интизомни — меҳнат, давлат, план, хўжалик, молия интизомини таъминлаш воситаси деб ҳисоблаган эди.

Меҳнаткашларнинг контрол қилиши — ижтимоий тузумимиз билан узвий равишда боғлиқ бўлган социализм сиёсий системасининг ўзига хос белгисидир.

Ҳозир биз демократиялаш ва ўз-ўзини бошқариш жараёнларини авж олдираётган бир пайтда халқ ҳокимиятининг ана шу воситасидан тўла фойдаланиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида айтилганидек, сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларига бўйсунувчи ижтимоий-давлат контролининг ягона системасини тузиш зарур. Бу система тегишли нуфузга эга бўлиши учун Халқ контроли комитетининг раиси, юқорида айтилганидек, СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиши мумкин. Давлат ва жамоат асослари бирбирига боғлаб олиб бориладиган, меҳнат коллективларида иш олиб борадиган халқ назоратчиларининг кенг тармоғига таянадиган, бундай контрол системаси жамиятни салбий ҳодисалардан мусаффо қиладиган чинакам қудратли куч бўлиб қолади, ўз-ўзини бошқаришнинг оммавий мактаби бўлади.

Бошқача айтганда, биз бир томондан Ленин давридаги ишчи-деҳқон инспекциясининг энг яхши анъаналарини қайта тиклашимиз, иккинчи томондан эса, бутун контрол ишини замонавий вазифалар даражасига кўтаришимиз лозим.

4. Давлат бошқарувини демократиялаш

Ўртоқлар! Бошқаришда меҳнаткашлар иштирокини бутун чоралар билан кенгайтириш вазифаси биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги пайтда демократик централизм принципи конкрет шароитда қандай қўлланилишини чуқур ўйлаб кўриш зарур. Бу масалани ўрганиш шундай хулосага олиб келади: жамият тараққиёти эҳтиёжларига мос келадиган асосий тенденция — марказнинг социализм афзалликларини рўёбга чиқариш, умумхалқ манфаатларини таъминлаш имконини берадиган вазифаларини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилаётган маҳаллийлаштиришдир.

Холис таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, халқ хўжалигимизнинг ҳозирги кўламларида, ижтимоий ҳаёт муаммоларининг хилма-хиллигида вужудга келаётган ҳамма масалаларни марказдан туриб ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш мумкин эмас. Кўпгина ваколатларни жойларга — республикаларга, ўлкаларга, областлар ва районларга, меҳнат коллективларига топшириш зарурлиги ана шундан келиб чиқмоқда.

Ҳозирча эса, ўртоқлар, вазият шундайки, фақат ҳукумат эмас, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Марказий Комитет Секретариати ҳам ўнлаб ва юзлаб масалаларни ҳал этишига тўғри келмоқда. Бу масалаларнинг кўпларини ҳал этишни ишга ҳеч қандай зарар етказмасдан қуйи Совет, хўжалик органларига ва бошқа органларга топшириш мумкин. Бундай тартибга ҳамма кўникиб қолган. Раҳбар кадрлар турли илтимослар билан Марказий Комитетга ва ҳукуматга ўринли ва ўринсиз телеграммалар юбормоқдалар, гражданлар эса аслида жойларнинг ўзида, шаҳар, район ва қишлоқларда ҳал қилинадиган масалалар хусусида кўпдан-кўп аризалар билан мурожаат қилмоқдалар.

Вазифалар ва ваколатларни қайта тақсимлаш — ғоят масъулиятли иш, албатта. Бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу борада кучли сиёсий омил ҳам, аниқ-пухта ҳуқуқий асос ҳам керак. Кенг кўламда маҳаллийлаштиришни амалга ошириш — сиёсий ва иқтисодий системамиз янада ҳаётий бўлишини таъминлашдир. Аммо бунда ижтимоий организмимизнинг ақл-идроки ва қалби бўлган марказий органларнинг ишини бузиш мумкин эмаслиги тушунарлидир.

Бунда СССР Олий Советига бўйсунадиган ижрочи ва идора қилувчи олий орган — СССР Министрлар Совети муҳим ўрин тутади. Партия ва давлат органлари вазифаларини белгилаб қўйиш шароитида ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш, иқтисодий, социал ва маданий тараққиёт планлари ва истиқбол программаларини ишлаб чиқиш ва бажариш учун Министрлар Советининг масъулияти беқиёс ортади. Министрлар Совети бу вазифаларни бажариш учун Конституциямизда кўзда тутилган кенг ваколатларга эгадир.

Маҳаллийлаштиришнинг ҳамда маҳкамачиликка қарши курашнинг ғоят муҳимлигини эътироф этиш билан бирга шуни аниқ-равшан таъкидлашимиз лозимки, буларнинг маҳаллийчиликни рағбатлантириш билан ҳеч бир алоқаси йўқ. Бундай хавф жуда реал бир нарса бўлиб турибдики, бизда бу хавфга қарама-қарши қўядиган жиддий омиллар бўлиши лозим. Марказнинг ўз сўзини айтиш ҳуқуқи сақланиб қолиши керак. Энг муҳими эса қуйидан, меҳнаткашлар томонидан бўладиган демократик контрол қатъиян мустаҳкамланиши шарт. Ўйлайманки, ҳаммамиз ўз-ўзини бошқаришнинг тарафдоримиз, аммо биз ўзбошимчаликка қаршимиз, маҳаллий манфаатлар ҳисобга олинишининг тарафдоримиз. Лекин бу маҳаллий манфаатлар бутун жамият манфаатлари билан албатта қўшиб олиб борилишининг ҳам тарафдоримиз. Хуллас, маҳаллийлаштиришга қаратилган йўл маҳаллийчилик ёки маҳаллий худбинлик учун йўл очиб беради, деб ҳисобловчи кишилар қаттиқ янглишган бўладилар.

Централизм билан маҳаллийлаштиришни бир-бири билан оқилона қўшиб олиб бориш муаммоси давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида, кооперация тўғрисида, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида қабул қилинган қонунлар

муносабати билан ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Ана шу ҳужжатларда таърифланган принциплар бошқарув вазифалари ва бошқарув органлари структурасини белгилашда асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бу органлар энди аввалгидек меҳнат коллективларига буйруқ беролмайдиган бўлиб қолади.

Умуман, ўртоқлар, ислоҳотнинг биринчи босқичидаёқ биз шунга амин бўлдикки, хўжалик ҳисобида ишлайдиган звено, айрим меҳнат коллективи ёки кооператив даражасида демократиялаш министрликлар, территориал органлар, марказий иқтисодий идоралар даражасида бошқаришни демократиялаш билан тўлдирилмас экан, бу иш лозим даражадаги самарани бермайди.

Бу эса бошқарув органлари структурасини соддалаштиришга, соҳалари ва фаолият тармоқлари бир хил бўлган бошқарув органларини бирлаштиришга, министрликлар ва идоралар сонини қисқартиришга, ортиқча бўғинлар, оралиқ ва воситачи структураларни тугатишга қаратилган йўлни изчил амалга ошириш, демакдир.

Ўртоқлар, ҳаммамиз биламизки, қайта қуришга, жамиятни демократиялашга, бошқарув ишига халқни кенг жалб этишга оид ғоят мураккаб вазифалар ҳал қилинаётган ҳозирги кунда аппаратсиз ишимиз битмайди, биз аппарат кадрларига менсимай қарашга чек қўйишимиз керак. Бошқарув аппарати бизга зарур, аммо у ҳозиргига қараганда бошқача аппарат бўлиши керак.

Юксак профессионал билимга эга бўлган, замонавий ахборот технологиясини эгаллаган, халқ демократик тарзда контрол қилиб турадиган, иқтисодий ва социал тараққиётни олға ҳаракатлантира оладиган янги типдаги аппарат яратиш учун курашмоқ даркор. Бундай аппаратда бошқарув фани асосларини яхши биладиган кишилар ишлаши зарур. Тегишли кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни замонавий даражада, янгичасига йўлга қўйиш вазифаси ана шундан келиб чиқади.

Ҳозирги кунда ҳамма бўғинларда бошқарув структурасини тартибга солиш соҳасидаги ишлар бошланиб кетди. Марказда ва республикаларда министрликлар ва идораларнинг, жойларда бошқарув бўлинмаларининг бир қисми тугатилди. Бошқарувнинг янги бош самаралари кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Шу схемаларга мувофиқ, Иттифоқ идораларининг аппарати 40 процент, иттифоқдош республикаларда ярми, автоном республикалар, ўлкалар ва областларда учдан бир қисми қисқартирилмоқда, авж олиб бораётган иқтисодий ислоҳот доирасида корхоналар ҳам ортиқча маъмурий ходимлардан халос бўла бошлади.

Аммо бу жараён силлиқ бормаяпти, қаршиликка дуч келяпти. Лекин шуни айтиш керакки, меҳнаткашлар иш суст боряпти, деб КПСС Марказий Комитетини ҳам, ҳукуматни ҳам ҳақли равишда танқид қилмоқдалар. Ҳозир қайта қуриш бошлангандан кейин уч йил ўтгач ҳам жуда катта бошқарув аппарати сақланиб турибдики, унинг анчагина қисми жамият манфаатлари билан ҳисоблашмай ўз мавқеини сақлаб қолишга зўр бериб уринмоқда. Биз бу ўринда халқнинг мутлақо асосли талабларига биноан иш кўришимиз керак, албатта.

Бизда мавжуд бошқарув системаси самарадорлигини тубдан ошириш зарурати ҳақида сўз юритганда, бу системани яхлит олиб қараш керак. Унинг бирорта ҳам бўғини демократик янгиланиш принциплари асосига қурилган қайта қуриш жараёнларидан четда қолмаслиги зарур. Бу ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий вазифаларни бажариш билан боғлиқ муассасаларга тўла тааллуқлидир. Мазкур муассасаларда кейинги вақтда олиб борилаётган муҳим ўзгаришлар замон руҳига мос нормал жараёндир. Давлат хавфсизлиги комитети, Мудофаа министрлиги ва бош штабнинг жамиятимизни ривожлантиришнинг, демократик жараёнларни авж олдиришнинг ҳозирги босқичида ўз фаолиятини такомиллаштириш соҳасида амалга ошираётган собитқадам ишларини ҳам қўллаб-қувватлаш керак.

Хуллас, ўртоқлар, демократиялаш жараёни марказ билан жойларнинг, сайлаб қўйиладиган органлар билан ижро органларининг тўғри нисбатини белгилаш, меҳнаткашларнинг бошқарув ишида реал қатнашувини таъминлаш йўли билан бошқарув системасини сифат жиҳатдан яхшилаш вазифасини ўткир масала қилиб қўймоқда. Бинобарин, иш соф ташкилий ўзгаришлардангина иборат эмас. Бу нарса келажакдаги ишнинг хусусиятини англаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

5. Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш

Ўртоқлар! Тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатларнинг мамлакатимизда таркиб топган иттифоқи социализмнинг энг буюк ютуқларидан бири бўлиб қолди. Бу эса зўр ишонч билан: ленинча миллий сиёсатни изчил амалга оширишгина бундан буён ҳам тараққиётимизнинг бирдан-бир соғлом негизи бўлиши керак, деб айтиш имконини беради.

Буюк иттифоқимизнинг ташкил этилишида асос бўлган ғоянинг ҳақлигини ҳаёт тасдиқлайди: куч-ғайратларнинг қўшилиши, бирлашиши ҳар бир миллатга ва умуман жамиятга ўз ҳаракатини кескин равишда жадаллаштириш, тарихий тараққиётнинг янги марраларига чиқиб олиш имконини берди. Йўлимизда учраган барча қийинчиликларга қарамай, бугунги кунда биз бу иттифоқ вақт синовидан ўтди, деб айта оламиз. Мазкур иттифоқ ҳамма халқларимизнинг бундан буёнги ривожланиши учун ҳал қилувчи замин бўлиб қолаверади.

Маълумки миллатлараро муносабатларни ривожлантириш масаласига Марказий Комитетнинг махсус Пленумини бағишлаш мўлжалланган. Аммо биз айни шу кунларда, конференциямизда мазкур жуда муҳим ва ўткир проблемани кўриб чиқишимиз керак. Шу ўринда бутун реал манзарани: шубҳасиз ютуқларни ҳам, конкрет социал-иқтисодий масалаларнинг ҳал қилинмаганлиги, шунингдек баъзан миллий ва умумхалқ манфаатларини бирга қўшиб олиб боришда нўноқлик қилинганлиги билан боғлиқ бўлган ҳаммага равшан нуқсонларни, камчиликлар ва қийинчиликларни ҳам кўра билиш муҳимдир.

Олдимизда республикалараро таркиб топган хўжалик ва илмий-техник алоқаларни янада ривожлантириш ва мақбул ҳолатга келтириш билан пухта шуғулланиш, Иттифоқ ичидаги меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси афзалликларини, илмий жиҳатдан асосланган регионал сиёсатни тўлароқ амалга ошириш вазифаси турибди. Бу ўринда ошкораликнинг аҳамияти катта. Меҳнаткашлар ўз республикаси қандай ривожланаётганлиги ва у халқ хўжалик комплексида қандай ўрин эгаллаётганлигини тўла-тўкис билиб туришлари керак. Улар фақат ўз қўшниларигина эмас, мамлакатдаги барча республикалар қандай яшаб-ривожланиб бораётганлигидан ҳам хабардор бўлишлари даркор. Бу ишни шунинг учун ҳам амалга ошириш лозимки, баъзида республикалараро ўзаро муносабатлар тўғрисида унчалик тўла бўлмаган ёки ҳатто бир ёқлама ахборотга асосланган гап-сўзлар ва фикрларга дуч келинади.

Агар партия конференциямиз экономика соҳасида миллатлараро муносабатлар учун ишончли йўналишлар сифатида адолат ва бир-бирига қардошларча интернационал ёрдам кўрсатиш принципларига, умумий юксалишни ҳам, мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатлар иқтисодий ва социал турмуш шароитини яхшилашни ҳам таъминловчи ҳамжиҳатлик принципларига тарафдор эканини изҳор этса, тўғри бўлади.

Ҳозирги шароитда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари англаб олиниши ва туб иқтисодий ислоҳотга мувофиқлаштирилиши зарур. Афтидан, мазкур республикалар, Иттифоқ фонди олдидаги ўз мажбуриятларини бажариб, моҳирона, ташаббускорлик билан хўжалик юритиш ҳисобига ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқаришни ўстира олишлари мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бу миллий муносабатларни ривожлантиришда социал адолат талабларига мувофиқ келган, олға томон умумий ҳаракатимизни рағбатлантирган бўлур эди.

Кейинги йилларда демократиялаш ва ошкоралик жараёнида шундай муаммолар ҳам кўриниб қолмоқдаки, уларнинг мавжудлиги ҳамиша ҳам етарли равишда ҳисобга олинмай келинар эди. Масалан, тил, маданият, адабиёт ва санъат, тарихий ёдгорликлар, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Кўп миллатли давлатимизнинг ривожланиши, табиийки, миллий ўзлигини англашнинг кучайиши жараёни билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу ижобий ҳодиса, аммо мазкур ҳодиса билан боғлиқ юзага келаётган янги талабларга ҳамиша ҳам

зарур даражада эътибор берилмаганлиги сабабли айрим масалалар мураккаб тус ола бошлади, қатор ҳолларда миллатчилик тусини олди.

Бу масалаларни умуман осойишта, турли суиистеъмоллар ва ҳаддан ошишишларга йўл қўймасдан ҳал қилиш мумкин эди.

Кейинги вақтда биз миллатлараро муносабат масалалари қанчалик мураккаблашиб кетиши мумкинлигини ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик. Бинобарин, халқларимиз қардошлиги ва дўстлигини кўз қорачиғидек асраш керак. Бошқача йўл, оқилона тадбирнинг ўзи йўқ, ўртоқлар. **(Қарсаклар).** Бунинг тескарисини исбот қилишга уринадиган киши ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдайди. Бунинг устига, турли миллатларга мансуб кишиларни ўзаро тўқнаштиришга уриниш, улар орасида адоват ва нафрат уруғини сочиш — қонун у ёқда турсин, балки ўз халқи ва социалистик жамият олдида оғир масъулиятни ўз зиммасига олиш демакдир. Бундай хатти-ҳаракатлар объектив равишда демократиялаш жараёнига ҳам, қайта қуриш ишига ҳам тўсқинлик қилади.

Биз миллатлараро муносабатлар масалаларини кўп миллатли Совет давлати тараққиётининг ҳозирги босқичи нуқтаи-назаридан ҳам қараб чиқишимиз лозим. Ўзимиз тўплаган тажрибани умумлаштириш, барча қимматли ютуқлардан фойдаланиш ва айни вақтда қутулишимиз зарур бўлган ҳолларни билиб олишимиз керак. Тўғрисини айтсак, бу ишда бош қотирадиган муаммолар бор. Аввало Иттифоқ билан республикаларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга солиб турадиган кўпгина норматив актларга баҳо беришимиз, улар ҳозирги шароитга, кўп миллатли жамиятимизнинг вазифа ҳамда талабларига, демократиянинг ривожланиш даражасига қай тарзда мос келишини баҳолашимиз зарур. Бу иш афтидан иттифоқдош, автоном республикалар, бошқа миллий давлатларнинг мавқеини, ҳуқуқ ва вазифаларини аниқлашни ҳам талаб этади.

Худди ана шундай ёндашув асосида қуйидаги масалани ҳам кўриб чиқиш даркор. Аҳоли истиқомат жойларининг ўзгариб туриши жамиятимизга хос хусусият бўлиб, кўпгина кишилар ўз миллий давлатларидан ташқарида яшайдилар, шундай элатлар ҳам борки, улар ўзларининг территориал автономиясига эга эмаслар. Буларнинг ҳаммаси кўп миллатли давлатимиздаги мавжуд реалликлардир. Бу борада муайян келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин ва уларни ҳал этиш учун ихтиёримизда фақат биргина йўл бор. Таркиб топган Иттифоқ давлат тузилиши доирасида ҳар бир миллат ва элатнинг ҳамда бутун совет халқлари ҳамжамиятининг манфаатларини мумкин қадар ҳисобга олишни таъминлаш зарур. Бизнинг конкрет шароитимизда масалага бошқача ёндашишнинг умуман имкони йўқ, бошқа йўлдан боришга ҳар қандай уриниш ҳалокатли бўлур эди.

Масалан, Қозоғистонни олиб кўрайлик. У тараққиёт учун катта имкониятларга эга бўлган жуда улкан республика, чинакам интернационал оила бўлиб, унинг ютуқлари барча халқларимиз ҳамкорлигининг самарасидир. Бу заминни қозоқлар, руслар, украинлар, немислар, қирғизлар, татарлар, ўзбеклар, туркманлар, бошқа кўпгина миллатлар ва элатларнинг вакиллари ўзлаштириб, у ерда ягона оила бўлиб яшамоқдалар. Айни вақтда ҳеч ким Қозоғистон республикасининг яхлитлигини шубҳа остига олаётгани йўқ. Худди шундай манзарани бирон-бир даражада бошқа республикаларда ҳам кузатиш мумкин.

Бизда экономикани, умуман бутун ижтимоий турмушни интернационаллаштиришдан бўлак йўл йўқ. Бинобарин, миллий маҳдудликка ҳар қандай уриниш иқтисодий ва маънавий қашшоқликкагина олиб келиши мумкин. Масалага бизнинг социалистик ёндашувимиз бошқача: қайси миллатга мансуб бўлмасин ҳар бир киши мамлакатнинг исталган ерида амалда тенг ҳуқуқли бўлишига, ҳамма ерда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошира олишига интиляпмиз.

Биз миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун курашар эканмиз, Совет Иттифоқи давлатининг ривожланиши, халқларимизнинг интернационал алоқалари ва қардошлиги ҳаётбахш муттасил жараёнлар эканлигига асосланамиз. Бу жараёнлар доимо ҳам республика, ҳам Иттифоқ органларининг диққат марказида туриши керак. Бу жараёнлар билан боғлиқ муаммоларни халқларнинг хоҳиш-иродасига, уларнинг ўзаро розилигига таяниб ва барча совет кишиларининг манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этиш керак.

Сиёсий тузумимиз доирасида доимий асосда миллатлараро проблемаларнинг бутун комплекси билан шуғулланадиган давлат ва жамоатчилик муассасалари бўлиши жуда муҳимдир. Аввал айтиб ўтганимдек, бу СССР Олий Совети Миллатлар Советининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Умуман, ўртоқлар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — бизнинг муштарак хонадонимиздир. Бинобарин, биз, ана шу хонадон соҳиблари, доимо ўз хонадонимиз ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уни асраб-авайлашимиз ва обод қилишимиз, барча совет кишилари бу хонадонда яшаб, ўз социалистик Ватанидан фахрланишлари учун ҳаракат қилишимиз зарур. **(Давомли қарсаклар).**

Афтидан, буни конференциямиз резолюциясининг миллий муносабатларни такомиллаштириш тўғрисидаги қисмида алоҳида таъкидлаб кўрсатиш даркор.

6. Социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантириш

Марказий Комитет Тезисларининг совет жамиятини изчил демократиялаш жараёни социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан тугалланиши лозим, деган қоидаси қизиқиш уйғотганлигини таъкидламасдан ўтолмайман. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ҳуқуқий давлатга бериладиган таърифда асосий нарса қонуннинг устунлигини амалда таъминлашдан иборатдир. Биронта ҳам давлат органи, биронта ҳам мансабдор шахс, коллектив, партия ёки жамоат ташкилоти, биронта ҳам киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос этилмайди. Гражданлар ўз умумхалқ давлати олдида масъул бўлгани сингари, давлат ҳокимияти ҳам гражданлар олдида масъулдир. Гражданларнинг ҳуқуқлари ҳокимият ва унинг вакилларининг ҳар қандай ўзбошимчалигидан мустаҳкам ҳимоя этилган бўлиши даркор.

Қайта қуриш биздаги мавжуд ҳуқуқий тартибнинг қолоқлигини айниқса равшан кўрсатиб берди. Бу тартиб кўп жиҳатдан ҳозирча раҳбарликнинг демократик, иқтисодий методларига эмас, балки жуда кўп тақиқлар ва майда-чуйда тартибга солишларга асосланган буйруқбозлик-маъмурий методларга асослангандир. Шу боисдан ҳам ҳозир амалда бўлган кўпгина ҳуқуқий низомлар ижтимоий тараққиётга тўғаноқ бўлиб қолди. Совет қонунчилигини ислоҳ қилиш зарурати ана шундан келиб чиқади. Бу ислоҳот жуда кўп ҳуқуқий нормаларни, биринчи навбатда социалистик мулкка, планлаштиришга, хўжалик, меҳнат, солиқ, пенсия ва бошқа муносабатларга оид ҳуқуқий нормаларни қамраб олиши зарур. Қонунларни янгилашда қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага ижозат берилади, деган принципга қатъий амал қилиш керак.

Суд органларининг фаолияти жуда катта аҳамиятга эга. Кўплаб кишиларнинг тақдири, улар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, қонунни бузган кишиларнинг албатта жазоланиши одил судловнинг қанчалик аниқ ишлашига боғлиқдир. Ана шундай шароитда демократиямиз системасида суднинг ролига ленинча баҳо беришни тиклаш, судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципига қатъий амал қилиш ғоят муҳимдир. Судларнинг юқори халқ депутатлари Советлари томонидан узоқроқ, айтайлик, 10 йиллик муддатга сайланиши бунинг муҳим гарантияларидан бири бўлиши мумкин.

Жамоатчилик судга ҳурматсизлик қилганлиги учун, унинг фаолиятига аралашганлиги учун жавобгарликни кучайтиришни, суд жараёнининг томонлар рақобати ва тенглиги, ошкоралик ва очиқлик каби демократик асосларига қатъий риоя қилинишини таъминлашни, ишни ҳар қандай равишда олдиндан ҳал қилиб қўйишни, ҳаддан ортиқ қоралаб юборишни истисно этишни, айбсизлик тахминийлиги принципининг оғишмай амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Халқ маслаҳатчилари ролини ошириш тўғрисидаги масала ҳақли равишда ўртага қўйилмоқда. Жумладан, энг мураккаб ишларни кўриб чиқишда суд маслаҳатчилари сонини ошириш тўғрисидаги таклиф диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, ўртоқлар, биз суд соҳасида катта ислоҳот зарурлигини ҳис этиб турибмиз.

Прокуратуранинг роли ва масъулияти тўғрисида алоҳида гапириш керак. Кейинги йигирма йил мобайнида прокуратура зиммасига жуда кўп қўшимча вазифалар юкландики, булар у ёки бу даражада прокуратуранинг қонунга риоя қилиши устидан назорат этиш борасидаги вазифаларини иккинчи ёки ҳатто учинчи ўринга суриб қўйди. КПСС Марказий Қомитети бундай оғишни бартараф этишни зарур деб топиб, ленинча позицияга қайтиш ва совет қонунларига ҳамма жойда аниқ тушунилган ва қўлланилган ҳолда риоя қилиниши устидан назорат этишни прокурорларнинг асосий функцияси сифатида қарор топтириш вазифасини қўйди.

Жиноий, сўнгра эса, процессуал ва ахлоқ тузатиш меҳнат қонунларини ўзгартириш соҳасида бошланган ишлар, мазкур қонунчилик нормаларини тараққиётнинг ҳозирги босқичида жамият талабларига мувофиқлаштириш жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришнинг муҳим шартидир.

Милиция ишини яхшилашга катта эътибор бериш лозим. Кейинги икки-уч йил ичида партия комитетлари ва меҳнат коллективлари тавсиясига биноан, ўн минглаб коммунистлар ва комсомоллар — ишчилар синфи ва деҳқонларнинг вакиллари милиция ишига ўтдилар.

Бу тадбир Ички ишлар министрлиги органларини соғломлаштиришга хизмат қилади, маълумки, бу ерда ишда жиддий нуқсонларга ва афсуски, суиистеъмолларга ҳам йўл қўйилмоқда. Кадрлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий тарбияси, юридик тайёргарлиги билан шуғулланиш ҳамда касб маҳоратини ошириш — милиция иши даражасини қатъиян оширишда бизга кўмаклашадиган асосий омилдир.

Яқин вақт ичида жиноят ишларининг асосий қисмини текшириб чиқишни Ички ишлар министрлигининг тергов аппарати ихтиёрига ўтказиш ва уни маҳаллий милиция органларига бўйсунмайдиган мустақил структура қилиб ажратиш тўғрисидаги таклиф ҳам қўллаб-қувватлашга арзийди. Афтидан, бу тадбир жиноятчиликка қарши курашда, жамоат тартибини сақлаб туришда совет милициясининг имкониятларидан янада яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ўз-ўзини бошқарувчи уюшма бўлган адвокатуранинг ролини ошириш масаласини, шунингдек жиноят ва граждан ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг активроқ иштирокини таъминлаш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш тўғри бўлур эди.

Экономикамизнинг хўжалик ислоҳоти принципларига ўтиши муносабати билан Советлар, министрликлар, идоралар, хўжаликлар ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматини, давлат арбитражи органларини анча мустаҳкамлаш лозим. Ишлаб чиқариш алоқалари тобора кўпроқ равишда шартнома муносабатлари асосига қуриладиган хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи бошқариш шароитида юридик хизматнинг пухта ишлаши биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бунингсиз қайта қуриш давомида пайдо бўладиган жуда кўп ҳуқуқий масалаларни ва бошқа масалаларни тўғри ҳал қилиш тўғрисида гапириш мумкин эмас.

Белгиланаётган ҳуқуқий ва суд ислоҳоти (бу ислоҳотнинг асосий йўналишларини конференциямизнинг алоҳида резолюциясида белгилаб бериш таклиф этилади) шубҳасиз, кадрлар билан жиддий равишда таъминлашни талаб қилади. Бу ўринда юристлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш махсус программасини ишлаб чиқиш зарур. Айни бир пайтда юридик кадрлар моддий таъминотининг етилган масалаларини ҳам ҳал қилиш лозим.

Юридик умумий таълимни мактабдан бошлаш, уни техникумлар ва олий ўқув юртларида, корхоналар ва муассасаларда давом эттириш керак. Моддий манфаатдорликни ошириш, хўжалик ҳисоби шароитининг ўзи кенг меҳнаткашларнинг оммаси ҳуқуқ билимлари асосларини ўрганишларига, мамлакатимизда ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан кўмаклашади, деб ўйлайман.

7. Сиёсий системадаги жамоат ташкилотлари

Жамиятдаги турли-турли табақалар манфаатларини ифодалайдиган жамоат ташкилотлари совет сиёсий системасининг муҳим таркибий қисмидир. Социалистик қурилиш тарихида касаба союзлари, комсомол, кооперация, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар муҳим роль ўйнади. Ҳозир ҳам улар ўз фаолиятини активлаштириш, жамиятни революцион янгилашга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтириш йўлларини изламоқда. Лекин жамоат ташкилотларида — улар қанчалик хилма-хил бўлмасин — қайта қуриш секин ва оғир кўчмоқда. Партия ва давлат органларининг раъйига қараб ишларни эскича олиб бориш одати жуда кучли.

Мамлакатдаги умумий муҳит, қабул қилинган бир қанча сиёсий қарорлар ва қонун актлари жамоат ташкилотларига қайта қуриш жараёнида ўз ижодий имкониятларини янада дадиллик билан ишга солиш имконини беради. Кези келганда шуни айтиш керакки, касаба союзлари ҳуқуқлари тўғрисидаги, ёшлар ҳақидаги, кўнгилли жамиятлар, ташаббускор жамоат органлари ва ташаббускор жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши лозим бўлган навбатдаги қонунлардир. Бинобарин, ҳозир жамоат ташкилотлари фаолиятини янги шароитга мослаб қайта қуриш учун яхши замин вужудга келтирилган.

Аммо гап фақат қарорлар ва қонун актларида эмас, албатта. Энг муҳими, гап жамоат ташкилотларининг ўзлари ҳозирги босқичдаги ўз роли ва ўрнини қандай англаб олишида. Чамаси, биз конференциямизда жамоат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилишимиз лозим. Шу муносабат билан ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман.

Аввало касаба союзлари тўғрисида гапириб ўтаман. Равшанки, уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиб, ўз ишини қандай қайта қуриш тўғрисида уларга аниқ рецепт бермаслигимиз керак. Бунинг устига касаба союзларининг XVIII съездида ҳам шу ҳақда гап борди. Энг муҳими — касаба союз ташкилотлари ҳаётининг ўзини демократиялаш ҳамда жамиятни демократик жиҳатдан янгилаш жараёни айниқса меҳнат коллективлари даражасида келтириб чиқараётган янги вазиятни улар ҳисобига ола билишидадир.

Ҳозир давлат органлари бажараётган баъзи вазифаларни жамоат ташкилотларига топшириш учун қулай истиқбол вужудга келмоқда. Биз касаба союзлари ўзини ўзи бошқариш асосларини кучайтиришнинг фаол тарафдорлари бўлишини кутишга ҳақлимиз. Меҳнат коллективларининг ўзини ўзи бошқариши касаба союзларининг меҳнаткаш инсон демократик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифасининг аҳамиятини оширади. Қасаба союзлари демократизм фойдасига тағин ҳам дадилроқ ҳаракат қилиб одамларнинг кайфиятларига кучлироқ таъсир ўтказишлари, қолоқликни бартараф этишда уларга ёрдам беришлари, коллектив ва жамият ишларини бошқаришга меҳнаткашларни кенгроқ жалб этишлари мумкин.

Қасаба союзларининг биринчи навбатда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, социал страхование, одамларнинг дам олиши ва турмушини ташкил этиш соҳасида меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишларининг аҳамияти камаймайди, балки тобора кўпаяверади, албатта. Бинобарин, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда касаба союзлари ўз реал жойларини топиб, янада актив роль ўйнашлари лозим. Зеро ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини фақат шу йўл билангина сезиларли даражада яхшилашга эришиш мумкин.

Қасаба союз ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти олий органида бевосита ўз вакилларига эга бўлишлари уларнинг ролини оширади.

Ҳозир биз совет кишиларининг барча авлодлари қайта қуриш ғояси теварагида бирлашаётганлигини кўриб турибмиз. Қайта қуриш ғоялари социалистик тараққиёт дастлабки ўн йилликларининг барча оғирликларини ўз елкасида кўтарган, Улуғ Ватан урушида мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилган, урушдан кейинги йилларда мамлакатни юксалтирган катта ёшдаги кишиларнинг манфаатларига ҳам, эндигина онгли ҳаётга қадам қўяётган, Ватанимизни тараққиётнинг

янги марраларига олиб чиқиши лозим бўлган кишиларнинг манфаатларига ҳам баб-баравар мос келади. Умумий тарихимизда ҳар бир авлод ўз сўзини айтиши керак. Биз ҳаммамиз шу тарихнинг иштирокчилари ва бунёдкорларимиз. Бирок Совет ҳокимияти йилларида тўпланган ўша улкан иқтисодий, илмий-техника, интеллектуал потенциални айни ёшлар тўла намоён этишлари, уни бир неча баравар кўпайтиришлари, қайта қуришнинг буюк мақсадларини турмушда мужассамлаштиришлари керак. Ёшлар умумхалқ курашининг шунчаки иштирокчиси бўлибгина қолмай, унинг зарбдор, ташаббускор кучига тобора кўпроқ айланаётганликларини кўриб турибмиз.

Совет ёшларининг сиёсий ва меҳнат потенциали жуда катта. Лекин сўнгги ўн йилликларда ёшлар билан иш олиб боришда йўл қўйиган жиддий камчиликларимизни қатъий бартараф этиш билангина ана шу потенциални тўла рўёбга чиқариш ва ёшларнинг куч-ғайратини қайта қуриш ишига сафарбар этиш мумкин бўлади. Ўша ўн йилликларда ёшлар шаънига баландпарвоз гаплар кўп гапирилди, лекин ёшларни ҳаётга тайёрлашда, уларни жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларига жалб этишда реал қадамлар етишмади.

КПСС Марказий Комитети бу масала хусусида комсомол Марказий Комитети ва комсомол ташкилотлари билдирган тўғри мулоҳазаларни маъқуллайди.

Биз КПСС, давлат ҳозирги шароитда ёшларга нисбатан пухта ўйланган, яхлит сиёсатга эга бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир вақтда, бу сиёсатни амалга оширишнинг юридик, иқтисодий ва сиёсий механизмлари ҳам ишлаб чиқилиши лозим. Партия, давлат органлари, барча жамоат ташкилотлари фаолиятининг алоҳида йўналиши бўлмиш ана шу сиёсатнинг моҳияти — ёшларга ўз режалари ва ғайратларини янада тўлароқ намоён қила оладиган, социализм манфаатлари йўлида ўз ижодий потенциалини ривожлантириб амалга оширадиган шарт-шароитларни ва стимулларни яратиб беришдан иборат.

Биз ёшларга нисбатан амалда тўла сиёсий ишончни намоён этишимиз, ёшлар билан муомала типининг ўзини ўзгартиришимиз — «оталар»нинг «болалар»га нисбатан панд-насиҳат муомаласи ўрнини мулоқот-муомала олиши керак. Агар биз ёшларнинг ишончини батамом қайта тиклашни истаётган эканмиз, улар билан сўзлашишни, тенгма-тенг, рўй-рост, виждонан гаплашишни ўрганиб олишимиз ва бунда бизга фақат ҳақиқатгина ёрдам беришини ёдда тутишимиз лозим. Ҳақиқат қанча бўлса, ишонч ҳам шунча бўлади. **(Қарсаклар).**

Биз ёшларни идеалларимизга эришиш йўлидаги курашда фидокор бўлишга ўргатишимиз керак. Лекин биз айни вақтда қувончли, жозибадор ва бекам-кўст турмуш шароитларини ҳам яратиб беришимиз лозим. Ўртоқлар, мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапира туриб, шуни равшан қилиб айтмоқчиманки, гап ёшлар билан қандайдир тилёғламалик билан муомала қилиш ҳақида, васийлик ва ҳамма нарсани кечиришнинг янги формалари тўғрисида бораётгани йўқ. Қолаверса, буни ёшларнинг ўзлари ҳам рад этмоқдалар. Йўқ, биз муносабатларни ишонч, ўртоқлик, ҳурмат қилиш, ўзаро талабчанлик ҳамда социалистик жамиятимизни янгилаш вазифаларини ҳал этишда баҳамжиҳат фаол ҳаракат қилиш принциплари асосида қуришимиз лозим.

Худди шу муносабат билан комсомолнинг ҳозирги роли тўғрисидаги масала ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. ВЛКСМ — совет ёшларининг сиёсий ташкилоти бўлиб, у партия раҳбарлигида ишлайди. Ёшларни коммунист бўлишга тайёрлаш, Коммунистик партия сиёсатини амалга оширишда фаол қатнашиш тўғрисидаги Ленин кўрсатмалари ҳозир ҳам унинг фаолиятидаги бош вазифадир.

Биз ҳаммамиз комсомолнинг йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш мактаби, ижодкор, ташаббускор кишилар қўллаб-қувватланадиган, ўз позицияларини изҳор этишда ошкоралик, рўй-ростлик, мунозаралилик ёшларнинг манфаатларини амалда рўёбга чиқариш, уларни социал ва иқтисодий ўзгартишларга фаол жалб этиш билан қўшиб олиб бориладиган чинакам демократия мактаби, новаторлик ташкилоти бўлиб қолишини истаймиз. ВЛКСМнинг ҳеч бир монесиз иш олиб бориш, юқоридан кўрсатмаларни кутиб турмай, ёшларнинг ғайрат-шижоати ва ташаббуси потенциалини тўла-тўкис рўёбга чиқариш имконияти тўғрисида гап боряпти.

Партия комитетларига келганда эса шуни айтиш кераки, улар комсомолнинг ташкилий жиҳатдан мустақиллигини, союз ички ҳаётининг истисносиз барча

масалаларини мустақил ҳал қилиш, партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, партия, совет ва хўжалик органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишлари лозим. Қайта қуриш Советларда, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотларида ёш авлод вакилларининг кўпроқ бўлишларини, ёшлар бошқарув фанини эгаллашларини, давлат ва жамоат ишларини дадиллик билан ўз қўлларига олишларини талаб қилмоқда.

Ўртоқлар, кўз олдимизда янги авлод — қайта қуриш авлоди камол топмоқда ва шаклланмоқда. Янги ўринбосарларни тайёрлаш партиямизнинг, бутун жамиятимизнинг энг масъулиятли вазифасидир. Бу шу қадар муҳим масалаки, бу масала яқин вақт ичида партия Марказий Комитетининг Пленумида махсус муҳокама қилиниши лозим.

Социал манфаатлар муаммоси муносабати билан давлат аҳамиятига молик яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Бу хотин-қизлар масаласидир. Бизда хотин-қизлар масаласи узил-кесил ҳал этилган, деб кўп марта гапирилган. Ҳақиқатан ҳам биз хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини эълон қилдик, деярли барча касбларни ўрганишлари учун баравар имкониятни таъминладик, уларнинг меҳнати учун тенг ҳақ тўланишини белгиладик, хотин-қизларнинг бошқа ҳуқуқларини гарантияладик. Буларнинг ҳаммаси тўғри. Лекин иш шундай бўлиб чиқдики, хотин-қизлар шубҳасиз афзалликларга эга бўлиш билан бир қаторда уларнинг ташвишлари ҳам борки, бу ташвишлар хотин-қизларга ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишга ҳамон кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Турмушнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, болалар муассасаларининг етишмаслиги, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаси ишларидаги камчиликлар — буларнинг ҳаммаси энг аввало хотин-қизлар қийинчилигини орттирмоқда.

Шундай қилиб, бу ўринда ҳам социал соҳани ривожлантиришдаги қолдиқ принципи таъсир қилди. Лекин хотин-қизлар фикри унча инобатга олинмаганлиги сабабли бундай аҳвол кўп йиллар давомида сақланиб келди. Раҳбар органларда уларнинг вакиллари етарли эмас. Умуман Октябрь революциясидан кейин авж олиб кетган хотин-қизлар ҳаракати аста-секин пасайди ёки расмий тус олди.

Қайта қуриш ана шу масалаларнинг ҳаммасини ўткир қилиб ўртага қўйди. Оммавий хотин-қизлар ташкилоти тузилди, тўғрироғи — қайтадан тикланди. Аммо бу ишнинг муҳим томони бўлса ҳам фақат ташкилий жиҳатидир. Биз аҳвол моҳият жиҳатидан ўзгаришини, хотин-қизлар учун қуйидан юқоригача раҳбарлик органларига кенг йўл очиб қўйилишини, хотин-қизларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масалалар уларнинг иштирокисиз ва белгилаб берувчи мулоҳазаларисиз ҳал этилмаслигига эришишимиз лозим.

Қайта қуришнинг яна бир муҳим белгиси — социал манфаатлар хилма-хиллигини акс эттирувчи жамоат бирлашмалари жўшқин ўсаётганлигидир. Уруш ва меҳнат ветеранлари ташкилоти, илмий ходимлар-инженерлар жамиятларининг ва театр арбобларининг союзлари, совет маданият фонди, болалар фонди, табиатни, тарих ёдгорликларини муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган турли жамиятлар, шафқат ҳаракати ана шундай жамоатчилик бирлашмаларидандир. Умуман бу халқ ташаббускорлигининг ажойиб кўринишидир ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди.

Жамоатчилик юксалиши ўзанида манфаатлари қайта қуриш мақсадларидан, халқ манфаатларидан узоқ бўлган айрим группалар ҳам пайдо бўлганидан кўз юммаслик керак. Лекин умумий вазиятни улар белгилаб бермайди, ҳозир гап бу группалар тўғрисида эмас. Партия ташкилотлари, меҳнаткашлар социалистик жамиятни янгилашнинг чинакам жонкуярларини социализмга ёт мақсадларга амал қилаётган кишилардан фарқ қила оладилар, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда тарихан таркиб топган бир партияли системада бизга партия ва жамиятда қарашларни, танқид ва ўз-ўзини танқидни бир-бирига қиёслайдиган доимий ишлайдиган механизм бўлиши керак. Демократиялаш авж олиб бораётган шароитда бу масала ҳаётий аҳамиятга эга. В. И. Ленин партия ички демократиясининг моҳиятини худди ана шундай тушунар, фракциябозликни қоралаш билан бир вақтда бошқача фикр юритганлиги учун партиядош ўртоқларни таъқиб этишга қатъий қарши эди. Доимий, амалий сиёсий мулоқот, мунозара

маданияти, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш ҳаётимизнинг ажралмас белгиси бўлиши лозим.

Ҳозир бунинг учун шароит яратилмоқда. Мамлакатда ўз моҳияти жиҳатидан партиянинг қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаш юзасидан умумхалқ ватанпарварлик ҳаракати шаклланмоқда. У жамиятни соғломлаштириш учун курашаётган барча кучларни — коммунистлар, комсомоллар, партиясизлар, диндорлар, хотин-қизлар, ветеранлар, ёшларни, барча асосий жамоат ташкилотларининг вакилларини ўз ичига олади. Бу ҳаракат ҳозирги ижтимоий-сиёсий турмушда юз бераётган теран жараёнларни акс эттирмоқда, қайта қуриш иши муваффақиятига ишончни мустаҳкамламоқда. Ана шу ҳаракатнинг истиқболлари. унинг фаолиятининг мумкин бўлган шакллари ҳақида митингларда, йиғилишлар, матбуотда турли таклифлар айтилмоқда. Келинглар, шу масалани ҳам муҳокама қилайлик.

III. КПСС РАҲБАРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ВА ИЧКИ ТУРМУШИНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ

Ўртоқлар! Қайта қуришни амалга оширар эканмиз биз партияга, ана шу революцион жараёнда унинг ўрни ва ролига фикри-зикримизни яна ва яна қаратамиз.

Шу нарса диққатга сазоворки, партиянинг фаолияти ва унинг раҳбарлик ролига оид масалалар кейинги вақтда жамиятимизнинг эътибор марказида турибди. Бу эса халқ қайта қуриш жараёнини, истиқболдаги умидларини партия билан боғлаётганлигини яққол тасдиқловчи далиллардан биридир. Ҳатто партиянинг буткул ички проблемаларига ҳам бутун халқ манфаатдорлик билан қарай бошлади.

КПСС 1985 йил апрель ойида янги йўлни таклиф қилиб, худди унинг ўзи жамиятнинг программавий мақсадларини ифодалашини, худди шу партия мамлакатни янгиланиш йўлидан олиб бора оладиган сиёсий куч эканлигини тасдиқлади. Партия кризисолди вазиятининг ва турғунлик ҳодисаларининг сабабларини дадил очиб ташлаб, вужудга келган аҳвол учун масъулиятни ўз зиммасига олди. У ўз фаолиятига, раҳбарлик методларига холисона назар ташлаб, онгли равишда жамият танқидини ўзига қаратди.

КПСС XXVII съездида ва айниқса Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумида умуман жамиятдагина эмас, балки партиянинг ўзида ҳам кейинги ўн йилликларда рўй берган салбий жараёнлар танқидий таҳлил қилинди. Биз: чинакам демократик ташкилот сифатида тузилган, жон-тани билан меҳнаткаш халқ партияси бўлган КПСС нима учун Сталин шахсига сиғиниш билан боғлиқ бўлган социализмнинг бузилиш жараёнига тўсқинлик қила олмади? Нима учун ленинизм принципларидан чекинилганлигини очиб ташлаб ва қоралаб, кейинчалик юзаки ўзгаришлар билангина чекланиб қолди ва бунинг натижасида мамлакат ривожланишида шу қадар жиддий турғунлик ҳодисаларига йўл қўйилди? — деган принципиал саволларга жавоб беришимиз керак эди.

Бу саволларга жавоб, аввало, шундан иборатки, партиянинг ўзида, унинг фаолияти мазмунида ва меҳнаткашлар билан алоқаларида муайян бузилишлар рўй бериб, бу нарса аввал бошданоқ унга хос бўлган, Ленин ва унинг сафдошлари узоқ йиллар давомида сарфлаган куч-ғайрат туфайли вужудга келган кўпгина демократик-большевистик анъаналарнинг йўқотилишига олиб келди.

КПСС XXVII съезди партия ишини тубдан қайта қуриш вазифасини қўйиб, эътиборни партия ички турмушини демократиялашга қаратди. Ҳақиқат сабоқлари сафларимизда онгнинг ва покланиш жараёнининг ўсишига далда берди. Коммунистлар, партия ташкилотлари, партия матбуоти жамиятда ўзларини кўпроқ ғайрат билан намоён қила бошладилар, етилган масалаларни дадил қўйиб ҳал эта бошладилар.

Янгиланиш жараёни қийинчиликлар билан бўлса-да ортиб бораётир. Аммо биз партия турмушидаги ҳақиқатан ҳам чуқур ўзгаришларни қайд қилар эканмиз, ҳали ҳамма ишлар йўлга тушиб кетмаганлигини айтмасак, тўла самимий иш

тутмаган бўламиз. Партиянинг ҳамма ташкилотлари ҳам ўз ишларини янги талаблар асосида қайта қураётганлари йўқ. Партия ходимларининг ва ҳатто комитетларнинг бир қисми консерватив позицияларда турибдилар. Кўпгина кишиларга ишнинг янги методларини, ошкоралик ва демократия вазиятида ҳаракат қилиш маҳоратини эгаллаш осон кўчмаётир.

Ҳа, аҳвол шундай.

Лекин мен конференция делегатларига, бутун халққа энг асосий гапни айтмоқчиман — партиянинг раҳнамолик фаолияти бўлмаса, унинг сиёсий йўли амалга оширилмаса, қайта қуриш вазифаларини ҳал этиб бўлмайди. **(Гулдурос қарсаклар).** Акс ҳолда қайта қуриш сиёсий жиҳатдан ҳам, идеологик жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам барбод бўлади.

Ҳозирги бурилиш босқичида КПСС жамиятнинг раҳбар кучи сифатидаги функциялари ва вазифаларини тўла ҳажмда амалга ошириши керак. Аммо унинг сиёсий раҳбар бўлишдек худди ана шу ҳал қилувчи аҳамияти ҳозирги шароитда партия фаолиятининг конкрет мазмунини асосли тарзда муҳокама қилишни тақозо этади.

1. Партия ички демократиясини тўла-тўкис тиклайлик

Бунда энг муҳим нарса нима? Тезисларда КПСС Марказий Комитетининг принципиал позицияси айтилган. Уни эслатиб ўтаман: «Партия марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, ижтимоий тараққиёт назарияси ва стратегиясини, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиши, социалистик янгиланиш идеологиясини шакллантириши, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишларини, кадрларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишларини олиб бориши зарур».

КПССнинг сиёсий авангард сифатидаги вазифаларини биз аниқлаб олганмиз. Аммо бу вазифалар амалга оширилиши учун партия бошланғич ташкилотдан то Марказий Комитетгача ўз фаолияти, иш услуби, методи ва формаларини қайта қуриши лозим. Ҳар бир коммунист партия сиёсатини амалга ошириш учун халқ манфаатлари учун ҳақиқатан ҳам курашчи бўлиши керак.

Биз нима учун ўзимиздан норозимиз? Партиявий хонадонимиздаги ишларнинг аҳволини нима учун жиддий танқид қилаётирмиз? Шуни англаб олишимиз муҳимдир. Хўш, гап нимада?

Гап аввало шундаки, КПСС қурилиши ва фаолиятига асос қилиб олинган демократик централизм принципи муайян босқичда кўп жиҳатдан бюрократик централизм билан алмаштирилган эди. Бу нарса, аввало, шу сабабли рўй бердики, бошланғич партия ташкилотлари, оддий коммунистлар кўп жиҳатдан партия фаолиятининг мазмунига таъсир кўрсатишда реал имкониятлардан маҳрум бўлиб қолдилар. Лениннинг барча партия органлари, уларнинг кадрлари партия оммасннинг доимий контроли остида бўлиши керак, деган жуда муҳим талаби жиддий равишда бузилиб келди. Партиядаги кўпгина салбий ҳодисалар, шунингдек сайлаб қўйиладиган органлар ролининг заифлашганлиги, барча даражаларда аппарат ролининг беқиёс ортиб кетганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Яна бир гапни айтиб ўтиш керак. В. И. Ленин бизнинг партиямизни маслакдошлар ташкилоти тарзида тузган бўлиб, барча проблемаларни эркин муҳокама қилиш ва қарор қабул қилинганидан кейин ҳаракат бирлигини таъминлаш партия турмушининг қонуни эди. Аммо буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси қарор топиши билан партиявий биродарлик вазияти ўрнини аста-секин буйруқларга ва ижрога асосланган муносабатлар, партия аъзоларининг бошлиқлар ва бўйсунувчиларга бўлиниши, коммунистлар тенглиги принципининг бузилиши эгаллай бошлади. Бундай аҳволга муросасиз бўлиш кераклиги аҳён-аҳёнда тан олиниб турган бўлсада, ҳаётда ҳамма нарса эскичасига қолаверди.

Марказий Комитетнинг 1964 йил октябрь Пленуми ҳам аслида партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини тиклаш шиори остида ўтганлигини эслайлик. Реал жараёнлар эса бошқа томонга буриб юборилди ва турғунлик йилларида баъзан жуда хунук тус олди. Бошланғич партия ташкилотлари, сайлаб

қўйиладиган органларнинг аъзолари фаоллигига кадрларни алмаштириб туриш жараёнининг тўхтатиб қўйилганлиги ҳам таъсир кўрсатди — коммунистларнинг бутун-бутун авлодлари партия турмушида чинакамига иштирок эта олмадилар. Иккинчи томондан, узоқ йиллар давомида раҳбарлик лавозимида қолиб келганларнинг кўплари ўзларини хатога йўл қўймайдиган ва тенги йўқ кишилар деб ҳисоблай бошладилар. Сайлаб қўйиладиган кишилар ва партия аппарати каттагина қисми масъулиятининг пасайганлиги, уларнинг партиявий оммадан, меҳнаткашлардан ажралиб қолганлиги кўпинча сиёсий ва ахлоқий тубанлик билан туганлигини биз энди яхши биламиз. Қайта қуриш жараёнида фош этилган ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ахлоқий бузилишдан иборат шармандали фактларнинг илдизи худди ана шунда эди.

Мен бундай ҳодисалар ҳақида таассуф билан гапираётибман. Улар партия ва унинг ташкилотлари фаолиятига оғир таъсир кўрсатди. Ишнинг ана шу томонини биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Аммо унинг бошқа томони — биз учун айниқса муҳим томони ҳам бор. Ана шу ҳамма йиллар давомида миллионлаб партия аъзолари ва минглаб партия кадрлари объектив ва субъектив жиҳатдан мураккаб шароитларда ўз партиявий ва гражданлик бурчларини ҳалол бажариб келдилар. Улар революция байроғини муносиб тарзда олға элтиб, ўз участкаларида мамлакатни ривожлантириш учун, социализм учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар. Кўпгина раҳбар кадрларимиз, хўжалик ходимлари ва мутахассисларимиз, олимлар, маданият арбоблари ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин.

Партиявий муҳитда ленинча анъаналар чуқур илдиз отиб яшади. Ҳеч нарсага қарамай, худди шу партиянинг ўзида социал-иқтисодий сиёсатда кескин бурилиш ясашга ва қайта қуриш, янгиланиш йўлини бошлаб беришга қодир бўлган кучлар тўпланди ва шаклланди.

Марказий Комитетнинг апрель Пленуми КПССни демократиялашни, унинг иши ошкора бўлишини ва аввало, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида, партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ишида партия ҳаёти ленинча нормаларининг тўла-тўкис тикланишини қатъият билан ёқлаб чиқди.

Бу хусусда Марказий Комитет Тезисларида айтилган мулоҳазалар партиядагина эмас, балки умуман жамиятда жўшқин мунозара келтириб чиқарди. Барча совет кишилари, ҳар бир коммунист, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир партия комитети ҳақиқатан ҳам жўшқин сиёсий куч бўлишларидан манфаатдордирлар. Конференция арафасидаги мунозараларда партия йиғилишларининг роли ҳақидаги, партия ташкилотлари ва партия комитетлари, ҳар бир коммунист фаолиятининг формалари ҳақидаги масалалар янгича қўйилди. Бунинг сабаби маълум, чунки худди шу бошланғич партия ташкилоти ҳар бир меҳнат коллективининг таркибий қисми бўлиб, жамият турмушида партия доимо иштирок этаётганлигининг тимсолидир.

Шу мақсадда партияда принципиаллик, ошкоралик, мунозаралар, танқид ва ўз-ўзини танқид, онгли интизом, партиявий бироддарлик ва қатъий шахсий масъулият, ишчанлик вазиятини тўла-тўкис тиклаш керак. Партия ташкилотларидаги жараён ҳозир худди шу йўналишда авж олдирилаётир, зотан конференциянинг вазифаси ҳам ана шу жараёнларни қатъиян қўллаб-қувватлаб, улар учун чексиз майдон очиб беришдан иборат.

Эндиликда ишлаётган жойидаги ишларнинг аҳволи учун, қайта қуришга шахсий ҳиссаси учун, ўз коллективининг фаолияти учун ҳар бир коммунистнинг масъулияти ҳақидаги масалани янгичасига қўйиш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, уларнинг кўплари ҳамон: қайта қуриш бошланғич партия ташкилотларига етиб келгани йўқ,— деб шикоят қилишмоқда. Хўш, бунинг учун ким айбдор? Келинглар, масалага аниқлик киритиб олайлик.

Қайта қуришга қаратилган сиёсий йўл съездда белгиланди ва маъқулланди. Ишнинг энг муҳим йўналишлари Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида баён этиб берилди. Турмушнинг турли соҳаларига оид қонунлар қабул қилинди. Партияда ва жамиятда ошкоралик вазияти вужудга келтирилди, ташаббус, мустақиллик, гражданлик позицияси маъқулланаётир ва рағбатлантирилаётир.

Кўпгина коммунистлар, комсомоллар ва партиясизлар ўз қалбларининг амри билан социалистик янгиланиш учун курашнинг турли участкаларида актив иш олиб бораётирлар. Баъзилари эса ниманидир кутиб ўтиришибди. Эски касал: кўрсатма кутиш иллати ўз таъсирини кўрсатаётир. Кўрсатмалар бор-ку, ўртоқлар, коммунистларни қўлидан етаклаб юриш ярашадими, ахир.

Тезисларда кўтарилган партия сафларининг ўзига хос кўригини ўтказиш ҳақидаги масала худди шу муносабат билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир ҳар биримиздан қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш соҳасида иш қилиш, реал ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бугунги кунда коммунистларнинг авангардлик роли иш билан исботланиши керак, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Марказий Комитет коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш фикрини айтди. Биз бу таклифга принцип жиҳатидан маъқулловчи муносабатни ҳис қилиб турибмиз. **(Қарсаклар).**

Тўғри, икки хилдаги хавфлар ҳам айтилаётир. Баъзи кишилар аттестация ҳеч қандай натижа бермайди. Бунинг ўрнига партияни тозалаш, ортиқча юкдан қутулиш керак, деган фикрни айтишяпти. Биз Марказий Комитетдагилар қайта қуриш ва демократиялаш шароитида бундай ёндашиш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Бунинг яна бир сабаби бор. Яқиндагина активлиги унча бўлмаган, партия ташкилоти билан алоқаси узилиб қолган, ана шундай ортиқча юк ҳисобига қўшиб қўйилган кишиларнинг кўплари бугун ҳаётда ўз ўринларини топиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Партиядош ўртоқларга ниҳоятда ҳурмат билан муносабатда бўлмоқ керак. Биронта софдил ходимни қайта қуришдан четда қолдириб бўлмайди — келинглар, ана шу фикрдан келиб чиқайлик. Бу ленинчасига, большевикчасига ёндашиш бўлади. **(Қарсаклар).**

Бошқалар эса аттестация ўч олишга ўз ғаразли манфаатларини кўзлаётган айрим группаларга мақбул бўлмаган, ҳозирги пайтда актив позицияда турган кишилардан қасос олишга айланиб кетмаса эди, деб чўчимоқдалар.

Агар бу жиддий ишга жиддий муносабатда бўлинса, у ёки бу хавфсирашлар беҳуда бўлади, деб ўйлайман. Биз партиянинг ўзини мусаффо қилиш ғоясини ўртага қўяр эканмиз, аттестация қандайдир махсус «учлик» ёки «бешлик» иштирокида, яширинча текширнш ва махфий характеристикалар тузиш асосида эмас, балки Устав нормаларига мувофиқ, нормал демократик жараён доирасида, очиқ партия йиғилишларида ўтказилиши керак, деб умид қиламиз. Аттестация жараёнининг ўзи коммунистлар учун тарбия мактаби бўлиб, улар ана шу мактабдан қайта қуриш ҳаммамизнинг олдимизга қўйган муштарак мақсадлар ва вазифалар бирлаштирган партиявий ўртоқлик ришталари билан мустаҳкамланиб чиқишлари лозим.

Яна бир ғоят муҳим масала — партияга қабул қилиш масаласидир. Партия учун ҳаётий муҳим ҳисобланган бу масалага ҳар қандай разнарядкалар, бюрократик ёндашувлардан қатъий халос бўлишимиз керак. Партия сафига кирувчи кишилар фазилатларига баҳо беришда асосий мезон — уларнинг позицияси ва қайта қуришдаги реал иштирокидир. Бу талаб ҳаммага — ишчиларга ҳам, деҳқонларга ҳам, зиёлиларимизнинг намояндаларига ҳам тааллуқли бўлиши зарур.

Одамлар меҳнат коллективида ўзларини ҳамма жойдагидан тўлароқ намоён қилишларини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Партияга ким қалб амри билан кираётганини ва ким шахсий манфаат кўзлаётганлигини шу коллективда ажратиб олишади.

Партияга кириш учун энг яхши одамларни бевосита меҳнат коллективлари тавсия қилсинлар, деган таклифлар тушаётир. Партияга қабул ҳақидаги аризаларни аввал меҳнаткашларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини тажриба тасдиқлаб турибди. Ўз-ўзидан маълумки, коммунистлар КПСС аъзолигига қабул қилиш чоғида коллектив фикрини эътибор билан кўриб чиқишлари керак.

Энди партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ҳақида. Бу соҳада биз кўп нарсаларни ўзгартиришимиз, ўзгартирганда ҳам тубдан ўзгартиришимиз лозим. Аввало, сайлаб қўйиладиган органларнинг коммунистларнинг ваколатли вакиллари сифатидаги обрўсини қайта тиклаш лозим. Секретарлар ҳам, бюролар ҳам, ва айниқса партия аппарати ҳам сайлаб қўйиладиган партия органининг контро-

ли остида бўлиши керак. Бундан буён бюро аъзолари ёки партия аппаратининг ходимлари сайлаб қўйиладиган комитет аъзоларига нисбатан буйруқбозлик қила оладиган вазият ҳеч қачон вужудга келмаслиги керак.

Партия комитетлари муҳокамасига янги шароитда партиянинг авангардлик ролини амалга ошириш, унинг омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий иши билан боғлиқ энг йирик принципиал масалалар киритиладиган бўлиши ҳам ниҳоятда муҳим масаладир.

Коммунистларнинг партия йиғилишлари кун тартибига ўнлаб майда, аҳамиятсиз ишларнинг киритилишидан иборат практикага қатъиян чек қўйиш зарур. Масалаларни тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнида тадбирбозлик, дабдабабозлик ва гапбозликдан асар ҳам бўлмаслиги керак. Сайлаб қўйиладиган барча органларда ошкоралик, танқидий ёндашиш, ишчанлик вазияти ҳукмрон бўлиши лозим. Партия аппарати фаолиятига ҳам ана шу хислатлар хос бўлиб, ишда кабинетбозликни ва беҳуда махфийликни истисно қилиши лозим.

Айтилган гапларнинг ҳаммаси партия ва жамиятда алоҳида ўринни эгаллаб турган КПСС Марказий Комитети фаолиятига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Съездлар ўртасидаги даврда ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари худди шу ерда ҳал этилади. Марказий Комитетнинг қандай ишлаётганлиги, қандай масалаларни муҳокама этаётганлиги, қандай қарорлар қабул қилаётганлиги, унинг фаолиятидаги муҳит қанчалик демократик эканлиги бутун партия учун, бутун жамиятимиз учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Марказий Комитетда кўп йиллар давомида аҳвол қандай бўлганлиги ҳақида Марказий Комитетнинг январь Пленумида гапириб ўтган эдик. Такрорламасдан шунигина айтмоқчиманки, агар мамлакатга раҳбарликнинг етилган проблемалари ўз вақтида ва пухта ўйлаб ҳал этилганида, агар партия Марказий Комитетининг иши ҳамиша тўлақонли ва демократик руҳда бўлганида эди, кўпгина нуқсонларнинг олдини олиш мумкин бўлур эди.

Ҳозир, айниқса партия XXVII съездидан кейин вазият ўзгара бошлади. Мен шундай дейишим мумкин: Марказий Комитет тикланиб, куч йиғаётир. Марказий Комитет Пленумлари ҳозир бошқача ўтаётир. Шундай бўлса-да, биз баҳо беришда ҳали эҳтиёт бўлишимиз, муболағаларга берилиб кетмаслигимиз керак.

Марказий Комитет аъзоларининг ўз жойларидагина эмас, балки умумпартия қарорларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул этиш жараёнида ҳам актив ишлаши энг муҳим проблемадир. Мен бу ҳақда гапирар эканман, муайян тажрибани назарда тутяпман. Кейинги Пленумлар арафасида Марказий Комитет аъзолари, партия комитетининг секретарлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олиш, кун тартибига оид ҳужжатларни юбориш ва шу сингарилар таомилга кирди. Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитет аъзоларининг активлигига ҳам, қабул қилинаётган қарорлар сифатига ҳам таъсир кўрсатди. Бу, аслида, ишда хатоларга йўл қўйилишига қарши муайян гарантия ҳамдирки, бундай хатолар нақадар қимматга тушиши маълум.

Пленумлар ўртасидаги даврда ва Пленумларнинг ўзида ишни ташкил этишнинг янги формалари ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Марказий Комитетда ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўйича комиссиялар тузиб, уларда Марказий Комитет аъзолари мунтазам иш олиб борсалар яхши бўлмасмикан? Шунда партия аппарати ҳам ўзига муносиб ўринни эгаллайдиган бўлади.

Марказий Комитет аъзоларининг Сиёсий бюро ишида иштирокини ҳам кенгайтириш кераккка ўхшайди. Бундай қилинмаётир, деб айта олмайман. Лекин ҳозирча бу иштирок кўп даражада пойтахт аппарати, идоралар ва илмий муассасалар ходимлари билан чекланаётир.

Сиёсий бюронинг ўз фаолияти ҳақида Марказий Комитет Пленумларида ҳисобот ва ахборот бериб туришлари мунтазам бўлиб қолиши керак.

Партия комитетлари, сайлаб қўйиладиган органлар тўлақонли иш олиб боришлари ва Уставимизда ёзилган ҳамма ҳуқуқлардан фойдалана олишлари учун уларни шакллантиришнинг тартибини кескин янгилаш керак. Бу — сайлаб қўйиладиган ҳар қандай орган, шу жумладан партия органи фаоллигининг ҳал қилувчи омилидир. Ҳамма даражадаги сайловлар номзодларнинг кенг муҳокама қилинишини, беллашувни таъминлайдиган ва натижада ишга ҳақиқатан ҳам

берилган, шубҳасиз обрўга эга бўлган ва қайта қуриш сиёсатини ўтказа оладиган талантли, муносиб кишилар сайланишини таъминлайдиган демократик вазиятда ўтиши лозим.

Муҳокама қилиниши, сўнгра эса овозга қўйилиши керак бўлган номзодни секретарь айтадиган, яхши деганда область, шаҳар, район партия комитетининг бюро аъзолари иштирокида шу номзод айтиладиган эскича ёндашувлардан фойдаланиб, бунга эришиб бўлмаса керак.

Шу муносабат билан, ўртоқлар, конференция муҳокамасига қуйидаги мулоҳазани қўймоқчимиз: охирги фикрни айтиш ҳуқуқини умумий йиғилиш ёки конференция делегатларига қолдирган ҳолда қуйи ташкилотларга конференция ёки съездга делегатлар сайлаш билан айни бир вақтда юқори партия органи составига номзодларни таклиф қилиш ҳуқуқи ҳам берилиши керак. Мунозара шуни кўрсатдики, коммунистлар барча партия комитетларига то КПСС Марказий Комитетигача сайловлар вақтида мавжуд мандатларга қараганда кўпроқ номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақидаги, бунда номзоди кўрсатилган киши қандай лавозимни эгаллаши эмас, балки унинг қайта қуришдаги позицияси эътиборга олиниши кераклиги тўғрисидаги таклифни кўпчилик қатъиян қўллаб-қувватлади **(Қарсаклар).**

Бизда ана шундай тартиб амал қилганида эди, конференциямиз делегатларини сайлаш вақтида ҳам рўй берган бир қатор ҳолларга йўл қўйилмаган бўлур эди.

Барча партия комитетлари учун ваколатларнинг ягона беш йиллик муддатини белгилаш, КПССда сайлаб қўйиладиган лавозимларни сурункасига икки муддат давомида эгаллаш билан чеклаш ҳақидаги, фавқулодда ҳоллардагина учинчи муддатга сайлашга йўл қўйиш тўғрисидаги таклиф ҳамманинг эътиборини жалб қилди. Бу масалага қизиқиш тасодифий эмас, бунда коммунистларнинг ҳам, партиясизларнинг ҳам ўтмишда раҳбарлик лавозимларини узоқ вақт эгаллаб туриш сабабли йўл қўйилган бузилишлар хусусидаги ташвишлари намоён бўлди. Бизнинг тушунишимизча, бунда аслида уч хил муҳим нуқтаи назар айтилди. Баъзи ўртоқлар Тезислардаги таклифларни қўллаб-қувватламоқдалар. Бошқалари партиянинг барча бўғинларида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашни кетма-кет икки муддат билан чеклашни ёқлаб чиқдилар. Ниҳоят, учинчи тоифадаги ўртоқлар сурункасига уч муддатга сайлаш ҳақидаги қоида фақат юқори бўғин учунгина йўл қўйилиши керак, деган фикрни айтишди. Қани, ўртоқлар, яна бир бор маслаҳатлашиб қарор қабул қилайлик.

2. Партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ белгилаб олайлик

Партия ва давлат органлари вазифаларини аниқлаб олиш масаласининг тўғри ҳал этилиши ҳозирги шароитда партиянинг сиёсий авангард сифатидаги ролини идрок этиш учун ғоят катта аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитетининг бу хусусдаги позициялари Тезисларда баён қилинди ва ғоят манфаатдорлик билан муҳокама этилди. Бунинг сабаби маълум. Аслида сиёсий системамизнинг қайта қурилиши ҳам, умуман қайта қуришнинг муваффақияти ҳам ана шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ.

Мен бу ҳақда нима учун шу қадар аниқ гапиряпман? Бизнинг жамиятимиз жуда масъулиятли босқичда турибди. У чуқур ўзгаришлар жараёнига қадам қўйиб, ишончли сиёсий ва идеологик йўл-йўриқларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож бўлиб қолди. Ғоят катта назарий ва кадрлар потенциалига эга бўлган, халқ билан чамбарчас боғланган, ўз тажрибасини халқ оммасининг тажрибаси билан доимо қиёслаб ва бойитиб борадиган партиягина ана шундай йўл-йўриқларни, ижтимоий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни сиёсатда мужассамлаштириши мумкин.

В. И. Ленин гўё идора қилувчи партия меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотларини писанд қилмасдан ёки уларнинг ўрнини босиб бевосита раҳбарлик қилиши керак, деган тасаввурларнинг зарарли эканлигини бир неча бор кўрсатиб, «партия (ва унинг Марказий Комитети) функциялари билан совет ҳокимияти-

нинг функцияларини бир-биридан янада кўпроқ аниқ қилиб ажратиш»ни талаб қилган, ҳар қандай конкрет проблеманинг ҳал этилиши учун масъулиятни партия зиммасига юклаш йўлидаги интилишларни кескин танқид қилган, «конкрет бир майда ишни Сиёсий бюрога кўтариб келганликларини» қоралаган эди.

Шуни айтиш керакки, партия билан давлат ўртасида вазифани аниқлаб олиш масаласи жамиятимиз тарихининг турли босқичларида бир неча бор ўртага қўйилган эди, бунда мавжуд аҳволнинг нормал эмаслиги ва уни ленинча принцип асосида ўзгартириш зарурлиги тан олинган эди.

Шунга қарамай, иш яхши томонга ўзгариши у ёқда турсин, балки йил сайин тобора ёмонлашиб борган эди. Хўжалик ривожланишининг проблемалари мураккаблашиб борган сари партия бошқаришнинг хилма-хил вазифаларини ҳал этишга жалб қилинаверди, шунга мувофиқ унинг аппарати ҳам ўса борди. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасининг мантиқи ана шундай практикани саклаш ва мустаҳкамлашни тақозо қилди. Бунинг устига баъзи кишилар тарихимизнинг айрим босқичлари тажрибасини рўкач қилиб, тараққиётимизнинг у ёки бу проблемаларини ҳал этишнинг энг самарали йўли гўё ана шунда, деб исботлашга уриндилар. Партия раҳбарлик ролининг ошиб бориши ҳақидаги қоида биринчи навбатда худди шу нарса билан боғланди.

Вазифаларни аниқлаб олиш проблемасини биз мамлакатга раҳбарликнинг юқори бўғинларидан бошлаб ҳал этишимиз керак деган фикрга қўшиласизлар, деб ўйлайман, ўртоқлар. Мен давлат ҳокимияти ва бошқаришнинг юқори органлари ролини ошириш ҳақида гапириб ўтдим. Хўш, бундан партия, унинг Марказий Комитети ва Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси учун қандай хулоса келиб чиқади. Бу нарса, аввало, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси сиёсий раҳбарлик органи сифатида иш олиб бориши ва ҳаракат қилишини тақозо этади. Ва, албатта, юқори ҳокимият ва бошқариш органлари ўрнини босишга йўл қўймаслик йўлидан қатъият билан бориш керак. СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети қилиши керак бўлган ҳамма ишларни худди шуларнинг ўзлари бажаришлари зарур.

Партия ишлаб чиққан сиёсий йўлни, съездларнинг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини совет ҳокимияти органлари орқали амалга ошириш учун Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси қайси механизмдан, қайси имкониятлардан фойдаланиши керак,— деган савол туғилади. Бу ўринда КПСС ўз сиёсий йўлини давлат ҳокимияти органларида, жамият турмушининг барча соҳаларида ишловчи коммунистлар орқали ўтказади, деган ленинча принципни тўла-тўкис рўёбга чиқариш керак. Барча партия ташкилотлари СССР Конституцияси ва Совет қонунларининг қатъий доирасида иш қўришлари лозим. Партия комитетларининг давлат, хўжалик органларига ва жамоат ташкилотларига тўғридан-тўғри кўрсатмалар бериладиган қарорлар қабул қилишини тўхтатиш керак.

Сайлаб қўйиладиган коллегияларнинг роли оширилиши, партия ва давлат органларининг вазифалари чегараланиши муносабати билан партия аппаратининг структураси ва составидаги ўзгаришлар масаласи амалий тарзда кўндаланг бўлиб қолди. Биз КПСС Марказий Комитети аппаратини қуйи партия органларининг аппаратини бошқарув тармоқлари бўйича ҳозиргидек бўлиб ташлашдан воз кечишимиз, унинг структурасини партиянинг ҳозирги шароитдаги вазифаларига мувофиқ қайта қуришимиз ва ходимлар сонини камайтиришимиз керак.

Партиянинг район ва шаҳар бўғинлари ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Уларнинг роли ҳамиша жуда муҳим бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Янги талабларни эътиборга олиб, бу бўғинлар аппаратини тузишга диққат билан қараш, шу тариқа аппарат партия комитетларининг бевосита сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий вазифаларни бажаришларида уларга яхшироқ ёрдам берадиган бўлиши лозим. Район ва шаҳар комитетлари энг муҳим нарсага — барча ишда доимо бошланғич партия ташкилотларига таянишга асосланиб иш тутишлари керак. Бунинг учун эса ўз фаолиятининг услуби ва методларини қатъиян ўзгартириши керак.

Чамаси, конференциядаги муҳокамани ва шу масалалар хусусидаги умумий позициямизни ишлаб чиқишни эътиборга олиб, яқин вақт ичидаёқ партия аппаратининг янги структурасини яратишга киришиш мумкин бўлур эди.

Ўртоқлар! Мана шу ҳамма таклифлардан кўзланган мақсад партия ички турмушининг демократик принципларига изчиллик билан риоя этишдан, партиянинг жанговарлигини, унинг совет жамиятини революцион янгилаш жараёнларига бошчилик қилиш, қайта қуришда пешқадам бўлиш қобилиятини оширишдан иборатдир.

Умуман гап партиянинг ўзини ўзи назорат қилиш, ўз ҳаракатларини танқидий таҳлил этиш қобилияти аввало ўз фаолиятида демократик централизм, коллективчилик, ишдаги коллегиаллик, ошкоралик принципи нақадар тўлиқ мужассамлаштирилишига боғлиқ эканлиги ҳақида бормоқда.

Яна бир гап бор, ўртоқлар! Шундай қилиб биз, минг афсуски, партия органларининг, партия кадрларининг анчагина қисмига ҳам юққан иллатга — бюрократизмга қақшатқич зарба уришни мўлжаллаяпмиз.

Бу иллат партия органлари ва партия кадрларининг меҳнаткашлардан ажралиб қолганлигида, улар халқнинг манфаатлари ва юмушларини кўзламай қўйганликларида кўриниб турибди. Ҳамма муаммоларни бирданига ҳал этишнинг бирдан-бир воситаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, албатта. Партия ички турмушининг ленинча принципларини қайта тиклаш йўлидан қатъият ва изчиллик билан олға бормоқ керак.

Шу муносабат билан партиядаги контрол-ревизия иши ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Мунозаранинг кўрсатишича, КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида партия съезди сайлайдиган ва коммунистларнинг партия интизоми, КПСС Устави талабларига риоя этишини, партия ташкилотларининг молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қиладиган ягона контрол-ревизия органини тузиш тўғрисида баён этилган таклиф қўллаб-қувватланмоқда.

3. Революцион қайта қуриш орқали социализмнинг янги қиёфасига эришайлик

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг февраль Пленуми идеологиямизни янгилаш вазифасини туб иқтисодий ислоҳот ҳамда партия ва жамоат турмушини демократиялаш билан бир қаторга қўйди. Партия қайта қуриш мақсадларига эришишда идеология ишига нақадар муҳим аҳамият бераётганлиги шу тариқа таъкидланди.

Ижодий марксизм-ленинизм принципларидан чекиниш идеологияда асоратли из қолдирди. Унинг назарий савияси пасайди, пропаганда ишлари кўпинча турмуш реалликларига зид тарзда олиб борилди. Аслида идеология иши социализм тўғрисидаги догматик тасаввурларга хизмат қилди, воқеликка танқидий назар билан қарамайдиган бўлиб қолди ва шу тариқа турғунликка имкон бериб қўйди. Пропаганда турмушнинг энг ўткир муаммоларини четлаб ўтиб, дабдабали қуруқ гап ва мадҳиябозликка айланиб кетди, соф таомил тусини олди. Интеллектуал ташаббус бўғиб қўйилганлиги, догматизм, сўз билан ишнинг мос келмаслиги партиянинг ғоявий таъсири заифлашишига олиб келди.

Ўтган уч йил мобайнида ижтимоий онг кучайиб борди. Турмушимизнинг барча соҳаларидаги ишларнинг аҳволи ҳақида рўй-рост, танқидий гаплар бўлди. Жуда кўп йиллар, ҳатто ўн йиллар давомида биринчи марта биз ўзимизга ўзимиз ошкора ва холисона, айни вақтда тараққиётимизнинг барча жиҳатлари билан узвий боғлиқ равишда назар ташладик, дея оламиз.

Манфаат эмас, балки тўғри гапни, ҳақиқатни излаш яна иззатлана бошлади, вақтинчалик ўзгаришларга қараб иш тутиш эмас, балки холисона дадил тадқиқотлар яна қадрлана бошлади. Келажак учун ҳаммага ибратли хулоса шу: турмуш ҳақиқати бўлмаса, илмий жиҳатдан тўғри гаплар ва бадиий кашфиётлар бўлмаса, сермазмун, хилма-хил маънавий турмуш ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас, чинакамига таъсирчан, жанговар идеология иши ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Партиянинг шундай ёндашув ҳақлигига, ўзининг ошкоралик, демократияни ривожлантириш соҳасидаги революцион ташаббуси тўғрилигига, фикрларнинг

социалистик хилма-хиллиги тўғрилигига ишончи комил. Бироқ маънавий покланиш, асосли танқид, ёмон ўтмиш билан алоқани узиш орқали ўз-ўзидан бутунлай янгиланган жамият дунёга келади, деб ўйлаш соддадиллик бўлур эди. Ундай эмас, онг ва практика диалектикаси бениҳоя мураккаброқ. Идеология фаолиятининг самарадорлиги конкрет сиёсий, ташкилий, социал-иқтисодий шароитларга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Ҳозир биз ижтимоий онгни уйғота олдик, лоқайдлик ва бегоналашувни бартараф қила олдик. Энди масала мана бундай тарзда кўндаланг бўлиб турибди: хўш, уйғотилган мана шу онг қаёққа боради, ижтимоий фикр қай йўлдан ривожланади?

У қайта қуриш ишига хизмат қиладими, амалий, бунёдкорлик куч-ғайратларини ошириш йўлидан, меҳнат ва масъулият йўлидан, социалистик жамиятни ҳақиқий янгилаш йўлидан борадими?

Ёки янги вазифаларнинг мураккаблиги ва ғайриодатийлигидан чўчиб, эҳтирослар ва ҳис-ҳаяжонларга таслим бўладими, сиртдан ялтироқ янгиликларга, у ёки бу тарздаги кампаниячиликка оғиб кетадими?

Ё бўлмаса ҳаётдан оҳ уриб, яна уйқуга кетадими? Бу ҳолат турғунлик замонларини хуш кўрувчи ҳаммага жуда маъқул бўлур эди.

Тараққиёт йўли фақат битта бўлиши мумкинлиги, бу — қайта қуриш йўли, янгиланиш йўли эканлиги равшан. Ижтимоий онг демократиялашни ҳамда ошкораликни ривожлантириш асосида шаклланиши ва бунёдкорлик иши мақсадини кўзлаши учун партия ҳамма имкониятлардан фойдаланаверади **(Қарсаклар).**

Янгиланиш иши кафолотга муҳтож, ҳимояга муҳтож. Бундай кафолотни вужудга келтириш, уни туб иқтисодий ислоҳотни, сиёсий система ислоҳотини изчиллик билан ўтказишда ҳам, шунингдек ижтимоий онг, маънавий, мафкуравий турмуш соҳасида ҳам мустаҳкамлаш керак.

Шубҳасиз, кейинги йилларда ачинарли ва ҳатто фожиали гаплар, қайғу, алам, ўкинч ва норозилик туғдирувчи гаплар кўп айтилди. Буларни билмаслик, улардан хабардор бўлмаслик, албатта, беташвишдир. Аммо бундай ёндашув замирида қайта қуришнинг муваффақияти учун жуда зарур бўлган инсоннинг революцион онги, гражданлик позицияси, мардлиги ва юксак масъулияти юзага келмайди. Айни шу боисдан партия ўтмишни танқидий қайта кўриб чиқишга, тарихий ҳақиқатни қайта тиклашга, ноҳақ сиёсий айбловлар ва бедодликлар қурбони бўлган кишиларни оқлашга дадил киришди. Бу ишни давом эттирмоқ лозим.

Биронта саволга жавоб беришдан бўйин товламаслик керак, бу саволлардан қўл силташ мумкин, деган шубҳа бўлмаслиги керак. Гап бизнинг партиявий шон-шарафимиз ва виждонимиз ҳақида, Ленин партиясининг интеллектуал қадр-қиммати ҳақида бормоқда.

Ҳақиқатга йўл очиш жўн ва осон иш эмас, аммо мафкуравий бадастирлик шароитида яшайдиган, ҳақиқат менинг қўлимда ва уни ҳар куни қўлга киритиш керак эмас, балки пўлат сандиқдан олинаверади, деб ҳисоблайдиган партия — мана шундай партия ўзининг маънавий ва ахлоқий обрў-эътиборидан, ўзининг революцион характеридан ва жамиятнинг сиёсий авангарди бўлиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Бизнинг ижтимоий онгимиз, совет кишисига хос бўлган кўпгина ажойиб фазилатлар бор. Бу — ҳақ гап. Шундай бўлса-да, ҳозир биз одамларни ташаббускорлик, мустақиллик, янгиликка сидқидилдан интилиш, унга эҳтиёж сезиш руҳида аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш зарур, деган масалани қўймоқдамиз. Шундай қилмай туриб, қайта қуришнинг янги марраларини эгаллаб бўлмайди. Жамият турмушининг демократик усулларига таянган тақдирдагина шу фазилатларни тарбиялаш мумкин.

Қайта қуриш ошкораликни турмушнинг олдинги маррасига чиқариб қўйди, ошкоралик жуда турли шаклларда — давлат ва жамоат ташкилотларининг ишида, йиғилишлар, митингларда, илмий ва ижодий конференцияларда, одамларнинг гурунгларида рўёбга чиқмоқда. Ҳозир оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикрнинг қудратли минбари бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар тарихий ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, камчилик ва нуқсонларни танқид қилиш,

қайта қуриш тажрибасини оммалаштириш, одамларда янгичасига, ижодий собитқадам фикрлаш ва ҳаракат қилиш маҳоратини ҳосил этиш учун кўп иш қилди.

Аммо ҳозир олға бориш керак. Биз партия матбуотининг янги сифатига, унинг сиёсий билим бериш ва ташкилотчилик роли янги сифатига эришмоғимиз керак. Ҳозир матбуотимиз қайта қуриш йўлидаги ҳаракатга халақит бераётган ҳамма иллатларни танқид қилиш руҳини пасайтирмай, жараёнларга чуқур кириб бориши, турмушимизнинг барча соҳаларида янги жамият қарор топишининг мураккаб диалектикасини, зиддиятлилигини таҳлил этиши керак. Бунинг учун эса кўп билим ҳам, кўп омилкорлик ҳам, кўп амалий иш ва масъулият ҳам керак бўлади. Матбуот бу вазифани жамиятнинг кенг доираларини жалб этиш, қайта қуришнинг ҳақиқий ишбошилари тажрибасини намуна қилиб кўрсатиш йўли билангина ҳал этиши мумкин.

Ошкораликсиз янгиланиб бўлмаслигига, ошкораликсиз биз шу қадар қисқа муддатда салбий ҳодисаларнинг сабабларини, уларни бартараф этиш йўлларини таҳлил этиш борасидаги жуда катта ишни қила олмаслигимизга, жамиятда янги маънавий сиёсий муҳитни вужудга келтира олмаслигимизга, қайта қуриш ғояларини олдинги ўринга чиқариб қўя олмаслигимизга энди ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ошкоралик ички ва халқаро сиёсатнинг ҳар қандай масалалари хусусида фикрларнинг ҳар хиллигини, турли нуқтаи назарларни эркин таққослашни, мунозараларни назарда тутади. Мана шундай ёндашилган тақдирдагина ошкоралик ўзининг ижтимоий ролини ўйнаши, халқ, социализм манфаатларига хизмат қилиши мумкин.

Бироқ демократиянинг ҳар қандай кўриниши каби ошкоралик фикрларни монополия қилиб олиш даъволарига, биз воз кечаётган ақидалар ўрнига бошқаларини тиқиштиришга, гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилишга ва айниқса, фактларни сохталаштиришга, шахсий хусуматга мутлақо зиддир. **(Қарсаклар).** Танқид қилинган кишиларни аслида танқидга жавоб бериш имкониятидан маҳрум қилиш ҳаддан ташқари ғайридемократик бир ҳолдир. Бунинг нимаси ошкоралик! Мунозаралардан, йиғилишлардан, матбуот саҳифаларидан, телевидение экранларидан даҳанаки жанг қилиш, ҳақоратлаш ва ёрлиқлар осиш учун фойдаланиш эса мутлақо номақбулдир. **(Қарсаклар).**

Айни вақтда, ўртоқлар, танқидни бўғиш, ҳатто унинг учун ўч олиш ҳоллари ҳамон мавжудки, бунн конференцияда дангал айтиб ўтиш керак. Биз партия ташкилотларида ҳам, меҳнат коллективларида ҳам, жамоат ташкилотларида ҳам, бошқарув аппаратида ҳам, оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳам шундай фактларга дуч келмоқдамиз. Кўпинча совет кишиларининг конкрет камчиликларни аниқлашдаги активлиги ва муросасизлиги, уларнинг эскилик ва масъулиятсизликка қарши, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликларига қарши чиқишлари баъзи кимсаларни ғазаблантирмоқда ва улар бунга қарши ҳаракат қилмоқдалар. Улар ҳақиқатни ҳимоя қилиб чиқаётган кишиларни силтаб ташлаётганликларини, ҳатто таъқиб қилаётганликларини яна кўриб турибмиз. Барча даражалардаги партия ташкилотлари билан партия комитетлари танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш посбони бўлишлари, принципиал позициялардан туриб иш кўришлари лозим.

Ўртоқлар, биз сиёсий маданиятни тарбиялаш, инсоний муносабатларда маданийлик тўғрисида гапирганимизда бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз жуда катта роль ўйнаши, шу жумладан ўз намунаси билан ғоят катта роль ўйнаши мумкин.

Конференциянинг ошкоралик тўғрисидаги резолюциясини тайёрлаш чоғида мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутиш кераккa ўхшайди.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида партия сиёсий фаолиятининг яна бир идеологик жиҳати тўғрисида гапирмоқчиман. Ҳозир ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, социалистик идеология ва практикани бузган нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечиш, сийқа усуллар ва ақидаларни емириб ташлаш жараёнида баъзилар гўё бу — социализм принципларини, асосларини йўққа чиқариш, унинг тарихини қоралаш, деб даъво қилмоқдалар. Бунга қўшилиб бўлмайди, ўртоқлар. Мутлақо қўшилиб бўлмайди! **(Қарсаклар).** Қайта қуриш догматизм ва консерватизм

тошига, кимларнингдир бидъатлари ва шахсий нафсониятига қоқилишига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Гап мамлакат тақдири ҳақида, социализм тақдири тўғрисида боряпти. Зотан, биз вазиятнинг ўткирлигини ҳали англаб етмаган кишиларга уни тушунтириб беришимиз шарт. Ҳаммамиз учун энг асосий мана шу масалада муросасозлик бўлиши мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Бу ерда, конференциядан жуда аниқ қилиб шуни айтмоқчиманки, биз бундан буён ҳам барча чинакам социалистик қадриятларни ривожлантираверамиз, социализмнинг революцион назарияси ва қиёфасини бузган нарсаларнинг ҳаммасини қатъият билан бартараф этаверамиз.

Жўшқин мунозаралар ва эҳтирослар кураши қувончли ва илҳомбахш муҳим бир ҳолатни юзага келтирди. Бу ҳолат қанчадан-қанча синовлар, қайғу-аламли вазиятлар ва фожиали воқеалардан кейин халқимиз 1917 йилда танлаган тарихий йўл — социализм фойдасига танланган йўлнинг тўғрилигини янги куч билан тасдиқламоқда. **(Қарсаклар).**

Бир қаранг-а, эндиликда ҳар бир киши нимани ўйласа, шуни гапириши ва нимани хоҳласа, шуни айтиши мумкин. Фикрлар, мулоҳазалар, ҳис-туйғуларнинг мана шундай ғоят хилма-хиллиги ижтимоий турмушда мислсиз миқёсларда ва жуда хилма-хил формаларда ўз ифодасини топмоқда. Хўш, нима рўй берди? Биз муғомбирлик қилмай ва безаб кўрсатмай, шуни айта оламизки, шу вақт ичида биз эшитган фикр-мулоҳазалар қанчалик ўткир ва танқидий бўлмасин, совет халқи қайта қуриш давомида социализмни ёқлаб яна бир марта қатъий ва кучли овоз берди. **(Қарсаклар).**

Ҳа, биз 30-йилларда социализмни бузган ва 70-йилларда уни турғунликка олиб келган нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечмоқдамиз. Аммо биз шундай социализмни истаймизки, у ўтмиш даврларнинг қалашиб кетган иллатларидан тозаланган ва шу билан бирга таълимотимиз асосчиларининг ижодий тафаккури бунёдга келтирган, халқнинг меҳнати ва куч-ғайрати билан турмушда мужассамлашган, унинг орзу-умидларини акс эттираётган барча энг яхши нарсаларни мерос қилиб оладиган бўлсин. Биз жаҳон ривожининг бутун илғор тажрибасини ўзига сингдириб инсоният тараққиёти ютуқларига батамом таянадиган социализмни истаймиз.

Биз қайта қуриш орқали бораётган истиқболнинг конкрет қиёфасини ҳозир муфассал тасвирлаб беришнинг имкони йўқ, албатта. Бироқ, биз жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолати деб атаётган келажакнинг асосий белгиларини, энг муҳим хусусиятларини кўрсатиш мумкин ва лозим.

Уни кўрсатиш мумкин, чунки ижтимоий ўзгартишларнинг бош йўналишлари ва тенденциялари ҳозирдаёқ намоён бўлиб қолди. Уни кўрсатиш лозим, чунки аниқланган камчиликларни танқид қилиш, нимадан воз кечишимиз шартлигини англаш билан бир қаторда практикани социализмнинг пировард мақсадлари ва идеалларига яқинлаштириш йўллари ҳамда воситаларини белгилаб берадиган амалий, ижобий йўналишларга бўлган талаб-эҳтиёж ҳам шу қадар каттадир.

Биз социализмни чинакам, реал инсонпарварлик тузуми, деб биламиз, бунда инсон амалда «жамики нарсалар мезони»дир. Жамиятнинг экономикасидан бошлаб то маънавий-идеологик соҳасигача унинг бутун тараққиёти инсоннинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга, уни уйғун камол топтиришга қаратилгандир. Шуларнинг ҳаммаси одамларнинг ўз меҳнати, ижоди, ғайрат-шижоати билан амалга оширилмоқда.

Биз социализмни фан-техника тараққиётининг энг яхши ютуқларига таянувчи ҳамда энг юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи самарали ва жўшқин экономикага: жамият эҳтиёжларини қондиришга бевосита бўйсундирилган, шу талаб-эҳтиёжларига чаққон мослашадиган экономикага эга бўлган тузум деб биламиз. Жамоат мулки билан шахсий мулкнинг, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хилма-хил формалари шундай экономиканинг асоси бўлиб, бунда меҳнаткашлар унинг реал соҳиблари бўлмоқда, иш ҳақининг меҳнат натижаларига бевосита боғлиқлиги таъминланмоқда. Экономикани планли бошқариш структуравий масалаларни ҳал этиш чоғида марказнинг ролини товар ишлаб чиқарувчи, хўжалик ҳисоби ва мустақиллик асосларида фаолият кўрсатиб, бозор учун ишловчи бирликлар сифатида ишлаб чиқариш бирликларининг кенг мустақиллиги билан узвий қўшиб олиб боришдан келиб чиқади.

Биз социализмни социал адолат тузуми, деб биламиз, бу тузумда инсоннинг меҳнат, соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой, социал таъминот соҳасидаги ҳаётий муҳим эҳтиёжларининг социал гарантиялари меҳнатга қараб тақсимлаш принципини изчил ўтказиш билан, текисчилик ва социал текинхўрликнинг ҳар қандай формаларини батамом тугатиш билан қўшиб олиб борилади. Бу шундай жамиятки, унда инсоннинг қобилиятлари, самарали меҳнати, маҳорати ва истеъдоди ҳамма нарсадан юқори қадрланади ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб равишда тақдирланади.

Биз социализмни юксак маданиятли ва ахлоқли тузум, деб биламиз. Бу тузум инсоният маънавий камолотининг энг яхши ютуқларини, унинг бой маънавий тажрибасини мерос қилиб олиб кўпайтирмоқда. Бу — меҳнат аҳлининг турмуши моддий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ҳамда бой бўлган, истеъмолчиликни, ахлоқсизликни ва маданий қолоқликни рад этадиган жамиятдир. Юксак маданият тушунчаси жамиятнинг экология соҳасидаги маданиятини ҳам, одамлар турмуши ва ишлаб чиқариш фаолиятининг табиий шароитларига нисбатан эҳтиёткорлик билан оқилона муносабатда бўлишни, табиат бойликларини сақлаш ва кўпайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Биз социализмни чинакам халқ ҳокимияти тузуми, деб биламиз, бу тузумда меҳнаткашларнинг ҳаммасига ўз талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларини изҳор этиш учун тўла имконият, ижтимоий жараёнларни бошқаришда қатнашиш таъминланмоқда, инсоннинг ҳокимиятдан бегоналашуви бартараф этилмоқда. Бу — халқнинг социалистик ўзини ўзи бошқариш жамияти, экономикани, социал жараёнларни бошқаришда чуқур ва изчил демократизм, қонунчилик, рўй-ростлик ва ошкоралик жамиятидир.

Биз социализмни барча миллат ва элатлар чинакам тенг бўлган, улар социал, маънавий жиҳатдан равнақ топиб, бир-бирини ўзаро бойитаётган, миллатлараро адоватнинг, миллатчилик ва шовинистик хурофотларнинг ҳар қандай кўринишларига ўрин бўлмаган, халқлар интернационализми ва қардошлиги тантана қилаётган жамият, деб биламиз.

Ниҳоят, биз социализмни тинчликка, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ва баҳамжиҳат ҳаракатни мустаҳкамлашга, барча халқлар ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат суверен ҳуқуқини эътироф этиш каби демократик принциплар асосидаги нормал, маданий муносабатларни йўлга қўйишга интилиш ўз табиатига ва манфаатларига узвий хос бўлган тузум, деб биламиз.

Коммунизм сари ҳаракатнинг муҳим босқичи бўлмиш жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолати тўғрисида гапирганимизда биз социализмнинг айни мана шундай демократик, инсонпарвар қиёфасини назарда тутамиз.

Келгуси йиллар мамлакатимиз истиқболини, совет тузуми тақдирини белгилаб беради. Биз учун ана шу истиқбол уни қандай яратсак, шундай бўлади. Уни биз ўзимиз яратамиз, биз учун ёки бизнинг ўрнимизга уни ҳеч ким яратмайди. Масала шу тахлитда турибди ва биз унга бевосита жавоб топишимиз шарт. Рўй-рост ва гапларни чала қолдирмай исталаётган нарса билан амалдаги нарсани, сўз билан ишни, субъектив тасаввурлар билан объектив воқеликларни ҳалол қиёслаб кўришдан бўйин товлашга уринмай, жавоб топишимиз шарт.

Совет халқи истиқболнинг равшан бўлишини истайди. Беками-кўст ва ҳеч сўзсиз демократияни, истисносиз қонунчиликни, катта ва кичик ҳамма ишларда ошкораликни, муносабатларда қардошлик ва ўртоқликни, меҳнатсеварлик ва истеъдод, ишга ва ижтимоий бурчга садоқат билан хизмат қилиш ҳурмат қилинишини хоҳлайди. Бизга социал утопиялар эмас, балки ижтимоий ривожланиш тенденциялари равшан кўриниши учун, ўтмишда неча марталаб бўлганидек, кундалик икир-чикир ишлар ва хўжакўрсинга дабдабабозлик ҳаммаёқни босиб кетмаслиги учун ўзгаришларнинг барча босқичларида социалистикликнинг аниқ-пухта йўналишлари, объектив мезонлари керак.

Социал адолат жамиятини, эркин ва тенг ҳуқуқли кишилар цивилизациясини барпо этиш мумкинлигини илмий асослаб берган марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаётийлигига ишончимиз комил. Биз революцион қайта қуриш давомида ҳам

шунга амал қилмоқдамиз. Биз конференциямиз бошлаб бераётган унинг янги, ғоят муҳим босқичида ҳам шундай ҳаракат қилаверамиз! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Докладимни тамомлай туриб, конференциядан олдин бўлиб ўтган ва Марказий Комитет Тезислари эълон қилинганидан кейин айниқса кучайиб кетган мунозара тўғрисида умумий тарзда бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Шу қадар кенг, эҳтиросли ва самарали, амалий фикрлар, кўпдан-кўп таклифлар айтилган, баъзида фикр-мулоҳазаларнинг кескин тўқнашувлари рўй берган бундай мунозара партиямизда, жамиятимизда кўпдан буён бўлмаган эди. Аслини олганда, қайта қуришнинг ижтимоий турмуш ва партия ички турмушини демократиялашнинг энг асосий масалалари мунозара марказида бўлди. Гап амалда бир нарса ҳақида, у ҳам бўлса, бу ишларни қандай қилиб яхшироқ амалга ошириш тўғрисида борди.

Шуни тўппа-тўғри айтиш мумкинки, Марказий Комитет конференцияга тақдим этган таклифлар ва ғоялар партиянинг, бутун халқнинг коллектив тафаккури билан юзага келган.

Демократия кўпроқ, социализм кўпроқ бўлиши, меҳнаткаш инсоннинг яхшироқ яшаши, мамлакатнинг улуғворлиги ва бахт-саодати — бизнинг мақсадларимиздир.

Шу кунларда биз ана шу мақсадларга эришиш манфаатлари йўлидаги ишларнинг якунларини чиқаришимиз ҳамда қайта қуришга янги омил бағишлаши, уни муқаррар қилиши лозим бўлган ғоят катта аҳамиятга молик ҳужжатларни қабул қилишимиз лозим. Ҳар бир делегатнинг, бутун конференциямизнинг партия ва совет халқи олдидаги масъулият мезонини айни мана шу нарса белгилаб беради. **(Давомли қарсаклар).**

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини, шунингдек ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунларини муҳокама қилиб, шуни қайд этади: Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумида ва партиянинг XXVII съездида партия ишлаб чиққан совет жамиятини ҳар томонлама ва революцион янгилашга ҳамда унинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўл оғишмай амалга оширилмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ва социал-сиёсий кризис томон бориши тўхтатилди.

Қайта қуриш ғоялари ва ишларининг таъсирида жамият жипслашмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг ижодий куч-ғайрати юксалмоқда. Одамлар қайта қуришга ишонч ҳосил қилдилар ва уни чуқурлаштириш учун, революцион ўзгартишларга муқаррар тус бериш учун курашмоқдалар.

Демократиялаш ва ошкоралик ғоявий-сиёсий ва ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Мамлакат экономикасини соғломлаштириш, уни одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш сари буриб юбориш жараёни бошланди, хўжалик юритишнинг янги усуллари кучайиб бормоқда. Давлат корхонаси (бирлашмаси)

тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бирлашма ва корхоналар хўжалик ҳисобига ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказилмоқда. Кооперация тўғрисида қонун ишлаб чиқилди, кенг муҳокама қилинди ва қабул этилди. Пудрат ва ижара асосида ички ишлаб чиқариш меҳнат муносабатларининг янги, илғор шакллари, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти турмушга кириб бормоқда. Бошқарувнинг ташкилий структуралари қайта қурилмоқда, бу иш экономика бошланғич бўғинларининг самарали хўжалик юритиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Партиянинг ташаббуси билан авж олдирилган иш меҳнаткашларнинг реал даромадларини яна ошира бошлаш имконини берди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уй-жой қурилишини кенгайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Маориф ва соғлиқни сақлаш ислоҳ қилинмоқда. Маънавий турмуш мамлакат тараққиётининг қудратли омили бўлиб қолмоқда.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги реалликларини қайтадан идрок этиш, ташқи сиёсатни янгилаш ва унга жўшқинлик бахш этиш соҳасида катта иш қилинди.

Шу тариқа қайта қуриш совет жамиятининг турмушига чуқур сингиб бормоқда, унга тобора кўпроқ ўзгартувчилик таъсирини ўтказмоқда.

Шу билан бирга конференция қайд этадики, қайта қуриш жараёнлари зиддиятли, мураккаб тарзда, қийинчилик билан, янгилик ва эскиликнинг ўзаро кураши жараёнида кечмоқда. Гарчи ижобий тенденциялар кўриниб турган, дастлабки натижалар қўлга киритилган бўлса-да, иқтисодий, социал ва маданий тараққиётда туб бурилиш рўй бермади. Халақит берувчи тўғаноқлар ҳали тўла-тўкис бартараф этилгани ва жадаллаштириш омиллари билан алмаштирилгани йўқ. Экономика кўп жиҳатдан ҳамон экстенсив йўлдан ҳаракат қилмоқда. Ялпи, миқдорий ёндашувларнинг тазйиқи тугатилмаган.

Экономиканинг структурасида асосан чиқимдорлик характери сақланиб қолмоқда. Фан-техника тараққиёти суст ривожланмоқда, миллий даромадни кўпайтиришга ва ресурсларни тежашга оид планлар бажарилмаяпти. Маҳсулот сифатида сезиларли яхшиланиш йўқ. Мамлакатнинг молиявий аҳволи мураккаблигича турибди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлашдаги кескинлик сақланиб қолмоқда, аҳолининг хизматларга бўлган талаби қондирилмаяпти. Уй-жой муаммоси ҳамон кескин бўлиб турибди.

Жамиятни демократиялаш билан бир қаторда туб иқтисодий ислоҳ бутун қайта қуришимизнинг пойдеворидир. Энди ислоҳот сиёсий системанинг ўзгариши туфайли янги омилга эга бўлиб қолади. У асосан шу беш йиллик доирасида тугалланиши керак. Сиёсий системани белгиланган тарзда реконструкциялашнинг суръати ҳам, муваффақияти ҳам ўз навбатида шунга боғлиқ бўлади. Аммо жорий этилаётган янги иқтисодий механизм партия билан ҳукуматнинг тегишли қарорлари марказий идораларда муносиб тарзда бажарилмаётганлиги оқибатида юришмай қолмоқда. Текисчилик ва тайёрга айёрлик экономикани интенсив ривожлантиришга жиддий тўсиқлигича қолмоқда. Хўжалик юритишнинг кооператив, пудрат ва ижара шаклларини кенг оммалаштириш учун шароит яратишда сусткашлик қилинмоқда.

Турғунликнинг оғир сарқити қайта қуриш жараёнларига тўсқинлик қилувчи таъсир ўтказмоқда. Бироқ белгиланган ўзгартишлар суст амалга оширилаётганини шу билангина изоҳлаб бўлмайди. Партия, давлат, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ҳозирги ишидаги камчиликлар замирида кўп иллатлар яшириниб ётибди. КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорлари муносиб равишда қатъият ва собитқадамлик билан амалга оширилмаяпти. Раҳбарликнинг янги демократик усуллари, рўй-ростлик ва ошкоралик ўзига қийинчилик билан йўл очиб бормоқда, консерватизм ва сусткашликка, тафаккур ва ҳаракатдаги догматизмга бориб тақалмоқда. Жамиятнинг турли бўғинларида, шу жумладан, меҳнат коллективларида меҳнатга, ишга муносабатнинг ўзи кўнгилдагидек ўзгармади. Ўз вазифаларини виждонан бажариш ҳали ҳам одат тусига киргани йўқ. Меҳнат интизомининг даражаси қайта қуриш талабларига мувофиқ келмайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ишнинг пировард натижаларига таъсир қилмоқда.

Жамоат, давлат ва хўжалик фаолиятининг барча поғоналарида буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулларидан воз кечишни хоҳламаётган ёки воз кеча

олмаётган, янгиликни оғриниб қабул этаётган ходимлар ҳали кўп. Қайта қуришнинг миқёслари ва чуқурлигидан чўчиётган, ярим йўлда тўхтаб қолишни, қайта қуришнинг революцион мазмунини чала-чулпа чора-тадбирлар билан чеклашни афзал кўрмоқчи бўлган ходимлар ҳам оз эмас. Айни вақтда воқеаларнинг боришига сунъий равишда туртки бериш, босқичлардан сакраб ўтиш йўлида уринишлар қилинмоқда, объектив шарт-шароитлар мавжудлиги ва ижтимоий онг савиясини эътиборга олмай, ҳамма ишни бир зумда бажариб қўя олиш ҳақидаги даъватлар янграмоқда.

Бошқарувнинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасига хос бўлган бюрократик усулларни бартараф этиш мақсадида конференция министрликларнинг ва бошқа марказий идораларнинг вазифаларини ҳамда иш услубини ўзгартириш, ортиқча бўғинларни тугатиш ва уларни жойларга топшириш, аппаратни анча қисқартириш ва унда ишловчи кадрларнинг малакасини ошириш йўлини қатъиян қўллаб-қувватлайди. Бу ишни узоқ вақтга чўзиб юбориб бўлмайди.

Кўпгина партия ташкилотларининг фаолияти қайта қуриш вазифаларидан орқада қолмоқда, улар тўсқинлик сабабларини ўз вақтида ва тўғри баҳолай олмадилар, кутиб турмоқдалар, эскиликка қарши ҳамда янги иш формалари ва усулларини тез ўзлаштириб олишда қатъиятсизлик қилмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммаси қайта қуришни янада чуқурлаштириш ва унинг муқаррарлигини ишончли равишда гарантиялаш зарурлигидан далолат беради. Конференция шуни таъкидлайдики, қайта қуриш — социализмни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг, ижтимоий тараққиётнинг етилган муаммоларини халқ манфаатларини кўзлаб ҳал этишнинг имкони бўлган бирдан-бир йўлидир. Шу йўлдан қатъият билан оғишмай бораверищ, сабр-матонат кўрсатиш ва ҳар бир босқичнинг имкониятларидан реал фойдаланиш керак.

Конференция ҳозир сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш биринчи ўринга чиқиб қолмоқда, деб ҳисоблайди. Айни шу ислоҳот ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қайта қуришни чуқурлаштиришнинг янги имкониятларини очиши ва унинг муқаррарлиги гарантияларини таъминлаши лозим.

2. Социал-иқтисодий соҳада халқ фаровонлигининг энг зарур муаммоларини жадал ҳал этиш жуда муҳим вазифадир.

Аввало, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотини анча яхшилашга эришиш керак. Бу — жуда катта социал-сиёсий масаладир. Пудрат ва ижаранинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, мавжуд хўжаликлар доирасида ҳам, шунингдек, бошқа корхоналар ва экономика тармоқлари билан ўзаро алоқаларда ҳам кооперативларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш асосида колхоз ва совхозларнинг имкониятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш бу масалани ҳал этишнинг энг қисқа йўлидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, қайта ишлаш, асраш ва сотишни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, шу тармоқлардаги корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва қуриш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш зарур.

Конференция ҳисоблайдики, ҳозир мамлакатда ҳамма жойдаги колхоз ва совхозларни хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтказиш учун зарур шарт-шароит етилди, жойларда ҳам, марказда ҳам шу ишга халақит берадиган барча тўсиқлар олиб ташланиши лозим. Бу вазифани ҳал этиш учун бевосита колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, қишлоқ коммунистлари, халқ депутатлари Советлари зиммасига алоҳида масъулият тушади.

Колхоз ва совхозларга буйруқ бериш йўлидаги ҳар қандай уринишлар дарҳол тўхтатилиши керак. Улар ички хўжалик фаолияти масалаларини мустақил ҳал этишга, хўжаликлараро алоқаларнинг ва ишлаб чиқариш хизматининг усулларини белгилаб олишга қодирдирлар. Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқдаги меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, уни зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳозирги аграр сиёсатнинг туб масалаларидир. Аграр сиёсатнинг моҳияти шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий мувозанатни қайта тиклашдан, қишлоқ хўжалигининг ўзида ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат.

Хўжалик юритишнинг янги механизми имкониятларидан фойдаланиб, бозорни хилма-хил моллар ва хизматлар билан мўл-кўл таъминлашни жадаллаштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги ишни ҳамма

жойда авж олдириш зарур. Енгил саноатни ва оммавий харидоргир моллар ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларни тубдан қайта жиҳозлаш керак. Маҳаллий имкониятлардан, кооператив ҳаракатнинг ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Регион аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан маҳаллий Советларнинг, меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини ошириш зарур.

Конференция 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш борасида КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани бажариш мақсадида уй-жой қурилишининг ҳажмлари, суръатларини кескин ошириш ва сифатини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни маъқуллайди. Қурилиш индустриясининг заифлиги ва аввало, бинокорлик материалларининг етишмаслиги, махсус машина ва ускуналар жуда камлиги давлат, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши миқёсларини кенгайтиришга, меҳнат коллективларининг, маҳаллий Советларнинг бу ишдаги ташаббусига халақит бераётганини қайд этиб, конференция СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ҳукумат органлари шу масалаларни ҳеч кечиктирмай ҳал этишлари кераклигини маълум қилади.

Айни вақтда уй-жой фондини яхши ҳолатда сақлаш, квартиралар тақсимоти устидан демократик назоратни таъминлаш ҳамда уй-жойга ҳақ тўлашда одилона тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, ҳал қилиш лозим.

Конференция соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакатдаги экология вазиятини яхшилаш юзасидан қабул қилинган программаларни сўзсиз бажаришни жуда муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Бу соҳадаги барча тадбирларга одамларнинг манфаатлари, социал йўналиш асос қилиб олиниши, иш самарадорлиги эса иқтисодий рағбатлантириш ва замонавий илмий-инженерлик таъминоти усулларини жорий этиш ҳисобига анча оширилиши керак.

КПСС XXVII съездининг экономикани социал соҳа сари буриб юбориш йўли бутун структура ва инвестиция сиёсатининг ўзаги, такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва пропорцияларини шакллантиришнинг асосий негизи бўлиб қолиши лозим. Бу йўл иқтисодий ўсишнинг янги сифати билан, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, ресурсларни тежаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, машинасозликни реконструкциялаш билан чамбарчас боғланган. Ўн учинчи беш йиллик концепцияси ҳам шу ёндашув билан белгиланиши керак.

Иқтисодий ислоҳотни ривожлантириш ва чуқурлаштириш билан бирга янги иқтисодий механизмни шакллантиришни ниҳоясига етказиш, ислоҳот принципларини ҳар бир бошланғич меҳнат коллективига, ҳар бир иш жойига етказиш зарур. Одамларнинг энг юксак пировард натижалардан манфаатдорлигини қатъиян кучайтириш, текисчиликни охиригача бартараф этиш, меҳнатнинг миқдори ва айниқса, сифатига қараб ҳақ тўлаш принципига дадилроқ ўтиш ва ҳамма жойда амал қилиш, ёмон ишлаётганлар фаровон яшайверадиган ҳолатга йўл қўймаслик керак.

Конференция шуни таъкидлайдики, совет кишиларининг ҳалол ва юксак унумли меҳнат қилиши асосидагина барча иқтисодий ва социал вазифалар ҳал этилишини таъминлаш мумкин.

Шу беш йиллик доирасида хўжалик механизмини пухта такомиллаштириш; марказдаги ва жойлардаги ташкилий структураларни ва ташқи иқтисодий алоқалар системасини қайта қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтиш, халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш программасини амалга ошириш, шу жумладан, бюджетда, молиявий-кредит системасида, банклар фаолиятида тартиб ўрнатиш жадаллаштирилсин. Умумхалқ муҳокамасидан кейин нарх белгилаш ислоҳ қилинсин, улгуржи, харид ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилсин. Чакана нархларни ислоҳ қилганда нархларнинг ўзгариши одамларнинг турмуш даражасига бирон-бир тарзда зарар етказмаслиги принципига қатъий асосланиб иш тутилсин.

3. Жамиятнинг интеллектуал, маънавий потенциалини, фан ва техника тараққиётини бутун чоралар билан активлаштирмай туриб, олимларнинг ва инженер кадрларнинг илмий-техникавий ҳиссасини кўпайтирмай, уларнинг обрўйини оширмай ва иш шароитини яхшиламай туриб, бутун таълим системаси-

нинг замонавий даражасига эришмай, халқнинг умумий ва сиёсий маданиятини оширмай туриб, революцион қайта қуришни рўёбга чиқариб бўлмайди.

Конференция фундаментал ва амалий фанларни жадал ривожлантиришнинг, кашфиётлар ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдек ўткир муаммони ҳал этишнинг, илм-фан билан ишлаб чиқариш доимий алоқасининг муҳим аҳамиятини таъкидлайди. Илм-фан фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари керак. Ижтимоий фанларда чуқур қайта қуриш ғоят зарур, бу фанлар догматизмни ва ҳаётдан ажралиб қолишни узил-кесил бартараф қилиши лозим. Уларнинг бурчи социализмни ривожлантиришнинг энг зарур ва истиқболли масалаларини, жаҳон тараққиёти муаммоларини ижодий ишлаб чиқишдан, сиёсат учун, жамият учун реал самарани оширишдан иборат.

Конференция фан ва маданият соҳасини янада демократиялаш, бу соҳа учун жамиятни қайта қуриш талабларига мос келадиган моддий базани вужудга келтириш ва ривожлантириш кераклигини таъкидлайди. Партия ҳақиқатни излаш ва бадиий идрок этишнинг хилма-хиллигини, мусобақалашувни, новаторлик ва давомийликни қўллаб-қувватлаш билан бирга фан, адабиёт ва санъат арбобларининг активлигига, ўз истеъдодларини намоён этишларига ва халқ олдидаги юксак масъулиятни сезишларига умид қилади.

Конференция қайта қуришнинг назарий хазинасини кўпайтиришга, идеология ишини яхшилашга, уни қолоқликдан, сафсатабозликдан ва андозачиликдан халос қилишга, унинг мазмуни ва руҳини турмуш реалликларига мувофиқлаштиришга, одамларни қизиқтирадиган ҳамма масалалар юзасидан улар билан сидқидилдан, бевосита гаплаша олиш маҳоратига принципиал аҳамият беради.

Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш — КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифасидир. Конференция ўрта ва олий мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни талаб қилади. Бу гап уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам, энг муҳими — ўқитувчининг, муаллимнинг, тарбиячининг ролига ҳам тааллуқлидир.

Партия ёшларни қайта қуришнинг фаол ва ташаббускор кучи, деб билади. Конференция ёш авлодга нисбатан давлат аҳамиятидаги кучли, яхлит сиёсатга эга бўлиш зарур, деб ҳисоблайди. Бу сиёсат ёшларга имкони борича эртароқ мустақиллик олиш, ўз қобилиятларини иложи борича намоён этиш ва ўз ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш, мамлакат тақдири учун, социализм тақдири учун иқтисодий, сиёсий ва маънавий масъулиятни ўз вақтида зиммасига олишга яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини берадиган шароит яратиши керак.

Конференция комсомолга партия раҳбарлигининг ленинча анъаналари тўла қайта тикланиши, унинг ташкилий мустақиллигига, сиёсий фаолиятда ва сиёсатни ишлаб чиқишда қатнашиш, партия, совет ва хўжалик органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига риоя этиш керак, деб ҳисоблайди. Комсомол гражданлик ва ахлоқийликнинг илк мактаби — пионерлар ҳаракатидаги ўз иши учун бутун жамият олдида алоҳида масъулдир.

Конференция хотин-қизларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган муаммоларни янада зўр ғайрат билан ҳал этиш зарурлигига эътиборни қаратади. Қуйидан юқоригача раҳбарлик органларида хотин-қизларнинг вакиллари кенг миқёсда қатнашишлари керак. Уларнинг жамиятдаги ва сиёсий турмушдаги роли оширилиши, онанинг обрўйи ва ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, авайлаб-асралиши, унинг ўз вазифаларини бажариши учун шароит яратиб берилиши, ёш оилалар тўғрисидаги ғамхўрлик кучайтирилиши керак.

4. Конференция М. С. Горбачевнинг докладида сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида баён этилган таклифларни маъқуллайди ва бу таклифларни амалда рўёбга чиқариш лозимлигини билдиради.

Партия ва давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш ва қуйидан юқоригача Советларнинг тўла ҳокимиятини қайта тиклаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат билан гражданлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни, жамият барча аъзоларининг сиёсий, иқтисодий, социал ва шахсий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайдиган суд системасини ва бошқа муассасаларни ислоҳ қилиш билан бирга бу тадбир пировард натижада ҳамма нарсанинг ва ҳамманинг қонунга сўзсиз бўйсуниши

олий принцип бўладиган социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишни ниҳоясига етказишга қаратилган.

Конференция СССР халқ депутатларининг съездларини чақиришни икки палатали Олий Советнинг мунтазам асосдаги фаолиятини, Олий Совет Раиси лавозимини таъсис этишни, уларнинг ўз ваколатларидан демократик асосда фойдаланишларини, ҳокимият барча олий табақалари, шу жумладан СССР Министрлар Советининг Конституцияда белгилаб берилган тарзда ўзаро алоқасини назарда тутиб, давлатдаги олий ҳокимиятни қайта қуришни сиёсий система самарали ишлашининг энг муҳим шарти деб ҳисоблайди.

Конференция жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари — касаба союз, комсомол, хотин-қизлар, ветеранлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, ижодий союзларнинг фаолиятини қайта қуриш руҳида янгилаш ҳамда сиёсий система ишида, аҳоли турли табақаларининг манфаатларини бутун халқ фаровонлиги йўлида рўёбга чиқариш ва мувофиқлаштириб туришда уларнинг ролини анча ошириш кераклигини билдиради.

5. Конференция шуни қайд этадики, КПСС революцион ташаббусни ўз зиммасига олиб, жамият ва партиянинг ўзидаги аҳволни холисона, танқидий таҳлил эта билди, қайта қуриш программасини илгари сурди, унинг ғоялари теварагида кенг халқ оммасини жипслаштирди, ижтимоий муносабатларни революцион ўзгартиришнинг амалий ишини ташкил этди. Шундай қилиб, Коммунистик партия жамият программавий мақсадларининг ифодачиси эканини, халқнинг авангарди бўлиб ҳаракат қилаётганини яна бир бор намойиш этди.

Партия ва давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш шароитида партиянинг жамият авангарди сифатидаги ленинча концепцияси тўла-тўкис ва ҳозирги шароитни эътиборга олиб, қайта тикланиши керак, бу авангард марксизм-ленинизм таълимотига асосланиб, мамлакат тараққиётининг энг муҳим масалалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилишини таъминлайди, қайта қуриш идеологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади ва шу орқали, омма орасидаги ташкилотчилик иши орқали, уларни илҳомлантириб ва руҳлантириб, бутун кўп миллатли жамиятимизнинг олға ҳаракатига тўғри, социалистик йўналиш бериб туради. Партия кадрлар сиёсатини амалга ошириб, ўзгартирилган сиёсий системанинг демократик механизмлари орқали кадрлар оқилона жойлаштирилишини таъминлайди. КПСС ўзининг сиёсий йўлини давлат ва хўжалик органларида, жамоат ташкилотларида ва меҳнат коллективларида ишловчи коммунистлар орқали ўтказиши лозим. Партия Конституция ва совет қонунлари доирасида иш тутади.

Қайта қуришнинг мамлакат ва социализм тақдирига дахлдор вазифаларини ҳал этиш партиянинг раҳбарлик ролини оширишни ва унинг мана шу ўз ролини бажаришига баҳо беришнинг янги мезонларини талаб қилади.

Партия социалистик жамиятда чуқур бузилишларга олиб борган, унинг тараққиётини неча ўн йиллар кечиктириб юборган, кўпдан-кўп одамларнинг қурбон бўлишига, беҳисоб маънавий ва ғоявий талафотларга олиб келган шахсга сиғиниш ва турғунлик даврлари билан боғлиқ бўлган бирон-бир ҳолатнинг бундан буён такрорланишига ҳеч қачон йўл қўймайди.

6. Конференция КПСС Марказий Комитетининг янги сиёсий тафаккурга асосланган халқаро фаолиятини, Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик ниятларини жаҳон сиёсатига сингдиришнинг янги усулларини маъқуллайди. Конференция таъкидлайдики, жаҳон тараққиётининг зиддиятларини ҳал этишга ва можароли вазиятларни бартараф қилишга сиёсий ёндашувгина СССР учун инсониятнинг омон қолишини ва унинг бундан буёнги тараққиётини таъминлашда тарих томонидан ўзига берилган ролни ўйнаш имкониятини очади.

Шу маънода конференция социалистик мамлакатлар билан интернационалистик ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Совет — Америка муносабатларини яхшилаш, умумевропа жараёнини жонлантириш, Осиё — Тинч океан регионидаги, Лотин Америкасидаги, Африкадаги алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги принципиал йўлни ва бу соҳада кўрилган амалий чора-тадбирларни, қўшилмаслик ҳаракати билан, турли сиёсий партиялар ва жаҳон жамоатчилиги билан самарали мулоқотларни юксак баҳолайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрў-эътиборини қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллий можароларни миллий иноқлик ва

ўз йўлини танлаш эркинлиги асосида бартараф этиш соҳасидаги куч-ғайратларни маъқуллайди.

Конференция совет раҳбариятининг рўй-рост, амалий мулоқот ва қуролсизланиш йўли билан уруш хавфини йўқотиш проблемасига ёндашувини тўғри деб ҳисоблайди, бу ёндашув ўртача ва камроқ олислик ракеталари хусусида Шартнома тузилишига, ядровий, химиявий ва оддий қуроллар тўғрисидаги музокараларни амалий йўсинга кўчиришга йўл очди.

Конференция Женева битимлари асосида ҳамда қўшнимиз бўлмиш Афғонистон билан мустақил, бетараф, қўшилмаган давлат сифатидаги муносабатлар асосида шу мамлакатдан қўшинларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорни тўла-тўкис маъқуллайди.

Ташқи сиёсий фаолият мамлакат ресурсларини тинч қурилишга, қайта қуришга бўшатиб беришга тобора катта ҳисса қўшиши ҳамда жамиятни демократиялаш, шу жумладан қарорлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш жараёни билан чамбарчас боғланиши керак.

Мудофаа соҳасидаги ҳамма ишлар бундан буён техника, ҳарбий фан жиҳатидан ҳам, Қуролли Кучларнинг состави жиҳатидан ҳам устун равишда сифат кўрсаткичларига йўналтирилиши керак. Мудофаа иши совет давлати ва унинг иттифоқчиларининг пишиқ-пухта хавфсизлигига кафолат бериш билан бирга, бизнинг мудофаа доктринамизга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши керак.

Қайта қуриш ўз инсонпарварлик моҳиятини яққол ифодалайдиган, совет жамиятига теварак-атрофдаги дунё билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва хилма-хил демократик алоқаларнинг кенг йўлини очадиган ташқи сиёсатга муҳтождир.

Конференция КПССнинг коммунистик ва ишчи партиялар, барча ижтимоий кучларнинг тинчлик ва социал тараққиёт учун, озодлик ва демократия учун кураши билан муттасил бирдамлик йўлини тасдиқлайди.

7. Конференция 20 миллионли коммунистлар армиясининг хоҳиш-иродасини, совет халқининг туб манфаатларини ифодалаб, шуни маълум қилади: партия революцион қайта қуриш жараёнини сабот ва собитқадамлик билан чуқурлаштираверади, унинг муқаррарлигини таъминлайверади, унинг мақсадларига эришиш учун ҳамма ишни қилаверади.

Конференция барча партия ташкилотларини, ҳамма коммунистларни ва партиясизларни Ватан тақдири учун тарихий аҳамиятга эга бўлган жамиятни янгилаш жараёнига янада активроқ қўшилишга чақиради.

8. Конференция КПСС Марказий Комитети конференция делегатларининг ўзларини сайлаган коммунистлар номидан айтган ҳамма конкрет таклифлари ва илтимослари, шунингдек Тезисларни муҳокама қилиш чоғида конференция номига юборилган коллектив ва шахсий мурожаатномаларда баён этилган таклиф ва масалалар кўриб чиқилишини таъминлаши ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиши зарур, деб ҳисоблайди.

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ ВА СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1. Қайта қуриш, мамлакатни революцион янгилаш, партия ва жамоат турмушини демократиялашнинг уч йили тажрибаси сиёсий системани чуқур ислоҳ қилиш заруратини кун тартибига қўйди.

Совет давлати пролетариат диктатурасининг қуроли сифатида вужудга келди ва ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида умумхалқ давлатига айланди. Эндиликда вазифа совет давлати ана шў тушунчага тўла мос бўлишидан, мамлакатдаги барча ишлар халқ ва унинг ваколатли намояндалари томонидан ҳал қилинишидан, халқнинг тўла ва таъсирчан контроли остида бўлишидан иборат.

Конференциянинг фикрича сиёсий системанинг бўлажак ислоҳоти қуйидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

— Жамият ўз-ўзини бошқаришига энг кўп имконият очиб бериши, гражданлар, ваколатлн ҳокимият органлари, партия ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ташаббускорлигини тўла ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб бериши;

— Барча синфлар ва социал группаларнинг манфаатлари ва иродасини демократик йўл билан аниқлаш ва шакллантириш, бу манфаатлар ва иродаларни мувофиқлаштириш ҳамда совет давлати ички ва ташқи сиёсатида амалга ошириш механизмини созлаб бериши;

— Ҳар бир миллат ва элат бундан буён ҳам эркин ривожланиши учун, уларнинг интернационализм принципларига асосланган дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги мустаҳкамланиши учун шароитларни таъминлаши;

— Ҳокимиятни тортиб олиш ва суиистеъмол қилиш имкониятларини истисно қилиш, бюрократизм ва расмиятчиликка самарали қарши туриш, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг, шунингдек улар жамиятга ва давлатга нисбатан ўз бурчларини бажаришларининг ишончли гарантияларини таъминлаш учун социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни тубдан мустаҳкамлаши;

— Коммунистик партиянинг жамият сиёсий авангарди роли ҳамда совет давлатининг халқ ҳокимияти ташкилоти ва қуроли сифатидаги роли тўғрисидаги ленинча концепцияларга мувофиқ партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ белгилаб бериши;

— Ўзгариб борувчи ички ва халқаро шароитларни, социалистик демократия ва ўз-ўзини бошқариш принциплари ривожланиши ва турмушнинг барча соҳаларига жорий этилишини ҳисобга олиб, сиёсий система ўз вақтида янгиланиб туришини таъминлайдиган самарали механизмини вужудга келтириш вазифаларини ҳал қилиши керак.

Сиёсий системани ислоҳ қилиш комплекс тусда бўлиб, барча бўғинларни қамраб олиши, экономика ва бутун жамиятдаги қайта қуриш билан мувофиқлаштирилиб, устига-устак имкони борича қисқа муддатларда амалга оширилиши лозим.

2. Мамлакатимизда социалистик давлат ва ўз-ўзини бошқаришнинг негизи бўлган халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаш — сиёсий системани ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи йўналишидир.

Конференция Советларнинг қонун чиқарувчи, идора қилувчи ва контрол қилиб борувчи вазифаларини мустаҳкамлашни, давлат, хўжалик ва социал-маданий турмушнинг барча муҳим масалаларини ҳал қилишни уларнинг ихтиёрига топширишни ижроия органлари ва уларнинг аппаратига нисбатан сайлаб қўйиладиган органларнинг раҳбарлик мавқеини тиклашни зарур, деб ҳисоблайди. Партиянинг иқтисодий, социал, миллий сиёсати энг аввало, халқ ваколатли органлари орқали амалга оширилиши керак.

Маҳаллий ишларга раҳбарлик ўз-ўзини бошқариш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи маҳсулотлар билан таъминлаш, регион манфаатларининг умумдавлат манфаатлари билан мувофиқлаштириш принциплари асосида қайта ташкил этилиши лозим. Бунинг учун ўзига қарашли территорияларни комплекс ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда Советларнинг масъулияти ва мустақиллиги таъминланадиган реал шарт-шароитларни яратиш керак. Советлар барқарор, узоқ муддатли нормативларга асосланган даромад манбаларига, жумладан ўз территориясида жойлашган барча корхоналардан тушумга эга бўлиши, иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмушини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бошқа муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маблағларни жамғариб боришлари, қўшимча даромадлардан, шу жумладан аҳолидан келадиган тушумлар ҳисобидан бюджетдан ташқари фондларини тузишлари, хўжаликка моҳирлик билан раҳбарлик қилиш ва социалистик омилкорлик натижасида олинган маблағларни эркин тасарруф қилиш қатъий гарантиясига эга бўлишлари лозим.

Советлар ишини ташкил этишнинг ўзини янгилаш: фақат сессияларда ҳал қилинадиган масалалар доирасини кенгайтириш; депутатларни Советларда, доимий комиссияларда ва сайлов округларида ишлашлари учун уларни вақти-вақти билан хизмат ва ишлаб чиқариш вазифаларидан озод қилиб қўйишни кўзда

тутиш, ҳар бир Совет қонун доирасида маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, ўз фаолиятининг форма ва методларини танлаб олиши учун тўла имкониятга эга бўлишини кўзда тутиш керак. Ижроия комитетларини тузиш, бўлимлар бошқармалар ижрокомнинг бошқа хизматлари раҳбарларини тайинлаш ва тасдиқлаш чоғида бир неча номзодни кўрсатиш, яширин овоз бериш, конкурслар ўтказиш қоидага айланиши лозим. Барча бўғиндаги Советларнинг иши ошкора, доимо сайловчилар кўз олдида олиб борилишига эришиш зарур.

Конференция қишлоқ ва посёлка Советларидан ташқари маҳаллий ҳокимият органларида Советларнинг доимий иш олиб борувчи президиумлари ҳамда истисносиз барча Советларда уларнинг раислари яширин овоз бериш йўли билан сайланишини маъқуллайди. Советларнинг раислари лавозимига қоида тарзида тегишли партия комитетларининг биринчи секретарларини тавсия этиш ваколатли органлар ролини оширишга кўмаклашган бўлур эди.

Барча босқичлардаги маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг аъзолари, шунингдек уларнинг бўлимлари, бошқармалари раҳбарлари, судьялар, давлат арбитрлари ва прокурорлар тегишли Совет депутатлари составига кира олмайдилар. Бундай принципни ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар ҳукумат аъзолари ҳамда идоралар раҳбарларига ҳам жорий этиш лозим бўлади.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни, шунингдек Советлар тайинлайдиган ва тасдиқлайдиган лавозимларни эгаллаб туришни кетма-кет икки муддат билан чеклаб қўйишни жорий этиш муҳим демократик тартиб бўлади.

Советларнинг обрў-эътибори ва таъсирини қайта тиклаш мавжуд сайлов системасини жиддий равишда янгилашга муҳтождир. Конференция КПСС XXVII съездидан сўнг бу ишда тўпланган тажрибага ижобий баҳо бериб, чекланмаган миқдорда номзодлар кўрсатилишини, улар кенг ва эркин муҳокама қилинишини, сайлов бюллетенларига мавжуд мандатларга нисбатан кўпроқ номзодлар сонини киритишни, сайловнинг демократик тадбирларига қатъий риоя этилишини, депутатларнинг мунтазам ҳисоб бериб боришлари ва уларни чақириб олиш имкониятларини таъминлаб, бу йўлдан янада олға боришни зарур деб ҳисоблайди. Округ сайловолди йиғилишларига кенг ваколатлар бериб қўйиш лозим, улар депутатликка номзодларни мусобақа асосида танлаб олишнинг демократик анжумани бўлиб қолиши керак. Агар Советларга давлат миқёсидаги кенг дунёқарашга эга бўлган, социалистик янгиланиш позицияларида мустаҳкам турган, ўз сайловчиларининг муносиб вакили бўлишга, ўзларига берилган ҳуқуқлардан актив фойдаланишга қодир бўлган принципиал кишилар сайланса, Советлар ҳақиқатдан ҳам бундай шароитда чинакамига иш олиб борадиган орган бўлиб қолади.

Конференция халқ депутатлари барча Советлари учун ваколат муддатини 5 йил белгилашни маъқуллайди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Тезислари мунозараси якунларини умумлаштириб ва конференцияда бу Тезислар муҳокамасини ҳисобга олиб, давлат ҳокимияти олий органларини реконструкция қилишни зарур, деб ҳисоблайдилар ва СССР Халқ депутатлари съезди мамлакат ҳокимиятининг олий органи бўлишини ёқлайдилар, бу орган составига территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан сайланган депутатлар билан бир қаторда сиёсий система асосий бўғинлари — партия, касаба союзлари, комсомол, бошқа оммавий жамоат ташкилотлари, шунингдек кооператив, ижодий, илмий ташкилотларнинг уларнинг съездларида ва марказий органлари пленумларида демократия йўли билан сайланган вакиллари бўлмиш депутатлар ҳам кириши лозим. СССР Халқ депутатлари съезди ҳар йили съезд мажлисига тўпланиб, мамлакат ҳаётининг энг муҳим конституцион, сиёсий ва социал-иқтисодий масалаларини ҳал қилиши мумкин бўлур эди. Съезд сон жиҳатидан унча кўп бўлмаган икки палатали СССР Олий Советини — доимий иш олиб борадиган қонун чиқарувчи, идора қилувчи ва контрол қилувчи органни тузади, яширин овоз бериш йўли билан Олий Совет Раисини сайлайди. Палаталарнинг вазифалари ноаниқлигини бартараф этиш, доимий комиссиялар ва депутатлар ишини янгича ташкил этиш лозим.

Бошқа барча босқичдаги Советларни тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш чоғида ҳам янгича ёндашувлардан фойдаланиш ва уни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш керак.

3. Конференция бошқаришни маҳаллийлаштириш ва вазифалар ҳамда ваколатларни маҳаллий ташкилотларнинг мумкин қадар кўпроқ ташаббускор ва мустақил бўлишини таъминлайдиган қилиб қайта тақсимлашни сиёсий системани ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди. Бунда маҳкамачилик, маҳаллийчилик тугатилиши ва марказнинг фаолияти таъминланиши керак, бунингсиз социализмнинг афзалликларини рўёбга чиқаришнинг кўп миллатли катта давлатда умумиттифоқ манфаатларига риоя қилишнинг иложи бўлмайди.

Конференция хўжалик ислоҳоти ва сиёсий системани ислоҳ қилиш давомида ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш, иқтисодий ва социал-маданий ривожланишнинг планлари ва истиқбол программаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун СССР Олий Советига бўйсунувчи ҳокимиятнинг олий ижроия ва идора органи СССР Министрлар Советининг роли ва масъулияти ортиб боришини таъкидлайди.

Жамиятни демократиялаш бутун давлат аппарати структурасини соддалаштириш ва иш методларини такомиллаштириш юзасидан мунтазам иш олиб боришни тақозо этади. Ортиқча бўғинлар тугатилиши ва аппарат сони энг мақбул даражагача қисқартирилиши керак. Биз юксак профессионализмга асосланган, замонавий ахборот технологиясини эгаллаб олган, халқ демократик контрол қилиб борадиган, иқтисодий ва социал тараққиётни олға силжитишга қодир бўлган янги типдаги аппаратга эга бўлишимиз зарур. Конференция бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ижобий аҳамиятини таъкидлаб, уни жадаллаштиришни, бошқарув системасининг бирорта бўғини ҳам қайта қуришдан четда қолмаслигини талаб қилади. Мамлакатда ижтимоий-давлат контролининг сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларига бўйсунувчи ягона системасини барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш чоғида СССР составига кирувчи барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқли қардошларча иттифоқини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, совет социалистик федерациясини ривожлантириш масалаларига асосий эътибор қаратилиши лозим.

4. Конференция сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг социализмга тўла мос келадиган формаси сифатида социалистик ҳуқуқий давлатни тузишни принципиал муҳим иш, деб ҳисоблайди. Бу вазифанинг ҳал этилиши совет кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликларини мумкин қадар тўла таъминлаш, давлатнинг граждан олдидаги ва гражданнинг давлат олдидаги масъулияти, қонуннинг обрўсини ошириш ва барча партия ҳамда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, коллективлар ва гражданлар бу қонунларга қатъий риоя қилишлари билан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали иши билан узвий боғлиқдир. Ана шу органлар фаолиятини тубдан қайта қуриш ҳуқуқий ислоҳотнинг ўзаги бўлиб қолиши лозим, конференция бундай ислоҳотни нисбатан қисқа муддатда ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

5. Сиёсий системани ислоҳ қилиш унинг жамоат ташкилотлари каби муҳим бўғинларини қайта қуришни тақозо этади. Касаба союзлари, комсомол, кооперациялар, хотин-қизлар ташкилотлари, ветеранлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар совет жамияти турли қатламларининг манфаатлари ва орзу-умидларини ифодалаб, партия ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантиришга кўмаклашадилар. Бу сиёсатда бутун халқимизнинг манфаатлари узвий бирлашади.

Сўнгги вақтда социалистик янгиланиш ишига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бир қанча янги жамоат уюшмалари ва бирлашмалари пайдо бўлганлигини ижобий ҳодиса, деб ҳисоблаш керак. Шу билан бирга конференция жамиятнинг социалистик негизларини қўпоришга, миллий ва ирқий адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай фаолиятни, урушни, зўравонликни ва ахлоқсизликни тарғиб қилишни қоралайди.

Конференция жамоат ташкилотлари фаолиятига юксак баҳо бериб, уларнинг турмушини демократиялаш, мустақиллиги ва масъулиятини оширишни, ҳамма нарсани белгилаб қўйиш, расмиятчилик, ташаббускорлик асосларини бўшаштириш каби камчиликларни қатъий бартараф этишни зарур деб ҳисоблайди. Партия ўз навбатида жамоат ташкилотлари жамиятдаги ўз ўрнини янгича идрок этишларига, қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватловчи умумхалқ ватанпарварлик

ҳаракати янада ривожланиб бориши учун жамоат ташкилотлари ўз ижодий имкониятларини янгилаш жараёнида ғайрат билан ишга солишларига бутун чоралар билан кўмаклашаверади.

Мамлакатимизда тарихан таркиб топган бир партияли система шароитида партия ва жамиятда эркин мулоқот, танқид ва ўз-ўзини танқид, ўзини контрол қилиб бориш, ўз ишларига баҳо беришнинг доимий ҳаракатдаги механизми мавжудлиги — ҳаётий аҳамиятга молик масаладир.

6. Партия меҳнаткашларнинг социалистик ҳуқуқлари мустаҳкамланишига кўмаклашишга қатъий аҳд қилган бўлиб, бу ҳуқуқлар социалистик ижтимоий тузум афзалликларининг ёркин ифодасидир. Бу йўлдаги муваффақиятларни хўжалик ислоҳотини изчиллик билан амалга ошириш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш белгилаб беради. Шу муносабат билан конференция меҳнат интизомини, ходимларнинг ўз ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга онгли ва ижодий ёндашувларини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайди. Жамият ўз аъзоларига яратиб берадиган социал бойликлар даражаси ва сифати пировард натижада ҳар бир коллективнинг ва ҳар бир совет кишисининг меҳнатга муносабатига боғлиқдир.

Ана шу конституцион ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширишни қонун йўли билан белгилаб қўйиш гражданларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва шахсий эркинликларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Кишиларнинг бошқаришда иштирок этиш, ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрини билдириш, виждон эркинлиги ҳуқуқлари уларнинг Конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари орасида алоҳида ўрин тутади. Қонун гражданнинг шахсий қадр-қимматини, унинг уй-жойи дахлсизлигини, ёзишмалар, телефон орқали гаплашувлар сирини ва бошқа ҳуқуқларини пухта ҳимоя қилиши лозим. Совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари уларнинг гражданлик вазифалари билан, қонунни ҳамма қатъий ҳурмат қилиши билан боғлиқдир. Социалистик демократия на ўзбошимчалик билан, на масъулиятсизлик билан келиша олади.

7. Конференция сиёсий системани ислоҳ қилишнинг муваффақияти партиянинг ишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ деб ҳисоблайди ва барча партия ташкилотлари, ҳамма коммунистлар олдига шу муносабат билан вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишда ғоят фаоллик билан, ижодкорлик билан қатнашиш вазифасини қўяди. Партия ислоҳотнинг ташаббускори бўлиб, уни ҳаётга актив жорий этар экан, ўзининг ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар сиёсий авангарди вазифасини амалда бажаради.

Биз яшаётган тарихий даврнинг асосий хусусияти шундан иборатки, КПСС фаолияти фақат мазмун жиҳатдан эмас, методлари жиҳатидан ҳам жамиятда партиянинг раҳбарлик роли тўғрисидаги ленинча концепцияга тўла мос бўлиши лозим. Бу эса биринчи навбатда партия комитетлари давлат ва хўжалик органлари ишини бажаришларидан воз кечишини, уларнинг адресига бевосита кўрсатма берадиган партия қарорлари қабул қилинишини истисно этишни, КПСС ўз сиёсий йўлини жамият ҳаётининг турли соҳаларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга оширади, деган принципга қатъий риоя қилишни талаб қилади.

Конференция партия органлари фармойиш бериш, буйруқбозлик методларидан бутунлай воз кечишни, демократия принципларига, СССР Конституцияси ва бошқа қонунлар талабларига қатъий риоя қилишни шу куннинг вазифаси сифатида ўртага қўяди. Ҳар бир партия ташкилоти фаолияти савиясини, партия ходимлари етуклигини партия сиёсатини янгичасига, омма орасида ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориш қобилиятига қараб белгилаш керак.

8. Партия ички турмушини чуқур демократиялаштирмай туриб жамиятни қайта қуриш ва янгилашда КПССнинг авангардлик ролини таъминлаб бўлмайди. Масалаларни муҳокама қилиш чоғида мунозаралар эркинлигини ва кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинганидан кейин ҳаракат бирлигини кўзда тутувчи демократик централизм принципини ленинча тушунишни тўла тиклаш — биринчи навбатдаги вазифадир. КПССнинг барча бўғинлари партиявий ўртоқлик, сиёсат ва амалий фаолиятнинг барча долзарб масалаларини эркин муҳокама қилиш, танқид ва ўз-ўзини танқид, коллективизм ва онгли интизом, шахсий масъулият вазиятида иш олиб бориш учун партия ички демократиясини чуқурлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

Конференция бошланғич партия ташкилотлари турмушини демократиялашга катта аҳамият беради. Энг аввало юқоридан майда-чуйда ишларга аралашишдан халос қилиб, уларнинг мустақиллигини ошириш, сайлаб қўйиладиган партия органларининг, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, уларнинг ишини рағбатлантирувчи шароитларни яратиб бериш, партия аъзолари бир қисмининг пассивлигини бартараф этиш лозим. Конференция коммунистларни партия комитетлари фаолиятига жалб этиш даражаси партиявий ишни тубдан қайта қуриш, партия ички демократиясини ривожлантириш, халқ ўз-ўзини социалистик бошқарувини қарор топтириш эхтиёжларига мос эмас, деб ҳисоблайди. Ҳар бир коммунист қайта қуриш, жамиятимизни революцион ўзгартириш учун курашчи бўлиши лозим.

Демократиялаш КПССга янги аъзоларни қабул қилиш каби муҳим жараёнга ҳам дахлдор бўлиши лозим. Илғор, ташаббускор кишиларни партияга қабул қилишга кўпинча сунъий ғов қўяётган «разнарядка» йўли билан партия сафларини тўлдиришни тартибга солиб туришга қатъий чек қўйиш лозим. Партия сафига кирувчи кишининг фазилатларига баҳо беришда унинг сиёсий позицияси, қайта қуришдаги реал иштироки, ишга муносабати, маънавий қиёфаси бирдан-бир мезон бўлиши керак. Бунда меҳнат коллективининг фикрини холисона ҳисобга олиш, партияга қабул қилиш масалаларини очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилиш лозим.

9. Конференция қарорларни коллегиал муҳокама қилиш ва қабул қилиш ленинча принципи тўла ҳажмда тикланишини партияни демократиялашнинг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Партия аппарати сайлаб қўйиладиган органлар ўрнини эгаллаши, коммунистларнинг роли эса йиғилишларда қатнашиб, таклиф қилинган номзодлар рўйхати ва резолюцияларнинг тайёр лойиҳалари учун овоз беришдан иборат бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Партия йиғилишлари ва партия комитетлари Пленумлари характерини ўзгартириш, уларнинг ишчанлигини, сиёсий раҳбарлик, ғоявий-сиёсий ишлар муаммоларига танқидий ва амалий ёндашувини кучайтириш лозим.

Конференция Марказий Комитет Сиёсий бюроси фаолиятида КПСС Марказий Комитети аъзолари иштирокини кенгайтиришни, Марказий Комитет Пленумларида Сиёсий бюро ҳисоботлари ва ахборотларини мунтазам эшитиб боришни, ички ва ташқи сиёсатнинг турли соҳалари юзасидан Марказий Комитет аъзоларидан комиссиялар тузишни ёқлайди.

Партия турмушини демократиялаш барча партия ташкилотлари, уларнинг раҳбар органлари ишида мумкин қадар тўла ошкораликни талаб қилади. Конференция партия комитетлари Пленумларининг стенограммаларини, шунингдек партия ва жамият турмушининг энг муҳим масалалари юзасидан тайёрланаётган қарорлар лойиҳаларини эълон қилиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайди.

Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари партия ички муносабатларини янгилашда алоҳида роль ўйнайдилар. Конференция район, шаҳар, округ, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари бюроларининг ўз комитетлари олдида, парткомлар ва партия бюроларининг эса — бошланғич, цех партия ташкилотлари олдида мунтазам ҳисоб бериб бориши зарурлигига эътиборни қаратади. Бунда коммунистлар ўз вазифаларини уддалай олмаётган ёки ўз обрўсини тушириб қўйган кишиларни сайлаб қўйиладиган партия органларидан муддатидан олдин чақириб олиш, зарур бўлган тақдирда эса сайлаб қўйиладиган органнинг бутун составини қайта сайлашга ҳақлидирлар.

Демократиялаш шароитида партиянинг кадрлар сиёсати жиддий равишда янгиланишга муҳтождир. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга номенклатура асосида расмиятчилик билан ёндашишнинг умри тугамоқда. Партия комитетларининг бу соҳадаги ишлари асосий методи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларни тарбиялашни демократик тартибга мувофиқ раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиши керак. Кадрлар масалаларидаги узил-кесил қарорлар сайлов натижаларига қараб белгиланиши лозим.

10. Партиядаги сайлов жараёнини демократиялашни конференция энг муҳим

аҳамиятга молик масала, деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Қомитетигача барча партия комитетлари аъзолари ва секретарларини сайлаш чоғида номзодларнинг кенг муҳокама қилиниши ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши, сайлов бюллетенига мавжуд мандатлардан кўпроқ номзодларни киритиш имконияти таъминлансин. Конференция ёки съездга делегатлар сайлаш билан бир вақтда ҳал қилувчи ҳуқуқни конференция ёки съезд делегатларига қолдирган ҳолда юқори партия органи составига номзодлар хусусида таклиф киритиш юзасидан партия ташкилотларининг ҳуқуқини тан олиш мақсадга мувофиқдир.

Конференция КПСС Марказий Комитетидан то район партия комитетларигача сайлаб қўйиладиган партия органлари учун бир хил — 5 йил ваколат муддати белгилаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди. Бу ваколат муддати нисбатан узоқлигини ҳисобга олиб, ҳар икки-уч йилда партия конференциялари ўтказишни, бу конференцияларда партия комитетлари составини қисман — 20 процентгача янгилаш ҳуқуқини беришни практикага жорий этиш лозим бўлур эди. Бу КПСС Бутуниттифоқ конференциясига ҳам тааллуқлидир.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб туриш муддатини чеклаш кадрлар корпусидаги турғунликдан қутулишнинг муҳим гарантиясидир. Конференция КПССнинг навбатдаги ҳисобот-сайлов кампаниясидан бошлаб қуйидаги қоидани жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди: партия комитетлари бюроларининг ҳамма аъзолари ва секретарлари, шу жумладан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шу лавозимга сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланмаслиги керак.

11. Партия контрол-ревизия ишларини такомиллаштириш субъективизм ва ўзбошимчалик, партия сиёсатига шахсий ва тасодифий вазиятлар таъсирига қарши пухта гарантияни таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясини, маҳаллий ташкилотларнинг партия ва ревизия комиссияларини тугатиб, ягона контрол органи — КПСС Марказий контрол-ревизия комиссияси ва жойларда тегишли органларни тузиш таклиф қилинади. Янги органлар партия съездлари ва конференцияларда сайланиши ва уларга бўйсуниши лозим.

12. Қайта қуриш, партия комитетлари ва давлат, хўжалик органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш шароитида партия аппаратидаги ўзгаришлар масаласи катта аҳамият касб этмоқда. Конференция партия комитетлари аппаратининг структураси сиёсий раҳбарликни кучайтириш вазифаларига тўлатўкис жавоб бериши, қайта қуришнинг янги босқичи мақсадларига мос бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Партия аппаратини қисқартириш ва унинг иши самарадорлигини ошириш билан бир вақтда уни қайта ташкил этиш яқин вақт ичида амалга оширилиши лозим. Партия аппаратининг партиянинг сайлаб қўйиладиган органларига қатъий бўйсуниши ва ҳисоб бериб бориши принципига оғишмай риоя этилиши керак.

13. Сиёсий системани ислоҳ қилиш — масъулиятли партия қарорлари ва катта қонун актлари қабул қилинишини, шу жумладан СССР Конституциясига иттифоқдош ва автоном республикалар конституцияларига, шунингдек КПСС Уставига жиддий ўзгартишлар киритишни талаб қилувчи катта ва тиғиз ишдир.

Конференция давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларида, оммавий жамоат ташкилотларида ишлаётган коммунистларга КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси томонидан маъқулланган совет жамиятини демократиялаш программасини ва сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш учун зарур чоралар кўришни тавсия этади.

БЮРОКРАТИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА

1. Конференция қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди қарорлари бюрократизмга, унинг экономикада, социал ва маънавий соҳаларда буйруқбозлик, маъмурий ўзбошимчалик каби хунук кўринишларига, одамларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларига нисбатан расмиятчилик билан лоқайд қарашга, жамоатчилик фикрига ҳамда меҳнаткаш-

ларнинг социал тажрибасига нисбатан менсимай муносабатда бўлишга қарши амалий ҳужумни бошлаб берди. Демократик ташкилотларнинг турғун ҳолатга тушиши, бўғиб қўйилганлиги вазиятида бюрократизм хатарли даражагача етиб борди, ижтимоий тараққиётга тўғонок бўлиб қолди. Бюрократик бузилишлар, айниқса, сиёсий раҳбарликдаги бузилишлар омманинг жонли ижодиёти бўлмиш социализмга ётдир.

Туб иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва жамиятдаги демократиялаш жараёнлари, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, жамиятни бошқаришга халқни амалда жалб этиш бюрократизм позицияларини тубдан қўпориб ташламоқда. Аммо ҳамма кураш олдинда турибди.

Бошқарув аппарати асоссиз равишда ҳаддан ташқари катталигича қолмоқда. Унинг кўпгина қисми жамият талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларидан ажралган ҳолда иш кўрмоқда. Экономикани, мамлакат турмушининг бошқа томонларини ўзгартириш борасида партия ишлаб чиққан чора-тадбирлар кўпинча министрликларнинг, давлат ва хўжалик органларининг бюрократларча хатти-ҳаракатлари билан, кўпгина партия ташкилотларининг, халқ депутатлари Советларининг сусткашлиги билан барбод қилинмоқда. Маҳкамачилик ва маҳаллийчилик ҳали ҳам кенг тарқалган, кўзбўямачиликка ва ўзбошимчаликка, совет қонунларини бузишга барҳам берилмаган. Танқидни бўғиш, меҳнаткашларнинг ташаббусини сўндириш ҳоллари оз эмас.

Бюрократизмнинг социал иллатига қарши, социалистик бошқарув аппаратининг юксак сифатли бўлиши учун изчил, муросасиз кураш олиб боришда қайта қуриш вужудга келтираётган шарт-шароитлардан тўла-тўкис фойдаланиш — барча партия ташкилотларининг, ҳамма коммунистларнинг бурчидир.

Бу курашни экономикада корхона тўғрисида, кооперация ҳақидаги, меҳнат коллективлари кенгашларининг ваколатлари тўғрисидаги Қонунларга қатъий риоя этиш, корхоналарнинг хўжалик ҳисоби асосидаги муносабатларини, мустақиллиги ҳамда масъулиятини, хўжалик юритишнинг пудрат, ижара, кооператив формаларини бутун чоралар билан ва ҳар томонлама ривожлантириш орқали, бошқарувнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш орқали авж олдириб юбориш керак.

Бу курашни социал соҳада меҳнаткашларнинг моддий-маиший ва маънавий талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш орқали, социалистик адолат принципларини изчил рўёбга чиқариш, қонунларни аниқ ижро этиш орқали авж олдириб юбориш лозим.

Ижтимоий-сиёсий турмушда бюрократизмга қарши курашни демократияни тинимсиз чуқурлаштириб бориш, социалистик ўз-ўзини бошқариш формаларини кенг ривожлантириш, Советларнинг ҳокимиятини улуғлаш ва мустаҳкамлаш орқали, давлат қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда меҳнаткашларнинг бевосита иштироки, жамият турмушининг ҳар хил соҳаларидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида аҳолини кўпроқ хабардор қилиш, бошқарув органларининг фаолияти устидан халқ назоратини кучайтириш орқали олиб бориш керак. Демократик централизмни бюрократик централизм билан алмаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба бериш зарур.

Маънавий-ахлоқий соҳада бюрократизмга қарши ҳужумни авж олдириш маънавий турмушнинг ленинча анъаналари ва мезонларини қайта тиклаш, марксизм-ленинизм идеологиясидан ижодий фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш, янгича сиёсий тафаккурни ўзлаштириш ва авж олдириш, догматизм, мешчанлик ахлоқи, социал жиҳатдан тайёрга айёрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби кўринишларга нисбатан муросасиз бўлиш, демакдир. Қарашлар ва фикрларни эркин қиёслаш вазиятини вужудга келтириш, майда-чуйдаларга аралашаверилишига, фан ва маданиятга раҳбарликдаги буйруқбозлик услуби сарқитларига қатъиян барҳам бериш керак.

Партия ўз фаолиятини ва ички партия турмушини демократиялашда, уни ҳар қандай бюрократик сарқитлардан тозалашда ишонарли ўрнак кўрсатган тақдирдагина бюрократизмга қарши курашда барча ижтимоий кучларни ўзига эргаштира олади, бу курашда реал муваффақиятларга эриша олади.

2. Конференция КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь

Пленуми қарорларига мувофиқ бошқаришни қайта қуриш, унинг бўғинлари ва аппаратини қисқартириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга ижобий баҳо беради ҳамда бу иш чўзилиб кетмаслиги керак, шунингдек, айни бир вақтда ўтказиладиган кампанияга ва кўр-кўрона қайта ташкил этишларга айлантириб юборилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Бу ишни узлуксиз олиб бориш, бошқариш системасининг жамиятда доимо содир бўлиб турган ўзгаришларга мувофиқ келишини таъминлаш лозим.

Бошқарув вазифалари ва ваколатлари юқоридан қуйига тобора кўпроқ топширилишига эришиш, марказлашган раҳбарликни энг аввало асосий жараёнларга қаратиш зарур. Бевосита ишлаб чиқаришда бошқарувни такомиллаштириш, барча поғоналардаги раҳбарларнинг меҳнат коллективларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларига қатъий риоя этишлари, улар кенгашларининг ишини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Қуйидаги принципга қатъий риоя этилишига эришиш партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг вазифасидир: бошқарув аппарати сайлаб қўйиладиган органларга, Совет ҳокимиятига, халққа хизмат қилади ва уларга тўла ҳисобот бериб туради. Унинг ҳукумат қонунлари ва қарорларини бузишга, мазмунини йўққа чиқаришга олиб борадиган хатти-ҳаракатлари Конституцияга хилофдир. Очиқ-ойдинлик, меҳнаткашларнинг, жамоатчиликнинг контрол қилиши ва текшириши учун монелик қилинмаслиги аппарат ишининг нормаси бўлиб қолиши лозим.

Ишни билимдонлик билан ташкил этиш — аппаратнинг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун бошқарув аппарати қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартибининг ўзини жиддий ўзгартириш, бу ишни мумкин қадар соддалаштириш, жавобгарликни ўзидан соқит қилиш мақсадида келишиб олишлар гирдобидан, хеч бир кераксиз справка ва маълумотларни жойлардан жўрттага сўрайверишдан халос этиш, ҳисоботларни кўп марта камайтириш талаб қилинади. Энг муҳим хўжалик ва социал муаммоларни ҳал этиш вариантларини олимларнинг, жамоатчиликнинг экспертизасига, умумхалқ муҳокамасига ёки референдумларга қўйиш амалда жорий этилсин.

Ҳар бир бошқарув бўғини ва унинг ходимлари вазифаси ҳамда масъулиятини аниқ-пухта белгилаб қўйиш лозим. Лениннинг қуйидаги кўрсатмаси қатъият билан амалга оширилсин: «...Истисносиз ҳамма шароитларда коллегиячилик билан бирга, ҳар бир кишининг аниқ белгили иш учун шахсий жавобгарлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим».

Конференция бошқарув органлари ўз фаолиятининг салбий оқибатлари учун амалда моддий жавобгар бўлмайдиган, ижрочилар, меҳнат коллективлари эса уларга таъсир ўтказиш реал воситаларига эга бўлмаган аҳволни қатъиян тузатиш кераклигини билдирди. Бошқарув аппаратини янги иқтисодий алоқалар ва муносабатлар системасига киритиш, бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан текисчилик ёндашувини бартараф этиш, уни тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар, территориялар ишининг хўжалик ҳисоби натижалари билан чамбарчас боғлаш зарур.

Бюрократизмга қарши кураша туриб, айни вақтда раҳбарнинг обрў-эътиборини сақлаш ва бутун чоралар билан мустаҳкамлаш керак. Бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кенг авж олдириб юбориш, раҳбар ходимларнинг, мутахассисларнинг бошқарувчилик маданиятини анча ошириш зарур. Ахил, аниқ-пухта ишловчи ва эпчил бошқарув аппарати қайта қуришнинг самарали иш қуроли бўлиши лозим.

3. Давлат ва жамоат муассасаларини, партия комитетларини меҳнаткашлар бемалол кириб чиқа оладиган жойга айлантириш, бошқарув аппаратининг ишида ҳар қандай тўғаноқларни, расмиятчиликни ва сансалорликни бартараф этиш, бюрократнинг лоқайдлиги ва қайсарлиги олдида одам ўзини ожиз сезадиган вазиятларга барҳам бериш зарур. Маҳкамачилик йўл-йўриқлари, бюрократик найранглар билан гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини камситиш борасидаги ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқиш керак.

Муассасалар ва корхоналарда, партия, совет, касаба союз органларида одамларни шахсий масалалар бўйича қабул қилишни ташкил этишни анча яхшилаш зарур. Меҳнаткашларнинг асосли илтимослари ва қонуний талабларини

кўриб чиқишдан бўйин товлаш мансабдорнинг жиддий ножўя ҳаракати, деб ҳисобланиб, бунинг учун унга ишдан то бўшатилишигача бўлган жуда қаттиқ жазо чораси кўрилиши керак. Министрлар, Иттифоқ, республика ҳамда маҳаллий органларнинг бошқа раҳбар ходимлари гражданларни бевосита меҳнат коллективларида қабул қилишлари, юзага келаётган масалаларни оператив равишда ҳал қилишлари, одамларни безовта қилаётган камчиликларни бартараф этишлари лозим. Ана шу органлар раҳбарларининг меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида ҳисобот бериб туришларини нормага айлантириш керак.

Партия органларининг раҳбарлари, то КПСС Марказий Комитетининг секретарларигача, партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари турмуш ва фаолиятининг етилган масалаларини ҳал этиш учун коммунистлар, меҳнаткашлар билан мунтазам учрашиб турсинлар.

4. Конференция барча партия ташкилотларидан бюрократизмга қарши курашда кадрлар сиёсатидан тўла-тўкис фойдаланишларини талаб қилади. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш очиқ-ойдин, конкурс ҳамда беллашув асосида олиб борилишига эришилсин. Раҳбар кадрларнинг уларни сайлаган коллективлар олдидаги принципиаллиги, ўртоқлиги, жавобгарлиги муҳити тўла-тўкис қайта тиклансин. Партия ташкилотлари масъулиятли лавозимларда туриб ишга юзаки муносабатда бўлаётган, одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан бағритошлик, лоқайдлик қилаётган коммунистларга ишонч билдиришдан воз кечишлари керак. Бундай кишилардан пайсалга солмай халос бўлиш, уларни бошқа раҳбарлик лавозимларига кўчириб ўтказиш йўлидаги уринишларга чек қўйиш лозим.

5. Халқнинг амалдаги тўла ҳокимияти, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш бюрократизм пайини қирқишнинг ҳал қилувчи омилидир.

Конференция сайлаб қўйиладиган ҳокимият органларига бўйсунувчи ижтимоий-давлат контроли ягона системаси тузилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Партия ташкилотлари бу система халқ оммасининг, ижодкорлар, ветеранлар, хотин-қизлар ташкилотларининг ҳамда аҳоли турли қатламлари ва группаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа жамоат ташкилотларининг ташаббуси ҳамда активлигига таянишига эришишлари лозим.

КПСС мамлакатда ҳар бир граждан Советларда ва халқ контроли органларида бюрократларнинг жилови тортиб қўйилишига, унинг меҳнат ва социал ҳуқуқларини касаба союз қаттиқ туриб ҳимоя қилишига, комсомол ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга отланажагига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маъмурий ўзбошимчаликка, ҳуқуқ ва эркинликларни бузишга қарши пухта ғовни таъминлашларига қатъий ишонч ҳосил қила оладиган вазиятни вужудга келтиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Конференция бюрократизмга қарши курашни кучайтиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, ҳозирги пайтда ишлаб чиқилаётган қонун актларида уларни кўзда тутиш зарур деб ҳисоблайди. Гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тартиби тўғрисидаги СССР Қонунини амалда қўлланишни такомиллаштириш керак.

Гражданларнинг йиғинларида, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларидаги йиғилишларда аппаратнинг иши мунтазам суратда муҳокама қилиниб, унга баҳо берилсин.

Оммавий ахборот воситалари бюрократизмнинг манбалари ва кўринишларини, унга қарши муваффақиятли кураш намуналарини конкрет равишда намойиш этиб боришлари лозим. Салбий ҳодисаларга қарши курашда сатира каби жанр кучидан тўла-тўкис фойдаланилсин.

6. Конференция партиянинг барча ташкилотларидан ўз фаолиятидаги ҳар қандай бюрократизм элементларини бартараф этиш, ишда ленинча услубни қарор топтириш юзасидан қатъий чоралар кўришни талаб этади. Партиянинг қарорлари, сиёсий йўл-йўриқлари амалда бажарилишини текширишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур. Бюрократизмга қарши курашда бу ғоят муҳим

аҳамиятга молик масала бўлиб, министрликларда, идораларда, ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган коммунистларнинг эътибори мана шунга алоҳида жалб этилади.

Барча раҳбар коммунистларнинг бошланғич партия ташкилотлари олдида ҳисоб бериб туриши ва масъулияти принципи изчиллик билан амалга оширилиши таъминлансин, ҳар бир раҳбар омма билан чамбарчас боғланишига, юксак билимдонлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, одамохунлик ва кишиларга ҳурмат намунасини кўрсатадиган бўлишига ҳаракат қилинсин.

Ҳар бир партия ташкилотининг иши коллективчилик принципи асосига қурилсин, сайлаб қўйиладиган партия органларининг партия комитетлари пленумларида ва коммунистларнинг йиғилишларида мунтазам ҳисоб бериб боришлари практикаси яхшилансин; танқид ва ўз-ўзини танқид ривожлантирилсин; ички партия демократияси нормаларини бузганлик учун қаттиқ жавоб талаб қилинсин. Биронта партия ташкилоти, бирон ходим назоратдан четда қолмаслиги керак.

Бюрократизмга қарши курашда қолоқлик ва турғунликка нисбатан муросасиз, демократик усуллар билан иш тутиш маҳоратини амалда исботлаган ташаббускор, ижодкор кишиларга таяниш лозим. Айни шундай кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партиявий ишга тавсия этиш керак.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси коммунистларни, барча меҳнаткашларни бошқарувнинг барча бўғинларида, жамият турмушининг ҳамма соҳаларида бюрократизмга қарши курашни активроқ авж олдиришга чақиради.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА

1. В. И. Ленин барпо этган Совет социалистик давлати ўзида тенг ҳуқуқли халқлар кўп миллатли оиласининг революцион хоҳиш-иродаси ва муддаоларини мужассамлаштирди. Улар тарихий тақдирининг муштараклиги — интернационал социалистик қардошликнинг негизидир. Республикаларнинг ноёб Иттифоқи совет кишилари кўп авлодлари куч-ғайратларининг натижаси бўлди. СССР барча миллат ва элатлари меҳнаткашларининг интернационал бирлиги, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, миллий маданиятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, ўтмишдаги қолоқ миллий регионлар тараққиётини жадаллаштириш, миллатлараро адоватни бартараф этиш унинг байроғига ёзилган. СССР халқлари бирлигининг моддий пойдевори — яхлит халқ хўжалик комплекси вужудга келди. Барча республикалар ва автономияларнинг иқтисодий, маданий, кадрлар потенциали беқиёс кўпайди. Янги тарихий бирлик — совет халқи реаллик бўлиб қолди. Миллий ўзлигини англаш табиий равишда ошиб бормоқда.

Шу билан бирга кўп миллатли Советлар давлати вужудга келган дастлабки босқичга хос динамизм миллий сиёсатининг ленинча принципларидан четга чиқилиши, шахсга сиғиниш даврида қонунчиликни бузиш ҳоллари, турғунлик идеологияси ва психологияси оқибатида бирмунча бой берилиб, путурдан кетиб қолди. Миллий масалани ҳал этишда эришилган натижалар абсолютлаштирилди, миллий муносабатларнинг муаммосизлиги тўғрисидаги тасаввурлар қарор топди. Айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, шунингдек миллий группаларнинг ҳам социал-иқтисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиёти боришининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса ижтимоий қаноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли характер тусини олди. Миллий худбинлик ва кибр-ҳаво, тайёрга айёрлик кайфиятлари ва маҳаллийчилик фактлари содир бўлиб келмоқда. Ўн йиллар давомида йиғилиб келган салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади, ичга солинди, муносиб равишда партиявий баҳоланмади. Қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик бу ҳодисаларни очиб ташлади ва айни вақтда уларни демократик руҳда бартараф этиш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

2. Партия конференцияси миллий сиёсатнинг ленинча нормалари ва принципларини сабот билан карор топтириш ва ижодий ривожлантиришни, уларни сунъий колдиклар ва бузишлардан катъиян халос этишни тарихий аҳамиятга молик вазифа деб ҳисоблайди. КПСС XXVII съезди ишлаб чиккан, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини кондиришни мамлакатнинг муштарак манфаатлари ва эҳтиёжлари билан бирга кўшиб олиб борадиган сиёсий йўл, шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар кандай кўринишлари билан чикишмайдиган интернационалист идеология бунинг негизидир.

Иттифокдош республикаларни ва автономияларни ривожлантиришни партия уларнинг кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш ва тараккий эттириш учун бўлган масъулияти билан чамбарчас боғлик, деб билади. Социалистик идеал карахт килувчи бир хиллик эмас, балки миллий кўп хилликнинг тўлаконли ва жўшкин бирлигидир.

3. Партия конференцияси ҳисоблайдики, сиёсий системани кайта куриш доирасида демократик принциплар негизидаги совет федерациясини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид етук тадбирларни амалга ошириш лозим. Гап аввало, ССР Иттифоки ва совет республикаларининг ҳукук доирасини аник белгилаб кўйиш, маҳаллийлаштириш, бир канча бошкарув вазифаларини жойларга топшириш, экономика, социал ва маданий ривожланиш, табиатни муҳофаза килиш соҳасидаги мустакиллик ва масъулиятни кучайтириш йўли билан иттифокдош республикаларнинг ва автоном тузилмаларнинг ҳукукларини кенгайтириш тўғрисида бормокда.

Регионларнинг кўпрок мустакиллиги учун шароит яратиш, ҳар бир республика ўз фаровонлигининг, муштарак кардошликни ва Совет давлатининг кудратини кўпайтиришнинг негизи бўлмиш ўз хўжалик фаолияти пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдор бўладиган ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш — марказий вазифалардан биридир. Туб иктисодий ислоҳот, демократиялаш жараёни миллий-давлат тузилмаларининг ҳам, бутун мамлакатнинг ҳам манфаатларини энг макбул тарзда бирга кўшиш учун кенг имконият очиб беради. Иш шундай йўлга кўйилиши керакки, меҳнаткашлар республика ёки область канча маҳсулот ишлаб чикараётганини, у мамлакат экономикасига канча ҳисса кўшаётганини ва канча олаётганини билиб турадиган бўлсинлар. Республикалар ва регионларни хўжалик ҳисоби принципларига ўтказиб, уларнинг Умумиттифок программаларини ҳал этишга кўшадиган ҳиссасини аник белгилаб кўйиш ғояси эътиборга сазовордир.

Экономиканинг ва бутун ижтимоий турмушнинг интернационаллашуви — табиий жараёндир. Миллий маҳдудликка ҳар кандай интилиш факат иктисодий ва маънавий кашшокликка олиб боради.

Республика ва маҳаллий бюджетлар шаклланишининг сифат жиҳатдан янги усулини конун тарзида пухта ишлаб чикиш, регионларнинг социал-иктисодий тараккиёти масалаларини ҳал этишда уларнинг ролини анча ошириш лозим. Территориал бошкарув органларининг СССР министрликлари ва идоралари билан, Иттифок карамоғидаги корхоналар билан самарали ўзаро алокасини таъминлаш, ҳар бир регионнинг комплекс ривожланиши учун ҳам республика, ҳам Иттифок бошкарув органларининг масъулиятини кучайтириш зарур. Иттифокдош республикалар ўртасидаги бевосита алокаларни ривожлантириш масалалари ҳукукий жиҳатдан чукур ишлаб чикилиши ва амалий равишда ҳал этилиши лозим.

Сиёсий системанинг миллий манфаатларни аниклаб келишиб олинишига кўмаклашадиган муассасаларини активлаштириш лозим. Шу муносабат билан халк депутатлари Советларининг, аввало СССР Олий Совети Миллатлар Совети, унинг доимий комиссияларининг, шунингдек СССР ҳукуматининг ролини ошириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. СССР Олий Советида, иттифокдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларида зарур деб топилган маҳаллий Советларда миллатлараро муносабатлар масалалари доимий комиссияларини тузиш максадга мувофикдир, деб топилсин. Миллатлар ва миллий муносабатлар ишлари билан шуғулланувчи махсус давлат органи тузиш масаласини кўриб чикиш ҳам лозим.

Конференция янги реалликларни эътиборга олиб, иттифокдош ва автоном республикалар, автоном область ва округлар тўғрисидаги конунларни ри-

вожлантириш ва янгилаш уларнинг ҳуқуқларини ва бурчларини, марказдаги ва жойлардаги ҳокимият органларида барча миллатларнинг ўзини ўзи бошқариш ва вакиллик қилиш принципларини янада тўлиқ акс эттиришни тавсия этади. Бу эса СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституция-ларига тегишли ўзгартишлар киритишни талаб қилади.

4. Ҳар бир миллий регионда иқтисодий ва социал тараққиёт миллатлар ва элатларнинг маданий ўзига хослигига таянувчи маънавий тараққиёт билан қўшиб олиб борилиши муҳимдир. Социалистик маданият кўп миллатли маданият тарзида ривожлана бориб, бундан буён ҳам жамиятимиз ғоявий, маънавий жипслигининг қудратли омили бўлиб қолавериши керак.

Ўз давлат-территориал тузилмалари ташқарисида яшаб турган ёки шундай тузилмалари бўлмаган миллатлар айниқса маориф, алоқа, халқ ижодкорлиги соҳасидаги миллий-маданий эҳтиёжлари рўёбга чиқиши, шунингдек миллий маданият масканлари яратилиши, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, диний эҳтиёжларни қондириш учун кўпроқ имконият олишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиниши керак.

СССРдаги барча гражданларнинг она тилларини эркин ривожлантириши ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиши, совет кишилари томонидан миллатлараро алоқа воситаси тарзида эркин қабул қилинган рус тилини эгаллаши — кўп миллатли давлатимизнинг энг муҳим принципидир. Миллий — рус икки тиллилиги ҳар бир регионнинг хусусиятларини эътиборга олиб, уйғун равишда, табиий ривожланиб бориши, расмиятчиликдан ҳоли бўлиши учун ҳамма шароитларни яратиш лозим. Давлат турмуши, ижтимоий ва маданий турмушнинг турли соҳаларида миллий тилларнинг актив ишлатилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Республикага номи қўйилган халқ тилининг шу республика территория-сида яшовчи бошқа миллат гражданлари, аввало болалар ва ёшлар томонидан ўрганилиши рағбатлантирилсин. Буларнинг ҳаммаси таълим олиш тилини эркин танлашдан иборат демократия принципларига қарама-қарши қўйилмаслиги керак.

5. Совет кишиларининг ҳар бир авлоди ватанпарварлик ва интернационализм сабоғини ўзига хос тарзда олади. Оила ва мактабдан, пионер ва комсомол ташкилотларидан бошлаб шахснинг дастлабки социал тажрибасидаёқ шу қадриятлар узвий равишда бирга қўшилиши, мустаҳкам бирликда намоён бўлиши, миллий нигилизмни ҳам, миллий яккаланишни ҳам истисно қилиши муҳимдир. Халқларимиз дўстлигининг манбаларини рўёбга чиқариш, миллатлараро алоқа маданиятини актив шакллантириш, мамлакат халқларининг, дунёдаги бошқа халқларнинг анъаналарига, тилига, санъатига, тарихига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш лозим. СССР Қуролли Кучлари сафларидаги хизмат чинакам интернационализм мактаби бўлиб қолиши керак.

Конференция умумхалқ байрами — СССР ташкил топган куннинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти оширилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм практикаси заифлаштирилган жойларда миллий чекланиш ва шовинистик гердайиш кучая бошлашини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди. Шу яроксиз қинғирликларга қарши кураш, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш — ҳар бир совет кишисининг гражданлик бурчидир. Миллатлар ва элатларни пароканда қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, ҳар қандай миллат гражданларининг ҳуқуқларини камситиш йўлидаги уринишлар маънавий жиҳатдан номақбул ва Совет давлати-нинг манфаатларига зид уринишлар, деб ҳисобланиши керак.

Чинакам миллий манфаатлар билан шу манфаатларни миллатчилик тарзида бузишни бир-биридан фарқ қилишни ўрганмоқ керак. Миллий мумтозликни ҳар қандай даъво қилиш шу жумладан даъво қайси халқнинг номидан айтилаётган бўлса, ўша халқ учун ҳам йўл қўйилмайдиган ва ҳақоратомуз даъволардир. Ленинча анъана руҳида аввало «ўз» миллатчилиги ва шовинизмига қарши курашиш керак, бу ишни аввало тегишли миллатнинг намояндалари қилишлари лозим.

6. Конференция қайд этадики, мамлакатимиз шароитидаги кўп миллатли-лик — халқлар ривожланиши ва ўзаро маънавий бойишининг қудратли манбаи-

дир. Социалистик, интернационалистик турмуш тарзини шакллантириш бутун партиянинг, барча совет кишиларининг ишидир. Бунинг учун ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг сиёсий тажрибасини, меҳнат ахлоқини ва маънавий потенциалини, уларнинг турли халқлар яхши қўшниларча биргаликда яшашига чуқур ихлосмандлигини сафарбар этиш лозим. Бу ишда совет зиёлилари алоҳида роль ўйнайдилар. Миллий муносабатларнинг умумий иқлими кўп жиҳатдан зиёлиларнинг гражданлик етуклигига ҳамда ўз халқининг ва умуман жамиятнинг туб манфаатларини чуқур англашига боғлиқдир.

Ҳар қандай миллий муаммоларга ҳар бир конкрет вазиятни чуқур таҳлил этиш ва холисона баҳолаш асосида вазминлик билан, ҳар томонлама ёндашиш лозим. Бу муаммолар осойишталик, бениҳоя масъулият билан, социалистик демократия ва қонунчилик доирасида, аввало бир-бирини иззат қилиш йўли билан, авж олиб кетган революцион янгиланиш жараёнларини ҳисобга олиб, совет халқининг интернационал жипслигига зарар етказмай ҳал қилиниши керак. Шундай ижтимоий муҳитни яратишни кўзлаб иш олиб борилсинки, унда ҳар қандай миллатга мансуб киши социалистик Ватанимизнинг ҳар бир қисмида ўзини ўз уйидагидек ҳис этадиган бўлсин.

7. Ҳозирги миллий сиёсат илмий-назарий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилишга муҳтож. Бу — илмий муассасалар ва мутахассисларга бериладиган масъулиятли социал буюртмадир. Бу буюртмани муваффақиятли бажариш учун тегишли ташкилий шарт-шароитлар яратилиши ва кадрлар вояга етказилиши, илмий жамоатчиликнинг куч-ғайратлари бирлаштирилиши керак. Умумдавлат даражасида миллий муносабатларнинг актуал муаммоларини комплекс ўрганувчи илмий марказни барпо этиш масаласини кўриб чиқиш, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ва ахборот ишини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

8. Партия ташкилотлари, барча миллат коммунистлари халқлар социалистик Иттифоқини жипслаштирувчи куч, унинг жон-тани, интернационализмнинг фаол жонкуярлари бўлишлари керак. Улар ўзларининг бутун фаолияти билан меҳнаткашларни қайта қуриш вазифалари теварагида жипслаштиришлари, соғлом ижтимоий фикрни шакллантиришлари, одамларни ўзларига эргаштиришлари лозим. Ленинча талаблар руҳида партия, давлат, касаба союз, комсомол, хўжалик органларида, шу жумладан Иттифоқ даражасида барча миллат ва элатларнинг вакиллиги таъминланиши, раҳбар кадрларнинг состави совет жамиятининг миллий структурасини ғоят тўлиқ акс эттириши йўлини қатъият билан ўтказиш зарур.

Конференция КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг миллий муносабат масалаларига бағишлаб Марказий Комитет Пленумини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

Конференция қатъий ишонч билдириб айтадики, бизнинг ҳозирги кунимиз ва келажагимиз барча совет халқларининг жипслашуви ва бирлигига боғлиқ. ССР Иттифоқи барча халқлари эркин тараққиёти ва равнақ топишининг, Ватанимиз қудрати мустаҳкамланишининг негизи бўлмиш совет жамиятининг жипслигига хизмат қиладиган ҳамма омилларни эҳтиёт қилиб асраш, кўпайтириш ҳар бир гражданнинг, ҳар бир коммунистнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчидир. Ленин бизни шунга даъват қилган эди ва Коммунистик партия ҳам шу йўлдан бормоқда.

ОШКОРАЛИК ТЎҒРИСИДА

1. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси социализм ва қайта қуриш манфаатларига амал қилиб, ошкораликни янада ривожлантиришни энг муҳим сиёсий вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Қайта қуришнинг дастлабки уч йили шуни яққол тасдиқладики, партия, совет, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги ошкоралик вазияти, реал танқид ва ўз-ўзини танқиднинг кучайиши, сиёсатда рўй-ростлик ва ҳақиқатнинг қарор топиши партияга, бутун халққа ўз ўтмиши ва бугунги кунини яхшироқ англаб олишга, халал бераётган омилларни аниқлашга, қудратли

ватанпарварлик кучларини мамлакат, социализм манфаатлари йўлида актив ва аниқ мақсадга қаратилган ишга сафарбар этишга имкон берди. Ижтимоий ҳаётга ошкораликнинг татбиқ этилиши теранлик ва холислик билан жамоатчилик иштирокида мамлакатдаги вазиятга баҳо беришга, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан коллегиал тарзда принципиал қарорлар ишлаб чиқишга, меҳнаткашларнинг КПССнинг қайта қуриш йўлини активлик ва манфаатдорлик билан қўллаб-қувватлашларини таъминлашга ёрдам берди.

Конференция ошкораликни ривожланиб бораётган жараён деб билади ва уни изчиллик билан кенгайтириш социалистик тузум демократик моҳияти ифодасининг, у инсонга қаратилганлигининг, шахсни жамият, давлат ва коллективнинг барча ишларига жалб этишнинг муқаррар шарти, социализмни бузишларга қарши барча социал муассасалар, ҳокимият ва бошқарув органлари фаолияти устидан умумхалқ назоратини ўрнатиш асосида курашнинг таъсирчан кафолати эканлигини таъкидлайди.

Конференция ошкораликни халқнинг социалистик ўзини ўзи бошқарувини, конституцион ҳуқуқларни, гражданларнинг эркинликлари ва бурчларини амалга оширишнинг зарур шарти, совет жамиятида мавжуд бўлган турли-туман манфаатлар, фикрларнинг социалистик плюрализмини таққослаш ва жамлашнинг усули, интернационализмни мустаҳкамлаш ва социалистик ватанпарварликни тарбиялашнинг, социализмнинг инсонпарварлик қиёфасини қарор топтиришнинг таъсирчан йўли деб билади.

Ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ошкоралик — қайта қуриш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг, қайта қуриш муқаррарлигининг энг муҳим шартларидан биридир.

Халқаро майдондаги ошкоралик, ҳукуматлар ва халқлар позицияларини яққол кўрсатиб, тинчлик ва ҳамкорлик ишига, ядросиз ва зўравонликсиз дунёни бунёд этиш ғояларининг мустаҳкамланишига, замонавий, мтданий халқаро муносабатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Рўй-рост ташқи сиёсат принципларини амалга оширишнинг воситаси бўлган ошкоралик жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, меҳнаткашлар оммаси, фан ва маданият арбобларини халқаро алоқаларга жалб этишга, халқ дипломатиясини кенгайтиришга ёрдам беради, мураккаб халқаро муаммоларнинг давлатлараро даражада, ҳукуматлараро йўл билан ҳал этилишига кўмаклашади.

Пировардида ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид халқ манфаатларига хизмат қилади, жамият сиёсий системасининг очиқ-ойдинлигини акс эттиради, бу системанинг куч-қудрати, сиёсий ҳаётийлиги, маънавий соғломлигидан далолат беради.

2. Шу билан бирга конференция қайта қуришнинг ўткир қуроли бўлган ошкораликнинг ўзи чуқурлаштиришга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож эканлигини таъкидлайди. Кенг жамоатчилик ҳали ҳам ахборотнинг анчагина қисмидан бехабар қолмоқда, социал-иқтисодий ва маънавий ўсишни жадаллаштириш, омманинг, бошқарув кадрларининг сиёсий маданиятини оширишда ахборотдан фойдаланилмаяпти. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари, коллективлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ошкораликни тийишга уриниш ҳоллари бор. Унинг йўлига кўпинча идоравий ва маҳаллий тўсиқлар қўйилмоқда. У ёки бу камчиликлар, суиистеъмоллар, бюрократизм ва коммунистман деб гердайиш фактларини, бошқа салбий ҳодисаларни жамоатчиликка ҳавола этишга интилиш маъмурий қаршиликка дуч келмоқда. Меҳнаткашлар партия органлари ва оммавий ахборот воситаларига юбораётган турли шикоят хатларининг сони камаймаяпти. Ҳозиргача ҳам танқид учун таъқиб этиш ва ҳатто ўч олиш ҳоллари учраб турибди. Ошкораликдан шахсий ва гуруҳбозлик нафсониятлари манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳолларига барҳам берилмаган, бу одамлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва ўртоқларча талабчанликнинг нормал алоқаларини бузмоқда. Чинакам ошкораликнинг фикрларни эркин ифодалаш, туҳмат ва ҳақорат қилиш йўли билан шахсни камситишга эмас, балки уни улуғлашга ва унинг қадр-қимматини муҳофаза этишга хизмат қилиши зарурлиги тўғрисидаги ажралмас принципи ҳамиша ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Конференция ошкораликни изчиллик билан кенгайтириш ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократиялаш жараёнларини авж олдиришнинг, социализм-

ни янгилашнинг зарур шарти эканлигини таъкидлайди. Партия ошкораликни ривожлантирар экан, ҳамиша Лениннинг омма ҳамма нарсани билиши керак, ҳамма нарса ҳақида фикр юритиши керак ва ҳамма ишга онгли тарзда бориши керак, деган кўрсатмасига муттасил амал қилади. Коммунистик партияга, совет халқига ҳақиқат зарур, жамиятда содир бўлаётган барча воқеалар ҳақида тўла ва холис ахборот керак. Ошкоралик қайта қуриш ғоялари ва принциплари асосида барча ижтимоий кучларни жипслаштириш мақсадларига хизмат қилиши керак.

3. Конференция партиянинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси ошкораликнинг асосий принципларини қарор топтириш ва ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам беришда деб билади: ижтимоий ҳаётнинг давлат ва ҳарбий сир бўлмаган исталган масаласи хусусида тўла ва тўғри ахборот олиш; ижтимоий аҳамиятга молик исталган масалани очиқ ва эркин муҳокама қилиш ҳар бир гражданнинг ажралмас ҳуқуқидир.

Конференция партия ташаббус ва ошкораликни авж олдириш намунасини кўрсатиши керак, деб таъкидлайди. КПССнинг раҳбар органлари ва маҳаллий партия ташкилотлари, уларнинг комитетлари иши тўғрисида, раҳбар кадрларнинг фаолияти тўғрисида коммунистлар ва аҳолининг кенг кўламда хабардорлиги, партия анжуманлари ва йиғилишларининг ошкоралиги, партия турмуши, социалистик қурилишга партиявий раҳбарлик масалаларининг эркин муҳокама қилиниши; меҳнаткашлар танқидий фикр-мулоҳазалари ва таклифларининг кўриб чиқилишига диққат-эътибор билан ёндашув; энг муҳим қарорлар лойиҳасининг эълон қилиниши ва муҳокама этилиши — буларнинг ҳаммаси КПСС сиёсати очиқ характерининг, партиянинг жамият билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг таркибий қисмларидир.

Ҳамма поғоналардаги партия раҳбарларининг, сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг партия ташкилотлари ҳузурида ҳам, меҳнат коллективлари ва аҳоли ҳузурида ҳам ўз ишлари тўғрисида ахборот ва ҳисобот бериб туришлари уларнинг бурчи деб ҳисоблансин. Ошкоралик маданиятини, демократик баҳс, ўртоқларча мунозара олиб бориш маҳоратини тарбиялаш партия ташкилотларининг бурчидир.

Конференция партия комитетлари ва ташкилотларининг ишига оид мавжуд йўл-йўриқлар ва иш тартибини партия турмушини демократиялаш талабларига мувофиқлаштириш зарур деб билади. Сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг ўзларига ҳисоб берадиган партия комитети бюроси, жумладан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисларига бемалол кириш, партия комитети ва унинг аппарати ихтиёрида бўлган ҳужжатлар, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилсин.

Конференция кадрлар сиёсатидаги ошкораликка, раҳбар кадрларни кўтаришнинг демократик, жамоатчилик фикрига таянадиган механизмини вужудга келтиришга алоҳида эътибор беради.

4. Конференция ошкоралик, омма назорати ва танқиди учун очиклик — давлат ҳокимияти органлари самарали ишлашининг зарур шартидир, деб таъкидлайди. Улар фаолиятининг, планлаштириш ва бошқаришнинг барча босқичларида ошкораликни кенгайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш, умумдавлат ва регионлардаги иқтисодий, миллий, ёшлар, экологик, социал ва бошқа муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш лозим.

Корхоналар ва муассасалар, колхозлар правлениелари ва кооперативлар раҳбарлари, меҳнат коллективлари кенгашлари ошкора ишлашлари керак. Меҳнаткашлар ишлаб чиқариш ва социал масалаларга оид қарорлардан хабардор бўлишлари, ўз коллективлари фаолияти натижаларини ва молиявий аҳволини билишлари керак. Маъмурият одамларнинг манфаатларига тааллуқли бўлган қарорлар лойиҳаларини барвақт коллектив эътиборига ҳавола этиши ва белгиланаётган тадбирларга уларнинг муносабатини аниқлаши зарур.

Ошкоралик — халқ контроли ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг зарур жиҳатидир. Бу органлар иши ҳақида маълумотларни, жиноятчиликнинг аҳволи ва унинг олдини олиш чоралари тўғрисидаги статистик маълумотларни мунтазам эълон қилиб бориш лозим.

Жамиятнинг социал-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, экологик вазият тўғрисидаги статистика ахборотидан фойдаланишдаги асоссиз чеклашларни бекор

қилиш, замонавий ахборот технологияси асосида шундай статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш системасини яратиш, кутубхоналар барча фондларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, архив материалларидан фойдаланишни қонун йўли билан тартибга солиш керак.

Конференция барча жамоат ташкилотларини ўзларининг Уставда белгиланган вазифаларини ошкора ва очиқ-ойдин амалга оширишга, аҳолини съездлар, конференциялар, сайлаб қўйиладиган органлар иши тўғрисида, улар қабул қиладиган қарорлар тўғрисида кенг кўламда хабардор қилиб туришга даъват этади.

5. Конференция ошкораликни кенгайтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнашини таъкидлайди. Улар партия, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама ёритиши, социалистик жамиятни жипслаштиришга хизмат қилиши, орттирилган тажрибани фаол тарғиб этиши, мамлакатдаги иш аҳволи устидан умумхалқ назорати воситаси бўлиши керак. Конференция матбуотдаги танқидий мақолаларни тўхтатиб қўйишга ҳам, гражданларнинг ор-номуси ва қадр-қимматига дахлдор бўлган нохолис ахборотнинг эълон қилинишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ошкоралик оммавий ахборот воситаларининг социал-ҳуқуқий ва ахлоқий жавобгарлигини назарда тутади. Юксак ғоявийлик ва маънавийлик, билимдонлик, профессионал одобга қатъиян риоя қилиш, ахборотнинг шак-шубҳасиз тўғрилиги, танқид қилинган ҳар бир гражданнинг мақолага худди ўша матбуот органининг ўзида асосланган жавоб бериш ҳуқуқи бу соҳанинг зарур талаблари бўлиши лозим. Рўй-ростлик ва танқид замирида гуруҳбозлик, сафсатабозлик кўринишлари, миллий регионал ёки корпоратив худбинлик пайдо бўлмаслиги керак. Оммавий ахборот воситаларида баҳслашаётган барча томонларнинг нуқтаи-назари холис, бузмасдан акс эттирилиши керак.Ҳеч ким ҳақиқатнинг танҳо соҳиби эмас, ошкораликда ҳам танҳо соҳиблик бўлмаслиги лозим.

6. Конференция, ошкоралик ўзини тўла-тўкис оқлади, уни бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантириш керак, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда ошкораликнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш зарур деб ҳисоблансин, бунинг учун СССР гражданларининг ахборотга бўлган ҳуқуқини конституция йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш назарда тутилсин. Давлат, мансабдор шахслар ва гражданларнинг ошкоралик принципларини амалга ошириш юзасидан ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилсин. Гражданлар, оммавий ахборот воситалари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг ўзларини қизиқтираётган ахборотларни олиш ҳуқуқини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб, корхона, қишлоқ ёки шаҳар, область, республика ва мамлакатдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида меҳнаткашларни мунтазам ва тўла хабардор қилиб туриш системаси яратилсин. Зарур махфийлик, идора сирининг чегараси аниқ-пухта белгилаб қўйилсин, давлат сири ва ҳарбий сир бўлган маълумотларни, гражданларнинг қонуний ҳуқуқларига путур етказадиган, жамоат тартибига, аҳолининг хавфсизлигига, саломатлигига, ахлоқ-одобига зарар келтирадиган маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик, шунингдек гражданларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга халал берганлик, ахборотни яширганлик, уни бузиб талқин этганлик ва ундан қонунга хилоф тарзда фойдаланганлик учун жавобгарлик белгилансин.

Ошкораликдан Совет давлати, жамият манфаатларига, шахс ҳуқуқларига путур етказиб, уруш ва зўравонликни, ирқчилик, миллий ва диний адоватни тарғиб этиш, шафқатсизликни пропаганда қилиш ва порнографияни тарқатиш учун фойдаланишга, шунингдек ошкораликни рўкач қилиб, найрангбозликка йўл қўйилмайди.

Партия, совет жамияти партия, давлат ва жамоат ишларида, оммавий ахборот воситаларида ошкораликни қатъият билан қарор топтириб ва кенгайтира бориб, социалистик тузум, унинг теран резервлари қудратли потенциал имкониятларини ҳаракатга келтиради. Ошкораликсиз қайта қуриш бўлмайди, демократия бўлмайди. Ошкоралик демократик, инсонпарвар социализм ҳаёти ва тараққиётининг табиий муҳитидир.

Конференция барча коммунистларга, барча партия ташкилотларига мурожаат қилиб, оммага ҳақиқатни етказишга, социалистик демократизмни,

мунозара олиб бориш маданиятини актив ривожлаштиришга, ҳар қандай масалаларни жўшқин ва очиқ-ойдин муҳокама қилиш, совет кишилари ташаббуси ва ижодий фикрини намоён этиш учун қулай шарт-шароит яратишга даъват этади.

Конференция барча коммунистлар совет жамияти турмушининг нормаси сифатида ошкораликни қарор топтиришга кўмаклашадилар, деб ишонч билдиради.

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ ТЎҒРИСИДА

1. Бутуниттифоқ партия конференцияси қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин ўтган вақт ичида қайта қуришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Аммо бу тадбирларни социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантириш билан боғлиқ бўлган катта ишнинг бошланишигина деб билмоқ керак. Мамлакатда яқин йилларда жамият турмушининг барча соҳаларида қонуннинг устунлигини таъминлаши, халқ ҳокимиятини ривожлантириш асосида социалистик ҳуқуқ-тартиботни сақлаш механизмини кучайтириши лозим бўлган кенг миқёсдаги ҳуқуқий ислоҳотни ўтказиш керак.

2. Шу муносабат билан ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий ҳокимият органларининг мамлакатдаги конституцион режимни мустаҳкамлашга ҳамда ижтимоий муносабатларнинг энг муҳим соҳаларини тартибга солувчи Совет Қонунларининг ролини қатъиян оширишга, қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага ижозат берилган, деган принципни изчил ўтказишга қаратилган қонун чиқарувчилик фаолиятини яхшилаш катта аҳамият касб этади. Қонун чиқариш жараёнини демократиялаш айниқса муҳимдир, бу жараён ошкоралик, билимдонлик билан илмий баҳо бериш ҳамда қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик, бутун халқ иштирокида муҳокама қилиш асосида кечиши лозим.

3. Қонунларни тубдан қайта кўриб чиқиш, кодекслаштириш ва системага солиш ҳуқуқий ислоҳотнинг ажралмас қисми бўлиши керак. Хўжалик юритишнинг, ижтимоий турмушни инсонийлаштириш ва демократиялаш, ҳуқуқ бузиш ҳолларининг олдини олишни кучайтириш нуқтаи назаридан социалистик мулк, планлаштириш, молиявий солиқ ва хўжалик муносабатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга, гражданларнинг оборотини, меҳнат, уй-жой, пенсия масалаларини ва меҳнаткашлар турмушининг бошқа масалаларини тартибга соладиган нормаларга муҳим ўзгартишлар киритилиши, жиноий, маъмурий, процессуал ва меҳнат ёрдамида ахлоқ тузатиш қонунлари тубдан қайта кўриб чиқилиши лозим. Шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга биринчи даражали эътибор бериш, совет кишиларининг сиёсий, иқтисодий, социал ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишининг кафолатларини мустаҳкамлаш зарур. Айни вақтда ҳар бир гражданнинг ўз меҳнат коллективи, давлат ва умуман жамият олдидаги масъулиятини ошириш лозим. Ҳукумат қонунлари ва қарорларининг СССР Конституцияси талабларига қатъий мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида конституцион назорат комитети таъсис этиш, шунингдек идораларнинг норматив актларида қонун талабларига аниқ риоя этилиши, бундай актларнинг сони эса кескин қисқартирилиши устидан контроллик қилиш соҳасидаги бутун ишни кучайтириш фойдали бўлур эди.

4. Конференция социалистик демократия системасида суднинг ролини оширишни қайта қуришнинг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Совет судлов ишининг мусобақалашув, ошкоралик, айбсизлик эҳтимоллигига оғишмай риоя этиш, айблашга зўр беришга ҳам, шунингдек Совет Қонунига қасд қилганларга нисбатан кўнгилчанликка ҳам йўл қўймаслик каби негизларни амалга ошириш кафолатини анча мустаҳкамлаш зарур. Суднинг обрўсини кўтариш, судьяларнинг сўзсиз мустақиллигини ва уларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига аралашганлик учун ва судга ҳурматсизлик учун жавобгарликнинг конкрет чораларини белгилаб қўйиш керак. Район, шаҳар, округ, область ва ўлка судларининг юқори халқ депутатлари

Советлари томонидан сайланиши, шунингдек улар ваколатларининг анча узокрок муҳлати белгилаб қуйилиши судьялар мустақиллигини мустаҳкамлашнинг кафолатларидан бири бўлиб қолиши лозим. Одил судловнинг холислигини, халк маслаҳатчиларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида энг мураккаб ишлар судда кўрилаётганида уларнинг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

5. Иқтисодий ислоҳот, хўжалик ҳисобини жорий этиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, корхоналар ва кооперативларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида давлат арбитражининг ваколатларини кенгайтириш, юстиция органларининг ролини анча ошириш, халқ депутатлари Советларида, министрликлар ва идораларда, хўжалик ташкилотларида юридик хизматни мустаҳкамлаш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

6. Прокуратуранинг масъулиятини кескин ошириш, бутун мамлакатда қонунларнинг ижро этилиши, бир хил тарзда тушунилиши ва қўлланилишини кузатиб бориши лозим бўлган прокурор назоратининг ленинча принципларини тўла-тўкис қайтадан тиклаш, социалистик қонунчиликни бузиш ким томонидан содир қилинмасин, бундай ҳолларга қарши сабот билан курашиш зарур. Прокурорлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уларга ҳар қандай тазйиқни ва улар фаолиятига аралашишни истисно этиш шу вазифага хизмат қилиши лозим.

7. Милиция ишини яхшилаш, ички ишлар органлари ходимларининг маданиятини ва касб-кор саводхонлигини ошириш, уларнинг социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя этиши, меҳнат коллективлари ва аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаш, бу соҳада йўл қўйилаётган суиистеъмолларни тугатиш доимий диққат-эътиборни талаб қилади. Жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органларининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш манфаатларини кўзлаб, жиноий ишларнинг асосий кўпчилигини текширишни Ички ишлар министрлигининг тергов аппаратида марказлаштириб, уни республика ва маҳаллий ички ишлар органларига бўйсунмайдиган мустақил структурага ажратиб қўйиш, терговчиларнинг масъулиятини ошириш, улар фаолияти қонунийлигининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, дастлабки тергов устидан прокурор назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

8. Конференция гражданларга, давлат корхоналари ва кооперативларга юридик ёрдам берадиган ўзини ўзи идора қилувчи уюшма бўлмиш адвокатуранинг ролини оширишга, судда, бошқа давлат органларида ва жамоат ташкилотларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга муҳим аҳамият беради. Дастлабки терговда ва суд мажлисида ҳимоячиларнинг иштироки кенгайтирилиши керак.

9. Ҳуқуқий ислоҳотни кадрлар билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган ишдир, бу иш халқ депутатлари Советларига, халқ хўжалигига, милицияга ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотларга ишлаш учун юбориладиган юристларни танлаш, тарбиялаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мунтазам системасини вужудга келтиришни назарда тутади. Шу мақсадда олий малакали илмий ва муаллим кадрлар тайёрлашни қайта тузиш, уларнинг тажрибадан ажралиб қолишини тугатиш, хўжалик ислоҳотини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда билимдонликни ошириш лозим.

10. Социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш ва хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий этиш аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини қайта қуриш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўришни, меҳнаткашларнинг барча табақаларини, марказдаги ва жойлардаги ҳамма кадрларни қамраб оладиган ягона умумдавлат, умумпартия программаси тариқасида юридик умумтаълимни ташкил этишни талаб қилади. Ҳуқуқий адабиёт ҳар бир совет кишиси фойдалана оладиган бўлиши ва зарур нусхада нашр қилиниши керак. Совет қонунини ҳурмат қилиш, социалистик демократизм маданияти, юксак гражданлик активлиги ва масъулияти руҳида тарбиялашда ўрта, ҳунар ва олий мактаб, оммавий ахборот воситалари, ижодий союзлар ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим ўрин олишлари лозим.

11. Конференция КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, СССР Министрлар Совети жамоат ва илмий ташкилотлар иштирокида яқин вақт ичида мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳот ўтказиш юзасидан конкрет ҳаракат планини ишлаб чиқиб, амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

МАМЛАКАТ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва жамиятни янада демократиялаштиришга оид йирик қарорларни кенг кўламда муҳокама этди ва қабул қилди. Бу қарорлар мамлакат тақдири учун ғоят катта тарихий аҳамиятга молик бўлиб, қайта қуришнинг ажралмас таркибий қисми ва унинг қудратли тезлатгичидир, улар жамият учун революцион янгиланиш йўлидан ишонч билан бориш, сиёсий авангард сифатида партиянинг ролини мустаҳкамлаш имкониятини яратади.

Қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши кечиктириб бўлмайдиган тусдадир, бинобарин, иш манфаатларидан келиб чиқиб, уларни амалга оширишга дарҳол киришиш муҳимдир.

Конференция қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Бу йил сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия турмушини демократиялаштириш тўғрисидаги конференция қарорларига амал қилиб, партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси ўтказилсин.

Партия аппаратини қайта қуриш шу йилнинг охиригача амалга оширилсин. Партия ва Советлар ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш тўғрисида қабул қилинган қарорлар эътиборга олиниб, партия аппаратининг структурасига зарур ўзгартишлар киритилсин.

КПСС Марказий Комитетига ана шу мақсадлар йўлида зарур амалий ишларни рўёбга чиқариш тавсия этилсин.

2. Конференция Совет органларини қайта қуришга оид қонун актлари лойиҳаларини, СССР Конституциясига киритиладиган зарур қўшимчалар ва ўзгартишларни СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш, шунингдек 1989 йил апрелида халқ депутатлари сайловини ташкил қилиш ва уларнинг съездини ўтказиб, унда давлат ҳокимиятининг янги органларини тузиш керак деган фикрни билдиради.

Республика Советлари ва маҳаллий Советларига сайловлар ҳамда шу асосда республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар, посёлкалар, қишлоқ жойларида раҳбар совет органларини тузиш 1989 йил кузида ўтказилсин.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ёпилиши чоғида 1988 йил 1 июлда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Конференциямиз ўз ишини тугалламоқда. Мунозара якунлари юзасидан ҳозиргина қабул қилинган ҳужжатлар, шу ҳужжатлар муҳокамасининг ўзи муфассал хулоса қилишга зарурат қолдирмайди. Бироқ конференция шундай миқёсдаги воқеадирки, ўтган тўрт кун мобайнида биз қилган ишларни жуда қатъий мезон билан баҳолашга эҳтиёж бор.

Бу илгариги расмга кўра навбатдаги ҳар бир партия анжумани шаънига мақтов гаплар айтиш одатига риоя этиш учун керак эмас. Ўйлайманки, XIX партия конференциясининг партия ва мамлакат турмушидаги ўрнини ўзимиз англаб олишимиз учун шундай қилиш керак. Партиянинг тарихида катта воқеа рўй берди. **(Қарсаклар).**

Аввало бўлиб ўтган мунозаранинг муҳити ҳақида. Бу — ҳозир коммунистларни, барча совет кишиларини ташвишга солаётган энг муҳим масалалар ҳақида чинакам рўй-рост партиявий гурунг бўлди, уларни қизиқтираётган саволларға жавоблар топишга ҳаракат қилиб кўрилди. Съездлар саройида ҳали бундай гурунг бўлмаган эди, ўртоқлар. Қарийб 60 йилдан буён бизда бунга ўхшаш бирон воқеа бўлмаган эди, десак ҳақиқатга зид бўлмайди деб ўйлайман. **(Қарсаклар).** Шу маънода биз конференция ленинча руҳда ўтди, унда халқ олдидаги, революция олдидаги юксак масъулият тантана қилди, деб айтишга ҳақлимиз. **(Қарсаклар).** Мана шунинг ўзиёқ унга алоҳида моҳият бахш этади.

Делегатларнинг бениҳоя юксак фаоллигини уқтириб ўтмоқ керак. Шуни айтиш керакки, биз мураккаб вазиятда қолдик. Чунки музокарада сўзга чиқиш учун ёзилганларнинг ўзи 300 кишига етай деб қолди. Афсуски, уларнинг ҳаммалари сўзга чиқа олмадилар, бироқ редакцион комиссиянинг мажлисларида фикр билдириш эҳтиёжи бирон-бир тарзда қондирилди — у ерда 150 га яқин киши сўз олганини сизларга айтган эдим. Биз учун янги бўлган мана шу иш формаси, бу ишда умуман конференция делегатларининг қарийб ўндан бир қисми қатнашганлиги мунозара давомида туғилган кўпгина конкрет масалаларни ишчанлик билан кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш имконини берди.

Конференцияда юксак талабчанлик, масалаларни кескин ва принципиал қилиб қўйиш руҳи ва айни вақтда партиявий ўртоқлик, таъбир жоиз бўлса, бирбирига нисбатан хайрихоҳлик руҳи ҳукмронлик қилди. Бу ҳам бутун партия учун, бутун жамиятимиз учун ибратдир, маслакдошлар ўртасида, буюк қайта қуриш, жамиятни янгилаш ишига киришган ва партиядаги юзлаб, минглаб, миллионлаб ўртоқларнинг, ишимиз қандай бораётганини зўр қизиқиш билан кузатиб турган барча совет халқининг мададини сезиб турган кишилар ўртасида худди шундай бўлиши ҳам керак. Шу маънода конференция мамлакатимизда қарор топаётган сиёсий муҳитни акс эттирди ва партия, қолаверса, бутун совет жамияти Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин ўтган уч йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида эришган демократик ревожланишнинг савиясини кўрсатди деса бўлади, деб ўйлайман.

Энди ишимизнинг мазмуни ҳақида. Унинг бош якуни шундан иборатки, КПСС Марказий Комитетининг Тезислари асосида бутун партия, бутун халқ муҳокама қилган, сўнгра эса шу залдаги қизғин мунозара мавзуи бўлган барча туб масалалар юзасидан программавий сиёсий позиция ишлаб чиқилди. Бундан ташқари конференция Марказий Комитет киритган таклифларни шунчаки маъқуллаб қолмай, айни вақтда партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг тажрибаси билан бу таклифларни анча бойитди. Шундай демоқчиман: шу минбардан нутқ сўзлаган ишчилар синфи, деҳқонлар намояндаларининг, зиёлилар, олимлар ва маданият арбобларининг, халқ хўжалиги турли соҳаларининг мутахассислари, корхона раҳбарлари ва партия ходимларининг сўзларини ҳаммамиз зўр мароқ ва диққат-эътибор билан тингладик.

Моҳият эътибори билан конференция ҳозирги босқичда партия билан мамлакат олдида турган муаммоларнинг бутун комплексини қамраб олди. Аммо мунозарадаги ва биз қабул этган қарорлардаги энг муҳим жиҳат таъкидланадиган бўлса, қуйидагиларни айтган бўлур эдим. Партиянинг сиёсий авангард сифатидаги роли масаласи конференциянинг диққат марказида бўлди. Делегатларнинг фикри қисқача жамланадиган бўлса, бу соҳада нималарни уқтириб ўтиш мумкин? Партиянинг XXVII съезди ишлаб чиққан ва қайта қуришнинг шу пайтгача орттирилган тажрибаси билан бойитилган аниқ ҳаракат программаси борлигини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Қайта қуриш сиёсатини қабул қилган ва ундан тисарилишга йўл қўймайдиган халқ партияни тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. Тушунишимча, бу хусусда конференция делегатларида шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Бу ерда партияни янада кучли партияга айлантириш истаги талабчанлик билан жўшқин янгради, буни фақат табриклаш мумкин, сиз билан биз ҳаммамиз бунга қувонамиз, деб ўйлайман. Конференция резолюциясига ёзиб қўйилганидек, у иш мазмуни жиҳатидангина эмас, усуллари жиҳатидан ҳам партиямиз том маънода Ленин типидаги партия бўлишини талаб қилди. Бошқача қилиб айтганда, партия фармойиш бериш-буйруқбозлик усулларидан узил-кесил воз кечиши ва ўз

сиёсатини совет қонунларига ва ижтимоий ҳаётнинг демократик принципларига жуда қаттиқ риоя этиб, ташкилотчилик, кадрлар, идеология иши орқали ўтказадиган бўлиши керак.

Давлат органларининг иши билан шуғулланишга асло йўл қўйилмасин, касаба союзларига, комсомолга, бошқа жамоат ташкилотларига, ижодий союзлар ва бошқа уюшмаларга ҳеч қандай буйруқ берилмасин. Бу гапдан — партиянинг раҳбарлик роли заифлашиши мумкин, деган хулоса чиқадими? Шундай шубҳалар айтилди. Менимча конференция бу саволга: йўқ, деб жуда равшан ва яққол жавоб қайтарди. Мамлакатни идора қилувчи партия бўлиб қолаверадиган партиямиз ўз раҳбарлик ролини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма воситаларга эгадир. 20 миллион коммунист, мана шу воситаларнинг энг муҳимидир, партия ўз сиёсий йўлини жамият ҳаётининг барча соҳаларида мана шу коммунистлар орқали ўтказаверади.

Демократиялаш, ошкоралик, партия комитетларининг вазифалари ўзгариши шароитида партиянинг обрўйи жиддий синовдан ўтади, ўртоқлар. Бу жараён ҳозирнинг ўзидаёқ давом этмоқда. Ростини айтайлик: буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси шароитида, партия аппарати ҳамма соҳада ва ҳамма ишда фармойиш бериб келган бир пайтда кўпинча: партия комитети ва партия секретарининг ҳақиқий раҳбарлик обрўйи қаерда-ю, энг яхши деганда, «лавозимнинг обрўйи» қаерда эканини билиб олиш қийин эди, зарурат тақозоси билангина унга бўйсунар эдилар.

Қайта қуриш, сиёсий системани ислоҳ қилиш принципиал янги вазиятни вужудга келтиришига шак-шубҳа йўқ, ўртоқлар. Янги шароитда партиянинг раҳбарлик роли ҳар сафар конкрет ишлар билан қайтадан исботланиши лозим бўлган реал обрў билан белгиланади. Шу боисдан ҳам биз партия аъзоларининг андаккина бўлса-да пассивлигини бартараф этишимиз ҳаётий заруратдир. Ҳар бир коммунист қайта қуриш учун, жамиятни революцион янгилаш учун курашчи бўлиши керак. Бу эса конференциямизнинг энг асосий накази бўлсин. **(Қарсаклар).**

Умуман, ўртоқлар, конференция Марказий Комитет апрель Пленумининг, партия XXVII съездининг ленинча йўлини ривожлантиришда, қайта қуриш назарияси ва практикасини чуқурлаштиришда катта босқич бўлди. Унинг сиёсий миқёси ва салмоғи шу билан белгиланади.

Шу муносабат билан мен бир принципиал мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман: биз бир қанча чуқур ва пухта ўйланган, масъулиятли қарорлар қабул қилдик. Бироқ, агар шу қарорларнинг бажарилишини чўзиб юборсак, — бу эса ҳали ҳам биз халос бўлмаган мана шу сурункали иллат қайта қуришнинг дастлабки йилларида ҳам намоён бўлди — у ҳолда кўп ишимиз беҳуда бўлиши мумкин. Буни рўй-рост айтмоқ керак. Келинглар, газак олиб кетган иллатлардан халос бўлайлик ва ҳеч қандай қўшимча фармонлар, йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, изоҳларни кутиб турмай, амалий ишга дарҳол киришайлик. КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми доирасидаги зарур ишни ташкил этайлик. Шундай қилайликки, партияда бўлғуси ҳисобот-сайлов кампаниясиёқ биз бу ерда шартлашиб олган принциплар асосида ўтсин. Кузда аппарат структурасига ўзгартишлар киритайлик. Советларни қайта тузишга келганда эса, шу билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар комплексини СССР Олий Советининг кузги сессиясида кўриб чиқайлик. 1989 йилнинг апрелида СССР халқ депутатлари сайловини, келгуси йилнинг кузида эса иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советига сайловни ўтказайлик.

Шу муаммоларнинг жуда катта моҳиятини эътиборга олиб, конференция Президиуми делегатлар муҳокамасига мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида қисқача резолюцияни киритади.

Конференциянинг сиёсий якунлари мана шулардан иборат. Ҳар бир делегат уйига қайтиб боргач, ишдаги ўртоқларига, коммунистлар ва партиясизларга, барча гражданларга бундан буён қандай иш тутишимизни, конференция қарорларини қандай қилиб амалга оширишимизни гапириб бера олади.

Сўнгра. Конференция ишининг сўнгги онларигача жамиятни демократиялаш, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш масаласи диққат марказида турди. Биз

унинг асосий йўналишлари ва кўрсаткичларини белгилаб, шу тариқа олдимизда турган: қайта қуришни чуқурлаштиришни ва унинг муқаррарлигини қандай қилиб таъминлаш мумкин, — деган асосий саволга жавоб қайтардик, деб ўйлайман. Шундай қилиб, конференция ўзининг асосий вазифасини бажарди, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. **(Қарсаклар).**

Ўз-ўзидан равшанки, келгусида ислоҳотларни турмушга татбиқ этиш соҳасида зўр ғайрат билан ташкилий иш олиб борилиши керак бўлади. Мана шуларнинг ҳаммасини партияда ҳам, жамиятда ҳам обдон муҳокама қилиш лозим. Аммо биз энди сиёсий системани айни қандай қилиб ўзгартириш лозимлигини биламиз, умумий бир фикрга келдик, шу фикрни сиёсий йўл-йўриқлар тарзида таърифлаб бердик.

Конференцияда туб иқтисодий ислоҳотни давом эттириш ва чуқурлаштириш қатъияти кучли янграганлиги ҳам жуда муҳимдир. Бунинг учун Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларида, қабул этилган қонун актларида, айниқса давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги, кооперация ҳақидаги Қонунларда шарт-шароит яратилган эди. Кўпгина корхоналарнинг янги принциплар асосида дастлабки ойларда ишлаш тажрибаси, ислоҳот қандай бораётганлиги масалалари диққатимиз марказида бўлди. Шундай бўлиши ҳам тўғри эди: базисда рўй бераётган ҳамма воқеалар жамият учун жуда катта аҳамиятга эгадир, бу қайта қуришнинг пойдеворидир.

Агар шу масалалар хусусидаги мунозаранинг энг муҳим, таянч жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, конференциядан кейин биз ишга тўғаноқ солиш иллатларини тугатишни охиригача олиб бориш билан асосли равишда шуғулланишимиз ҳақида гап бормоқда. Деярли барча делегацияларнинг вакиллари ҳозирча бюрократизм тишини ғижирлатиб турибди, қаршилик кўрсатмоқда, ишга халақит бермоқда, деб айтдилар. Натижада эса ислоҳот кўп соҳаларда юришмай қолмоқда. Бу, эҳтимолки, делегатлар бу ерга олиб келган энг муҳим кузатувларнинг биридир, демак, гап кенг тарқалган ҳодиса ҳақида бормоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, биз Марказий Комитетда ҳам, ҳукуматда, марказий ва маҳаллий ташкилотларда ҳам туб иқтисодий ислоҳотни зўр ғайрат билан илгари силжитиш учун бутун кучни ишга солишимиз керак.

Ҳозирги босқичда асосий кучларни озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қаратиш, деҳқонларимизга ҳар томонлама ёрдам беришни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйиш зарурлиги ҳақида гапирган ўртоқларнинг фикрини делегатлар якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман. Шу беш йилликдаёқ қилиниши лозим бўлган ишлар албатта бажарилиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ биз кўпгина ресурсларни қидириб топдик, турли йўллар билан бу соҳага қўшимча капитал маблағ билан ресурслар юбордик. Мана шуларнинг ҳаммаси чинакамига ўзлаштирилиши, ишга солиниши керак. Қишлоқни кўтариш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўйлаймизки, конференциядан кейин талабчанликни кучайтириш, конференциянинг аграр секторни, қишлоқ меҳнатчиларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги кўрсатмасини амалга ошириш бутун жараёнини назоратга олиш лозим. Шундагина биз озиқ-овқат муаммоси тезроқ ҳал этилишига эриша оламиз. **(Қарсаклар).**

Назаримда, конференциянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, сиёсат ва экономиканинг энг зарур муаммолари унда маънавий соҳа билан чамбарчас боғлаб муҳокама қилинди, бамисоли маънавий мезонлар билан ўлчанди. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичда, барча ижтимоий жараёнларга фан-техника революциясининг зўр таъсири шароитида ҳеч қандай муаммолар халқнинг интеллектуал ва маънавий потенциалисиз чинакамига ҳал бўла олмаслигини чуқур тушуниш мана шунда намоён бўлди. Илм-фан, маориф, маданият муаммоларини, адабиёт ва санъат тақдири баланд, юксак пардаларда муҳокама қилиниши мана шундан келиб чиқади.

Бу жабҳадан шу қадар кўп вакиллар қатнашган бошқа партиявий анжуманларни, ҳатто съездларни ҳам эслай олмайман ва билмайман. Бу минбардан ижтимоий онгда ўзаро баҳамжиҳат амал қилаётган, баъзан эса курашаётган тенденцияларни акс эттирувчи турли нуқтаи назарлар янгради. Бу — қонуниятлидир. Биз фикрлар хилма-хиллигини қарор топтиряпмиз, маънавий монополияни рад этяпмиз. Бироқ конференцияда баён этилган хилма-хил

мулохазаларда бирлаштирувчи асосий фикр бор, у ҳам бўлса — ҳамма ишда инсонни, халқнинг манфаатларини кўзлаш, социализмнинг инсонпарварлик кадриятларини қарор топтириш кераклиги тўғрисидаги фикр десам сизлар бунга кўшиласизлар, деб ўйлайман. Шундагина жамиятда мусаффо маънавий мухит ҳам, ижодий фикрнинг жўшқин иши ҳам, маданиятнинг чинакам равнаки ҳам таъминланади.

Бизга порлоқ келажакка кўр-кўрона ишониш эмас, балки социалистик жамият кишисида, унинг меҳнати ва ижодиётида яшириниб ётган битмас-туганмас имкониятларни чукур ва аниқ билишга таянувчи илмий прогноз керак. Айнан шу боисдан ҳам биз қайта қуришнинг мақсади социализмнинг янги, инсонпарварлик қиёфасига эришишдан иборат эканлиги ҳақида гапиряпмиз. **(Қарсаклар).**

Ошкоралик конференциянинг қаҳрамонларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Аввало, шунинг учунки, мунозарамизнинг ўзи жамиятда қарор топаётган рўйростлик, софдиллик, сидқидиллик муҳитининг натижаси бўлди. Яна шунинг учунки, бу ерда келгусида ошкораликни қай тарзда ривожлантириш кераклиги, унинг эҳтимол тутилган ва оқилона чегаралари қандайлиги муҳокама қилинди. Гарчи фикрлар ҳар хил бўлса-да, бу соҳада ҳам биз пировард натижада оммавий ахборот воситаларини, уларнинг ўтмишдан бизга колган турли-туман салбий ҳодисаларни супуриб, иткитиб ташлаш, қайта қуришнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган дадил, янгича иш тутувчи, жозибадор кишиларни рағбатлантириш соҳасидаги ишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деган фикрга келдик.

Иккинчи томондан эса, матбуот сўзи учун масъулиятни ошириш, гуруҳбозлик ва маҳкамачилик нафсониятлари ва тарафкашликлардан, фақат менинг гапим ҳақ, деган даъволардан халос бўлиш учун журналистларга нисбатан аниқ-равшан талаблар янгради. Матбуот сўзи авторитарлик ва бюрократик ўзбошимчаликнинг итоатгўй қуроли бўлиб қолган замонлар ҳали халқнинг эсида турибди. Шу боисдан ҳам ҳозир, турмушимизнинг ҳамма жиҳатлари инсонпарвар бўлиб бораётган пайтда танкид маданиятини, ўртоқларча мунозара маданиятини ўрганиш муҳимдир. Ўйлайманки, бу жиҳатдан ҳам конференциянинг иши ибратли бўлди. Биз ҳаммамиз партиявий мунозарани қандай олиб бориш кераклигини яхшироқ тушуна бошладик. **(Қарсаклар).**

Мана шу мунозарага муносабат доирасида Борис Николаевич Ельциннинг нутқини четлаб ўтишнинг имкони йўқ, деб ҳисоблайман. Аввало биз сизлар билан унга сўз бериб тўғри иш қилдик, деб ўйлайман. Мен ҳали айтганимдек, демократия доирасида бундай масалалардан сирлилик пардасини олиб ташлаш керак, ваҳоланки, бунда ҳеч қандай сир ҳам йўқ.

Ўртоқ Ельцин нутқининг конференцияда муҳокама қилинган конкрет муаммолар тўғрисида гап борган қисмида унинг нутки докладга ҳам, мунозараларга ҳам талай даражада мос келади. Шу маънода унинг гаплари мунозараларнинг умумий оқимига келиб қўшилади. Биз бошқалар каби ўртоқ Ельцин ҳам қайта қуришни давом эттириш, жамият, халқ манфаатлари йўлида уни чуқурлаштириш кераклигини ёқлаб фикр билдирганлигини ҳам қайд этиб ўтамиз.

Мен фақат бир нарсага қўшила олмайманки, у ҳам бўлса Б. Н. Ельциннинг биз юзага келган турғунлик сабабларини етарлича таҳлил этмай, жамиятдаги ҳозирги вазиятни, тарихни, партия йўл қўйган камчиликларни чуқур таҳлил этмай туриб қайта қуришни эълон қилганимиз тўғрисидаги, қайта қуриш сафсатабозлик тусида, деб айтган гапидир.

Конференцияга тайёргарлик кўриш чоғида, партия ва жамиятда, конференциянинг ўзида бўлиб ўтган мунозаралар давомида биз қайта қуришнинг ютукларини ҳам, муаммоларини ҳам принципиал позицияларда туриб баҳоладик, партия ва давлат органларининг, меҳнат коллективларининг, умуман мамлакатнинг фаолиятига якун ясадик. Биз тўғри иш тутдик деб айтаман, ўртоқлар, чунки қайта қуришнинг қандай авж олиб бораётганлиги ҳаммамизни хавотирлантирмокда. Бу хавотирлик шу ерда ҳам янгради, у бизни сафарбар қилди, ислоҳотлар жараёнини яна ҳам қатъият билан олға силжитишдан иборат муддаомизни мустаҳкамлади.

Ўртоқ Ельциннинг биз уч йил мобайнида революцион ўзгартишларга эришмадик, деб қилган танқиди ҳам ноҳақ ва номақбул, деб ўйлайман. Олис истиқболга мўлжалланган умумий режани, жамиятимизнинг қайта қуриш орқали сифат жиҳатдан янги даражага эришишини назарда тутадиган бўлсак, ҳозирча

революцион ўзгартишлар тўғрисида гапириб бўлмайди, албатта. Биз яшаб турган жамиятни, ҳозирги кўпгина ҳодисаларнинг илдизи бориб тақалган ўтмишни, атрофимиздаги дунёни ва улар билан ўзаро алоқаларимизни англаб олишга талайгина вақт сарфладик. Мана шуларнинг ҳаммасини ниҳоятда хатарли бўлган «революцион сакрашлар» билан ҳаракат қилмаслик, сиёсатда ўзбошимчаликка йўл қўймаслик учун идрок этиб олиш керак эди. Биз мана шуларнинг ҳаммасини билиб олиш ва жиддий танқидий таҳлил асосида қайта қуриш сиёсатини ишлаб чиқиш, сўнгра эса уни асосий йўналишлардаги амалий қарорларда мужассамлаштириш учун жамиятни, унинг интеллектуал, илмий потенциалини жалб этишимиз лозим эди. Шундай қилиш керак эди. Масъулиятни ҳис этиб, шундай қилиш лозим эди. Шу тариқа биз қайта қуриш сиёсатини таклиф этдикки, бундан бошқа сиёсат йўқ. **(Қарсаклар).** Шунинг ўзиёқ партиянинг ўтган босқичдаги катта ютуғи бўлди.

Биз ҳам ўртоқ Ельцин каби халқимизни безовта қилаётган амалий вазифаларни ҳал этиш тўғрисида жон куйдирмоқдамиз. Зотан ўйлайманки, бу ерда янграган нутқлар, айниқса ишчилар синфи вакилларининг нутқлари меҳнаткашлар ушбу масалаларнинг тезроқ ҳал этилишига умид қилаётганликларини кўрсатди.

Ўртоқ Ельцин Марказий Комитетнинг Тезисларига нисбатан ҳам нима учун танқидий муносабатини билдирганлигини, бу Тезисларнинг асосли ва ўйлаб тузилганлигини шубҳа остига қўйганлигини билмайман. Бу ҳужжат партияда ҳам, мамлакатда ҳам, жаҳонда ҳам ғоят жиддий ҳужжат, деб қабул қилинди. Унинг гўё Тезисларни тайёрлашда Марказий Комитет аъзолари қатнашмадилар, деган даъвосини ҳам тушуниб бўлмайди. Мен шахсан Марказий Комитет аъзоларининг учдан икки қисми билан учрашдим, уларнинг ёзганлари, сўзга чиқиб, ўз фикрмулоҳазаларини билдирганликлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ниҳоят, Пленум бўлиб, унда Тезисларнинг лойиҳаси муҳокама қилинди, ўртоқ Ельцин унинг ишида қатнашди, аммо ҳеч нарса демади, сўз берилишини сўрамади. Бу ерда Марказий Комитет аъзолари ўтиришибди, ўшанда қандай бўлганлиги уларнинг ёдида.

Бизнинг бугунги конференциямиз, мунозараларнинг бутун характери, қабул қилинган ҳужжатлар — мамлакатда қайта қуриш давом этиб, кучга тўлиб бораётганлигининг энг ишонтирарли исботи деб ўйлайман, ўртоқлар.

Марказий Комитетда ва Сиёсий бюрода содир бўлаётган ишларнинг ҳаммасини инсонга хос тарзда билиб олишга уриниб (ахир, бу биринчи навбатда Бош секретарга дахлдорда), масаланинг тарихига қайтмасдан иложим йўқ. Биз ўртоқ Ельцинни Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретарлигига тавсия этганимизда пойтахт партия ташкилотидаги иш жиддий яхшиланиши зарур ва Москвадаги вазиятнинг ўзини соғломлаштириш талаб этилмоқда, деган фикрга асосланган эдик. Тажрибали, серғайрат, танқидий ёндаша оладиган инсон керак эди. Биз ўртоқ Ельцинда шундай фазилатларни кўргандик, айни шу нарса уни бу лавозимга кўтариш учун асос бўлиб хизмат қилган эди. Қаминангиз ҳам бу ишга бош қўшганди. Дастлабки пайтларда ўртоқ Ельцин ишга фаол қўшилиб, уни жонлантириш учун кўп иш қилди, Москвада йиғилиб қолган салбий ҳодисаларга қарши курашни авж олдириб юборди. Биз Москва партия ташкилоти олдида қийин вазифалар турганлигини англаб, у сарфлаётган куч-ғайратларни қўллабқувватладик, аммо қайсидир бир босқичда қандайдир номақбул иш содир бўлаётганлигини сезиб қолдик. Қайта қуриш муаммоларини амалда ҳал этиш, уни турмушнинг барча соҳаларига татбиқ қилиш пайти келганида, туб ўзгартишларни кўзда тутган қизғин ва чуқур ишлар талаб қилинган пайтда шу нарса бошланди. Умуман шаҳар комитетининг ҳам, унинг биринчи секретарининг ҳам бунга қурби етмади. Ўртоқ Ельцин партия ташкилотига, одамларга, коллективларга таяниш ўрнига бақириқ-чақириқлар, буйруқбозлик усуллари билан иш тута бошлади. Шундан сўнг кадрлар тўхтовсиз алмаштириладиган бўлиб қолди.

Биз аввалига бу иш асосли бўлса керак, мўлжалдаги ўртоқлар танлаб олинмагандир, шаҳарда бўлиб ўтган конференция кадрлар масаласини тўғри ҳал қила олмаган бўлса керак, деб ўйлагандик. Эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам. Янги вазифаларни ҳал этишга, шаҳарни ва мамлакатни ривожлантиришнинг мана шу бурилиш босқичида партия ташкилотига раҳбарликни ўз зиммасига олишга ҳамма ҳам қодир бўлавермади. Лекин у кадрларни иккинчи ва учинчи мартадан

алмаштира бошлаганида бу бизни безовта қилиб қўйди. Мен Сиёсий бюрода ўрток Ельцинга танбеҳ бердим. Борис Николаевич ўзи учун хулоса чиқариб олиши, буни ишда эътиборга олиши керак, деб ўртоқларча айтдим. Бошқача қилиб айтганда, бу ёрдамдан бошқа нарса эмас эди.

Сиёсий ходим сифатида ўрток Ельциннинг фожиаси нимада, деб ўйлайман? Амалий ишларни ҳал этиш лозим бўлган босқичда унинг кучи етмай қолди ва у баландпарвоз гап-сўзларга, маъмуриятчиликка берилиб кетди. Аммо ўшанда ҳам (бу ҳақда ҳамма билиши керак, биз бу масалани охиригача аниқлаб олишимиз лозим) Сиёсий бюро ўрток Ельцинни тамом бўлган киши, бундан буён ишлай олмайди, деб ҳисоблагани йўқ. Биз уни қўллаб-кувватлайвердик, Москвага доир катта-катта қарорлар қабул қилинди, мен бу ҳақда Москва шаҳар партия комитетининг пленумида гапирган эдим.

Мен 1987 йилнинг августида отпускада бўлганимда ўрток Ельциннинг шахсий хатини олдим, хатда у ўзини шаҳар партия комитетининг биринчи секретари лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги масалани қўйган экан. Мен шошмаслик, бу масалани эътибор билан ўрганиб чиқиш зарур, деб ҳисобладим, ҳатто Сиёсий бюродагилар ҳам шу хатнинг мавжудлигини билишгани йўқ эди. Отпускадан кейин Борис Николаевич билан суҳбатлашишга қарор қилдим ва Октябрнинг 70 йиллигига доир тадбирларни ўтказишни, сўнгра эса учрашиб, гаплашиб олишни унга таклиф қилдим. У бунга рози бўлди, аммо келишиб олинганига хилоф равишда Марказий Комитетнинг октябрь Пленумида кутилмаганда сўзга чиқди. Унинг нутқи мазмуни тўғрисида гапириб ўтган эдим, менинг Москва шаҳар партия комитети пленумидаги нутқим эълон қилинди, мен ўшанда бошқа ҳеч нарса демаган эдим. Ўрток Ельцин муҳокамадан сўнг ва ўртоқлар билдирган фикр ва мулоҳазалардан кейин ўз хатоларини тан олди.

Пленум стенографиясидан парча келтираман — бу мажлиснинг охирида, ҳамма сўзга чиқиб бўлгандан кейинги гаплар эди.

«**Горбачев.** Айтчи, сен Марказий Комитетдаги ўртоқларингнинг фикр-мулоҳазалари ва насиҳатларига қандай муносабатда бўляпсан. Улар сенинг ҳақингда кўп нарсаларни айтишди ва сен нимани ўйлаётганингни билишлари керак. Қарорни улар қабул қилишадику.

Ельцин. Айрим иборалардан ташқари умуман берилган баҳога қўшиламан. Мен бугун сўзга чиқиб Марказий Комитетга ва Москва шаҳар ташкилотига панд берганлигим — хатодир.

Горбачев. Бундан буён ишни олиб боришга қурбинг етадими?

Овозлар. У эплай олмайди. Бундай лавозимда қолдириб бўлмайди.

Горбачев. Шошманглар, шошманглар, ахир мен унга савол беряпманку Келинг ишга демократик ёндашайлик. Ахир қарор қабул қилишдан олдин жавоб ҳаммамиз учун кераккУ.

Ельцин. Мен партия Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, Москва партия ташкилотига панд берганлигимни айтдим... айтган гапимни такрорлайман: «Сиёсий бюро аъзолигига кандидатликдан ҳам, Москва шаҳар партия ташкилотига раҳбарликдан ҳам озод қилишингизни сўрайман».

Фактлар мана шулардан иборат. Ўрток Ельциннинг нутқи сиёсий хато деб топилганидан кейин (буни унинг ўзи ҳам эътироф этди), мен шундай бўлсада Марказий Комитет аъзоларидан: келинг, уни Сиёсий бюро аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳозир ҳал этмайлик, шу масалани кўриб чиқишни Сиёсий бюрога топширайлик, деб илтимос қилдим. Аммо, вазият энди шундай авж олиб кетгандики, ишни бу аҳволда қолдириб бўлмасди. Биз Москва шаҳар комитетининг пленумида ҳамма гапни айтдик, пленумда эса, ўртоқлар ўзларингиз билганингиздек, ўрток Ельциннинг иши тўғрисида анча ўткир қилиб гапирдилар.

Умуман, ўртоқлар, бу нарса ўрток Ельцин учунгина сабоқ бўлиб қолмай, бу Сиёсий бюро учун ҳам, Марказий Комитет Бош секретари учун, ҳаммамиз учун ҳам сабоқ, деб ўйлайман. Биз партиямизни ленинча принциплар асосида, кенг демократиялаш, бошланғич партия ташкилотларига, кадрларга, сайлаб қўйиладиган активларга таяниш асосида қатъиян қайта тиклаш йўлидан сабот билан боришимиз лозим. Биз партиягина эмас, балки бутун жамият, давр нинг ўзи

қоралаган эскича усулларни қўлланиб, ўз олдимизга қўйган буюк қайта қуриш вазифаларини ҳал эта олмаймиз. **(Қарсаклар).**

Яна бир сабоқ. Ўртоқлар конференцияда тўғри фикр билдирдилар: хабардор қилиш, ҳамма гапни айтиш керак эди, ўшанда жараён содир бўлган воқеадан авж олиб кетмаган бўлур эди **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар, ҳозир делегатларни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтираётган масалага яна бир бор қайтаман (мен буни нутқлардан ҳам, хатлардан ҳам сезиб турибман); бу — ўзимиз қабул қилган қарорлар рўёбга чиқарилишини қандай қилиб таъминлаш масаласидир. Келинг, бутун партия турмушини, съезд буларнинг ҳаммасини Уставга киритишини кутиб турмай, конференция резолюцияларига мувофиқ тарзда қурайлик. Конференциянинг сиёсий йўл-йўриқлари бор, ана шуларга амал қилаверамиз. Бу биринчиси.

Энди иккинчиси. Келинг, умуман сиёсий система ислоҳотини орқага сурмайлик, қайта қуриш жараёнини олға силжитиш учун шундай ислоҳот зарур. Бу жараён ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд сиёсий системага келиб тақалмоқда. Марказий Комитетнинг январь Пленумида содир бўлган ишнинг такрорланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Январь Пленуми мамлакатда ва партияда рўй берган ҳодисалар чуқур таҳлил этилган, уларнинг сабаблари очиб ташланган катта Пленум бўлган эди. Аммо биз Пленум қарорларини рўёбга чиқариш механизмларини ўйлаб кўрмадик ва шу қарорлар «муаллақ» бўлиб қолиб, иш биз мўлжаллагандек бормади. Партия конференциямизнинг қарорларини ҳам худди шундай қисматга учратишга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ерда ўртага қўйилган кўпгина масалаларни резолюциялар қамраб олмайди. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммасини умумлаштириб, Пленум муҳокамасига олиб чиқиш, конкрет топшириқлар бериш ва ижрони назорат остига олиш керак. Кўпгина хатларда стенографик ҳисоботни босиб чиқариш таклифи билдирилди. Биз партиямизни, бутун жамиятни конференциядаги мунозара чоғида изҳор этилган фикрлар билан қуроллантириш учун албатта шундай қилишимиз керак.

Ўртоқлар, конференция арафасида ва унинг ўзида кўтарилган яна бир масала борки, у ҳам бўлса репрессияларнинг қурбонларига ёдгорлик барпо этиш тўғрисидаги масаладир. Эҳтимол сизларнинг ёдингизда бўлса керак, партия XXII съездидаги якунловчи нутқда шу ҳақда гапирилган ва у маъқуллаб кутиб олинган эди. Бу масала партия XXVII съездида ҳам кўтарилган бўлса-да, аммо, амалда ҳал қилинмади. Докладда айтиб ўтилганидек бедодлик қурбонларига нисбатан адолатни қайта тиклаш — бизнинг сиёсий ва маънавий бурчимиздир. Келинг, Москвада ёдгорликни барпо этиб, шу бурчни адо этайлик. Бу тадбирни бутун совет халқи қўллаб-қувватлашига ишончим комил. **(Қарсаклар).**

Ўз нутқимни тамомлай туриб мен конференция олдига қўйилган масалага, яъни партиянинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида мамлакатда авж олдириб юборилган революцион қайта қуришни қандай қилиб чуқурлаштириш ва муқаррар қилиш масаласига яна бир бор қайтаман. Ишимизнинг бутун бориши, мунозара материаллари, унинг якунловчи ҳужжатлари конференция бу масалага аниқ-равшан жавоб бераётганлигини яққол кўрсатиб турибди: биз демократиялаш, иқтисодий ислоҳот ва сиёсий системани ўзгартириш орқали қайта қуришни муқаррар қиламиз; биз революцион қайта қуриш орқали жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, социализмнинг янги, инсонпарвар ва демократик қиёфасига эришамиз. Биз бундан буён ҳам олға бораверамиз, демократия ва ошкоралик шароитида шу мақсадга эришиш йўллари ҳамда усулларини ижодий излайверамиз, ўз олдимизга қўйилган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш соҳасида зўр бериб ишлайверамиз. **(Қарсаклар).**

М. С. Горбачев резолюция текстини ўқиб беради, бу резолюция бир овоздан қабул қилинади. У делегатларга юксак зафарлар ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қарорда КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси мамлакат тақдири учун улкан тарихий аҳамиятга молик катта воқеа бўлганлиги таъкидланади. Конференция янги сиёсий муҳитни, партия, бутун совет жамияти КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейинги даврда эришган демократиянинг янги даражасини ифода этди. КПСС Марказий Комитетининг Тезислари асосида умумпартиявий, умумхалқ муҳокамаси ўтказилган барча туб масалалар юзасидан программавий сиёсий позиция ишлаб чиқилди. Конференция қайта қуришни чуқурлаштириш ва унинг муқаррарлиги гарантиясини қандай қилиб таъминлаш керак, деган саволга аниқ жавоб берди, жамият сиёсий авангарди бўлган партиянинг ролини мустаҳкамлашга доир аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Конференцияда қайта қуриш ҳар бир оиланинг кундалик турмушига реал самара келтирган тақдирдагина аҳоли назарида чинакам қийматга эга бўлиши уқтирилди. Энг қийин масалалардан бири — озиқ-овқат масаласини тезроқ ҳал қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигидаги турғунлик учун танқид қилинди. Республикада аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш даражаси ҳамон умумиттифоқ даражасидан анча орқада қолмоқда. Гўшт-сут маҳсулотлари, мева ва сабзавот билан таъминлашдаги узилишлар, бозорда нарх-навонинг қимматлиги хусусида меҳнаткашлардан марказий ва маҳаллий органларга жуда кўп эътирозлар тушмоқда.

Марказий Комитет Бюроси юз берган бундай вазиятда асосий куч-ғайратларни озиқ-овқат проблемасини ҳал қилишга сафарбар этишни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни сира кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифа қилиб қўйишни зарур, деб ҳисоблайди, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. А. Антонов, И. Ҳ. Жўрабеков ўртоқларга тегишли республика ва маҳаллий органлар, илмий муассасалар иштирокида пудрат ва ижаранинг хилма-хил формаларини ривожлантириш, кооперативлар тармоғини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишни яхшилаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда аҳолини бундай маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар қандай амалга оширилаётганлигини ҳар куни контрол қилиб бориш топширилсин.

Республика партия, совет ва хўжалик органлари ўрим-йиғим кампаниясини муваффақиятли ўтказиш озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишнинг энг муҳим омили эканлигини кўзда тутиб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини қисқа муддатларда ва сира нобуд қилмай йиғиштириб олишни таъминласинлар.

Шу йил август ойи охирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми чақирилиб, унда Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинсин. Пленумга материалларни тайёрлаш В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. И. Огарок, И. Ҳ. Жўрабеков, И. И. Искандаров ўртоқларга топширилсин.

Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай халқ учун товарлар ишлаб чиқариш, хилини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ишида туб бурилиш бўлмади. Кўпгина партия, совет органлари, хўжалик ташкилотлари сусткашлик ва сиёсий калтабинлик қилмоқдалар. Марказий Комитет Бюроси бу соҳада юз берган аҳволни ҳисобга олиб, А. С. Икромов, В. И. Огарок ва А. Р. Отажонов ўртоқларга тегишли республика ва область органлари раҳбарларини жалб этган ҳолда бу аҳволни

дарҳол кўриб чиқиб, халқ истеъмоли молларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар комплексини белгилаб чиқишни, бунинг учун маҳаллий ресурслардан, кооператив ҳаракати ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни топширди. Бу соҳадаги тарқоқ тадбирлар ва планлар бир бутун қилиб тўпланиб, ягона программа тузилсин ва унинг бажарилиши қаттиқ контрол қилиниши таъминлансин.

Туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш муносабати билан конференцияда ўртага қўйилган масалаларга алоҳида эътибор берилсин. Республикада туб иқтисодий ислоҳот жуда секин бормоқда, халқ хўжалиги кўп жиҳатдан экстенсив йўлдан ривожланмоқда. Миллий даромадни кўпайтириш ва ресурсларни тежаш, фан-техника ютуқларини жорий этиш планлари бажарилмай қолмоқда. Ғ. Ҳ. Қодиров, И. И. Искандаров ўртоқлар янги иқтисодий механизмни шакллантиришни ниҳоясига етказсинлар. Министрликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик бартараф этилсин. Энг яхши пировард натижалардан одамларнинг манфаатдорлиги кескин кучайтирилсин.

Капитал қурилишдаги аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Асосий фондларни ва янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш плани барбод бўлмоқда. Энг аввало кооператив уй-жой қурилиши ва якка тартибда уй-жой қуришдаги қолоқлик ҳисобига уй-жой программасини бажариш таъминланмаяпти. Қурилиш индустрияси моддий-техника базасининг қолоқлиги ҳам социал ва ишлаб чиқариш программаси амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

В. Н. Лобко, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, И. И. Искандаров, Т. Я. Шарипов ўртоқлар 1989—1990 йиллар капитал қурилиш ҳажмини яна бир бор диққат билан ўрганиб чиқиб, айниқса қишлоқда уй-жой ва социал соҳа объектлари қурилишини кўпайтириш, шунингдек, қурилиш комплекси моддий-техника базасини жадал ривожлантириш учун маблағ ва маҳаллий ресурсларни ажратишнинг қўшимча имкониятларини қидириб топсинлар.

Уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар транспорти ишидаги катта камчиликлар, айниқса, иссиқлик ва сув таъминотидаги узилишлар, уй-жойлар ремонти ва уларни техникавий жиҳатдан сақлаш сифати пастлиги, автобуслар, троллейбуслар ва трамвайлар ҳаракати графиклари мунтазам бузилаётганлигидан меҳнаткашларнинг шикоятлари ва эътирозлари давом этмоқда.

Ўртоқ В. Н. Лобкога, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Д. С. Ёдгоровга, область ижроия комитетларининг раисларига, Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри В. К. Михайловга, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ш. Р. Мирсаидовга уй-жой-коммунал хўжалигидаги нуқсонларни шошилинч тарзда бартараф этиб уни 1988—1989 йиллар куз-қиш даврида нормал ишлашига сира кечиктирмай тайёрлашни ташкил этиш топширилсин. Меҳнаткашларнинг коммунал ва транспорт хизматига доир барча хатлари, шикоятлари ва аризалари бир ой ичида кўриб чиқилиб, ана шу тармоқлар ишини тубдан яхшилаш чоралари амалга оширилсин.

Партия комитетлари савдо-сотиқни ва хизмат соҳасини ташкил этиш билан етарлича чуқур ва қатъият билан шуғулланмаяптилар, кўп ҳолларда юзаки иш олиб бормоқдалар. Айрим регионларда етарли турдаги товарларни реализация қилишда ҳамон узилишларга йўл қўйилмоқда. Савдо айрим товарларга талабнинг ўзгаришига оператив равишда эътибор бера билмайди. Яқинда Тошкентда туз, гугурт, совун харид қилиш васвасаси пайдо бўлганлиги баъзи совет ва хўжалик раҳбарларининг юзага келган муаммолар олдидаги ожизликларини намоён қилди.

Республика машинасозлик ва агросаноат комплексларининг, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналарининг аҳолига пулли хизматларни ривожлантиришдаги моддий-техника потенциалини шу пайтгача тўла-тўкис ишга туширишга муваффақ бўлинмаяпти. Аҳоли соғлиқни сақлаш хизматларини оқилона нормаларга қараганда 8 баравар, маиший хизматларни 5 баравар, маданият хизматларини 2,4 баравар кам олмоқда. Пойабзал, мураккаб рўзғор техникаси ремонти, химиявий тозалаш хизматлари эришиш қийин хизматлар бўлиб қолаётир. Буларнинг ҳаммаси навбатлар пайдо бўлишига, аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Республикадаги 2 мингдан кўпроқ аҳоли пунктида доимий савдо корхоналари, 1500 та аҳоли пунктида маиший хизмат объектлари йўқ, ательелар, устахоналар, маиший хизмат қабул пунктларининг учдан бир қисми мослаштирилган

биноларга жойлаштирилган. Шунга қарамай, маҳкамачилик ёндашувлари сабабли, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари йўл қўйиб беришлари туфайли маиший хизмат объектларини маъмурий идораларга топшириш давом этмоқда.

Ўрток В. П. Анишчевга Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» билан биргаликда савдо-сотиқда тартиб ўрнатиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш топширилсин. Савдо тармоқларини кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилсин, етарли турдаги товарлар билан савдони узлуксиз таъминлаш ва уларни ўз вақтида келтириб туриш имкониятлари излансин, етарли турдаги товарларни харид қилиш учун навбатларни тугатишда савдо корхоналарининг меҳнат коллективлари ўртасида зарур ишлар яхши йўлга қўйилсин. Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари партия ва совет органларида кўриб чиқилсин.

М. Ҳ. Холмуҳамедов ва С. У. Султонова ўртоқларга социал таъминот, энг аввало соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи муассасаларининг фаолиятини тубдан яхшилашга доир биринчи навбатдаги тадбирлар комплексини кўриб чиқиб амалга ошириш топширилсин. Республикадаги барча умумий таълим мактабларини янги ўқув йилигача тартибга келтириш соҳасидаги ишлар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комиссияси ва Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети комсомол, касаба союз ташкилотлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда партиянинг КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган социал сиёсатини амалга ошириш устидан мунтазам контролни йўлга қўйсинлар. Фонддаги саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашда ва уларни реализация қилишда қатъий тартиб таъминланиши учун, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига маиший, коммунал хизмат ва бошқа хизматлар кўрсатиш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун партия, совет ва хўжалик органлари ҳамда уларнинг раҳбарларига нисбатан шахсий талабчанлик кучайтирилсин.

Ўрток В. П. Догонкинга ва область партия комитетларининг биринчи секретарларига бошланғич партия ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективларида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегатларининг фаол ишлашларини авж олдириб, конференция якунларини ва қабул қилинган қарорларни ҳар бир коммунистга, республиканинг ҳар бир аҳолисига етказиш топширилсин. Шу мақсадда йиғилишлар ўтказилсин, конференция делегатларининг меҳнаткашлар билан учрашувлари, суҳбатлари, уларнинг республика ва область газеталари саҳифаларида мақолалари, телевидение ва радиода сўзга чиқишлари уюштирилсин.

Ўрток М. Ҳ. Холмуҳамедов партия конференцияси материалларини кенг пропаганда қилишни оператив равишда ташкил этсин, бу ишда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан, лекторлар ва агитация-оммавий ишнинг активларидан, жамоат ташкилотларидан, хусусан маданият, адабиёт ва санъат арбобларидан, ижодий союзларнинг аъзоларидан фойдалансин. Конференция ҳужжатларини пропаганда қилиш ва тушунтириш ишлари республика иқтисодий, социал ва сиёсий турмушининг энг муҳим муаммолари билан боғлаб олиб борилсин.

Ўзбекистон Компартияси МК шуни таъкидлайдики, область партия комитетлари, партия ташкилотлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, совет, давлат органлари, жамоат ташкилотлари йўл-йўриқларни кутиб турмай, ҳозирнинг ўзидаёқ халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ қарорларни фаол рўёбга чиқара бошлашлари керак.

Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари коммунистларнинг меҳнат ғайратини ва ижтимоий сиёсий активлигини оширишга, уларнинг қайта қуриш учун курашдаги авангардлик ролини кучайтиришга қаратилсин. КПССнинг ҳар бир аъзоси амалда партиянинг сиёсий жангчиси, жамиятни революцион тарзда ўзгартириш борасида белгиланган программани рўёбга чиқаришда омманинг ташкилотчиси бўлишига эришилсин.

Ушбу қарор қандай бажарилаётганлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретариатида ҳар ойда кўриб чиқилсин. Контрол қилиш вазифаси Марказий Комитетнинг иккинчи секретари ўрток В. П. Анишчев, Ташкилий-партиявий ишлар бўлими ва Партия контроли комиссияси зиммасига юклансин.

БИР-БИРИНИ БОЙИТА БОРИБ

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ бундан кейинги олға ҳаракати кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциалидан рационал фойдаланишга боғлиқдир. Шу муносабат билан социал-маданий жараёнларнинг мазмуни, характери ва аҳамиятини, мамлакатимиз маънавий ҳаётидаги миллий ва интернационал жиҳатларнинг ўзаро нисбатини ўрганиш Коммунистик партия ва Совет давлати маданий сиёсатининг илмий асосларини ишлаб чиқишда, инсон омилини активлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Тақриз қилинаётган китоблар* анализи шуни кўрсатадики, миллий маданиятларнинг яқинлашиши, бир-бирини бойитиши, бир-бирига таъсирини тадқиқ этиш совет кишиларини интернационал руҳда тарбиялаш учун, СССРдаги барча миллат ва элатлар дўстлиги ва маънавий бирлигини мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнаткашлар жипслиги ва бирдамлиги ғоялари билан йўғрилган социалистик маданият, шу жумладан, бадиий маданият социализмнинг гуманистик, интернационалистик табиатини акс эттиради. Шу сабабли интернационал негиз умуман социалистик маданиятни тушуниш ва анализ қилишда асосий негиз ҳисобланади. Айни шу жиҳат, «Интернационализация национальных культур» китобининг авторлари таъкидлаганларидек, интернационал ва миллий жиҳатларнинг бир-бирига сингишининг мураккаб, зиддиятли механизмида етакчи ва система ҳосил қилувчи жиҳат бўлиб чиқади (9—10-бетларга қаралсин). Бу эса интернационал маданият *«ҳар бир* миллий маданиятдан унинг *фақат* изчил демократик ва социалистик элементларинигина олади» (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 355-бет) деган ленинча қоидага мувофиқ келади.

Ўзбек халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар маданиятларининг бир-бирини бойитиши ва яқинлашиши жараёнини марксча-ленинча позицияларда туриб тадқиқ қила бориб, авторлар социализм шароитида интернационал хислатларнинг кучайиши ва кенгайиши миллий маданиятлар ривожланишининг умумий йўналишини ташкил этишини кўрсатадилар. Бунинг устига улар ичидан ижтимоий тараққиётнинг эҳтиёжлари билан чуқур боғланганларигина ҳақиқий интернационал хусусият касб этади.

СССР халқлари ўртасида маънавий алоқаларнинг турли кўринишлари мавжуд — булар декада ва ҳафталиклар, адабиёт, санъат, маданият кунлари, бадиий коллективларнинг ўзаро гастроллари, санъат турлари фестиваллари ва ҳоказолар бўлиб, миллий маданиятларни интернационаллаш ва яқинлаштиришни жадаллаштиришнинг муҳим воситалари бўлиб хизмат қилади. Ана шу жараёнда авторлар рус тилига - совет халқи сиёсий, иқтисодий ва маънавий бирлигининг қудратли омилига муҳим роль ажратадилар. Айни вақтда улар миллатлараро алоқа тили аҳамиятининг ўсиб бориши зинҳор миллий тилларнинг йўқолишига олиб келмаслигини таъкидлайдилар. Рус тили, авторларнинг фикрича, этник бирликларнинг тили ўрнини эгалламайди ва уларнинг ўрнини босмайди, балки улар билан ўзаро таъсир қилиб, уларни ҳам, ўзини ҳам бойитган ҳолда ривожланади. Бу ҳол мамлакатимиздаги тил сиёсатининг етакчи принципларидан бири бўлган миллий-рус икки тиллиги асосини ташкил этадики, уни реал равишда амалга ошириш барча миллат ва элатларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлилиги шароитидагина мумкиндир. СССР халқлари ҳаётида икки тиллилик ва кўп тиллиликнинг ихтиёрий равишда қабул қилинишининг ўзиёқ улар маданиятларида интернационал ва миллий жиҳатларнинг уйғун ҳолда қўшилишини тақозо этади, кўпгина миллий ва миллатлараро проблемаларни ҳал этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Кейинги йиллар практикаси, шунингдек, шу практика асосида ҳозир чиқарилаётган назарий хулосалар бундай фикрнинг тўғрилигини жуда ишонарли қилиб кўрсатяпти.

---

* Х. Г. Расулов, С. А. Атамурадов. Интернационализация национальных культур. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 95 с.

Б. С. Урдашев. Взаимообогащение социалистических национальных культур: теория и практика. Ташкент, «Фан», 1986, 80 с.

Миллий маданиятларни интернационаллаштириш ривожланаётган социализм босқичида бирлаштирувчи тенденция сифатида сабабий-оқибатли алоқага эга. Ушбу жараёндаги объективлик ва субъективлик диалектикаси ана шундан келиб чиқади. Субъектив факторларга аввало партия, совет ва жамоат ташкилотларининг совет кишиларини интернационализм ва халқларнинг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялашга қаратилган фаолияти киради. Бундаги мавжуд проблемалар тақриз қилинаётган китобларда ана шу контекстда тадқиқ қилинган.

Субъектив факторлар орасида бадиий маданият — адабиёт ва санъат намояндаларининг ижоди алоҳида роль ўйнайди. Уларнинг дўстлик ва қардошликни, турли миллат кишиларининг биргаликдаги бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи асарлари СССР халқларида ягона оила туйғусини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Авторлар бунда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ҳам жуда катта аҳамиятга эгалигини кўрсатадилар («Интернационализация национальных культур»нинг 75—84-бетларига қаралсин).

Б. С. Урдашев қараб чиқилаётган жараёнда объективлик ва субъективликнинг чатишиб кетган тугунларини «ечишга» уриниб, ўз китобида совет халқининг социал-сиёсий бирлигини — социалистик миллатлар маданиятлари яқинлашишининг белгиловчи факторларини янада мустаҳкамлашнинг ролини алоҳида таъкидлайди. «Жамият бутун аъзолари томонидан ана шу бирликнинг объектив жиҳатдан зарур жамоатчилик талаби сифатида англаниши» (20-бет) партия ва Совет давлати идеологик сиёсатининг бош йўналишларидан бири сифатида тилга олинади.

Илғор ишлаб чиқариш тажрибасини айирбошлаш, мамлакат регионлари ўртасидаги алоқалар, авторнинг фикрича, шунингдек, нафақат меҳнат самарадорлигини ошириш, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг, балки «интернационалистик дунёқарашни шакллантиришнинг, халқлар маънавий ҳаётининг ягона хусусиятларини мустаҳкамлашнинг» (21-бет) ҳам муҳим воситасидир. КПССнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатида социал ориентирланиш устун мавқеда турган ҳозирги шароитда масаланинг ана шундай қўйилиши алоҳида актуаллик касб этади. Бу эса бизнинг умуман ривожланиш жараёнида объективлик билан субъективлик ўртасидаги ўзаро таъсир ва бир-бирига ўтиш диалектикаси ҳақидаги тасаввуримизни анчагина кенгайтиради. Миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитиши каби мураккаб, кўп қиррали ҳодисаларда қаерда ва қачон объективлик тугаши ва субъективлик бошланишини аниқлаш ҳар доим ҳам осон эмас. Ушбу маррани излаш ҳақиқатан ҳам беҳуда меҳнат бўлиб кўриниши мумкин.

Миллий маданиятлар бир-бирига сингишининг субъектив факторларига инсон фаолиятининг нопрофессионал, яъни ҳаваскорлик, халқ ижоди каби соҳаси ҳам кирадики, у кўпинча қараб чиқилаётган проблемани тадқиқ қилишда эътибордан четда қолади. У миллий маданиятдаги барча прогрессив жиҳатларни бошқа миллий муҳитга, меҳнаткашлар турмушига жорий этишнинг таъсирчан воситасидир, бу ерда бойигач, сўнгра у ҳаётбахш булоқ сингари яна ҳар бир халқ маданиятига қуйилади. Б. С. Урдашев масаланинг ушбу жиҳатига етарлича аҳамият ажратган.

Маданият мураккаб социал ҳодиса сифатида, деб таъкидланади «Интернационализация национальных культур» китобида, биринчидан, моддий ва маънавий қадриятларни ишлаб чиқаришда кишиларнинг ижодий фаолиятидан, иккинчидан, уларнинг социал-иқтисодий, маънавий ва жисмоний ривожланиши даражасидан, учинчидан, кишининг табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари устидан ҳукмронлик қилиш даражасидан иборат бўлади. (39-бетга қаралсин). Социалистик миллий маданиятларнинг бир-бирига самарали таъсир кўрсатиши микёсларини баҳолаш учун аввало уларнинг сарчашмаларини аниқлаш керак. Буни ҳисобга олган авторлар ўзбек маданиятидаги халқнинг маънавий меросидан танқидий фойдаланиш мобайнида шаклланган демократик ва социалистик илдизларга мурожаат қиладилар. Ана шу негизда, деб таъкидланади китобда, ўлканинг нокапиталистик йўлдан ривожланиши билан, идеологик ва сиёсий мухолифларнинг актив қаршилик кўрсатиши билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, ўзига миллий маданиятларнинг энг яхши анъаналарини олган социалистик маданият Совет Шарқида, шу жумладан, Ўзбекистонда омма орасига дадил кириб борди. Регион халқлари тарихидаги интернационаллаштиришнинг моҳияти ва ролини оча бориб, авторлар ҳар қандай социалистик миллатнинг маданияти бошқа халқларнинг маънавий қадриятларини ўзлаштира бориб, шу билан бирга қандайдир янгилик яратади, умумий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшади деган хулосага келадилар.

Шундай қилиб, миллий маданиятларни интернационаллаштириш ва бир-бирини бойитиш жараёнини кўрсатишдек мақсадга китоблар авторлари асосан эришганлар. Лекин шуни таъкидлаш кераккки, тилга олинган асарларда моҳияти жиҳатидан бир қатор янги нуқтаи назарлар илгари суриладди, уларни эса махсус ўрганиш зарур. Уларга, хусусан, Ўрта Осиё халқлари ривожланишининг нокапиталистик йўли шароитида миллий маданиятларни интернационаллаштиришнинг спецификаси киради («Интернационализация национальных культур», 41—50-бетлар). Ушбу хусусиятни тадқиқ қилишда, бизнингча, патриархал давр ва ўрта аср рецидивларининг маданият тарақ-

қиётига салбий таъсирини ҳисобга олиш зарур. Сир эмаски, баъзи олимлар ҳозиргача нокапиталистик ривожланиш йўлини мақтайдилару капитализмнинг жаҳон цивилизациясида бирон-бир позитив роль ўйнаганлигига шубҳа билан қарайдилар.

Авторлар демократик йўналишнинг ўзбек адабиётидаги ўрни ҳақида йўл-йўлакай эслатиб ўтадилар. Аслида эса ушбу проблема чуқур ўрганишни тақозо этади, чунки бунда ҳозирги ўзбек адабиётини совет кўп миллатли адабиётининг таркибий қисмларидан бирига айлантирган система ҳосил қилувчи интернационаллик куртаклари кўзга ташланади. Ривожланаётган мамлакатлар антиимпериалистик ёш адабиётида бундай тенденция борган сари кўпроқ кучга кираётгани учун ҳам ушбу масала янада ғоят актуалдир.

Брошюрада миллий маданиятлар интернационализми — негизида бўлғуси умумжаҳон коммунистик маданияти етишиб чиқадиган жараёндир деган фикр келтирилади (75—76-бетларга қаралсин). Афсуски, ушбу фараз тегишли анализ билан мустаҳкамланмайди. Ҳолбуки дунёда ўзаро маданиятли муносабатларни қарор топтиришда маданият арбобларининг роли ошиб бориши ушбу жиҳатни батафсил тадқиқ қилишни талаб этади.

Турли миллатлар вакилларининг совхоз, колхоз, саноат корхоналари, қурилиш ва ҳоказо жойларда биргаликда ишлаши жараёнида кишиларнинг ҳаёти ва онги интернационаллашиши хусусида китобда илгари сурилган коида ғоят актуалдир. Лекин бу соҳадаги мавжуд зиддият ва қийинчиликларни аниқлаш учун мазкур коида ҳам батафсил анализ қилиниши ва тушунтириб берилиши керак эди.

Б. С. Урдашевнинг китобига қайтарканмиз, партиянинг жамиятшунослар олдига қўйган талаби, яъни давримизнинг бутун мураккаблигини, хусусан, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини тушунишда миллионлаб китобхонларга ёрдам бера оладиган асарлар яратиш хусусидаги талабини эслатиб ўтиш ўринлидир. Гап шундаки, ғализ, оғир жумлалар, ёрдамчи иборалар орасида авторнинг фикри шу қадар «йўқолиб» кетадики, уни англаб етиш ҳатто тажрибали мутахассисга ҳам осон эмас. Асар «формацион асослар», «процессуал», «характериологик», «типологик» ва ҳоказо терминлар билан тўлиб кетган.

Лекин барибир тақриз қилинаётган иккала китобни маънавий соҳадаги ҳозирги миллатлараро муносабатлардек мураккаб проблемани англаб етиш йўлидаги муваффақиятли уриниш деб баҳолаш мумкин.

Т. ЖЎРАЕВ,
философия фанлари доктори,
Тошкент алоқа электротехника институти
илмий коммунизм кафедрасининг мудири.

Л. МОРОЗОВА,
философия фанлари кандидати,
кафедра доценти.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор —32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари —32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь —32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари —32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: маркс-ча-ленинча назарияни пропаганда қилиш —32-58-65; партия ва совет қурилиши —32-58-68; экономика —32-58-71; фан ва маданият —32-58-66; халқаро ҳаёт —32-58-69; танқид ва библиография —32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 12.07.1988 й. Босишга рухсат этилди 10.08.1988 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,5. Тиражи 27089. Нашр № А-56. Заказ № 4028.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



9

СЕНТЯБРЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 9
СЕНТЯБРЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Келгуси йиллар мамлакатимиз истиқболини, совет тузуми тақдирини белгилаб беради. Биз учун ана шу истиқбол уни қандай яратсак, шундай бўлади. Уни биз ўзимиз яратамиз, биз учун ёки бизнинг ўрнимизга уни ҳеч ким яратмайди.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 29 июль куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум «XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленум қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси XIX партия конференциясининг йўл-йўриқлари асосида тайёрлаган ҳужжатларнинг лойиҳалари билан олдиндан танишиш имконияти берилган эди.

Доклад юзасидан музокараларда: Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Қозоғистон Компартияси Қустанай область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари Е. Д. Похитайло, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари И. С. Болдирев, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, Украина Компартияси Житомир область комитетининг биринчи секретари В. М. Кавун, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, СССР савдо министри К. З. Терех, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков, В. И. Ленин номидаги Кострома зиғир толали газлама комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Пономарев, СССР авиация саноати министри А. С. Сисцов, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Татарчук, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, СССР медицина ва микробиология саноати министри В. А. Биков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан Пленум қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида» ҳамда «Партия аппаратини қайта қуришнинг асосий йўналишлари ҳақида» ҳам қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар матбуотда эълон қилинади.

Пленум Марказий Комитет Сиёсий бюросининг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини рўёбга чиқаришга доир таклифларни тайёрлаш учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев раислигида КПСС Марказий Комитетининг комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифини қабул этди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Қомитети партия ва мамлакат ҳаётида катта воқеа бўлиб қолган КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қабул қилган қарорларни бажариш қайта қуриш жараёнларини, туб иқтисодийислоҳотни ва совет жамиятини демократиялашни анча жадаллаштиришга имкон беришини таъкидлайди.

КПСС Марказий Қомитетининг доклади ва конференциянинг бошқа ҳужжатлари юзасидан делегатларнинг ғоят активлиги билан ўтган музокаралар рўй-рост ва принципиал характерга эга бўлиб, халқ бахт-саодати, социализм тақдири тўғрисида катта ғамхўрлик билан йўғрилган эди. Қайта қуришга тўсқинлик қилаётган ва янгиланиш жараёнларини секинлаштираётган камчиликларни бартараф этиш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, жамият ва партия турмушини янада демократиялаш юзасидан жуда кўп таклифлар билдирилди ва киритилди. Мулоҳазалар ва амалий фикрларнинг анчагина қисми меҳнат коллективлари фаолияти, аҳоли таъминотини яхшилаш, меҳнаткашларга хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларига тааллуқлидир.

КПСС Марказий Қомитети партия ташкилотлари зиммасига асосий диққат-эътиборни конференция йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқаришга қаратиб, уларни бажариш партия, барча давлат ва жамоат ташкилотлари ишининг ўзагига айланишига, одамларни топширилган иш соҳаси учун тўла самарадорлик ва масъулият билан ҳаракат қилишга ундашига эришиш вазифасини юклади. Вужудга келаётган муаммоларни амалий ҳал қилиш, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда, камчиликларга, бюрократизм, интизомсизлик ва масъулиятсизлик кўринишларига қарши курашда янгича ёндашувларни қарор топтиришда коммунистларнинг ташаббускорлиги ва уюшқоқлиги, ҳар бир партия аъзосининг актив позицияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Барча ишларни конкрет ва қатъият билан олиб бориб, сезиларли натижаларга эришиш лозим.

2. Мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари, агросаноат комплексида иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ишлаб чиққан таклифлар маъқуллансин.

Ана шу таклифлар асосида СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

СССР Министрлар Совети XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси тавсияларига мувофиқ равишда туб иқтисодий ислоҳотни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда уни амалга ошириш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиққанлиги эътибор учун қабул қилинсин. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси маъқуллаган мазкур тадбирлар туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида бундан кейин қилинадиган ишларга асос қилиб олинсин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ўртага қўйилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш ва пулли хизмат соҳаларини тубдан қайта қуриш масалалари юзасидан СССР Министрлар Совети тақдим этган СССР ҳукумати қарорлари лойиҳаси маъқуллансин.

3. Иттифокдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда тегишли совет органларида ишлаётган коммунистлар XIX партия конференцияси қарорларини ҳисобга олиб, яқин вақт ичида партия комитетлари билан халқ депутатлари Советлари вазифаларини белгилаб бериш юзасидан амалий ҳаракатлар қилсинлар. Бунда территорияларни социал-иқтисодий ривожлантириш учун Советларнинг масъулияти оширилиши, уларнинг мустақиллиги кучайтирилиши таъминлансин. Советларни кадрлар билан мустаҳкамлашда, маҳаллий ишларга раҳбарликни ташкил этишда, партия ва давлат сиёсатини амалга оширишда ёрдам берилсин. Бундан буён партия комитетлари билан Советлар ижрочи-идора қилувчи органларининг биргаликда қарор қабул қилишига хотима берилсин, партия аппарати ходимларининг Совет органлари ваколатини амалга оширишга аралашишларининг қатъий олди олинсин.

Партия аппаратини қайта қуришнинг асосий йўналишлари маъқуллансин ва бу иш шу йилнинг охиригача амалга оширилсин.

4. Марказий Комитет Пленуми партия ташкилотларининг ишида активликни ошириш ва мустақилликни кучайтиришнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, КПСС конференциясининг партия ички муносабатларини демократиялаш, партиявий ўртоқлик, барча масалаларни эркин муҳокама қилиш, рўй-ростлик, ошкоралик, коллективизм, онгли интизом, шахсий масъулият муҳитини ҳамма жойда қарор топтириш тўғрисидаги талабларини ҳеч қандай қўшимча кўрсатма бўлишини кутмай амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Партия аъзолари бир қисмининг пассивлигини тугатишга КПСС Устави бажарилиши учун талабчанликни оғишмай оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Сайлаб қўйиладиган органлар иши тубдан ўзгартирилсин, улар партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи учун тўла жавобгар бўлишлари, қайта қуриш сиёсатини қатъият билан амалга оширишлари керак.

Пленум партияда бўлажак ҳисобот-сайлов кампаниясининг принципиал аҳамиятини таъкидлайди. Бу кампания партиянинг халқ сиёсий авангарди сифатидаги ролини ошириш, жамият турмуши барча соҳаларини туб ўзгартиришни амалга оширишга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга коммунистларни сафарбар этиш белгиси остида ўтиши даркор. Партия конференцияси руҳи, ундаги демократик муҳит ва танқидий йўналиш жойларга етиб бориши, қайта қуриш ғояларининг ҳар бир партия ташкилоти амалий ишлари билан бирлашишини, партиянинг бутун ички ҳаётини янгилашни, партия раҳбарлигини демократиялашни таъминлаши муҳимдир. КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида»ги қарори тасдиқлансин.

5. Сиёсий системани ислоҳ қилиш юзасидан ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни сира кечиктирмай амалга ошириш зарур. Шу мақсадда:

СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳалари 1988 йил октябрида тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилсин, бу сайлов 1989 йил март ойида ўтказилсин.

Шу билан бир вақтда республика ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг янги органлари 1989 йил декабрь ойида ўз ваколатларини бажаришга киришишлари учун иттифоқдош ва автоном республикаларда тегишли ишлар ташкил этилсин. СССР Конституциясини ўзгартириш тўғрисида ва сайлов тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг XIX партия конференциясига доклади, конференция қабул қилган резолюциялар, шунингдек, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мазкур Пленумдаги докладида баён қилинган қоидалар асос қилиб олинсин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари муносабати билан давлат ҳокимияти ва суд органлари структураси ҳамда фаолиятини такомиллаштириш вазифалари тўғрисидаги масала КПСС Марказий Комитети номидан СССР Олий Советининг яқинда бўладиган сессияси муҳокамасига киритилсин. Сессияда муҳокама қилиш учун СССР Конституциясига сиёсий системани ислоҳ қилиш ва мавжуд сайлов системасини янгилаш ҳамда судлар фаолиятини қайта қуриш

билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун актлари, лойиҳалари ва таклифлари тақдим этилсин.

Конференция қарорларига мувофиқ СССР Олий Советини сайлаш ҳамда ўз зиммасидаги Умумиттифоқ давлат органларини тузишга доир бошқа масалаларни ҳал қилиш учун 1989 йил апрель ойида СССР халқ депутатлари съездини чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Сўнгра СССР Олий Советида ёшлар тўғрисида, касаба союзларининг ҳуқуқлари ҳақида, кўнгилли жамиятлар, ижтимоий ташаббускор органлар ва бошқа ташаббускор бирлашмалар тўғрисида, матбуот ҳақида Қонун лойиҳалари, сиёсий системани ислоҳ қилишдан келиб чиқадиган бошқа Қонун актларини тайёрлаш ишлари авж олдириб юборилсин.

Советларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва моддий-молиявий базасини тубдан мустаҳкамлаш мақсадида 1989 йилда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тайёрлансин, ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи маҳсулотлар билан таъминлаш, регионал манфаатларни умумдавлат манфаатлари билан қўшиб олиб бориш, маҳаллий Советларнинг корхоналар ва колхозлар, меҳнат коллективлари кенгашлари ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларини кучайтириш принциплари бу Қонун лойиҳасига асос қилиб олинсин. Мазкур қонун лойиҳаси жамоатчилик кенг муҳокамасига тақдим этилсин.

XIX партия конференциясининг бошқарув органлари ишини контрол қилишни кучайтириш, бюрократизмга қарши кураш, ошкораликни ривожлантириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини тўла-тўкис амалга ошириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ барча даражадаги Советлар фаолиятида демократизм кўпроқ бўлишига, депутатларнинг, доимий комиссиялар ва депутатлар группаларининг роли ортиб боришига эришилсин.

6. Миллатлараро муносабатлар соҳасида бутун диққат-эътибор айрим регионларни ривожлантиришдаги турғунлик ҳолатларини, миллатлар ва элатлар социал-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларига етарли баҳо бермасликни бартараф этишга қаратилсин, миллатчилик ва шовинизм эҳтиросларини авж олдираётган қайта қуришга қарши кучларга қаттиқ қарши кураш олиб борилсин. Миллатлараро муносабатларнинг XIX партия конференциясида кўзда тутилган ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилсин, ғоявий ва сиёсий ишлар кучайтирилсин, социалистик интернационализм қатъият билан қарор топтирилсин.

Марказий Комитет Сиёсий бюросига иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, тегишли ўлка ва область партия комитетлари, илмий муассасалар билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Пленумида кўриб чиқиш учун СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига доир зарур материалларни 1989 йил бошига қадар тайёрлаш топширилсин.

7. 1989 йил ўртасига қадар суд ислоҳоти, прокуратура, арбитраж, тергов органлари, адвокатура, халқ хўжалигидаги юридик хизмат фаолиятини қайта қуриш, жиноий қонунларни такомиллаштириш ишлари амалга оширилсин. Ҳуқуқий тарбия ва юридик умумий таълим кенг авж олдирилсин. Бу чора-тадбирлар кенг ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш, совет социалистик ҳуқуқий давлат негизларини мустаҳкамлаш йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблансин.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Устави ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига мувофиқ шу йилнинг охиригача бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар, округ, область ва ўлка партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси конференцияда қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий система ислоҳотини амал-

га ошириш, жамият ва партия турмушини янада демократиялаш юзасидан ишлаб чиқилган йўл-йўриқларни амалда рўёбга чиқаришда муҳим босқич бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Мазкур кампания партия оммасини активлаштиришга, партия ташкилотлари ва комитетларининг роли ва масъулиятини оширишга, улар фаолиятида раҳбарликнинг сиёсий методларини қарор топтиришга ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Конференциянинг ўз моҳиятига кўра, революцион, демократик муҳити, ушбу анжуманда авж олиб кетган мунозараларнинг амалий руҳи, рўйростлиги ва ўткирлиги, камчиликларга муросасизлик, янгиланиш жараёнини муқаррар қилиш йўллари ва воситаларини ижодий қидириш партия йиғилишлари ва конференцияларининг бутун ишига сингиб кетиши керак.

2. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ҳисобот-сайлов кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш, уни юксак ғоявий-сиёсий ва ташкилий даражада, халқнинг сиёсий авангарди сифатида партиянинг ролини ошириш, коммунистларни жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишга, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга сафарбар этиш белгиси остида ўтказиш вазифаси юклансин.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида партия XXVII съезди қарорлари бажарилишининг боришини, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишнинг аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, партия ташкилотлари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари фаолиятининг услуб ва методларини баҳолашга ўз-ўзини танқид ва принципиаллик билан ёндашиш, коммунистларнинг куч-ғайратини КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида илгари сурилган вазифаларни рўёбга чиқаришнинг амалий ишларига йўналтириш зарур.

Бошланғич партия ташкилотларини бундан буён ҳам ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини ошириш, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларидаги коммунистларнинг фаолиятини яхшилаш, кадрларни танлаш, кўтариш ва тарбиялашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Иқтисодий ислоҳотнинг бориши, янги хўжалик механизмини жорий этиш, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларини қарор топтириш, ишлаб чиқаришда социалистик ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш масалалари чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилинсин.

Ҳисобот ва сайлов жараёнида озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал этишнинг йўллари батафсил кўриб чиқилсин, бунинг учун ҳар бир регионда, ҳар бир меҳнат коллективида амалда нималар қилиш зарурлиги аниқ-пухта белгилансин. Пудрат, ижара, кооперациянинг турли формаларини ривожлантириш негизида колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқилсин. Бошқа энг муҳим вазифаларни, яъни бозорда юқори сифатли халқ истеъмоли товарларини мўл-кўл қилиш, уй-жой ва социал-маданий қурилиш ҳажмларини кўпайтириш, савдо ва бутун хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш, ўрта ва олий мактаб ислоҳотини ўтказиш, меҳнаткашларнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондириш масалаларини муҳокама қилишга амалий ёндашиш муҳимдир.

Совет кишиларини, айниқса ёшларни ғоявий, интернационал чиниқтириш, ишга виждонан, ижодий ёндашиш, жамият олдидаги бурчни чуқур англаш, масъулиятсизлик ва бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни тарбиялаш масалалари ҳар бир партия ташкилотининг диққат марказида туриши керак.

3. Ҳисобот-сайлов кампанияси партиянинг бутун ички турмушини янада демократиялаш, партия ташкилотларида ижодий мунозаралар, фикр-мулоҳазалар эркинлиги, кенг кўламдаги танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятини вужудга келтиришга, коммунистларнинг ташаббускорлиги, шахсий масъулияти ва онгли интизомини оширишга имкони борича кўпроқ ёрдам бериши керак.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига амал қилиб, ҳамма жойда номзодларнинг кенг кўламда муҳокама қилиниши ва партия комитетларининг аъзолари ва секретарлари сайланаётганида яширин овоз берилиши,

сайлов бюллетенларига мандатлардагига нисбатан кўпроқ номзодларнинг киритилиши учун тўла имконият таъминлансин, партия ташкилотларининг юқори партия органи составига номзодлар таклиф этиш ҳуқуқи амалга оширилсин, бунда узил-кесил ҳал қилиш тегишли конференция делегатлари ихтиёрида бўлиши назарда тутилсин.

Сайловни шундай ўтказиш муҳимки, раҳбар партия органларига ҳақиқатан ҳам серғайрат, ташаббускор, обрўли, сўзда эмас, балки амалда қайта қуришни олға силжитишга, омма ўртасида ишни омилкорлик билан олиб боришга, реал амалий натижаларга эришишга қодир бўлган кишилар кирсин. Ҳисобот-сайлов кампаниясидан партия кадрлари составини янги кучлар билан тўлдириш, партия раҳбарлигининг турли бўғинларини сиёсий етук, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган билимдон ходимлар билан мустаҳкамлаш учун фойдаланилсин.

КПСС Марказий Комитети Пленуми XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қабул қилинган партия органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимда бўлишни икки беш йиллик муддат билан чеклаш тўғрисидаги қоидани амалда жорий этиш зарур, деб ҳисоблайди, муддатни ҳисоблаш ушбу ҳисобот-сайлов кампаниясидан бошланиши керак. Шу билан бирга коммунистларнинг ҳар бир раҳбар тўғрисидаги масалани, у ана шу лавозимда қанча вақт ишлаганлигидан қатъи назар кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқлари бор, бунда улар мазкур раҳбар ўзига топширилган вазифаларни қандай бажараётганлигига ва ишни сифат жиҳатдан яхшилашга қодир ёки қодир эмаслигига эътибор берадилар.

4. Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайлов кенг ошкоралик вазиятида ўтказилиши таъминлансин. Марказий ва маҳаллий матбуотда, телевидение ва радио орқали йиғилишлар ва конференцияларнинг ўтиши, улардаги вазият, коммунистлар кўтариб чиқаётган масалалар мунтазам ёритиб борилсин, қабул қилинган қарорлар, сайлаб қўйилган партия органларининг состави хусусида жамоатчилик батафсил хабардор қилинсин, танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар қандай амалга оширилаётгани кўрсатиб берилсин.

5. Маҳаллий партия органларининг бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида, район, шаҳар, округ конференцияларини октябрь-ноябрь ойларида, область, ўлка конференцияларини ноябрь-декабрь ойларида ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

6. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига Пленумда бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, раҳбар партия органларига сайлов тўғрисидаги инструкцияни тасдиқлаш топширилсин.

ПАРТИЯ АППАРАТИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партиянинг бутун фаолиятини тубдан қайта қуришни, партия ташкилотлари иш формалари ва усулларини КПСС-нинг жамият сиёсий авангарди сифатидаги ролига ва янги вазифаларига мувофиқлаштиришни зарур деб топди. Шу туфайли партия комитетлари билан давлат, хўжалик органлари вазифаларини изчиллик билан аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ишидаги параллелизм ва такрорлашни бартараф этиш, партия аппарати структурасини тубдан ўзгартириш ва сифатини яхшилаш, унинг партия сайлаб қўйиладиган коллегияларига қатъий бўйсуниши ва ҳисоб бериб бориши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети ва маҳаллий партия органлари аппаратини қайта ташкил этиш шу йилнинг охиригача амалга оширилсин, унинг структураси аппаратни бошқарув тармоқларига қараб парчалаб юборишдан воз кечишни ҳамда

ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари билан шуғулланадиган бўлинмаларини мустаҳкамлашни кўзда тутиб, партиянинг ҳозирги шароитдаги вазифаларига мувофиқ равишда қайта тузилсин. Бунда ходимларнинг умумий сони анча қисқартирилиши лозим.

Шунга асосланиш керакки, партия ташкилий структурасининг ажралмас таркибий қисми бўлган партия аппарати қайта қуришнинг актив кучи, унинг ёрдамида сайлаб қўйиладиган партия органлари ўз сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий вазифаларини рўёбга чиқарадиган, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш ва ижрони текшириш, қуйи ташкилотларга уларнинг фаолиятида ёрдам бериш юзасидан кундалик ишларни олиб борадиган восита бўлиши керак.

Партия аппаратини қайта ташкил этиш ва унинг бўшаб қолган ходимлари бир қисмидан давлат, хўжалик ва жамоат фаолияти энг муҳим участкаларини, шунингдек, қуйи партия бўғинларини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш зарур. Бунда халқ депутатлари Советлари аппаратини ва халқ контроли органларини сиёсий системада уларнинг янги ролини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсин.

Партия аппаратини қайта қуришда партия комитетлари аппаратидаги бошланғич партия ташкилотлари фаол иштирок этиши таъминлансин.

2. КПСС Марказий Комитети партия комитетлари амалга оширадиган раҳбарликнинг сиёсий характерини кучайтиришга, фармойиш-буйруқбозлик методларини, уларнинг фаолиятидаги технократизм кўринишларини қатъий бартараф этишга, партия ва жамоат турмушида демократик принципларни қарор топтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Ҳозирги пайтда партия комитетларидан, уларнинг аппаратидан, партиянинг жамиятни революцион янгилаш йўлини изчиллик билан амалга ошириш, ижодий ҳаракат қилиш, қуйи партия бўғинларига васийлик қилмай ва уларни бўғиб қўймай ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши методлари билан ҳаракат қилиш маҳорати айниқса кўпроқ талаб қилинади. Янги шароитда партиявий иш практикаси диққат билан ўрганилсин ва умумлаштирилсин, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда юз бераётган жараёнлар таҳлил қилинсин, энг яхши тажрибанинг оммалаштирилишига кўмаклашилсин. Партия аппаратининг ишини ишчанлик, ошкоралик, танқидий кайфият, омма билан доимий алоқа тобора кўпроқ белгилаб туриши лозим.

3. Партия комитетлари, уларнинг бюроси, секретариатлар партия аппаратига ходимларни танлаш ва кўтаришга эътиборни кучайтиришлари зарур. Партия аппарати юксак маънавий фазилатларга эга ва ишни янгича ташкил этишга қодир, сиёсий етук, яхши тайёргарлик кўрган коммунистлар билан тўлдирилсин.

Бошланғич партия ташкилотларининг тавсиялари ходимларни партия аппаратига кўтаришнинг сўзсиз шарти, деб ҳисоблансин. Коммунистни партия ишига тавсия қилган партия ташкилоти агар у ишончни оқламаса, эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги масалани қўйишга ҳақлидир.

Аппарат ходимлари ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-кувватлансин ва ривожлантирилсин, уларга кўпроқ ёрдам берилсин, партиявий ўртоқлик, КПСС Устави олдида барча коммунистларнинг тенглиги вазияти қарор топтирилсин, бюрократизм элементлари, манманлик, коммунистик кеккайиш, лаганбардорлик кўринишлари қатъий тугатилсин.

4. КПСС Марказий Комитети аппаратининг янги структурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, маҳаллий партия органлари аппаратининг асосий бўғинларини белгилаш КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига топширилсин, бунда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларига республика, ўлка, область партия ташкилотларининг функциялари ўзгарганлигини ҳисобга олиб ва улар иш ҳақининг тасдиқланган фонди доирасида барча партия комитетлари ва партия муассасаларининг структура-штат масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилсин.

ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА тарихий аҳамиятга молик чуқур революцион ўзгартишлар амалга ошириляпти. Қарийб уч ярим йилдан бери совет кишилари КПСС МКнинг 1985 йил апрель Пленуми асослаб берган янгиланиш йўлидан боряптилар. Улар икки ярим йилдан буён партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун меҳнат қиляптилар. Революцион ўзгартишлар ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги туб ўзгаришларни, ижтимоий ва сиёсий структураларнинг тубдан янгиланишини, совет жамияти маънавий, интеллектуал потенциалининг янгидан юксалишини таъминлаши керак. Бу эса янги тузумнинг ленинча қиёфасини тиклашга, уни кераксиз қуйқалар ва деформациялардан тозалашга, социализмнинг инсонпарварлик табиати ва бунёдкорлик қудратини тўлатўкис юзага чиқаришга имкон беради.

Қайта қуриш мамлакатимизда принципиал жиҳатдан янги ғоявий-сиёсий вазиятни юзага келтирди. У реал воқеликка айланди, кенг ривожланиб ва чуқурлашиб, жамият ҳаётининг бутун соҳаларини қамраб олган ҳолда куч-қувват йиғмоқда. Ҳамма нарса — амалиёт ва назария, ишнинг форма ва методлари, қадрият ва ориентациялар қатъий равишда янгиланяпти. Қайта қуриш ғояларнинг шу қадар бой мажмуини тақдим этмоқдаки, у кишиларни уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини текислаштириш йўли билан эмас, балки инсон имкониятлари ва интилишларининг хилма-хиллиги асосида бирлаштириши мумкин. Бунда бирлаштириш беихтиёр тарзда эмас, балки фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги, ғоя ва қизиқишларни очиқ-ойдин қиёслаш воситасида, яъни қайта қуришнинг бош шиори — «Социализм кўпроқ бўлсин!» шиорига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Совет кишилари ўз меҳнатлари ва ижтимоий активликлари билан мамлакатдаги революцион ўзгартишларга тобора кўпроқ таъсирчан мадад кўрсатмоқдалар. Бугунги кунда бу — жамиятимиз ривожланишидаги асосий тенденция, қайта қуриш биринчи босқичининг бош якунидир.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси унинг энг муҳим сиёсий марраси бўлиб қолди, унда ушбу босқичда нималарга эришилгани ва нималар қилиш кераклиги хусусида ошкоралик жиҳатидан беназир ва большевикчасига ростгўйлик билан партиявий суҳбатлашилди. Конференция қўйилган масалаларнинг новаторларча руҳи ва чуқурлиги билан ҳам, резолюцияларининг маъноси ва мазмуни билан ҳам, у қандай ўтганлиги ва қандай ёритилганлиги билан ҳам, буларнинг ҳаммаси кишилар онгига, назарий фикрга таъсир этиши билан ҳам, унинг қарорлари амалга оширилиши мамлакат олдида очиб берадиган потенциал имкониятлар билан ҳам ажралиб турди.

Қайта қуриш жараёнини барча чоралар ёрдамида кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жамиятимиз ҳаётини кенг кўламда демократиялаш конференциянинг қараб чиқилиши учун ҳавола қилинган асосий масалалар бўлиб қолди. Барча турғунлик ҳолатларига батамом барҳам бериш ҳамда қайта қуриш ишини қатъият билан олға силжитиш мақсадида партия бугунги кундаги туб иқтисодий ислоҳот мамлакат сиёсий системасини ундан қолишмайдиган тарзда тубдан ислоҳ қилиш билан тўлдирилиши керак деган вазифани таърифлаб берди. Бу эса моҳияти жиҳатидан социалистик қурилишнинг энг муҳим масалаларидан бирини — сиёсат билан экономиканинг ўзаро нисбати хусусидаги масалани ленинча тушунишнинг

тикланишидир. Экономикадаги айнан бир хил ўзгартишларсиз давлатнинг сиёсий ҳаётини муваффақиятли қайта қуриш мавжуд эмаслиги ва мумкин бўлмаслиги сингари тегишли сиёсий ўзгаришларсиз иқтисодий ҳаётда ҳам ўзгаришларга эришиш мумкин эмас. Конференциянинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида», «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида», «Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида», «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида», «Ошкоралик тўғрисида», «Ҳуқуқий ислоҳот тўғрисида»ги резолюциялари, шунингдек «Мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»ги резолюция аслида партия ва давлат олдида турган проблемаларнинг бутун комплексини қамраб олган.

Конференция КПСС XXVII съездидан сўнг мамлакатда юз берган ўзгаришларга реалистик баҳо берди, эришилган нарсаларга танқид ва ўз-ўзини танқид позициясидан туриб ёндашди. Кўп ишлар амалга оширилди. Ҳаётимизнинг ғоявий-сиёсий ва ижтимоий муҳитидан демократиялаш ва ошкоралик мустаҳкам ўрин олди. Мамлакат экономикасини соғломлантириш жараёни бошланди, у кишиларнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш сари йўл тутди. Туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш диққат марказида турди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунлар ана шу йўлдаги йирик босқичлар бўлди, корхоналарни хўжалик ҳисобига, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формаларига, ўзини ўзи бошқаришга ўтишга доир иш авж олиб кетди, колхоз ва совхозлар потенциалини пудратнинг хилма-хил формаларини ривожлантириш орқали барча чоралар билан юзага чиқариш йўли амалга оширила бошлади. Социал соҳада ҳам олиб борилаётган ишнинг дастлабки натижалари сезиларлидир: кейинги икки йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи деярли 6 процент, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 8,9 процент ошди, ҳар йилги тураржой қурилиши ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан олганда 15 миллион квадрат метрга ўсди, ўлим камайди ва туғилиш кўпайди.

Албатта, иқтисодий, социал ва маданий ривожланишда туб бурилиш юз бергани йўқ — бунинг учун икки-уч йил етарли эмас. Лекин ижобий натижалар яққол кўзга ташланмоқда. Энг асосий ютуғимиз шундан иборатки, мамлакатнинг иқтисодий ва социал-сиёсий кризис сари боришини тўхтатишга, салбий тенденцияларни енгишга, бундан буён олға қараб оғишмай ҳаракат қилиш учун муайян заминлар яратишга муваффақ бўлинди.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорлари ана шу ўзгаришларнинг ажралмас таркибий қисми ва шу билан бирга қайта қуришнинг қудратли тезлатгичи ҳамдир. Унинг бош якуни шундан иборатки, деб таъкидлади М. С. Горбачев конференция ёпилиши чоғида сўзлаган нутқида, КПСС Марказий Комитетининг Тезислари асосида бутун партия, бутун халқ муҳокама қилган барча туб масалалар юзасидан программавий сиёсий позиция ишлаб чиқилди.

КПСС МК 1985 йил апрель Пленумидан сўнг ўтган давр мобайнида партия ва халқ амалга оширган нарсалар, табиийки, ишнинг бошланишидир, холос. Қайта қуриш қийин, мураккаб, зиддиятли кечмоқда, янгилик билан эскилик ўзаро кураши кескин бўлмоқда. Тормозлаш механизмига ҳали тўла барҳам берилмаган ва у жадаллаштириш механизми билан алмаштирилмаган. Экономика кўп жиҳатдан ҳали экстенсив йўлдан боришни давом эттирмоқда, унинг структураси ҳамон кўп чиқимлилик характерини сақлаб келяпти. Фан-техника тараққиёти сусткашлик билан қулоч ёзмоқда, миллий даромадни ўстиришга ва ресурс тежашга доир планлар бажарилмаяпти, маҳсулот сифати сезиларли равишда яхшиланмаяпти, мамлакатнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қоляпти. Буларнинг ҳаммаси эса аҳолини озиқ-овқат ва саноат товарлари билан таъминлашда, хизмат кўрсатиш ва уй-жой проблемасини ҳал қилиш аҳволида акс этмай қолмаяпти.

Бундай аҳволнинг сабаблари маълум, улар ҳақида конференцияда ҳам айтиб ўтилди. Албатта, турғунлик даври мероси қайта қуриш жараёнига тўхтатиб қолувчи таъсир кўрсатяпти. Лекин гап фақат бунда эмас. Кўп нарса партия, давлат, хўжалик органлари, жамоат ташкилотларининг ҳозирги ишидаги камчиликлар билан изоҳланади. Ҳамманинг ўз вазифаларини виждонан бажариши ҳамон норма-

га айлангани йўқ. Ишнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларидан воз кеча олмайдиган ёки буни истамайдиган раҳбарлар ҳали ҳам оз эмас.

Ўзбекистон меҳнат коллективлари республикамизни иқтисодий ва социал ривожлантиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар. Мисол учун, ҳозирги йил биринчи ярмининг статистика маълумотларини олиб кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти 1987 йилнинг январь — июнидагига қараганда 206,6 миллион сўмлик кўп ишлаб чиқарилган. Халқ хўжалигида пландан ташқари 173 миллион сўмлик фойда олинган. Тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилган саноат корхоналари меҳнат унумдорлигининг 4,1 процент ўсишини таъминладилар (бундай ҳисоб ва таъминотга ўтказилмаган корхоналарда у 2,6 процент камайган). Ўтган йилнинг тегишли даврига қиёслаганда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайган, чорвачилик маҳсулотини етиштириш ва харид қилиш ошган, уй-жой қурилиши микёслари кенгайган.

Шу билан бирга бир қатор халқ хўжалик комплекси ва тармоқлари ишидаги камчиликлар сустлик билан бартараф қилиняпти, иқтисодий ислоҳот жуда секин боряпти, янги хўжалик механизмининг афзалликларидан тўла куч билан фойдаланилмаяпти. Етказиб бериш тартиби ҳали паст даражада, натижада меҳнат коллективларининг бир меъёрдаги иш мароми бузиляпти. Асосий фондлар ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планлари барбод бўляпти. Кўпгина корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи беқарорлигича қоляпти.

КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, фан ва техниканинг энг янги ютуклари негизида халқ хўжалигини чуқур реконструкциялаш юксак ташкил этилган ва самарадор экономикага ўтишнинг энг муҳим йўлидир. Ўзбекистонда ҳозирги йилнинг дастлабки олти ойидагина ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва уни реконструкциялашга 520 миллион сўм, ёки ўтган йилнинг тегишли даврига қараганда 31 процент кўп маблағ сарфланди. Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ишга ғайрат билан киришган, янги имкониятлардан чинакамига фойдаланаётган, меҳнат коллективларининг новаторлик, демократик потенциалини юзага чиқара олган жойларда энг кўп муваффақиятларга эришилди ҳам.

«Подъёмник», «Ташсельмаш» заводлари, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари меҳнатчилари ўз корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайтадан қуроллантириш ишини собитқадамлик билан олиб боряптилар. Бу ерда капитал маблағларнинг ярмидан ортиғи ана шу мақсад учун сарфланяпти. Тилга олинган корхоналарнинг партия ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини коллективлар пировард натижаларга эришишларига йўналтирмоқдалар, раҳбар кадрлар масъулиятини оширишга, уларда иқтисодий тафаккурни ҳосил қилишга катта эътибор бермоқдалар.

Лекин ҳамма партия комитетлари ва ташкилотлари ҳам хўжалик раҳбарларини, меҳнат коллективларини янгича ёндашишларни излашга йўналтира олдилар деб бўлмайди. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан янгилаш коэффициенти жуда сустлик билан ошиб бораётган корхоналар ҳали ҳам оз эмас. Масалан, у «Компрессор» заводида 1987 йили бир процентнинг ўндан биридан ҳам оз бўлган. Техника билан қайта қуроллантиришнинг бундай суръатларида хизмат қилиш муддати 5 йилдан ошган ускуналарни алмаштириш учун заводга 40 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади.

Янги техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш ғоят жиддий проблема бўлиб қоляпти. Хўжалик юритишнинг янгича шароитида уни ҳал этишга биринчи даражали аҳамият бериш керакдек туюлган эди. Лекин, реконструкциялашга, қувватларнинг ҳар йили анчагина бунёд этилишига қарамай, фонд самарадорлиги амалда ўсмаяпти. Меҳнат самарадорлигини кўп маротаба оширишга имкон берадиган ускуналар хусусида сўз борганда ушбу проблема янада кескинлик касб этади. Ушбу ускуналарнинг иш билан бандлиги лойиҳадаги имкониятлардан анчагина паст даражада бўляпти, улардан бир сменадан ҳам камроқ фойдаланиляпти, анчагина вақт ишсиз туриб қолишига йўл қўйиляпти. Оқибатда бир қатор корхоналарда кутилганидан бутунлай тескари натижалар олиняпти. Масалан, ўтган йили «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси рақамли программа билан бошқариладиган 20 станокни

фойдаланишга топшириб, фойданинг кўзда тутилган 32 минг сўмлик ўсиши ўрнига амалда 90 минг сўмдан кўпроқ зарар кўрди.

Ёки маҳсулот сифати проблемасини олиб кўрайлик. Ўзбекистонда олий сифат категориясидаги буюмлар салмоғи товар маҳсулотининг умумий ҳажмида атиги 6,2 процентни ташкил этади. Ўтган йили у 194 миллион сўмлик кам етказиб берилди. Енгил саноат маҳсулотининг атиги ўндан бир қисмигина «Н» («Янгилик») индекси билан сифати яхшиланган ҳолда ишлаб чиқариляпти, республикада ишлаб чиқарилаётган машина ва ускуналарнинг 12 процентигина жаҳондаги техника даражасига мувофиқ келади ва рақобатга қобилиятлидир.

Дастлаб қараганда буларнинг ҳаммаси соф хўжалик масалаларидек туюлиши мумкин. Лекин дастлаб қарагандагина шундай. Ҳақиқатда эса қайта қуриш шароитида улар сиёсий характер касб этади. Партия комитетлари ва ташкилотлари кадрларнинг фаолиятига айни шу позициядан туриб баҳо беришлари керак.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида иқтисодий ривожланишнинг социал йўналганлигини эътибор марказига қўйиш зарурлиги таъкидланди. Унинг асосига кишиларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, бозорни керакли ассортиментдаги ва юксак сифатли халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, замонавий хизмат кўрсатиш соҳасини яратиш, уй-жой қурилиши суръатларини ўстириш, соғлиқни сақлаш ва халқ таълимини яхшилашга доир қабул қилинган программаларни рўёбга чиқариш вазифалари қўйилиши керак.

Лекин республикамизда, амалга оширилаётган тадбирларга қарамай, ана шу ишда туб бурилишга эришилганича йўқ. Бунда кўпгина партия ва совет органлари, хўжалик ташкилотлари сусткашликка ва сиёсий калтабинликка йўл қўймоқдалар.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси умумиттифоқ даражасидан анча орқада қолмоқда. Гўш-сут маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар билан таъминлашдаги узилишлар, бозорларда нархнавонинг юқорилиги меҳнаткашларнинг кўплаб шикоят-таъналарига сабаб бўляпти. Айрим регионларда, шунингдек етарли ассортиментдаги товарларни реализация қилишда узилишларга йўл қўйилмоқда. Республика аҳолиси рационал нормалар билан қиёслаганда соғлиқни сақлаш хизматларини 8 баравар, маиший хизматларни 5 баравар, маданий хизматларни 2,4 баравар камроқ оляптилар. 2 мингдан зиёд аҳоли пунктлари доимий савдо корхоналарига, 1500 таси маиший хизмат объектларига эга эмас. Аввало уй-жой-қурилиш кооперациясини ривожлантириш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиши орқада қолганлиги оқибатида уй-жой программасининг бажарилиши таъминланмаяпти.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўз ишини тугатганидан сўнг бир неча кун ўтгач Ўзбекистон Компартияси МҚ унинг қарорларини бажариш борасида зудлик билан кўриладиган тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди. Унда республиканинг иқтисодий ва социал ривожланишида туб бурилишни таъминлаш мақсадида ижрочилар аниқ қилиб кўрсатилган ҳолда биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбирлар комплекси кўзда тутилган. Партия, совет, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, дейилади қарорда, ҳозироқ юқоридан кўрсатмаларни кутиб ўтирмасдан халқ фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ қарорларни рўёбга чиқаришга активлик билан киришишлари керак.

Зеро, давр сусткашликка тоқат қилиб туролмайди. У ҳаракат қилишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, партия даъват этаётганидек, олға қараб ҳаракатимиз йўлидаги барча уюм ва тўсиқларни бартараф эта бориб, қатъийлик билан ҳаракат қилишимиз керак. Ушбу даъват «XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан КПСС МКнинг 1988 йил июль Пленумида янги куч билан янгради. М. С. Горбачев Пленумда қилган докладида, жумладан, шундай деди: «Конференция якунларини ва бўлиб ўтган мунозараларни яна бир бор ўйлаб кўриб, биз, ўртоқлар, амалий ишлар томон дадил бурилиш қилишга ўзимизни қатъий чоғлашимиз керак».

Албатта, ҳозир амалий ишлар керак, қабул қилинган қарорлар бажарилиши устидан назорат керак, хатти-ҳаракатларимиз учун ҳам, фаолиятсизлигимиз учун ҳам қатъиян масъулият талаб қилиняпти. Партиянинг ўзгармас қонуни ана шун-

дай, кадрлар ҳам унга аввало ўзлари амал қилишлари шарт, деб таъкидланди Пленумда. Муҳокама қилинган масалага доир резолюцияда КПСС МК Пленуми партия ташкилотлари зиммасига асосий диққат-эътиборни конференция йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқаришга қаратиб, уларни бажариш партия, барча давлат ва жамоат ташкилотлари ишининг ўзагига айланишига, одамларни топширилган иш соҳаси учун тўла самарадорлик ва масъулият билан ҳаракат қилишга ундашига эришиш вазифасини юклади.

Масаланинг бундай қўйилиши жиддий заминга эга. Бундан буён қайта қуриш тўғрисида энг муҳим вазифалар амалда қандай ҳал қилинганига қараб ҳукм чиқарадилар. Уларга эса, юқорида таъкидланганидек, озиқ-овқат, уй-жой, халқ истеъмоли моллари, барча соҳаларда энг оддий тартибни жорий қилиш киради. Ҳақиқатан ҳам, қайта қуриш нафақат иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани реконструкция қилиш, демократиялаш, ошкоралик, янгича сиёсий тафаккурдангина иборат эмас, у ҳаётнинг ўзи бўлиб, унда майда-чуйда нарсалар йўқ. Бошқарув структураларини қайта қуриш, янада танқидийроқ фикр юритиш, эркин мунозаралар олиб бориш мумкин, лекин агар шаҳар, қишлоқ, меҳнат коллективидаги кундалик шароит сезиларли равишда ўзгармас экан, реал қайта қуриш ҳам сустлашиб қолади.

Аввало мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш жиддий суратда яхшиланишига эришиш керак. Бугунги кунда у жамиятимиз ҳаётидаги энг нозик нуқтадир. Принципиал аҳамиятга молик туб социал-иқтисодий масала — КПСС МК июль Пленуми озиқ-овқат проблемасини ҳал этишнинг актуаллигини ана шундай таърифлади. Бунга эришишнинг йўли ҳам аниқлаб берилди: қишлоқдаги иқтисодий муносабатлар шундай қайта қурилиши кераккн, деҳқон чиндан ҳам ернинг соҳиби бўлиб қолсин. Бундай йўл мулкка социалистик эгаликни рўёбга чиқаришнинг хилма-хил формалари — тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи қоплаш, пудрат ва ижара, кооперацияни ривожлантириш, агрокомбинат ва агрофирмалар тузилиши, шахсий ёрдамчи хўжаликлар рағбатлантирилиши орқали ўтади.

Ушбу формалар орасида ижара алоҳида ўринда туради, ҳолбуки сўз колхоз хўжаликлар ерини кучли хўжаликларга шунчаки ижарага бериш хусусида бораётгани йўқ. Сўз совет фермерлиги хусусида, ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини узоқ муддат билан (25—50 йилга) меҳнаткаш деҳқон оилаларига ижарага бериш хусусида бормоқда. Бунда, КПСС МК июль Пленумида таъкидланганидек, социализмга зид ҳеч нарса йўқ, аксинча у — чинакам социализмдан иборат бўлиб, одамни ишлаб чиқариш воситаларидан, сиёсатдан, маданият ютуқларидан бегоналаштиришга барҳам бериш, ўз ижодий потенциалини ишда намоён этиш учун имконият яратади.

Ижара шартномаси асосидаги, шунингдек оилавий пудратдаги ишларнинг самарадор эканлиги равшан. Лекин хўжалик юритишнинг ана шу прогрессив методлари ҳаётга катта қийинчиликлар билан кириб келяпти. Унинг атрофида сафсатабозлик, турли хил тормоз ва тўсиқлар оз эмас. Бундай ёндашишни қатъиян қоралаб, КПСС МК Пленуми қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларининг янги формаларини ҳамма жойда татбиқ қилиш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш вазифасини қўйди. Бу вазифа умумхалқ вазифаси бўлиб, унинг ҳал қилинишини қайта қуриш босқичидаги ривожланишимиз мантиқининг ўзи ҳам тақозо этмоқда.

Меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш масаласи республикамиз учун ҳам ғоят актуалдир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги турғунлик учун танқид қилинди. Вужудга келган вазиятда Ўзбекистон Компартияси МК асосий кучларни озиқ-овқат проблемасини ҳал қилишга жамлашни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни зудлик билан ҳал қилинадиган асосий вазифа деб илгари суришни зарур деб топди. Тегишли органларга пудрат ва ижарага беришнинг турли формаларини ривожлантириш, кооперативлар тармоғини ташкил этиш асосида озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишни яхшилашга доир ишлаб чиқилган тадбирларнинг қандай бажарилаётганини ҳар куни назорат қилиб боришни йўлга қўйиш топширилди. Шу йил август охирида чақирилган Ўзбекистон Компартияси МК XI пленумида Озиқ-овқат программасини бажариш қандай бораётганлиги масаласи қараб чиқилди.

Қисқа муддатлар ичида халқ истеъмоли буюмларининг қудратли индустриясини бунёд этишни КПСС МК июль Пленуми аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш ўсишини жадаллаштиришнинг бош йўли деб атади. Бу эса енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналарини зудлик билан модернизациялашни, «А» группаси тармоқларининг истеъмол моллари ишлаб чиқаришда янада кенгроқ иштирок этишини тақозо этади.

Тақсимот системаси ҳам, аввало савдо такомиллаштиришга муҳтож. Бунда кўплаб проблемалар тўпланиб қолган. Ваҳоланки, уларнинг кўпларини ҳал қилишда қўшимча молиявий ва моддий маблағлар талаб қилинмайди. Масалан, бизда етарлича бўлган товарларни сотишда узилишларга йўл қўймаслик керак. Савдо айрим товарларга эҳтиёжнинг ўзгаришини оперативлик билан ҳисобга ола билмайди. Яқинда Тошкентда юз берган туз, гугурт, совун сотиб олиш васвасаси баъзи совет ва хўжалик раҳбарларининг тўсатдан юзага келган проблемалар олдида ожизлигини яққол кўрсатди.

Ёки навбат кутиб туриш каби кенг тарқалган ҳодисани олиб кўрайлик. У турмушимизнинг ўзига хос иллати бўлиб қолди. Савдода ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, транспортда ҳам, коммунал хўжалик корхоналарида ҳам, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам, меҳнаткашларнинг бирон-бир илтимосини ҳал қилиш билан алоқадор ташкилотларда, муассасаларда ҳам — ҳамма жойда навбат кутиб турилади. Ваҳоланки, бу нарса одамларга нисбатан беҳурматликдан, бағритошликдан бошқа нарса эмас. Бу ҳолга барҳам бериш вақти келди, деб таъкидланди Пленумда.

Туб иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш қайта қуришнинг ғоят муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Лекин у кўпгина йўналишларда оқсамоқда. Бунга бюрократизмнинг қаршилик кўрсатишига қатъиян зарба берилмаганлиги сабаб бўляпти. КПСС МК июль Пленумида таъкидланганидек, ислоҳот йўлига тўғаноқ бўлаётган кимсаларни раҳбарлик ишларидан зудлик билан узоқлаштириш керак. Шу билан бирга муайян иқтисодий чораларни ҳам амалга ошириш, яъни давлат буюртмаси тўғрисида низомни жорий қилиш, халқ хўжалигини молиявий соғломлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқаришни бошқариш системасини такомиллаштириш, корхоналар билан Советлар ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш керак.

Сиёсий система ислоҳотини ўтказиш кун тартибига қўйилди. Партия, давлат ва хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб олиш унинг энг муҳим банди ҳисобланади. Ана шу мақсадда КПСС МК Пленуми партия аппаратининг структураси ва фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий қадамларни қўйди. Аввало аппаратнинг сайлаб қўйилувчи партия органларига қатъиян бўйсуниши ва ҳисоб бериб туриши кўзда тутиляпти. Маъмурий-хўжалик вазифаларидан озод қилинган аппарат ўз фаолиятини мамлакат ҳаётининг туб йўналишларига жамлайди, қуйи партия бўғинларига ҳомийлик қилмай ва улар ташаббусини бўғиб қўймаган ҳолда асосий эътиборни ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши методларига қаратади. Бу ҳол унинг структураси ва кадрлар составида ўз ифодасини топади. Аппарат компетенцияли бўлиши ҳамда сон жиҳатидан ҳозиргидан анча мўъжаз бўлиши, унинг ишини борган сари кўпроқ даражада ишчанлик, ошкоралик, танқидий кайфият, омма билан кундалик алоқа фарқлаб туриши керак.

Советларнинг қуйидан тортиб юқоригача тўла ҳокимиятлилигини тиклаш сиёсий ислоҳотнинг ғоят муҳим вазифасидир. Шу муносабат билан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш, мамлакатнинг олий давлат органларини, жойлардаги ҳокимият органларини қайтадан ташкил этиш зарур. Бу иш йирик микёсли иш бўлгани учун ҳам июль Пленуми КПСС МКнинг махсус комиссиясини тузишни мақсадга мувофиқ деб топди, у Конституцияга, сайловлар тўғрисидаги қонунларга, бошқа баъзи бир қонун ҳужжатларига тааллуқли бир қатор муҳим тўлдириш ва ўзгаришларни тайёрлайди ҳамда СССР Олий Советининг бўлғуси сессияси муҳокамасига тақдим этади. СССР халқ депутатлари умумий миқдорининг учдан бири эндиликда бевосита жамоат ташкилотлари томонидан сайланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисида қонунни тайёрлаш кўзда тутилмоқдаки, у Советларни ҳуқуқий ва моддий-молиявий жиҳатлардан мустаҳкамлайди.

Суд системасини ҳамда давлат билан гражданлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи бошқа тартиботларни ислоҳ қилиш Советлар фаолия-

тини демократиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Пировард натижада буларнинг бари ҳамма нарсанинг ва ҳамманинг шак-шубҳасиз қонунга бўйсуниши олий принцип бўлиб қоладиган социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этишни ниҳоясига етказишга қаратилган. Қасаба союзлар, комсомол, хотин-қизлар, ветеранлар ва ҳоказо жамоат ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш руҳида — улар ҳаётини демократиялаш, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, тадбирбозлик, расмиятчилик ва бошқа камчиликларга барҳам бериш йўналишида янгилаш белгиланган.

Сиёсий системани ислоҳ қилиш чуқур ва ҳар томонлама ўзгаришлар учун замин яратади. Улар натижасида социалистик жамиятнинг ўзини ўзи бошқаришига кенг йўл очиб берилиши, гражданлар ташаббускорлиги тўлиқ ривожланиши учун шарт-шароит таъминланиши, барча синфлар ва социал группалар манфаатлари ҳамда иродаси демократик йўл билан намоён бўлиши ва шаклланиши механизми созланиши керак. Бошқача сўзлар билан айтганда, мамлакатдаги барча ишлар халқ ҳамда унинг мухтор вакиллари томонидан ҳал этилиши, унинг тўлиқ ва таъсирчан контроли остида бўлиши керак.

Коммунистик партия қайта қуришнинг революцион ташаббускорлигини ўз зиммасига олди. Шундай қилиб у программ мақсадларимизнинг ифодаловчиси, халқнинг авангарди эканлигини яна бир бор намоён этди. Зеро, чуқур ўзгартишлар жараёнига қадам қўйган совет жамияти мустаҳкам сиёсий ва идеологик ориентирларга ғоят эҳтиёж сезяпти. Бундай ориентирларни, ижтимоий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни сиёсатда мужассамлантириш жуда катта назарий ва кадр потенциалига эга бўлган, халқ билан чамбарчас боғланган, ўз тажрибасини доимо текшириб борувчи ҳамда уни халқ оммасининг тажрибаси билан бойитувчи кучли партиянинггина қўлидан келади.

Совет коммунистларининг партияси айни ана шундай партиядир. У оғир хатолар ва буюк ютуқларимизни муросасизлик билан таҳлил этиб, ўтмиш ва келажакни чуқур мушоҳада қилиб, халқни бизга халақит бераётган, орқага тортаётган нарсаларга барҳам бериш учун олға бошлади, тарихий ўзгаришларнинг асосий юкини ўз зиммасига олган ҳолда социализмни такомиллаштиришнинг ленинча тушунилган программасини таклиф қилди. Совет кишилари партияга, унинг коллектив ақл-идрокига ишонадилар, уни янгиланиш йўлидаги ўз дарғалари деб биладилар.

Социалистик жамият ҳаётини демократиялаш шароитида партиянинг раҳбарлик роли ҳеч ҳам заифлашмайди. У идора қилувчи партиялигича қолиб, ушбу ролни амалга ошириш учун барча зарур воситаларга эгалик қилаверади. Улар орасида мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини назарий ишлаб чиқиш, қайта қуриш идеологиясини шакллантириш ҳам бўлиб, бу ҳол омма орасидаги ташкилотчилик иши орқали бутун жамиятни олға қараб ҳаракатлантиришга тўғри, социалистик йўналиш беради, шунингдек ундаги асосий восита 20 миллион коммунистдан иборат бўлиб, партия улар орқали ҳаётнинг барча соҳаларида ўз сиёсий йўлини ўтказади. Шу билан бирга Конституция ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилиш КПСС учун бузилмас қоидадир.

Ўзини ўзи поклаш, қайта қуришни амалга оширишдаги қатъийлик, ички партия турмушидаги демократиялаш ва ошкоралик, халқ билан алоқадорлик даражаси — партия социалистик жамият ҳаётининг янги босқичида ўзининг раҳбарлик ва уюштирувчилик ролини бажаришда ана шундай мезонларга амал қилмоқда. Партияга бўлган халқ ишончи сўнмаётган бўлсада, қайта қуриш шароитида унинг обрў-эътибори жиддий синовдан ўтмоқда. Ушбу обрў-эътиборни ҳар гал конкрет ҳаракатлар, кундалик иш билан исботлашга тўғри келади. Ишларнинг чиндан яхшиланишигина партиянинг, табиийки, унинг ҳар бир аъзосининг фаолиятига берилган баҳо бўла олади. Эндиликда пассивликка тоқат қилиш мумкин эмас, коммунистнинг бирдан-бир ўрни қайта қуришнинг олдинги маррасидадир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг энг асосий накази ана шундайдир.

Партиянинг шу йилги ҳисобот-сайлов кампанияси халқнинг сиёсий авангарди сифатида КПССнинг ролини ошириш, коммунистларни жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгартишларни амалга оширишга, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга сафарбар қилиш шиори остида ўтиши керак. КПСС МК июль Пленуми бунга алоҳида аҳамият бериб, «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида» махсус резолюция қабул қилди.

Бошланаётган ҳисобот-сайлов кампанияси қайта қуришни чуқурлаштиришга, сиёсий системани ислоҳ қилишни амалга оширишга, жамият ва партия ҳаётини янада демократиялашга доир XIX партия конференцияси ишлаб чиққан йўл-йўриқларни амалда рўёбга чиқаришда муҳим босқич бўлиб қолиши керак. У коммунистлар активлиги ошишига, партия ташкилотлари ва комитетларининг роли ва масъулияти юксалишига, улар фаолиятида раҳбарликнинг сиёсий методлари қарор топишига барча чоралар билан ёрдам кўрсатишга даъват этилган. XIX партия конференциясининг ўз моҳиятига кўра революцион, демократик муҳити, ушбу анжуманда авж олиб кетган мунозараларнинг амалий руҳи, рўй-ростлиги ва ўткирлиги, камчиликларга муросасизлик, янгиланиш жараёнини муқаррар қилиш йўллари ва воситаларини ижодий излаш, деб таъкидланди резолюцияда, партия йиғилишлари ва конференцияларининг бутун ишига сингиб кетиши, қайта қуриш ғояларининг ҳар бир партия ташкилотидаги амалий ишлар билан бирлашишига, ички партия турмушини янгилашга, партия раҳбарлигини демократиялашга ёрдам бериши керак. КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш қандай бораётганини, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, партия ташкилотлари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари фаолиятининг услуб ва методларини баҳолашга ўз-ўзини танқид руҳида ва принципиал ёндашиш, коммунистларнинг куч-ҳаракатларини КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси илгари сурган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга жамлаш керак.

Раҳбар партия органларини сайлаш янгича ўтади. Эндиликда номзодларни кенг муҳокама қилиш ҳамда яширин овоз бериш учун мандатларга қараганда кўпроқ миқдорда номзодларни бюллетенларга киритиш имконияти таъминланиши керак. Бундан буён ваколатларнинг ягона муддати — КПСС МҚдан тортиб район партия комитетларигача бўлган сайлаб қўйилувчи органлар учун 5 йил белгиланади. Партия ташкилотлари ҳал қилувчи сўзни конференция, съезд делегатларига қолдирган ҳолда конференция ёки съезд делегатларини сайлаш билан бир вақтда юқори орган составига номзодларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қайта қуриш, демократиялаш жараёни аввало партиянинг асосий бўғини — бошланғич партия ташкилотларида илдиз отиши керак. Уларнинг мустақиллигини ошириш, майда-чуйда нарсаларга юқоридан ҳомийлик қилиш ва регламентга солишдан халос бўлишда ёрдамлашиш, сайлаб қўйиладиган органлар, секретарлар обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, кишилар лоқайдлик ва пассивликдан, ўзига ишонмасликдан, хуллас, турғунлик йиллари қалбларда қолдирган барча асоратлардан халос бўлишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш керак. Агар бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришни бошқаришга барча меҳнатчиларни жалб қилсалар, партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини рўёбга чиқаришга доир биргаликдаги аҳил ишни ташкил қилсалар, меҳнат коллективларида партия таъсири кучайиб боради.

Демократиялаш шароитида КПССнинг кадрлар сиёсати янгиланмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга расман-номенклатуравий ёндашиш ўз аҳамиятини йўқотди. Бунда кишиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, демократик расм-русмларга мувофиқ раҳбар лавозимларга тавсия қилиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда уларни тарбиялаш партия комитетларининг асосий иш методи бўлиб қоляпти.

Кадрлар билан ишлаш ҳовлиқишга, шошқалоқлик билан баҳо бериш ва хулоса чиқаришга тоқат қилмайди. Киши ўз қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиши учун унга шароит яратиб бериш керак. Йўлдан тойса, тузалиш учун имкон бериш лозим. Лекин бир раҳбарлик курсисидан иккинчисига ўтказиш йўли билан эмас.

Ҳозир партияда демократик централизм принципининг ленинча тушунилиши — масалаларни муҳокама қилишда мунозаралар эркинлиги ва кўпчилик томонидан қарор қабул қилингандан сўнг ҳаракатлар бирлиги қайтадан тикланяпти. Партиявий ўртоқлик, сиёсат ва практиканинг барча актуал масалаларини ишчанлик билан қараб чиқиш, танқид ва ўз-ўзини танқид, коллективизм ва онгли интизом, шахсан масъулият сезиш — КПССнинг барча бўғинлари ана шундай муҳитда ҳаракат қилиши керак.

Бугунги кунда партиянинг жамият билан алоқалари кучайиши меҳнаткашларнинг кенг хабардорлиги, партия турмуши ва партия раҳбарлиги масалаларини

эркин муҳокама қилиш, партия анжуманлари ва йиғилишларининг очиқлиги туфайли юз беряпти. Ушбу жараён чуқурлашиб боради, шу сабабли ҳам партия ташкилотлари ошкоралик маданиятини, демократик баҳсни, ўртоқлик мунозараларини олиб бориш маҳоратини тарбиялаб боришлари керак.

Қайта қуришнинг революцион тўлқини воқеалар марказига омманинг нафақат истеъдодли ва софдил етакчиларини, новаторларни, уддабурон ташкилотчиларни, балки сафсатабозларни, нафсониятга берилган ишёқмасларни ҳам чиқариб қўйди. Улар қайта қуришни издан чиқарадилар, баъзан уларнинг хатти-ҳаракатларига принципиал баҳо берилмайди. Тўғри, фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги, ички партия турмушини демократиялаш — қайта қуришнинг ажралмас элементларидир. Лекин улар на партия интизомини, на партиянинг қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун курашдаги ғоявий фикрдошлар ва фаол сафдошлар иттифоқи эканлигини бекор қила оладилар.

Ошкоралик унинг байроғи остида шахсий ёки группавий манфаатларни олиб киришга уринилаётган, шу манфаатларни деб ўртоқларча талабчанлик, ор-номус ва бурч тушунчаси бир четга суриб қўйилаётган нафсониятга берилишдан ҳимоя қилинишга муҳтождир. Фикрларни ифодалаш эркинлиги бўҳтонлар ва ҳақоратли лақаблар воситасида камситишларга эмас, балки шахсни улуғлашга ҳамда унинг қадр-қимматини ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак.

Бугунги кунда кишилар ташаббускорлигини максимал даражада рағбатлантириш, улардаги маъмурий-буйруқбозлик методларининг бевосита қолдиқлари бўлмиш пассивликни, граждан сифатида нурсизликни, локайдликни, фикрлашдаги сусткашликни бартараф этиш вазифаси олдинги ўринга қўйиляпти. Бундай вазиятда идеологик қайта қуриш жонли тажрибасининг ҳар бир куртаги катта аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг, марксча-ленинча таълим системаси, адабиёт ва санъатнинг самарадорлигини анчагина ошириш зарур. Идеологик ва ташкилотчилик ишини реал проблемалар билан яқиндан боғлаш, сафсатабозлик ва насиҳатгўйликдан халос бўлиш, уни инсонга яқинлаштириш жуда муҳимдир. Туб иқтисодий ислоҳотни, социал сиёсатни, сиёсий системани демократиялаш ва қайта қуриш программасини ҳаётга татбиқ этиш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш ҳозирги босқичнинг пировард мақсадлари бўлиб, идеологик таъсирнинг барча воситалари ёрдамида уларга эришиш таъминланиши зарур. Бунинг учун ғоявий-тарбиявий соҳада қилинган ишлар тажрибасини мушоҳада қилиш, реал ютуқлар ва ана шундай реал камчиликларни баҳолаш, маъмуриятчиликдан, якка шахсга тааллуқли фикр ва баҳоларга ёпишиб олишдан қатъият билан воз кечиш, бундан буёнги олға ҳаракат қилиш йўллари ва методлари хусусида яққол тасаввур ҳосил қилиш керак.

Ҳозирги шиддатли тарихий бурилишда партия ривожлантираётган ленинча ғоялар мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепцияси ҳамда унинг асосида ишлаб чиқилган КПССнинг стратегик йўли учун назарий пойдеворни ташкил этадики, булар марксизм-ленинизмда янги сўзни ҳам, социал практикада янги босқични ҳам ҳосил этади. Партия ўзининг XIX конференциясида революцион қайта қуриш жараёнини сабот билан ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда чуқурлаштириб боришини, унинг қайтмаслигини таъминлашини, унинг мақсадларига эришиш учун барча ишни қилишини баён этди. КПСС барча коммунистлар ва партиясизларга мурожаат қилиб, жамиятимизни янгилаш жараёнига янада активроқ қўшилишга чақирди. Ҳар бир кишининг бурчи ушбу даъватга конкрет ишлар билан жавоб беришдирки, улар омма меҳнатдаги жонбозлигининг ягона қудратли оқимига қўшилиб, қайта қуриш учун жангу жадалда зафар қозонишга олиб келади, Ватанни социал тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтариш имконини беради.

В. СААҚОВ

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ — ЖАДАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ЕТАКЧИ БЎҒИНИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ тубдан реконструкция қилиш, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан янги илмий-техникавий ва ташкилий-иқтисодий даражага кўтариш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг, экономикани интенсивлаш йўлига ўтказишнинг негизидир. КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, «илгариги моддий-техника негизида туб ўзгартишларга эришишнинг иложи йўқ». Ишлаб чиқаришнинг замонавий техника даражасини яратиш борасидаги ишларни жиддий равишда кучайтира бориш тўғрисидаги талаб XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида жуда қатъий қилиб қўйилди. Янги конструкцион материалларни, илғор техникани, прогрессив технологик жараёнларни ва мослашувчи ишлаб чиқаришларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришгина экономикани ривожлантиришнинг ресурсларни тежовчи типини, чиқарилаётган маҳсулотни оператив янгилаб боришни, жами харажатларнинг барча элементлари бўйича унга сарфланадиган ресурсларни камайтиришни, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш томон кескин бурилиш ясашни таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш алоҳида актуаллик касб этади. Республикамизда тўпланиб қолган диспропорцияларнинг чуқурлиги экономикани интенсивлаш изига ўтказишга тўғаноқ солувчи инерцион жараёнларни бартараф этишни анча қийинлаштиради. Шуни айтиш кифояки, республикада миллий даромад ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 1981—1985 йиллардаги 3,3 процентдан 1986—1987 йилларда 0,7 процентгача тушиб қолди, бу эса бутун мамлакатдагига қараганда уч баравар камроқдир. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 1986 йилда 1985 йилдаги даражанинг атиги 98 процентини ташкил этди, 1987 йилда эса яна 0,4 процент пасайди, ваҳоланки айни чоқда бутун мамлакат бўйича у ўрта ҳисобда 2,4 процент ўсди.

Республикада миллий даромаднинг фонд сарфи ва материал сарфи ўсиши, капитал маблағлар самарадорлигининг пасайиши, миллий даромаднинг ўсиш суръатлари билан асосий ишлаб чиқариш фондларининг, меҳнатнинг фонд билан қуролланиши ва унумдорлигининг ўсиш суръатлари ўртасидаги узилиш ортиши каби салбий тенденциялар ўзини кўрсатди.

Илгариги йилларда ўсишнинг экстенсив омиллари устунлиги ва корхоналар фаолияти натижаларига асосан миқдорий кўрсаткичлар бўйича баҳо бериш мамлакатнинг бутун халқ хўжалиги учун умумий хусусият бўлганлиги республика экономикасининг ривожланиши характерига, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатди. Кўпинча янги ишга туширилаётган фондларнинг техникавий-иқтисодий характеристикалари ишлаб турган корхоналарникидан сифат жиҳатдан фарқ қилмас эди. Хом ашё қазиб чиқариш қимматлашиб кетган, машинасозлик комплекси фаолиятига қанча тонна маҳсулот чиқарганлигига қараб баҳо бериш, конструкцион мате-

СААҚОВ Валерий Иванович, Ўзбекистон ССР Госплани фан-техника ахбороти ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар илмий-тадқиқот институтининг директори, иқтисод фанлари доктори.

риаллар ишлаб чиқарувчи базанинг заиф ривожланганлиги шароитида янги фондларнинг қиймати уларнинг унумдорлигига нисбатан жадал ортиб борди. Машинасозлик маҳсулоти структурасини такомиллаштиришга, тармоқнинг ўз базасини зарур илмий-техникавий савияда тутишга, ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришга кам эътибор берилди. Чунончи, мамлакат саноат потенциалининг 2,5 проценти ҳамда автоматик линияларнинг атиги 1,3 проценти Ўзбекистон улушига тўғри келади (уларнинг салмоғи химия ва нефть-химия саноатида ғоят даражада паст — 0,9 процент, машинасозликда ва енгил саноатда — 0,8 процентдандир). Ишлаб чиқаришнинг етарлича индустриялаштирилмаганлиги қўл меҳнати салмоғининг мамлакат бўйича ўртача даражадан юқорироқ бўлишини ҳам тақозо этди. Ўн биринчи беш йилликда меҳнат унумдорлигининг 1 процент ўсишига унинг фонд билан қуролланиш даражасини 7 процент кўпайтириш орқали эришилдики, бу жорий этилаётган техника ва технологиянинг паст техникавий даражада эканлигидан далолат беради.

Саноат тармоқларида, агросаноат ва қурилиш комплексларида жиддий илмий-техникавий муаммолар йиғилиб қолди. Уларнинг бир қанчаларида техникавий даража пастлигича қолмоқда, қўл меҳнати сарфи кўп. Энергияни тежовчи технологиялар, энергиянинг анъанавий бўлмаган манбалари суст жорий этилмоқда. Технология жараёнларининг қарийб 70 проценти кам унумлидир. Айни чоқда республиканинг ишлаб чиқариш аппарати суст янгиланмоқда: ўн биринчи беш йилликда саноатда унинг ишлатилмай қўйилишининг ўртача йиллик суръатлари атиги 2,7 процентни, 1987 йилда эса — 2,1 процентни ташкил этди. Ана шундай суръатлар сақланиб қоладиган бўлса, Ўзбекистон саноати ишлаб чиқариш аппаратини тўла-тўкис янгилаш учун 35—40 йил керак бўлади.

Вужудга келган такрор ишлаб чиқариш диспропорцияларининг ҳамда ишлаб чиқариш фондларини ишлатмай қўйиш паст суръатларининг оқибати сифатида республика халқ хўжалиги тармоқларида асбоб-ускуналар ва механизмларнинг маънавий эскирган ва жисмоний ишдан чиқиб қолган парки ҳамон ишлаб турибди. Чунончи, қишлоқ хўжалиги учун, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машиналар чиқарувчи корхоналарда жами асбоб-ускуналарнинг чорак қисми 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлатилиб келмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг ўзида ҳам оғир аҳвол юзага келди. Бунда амалда эскириб кетган асбоб-ускуналарнинг улуши салкам 23 процентни ташкил этади. Республика индустриясининг бошқа тармоқларида ҳам худди шундай манзарани кўрамиз.

Корхоналарда янги техника ғоят сустлик билан жорий этилмоқда. 1987 йилда, масалан, корхоналарнинг ярмидан кўпроғи (53 проценти) умуман бу иш билан шуғулланмади. Замонавий техникадан самарасиз фойдаланиш аҳволни оғирлаштирди: ўтган йили республикада мавжуд бўлган 96 та роботлаштирилган технологик комплексларнинг бештасидан биттаси ишламади, рақамли программа билан бошқариладиган асбоб-ускуналардан эса баъзи бир корхоналарда атиги 60 проценти ишлатилди.

Яна бунинг устига ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари, ҳисоблаш техникаси ҳамда ишлаб турган асбоб-ускуналарни модернизациялашнинг ўзи етарлича самарадор эмаслиги келиб қўшилади. Бунинг натижаси эса қуйидагичадир: агар ўнинчи беш йилликда саноатда янги техникани жорий этишдан йилига амалдаги бир сўмлик харажат эвазига 62,6 тийинлик иқтисодий самара олинган бўлса, бир ходимни шартли равишда бўшатиб олишга 20,3 минг сўм сарфланган бўлса, ўн биринчи беш йилликда бу рақамлар тегишли равишда 48 тийин ва 30,1 минг сўмни ташкил этди (янги техникани жорий этиш самарадорлиги 23 процент пасайди, бир ходимни бўшатиб олишга қилинган харажатлар эса 48 процент ортди). Ҳозирча шу, яъни ўн иккинчи беш йилликда ҳам шундай аҳвол сақланиб қолмоқда.

Янги техникани жорий этган 726 корхонадан 323 тасида умуман меҳнат унумдорлигининг ўсишига эришилмади, фан-техника тараққиёти борасидаги тадбирлар эса республика саноатида унинг бутун ўсимининг атиги 22 процентини таъминлади.

Яхлитлаштирилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фонд самараси умумий пасайишининг 50 процентдан кўпроғи фан-техника тараққиётининг секинлашгани оқибатидир. Ваҳоланки, ишга туширилаётган асосий ишлаб чиқариш фондлари-

нинг умумий қийматида илмий-техникавий тадбирларни жорий этишга қилинаётган харажатлар улуши камайиб бормоқда (1981 йилдаги 25 процентдан 1986 йилда 12 процентга тушиб қолди). Прогрессив воситаларни жорий этиш ҳисобига саноат-ишлаб чиқариш фондларини янгилаш 1986 йилда атиги 8,4 процентни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш потенциалининг техникавий-ташкилий жиҳатдан паст даражада эканлиги чиқарилаётган маҳсулот сифатига оид проблемаларни ҳал этишга жиддий равишда халал бермоқдаки, бу масала Ўзбекистон экономикаси учун энг кескин масалалардан биридир. Ҳозирги кунда олий категорияли сифат аттестация қилиниши лозим бўлган маҳсулот умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан камроғига берилмоқда. Республикада фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлаши лозим бўлган машинасозлик комплекси корхоналарида жаҳон техника даражасига мос бўлган атиги 23,1 процент маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Республикада чиқарилаётган тракторлар, тракторга тиркаладиган сеялка ва культиваторлар, центробеж насослар, пахта тозалаш асбоб-ускуналари ҳанузгача давлат Сифат белгисига эга эмас. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг анча-мунчаси жаҳон даражаси у ёқда турсин, балки ватандаги илғор даражага ҳам мос келмайди.

Чиқарилаётган буюмларни янгилаш борасидаги ишда жиддий камчиликлар мавжуд. СССРда биринчи марта ўзлаштирилган маҳсулотнинг бир процентдан камроғи Ўзбекистон улушига тўғри келади, янги типдаги машиналар, асбоб-ускуналар, аппаратлар, автоматлаштириш приборлари ва воситаларининг республикада яратилган намуналарининг салмоғи эса мамлакатдаги уларнинг умумий миқдорининг атиги 1,2 процентини, шу жумладан электротехника бўйича — 2 процентини, қишлоқ хўжалик машиналари ва енгил саноат учун асбоб-ускуналар бўйича — 7 процентини, автоматлаштириш приборлари, воситалари ва ҳисоблаш техникаси бўйича — 0,4 процентини ташкил этади.

Ўзбекистон ишлаб чиқариш аппаратининг техникавий даражасини оширишга инвестицияларнинг етарли эмаслиги муайян даражада тўсқинлик қилиб келди. Капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари, одатда, бутун мамлакатдагига нисбатан бирмунча юқори бўлишига қарамай, аҳолининг илдам ўсиб бориши шароитида улар бир вақтнинг ўзида иш жойларини барпо этишни жадаллаштиришни ҳам, ишлаб турган потенциални реконструкция қилишни ҳам, ва, бинобарин, аҳоли жон бошига асосий фондларнинг ҳажми бўйича умумиттифоқ даражасидан орқада қолиб кетганликни бартараф этишни ҳам таъминлай олмадилар. Ҳозирги вақтда улар Ўзбекистондаги ҳар бир кишига мамлакатдаги ўртача миқдорга нисбатан 48,5 процент камроқ тўғри келади.

Шу ўринда қуйидагиларни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Республика индустриясида ишлаб чиқариш потенциалини кучайтириб бориш асосан янги қурилиш ҳисобидан, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга зарар келтирган ҳолда амалга оширилиб, саноат фондларининг хизмат қилиш норматив муддатлари анча ошиб кетишига олиб келган бир чоқда қишлоқ хўжалигида меҳнат воситаларининг тўлиқ амортизация қилинмаслиги кўзга ташланиб турди. Ўн биринчи беш йилликда, масалан, кўпинча қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари норматив бўйича 8—9 йил ўрнига 2—3 йил ўтиши билан ишлатилмай қўяр эди. Муддатидан олдин ишлатилмай қўйилган асосий фондларни алмаштиришга халқ хўжалигининг анча-мунча маблағлари жалб этилардики, уларни саноатда ўзлаштириш, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, унинг техникавий базасини замонавий талаблар даражасига кўтаришгагина эмас, балки саноат потенциалини ошириб боришнинг учдан бир қисмини таъминлаш ва қўшимча равишда 4 миллиард сўмдан кўпроқ миллий даромад олишга ҳам имкон берган бўлур эди.

Республикамизда фан-техника революциясининг ривожига тўсқинлик қилаётган сабаблар орасида инвестицион комплекс тармоқларининг ўз базаси заифлиги каттагина ўрин тутади. Ўзбекистонда мамлакатдаги капитал маблағларнинг тахминан 4 проценти ва қурилиш-монтаж ишларининг 5 проценти ўзлаштирилади. Лекин республика инвестицион комплекси улушига капитал маблағларнинг атиги 2,3 проценти, шу жумладан машинасозликда — 2,7 проценти, бинокорлик материаллари саноатида — 4,1 проценти, қурилишда — 3 проценти тўғри келади. Инвести-

цион комплексни ривожлантиришда республика эҳтиёжларидан миқдорий ва сифат жиҳатлардан орқада қолишнинг оқибатида анча-мунча машина ва асбоб-ускуналар ташқаридан келтирилади, қурилиш маҳсулотига ресурслар сарфи муқим ўсмоқда, капитал маблағларни ўзлаштириш муддатлари чўзилмоқда, битказилмаган қурилишлар жуда кўп.

Инвестиция сиёсатининг самарадорлиги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш проблемаларини муваффақиятли ҳал этишни ҳал қилувчи даражада белгилаб беради. Уни такомиллаштиришнинг КПСС XXVII съезди белгилаб берган программаси фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқларни устун тарзда ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг моддий базасини ва структурасини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон белгиланган программани рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутадики, республикада қисқа вақт ичида конструкцион материаллар ва машинасозлик маҳсулоти чиқаришни бир неча баравар оширишни таъминлаш лозим бўлади. Мамлакатнинг марказий районларида тилга олинган тармоқларни ривожлантиришга уларда меҳнат ресурсларининг тақчиллиги тўсқинлик қилмоқда. Мамлакатнинг меҳнат билан таъминланган камдан-кам районларидан бири бўлмиш Ўзбекистонда эса фан ва техникани кўп талаб қиладиган, иш жойларининг қиймати нисбатан юқори бўлмаслиги билан характерланадиган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш меҳнат ресурсларидан жуда яхши фойдаланишга, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла банд бўлишини таъминлашга кўмаклашади.

Мазкур йўналишда капитал маблағларнинг тармоқ структурасини такомиллаштириш фонд самарасининг, капитал маблағлар ва бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши каби экономикани ривожлантиришдаги салбий тенденцияларни бартараф этиш учун шарт-шароит яратади, чунки саноат, хусусан, машинасозлик тармоқлари ўртача халқ хўжалик кўрсаткичларига нисбатан анча юқорироқ даражадаги капитал ва фонд самараси билан характерланади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш қурилиш комплекси техника базасининг аҳволига анча-мунча боғлиқ бўлганлиги сабабли бу соҳага сарфланадиган капитал маблағлар салмоғини ошириш мақсадга мувофиқдир. Шуни таъкидлаш лозимки, қурилиш ўзига хос бўлган камчиликларга қарамай, Ўзбекистоннинг моддий ишлаб чиқаришида энг самарали тармоқлардан биридир: иш билан банд бўлган кишилар сонининг фақат 3 проценти ва ишлаб чиқариш потенциалининг 5,9 проценти унинг улушига тўғри келади, унда эса миллий даромаднинг 11,7 проценти бунёдга келтирилади, фонд самараси ва меҳнат унумдорлигининг энг юксак даражасига эришилади.

Бундан олдинги йилларда республика асосий ишлаб чиқариш фондларининг умумий ҳажмида қурилиш потенциали салмоғининг камайиши тенденцияси кўзга ташлана бошлади. Бунинг натижасида халқ хўжалиги сезиларли даражада, фақат бевоситагина эмас, балки билвосита ҳам зиён кўрмоқда. Қурилиш инвестицион комплекснинг энг муҳим тармоғи бўлганлиги сабабли унинг ривожланишда орқада қолиши объектларни фойдаланишга топшириш ва ишга туширилган қувватларни ўзлаштириш муддатларининг чўзилиб кетишига, бу билан халқ хўжалигига прогрессив технологияларни жорий этишнинг секинлашувига, пландан ортиқча қурилишларнинг кўпайишига, капитал самарасининг сустлашуви ва бунинг оқибати сифатида — миллий даромад анчагина кам олинишига сабаб бўлади. Бу ҳол тармоқни ривожлантириш сиёсатини принципиал тарзда ўзгартишни, энг аввало унинг ишлаб чиқариш потенциалини жуда тез техникавий реконструкция қилиш ва илдамроқ ошириб боришни талаб этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон экономикасида амалга оширилаётган структуравий ўзгаришлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун биринчи даражали аҳамиятга молик бўлган тармоқларни устун даражада ривожлантиришни таъминлаши лозим. Бунда асосий йўналишлар — халқ хўжалик комплекси структурасини ва баланслилигини оптималлаштириш, унинг фан, техника, технологиядаги, ижтимоий ва индивидуал эхтиёжлардаги прогрессив ўзгаришларга мувофиқ тарзда тез ва чаққонлик билан қайта қурилиш қобилиятига эга бўлишини таъминлашдир. Шуниси ҳам борки, структуравий сиёсатни такомиллаштириш халқ хўжалигининг барча бўғинларини қамраб олиши керак. Ана шундай бўлгандагина унинг бутун ижтимоий иш-

лаб чиқариш доирасида ҳам, айрим тармоқларда ҳам самарадорлиги ошади. Ресурсларни тежаш структуравий сиёсатнинг ҳам, бутун инвестиция сиёсатининг ҳам прогрессивлигига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан бири эканлигини эслатиб ўтамиз.

Ўтган йиллардаги камчиликларни бартараф этиш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ишида ғоят муҳим бўлса-да, лекин бирдан-бир вазифа эмас. Уни корхоналар, тармоқлар, йирик территориал-ишлаб чиқариш ва агросаноат комплексларининг техника базасини такомиллаштириш барча босқичларини қамраб оладиган қилиб программ-мақсадли планлаштириш: меҳнат воситаларини яратиш, уларни ишга тушириш, улардан фойдаланиш ва фондларни ўз вақтида янгилаш зарурати етилди.

Мураккаб халқ хўжалик проблемаларини тадқиқ этишга системали ёндашиш асосини ташкил этувчи программ-мақсадли планлаштириш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш проблемасини бир қанча нисбатан локал кичик проблемаларга бўлиб юбориш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тадбирлар белгилаб чиқиш имконини беради. Фундаментал тадқиқотлар самарадорлигини ва аниқ мақсадга йўналтирилганлигини ошириш, ишлаб чиқаришни тажриба-эксперимент тариқасида тайёрлаш ва янги техникани жорий этиш, технологияларни комплекс такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондлари структурасини яхшилаш, халқ хўжалигини техника жиҳатдан реконструкция қилиш каби масалаларни ўзаро боғлаган ҳолда ҳал этишни таъминлаш ғоят муҳимдир.

Бутун халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этишга системали ёндашишни татбиқ этиш аллақачондан буён баҳс мавзуи бўлмай қолган. Аммо амалда то сўнгги вақтгача республикада, ундан ташқарида ҳам комплекс фан-техника программаларини тузиш кўпинча хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини яхшилаш юзасидан маҳаллий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат қилиб қўйилди. Чамаси, аниқ белгиланган мақсадли ориентирларни, бошқариладиган системанинг вертикал ва горизонтал алоқалари бўйича уларни сидирғасига декомпозиялашни («мақсадлар дарахти»ни қуришни) вужудга келтирмасдан туриб, ҳар бир кичик мақсадни чекланган ресурслар жами билан кенг кўламда мустаҳкамламасдан («ресурслар дарахти»ни ишлаб чиқмасдан) туриб биронта ҳам программа етарли даражада асосланган бўлиши ва комплекс деб аталиши мумкин эмаслигини ҳамма ҳам тушуниб етганича йўқ. Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРда 12 та республика илмий-техникавий программалари кўзда тутилган. Айни чоқда планлаштирилган илмий-тадқиқот ишларида янги техника ва технология объектларининг салмоғи тегишли тартибда 9 ва 21 процентни, янги материаллар, қишлоқ хўжалик экинлари навлари ва чорва зотларининг салмоғи эса 4 процентни ташкил этади. Буюртмачилар қабул қилиб олган битган тадқиқотларнинг каттагина қисми ишлаб чиқаришда татбиқ этилмаслигининг, жорий этилаётган натижаларнинг 60 процентдан кўпроғи самарасиз эканлигининг сабаблари ана шунда эмасмикан? Кейинги 5—6 йил мобайнида олинган авторлик гувоҳномалари миқдорининг учдан бир қисмга камайганлиги техникавий ечимлар борасидаги аҳволнинг чатоқлигидан далолат бериб турибди.

Мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш энг юксак пировард натижаларга эришиш учун фан билан практиканинг амалий ҳамкорлигига жуда ҳам муҳтождир. Фан-техника тараққиётини планлаштиришга халқ хўжалиги нуқтаи назаридан ёндашувни кучайтириш энг муҳим вазифадир. Ана шунинг замирида фан-техника потенциалидан фойдаланишни яхшилаш, фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг куч ва воситаларини ҳал қилувчи халқ хўжалик проблемаларини ечишга жамлаш шарт-шароитлари ётади.

Назарий тадқиқотларни перспектив қарорлар ишлаб чиқишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан бундан буён тадбирлар кўришга қаратиш илмий потенциал самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Регионал илмий-техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш методларига, истиқболли илмий-техникавий проблемаларни танлашга, ушбу соҳадаги приоритетларни белгилашга тааллуқли тадқиқотларни кучайтирмоқ лозим.

Ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг тажриба-эксперимент базасини ва саноат маҳсулоти чиқарувчи корхоналарнинг тажриба ишлаб чиқариши замонавий та-

лабларга мос бўлишини таъминлаш зарур. Фан-техника тараққиёти бўйича планлар зарур ишлаб чиқариш потенциалини яратишга, ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий даражасини тубдан оширишга қаратилган бўлиши муҳимдир. Бунда ҳам халқ хўжалигидан тортиб бошқаришнинг барча бўғинларида фан ва техникани ривожлантиришнинг илмий-техникавий программалари ва планларининг, шу жумладан планлар тузиш учун нормативлар системасини ишлаб чиқишнинг устун даражада бўлишини таъминламасдан туриб иш тутиб бўлмайди. Тадқиқотларнинг мақсадга йўналтирганлигини кучайтириш йўли билангина узоқ муддатли ва перспектив планлаштиришнинг илмий асосланганлиги даражасини ошириш мумкин.

Фан самарадорлигини янада ошириш ҳамда унинг ютуқларини хўжалик юритиш практикасига жорий этишни жадаллаштириш ишларни бажаришнинг ташкилий формаларини такомиллаштиришни талаб этади. «Фан-техника тараққиётини бошқаришни такомиллаштиришда, идора тўсиқларини бартараф этишда кескин чоралар талаб қилинади», — деб қайд қилинган эди М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясидаги докладида. Бу соҳада докладда тилга олинган энг муҳим йўналишлар қуйидагилардир — фан-техника комплексларини, инженерлик марказларини, тармоқ вазифаларини ҳал этиш учун муваққат коллективларни тузиш; илмий тадқиқотлар — техника ва технология — инвестиция — ишлаб чиқариш — реализация — хизмат кўрсатишдан иборат тугал циклни вужудга келтириш; фанни ташкил қилишнинг давлат ва кооператив формаларини оқилона қўшиб олиб бориш.

Ўзбекистонда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш программасида халқ хўжалиги тармоқларини техника жиҳатдан реконструкциялаш программалари комплекси марказий ўрин тутиши керак. Ишлаб чиқаришни илғор технологиялар, автоматлаштириш воситалари билан қуроллантирмасдан, уни комплекс механизациялаштирмасдан, яна ҳам электрлаштирмасдан, химиялаштирмасдан, роботлаштирмасдан, компьютерлаштирмасдан туриб ишлаб чиқарувчи кучларни такомиллаштиришнинг иложи йўқ. Фан-техника сиёсати ишлаб чиқаришнинг техника билан қуролланишининг нотекислиги ва нокомплектлилигини бартараф этишга ҳам қаратилган бўлиши лозимки, булар ҳозирги вақтда ишлаб турган потенциал фонд самарасининг пасайиб кетишининг асосий сабабларидан биридир. Ёрдамчи жараёнларни ташкил этишни яхшилаш замирида катта-катта резервлар ётибди. Ишлаб чиқаришга техника, машиналар ва асбоб-ускуналар пароканда турларини эмас, балки ҳам асосий, ҳам ёрдамчи ишлаб чиқаришларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун уларнинг системаларини жорий қилиш вақти келди. Техника сиёсатининг худди ана шундай йўналиши ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама интенсивлаш учун реал асос яратади.

Ҳозирги вақтда ишлаб турган кам самарали асбоб-ускуналарни прогрессив, юқори унумли асбоб-ускуналар билан тез алмаштириш халқ хўжалигини техника жиҳатдан реконструкциялашни амалга оширишда биринчи навбатда турган вазифадир. Бунинг устига жорий этилаётган техника ўзининг техникавий-иқтисодий параметрлари жиҳатидан алмаштирилаётганига нисбатан 2—2,5 баравар устун бўлиши лозим. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун энг аввало бўлғуси янгилашнинг кўламларига баҳо бериш, маънавий ва жисмоний эскирганлиги туфайли чиқариб ташланиши ёки модернизацияланиши лозим бўлган асосий фондларни ажратиш мақсадида энг аввало ишлаб турган потенциални ялпи инвентаризациядан ўтказиш лозим.

Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини аттестациядан ўтказиш, биринчидан, техникавий қайта қуроллантиришнинг узоқ муддатли комплекс программасини (корхона, тармоқ ва ҳоказолар программасини) тузиш; иккинчидан, ишлаб турган потенциалдан фойдаланишни яхшилаш планини белгилаш; учинчидан, ҳозирги вақтда айниқса муҳими — инвестицион маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан уларни истеъмол қилувчилар ўртасида маҳсулот олдига қўйиладиган талабларни шакллантиришда қайта алоқани кучайтириш имконини беради.

Эскириб қолган фондларни янгилашнинг рационал параметрларини аниқлаш белгиланган вазифалар системасида муҳим ўрин тутади. Бу тадбир бундан олдинги йилларда Ўзбекистонда ғоят нотекис тарзда амалга оширилар эди: агар қишлоқ хўжалигида ва хусусан қурилишда ҳар йили жами машиналар ва асбоб-ускуналарнинг чорак қисмга қадари ишдан чиқиб турган бўлса, саноатда атиги 1,2—1,4

проценти чиқариб ташланди. М. С. Горбачевнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1988 йил 8 апрелда республиканинг раҳбар ходимлари олдида сўзлаган нутқида бу ҳол алоҳида уқтириб ўтилди. Машинасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати каби етакчи тармоқлар учун асосий фондлар хизмат муддатларининг энг каттаси характерлидирки, бу тармоқларда ишлаб чиқариш аппаратининг юзага келган чиқариб ташланиши суръатлари уларнинг 35—40 йил мобайнида эксплуатация қилинишига асос солди.

Объектив жиҳатдан олганда алмаштирилиши лозим бўлган меҳнат воситаларидан саноатда фойдаланиш кўпинча юзаки қараганда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш манзарасини пайдо қилиб турди. Ҳақиқатда эса, ишчиларнинг каттагина қисмини эски техникада кам унумли меҳнат қилишга жалб этиш меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг энг самарали йўналишлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини камайтирди. Янги жорий этилаётган қувватлар ғоят сустлик билан ўзлаштирилди. Шуни айтиш кифояки, 1984 йилда фойдаланишга топширилган корхоналар 1987 йил охирига келиб лойиҳада кўзда тутилган маҳсулотнинг учдан бир қисмидан камроғини берди. Янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ишлаб турганларини йириклаштириш такрор ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришнинг асосий формалари бўлганлиги сабабли корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга сарфланадиган капитал маблағлар улуши ғоят кам бўлди.

Хўжалик юритишнинг Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришда асосан экстенсив, харажат қилиш йўлини белгилаб берган кўп стереотипларидан истиқболда воз кечиш лозим бўлади. 2000 йилга қадар республика асосий фондларининг хизмат қилиш муддатлари рационал нормаларга мувофиқ бўлиши учун ҳар йили уларнинг эскириб қолган қисмини чиқариб ташлаш ўрта ҳисобда 5—6 процентгача етказилиши зарур. Албатта, янги корхоналар қурмасдан ва ишлаб турганларини кенгайтирмасдан иш тутишнинг иложи йўқ. Лекин шу йўл билан ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш, биринчидан, корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга зарар келтирмаган ҳолда ва, иккинчидан, анча тежамлироқ йўл билан маҳсулот чиқаришни кўпайтириш резервлари ишлатилиб бўлгандан кейингина ўтказилиши лозим. Истиқболда фондларни янгилашнинг йиллик суръатларини 10—12 процентга, машинасозлик ва қурилишда — 14 процентгача, чиқариб ташлашни эса 6 процентгача кўпайтириш зарурдир. Жисмонан ишдан чиққан ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб ташлашни тезлаштириш натижасида унинг умумий ҳажмдаги салмоғини 1995 йилда 10 процентгача камайтириш зарурки, бу ҳол ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини анча оширишни таъминлайди.

Капитал маблағларни такрор ишлаб чиқариш структураси ўзгартирилса, ишлаб чиқариш аппаратини янгилашни тезлаштириш мумкин. КПСС XXVII съезди ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишни янги беш йилликнинг характерли белгиси деб атаганлиги сабабли ана шу мақсадларга сарфланадиган капитал маблағлар улуши бетўхтов ошиб бориши лозим. Республикамизда уни, мутахассисларнинг фикрига кўра, 55—58 процентгача кўпайтириш керак.

Ҳозирги вақтда корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишнинг мазмуни ҳам кўп жиҳатдан ўзгармоқда. Илгарилари кўпинча қилиниб келинганидек, жисмонан ишдан чиққан техникани маънавий эскиргани билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайдики, бундай қилганда одатда, янги иш жойлари, ремонтга ва техника хизмати кўрсатишга харажатлар мутлақ ва нисбатан кўпайиб боради.

Фақат айрим эскирган станоклар ва механизмларгина алмаштирилиб, танлаб-танлаб реконструкция қилиш каби ўтмишда ўзини оқламаган тадбирдан ҳам воз кечмоқ лозим. Ҳозирги вақтда барча истеъмолчиларни бирданига зарур янги техника билан таъминлашнинг иложи йўқлиги туфайли эса уни тақсимлашдан олдин министрликлар, план ва таъминот органлари корхоналардаги аҳволни, ишлаб чиқарувчи соҳанинг янгиликни қабул қилишга тайёрлик даражасини ва жорий этилаётган фондларнинг юксак даражада иш билан таъминланиши имкониятларини синчиклаб ўрганиб чиқишлари лозим. Бунда ҳозирги вақтда техника тараққиёти учун ҳал қилувчи бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларга, шунингдек Ўзбе-

кистон халқ хўжалиги комплексини янада ривожлантириш проблемаларини ҳал этишда танг жой бўлган корхоналарга энг кўп эътибор берилиши лозим.

Эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш жараёнини тезлаштириш ҳақида гапирганда ундан рационал фойдаланиш проблемаси ҳақида айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Ҳозир бундай асбоб-ускуналар кўпинча тарқатиб юборилади, металлломга топширилади ёки ҳаракатсиз ётади. Ваҳоланки, уларнинг каттагина қисми майда корхоналарда, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг филиалларида ҳали иш бериши мумкин. Шу боисдан илгари фойдаланилиб келинган асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ялпи реализация қилишни ташкил этиш ҳақидаги таклиф диққатга сазовордир.

Ресурсларни тежашни таъминловчи чиқитсиз ва камчиқитли технология жараёнларини жорий этиш ишлаб чиқаришни интенсивлашни чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга молик. Халқ хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштириш суръатларини белгиловчи тармоқ бўлмиш машинасозлик учун бу айниқса актуалдир. Унда анъанавий технологияларни металларга ишлов бериш ва уларни пайвандлашнинг лазер, электрофизик, электрохимик ва бошқа прогрессив методлари билан алмаштириш борасидаги комплекс изчил тадбирларни амалга оширмоқ лозим.

Машинасозликда пластмассалар ва бошқа синтетик материалларни кенг қўлланиш, шунингдек кукунли металлургияни жорий этиш металлни анча тежашга ёрдам беради. Ана шундай металлургия методлари билан олинган деталлардан республика қишлоқ хўжалик машинасозлигида, жумладан «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмасида фойдаланиш йилига 100 минг сўм иқтисодий самара олиш имконини берди. Деталлар ва узелларни ана шундай методлар билан ясашда металлнинг нобуд бўлиши 5—7 баравар, таннарх 2—3 баравар пасаяди. Афсуски, кейинги йилларда ана шу методларни қўлланиш суръатларининг сусайиши тенденцияси кўзга ташланмоқда ва ҳозирги кунда металл кукунларидан мустаҳкамловчи қоплама сифатида ҳаммаси бўлиб республиканинг 30 та корхонаси фойдаланмоқда.

Ваҳоланки, ресурсларни тежовчи технологияларни фаол жорий этиш айниқса маҳсулотига жуда кўп металл сарфланиши билан характерланадиган тармоқлар учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бирламчи хом ашё компонентларидан максимал фойдаланиш хом ашё базасини кенгайтиради, қазиб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланиш суръатлари нисбатан сусайишига кўмаклашади, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шуниси ҳам муҳимки, атроф муҳитни ишлаб чиқариш чиқиндилари билан булғатиш камаяди.

Ҳозирги босқичда фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштиришга унинг технологик ва иқтисодий жиҳатларининг мустаҳкам ўзаро алоқасисиз эришиб бўлмайди. Технология жараёнлари, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнашига қарамай, фан-техника тараққиётини бошқариш механизмининг фаол таъсирисиз халқ хўжалигида рўёбга чиқарилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ишлаб чиқариш потенциалини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартишни изчил амалга оширишдан юксак иқтисодий натижалар олиш омили сифатида максимал фойдаланмоқ лозим. Ҳозир амалга оширилаётган экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш шароитида фан-техника тараққиёти иқтисодий жиҳатининг пировард натижаларга таъсири анча кучаймоқда. Бу шу билан боғлиқки, ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш қисқа муддатлар ичида фан-техника тараққиётининг ўз харажатларини ўзи қоплаши учун ва унинг самарадорлиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг тобора ортиб борувчи суръатларини рўёбга чиқаришга етарлича ҳисса бўлиб қўшилиши учун манба бўлиб қолиши керак. Яқин ўтмишда фан-техника тараққиётининг иқтисодий жиҳати амал қилмаганлиги шунга олиб келдики, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг иложи бўлган потенциал даражасидан паст бўлиб чиқди. Республика халқ хўжалиги тармоқларида юқори унумли асбоб-ускуналар, энг янги техниканинг турли хиллари анча-мунча миқдорда тўпланди, лекин уларнинг каттагина қисмидан ғоят самарасиз тарзда фойдаланилди. Бунинг оқибатида жуда катта зарар кўрилди, фонд самараси пасайиб кетди.

Хўжалик механизмининг такомиллашмаганлиги вужудга келган аҳволнинг асосий сабабларидандир. Ҳозирги кунда у қайта қурилаётганлиги ва фан-техника тараққиётида янги имкониятлар пайдо бўлаётганлиги муносабати билан бу тараққиётнинг иқтисодий жиҳати кўп ҳолларда шай эмаслиги маълум бўлди, янги техниканиң қўлланишдан юксак натижалар олиш таъминланмаётир. Фан-техника тараққиётининг технологик ва иқтисодий жиҳатлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш учун хўжалик механизмининг муттасил ривожланиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучлар объектив талабларига мос бўлишига эришмоқ керак. Туб ислоҳот амалга оширила борган сари хўжалик механизми, шубҳасиз, ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий даражасини оширишга тобора катта таъсир кўрсатади. Фан-техника тараққиёти иқтисодий ва технологик жиҳатларининг диалектик бирлиги ана шундай. Шу бирликни билиш ижтимоий ишлаб чиқаришда зарур туб ўзгартишларга қулайлик туғдирувчи шароитларни ўз вақтида яратиш имконини беради.

Партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ жамиятимиз ривожи ҳозирги босқичининг муҳим хусусияти экономикани марказлаштирилган тартибда бошқариш форма ва методларини ишлаб чиқарувчи коллективларнинг мустақиллигини ва масъулиятини кенгайтириш билан қўшиб олиб боришдан иборат. Гап шундаки, ижтимоий ишлаб чиқариш структуравий жиҳатдан қайта қурилаётган, хўжалик алоқалари янада кўпайиб ва мураккаблашиб бораётган шароитда марказлаштирилган бошқариш қонуний тарзда асосан ҳамма соҳаларни қамраб олувчи проблемаларни ҳал этишга қаратилмоқда. Иккинчи томондан, техника ва технология гуркираб ривожланаётган ҳозирги вақтда жойларда қарорлар қабул қилганда қайта алоқанинг оперативлигига, жадаллаштирилишига тобора катта талаблар қўйилмоқда. Бу ҳол марказлаштирилган бошқарувга муҳтож бўлган масалалар доирасини торайтиришга ҳамда корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтиришга олиб келади. Бундай шароитда ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг роли ортиб борадики, унга кўра корхонани ривожлантириш унинг ўз маблағлари, шунингдек банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш саноатнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг жуда катта таъсири остида бўлган фан ва техникага кўпроқ муҳтож тармоқлар корхоналарига айникса зарурдир. Хўжалик механизмини такомиллаштириш капитал маблағлар умумий ҳажмида корхоналарнинг ўз маблағлари улушини кўпайтиришга кўмаклашади.

Амортизация фонди ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришда катта роль ўйнайди. Уни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш меҳнат воситаларининг жисмоний ва маънавий ишдан чиқишини тўғри белгилаш асосида амалга оширилиши лозим. Меҳнат воситаларини янгилаш микёсларининг планлаштирилаётган даражада кўпайтирилиши муносабати билан амортизация нормаларини аниқлаш ва кўп ҳолларда уларни ошириш талаб этилади.

Шундай қилиб, халқ хўжалигини техника жиҳатдан муваффақиятли реконструкция қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун мавжуд резервлардан максимал даражада фойдаланмоқ зарур. Бунга эса меҳнат коллективлари ташаббусини активлаштирмасдан эришиб бўлмайди. Сўнгги йиллардаги партия ва ҳукумат ҳужжатларида мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлни амалга оширишдаги уларнинг жуда катта масъулияти қайта-қайта таъкидланганлиги бежиз эмас. Айнан меҳнат коллективлари хўжалик юритишнинг янги шароитида фан-техника тараққиётининг илғор марраларига чиқиб олишни, чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини таъминлашлари лозим.

Диққат-эътиборни шунчаки дунёдаги энг яхши намуналарга, аллақачон рўёбга чиқарилган техникавий ечимларга эмас, балки техниканинг ривожланиши тенденцияларига баҳо беришга қаратиш фан-техника тараққиёти ҳозирги босқичининг ҳал қилувчи белгиси бўлиб қолмоқда. Улар ҳам Ватандаги, ҳам чет эллардаги тадқиқот тафаккури ютуқларидан ўзиб кетишни мўлжаллаб ана шу ривожланишни лойиҳалаштириш имкониятини ҳам беради.

А. ЯКИРЕВИЧ

АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ВАЗИФАЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган иктисодий ислохот карорлар кабул килиш жараёнларини ахборот билан таъминлаш механизмларини четлаб ўта олмас эди. Партия ва ҳукуматнинг халк хўжалиги турли тармокларида бошкарувни такомиллаштиришга доир карорларида ўзаро иктисодий муносабатларни ривожлантиришнинг максад ва йўналишлари таърифлаб берилган. Статистика ҳисоботини бузишларга карши кураш учун юридик база яратилган. Турли ташкилотларнинг корхона ва бирлашмалардан ахборот талаб килиш имкониятлари чекланди. Статистика бўйича СССР Давлат комитетига статистика ҳисоботининг кўрсаткич ва формалари рационал системасини ишлаб чикиш топширилди. Лекин бу соҳадаги ишлар аҳволи деярли ўзгаргани йўк. Статистика ҳисоботининг иктисодий тикланиш куролига айланиш жараёнини жадаллаштириш учун, бизнингча, бу ишга Госплан, юстиция, молия министрликлари ва бошка идораларни жалб килиш керакки, ҳозирча уларнинг ушбу проблемани ҳал этишга бўлган таъсирини ҳис этмаяпмиз. Тилга олинган теманинг баъзи бир конкрет томонларини караб чикайлик.

АЛОҚАЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШМАГАНЛИГИ — ЭКОНОМИКАДАГИ САЛБИЙ ВАЗИЯТНИНГ САБАБЛАРИДАН БИРИ

Корхоналар иши натижаларига бевосита таъсир кўрсатувчи факторлар орасида материаллар ҳамда ярим фабрикатларни етказиб бериш интизоми ва уларнинг сифати муҳим ўрин тутади. Айтайлик, трикотаж корхонамиз муайян моделдаги хотин-кизлар кўйлаклари ва спорт кийимларини етказиб бериш борасида республика ҳамда ундан ташкаридаги турли савдо ташкилотлари билан шартномалар тузди деяйлик. Лекин етказиб берувчи корхона бизни керакли фасондаги тугмаларнинг зарур микдори билан таъминламади, балки бошкачаларини тикиштирди. Бундай вазиятда биз ушбу моделдаги кўйлакларнинг бир кисмини бошкача тугмалар билан, демак, бошкача кўринишда ҳам чикаришга мажбур бўламиз. Савдо буюртма берган хажмда кўйлаклар тайёрлаш учун бундай тугмалар етса яхшику-я. Спорт кийимлари учун эса ҳар бир моделга муайян узунлик ва рангдаги молниялар керак бўлади. Уларни етказиб беришдаги узилишлар моделни ўзгартиришга мажбур килиши, бунинг окибатида эса, савдо билан муносабатларни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин.

Шундай килиб, бугунги кундаги статистика ҳисоботи корхоналар кимдан нима олади-ю, кимга нима жўнатади (кайтаради ёки кам олади) — буларни акс эттирмайди. Ҳамма нарсанинг ҳам, доимо ҳам мувофиклаштириб, келишиб олинмаганининг сабаби ҳам шунда эмасмикин? Зотан, алокаларсиз система йўк. Бу илмий фактни инкор этиш экономикада кўпгина хатоликларни келтириб чикаради.

Истеъмолчи билан етказиб берувчининг ўзаро муносабатлари жараёнида юзага келадиган баъзи бир вазиятларни караб чикайлик:

ЯКИРЕВИЧ Аркадий Михайлович, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чикариш бирлашмаси кустовой ахборот-ҳисоблаш марказининг бошлиғи, иктисод фанлари кандидати.

— буюмлар (хом ашё, ярим фабрикатлар) шартномага илова қилинувчи техник тавсифга тўла мос келади;

— буюмнинг техник тавсифи доирасида қолишига имкон берувчи, лекин сифат характеристикаларини ёмонлаштирувчи арзимас четга чиқишларга рухсат берилади;

— структура бўйича комплектловчи ёки асосий элементлар шундайки, ўша группадаги буюмларни бошқа моделда ҳамда сифат характеристикаларини ёмонлаштириб чиқаришга тўғри келади;

— объектив сабабларни — хом ашё, материал етказиб берилиши узилиб қолгани ва ҳоказоларни дастак қилиб, истеъмолчига талаб қилинганидан бутунлай бошқача буюмларни тақдим этиш;

— истеъмолчи етказиб беришни қисман ёки бутунлай барбод қилувчи аҳволга тушиб қолади ва ҳоказо.

Ана шундай вазиятлар хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тарқалган. Масалан, таълим органлари билан корхоналарнинг ўзаро муносабатлари жуда жўндир. Истеъмолчи ҳозиргача ёш мутахассисларни бундай қараганда «текинга» олиб келади. Уларга таълим беришда бюджетга ўтадиган фойданинг бир қисми сарфланганини факти негадир унутилади. Ҳақ тўлаш эгасиз тусда олиб борилгани бунга асосий сабаб бўлса керак. Лекин ёш мутахассис учун ҳозир таклиф қилинаётган уч минг сўм миқдоридаги ягона, қисман «нарх» олий мактаб билан ишлаб чиқаришнинг иқтисодий муносабатларини соғломлантира олмаса керак. У бошқарув аппарати ўз мавжудлигини таъминлаш учун қабул қилаётган қарорларнинг йўналишини намойиш этади холос. Ҳозир тақсимот натижасида юборилган ёш мутахассисдан нафақат унинг тайёргарлиги яхши бўлмаганлиги учун воз кечиб бўлмайди, балки иқтисодий санкциялар қўлланиш ҳам мумкин эмас. Ҳозир уч йил ишлагандан сўнг ёш мутахассисларни аттестациялаш кўзда тутиляптики, у ўқув юрти камчиликларини очиб ташлашдан кўра уларнинг туғма қобилиятларини баҳолашга имкон беради. Корхоналарнинг бюджетга тўловини камайтирган ва тиқиштирилган «брак»дан воз кечиш имкониятига эга бўлган ҳолда мутахассислар учун тўлиқ «нарх» белгилаш тўғрироқ бўлмайдими?

Корхоналар раҳбарларининг (ҳеч ким улар зиммасидан план бажарилиши учун масъулиятни олиб ташламаган) кўпчилиги ҳали ҳам ҳисоботларга «тузатишлар» киритади. Нима учун бу мумкин? Нима учун баъзан «тормоз» сусаяди? Бизнингча, ҳисоботларни тайёрлаш жараёни нимаси билан(дир) ўзига ўзи баҳо қўйишни эслатиши бунда катта роль ўйнайди. Улар ҳаққонийлигини контрол қилувчи доимий механизмнинг йўқлиги жазоланмаслик эҳтимолини юзага келтиради, яъни муайян «психологик тузоқ» яратади. Барча ҳисоботлар Госкомстатнинг территориал ахборот-ҳисоблаш корхоналарига келиб тушади, бу ердаги қайта ишлаш ва бошқарув органлари барча даражалари бўйича жамлаш жараёнида дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш доим ҳам мумкин бўлавермайди. Тез-тез ўтказиладиган танлаб текширишлар эса контрол қилувчи органлар кўп бўлган тақдирда ҳам юксак аниқликни таъминламайди. Бинобарин, бундай «тузоққа» илиниб қолиш қийин эмас, агар планлаштириш эришилган натижага қараб белгиланса, айрим ҳолларда эса — бошқарув юқори органларининг иқтисодий жиҳатдан масъулиятсизлиги ёки «узоқни кўра билмаслиги» ёхуд шу сингари бошқа сабаблар бунга албатта олиб келиши тайин.

Корхонанинг ҳар қандай ҳисоботи учётга олиш ва контрол қилиш вазифаларини ахборот билан таъминлаш усулларидан бири бўлиб, бошқаришнинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик услуби авж олган йилларда у саноат ва қишлоқ хўжалигидаги «крепостнойлик ҳуқуқи»нинг асосий қуролига айланган эди. СССР Госкомстати системасида ҳисоботларни қайта ишлаш натижаларининг информативлиги ва ҳаққонийлиги қониқарли эмаслиги контрол қилиш органларининг ва улар билан боғлиқ турли даражадаги комиссияларнинг кўпайишига олиб келди. Ана шу орган ва комиссиялар аъзоларининг меҳнат сарфи ҳамда текширилаётган корхона ва ташкилотлар ходимлари иш вақтининг исрофи жуда каттадир. Агар статистика ҳисоботи системасида корхона ва ташкилотлар ўртасидаги алоқа ўз аксини топса юқорида айтиб ўтилган салбий ҳодисалар кескин камайиши мумкин. Бунинг устига кўрсаткичларнинг миллиардлаб ҳажмини қайта ишлаб чиқишга зарурат қолмасди, чунки бунга кўп сонли бюрократик қатламларгина эҳтиёж сезади.

зеро бу уларга ўзларининг мавжудлигини оқлаш учун керак. Экономикани демократик асосда бошқариш учун улар керак эмас. Маълум назарий қоидаларга кўра мавжуд системани тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичлар системасини яратиш мумкин эмас. Шу сабабли давлатнинг асосий мақсадлари нуктаи назаридан муҳим бўлган маълумотларнигина ҳисобга олиш керак.

Шунингдек пухта ўйланган муқобил баҳолар механизми ҳам зарур. Телевизион приёмникда унинг яхши ишлаши учун синхронлаш блоки қанчалик аҳамиятга эга бўлса, мамлакат халқ хўжалиги турли тармоқларидаги, ўн минглаб корхона ва ташкилотлар фаолиятининг натижалари улар ўзаро фаолиятини қанчалик уйғун мослашишига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир корхона бир вақтнинг ўзида ҳам олувчи, ҳам етказувчи эканлигидан келиб чиқиб уларнинг «ўзи ҳақидаги баҳоси»ни фаолият соҳасидаги шерикларининг ташқи баҳолари билан тўлдириш яхши бўларди. Агар бир шерик иккинчиси ундан олган маҳсулотни аниқ кўрсатишини билса, у ҳисоботга «тузатиш» киритишга журъат қила олмаса керак. Иккинчи шерикни биргаликда «тузатиш» қилишга «кўндириш» ҳам мумкин бўлмайди, чунки фойда планини бажариш, демак, иш ҳақи учун пулнинг бўлиши ҳам етказиб бериш тўлиқ бўлишига боғлиқ бўлади.

Тақдим этилаётган механизм ишлаб чиқаришдаги мавжуд учёт системасига осонгина мослашади. Маълумки, маҳсулотлар таннархини белгилаш хом ашё ва материаллар комплектловчи элементларининг қийматини ҳисобга олишга асосланади. Демак, ҳар бир маҳсулот ва материалларни етказиб берувчининг ташқи компонентларининг салмоғини аниқлаш ҳам қийин эмас.

ҲИСОБОТЛАР СИСТЕМАСИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛЛАРИ

Корхоналар ҳисобот бериш формаларининг амалдаги муайян группаси — 1-п (ҳафталик, муддатли-ойлик, кварталлик), 2-п, 1-сб, 2-сб ва уларнинг иловалари, 1-пснинг икки тури, 1-сн, 4-сн, 14-сн, 21-сн, ҳар кунги 15 сатрлик ҳисоботни қўшган ҳолда тармоқнинг автоматлаштирилган бошқарув системаси учун кўплаб тузиладиган сводкалар (жами 20 дан ортиқ) биргина форма билан алмаштирилиши мумкин. Корхона барча ҳисоботларининг атиги бешдан бир қисмини ташкил этувчи юқоридаги формалар бир кварталда 15 минг кўрсаткичдан ошиб кетади. Битта структурадаги ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш қиймати ўша ҳажмдаги, лекин йигирма структурада ташкил этилган ахборот ҳажмидан анчагина пастлиги фактини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Зотан, улар йигирматагина эмас-да! Ҳар бир формадаги бир хил шапкалар кодларини расшифровка қилиш қанчадан-қанча қўшимча норматив-справка ахборотини талаб этадики, бу яна янги структуралар демакдир! Маълумотлар банкини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш проблеманинг кескинлигини камайтиради деган умид бор. Лекин, бунда ҳам механиканинг «олтин» қонунига ўхшаш қонун мавжудлигини унутмаслигимиз керак: агар структурали ахборот ҳисобига изланиш тезлигидан ютадиган бўлсак, хотира ва ишончлиликда ютқазамиз ва ёки аксинча бўлади.

Зеро ҳар бир форма машинада қайта ишланиш учун бир неча адресга юборилади. Ҳужжатларни қабул қилиш, машина ифодаловчиларига кўчириш, уни контрол қилиш, контрол остида ЭҲМга киритиш, сақлаш, сақланувчи ахборот контроли, машина янглишишларида кўрсаткичларни тиклаш — барча адресларда бир хил маълумотларга эга ана шу технологик операциялар такрорланади, фақат ҳисоблаш ва сводкалар чиқарилиши операциялари фарқланади. Бундай такрорланиш фақат мутахассислар ва ҳисоблаш қувватларини иш билан банд қилишни таъминлайди, холос. Ҳолбуки иккаласи ҳам бугунги кунда дефицит бўлиб қолган. СССР Госкомстатининг КПСС МК Сиёсий бюроси мажлисида ҳисоботни 1-п, 2-п (шартнома), 1-быт формалари мисолида қисқартириш хусусидаги ҳисоботи ушбу идора Госплан билан биргаликда ўз позицияларини ва ҳам ўзининг, ҳам бошқа идораларнинг аппарати сонини сақлаб қолиш мақсадида маневр қиляпти деган фикр туғдиради.

Ўзаги маҳсулот турлари ёки группалари бўйича ўзаро етказиб бериш, қайтариш, хизмат кўрсатиш ва етказиб бермаслик ҳажмларининг кўрсаткичларидан иборат бўлган ягона формани (формалар группасини) жорий қилиш мақсадга му-

вофиқ ва реал бўлар эди. Дарвоқе, шартли «маҳсулотлар» қаторига ёш мутахассисларни ҳам киритиш мумкин. Деталлаштириш даражасини тармоқлар бўйлаб ва ҳисоблаш қувватлари ўсиб боришига қараб аниқлаш мумкин. Қайта ишлашда чамалаб кўрилган нормалаш ва умумлаштириш усулларидан фойдаланиш зарур. Масалан, бир, икки ёки бир неча юз маҳсулотни (хизматни) ишлаб чиқариш, бир, икки ёки ўнлаб етказиб берувчи билан кооперацияда бўлиш, буюмлар мураккаблигининг ҳар хиллиги меҳнат коллективларидан турлича куч-ҳаракатни талаб қилади. Бу куч-ҳаракатларни қиёслаш мумкин бўлиши учун уларни «ягона махраж»-га келтириш керак. Агар ташкилотлар (корхоналар) ресурсларнинг асосий турларидан фойдаланиш нормаларини реализация қилинадиган маҳсулот группалари (ёки бутун номенклатура) бўйича тақдим этадиган бўлсалар, анализ қилиш вазифаси Госкомстатда одатдаги бир иш бўлиб қолади.

Афтидан, статистика фанига системали анализ қилиш методлари ҳамда оммавий хизмат кўрсатиш системалари назариясидан фойдаланиш вақти келгандир. Нега энди бажарилмаган заявкалар (қондирилмаган эҳтиёжлар) миқдорини ҳисобга олмаслик керак? Масалан, зарур нарсасини ололмай кетган харидорларни; турли сервис хизматларида хизмат кўрсатилмаган мижозларни; тақсимот бўйича келган, лекин корхона олдида турган вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлмаган ёш мутахассисларни ва ҳоказоларни ҳисобга олмаслик керак. Баъзи бир тармоқлар, кичик тармоқлар ёки корхоналар бир қатор маҳсулотлар (хизматлар) бўйича мамлакатда ягона ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Қондирилмаган эҳтиёжни (бажарилмаган заявкалар ёки бажаришнинг паст сифатдалигини) ҳисобга олмасдан туриб уларнинг иқтисодий масъулиятини ўлчаш мумкинми?

Тармоқ кўрсаткичларининг спецификасини ҳар бир конкрет ҳолда ҳисобга олиш мумкин. Масалан, енгил саноат корхоналари учун тасдиқланган ҳисоботлардан тайёр маҳсулот чиқарилиши кўрсаткичларини олиб ташлаб, фақат реализация кўрсаткичларига таяниш маъқулдир. Зотан, энг муҳими, маҳсулотнинг корхона дарвозасидан чиққани эмас, балки унинг истеъмолчини топишидир. Бошқарув органи корхона устидан қанчалик юқори жойлашган бўлса, ишлаб чиқариш ичидаги ҳаракат эмас, балки алоқалар ва уларнинг сифати унинг учун муҳимроқ бўлиши керак. Қисқаси, реализация бўйича (ҳозиргидек ишлаб чиқариш бўйича эмас) ҳисобланадиган меҳнат унумдорлиги омбордаги токчани эмас, балки истеъмолчини топган маҳсулотнинг сифатини акс эттиради.

Ҳамонки, Госкомстат, министрликлар ва бошқарувнинг бошқа ташқи органлари эҳтиёжларни қондириш даражасига ва корхонанинг бозор учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқара олиш қобилиятига эмас, балки тайёр маҳсулотлар омбор аҳволига қараб иш тутар эканлар, кўп сонли бюрократик группалар «ҳаёт кечириши» учун шарт-шароит мавжуд бўлаверади. Аслида фақат улар учунгина **улгуржи нархларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг** ялпи кўрсаткичи **доналаб ишлаб чиқариш** билан алмаштирилган. Бундай кўрсаткичлар бекорга натурал кўрсаткичлар дейилмайди, улар натурал хўжаликка дахлдор бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мажбурий қабул қилдирилган даражасини характерлайди. Инсоннинг энг катта кашфиётларидан бири бўлмиш пулни қандай қилиб инкор этиш мумкин? Зотан бошқарувнинг юқори даражаси учун муайян ташкилотлар ўртасидаги реализация ҳажмларини, яъни ким сотиш, ким харид қилиш қобилиятига эгалигини билиш кифоя қилади. Оммавий хизмат кўрсатиш системаларини бошқариш назариясининг кўрсаткичлари орасида хизмат кўрсатилиши учун навбатда кутиш вақти олдинги ўринлардан бирини эгаллашини унутмаслик керак — у билан қониқтирилмаган эҳтиёж ўртасида очиқ-ойдин боғланиш мавжуд.

МУҚОБИЛ БАҲОЛАР МЕХАНИЗМИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИ

Статистика ҳисоботлари системаси бир қисмини қайта қуришга доир таклиф қилинаётган ёндашиш йигирматача формани шундоққина битта форма билан алмаштиришни эмас, балки синхронлаш механизмларини машинагача, машина ва машинадан кейинги ахборотлар билан таъминлашни қайтадан мушоҳада қилишни тақозо этади.

1-п (почта) формаси нуқсонларини функционал анализ қилиш мисолида конк-

рет лойиҳа ечимларининг мумкин бўлган вариантини қараб чиқайлик. Унда битта устунгина вақтнинг реал микёсидаги тасвирлаш вазифасини бажаради, қолган устунлар эса корхонанинг ўтмиши ва келажак аҳволи кўрсаткичларининг хотирлаш ва контрол қилиш вазифаларини бажаради. Келажакка оид вазифани бугунги кунда, бизнингча, бланк-формалар эмас, балки ЭҲМлар бажариши керак.

Баъзилар автор план кўрсаткичларини бекор қилишга чақиряпти деб ўйлашлари ҳам мумкин. Асло, фақат бу ишга бошқа томондан ёндашишни таклиф қиляпман. Планни, маълумки, давлат буюртмалари ёки шартнома мажбуриятлари белгилайди. Шу сабабли ҳисобот формасида уларнинг бажарилиши акс этса, план қандайлиги маълум бўлади-қолади. ЭҲМ хотирасидан фойдаланилганда ўтган даврлар ҳақида ахборот берувчи бошқа устунларга зарурат қолмайди. ЭҲМдаги маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш алгоритмлари ана шу ва шунингдек Госкомстат учун янги бўлган бошқа вазифаларни ҳал қилишга қодирдир.

Таклиф қилинаётган форма уч бўлимдан иборат бўлади: дастлабки иккитаси корхона ёки ташкилотлар учун кириш ва чиқиш моддий потокларининг аҳволини, учинчиси эса ушбу потоклар ўртасидаги алоқа структурасини кўрсатади. Ҳисоботнинг интеграл формаси базавий варианти универсал характерга эга бўлиб, у потоклар структурасига, шунингдек, ҳисоблаш техникаси воситаларининг номенклатурасига қарам эмас. Госкомстатнинг ахборот-ҳисоблашга доир хизмат кўрсатувчи шаҳар ва область ташкилотлари контрол қилувчи корхоналар билан ҳамкорликда муайян муддатга ўша кўрсаткичлар тўпламидан, лекин қайтарилишларни камайтириш мақсадида турли структурали қилиб иқтисодий асосда конкрет формаларни ташкил қила олардилар.

ЭҲМда маълумотларни тайёрлаш, контрол қилиш ва киритишнинг замонавий системалари учун формаларнинг ўзгарувчан размерлари тўсиқ бўлолмайди. Интеграл формалар оиласини ишлаб чиқишда шартномалар бажарилишидан четга чиқишларни энг кўп камайтиришнинг ахборот «стимули» унинг структурасига жойлаштирилган: шартномалар тўлиқ ва сифатли бажарилганда ҳисоботдаги сатрлар (белгилар) миқдори минимал бўлади, бошқача ҳолда эса у максимал бўлади. Бунда қуйидагича иқтисодий механизмни таклиф қилиш мумкин: минимал ёки унга яқин бошланғич қийматни бепул ишлаб бериш, ундан юқорисига ҳақ олиш лозим. Чиқишдаги сатрлар (белгилар) лимити ошиб кетган тақдирда маҳсулот чиқарувчи корхона, киришдаги шундай аҳвол учун етказувчилар ҳақ тўлаши лозим. Халқ хўжалигини синхронлаш даражасини ошириш жараёнлари бутун жабҳа бўйлаб рағбатлантирилиши керак.

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ СТРУКТУРА ВА ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШМАГАНЛИГИ — ЭКОНОМИКАДАГИ САЛБИЙ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ЯНА БИР САБАБИ

КПСС XXVII съезди социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришда инсон омилини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлади. Унинг қарорлар қабул қилиш структура ва жараёнларига таъсирини қараб чиқамиз.

Телевидение ва матбуотнинг кейинги пайтдаги материаллари мамлакат экономикасини бошқаришнинг янги формалари унча осонлик билан татбиқ қилинмаётганини кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири бригада ҳуқуқларининг етарли эмаслигидир. Масалан, агар трикотаж бирлашмамизда тикувчилар бригадаси йигирув ва бўяш-сайқаллаш ишлаб чиқаришларидаги бригадалардан полотно «сотиб олса» ва тайёр маҳсулотни омборга ёки бевосита савдога «сотса», ассортимент ва сифат масалалари «қадрдонлар» даражасида ҳал қилинган бўлар эди. Ишлаб чиқаришга ишчининг нафақат қўллари, балки интеллекти ҳам даркор. Тўғри, бундай ҳолда маъмурий-бошқарув аппаратининг бир қисми ишсиз қолади ва уни қисқартиришга тўғри келади, бироқ қайта қуриш камроқ оқсайдиган бўлади.

Масалан, бирлашманинг ҳисоблаш маркази (ҲМ) тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобга олади. Унга кетган харажатлар маълум. Хўжалик ҳисобида тикувчилик ишлаб чиқариши бригадалари ҳисоблаш хизматига қисман ҳақ тўлашларига тўғри келади. Агар уларга ўзлари ҳисоблашлари ёки ҲМда ҳисоблашни ҳал қилиш ҳуқуқи берилса, унда ЭҲМдан доимо самарали фойдаланиш мум-

кин бўлади. Сифатни бошқариш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўлимларини ҳам хўжалик ҳисобига ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш хусусидаги статистик ҳисобот формалари (1-т, 2-т) хилма-хил ахборот берилишини талаб қилади, лекин уларда қарор қабул қилишда эркинлик даражалари миқдори мавжуд эмас. Зеро, агар бригаданинг шахсий счётида «сотиб олинмаган» маҳсулотлар «осилиб қолса», унинг аъзоларининг ўзларига нисбатан ҳам, тайёрлаш ва бошқариш хизматларига нисбатан ҳам талаблари, шубҳасиз, кескин ошади. Бошқарув ходимларининг ҳаммаси ҳам бундан манфаатдор эмас, натижада хўжалик ҳисоби «ювилиб» кетмоқда, «қисман хўжалик ҳисоби» ва ҳоказолар пайдо бўлди.

Мавжуд статистик ҳисобот «тормозлаш механизми»нинг бир қисми деб ҳисоблайман, партия уни синдиришни биринчи навбатдаги вазифалардан бири сифатида олға сурмоқда. Бундай ёндашишни ўзгартириш нимага олиб келади? Аввало ҳеч бўлмаганда территориал ёки тармоқ «ватанпарварлиги» каби факторлар таъсирининг камайиши ҳисобига экономиканинг аҳволи ҳақидаги билимлар ҳаққонийлиги ошади. Госплан, Госснаб, бошқа раҳбар органлар қабул қиладиган қарорларни ахборот билан таъминлашнинг, демак, қарорларнинг ўзларининг ҳам сифати яхшиланади. Масалан, халқ хўжалиги системаси элементлари ўртасидаги алоқалар ҳақидаги маълумотлар, ушбу алоқаларнинг ҳажмлари ва сифатини билиш план қарорларида тармоқлараро баланслар методларидан фойдаланиш даражасини принципиал жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради.

Госкомстат органлари томонидан қондирилмаган эҳтиёжларнинг янада аниқ ўлчанишига зарурат етилди. Бундай ахборотнинг йўқлиги жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, республика улгуржи ярмаркалари ўтказилиши пайтида область базаси вакили бутун бир область аҳолисининг товарлар кенг номенклатурасига (юзлаб бирликда) эҳтиёжини бир ўзи белгилайди. Бунда у нималарга асосланади? Асосан план суммалари ва шахсий тажрибага. Ушбу механизмнинг сифатини унинг базасида қалашиб ётган касод товарлар массаси жуда ёрқин ифодалаб беради. Қисқаси, саноат — савдо бўғинида ҳеч бўлмаганда биттаси келишиб олса, олий ўқув юрти — саноат бўғинида эса мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув планларини келишиб олиш тушунчасининг ўзи умуман йўқ.

Экономикада горизонтал алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида ҳозир шартнома муносабатларини реализация қилиш ҳуқуқи кенгайтириляпти. Корхона ва ташкилотлар алоқа пайтида бунинг учун зарур ахборотга эгамилар? Практиканинг кўрсатишича, эга эмас. Масалан, маълумки, бир республика турли областлари аҳолисининггина эмас, балки бир область аҳолисининг ҳам — истиқомат жойи (шаҳар, посёлка, қишлоқ) ва бошқа факторлар туфайли диди ҳар хил бўлади. Лекин аниқ мезон йўқ, натижада ишлаб чиқариш программалари диддаги ушбу тафовутларни ҳеч ҳам ҳисобга олмайди.

Етказиб бериш ҳақидаги умумиттифоқ низомининг моддалари ҳам аниқлаштиришни талаб қилади. Масалан, йил давомида магазинларнинг вакиллари пландаги номенклатурани плансизига алмаштириш истагини билдирадилар. Агар магазинга бирор нарса қидириб кирсаг-у, бошқа нарса харид қилсак, бунда пуллар чакана савдога ўтказилади. Ушбу қоидани улгуржи савдога ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Таклиф қилинаётган структура ахбороти бошқариш турли даражаларининг функционал вазифаларини ва улар ўртасидаги ўзаро алоқани аниқлаш имконини беради. Масалан, истеъмолчи А ўз ҳисобида В маҳсулотига муҳтожлигини кўрсатди. Корхона С ўз ҳисоботида ресурс билан таъминланса, В маҳсулотини ишлаб чиқара олишини кўрсатди. Госкомстат Госпланга ушбу вазиятлар ҳақидаги ахборотни тақдим этади ҳамда муайян шартлар асосида ўзининг маълумотлар базасига киришга рухсат беради. Госплан Госснабни ва унинг моддий ресурслар ҳақидаги маълумотлар базасини жалб этади (бу ҳам текинга эмас — ҳамма маълумотлар базасига кириш механизмларини такомиллаштириш стимулига эга бўлмоғи керак).

Госплан В маҳсулотининг А ва С ўртасидаги спецификасини, ресурслар мавжудлигини аниқлади ва план қарори чиқариб берди. Сўнгра В маҳсулотини истеъмолчи А га реализация қилиш чоғида корхона С юқорида тилга олинган учала идорага В товарларини қўшимча ишлаб чиқаришдан олинган фойдадан восита-

чилик хизматлари учун ҳақ тўлайди. Ушбу фойдани тақсимлашнинг конкрет нормативлари мослашувчан ва ҳаммага фойдали бўлиши керак.

Умуман олганда корхонанинг ишига объектив баҳо бериш учун интеграл характеристикаларни жорий қилиш керак. У шартнома мажбуриятларини бажариш, узоқ муддатли конъюнктура шкаласида лойиҳалаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот пишиқ-пухталиги ва сифати кўрсаткичларини ўз ичига олади. Конъюнктура маълумотига қондирилмаган эҳтиёжни анализ қилиш ҳамда маҳсулотларнинг эксперт баҳосини қайта ишлаш йўли билан эришиш мумкин: дунёда энг яхши, жаҳон даражасида, мамлакатда (республикада, областда...) энг яхши, қониқарли, олишга мажбур, ишлаб чиқаришда фойдалангандан кўра планни бажармаган яхши ва, ниҳоят, нуқул брак маҳсулот. Табиийки, энг кейинги баҳолар истеъмолчи қайтариб берадиган буюмларни характерлайди. Энг яхшиси корхона ва ташкилотларга маҳсулотнинг истеъмол қийматини акс эттирувчи нархларни белгилашда иқтисодий эркинлик беришдир. Агар маҳсулотга эҳтиёж камаймаса, реализация ҳажмлари ошиб бормаса, нархи аввалгидек қолаверса, ишлаб чиқариш учун инвестициялар кўзда тутилмаган бўлса, булар ушбу маҳсулотларни «номаъқул» экономика соҳасига тортиш учун замин яратади. Бундан ташқари, иқтисодий бошқариш қонунларини менсимаслик ҳисоботларнинг жуда кўпайиб кетишига ва бюрократик қатламларнинг ўсишига имкон яратади. Ҳаддан ташқари тиғиз ва балансланмаган план муфассал ҳисоботлар билан қўшилиб амалдорлар нафсониятини қондириш учун жуда қулай муҳит яратади.

Иккинчи томондан олганда, эҳтиёж, нарх, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва унинг учун инвестициялар ўртасидаги иқтисодий мувозанат тегишли молиявий нормативлар билан қўллаб-қувватланиши керак, уларни яратиш марказий иқтисодий идораларнинг вазифаси бўлиши керак. Турли даражадаги бошқариш органлари ўртасида меҳнат тақсимотини ҳам амалга ошириш зарур. Улар ўртасида иқтисодий муносабатларнинг аниқ қилиб белгиланиши кўрсаткичларни ҳам аниқлаштиришга ёрдам беради. Масалан, корхона фаолиятини баҳолаш учун реализация ҳажмининг кўрсаткичи мақсадга мувофиқ бўлса, тармоқ раҳбарларининг ишини тармоқ масъулиятли бўлган маҳсулотлар (хизматлар)га эҳтиёж қанчалик қондирилаётганини билдирувчи кўрсаткич билан баҳолаш тўғрироқ бўлади.

Хулосада тармоқлараро иқтисодий синхронлаш механизмларини ахборот билан таъминлашни қайта қуришга доир таклиф қилинаётган ёндашувнинг асосий моментларини бир бутун қилиб бирлаштирамиз:

— системада маълумотларни қайта ишлаш технологиясининг даражаси ЭҲМ авлодлари даражасига кўтарилиши керак — бошқача айтганда, компьютер зиммасига кўпроқ нарса ортиб, кишига ва бланкаларга бўлган нагрузкани камайтириш керак;

— бошқариш системасида статистик ҳисоботлар ҳаққонийлиги хусусидаги даъватларни корхоналар ва бошқариш органлари ишининг асосий кўрсаткичлари ўртасидаги муайян боғлиқлик кўринишидаги уни контрол қилиш ички механизми билан алмаштириш зарур (ана шунда «психологик тузоқлар» ўз-ўзидан барҳам топади);

— ЭҲМ хотираси ҳар бир байтидан (элементидан) «олинадиган» ахборот қийматини сифат жиҳатидан ошириш керак;

— ахборот оқимларини такрорлаш минимал бўлиши ва иқтисодий жиҳатдан асосланиши керак;

— мамлакат микёсида фақат энг муҳим кўрсаткичларни ҳисобга олиш керак.

Таклиф қилинаётган ёндашишдан фойдаланилганда ишлаб чиқариш АСБ, тармоқ АСБ ва статистик ҳисоботнинг автоматлаштирилган системасининг мақсадлари, вазифаларини ҳал қилиш метод ва усуллари жудаям яқинлашади. Программ воситалар номенклатураси камаяди, бу эса уларнинг сифатини оширишга, ҳамроҳликни яхшилашга ва оқибат натижада ахборот таъминотини қайта қуриш вазифаларига мувофиқлашга имкон беради.

Долзарб мавзуда савол-жавоб

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ: ҲАР БИР ДАЛАДАН ЭНГ КЎП ҲОСИЛ УНДИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитлари туфайли республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари орасида пахтачилик биринчи ўринда туради. Пахта нақадар бебаҳо хом ашё экани тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ — бу ҳаммага маълум. Яқин ўтмишда кенг тарқалган ялпи қўшиб ёзишлар ва бошқа найранглар пахтачиликка нақадар катта зарар етказганлиги сир эмас — тармоқ кризис ҳолати ёқасига бориб қолган эди. Уни қандай қилиб изга солиш, тўғрилаш масаласини партия ва ҳукумат республика ва иттифоқ миқёсларида шоён диққат билан ўрганиб чиқмоқда. Бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумларида кўриб чиқилди, пахтачиликни ўпирилишдан олиб чиқиш тадбирларини кўзда тутган бир қатор муҳим ҳужжатлар шу масалага бағишланган. Ҳозирги вақтда тармоқда аҳвол қандай? Ўзбекистон ССР Давлат агропроми пахта ва каноп етиштириш бошқармасининг бошлиғи, биология фанлари кандидати Ренат Саидович Назаров «Ўзбекистон коммунисти» журналига шу ҳақда интервью берди.

— Республика 1985 йилдан бери сурункасига уч йил пахта етиштириш планини бажаргани йўқ. Илгари бундай муваффақиятсизликлар асосан об-ҳаво инжиқликлари билан изоҳланарди. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Албатта, пахтачиликнинг об-ҳаво шароитларига боғлиқ эканини инкор этиб бўлмайди. Шу уч йилдан энг қулай келган 1985 йилда пахта тайёрлаш плани атиги 94,4 процент бажарилди. 1986 йилда сув танқислиги сабабли ғўзалар 170 минг гектар майдонда турли даражада қуриб қолди, бунинг оқибатида атиги 4 область планни уддалади. Ўтган 1987 йил фақат кейинги уч йил ичида эмас, умуман ниҳоятда оғир келди — бунга ўхшаш об-ҳаво шароити йигирма йилда бир марта такрорланади. Мана унинг якунлари: 132 райондан атиги 26 таси планни бажарди, пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги эса гектар бошига 23,3 центнерни ташкил этди (1985 йилда 27 центнер бўлган эди). Йил, албатта, оғир келди. Ноқулай об-ҳаво сабабли чигит 10—15 кун кечикиб экилди. Жала ва дўл уриши илдизни чиритиб юборгани сабабли бутун майдоннинг тўртдан бир қисмида чигитни қайта экишга тўғри келади. Вегетация давридаги совуқлар ўсимликларнинг ривожланишдан орқада қолишига олиб келди, 1 сентябрда улар кўпчилик районларда 20—25 кун орқада эди. Натижада 1987 йилги ҳосилнинг асосий қисми — кўсакларнинг 60 проценти ниҳоятда кеч — августда пайдо бўлди. Шу тариқа фақат сентябрнинг иккинчи ўн кунлиги охирлаб қолган пайтдагина уни қўлда теришга киришилди, машина терими эса октябрнинг биринчи ўн кунлигида бошланди. Терим даври ҳам ҳаддан ташқари ноқулай келди: кетма-кет ёғингарчилик, совуқнинг эрта тушиши ва ҳатто октябрнинг охирларида қор ёғиши пахта териш машиналари паркидан тўла фойдаланиш, пахта теримига жалб қилинган аҳолининг юқори унумли ишлашини таъминлаш имконини бермади.

Аммо планлар бажарилмаганлигига фақат табиат «инжиқликларини» рўкач қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Бу ишда доимо ва вақти-вақтида таъсир кўрсатиб турган субъектив сабаблар ҳам ўз ролини ўйнади. Масалан, Бухоро областининг хўжаликлари ўша қийин келган 1987 йилда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига

6,5 центнерга ошириб, давлатга ундан олдинги йилдагидан 107 минг тонна кўп пахта топшира олдилар-ку. Қашқадарё, Навоий областларининг хўжаликларида ҳосилдорлик 3,5 центнерга, Жиззах областида — 2,1, Хоразм областида — 1,4 центнерга оширилди. Бунинг ҳисобига олинган умумий қўшимча ҳосил мазкур областларда 270,6 минг тоннани ташкил этди. Бироқ Қорақалпоғистон АССР ва бошқа областларда 430,4 минг тонна пахта кам олингани орқасида республика уни 1986 йилдагига нисбатан 130 минг тонна кам топширди.

— Ўтган йилги муваффақиятсизликларнинг субъектив сабаблари нималардан иборат?

Йил паст ҳароратли, аммо серсув бўлгани сабабли кўпгина хўжаликлар экинларни ортиқча суғориб юбордилар ва бунинг оқибатида ғўзалар ғовлаб, ҳосилнинг чўғи кам бўлди. Азотли ўғитлар билан кечикиб озиқлантириш шусиз ҳам ривожланишдан орқада бўлган ғўзалар ҳосили етилишини орқага силтади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини ва интенсив технологияни жорий қилишга, пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштиришга етарли эътибор берилмади.

Ерларнинг ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда илгари эришилган даражага қараб планлаштиришдаги камчиликлар ҳам сўзсиз таъсир кўрсатди. Аммо энг, муҳим сабаб — технологик интизом бузилганлигида, асосий агротехника тадбирларини ўтказиш муддатларига риоя қилинмаганлиги ва сифати ёмон бўлганлигида, фан ютуқлари ҳаддан ташқари суст жорий қилинганлигида, хўжаликлар, РАПО раҳбарлари ҳамда юқори органлар томонидан лозим даражада контрол ҳамда принципиал талабчанлик бўлмаганлигида эди.

— Сир эмаски, ўн биринчи беш йилликда фонд билан таъминланганлик ва энергия билан қуролланганлик даражаси ўсганига қарамай, республикада суғориладиган гектарнинг самараси пасайиб, зарар кўрувчи хўжаликлар сони кўпайди. Сизнингча, бу нима билан изоҳланади?

— Бу асосан Ўзбекистонда пахтачилик экстенсив йўл билан, бошқа экинларга зарар келтирган ҳолда пахта майдонларини кенгайтириш ҳисобига ривожланганлиги натижасидир. Республикадаги экин майдонлари структурасида пахтанинг салмоғи шу йиллар ичида 73—76 процентга, айрим областларда (Бухоро, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё областларида) ва Қорақалпоғистон АССРда эса 78—82 процентга етди. Бундай вазиятда алмашлаб экиш амалда ўзлаштирилмади: 1986 йилда у 1981 йилги даражада қолди.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш кўрсаткичлари ниҳоятда паст бўлган хўжаликлар оз эмас: масалан, Жиззах областидаги С. Раҳимов номли совхозда 4,3 процентни, Навоий областининг Навбаҳор районидаги Я. М. Свердлов номли колхозда 11 процентни, Наманган областининг Уйчи районидаги Й. Охунбобоев номли колхозда ва Сурхондарё областининг Жарқўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли совхозда 18 процентни ташкил этди. Афсуски, бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин.

Алмашлаб экишга бундай муносабат республикадаги суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини оширишни биринчи даражадаги вазифалар қаторига чиқарди. Олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари ва тажриба шуни кўрсатдики, беда уч йил сақланадиган пахта-беда алмашлаб экиш усули жорий қилинаётган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда. Бундай схемаларда пахта ҳосилдорлиги бошқа жойлардагига нисбатан анча юқори бўлади, бу эски бедапоялар бузиб юборилгандан кейинги дастлабки 3—4 йил мобайнида айниқса яққол кўзга ташланади. Пахта-маккажўхори алмашлаб экишда эса ротациянинг охирида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетиши орқасида пахта ҳосилдорлиги 25 процентгача камаяди.

Буни ҳисобга олиб, республикада 1986 йилдан эътиборан пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштиришга киришилди. Оқибатда бедазорлар майдони кенгая бошлади. Аммо алмашлаб экишни ўзлаштиришдаги аҳвол республикада аввалгидек қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Лекин, агар илгари пахта етиштиришнинг оширилган планлари бу ишда жиддий тўсиқ бўлиб келган бўлса, ҳозирги вақтда қулай шароитлар вужудга келди. Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва иттифоқ ҳукумати республика раҳбариятининг илтимосини инобатга олиб,

1988 йилда пахта етиштириш планини 5 миллион 250 минг тоннага қадар камайтирди, бу алмашлаб экишни ўзлаштиришга актив ўтиш, уни минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш билан янада мустаҳкам боғлашни таъминлаш имконини беради.

— Уруғчиликни ривожлантириш пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VII пленумида (1987 йил декабрь) бу соҳа жиддий танқид қилинган эди. Ҳозир бу соҳада аҳвол қандай?

— Кейинги йилларда республикада уруғчилик учун фойдаланиладиган чигитнинг сифати бирмунча яхшиланди ва умумий сарфи камайди. Аммо, уруғчилик ишининг аҳволи ҳозирча халқ хўжалиги талабларига умуман жавоб бермайди. Ишлаб чиқаришга тақдим қилинаётган навлар тез айнийди, ўзининг дастлабки хоссаларини тез йўқотади. Масалан, С-6040, Андижон-2, АН-Самарқанд-2, Андижон-6 навлари ниҳояти 2—3 йил экилди холос. Элита-уруғчилик хўжаликларининг мутахассислари ишни сусайтириб юбордилар, уларнинг айримларида элита ва биринчи репродукция уруғларини ўзидан кўпайтириш методикаси бузилмоқда, агротехниканинг юқори даражада бўлиши ва ҳосилнинг барвақт етилиши таъминланмаётир, бу эса урчитилаётган навларнинг навлик ва уруғлик кондицияларини пасайиб кетишига олиб келмоқда. Дўстлик, Кегайли, Ромитан, Денов ва баъзи бошқа районлардаги хўжаликлар чиқараётган соф навлар ГОСТ талабларидан паст даражада бўлиб қолмоқда.

Пишиб етилмаган уруғлик пахтани теришга, уни намлиги ГОСТ талабларидан юқори бўлган ҳолда тайёрлашга йўл қўйилмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва бир қатор бошқа областларнинг колхоз ва совхозларида бу ҳол айниқса кўп содир бўлмоқда.

Кўп навлиликка барҳам берилгани йўқ: ўтган йили республикадаги хўжаликларнинг 47,4 проценти икки ва ундан кўпроқ нав чигит экди, Фарғона областида эса хўжаликларнинг 90 процентидан кўпи, Сурхондарё, Қашқадарё областларида 75 процентдан кўпроғи, Наманган областида 70 процентдан кўпроғи икки-уч хил нав чигит экди. Шундай районлар ҳам борки, улардаги хўжаликлар 3 хил ва ундан ҳам кўпроқ нав экмоқдалар — Бувайда, Бағдод, Қува, Гагарин, Жарқўрғон, Ленин йўли, Поп, Ульянов ва баъзи бошқа районлар шулар жумласига киради.

Ғўза навларини хоҳлаганча жойлаштира бериш пахта етиштириш ва давлатга талабдаги ассортиментда пахта топшириш планларининг бажарилишига тўсқинлик қилмоқда. Масалан, республикада олтинчи типдаги тола талаб қилинганидан қарийб икки баравар кўп етиштирилади. Аммо енгил саноатнинг учинчи ва тўртинчи типдаги толага бўлган эҳтиёжи қондирилаётгани йўқ.

— Ишни халқ хўжалиги талабларига мувофиқ равишда йўлга қўйиш учун, Сизнингча, қандай тўсиқлар бартараф қилиниши керак?

— Асосий тўсиқ — пахта тозалаш заводларини ихтисослаштириш расмият учунгина амалга оширилишидир: уруғлик фондлар тайёрлаш билан планда кўзда тутилган 47 завод ўрнига 103 завод шуғулланмоқда. Уруғлик чигитни саралаш, калибрлаш, зарарсизлантириш ишлари лозим даражада эмас, бу тушунарлидир — зеро улар пахта заводларининг кўпчилиги учун қўшимча маҳсулот ҳисобланади. Шу сабабли яқин вақтлар ичида пахта тозалаш заводлари уруғлик чигит тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилиши, уларда уруғлик чигитни тайёрлашнинг тозалаш, саралаш, донадор қилиш (туксизлантириш), калибрлаш, дорилаш ва димлашни ўз ичига оладиган комплекс методни амалга ошириш учун моддий-техника базаси вужудга келтирилиши керак. Албатта, айни шу иш ва унинг сифати шундай заводлар фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланмоғи лозим.

Уруғлик етиштирадиган, тайёрлайдиган ва реализация қиладиган кооперативлар ташкил этиш ҳам республикада уруғлик чигитнинг яхшиланишига хизмат қилиши мумкин. 1988 йилдан бери пахта навларини енгил саноат эҳтиёжларига мувофиқ келадиган тола типлари бўйича жойлаштиришни перспектив — беш йилга мўлжалланган планлаштириш амалга оширилмоқда. Бу элита-уруғчилик хўжаликлари ишини барқарор қилиш ҳамда юқори ҳосилли хўжаликларни иккинчи ва учинчи репродукциядаги уруғ етиштириш бўйича ихтисослаштириш имконини беради.

Шунингдек икки ва ундан кўпроқ типдаги навларни экаётган хўжаликларга нисбатан қаттиқроқ талаблар қўйилиши, етиштирилган толани реализация қилиш учун уларнинг масъулияти оширилиши лозим. Беш йиллик схема асосида пахта навларини янгилашни тиклаш, бизнинг фикримизча, уруғчиликка капитал маблағ сарфлаш рентабеллигини оширган бўлур эди. Элита уруғларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида барча элита-уруғчилик хўжаликлари пахтани ва элитани қайта ишлайдиган линиялар билан таъминланиши зарур, бунинг учун пахтачилик бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси (МДКБ) ускуналарнинг техникавий ҳужжатларини ишлаб чиқиши, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси эса унинг тажриба нусхасини тайёрлаши ва ишлаб чиқариш синовидан ўтказиши лозим.

— Пахтачиликни комплекс механизациялаш унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у мелиорация, химиялаштириш ва деҳқончиликнинг илмий системаси билан биргалнкда меҳнат ва маблағ сарфларини муттасил камайтира боргани ҳолда, юқори ва барқарор ҳосил олишни таъминлайди. Бу соҳадаги ишларнинг аҳволини қандай баҳолайсиз?

— Техника тараққиёти туфайли ҳозирги вақтда пахтачиликдаги асосий технологик жараёнларни умуман 75 процент механизациялаш имконини берадиган машиналар системаси вужудга келтирилган. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли, «Малик», «Гулбаҳор», «Социализм», Сегизбоев номли совхозларда, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Боёвут районидаги «Коммунизм», Боғот районидаги Наримонов номли колхозларда энг юқори кўрсаткичларга эришилган.

Бироқ, пахтачиликда меҳнат унумдорлиги кейинги йилларда ўсиш у ёқда турсин, балки бир қатор областларда пасайиб кетди. Умуман республика бўйича пахта етиштиришга 1 гектар ерга ҳисоблаганда 1 минг киши-соатдан кўпроқ меҳнат сарфланмоқда. Бундай аҳволнинг сабаблари орасида комплекс механизациялашнинг тугалланмаганлиги, мавжуд машиналарнинг техникавий жиҳатдан мукаммал эмаслиги, улардан фойдаланиш ва механизациялаштирилган ишларни амалга ошириш қоидаларига риоя қилмаслик олдинги ўринда туради.

Терим ишларини механизациялаш пахтачиликни комплекс механизациялашдаги энг «танг» жой ва пахтакорлар меҳнати унумдорлигини оширишнинг муҳим резерви бўлиб қолмоқда. Пахтачиликдаги харажатларнинг 50 проценти шу ишга кетади ва унинг ярмидан кўпроғи ерга тўкилган пахтани териб олишга ҳамда тупларда қолган пахтани теришга сарф бўлади.

Республикада бир неча йилдан бери пахтанинг 3 миллион 200 минг тоннасини машиналарда териб олиш вазифа қилиб қўйилган. Бу вазифани ҳал этиш учун хўжаликларда керакли нарсаларнинг ҳаммаси муҳайё, бироқ ҳозирча бунга эришиш мумкин бўлмаётир. 1987 йилги терим палласининг айрим кунларида ҳар куни топширилган пахтанинг 55—60 проценти, Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларида эса 80—85 проценти машиналарда териб олинди. 10 та район — Олтинсой, Бойсун, Шўрчи, Шеробод, Олот, Ворошилов, Қарши, Қосонсой, Нишон ва Навбаҳор районларида машина терими плани бажарилди. Умуман эса 1987 йилда атиги 2 миллион 50 минг тонна пахта — йиғиб олинган ҳосилнинг 42 проценти машиналарда териб олинди. Бу бутун республика бўйича. Андижон, Навоий, Самарқанд ва Фарғона областларида эса бу кўрсаткич янада пастроқ бўлди. Уйчи, Фарғона, Охунбобоев, Жарқўрғон, Хўжаобод ва Пахтаобод районларида машина терими плани ниҳояти 4—13 процент бажарилди. Кегайли, Чимбой, Олтинкўл, Москва, Избоскан, Пахтакор, Дўстлик, Усмон Юсупов, Навоий, Иштихон, Пахтачи, Андижон, Оқолтин ва Хива районларида эса машиналарнинг мавжуд имкониятларидан ҳатто 1985—1986 йилларда эришилган даражалардан ҳам кам унумли фойдаланилди.

— Бундай аҳволнинг боиси нимада? Механизацияга қарши кайфиятлар нималарга асосланган?

— Мавжуд пахта териш техникаси потенциалидан фойдаланиш коэффициенти паст экани аввало агротехникада, далалар, машиналар, кадрларни тайёрлашда йўл қўйилган хато ва бузилишлардандир. Бу соҳада лозим тартиб ўрнатиш учун талайгина резервлар бор. Шу билан бирга хўжаликларни янги, янада юқори агро-

техника кўрсаткичларига эга бўлган, пишик-пухта ишлайдиган, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш қулай бўлган техника билан таъминламай туриб, пахта теримини механизациялашда туб бурилишга эришиб бўлмайди.

Терим комплексига кирувчи бошқа машиналар ҳам тубдан такомиллаштирилиши керак. Чунончи, ердан туриб дефолиация қилиш (бундай дефолиация ҳажмлари кейинги йилларда анча ўсди) ҳосили машинада териладиган бутун майдонга ёйилмоқда. Ушбу операцияни ўтказишда фойдаланиладиган ОВХ-28 типидаги пуркагичларнинг бир қатор муҳим камчиликлари бор. Колхоз ва совхозларга меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишини ва дефолиантларни, сувни, контактли препаратларни кичик дозаларда ишлатган ҳолда меҳнат унумдорлиги юқори ва дефолиация сифати яхши бўлишини таъминлайдиган пуркагичлар керак. Бу ўринда дефолиантларнинг ўзи тўғрисида ҳам гапириш керак. Маълумки, жуда заҳарли бутифосдан воз кечилди. Магний хлоратига келсак, у кўпроқ десикант сифатида таъсир этиб, баргларни қовжиратадию, аммо уларнинг тўкилишига ёрдам бермайди. Бу эса машинада терилган пахтанинг ифлосланишига олиб келади. Кальций хлорат хлориди ҳам самарадорликда бутифосга тенглаша олмайди, чунки у ҳам магний хлорати каби пахта барвақт пишиб етилгандагина яхши таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда пахтакорлар ихтиёрида юқори самарали ва атроф муҳитга зарар етказмайдиган дефолиант мавжуд эмас.

Пахта етиштириш ва йиғиб-териб олиш, юк ортиш-ташиш ишларини механизациялашнинг бошқа воситаларига ҳам эътирозлар оз эмас. Ер текислаш механизмлари, сеялка, культиватор, чеканка мосламалари, пахта ортиш, кўрак чувиш машиналари ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Машиналар айланадиган майдончалар тайёрлайдиган, ғўзапояни йиғиштириб оладиган машиналар комплекси такомиллашган эмас. Ғўзани яганалаш, ўтоқ қилиш, минерал ва органик ўғитларни тайёрлаш ва ерга солишда, ғўзани суғоришда ҳали қўл меҳнати кўп ишлатилмоқда, пахтани машинада териш имкониятлари ва унинг натижалари эса ана шу ишларнинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бинобарин, пахтачиликни ва у билан боғлиқ бўлган операцияларни комплекс механизациялаш бу соҳани юксалтиришнинг муҳим масаласи бўлиб қолмоқда.

— Ўсимликларни зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш пахта етиштиришни кўпайтиришга йўналтирилган тадбирлар комплексининг муҳим бўғинидир. Бу соҳада қандай проблемалар ҳал этилиши керак?

— Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар ривожланиши ва тарқалиши учун қулайдир. Шуни айтиш кифояки, ғўза экинида 200 турдан кўпроқ зараркунандалар қайд қилинган. Уни ана шу зараркунандалар, касалликлар ва ўтлардан ҳимоя қилиш учун ҳар йили 8—8,5 миллион гектар майдонда (бир неча марта ўтказилишини ҳисобга олганда) қирғин тадбирлари амалга оширилади, шундан 4 миллион гектардан кўпроқ майдон биологик метод асосида ишланади.

1987 йилда ғўзалар ўргимчаккана, шира, ғўза тунламидан айниқса қаттиқ зарарланди. Тошкент, Андижон, Фарғона, Навоий областларида ғўзалар ўргимчакканадан, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хоразм областларида эса ғўза тунламидан жуда кучли зарарланганлиги қайд қилинди.

Шуни айтиш керакки, қирон келтириш тадбирларини ерусти техникаси ёрдамида амалга ошириш анча юқори самарадорликка эришиш имконини беради, такроран ишлов беришга ҳожат қолдирмайди. Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни тасдиқладики, ушбу тадбирларни текширилган далалардан олинган маълумотлар асосида, зараркунандалар ва уларнинг энтомофаглари сонини ҳисобга олган ҳолда, зараркунандалар ривожланаётган манбаларда оптимал муддатларда ўтказиш уларнинг катта майдонларга тарқалишига йўл қўймайди ва химиявий дорилар билан ишлов бериш сонини қисқартириш, бинобарин, моддий ресурсларни тежаш ва атроф муҳитни камроқ булғаш имконини беради. Биологик методдан фойдаланиш яхши натижалар бермоқда.

Бироқ ўсимликларни ҳимоя қилишда барча хўжаликлар энг тўғри тактикани танлаб олганларича йўқ. Масалан, Фарғона областининг бир қатор хўжаликларида биологик методдан кенг фойдаланиш билан бир қаторда химиявий препаратлар ҳам катта ҳажмларда қўлланди, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва

энтомофаглар сони, уларнинг зарар келтириш бўсағалари (чегаралари) кўпинча ҳисобга олингани йўқ.

— Юз минглаб пахтакорлар машаққатли меҳнатининг пировард натижаси кузда маълум бўлади дейдилар. 1988 йилги ҳосилнинг чўғи қандай, Ренат Саидович?

— 1988 йилги ҳосилга қишдаёқ замин яратила бошлаган эди, зеро у шўр ерларни ювиш ишларини деҳқонлар қандай ўтказганликларига, ички ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқлари қандай тозаланганлигига ҳам (дарвоқе илгари янги ерларни ўзлаштириш учун кўзда тутилган маблағларнинг 70 проценти эндиликда эскидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилиши керак), пахта заводлари уруғлик чигитни қандай тайёрлаганликларига, уни саралаш, калибрлаш, экиладиган кондиция ҳолатига етказишга ва уни экиш пайтигача яхши сақлашга ҳам боғлиқ. Шунингдек ерларни текислашга ва, албатта, чигитни қулай муддатларда экиб олишга ҳам боғлиқдир.

Экинларни суғориш, сувдан оқилона фойдаланиш алоҳида ғамхўрликни талаб этади. Айрим районларда — Ворошилов, Ховос, Навоий, Навбаҳор, Фарғона, Бағдод, Олтинкўл ва баъзи бошқа районларда сувчилар, айниқса тунда суғорадиган сувчилар етишмаслигини баҳона қилиб, суғориш сувининг 27—33 проценти коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб юборилмоқда. Бундай фактларга йўл қўйиб бўлмайди, уларга қатъиян барҳам берилиши керак.

Ишларнинг сифатини яхшилаш, технология интизомига ва агротехника тадбирлари муддатларига риоя қилиш мақсадида ҳар бир хўжаликда конкрет шароитлардан келиб чиқиб, шу тадбирларни комплекс равишда ўтказиш план-графиги ишлаб чиқилиши ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилиб борилиши керак.

Бу йил пахта 2 миллион гектардан камроқ (1987 йилдагидан 100 минг гектардан зиёд кам) майдонга энг яхши муддатларда экилди. Пахта майдони энг каммаҳсул (ҳосилдорлиги гектарига 7—8 центнер бўлган) ерлар ҳисобига қисқартирилди, у ерларда пахта етиштириш учун кўплаб киши ресурси ва моддий-техника ресурслари талаб қилинар эди. Ана шу ресурсларни унумдорроқ ерларда жамлаш бу майдонларда пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига катта самара олиш имконини беради.

Кўпгина хўжаликларда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги — бригада, оилавий ва бошқа пудрат формаларига ўтилганлигидан ҳам яхшигина самара олиш кутилмоқда. Пудрат усулига ўтган колхозчилар ва совхоз ишчилари катта ташаббус кўрсатмоқдалар, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли уларнинг меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Ана шу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, дала меҳнатчиларининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун қулай шароитлар яратиб бериш хўжаликлар раҳбарларининг вазифасидир.

Пахта ҳосилдорлигини ўстириш ва тола сифатини яхшилаш ҳисобига ялпи пахта етиштиришни кўпайтириш пахтачиликни янада ривожлантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифага дахлдор кишиларнинг бурчи — илгари йўл қўйилган хатолардан хулосалар чиқариб ва илғор тажрибага таяниб, ҳар бир далада энг кўп ҳосил олишга эришишдан, мамлакат халқ хўжалиги учун муҳим бўлган ушбу тармоқни мавжуд имкониятларга ҳамда уни ривожлантириш учун давлат ажратаётган маблағларга жавоб берадиган даражага кўтаришдан иборат.

Л. ПОПОВА

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ СОЦИАЛ АДОЛАТ ТЎҒРИСИДА

Социал адолат ҳақидаги орзуни ва кишининг киши томонидан эзилиши ҳамда эксплуатация қилинишига қарши норозиликни ифодалаган коммунистик жамият ғояси жуда қадим замонлардаёқ туғилган эди.

Социал адолат ғояси Марксча-ленинча таълимотда мустаҳкам илмий базага эга бўлди. Унга асос қилиб олинган методологик мезонга мувофиқ адолат инсон муносабатларининг кенг соҳасига дахлдор бўлган энг мураккаб социал-философик категориялардан биридир. Ушбу тушунча мазмунини илмий коммунизм асосчилари жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитларидан ва уларни ривожлантириш тенденцияларидан келтириб чиқарганлар.

Адолат проблемасининг марксча-ленинча тадқиқи унинг буржуа ва ревизионистик талқинларини рад этиш учун катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, тарихда биринчи марта социал адолатсизлик манбалари тугатилган социалистик жамиятда ахлоқан юксак тараққий этган, ҳаётида адолатлилик ва адолатсизликни тўғри англаш муҳим ўрин тутадиган янги кишини шакллантириш эҳтиёжлари ана шу проблемага эътибор беришни тақозо этади. Шу сабабли, партиянинг талабига кўра моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда социал адолатни мустаҳкамлашга, экономикани ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда социал факторлар таъсирини кучайтиришга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказиш зарур. «Социал адолат жамиятини, эркин ва тенг ҳуқуқли кишилар цивилизациясини барпо этиш мумкинлигини илмий асослаб берган марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаётийлигига ишончимиз комил, — деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладида. — Биз революцион қайта қуриш давомида ҳам шунга амал қилмоқдамиз. Биз конференциямиз бошлаб бераётган унинг янги, ғоят муҳим босқичида ҳам шундай ҳаракат қилаверамиз!»

Марксизм-ленинизм классиклари адолатнинг буржуа «назариётчилари»га қарши кескин курашда бир қатор принципиал қоидаларни таърифлаб бердиларки, улар ҳозир ҳам адолатнинг табиатини илмий тушуниш учун муҳим қурол бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бунда улар шунга асосланган эдиларки, қадриятлар моҳиятини ва уларнинг пайдо бўлишини жамият ва инсон ҳаётининг тарихий негизларидан излаган ҳолда тушунтириш лозим. Марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан олганда адолат ҳам тааллуқли бўлган ахлоқий қадриятлар дунёдан ташқарида бўлган, жамиятга юқоридан берилган нарса эмас. Адолат фақат кишилар онгидагина мавжуд эмас, у шунчаки тушунчалар системаси сифатида эмас, балки кишиларнинг ишлаб чиқариш ва тақсимлаш шарт-шароити мажбур этгани учун киришадиган муносабатларининг алоҳида системаси сифатида намоён бўлувчи реал тарихга ҳам эгадир.

Марксизм адолатни ўзи кашф этган ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг

ПОПОВА Лариса Аркадьевна, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

ривожланиши қонуни контекстида қараб чиқиб, ҳар бир даврга адолатни ўзича тушуниш хосдир деб билади. У адолат ёки адолатсизлик ҳақидаги тасаввур пировард натижада иқтисодий муносабатлардан келиб чиқиши хусусидаги ҳақиқатни очиб берди. Шу билан бир вақтнинг ўзида марксизм уларга муайян синф ёки жамият қарор топтирган ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, у ёки бу муҳитда ҳукмрон бўлган дунёқараш катта таъсир кўрсатишини қайд этди. Адолат феноменига бундай ёндашиш унинг тарихи характерини тушуниш учун имконият берди. Проблеманинг марксистик талқини турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда адолатнинг конкрет-тарихий мазмунини тадқиқ қилиш имконини очди. К. Маркс ва Ф. Энгельс ўтмишнинг кўпгина мутафаккирлари англаб етмаган қуйидаги ҳақиқатни амалда исботлаб бердилар: антагонистик жамиятда социал адолат масаласини синфий курашдан ташқари ҳал қилиш мумкин эмас, яъни биринчи маротаба у тарихий практикага, синфларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг муносабатларига боғлиқ қилиб қўйилди. К. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести», «Гота программасини танқид», «Анти-Дюринг», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли ва бошқа асарларида социал адолатнинг бир қатор энг муҳим принципларини, хусусан, меҳнатнинг эксплуатация воситасидан қобилиятларни ривожлантириш воситасига айланиши, меҳнатнинг барчага баравар тааллуқлилиги ва моддий неъматларни адолат билан тақсимлаш, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам бериш каби принципларни ривожлантирдилар.

Умумий социал проблемалар ва конкрет сиёсат масалаларини анализ қилиш чоғида В. И. Ленин адолат тушунчасига қайта-қайта мурожаат қилиб, бунда, масалан, меҳнат учун одилона тақдирлаш хусусидаги масалага эътибор бермаслик энг юксак идеалларни ҳам йўққа чиқаришга қодир эканлигини таъкидлади. Марксизм-ленинизм синфий-антагонистик структурадаги адолатсизлик сарчашмаларини очиб ташлаб, ушбу категория ижтимоий ҳаётда ўйнайдиган ҳақиқий ролни кўрсатибгина қолмай, балки хусусий мулкни тугатиш асосида синфий антагонизмга барҳам берган жамиятда адолатнинг характери хусусидаги масалани қўйди ва асосан ҳал қилди ҳам. Кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бирдай муносабати, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда объектив тарзда юзага келадиган ялпи манфаатдорлик — буларнинг ҳаммаси социализм шароитида «ҳар кимга — меҳнатига яраша» формуласини олдинги ўринга суради, чунки бутун жамият доирасида неъматларни адолатли тақсимлашнинг ана шундай мезонидан фойдаланиш имкони пайдо бўлади.

Илк маротаба социализмда жамиятнинг «ҳар кимдан — қобилиятига яраша», деган талабини адолатли қилиш имконияти пайдо бўлади. Ушбу талаб аввало кишиларнинг қобилиятлари фарқланиши фактидан келиб чиққан. Айни социализм, бараварлаштирадиган, «дағал коммунизм»га қарама-қарши ўлароқ, жамият ҳар бир аъзосининг қобилиятлари, истеъдодидан ҳар томонлама фойдаланишга интилади, бу эса, ўз навбатида, шахснинг жамият билан ўзаро муносабатларида тенг қийматлилик принципини реализация қилишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ушбу қоидалар социалистик мусобақага доир ленинча ғояда айникса ўзининг ёркин тимсолига эга бўлди, унда меҳнаткашларнинг ишлаши учун шундай шароитлар яратилиши кўзланадики, «улар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар, ўзларининг лаёқатларини ўстира оладилар, талантларини юзага чиқара оладилар, бу лаёқат ва талантлар эса халқда тўлиб-тошиб ётибди, аммо капитализм буларни минглаб ва миллионлаб эзиб, янчиб, бўғиб келган эди» (ТАТ, 35-том, 215—216-бетлар).

Тўлиқ социал адолат ғояси мужассам топган коммунизм ҳақидаги таълимот марксизм-ленинизмнинг асосий таълимотидир. Шу билан бирга социалистик жамиятнинг ушбу ғояни реализация қилиш борасидаги ҳаракати унинг боришида муайян қийинчиликлар енгиб бориладиган диалектик, доимо ривожланувчи жараёндир. Асосий жиҳатда — ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига муносабатда, эксплуатациядан озод этишда, шахсга сиёсий ва социал ҳуқуқлар беришда социал адолатни таъминлай бориб, социализм коммунистик формациянинг қуйи фазаси сифатида ҳали меҳнат ва турмуш шарт-шароитларида адолатсизлик элементларини сақлайди. В. И. Ленин «Давлат ва революция» асарида таъкидлаганидек, «... коммунизмнинг биринчи фазаси ҳали одиллик ва тенгликни жорий қи-

ла олмайди: бойлик жиҳатидан фарқ сақланиб қолади ва бу фарқ адолатсиз фарқдир, лекин кишининг кишини *эксплуатация қилиши* мумкин бўлмайди, чунки *ишлаб чиқариш воситаларини,* фабрикалар, машиналар, ер ва бошқаларни хусусий мулк қилиб олиш мумкин бўлмайди. Маркс Лассалнинг *умуман* «тенглик» ва «адолат» тўғрисидаги майда буржуача мужмал ибораларини тор-мор келтириб, коммунистик жамиятнинг *ривожланиш йўлини* кўрсатиб берди, бу жамият эса даставвал айрим шахсларнинг ишлаб чиқариш воситаларини қўлга киритиб олишларидан иборат бўлган шу адолатсизликни»*гина* йўқ қилишга *мажбурдир,* лекин ундан кейинги адолатсизликни, яъни истеъмол буюмларини (эҳтиёжга қараб эмас, балки) «ишга қараб» тақсим қилишдан иборат бўлган адолатсизликни бирданига йўқ қилишга *қодир эмас»* (ТАТ, 33-том, 108-бет).

Коммунизмнинг биринчи фазаси сифатида социализмни тўлиқ адолат зафар қозониши йўлидаги энг муҳим босқич тарзида қараб чиқиш керак. У социал адолатсизликнинг кўпгина формаларини йўқ қилади, барча миллат ва элатларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди, коммунистик қурилиш жараёнида ўсиб борувчи неъматлар барча кишилар ўртасида одилона тақсимланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладда таъкидланганидек, «биз социализмни социал адолат тузуми деб биламиз, бу тузумда инсоннинг меҳнат, соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой, социал таъминот соҳасидаги ҳаётий муҳим эҳтиёжларининг социал гарантиялари меҳнатга қараб тақсимлаш принципини изчил ўтказиш билан, текисчилик ва социал текинхўрликнинг ҳар қандай формаларини батамом тугатиш билан қўшиб олиб борилади. Бу шундай жамиятки, унда инсоннинг қобилиятлари, самарали меҳнати, маҳорати ва истеъдоди ҳамма нарсадан юқори қадрланади ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб равишда тақдирланади». Партия конференциясида қабул қилинган ҳужжатлардан маълум бўлишича (буни мамлакатимизни янги жамият қурилишининг бутун практикаси ҳам тасдиқламоқда), социализмда социал адолатсизликнинг икки тури ажралиб туради: коммунизмнинг биринчи фазаси учун муқаррар бўлган тарихий чеклашлардан келиб чиқадиган адолатсизлик ҳамда социализм принцип ва нормаларининг унинг ривожланишидаги камчиликларнинг субъектив характери туғдирадиган бузилиши олдиндан белгилаб қўювчи адолатсизлик.

Социализмдаги мавжуд социал адолатсизликнинг объектив сабаблари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг даражаси билан шартланадики, у кишиларнинг асосий жиҳатда — ишлаб чиқариш воситаларига муносабатда тенглигини қарор топтириш имконини беради, лекин социал-иқтисодий тафовутларни, шунингдек, меҳнат характеридаги тафовутларни бутунлай тугатиш имконини ҳозирча бермайди. Айни шу кейинги ҳол моддий даромадлар ҳамда маънавий неъматларни тақсимлашдаги тенгсизликни, демак, муайян социал группалар, қатламлар ва айрим кишилар маданий ривожланишидаги нотекисликни ҳам белгилайди.

Жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасида сақланиб қолган тафовут социализмдаги мавжуд социал адолатсизликнинг объектив манбаидир. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «давлатнинг батамом барҳам топиши учун зарур бўлган иқтисодий асос коммунизмнинг шундай юқори даражада ривож топишидан иборатдирки, бу вақтда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршилик йўқолади, демак, ҳозирги *ижтимоий* тенгсизликнинг энг муҳим манбаларидан бири ва, шу билан бирга, ёлғиз ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкка айланиши билангина, капиталистларни экспроприация қилиш билангина бирданига йўқ қилиш асло мумкин бўлмаган манбаи йўқолади» (ТАТ, 33-том, 111-бет).

Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут ишлаб чиқарувчи кучларнинг, таълим ва маданиятнинг ривожланишидаги мавжуд даража билан белгиланади. Буни социал группалар ўртасида моддий таъминланганлик, маълумот ва маданий даража, бўш вақтдан фойдаланиш соҳасидаги тафовут ҳам шартлайди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасида сақланиб қолаётган тенгсизлик социализмдаги социал адолатсизликнинг яна бир объектив манбаидир. Иқтисодий жиҳатдан олганда у шундан иборатки, қишлоқ шаҳардан аввало ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда орқада қолмоқда. Демак, шаҳарлик билан қишлоқ аҳолисининг тенг эмаслиги турмуш тарзида, даромадлар миқдори ва структурасида, мод-

дий неъмат ва хизматлар истеъмолида, меҳнат ва турмуш шароитида намоён бўляпти.

Социализмдаги мавжуд социал тафовутлар таълим олиш имкониятида ҳам акс этмоқда. Олий маълумот олишда кўпинча интеллигенция муҳитидан чиққанлар, шаҳарликлар устунликларга эга бўладилар.

Умуман олганда, объектив сабаблар юзага келтирган адолатсизликларни бартараф этиш учун узоқ вақт, авлодларнинг меҳнати ва кураши талаб этилади.

Субъектив сабаблар, социализм принцип ва нормаларининг бузилиши шартлаган адолатсизликлар эса бошқа масала. Улар мансабпарастлик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, чайқовчилик ва бошқа салбий ҳодисалар туфайли туғилади. Бундай ҳодисаларнинг яшовчанлигига бир қатор ҳолларда хўжалик, тарбия фаолиятида ҳамда бошқарувда социалистик принципларни амалга оширишдаги камчиликлар имкон яратиб беради. Масалан, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан контрол қилиш принципининг бузилиши ноинсоф кишиларга меҳнатсиз даромад олиш учун туйнук очиб беради, истеъмолчилик кайфиятларини рағбатлантиради. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, «контролнинг сусайиб кетиши ва бошқа бир қанча сабаблар оқибатида хусусий мулкчиликка интилишлари аниқ кўриниб турган, жамоат манфаатларини менсимайдиган кишилар группаси пайдо бўла бошлади». Айни адолатсизликнинг ана шундай тарзда намоён бўлиши кишиларда норозилик уйғотади.

Ҳозирги вақтда социал адолатнинг хотин-қизлар аҳволи билан боғлиқ бир қатор проблемалари пайдо бўлди. Гап шундаки, эркаклар билан хотин-қизлар ўртасида кундалик турмушда сақланиб қолган ҳуқуқий тенгсизлик қолдиқлари социализм шароитида аёлларга адолатсиз муносабатда бўлишнинг сабабидир. Оилавий ҳаётда ахлоқий-маънавий муносабатларни яхшилаш проблемаси ҳам кескин бўлиб турибди. Айни шу соҳада индивидуализм, худбинлик, бир-бирига нисбатан адолатсизлик сарқитлари айниқса яшовчандир.

Социалистик жамиятни ривожлантириш, ҳар томонлама такомиллаштириш социал адолатнинг амал қилиш соҳасини кенгайтиришда янги имкониятлар очади, уни меҳнат коллективларида реализация қилиш раҳбарлар билан улар қўл остидагиларнинг тенглиги социалистик принципидан бошланади. Кишиларга, улар меҳнатига, имкониятларига нисбатан адолатсизлик кўрсатадиган раҳбар атрофдагилар учун ўрнак бўла олмайди. Аксинча, одил раҳбар қўл остидагиларнинг ҳурматини қозонади ҳамда ўз хулқ-атвори билан меҳнаткашларда юксак адолат туйғуси ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Меҳнатни пухта ташкил этиш, коллектив аъзолари ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш, раҳбар томонидан қўл остидагиларига асосли талаблар қўйиш, ўртоқлик ва ўзаро ёрдам вазияти, янги, илғор нарсаларни дадиллик билан қўллаб-қувватлаш, меҳнат шароитини мунтазам яхшилаб бориш орқали коллектив ички муносабатларини тартибга солиш социал адолат принципини рўёбга чиқаришнинг муҳим жиҳатидир. Коллективнинг ички муносабатлари яхши тартибга солинмаган жойларда турли хил можаролар, ишдан қониқмаслик юзага келади, кадрларнинг доимий қўнимсизлиги кўзга ташланади. Шу сабабли коллективда эркин фикр алмашиш, баҳс ва мунозаралар учун вазият яратиш муҳимдир. Раҳбар кишилар фикрига қулоқ сола оладиган жойдагина коллективдаги ахлоқий муҳит яхшиланади, меҳнат активлиги ошади.

Раҳбарликнинг коллегиал методи ҳам социализм шароитида социал адолат рўёбга чиқишининг формаларидан биридир, чунки у мураккаб проблемаларни тўғри ҳал қилиш, ишдаги хатоларни ғоят камайтириш имконини беради.

Маъмуриятчилик методи социал адолат принципини рўёбга чиқаришни қийинлаштирувчи жиддий тўсиқлардан биридир. Айрим масалаларни қараб чиқишга нохолис ёндашиш, кимнингдир тақдирига расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, у ёки бу бошқарув органига мурожаат қилганда ҳозир ҳам учратиш мумкин бўлган бюрократизм ва сансалорлик, — буларнинг ҳаммаси шунчаки у ёки бу раҳбар ёхуд ташкилот обрўсигагина эмас, балки умуман совет демократиямиз обрўсига ҳам доғ туширади, адолатга бўлган ишончга путур етказади. Ана шунинг учун партия инсон ўзини хўжайин ва яратувчи деб ҳис эта оладиган социалистик тузум демократизмининг максимум даражада бўлиши масаласини диққат марказига қўйди.

Кишиларнинг қобилиятларини ривожлантиришда меҳнат коллективининг ролли бекиёсдир. Кадрларни тўғри жой-жойига қўйиш шу жиҳатдан катта аҳамият касб этади. Меҳнат коллективларида хайрихоҳлик муҳитини, шунингдек, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, хизмат пиллапояларидан кўтарилиш учун шароит яратиш — адолат принципини рўёбга чиқаришнинг муҳим йўлидир. Бунда социал адолат тушунчасига доимо зид келувчи, ўтмишнинг энг зарарли сарқитларидан бири — мансабпарастликка қарши тинмай кураш олиб бориш лозим бўлади. Мансабпарастликка мойил кишини ўз меҳнатининг мазмуни қизиқтирмайди, унинг учун юқори кўтарилишгина муҳимдир. Лекин социалистик жамиятда кишилар қадр-қиммати хизмат мавкеи билан эмас, балки ўз кучи, билими, қобилиятларини умумий ишга буткул бағишлай олиш, барча янги, адолатли нарсалар учун курашда олдинги маррада бўлиш билан ўлчанади.

Совет кишисининг меҳнатдаги муваффақиятлари, унинг социал жиҳатдан кўтарилиши, фаровонлиги унинг шахсий куч-ҳаракатларига, қобилиятларига, ҳаётий позициясига боғлиқдир. Лекин баъзи кишилар ўз меҳнатлари билан эмас, балки, мисол учун, бировнинг қўллаб юбориши, шахсий алоқалар ёрдамида муваффақиятга эришмоқчи бўладилар. Лекин ошна-оғайнигарчилик социализмга ётдир, чунки у кишининг ҳақиқий қобилиятларини рўёбга чиқариш ва ривожлантиришга халақит беради, компетенциясиз, унум билан меҳнат қила олмайдиган, баъзан ҳатто буни хоҳламайдиган кишиларнинг кўтарилишига имкон беради, бу эса улар бажарадиган ишнинг самарадорлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Буларнинг ҳаммаси адолат, софдилликка бўлган ишончга путур етказади, кишиларни ахлоқий жиҳатдан айнитади.

Партиянинг мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар ривожланишининг ҳозирги босқичида уларни қайта қуришга қаратилган йўли ана шундай типдаги адолатсизликни бартараф этишдаги ягона тўғри йўлдир. Чунки, М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладида таъкидлаганидек, «биз шундай социализмни истаймизки, у ўтмиш даврларнинг қалашиб кетган иллатларидан тозаланган ва шу билан бирга таълимотимиз асосчиларининг ижодий тафаккури бунёдга келтирган, халқнинг меҳнати ва куч-ғайрати билан турмушда мужассамлашган, унинг орзу-умидларини акс эттираётган барча энг яхши нарсаларни мерос қилиб оладиган бўлсин».

Демак, тўлиқ социал адолатга ўтиш нафақат тегишли моддий базани яратишни, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, кишиларнинг онглилиги ва маънавий қиёфаси даражасида ҳам чуқур ўзгаришлар қилишни тақозо этади.

Социализм тўлиқ социал адолатни тақдим этишга ҳали қодир эмас, лекин унга эришиш учун йўл очиб беради. Бу нарса КПСС XXVII съезди материалларида ишонтирарли тарзда тасдиқланди, уларда ўн иккинчи беш йилликда юксак самара берадиган меҳнатни рағбатлантиришга, текисчилик тенденцияларини бартараф этишга имкон берувчи янгича ҳақ тўлаш формалари жорий қилиниши қайд этилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш ўсишининг унинг унумдорлиги ошишига боғлиқ бўлиши ҳозирги шароитда хўжалик юритишнинг энг муҳим талабидир. Социал адолат ролини ошириш мақсадида ҳозирги беш йилликда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш тармоқларида тариф ставкалари ва лавозим маошларини ошириш учун катта маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Беш йиллик охирига бориб ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 215—220 сўмга етказилади.

Социализмни революцион янгилаш босқичидаёқ социал адолатнинг асосий мазмунини ифодаловчи «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципини ҳаётга татбиқ этиш билан бир қаторда унинг марксизм-ленинизм классиклари коммунизмнинг олий фазасини кўзда тутган ҳолда эътиборни қаратган иккинчи жиҳатини кенг миқёсларда рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлди. Жамият аъзосининг ишлаб чиқаришдаги шахсий ҳиссасини ҳисобга олмаган ҳолда моддий ва маънавий неъматларни тақсимлаш ана шу иккинчи жиҳатдирки, ушбу неъматларни меҳнаткашлар ижтимоий истеъмол фондларидан оладилар.

Социализм шароитида моддий бўлмаган неъматларнинг кенг миқёсда ҳаммабоплиги улар тақсимотини борган сари катта даражада жамият ҳар бир аъзосини маданий қадриятлар минимуми билан албатта ялпи таъминлаш формасига айлан-

тиради, ушбу минимум оғишмай ўсиб бояпти. Демак, агар социалистик жамият ривожланишининг илк босқичларида социал адолат «меҳнатига қараб» ва «жон бошига» рўёбга чиқарилган бўлса, у такомиллашиб борган сайин ўсиб борган иқтисодий имкониятлар негизида жамият ҳар бир аъзоси баҳраманд бўладиган моддий ва маънавий неъматлар структурасида ижтимоий истеъмол фондларининг роли ошиши ҳисобига ана шу икки жиҳатнинг нисбати ўзгаради. Ҳозирги беш йилликда ижтимоий истеъмол фондларининг тўлов ва имтиёзлари анча кўпаяди ва аҳоли жон бошига ҳисоблаганда улар 1990 йилга бориб 600 сўмдан ошади.

Партиянинг болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтиришга, туғишгача бўлган ҳақ тўланадиган отпускани ҳамда касал болага қараш учун бериладиган вақтни кўпайтиришга, мактабгача тарбия муассасаларига эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолиятини бугунги кунда социал адолатнинг тантанаси деб қабул қилиш лозим. Давлатимизнинг қарияларга, уруш ва меҳнат ветеранларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига кўрсатаётган ғамхўрлигида ҳам социал адолат қарор топмоқда.

Социал-маданий соҳада кўп иш қилинди ва бундан кейин ҳам қилинади. Масалан, соғлиқни сақлаш системасида даволашнинг профилактика йўналиши анча кучайтирилади, аҳолини диспансердан ялпи ўтказиш амалга оширилади. Амбулатория-поликлиника муассасалари қурилиши ҳамда медицина техникаси ишлаб чиқариш учун маблағ ажратиш тахминан бир ярим баравар кўпаяди. Атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир белгиланган тадбирларни рўёбга чиқариш кишилар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Коммунистик формациянинг моддий ва маънавий неъматлар мўл-кўл бўлган олий фазасида ҳатто кишилар томонидан улар истеъмолининг индивидуал хусусиятлари ҳеч қандай роль ўйнамайдиган шарт-шароит пайдо бўлади. «Ижтимоий ривожланишнинг коммунистик тузум ва ортган ресурслар шароитидаги бир неча авлодларидан сўнг, — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — кишилар шу нарсага бориб етишлари керакки, тенглик ва ҳуқуқ хусусидаги такаббурона талаблар ҳозир дворянлик ва шунга ўхшаш ворислик имтиёзларини рўкач қилиш қанчалик кулгили туюлаётган бўлса, шунчалик кулгили туюладиган бўлиб қолади... Кимки унга аталган маҳсулотларнинг тенг ва адолатли бўлган улушини ғоят аниқ ўлчаб берилишини талаб қилса, — уни майна қилиб икки ҳисса улуш берадилар унга» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 20, с. 637).

Ф. Энгельснинг келтирилган ушбу фикрини коммунистик жамиятда адолат гўё ўзининг тартибга солувчилик вазифасини йўқотади деб талқин қилмаслик керак. Коммунизмда социал адолат принципи ўзининг тарихий вазифасини охиригача бажариб, йўқолиб кетиши хусусидаги мулоҳазаларга ҳам қўшилиб бўлмайди. Зотан Ф. Энгельс моддий неъматлар, маблағлар, маҳсулотларни кишилар ўртасида тақсимлашда тенглик ва адолат бўлиши хусусида сўз юритган. Тенг бўлмаган кишиларга нисбатан адолатдан ўлчов сифатида фойдаланиш йўқолади. Адолат принципи, социал-этик категория сифатида сақланиб қолади, коммунизмда маънавий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилаверади.

Шундай қилиб, агар неъматларнинг буткул мўл-кўллигига эришилгани туфайли адолат жамият аъзолари ўртасида ушбу неъматларни тақсимлаш регулятори сифатидаги ўз ролини йўқотса, умуман иқтисодий муносабатларни, меҳнат тақсимоти ва, эҳтимол, хусусан ижтимоий маҳсулотни тақсимлашнинг қандайдир томонларини тартибга солиш соҳасида, яъни тартибга солишнинг қиймат-норматив жиҳати сақланган жойларда социал адолат зарурати ҳам сақланиб қолади.

Коммунистик жамиятда социал адолат ривожланишининг асосий тенденцияси, шубҳасиз, шунда намоён бўладики, у ривожланган коммунистик жамиятга хос бўлган ахлоқий-маънавий муносабатларни тобора кўпроқ даражада тартибга сола боради. Агар унда кишилар «муҳаббатни фақат муҳаббатга, ишончни фақат ишончга айирбошлаш ва шу сингари имкониятлар» билан яшасалар, адолат принципи ҳам ахлоқий муносабатлар, шу жумладан иқтисодий муносабатларга ҳам «қўйиладиган»лари соҳасида кенг қўлланишга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, адолат категориясининг тўлақонли ҳаётини ва коммунистик жамият ҳар бир аъзосининг бундан келиб чиқадиган тегишли ахлоқий сифатлари зарурати тақозо этади.

ЭНДИ—ИШГА!

«Ўзбекистон коммунисти» журнали редакцияси республикамиз партия ташкилоти номидан КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида иштирок этган бир неча делегатга мурожаат қилиб, қуйидаги саволларга жавоб беришни илтимос қилди:

1. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси шахсан Сизда қандай таассурот қолдирди?

2. Конференция жамиятимизни демократиялаш жараёнига, Сизнингча, қандай ҳисса қўшди? Совет социалистик демократиясининг қандай принциплари Сизга ғоят яқин ва уларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиш борасида ўзингиз конкрет нималар қиляпсиз?

3. Партия конференциясидан қайтиб келгандан сўнг ўз фаолиятингизни нимадан бошладингиз?

4. XIX партия конференцияси қарорлари муносабати билан ўз олдингизга қандай мақсадлар қўймоқдасиз?

Ушбу саволларга жавоб берадилар:

С. МАМАРАСУЛОВ, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари

1. Таассуротларим бир талай. Конференция бошланиши биланоқ ҳис-туйғуларимиз жўш ура бошлади. Ҳамма нарса — КПСС МК Бош секретарининг доклади, делегатларнинг нутқлари, конференцияни олиб бориш, унинг қарорларини қабул қилиш расм-русми ҳам янгича эди. Ўйлашимча, тўрт кун мобайнида мажлис ўтказилган залларда янги инсон, сиёсий жангчи туғилди, халқимиз вакилларида шижоатли, ошкора, ижодий руҳ уйғонди деб айтсам хато бўлмайди. Ҳаммамиз ҳам ана шу эркинлик, тенглик, партиявий ўртоқлик муҳити оғушида эдик. Ҳар биримиз партия, халқ, мамлакат учун қувонч ва ифтихор ҳиссини туйдик.

Конференция ҳақиқатан ҳам новаторлик руҳида ўтди. Энди эса ҳис-туйғуларга берилмасдан, қабул қилинган резолюцияларга асосланган ҳолда: бошдан кечирилаётган даврни назарий мушоҳада қилиш йўлида олға қараб катта қадам ташланди, деб айтиш мумкин.

Партия социализм қурилишининг 70 йиллик тажрибасини холис таҳлил қилишга асосланиб, куннинг етилган масалаларини ҳал қила бориб, йўл қўйилган хатоларни дадиллик билан очиб ташлади, ўз зиммасига мамлакат келажаги учун масъулиятни олди, комплекслилик ва илмий ёндашиш билан ажралиб турувчи, принцип жиҳатидан янгича сиёсий программани таклиф қилди. Замондошимизнинг манфаатлари, орзу-умидлари қабул қилинган ҳужжатларнинг марказида турди.

Партия ўзининг XIX конференциясига қайта қуришда бир қадар тажриба тўплаган ҳолда келди. КПССнинг жамият ҳаётидаги энг муҳим проблемаларга доир позицияси 1985 йил апрелидан бошлаб изчиллик билан, қадам-бақадам аниқланиб борди. Бу аввало экономикага, бошқарув, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш соҳасига тааллуқлидир. Бугунги кунда янги ишлаб чиқариш муносабатларини қуриш учун шарт-шароитимиз бор.

Қайта қуришнинг бориши, унинг дастлабки сабоқлари сиёсий системани ислоҳ қилишни қатъият билан талаб қилди. Зеро, мисол учун, давлат корхонаси (бир-

лашмаси), якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР Қонунларини меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини кучайтирган тақдирдагина амалга ошириш мумкин бўлади. Конференция ҳужжатлари шу қадар сермазмунки, улар партия, жамоат ташкилотлари, давлат органлари олдида турган ҳар қандай конкрет проблемани ҳал қилишга имконият яратади. Қисқаси, конференция нафақат янгилиги ва ижодий руҳияти билан, балки белгиланган ўзгартишларнинг асослилиги ва теранлиги билан ҳам катта таассурот қолдирди.

2. Совет жамиятини демократиялаш, сиёсий системани ислоҳ қилиш проблемалари, айтиш мумкинки, конференцияда кўрилган асосий проблемалар бўлди. Ушбу масалага доир қабул қилинган резолюцияда революцион ўзгартишлар миқёси қанчалик катта бўлса, унга онгли меҳнаткаш омма шунчалик кўпроқ жалб қилинмоғи керак деган ленинча фикр ўз аксини топди.

Конференция нафақат жамият ташаббускорлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолати намоён бўлиши учун зарур шароитни яратишнигина эмас, балки ана шу ташаббускорликни социализм доирасида ва унинг манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам ривожлантиришга имкон берувчи механизмни ишлаб чиқишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Кун тартибига социалистик давлатчилик ва ўз-ўзини бошқаришнинг негизи сифатида халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятлилигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Советлар, маълумки, революцион омманинг ғайрати билан туғилган, унинг орзу-умидлари ва талабларига энг яқиндан жавоб беради. Совет қурилишида тўпланган тажриба, афсуски, давлатчилик ва ўз-ўзини бошқаришнинг ушбу формаси ривожланмаган ҳолатда бўлганини ва ана шундай ҳолда иш олиб борганини кўрсатди. Шакл мазмунга мос келмай қолган эди.

Советларни жонлантириш, улар ишининг тўла мазмунли бўлишига эришиш зарур. Ушбу йўналишда ҳам конференция ишга жиддий ҳисса қўшди. Партия ва давлат органлари вазифаларининг чегаралаб қўйилиши бундаги энг муҳим хулоса бўлди. Ушбу проблемани янги проблема деб бўлмайди. КПСС раҳбар сиёсий куч, жамият авангарди сифатида кейинги 40—50 йил мобайнида устқурмани ўзгарган иқтисодий базисга мувофиқлаштириш, совет жамиятининг ривожланишига янги омил бахш этиш учун бир неча бор уриниб кўрди. Лекин ана шу тадбирлар бир томонлама бўлиб чиқди, «қуйи» қатламлар эскича яшашни хоҳламай қолган, «юқори» қатлам эса самарали бошқаришга қурби етмай қолганлигида ифодаланган зиддиятларга барҳам бера олмади.

Конференция сиёсий системани тубдан ислоҳ қилишни таклиф қилди. Унда шу масала хусусида қабул қилинган ҳужжат, менимча, бир ёқламаликдан қочиш имконини беради. Мен муҳим принципиал масалаларни муҳокама қилиш чоғидаги максимализм доим ҳам самара келтиради деб ҳисобламайман. Партиянинг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва ўрни хусусида матбуотда олиб борилган мунозарани кўриб чиқайлик. КПСС МКнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари эълон қилингач бу айниқса кенг авж олиб кетди. Сўз асосан КПСС эътиборни идеология масалаларига қаратиши, экономикага аралашмаслиги кераклиги хусусида борди. Лекин ким ҳам экономикани сиёсатдан ажратиб қўйиш мумкин деб жиддий равишда айта олади? Ҳатто янги шарт-шароитда партиянинг кадрлар билан шуғулланишига ҳожат йўқ дейишгача борилди. Бунда сийқаси чиққан «номенклатура» нишон қилиб олинди. Лекин идора қилувчи сиёсий партия ўз ролини амалга оширишда, ўз сиёсатини олиб боришда кадрларга таянмаса, умуман қандай иш олиб бора олади? Конференция бунга жавобан партия идора қилувчи партия бўлиб қолишини ва жамият ҳаётидаги ўз ролини торайтириш ниятида эмаслигини маълум қилди. Сўз иш услубини ўзгартириш, буйруқбозлик-маъмурий методлардан воз кечиш хусусида борди.

Меҳнаткашлар ҳокимияти органлари сифатида Советларни мустаҳкамлашга келсак, бу нарса илк бор конкрет формаларда ўз ифодасини топди. Ушбу органлар фаолиятининг янги структураси ишлаб чиқилди, ижроия комитетлари, уларнинг бўлим ва бошқармаларининг ундаги ўрни ва роли аниқлаб берилди, ягона умумхалқ давлат контроли схемаси таклиф қилинди. Халқ депутатларининг ҳар йилги съездлари, доимий ишловчи, нисбатан кам сонли икки палатали СССР Олий Советини сайлаш, ваколатларнинг ягона беш йиллик муддати, сайлаб қўйиладиган

лавозимларда бўлиш муддати чекланиши — буларнинг ҳаммаси кенгайиб бораётган ва чуқурлашаётган социалистик демократиянинг элементларидир.

Мен раҳбарларни демократик асосларда сайлаш принципини кишиларга энг яқин ва керакли принцип деб ҳисоблайман. Ана шу жиҳатдан областимизда баъзи бир тажрибага эгамиз. Юзлаб раҳбарлар меҳнат коллективлари томонидан сайланди, бундай сайловларни ўтказиш формалари борган сари хилма-хил бўлиб бормоқда. Корхона, ташкилот, хўжалик, трест, бирлашма, жамоат ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари бир неча номзодлардан яширин овоз бериш йўли билан танлаб олинди. Номзодларни танлаш учун комиссиялар тузилди, уларнинг рўйхатлари маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Конкурслар ҳам таомилга кириб бормоқда.

Баъзан муваффақиятли чиқмасада, партия комитетлари бунда жуда актив иштирок этмоқда. Масалан, меҳнат коллективлари партия органлари тавсия қилган баъзи номзодларни қўллаб-қувватламадилар. Лекин бундай муваффақиятсизликлар ҳам коллектив фикрини яхшироқ билишда, бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ таянишда, кадрлар сиёсатини янада асосли ва чуқурроқ олиб боришда парткомларга ёрдам бермоқда. Ана шу мақсадда биз норасмий йўлбошчиларни аниқлаш учун бир неча бор социологик тадқиқотлар ўтказдик, активлар фикрини ўрганяпмиз.

Иш давом этмоқда. Лекин бир нарса равшан — раҳбарларни демократик принциплар асосида сайлаш коллективларнинг масъулиятини анча оширади. Биз аввало бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш зарурлиги билан боғлиқ бўлган ўз камчиликларимизни ҳам кўряпмиз. Меҳнат коллективлари советларини активлаштириш ҳам муҳим. Қисқаси, қайта қуриш шароитида ишлашни, коллектив фикрини билиш ва ҳисобга олишни, партия йўлини ҳаётга моҳирлик билан татбиқ қилишни ўрганишимиз керак.

3. Албатта, партия конференциясидан олган таассуротларимни баҳам кўришни истайман. Ана шу мақсадда бошқа барча делегатлар қатори мен ҳам меҳнат коллективларида бўлдим, матбуотда чиқдим, айрим кишилар билан суҳбатлашдим. Айтиш керакки, ана шу учрашувлар бизда қабул қилинган қарорлар тўғрилигига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Кўплаб оддий ишчилар, колхозчилар конференцияда кўтарилган проблемаларга ғоят қизиқиш билан қарамоқдалар, ўз фикрларини айтмоқдалар. Кишилар қайта қуриш муқаррарлигига ишонч ҳосил қилдилар. Конференциядан кейинги дастлабки таассуротим ана шундай.

Шу билан бир вақтда конкрет топшириқларни бажаришга нисбатан талабчанлик ошди. Бу соҳада олдимизда мураккаб вазифалар турибди. Ҳали конференциядаёқ ҳар биримиз у нимадан бошланишини аниқлашга интилган эдик. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини тингларканмиз, биз, делегатлар бошқа вазифалар билан бирга Озиқ-овқат программасини амалга ошириш вазифаси ҳам биринчи ўринга қўйилганига эътибор бердик. Бу эса айниқса бизларга, область партия ташкилотимиз вакилларига тушунарлидир, зеро бизнинг экономикамизда аграр сектор жуда салмоқли ўрин тутади. Табиий-иқлим шароити, суғорма деҳқончилик, юзга яқин турда қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш тажрибаси, меҳнат ресурслари мавжудлиги — буларнинг ҳаммаси маълум шароитда умумий ишга қўшадиган ҳиссамизни ўнлаб марта оширишга ёрдам бериши мумкин.

Сўздан ишга ўтиш зарур бўлган ҳозирги кунда ҳал қилинмаган проблемалар айниқса ўткир ҳис қилиняпти. В. И. Ленин умумий масалаларни ҳал қилиш принципиал муҳим эканлигини таъкидлаганда ҳақли эди.

Область тўлиқ хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган. Хўжалик ҳисоби ичидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир кўп ишлар қилиняпти, пудратнинг прогрессив формалари — ижарага бериш, оилавий, коллектив ва бригада пудратлари жорий қилиняпти, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кооператив негиз ривожлантирилмоқда. Шундай бўлсада кўп куч-ҳаракатларимиз беҳуда кетяпти дейиш мумкин.

Ер унумини оширишга тўсқинлик қилаётган факторлардан бири монокультурадир. Пахтачилик 70 процентни ташкил қилганлигини ҳисобга олганда монокультуранинг аграр сектордаги мақсадга мувофиқлиги ҳеч бўлмаганда икки баравар

ошириб юборилган. Бунда ҳам пахтага бўлган давлат буюртмаларини озгина камайтириш билан проблемани ҳал этиб бўлмайди. Область аграр ишлаб чиқаришни умуман экономиканинг юқори рентабелли тармоғига айлантириш учун ноёб имкониятларга эгадир. Бугунги кунда биз, пахтадан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг кўпгина турлари бўйича иттифоққа етказиб беришни зўрға амаллаяпмиз ва ҳатто ўз эҳтиёжларимизни ҳам қондира олмаяпмиз.

Ишлаб чиқариш воситаларининг ҳозирги улгуржи савдосини ташкил этиш масаласининг имиллаб ҳал этилаётгани, қишлоқни социал ривожлантиришнинг, ишлаб чиқариш маданияти, ижтимоий ҳаёт ҳолатининг паст даражадалиги ҳам бизга тўсқинлик қилмоқда. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишда, туб ерли халқлардан юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлашда, қишлоқни индустриялашда кўп проблемалар йиғилиб қолган.

Ишни нимадан бошлаганим тўғрисида гапирадиган бўлсам, мен партия конференциясидан қайтиб келгач ўз фаолиятимни партия раҳбарлигининг услуб ва методларини такомиллаштиришга доир ишни давом эттиришдан бошладим. Ҳозир биз ўз куч-ҳаракатимизни жамлаган бош йўналиш партия ва давлат органлари вазифаларини қатъиян чегаралаб олишдан иборатдир. Биз кўп сонли қўшма қарорлар қабул қилишдан воз кечдик, область партия комитетида Советлар, хўжалик органлари компетенциясига кирувчи проблемаларни қараб чиқишни, турли кенгашлар ўтказишни максимал даражада қисқартирдик. Бир вақтнинг ўзида депутат коммунистларнинг хизмат ва депутатлик бурчларини бажаришлари учун талабчанликни оширяпмиз. Бу иш бир кунда ҳал бўлмайди, эндиликда у янада принципиал характер касб этмоқда. Биз ҳам ҳозирдаёқ Советлар ҳаётида юз берадиган ўзгаришларга тайёргарлик кўряпмиз, кадрларни ўрганяпмиз, ишлар аҳволини анализ қиляпмиз, партиявий-сиёсий тадбирларни белгилаяпмиз.

4. Улар ҳам иқтисодий, ҳам социал ривожланиш соҳаларида мавжуд. Биз экономикани, маданиятни юксалтириш перспектив программаларини ишлаб чиқдик, маҳсулотимизни етказиб беришга доир давлат буюртмалари бор. Белгиланган барча нарсаларни пухта ва ўз вақтида амалга ошириш зарур. Лекин мен партия аппаратини янгича шароитда ишлаш учун тайёрлашни биринчи навбатдаги вазифа деб атаган бўлардим. Унинг структураси хусусида ўйлаяпмиз. Мен барча гуноҳлар учун партия аппаратини айблашга мойил кишиларнинг тарафдори эмасман. Бу ҳақда, дарвоқе, конференцияда ҳам сўз борди. Лекин шу нарса равшанки, аппарат функционал равишда ўзгартирилиши керак, у ўзининг қатъиян белгиланган ҳуқуқ ва вазифалари билан биргаликда партия комитетининг ёрдамчиси бўлиб қолиши керак. Аппаратнинг тармоқ структураси бугунги кун талабларига жуда кам даражада мос келмоқда.

Лекин биз структуранинг янгиланиши ўз ҳолича аппаратни замонавий, янада самарали қила олмаслигини ҳам тушунамиз. Зеро, у расман бюронинг раҳбарлиги остида ишласада, амалда унга партия комитетларининг секретарлари раҳбарлик қилиб келдилар, аппаратнинг қандай ишлаши кўп жиҳатдан уларга боғлиқ эди. Энди талаблар ўзгарди. Янги аппарат партия комитетининг иродасини бажарувчи бўлмоғи керак. Бу эса янги формаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Биз ҳам уларни излаяпмиз. Шу йилнинг ўзидагина область партия ташкилотида 5,5 мингдан ортиқ коммунистнинг — ҳисобда турувчи деярли ҳар бештадан битта коммунистнинг ҳисоботи тингланди. Улар орасида раҳбарлар ҳам, оддий коммунистлар ҳам бор. Улар партия йиғилишларида, бюро мажлисларида ва партия комитетларининг пленумларида ҳисоб бердилар. Талабчанлик даражасининг ошганлиги ушбу практиканинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Ҳисоботларнинг муҳокамаси натижасида 124 коммунистга партиявий жазо берилди.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўриги бормоқда. Обком бюроси ҳамда шаҳар ва район партия комитетларининг кўпчилиги ўз мажлисларини бир маротаба ўтказишга (илгари иккита эди) ўтдилар. Партия комитетлари бюроларининг қабул қилинган қарорлар реализацияси қандай бораётганлиги, танқидий мулоҳаза ва таклифлар асосида камчиликлар қандай бартараф этилаётганлиги хусусидаги ахборотларини муҳокама қилиш кенг расм бўлди. Аппарат ходимларининг партия қарорларини қандай бажараётгани хусусидаги ҳисоботлари секретариатда тингланяпти.

Кейинги йилларда партия комитетлари пленумларини ўтказиш формаси анча

бойиди. Докладлар матбуотда эълон қилиняпти, нафақат область, шаҳар ёки район партия комитетлари аъзоларининг, балки оддий коммунистлар, партиясизларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиняпти ва умумлаштириляпти.

Буларнинг ҳаммаси партия ишининг мазмунига ижобий таъсир кўрсатяпти, сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг активлигини оширяпти, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиряпти, ички партия турмушини демократиялаштиришга ёрдам беряпти.

Партия конференцияси қарорлари асосида янгича тушунилаётган ана шу проблемалар устида ҳозир биз кунт билан иш олиб боряпмиз.

Ҳ. АЛИМОВА, Узсовпроф раиси

1. КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси ленинча руҳда ўтди. Унинг муҳитининг ўзиёқ одатдан ташқари бўлди. Мен КПСС XXVII съездининг — мамлакат коммунистларининг жуда катта, тарихий аҳамиятга молик анжуманининг делегати бўлиш шарафига муяссар бўлган эдим, лекин, партия конференцияси, қайтараман, унда ҳукмрон бўлган вазиятга қаралганда мислсиз бўлди. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида чўрткесарлик йўқ бўлиб, унда қўйилган проблемаларни моҳиятига қараб англаб етиш хусусида делегатларга даъват қилинган, шу билан бирга қайси йўлдан бориш мақбуллиги тўғрисида тавсиялар берилган эди. Табиийки, конференциянинг боришига залда ўтирганлар орасида ҳам лоқайдлар бўлмади. Делегатлар юзаки чиқишларга, ўз иши ҳақидаги ҳисоботларга йўл қўймадилар, иш ҳақида гапиришни, конференция резолюцияларига асос қилиб олиниши мумкин бўлган конкрет таклифлар билан чиқишни талаб қилдилар. Резолюцияларнинг лойиҳалари эса синчиклаб муҳокама қилинди, махсус комиссияларнинг аъзолари томонидан, айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бир сатри пухта ўйлаб чиқилди, барча делегатлар томонидан чамалаб кўрилди.

Танқидий фикр-мулоҳазалар кўп бўлди, баъзан қаттиқ, «дарғазаб» нутқлар янгради, лекин уларда мамлакат, халқ тақдири учун масъулият, партияни мустаҳкамлашга, унинг жипслигини янада кучайтиришга, социал адолатни, демократияни совет кишиларининг ҳаёт кечириш нормасига айлантиришга интилиши яққол кўзга ташланарди.

2, 4. Конференция давом этган тўрт кун бу — ҳали бизга маълум бўлмаган демократия даражасидир. Энг аввало — ошкоралик юксак даражада бўлди. «Ошкоралик конференциянинг қаҳрамонларидан бири бўлди», — деди М. С. Горбачев конференцияни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида. Ушбу сўзлар ана шу большевистик анжуманнинг руҳини ғоят аниқ ифодалайди. Амалда ҳар бир делегат, шу жумладан республикамиз вакиллари ҳам, қайта қуришга доир, жамиятимизни ўзгартиришга доир ўз фикрларини радио, телевидение, матбуот орқали, мажлислар ўртасидаги танаффусларда бўлган мунозаралар вақтида, матбуот конференцияларида ифодалай олди.

Албатта, бизлар учун касаба союзлар хусусида айтилган сўзларнинг ҳаммаси айниқса муҳим эди. М. С. Горбачевнинг докладида бундай дейилди: «Энг муҳими — касаба союз ташкилотлари ҳаётининг ўзини демократиялаш ҳамда жамиятни демократик жиҳатдан янгилаш жараёни айниқса меҳнат коллективлари даражасида келтириб чиқараётган янги вазиятни улар ҳисобга ола билишидадир».

Ушбу мулоҳаза ҳозирги ва келажакдаги ишимиз учун негиз бўлиб қолади. Касаба союзлар томонидан аввало меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, социал страхование соҳасида меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниши, кишиларнинг бўш вақти ва турмушини ташкил этишга эътибор бериш янада катта аҳамият касб этади.

Касаба союзлар диққат марказида инсон, унинг иш ва ташвишлари, проблемалари турибди. Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш шароитига доир масалалар республика касаба союз ташкилотларининг эътибор марказида доимо турибди. Ўзбекистоннинг ҳар бештадан битта корхонаси, хўжалиги ана шу

маънода зарур шароитга эга эмаслиги сабабли ҳам бу нарса ғоят муҳимдир. Ҳозирги вақтда корхоналарнинг 70 процентдан кўпроғи зарур ишлаб чиқариш шароитига эга. Бундай шароит деганда нимани тушуниш керак? Ишчи учун ғоят кераkли ҳамма нарсаларни, яъни гардеробхоналар, душхоналар, хотин-қизлар учун шахсий гигиена хоналари, ювиниш хоналари, психологик кайфиятни яхшилаш хоналари бўлишини тушуниш керак.

Ана шундай шароитни таъминлаш борасида Наманган, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона областларидаги автомобиль транспорти ва автомобиль йўллари қурилиши корхоналари, Андижон, Навоий, Наманган областларидаги қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари, Андижон, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги электростанциялар ва электротехника саноати корхоналари яхши кўрсаткичларга эришдилар. Кўмир саноатига қарашли 14 корхонанинг ҳаммаси санитария-маиший хоналарнинг турли хилларига тўла ҳажмда эгадир. Улар билан таъминланиш энергетика, машинасозлик, металлургия корхоналарида 100 процентга, қурилишда — 97, нефть ва газ саноати корхоналарида 96 процентга етказилган. Кейинги 6 ойнинг ўзидагина республика корхоналарида санитария-маиший хоналарнинг ўсиши 8 процентни ташкил этди.

Лекин ушбу йўналишдаги ишни сусайтириб қўйиш керак эмас. Ишлаб чиқариш шароити ҳали умуман яхши йўлга қўйилмаган соҳалар мавжуд. Масалан, маданият корхоналарида санитария-маиший хоналар билан таъминланганлик 64 процентни ташкил этади, медицина ва коммунал-маиший хизмат корхоналарида эса 70 процентдан салгина кўпдир. Агросаноат комплекси хўжалик ва корхоналарининг атиги 54 процентида ишловчилар учун керакли шароит яратилган.

Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар меҳнати ва турмуш шароитларини, болали оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш касаба союзлар ишининг яна бир масъулиятли йўналишидир. Ўтган йили давлат социал страхование бюджетидан ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган нафақаларга 162 миллион сўм, бола туққанлик учун тўланадиган бир йўла нафақаларга 25 миллион сўм, бола 1 ёшга тўлгунга қадар унга қараб турганлик учун тўланадиган ойлик нафақаларга 107 миллион сўм, кам даромадли оилаларнинг болаларига бериладиган ойлик нафақаларга 234 миллион сўм тўланди.

Оилавий дам олишга катта маблағлар сарфлаяпмиз. Ота-оналар болалари билан дам оладиган санаторийлар тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Республикамиз шароитида бу нарса ғоят зарурдир. Ҳозир уларда ҳар йили 8 минг ота-она ўз болалари билан даволаняпти ва дам оляпти, ўз олдимизга 1989 йилга бориб улар миқдорини 15 мингтадан ошириш вазифасини қўйганмиз. Наманган областининг Косонсой районида ана шундай санаторий ишлаб турибди, Жиззах областининг Зомин зонасида яна бир санаторий ишга туширилди. «Чимён», «Чортоқ» санаторийларида болали ота-оналарнинг даволаниши ва дам олиши учун бўлимлар мавжуд, ўсмирлар «Ботаника», «Чинобод», «Оқтош», «Чортоқ» санаторийларида ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб олишлари мумкин. Ўтган йилнинг ёз мавсумида санаторий типидаги 101 пионер лагери ишлади, уларда соғлиғи заифлашган ёки хроник касалликлардан азоб чекувчи 110 мингдан ортиқ бола дам олди. Санаторий-профилакторийлар ҳам ана шундай ишга жалб қилинмоқда. Саноат корхоналарига қарашли шифохоналарнинг деярли ҳаммасида оналарни болалар билан бирга қабул қилиш йўлга қўйилган. 1988 йили бу ерда 7200 бола ўз саломатлигини тиклаб олди, бундан ташқари 7600 бола амбулатория йўли билан даволанди.

Қасаба союзлар фаолиятида бундай йўналиш кучайтирилади. Зеро, республика халқ хўжалигида касалларга қараш натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик структурасида 12,1 процентни ташкил этади, шу билан бирга уларнинг деярли 80 проценти ўқув юртларига қатновчи болалар касалланиши билан боғлиқдир. Болалар касалланиши туфайли Ўзбекистонда ҳар йили салкам 17 минг она ишга чиқмайди.

Қасаба союз органлари мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш вазифаларини ҳал этишдан четда тура олмайдилар. Болалар боғча ва яслилари тўлиб кетган. Ўртача олганда ҳар 100 ўринга 110 бола тўғри келади. Ушбу муассасаларнинг 45 проценти мослаштирилган биноларда жойлашган. Болаларни

ясли ва боғчаларга жойлаштириш учун навбатда 124,5 минг киши турибди. Муаммолар нафақат мактабгача тарбия муассасалари етарлича қурилмаётганида эмас, балки уларни педиатр врачлар билан таъминлашда, болаларни норационал овқатлантиришда ҳам мавжуд.

Болали оналар, ишловчи хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрликнинг кучайиши касаба союз комитетлари хотин-қизлар кенгашлари билан яқин алоқада ҳаракат қилишлари кераклиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Совет социалистик демократиясининг менга яқин принципларига келсак, булар — шу жумладан, касаба союзларда ҳам раҳбар ходимларни сайлаб қўйиш принципларидир. Умуман ҳамма нарсада халқ билан маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисоблайман.

Яқинда мамлакатда биринчи бўлиб Тошкент область касаба союзлари советининг раисини сайладик. Пенсияга чиққан раҳбар ўрнига янги раисни облсовпроф пленумида овоз бериш йўли билан сайлашга қарор қилдик. Область партия комитети Узсовпроф билан биргаликда бир неча номзодни танлаб олди. Бунда облсовпрофнинг кўпгина аъзолари, касаба союз область комитетларининг ходимлари билан маслаҳатлашилди. Пировардида 5 номзод аниқланди, уларнинг рўйхати олдиндан облсовпрофнинг ҳамма аъзоларига тарқатилди. Пленумда 20 киши номзодларни таърифлаб сўзга чиқди. Муфассал фикр алмашувдан сўнг овоз бериш рўйхатида тўрт номзодни қолдириш керак деган хулосага келинди. Ҳар бир номзодга ўз программасини баён этиш учун сўзга чиқиш имконияти берилди. Уларнинг иккитаси (агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси К. Шодиметов ҳамда қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси Ш. Ёқубов) бу иш учун етарлича тажрибага эга эмасликларини эътиборга олиб, ўз номзодларини рўйхатдан ўчиришни илтимос қилдилар. Уларнинг илтимослари қондирилди. Овоз бериш учун рўйхатда икки фамилия — Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Ю. А. Асепков ва область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири В. В. Шеин қолди (иккаласи ҳам облсовпроф аъзоси). В. В. Шеин ўз программасини баён этсада, сўзининг охирида ҳозир бўлганларни Ю. А. Асепков учун овоз беришга чақирди. Пленум овоз беришни очиқ қилиб ўтказишга қарор қилди. Ю. А. Асепков бир овоздан Тошкент область касаба союзлар советининг раиси этиб сайланди. Бундай сайловлар биз учун янги иш, баъзи нарсалар ҳали кўнгилдагидек чиқмаяпти, лекин сайловлар қоида бўлиб қолиши кераклиги биз учун равшандир.

3. Партия конференциясидан қайтиб келгач энг аввало касаба союзлар республика комитетларининг раҳбарлари, Узсовпроф аппарати олдида сўзга чиқдим, ўз таассуротларим ҳақида гапириб бердим, унинг қарорлари асосида касаба союзлар олдида турган вазифаларга эътиборни қаратдим. Бир неча меҳнат коллективларида сўзга чиқдим. Ҳозир энг асосий вазифа партия конференциясининг қарорларини ҳар бир меҳнаткашга етказишдан, меҳнат коллективларини тўла самарадорлик билан ишлашга, юксак натижаларга онгли равишда эришишга, ишга соҳибларча ёндашишларига йўналтиришдан иборатдир. Биз ҳозир ҳар бир касаба союз ходими, ҳар бир касаба союз ташкилоти қайта қуришда жанговар позицияни эгаллашига, ўз ички имкониятларини тўлароқ очиб, социал-иқтисодий жадаллаштириш умумхалқ ишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришига интиляпмиз.

А. ЧАМҚИН

ҚАЙТА ҚУРИШДА ТОРМОЗ БЎЛАЁТГАН МАЪМУРИЯТЧИЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ

МАМЛАКАТ, айниқса республикамиз экономикаси ва социал ҳаётининг ҳозирги аҳволи тормозлаш механизми ҳозирча қайта қуришга ғоят жиддий равишда қаршилик кўрсатаётганидан далолат берадики, қисқа муддат ичида — 1984 йил ўртасидан 1987 йил ўртасигача — Ўзбекистонда раҳбар кадрлар икки марта янгиланганлиги, лекин социал-иқтисодий вазият яхши томонга жуда кам ўзгарганлигининг ўзи ҳам фикримизнинг исботидир. Соғломлантириш жараёнини қандай кучлар тўхтатиб турибди? Нима учун қайта қуриш руҳига жавоб берувчи мотив ва стимулларнинг янги системаси тўла куч билан ишламаяпти?

Холисона қараб фаолиятсизлик ва пассивликнинг асосий психологик сабабларидан бирини осонгина аниқлаш мумкин, бу кўп йиллар мобайнида юз бериб келаётган ижтимоий ҳаётни эгасизлантиришдир. Бир томондан, экономикада меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик қарор топди, социалистик мусобақа расмий бир маросимга айланиб қолди, иккинчи томондан эса — сиёсатда ижтимоий муносабатларни бюрократиялаштириш юз берди, шахсга эса давлат механизмининг бир «мурвати» деб қаралди. Юридик соҳада инсоннинг ўз социал муҳофазаси ғоясидан келиб чиқадиган ҳуқуқлари аста-секин жамиятга нисбатан бўлган бурчлари билангина алмаштирилди. Индивидуалликдан маҳрум бўлиш, одатда, ожизлик туйғусини ҳамда ундан келиб чиқадиган социал лоқайдликни туғдиради. Шахс ўзига хос хислатларни намоён қила олмас экан, уринишнинг нима кераги бор? Киши нуқтаи назарини, хатти-ҳаракатини ижтимоий фойдали меҳнатдан четда излайди ва белгилайди, фақат ўз манфаатини ўйлайди, чунки социал интилиш ва эҳтиёжлар даражаси кескин равишда пасаяди.

Ҳозирги ижтимоий ишлаб чиқаришни қайта қуриш эса коллектив куч-ҳаракатни талаб этсада, лекин, шахсий ташаббускорликни ҳам тақозо қилади: кимдир биринчи бўлиб фикр, ғоя бериши керак-да. Лекин жамиятни қайта қуриш микёслари учун бундай кишилар — қайта қуриш лидерларининг жуда камлиги кўзга ташланади. Ташаббус рағбатлантирилмаган ва ҳатто шубҳали туюлган турғунлик даврининг оқибатлари ҳануз сақланиб қолмоқда.

Бошқариш соҳасида кўп маротаба давр синовидан ўтган маъмурий таъсир кўрсатиш форма ва методлари нормага айланиб қолганди. Анъаналарни эталонга айлантириб, уларни барча соҳаларга сингдира бориб, догматик ёндашиш меҳнат коллективларини, иқтисодий муносабатларни бошқаришда янги методлар, форма ва услублар пайдо бўлиш имкониятини йўққа чиқариб қўйди. Ишчанлик фазилатлари билан эмас, бошқа йўллар билан мансабни эгаллаган бюрократ раҳбарнинг манфаатлари, қаттиқ нормаларни, буйруқ, инструкцияларни талаб қилувчи ва кишилар ташаббускорлигини бўғиб қўювчи бошқаришнинг маъмурий методлари — буларнинг ҳаммаси халқ хўжалигига раҳбарликнинг ишга яроқсиз системаси пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Бир вақтнинг ўзида бу раҳбарликнинг самарасизлиги туфайли меҳнат қадрланмай қўйди. Чунки мажбуран жорий қилинадиган ва қўллаб-қувватланадиган нарсани севиш мумкин эмас. Шу му-

---

ЧАМҚИН Анвар Сергеевич, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими, философия фанлари кандидати.

носабат билан КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладида амалдаги сиёсий система неча ўн йиллар мобайнида ижтимоий ҳаётни қонунлар доирасида ташкил этишга эмас, балки асосан мажбурий фармойишлар ва кўрсатмаларга мослаштириб келинганлиги таъкидланди.

Қадрият ориентацияларининг консерватизм системаси ота-боболари асрлар давомида исломнинг ғоят барқарор анъаналари руҳида тарбияланган кишилар оммаси учун қўл келиб қолди. Чунончи, шахсий ташаббус жазоланар экан, кўпинча энг кам қаршилик кўрсатиш йўли танланади, бу эса диний ахлоққа мос тушади. Ўзининг социал талаблари ижтимоий фойдали фаолият сифатида қабул қилинмаётганини ҳис этган киши ўз эҳтиёжларини қондиришнинг бошқача йўлларини қидиришга тушади. Улар ҳар хил бўлиши мумкин — примитив молпарастлик, мистицизмга берилиш, норасмий ташкилотларга аъзо бўлиш, товламачилик ва жиноятлар, динга қизиқиш ортиши. Йўллар ҳар хилу, моҳияти битта: воқеликдан ўзини четга тортиш. И. С. Кон «Социал сусткашлик психологияси» мақоласида («Коммунист», 1988, № 1) ёзганидек, индивидуаллик камситилиши, ижтимоий ҳаётнинг бюрократланиши ва бажарилмаган ваъдалар учун тўланган ҳақ инсоннинг турғун, пассив моделидир.

Бошқарувда турли усулларнинг мавжудлиги раҳбар тафаккурининг услубига боғлиқдир. Психологияда тафаккурнинг иккита қарама-қарши хили фарқланади: бири — очиқ-ойдин, мослашувчан, ижодий, иккинчиси узил-кесил, догматик, авторитар. Биринчи хили янгиликни тез қабул қилиши, тайёр формулалар ортида етилган проблемаларни кўришга интилиши, битта масаланинг ўзи ҳар хил қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини тушуниши билан ажралиб туради. Раҳбарларнинг иккинчи хилини йўл-йўриқларни узил-кесил қилиб қўйиш, янги ахборотларни қабул қилмаслик, ўзлаштирилган стереотиплардан чиқиб кетолмаслик характерлайди.

Тафаккур хили кўпгина факторлар — туғма интеллектуал қобилиятлар, болаликдаги тарбия ва таълим, меҳнат ва жамоат фаолияти характери, маданиятнинг нормативдаги йўл-йўриқлари ва ҳоказолар — воситасида намоён бўлади. Ушбу факторларнинг умумий балансдаги ўзаро нисбати хилма-хил ва баҳслидир, лекин бир нарса равшан, яъни ижодий хатти-ҳаракат, қарорларни мустақил қабул қилишга қизиқиш, ўзини ўзи бошқаришга ич-ичидан тайёр бўлишни шакллантириш учун ҳаётий босқичларнинг ҳаммасида, айниқса ўқув ва меҳнат фаолияти соҳасида майда-чуйда нарсалар устидан контрол бўлмаслиги лозим.

Бошқарувдаги ижодий ёндашиш турли вариантлар бўлишини кўзда тутадики, хоҳ одатдаги хўжалик вазиятида қарор қабул қилиш бўлсин, хоҳ ташкилотни ривожлантиришнинг узоқ перспективага мўлжалланган стратегиясини танлаш бўлсин, вариантлар орасидан танлаб олиш мумкин ва лозим бўлсин. Авторитар тафаккур услуби шароитида пайдо бўлган бошқарув системаси бундай ёндашишга мўлжалланмаган. У бажариш учун «юқоридан пастга» буйруқ узатишга ҳамда ҳал қилишнинг биттагина варианти бўлган хулқ-атвор моделига мўлжалланганки, оқибат-натижада ходимларга ягона мезон билан, яъни бажарувчи ва бажармайдиган ходимлар сифатида баҳо берилади. Ўз ишига ва қўл остидагиларга қарашдаги ана шундай бир ёқламалилик дунёқарашдаги сийқаси чиққан узил-кесил ақидапарастлик қолипи билан мустаҳкамланадики, дунёқарашда ҳам ҳамма нарса ўз ўрнига пухта жойлаб қўйилган бўлиши керак, бошқача фикр, ғоя ва мулоҳазалар бўлишига йўл қўйилмайди. Бюрократик-директив услубда тарбия топган раҳбар бир нарса яхши бўлса, иккинчиси албатта ёмон бўлади деб ишонади. Мураккаб иқтисодий бошқарувда бундай мантиқ боши берк кўчага олиб киради.

Буйруқбозлик-бюрократик системаларда кўрсатмалар манбаи жонлантирилади. **Ким** буйруқ бераётгани ҳамма нарсадан юқори қўйиладию, унинг негизида **нима** ётиши камроқ аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Юқори инстанция вакили ёки партия ходимининг «хайрихоҳларча» маслаҳати, истаги буйруқ тарзида қабул қилинади, айни вақтда малакали мутахассиснинг амалий таклифи эътиборга олинмайди. Бошқарувнинг консультация бериш, диагностика, иқтисодий ва социологик анализ қилиш хизматлари ривожланмаганини ана шу ҳол билан изоҳлаш мумкин. Раҳбарларда психологик фильтрга асосланиш натижасида, бир томондан, раҳбар маъмурий ёки партия органларидан ташқари ҳар қандай манбадан келувчи ахбо-

ротларни, иккинчи томондан эса, мазмуни нуқтаи назаридан ғайриоддий бўлган ахборотларни қабул қилмаслик учун қаттиқ иммунитет ҳосил бўлади. Социал стереотиплар ўзини ўзи такрор ҳосил қилишидек қобилиятга эгалиги фактини ҳам психологик жиҳатдан ана шундай изоҳлаш мумкин. Типик бир мисол — янги техника ишлаб чиқилган, лекин у татбиқ қилинмаяпти, чунки, аҳвол ускуналарни тез ва мажбуран алмаштиришни тақозо этаётган бўлсада, юқоридан бу ҳақда буйруқ йўқ. Бошқа бир мисол: ходимлар социал-маиший соҳада қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар, лекин раҳбар томонидан ушбу масалалар ҳал қилинмайди, ҳатто булар уни қизиқтирмайди ҳам, чунки булар унинг бевосита вазифалари доирасига кирмайди. Бундай хулқ-атвор бошқарувнинг қуйи бўғинларига ҳам хосдир.

Бошқарув муносабатларини бир ёқлама (буйруқ — ижро) қабул қилишга одатланган маъмурий аппарат ходимини ҳар қандай мураккаб ишлаб чиқариш масаласи толиқтиради ва аччиқлантиради, қуйидан бўладиган активликни эса у менга қарши чиқишяпти деб билади. Авторитар тафаккур ҳукумат органларига эҳтиром билан нотанқидий муносабатда бўлишдан ҳамда одатий схема доирасидан чиқувчи ҳар қандай нарсага ўтакетган тоқатсизлик, душманлик билан қарашдан шаклланади. Ижодий тафаккур билан боғланмайдиган бундай бошқарув услуби қайта қуриш ишида жиддий тормозга айланади. Бу хилдаги раҳбарлар туб ислоҳот шароитида ё маҳв бўладилар, ёки ўзгаришларга муштоқ ижодий ходимлар билан уларни ранжитувчи социал можароларни аланга олдирадилар.

Бир томондан, социал адолат жамияти қуришдек юксак мақсадлар билан, иккинчи томондан эса, ногуманистик методлардан фойдаланиш билан шартланган мураккаб вазият нафақат сўз билан иш ўртасидаги ажралишни, балки «икки ёқлама астарли» кишиларни ҳам юзага келтирди. Бундай раҳбарлар қайта қуриш зарурлиги ҳақида етарлича самимият билан сўзлайдилар, лекин айни вақтда буйруқ бериш-қисташ услубининг кучига астойдил ишонадилар, қайта қуриш руҳига мутлақо зид бўлган хулқ-атворнинг шаклланган андозаларига амал қиладилар.

Бурилиш даврининг социал-психологик муносабатлари максимализмга, бир қадар ҳис-ҳаяжонга тўлиқ баландпарвоз ва ҳаддидан ошувчи даъватлар билан чиқувчи раҳбарлар хилини ҳам дунёга келтирди. Бундай кишиларнинг хавфлилиги шундаки, уларнинг тафаккури нотарихийлик билан, хулқ-атвори эса тоқатсизлик билан ажралиб туради. Улар учун ўтмиш тажрибаси йўқ, улар ҳамма ишни янгитдан бошлайдилар. Республикамиз баъзи раҳбарлари ҳам айрим муҳим масалаларни ҳал этишда ўзларини ана шундай тутмоқдалар. Масалан, ортиқча меҳнат ресурсларининг ўсиши, уларнинг иш жойлари билан балансланмаганлиги Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал аҳволини мунтазам равишда ёмонлаштириб келмоқда. Лекин ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашга доир кенгашлар кетма-кет ўтказиб турилибди, партия комитетлари пленумларида ва партия-хўжалик активи йиғилишларида халқ хўжалигининг тармоқларини максимал даражада механизациялаш ва автоматлаштириш хусусида бамаъни нутқлар сўзланмоқда — буларнинг ҳар бири биринчи марта бўлаётганидек ўтказилмоқдаю, иш жойидан силжимаяпти. Кучларни бундай беҳуда сарфлаш кишини ташвишга солади. Демографик, социал-иқтисодий контекстдан ўрин олмайдиган, халқнинг социал-маданий хусусиятларини, меҳнат анъаналарини ҳисобга олмайдиган ташаббуслар муқаррар равишда сўнади, новаторлик таклифлари пуч бўлиб чиқади, сарфланган вақт эса беҳуда кетади.

Ваъдаларни бажариш мажбурий эмаслиги, сўз билан иш ўртасидаги узилиш ҳам давом этиб келмоқда. Буни қуйидаги мисолда яққол кўрсатиш мумкин. Биз республика раҳбарларининг пахта терими даврида мактаб ўқувчилари, студентлар ва шаҳарликлар меҳнатидан фойдаланишдан воз кечиш ёки ҳеч бўлмаса уларни жалб этишни чеклаш хусусида халқ олдида берган ваъдаларини кўп марта эшитганмиз. Лекин куз келиши билан мактаб ва олий ўқув юртлари ёпилади, корхоналар бўшаб қолади — ҳамма пахтани қўлда теришга сафарбар қилинади. Бу нарса иқтисодий зарардан ташқари катта маънавий-психологик зарар ҳам келтиради. Маълумки, маъмурий бошқарув экономикани ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида нореал мақсадларни меҳнаткашларнинг меҳнатдаги жонбозлиги, қаҳрамонлигини дастак қилиб олган ҳолда олға суришдек ёндашишдан фойдаланар эди. Ушбу фактор ҳисобига кўп нарсаларга эришилди. Лекин бошқаришнинг иқтисодий методлари бошқача стратегияни, раҳбарларнинг ҳам, ижрочилар-

нинг ҳам бутунлай бошқача хулқ-атворини талаб қилади. Бундай ҳолда ҳам юксак мақсадларни қўйиш мумкин ва лозим, лекин улар эриша олинадиган бўлсин. Акс ҳолда сўзнинг бурди кетади, бу нарса раҳбарларга ишончсизликни туғдиради. Бундан сўнг юқоридан туриб ўтказиладиган ҳар қандай тадбир шунчаки қуруқ маъқуллашга сабаб бўлади. Ҳаттоки амалга ошмаган вазифалар фонида реал ютуқлар ҳам жуда оз ва арзимасдек бўлиб туюлади. Ишонмаслик хўжакўрсинга ишлашга олиб келади, боши берк кўчага олиб киради.

Лекин, ҳатто бошқарувнинг аввалги услуби ҳам, шу жумладан, психологик нуқтаи назардан олганда бир хилда ва бир даражада бўлмаганини эътироф этиш керак. Нафақат ҳозир, балки ўтмишда ҳам турли даражадаги раҳбарлар анчагина ташаббус, гражданлик матонати, социал масъулиятни намоён қила олганлар, бу эса мамлакатга ва республикага унча идеал деб бўлмайдиган шароитда каттагина муваффақиятларга эришиш имконини берди. Айни шундай раҳбарлар ўзларида қайта қуриш ғоясини пишитдилар. Ана шу ғояларни анча илгарироқ реализация қилишга имкон бермаган «четда турувчи айбдорлар» ҳам йўқ эмас эди. Ҳозир ҳам улар четда турганлари йўқ.

Шу муносабат билан қайта қуришда йўлбошчилар ўйнайдиган роль хусусидаги муҳим масала пайдо бўлади. Консерватив группалар қаршилигини уларсиз бартараф этиш мумкин эмаслигига шубҳаланувчилар бўлмаса керак. Зеро, социал зиддиятлар хуфия равишда авж олмайди, улар ортида муайян социал аҳволдаги социал группалар, конкрет шахслар туради. Қайта қуриш йўлбошчилари виждонан ишлашлари, куч-қувватни аямай сарфлашлари билан ажралиб турадилар, улар ўз фаолиятларини шахсий таваккалчиликнинг мўрт пойдевори устида олиб борадилар. Консерваторлар эса одатда нуфузлиликни мустаҳкамловчи, буйруқ бериш лавозимлари ва моддий неъматларни эгаллаб олишга ёрдам берувчи йўналишларда ҳаракат қиладилар. Уларнинг фаолияти «сен — менга, мен — сенга» муносабатларига асосланган, улар ўзларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида эскирган инструкциялар ҳамда етарлича бўлмаган ошкораликдан фаол фойдаланадилар. Қайта қуриш йўлбошчиларининг фидоий меҳнатидан ўз шахсий, тамагирлик мақсадларида самарали фойдаланиш уларнинг асосий белгисидир.

Янгиланиш жараёни социал статуси меҳнат билан эмас, балки аввало хизматдаги мавқеи, ишга оид ва қариндошлик алоқалари ва ҳоказолар билан белгиланувчи кишиларнинг манфаатларига тегиб кетди. Нафақат айрим шахслар, балки бутун-бутун группавий структуралар қайта қуришга қаршилик қилаётгани аён бўлиб қолди. Ҳаёт кўрсатишича, улар ўз доираларида ўралашиб қолмаганлар, аксинча, кенг тарқалганлар, ўзаро муносабатларнинг специфик «этик нормалари»га эгалар, турли профессионал, социал ҳолатга, ёшга мансуб кишиларни қамраб олганлар. Шу муносабат билан социолог О. Яницкий «Коммунист» журналида (1987 йил, № 11) таъкидлаганидек, янгиликнинг эскиликка қарши кураши шунчаки «илғорлар» билан «консерваторлар»нинг эмас, балки икки хил группавий структураларнинг тўқнашувидир, бунинг устига иккинчи, консерватив хил кўпинча жуда яхши уюшган бўлади, натижада, жумладан, ўзининг ғаразли ва баъзан жиноий мақсадларини кўзлаши сабабли катта кучга эга бўлади. Уларнинг махфий, норасмий алоқалари, жамиятнинг социал-функционал структурасига «сингиб кетганлиги» ушбу кучларга қарши курашни қийинлаштиради. Очиб ташланган ўғирликлар, кўшиб ёзишларнинг натижалари гувоҳлик беришича, виждонли кишилар улар фаолиятининг салбий томонларига билвосита тааллуқли бўлиб чиқадилар, уларнинг айби шундаки, улар виждон буюрганидек ҳаракат қилмасдан, балки «инструкциялар»га қатъиян риоя қилганлар.

Аҳолининг турли қатламлари кайфиятларини ва ижтимоий онгларидаги устун формаларни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Қайта қуришга бюрократик аппаратнинг ўзигина тўсқинлик қилаётгани йўқ. Ҳар бир регионда ўз анъанавий консерватив муносабатлар системаси бўлиб, улар янгиланиш жараёнига тўғаноқ солмоқдалар. Республикамизда асосий таянчи индустриялаштиришгача бўлган патриархил қадриятлардан иборат бўлган кўп асрлик традиционализм кучларининг мавқеи анчагина мустаҳкамдир. Ушбу қадриятларнинг ҳар бирига таъсир кўрсатишнинг адекват усулларига эга бўлиш учун ушбу ҳодисани авторитар бошқарув психологиясидан фарқлаш керак. Шу тариқа анъанавий муносабатларни

қайта қуришга тўсқинлик қилиш мақсадида эмас, балки унинг фойдасига ишлатиш бемалол мумкин.

Раҳбарлар ва бўйсунувчиларнинг турли даврлардаги хулқ-атвори психологик ва социологик хусусиятларини билиш ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Агар мамлакат миқёсидаги тарихий тажрибани оладиган бўлсак, меҳнаткашлар оммаси конструктив демократик фаолият билан яхши таниш бўлмаганлиги, Ўрта Осиё республикалари миқёсида эса — уни деярли билмаганлиги равшан бўлади. Бу ҳол кишилар хулқ-атворининг тегишли услубини — ҳокимиятга пассив бўйсунишни туғдиради. Бошқа жиҳатдан олганда, баъзи раҳбарларда экстремистик кайфиятлар пайдо бўлиши ушбу вазиятда алоҳида хавф туғдиради: жангари чекланганлик, тафаккурнинг узил-кесил авторитарлиги, бошқалар фикрига тоқатсизлик, ҳамма ишни тезда ва бир зарбда қилишга қатъийлик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бюрократизмга қарши курашнинг маъмурий методлари муваффақиятга олиб келмаган ва олиб келмайди, чунки улар юридик жиҳатдан ўзини оқламайди, социал жиҳатдан эса кам самара келтиради. Буйруқбозлик методлари ўз-ўзидан йўқолиб кета олмайди ҳам. 1985—1986 йилларда СССРнинг 5 министрлигида ўтказилган эксперимент натижалари ана шуни кўрсатди. У якунланиши биланоқ ана шу министрликларда бошқаришнинг иқтисодий методлари ўрнини аста-секин маъмурий методлар қайтадан эгаллай бошлаган.

Қайта қуриш психологик механизмлардан ташқари, кишилар хулқ-атворининг социологик механизмларига ҳам жиддий равишда дахл қилди. Ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичи ишлаб чиқаришнинг иштирокчиси бўлган инсон олдига ўз талабларини қўяди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлига жадал ўтиш даври бўлган ҳозирги пайт учун нималар характерли?

Фан-техника тараққиёти таъсирида юз бераётган сифат ва миқдор ўзгаришлари натижасида инсон омилининг роли кескин ошди. Ҳар бир ходим техника билан қуролланиш ўсиши билан биргаликда у ишлаб чиқариш воситаларининг борган сари кўпроқ массасини ҳаракатга келтиришини ўзлаштириб олиши керак. Баъзи юксак даражада механизациялашган корхоналарда техниканинг қиймати бу ерда ишловчи ҳар қандай ходим ўзининг бутун умри давомида олиши мумкин бўлган иш ҳақи суммасидан кўп маротаба юқоридир. Шу сабабли ҳам қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришда айрим ишёқмас ходимлар келтирадиган зиён ҳам кам бўлади. Меҳнат юксак даражада фонд билан қуролланган шароитда қониқарсиз малака, енгилтаклик, масъулиятсизлик ўнлаб ва юзлаб баравар катта қимматга тушади. КПСС МКнинг январь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, Чернобиль атом электростанциясидаги авария, «Адмирал Нахимов» теплоходининг ҳалокати, авиация ва темир йўлдаги бир қатор фалокатларга айни жиноий масъулиятсизлик ва интизомсизлик асосий сабаблар бўлди.

Ижтимоий меҳнат ихтисосланишининг ошиб бориши ҳам инсон омилининг роли ошишига сабаб бўлди. Ишлаб чиқаришда ва илмий-техникавий ишланмалар соҳасида ўзига хос «монопол самаралар» пайдо бўлиши ва секин-аста кучайиши унинг энг муҳим оқибатларидан биридир. Ўзбекистон учун пахта ва у билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси ана шундай феномен бўлиб қолди. Чунончи, республика қишлоқ хўжалигида пахта монокультурага айланди. Пахта териш техникасини ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари пахтакор хўжаликларга ўз шартларини амр қиладилар, улар осон ишлаб чиқара оладиган маҳсулотларини тиқиштиришгача бориб етадилар. Пахта териш машиналарини яратувчи институт ва конструкторлик бюролари «бегона» олимлар яратган қимматли ихтироларни ўнлаб йиллар мобайнида «ўз» тармоқларига йўлатмайдилар. Жамият оқибатда раҳбар ва инженер-техник ходимларнинг шахсий хислатларига — виждонлилиги, софдиллигига боғлиқ бўлиб қолди.

Иқтисодий алоқалар миқдори ўсиб бориши билан бирга инсон омилининг роли ҳам ошиб боради (ҳатто Ўзбекистонда хўжалик операциялари миқдори умуман мамлакатдаги даражадан икки баравар кам деб тасаввур қилинган тақдирда ҳам ушбу рақам 5 миллиарддан кўпроқни ташкил этади). Уларни бошқариш, албатта чекланган ҳажмда, планлаштириш органларига юклатилган. Ташаббус, масъулият, ёки, аксинча, бефарқлик, масъулиятсизлик экономика самарадорлигига тобора катта таъсир кўрсатмоқда.

Партиянинг ҳар бир кишида шахсан масъулият сезиш, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялашга қаратилган энг асосий йўл-йўриғи ҳам ана шундан келиб чиқади. Ана шундай ходимларга эҳтиёж жуда катта. Уларга эҳтиёж узлуксиз ошиб боряптию, шахсий хислатларни камолотга етказиш жараёни истаганимизга қараганда секинроқ боряпти.

Ушбу масалани ҳал этишнинг бир нечта вариантлари бор. Улардан бири қатъиян ҳисобга олиш ва контрол қилиш асосида план, молия, меҳнат, технология интизомларини мустаҳкамлашдан иборат. Ишлаб чиқариш ривожлана бориб, ишчиларни ихтисосланишга ва ўз малакасини оширишга мажбур қилади, иш ўринларини индивидуаллаштиради. Механизатор, шофер, станокда ишловчи ва ҳоказоларнинг иш характери ана шундай. Бундай шароитда контрол қилиш проблемаси мураккаблашади, чунки контролернинг малакаси ишчиникидан кам бўлмаслиги керак. Лекин бир коллективдаги меҳнат шахсий алоқалар пайдо бўлишига ёрдам беришини, бу эса контролнинг объективлигига жиддий таъсир кўрсатишини ҳам ҳисобга олиш зарур, чунки контрол энди ўртоқлар орасида амалга оширилади. Контролнинг таъсирчанлигини ошириш учун контролерларнинг яна бир даражаси керак, унинг тепасида, ўз навбатида, бошқа даражаси туриши керак ва ҳоказо. Шундай қилиб, контролнинг ғоят тарвақалайган, самарасиз бюрократик системаси ташкил топади, унда ишлашни хоҳламайдиганлар учун, бунинг устига моддий қадриятларни бевосита ишлаб чиқарувчининг нагрузкасини бир неча бор кўпайтирувчи туйнук доимо топилади.

Айни шундай мулоҳазалар маҳсулотнинг давлат қабулига бениҳоя умид боғлашдан бизни тийиб туриши керак. Ҳозирги пайтда у катта фойда келтиряпти. Шу билан бирга кейинги ўн йилликлар давомида хўжалик, партия, совет органлари бракка қарши кучли ўт очиб, уни барҳам топтиришга муваффақ бўла олмаганликларини эсга олиш мумкин. Бу тасодифий эмас. Контролерлар батамом мустақил ва беғараз бўлишлари керак. Аслида эса қандай бўляпти? Давлат қабули ходимлари иш ҳақини марказлаштирилган тартибда оладилар, лекин улар ҳам тураржойга, ўз болалари учун мактабгача тарбия муассасалари ва пионер лагерларига, бошқа социал хизматларга муҳтож бўладилар. Қисқаси, уларнинг ҳаёти барибир ўзлари ишлаётган ташкилотлардаги социал муносабатларга чатишиб кетади. Бу эса уларнинг бузилишларга қарши курашдаги асосий вазифаларига, ҳаққоний бўлишларига таъсир кўрсатмай қолмайди.

XIX партия конференцияси контрол системасини ташкил этишга янгилик киритди. Лекин, барибир, бизнингча, хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида нафақат ташқи контрол (унингсиз иш қилишимиз даргумон бўлсада), балки ходимларнинг ёмон ишлашга йўл қўймайдиган ўзларини ўзлари онгли равишда контрол қилишлари ҳам шу қадар муҳимдир.

Ҳамма жойда ва барча даражаларда бошқарувнинг иқтисодий методларини қўлланишга асосланган яна бир ёндашиш ҳам мавжуд. Ишлаб чиқарувчиларнинг катта қисми малакали, маҳоратли, маданиятли ходимлардан иборат. Албатта, уларни янада онгли, ижтимоий манфаатларни тушунувчи ва уларга риоя қилувчилар сифатида кўриш маъқул бўларди. Лекин шуни эътиборда тутиш кераки, маълумотлилик ўсиши, умумий савия кенгайиши билан биргаликда кишиларнинг меҳнатда мустақил бўлишга, қарорлар қабул қилишда актив иштирок этишга, ўз ижодий потенциалларини намойиш этишга бўлган интилишлари ҳам кучаяди. Мабодо бундай интилиш рўёбга чиқмаса, кишининг кўпинча меҳнатдан ҳафсаласи совийди, ўз қизиқишларини бошқа соҳаларга кўчиради. Шундай қилиб, социал жиҳатдан ривожланган киши ишлаш қобилиятининг катта потенциалига эга, лекин айни чоқда у бошқарувнинг янада мураккаб объекти ҳамдир.

Бошқарувнинг иқтисодий методларидан фойдаланиш қийинлиги шундан иборатки, улар ходимларнинг манфаатларини аниқ билиш ва улардан маҳорат билан фойдаланишга таяниши керак. Улар хилма-хиллиги, кўпгина сабабларга боғлиқ бўлиши ва вазиятга қараб ўзгариши туфайли кишиларни бошқариш ҳам мослашувчанлиги, маҳаллий шароитни билиши ва динамик ўзгаришларга сезгирлиги билан ажралиб туриши керак. Белгиланган методларнинг умрбод ўзгармай қолиши унга фақат зарар келтиради. Қўлланиладиган рағбатлантириш факторлари ҳам катта аҳамиятга эга. Агар улар фақат молиявий инъекция ва тақиқларга

боғлиқ бўлиб қолса, ходимларнинг хулқ-атвори бошқарув таъсиридан четда қолади.

Инсон омилини активлаштиришга доир вазифаларни қўйиш ва анализ қилиш муносабати билан кейинги давр учун ғоят характерли бўлган, айниқса Ўзбекистонда ўткир формада намоён бўлган бир социал ҳодисага тўхтаб ўтиш зарур. Сўз «соядаги экономика» хусусида боряптики, йирик ва майда товламачилар, чайқовчилар, олибсотарлар, даллоллар ва ҳоказолар унинг намояндалари ҳисобланади. Улар экономикани бошқаришнинг амалдаги механизми такомиллашмаганидан фойдаланиб, меҳнатсиз даромад топадилар. Бундан нафақат давлат ва унинг муассасалари, балки бутун аҳоли ҳам азият чекади.

Республикада шунингдек принцип жиҳатидан порага ҳам сотилган маъмурий контролнинг заифлашишидан ташқари ана шу ҳодисанинг пайдо бўлишига қандай нарсалар имконият яратиб берди? Кейинги йигирма-ўттиз йил ишлаб чиқаришни умумлаштириш ўсиши билан характерланади, касблараро ва ташкилотлараро алоқаларни интенсив ривожлантириш унинг моҳиятини ташкил этган эди. Республиканинг объектив равишда бир-бирисиз куни ўтмайдиган собиқ қишлоқ хўжалик ва пахта тозалаш саноати министрликларининг фаолияти бунга мисолдир. Бундай алоқаларни амалга ошириш эса муайян тоифадаги ходимларга бириктиб қўйилади. Ўзаро мунтазам ҳамкорлик қилиб, улар нафақат амалий, балки шахсий муносабатларни ҳам боғлайдилар. Натижада турли ташкилот ва идораларда ишловчи, бир-бирига тобе бўлмаган, амалда эса доимий, ғоят жиддий муносабатлар билан ўзаро боғлиқ кишилар группалари шаклланади. Бундай группалар норасмий характерда бўлиб, уларнинг мақсадлари, таркиби, хулқ-атвори амалда ташқи контролдан холи бўлади, ижтимоий экономикага уларнинг таъсири эса жуда ҳам каттадир. Масалан, юқорида тилга олинган собиқ министрликлар ва бир қатор бошқа идоралар ана шундай алоқаларни ишга солган ҳолда республиканинг тахминан бир беш йиллик плани миқдорида пахта ҳосилини қўшиб ёзганлар.

Ана шу ва бошқа фактлар қонунчиликни ва ижтимоий ахлоқни йирик миқёсда бузишларнинг аксариятини айни турли ташкилотлар ходимлари ва бошқарув иерархиясини бирлаштирувчи норасмий группалар қилганидан далолат бермоқда. «Соядаги» корчалонларнинг улар билан «иш» юрита бошлаган партия ва давлат органлари ходимлари билан алоқаси мавжудлиги ғайриқонуний равишда узоқ вақт ҳеч қандай тўсиқсиз даромад олинишига шароит яратди.

Шундай қилиб, жамиятимиздаги социал ўзгаришлар турли йўналишларда юз беряпти: баъзилари кишиларнинг ижодий потенциаллари кенгайишига ёрдам беряпти, бошқалари эса, аксинча, нохуш оқибатларга олиб келяпти. Шу сабабли бир хил жараёнларни қўллаб-қувватлаб, бошқаларини тийиб турувчи мослашувчан таъсир кўрсатиш механизми даркор. Масалан, шахсий ёрдамчи хўжаликлар миқёсининг кенгайтирилиши мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотини деярли чорак баравар кўпайтирди.

Партия бугунги кунда кўпгина проблемалар ҳал этилишини барча категориядаги ходимлар самарадорлигини кучайтириш билан боғламоқда. КПСС МКнинг июнь (1987 йил) Пленумида қайта қуришнинг маъноси пировард натижада манфаатларни ҳисобга олиш, манфаатларга таъсир кўрсатиш, уларни ва улар орқали бошқаришдан иборат эканлиги уқтириб ўтилди. Бу эса кишининг ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги қониқарсизлигидан иборат проблема кескин бўлиб турганини кўрсатади. Уни ҳал этиш учун социал буюртма бор, омма ҳозирча талаб қилинган даражада назарий ишланмалар ва йирик миқёсли тадқиқотлар мавжуд эмас.

XIX партия конференцияси кўп масалаларга равшанлик киритди, шу жумладан, маъмурий-бюрократик системага қарши курашнинг йўналишларини ҳам кўрсатиб берди. Ушбу проблемани фақат комплекс ёндашиш орқалигина ҳал қилиш мумкин. Бунда жамиятимиз сиёсий системасини ислоҳ қилиш ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама бойитиш, уларнинг гарантияларини мустаҳкамлаш ҳам, ҳокимият ташкилотларини такомиллаштириш ҳам, экономикада туб ўзгаришларни амалга ошириш ҳам талаб этилади. XIX партия конференциясининг қарорлари қайта қуриш ғояларини реализация қилиш учун кенг йўл очиб бермоқда.

А. ГОЛОВАНОВ

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ФИЛОСОФИК (МЕТОДОЛОГИК) СЕМИНАРЛАР

ҚАЙТА ҚУРИШ стратегияси Улуғ Октябрь ишини янги тарихий шароитларда узвий равишда давом эттирмоқда. У ижтимоий онгни чуқур ўзгартиришни, совет кишилари сиёсий ва дунёқараш маданиятининг даражасини анчагина оширишни талаб қилди. «Бугунги кунда, — деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездига қилинган Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида, — ҳозирги вазифалар характерини, мустаҳкам илмий дунёқарашни, принципиалликни, юксак маданиятни, ҳар қандай соҳада ишга масъулият билан муносабатда бўлишни чуқур тушуниб етишни шакллантириш айниқса муҳимдир. **Жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш — онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир.**

Сиёсий ва иқтисодий ўқув идеология ишини такомиллаштиришнинг таъсирчан воситаси бўлишга даъват этилган. Совет жамиятининг ҳозирги бурилиш босқичидаги унинг вазифалари партия XXVII съезди ҳужжатларида, КПСС МКнинг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида» (1987 йил)ги қарорида ва «Меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқувини қайта қуришнинг асосий йўналишлари»да таърифлаб берилган. Ушбу ҳужжатларда кенг халқ оммаси марксча-ленинча таълимининг ҳозирги концепцияси берилган, унинг қайта қуриш жараёнларидаги, ўқувнинг амалий ишлар билан алоқасини мустаҳкамлашдаги роли аниқлаб берилган.

Бунда философик (методологик) семинарларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Сиёсий ўқув формаси сифатида у Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг кўп ўтмай пайдо бўлди, диалектик-материалистик философиянинг аниқ фанлар билан иттифоқи, олимлар ва маданият арбобларини марксизм-ленинизмга кенг жалб қилиш хусусидаги Ленин васиятининг практикада амалга оширилишида муҳим роль ўйнади.

Йиллар ўтиши билан философик (методологик) семинарлар илмий, техника ва ижодий интеллигенцияни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ва таълим беришнинг кенг тарқалган формасига айланди. Илмий билишнинг, дунёни бадиий-эстетик идрок этиш ва амалда ўзгартиришнинг философик-методологик, дунёқарашга доир проблемалари соҳасида тадқиқ қилиш йўналиши сифатида унинг аҳамияти борган сари тўлароқ очилиб борди.

Бир вақтнинг ўзида ғоявий-сиёсий таълимнинг ҳам, илмий тадқиқот, назарий-методологик фаолиятнинг ҳам формаси бўлган философик (методологик) семинарлар ўз иштирокчиларининг диалектик ва тарихий материализмга, фан ва маданият назарияси ҳамда тарихига доир билимларини кенгайтириш ҳамда чуқур-

---

ГОЛОВАНОВ Александр Александрович, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги Ижтимоий фанларни ўқитиш бошқармасининг бошлиғи, тарих фанлари кандидати.

лаштиришга анчагина ёрдам берди, ижтимоий, табиий ва техника фанларининг ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга, антикоммунизмга, буржуа ва ревизионистик концепцияларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган жараёнларни активлаштирди.

Философик (методологик) семинарлар Ўзбекистонда анчагина кенг ёйилди. Ҳозир республика олий ўқув юртларининг ўзидагина улар юздан ортиқ. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети, Тошкентдаги Й. Охунбобоев номли тўқимачилик ва енгил саноат институти, алоқа электротехника институти, И. П. Павлов номли Самарқанд давлат медицина институти ва бошқа олий ўқув юртларида ана шундай семинарлар фаолияти борасида ижобий тажриба тўпланган.

Лекин семинарлар иши мазмунидаги йирик камчиликлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак. 70-йиллар ва 80-йиллар бошидаги турғунлик ҳодисалари таъсирида у практикадан тобора кўпроқ ажралиб қола бошлади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида яна бир бор таъкидланганидек, реал социализмни уни бутун динамикаси ва зиддиятлари билан ўрганиш ўрнига кўпинча ўйлаб чиқарилган моделларни конструкциялаш билан шуғулланилди, тингловчиларнинг кўпчилиги учун ҳамиша ҳам қизиқарли бўлмаган проблемалар билан чекланиб қолинди. Ўқувни ташкил этишда догматизм, ўтмишга мурожаат қилиш ҳукмрон эди; кўпгина темалар асосан марксизм-ленинизм алифбосига тааллуқли эди. Семинарларда илмий коммунизм асосчиларининг назарий меросини чуқур мушоҳада қилишга, партия ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳужжатларини ўрганишга. марксизмнинг барҳаёт қалби бўлмиш диалектикани эгаллашга аҳамият берилмай қўйилди. Бутун куч-ҳаракат мавжуд фактлар учун мос цитаталарни келтиришга қаратилди. Мунозара ўрнини мансабдор шахсларни мадҳ этиш, илмийлик ўрнини абстракт назариябозлик эгаллади. Семинарларнинг аксарияти учун тор йўналганлик, илмий-техника ва ижодий интеллигенциянинг дунёқарашга оид, сиёсий ва методологик маданиятини ошириш вазифаларидан узоқлашиш хос эди; машғулотлар методик жиҳатдан яхши таъминланмаган эди. Ўқув группаларини комплектлаш ва консультант философларни тайинлашдаги маъмуриятчилик, сиёсий ўқувни ташкил этишга умумий тарзда ёндашиш зарарли таъсир кўрсатди.

Шундай бўлсада, лекин философик (методологик) семинарлар совет интеллигенциясининг марксча-ленинча таълими формаси сифатида ўзининг сиёсий ва социал аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, жамиятни революцион янгилашнинг ҳозирги шароитида уларнинг роли беқиёс ошиб бормоқда. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, бу аввало шу билан белгиланадики, ғоявий-назарий фаолиятни активлаштирмасдан, социализмни такомиллаштиришга доир амалий тадбирларни илмий жиҳатдан таъминламасдан қайта қуришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Жадаллаштириш стратегияси формация ичидаги диалектика проблемаларининг кенг комплексини илгари сурди, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, амал қилиш ва ривожланиш, миқдордан сифатга ўтиш, инкорни инкор, эволюция ва революция хусусидаги масалаларга янгича жавоб беришни талаб қилди. Философик (методологик) семинарлар уларни ҳал қилишга ёрдам бериши керак.

Бугунги кунда нафақат назарий тафаккур, балки унинг асослари ҳам жиддий ўзгаришларга учрамоқда. Айниқса марксча-ленинча философиянинг фундаментал қоидаларини, табиий ва социал жараёнларнинг зиддиятлилиги ва мураккаблигини янгича дунёқараш асосида мушоҳада этиш зарур. Бу эса олимлар, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар ходимларининг назарий ва профессионал тайёргарлигига, умуман олганда, идеологик иш практикасига янада юксак талаблар қўяди, бунда коммунистик дунёқарашни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари илмий тадқиқот фаолиятининг ўз специфика билан белгиланади.

Илмий ва ижодий интеллигенциянинг методологик маданиятини ошириш қайта қуришнинг зарур томонидир. Интеллектуал маданиятнинг жиддий асоси бўлмиш методологик маданият кўп жиҳатдан тафаккур усулини ва унга мувофиқ ҳолда субъектнинг ҳаракат услубини, унинг дунёқарашини, қадриятлар системасини кўп жиҳатдан аниқлайди, баъзан фаолият мақсадини, уни реализация қилиш восита ва йўлларини, актуал ва истиқболдаги вазифаларни ҳал қилиш муддатлари

ҳамда суръатларини танлашга белгиловчи таъсир кўрсатади, ўринсиз таваккалчиликларни камайтиради.

Методологик маданият шахснинг позитив ижодий иши ва социал активлигининг субъектив шарт-шароити ва асосларидан биридир. Мустақил ва мантиқий фикрлаш қобилияти, тадқиқотчилик кўникмалари, анъанавий бўлмаган вазифаларни ҳал қилишга муайян ёндашувлар унинг негизида шаклланади. У философик ва профессионал даражаларнинг бирлигини ташкил этади, нафақат жорий тор профессионал проблемаларни ҳал қилиш, балки хатти-ҳаракатнинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларини прогнозлаш, жараён ва ҳодисалардаги тенденцияларни ҳисобга олиш имконини ҳам беради.

Жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш шароитида методологик маданият аҳамияти яна ҳам ортади. Социал ва фан-техника тараққиёти суръатлари илмий, педагогик, инженер-техник ходимларнинг, адабиёт ва санъат арбобларининг методологик маданиятини бир мақсадни кўзлаб шакллантириш талабини қўймоқда. Уларнинг ҳар бири методология масалаларини чуқур билиши, методологик маданиятнинг негизини ташкил этувчи мустаҳкам философик билимларга эга бўлиши, қатъиян материалистик позицияда туриши, тарихий практикага, социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш йўлларига диалектик баҳо бера олиши бугунги кунда айниқса муҳимдир.

Шу жиҳатдан философик (методологик) семинарлар ўқувнинг ғоят самарали, давр синовидан ўтган формаси ҳисобланади. Улар марксча-ленинча назарияни чуқур ва ижодий эгаллаш, ҳозирги илмий билимнинг методологик проблемаларини ишлаб чиқиш, дунёни яхлит ва диалектик кўра олишни шакллантириш имконини беради. Ва ниҳоят, интеллигенцияни, шу жумладан, ёш илмий ва илмий-педагогик кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда, уларга сиёсий маданиятни сингдиришда бундай семинарларнинг роли жуда каттадир. Ҳаёт кўрсатиб турибдики, ёш кадрлар кўпинча синфий жиҳатдан етарлича чиниқмаган бўлади: бунда сиёсий гўллик, инфантилизм кўринишларини, ахборот манбалари сифатида ғарб радиоовозларига эргашишни учратиш мумкин. Кўпгина ёш олимлар, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари ижтимоий ишдан узоқда, яхлит диалектик-материалистик дунёқарашга эга эмас, идеологик курашнинг ҳозирги босқичдаги хусусиятларини етарли даражада ажрата олмайдилар.

Философик (методологик) семинарлар ўз ишини активлаштиришнинг бой имкониятларига, интеллигенциянинг сиёсий билимлари даражасини оширишда, унинг партия бош йўлига ишончини мустаҳкамлашда, қайта қуришдаги ўз ўрнини англаб етишда жиддий резервларга эгадир. Шу билан бирга, философик (методологик) семинарларни ҳозирги талаблар даражасида қайтадан ташкил этиш хусусида сўзларканмиз, бунда осон йўлдан бориш, юзаки ўзгаришлар қилишга уриниш, ўтмиш тажрибасини бутунлай ҳозирги кун практикасига жорий қилиш фақат зарар келтиришини эслатиб ўтиш керак бўлади.

Уларда ўрганиладиган масалаларнинг реал воқеликдан, социализмни такомиллаштириш актуал проблемаларидан маълум даражада ажралиб қолишига барҳам бериш философик (методологик) семинарлар ишини қайта қуришнинг муҳим вазифасидир. Бугунги кунда барча ўй-фикрларимиз жадаллаштириш ва жамиятни революцион тарзда янгилаш ғоялари билан боғланган. Шу сабабли уларнинг бутун амалий ўқув фаолияти марказида ҳозирги марксча-ленинча фикрнинг энг йирик ютуғи, жамиятни ривожлантириш ҳозирги босқичининг социализмни унинг барча даражаларида тубдан янгилашга қаратилган объектив талабларининг назарий ва амалий ифодаси тарзида қайта қуриш, социал-иқтисодий жадаллаштириш концепцияси ётиши керак.

Методологик семинарлар актуал илмий проблемаларни ўрганишнинг ҳақиқий мактаби бўлиб қолиши, илмий ва ижодий интеллигенциянинг изланишларига актив ёрдам бериши керак. Шу муносабат билан машғулотларни илмий тадқиқот фаолияти планлари билан, совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари, базис ва устқурмасини такомиллаштириш, мамлакатнинг социал ва фан-техника тараққиётида илғор марраларга чиқиши, демократия ва халқнинг социалистик ўзини ўзи бошқаришининг муҳим масалаларини қўйиш билан яқиндан боғлаб олиб бориш зарур.

Қайта қуриш проблемаларини ўрганиш семинарларнинг илмий изланиш иши-

да марказий ўринни эгаллаши керак. Бу эса революцион янгиланишдаги дастлабки тажрибани синтезлаш ва пропаганда қилиш, унинг йўлида учраётган қийинчиликларни ўрганиш, тормозлаш механизмини бартараф этишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга доир амалий тавсиялар бериш, экономикани илмий бошқарувнинг ҳамма жойда қарор топишига тўсқинлик қилаётган тенденциялар ва ҳоказоларни аниқлаш имконини беради.

Семинарларда инсон омилини активлаштириш, жамият маданий-иқтисодий соҳасини ривожлантириш диалектикаси проблемаларини чуқур ва ҳар томонлама қараб чиқиш, салбий ҳодисаларнинг социал илдизларини, социализм шароитидаги ноантагонистик зиддиятларни ўрганиш, унинг маънавий потенциалини мустаҳкамлаш йўлларини ишлаб чиқиш, иқтисодий саводсизликни тугатиш, философик-иқтисодий тафаккурни ҳосил қилиш, ҳуқуқий онгни ривожлантириш, атеистик тарбияни кучайтириш вазифасини қўйиш керак.

Философик (методологик) семинарлар иштирокчиларининг профессионал фаолиятини ҳисобга олган ҳолда сиёсий билимларни чуқурлаштиришга доир дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Масалан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона олий ўқув юртларида «Техника фанларининг ва мутахассис кадрлар тайёрлашнинг методологик проблемалари», «Табиий фанларнинг философик проблемалари» деган темалар кенг ўрганилди. Самарқанд ва Нукус давлат университетлари, Фарғона политехника институтида семинарлар тематикасини парткомлар, район ташкилотлари, корхоналар томонидан бериладиган социал буюртмалар белгилайди. Тошкент давлат университети ва политехника институтида давлат бюджетининг темаларини философик-методологик жиҳатдан идрок этиш тажрибаси, уни ўрганиш ва тарғиб қилиш, шубҳасиз, методологик семинарларнинг фаолият характерига ижобий таъсир кўрсатади, улар ишини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга ёрдам беради.

Философик (методологик) семинарларнинг дунёқарашга доир, сиёсий йўналганлигини кучайтириш уларни қайта қуришнинг устун вазифаси ҳисобланади. Маълумки, эътиқодга айланганидагина билимлар дунёқарашдан ўрин олади. Эътиқод шахс томонидан ўзлаштирилган билимлардан иборат бўлиб, у камида уч элементдан: билимга асосланган ғоя, уни онгда мустаҳкамловчи туйғу ва ғояни амалга оширишга қаратилган иродадан иборат бўлади. Фақат ақл ва қалб қозонида пишиб етилган, ҳаётда текширилган билимлар ҳақиқий эътиқодга, қотиб қолганлик, пассивлик, худбинликка, турғунлик йиллари психологиясининг қайтарилишларига қарши курашда ишончли қуролга айлана олади.

Философик (методологик) семинарлар системасида ўқиш мазмунининг янгиланиши уларни билишнинг диалектик-материалистик методларини эгаллаш мактаби сифатида активлаштиришни талаб қилади. Семинарлар ўз иштирокчиларига дунёни бутун бойлиги, мураккаблиги билан кўриш, жамиятимиз ривожланишининг базисга оид жараёнларини аниқлаш, уни қайта қуришда ўз ўринларини белгилаб олишларига ёрдам бериши керак. Шу жиҳатдан ҳам шуғулланувчиларнинг ўқув давомида ўтмиш тажрибасини нафақат танқидий баҳолай олиши, балки ҳозир амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур тушуниб етишлари, уларнинг социализм тақдирига таъсирини англашлари ҳам муҳимдир. Машғулотлар мантиқининг ўзи тингловчиларни мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг мураккаблигини тушунишга йўллаши, уларнинг нафақат айрим камчиликлар, балки зиддиятлар хусусидаги билимлари ҳам кенгайишига ёрдам бериши, олимлар, адабиёт, санъат арбобларининг ижодий имкониятларини активлаштириши, уларнинг қайта қуриш ишидаги, жадаллаштириш стратегиясини амалга оширишдаги, антикоммунизмга, энг янги фан ютуқларига нисбатан идеалистик ва метафизик спекуляцияларга қарши ҳужумкор курашини авж олдиришдаги социал масъулияти ва ташаббускорлигини кучайтириши керак.

Философик (методологик) семинарларни ҳар томонлама политизациялаш вазифаларининг ҳал этилиши К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг назарий меросини янада чуқурроқ ўрганишни, КПСС Программаси, партия XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, МҚ Пленумлари материалларининг ғоявий бойлигидан, КПСС ҳамда халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳамда демократик ҳаракатлар бой тажрибасидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу билан бирга семинарлар давр, сиёсат, революцион анъаналарнинг жон-

ли алоқасига асосланиши керак. Семинарларда диалектик, улар ишининг ленинча ижодий характерини тиклаш зарур, бунда машғулотларда ҳаёт фактларига аввалдан таърифлаб қўйилган принциплар эмас, балки совет жамиятида ва умуман дунёда юз бераётган ҳақиқий жараёнлар, назарий умумлашмалар, хулосалар, классик меросни, кўпгина одатий тасаввур ва концепцияларни англаш ва қайта англаш асос қилиб олинади. Ана шундай шароитдагина семинарлар ҳозирги дунёни тушуниш ва келажакка кириб боришнинг таъсирчан воситаси, «икки ёқлама» ахлоққа, сўз билан ишнинг ажралишига барҳам беришнинг муҳим фактори бўла олади.

Философик (методологик) семинарларнинг политизацияланиши уларнинг социал ва гуманитар йўналганлиги кучайиши билан узвий қўшилиб кетмоқда. Жўшқин асримизда давр олимлар олдига фан-техника тараққиёти оқибатларини, инсон фаолиятининг микёслари ва характерини ўрганиш зарурлигини кескин қилиб қўйди. Ушбу масалаларга етарлича баҳо бермаслик, масалан, атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатди. Экология проблемаларини философик жиҳатдан етарлича идрок этмаслик натижасида кўпчилигимизда табиатга нисбатан истеъмолчилик муносабати пайдо бўлган. Бу эса унинг ресурсларини сақлаш ва кўпайтириш учун, Ер юзи наботот ва ҳайвонот дунёсининг келажаги учун масъулият туйғусининг йўқолишига олиб келди. Жамиятимиз социал соҳасидаги нуқсонлар, корхона ва муассасалар раҳбарлари, техника интеллигенциясининг кенг доираси ўртасидаги технократик кайфиятлар экономикани ривожлантириш перспективаларига баҳо беришда социал ёндашиш принципларининг анча унутилиши, хўжалик фаолиятида гуманистик асослар бўшашиши билан боғлиқдир.

Етакчи олий ўқув юртлари, академик ва тармоқ институтларининг ижодий изланиши шуни кўрсатдики, философик (методологик) семинарларда дунёқарашга оид, сиёсий, социал ва гуманитар йўналишлар синтези тилга олинган проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш омилларидан бири бўлиши мумкин. «Жадаллаштириш шароитида фан-техника революциясининг социал-психологик проблемалари», «КПСС XXVII съезди ва социал ижодни ривожлантириш имкониятлари», «СССРни социал-иқтисодий ривожлантириш шароитида экология ва фан-техника тараққиёти» каби ва бошқа методологик семинарларнинг ташкил топиши янгича ёндашишнинг яққол мисолидир.

Семинарларнинг ғоявий-тарбиявий вазифаси кучайишига катта эътибор бериш керак. Бу эса улар иштирокчиларининг нафақат тарбиянинг субъекти сифатидагина эмас, балки унинг объекти сифатида ҳам ролини оширишни тақозо этади.

КПСС XXVII съезди илгари сурган совет жамиятини ривожлантириш истиқболлари, социализмни такомиллаштириш умумий вазифалари муносабати билан гражданлилик, юксак ахлоқлилик проблемаси айниқса актуал тус олди. «Социализм — юксак ахлоқ жамиятидир, — деб таъкидланди съездда. — Инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас». Ҳолбуки яқин ўтмиш тажрибаси шуни кўрсатдики, республиканинг илмий-техника ва ижодий интеллигенцияси ўртасида консерватизмга берилган, икки юзламачи ва юлғичлар ҳам оз эмасди. Философик (методологик) семинарларни бугунги кун шароитида ташкил этишга киришганда ушбу ҳодисаларнинг асл манбаларини синчиклаб анализ қилиш, коммунистик ахлоқ принципларини қарор топтиришда семинарлар ролини оширишнинг таъсирчан чораларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Философик (методологик) семинарлар системасида ўқув мазмунини тубдан янгилаш улар ишининг форма ва методларини сифат жиҳатидан қайта қуришни, расмиятчилик, тадбирбозлик, абстракт-маърифий ва ялпи ёндашиш каби эскидан қолган иллатларга барҳам беришни ҳам тақозо этади. Тажриба ушбу вазифаларни бажаришда семинарлар катта резервларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Семинар иштирокчиларини мустақил билим олишга астойдил қизиқтириш шулардан биридир. Ўзининг асл моҳиятига кўра семинарлар мустақил олинган билимларни коллектив равишда мустаҳкамлаш формаси бўлиши керак. Масалан, семинарда фан, ижтимоий ривожланиш, идеологик курашнинг энг мураккаб философик-методологик проблемаларини муҳокама қилиш билан бирга марксча-ленинча назарияни индивидуал планлар асосида ўрганиш бунда таъсирчан восита бўлиши мумкин.

Философик (методологик) семинарлар ўқув фаолиятининг янги формаларини излашда жонли ижодиёт негизи қилиб олиниши керак. Улар (семинарлар) янгиликлар олиб кирадиган, совет жамиятининг иқтисодий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни гражданчасига, дадил қўйишни таъминловчи новаторлик ғоялари туғиладиган жойга айланмоғи даркор. Уларда очиқлик, ошкоралик, энг долзарб проблемаларга доир кенг ижодий мунозаралар муҳити қарор топиши керак. Аввало эркин ва очиқ-ойдин, «қалтис» жойларни эътиборсиз қолдирмайдиган фикр алмашув, ўртоқларча мулоқот, ишларни яхшилашга, олға қараб ҳаракатни жадаллаштиришга халақит бераётган иллатларни фош этиш ўқувга жонли қизиқишни уйғотишга, юзаки баёнчилик, қироатхонлик ва догматизмга барҳам беришга кўмаклашади.

Лекин семинарлар фаолиятидаги ижодий асослар жиддий қийинчиликларга учрамайди деб ўйлаш соддалик бўлар эди. Онгдаги турғунликни бартараф этиш ҳар бир талабадан каттагина куч-ғайрат талаб этади. Фикрлашда сусткашлик мавжуд, бу ҳол билан ҳам ҳисоблашиш зарур. Шу билан бирга Москва, Ленинград, Владивосток, Рига, Тошкент, Самарқанднинг бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларидаги методологик семинарларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, фикрлашдаги догматизмга қарши, ташаббускорлик ўсиши, билишнинг диалектик методларини ишлаб чиқиш учун курашда улар жуда кенг имкониятларга эга. Масалан, давра суҳбатлари, социалистик қурилиш назарияси ва практикасининг актуал проблемаларига доир кафедралараро ва институтлараро мунозаралар, илмий конференциялар, шунга ўхшаш семинарлар иштирокчилари билан учрашувлар сингари иш формалари семинарлар фаолиятидаги ижодий асосларни мустаҳкамлашга актив ёрдам кўрсатиши мумкин.

Семинарлар группаларини қизиқишларга асосан комплектлаш, маъмуриятчиликни дадиллик билан бартараф этиш, демократияга таяниш ижод ва ишчанлик муҳити жонланишининг зарурий шартидир. Мажбурийлик ва барчага баравар таалluқлилик сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг бутун системаси учун ғоят муҳим талаб эканлигини унутмаслик керак. Уни ўтказиш формасини эса тингловчиларнинг ўзлари танлаб олишлари керак. Бунда зўрма-зўраки ўтказиш, ўзбошимчалик қилиш зарар келтиради. Фақат қизиқиш, кишиларнинг билишга ички эҳтиёжигина философик (методологик) семинарларни мароқсизликдан, лоқайдлик ва ҳафсаласизликдан қутқаради, ностандарт изланиш, фикрларни қарама-қарши қўйиш, жонли баҳс муҳитини яратишга ёрдам беради.

Семинарлар структурасини чуқур танқидий анализ қилиш лозим. Сўнгги вақтгача умумий институт (факультет) ва лаборатория (кафедра ва кафедралараро) семинарлари унинг асосий турлари эди. Мамлакатда ҳозир амалга оширилаётган фан, таълим ва ишлаб чиқаришни изчил интеграциялаш идоравий тўсиқларга барҳам бериш, академик институт ва олий ўқув юртларининг семинарлари ўртасида амалий алоқалар ўрнатиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бундай ташкилий қурилма машғулотлар самарадорлигини ошириш, мазмундорлиги ва амалий йўналишини кучайтириш учун қўшимча имкониятлар очади. Ҳамкорлик формалари хилма-хил бўлиши мумкин: илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари методологик семинарларининг биргаликдаги мажлислари, илмий-тадқиқот муассасаларидан кураторлар ажратиш, тематика ва профессионал қизиқишлар муштараклиги билан боғланган кафедра семинарлари учун асос сифатида академик институтлар семинарларини ташкил этиш.

Семинарлар фаолиятига раҳбарлик борасида катта проблемалар тўпланиб қолди. Улар ҳақидаги низомга мувофиқ, идоравий ва регионал бўйсунишларидан қатъи назар, уларга умумий илмий-методик раҳбарликни СССР Фанлар академияси президиуми қошидаги философик (методологик) семинарлар марказий совети амалга оширади. Жойларда ишни ташкил этиш, бир региондаги семинарлар фаолиятига ёрдам кўрсатиш ва уни координациялаш мақсадида область партия комитетларининг сиёсий маориф уйлари қошида шаҳар, область ва республика бюролари, шунингдек СССР Фанлар академияси илмий муассасалари философик (методологик) семинарларининг тегишли бюролари тузилади. Регионал бюролар СССР философия жамиятининг область ва республика ташкилотлари, базавий философия муассасалари сифатида тегишли академия ва олий ўқув юртларига

қарашли бўлган философия институтлари ва кафедралари билан ҳамкорлик қиладилар.

СССР Фанлар академиясининг, республика академия ва олий ўқув юртларининг философия институтлари ва кафедралари қуйидаги вазифаларни бажарадилар: илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар составидан айрим кишиларга уларнинг философик-методологик ихтисосланишининг профилига мувофиқ ҳолда шунга ўхшаш профилдаги институт (факультет)ларда уларнинг йиллик умумий нагрузкасининг 15 процентгача ҳажмида бир ёки икки семинарга консультация беришни топширадилар; консультантлар ишини ғоявий-назарий, илмий-ташкилий ва илмий-методик томондан йўналтирадилар, контрол қиладилар ва ҳисобга оладилар; семинарларнинг перспектив ва жорий планларини тузишда иштирок этадилар; консультантлар ва семинарлар иш якунлари бўйича коллектив монографиялар, аниқ фанларнинг философик-методологик проблемаларига доир тўпламлар нашр этадилар, институтларнинг ўзлари ана шундай тадқиқотларни нашр этишга илмий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам берадилар; семинарлар иши ҳақида план ва ҳисоботларни оладилар, улар тажрибасини анализ қилиб умумлаштирадилар, уни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берадилар.

Лекин семинарларга раҳбарлик практикасида ўтган йилларда бир талай салбий жиҳатлар тўпланиб қолган. Аввало бюролар ишининг формал характердалигини таъкидлаш керак. Улар одатда ҳеч иш қилмайди. Бюроларнинг кўпгина аъзолари ўз вазифаларини билмайдилар. Область, район ва шаҳар партия комитетларининг сиёсий маориф уйлари ҳамда кабинетлари томонидан семинарлар фаолиятига аниқ раҳбарлик қилинмайди. Олий ўқув юртлари ректор ҳамда илмий кенгашлари бу ишдан ўзларини олиб қочадилар. Академия институтларининг ва олий ўқув юртларининг семинарлари ўртасида амалий муносабатлар ўрнатилмаган. СССР фанлар академияси президиуми қошидаги философик (методологик) семинарлар марказий совети билан алоқа йўқотилган. Энг яхши семинарларнинг иш тажрибаси умумлаштирилмаган. Кейинги вақтда Ўзбекистонда семинарларнинг философик-методологик фаолиятига бағишланган бирорта ҳам илмий-амалий конференция ўтказилмади. Ушбу тематикага оид илмий асарлар ва мақолалар жуда кам. Семинарлар иши газета ва журналларда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда акс этмаяпти.

Ҳолбуки ҳаёт энг яхши пропагандистларга, раҳбарлар ва консультант философларга тажриба алмашиш учун минбар бериб қўйишни қатъият билан талаб қилмоқда. Ушбу масалани ҳал этишда «Билим» жамиятидан активроқ фойдаланиш керак. Телевидениеда «Философия ўқишлари» программасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Консультант философларнинг иши жиддий эътирозлар туғдирмоқда. Баъзан улар машғулотларда «фахрий меҳмон» сифатида қатнашадилар. Улардан баъзиларининг методологик, кўпинча эса профессионал тайёргарлик даражаси ҳам юқори эмас. Консультантларнинг кўплари семинар иштирокчилари ишлаб чиқаётган фан проблемаларини яхши билмайдилар. Уларда доим ҳам пропагандистик кўникмалар бўлавермайди, машғулот ўтказишнинг актив формаларини бўш эгаллаганлар.

Ваҳоланки, консультант философ философик (методологик) семинарлар системасида асосий шахс ҳисобланади. Кўп нарса унинг малакасига, билим даражасига боғлиқ. У семинарлар бюроси билан ҳамкорликда иш планларини тузиши, докладчиларга ва машғулотлар темаси бўйича чиқувчиларга консультация бериши, зарур философик адабиётни тавсия қилиши, докладлар текст ёки тезисларини тақриз қилиши, симпозиум, конференция ва кенгашларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиши, улар фаолиятини анализ қилиб, якунларини умумлаштириши керак. Лекин энг асосийси, консультант философ шунчаки билимлар берибгина қолмай, балки семинар қатнашчиларида философик, диалектик фикрлаш маҳоратини ҳосил қилишда, улар методологик маданиятининг ўсишига ёрдам бериши, махсус фанларнинг дунёқараш ориентациясини амалга ошириши керак.

Семинарлар раҳбарларини ва консультант философларни тайёрлаш тубдан қайта қуришга муҳтож. Аввалги йилларда пропагандистларни ўқитиш онда-сонда олиб бориларди. Улар кўпинча партия ташкилотлари эътиборидан четда қолиб

кетардилар. Бугунги кунда ўқувни илмий асосга қўйиш айниқса зарурдир. Хусусан, марксизм-ленинизм университетларининг ўқув базасидан тўлароқ фойдаланиш лозим. Эҳтимол, улар қошида олий малакали пропагандистларни тайёрловчи махсус бўлим очиш керакдир. Дарвоқе, бундай тажриба Харьковда мавжуд, у ердаги марксизм-ленинизм университетида «Фан ва техниканинг философик проблемалари» курси ва «Ёш интеллигенцияда марксча-ленинча дунёқарашни тарбиялашнинг актуал проблемалари» махсус курси ўқилмоқда.

Философик (методологик) семинарлар бутун амалий фаолияти мазмунига партия таъсирини кучайтиришни давр талаб этяпти. Семинарлар самарадорлигини ошириш мақсадида пропагандистларнинг масъул партия ходимлари билан учрашувларини тез-тез ташкил этиш, район, шаҳар ва область партия комитетларида раҳбарлар ҳамда консультант философларнинг икки кунлик йиғинларини мунтазам ўтказиш ва ҳоказолар керак.

Таклиф қилинган тадбирларни амалга ошириш философик (методологик) семинарлар системасида сиёсий ўқишнинг баъзи бир проблемаларини ҳал қилиш имконини беради. Уни қайта қуриш семинар иштирокчиларининг ижод қилишига, ташаббус кўрсатишига кенг йўл очиб беради, машғулотлар сиёсий йўналишининг кучайишига, мазмунининг актуаллашишига, ўқувнинг социализм практикаси билан алоқасини мустаҳкамлашга, илмий-техника ва ижодий интеллигенцияни партия қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга ёрдам беради.

М. ҚАРИМОВ

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

СОВЕТ КИШИЛАРИДА интернационал онгни шакллантириш иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий ҳаётни демократиялаш ва экономикани бошқаришнинг туб ислоҳоти совет кишиларини интернационал руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Партия XXVII съездида кўрсатиб ўтилганидек, қайта қуриш давомида бутун идеология иши самарадорлигини ошириш учун ғоят қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Лекин, съезд таъкидлаб ўтганидек, «аммо бу билан ғоявий-сиёсий, меҳнат тарбияси ва ахлоқий тарбия осонлашади, деб умид қилиб бўлмайди. Бугунги вазият, у қанчалик қулай бўлмасин, ўз зиддиятларига ва қийинчиликларига эга эканлигини доимо назарда тутиш керак».

Шундай қилиб, мамлакатда, шу жумладан интернационал тарбия процессларида амалга оширилаётган ўзгаришларга енгил баҳо беришларга йўл қўймаслик керак. Аксинча, совет жамиятини жадал ривожлантириш эҳтиёжлари, бир томондан, эскирган, ўз умрини яшаб бўлган, кишиларни интернационализм руҳида тарбиялашдаги барча нотўғри нарсаларни танқидий таҳлил қилишни, иккинчи томондан, янги шароитлардаги интернационал тарбия практикасини илмий идрок этишни, интернационализмни кишилар онги ва хулқи-атворида қарор топтиришдаги қарама-қаршиликни кўрсатишни, совет жамиятини сифат жиҳатдан янгилаш давомида яратилаётган ниҳоятда қулай шарт-шароитлардан янада тўлароқ фойдаланишга йўналтирувчи амалий тавсияномаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Шу йўналишдаги тадқиқотларни кенг авж олдириш зарур эканлиги КПСС МКнинг Бош секретари М.С. Горбачевнинг Улуғ Октябрь 70 йиллиги тантаналарида қилган докладида, унинг партия МК февраль (1988 йил) Пленумидаги нутқида ҳам уқтириб ўтилди.

Совет кишилари онги ва хулқ-атворида интернационализмни қарор топтириш жараёни мураккаб ва зиддиятлидир. Лекин бу ҳолат доимо ҳам ҳисобга олинган эмас. Яқин-яқингача бу ишдаги нуқсон ва хатолар, миллатлараро муносабатларнинг социологик тадқиқотлари натижасида олинган салбий рақамлар ва маълумотлар тўғрисида гапириш номатлуб ҳисобланарди. Бу проблемаларга бағишланган мақолаларда, нашрларда, одатда миллатчилик ва шовинизм сарқитлари шунчаки тилга олиб ўтиларди, уларни бартараф этиш йўллари камдан-кам, ўшанда ҳам умумий бир тарзда кўрсатиб ўтилди. Қайта қуриш буларнинг ҳаммасини очиб ташлади.

Шу билан бирга миллатлараро муносабатлардаги салбий нарсаларни фақат сарқитлар, миллий ва регионал хусусиятлар ёки капитализмни четлаб, социализмга ўтиш оқибатлари билан боғлаш керак эмас. Бундай қилинганда, Ўзбекистон Компартияси МК X пленумида (1988 йил, апрель) кўрсатиб ўтилганидек, биз сал-

ҚАРИМОВ Мардон Ҳусанович, Беруний номидаги Тошкент политехника институти Навоий филиали марксизм-ленинизм кафедрасининг доценти, философия фанлари кандидати.

бий ҳодисаларнинг социал-иқтисодий ва ғоявий илдизларини конкрет ҳамда чуқур ўрганиш заруратини қўлдан бой берамизки, бу яна навбатдаги жиддий хатоларга олиб келади. Бу жиҳатдан олганда, жумладан, социалистик турмуш тарзининг интернационалистик принципларига хавф туғдирган: кадрлар билан ишлашда, экономика, социал ва маънавий соҳалардаги хатолар сингари «рашидовчилик» оқибатлари илдизларининг пленумда амалий тарзда муҳокама қилиниши принципиал аҳамиятга эга бўлди. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг миллатлараро алоқалар ва интернационал тарбия масалалари бўйича доимий Комиссиясининг ташкил этилиши жуда муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди.

КПСС МК январь (1987 йил) ва февраль (1988 йил) Пленумларида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятшунослигимиз практика олдида қарздор бўлиб қолмоқда, чунки интернационал тарбия самарали йўлларининг назарий асосланиши мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг, жамиятимизни янгилашнинг ҳозирги даврига тўла мос келмайди. Бинобарин, унинг проблемаларини ўрганиш янгича ёндашишларни, янгича фикрлашни талаб этади.

Миллий муносабатлар соҳасидаги деформацияларнинг объектив сабабларини очиб берувчи тадқиқотлар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Интернационал тарбия практикасида йўл қўйилган хато ва нуқсонлар хусусида гапирар эканмиз, уларнинг социализмга муқаррар равишда хос эмаслигини кўрсатишнинг ўзи камлик қилади. Бу хато ва нуқсонларнинг кўп жиҳатдан яқин ўтмишда экономика ва социал соҳада интернационализм принципларининг, социал адолат ҳамда демократизм принципларининг бузилиши билан боғлиқлигини исботлаш ғоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам интернационал тарбия вазифаларини мувффақиятли адо этиш учун ҳозир амалга оширилаётган совет жамиятини революцион тарзда янгилаш: унинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётни қайта қуриш, демократияни кенгайтириш биринчи даражали аҳамият касб этадики, бу ҳолнинг миллатлараро муносабатларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш прогрессив формаларининг жорий этилиши, ташкилий, хўжалик ва социал вазифаларнинг тарбия ишлари билан мустаҳкам боғлиқликда ҳал этилиши; янги ахлоқий-психологик шароитнинг қарор топиши, жамиятдаги ишлар аҳволининг ҳаққоний, танқидий анализ қилиниши бугунги кунда интернационал тарбия учун енгиллик туғдирмоқда. Лекин КПСС МКнинг Бош секретари М. С. Горбачев партия МК февраль (1988 йил) Пленумида кўрсатиб ўтганидек, биз қилаётган ишларнинг мафкуравий ифодаланишини инсон омили ролини, жамиятни сифат жиҳатдан янгилашда мустаҳкам интернационалистик эътиқод ва ватанпарварлик туйғулари аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қараб чиқиш керак, чунки ҳеч нарса инсон онгини четлаб ўтмайди, ҳеч нарса инсон онгисиз қилинмайди. Бугунги кунда жамиятимиз объектив равишда актив, изланувчан, демократия, корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги шароитида, ўзи учун, коллективи учун, ўз республикаси ва умуман бутун мамлакат учун социал жавобгарлик вазиятида яшай ҳамда ишлай оладиган гражданларга муҳтождир. «...Биз экономикамиз, маданиятимиз, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўлларини белгилашга қайси позициялардан туриб ёндошмайлик, — деди ушбу Пленумда М. С. Горбачев, — инсоннинг ўзи, унинг сиёсий қиёфаси ва ақлзаковати, унинг маҳорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг ижод қилиш қобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги ҳамиша ҳал қилувчи омил бўлади».

Одамларнинг интернационалистик онги ва хулқ-атворини собитқадамлик билан шакллантиришни қайта қуришни интернационал тарбия борасида ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган муҳим проблемаларни назарий ишлаб чиқишдан бошлаш керак. Совет кишилари турмуш тарзида интернационализм принциплари ва нормаларини қарор топтириш ижтимоий ҳаётни онгли равишда қайта қуришнинг бир кўриниши бўлиб, у социализмни система сифатида ривожлантиришнинг жиддий, ажралмас белгиси эди ва шундай бўлиб қолади. Бу назарий ишланмалар (дарвоқе, улар кўпроқ даражада илғор тажрибани умумлаштиришдан иборат) практикада рўёбга чиқиши керак, зеро оқибат-натижада совет кишисини интернационал руҳда тарбиялаш проблемаларини оптимал ҳал этишга эри-

шилсин, назария билан практика, сўз билан иш ўртасида узилишга йўл қўйилмасин.

Ҳозир интернационал тарбия процессларини фалсафий-социологик жиҳатдан анализ қилиш соҳасида амалга оширилган ишларни танқидий нуқтаи назардан қайта баҳолаш шароитида, масалан, турли миллат вакилларининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш муҳитида ўзаро мулоқотининг аҳамияти, интернационализмни совет кишисининг ахлоқий фазилати сифатида қарор топтириш сингари анъанавий илмий проблемаларни конъюнктурага берилмай янада чуқур ўрганиш зарурати туғилмоқда. Бу тадбирнинг актуаллиги аввало шу билан изоҳланадики, жамият ҳаётининг турли соҳаларида, энг муҳим социал проблемаларни (миллат ва элатларнинг прогрессив ривожланиши, меҳнат коллективларида муносабатларни инсонийлаштириш, юксак хулқ-атвор маданиятини тарбиялаш) ҳал этишда миллатлараро алоқалар роли ортиб бормоқда. Бинобарин, бу омилнинг одамларни ахлоқий такомиллаштиришга таъсирини ўрганиш биринчи навбатда жиддий амалий аҳамиятга эга, зеро бу омил шубҳасиз, одамлар ўртасидаги мулоқотлар муҳимлиги ортишининг қирраларидан бири холос. Бунда шуни эслатиб ўтиш ўринлики, миллатлараро алоқалар, шу жумладан, айтайлик, меҳнат коллективи даражасидаги унинг тарбиявий таъсири табиатини чуқур билиш давомида уларнинг структураси ва ўзига хос хусусиятларига табақалаштирилган тарзда ёндашиш зарур. Масалан, бевосита мулоқот шахс камолотига ҳар қандай кўп миллатли коллективда ҳам бир хилда таъсир кўрсатади, дейиш нотўғри бўлур эди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олмасдан туриб, шахслараро миллий муносабатлар процесслари аҳамиятини тўла тасаввур этиш мумкин эмас.

Анъанага кўра, совет халқларининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бу — шахснинг интернационалистик сифатларини тарбиялаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган вазифа деб ҳисобланиб келинарди. Лекин бугунги кунда КПСС ва Совет давлатининг халқаро муносабатларда янгича сиёсий тафаккурни амалга ошириши муносабати билан интернационал тарбия вазифаларини қайта баҳолаш ва конкретлаштириш зарур бўлиб қолди.

Интернационал тарбия практикасини социологик жиҳатдан тадқиқ этишни янада кенг авж олдириш, идеологик таъсир кўрсатиш воситаларининг самарадорлигини аниқлаш бизнингча айниқса муҳимдир. Бундай тадқиқотлар натижалари миллий муносабатларнинг турли соҳаларида кишилар қадриятлари ориентациясини аниқлашга, интернационал тарбия у ёки бу формасининг самарадорлик даражасини, ахборот манбаларининг меҳнаткашларда интернационал онгни қарор топтиришдаги таъсир кучини ҳисобга олишга ёрдам беради.

Чунончи, Беруний номли Тошкент политехника институти Навоий филиалининг марксизм-ленинизм кафедраси 1985—1986 йилларда «Навоиазот» ва «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмаларида ўтказган комплекс социологик тадқиқотлар ўша корхоналарнинг бошланғич меҳнат коллективларидаги интернационал тарбияни янада такомиллаштириш йўлларини белгилашга, амалий тавсияномалар ишлаб чиқишга ғоявий-тарбиявий ишларни жорий ва перспектив планлаштиришни конкретлаштиришга имкон берди. Тадқиқотлар, жумладан, ишчиларда интернационал хислатларни қарор топтириш механизмини кўрсатди, тарбиявий ишнинг бу муҳим соҳасида идеологик воситаларнинг самарадорлик даражасини янада аниқроқ баҳолашга имкон берди. Бундан ташқари, жамоатчилик фикрини ўрганиш давомида шу нарса аниқландики, ишчиларнинг баъзи қисмида (айрим параметрлар бўйича — анча кўпчилигида мустаҳкам интернационал дастур, ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг объектив процессларига ижобий муносабат йўқ, миллий чекланганлик, миллий худбинликнинг бошқа миллатлардаги энг қимматли нарсаларни қабул қилишни истамаслик, ўз миллати эришган ривожланиш даражаси билан қаноатланиб қолиш, бошқа халқлар тилларини ўрганишга, у ёки бу объектив шарт-шароитлар тақозоси туфайли вакиллари билан ҳар куни мулоқотда бўлинадиган бошқа халқлар урф-одатлари, маросимларининг моҳиятини тушунишга интилмаслик сингари излари мавжуд.

Интернационал тарбия самарадорлиги экспериментал тарзда контрол қилиниши мумкин ва керак. Шу муносабат билан илмий-маърифий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифа — кишилардаги интернационалистик хислатларни ри-

вожлантириш, турли идеологик тартиботларнинг таъсирчанлиги ҳақида тўғри маълумот олишнинг методологик ва методик проблемаларини ишлаб чиқиш вазифаси кўндаланг турибди. Қатор бошқа масалалар ҳам пайдо бўлмоқда, албатта. Масалан, баъзида интернационал тарбия процессини социологик жиҳатдан тадқиқ этиш уни такомиллаштиришнинг пишиб етилган эҳтиёжларига реал жавоб тариқасида эмас, шунчаки «модадан орқада қолмаслик» учунгина амалга оширилади. Бунга бизнинг фикримизча, хўжалик раҳбарлари ҳам, шунингдек амалий тадқиқот ижрочиларининг ўзлари ҳам айбдор. Қатор ҳолларда бундай вазият шунинг учун юзага келадики, ўрганиш натижалари фақат «давр билан баравар қадам ташлаш», навбатдаги ҳисобот учун рақамлар ёки хулосалар олишгагина керак бўлади.

Жамиятимизнинг инсон омилини активлаштиришга, социалистик интернационализм практикасида омма фаолиятини кучайтиришга, бу процессларни бошқаришнинг энг самарали форма ва методларини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжлари меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга комплекс ёндашиш проблемаларини янада кенг ўрганиш вазифасини қонуний тарзда кун тартибига қўяди. Бунда биз комплекслик элементларини уларнинг тарихий тараққиётини эътиборга олган ҳолда қарашимиз керак.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ меҳнаткашларни интернационал жипслаштириш, совет халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш иши янги жамият ривожининг ҳар бир босқичида пайдо бўлган кўп планли вазифаларни бажариш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Масалан, Ўрта Осиёда интернационализм руҳида тарбиялаш синфий ва миллий ўзлигини англашни шакллантириш билан қўшиб олиб борилди; илгарилари эзилиб келинган ва эзиб келган миллатлар меҳнаткашларини, ўтмишда ривожланган ва қолоқ бўлган халқларни интернационал тарбиялашга ёндашиш ҳам хилма-хил бўлган ва ҳоказо. Шундай қилиб, бу ерда гап интернационал тарбияга комплекс ёндашишни «яратиш» устида эмас, балки ҳозир ишлаб турган системани жамиятшунослик фани ва тарбия ишидаги илғор тажриба бугунги кунда эришган ютуқлар асосида назарий жиҳатдан идрок этиш, англаш ва такомиллаштириш устида боряпти.

Коммунистик тарбия (шу жумладан интернационал тарбия) конкрет турларини назарий анализ қилиш ва уларни амалда қўлланиш учун комплекс ёндашишдан фойдаланиш ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш бўйича вазифалар бирлигини ҳеч инкор этмайди. Аксинча, интернационал, ватанпарварлик, атеистик, эстетик ва тарбия бошқа турларининг «ўхшашлиги» уларнинг ҳар бирида алоҳида мавжуд бўлганидагина яхлит ёндашиш тўғрисидаги талабни амалга ошириш мумкин бўлади. Уйғун камол топган шахсни муваффақиятли шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳам шундай эканлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Табиийки, интернационал, атеистик ёки эстетик ва тарбиянинг бошқа турларига комплекслилик позициясидан туриб ҳар қандай қараш шартлидир, чунки улар аслида коммунистик тарбия ягона процессининг айрим қисмларидир. Чунончи, интернационал тарбия пролетар, социалистик интернационализм принципларининг кишиларнинг ғоявий эътиқоди ва улар хулқ-атвори нормасига айланишига, миллий муносабатлар соҳасидаги айрим салбий ҳодисаларни бартараф этишга, меҳнаткашларни интернационализмнинг социал практикасида фаол иштирок этишига тайёрлашга кўмаклашади. Буларнинг ҳаммаси интернационал тарбияни ниҳоятда мураккаб, кўп планли процессга айлантиради. Шунинг учун ҳам роли ҳозир айниқса ортиб кетган комплекслилик принципи интернационал тарбия давомида ҳал этилаётган вазифаларнинг хилма-хиллиги билан ҳам белгиланади.

Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга комплекс ёндашиш бугунги кунда, бир томондан, интернационалистик онгга, ҳар бир кишининг хулқ-атвори нормасига янгидан-янги талаблар қўяётган ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги сифат ўзгаришлари, иккинчи томондан, совет кишиларининг интернационалистик етуклиги даражаси билан бевосита боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, интернационал тарбияга комплексликни актив жорий этишни ҳар бир кишидаги интернационалистик эътиқодни янада чуқурлаштириш, ундаги интернационалистик хислатларни тўла ривожлантиришни таъминлаш зарурати объектив равишда тақозо этади.

Жамиятимиз эҳтиёжлари билан боғлиқ бир зарурат кўзга тобора яққол таш-

ланмоқда. Яъни шахс интернационализмининг ҳамма компонентлари — қарашлар, туйғулар, хулқ-атвор нормалари, хатти-ҳаракатлар ва ҳоказолар анча тўла ривожланиб, яхлит бир тузилма сифатида амал қилсин. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишининг ҳам мазмун, ҳам ташкилий томонини кўзда тутиб ўтказиладиган комплекслилик принципи совет кишисининг интернационалистик хислатларини шакллантиришни оптималлаштиришнинг энг муҳим йўлларидан бири сифатида иш кўрмаслиги мумкин эмас.

Интернационал тарбияга комплекс ёндашиш тарбиянинг таъсирчанлигини, самарадорлигини анча оширишга имкон беради. Лекин Партия XXVII съездида, КПСС МҚнинг «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги иши тўғрисида» (1987 йил) қарорида, Ўзбекистон Компартияси МҚ қатор ҳужжатларида кўрсатиб ўтилганидек, бу талаб ҳали ҳамма жойда ҳам ҳисобга олинавермайди.

Меҳнат коллективларининг ғоявий-тарбиявий иши практикасида интернационал тарбиянинг конкрет вазифаларини белгилашда кўпинча меҳнаткашларнинг интернационал онгини шакллантирувчи омиллар яхлит комплекси ҳисобга олинмайди. Кўпинча у ёки бу шонли санага бағишланган тадбирлар билан чекланиб қолишади, ҳолбуки шуни ҳисобга олиш керакки, ҳамма даврларга тўғри келадиган стандарт қарорлар, планлар бўлиши мумкин эмас, бўлмайди ҳам, бу ишда кампаниячилик ва ҳайбаракаллачилик кутилган натижани бермайди, бунда системали равишда, мунтазам иш олиб бориш керак.

Совет жамиятини янгилаш шароитида интернационал тарбияни (яқин яқингача «анъанавий» тус олганидек) миллий масалани ҳал этишда эришган тарихий ютуқларимизни кўз-кўз қилиб кўрсатишдангина иборат қилиб қўймаслик керак. Бунда миллий муносабатлар динамикасини андазалардан холи бўлган ҳолда янги назар билан баҳолаш муҳимдир. Чунончи, уларнинг ривожига ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилиши, бир қатор территориал-ишлаб чиқариш комплексларининг ташкил этилиши, миллат ва элатлар социал структураси, шаҳарлар, республикалар миллий составининг ўзгариши муайян даражада таъсир кўрсатади. Бинобарин, миллий муносабатлар соҳасида доимо юз берадиган проблемаларни, уларнинг жиҳат ва қирраларини кўра билиш зарур, янгича ёндашувларни астойдил қидириш, ҳаёт қўяётган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш керак. Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган республикамиз шароитида бу талаб алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Компартияси МҚ X пленумида (1988 йил, апрель) шундай дейилди: «...Маълумки, умуман одамлар ўртасидаги муносабатлар муаммоси сингари миллий муносабатлар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Аксинча, уларни ҳал этишдан чекинилса, улар тўпланиб бориб, низоли даражага етиши мумкин... Муайян носоғлом кайфиятлар бизда ҳам намоён бўлаётир. Шу сабабали интернационал тарбияда дабдабабозлик ва расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ҳам, миллий муносабатларни ривожлантириш ва бу муносабатларнинг ўзаро таъсири соҳасида ҳаёт олға сураётган муаммолар ҳақида ҳам гапирмаслик мумкин эмас. Уларни пухта ва ҳар томонлама ўйлаб кўриб чиқиш ҳамда барча вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак, бунда фақат бир нарсага — бир миллатнинг миллий-маданий талабларини қондириш йўлида бошқаларига зарар етказиш ҳамда совет халқлари бутун буюк жамиятининг интернационал бирлигини писанд қилмасликка йўл қўйиб бўлмайди».

Совет кишисининг интернационализми кўп жиҳатдан социал муҳитни, ҳаётий шароитларни бир мақсадни кўзлаб, онгли равишда ўзгартириб бориш асосида шаклланади. Бу фундаментал йўналишни ҳисобга олмаслик — демак тарбия процессини «заминдан» узиб олиш, социал жиҳатдан актив шахсни шакллантириш ишида социализмда туғилган жуда катта имкониятлардан фойдаланмасликдир. Бинобарин,интернационал тарбия олдида бир-бири билан боғлиқ икки вазифа: иш билан тарбиялаш ва социал макро ва микромуҳитдан келаётган позитив таъсирларни мустаҳкамлаш вазифаси турибди. Бунда моддий омилларнинг шахс интернационализми ривожига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш керак. Бинобарин, интернационал тарбия социал муҳитдан келадиган салбий таъсир эҳтимолини бартараф этишга даъват қилинган.

КПСС МҚнинг «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарвалик руҳида тарбиялаш борасидаги иши

тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, социал-иқтисодий фаолият соҳасидаги иттифоқчи ва автоном республикаларнинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муайян турларини умумиттифоқ фондига, бошқа республикалар истеъмолчиларига системали равишда кам етказиб бериши, раҳбарий органларнинг интернационализм ғояларининг асосий соҳиби ва ташувчиси бўлмиш ишчилар синфининг миллий кадрларини бир мақсадни кўзлаб шакллантиришдан ўзларини четга тортиши, меҳнаткашларнинг социал эҳтиёж ва талабларига эътибор бермаслик сингари хатолар меҳнаткашлар онги ва хулқ-атворини интернационаллаштиришни ривожлантириш процессига жиддий зарар етказиши мумкин. Бу партия ҳужжатида КПСС Программасининг «инсон тарбияси унинг халқ бахт-саодати йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида, ижтимоий ҳаётда, социал-иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда амалий иштирокидан ажралмасдир» деган қоидаси янада конкретлаштирилган.

Мазкур қарорда, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, ватанпарварлик ва интернационал тарбия борасида Қозоғистон республика партия ташкилоти йўл қўйган жиддий хатолар анализ қилиниши билан бирга жуда муҳим масалалар комплекси, шу жумладан, тарбия практикасининг ҳаёт олдинга сураётган янги вазифалари таърифлаб берилган.

Унда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида интернационал тарбияга ёндашиш моҳияти баён қилиб берилган деб таъкидласак муболаға бўлмайди. Партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда илмий коллективлар, идеология активи ва оммавий ахборот воситалари олдига ҳаққоний сўз ҳамда реал иш билан, ҳар бир республиканинг мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексига қўшаётган ҳиссасини ошира бориш, меҳнаткашларни социалистик интернационализм практикасида янада актив иштирок эттириш; маҳаллийчилик, тайёрга айёрлик кайфиятлари кўринишларини қатъий бартараф этиш, етказиб бериш шартларини (айниқса республикалар орасидаги) сўзсиз бажариш; биринчи навбатда саноатнинг етакчи тармоқларида ишчилар синфининг миллий кадрларини шакллантириш бўйича ишни кучайтириш; республикалараро кадрлар алмашувини кенгайтириш, ишчи ва мутахассисларни янги районларни ўзлаштиришда янада фаол иштирок эттириш; раҳбарий органларда, партия, совет аппаратида, жамоат ташкилотларида конкрет республика, область, районда яшаётган барча миллат ва элатларнинг зарур даражадаги вакиллигини таъминлаш, бунда қариндош-уруғчилик, юртдошлик алоқалари, шахсий садоқатини эмас, балки одамларнинг сиёсий, ишчанлик, маънавий-ахлоқий хислатларини ҳисобга олиш; барча миллат ва элатларнинг маиший ҳамда маданий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиш, миллий-русча икки тиллиликнинг янада ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш; қардош республикалар билан ҳар томонлама алоқаларни, тажриба алмашиш ва таъсирчан мусобақани кенгайтириш; иттифоқчи республикалар ва умуман бутун мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиш перспективаларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, олий ўқув юртларига қабул қилишда ошна-оғайнигарчиликни, порахўрлик ва бошқа салбий ҳодисаларни таг-томири билан йўқотиш; миллий муносабатлар соҳасидаги масалаларни имкони бўлган бирдан-бир асосда — ҳар бир миллат ва элатнинг гуллаб-яшнаши, уларнинг янада яқинлашуви манфаатлари, бутун жамият манфаатлари йўлида ўз вақтида ва адолатли ҳал қилиш йўли билан интернационалистик эътиқодни тарбиялаш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистонда интернационал тарбия процессига моддий омилларни актив жалб этиш проблемаларининг ишлаб чиқилиши республиканинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай ёндашув Ўзбекистон Компартияси МКнинг Х пленумида берилган танқидий баҳога ҳамоҳангдир: унда яқин ўтмишда социал-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда йўл қўйилган хатолар тўғрисида гапирилдики, улар меҳнаткашларнинг маънавий ҳаётига, социализм қадриятларини қарор топшириш процессига салбий таъсир кўрсатди.

Бизнингча, «интернационал тарбия» тушунчасига жиддий аниқлик киритиш керак бўлиб қолди. Маълумки, «интернационал тарбия» деганда тарбия объектига бир мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатишни тушунамиз. Социализм шароитида бу

таъсир ижтимоий турмушни ўзгартириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, кишилар ҳаётини қайта қуриш орқали амалга оширилади. Модомики, шундай экан, социал муҳитни онгли равишда ўзгартириш (тарбия самарадорлигига эришиш мақсадида) айни вақтда тўғри маънода тарбия фаолияти ҳам эмасми? Бизнингча, социал муҳитни оптималлаштириш яъни масалан, социалистик интернационализм практикасини кенгайтириш, партия, давлат, хўжалик органларида, шу жумладан, иттифоқ даражасида ҳам ҳамма миллат ва элатлар вакиллиги бўлиши, раҳбар кадрлар составининг миллий структурани анча тўла акс эттириши ва ҳоказо — бу шунчаки интернационал тарбия учун қулай шарт-шароитлар яратиш эмас, балки тарбиянинг ўзидир. Шунинг учун ҳам, афтидан, интернационал тарбияни фақат маънавий таъсир процесси, дейиш мумкин эмасдир. Гельвеций ўз давридаёқ шундай деган эди: «Тарбия илмининг вазифаси, балким, одамларни шундай бир шароитга солиб қўйишдан иборатдирки, ўша шароит уларни ўзларига матлуб истеъдод ва яхши фазилатларни эгаллашга мажбур этсин» (Гельвеций К. А. О человеке, его умственных способностях и его воспитании. М., 1938, стр. 405).

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, интернационал тарбияга бир томонлама ёндашиш, уни фақат «сўз билан тарбиялаш»дан, одамларга агитация-пропаганда воситаси билан таъсир этишдан иборат қилиб қўйиш ярамайди. КПСС XXVII съездининг мазкур масала юзасидан аниқ позицияси худди ўша ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа уришларга қарши қаратилгандир: «Меҳнатни ва неъматлар тақсимотини шундай ташкил этиш, социалистик турмуш қонунлари ва принципларига шу қадар қатъий риоя қилиш керакки, ҳар бир совет кишисида бизнинг идеалларимиз ва қадриятларимизга қатъий ишонч ҳосил бўлсин. Уй-жой, озиқ-овқат таъминоти, халқ истеъмоли молларининг сифати, соғлиқни сақлаш савияси — буларнинг ҳаммаси одамларнинг онги ва кайфиятига бевосита таъсир қилади. Биз партия, совет ва жамоат ташкилотларининг **тарбиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларининг бутун комплексига худди ана шу позициядан ёндашмоғимиз керак»** (таъкид бизники — **М. К.**).

Ҳозирги кунда, қайта қуриш даврида ҳам КПСС Марказий Комитети мустаҳкам интернационалистик эътиқод ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашни омма ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Партия совет олимларини, идеология фронти ходимларини меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашнинг назарий проблемаларини чуқур тадқиқ этишга, СССР халқларининг интернационал бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган, ғоявий-тарбиявий ишни янада такомиллаштиришнинг илмий асосланган тавсияномаларини ишлаб чиқишга йўналтирмоқда. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, МК сўнгги Пленумлари материалларидаги, КПССнинг бошқа хужжатларидаги қоидалар ва хулосаларни биз ҳақли равишда марксча-ленинча тафаккурнинг чинакам ютуқлари деб ҳисоблашимиз мумкинки, уларда мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнаткашларни интернационал тарбиялашнинг социал функциялари ва комплекс мақсадлари асослаб берилган. Улар, шубҳасиз, интернационал тарбия проблемаларини илмий тадқиқ этиш даражасини оширишга, мазкур йўналишдаги конкрет-социологик тадқиқотларни активлаштиришга, бу проблемаларни илмий-назарий конференцияларда янада чуқур муҳокама этишга кўмаклашади.

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

«Партия ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида мамлакатимизда авж олиб кетган революцион қайта қуришни қандай қилиб кучайтириш ва муқаррар қилиш керак, — биз. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегатлари олдида турган туб масала мана шундан иборат». КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев 1988 йил 28 июнда конференциядаги докладни шу тариқа бошлади. Конференция ҳам ҳаёт ўртага қўйган, партия ва халқ ўртасида кенг муҳокама қилинган ана шу саволга жавоб берди. Конференция ленинча анъаналар руҳида ва орттирилган тажрибага таяниб, КПСС МКнинг 1985 йил апрель Пленуми ҳамда XXVII съезддан кейинги даврда қилинган ишларни танқидий мушоҳада этиб, муттасил ривожланишни ҳамда муқаррар қайта қуришни таъминлаши лозим бўлган йўлни белгилаб берди. Шулардан энг муҳими, жамиятимиз сиёсий системасини ислоҳ қилиш билан бир қаторда, **туб иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришдир.** Ушбу темадаги машғулотни ўтказаётганда тингловчиларга қуйидаги масалаларни тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир.

1. Хўжалик юритишни янги методларга ўтказиш заруратини нималар тақозо этди?
2. Иқтисодий ислоҳотни турмушга ошириш қандай бормоқда?
3. Иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш учун нималар қилиш керак?

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИ ЯНГИ МЕТОДЛАРГА ЎТКАЗИШ ЗАРУРАТИНИ НИМАЛАР ТАҚОЗО ЭТДИ?

КПСС МК 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди ҳамда МКнинг кейинги Пленумлари материалларида, партия ва ҳукуматнинг съезддан кейинги даврда қабул қилинган қарорларида, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг доклад ва нутқларида, шу темадаги кўпдан-кўп материалларда бу саволга муфассал жавоб берилган. Гап шундаки, қайта қуришга қадар амал қилиб келган халқ хўжалигини бошқариш системасининг номукаммаллиги, хўжалик юритишнинг аввалги методлари (асосан бюрократик, буйруқбозлик-маъмуриятчилик методлари), ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасида вужудга келган номутаносиблик мамлакат экономикасини чуқур турғунлик ҳолатига, айрим соҳаларда эса ҳатто таназзулга олиб келди. 70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошида мамлакат иқтисодий ва социал-сиёсий кризис томон орқага кета бошлади. М. С. Горбачев шу йил 8 апрелда Ўзбекистон Компартияси МКда республика раҳбар ходимлари олдида сўзлаган нутқида айтганидек реал проблемалар бутун жамият, ҳар бир оила, ҳар бир меҳнат коллективининг ҳаётини мушкул аҳволга солиб қўйган эди.

Партия ҳам ижобий, ҳам салбий жараёнларни чуқур ва ҳаққоний баҳолаш асосида шундай хулосага келди: қандайдир айрим амалий чоралар билан, қандайдир кампания ўтказиш билан иш битмайди — жамият тубдан қайта қуришга муҳтож. Стратегик пландаги қарорлар ишлаб чиқилдики, бу қарорлар ҳозирги босқичдаги ижтимоий муносабатларнинг бутун мураккаб комплексини, шу жумладан, моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ўз ичига олар эди.

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, мамлакат экономикасини тубдан ўзгартиришга уринишлар илгари — 50-, 60-, 70-йилларда ҳам бўлган эди. Чунончи, КПСС МКнинг 1953 йил сентябрь Пленуми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга дурустгина омил бағишлагандек бўлган эди, бироқ амалда бу бир йилдан камроқ вақтга етди. КПСС МК 1965 йил март Пленуми экономикага илмий асосланган ёндашувни илгари сурди, бу турмушга оширила бошлади ва реал, сезиларли натижалар келтирди. Бироқ, бу уриниш ҳам аста-секин «йўққа» чиқди. 1973 йилда саноатни, 1976 йилда — қишлоқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш

юзасидан, 1979 йилда — хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳамда унинг иш сифати ва самарадорлигига таъсирини кучайтириш юзасидан қарорлар қабул қилинди. Бироқ, бу қарорлар ҳам кутилган натижаларни бермади.

Бунинг сабаблари нима? Кейинги вақтлардаги партия-ҳукумат ҳужжатларида шундай тушунтирилади: бунинг сабаби қабул қилинган қарорларнинг яримта-юримталиги, нокомплекслигида ҳамда уларни турмушга оширишдаги ноизчилликдадир. Энг муҳими эса: экономикани тубдан ўзгартиришни амалга оширишга уринишлар демократияни ривожлантириш ва кенгайтириш билан мустаҳкамланмаган эди. Ҳамма нарса кабинетларда ҳал этиб келинди, чунки партиянинг ўзи ва мамлакатнинг кадрлар корпуси раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларининг тутқинлигида эди. Бугунги кунда оқибат маълум: амалда на ўнинчи, на ўн биринчи беш йилликлар бажарилди.

Қайта қуриш арафасида мамлакатнинг иқтисодий организмида юз берган иллатлар Ўзбекистон халқ хўжалигини ҳам жиддий шикастлантирди. Бу ерда саноат ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари анча пасайиб кетди, фонд самарадорлиги камайди, шартнома мажбуриятларини бажариш ёмонлашди, 80-йилларнинг бошидан бошлаб республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти, шу жумладан пахта миқдори ўсмай қолди.

Эришилганларга қараб планлаштириш, «ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш», уни янги, кўпинча норационал қурилишлар ҳисобига кўпайтириб бориш ҳамда хом ашё ва ёқилғи-энергия ресурсларини тобора кўпроқ жалб этиш, исрофгарчилик, ҳатто ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишдаги ўтакетган хўжасизлик, ресурсларни тақсимлашдаги қаттиқ марказлаштириш, машъум «ялпи маҳсулот» зуғуми, министрликлар ва идораларнинг корхоналарга нисбатан диктаторлиги, уларга план билан тазйиқ қилиш, иқтисодий омиллар ва стимулларнинг амал қилмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлашдаги бараварлаштириш, нарх-наво белгилашдаги нуқсонлар, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар, меҳнат коллективлари ролининг пасайтириб юборилгани, социал омилларга етарлича баҳо бермаслик — шуларнинг бари мамлакат экономикасини боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Ҳозир амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот уни бу аҳволдан олиб чиқишга, социализмнинг потенциал имкониятларига жавоб берадиган даражага кўтаришга даъват этилган.

Туб ислоҳот, деб таъкидлайди пропагандист, бу катъий, таг-заминга бориб тақаладиган ислоҳотдир. Ислоҳот ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва янгилашни, уларни ишлаб чиқариш кучларининг эришилган даражасига мослаштиришни, социализм иқтисодий системасининг негизи бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини мустаҳкамлаш ва оширишни; давлат (умумхалқ) мулки афзалликларини рўёбга чиқаришнинг форма ва методларини яхшилашни; иқтисодий соҳада ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришни; колхоз-кооператив мулки, шахсий ёрдамчи хўжаликнинг, меҳнат фаолиятининг кооператив ва индивидуал формалари имкониятларидан тўлароқ ва самарали фойдаланишни; тақсимот ва алмашув муносабатларини такомиллаштиришни; товар-пул муносабатларидан социалистик негизда фойдаланишни активлаштиришни; нарх-наво белгилаш, кредит ва молияни ишлаб чиқаришни интенсивлаш шарт-шароитларига мослаштиришни; инсон омилини бутун чоралар билан активлаштиришни тақозо этади.

Бошқариш системасини ва хўжалик юритиш методларини қайта қуриш — туб иқтисодий ислоҳотнинг етакчи бўғинидир. Бу соҳада энг муҳим вазифалар: халқ хўжалигига планли, марказлаштирилган тартибда раҳбарлик қилишни бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш билан оқилона қўшиб олиб бориш, бирлашма ва корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишдан иборат. М. С. Горбачев КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида таъкидлаганидек, «социализм назарияси ва практикасида асосий масала социалистик негизда қандай қилиб капитализм давридагига нисбатан қудратлироқ иқтисодий, илмий-техникавий ва социал тараққиёт омилларини вужудга келтириш, планли раҳбарликни шахс ва коллектив манфаатлари билан қандай қилиб янада самаралироқ боғлашдан иборатдир. Бу жуда ҳам мураккаб масала бўлиб, социалистик тафаккур ва ижтимоий практика унга жавоб излаб келди ва излаяпти».

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ТУРМУШГА ОШИРИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Ана шу масалани ёритишга киришганда М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясидаги докладида у алоҳида ажратиб кўрсатилганига тингловчилар эътиборини тортиш керак. Бу қонуний ҳолдир, чунки докладда таъкидланганидек, «гарчи ислоҳот дастлабки қадамларнигина қўяётган, хўжалик юритиш янги методлари эса эндигина ўзлаштирилаётган бўлсада, булар ҳозирдаёқ кўпгина ишлаб чиқариш муаммолари ва социал муаммоларни ҳал этишга, коллективлардаги бутун вазиятда ижобий таъсир ўтказа бошлади».

КПСС МК 1985 йил апрель Пленумидан бошланган қайта қуриш ўзининг тўртинчи

йилига қадам қўйди. Ўтган давр оддий бўлмади, тиғиз бўлди. Ҳар қандай ўтиш даври учун, хусусан мамлакат экономикасини боши берк кўчадан олиб чиқиб, уни сифат жиҳатдан янги йўлга буриб юбориш лозим бўлган ҳозирги давр учун бу табиийдир. Партия ва ҳукуматнинг бу жараёнга зўр эътибор бераётганлиги шу давр ичида туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга, халқ хўжалигини структуравий қайта қуришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йирик қарорларнинг қабул қилганлигидан кўриниб турибди. Бу — КПСС XXVII съезди тасдиқлаб берган кенг миқёсли ҳаракат программасидир. Бу — КПСС МК 1987 йил июнь Пленумининг мамлакат иқтисодий ўсишини рағбатлантиришни, совет жамиятининг жадал социал ва маънавий тараққиёти учун қудратли моддий база яратишни кўзлаган бир қатор жуда муҳим қарорларидир. Бу давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида ҳамда кооперация тўғрисидаги СССР Қонунларининг қабул қилинганлигидир. Бу — XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг резолюциялари ва КПСС МК 1988 йил июль Пленумининг мамлакат экономикасини соғломлаштиришга янги омил бағишлаган уларни бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисидаги қароридир.

Хўш, қабул қилинган қарорлар турмушга қандай оширилмоқда? Ҳозирдаёқ сезиларли натижалар борми? XIX партия конференциясининг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюциясида таъкидланганидек, мамлакатнинг иқтисодий ва социал-сиёсий кризис томон бориши тўхтатилди; мамлакат экономикасини соғломлаштириш, уни одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш сари буриб юбориш жараёни бошланди; хўжалик юритишнинг янги усуллари тобора кенг ёйилмоқда, бирлашма ва корхоналар хўжалик ҳисобига ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказилмоқда, меҳнат фаолиятининг кооператив ва индивидуал формалари ривожланмоқда, бошқарувнинг ташкилий структуралари қайта қурилмоқда, бу иш экономика бошланғич бўғинларининг хўжаликни самарали юритиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган; пудрат ва ижара асосида ички ишлаб чиқариш меҳнат муносабатларининг янги, илғор шакллари турмушга жорий этилмоқда.

Ана шу барча ишларнинг натижаларини кўрсатиш учун СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетларининг 1988 йилнинг биринчи ярмида мамлакат ва республиканинг иқтисодий ва социал ривожланиши тўғрисидаги ахборотларига мурожаат қилиш жоиздир. Уларда халқ хўжалигида ижобий тенденцияларнинг кучайиши давом этганлиги таъкидланади. Саноатда ва бошқа тармоқларда корхоналарнинг анчагина қисми тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтгани пировард натижаларга ва сифат кўрсаткичларига таъсир қила бошлади. СССР миллий даромади ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 5 процент, Ўзбекистон ССРники — 3,4 процент кўпайди; саноат маҳсулоти 1987 йилнинг қиёсий давридагига нисбатан кўп: умуман СССР бўйича — 20 миллиард сўм, Ўзбекистон ССРда — 206 миллион сўмлик кўп ишлаб чиқарилди; мамлакат халқ хўжалигида 8 миллиард сўмдан зиёд, шу жумладан республикамизда 173 миллион сўм пландан ортиқча фойда олинди.

Экономика тараққиётининг социал йўналиши кучайиб бормоқда — халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ўсиб борди. (1988 йилнинг биринчи ярмида ўсиш 1987 йилнинг биринчи ярми даражасига нисбатан СССРда 6 процентни, Ўзбекистон ССРда 6,7 процентни ташкил қилди). Умуман мамлакатда бўлганидек, республикада ҳам чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва харид қилиш кўпайди. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти (амалдаги баҳоларда) 1987 йилнинг I ярмидагига нисбатан СССРда 6,4 процент, Ўзбекистон ССРда — 10 процент, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш — шу тартибда 17 ва 21,3 процент кўпайди. Мамлакатда бўлганидек Ўзбекистонда ҳам уй-жой кўп қурила бошлади.

Тингловчиларни ана шундай ижобий ўзгаришлар билан қувонтириш мумкин. Лекин шу нарсага ҳам огоҳ бўлиб туриш керакки, тингловчилар буларни ишончсизлик билан қабул қиладилар. Зотан одамлар кўпинча экономиканинг муваффақиятлари тўғрисида моддий неъматлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, бошқа истеъмол буюмлари, пуллик хизматлар, турмуш ва дам олиш шароитларининг мавжудлиги ва улардан реал фойдаланиш имкониятларига қараб фикр юритадилар. Ҳолбуки, бу соҳада ижобий ўзгаришлар ҳозирча деярли сезилмаётир. Дарвоқе, республикамиз аҳолиси бу проблемаларни мамлакатдаги баъзи бошқа районлардагига қараганда анча кескинроқ қабул қиладилар. Бу қонунийдир. Айтайлик, агар умуман мамлакат бўйича аҳоли жон бошига 62—64 килограмм гўшт истеъмол қилинса, Ўзбекистон ССРда — 29—30 килограмм, мева ва сабзавотлар — шу тартибда 260—270 килограмм ва 170—173 килограмм истеъмол қилинади. Халқ истеъмоли моллари билан таъминлашнинг орқада қолаётганлиги тўғрисида ақалли шунга қараб фикр юритиш мумкинки, Ўзбекистонга нисбатан аҳолиси қарийб икки баравар кам бўлган Белоруссия бундай молларни уч баравар кўп ишлаб чиқаради. Республикамиз кўпгина бошқа кўрсаткичлар бўйича умумиттифоқ суръатларидан анча орқададир.

Бу ўринда пропагандист шу тўғрида гапириши лозимки, республиканинг ҳам, мамлакатнинг ҳам раҳбарлари бундай вазиятдан ташвишдалар ва бу аҳволни тузатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида қайғурмоқдалар. Масалан, Ўзбекистон Компартияси

МК биринчи секретари Р. Н. Нишоновнинг «Известия» газетасига берган, 1988 йил 22 апрелда эълон қилинган жавоблари, унинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясидаги нутқи, М. С. Горбачевнинг 1988 йил 8 апрелда Ўзбекистон Компартияси МКдаги нутқи, КПСС МК 1988 йил июль Пленумининг «КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида»ги қарори шундан яққол далолат беради.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, пулли хизматларни қўшимча кўпайтириш, аҳолининг пул даромадлари ва сарф-харажатларини балансланштириш тадбирлари тўғрисидаги масала шу йил 27 июлда Ўзбекистон Компартияси МКнинг Бюроси мажлисида кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда тегишли идоралар, область, шаҳар, район партия комитетлари олдига конкрет вазифалар қўйилди.

Лекин, деб таъкидлайди пропагандист, умуман ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, халқ хўжалигини соғломлаштириш каби вазифаларнинг ҳал этилиши туб иқтисодий ислоҳот қанчалик тез ва изчиллик билан ривожланиши ва чуқурлашувига, у корхоналар ва тармоқларнинг хўжалик фаолиятини қанчалик кенг қамраб олишига, булар одамларнинг ишга муносабатини ижобий ўзгартиришига белгиловчи даражада боғлиқдир.

Бир ярим йилдан ошибдики, мамлакат корхоналарининг талайгина қисми тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида ишламоқда. Бу йил улар маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажаришни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга ўзларининг иқтисодий кўрсаткичларини жиддий яхшиладилар — меҳнат унумдорлигини, фойда кўришни юқори суръатлар билан ошириб бормоқдалар, маҳсулот таннархини дадил арзонлаштирмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, саноат ишлаб чиқаришининг бутун ўсишига улар ходимлар сонини камайтирган ҳолда эришдилар, фойдани кўпайтириш эса асосан харажатларни камайтириш ҳисобига қўлга киритилди.

Хўжалик ҳисоби ғояси социалистик хўжалик юритиш усули сифатида янги нарса эмаслигини тингловчиларга эслатиш ўринлидир. Бу ғоя В. И. Ленинга мансуб бўлиб, у бу усулнинг моҳиятини таърифлаб берган эди, бунга мувофиқ корхона ўз ишидан зарар кўрмаслиги учун жавоб бериши керак. В. И. Ленин уни амалга ошириш йўлларини асослаб берган. Владимир Ильичнинг фикрига кўра хўжалик ҳисоби кейинчалик социалистик хўжалик юритишнинг асосий усулига айланиши учун ўша йиллардаёқ ёйилиши керак эди. Бироқ, маълумки, бундай бўлмади. Хўжалик ҳисобининг имкониятларидан кейинги вақтларгача жуда суст фойдаланилди. Ҳозир бундай аҳвол тузатилмоқда. КПСС МК 1987 йил июнь Пленумининг қарорларида бу йўналишдаги ҳаракатларнинг аниқ программаси мавжуд. Уларнинг асосий мақсади — барча даражаларда раҳбарликнинг кўпроқ маъмурий методларидан иқтисодий методларига, қизиқишларни бошқаришга ва қизиқишлар орқали бошқаришни кенг демократиялашга ўтиш, инсон омилини бутун чоралар билан активлаштиришдир.

Янгича меҳнат қилаётган коллективларнинг иш кўрсаткичлари хўжалик юритишнинг бундай системаси афзалликларидан далолат беради. Масалан, Тошкентда шу йил январдан бошлаб маҳсулотнинг қарийб 70 процентини ишлаб чиқараётган корхоналар учун тўла хўжалик ҳисоби турмуш ва ривожланишнинг қонуни бўлиб қолди. Уларнинг янги йўлда қўйган дастлабки қадамларини осон деб бўлмайди — ҳаракат жараёнида талайгина турлитуман муаммоларни ҳал этишга тўғри келмоқда. Гап шундаки, янги хўжалик механизми эски қолипларда, беш йиллик айни авжига чиққан пайтда туғилмоқдаки, топшириқларнинг бирортасини ҳам халқ хўжалигида балансcизликни вужудга келтирмай ўзгартириб бўлмайди. Бу ҳол қайта қуришнинг ниҳоятда мураккаблигини ҳамда меҳнат коллективларининг кенгайиб бораётган хўжалик мустақиллиги шароитида қабул қилинадиган ҳар бир қарор учун юксак жавобгарликни шарт қилиб қўяди.

Тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган корхоналар фаолиятининг дастлабки натижаларини анализ қилиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг иккинчи моделни танлаганлари жиддий муваффақиятларга эришмоқда. Бу ўринда шуни эслатиш лозимки, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга мувофиқ икки моделдан фойдаланиш мумкин: биринчиси фойдани тақсимлашга, иккинчиси — ялпи маҳсулотни тақсимлашга асосланган (хўжалик юритиш ҳар икки формасининг хусусиятларини аниқлашда пропагандистга «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1988 йилдаги 3-сонида босилиб чиққан «Корхона хўжалик юритишнинг янги шароитида» материали (68—76-бетлар) ёрдам бериши мумкин. Ҳозирги вақтда хўжалик юритишнинг янгича шароитига ўтаётган корхоналарнинг аксарияти биринчи моделни афзал кўрмоқдалар, чунки иккинчи модел барқарорроқ, юқори даражада рентабел ишлашни тақозо этади (сир эмаски, ҳозир мамлакатда кўп миқдордаги паст рентабелли корхоналардан ташқари зарар кўриб ишлайдиган корхоналар салкам 10—12 процентни ташкил этади). Шу боисдан ҳозирча мамлакатда иккинчи моделни фақат 172 саноат корхонаси қўлланмоқда. Уларнинг кўпчилиги маҳсулот етказиб бериш топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар, моддий ва молиявий ресурсларни бошқаларга қараганда тежамлироқ сарфламоқдалар.

Шунинг учун ҳам меҳнат коллективларига хўжалик ҳисобининг у ёки бу формасини мустақил танлаш ҳуқуқи берилар экан, унинг иккинчи моделидан фойдаланишдан манфаатдорликни кучайтириш керак бўлади. Бу, М. С. Горбачев КПСС МК 1988 йил июнь Плену-

мидаги докладда тушунтирганидек, иш ҳақи фондини ҳосил қилиш ва фойдани тақсимлаш нормативларини юқоридан туриб белгилашдан воз кечишни англатади. Ички ишлаб чиқариш муносабатлари хўжалик ҳисоби даромадини тақсимлаш асосида қурилади, давлат билан корхоналар ўртасидаги муносабатлар эса — давлат имтиёзлари системаси билан уйғунлаштирилган ҳолда солиқлар ставкалари билан тартибга солиб турилади.

Пудрат ва ижара асосида ички ишлаб чиқариш меҳнат муносабатларининг истиқболлари катта. Бу қоидани тушунтириш учун, масалан, «Ташпромстрой» трести тажрибаси тўғрисида гапириб бериш мумкин. Илгариги йилларда трест зарар кўриб ишларди — 1986 йилдаги якунларга кўра унинг зарарлари салкам 2 миллион сўмни ташкил қилди. 1987 йил январда парткомнинг кенгайтирилган мажлисида 18-«Мособлсельстрой» тресги тажрибасини муҳокама қилиш билан ижобий ўзгаришларга асос солинди. Бунинг моҳияти бир-бири билан боғлиқ уч омил: коллектив пудрат, коллектив тарзда ҳақ тўлаш, коллектив тарзда бошқаришдан иборат. «Ташпромстрой» мутахассислари Москва яқинидаги ҳамкасблари тажрибасини атрофлича ўрганиб, унинг хусусиятлари ва афзалликларини ўз трестлари ходимларига тушунтириб бердилар. Меҳнат коллективи кенгаши сайланди, ишнинг асосий қоидалари тасдиқланди ва 1987 йил тўртинчи кварталидан бошлаб трест коллектив пудратга ўтди. Ўтган вақт ичида ходимлар сони анча қисқарди, меҳнат унумдорлиги 8 процент, ўртача йиллик иш ҳақи 202 сўмга кўпайди. Иш ҳақи меҳнатдаги иштирок коэффициентига қараб — ҳар бир ходимнинг планни бажаришга қўшган конкрет ҳиссаси учун тақсимланади. Коллектив ҳаётига доир ҳамма масалалар коллегиал тарзда ҳал қилинади, бригадалар қурилишни бошқариш жараёнида актив қатнаша бошладилар. Эндиликда давлат плани асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилмоқда, фойда олинди, бир қатор социал масалалар ҳал этилди.

Трест коллективидагилар бригаданинг реал хўжалик ҳисоби ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг пухта текшириб чиқилган принципларига асосланганида кутилган самарани беришлигига ишонч ҳосил қилишди. Бу хулоса янгича хўжалик юритишга киришаётган барча коллективлар учун ибратлидир. Образли қилиб айтганда, моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг ҳаммаси «тийинни ҳисоблашга» ўрганишлари керак. Бу В. И. Ленин наказларидан бири эканлигини эслатиб ўтиш ортиқчалик қилмайди.

Амалиёт шуни тасдиқламоқдаки, меҳнатчилар ўзларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эгалари деб ҳис қилган, хўжалик ҳисоби туфайли улар ўз меҳнатлари меъёри билан олаётган маошлари ўртасидаги алоқани аниқ англаб етган жойлардаги халқ хўжалиги участкаларида энг яхши натижаларга эришилади. Чунончи, агар хўжалик ҳисоби жорий этилгунига қадар Тошкент областидаги К. Маркс номли колхоз чорвадорлари ҳар бир сигирдан ўртача 3 минг килограммдан сут соғиб олган бўлсалар, хўжалик ҳисобига ўтилгандан кейин уларнинг маҳсулдорлиги учдан бир ҳисса ошди.

Бошқа бир мисол. Каттақўрғондаги бройлерлар етиштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси қарийб уч беш йилликдан бери план бўйича зарар кўрадиган корхона ҳисобланар эди. Бирлашманинг барча асосий участкалари оила пудратига ўтказилган ва маошлар ўрнига ҳар бир киши меҳнатининг пировард натижаларига қараб иш ҳақи тўлаш жорий этилгандан кейин аҳвол кескин ўзгарди. Реал стимул ҳаммани қизиқтириб қўйди — кўпроқ семиртириш, паррандаларни нобуд қилмаслик, озуқаларни тежаш учун кураш авж олиб кетди. Натижада коллектив планда кўзда тутилган зарарлар ўрнига 1987 йилда 3 миллион 314 минг сўм фойда кўрди.

Ижарадан фойдаланиш юксак самарадорликни таъминламоқда. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, унинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш илмий кенгашининг раиси П. Буничнинг фикрича, қишлоқ хўжалик корхонасини лицензия учун қатъий ҳақ тўлаш билан ижарага ўтказгандан кейин унда ишлаб чиқариш самарадорлиги 2 баравардан 10 бараваргача ошади. Меҳнатни ташкил қилиш бу формасининг кенг ёйилиши озиқ-овқат мўл-кўллигига эришишнинг энг қисқа ва ишончли йўли бўлиб қолиши мумкин. М. С. Горбачев XIX партия конференциясидаги докладда буни таъкидлаб ўтирдики, «Ҳамма нарса биз одамларни қандай қизиқтиришимизга, ижарачи ва пудратчи коллективлар ишини йўлга қўйишимизга, қишлоқ меҳнатчиларини бу жараёнга нақадар кенг жалб этишимизга, деҳқонни ернинг ҳақиқий хўжайинига айлантиришимизга боғлиқ».

Бу осон проблемалардан эмас. Масалан, республикамизда 1988 йил 1 июлга келиб ижара пудратини фақат 52 колхоз ва совхоз (улар қарийб икки мингта) қўлланди. Экономиканинг бошқа тармоқларида ҳам хўжалик ҳисобида ишловчи коллективларни ташкил этиш силлиқ бормаяпти. Гап нимада? Нима сабабдан янги хўжалик механизмининг афзалликлари тўла-тўкис рўёбга чиқмаяпти, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга нима ғов бўляпти?

М. С. Горбачев ана шу саволга жавоб берар экан, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси минбаридан туриб кўрсатиб ўтдики, янги иқтисодий механизмнинг ҳали ҳамма элементлари жорий этилмаяпти, ислоҳот, айтайлик, йўл-йўлакай, беш йиллик давомида, эскириб қолган нархлар, ресурсларни тақсимлашнинг аввалги марказлаштирилган методлари сақланиб қолган бир шароитда амалга ошира бошланди.

Лекин ҳамма нарса фақат шунгагина боғлиқ эмас. Вужудга келган қийинчиликлар кўп даражада хўжалик юритишнинг эскириб қолган ешовчан стереотиплари, раҳбарликнинг одатдаги буйрукбозлик усулларини сақлаб қолишга интилиш туфайли, ҳатто гоҳо бошқарувнинг баъзи ходимлари томонидан янгиликка қаршилик кўрсатиш туфайли юз бермоқда. Бундай вазиятда туб иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш қайта қуришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланади.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюциясида қайд этиладики, совет жамиятининг ҳар томонлама ва революцион янгилашга ҳамда унинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўл оғишмай амалга оширилмоқда. Одамлар қайта қуришга ишонч ҳосил қилдилар ва унга муқаррар тус беришдан манфаатдордирлар.

Бироқ, амалда экономикани янгилаш жараёнлари жўнгина эмаслиги, зиддиятли тарзда юз бераётгани сир эмас. Конференцияда бунинг асосий сабаби тормозлаш механизми ҳамма қисмлари ҳали тўла тугатилмаганлиги деб кўрсатилди. Натижада экономика кўп жиҳатдан ҳамон экстенсив йўлда ҳаракат қилмоқда, унинг структураси чиқимли характерини сақлаб қолмоқда. Бунда турғунлик мероси таъсир қилмоқда, албатта. Лекин кўп нарса партия, давлат, хўжалик органларининг ҳозирги ишидаги камчиликларга бориб тақалади. Чунончи, тармоқ министрликлари ва идоралар давлат буюртмаларини тузишда бузилишларга йўл қўймоқдалар, кўпинча корхоналарнинг бутун ишлаб чиқариш кувватларини шу буюртмалар билан банд қилмоқдалар, баъзан ҳатто харидоргир бўлмаган маҳсулот чиқаришга мажбур этмоқдалар. Масалан, бугунги кунда давлат буюртмаси қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари бутун ишлаб чиқариш программасининг 90 процентдан кўпроғини, автомобиль саноати ва станоксозлик корхоналари программасининг 85 процентини «тушовлаб» қўйди.

Пропагандист тингловчиларга шуни тушунтириши лозимки, ҳамон хўжалик юритишнинг аввалги принципларига амал қилаётган ва «ялпи маҳсулотга» ёпишиб олган баъзи амалдорларнинг айби билан кўпгина ишлаб чиқарувчилар давлат буюртмасидан чўчийдиган бўлиб қолди. Ҳолбуки у — социалистик планлаштиришда ўзига хос революция-ку. Экономикага марказлаштирилган тарзда раҳбарлик қилишни корхоналар мустақиллигини ошириш билан уйғунлаштириш талаб этилган ҳозирги шароитда давлат ўз эътиборини асосий нарсага қаратиши керак. Шу мақсадда 1988 йилдан бошлаб корхоналарга маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш учун буюртма берилади. Бу ҳам директив топшириқдир, лекин у корхонани мустақилликдан маҳрум қилмаслиги, балки манёвр қилиш учун унга кенг имконият бериши керак.

Давлат буюртмаси корхона учун фойдали бўлиши керак, чунки у маҳсулотнинг сотилишини, демак даромадни ҳам, муқим ишлашни ҳам гарантиялайди. Давлат буюртмасининг улуши қандай бўлиши керак? Бунда қатъий чегара бўлиши мумкин эмас — бир ерда у бутун маҳсулотни (масалан, мудофаа саноатида) қамраб олиши, бошқа бир ерда эса умуман белгиланмаслиги ҳам мумкин.

Баъзи министрликлар ва идоралар давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга хилоф равишда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотнинг ҳаммасини давлат буюртмаси билан қамраб олишга интилар экан, бу нарса ана шу министрликлар ва идораларнинг ишлаб чиқаришни контрол қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолишдан чўчишларини кўрсатади. Фойдадан ажратмаларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмаган нормативларини белгилаш ҳам илгариги позициялардан маҳрум бўлиб қолмасликка интилиш билан боғлиқдир. Масалан, Тошкент экскаватор заводига 1986 йилда фойданинг 55,7 процентини, 1987 йилда — 53,8 процентини қолдиришди, бу йил 45,5 процент қолдириш, келгуси йилда эса — фақат 39,1 процент қолдириш планлаштирилган. Министрликларнинг бундай манёврлари корхоналарни мустақил хўжалик ҳисоби бирлигидан хўрланган тиламчиларга айлантириб қўяди. Министрликлар бу билан яхши ишлайдиган корхоналар маблағларини кам самарали корхоналар фойдасига қайта тақсимлаш имкониятини сақлаб қоламиз деб ўйлашади. Ахир бунда қайта қуриш билан сиғиша олмайдиган тайёрга айёрлик ҳам, бараварлаштириш ҳам сақланиб қоладику.

Туб иқтисодий ислоҳотни изчил амалга ошириш ва чуқурлаштириш бундай практикадан албатта халос бўлишни тақозо этади. М. С. Горбачев XIX партия конференциясидаги докладда таъкидлаганидек, яқин вақтлар ичида давлат буюртмаларини қўллаш тартиби тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинади.

Бошқармаларнинг ташкилий структурасини қайта қуриш тўғрисидаги, хусусан хўжалик юритишнинг янги системасида министрликларнинг роли тўғрисидаги масала ҳам принципиал тарзда кўриб чиқилмоқда. КПСС МК 1988 йил июль Пленумидаги докладда

М. С. Горбачев таъкидладики, бу масалани ҳал этишда бошқарма органларининг ҳам, шунингдек биринчи навбатда қонунларга ҳамда уларда белгиланган иқтисодий хулқ-атвор қоидаларига бўйсуниши лозим бўлган корхоналарнинг ҳам тажрибаси ва янгича вазифаларига таяниш керак. Шунингдек республикалар ва регионларнинг хўжалик ҳисоби принципига ўтиши мумкин бўлган оптимал вариантларини белгилаш, умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшиладиган ҳиссани аниқ конкретлаштирган ҳолда улар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш лозим бўлади.

Нормативлар масаласига келганда, уларнинг асосий вазифаси — даромадларнинг пировард натижалар билан бевосита боғланишини таъминлашдан иборат, токи коллектив иши сифатининг ҳар қандай яхшиланиши унинг даромадлари кўпайиши билан рағбатлантирилсин.

Иқтисодий ислоҳотни изчил амалга ошириш жараёнида, деб гапини давом эттиради пропагандист, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдаги бараварлаштириш тенденцияси бутунлай барҳам топади. Партия конференциясида таъкидланганидек, бу ўринда энг самарали йўл — хўжалик ҳисоби принципларини ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасига, ҳар бир иш жойига етказишдир. Бу масала ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатларига дахлдор бўлгани учун унга бирмунча муфассалроқ тўхталиш мумкин.

Бизда узоқ вақтлар давомида меҳнатни рағбатлантиришда меҳнатчининг онглилиги ва интизомлилигига асосий ўрин берилди. Бунда жиддий нуқсонларга йўл қўймайдиган, лекин сусткаш, янгиликни излашга ва ресурсларни тежашга майли бўлмаган ўрта ходим яхши шароитга эга бўлиб келди (чунки ўрта ходим амалда моддий жиҳатдан рағбатлантирилмас эди). Шундай вазият вужудга келган эдики, ўзининг келажагидан ташвишланмаган киши (зотан мамлакатимизда иш ҳар бир кишига гарантияланган), бора-бора ҳар қандай ғайрат-иштиёқини йўқота борди.

Бу аҳволни тузатиш учун туб чоралар кўриш керак. Ҳозирда бундай чоралар амалга оширилмоқда. Биринчидан, иш ҳақининг ҳамма элементлари — ишчиларнинг тариф ставкалари, мутахассисларнинг лавозим маошлари, мукофотлар, устама ҳақлар ва қўшимча тўловлар системаси, меҳнатни нормалаштиришнинг ўзи ҳам ўзгармоқда. Иккинчидан, ўзгаришлар ёрдамчи ходимлардан тортиб то корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига қадар — ҳамма ходимларга дахлдор бўлмоқда. Учинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилиш айни вақтда хўжалик механизмини такомиллаштириш, хўжалик ҳисобини жорий этиш, корхоналар мустақиллигини кенгайтириш, планлаштиришнинг норматив методларига ўтиш билан уйғунлаштирилмоқда.

Янги тартибнинг принципиал хусусияти шундаки, меҳнат коллективлари уларни амалга оширишга сарфланадиган маблағларни ўзлари ишлаб топишлари керак. Ходимлар даромади ўсишининг илгари белгиланган максимал чегаралари, шу жумладан бир йўла бир неча касбда ишлагандаги чегаралар бекор қилинадики, бу ҳам жуда муҳимдир.

Кооператив ҳаракатини ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. СССРда кооперация тўғрисида яқинда қабул қилинган Қонуннинг асоси кооператив секторнинг мамлакат халқ хўжалик ягона комплексининг тенг ҳуқуқли таркибий қисми деб эътироф қилинганлигидир. Моҳиятан кооперациянинг ленинча принципи тикланмоқда, бу принципга кўра унинг ўсиши социализмнинг ўсиши билан айни бир нарсадир (давлат ҳокимияти меҳнаткашлар қўлида бўлган, социалистик давлат ерга ҳамда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига эга бўлган ва у кооперативлар фаолиятига раҳбарлик қиладиган шароитда).

Бу ўринда тингловчилар эътиборини қуйидаги жиҳатларга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Совет кишиларининг эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, қўшимча моддий ресурслар излаб топиш, бутун экономикани ҳамда биринчи навбатда — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини рағбатлантиришни кучайтириш, унда яратилган маҳсулотни қайта ишлаш, қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш мақсадида кооператив ҳаракатига кенг имконият очилади. Малаканинг турли даражада бўлишига мўлжалланган кўп профилли ишлаб чиқаришни ташкил этар экан, кооперация аҳолининг банд бўлишини оширишга имкон беради, бу эса меҳнат қилувчилар сероб бўлган республикамиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Тўғри, ҳозирнинг ўзидаёқ салбий жиҳатлар кўриниб қолди, булар кооперациянинг ривожланишига тўғаноқ бўлиб, унга ишончсизлик туғдирмоқда. Чунончи, баъзи кооператорлар ўзларининг камсонли эканлиги ва танқисликдан фойдаланиб, нарх-наволарни ошириш ҳисобига даромадларини кўпайтирмоқдалар. Бундай нуқсонларни фақат тақиқлаш, маъмурий чоралар кўриш билангина тузатиб бўлмайди. Бунинг учун ишончли иқтисодий воситалар — солиқ солиш, кредит сиёсати, шартномалар системаси мавжуд. Муҳими эса — кооперативлар сонини кўпайтириш, соғлом рақобатдирки, унга давлат корхоналари ҳам қўшилиши керак. Зотан у ёки бу товарлар нархини камайтиришнинг бирдан бир йўли — бозорни улар билан етарли миқдорда тўлдиришдир. Шунинг учун кооперативлар фаолиятига чуқур мулоҳаза билан ёндашиб, кўпроқ иқтисодий омиллардан фойдаланиш кераки, булар кооперативлар ривожини тўсмасдан, аксинча уларни ҳар қанақасига рағбатлантириши

керак — М. С. Горбачев 1988 йил 23 мартда колхозчиларнинг IV Бутуниттифоқ съездидаги нутқида кооперативларга айни шундай ёндашувни партиявий ёндашув деб атади.

Кооперацияни ривожлантириш ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги барча корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш (экономика ислоҳотини чуқурлаштириш вазифаларига мувофиқ бу 1989 йилнинг бошига белгиланган) моддий-техника таъминоти системасини тубдан такомиллаштиришни, аввало ишлаб чиқариш воситаларини марказлаштирилган тартибда тақсимлашдан уларни улгуржи сотишга ўтишни талаб қилади. 1987 йилда улгуржи савдо орқали ишлаб чиқариш воситалари 10 миллиард сўмлик реализация қилинди, 1988 йилда бу кўрсаткич 35 миллиардгача кўпайди. 1992 йилда улгуржи савдо орқали ишлаб чиқариш воситаларини тақсимлашни 75—80 процентга етказиш планлаштирилган. Лекин амалиётнинг кўрсатишича — бу тўғрида XIX партия конференциясида ҳам айтиб ўтилди, — бундай суръатлар сира етарли эмас. Шунинг учун уларни шу қадар жадаллаштириш кераккн, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи сотишга ўтишни ҳозирги беш йилликда ниҳоясига етказиш мумкин бўлсин.

Шунингдек етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муқим бевосита алоқаларни кенгайтириш, моддий-техника таъминоти органларида пулли хизматларни ривожлантириш кўзда тутиладики, булар ҳам хўжалик ҳисобида ишлашга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилади, бу нарса, ўз навбатида, чиқимли характерини сақлаб қолаётган иқтисодий структурани тугатишда роль ўйнаши керак.

Нарх белгилашни такомиллаштирмасдан туриб туб иқтисодий ислоҳотни изчил амалга ошириб ва чуқурлаштириб бўлмайди. Бу ўринда улгуржи, харид ва чакана нархларни ҳамда тарифларни қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда. Бу соҳада ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни жуда қийинлаштиради. Бу соҳадаги оғишларни тўғриламасдан туриб халқ хўжалигида нормал иқтисодий муносабатларни, ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларини асосланган тарзда баҳолашни, товарлар ва хизматларни алмашлашда эквивалентликни таъминлаб, фан-техника тараққиётини ҳамда ресурсларни тежашни рағбатлантиришни кучайтириб, бозорда вазиятни нормаллаштириб ҳамда меҳнатга қараб адолатли тақсимлаб бўлмайди.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича хужалик ҳисоби ва ўзини узи маблағ билан таъминлаш шароитида нарх-наволар олдиндан белгилаб қўйилмаслиги, балки товарни ишлаб чиқарувчи билан уни сотувчи ўртасида ҳамда ишлаб чиқариш ёки пировард истеъмол қилиш учун уни сотиб олувчи ўртасида савдо битишуви жараёнида шаклланиши керак.

Маълумки, нарх белгилашни ислоҳ қилиш лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, муҳокама давомида айтилган фикрлар ҳисобга олингандан кейингина қабул қилинади. Чакана нархлар хусусида партиявий ҳужжатларда аниқ қилиб айтилганки, уларнинг ўзгартирилиши сира ҳам одамларнинг турмуш даражасини пасайтирмаслиги керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, нарх белгилашни ислоҳ қилиш халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш комплекс программасини амалга ошириш билан қатъий боғлиқ бўладики, у программа молиявий балансглашганликни таъминлашни, кредит-молия системасида, банклар фаолиятида тартиб ўрнатиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Туб иқтисодий ислоҳот халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан яхшироқ фойдаланишга ҳам қаратилгандир. Корхона ва бирлашмалар ташқи бозорга чиқиш, бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, нафақат социалистик, шу билан бирга капиталистик, ривожланаётган мамлакатлардаги партнёрлар билан биргаликда корхоналар барпо этиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирги вазифа — ана шу имкониятлардан ўз вақтида ва оқилона фойдаланишдан иборат.

Туб иқтисодий ислоҳот амалга ошириладиган ва чуқурлаштириладиган асосий йўналишлар ана шундай. Ислоҳотнинг дастлабки натижаларига якун ясаб, М. С. Горбачев келажакка мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиш учун ислоҳотни жорий этиш сабоқларидан фойдаланиш принципиал жиҳатдан муҳим эканлигини таъкидлади. КПСС МК ва ҳукумат шунга аминдирларки, деб таъкидлади у, ўн учинчи беш йилликда экономикамизни социал жиҳатдан қайта ориентирлаш йўли давом эттирилиши керак. Бу шуни англатадики, структуравий ва инвестицион сиёсат, экономиканинг ривожланиш суръатлари ва пропорцияларининг шаклланиши одамларни тўла қимматли маҳсулотлар, халқ истеъмол моллари ва хизматлар, уй-жой, яхши медицина хизмати, сифатли маънавий неъматлар билан таъминлашга бўйсундирилади.

Совет кишиларининг аксар кўпчилиги партия ишлаб чиққан жамиятимизни соғломлаштириш программасини маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Бу программани турмушга ошириш учун туб иқтисодий ислоҳот, меҳнатга муносабатни ўзгартирадиган ҳамда юқорироқ пировард натижаларни таъминлайдиган хўжалик ҳисоби, хўжалик юритишнинг янги методлари имкониятларидан кенгроқ ва дадилроқ фойдаланиш керак. Бироқ энг такомиллашган хўжалик механизми ҳам, агар у коллектив ақл-идрок билан йўғрилган бўлмаса, лозимича наф келтирмаслигини ҳисобга олиб, партия иқтисодий тадбирлар билан бир вақтда сиёсий системани, мамлакатдаги социал-иқтисодий жараёнларни бошқариш соҳа-

сини ҳам демократиялашга каратилган тадбирларни кўрмоқда. Бу тадбирлар КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюцияларида қайд этилган.

Қабул қилинган қарорларни кечиктирмасдан бажариш талаб қилинган бугунги кунда, деб таъкидлайди пропагандист, меҳнаткашлар оммасининг ташаббусини жўш урдириш, уларга хўжайинлик туйғусини сингдириш ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимдир. Бусиз қайта қуришни тормозлаш механизмини синдириб бўлмайди. Ахир, уни фақат бюрократлар-у бошқариш аппаратидаги мансабдор шахслар ифода этмайди. Анъанавий тушунчалар сиртмоғидан чиқиб кетолмаган олим ҳам, бараварлаштириш практикаси айнитган ва ишлаб топилмаган нарсани олишга ўрганиб қолган ишчи ҳам, юқоридан кўрсатма бўлмагунча бир иш қилмайдиган раҳбар ҳам қайта қуришга тўғаноқ бўлади. Ҳолбуки, ҳеч қандай инструкция омма ижодий ташаббусининг ўрнини босмайди. Фақат агар меҳнаткашлар шундай ижодга иштиёқ сезсалар, ўзларини ишлаб чиқаришнинг хўжайинлари деб ҳис қилсалар, — шубҳа қилмаслик мумкинки, бюрократнинг, тайёрга айёрнинг, текинхўрнинг ҳаловати қолмайди. Чинакам хўжайин уларни ўз ҳисобига боқмай қўяди.

Шунинг учун, деб якунлайди пропагандист, бугунги кунда хўжалик ва социал қурилишнинг ҳамма жабҳаларида қатъий ва шошилинч ҳаракатлар, қайта қуришнинг муҳим бўғини бўлган туб иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатлар жуда зарурдир. Ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг унга қўшадиган ҳиссаси, М. С. Горбачев 1988 йил 29 июлда КПСС МК Пленумидаги докладда айтганидек, конкрет иш ва конкрет меҳнат натижалари билан белгиланади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** — Тўла асарлар тўплами, 36-том, 195—196, 200, 208—209-бетлар.

В. И. Ленин. **Кооперация тўғрисида.** ТАТ., 45-том, 414—422-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди материаллари. Т., «Ўзбекистон», 1986, 37—46, 116—117, 166—170, 280—287, 311—312-бетлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1987 йил 25—26 июнь. — Т., «Ўзбекистон», 1987.

М. С. Горбачев. **КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида.** КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида 1988 йил 28 июнда қилинган доклад. «Ўзбекистон коммунисти» 1988, 8-сон.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюциялари. «Ўзбекистон коммунисти» 1988, 8-сон.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1988 йил 29 июль. — Т., «Ўзбекистон» 1988.

Қайта қуриш муваффақияти — халқнинг қўлида. М. С. Горбачевнинг 1988 йил 6—8 апрелда Ўзбекистонга қилган сафари тўғрисидаги материаллар тўплами. М., Политиздат, 1988.

«ЛЕНИНГА, ПАРТИЯГА ИШОНИНГЛАР!»

ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ҳаётида ижодий парвозлар, эзгу орзу-умидлар ва фожеий умидсизликлардан иборат лаҳзалар бўлади. Лекин вақт ўтган сайин катта ва кичик воқеалар алмашиниб туриши, кескин тарихий ўзгаришлар калейдоскопи ортидан муайян ҳодисаларнинг қонунийлиги, маънавий-ахлоқий негизларнинг, граждалик эътиқодларининг ўзгармаслиги, абадий ҳақиқатларнинг устуворлиги борган сари яққолроқ кўзга ташлана боради.

Бизнинг авлод ҳам ўз ҳаёти мобайнида кўп синоатларни бошидан кечирди. Биз, ветеранлар Ўзбекистон воқелигида мамлакатдаги умумий турғунлик билан боғланган ҳолда яқинда юз берган нохуш воқеалар занжирига ўз ҳаётий тажрибамиз кўзгусидан қарарканмиз, аввало ўзбек халқининг энг яхши намояндаларига азалдан хос бўлган ҳаққонийлик, софдиллик, муросасизлик, интернационализм, дўстлик ва қардошлик революцион идеалларини кечириб бўлмас даражада унутиб қўйилганидан қалбимиз ғоят азият чекади. Низомиддин Хўжаев, Дўстмуҳаммад Устабоев, Мирзааҳмад Мирҳодиев ва бошқа дастлабки ўзбек ленинчи коммунистлари ана шу идеалларни қарор топтириш учун курашган эдилар. Тарихий вазиятларнинг мураккаб ўзгаришлари уларнинг иродасини бука олмади, уларга тамагирлик манфаатлари, ўз виждонларига хилоф бўлган ғаразли келишувлар ёт эди. Уларнинг тақдири Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва социализмни қарор топтириш учун курашнинг машаққатли йилларидаги қаҳрамонона романтика билан йўғрилган.

Кекса революцион арбоблардан бири, дастлабки ўзбек ишчилари сафида ўз тақдирини рус пролетариати тақдири билан боғлаган ва В. И. Лениннинг синалган сафдошлари М. Фрунзе, В. Куйбишев билан, туркистонлик революционерлар Н. Шумилов, А. Першин билан яқиндан ҳамкорлик қилган, Туркистонда Улуғ Октябрь ғалабаси учун курашган Очил Бобожонов ҳам ана шу ҳақиқий курашчилар авлодига мансуб эди, у ўлкадаги касаба союз ҳаракатига асос солганлардан бири бўлди.

Очил Бобожонов (1860—1932 йиллар) оддий ишчи эди, икки ёқлама зулмни — рус чоризми ва маҳаллий феодаллар зулмини ўзи бошидан кечирганлиги учун ҳам халқнинг оғир ҳаётини ич-ичидан, хомхаёлларсиз, яхши билар эди. У Тошкент ишчилар синфининг асосий кучлари тўпланган хусусий ёғ ва пахта тозалаш заводлари, темир йўл станциялари қурилишида ишларкан, Ўрта Осиёга сургун қилинган, дурадгор В. Д. Корнюшин етакчилик қилаётган социал-демократлар группаси билан яқинлашади. Улар билан суҳбатлашаркан, Россиядаги вазиятдан хабардор бўлиб боради, революцион нолегал адабиёт билан, Қ. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари билан танишади. Уни бошқа халқларнинг ҳаёти ҳамда меҳнаткашлар оғир аҳволининг сабаблари қизиқтиради, у 1905—1907 йиллардаги биринчи Россия революциясининг мақсад ҳамда вазифаларини тушуниб етишга интилади.

Табиатан нотиқлик қобилиятига эга бўлган, дилкаш ва бағри кенг О. Бобожонов, сафдошларининг хотирлашича, халқ оммаси билан жуда тез умумий тил топа олган, уларга таъсир кўрсатишда жуда кучли қобилиятга эга бўлган. У Тошкент-

нинг эски шаҳар қисмидаги ишчилар, ҳунармандлар ўртасида олиб борган тушунтириш иши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, оммада социал онг ва сиёсий активликни уйғотди. Туб ерли аҳолини фронт ортида ишлаш учун сафарбар қилишга қарши қаратилган 1916 йилги халқ кўзғолони кўтарилган ва шафқатсизларча бостирилган паллада О. Бобожонов кўзғолон кўтарганларнинг олдинги сафларида борди. Шу сабабли ҳам у 1917 йил мартида ўзбеклардан биринчилар қаторида большевистик партия сафига кирганлиги тасодифий эмас эди.

Очил Бобожоновнинг номи Туркистондаги касаба союз ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир. У РСДРП Тошкент ташкилоти қошида тузилган «Қасб-корлар комиссияси»га аъзо қилиб сайланди, маҳаллий аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жуда катта тарғиботчилик ишларини олиб борди. Унинг фаол иштирокида бинокор ишчилар ва кўнчилар касаба союзлари ташкил этилади, касаба союзлар Устави ишлаб чиқилади, туб ерли миллатлар меҳнаткашлари касаба союз ҳаракатига кенг жалб этилади. Тошкентдаги кўп кишилик митингда «эски шаҳар» пролетариати большевикларнинг революцион талаблари учун овоз берган 1917 йил сентябрь воқеалари вақтида ушбу ҳаракатнинг кучи айниқса яққол кўзга ташланди.

1917 йил октябрида партиянинг топшириғига асосан қуролли кўзғолонни тайёрлашга киришган, яқиндагина бўлиб ўтган РСДРП (б) VI съездининг партия ва кенг халқ оммасини манфур эксплуататорлик тузумини ағдариб ташлашга йўналтирувчи қарорларини «эски шаҳар» ишчиларига тушунтира борган паллада Очил Бобожоновнинг сиёсий етуклиги ва нотиқлик қобилияти ёрқин намоён бўлди. Нутқ ва суҳбатларида у озиқ-овқат ва уруш, 8 соатлик иш куни ва иш ҳақини ошириш учун кураш проблемаларини тилга олиб, уларни Муваққат ҳукуматнинг халққа қарши моҳияти, шўрои исломчилар ва мусулмон руҳонийларининг реакцион манфаатлари каби сиёсий масалаларга маҳорат билан улаб юборарди. Ўша йилларда бу масалалар ғоят долзарб ва зиддиятли масалалар эди, большевиклар позициясини кенг оммага етказиш учун ғоят катта сиёсий зийраклик, муайян назокат талаб қилинарди.

1917 йил 28 октябрида Ўрта Осиё темир йўли Бош темир йўл устахоналарининг гудоги билан Тошкентда кўзғолон бошланди. Аввалига контрреволюциянинг қўли баланд келди. Шиддатли жанглар тўрт кун давом этди. Рус солдатлари ва ишчилари билан бирга қуролли кўзғолонда О. Бобожонов, Ж. Қамолов, М. Мирҳодиев ва бошқа ўзбек революционерлари бошчилик қилган юзлаб маҳаллий миллат жангчилари ҳам иштирок этдилар.

Тошкентдаги қуролли кўзғолон ғоят мураккаб шароитда бўлиб ўтди. Муваққат ҳукумат солдатлари Анҳорнинг нариги томонидаги «эски шаҳар»ни Ҳуррият уйида жойлашган Тошкент Ревкомидан узиб қўйдилар. Мусулмон ишчи депутатлар эски шаҳар Совети, меҳнаткаш мусулмонлар иттифоқи, касаба союзлар ҳамда кўзғолонга тайёр турган ишчи дружиналарининг ҳаммаси кўзғолон плани билан таниш эмас эдилар. Уламо ва шўрои исломчилар томонидан «янги шаҳар» ишчилари гўё мусулмонларга қарши ҳужумга тайёрланаётгани хусусида тарқатилган миш-мишлар ҳам аҳволни янада мураккаблаштириб юборди. Ана шундай мураккаб шароитда «эски» Тошкентнинг революцион кучларига С. Қосимхўжаев, О. Бобожонов, М. Мирҳодиевлар раҳбарлик қила бошладилар, улар Ревком билан боғланишга муваффақ бўлдилар. Улар 31 октябрда ҳарбий калъага ҳужум қилинишини билишгач, унда қатнашиш учун қуролланган ишчилар отрядини юборишга қарор қилдилар, рус ишчилари, революцион солдатлар ва эски шаҳар дружинасининг қатъий ҳамласига дош бера олмаган калъа ўша куниёқ қўлга киритилди. Контрреволюцион кучлар 1 ноябрь тонгида таслим бўлдилар. Ҳокимият Тошкент Совети қўлига ўтди, бу эса бутун ўлкада Совет ҳокимиятининг ғалаба қилиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Очил Бобожонов чинакам интернационалчи коммунист эди, у турли оқимдаги миллатчиларга нисбатан доимо кескин салбий позицияда бўлиб келди. «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Алаш» ва бошқа миллатчи контрреволюцион ташкилотлар Туркистонни Россиядан ажратиб олиш мақсадида босмачи бандаларни тузишга доир куч-ҳаракатларини кучайтира бордилар. Уларни Англия ва Америка интервентлари қўллаб-қувватладилар.

Ушбу группалар омма ўртасида актив, ўша вақтга нисбатан олганда кенг миқёсли кўпорувчилик иши олиб борганлар, динга мойил маҳаллий аҳолини тўғри

йўлдан чалғитганлар, революцияга зимдан зарба бериб борганлар. Сафларида Очил Бобожонов ҳам бўлган ўзбек большевик ишчилари уларга муносиб равишда қаршилик кўрсата олдилар.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида О. Бобожонов Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси ҳамда бир вақтнинг ўзида янги шаҳар ва эски шаҳар район партия комитетлари аъзоси этиб сайланди, Ўзбекистон ХКС Ишлар бошқармаси ҳузуридаги экиш комитетининг раис ўринбосари қилиб тайинланди. У шаҳар хўжалигини йўлга қўйиш ишига катта ҳисса қўшди.

Жиноятчиликка, саботаж ва чайқовчиликка қарши кураш кескинлашган йилларда Очил Бобожонов Тошкент Фавқулодда комиссияси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ана шу масъулиятли лавозимда ҳам у ўзининг ленинча типдаги принципиал, софдил коммунист эканлигини кўрсатди. Кейинроқ у Туркистон АССР юстиция халқ комиссари бўлди, сўнгра Ўрта Осиё темир йўлида хизмат қилди.

О. Бобожонов Туркистон Коммунистик партиясининг ўлка съездларига, Туркистон АССР Советлари съездларига делегат қилиб сайланди, ТКП МҚ ҳамда Туркистон МИҚ Президиуми аъзоси эди. У 1920 йил 22—25 сентябрда Москвада бўлиб ўтган РКП(б)нинг XI Бутун Россия конференциясида ҳам иштирок этди, Владимир Ильич Лениннинг нутқини тинглади, унинг совет Шарқи делегатлари билан суҳбатида қатнашди. Ҳозир ҳам, ленинизм идеаллари учун матонатли курашчи, Октябрь революцияси ишига садоқатли Очил Бобожоновнинг ёрқин тақдирини кўздан кечирарканмиз, унинг В. И. Ленин билан учрашувида қандайдир рамзийликни кўриш мумкин. Туркистон ўлкаси проблемаларига ғоят эътибор билан қараган, кўп масалалар борасида маслаҳатлар берган доҳий билан суҳбат дастлабки ўзбек революционерларидан бири босиб ўтган шонли йўлнинг мантиқий давоми бўлди. Москвадан қайтиб келгач О. Бобожонов Владимир Ильич Ленин билан суҳбатнинг ёрқин таассуротида айтган қуйидаги самимий сўзлар унутилмас ва катта аҳамиятга моликдир: «Ленинга, партияга ишонинглар!». О. Бобожонов кейинчалик қандай лавозимда ишламасин — эски шаҳар Совети Ижроия комитети раиси бўлибми, Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари бўлибми — ўзининг революцион эътиқодларида мустаҳкам турди, содиқ ленинчи, ўзбек халқининг садоқатли фарзанди бўлиб қолди.

КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев 1988 йил 8 апрелда Ўзбекистон Компартияси МҚда республика раҳбар ходимлари олдида сўзга чиқиб шундай деб таъкидлади: «Биз ҳаётга янги-янги авлодлар кириб келаётганлигини, интернационализм тажрибаси авлоддан-авлодга ўз-ўзидан ўтмаслигини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Ҳар бир авлод ўз интернационализм мактабидан ўтиши, миллатлараро қардошлигимизни қадрлашни ҳамда олдинги авлодлар бу қардошликни мустаҳкамлаш учун қилган ишларни қадрлашни ўрганиб олиши керак».

О. Бобожонов, Д. Устабоев, М. Мирҳодиев, ака-ука Қосимхўжаевлар ва бошқа ўзбек ленинчи революционерлар авлоди ўша шароитда ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилди. Уларнинг идеалларини сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Халқ бахти учун курашчилар хотираси ҳеч қачон ўчмайди. 1954 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Тошкентнинг Октябрь районидаги кўчалардан бирига Очил Бобожоновнинг номи берилди. Ҳақиқатан ҳам, унинг ҳаёти ва фаолияти Тошкентнинг ўтмишини, озодлиги ва ёрқин келажаги учун курашни ифодалайди.

Р. ҒУЛОМОВ,

Уруш ва меҳнат ветеранлари республика советининг раиси.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ хозирги вактда ўзига нисбатан эътибор кучайиб кетган социал ҳодисалар жумласига киради. Уни жамиятшуносликнинг амалдаги барча соҳаларининг мутахассислари ўрганяптилар ва анализ қиляптилар, прогнозлаштиряптилар, социал бошқарув практикасида ҳисобга олишга интиляптилар, унинг ҳақида барча даврий нашрларда ёзяптилар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари унинг хоҳловчилари ҳамда хуш кўрмовчиларини ғоят эътибор билан кузатяптилар.

Жамоатчилик фикрига нисбатан бундай манфаатдор муносабатни тушунтириш мумкин. У маънавий ҳаётнинг ўзига хос ҳодисаси сифатида бевосита моддий ифодаловчи билан боғлиқ бўлиб, фикрнинг реал кучини, унинг хислат ва хоссаларини ана шу ҳол белгилаб беради. Бунда қанча кўп кишилар у ёки бу фикрни ифодалаб чиқсалар, ушбу фикр шу қадар катта социал обрў-эътибор ва таъсирчанлик билан ажралиб туради, ўзи билан ҳисоблашишга шу қадар кўпроқ даражада мажбур этади.

Жамоатчилик фикри, маълумки, ўз илдизлари билан у ёки бу эҳтиёжларга, кишиларнинг манфаатларига бориб туташади, ўзининг мавжудлик факти билан уларнинг ҳисобга олиниши ва қондирилиши муҳим эканлигини билдириб туради. Социал-психологик феномен сифатида у омманинг социал хатти-ҳаракатларига кенг кўлам ва муайян барқарорлик бахш этишга қодир бўлган актив стимулятор ҳисобланади. Практиканинг ўзи омма катта амалий ҳаракатларга қўл уришидан олдин уларни ўз ижтимоий фикрида бошидан кечириши, баҳолашини ишонтирарли тарзда кўрсатяпти. «...Бу маслаҳатлар миллионларча кишиларнинг ўз турмуш тажрибаларига мос келмаса, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — улар партияларнинг маслаҳатига ҳеч вакт қулоқ солмайдилар» (Тўла асарлар тўплами, 32-том, 201-бет). Шу сабабли жамоатчилик фикри фараз қилинаётган ҳаракатлар тўғрилиги ва амалда мақсадга мувофиқлиги борасида қанчалик «ишонтирарли» бўлса, уларнинг кўлами ва самарадорлиги ҳам шунчалик катта булади.

Шуни эътиборга олганда жамоатчилик фикрига усталик билан мурожаат қилиш муҳимлиги, уни мунтазам ўрганиб ва ҳисобга олиб бориш, унинг амал қилиш ва ҳосил бўлиш қонуниятларини чуқур билиш зарурлиги тушунарли бўлиб қолади. Бу эса пировард натижада жамият олдида турган вазифаларни муваффақиятли хал этишни белгиловчи шартлардан бирига айланади.

Марксизм-ленинизм классиклари янги ҳаётни қуриш ишида жамоатчилик фикри ўйнайдиган ролга алоҳида аҳамият берганлар. Масалан, Ф. Энгельс туб социал ўзгартишлар учун даставвал ижтимоий фикрда жуда катта тараққиёт юз бериши кераклигини таъкидлаган эди (Қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 38, с. 315). В. И. Ленин ҳам жамоатчилик фикри социалистик жамият ҳаётида ўйнайдиган принципиал ролни кўрсатиб ўтган эди. Владимир Ильич омманинг фикр ва кайфиятларини ўрганиш ва ҳисобга олиш мақсадида «бутун синфнинг (фақат унинг коммунистик авангардинингина эмас), бутун меҳнаткашлар *оммасининг* (меҳнаткашлар оммасининг илғор кишиларинингина эмас) онги ва тайёрлигининг *ҳақиқий* аҳволини *сергаклик* билан кузатиб бориш»ни (ТАТ, 41-том, 47-бет) ғоят муҳим вазифа деб ҳисоблаган эди. «Халқнинг кўнглидагини» тўғри белгилаш ва ифодалай олиш маҳоратини В. И. Ленин жамиятни самарали бошқара олиш воситаси деб билган эди (ТАТ, 45-том, 131-бет).

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда, ижтимоий ҳаётни демократиялашда, инсон омилини активлаштиришда, социал адолатни қарор топтириш ва партиянинг ниятлар энергиясини совет кишиларининг конкрет ҳаракатлар энергиясига айлантиришда жамоатчилик фикри ўйнайдиган роль хусусида КПСС Программасида, партия XXVII съезди, унинг МК сўнгги Пленумлари, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида сўз юритилган. Уларда партия ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари ишида кенг ошкораликни, кишилар билан мулоқотда дангаллик ва очиқ-ойдинликни таъминлаш, жамоатчилик фикрини ҳамда унинг амалий ишларга таъсири ўсишини тўғри шакллантириш зарурлиги таъкидланади. Ушбу принципиал йўл-йўриқ, ўз навбатида,

даставвал КПСС XXVII съездининг демократиялаш, ошкоралик ҳамда ҳаётни майда буржуа психологиясининг барча кўринишларидан тозалаш учун кураш билан чамбарчас боғланган омма ижоди жадаллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиши хусусидаги ғоят муҳим қоидасидан келиб чиқади.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Ошкоралик тўғрисида»ги резолюциясида шундай деб таъкидланади: «...Ошкоралик, омма назорати ва танқиди учун очиқлик — давлат ҳокимияти органлари самарали ишлашининг зарур шартидир... Улар фаолиятининг, планлаштириш ва бошқаришнинг барча босқичларида ошкораликни кенгайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш, умумдавлат ва регионлардаги иқтисодий, миллий, ёшлар, экологик, социал ва бошқа муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш лозим».

Илгарилари йиллар давомида эътибор берилмаган кўпгина проблемалар ҳозир жамоатчилик фикри таъсирида ҳал қилиняпти. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши дадил кураш авж олиб кетди, натижада алкоголь истеъмол қилиш икки баравар камайди, ишлаб чиқаришдаги прогуллар тенг ярмига қисқарди; меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш ҳақида Қонун қабул қилинди ва ҳоказо. Жамоатчилик фикри бюрократизмга, суиистеъмолларга барҳам беришга, компетентсизликни, эски, ўз умрини тугатган, қолоқ нарсаларга ёпишиб олганликни фош этишга ёрдам беради.

Жамоатчилик фикрининг мамлакатда юз бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда. Давлат ҳаёти муҳим масалаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида СССР Қонунининг қабул қилиниши бунинг ишонтирарли исботидир. Кенг ошкоралик, турли фикр ва таклифларни қиёслаш ҳамда ҳисобга олиш негизида ушбу масалаларни қараб чиқиш ва қарорларни ишлаб чиқишда гражданларнинг албатта иштирок этиши жамиятимизда нормага айланмоқда.

Лекин ўзгартишлар силлиққина, беозор амалга ошяпти, на объектив, на субъектив характердаги тўсиқларга учрамаяпти деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Ўзбекистоннинг бир қатор областларида (Фарғона, Тошкент, Самарқанд) биз ўтказган социологик тадқиқотлар, бир томондан, социал соҳада ўтган йилларда мавжуд бўлган ютуқлар ва камчиликларнинг муайян манзарасини чизишга, бошқа томондан эса, ўз ечимини ҳалигача кутаётган проблемаларни белгилашга имкон беради.

Маълумки, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг ривожлантириш корхона ва муассасалардаги соғлом психологик иқлимнинг, коллектив фаолиятининг умумий натижаларидан ҳар бир кишининг манфаатдорлигини оширишнинг, меҳнаткашлар ижтимоий-сиёсий активлигини ўстиришнинг, уларда актив гражданлик позицияси ҳосил бўлишининг негизидир. Шундай бўлсада, ҳали ҳамма жойда ҳам танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилган эмас, очиқ-ойдинлик, кенг ошкоралик руҳи қарор топган эмас. Масалан, сўралганларнинг 45 проценти ҳамманинг олдида ва танқид қилинаётган кимса иштирокида корхона, муассаса, ташкилотларнинг оддий ходимларини, 28 проценти ўзининг бевосита раҳбарини, 27,8 проценти цех, бўлим, хизмат ва ҳоказолар бошлиқларини, 27 проценти корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларини, 26 проценти коллективдаги партия раҳбарларини, 30 проценти комсомол раҳбарларини, 33,5 проценти касаба союз раҳбарларини ўзи танқид қила олишини мумкин деб ҳисоблайди. Ушбу кўрсаткичлар колхоз ва совхозларда, ноишлаб чиқариш соҳасида янада паст даражада.

Коллективлар ҳаёти масалалари меҳнаткашлар томонидан ишлаб чиқариш кенгашларида, партия, комсомол ва касаба союз йиғилишларида муҳокама қилиняпти, уларда сўралганларнинг салқам 30 проценти мунтазам сўзга чиқяпти, айниқса совхозларнинг ишчилари (33,6 проценти), ишлаб чиқариш интеллигенцияси вакиллари (45,5 процент) ва ноишлаб чиқариш соҳаси ходимлари (41 процент) уларда актив иштирок этмоқдалар. Шу билан бир вақтда сўралганларнинг кўпчилиги муҳим масалалар юзасидан маъмуриятга, партком, профком, комсомол комитетига мурожаат қилишни мумкин деб ҳисобламайди. Бу нарса аввало қишлоқ жойлар аҳолисига тааллуқлидирки, у ерларда консерватив кайфиятлар, фаолиятсизлик, одатий схемаларга, андозаларга тўғри келмайдиган ҳамма нарсадан қўл силташга интилиш ҳали ҳам кучлидир. Кўпгина масалалардаги расмиятчилик, ошкораликка етарлича баҳо бермаслик, айниқса «қуйи»дан бўладиган контролдаги камчиликлар, социал адолат принципларининг бузилиши омма ижтимоий-сиёсий пассивлигининг, қабул қилинадиган қарорлар таъсирчанлиги сустлигининг сабаблари ҳисобланади.

Яқин вақтларгача кўпгина партия ташкилотлари ва партия раҳбарлари охиригача принципиал позицияда тура олмас эдилар. Ҳаддидан ошиш, бир-бирининг сирини яшириш, интизом бузилишларига, ичкиликбозлик тарқалишига қарши кураш сусайиб кетган эди, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка, миллатчилик кўринишларига доим ҳам тегишлича зарба берилмас эди. Бу салбий жиҳатларнинг ҳаммаси кишиларнинг кайфиятларига, ахлоқий негизларига таъсир кўрсатмай қолмади. Социалистик жамиятнинг ғоявий эътиқод, меҳнат жонбозлиги, совет ватанпарварлиги, интернационализм каби ва бошқа қадриятларининг аҳа-

мияти секин-аста кадрсизлана бошлади. Маънавиятсизлик ва скептицизм тез-тез намоён бўла бошлади. Кишилар, шу жумладан ёшлар ўртасида ҳам бойлик орттириш хаёт фаолиятининг мазмуни бўлиб қолган қатлам пайдо бўлиб қолди.

КПСС МКнинг 1985 йил апрель Пленумидан сўнг бошланган кайта қуриш партия мамлакатимизнинг ривожланиш йўлида йиғилиб қолган «уюмлар»ни йўқ қилиш учун ҳақиқатан ҳам улкан иш олиб бораётганини ишонарли тарзда кўрсатди. Партиянинг жамиятни демократиялашни чуқурлаштиришга доир кўраётган тадбирлари бугунги кунда муқаррарлик касб этди.

Маълум тенденцияларни ташувчи кишиларга мурожаат қилмасдан туриб умуман ҳеч қандай тенденцияни тушуниб бўлмайди. Модомики ривожланиш қарама-қаршиликлар кураши, зиддиятларни енгиб ўтиш орқали амалга оширилаётган экан, демак, вазифа уларнинг социал мазмунини озми-кўпми аниқ очиб беришдан иборат бўлади. Зиддият ҳеч қачон аноним ҳолда авж олмайди, балки доимо кишиларнинг хулқ-атвори ва фикри орқалигина ривожланади. Шундай қилиб, социалистик демократиянинг ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид каби белгиларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ўтмиш хатоларини такрорламасликнинг ишончли кафолоти ҳисобланади.

Масалан, раҳбарни сайлаб қўйиш ишлаб чиқаришдаги шахс муносабатлари проблемасини бир қадар бошқача қўйишга олиб келади. Бундай ҳолда у «юқори» — маъмурий томондан кўра кўпроқ ўзини сайлаган коллективга ҳисобот бериб туришга мажбур бўладики, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва социал натижалари раҳбар учун энг яхши аттестация ҳисобланади.

Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, меҳнаткашлар бугунги кунда ўзларини хаяжонлантираётган масалаларни юқори ташкилотлар олдига илгаригига қараганда активроқ қўймоқдалар. Масалан, сўралганларнинг 14,5 проценти қишлоқ хўжалигида оғир жисмоний меҳнат билан банд колхозчилар (21,6 процент), шунингдек совхозларнинг (25 процент) ва колхозларнинг мутахассислари (42,9 процент) — корхоналардан ташқи партия органлари вакилларига айниқса кенг микёсда мурожаат қилганлар. Давлат органларига улар анчагина кам — атиги 9,5 процент мурожаат қиладилар.

Тадқиқотларнинг маълумотларига кўра сўралганларнинг 8 проценти йил давомида ўзларини қизиқтирувчи масалалар бўйича матбуот органларига, радио, телевидениега мурожаат қилганлар. Редакцияларга хатларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида жисмоний меҳнат билан банд бўлганлардан (9—11 процент), ноишлаб чиқариш тармоқлари ва совхоз ходимларидан (11—13 процент) келган.

Буларнинг бари ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтириш зарурлигидан ҳам далолат беряпти. Раҳбар қандай ишлаётганлиги, у халққа, партияга қандай хизмат қилаётгани, демократик форма ва методлардан қандай маҳорат ва изчиллик билан фойдаланаётгани — буларнинг ҳаммаси ҳақида кишилар хабардор бўлиши керак. Мансабдор шахсларнинг куч-ҳаракатлари меҳнат коллективларининг, район, шаҳар, областлар ва умуман республиканинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатяпти — аҳолига бу ҳам маълум бўлиши керак. Шу билан бирга, бундай ахборот шунчаки «хабардор бўлиш» учунгина эмас, балки нуқсон ва хатоларни асосли, амалий танқид қилиш, уларни бартараф этиш борасида реал тарзда иштирок этиш учун керакдир.

«Демократлаштириш жараёнидан қўрқмаслик зарур, — деди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси партия активи билан учрашувда. — У жамиятимизни бўшаштирмайди, аксинча, мустаҳкамлайди. У интизом ва тартибни бўшаштирмайди, аксинча, ишлар онгли равишда яхшиланади».

Давр кайта қуришга, бутун ижтимоий ҳаётни демократиялашга қаратилган партия йўлини ҳаётга татбиқ қилиш учун бошқарув аппарати кадрларининг масъулиятини оширишни талаб қиляпти. Бизнингча, кадрларни аттестациялашда раҳбар ходимлар қанчалик демократик эканлигини, яъни кишиларни ҳурматлаш, уларнинг эҳтиёжларига эътибор бериш, улар билан учрашишга, маслаҳатлашишга, коллектив фикрига таянишга интилиш уларга қай даражада хослигини ҳисобга олиш муҳимдир. Эндиликда фақат демократия орқали ва у туфайлигина қайта қуриш мумкин эканлиги ҳаммага равшан бўлиб қолди. «Ҳозир масала шу тарзда турибди: ё демократлаштириш бўлади ёки социал сусткашлик ва консерватизм бўлади. Учинчи йўл йўқ», — деди М. С. Горбачев СССР касаба союзларининг XVIII съездида.

Қайта қуриш жараёни кенг авж олиб кетганлиги сабабли у амалда барча кишиларнинг манфаатларига даҳлдор бўлмоқда, бу ҳол ғоят табиийдир: у баъзиларни руҳлантирмоқда, баъзиларни саросимага солмоқда, яна бошқаларга эса у ёқмаётир. Тадқиқотларимизнинг натижалари «танлаб олинадиган ошкоралик»дан воз кечиш зарурлигини кўрсатмоқда. Оператив газета хабарлари, шарҳлар ёки радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар воситасида район, шаҳар, область, республика ижтимоий ҳаётида юз берган воқеалар ҳақида тўлиқ ахборот бериш, у ёки бу хатолар ва нуқсонлар учун барча даражадаги раҳбар ходимлардан қатъий талаб қилиниши хусусида, порахўрлар ва социалистик мулкни талон-торож қилувчилар устидан бўлган суд процессларининг бориши ҳақида хабардор қилиб туриш зарур. Шундай йўл билан жамоатчиликнинг

кизикиши кондирилади ҳамда унинг ишончига эришилади, айни вактнинг ўзида турли хил ёлғон миш-мишлар ва уйдирмалар тарқалишининг олди олинади.

Бунда ахборот бериш, кишилар хулк-атворини тарбиялаш ва уюштиришдек муҳим социал вазифаларни амалга ошираётган оммавий ахборот воситаларининг, оммавий оғзаки пропаганда воситаларининг роли жуда муҳимдир. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти меҳнатсиз даромадларга, порахўрлик, ичкиликбозлик, социалистик мулкни талон-торож қилиш, ошна-оғайнигарчилик, бюрократизм ва расмиятчиликка, зарарли анъана ва урф-одатларга, кўплаб бошка салбий ҳодиса ва жараёнларга карши курашга каратилиши керак. Мисол учун, Ўзбекистон телевидениесининг жиноятларнинг олдини олиш ва жамиятга зид кўпгина кўринишларга барҳам беришга бағишланган доимий кўрсатувларидан бири бўлган «Инсон ва конун»ни олиб кўрайлик. Ушбу кўрсатувда самимий, амалий ва юз-хотир қилинмаган ҳолда, шу билан бир вақтда ишлар аҳволини яхшилашдан манфаатдор бўлиб суҳбатлашилади: муқаррар равишда жиноий йўл билан жазоланадиган аҳволга олиб келиши мумкин бўлган конун бузилишлари каерда, качон, ким томонидан ва кандай юз берганлиги конкрет кўрсатиб ўтилади. Келаётган хат ва фикр-мулоҳазаларга караганда кўрсатув объектив жамоатчилик фикрини шакллантиришга ёрдам бермокда. Ана шу кизиқарли кўрсатувнинг ташкилотчилари телепублицистиканинг бурчи — бошқарув органлари билан аҳоли ўртасида ўзига хос воситачилик вазифасини ўз зиммасига олган ҳолда ижтимоий ҳаётни демократиялаш жараёнида актив иштирок этишдан иборат эканлигини яхши тушунадилар, чунки ижтимоий ҳаётнинг долзарб проблемалари борасидаги оператив ахборот, фикр алмашиниш тегишли инстанциялар томонидан салбий ҳодисаларни аниклаш ва бартараф килишга доир карорлар кабул килиниши учун асос бўлиб хизмат килади.

Давлат ҳокимияти органларининг сайлови бевосита демократиянинг кенг камровли формаси ҳисобланади. Бунда ҳам шуни таъкидлаш лозимки, жамоатчилик фикрини чукур ўрганиш сайловни расмиятчилик ва тадбирбозликдан халос килиш учун, унинг ўзини ўзи бошқариш табиати тўлиқ намоён бўлиши учун ёрдам беради. Бу нарса нафакат номзодларни кўрсатиш, муҳокама килиш, овоз бериш тартибига, балки сайлов кампанияларига ҳамроҳ бўлган сайловчилар наказларини хосил килишга ҳам дахлдордир. Ҳозир бир катор ҳолларда наказлар ижроия комитетларида «ишлаб чикилади», сўнгра эса сайловчилар номидан депутатликка номзодларга таклим этилади. Улар кўпинча иктисодий ва социал ривожлантириш планларидан кўчириб олинган бўлади ёки турли сабабларга кўра планга кирмай колган, лекин, аппарат ходимларининг фикрича, район, шаҳар, область учун зарур бўлган тадбирлардан иборат бўлади. Сайловчиларга кўпинча маъкулловчилик роли ажратилади. Аслида бу нарса кўпинча яхши ниятда килинади. Шаҳар ёки район раҳбарлари аҳолининг манфаатларини ҳимоя киляпмиз деб каттик ишонадилар, лекин аҳолининг ўзи мустакил равишда ифодалай олиши мумкин бўлган бошка, янада заруррок кизикишлари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олмайдилар. Бундай ҳолларда аппарат «меҳнаткашлар учун» фаолият кўрсатаверади, ваҳоланки, у «меҳнаткашлар оркали» ишлаши керак.

Мансабдор шахсларнинг ишчилар, колхозчилар, интеллигенция вакиллари билан мулокоти мунтазам бўлиши керак. Қайта куришнинг асосий максадига эришиш айни шу нарсага кўп жиҳатдан боғликдир. Бизнингча, партиянинг кадрларда кишилар билан маслаҳатлашишга, уларнинг овозини тинглаш ва эшитишга, уларга демократия шароитида ҳаракат қилиш маҳоратини ўргатишга бўлган интилиши аввало янги тафаккурни ҳосил килишга, шаклланган эски андозаларни бартараф этишга каратилган.

Бошқарув аппаратида ҳозиргача «амалий» услуб деган услубда ишловчи, буйрукбозликка, ғирт маъмуриятчилик килиб ишлашга мойил, оммани давлат ишига жалб килиш хусусида кам кайғурадиган кишилар бор. Улар аппарат кучи билан тайёрланган карорларнигина тўғри деб биладилар. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, кишиларнинг бошқарув ишларига, яъни «ўзига тегишли бўлмаган» ишларга аралашуви кўпгина раҳбарларнинг энсасини котиради. Улар аппарат аҳоли учун эмас, балки аҳоли аппарат учун мавжуд деб ҳисоблайдиган бюрократлардир. Масалан, сўралганларнинг 28,2 проценти аҳолининг бошқарув ишида иштирок этишига аппарат ходимларининг расмиятчилик билан муносабатда бўлишини, 19,1 проценти ана шу аппарат омманинг социал активлигидан самарасиз фойдаланишини, 16,9 проценти маҳаллий давлат ва жамоат органлари иши аҳволи, имкониятлари хусусида кишиларнинг хабардорлиги коникарсизлигини кўрсатди. Буларнинг ҳаммасидан ягона хулоса келиб чикади: шубҳасиз, демократияни янада кенгайтириш ва омманинг социал ва сиёсий активлигини юксалтириш максадида, М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «кўлни доимо жамоатчилик фикрининг томир уришига тутиб туриш керак».

Л. ЯҲЁЕВА,

философия фанлари кандидати, Тошкент давлат маданият институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТДАН ҚОНИҚИШ ОМИЛЛАРИ

КПССнинг ҚАЙТА ҚУРИШ, мамлакат социал-иктисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўли жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳаларида, шу жумладан меҳнат соҳасида ҳам чуқур сифат ўзгаришларини кўзда тутади. Барча жабҳаларда меҳнат мазмуни, шароити ва характерининг тубдан ўзгартирилиши, одамларнинг меҳнатдан, бинобарин, унинг пировард натижаларини яхшилашдан қониқишини оширади. Худди шу нуқтаи назарда туриб Ўзбекистон экономикасининг аграр секторидаги иш аҳволини қараб чиқайлик.

Тармоқни техника билан қайта қуроллантириш, бу соҳада барча асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш имконини берадиган энг янги машина ва механизмлар системасини жорий этиш ҳамда шу асосда ходимларни оғир қўл меҳнатидан халос қилиш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги меҳнат жозибадорлигини оширишнинг моддий асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигимизда қўл меҳнати салмоғи катталигича қолаётганлиги экономиканинг турли соҳаларида техникавий тараққиёт бир хилда эмаслиги билан, энг асосийси эса тармоқнинг индустрлаштириш босқичига нисбатан кечроқ киришганлиги билан изоҳланади. Натижада бугунги кунда қизиқ манзара кўзга ташланмоқда: баъзи хўжаликларда ишлаб чиқариш янги техника негизида комплекс механизациялашмоқда, бошқаларида эса қисман амалга оширилмоқда. Ҳатто битта хўжаликнинг ўзида, хусусан асосий ва ёрдамчи соҳаларда ишларни механизациялаш даражасида фарқ сақланиб қолмоқда.

Сурхондарё областининг 13 совхози ва 11 колхозида ўтказган социологик тадқиқотларимиз сўраб кўрилган колхозчиларнинг 64,4, совхоз ишчиларининг эса 73 процентн меҳнатдан қониқиш ҳосил қилаётганлигини кўрсатди. Колхозчиларнинг 24,2 проценти ўз меҳнатини жисмонан оғир деб баҳолаб, бунга колхозлардаги ишларни механизациялаш анчагина паст даражада эканлигини сабаб қилиб кўрсатдилар. Бу ҳол иш жойидаги ноқулай санитария-гигиена шароитлари билан уйғунлашиб кетади. Шу боис сўраб кўрилган қишлоқ меҳнаткашларининг яна 17,8 проценти иш жойидаги шароит қаноатлантираётганлигини маълум қилди. Бу борадаги салбий фикр иссиқ иқлим, гармсел, қолаверса, заҳарли моддаларни ишлатиш, яхши ичимлик сув йўқлиги билан боғлиқдир. Шуни таъкидлаш кераккн, ходимларнинг берган баҳоси қишлоқ хўжалигидаги меҳнат шароитининг реал ҳолатини анчагина аниқ ифодалайди. Бу шароитдан колхозчиларнинг 36 ва совхоз ишчиларининг 34,7 проценти қаноатланмоқдаки, бу нарса ҳар икки хил хўжалик ишлаб чиқаришидаги шароит бир-биридан унча фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти бу соҳада ишлаётганлар меҳнат шароитига ҳамиша таъсир этади. Бунда гап энг аввало оғир қўл меҳнатини бартараф этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳасидаги меҳнатнинг ноқулай жиҳатларини социал жиҳатдан тўлдириш тўғрисида бормоқда. Одамларни қўшимча тарзда рағбатлантириш ана шу хилдаги тўлдириш формаларидан биридир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигида оғир жисмоний меҳнат миқёслари катта. Бу жабҳада эскича ишлаш услуби, соф ижрочиликни талаб этувчи бир хил, зерикарли ишлар кўп эканлигини инобатга олиш керак. Сўраб кўрилган қишлоқ меҳнат аҳлининг ярмигина ишнинг турли-туман ва мураккаб эканлигидан қаноатланаётганлиги бежиз эмас. Шу сабабли бу меҳнатни янада мазмундор фаолиятга айлантириш жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаси бўлиб қолиши лозим. Меҳнатнинг қолоқ турлари иқтисодий жиҳатдан унча самарадор эмаслигидан ташқари мамлакат тараққиёти истиқболлари талаблари ҳам шундай қилишни тақозо этади. Бинобарин, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, «меҳнатнинг мазмунида чуқур ўзгаришлар қилмасдан туриб, социал соҳада сифат ўзгаришларига эришиб бўлмайди».

Социологик тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, колхозчилар меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни кўпайтириш учун зарур шароитни совхоз ишчиларига нисбатан юқорироқ баҳолайдилар, кўпроқ қадрлайдилар. «Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш учун сизнинг иш жойингизда шароит борми?» деб сўралганда колхозчиларнинг 38,3 ва совхоз ишчиларининг 35,3 проценти ижобий жавоб қайтарди. Салбий жавоб берганларда бу кўрсаткич 9,8 ва 13,6 процентни, «Ҳамиша ҳам бор деб бўлмайди» деганлар эса 31,3 ва 37,2 процентни ташкил этди. Маълум бўлдики, колхозчилар меҳнат унумдорлигини ҳамда иш ҳақини мунтазам ошириш учун шароит яратилишига талабни каттароқ қўяр эканлар. Бу қонуний ҳол, зеро колхозларда ҳозирги кунда бир ходим учун йилига тўғри келадиган ўртача меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи совхоз ишлаб чиқаришига нисбатан камроқдир.

Иш ҳақингиз даражаси бажараётган ишингизга мувофиқ келадими, деб сўралганда колхозчиларнинг 53,6 ва совхоз ишчиларининг 61,2 проценти ижобий, колхозчиларнинг 21,4 ва совхоз ишчиларининг 18,6 проценти салбий жавоб берди. Совхоз ишчиларини иш ҳақи колхозчиларга нисбатан

кўпроқ қаноатлантирмоқда, негаки, уларда маош кўпроқ. Масалан, Сурхондарё областида колхозчиларнинг ярмидан кўпи (51,4 процент) ойига 100—160 сўм ва 12,3 проценти 160—300 сўм олмоқда. Совхоз ишчилари 35,6 процентининг ўртача ойлик иш ҳақи 100—160 сўм ва 30,2 процентиники 160—300 сўмни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари иш ҳақини уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан кўпайтириш мумкин, бунинг учун эса ўз навбатида уларнинг малакаси ҳамда профессионал билими даражасини ошириш лозим. Ана шу муаммонинг ҳал этилишига одамларнинг ўз фаолиятидан қаноатланиш даражаси ҳам боғлиқдир. Турли хўжаликларда, ҳар бир хўжаликнинг ўзида техника билан таъминланиш даражасидаги фарқни йўқотиш лозим. Чунки, худди шу нарса бажарилаётган меҳнат фаолияти мазмуни бир хил бўлмаслигига олиб келади. Ҳозирча ана шу фарқ сақланиб қолаётган экан, меҳнатда ҳам, унинг натижаларида ҳам тафовут бўлиши муқаррардир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасида ҳам ўзаро боғлиқлик бор: фонд билан қуролланиш қанча юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунча юқори бўлади. Демак, ҳар бир ходим ҳисобига ялпи ва соф даромад ҳам, иш ҳақи ҳам, меҳнатдан қониқиш туйғуси ҳам юқори бўлади. Социологик тадқиқот маълумотларининг кўрсатишича, юз гектар экинзор ер ҳисобига 80 минг сўмга қадар актив асосий фондга эга бўлган колхозларда сўраб кўрилганларнинг 55,9 проценти меҳнатдан қаноатланишини айтди, ушбу кўрсаткич 80 минг сўмдан ортиб кетган жойларда эса 71,3 процент одам меҳнатдан қаноатланаётганлигини маълум қилди.

Меҳнат чинакамига мамнуният келтириши учун меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини мунтазам ошириб бориш, иш хилма-хил бўлиши, дам олиш учун керакли шароит яратилиши лозим. Ҳамонки, шундай шароит айрим жойларда яратилмаётган экан, иш ҳақидан кўнгил тўлган тақдирда ҳам меҳнатдан қаноатланмаслик мумкин. Шуниси ҳам борки, меҳнатдан қаноатланиш турмушнинг умумэкологик шароитларига қараб ҳам табақалашиб боради. Айтайлик, Тожикистон алюминий заводининг зарарли чиқиндилари Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келганлиги қишлоқ аҳлининг иқтисодий ва социал манфаатларига таъсир этмай қолмади. Масалан, «Дашнобод» совхозининг сўраб кўрилган ишчиларининг қарийб ярми (47,8 процент) бошқа ишга ўтмоқчи, 18 проценти эса истиқомат жойини ўзгартирмоқчи эканлигини айтди.

Маълумки, одамларнинг меҳнат фаолияти социал-иқтисодий жараёнлар ривожини, шахсларнинг, коллективлар ва социал группаларнинг жамиятдаги мавқеини белгилаб беради. Шу нарса маълум бўлдики, бажарилаётган ишга субъектив баҳо беришда қишлоқ меҳнатчиларининг турли тоифаларида якдиллик йўқ. Деҳқонларнинг 62,1, чорвадорларнинг 66, ремонтчилар, устахоналар ишчиларининг 71,7, бригадир ва уларнинг ёрдамчиларининг 75,5 процентини бажарилаётган иш қаноатлантиради. Автомобиль ҳайдовчилар (78,4 процент), механизаторлар (79,4 процент), хўжалик мутахассислари (79 процент) да ўз меҳнатидан қаноатланиш энг юксак даражада. Қишлоқ қурувчиларида эса бу даража энг паст эканлиги маълум бўлди (56,7 процент), шуниси ҳам борки, қишлоқ қурувчиларида ишнинг жисмоний жиҳатдан оғир эканлигидан қаноатланиш 24,3, деҳқонларда эса 28,4 процентни, ишларни механизациялаш бобида эса уларда бу кўрсаткич 27 ва 10 процентни ташкил этади. Бинобарин, аграр секторнинг ана шу тоифадаги ходимлари меҳнати ва дам олиши шароитини яхшилаш бугунги кунда жуда муҳим вазифа бўлиб, унинг ҳал этилиши нафақат ана шу касбдаги кишилар меҳнати самарадорлигини, балки умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ҳам оширишга олиб келади.

Қишлоқ механизаторларида ўз меҳнатидан қониқиш юксак даражада эканлиги боиси улар ишида ижодий жиҳат кўп эканлигидир. Техникадан фойдаланиш самарадорлиги, бу техниканинг иш унуми, маҳсулот бирлиги етиштиришга кетадиган сарф-харажат миқёслари механизаторларнинг билими, маҳорати ва ташаббусига боғлиқдир. Социологик сўров чоғида 24 хўжаликдаги механизаторларнинг учдан бир қисми қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини ташкил этишга ва шу иш сифатига салбий баҳо бердилар. Механизмларнинг тез-тез бузилиши, эхтиёт қисмларнинг йўқлиги иш вақти ноишлаб чиқариш мақсадларига сарф бўлишига олиб келмоқда. Гарчи, кўпгина механизаторлар (44,8 процент) меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш учун шароит борлигини таъкидлаган бўлсалар ҳам, уларнинг 44,9 проценти техника ишидаги нуқсонлар туфайли иш вақти беҳуда кетиши ва меҳнат унумдорлиги пасайишини кўрсатдилар. Тадқиқотлар механизаторларда малака ва профессионал билим қанча юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунча юқори бўлишини ҳам тасдиқлади. Масалан, I класс механизаторлари ўртасида ишлаб чиқариш нормаларини ошириб адо этиш 35,5 процентни, III класс механизаторлари ўртасида эса 24,7 процентни ташкил этди.

Меҳнатдан қониқишга ишлаб чиқариш ва профессионал омиллар қаторида ходимларнинг социал-демографик характеристикалари, жумладан уларнинг ёши жиддий тарзда таъсир этади. Социологик тадқиқотларимизда, жумладан, қуйидагилар аниқланди:

жисмоний меҳнат оғирлиги 18 ёшга тўлмаганларга айниқса кучли билинади. Улар орасида меҳнатдан қаноатланмаганлар 40,1 процентдир. Лекин ёш улғайган сари бу кўрсаткич пасая боради: 18—30 ёшли ходимлар ўртасида 33, 31—59 ёшлиларда 24,5 процентни ташкил этади. 31—39 ёшлиларда бу кўрсаткич айниқса пастдир (23,1 процент). Қишлоқ аҳли ана шу ёшда иш кўникмасини яхши эгаллаб олган, муайян маҳоратга эришган эканлиги ва ўз касбини ўзгартириш нияти йўқлиги кўрсаткичлар шу хилда бўлишини изоҳлайди. Ёшлар эса ҳаётга энди кириб келаётганликлари, қолаверса, уларнинг маълумот даражаси юқори бўлганлиги учун меҳнат янада мазмунлироқ бўладиган касбларга ҳавас қиладилар. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам билса бўлади: сўраб кўрилган 18 ёшгача бўлганларнинг 54,3, 18—20 ёшлиларнинг 43,7, 20—24 ёшлиларнинг 31,5 ва 25—30 ёшлиларнинг 26,2 проценти бошқа ишга ўтиш истагида эканлигини айтдилар.

Таҳлил шуни кўрсатдики, умумий ўрта маълумотли, ҳозирча кам малакали меҳнат билан шуғулланишга мажбур бўлаётган ёшлар ўз меҳнати мазмундорлигини паст баҳолайдилар. Табиийки, уларни иш қониктирмайди, шу сабабли қишлоқ меҳнат аҳлининг 40 процентдан ортиғи бугунги кунда ўз малакасини оширишга интилмоқда. Уларнинг аксарияти 18—39 ёшлилар, яъни аҳолининг энг фаол группасидир. Бунда қишлоқ меҳнатчиларини қадриятларга тўғри йўналтириш ҳам катта социал аҳамиятга эгадир. Улар таълим даражаси ва малакани ошириш зарурлиги сабабларини кўрсатар эканлар, биринчи ўринга замонавий техникавий тараққиёт талабларини, иккинчи ўринга касбни пухта эгаллаш ва учинчи ўринга иш ҳақини ошириш талабларини қўймоқдалар.

Шунга қарамай, социологик тадқиқот натижаларини якунлар эканмиз, аграр сектордаги меҳнат аҳли ўртасида иш ҳақи биринчи ўринда турганлигини қайд этиш лозим. Бу ҳол иш ҳақи одатда кўп фарзандли бўлган Ўзбекистон қишлоқ меҳнатчилари оилаларини ҳали моддий жиҳатдан нормал таъминлайдиган даражага етмаганлигидан далолат беради. Бунинг устига қишлоқда шахсий даромадларни шакллантиришда иш ҳақининг роли пасайиб бормоқда, натижада одамлар сермазмун бўлмаса ҳам мўмай пул тўланадиган ишларни бажаришга рози бўлмоқдалар. Меҳнатдан қониқиш унинг мазмунига, иш шароити ва тартибига, бажариладиган юмушларнинг хилма-хиллигига, дам олиш имкониятларига боғлиқ, албатта. Маълум бўлдики, иш ҳақи социал-профессионал группалар, айрим районлар ва ҳатто хўжаликлар миқёсида уни белгиловчи омилларга қараб табақалашгандир.

Қишлоқни социал-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашда, КПСС-нинг ҳозирги аграр сиёсатини амалга ошириш, хусусан, қишлоқда меҳнат ва яшаш шароитини яхшилашда буларнинг барчаси ҳисобга олиниши керак. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюциясида таъкидланганидек, барча иқтисодий ва социал вазифаларни совет кишиларининг сидқидилдан қиладиган серунум меҳнати асосидагина таъминлаш мумкин.

Х. ОЛЛОҚУЛОВ.

Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедраси ўқитувчиси.

КИТОБЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

М. Д. Ким. **Экономические проблемы освоения новых производственных мощностей.**
Ташкент, «Мехнат», 1986, 166 с.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ғоят муҳим масалаларини ҳал этишда меҳнат коллективларига мустақиллик берилган туб иқтисодий ислоҳот шароитида, уларга янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш учун, участкалар, цехлар, корхоналар ва умуман индустрия иши самарадорлигини оширишга ижодий ёндашиш учун қулай имконият берилади. Шу муносабат билан китоб авторининг янгидан ишга тушириладиган қувватларни ўзлаштириш ва самарадорлигини ҳисоблаш жараёнининг хусусиятларини тадқиқ қилиши, уни жадаллаштиришнинг йўлларини ишлаб чиқиши катта аҳамиятга эгадир.

Бу эса янги корхоналарнинг лойиҳадаги кўрсаткичларига эришиш муддатларининг нормативларини ва уларни (муддатларни) қисқартиришни рағбатлантириш заруратини олдинги ўринга қўяди. Бунга эришишнинг йўлларидан бири, авторнинг фикрича, янги ишга туширилаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш ҳисобига олинадиган фойдадан ташкил топувчи мукофот фондининг рационал миқдорини белгилашдир. Кўпинча фойда олмайдиган бундай янги корхоналарда харажатларни камайтириш унинг ташкил топишида муҳим омил ҳисобланади.

Китобда келтирилган Ўзбекистон ССР саноатида асосий фондлардан фойдаланиш анализи эътиборга лойиқдир. Масалан, кўриб чиқилаётган даврда (1975—1983 йиллар) республика индустриясида меҳнатнинг фонд билан қуролланиши 2,1 баравар ўсган бўлса, меҳнат унумдорлиги атиги 16 процент ўсди. Бунга сабаб, деб таъкидлайди автор, корхоналарда янги қувватларнинг ёмон ўзлаштирилишидир.

М. Д. Ким томонидан янги ишга туширилаётган корхоналарда асосий иқтисодий кўрсаткичлар билан қувватларни ўзлаштириш даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланиши қизиқиш уйғотади. Хусусан, унинг аниқлашича, фонд самарадорлигининг ортиши ушбу даражанинг ортиши билан пропорционал равишда кечади. Шунга кўра, ўзлаштириш муддатларини чўзиб юбориш халқ хўжалигида катта иқтисодий нобудгарчиликлар келтириб чиқариши мумкин.

Автор томонидан бажарилган капитал маблағлар самарадорлиги анализи бизни Ўзбекистон саноатида лойиҳа қувватларини тўла ва ўз вақтида ўзлаштирмаслик оқибатида бу кўрсаткич жуда паст эканлигига ишонтиради; кўпгина заводлар ва фабрикаларда солиштирма капитал маблағлар планлаштирилганидан 1,5—2 баравар ортиқдир, яъни маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга капитал қурилиш нормативларида кўзда тутилганидан ортиқча маблағ сарфланади. Автор қурилиш программасига катта миқдорда янги қурилишларни киритиш, молиявий ресурсларни кўплаб объектларга сочиб юбориш номақбуллигини, оқибатда объектларнинг ҳақиқий қиймати нормадагидан 1,5—2 марта ортиб кетганлигини кўрсатади.

Китобда сарф-харажат сметаларида лойиҳадаги техник-иқтисодий кўрсаткичларга ўз муддатида эришганлик учун ходимларни мукофотлаш маблағларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилган. Шу билан бирга, деб таъкидлайди автор, белгиланган топшириқларни бажарганлик учун корхоналар лойиҳадаги қувватларга эришгандан кейин эмас, балки уларни ўзлаштириш жараёнида, яъни ҳар кварталда ва ҳатто ҳар ойда рағбатлантириш зарур.

Автор республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида янги ишлаб чиқариш фондларини ўзлаштиришни жадаллаштиришга ва айни пайтда уларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифатини оширишга эътибор берганида китоб янада актуалроқ бўлар эди. Тўла хўжалик ҳисоби шароитида колхозлар ва совхозлар зарур ҳажмда фақат юқори унумли техникани харид қилишдан манфаатдордирлар. Дарҳақиқат, яқин келажакда Ўзбекистонда ишланадиган ерларни кенгайтиришнинг иложи йўқ, қишлоқ хўжалик машина ва механизмларини экспорт қилишни кўпайтириш эса аввало уларнинг сифатига боғлиқ экан, республикада пахта териш машиналари, трактор ва бошқаларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлармикин? Совхоз ишчилари ва колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида ишлатиш учун мини-техника ишлаб чиқаришга жиддий эътибор бериш вақти етмадимикин? Мана шу ва бошқа саволларга жавоб берилганда, китобнинг назарий ва амалий аҳамияти, албатта, янада ошган бўлар эди.

Н. ЧУМАНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати.

ЯНГИ КИТОБЛАР ВА БРОШЮРАЛАР

Ахмедов Т., Баҳриддинов З. **Бунёдкорлар.** Тошкент, «Меҳнат», 1988, 90 бет.

Брошюра муаллифлари ўз ишини виждонан бажараётган чўпон, мелиоратор ва механизаторларнинг бунёдкорона меҳнати ҳақида ҳикоя қиладилар.

Оқ китоб: янги фактлар, гувоҳликлар, ҳужжатлар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1987, 302 бет.

Совет жамоатчилигининг антисионистик комитети Совет юристлари комитети билан ҳамкорликда тайёрлаган бу китобда сионистлар марказларининг қўпорувчилик фаолияти хусусида янги ҳужжатлар ва гувоҳликлар келтирилади, уларнинг маккорона методлари фош қилинади, сионистлар пропагандаси тузоғига илинган кишиларнинг фожиали тақдири кўрсатилади.

Зокиров И. Б. **Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи.** I қисм. Тошкент, «Ўқитувчи», 1988, 280 бет.

Олий ўқув юртлари юридик факультетлари студентлари учун мўлжалланган дарсликнинг биринчи қисмида «Совет гражданлик ҳуқуқи» тушунчаси очиб берилади, унинг принцип ва системалари, гражданларнинг ҳуқуқий муносабатлари, юридик шахслар, шартномалар, ваколатлар, даъво муддатлари, эгалик ҳуқуқлари, мажбуриятлар, аҳдномалар ва бошқа категориялар ҳақида ҳикоя қилинади.

Изланиш. Тошкент, «Меҳнат», 1988, 98 бет.

Ёзувчи ва публицистлар қаламига мансуб очерклар тўпламида замондошларимиз, Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришга кўнгилли бўлиб кетишган ўзбекистонлик коммунист ва комсомоллар ҳақида, республика қишлоқ меҳнаткашлари — пахтакорлар, соҳибкорлар ҳақида ҳикоя қилинади. Тўплам қаҳрамонлари меҳнатни, ерни, табиатни севадилар.

Рамазонов И. **Илмий коммунизм курсида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» асарини ўрганиш.** Тошкент, «Ўқитувчи», 1988, 34 бет.

Студентлар учун мўлжалланган ушбу методик қўлланмада илмий коммунизм асосчилари программ асарининг қайси қоидаларига алоҳида эътибор бериш ва уларни қандай тушуниш хусусида сўз боради.

Сайфуллаев Ф. **Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи.** II қисм. Тошкент, «Ўқитувчи», 1988, 288 бет.

Олий ўқув юртлари юридик факультетларининг студентлари учун мўлжалланган дарсликнинг ушбу қисмида олди-сотди, айирбошлаш, совға қилиш, маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар, кредит, тураржой майдонидан фойдаланиш, пассажир ва юкларни ташиш, совет авторлик ҳуқуқи, конкурс эълон қилишга доир мажбуриятлар, ихтирочилик ҳуқуқи, меросхўр бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказо масалалар очиб берилади.

Дарсликдан прокуратура, суд, арбитраж, адвокатура ходимлари, Ўзбекистон ССР гражданлик ҳуқуқи масалалари билан шуғулланувчи барча кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тэлль Р. **СССР — братство народов.** Ташкент, «Узбекистан», 1987, 96 с.

Брошюрага турли миллатга мансуб меҳнатсевар, матонатли, қалби дарё, ўз ишини жон-дилдан севувчи замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли очерклар кирган.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: маркcча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 11.08.1988 й. Босишга рухсат этилди 9.09.1988 й. Формати 70×108 1/16. Фотонабор
Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,8.
Тиражи 27089. Нашр № А-57. Заказ № 4128.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Бах

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЕСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» — «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»га

1989 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журнал партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик планини амалга ошириш, социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш учун кураши тўғрисидаги материалларни босади. Журнал саҳифаларида Ўзбекистон халқ хўжалигининг актуал проблемалари ёритилади.

Журнал илгаригидек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, социализмни такомиллаштириш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш проблемаларига доимо эътибор беради. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги мақолалар катта ўрин олади.

Журналхонлар партия ва совет қурилиши, идеология иши назарияси ва практикасига доир, социалистик демократияни янада ривожлантириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик маслаҳатлар ва консультациялар оладилар.

Журнал маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларини ёритишни давом эттиради.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги, қардош социализм мамлакатларининг муваффақиятлари ҳақидаги, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тўғрисидаги, буржуа идеологияси ва капиталистик турмуш тарзини фош этувчи мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилади.

Журналда муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолалар, актуал мавзулардаги корреспонденция ва очерклар, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китоблар тўғрисидаги тақризлар, вақтли матбуотнинг обзорлари, библиография материаллари босилиб турилади.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари ва бошқа алоқа муассасалари, корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларидаги матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 3 сўм.

Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.

Уч ойга — 75 тийин.

Вир

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



10

ОКТЯБРЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 10
ОКТЯБРЬ
1988

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Аслида, озиқ-овқатни кўпайтириш соҳасида биз эришган ютуқлар кўп жиҳатдан аҳолининг ўсиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қоплашга кетади. Бунинг маъноси шуки, ўртоқлар, бизга озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг бошқа, янада юқори суръатлари керак. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш чўзилиб кетишига маънавий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам тоқат қилолмаймиз.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 24 август куни Ўзбекистон Коммуиистик партияси Марказий Комитетининг XI пленуми бўлди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Республика партия, совет ва хўжалик органларининг КПСС XIX Бутуниттифоқ коиференцияси қарорлари асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга доир долзарб вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, Сурхондарё область партия комитетиииг биринчи секретари С. Мамарасулов, Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси А. Искандаров, Тошкент область ижроия комитетининг раиси П. М. Абдураҳмонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари Д. Н. Шамшетов, Жиззах область Мирзачўл райои партия комитетининг биринчи секретари В. П. Скворцова, Фарғоиа область Лениiград районидаги «Социализм» колхозининг бригадири М. Эсонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди. В. А. Антонов Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўрннбосари — Ўзбекистон ССР министри этиб тасдиқланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидаи озод қилинди. КПСС Марказий Комитетииинг инспектори қилиб тасдиқланган В. Н. Лобко Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Т. А. Алимов Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси этиб тасдиқланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилинди. В. А. Хайдуровнинг соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида бергаи аризасига мувофиқ у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилинди.

Илгари Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаган Д. Д. Берков яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ва Бюро аъзоси қилиб сайланди, Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитетининг биринчи секретари А. С. Ефимов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирининг ўринбосари Г. С. Огризкин, КПСС Марказий Комитетининг инспектори В. Н. Крихунов, КПСС Марказий Комитети секретарининг ёрдамчиси В. Қ. Онисовец, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг сектор мудирлари Б. М. Истомин ва Г. М. Гибов, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, СССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари В. И. Черноиванов, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг инструктори Н. Г. Неделькин қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугатди.

КПСС XIX БУТУННТТНФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРН БИЛАН ТАЪМИНЛАШИИ ЯХШИЛАШ СОҲАСНДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАИЛАРННИНГ КЕЧНКТНРНБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСНДА

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Р. Н. НИШОНОВнинг Ўзбекистон Компартияси МК Пленумида 1988 йил 24 августда қилган доклади

Ўртоқлар!

Ҳозир ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир партия ташкилотининг турмушини XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари белгилаб бермоқда. Конференция қарорларини халқ астойдил қўллаб-қувватлаб, маъқуллади. Чунки бу қарорлар одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришга оид кечиктириб ва пайсалга солиб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Гап йиғилиб қолган жуда ўткир, инсон ва жамият учун ғоят муҳим бўлган муаммолар — озиқ-овқат, уй-жой, соғлиқни сақлаш, маориф, меҳнат шароити ва атроф-муҳит, истеъмол моллари ва хизмат соҳаси, кишиларнинг дам олишини ташкил этиш муаммолари ҳақида боряпти.

Конференция вазифани шундай қилиб қўйдики, содир бўлаётган воқеаларни ва янгича сиёсий йўл-йўриқларни сусткашлик билан идрок этишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам, вақти ҳам йўқ. Юқоридан қўшимча кўрсатмалар, инструкциялар, буйруқлар, турткилар берилишини кутиб туришга ҳам ўрин бўлмаслиги керак. Меҳнаткашларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондиришда реал силжишларга эришиш зарурлиги одатдаги кундалик ишларимиз доираси билан асло чекланиб қолмайди. Бу, таъбир жоиз бўлса, бутун қайта қуришнинг бош мезони, партия конференцияси йўл-йўриқларини амалга оширишнинг асосий кўрсаткичидир.

Марказий Комитет Бюроси XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин дарҳол унинг қарорларини бажаришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, социал соҳани ривожлантиришни жадаллаштиришнинг биринчи навбатдаги вазифаларини белгилади. Марказий Комитет Бюроси аъзоларини, республика бўғинидаги раҳбарларни шу ишнинг энг муҳим йўналишларига бириктириб қўйди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида Озиқ-овқат программаси туб социал-иқтисодий масала деб айтилди. Бизнинг республикамиз учун бу ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Оммавий равишда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги биринчи навбатда агросаноат комплексига ғоят катта зиён етказди. Мана шу ҳақиқатан ҳам мисли кўрилмаган иқтисодий ва ғоявий-сиёсий зарарнинг шакл ҳамда миқёсларини биз бир неча марта батафсил муҳокама қилдик. Конкрет айбдорлар қаттиқ жавобгарликка тортилдилар. Эндиликда, агар таъбир жоиз бўлса, ярамас ҳолларни келтириб чиқарувчи механизм умуман яксон қилинди, унинг қайтадан юзага келишига йўл қўймайдиган ишончли кафолатлар системаси изчиллик билан вужудга келтирилмоқда. Аммо биз ҳозирча социал адолат тўла-тўкис қайта тикланди, деб айта олмаймиз. Олдинда катта ишлар турибди ва биз КПСС Марказий Комитети республикадаги ишларнинг аҳволи хусусида билдираётган ташвиш ва хавотирликка партиявий нуқтаи-назардан қўшиламиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг

республикамизда бўлиши, партия ва совет активлари, мутахассислар, ишчилар синфи, дала ва фермаларнинг меҳнатчилари билан учрашувлар чоғида у берган маслаҳатлар ҳамда билдирган истаклар зиммамизга алоҳида мажбурият юклайди. Бу эса халқ хўжалигини жадал ривожлантиришни таъминлаш, республика кириб қолган боши берк кўчадан чиқиб олиш учун йўналишларни ва йўлларни қидириб топишни идрок этиш борасида ҳаммамизга жуда зўр ғайрат-шижоат бағишлади.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати экономикадаги ишларни тезроқ ўнглаб олиш, халқ хўжалиги комплекси барча тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бизга катта ёрдам бермоқдалар. Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришни, республикамизда ва умуман регионда экологик вазиятни яхшилашни кўзловчи бир қанча қарорлар қабул қилди. Биз марказдан қўшимча равишда механизмлар, машина-ускуна, омихта ем, минерал ўғит олиб турибмиз. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Виктор Петрович Никонов, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент области колхозлари, совхозлари, саноат корхоналари ва бошқа муассасаларида бўлган вақтида агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш ҳамда Озиқ-овқат программасини жадал суръатда ҳал қилиш юзасидан бизга бир қанча қимматли маслаҳатлар, тавсиялар бериб, фикр-мулоҳазаларини айтди. Республикамиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг ғамхўрлигига жавобан яна ҳам кўпроқ самара билан ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу билан бирга илгари йўл қўйилган ҳаддан ошишлар ва бузишлар шу қадар катта эдики, бир қанча тармоқларда ва биринчи галда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги аҳвол ҳамон ниҳоятда кескин бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилиш кўпайиши бир ёқда турсин, балки бир қанча кўрсаткичлар юзасидан пасайиб кетди. Биз кўп йиллар мобайнида аҳоли жон бошига атиги 16 килограмм картошка, 138 килограмм сабзавот, 45 килограмм полиз маҳсулоти, 75 килограмм мева ва узум, 21 килограмм гўшт, 135 литр сут, 110 дона тухум етиштиряпмиз. Гўшт истеъмол қилиш жиҳатидан республика, умумиттифоқ даражасидан қарийб 2,2 баравар, сут истеъмол қилиш жиҳатидан деярли 2 баравар, тухум истеъмол қилиш жиҳатидан 2,5 баравар орқада қолмоқда.

Шу боисдан ҳозир В. И. Ленинннинг «Хўжаликнинг ҳақиқий асоси — озиқ-овқат фондидир... Давлат ҳокимиятида бундай фонд бўлмаса, бу давлат ҳокимияти ҳеч нарсага арзимайди. Бундай фонд бўлмаса, социалистик сиёсат фақат орзу бўлиб қолади» деган васияти биз учун ҳар қачонгидан кўра муҳимдир.

Марказий Комитет КПСС XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизми замиридаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий формаларидан актив фойдаланиб, аҳолининг энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини жуда тез қондиришга эришиш ҳамда 1990 йилга бориб барча озиқ-овқат турлари бўйича Совет Иттифоқининг Озиқ-овқат программасида кўзда тутилган истеъмол даражасига чиқиб олиш вазифасини қўйди.

Ушбу пленумимиз озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш, республика аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, гўшт, сут, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш борасидаги амалий чора-тадбирларни атрофлича муҳокама қилиши лозим. Пленум ўтказилишидан олдин катта тайёргарлик ишлари кўрилди. Марказий Комитетда аграрчи олимлар, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари, партия активлари билан муфассал суҳбатлар бўлиб ўтди. Озиқ-овқат комплекси маҳсулотларини кўпайтириш борасида Марказий Комитет аъзоларига тақдим этилган чора-тадбирлар — область ва район партия комитетларида, агросаноат комплексининг бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида кўриб чиқилди. Материаллар ва таклифларни тайёрлашда республика партия ва совет активлари, меҳнаткашлари вакилларидан жами салкам 3 минг киши қатнашди.

Барча қатнашчиларнинг якдил фикрича, республика озиқ-овқат проблемасини тез ва сифатли ҳал этиш учун катта реал имкониятларга эга бўлиб, аҳоли

таъминотини тубдан яхшилашга, деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлигини анча оширишга қодирдир.

Республика агросаноат комплекси фондлар, энергия ресурслари билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳар йили уни ривожлантиришга икки миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Аммо керакли самара олинаётгани йўқ. Мана, баъзи бир мисоллар: умуман мамлакатда қишлоқ хўжалигининг бир ходими йилига қарийб 8 минг сўмлик маҳсулот етиштирса, Ўзбекистонда шунинг ярмича — 4 минг сўмлик маҳсулот етиштиради. Ҳатто Тошкент области каби озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришга энг кўп ихтисослаштирилган областда ҳам ҳар бир ходим ўртача атиги 2,7 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти етиштирмоқда. Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё областларида эса бундан ҳам кам.

Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағлар самарадорлиги пастлигининг асосий сабаблари қуйидагилардир: улар қишлоқда иқтисодий муносабатларни ўзгартириш юзасидан тегишли иш билан мустаҳкамланмаяпти, инсон омилини активлаштириш, қишлоқда социал соҳани ривожлантириш иши билан мустаҳкамланмаяпти.

Бизда ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам, алмашлаб экишни ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳам, агрокомплекслар, агрокомбинатлар, ихтисослаштирилган совхозлар ташкил қилиш ҳам, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда уруғчилик иши ҳам ҳеч қандай танқидга арзимайди.

Шуни эътироф этиш зарурки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ва Секретариати, республика Министрлар Совети, республика агросаноат комитетининг раҳбарлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида туб бурилишни таъминлашга ҳали муваффақ бўлмадилар, ўз ишини ҳам, шунингдек мутахассисларнинг Ўзбекистон агросаноат комплексини қайта қуриш ишини ҳам чуқур таҳлил этиб, ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бера олмадилар.

Агар шу йилдан бошлабоқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун сира кечиктириб бўлмайдиган таъсирчан чораларни кўрмасалар партия комитетлари, совет органлари, давлат агросаноат комитети, республика колхозлари ва совхозларининг раҳбарлари халқ ишончидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкинлигини ҳозир ҳаммамиз тушуниб олишимиз керак. Озиқ-овқат программаси ана шундай ўткир бўлиб турибди, азиз ўртоқлар.

Республика партия Марказий Комитетининг Бюроси, Министрлар Совети Марказий Комитетнинг июль Пленуми йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, 1995 йилгача бўлган даврда мўлжалланган агросаноат комплексини ривожлантириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқди, бу таклифлар ҳозир СССР Госплани ва СССР Давлат агросаноат комитетида кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Бу масалалар мазкур органларда тегишли равишда кўриб чиқилгандан кейин Марказий Комитет ва Иттифоқ ҳукуматининг муҳокамасига тақдим этилади.

Бу таклифларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини жадал кўпайтириш, 1987 йилга нисбатан ўсиш суръатини бир ярим баравар ва ҳатто 2,2 баравар ошириш кўзда тутилган. 1990 йилга бориб биз гўшт етиштиришни 24 процент, сут етиштиришни 12 процент, мева ва узум етиштиришни бир ярим баравар, картошка етиштиришни икки баравар кўпайтиришимиз керак. Очиғини айтаман, ўртоқлар, бу қийин, лекин бемалол бажарса бўладиган вазифа албатта.

Ҳозир республикада салкам икки минг колхоз ва совхоз бор, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда уларнинг ҳаммаси иштирок этмоқда. Бу соҳада пахтакор хўжаликлар катта роль ўйнадилар ва ўйнамоқдалар. Дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошканинг салкам ярми, меванинг 80 проценти, сут ва гўштнинг деярли 40 проценти шу хўжаликларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Пахта Ўзбекистоннинг энг муҳим интернационал ҳиссаси, иқтисодий фаровонлигининг негизи бўлиб келганлигини ва ҳозир ҳам шундай эканлигини таъкидлашни истар эдим. Озиқ-овқат программаси пахтачиликка заррача ҳам зид эмас.

Пахта толадан ташқари салкам 500 минг тонна ўсимлик ёғи, 1,5 миллион тонна шрот ва 500 минг тонна чигит пўстлоғи беради. Булар қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулоти ва оқсилга бой емдир. Асосланган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ана шу ем ҳисобига республикада умуман тирик вазнда 250 минг тонна гўшт етиштириш мумкин.

Аграрчи олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган суҳбат чоғида экин майдонларининг оқилона структураси таъминланса, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг прогрессив формалари ва интенсив технологиялар жорий этилса, пахтакор хўжаликлар сут ва гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтиришлари мумкин эканлигини таъкидлашди. Жумладан, «Малик» совхози каби катта хўжаликнинг тажрибаси ҳам шундан далолат бермоқда. Бу совхоз 1987 йилда суғориладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 1600 центнер пахта, 800 центнер сут, сўйилган вазнда 140 центнер гўшт етиштирди. Пахтачиликни билимдонлик билан олиб боришда ҳамда партия комитетлари ва бошқа ташкилотлар колхоз ва совхозларнинг Озиқ-овқат программасига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришда пахтакор хўжаликлар резервлари ва имкониятларини ишга солиш юзасидан ташкилотчилик ишларини ўтказишда ана шундай резервлар мавжуд. Кейинроқ ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига қайси хўжаликларда неча килограммдан гўшт етиштирилганлигини ҳам айтаман.

Ўртоқлар, дон хўжалигидаги ишларимиз жуда паст даражада. Келгусида, маълумки, экин майдонларини анча кенгайтиришга имконият йўқ. Шу сабабли суғориладиган ерларда ҳосилдорликни ошириш ва лалмикор ерлардан янада самаралироқ фойдаланиш дон олишнинг манбаи бўлиб қолаверади.

Пахтачиликда кўп тажриба орттирганмиз ва ҳозир пахтачиликни янада такомиллаштириш тўғрисида гапираётган бўлсак, дон етиштиришда, бундай дейишга чўчимайман, қолоқлик сақланиб қолмоқда. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан буғдой ва арпа олаётганлигимиз, маккажўхори дони ва шоли 34 центнердан олинаётганлиги ана шундан далолат бермайдими, ахир. Бу кўрсаткич эмас, бу шармандаликдир, ўртоқлар. Муаммонинг асосий жиҳати шундаки, ҳамма областларда дон хўжалиги иккинчи даражали иш деб ҳисобланади. Ҳатто об-ҳаво қулай келган бу йил ҳам, Навоий области (ўртоқ Ефимов) хўжаликлари лалми ерларнинг гектаридан атиги 7 центнердан дон олдилар. Бундай ишлаб бўладими, ахир. Шу областда, шунингдек Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд областида лалмикор ерларнинг асосий қисми жойлашган, биз ана шу ерлардан ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам камида бир миллион тонна донни муқаррар олишимиз керак, амалда эса шунинг ярмини оляпмиз ва озиқ-овқат ресурсларига қўшиладиган катта ҳиссадан маҳрум бўлиб қоляпмиз.

Бунинг сабаби шундаки, дон етиштиришда яхши жиҳозланган звено ва бригадалар етарли эмас, ижара, бригада, оила пудратини ёмон жорий этяпмиз. Кеча Виктор Петрович Каттақўрғон районида ижарачилар билан суҳбатлашди. Улардан бири лалми ерлардаги иш тажрибасини гапириб берди: бу йилги шароитда у 2600 гектар ернинг ҳар гектаридан 18 центнер дон олган. У республикамизда лалмикор деҳқончилик барқарор 15—18 центнер дон бериши мумкин, деб ҳисоблайди. Нима учун биров ана шундай натижага эришадию, бошқалар унинг ёнида уч баравар кам ҳосил оладилар? Бунинг сабаби битта — дон етиштиришда тартиб йўқ, жойларда ҳатто лалми ерларни ҳам ижарага беришга қўрқишяпти, алоҳида кўрсатма бўлишини кутишяпти. Ихтисослаштирилган шоликор хўжаликларда ҳам ана шундай тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Бу хўжаликларда шоли экилган майдонлар йилдан-йилга камаймаяпти ва ҳозир 75 процентни ташкил қилмоқда. Гектаридан 50—60 центнердан шоли олиш ўрнига, биз 34—35 центнердан оляпмиз. Бунда партия, совет органларининг, агросаноат комплексларининг ташкилотчилик ишлари сустлиги ҳам кўриниб турибди. Яқингача мавжуд бўлган «Главсредазирсовхозстрой» (раҳбари ўртоқ Турсунов) далаларни текислаш юзасидан тегишли ишларни амалга оширмади. Биз атиги 34 центнердан шоли етиштириш учун энди суғориладиган ерлардан фойдалана олмаймиз. Шоли ҳосилдорлигини ошириш юзасидан жиддий вазифаларни ўртага қўйиш ва бутун кучни сарфлаб ҳосилдорликни оширишга эришиш лозим.

Пленумдан олдин бўлиб ўтган суҳбатларда кўпгина раҳбарлар, олимлар, оддий қишлоқ меҳнаткашлари республика озуқабоп дон етиштиришни кўпайтириш имкониятига эга ва уни кўпайтириши керак деган фикрни билдиришди. Улар ғаллазорларга арпа, тритикале, сули ва уларни дуккакли дон экинлари билан аралаштириб экишни ҳаққоний равишда маслаҳат бердилар. Шундай қилингандагина гектаридан олинадиган тўйимли массани 1,5 баравар кўпайтириш мумкин. Биз болгар дўстларимизнинг тажрибасидан ҳам тўлиқроқ фойдаланишимиз

лозим. Республикамизга келган болгариялик дўстлар Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларидаги унча яхши бўлмаган ерларда шу йилнинг ўзидаёқ маккажўхоридан гектар бошига 65—80 центнердан ҳосил олишди. **Хуллас,** ҳамма дончиликка эътибор бериши керак ва бунда аниқ битта вазифа турибди — 1990 йилда ялпи дон ҳосилини икки миллион тоннага етказиш, кейинги беш йиллик охирига бориб эса, яна 20 процент ошириш керак. Бунда дон ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 30 центнерни, жумладан шоли ҳосилдорлиги 55, маккажўхори ҳосилдорлиги умуман республика бўйича 65—70 центнерни ташкил этиши лозим. Ўшандагина Озиқ-овқат программасидаги жиддий силжишлар тўғрисида гапириш мумкин бўлади.

Маълумки, республика мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини кўплаб етиштирувчи республика бўлиб, бу ҳол Ўзбекистонни ўзимизнинг умуман Иттифоқнинг ҳам Озиқ-овқат программасига ҳисса қўшишда алоҳида шароитларга қўяди. Республикамизнинг шу тармоғида тўққиз район ҳамда 285 колхоз ва совхоз ихтисослаштирилган. Аммо республика ўн биринчи беш йилликда ва шу беш йилликнинг икки йили ичида мева-сабзавот турларидан биттаси бўйича ҳам маҳсулот етиштириш планларини бажармади.

Гапни жуда ташлаб қўйилган соҳа бўлмиш картошкачиликдан бошлайман. Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Қашқадарё областларида ўтган йили картошка етиштириш планининг ярми аранг бажарилди. Нима учун, деган ҳаққоний савол туғилади. Республика Давлат агросаноат комитетининг, шу комитет область ва район бўлинмаларининг, шунингдек колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари регионнинг маҳаллий иқлим шароитида картошка етиштириб бўлмайди, деб доимо ҳеч нима билан оқланмаган гапларни гапиришади десам, хато қилмасман. Аммо Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» — Хоразм зонаси, Риштон районидаги «Ленинград» — Фарғона водийси совхозларининг, Наманган областининг Чуст районидаги Навоий номли, Бағдод районидаги «Победа» колхозларининг кўп йиллик иш тажрибаси бундай гап-сўзларни чиппакка чиқаради. Бу хўжаликлар гектар бошига 150—190 центнердан картошка олмоқдалар. Бундай муваффақиятларнинг сири оддий, бу ҳам бўлса тупроқни органик ўғит билан бойитиш, яхши уруғлик, меҳнатни тўғри ташкил этиш, пудратнинг коллектив формаларини жорий этишдир.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг (ўртоқ Акмалхонов), сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институтининг (ўртоқ Нуриддинов) ва «Узсортсемовощ» бирлашмасининг (ўртоқ Хўжаев) раҳбарлари ҳам ёмон кайфиятга берилиб кетишди. Тўғрисини айтсак, бизда картошкакорлик бошқа жойлардан келтириладиган уруғликка асосланганлиги, 40 тадан кўпроқ нав экилаётгани, шулардан фақат олти нави районлаштирилганлиги уларни ҳозирча ташвишлантирмаяпти. Бунда ҳар қандай мубоҳасани тўхтатиш ва қатъий позицияни эгаллаш — ихтисослаштирилган уруғчилик хўжаликлари тармоғини, аввало Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент областларида тезлик билан ташкил этиш керак, деб ўйлаймиз. Бу 1990 йилгача картошка етиштиришни 1987 йилга нисбатан икки баравардан зиёд кўпайтириш имконини беради. Пленум арафасида унинг материалларини муҳокама қилишда қатнашган мутахассислар ана шундай ёндашувни қўллаб-қувватламоқдалар.

Аммо бу ҳолда ҳам аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжининг атиги ярмигина қондирилади, бошқа районлардан картошка ташиб келтиришдан воз кечишга ҳозирча муваффақ бўлинмаяпти. Бир қанча ўртоқлар бу хусусда шундай бир дадил таклиф киритдилар. Картошка анъанавий равишда етиштириб келинган зоналарда, бошқа республикалар ва областларда республика қишлоқ меҳнаткашларининг иштироки билан картошка етиштиришни ташкил қилса қандай бўларкин? Дастлабки пайтларда тажриба тариқасида мамлакатнинг картошкакор районларида аҳоли зич яшайдиган областларимиз учун бир-иккита совхоз ажратиб бериш мумкин бўлур эди, ана шу районларда республика картошка етиштириш ҳамда сақлаш ва шундан кейин уни истеъмол қилинадиган жойларга, қолаверса умумиттифоқ фондига ҳам етказиб берувчи базани барпо этган бўлур эди.

Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Умаров яқинда Калинин областида бўлди. У ерда жуда катта ер майдонлари бўлиб, 500

минг гектардан кўпроқ ердан фойдаланилмайди, одамлар йўқ, картошка етиштириш учун имконият жуда катта. Фарғона, Андижон, Наманган областлари ва бошқа областлар у ерга 500 кишидан 1000 кишигача одам юбориб икки-учта хўжалик ташкил қилсалар бўлмайдими? У ерда тайёр уй-жойлар бор, ишнинг вахта методидан фойдаланиш мумкин. Фақат ақл билан, ташаббускорлик билан меҳнат қилиш лозим. Россия федерациясидаги ўртоқлар, Калинин область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Татарчук ҳам бундай қадамни тўла маъқулламоқда. Бу ишга фаол киришиш лозим. Марказий Комитет ва республика ҳукумати эса бу ишни ташкил этишнинг конкрет масалаларини ўйлаб кўрадилар.

Сабзавот ва полиз экинлари етиштириш ҳам шу вақтгача бўлганидан мутлақо бошқача, янгича ёндашувни талаб этади.

Масалан, нима учун Тошкент областида кейинги етти йил ичида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш деярли кўпаймади, ҳосилдорлик эса пасайиб кетди? Тошкент область партия комитетидагилар ва область ижроия комитетидагилар наҳот бундай хатарли тенденцияларни сезмаётган бўлишса? Албатта сезишяпти. Бироқ область партия комитети ҳам, унинг собиқ биринчи секретари ўртоқ Т. А. Алимов ҳам, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ П. М. Абдураҳмонов ҳам, область агросаноат комитетининг раиси ўртоқ Н. И. Гусаков ҳам раҳбарларга нисбатан бирон марта қаттиқ талабчанлик қилмадилар, айни вақтда ўзлари ҳам бундан четда турдилар. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш плани турли ҳийла-найранг билан бажарилмоқда. Бундан область партия комитети ва область ижроия комитети хабардор, деб ўйлайман. Планнинг ҳажмига эртаги карам ва пиёз, полиз экинлари бўйича эса кечки тарвуз етиштириш ҳисобига эришилмоқда. Бунда етиштирилаётган маҳсулот турлари кўнгилдагидек эмас. Барча маҳсулот бир вақтнинг ўзида пишиб етилади ва тезда тугайди. Эртанги сабзавот ҳам, кўкатлар ҳам йўқ. Планлар бажарилмоқда, Тошкент аҳолисини бундай маҳсулотлар билан таъминлаш эса ҳамон ўткир бўлиб турибди. Бу гап Навоий, Қашқадарё ва Жиззах областларининг, деярли барча областларнинг раҳбарларига ҳам тааллуқлидир. Умуман республикада 1987 йилда 296 та хўжалик ёки ҳар уч хўжаликдан бири гектаридан 100 центнердан кам сабзавот ҳосили етиштирди. Ҳамма нарса ана шу экинларга эътибор йўқлигидан далолат бериб турибди.

Қурултойимизда Андижон ва бошқа областлардан келган хўжалик раҳбарларининг гаплари эсингиздами? Ерларимизда 600 центнердан, 700 центнердан сабзавот ҳосили олиш мумкин, биз эса ўртача юз центнердан оляпмиз. Ахир бу шармандалик-ку, ўртоқлар.

Тайёрлов хизматимиз ҳатто етиштирилган ҳосилни чинакамига қабул қилиб олиш ва реализация қилишга қодир эмас. Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхознинг раиси ўртоқ А. Абдухоликов пленум олдидан бўлиб ўтган суҳбатда ҳозирги вақтда маҳсулотни етиштиришдан кўра уни топширишда қийинчиликлар кўпроқлигини айтди. Шу хусусда Марказий Комитетга боғдорчилик ширкатлари ва томорқа участкаларининг эгаларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан кўплаб шикоятлар тушган. Бу матлубот кооперацияси ва бошқа тайёрлов органлари, жумладан агросаноат комитетининг тайёрлов ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва сотишни яхши йўлга қўймаётганлигидан, бозорда ўз маҳсулотини сотувчи кишилар эса бундан фойдаланиб, ўзича нарх белгилаш имкониятига эга эканлигидан яққол далолат беради. Кооперативлар эса бу ишни янада авж олдиришяпти. Чунончи, июль ойида республикамиз шаҳар бозорларида пиёзнинг нархи Донецк ва Полтавадагига нисбатан бир ярим баравар, Андижон ва Термизда лавлагининг нархи Каунас ва Ровно шаҳарларидагига нисбатан 4—8 баравар юқори бўлди. Агар Тошкентда тухумнинг нархи 20 тийин бўлса, Фрунзеда 12 тийин, Актюбинскда эса 10 тийин. Наҳотки тухум етиштиришни ҳам таъминлай олмасак?

Биз масалани ҳозир шу тарзда ўртага қўймоқдамиз: шаҳарликларни сабзавот билан таъминлаш ишида шу йилнинг ўзидаёқ жиддий бурилиш бошланиши, келгуси йили эса тақчиллик умуман тугатилиб, помидор, карам ва бошқа сабзавот маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ деярли барча муаммолар тугатилиши керак.

Ҳар бир область маркази теварагида, энг аввало Самарқанд, Андижон, На-

манган, Қашқадарё, Сурхондарё областларида мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган ихтисослаштирилган зоналар барпо этиш зарур. Тошкент шаҳри ва Тошкент областига келганда, 1989 йилдан бошлаб Янгийўл районн ва Нариманов шаҳрининг хўжаликлари, эҳтимол яна бошқа бир қанча хўжаликлар ҳам ана шундай маҳсулот етиштиришга тўлиқ ўтишлари керак. Область партия комитети ва область ижроия комитети агросаноат комплекси билан биргаликда бу масалани ҳал қилиш йўлларини ўйлаб кўришлари керак. Самарқанд области раҳбарларининг фикрига қараганда бу ерда сабзавот етиштиришни мустаҳкам асосга қўйиш, масалан картошка етиштиришни ана шундай асосга қўйиб, бу маҳсулот билан фақат Самарқанд аҳолисини эмас, Тошкент шаҳрини ҳам таъминлаш учун яхши имконият бор.

Марказий Комитет Бюроси ана шундан келиб чиқиб республика Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ғ. Х. Қодировга озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва аҳолини шундай маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан кундалик назорат уюштириш вазифасини топширди. У областларнинг раҳбарлари билан биргаликда шошилинч равишда, айни ҳисоб-китоблар асосида, мазкур масалани ғоят диққат билан чуқур ўйлаб кўриши, бу контрол актив ва таъсирчан бўлишига эришмоғи лозим.

Республикада теплицалардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар ниҳоятда суст ўнглаияпти. Хонқа районидаги «Правда», Тўрткўл районидаги «Коммунизм», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларида, қиммат турадиган мана шу иншоотларнинг ҳар квадрат метридан жуда кам ҳосил олмоқдалар. Жиззах, Наманган, Сирдарё областларида теплицалар имкониятининг ярмидан сал кўпроғидан фойдаланилмоқда.

Кеча Виктор Петрович қишлоқ хўжалик мутахассислари ва дала меҳнатчилари билан суҳбат чоғида теплицаларда ҳар квадрат метрдан 7 килограммдан сабзавот олинаётганлиги учун бизни койиди. Бизда эса бундан ҳам камроқ, 3—4 килограммдан ҳосил олаётган хўжаликлар ҳам бор. Бу чинакам хўжасизлик ва масъулиятсизликдир. Наҳотки, теплица хўжаликлари базасида ижара коллективларини ташкил этиб, улар самарали ишлашига, фойда келтиришига эришиб бўлмаса?

Кўпгина теплицалар лойиҳалардан кўпол равишда чекиниш ёки умуман зарур технология ускуналари ва инженерлик тармоқларисиз, чамалаб ҳисобот учунгина қурилган. Аммо аҳвол шундай эканлигига қарамай, Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосарлари С. Г. Хорев ва Т. Н. Набиев ўртоқлар теплицалардан фойдаланишни яхшилаш ва уларни реконструкциялаш, бу ерда илғор тажрибани жорий этиш масаласини ўзларига тааллуқли эмас деб ҳисобламоқдалар. Совуқ кунлар бошлангунга қадар республиканинг барча теплица хўжаликларини текшириб чиқиш, маҳсулотни талон-торож қилиш ва ўғирликнинг барча йўлларини бартараф этиш, теплицаларнинг ҳар бир квадрат метрини ҳисобга олиш керак, деб ўйлайман.

Истисносиз ҳамма теплицаларни оилалар ва бригадаларга тақсимлаб бериб шартнома тузиш ҳамда теплица Тошкент яқинидами ёки Шуманайдами — қаерда бўлишидан қатъи назар ҳар квадрат метридан 20 килограммдан бодринг, помидор ва бошқа маҳсулотлар олинишини таъминлаш керак.

Плёнка остида эртанги картошка ва сабзавот етиштиришни ривожлантириш фойдаланилмаётган жуда катта резервдир. Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа областлардаги шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг тажрибаси, шунингдек мутахассислар ва раҳбарлар билдираётган фикр-мулоҳазалар плёнка остида деярли ҳар йили 10 майгача картошка ва карамдан, 1 июнгача помидордан яхши ҳосил олишнинг реал имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Пахта комплексининг ўзидагина суғориладиган экинзорларнинг 200—300 минг гектарига ана шундай экинлар экиш мумкин. Бир қанча областларда ана шу ерларда ҳосилни йиғиштириб олгандан кейин чигит экиш, бошқа областларнинг ҳаммасида эса дон ва силос учун маккажўхори, бошқа озуқа экинлари экиш мумкин. Ишлаб чиқаришни бундай ташкил этиш ерлардан фойдаланишни яхшилашга ҳам, қишлоқ меҳнатчиларининг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳам кўмаклашади.

Тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ўртоқлар, республиканинг колхоз ва совхозлари плёнка остида қўшимча равишда 1,5 миллион тонна картошка ва шунча миқдорда жуда эртанги помидор олиши мумкин.

Марказий Комитет Бюроси республика Давлат агросаноат комитетининг раиси коммунист ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков ва унинг биринчи ўринбосарлари Антонов ва Умаров ўртоқлардан келгуси қишлоқ хўжалиги йилидан бошлабоқ плёнка остида экин экишда катта бурилиш қилиш учун кечиктирмай тадбирлар белгилашни талаб этади. Республикамиз шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг бундай резервини бой беришга йўл қўйиб бўлмайди.

Сабзавотчиликдаги ишларнинг аҳволини таҳлил этишни тугатар эканмиз, бизда мазкур тармоқни тубдан юксалтириш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Республикада сабзавот экинлари ҳосилдорлигини гектаридан 250 центнерга етказиш зарур. Бир қанча хўжаликларимизда гектаридан 500—600 центнердан қовун-тарвуз олишаётганини юқорида айтиб ўтган эдим. Бунинг маъноси шуки, 1995 йилга бориб сабзавот етиштириш умумий ҳажмини 4 миллион тоннага ва полиз экинлари маҳсулоти етиштириш ҳажмини 1,2 миллион тоннага етказиш реал вазифадир. Бу эса Умумиттифоқ фондига бундай маҳсулотлар етказиб бериш планларини бажариш, рационал норма бўйича 142 килограмм, республика эҳтиёжини, қайта ишлаш саноатини эса доимий хом ашё билан таъминлаш имконини беради.

Боғдорчилик ва узумчилигимизнинг илгариги шон-шуҳратини қайта тиклаш зарур.

Биринчидан, суғориладиган ерлардаги эски мева дарахтларини, айникса кейинги ўн йил давомида барпо этилган боғ ва токзорларни тартибга келтириш керак. Бу борада энг аввало мева дарахтлари ва токлар 30 процент ва баъзи жойларда 50 процент сийраклашиб қолганини тугатиш, токларни шпалерларга кўтариш, соҳибкорларнинг иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш лозим.

Фарғонадаги баъзи хўжаликларни бориб кўрилганда боғларнинг накадар сийраклиги яққол кўзга ташланиб қолди. Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли баъзи боғларда аҳвол бундан ҳам ёмон: ўрмонларнинг сийраклашиши 70 процентга қадар етади. Шунга қарамай министрлик раҳбарлари бу иш билан шуғулланмаяптилар, катта-катта резервларни ишга солмаяптилар. Шу сабабли ҳозир савдода ёнғоқ, писта, бодом, қуритилган ўрик мутлақо йўқ деса бўлади.

Область комитетлари ва район комитетлари, ижроия комитетлар олдинги йилларда ва бу йил боғлар барпо этиш юзасидан кўп иш қилдилар. Аммо эндиликда боғлар чинакамига парвариш қилиниши лозим. Эски боғларни ҳам тартибга солиш керак. Биз ҳозир «рашидовчилик» йилларида юз минг гектар боғ ва токзорлар нобуд қилинганлигини, ўрнига пахта экиш учун ҳайдаб юборилганлигини ва ана шу ерлардан арзимас миқдорда ҳосил олинаётганлигини ачиниб ва алам билан гапиряпмиз. Йиллар давомида парвариш қилинган боғларни дарҳол тиклаш керак.

Иккинчидан, республиканинг тоғолди ва тоғли районларида боғ ва токзорлар барпо этиш учун ерларни ўзлаштириш лозим. Бу ерларда 200 минг гектаргача майдонга кўчат ўтказса бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра келгусида ана шу зоналарда камида 1,5—2 миллион тонна мева ва узум етиштирса бўлади. Янгиқўрғон, Косонсой, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Бўстонлик, Оҳангарон, Паркент, Олтинсой, Китоб ва республикамиздаги бошқа бир қанча районларнинг тоғолди майдонларида бу ишни ғоят кам харажат билан бажариш мумкин.

Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, мева-узум маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, қишлоқ жойларда қўшимча равишда меҳнатга лаёқатли 200—300 минг нафаргача аҳолини иш билан таъминлашга имкон беради. Зеро бу фақат хўжалик вазифаси бўлибгина қолмай, шу билан бирга муҳим социал ва аввало сиёсий вазифа ҳамдир.

Республикамиз ўзининг ихтисослашганлиги, аҳоли тез кўпайиши, ер ва сув ресурслари чекланганлиги, табиий яйловларнинг йўқлиги сабабли гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтиришда катта қийинчиликларга дуч келмоқда.

Шунга қарамай, илғор хўжаликларнинг тажрибаси, илмий муассасалар ва Госпланнинг ишланмалари мавжуд потенциалдан тўғри фойдаланилса, барча имкониятлар ва резервлар ишга солинса, шунингдек, чорвачиликни ривожлантиришда тегишли структура ўзгаришлари қилинса, биз гўшт етиштиришни анча юксал-

тириб, ўзимизни сут ва сут маҳсулотлари билан тўла таъминлай оламиз. Шу муносабат билан келгуси беш йилликдаёқ республикамизда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилишни 40—45 килограммга, сут истеъмол қилишни 250 килограммга етказиш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилиш лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети барча коммунистлар олдига, республиканинг ҳамма меҳнаткашлари олдига ана шу вазифани қўймоқда бизнинг бошқа йўлимиз йўқ.

Аммо ҳамма гап шундаки, деди КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Михаил Сергеевич Горбачев, сигир сут бериши учун уни ҳеч бўлмаса боқиш керак, ишимиз олға силжиши учун ҳеч бўлмаса яна ишлаш керак. Бизда эса ўтган йили колхозлар ва совхозларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи чорва мол ва парранда тайёрлаш планини бажармади, 38 минг тонна гўштни кам етказиб берди, хўжаликларнинг 21 проценти сут тайёрлаш планини уддалай олмади, ҳар тўрт хўжаликдан бири тухум тайёрлаш планини барбод қилди.

Озуқа базасини ривожлантиришнинг муҳимлигини тушуниб етмаслик чорвачиликни интенсивлашга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан биридир. Кўпчилик хўжаликларда ем-хашак етиштириш хўжалик ҳисоби, пудрат ва ижара асосида ишлайдиган тармоқ қилиб ихтисослаштирилмаган. Умуман республикада бу йил белгиланганига нисбатан 52 минг гектар ерга озуқа кам экилди, шундан 40 минг гектари Қорақалпоғистон АССР, Тошкент ва Қашқадарё областларига тўғри келади. Бунинг устига мана шу регионларда кўзда тутилганидан кўпроқ майдонларга пахта экилган.

Ана шу областлар совет органларининг раҳбарларидан, биринчи навбатда Д. С. Егоров, П. М. Абдураҳмонов, А. Г. Кадин ўртоқлардан, партия комитетларидан озуқа экинларига бундай муносабат билан чорвачиликни тубдан юксалтиришни, кўп сут олишни умид қилиш мумкинми, деб сўрашни истар эдик.

Ҳозирги вақтда ем-хашак етиштириш қизғин бормоқда. Бироқ кўпгина одамлар кўл учида ишлашаяпти. Гарчи ҳозирги кунгача озуқа тайрлаш плани бажарилаётган бўлса ҳам ва биз ўтган йилги даражага етган бўлсак ҳам бу хотиржамлик учун сира асос бўла олмайди. Ўтган йилги даражани республикамиз учун намуна деб ҳисоблаш мумкин эмас, бу паст даража бўлган эди, биз эса яхшироқ даражага интилишимиз керак. Бир қанча областларда айникса Андижон, Навоий, Сирдарё ва Хоразмдаги хўжаликларда озуқа тайёрлаш ёмон бормоқда. Агар ишга синчиковлик билан назар соладиган бўлсак, аслида ҳар бир областда озуқабоп лавлаги, маккажўхори, соя, дон, беда етиштиришда жуда бой тажриба тўпланганлигини кўрамиз. Республикада 730 минг гектар ерга беда илгари ҳеч качон экилмаган эди-ку? Тўғри ёндашиладиган бўлса, қарийб 200 минг гектар ерга маккажўхори, соя ва бошқа экинлар экиш мумкин.

Куни кеча республика бўйлаб сафар қилганимизда аралаш экинларнинг юксак самарадорлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бундай майдонларда 32 қатор маккажўхоридан кейин 8 қатор соя экилмоқда. Бунда иккала экин ҳам жуда яхши авж олмоқда. Пудрат усулида ишлаётган бригадирлардан бири ҳар гектардан шартномадаги 45 центнер ўрнига 90 центнердан маккажўхори, 25 центнер ўрнига 40 центнердан соя олишни мўлжаллаб турибди. Ана шу тажрибани вақти ғаниматида кенг ёйиш лозим эмасми?

Энди, ўртоқлар, чорвачиликниг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз. Сўнгги йилларда жамоат секторида подалар сони аслида кўпаймаяпти, қўй-қўзилар сони ҳатто камайиб кетди. Чорва моллар сони ҳар бир областда ҳар хил. Агар Тошкент, Фарғона, Хоразм, Андижон ва Наманган областларида ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 13—17 тадан сигир тўғри келса, Сирдарё ва Қашқадарё областларида атиги 6—7 тадан сигир тўғри келади. Ҳолбуки, суғориладиган зонадаги ҳамма хўжаликларда ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига кам деганда 20 бош сигирга эга бўлиш керак. Биз бу ишни уддалай оламиз.

Экин майдонлари бирлигига районлар ва хўжаликларда гўшт ва сут етиштиришдаги тафовут 10 бараварга етади. Шуманай, Ленинобод, Чирокчи, Меҳнатобод районларида ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига 5—11 центнер гўшт етиштирилмоқда. Коғон районидаги Калинин номли колхозда ҳар 100 гектар ер ҳисобига атиги 2 та сигир тўғри келади ва 71 центнер сут етиштирилмокда. Ўрток Ҳасан Жубаров бу ерда 4 йилдан буён раис бўлиб ишламоқда, шу вакт ичида район партия коми-

тети ҳам, агросаноат органлари ҳам ана шу масъулиятсиз раҳбардан бирор марта ҳам чинакамига иш талаб қилмади. Нега бундай муносабатга йўл қўйилмоқда? Ўтган йили автоном республикада, бир қанча областларда, жумладан Навоий, Қашқадарё, Жиззах областларида сигир ва совлиқларнинг бир қисми қисир қолди ва хўжаликлар гўшт, сут етиштириш умумий ҳажмининг учдан бир қисмини ололмадилар. Сигирларнинг қисир қолиши тўғрисида биз кўп гапиряпмиз, лекин на давлат агросаноат комитети, на хўжаликларда бу соҳада бирор тегишли чора кўрилмаяпти. Ахир битта қисир сигирни бир йил боқиш хўжаликка 600—700 сўмга тушади, бинобарин, маҳсулот таннархи қимматлашади. Бу мавзуда тўхтовсиз гапиришга чек қўйиш керак.

Давлат агросаноат комитети наслчилик ишида ҳам нотўғри сиёсат ўтказаяпти, деб ўйлайман. Ҳар йили республикамизга 30—35 минг бош зотдор бузоқ келтирилмоқда, бунинг учун 50 миллион сўмдан кўп пул сарфланмоқда. Бу ахир жуда катта маблағ, ўртоқлар. Йилига 50 миллион сўм! Янгилашнинг бундай суръатида колхоз ва совхозлардаги ҳамма подаларни аллақачон зотдор ҳайвонлар билан алмаштириш мумкин эди. Молларни ҳарид қилишга сарфланган маблағ ўзини оқламаяпти. Шунга қарамай, Давлат агросаноат комитети органлари, районлар, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари мамлакатнинг бошқа регионларидан зўр бериб чорва келтирмоқдалар, шу ернинг ўзида наслчилик базасини ташкил этиш эса жуда ёмон аҳволда.

Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари коммунист ўртоқ Х. Исқановнинг хато иш услуби бу соҳада яққол кўзга ташланмоқда, десак янгилишмаган бўламиз. У мазкур масаланинг пленумдаги муҳокамасидан ғоят жиддий хулосалар чиқариб олиши лозим.

Мамлакатимизда эмбрионларни кўчириб ўтказиш методи билан юзлаб зотли сигирлар етиштирилган хўжаликлар кўп. ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ва унинг раиси ўртоқ Ш. А. Акмалхонов эса ўзига қарашли хўжаликда сўнгги саккиз йил ичида шу метод билан атиги 4 та бузоқ олди. Бунинг устига республиканинг тоғли ва тоғолди зоналарида «санта-гертруда» зотини, Қорақалпоғистон АССРда эса қозоқ оқбош сигири ва кўп гўшт берадиган бошқа зотларни кўпайтириш юзасидан ихтисослаштирилган хўжаликларни кенгайтириш соҳасида ҳеч иш қилинмаяпти.

«Узптицепром» корхоналари ҳам ҳозир ўз имкониятларидан анча паст даражада ишламоқда. Бройлер паррандачилик фабрикалари қувватининг учдан икки қисмидангина фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш фондларини янгилаш жараёни ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Паррандалар маҳсулдорлиги кам, уларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, бунинг натижасида бизда аҳоли жон бошига тухум ва парранда гўшти истеъмол қилиш мамлакатимиздаги энг паст даражада қолмоқда.

«Узптицепром» раиси ўртоқ Б. А. Пискуновга кўп марта жиддий эътирозлар билдирилди, у ўз фаолияти натижаларини кўпайтириб кўрсатишни ёқтиради, аҳволни ўнглаб олиш учун таъсирчан чораларни кўрмаяпти. Паррандачилик бошқармасида коллегиаллик йўқ, маъмуриятчилик ҳукм сурмоқда. Ўртоқ Б. А. Пискунов ўз фаолиятида бошланғич партия ташкилотига таянмайди, кўпинча коммунистлар фикрини менсимайди, раҳбар кадрларни танлашда катта хатоларга йўл қўймоқда. «Узптицепром» олдида катта вазифалар турибди. Марказий Комитет Бюросида бу ҳақда биз ўртоқ Пискуновга гапирдик. 1995 йилда тухум етиштиришни 1,9 миллиард донага ва парранда гўшти етиштиришни 145—150 минг тоннага етказиш лозим, яъни уларнинг ҳажми 1987 йилга нисбатан 1,7 баравар кўпайтирилиши керак. Бу батамом реал вазифадир, бинобарин, ўртоқ Пискунов ва агросаноат раҳбарлари бу вазифанинг бажарилишига эришмоқлари лозим.

Қўйчиликда ҳал этилмаган кўпгина муаммолар тўпланиб қолди. Ҳозир қўйчилик йилига тирик вазнда 60 минг тонна гўшт, 2 миллионтагача қоракўл тери, кўп миқдорда жун етказиб бермоқда.

Пленумда ҳозир бўлган кишиларнинг кўпчилиги эсласалар керак, республика бир вақтлар пишлоқ ишлаб чиқарар эди, ҳозир эса пишлоқ тайёрлаш унутиб юборилди. Ем-хашак базаси, яйлов майдонлари қисқаряпти, уларнинг маҳсулдорлиги камайяпти: яйловларни яхшилаш ишлари ёмон аҳволда.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, биринчи навбатда яйловларнинг озуқа маҳсулдорлигини ошириш, қўйлар сонини ем-хашак базасига мувофиқлашти-

риш зарур, бу эса яйлов оборотини ташкил этиш ва фитомелиорация ишларини мунтазам ўтказиш имконини беради. Бироқ, республика ҳукуматининг бу масала юзасидан 1978 йилда қабул қилган қарори мутлақо бажарилмаяпти. Шу муносабат билан ўртоқ Х. Искановнинг иш услуби тўғрисида яна гапиришга тўғри келади. У пленумда қатнашаяпти ва тегишли хулоса чиқариб олади, деб ўйлайман. Биз ҳар бир конкрет соҳа учун, чорвачилик мутахассислари ва раҳбарларга нисбатан талабчанликни кескин даражада оширишимиз, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни пировард натижага боғлиқ қилиб қўйишимиз ва эгаллаб турган лавозими учун эмас, балки етиштирилган маҳсулот учун ҳақ тўлашимиз керак. Бутун тармоқ хўжалик ҳисоби, оила ва ижара пудратига ўтказилганидан кейингина буни таъминлаш мумкин бўлади.

Пленум арафаси кунларида биз кўпгина ижарачилар, пудрат асосида ишлаётган бригадалар, звенолар, коллектив пудрат раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Улар анчагина марокли ишларни қилмоқдалар. Юзтадан тортиб 600 тагача чўчқани бўрдоқига боқмоқдалар, уларни дурустгина семиртирмоқдалар, шунга ишончимиз комил бўлдики, ҳамма ерда янгича ишлаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий қилиш мумкин.

Яна бир жуда муҳим соҳа — **қоракўлчиликдир.** Давлат агросаноат комитети билан ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими қоракўлчилик хўжаликларини бошқаришни такомиллаштириш ва уларни янада ривожлантириш юзасидан таклифларни эътибор билан ишлаб чиқишлари керак, деб ўйлайман. Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун **саноат корхоналари ва ташкилотларининг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги** имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш керак. Биз Марказий Комитет ва ҳукуматда мазкур масалаларни бир неча бор кўриб чиққан эдик. Ҳозир иш силжиган кўринади. Ер участкалари, техника, сув ажратилмоқда, ижобий мисоллар ҳам бор. Масалан, Наманган область Учқўрғон ёғ-экстракция заводи (директори ўртоқ Умаров, секретарь ўртоқ Х. Набижонов) ёрдамчи хўжалиги ҳар бир ишчи ҳисобига 60 килограмм гўшт ва 92 килограмм сут етиштирди. Қўнғиротда (А. М. Сергеев, Д. Искандаров ўртоқлар) 1988 йилнинг биринчи ярмида ҳар бир ходими ҳисобига 136 килограмм гўшт ва 102 килограмм сут етиштирилди. Айни вақтда деярли кўпчилик областларда бу масала билан чинакамига шуғулланмаяптилар. Тузилган ёрдамчи хўжаликлардан одатда ёмон фойдаланилмоқда, мазкур хўжаликларда ҳар бир ишловчига 3—4 килограммдан гўшт, 5—6 литрдан сут тайёрланмоқда. Бунга йўл қўйиб бўладими, ахир? Биз дурустгина суғориладиган ерларни, яхши техникани ажратиб бермоқдамиз, наҳотки хўжаликларнинг раҳбарлари ишни йўлга қўйишга қодир бўлмасалар? Бу борада ишга масъулият билан муносабатда бўлиш етишмаяпти.

Колхозчилар, совхоз ишчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари бизнинг ғоят муҳим резервимиздир. Чорвачилик маҳсулотларининг қарийб ярми, мевасабзавотнинг 40 процентдан кўпроғи ана шулар ҳиссасига тўғри келади. Бу бизнинг катта резервимиздир, бинобарин, бу соҳа билан дурустроқ шуғулланиш лозим.

Маҳсулотнинг ортиқча қисмини сотишда аҳолига мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида автоном республика Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, Ўзбекбирлашув (ўртоқ Маҳмудов) ҳозирги беш йилликнинг охирига қадар барча аҳоли пунктларида доимий ишлайдиган ва мавсумий, кўчма харид — қабул пунктлари, шахсий хўжаликларни юритиш учун зарур бўлган кўп талаб қилинаётган саноат товарларини сотадиган магазинларнинг кенг тармоғини ташкил этишлари зарур.

Ҳамма ерда шундай қилиш керак. Биз бундан икки йил муқаддам Нукусда ўртоқ К. С. Саликов билан биргаликда шу ишнинг уюштирилиши билан танишган эдик, бу яхши самара бермоқда. Нега энди бошқа ерларда ҳам худди шундай қилиш мумкин эмас?

Мева, резавор мева, узум ва сабзавот етиштиришни кўпайтиришда боғдорчилик-полизчилик ширкатларининг роли анча оширилиши лозим. Бунинг учун кенг йўл очилган, барча тақиқловчи инструкциялар бекор қилинган. Бунинг учун маънавий ва моддий рағбатлантириш омиллари бор. Республика ҳукумати янги боғдорчилик, узумчилик ширкатлари ташкил этиш учун қарийб 8,5 минг гектар ер ажратди. Аммо уларни амалда расмийлаштириш кечикиб кетди, ҳозирча 5 минг гек-

тар ер ажратилди. Иш нега суст бормоқда? Бу ахир, шунчаки истак ва тавсиягина эмас. Бу хусусда КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукуматининг қарори бор, уни сўзсиз бажариш керак.

Пленум олдидан иши жиддий муҳокама қилинган яна бир тармоқ бор. Ер-сув ресурслари бўлган республикамизда балиқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда катта имконият бор.

Аммо республикамизнинг кўпгина областларида ҳовузларнинг маҳсулдорлиги гектаридан 7—15 центнердан ошаётгани йўқ. Бу ниҳоятда паст кўрсаткичлардир.

Ана шу тармоқ раҳбари ўрток Х. Г. Тен лоқайдлик ва хотиржамликка берилмоқда. Бундан бир ярим ой муқаддам биз Марказий Комитетда у билан суҳбатлашганимизда, ўрток Тен қўшни республикаларга нисбатан тармоғимиздаги кўрсаткичлар икки баравар юқорилигини айтди. Биринчидан аҳвол бунчалик эмас, ҳатто шундай бўлганида ҳам, бу кимга мақбул бўлар эди? Шу хусусда ҳозир кўп нозарур ва нотўғри мулоҳазалар айтилмоқда, ҳатто маҳаллий аҳоли балиқ ейишни истамайди ҳам демоқдалар, бу бемаъниликдир, бошқа бирон ибора бу ўринда лойиқ эмас.

Ўрток Тен, тармоқдаги бундай аҳволга биз ортиқча тоқат қила олмаймиз. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1987 йилда балиқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларини махсус кўриб чиқди, лекин шундан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Ишнинг бундай ташкил этилганлиги учун айбдорлардан қатъий сўрайдиган пайт келди.

Ҳозир қишлоқ хўжалигида коллектив пудратининг ўрни ва роли тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Партиянинг бу хусусдаги йўл-йўриқларини ҳаммангиз яхши биласиз, бунга ишончим комил, лекин очиғини айтганда, республикамизда бу иш баъзи жойларда очиқдан-очиқ саботаж қилинмоқда. Шу жиҳатдан Паркент районидаги «Бўстон» совхозида яшовчи оддий деҳқон ўрток Ражаматовнинг Марказий Комитетга ёзган хати диққатга сазовордир. У кооперативлар тузиш, ерни ижарага бериш тўғрисида мулоҳаза юритиб, қайта қуришга кимлар қарши чиқаётганлигини конкрет кўрсатиб берган, у бундай кишиларни хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, бригадирлар сиймосида кўради. У хўжаликда оддий, лекин обрўли кишилардан кенгаш тузиб, кимга қанча ерни ижарага ишониб топшириш мумкинлигини аниқлаш ҳуқуқини ана шу кенгашга беришни таклиф қилади. Кенгаш аъзолари ижарачиларнинг ишини контрол қилиб бориши ва бу ҳақда одамларни мунтазам хабардор қилиб туриши керак. Бундай хатлар кўп келмоқда. Улар воқеликни акс эттираяпти, партия комитетларини ҳаракат қилишга даъват этяпти. Бу жўн иш эмас, унга ижодий, шу билан бирга қатъий ёндашиш лозим, чунки у ишнинг муваффақиятини ҳал қилади. Ҳозир семинар ўтказиш мавриди бўлмаса ҳам, шуни айтиб ўтишни истар эдикки, пахтачиликда ва ем-хашак етиштиришда 100—150 гектар пахтазор ва бедазор ажратиб берилган бригада ижара коллективлари тузилмоқда. Бу эса алмашлаб экишга зид эмас ва яхши самара бермоқда. Сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, сут ва гўшт чорвачилигида, озиқ-овқат кичик комплексининг бошқа тармоқларида узоқ муддатли ижара, оила пудрати ривожлантирилиши керак.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти ўтказган тадқиқотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг оила ва ижара формалари секинлик билан оммалашаётганлиги ва яхши самара бермаётганлигининг ҳақиқий сабаблари — уларга энг ёмон ерларнинг ажратилаётганлиги, ижарачи бўлинмаларига ресурслар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, меҳнатга ҳақ тўлашда шартнома мажбуриятларининг бузилаётганлиги, ижарачиларни колхозлар ва совхозларнинг бошқа бўлинмаларидаги ишларга жалб этилаётганлигидир. Шундай ҳоллар содир бўлиб турибди.

Шу сабабли Давлат агросаноат комитети, партия ва совет органлари пудрат ва ижарани жорий этиш чоғида пудратчи бўлинмалар билан хўжаликлар ўртасида тўғри иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқилишига, меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилашга алоҳида эътибор беришлари зарур. Иқтисодий воситалар содда ва барча колхозчилар ҳамда ишчиларга тушунарли бўлиши, улар меҳнатга ҳақ тўлаш ишнинг пировард натижаларига боғлиқ эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари жуда муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш юзасидан кенг

микёсли чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда **етиштирилган маҳсулотдан оқилона фойдаланиш, уни сақлаш ва қайта ишлаш** озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг энг муҳим манбаидир. Шуни рўйи-рост айтиш керакки, биз бу муаммолар билан деярли шуғуллландик. Эндигина омборлар, маҳсулотни қайта ишлаш цехлари қуришга киришмоқдамиз. Ҳозир бу тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватлари 1,5 миллион тоннагача мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни, 1 миллион тоннадан кўпроқ сутни, 500 минг тонна чорва моли ва паррандани (тирик вазнда) қайта ишлашга, салкам 200 минг тонна кондитер маҳсулоти ва 550 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга имконият беради. Ун, ёрма, макарон маҳсулотлари ва аралаш озуқа ишлаб чиқариш юзасидан каттагина қувватлар ҳам барпо этилган.

Республикамиз табиатининг ўзи йилига 200 кундан кўпроқ вакт давомида ёки мамлакатимизнинг бошқа регионларига нисбатан 25—30 процент кўпроқ вакт ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш учун қулай шароит яратади. Бунинг устига сабзавотнинг айрим турларидан ана шу даврда икки-уч ҳосил олиш мумкин. Аммо шундай бўлдики, узоқ вакт давомида ана шу афзалликлардан фойдаланилмади, халқ хўжалик комплексининг энг муҳим тармоғи эса ривожланишда оркада қолиб кетди. Ҳозир қайта ишловчи саноатнинг мева ва сабзавотга бўлган эҳтиёжи факат 60 процент, бодринг, баклажон, қалампир, патиссон ва бошқа сабзавот маҳсулотларига эҳтиёжи атиги 5—6 процент қондирилмокда.

Шу билан бир вактда қайта ишловчи саноатдан фойдаланиш самарадорлиги, айникса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тури ва сифати ҳозирги талабларга ва меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос келмаслигини тан олиш керак. Масалан, консерва саноатини олиб кўрайлик. Бу саноат асосан томат (деярли 60 процент) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бунинг устига томат пастаси катта идишларда ишлаб чиқарилади. Бу тармоқ қувватларининг учдан бир қисмидан кўпроғи узумдан маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, асосан, узум шарбати тайёрлайди. Аҳоли кўп талаб қилаётган натурал консервалар, повидло, жем, киём, компотлар эса йилига жон бошига 1,5 банкадан ишлаб чиқарилмокда. Айникса, болалар учун махсулот ишлаб чиқаришнинг аҳволи коникарли эмас.

Бу ишда хўжасизлик шу даражага бориб етдики, карам, помидор, бодринг, тарвуз тузлаш билан на Давлат агросаноат комитети, на матлубот кооперацияси, на давлат савдо корхоналари шуғулланмокда. Ҳолбуки, совуқ тушиши билан сабзавотни йиғиштириб олиш тўхтатилиши ҳеч кимга сир эмас. Совуқ тушгандан кейин ҳосилнинг колган қисми далада ҳайдаб юборилади, базаларда ва савдо тармокларида товар қиёфасини йўқотган махсулот кўп микдорда ҳисобдан чиқариб юборилади, жуда бўлмаса молларга берилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, консерва саноати бир томонлама ривожланмокда. Асосий ишлаб чиқариш қувватлари билан тайёрлаш базаси ўртасидаги катта номутаносиблик сақланиб қолмокда. Умуман ишлаб чиқаришда ярим фабрикатларни тайёрлаш республика аҳолиси эҳтиёжининг кўпи билан 15—20 процентини ташкил этади. Бунинг маъноси шуки, ана шу камчилик бартараф этилса, консервачилар мавжуд қувватларда консерва ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтиришлари, мавсумийликни тугатиб, тармоқ ходимларига бутун йил давомида барқарор иш ҳақига эга бўлиш имкониятини беришлари мумкин бўлур эди. Энг муҳими, биз махсулотнинг кўплаб нобуд бўлишидан кутулган бўлардик, ҳозир ёзда мавсум айникса қизиган пайтда консерва заводлари дарвозаси олдида қайта ишлаш учун қабул қилиб олишни кутиш чоғида жуда кўп махсулот нобуд бўлиб кетмокда.

Бу тармокқа тааллуқли яна бир кичикроқ масала. Республика қишлоқ хўжалик комплексининг структурасини ва уни ривожлантириш йўналишини ҳисобга олиб, консерва заводларини жойлаштириш принципини жиддий равишда қайта кўриб чикиш, улкан корхоналар қуриш практикасидан қатъий воз кечиш керак бўлади. Шу жиҳатдан қараганда Андижон ва Хоразм областлари тажрибасини оммалаштирса арзийди. Бугунги пленумдан кейин биз бевосита хўжаликларнинг ўзида ҳосилни қайта ишлаб берадиган кичик заводлар қуриш йўлига дадил ўтган Тошкент областидаги бир канча хўжалик корхоналари ишини кўздан кечирмокчимиз. Бу ерда дадиллик билан кичикроқ заводлар қуришга киришдилар, бу корхоналар бевосита хўжаликларнинг ўзида ҳосилни қайта ишлаб бера оладилар.

Наҳотки ана шундай чоғроқ линияларни ҳар бир хўжаликда қуриш мумкин бўлмаса. Мумкин, албатта, бунинг учун республиканинг ўзида зарур ускунани ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак. Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг жуда катта қувватларидан худди ана шу йўналишда фойдаланиш керак.

Бу борада **озиқ-овқат саноати тармоқлари** катта ўрин тутадилар. Ҳозир салатбоп ўсимлик ёғи, майонез энг камчил маҳсулот бўлиб қолди, истеъмол қилинаётган маргариннинг ярмига яқини мамлакатнинг бошқа регионларидан келтирилмоқда. Мисол учун, салатбоп ёғни харидорлар кўп талаб қилмоқдалар, уни ишлаб чиқариш технологияси ҳам унча мураккаб эмас. Бироқ, ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён унинг салмоғи бир хил даражада турибди, эҳтиёжнинг 10 процентн миқдорида салатбоп ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Шу вақт ичида ана шу оддий муаммони ҳал қилишга ҳеч ким уриниб ҳам кўрмади.

Маргарин ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласи йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён ҳал қилинмаяпти. Ёки майонез ишлаб чиқаришни олиб кўрайлик. Республикамизда аҳоли жон бошига мамлакатдагига нисбатан ўн баравар кам майонез ишлаб чиқарилади ва у фақат Тошкент шаҳридагина сотилмоқда. Ҳолбуки, биз майонез ишлаб чиқариш учун хом ашё билан тўла таъминланганмиз. 1995 йилга бориб бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиришни ва шу билан майонез истеъмол қилишни атиги 250 граммга етказишни режалаштираётган Давлат агросаноат комитетининг таклифлари ҳам жиддий эмас.

Республикага кондитер маҳсулотлари кўп миқдорда ташиб келтирилаётганлиги учун Ўзбекистон бир неча бор ва адолатли танқид қилинган эди. Давлат агросаноат комитети, Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекбирлашув, Маҳаллий саноат министрлиги, Савдо министрлиги раҳбарлари ва Министрлар Совети бу масала билан батафсил шуғулланишлари лозим, деб ўйлайман. Мамлакатда камида минг хил кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бир вақтда республикамизда 300 хилга яқин ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Очиқ-ойдин айтадиган бўлсак, ҳозир бу борада бизда ишлаб чиқилган программадан бўлак ҳеч нарса йўқ, ҳақиқий талаб ҳам, ташкилотчилик иши ҳам, қуйи ташкилотларга талабчанлик ҳам йўқ. Шахсан ўртоқ Қосимхўжаев, шунингдек Озиқ-овқат саноати институтининг раҳбарлари (директори ўртоқ Саломов) бундан жиддий хулосалар чиқариб олишлари керак.

Бир қанча шаҳарлар ва район марказларида одамларнинг бир стакан газли, минерал сув ёки мева шарбати, морс ёки квас ичиш истаги аслида бутун йил давомида ҳал қилиш қийин бўлган муаммога айлантирилмоқда. Бу тасодифий эмас. Бешта областда чанқов босди ичимликлар умуман ишлаб чиқарилмайди. Аҳоли жон бошига уларни истеъмол қилиш жиҳатидан республикамиз мамлакатда энг охирги ўринлардан биридадир. Биргина Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети корхоналари беш йилликнинг икки йили топшириғига нисбатан 3,8 миллион декалитр алкоголсиз ичимликлар ва 16 миллион шиша минерал сувни кам ишлаб чиқарди. Ҳисоботларда алкоголсиз маҳсулотларнинг 41 номи кўрсатилади, бироқ магазинларда салқин вақтларда бундай ичимликларнинг икки-уч хили бўлади, ёзда эса ҳеч қандай хили топилмайди. Шишаларга қуйиб чиқариладиган маҳсулотлар жуда кам. Бу муаммони ҳал этишга нима тўсқинлик қилмоқда? Фақат иккинчи ва учинчи сменаларда ичимликлар ва сувни шишаларга қуйиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтириш мумкин. Бироқ республикага ҳар йили бошқа регионлардан ва чет эллардан 500 тоннагача концентрациялашган мева шарбатлари ва қиёмлари келтирилмоқда, бу эса корхоналар эҳтиёжининг 85 процентини ташкил этади. Ҳолбуки Давлат агросаноат комитети бу маҳсулотларни республиканинг ўзида сифатли ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятларга эга.

Гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ўткир ва қийин масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Республикада гўшт ва сут етиштиришни узлуксиз кўпайтиришгина эмас, бу маҳсулотларни пухта қайта ишлашни ташкил этиш, тайёр маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ҳам муаммо бўлиб турибди. Чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиб олиш, ташиш ва қайта ишлашнинг таркиб топган тартиби уни тўла сақлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминламайди. Ҳар тўрт хўжаликнинг биттасигина сутни совитилган ҳолатда қайта ишлашга юбормоқда, мавжуд совитиш қурилмаларининг кўпи ишламаяпти. Шу йилнинг биринчи ярмида Навоий, Самарқанд ва Тошкент областларидаги хўжаликлардан қабул қилиб

олинган сутнинг 20 процентдан кўпроғи бенав бўлиб чиқди. Нукус, Олмалик, Бухоро сут заводларида ишлаб чиқариш технологияси муттасил бузилиши оқибатида текширилган маҳсулот миқдорининг 50—60 проценти брак қилинмоқда.

Гўшт-сут саноати корхоналарида тартиб ўрнатиш, нобудгарчилик ва ўғирликларга қарши қатъий кураш, ресурслар тежаладиган технологияларни, маҳсулот чиқишининг илмий жиҳатдан асосланган нормаларини кенг кўламда жорий этиш гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтиришнинг белгиловчи омиллари бўлиб қолиши керак. Яқин 2—3 йил ичида ёғи кам ва ёғсиз сут маҳсулоти, иккинчи категориядаги ёрдамчи маҳсулотлар (калла-поча, ичак-чавоқ), оқсилли моддалар ва бошқа қўшимчалардан фойдаланиб гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида сут зардоби (ёғи олинган сут) ҳамда зардобнинг камида 80 процентидан фойдаланиш керак. Бунинг учун ҳам имкониятлар бор.

Қайта ишлаш тармоқлари моддий базасини ривожлантиришдаги ишларнинг қониқарсиз аҳволи ана шу муаммолар бутун комплексининг ҳал этилиши йўлида жиддий ғов бўлиб турибди. Чорва, пахта чигитини қайта ишлаш, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш қувватларини ишга солишга доир беш йилликнинг икки йили топшириғи барбод этилмоқда. Ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи вазифасини ўтаётган Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети 1987 йилда Беруний шаҳридаги қушхона қурилишини барбод этди, бу объектда планда кўзда тутилган 560 минг сўмнинг 1 сўми ҳам ўзлаштирилмади. Каттақўрғон шаҳрида болаларбоп консерва ишлаб чиқариш заводи (пудратчи — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги) тўрт йилдан буён қурилмоқда, мазкур корхона 1987 йилдаёқ ишга туширилиши лозим эди.

«Узагропромстрой», бошқа қурилиш министрликлари ва идоралари, лойиҳа ташкилотларининг раҳбарлари озиқ-овқат тармоқларининг ривожланишига ўз муносабатларини тубдан ўзгартиришлари, КПСС Марказий Комитетининг агросаноат комплекси объектларини энг муҳим қурилишлар, деб қараш лозимлиги тўғрисидаги талабларининг бажарилишини таъминлашлари лозим. Шундай қилинмаса, биз Озиқ-овқат программасини ҳеч қачон ҳал қила олмаймиз.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришда матлубот кооперациясининг имкониятларидан ниҳоятда ёмон фойдаланилаётганлиги хусусида ҳам тўхтаб ўтиш жоиз бўлади. Ўзбекбирлашув правлениеси ва унинг раиси ўрток А. М. Маҳмудов суст ишламоқдалар. Уларда қайта қуриш сира сезилмаяпти. Келажакда ҳам аҳвол ўзгарадиганга ўхшамайди. Бугун пленумда ишнинг ана шу участкасидан ниҳоятда қониқмаётганлигимизни айтмоқчиман. Ўзингиз бир мулоҳаза юритиб кўринг, агар аҳоли жон бошига ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, Ўзбекбирлашув системасида мева-сабзавот консервалари ва алкоголсиз ичимликлар умуман Центросоюздагига қараганда икки баравар кам ишлаб чиқарилмоқда. Кўпчилик озиқ-овқат товарлари давлат стандарти талабларига мос эмас, уларни савдо ташкилотлари брак қилмоқда. Колбаса маҳсулотлари сифати хусусида жуда кўп эътирозлар айтилмоқда. Шу йил Навоий, Бўстонлиқ, Қува район матлубот союзларининг колбаса цехларида текшириш ўтказилганида маҳсулотнинг ҳаммаси брак қилинди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ана шундай муносабат билан бундан буён муроса қилиб бўлмайди.

Эндиликда республикамизда ҳам қанд-шакар муаммоси пайдо бўлди. Ҳозир тафсилотлар ҳақида гапириш ўринсиздир. Бугун Давлат план комитетига, Савдо министрлигига, Ўзбекбирлашувга ва шахсан Искандаров, Литвиненко ва Маҳмудов ўртоқларга шу масалани пухта ўрганиш ҳамда конкрет таклифлар киритишни топширсак тўғрироқ бўлади, шундагина биз республика аҳолисига баматьни жавоб қайтарган ва ҳар хил миш-мишларга барҳам берган бўламиз.

Нон ва нон-булка маҳсулотларининг сифати ва турлари ҳақида меҳнаткашлар кўпгина адолатли эътирозлар айтмоқдалар. Корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш суст бормоқда, нон маҳсулотларини сотишдаги камчиликларга барҳам берилмаган. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, республика Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекбирлашув нон заводларини қайта жиҳозлашни жадаллаштиришлари, ёпилаётган нон маҳсулотлари турини 15—20 тага етказишлари, ҳамма жойда нон ташиш ва нон савдосининг прогрессив усулларини жорий этишлари керак.

Ўртоқлар! Республикамиз ўртага қўйган таклифларга кўра, агросаноат комплексининг қайта ишловчи тармоқлари равнақи учун ўн учинчи беш йилликда ҳозирги беш йилликдагига нисбатан 1,7 баравар кўп капитал маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда. Асосан реконструкциялаш ва ускуналарни модернизация қилиш эвазига мева-сабзавот консервалари, гўшт ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари 1,4 баравар, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари 1,7 баравар, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш қарийб икки баравар кўпайтирилади. Республика учун янгилик бўлган пектин, музлатилган картошка маҳсулотлари ва қуруқ нонушта ишлаб чиқаришни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Айни вақтда қайта ишлаш тармоқларининг янги корхоналари асосан қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириладиган зонада жойлаштирилади. Умуман озиқ-овқат саноатида маҳсулотнинг ўсиши ҳозирги беш йилликдаги 370 миллион сўмлик ўрнига 1,8 миллиард сўмликка етади. Шундай қилиб, агросаноат комплексининг саноат тармоқларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қарийб 6,9 миллиард сўмликка етказилади, ёки 1,4 мартадан кўпроқ ортади.

Ўртоқлар! Ҳаёт кўп марта тасдиқлаганидек, агар совет кишиси тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилинса, унинг меҳнат қилиши ва турмуши учун нормал шароит яратилса, у ҳар қандай вазифаларни бажаришга қодирдир. Шунинг учун ҳам Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилиши партия, совет ва хўжалик органларидан **қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш,** қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат ва савдо хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ниҳоятда мураккаб комплексини албатта ҳал этишни талаб қилади.

Кўпгина агросаноат комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ана шу ниҳоятда ўткир социал муаммонинг сиёсий моҳиятини тушунмаяптилар, партия комитетлари эса бу билан муроса қилмоқдалар.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг секретариатида бошқа республикалар қатори ўрток Ғ. Ҳ. Қодировнинг ҳам агросаноат комплекси объектлари қурилишини устун даражадаги қурилиш, деб қараш тўғрисидаги партия йўл-йўриқларини бажаришда коммунист раҳбарлар интизомсизлик қилаётганликлари тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Ана шу масаланинг Марказий Комитетда муҳокамага қўйилиши, республика Министрлар Совети Раисининг ҳисоботи қишлоқда қурилишни кучайтириш, мураккаб социал муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар кўришни таъминлашга даъват этилган.

Ҳар биримиз қишлоқ қурилишига ўз муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз, қишлоқ аҳолисига маданий, савдо, маиший ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилашнинг қўшимча имкониятларини топишимиз керак. Шу мақсадларда колхозлар ва совхозлар маблағларини, меҳнаткашларнинг шахсий маблағларини активроқ жалб этиш, кооператив қурилишни ва объектларни хўжалик усулида бунёд этишни ривожлантириш керак.

Партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, давлат агросаноат органлари бу масалаларни алоҳида назорат остига олишлари даркор.

Савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш социал соҳанинг муҳим йўналишидир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, харид учун ва хизматдан баҳраманд бўлиш учун республика аҳолиси беҳуда сарфлаётган вақт саноатдаги меҳнат ресурсларининг йиллик сарфига баробардир. Нохуш манзара кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Миллионлаб одамлар станоклар ва машиналар олдида ишлаб, тер тўкадилар ва худди шунча одам навбат кутиб туради. Навбат кутишга қарши умумхалқ юришини эълон қилиш учун ана шу фактнинг ўзи кифоядир. Ҳозирча эса савдонинг айрим раҳбарлари савдо залидаги тартибсизлик ва навбат кутиш самарали ишни намойиш этади, деб ҳисобламоқдалар. Ахир кўпинча узундан-узоқ навбат бирон-бир тақчиллик аломати эмас, балки савдо шохобчалари айрим раҳбарларининг пухта ўйланмаган, баъзан эса атайлаб қилаётган хатти-ҳаракатлари оқибатидир.

Ҳозир республикадаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган магазинларнинг юздан биттасигина икки сменада ишламоқда, жами магазинларнинг

ярмидан кўпроғи якшанба кунлари дам олмоқда, фақат бармоқ билан санаса арзигулик дўконларгина узлуксиз иш ҳафтаси графиги бўйича ишламоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун нечоғлик қатъият билан ҳаракат қилаётган бўлсак, савдони соғломлаштириш учун ҳам худди ана шундай қатъият билан курашишимиз зарур. Бу соҳада салбий ҳодисалар ниҳоятда илдиз отиб кетди. Масалан, савдода етарли бўлган маҳсулот турлари билан савдо қилишдаги узилишларни нима билан изоҳлаш мумкин? Яқинда Тошкентнинг Киров райони озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 33-магазинни текширишган эди. Бу дўконда гуруч, сариёғ ва ўсимлик ёғи, сут маҳсулотлари, тухум, ун, туз, кондитер маҳсулотлари, Тошкент минерал суви йўқ экан. Маҳсулот тури минимумига кўра, ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси савдода бўлиши шарт эди. Ҳозир шунга ишончим комилки, бу ерда ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси бор, келинг, ниҳоят, биргаликда, баҳамжиҳатлик билан ана шу масъулиятсизликка барҳам берайлик. Қадоқланган маҳсулотнинг йўқлиги қониқарсиз савдо ва навбат пайдо бўлишининг сабабларидан биридир. Саноат, республика Давлат агросаноат комитетининг бўлинмалари ана шу масалани ҳал этишдан ўзларини четга олдилар ва савдога ҳамма нарсани аралаш-қуралаш қилиб олиб келмоқдалар. Агар ишлаб чиқарилаётган ва савдога етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини юз фоиз деб оладиган бўлсак, шундан майда қадоқланган ва ўралган маҳсулот уларни умуман ишлаб чиқариш ҳажмининг 30 процентидан сал кўпроғини ташкил этмоқда. Таққослаб кўриш учун шуни айтмоқчиманки, Белоруссия, Украина ва бошқа бир қанча республикаларда қадоқлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи биздагига нисбатан икки-уч баробар кўпдир. Айни вақтда Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасида қадоқлаб чиқарилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 10—15 процентидан камроғини ташкил этмоқда, қадоқланган маҳсулотга талаб эса камида 45 процент атрофидадир. Тошкентдаги ёғ-мой комбинати шартномада назарда тутилган 80 процент ўрнига маргарин маҳсулотининг 30 процентдан сал камроғини қадоқлаб чиқармоқда. «Узптицепром» хўжаликлари парранда гўштини ўраб, тухумларни эса коробкага солиб етказиб бермаяпти. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети кондитер маҳсулотларнинг атиги 15 процентини қадоқлаб етказиб бермоқда.

Савдонинг моддий-техника базасини ривожлантириш муаммосини алоҳида муҳокама қилса арзийди. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида ҳар хил идораларнинг баҳридан кечиш, уларнинг сонини камайтириш, биноларни савдо ва маиший хизмат корхоналарига ўтказиш зарурлиги таъкидланган эди. Аммо бу ишнинг бир жиҳатидир. Унинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Ана шу мақсадларга ажратилган маблағлар белгиланган муддатда ва тўла ҳажмда ўзлаштирилиши керак. Аммо маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уй-жой қурилишига ажратилаётган капитал маблағларнинг 5 процентини савдони ривожлантиришга ажратиш ўрнига бу мақсадга 2 процентдан камроғини бермоқдалар. Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда эса бундай маблағларни назарда тутилганидан 10—15 баробар кам ажратмоқдалар. Айни мана шу биргина манба ҳисобига давлат савдоси шохобчалари сўнгги икки йил мобайнида 2,5 минг одамга хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш корхоналарини, 75 минг квадрат метрдан кўпроқ савдо майдонини кам олдилар.

Савдо корхоналари биноларини бошқа шунга тенг келадиган объектларни бермасдан олиб қўйишдек яроқсиз практика давом этмоқда. Ваҳоланки, республика аҳолисининг савдо майдонлари билан таъминланганлиги нормативнинг 70 процентини, омбор бинолари билан таъминланганлик эса 50 процентини, мол сақланадиган жой билан таъминланганлик атиги 41,7 процентни ташкил этади.

Барча қайта ишловчи тармоқлар ва савдода социалистик мулкни ўғирлаш давом этаётганлиги Озиқ-овқат программасини бажариш ишига жиддий путур етказмоқда. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг маълумотларига кўра, шу йилнинг биринчи ярмидагина 20 мингга яқин одам майда ўғирлик учун ушланиб, улардан жуда кўп миқдордаги маҳсулот тортиб олинган. Ана шу илдиз отиб кетган иллатга қарши курашда биз, афсуски, халқ контроли органларининг қатъий ҳаракатларини сезаётганимиз йўқ.

Шуни эслатиб қўймоқчимизки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите-

тининг Бюроси шахсан область партия комитетларининг биринчи секретарларига, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раисларига, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарларига, парткомлар, партия ташкилотларининг секретарларига, экономиканинг социал йўналишини ўзгартириш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини, бошланғич партия ташкилотларининг ана шу муҳим ишдаги сиёсий роли оширилишини таъминлашни топширган эди. Юқоридан кўрсатмалар келишини кутиб ўтирмай, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида тубдан тартиб ўрнатиш учун янги, оҳори тўкилмаган қарорларга келиш ва уларни кун сайин амалга ошириш, ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш керак.

Ана шу ишнинг муҳимлигини, пайсалга солмай бажариш лозимлигини ва иш кўламини эътиборга олиб, шу иш юзасидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўрток В. П. Анишчев зиммасига юкланди, у тегишли раҳбарлардан ва улар бошчилик қилаётган бўлинмалардан бу вазифаларнинг бажарилишини қаттиқ талаб қилиши лозим.

Ўртоқлар! Сиёсатни конкрет одамлар амалга оширадилар. Партия сиёсатини амалга ошириш, хўжалик механизмини қайта қуриш кўп жиҳатдан одамларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялашга боғлиқдир. Агар халқ хўжалигидаги кўпчилик мутахассислар, колхозлар, совхозлар, хизмат кўрсатиш соҳаси қайта ишлаш корхоналарининг кўпчилик раҳбарлари ҳали янгича ёндашувларни ўзлаштириб олмадилар, эскичасига ўйламоқдалар, десам катта сирни очмаган бўламан.

Сиёсий жиҳатдан актив, ғоявий жиҳатдан етук, профессионал жиҳатдан билимдон қайта қуриш меъморларини тарбиялаш муаммосини ҳал этишни бу ишга партия ташкилотларини, илмий зиёлиларни актив жалб этиб, студентлик давриданоқ бошлаш керак. Республикамизда агросаноат комплекси учун кадрлар тўртта олий ва 46 та ўрта ўқув юртида тайёрланмоқда, улар ҳар йили 5 мингга яқин мутахассис тайёрламоқдалар.

Аммо ана шу сон сифатга айланаётгани йўқ, кўпчилик ёш мутахассисларни тайёрлаш даражаси танқиддан тубан туради. Сўнгги қарийб йигирма йил мобайнида республика қишлоқ хўжалигида банд бўлган олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар сони тўрт баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳозир 150 мингга яқин ана шундай мутахассис бор. Аммо шунга қарамасдан қишлоқ хўжалик секторида сезиларли сифат янгиланиши бўлгани йўқ. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги инженерлар сони 1980 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди ва ҳозир 15 минг кишига етди, пахтачиликдаги механизация даражаси эса сира кўтарилгани йўқ. Район бўғинини ҳам ҳисобга олганимизда ҳар бир хўжаликка 40—50 та ва бундан ҳам кўпроқ мутахассис тўғри келади, аммо мазкур хўжаликларда агротехника, зоотехника, инженерлик ва иқтисодий масалалар алмисоқдан қолган усуллар билан ҳал этилмоқда.

Бунинг боиси шундаки, студентларга баъзан қишлоқ хўжалигини китоблардангина биладиган ўқитувчилар таълим бермоқдалар. Олий ўқув юртлари ишидаги ва айниқса техникумлар ишидаги бир-бирини такрорлаш, бири-бирининг ишини адо этиш шундоқ ҳам оз бўлган кучлар ва маблағларнинг сочилиб кетишига олиб келмоқда. Олий ўқув юртлари ва техникумларда бир қанча ихтисосликлар бўйича мутахассислар қишлоқ хўжалигига зарур бўлганига қараганда икки баравар кўп тайёрланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги муаммолари билан шуғулланаётган олимларнинг кўп сонли отрядидан биз яна ҳам фаолроқ бўлишларини кутмоқдамиз. Аммо ҳозирча улар бизнинг умидларимизни оқлашаётгани йўқ. Мабодо уларга имконият берилгудек бўлса, анчагина баландпарвоз рақамларни, илмий соҳада ўзлаштирилган миллионларни, жорий этилган ишланмаларни тилга оладилар, албатта. Аммо, ўртоқлар, бу соҳадаги энг яхши ҳакам — даладаги, фермадаги, пахта заводидаги ва бошқа жойлардаги ишнинг реал аҳволидир, десам бунга қўшиласиз, албатта. Бу борада эса, афсуски йиллар, ўн йиллар мобайнида ҳеч нарса ўзгараётгани йўқ. Бунинг устига айрим позицияларни бой бермоқдамиз.

Ўртоқлар! Озиқ-овқат программаси тақдири ҳам, умуман қайта қуриш тақдири ҳам партия комитетлари ва ташкилотларининг позициясига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. М. С. Горбачев XIX партия конференциясида қилган докладида таъкидлаганидек, партиянинг йўналтирувчи фаолиятисиз қайта қуриш

ҳам сиёсий, ҳам идеологик, ҳам ташкилий жиҳатдан, барбод бўлади. Амалда бунинг маъноси шуки, социалистик қурилишнинг ҳар бир участкасида партия ташкилотларининг роли белгиловчи, амалда авангард бўлиши ва бу роль шу қадар очиқ-ойдин ва зарур бўлиши керакки, халқда шак-шубҳа қолмаслиги лозим.

Дангал айтадиган бўлсак, бошланғич партия ташкилотларининг етилган социал вазифаларни ҳал этишда ана шундай даражадаги таъсирига биз ҳозирча муваффақ бўлганимиз йўқ. Конференция Тезислари муҳокама қилиниши муносабати билан кўпгина конкрет, қизиқарли таклифлар, истаклар айтилиб, активлик авжга чиққан давр ҳам конференция қўйган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш босқичида партия қуйи звенолари жанговарлиги ва активлигининг назарда тутилган ўсишига олиб келмади.

Келинг, партия йиғилишлари протоколларига назар солайлик. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам бу йиғилишларда кун тартиби кўпинча хира, квартал, ярим йиллик ва йиллик иш якунлари тўғрисидаги ўша-ўша «навбатдаги» масалалар муҳокама қилинмоқда. Қабул қилинган қарорлар жуда жўн бўлиб, бирон-бир кимса зиммасига аниқ вазифа юкламайди. Кўпчилик қуйи бўғинлар юқори органларга кўз тикиб, ҳар борада юқоридан кўрсатмалар келишини кутиб турищибди. Кўпчилик область, шаҳар, район партия комитетлари ҳам ўз иш усуллари ва методларини тубдан қайта қуришда, ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятнинг принципиал янги формаларини эгаллаб олишда бошланғич партия ташкилотларига ибрат бўлаётгани йўқ.

Мана, масалан, Бухоро область партия комитетини олайлик. Область партия конференциясига тайёргарлик хусусида область ташкилотларига юборилган тадбирлар эски қолипдан нусха кўтарилгандек бўлиб, тайёргарликнинг майда-чуйда босқичларини ҳам асоссиз тарзда чегаралаб қўяди. Айни вақтда бу ишда сайлаб қўйиладиган активларнинг, XIX партия конференцияси делегатларининг кенг кўламдаги иштироки, раҳбар партия органлари сайловини демократиялашдек энг асосий омил назардан қочирилган.

Ҳозирги вақтда партия кучларини қайта группалаш, ниҳоятда тажрибали ва баобрў коммунистларни ҳал қилувчи участкаларга тўплаш, қайта қуришнинг асосий йўналишларида партия таъсирини кучайтириш тадбирлари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи-назардан қараладиган бўлса, республика партия ташкилотларининг иши қай аҳволда?

Тошкент областида область агросаноат бирлашмасининг деҳқончиликдаги бўлинмаларининг қарийб 70 проценти, чорвачиликдаги ҳар тўрт бригада ва фермадан биттаси коллектив пудратга ўтказилган, 15 хўжаликда сарф-харажатларни ҳисобга олишнинг чек формаси жорий этилган. Аммо хўжалик механизмини қайта қуриш чоғида партиявий структурага партия ташкилотларининг таъсирини кучайтиришга қаратилган тегишли ўзгаришлар киритилаётгани йўқ. Ҳар икки чорвачилик фермасининг бирида цех партия ташкилоти ва группаси йўқ, ҳар саккиз фермадан биттасида бирорта ҳам коммунист йўқ. Аммо область агросаноат бирлашмасининг бошқарув аппаратида ва унинг бўлинмаларида партия аъзоларининг салмоғи 50 процентдан ҳам ортади. Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Биз ана шу номутаносибликка қатъият билан барҳам беришимиз керак. Бошқарув системасини қайта қуриш туфайли қўли бўшаб қолаётган, катта тажриба ва юксак профессионал малакага эга бўлган коммунистларни кўпроқ қуйи партия бўғинларини, бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш учун юборилиши қоида бўлиб қолмоғи лозим.

Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, қишлоқдаги партия ташкилотининг секретари кўпинча иродаси бўш одам бўлиб, унинг фикрига ҳеч ким қулоқ солмайди. «Бўш-баёв секретарлар» авлодини тарбиялашда кўпинча район партия комитетлари ҳам иштирок этаётганлиги ниҳоятда ташвишлидир. Улар баъзан дадил, мустақил йўл тутадиган партком секретарининг «шаштини тушириб қўйишни», унинг ишларини бадном бўлган амалга сажда қилиш қолипларига солиб қўйишни афзал кўрмоқдалар.

Битта характерли мисолни айтмоқчиман. Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхозда партия ташкилотининг секретари ўртоқ У. Азларов билан директор ўртоқ Э. Болтаев ўртасида кескин можаро авж олди. Директор партия комитетини, унинг қарорларини ошкора менсимас, ўзи ўзбошимчалик билан кадрлар-

ни тайинлар ва лавозимидан олиб ташлаб, партия йиғилишлари ва партия комитети мажлисларига келишни ҳатто ўзига эп кўрмас эди. Энг ачинарлиси шундаки, ана шундай вазиятда район партия комитетининг эндиликда собиқ биринчи секретари Х. Худойбердиев партия ташкилоти ва унинг секретарини эмас, балки ҳаддидан ошиб кетган раҳбарни қўллаб-қувватлади. Бунинг устига, район партия комитети килдан қийиқ ахтариб, партия ташкилоти секретарини таъқиб остига олди, уни партия сафидан ўчириб юборишларига сал қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашганидан кейингина бу нохуш воқеага чек қўйилди. Область, шаҳар, район партия комитетлари ўзларининг ҳар бир юмуши билан бошланғич партия ташкилотлари ва бу ташкилотлар раҳбарларининг обрўсини мустаҳкамлашлари керак. Ҳисобот ва сайловлар чоғида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлигига анкетадаги маълумотларга кўра, етакчи бўлганлар эмас, балки қайта қуриш илгари сурган, ўз меҳнат коллективи, ўз партия ташкилоти қўллаб-қувватлаган ҳақиқий етакчилар кўтарилиши керак.

Хўжалик кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда партия ташкилотларининг ролини ошириш ҳам муҳим муаммолардандир.

Республикадаги колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда мутахассислик лавозимларида 41 минг нафар тажрибакор ходим ишламоқда, ўрта бўғин раҳбарлари орасида улар ярмидан кўпроқни ташкил этади. Айни вақтда ўқитиш учун жуда катта маблағлар сарфланган неча ўн минглаб дипломли мутахассислар на олий, на ўрта маълумот талаб этиладиган лавозимларда ишламоқда. Демак, кимнингдир қисмати мушкуллашди, кимнингдир орзуси рўёбга чиқмади.

Назаримизда бундай аҳвол аввало шунинг учун сақланиб турибдики, партия ташкилотлари ҳали ҳам мутахассислардан оқилона фойдаланиш масалаларига терс қараб келмоқдалар, бу эса ўз навбатида хўжаликлар даражасида кадрларни шахсий садоқати, қариндош-уруғлигига қараб жойлаштириш асоратларининг ҳозиргача сақланиб қолиши учун замин яратди, бундай вазиятда кадрларнинг ишчанлик фазилатлари ва профессионал тайёргарлиги даражаси эмас, балки уруғ-аймоқчилик асос қилиб олинади.

Ҳар биримиз шуни англаб олишимиз кераккн, ана шу иллатдан покланмас эканмиз, хўжалик кадрлари ва мутахассисларини танлаш ва жой-жойига қўйишда яроқсиз методлардан холи бўлмас эканмиз, қайта қуришда жиддий, сезиларли самараларга умид боғлай олмаймиз.

Ҳосилдорлик, технология мутахассислар, хўжалик ходимлари қўлидадир. Улар бунга жавоб берадилар ва шу иш улардан талаб этилади. Инсон, унинг позицияси, унинг маънавий дунёси эса партия ташкилотларининг иш соҳасидир. Шундай қилиб, сиз билан бизнинг вазифамиз — «инсон — қайта қуришга, қайта қуриш — инсонга» комплексидаги ўзаро ҳамжиҳатликка ишончли партиявий таъсирни таъминлайдиган механизмни яратиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Бунинг учун эса, аввало биз одамларга уларнинг эҳтиёжлари ва талабларига синчковлик билан назар солишимиз, кабинетларда ўтираверишга интилишдан қатъиян қутулишимиз, барча партиявий-сиёсий ишни тубдан қайта қуришимиз керак.

Биз бугун Озиқ-овқат программаси муаммоларини кўриб чиқар эканмиз, мазкур программани амалга оширишдаги фавқулодда жиддий нуқсонлар ва камчиликлар кўп жиҳатдан республика Давлат агросаноат комитети марказий аппарати ва комитет раҳбарлари ишининг яроқсиз усули билан изоҳланишини пайқаб олмаслигимиз мумкин эмас. Бу ерда илгаригидек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарликнинг буйруқбозлик, бюрократик методлари авжига чиққан, қоғозбозлик, мажлисбозлик давом этмоқда. 1987 йилда қуйи бўғинлардан шундан аввалги йилдагига нисбатан 5,5 баравар кўп турли ҳисоботлар ва справкалар талаб қилинди. Қоғозлар оқими кучайиб бормоқда, шу йилнинг биринчи кварталидагина бу ердан «қуйига» 4 мингдан кўпроқ ҳужжат юборилди. Айни вақтда, текширув пайтида шу нарса аниқландики, агросаноат комплекси тузилганидан кейин чиқарилган 500 дан кўпроқ қарор ва 2,5 мингдан кўпроқ буйруқнинг бажарилишини ҳеч ким назорат қилмаяпти ва уларнинг кўпи эндиликда бирон бир амалий аҳамиятга эга эмас.

Бу ерда коллегиянинг планда кўзда тутилган мажлисларидан ташқари ҳар ойда 12—15 марта «кичик-коллегиялар» ва раис ҳузурида кенгашлар ўтказилмоқ-

да. Жўнгина масалалар эса неча йиллардан бери ҳал қилинмаяпти. Масалан, бундан уч йил муқаддам Тошкентда Москвадаги консерва саноати институтининг 50 киши ишлайдиган бўлими тузилган эди. Аммо ҳанузгача мазкур бўлим учун бино топилгани йўқ. Қишлоқ хўжалигидаги амалдорлар сал кисилиброқ ўтиришни истамаяптилар, чоғи.

Агросаноат комитетининг партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Ю. Акмалов коммунистлар ишига зарур таъсир ўтказмаяптилар, суст ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу партия ташкилотининг қарорларида у ёки бу тармоқ ишидаги ўпиришлар учун айбдор бўлган кишиларга принципиал баҳога ишора ҳам йўқ. Шу айтилган гаплардан Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат — Давлат агросаноат комитети раиси ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков ҳам хулоса чиқариб олиши керак.

Ўртоқлар!

Озиқ-овқат программаси муаммолари сустлик билан ҳал этилиши сабаблари хусусида докладда қилинган таҳлил бевосита шундан далолат бериб турибдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, унинг секретарлари ҳали ҳам етилган муаммоларни ҳал этишда Марказий Комитет аъзоларига етарлича суянмаяптилар, партия аппаратига ва умуман кадрларга етарли талабчанлик қилмаяптилар.

Ўртоқ П. В. Догонкин бошчилик қилаётган ташкилий-партиявий ишлар бўлими қайта қуриш учун курашда ҳар бир партия ташкилотини омманинг чинакам раҳбарига айлантириш йўлларини қидиришда яна ҳам собитқадам, яна ҳам топқир бўлиши керак. Бу жараён ҳозирча ғоят суст бормоқда.

Марказий Комитет секретари ўртоқ М. Ҳ. Холмуҳамедов бошчилик қилаётган бизнинг идеология бўлинмаларимиз ҳам бунинг учун жавобгардир, ислоҳотни идеология жиҳатдан таъминлаш кўп ҳолларда ҳозирча шиор, қуруқ гап бўлиб қолмоқда, партия ташкилотлари амалда, айниқса, қалтис вазиятларда ниҳоятда ночор ва ожиз бўлиб қолмоқдалар. Ҳар қандай сафсатабозларга ва «хонаки файласуфларга» далил-исботлар билан зарба беришлари, оммани эргаштириб боришга қодир бўлган қайта қуриш ғояларини тарғиб этишнинг замонага хос ҳужумкор форма ва методларини тезроқ ишлаб чиқиш керак.

Марказий Комитет Бюросида биз ишнинг замонавий, оммага тушунарли, мароқли формаларини актив қидириш ва дадиллик билан жорий этиш зарурлигини ҳис этиб турибмиз. Масалан, Марказий Комитет раҳбарлари биринчи марта телевидение орқали гапириб, халқ билан бевосита боғландилар. Халқ буни маъқуллади, юқори баҳо берди. Энди бу иш давом эттирилиши керак.

Республика Министрлар Совети, унинг Президиуми аъзолари экономика, социал тараққиёт масалаларини ҳал этиш учун жиддийлик билан масъулиятни ўз зиммасига оладиган вақт келди. Вазифаларни белгилаб қўйиш — икки томонга боғлиқ бўлган жараёндир. Совет ва хўжалик органлари куч-ғайратларини кучайтирмаётган жойда партия ташкилотлари куч-ғайратларини сусайтира олмайди.

Пировардида бутун масъулиятни зиммага олиб шуни таъкидлашни истардикки, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, социал муаммоларни ҳал этиш бу — партия шиорларининг амалий ишларда экс этишидир. Совет кишилари шунга қараб қайта қуришнинг асл муваффақиятлари ҳақида фикр юритадилар. Бу масалаларнинг ҳал этилиши ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир партия комитети учун ҳақиқий етуклик имтиҳони, қайта қуришни сўзда эмас, балки ишда амалга оширишга қодирлик имтиҳонидир, бу имтиҳонни бутун халқ қабул қилади.

Шу боисдан ҳам совет, хўжалик органларининг ҳар бир қарорига, айниқса экономика, социал тараққиёт соҳасидаги ҳар қандай қарорига баҳо берар экан, партия органи ўз олдига бу қарор қайта қуришнинг ҳозирги босқичдаги вазифаларига нечоғли мос келади, қайта қуришга омил бўладими, унга ёрдам берадими ёки аксинча совет кишилари турмуши даражасини кўтаришга тўсқинлик қиладими, деган асосий саволни қўйиши керак. Назаримизда, халқ фаровонлигини оширишш жараёнига партия сиёсий раҳбарлигининг чуқур моҳияти ана шундадир. Ва ҳеч ким партия учун ана шу масалаларни ҳал қилиб бермайди. Бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар, область партия комитетлари, Марказий Комитет, биз ҳаммамиз, азиз ўртоқлар, ана шу эзгу мақсад йўлида куч-ғайрат сарфлашимиз лозим.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ИЗИГА

КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари В. П. НИКОНОВнинг Ўзбекистон Компартияси МК пленумида 1988 йил 24 августдаги нутқи

Ўртоқлар! Республика коммунистлари, агросаноат комплексининг ходимлари кундалик ва келгусидаги ишларни ҳал қилар эканлар ўз ҳаракатларини партия XXVII съезди, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси, Марказий Комитетнинг 1988 йил июль Пленуми йўл-йўриқларига мунтазам қиёсламоқдалар, десам хато қилмасам керак.

Ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг якунлари апрелдан кейинги даврда партия ишлаб чиққан совет жамиятини ҳар томонлама революцион янгилаш ва социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш стратегик йўли оғишмай амалга оширилаётганлигидан далолат бермоқда. Мамлакат экономикаси соғломлашмоқда, у халқнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш томон бурилмоқда, хўжалик юритишнинг янги методлари кучайиб бормоқда. Аграр соҳада колхозлар, совхозлар, бошқа корхоналарни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш актив амалга оширилмоқда. Россия, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари хўжаликлари, Украина, Қозоғистон ва Ўзбекистондаги бир қанча областлар йил бошидан буён янги шароитда ишламоқда, келгуси йилда эса агросаноат комплексининг барча корхоналари ва ташкилотлари ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтади.

Қайта қуриш жараёнида жамиятнинг бирлиги кучаймоқда, омманинг ижодий ғайрати жўш урмоқда. Одамлар қайта қуришга ишондилар ва уни чуқурлаштириш учун, революцион ўзгартишларга муқаррар тус бериш учун курашмоқдалар.

Бундан буёнги ишларнинг барча йўналишлари юзасидан партия программ сиёсий позицияни ишлаб чиққан. Бунда сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш вазифалари, шунингдек, туб иқтисодий ислоҳотни давом эттириш ва чуқурлаштириш биринчи ўринга қўйилди.

Сизлар Марказий Комитетнинг пленумида бугун муҳокама қилаётган озиқ-овқат масаласи сизнинг регионингиз учун ҳам, умуман мамлакат учун ҳам энг муҳим ҳаётий масалалардан биридир. Бу масала фақат назарий мулоҳазалар ва план фаразлари сифатида эмас, балки энг аввало аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни қатъий яхшилаш юзасидан амалий ҳаракатлар вазифаси сифатида кўндаланг бўлди. XIX партия конференциясида ва Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган Пленумида озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш сира кечиктириб бўлмайдиган ва биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан бири қилиб қўйилди.

Маълумки, 1988 йил июль Пленуми бу масала юзасидан Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан таклифларни маъқуллади ва СССР Министрлар Советига, республикалар, ўлкалар ва областлардаги маҳаллий органларга аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамма турлари билан таъминлашни яхшилашнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, шу мақсадда мавжуд барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланишни топширди.

Сўнгги беш йил ичида мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг йил сайин ўсиши (гўшт етиштириш 1987 йилда 1982 йил даражасидан

3,5 миллион тонна, сут етиштириш деярли 13 миллион тонна кўпайди) таъминланаётган бўлишига қарамай, эришилган суръатлар аҳолининг энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига тез ортиб бораётган тўлов қобилияти эҳтиёжларини таъминлай олмаяпти. Кўпгина шаҳарларда ва саноат марказларида гўшт маҳсулотлари, сариёғ, сўнгги вақтда эса қандни ҳам сотишда нормалашга мажбур бўлинмоқда.

Бизнинг интернационал экономикамизда ҳар бир иттифоқдош республика зиммасида ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар ва хизматлар билан таъминлаш вазифалари ҳамда саноат учун озиқ-овқат ва хом ашёнинг марказлаштирилган фондларини вужудга келтириш юзасидан умумиттифоқ мажбуриятлари бор. Бунда Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимларининг роли ҳам катта.

Республика меҳнаткашлари мамлакатни пахта билан таъминлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқдалар. Сўнгги йилларда бу қимматли хом ашё 4,9—5,2 миллион тонна харид қилинмоқда. Бу умуман мамлакатимизда тайёрланаётган пахта ҳажмининг тахминан 60 процентини ташкил этади. Республиканинг ип газлама ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасини ҳам худди шунча деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта, миллионлаб кишиларнинг зўр ғайрат билан меҳнат қилишига ва давлатнинг кўп капитал маблағ сарфлашига тўғри келди. Сўнгги уч беш йилликдагина республикада деярли 1,5 миллион гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилди. Ҳозир сизларда ҳайдаладиган ерларнинг деярли ҳаммаси суғорилмоқда.

Ўзбекистон ССР пахта билан бир қаторда табиий ипак олиш учун хом ашё етказиб берадиган асосий республикалардан биридир. Республикада эртаги сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум анча миқдорда етиштирилмоқда ва мамлакатнинг шаҳарлари ҳамда саноат марказларига етказиб берилмоқда.

Кўпгина колхозлар ва совхозлар илғор технологияларни, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулларини ўзлаштириб, хўжалик юритишнинг юксак даражасини таъминламоқдалар. Бухоро областидаги Калинин номли колхоз (раиси Муҳтарама Наврўзова), Тошкент областидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози (директори Рустам Иброҳимович Каримов), шу областнинг Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози (раиси Павел Федорович Саульկин) ҳар гектар ердан 35—40 центнер пахта олмоқда. Айни шу «Октябрь 40 йиллиги» колхозида пахтачиликни бошқа тармоқлар билан моҳирона қўшиб олиб бориш яққол намойиш этилмоқда. Бу ерда ҳар гектар ердан 205 центнердан беда пичани, деярли 500 центнер силосбоп маккажўхори пояси, 800 центнер озуқабоп лавлаги олинмоқда. Озуқабоп экинларнинг гектаридан 110 центнер озуқа бирлиги миқдорида ем етиштирилмоқда.

Машҳур «Чиноз» наслчилик совхозида ҳар бир бош сигирдан соғиб олинаётган сут 4200 килограммдан ошиб кетди. Андижон областидаги «Савай» совхозида ҳар юз бош сигирдан 105 бош бузоқ олинмоқда, бу ерда ўтган йили ҳар бир бош сигирдан 4008 килограммдан сут олинди. Тошкент областининг «Иваново» совхозида ҳар 100 бош сигирдан 104 бузоқ олинди, сигирлардан олинган ўртача сут миқдори 3051 килограммни ташкил этди.

Кўриб турибсизки, республиканинг турли зоналарида деҳқончилик ва чорвачиликни интенсив юритишнинг яхши тажрибаси мавжуд. Аммо ҳозирча бу тажрибадан бошқа районлар ва хўжаликларда кам фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг қулай табиий-иқлим шароити, бу ерда барпо этилган ишлаб чиқариш потенциали, жуда катта одам ресурслари ва халқнинг маҳорати ҳамда меҳнатсеварлигидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни жадал кўпайтириш учун тўла фойдаланилмаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Шуни очиқ айтиш керакки, республика барча имкониятлари ва ресурслари жиҳатидан умумиттифоқ меҳнат тақсимотида ҳозирча ўзига муносиб жойни эгаллагани йўқ.

Мутахассислар Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончилик шароитида хўжалик юритишга тегишлича интенсивлик бахш этилса, бу дон, сабзавот ва озуқа экинларидан икки, ҳатто уч марта ҳосил олишга, шу ҳисобдан маҳсулотнинг жуда кўп турларини бирмунча кўпайтиришга имкон беради, деб ҳисобламоқдалар.

Сизлардаги илғор хўжаликлар худди шундай қилмоқдалар, лекин тушуниб бўлмайдиган сабабларга кўра, бу ҳозирча кенг қўлланилмаяпти. Шуниси ажабланарлики, партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, агросаноат органлари гўё бу муаммони ҳис этишмаяпти, четдан кузатувчилик ролини ўйнамоқдалар. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тараққиёти жиҳатидан, озиқ-овқат ишининг аҳволи жиҳатидан Ўзбекистон биз ҳозир ва яқин келажакда ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифалардан анча орқада қолмоқда.

Докладда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига истеъмол қилиш тўғрисидаги рақамлар келтирилди. Бу рақамлар мамлакатдаги ўртача кўрсаткичлардан анча паст ва Озиқ-овқат программаси топшириқларига мос келмайди.

Қаранглар, қандай аҳвол юз бераяпти. Сўнгги икки йил ичида республикада гўшт ва сут етиштириш йилига ўртача 3,5—4 процент кўпайди. Агар гўшт ва сут истеъмол қилиш даражасини икки баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошириш лозим бўлса, ана шу маҳсулотлар билан таъминлашдаги аҳволни ўнглаб олиш учун неча йил керак бўлади? Лекин фақат гўшт ва сут етиштириш соҳасидагина аҳвол ана шундай эмас. Айтиш мумкинки, энг қулай шароитда республикада сўнгги вақтда мева-резавор мева, полиз маҳсулотлари етиштириш кескин камайиб кетди (17—23 процент), олдинги беш йилликдагига нисбатан дон етиштириш деярли тўртдан бир баравар камайди.

Ҳозир Озиқ-овқат программасини бажаришда вазият ана шундай бўлмоқда. Топшириқда белгиланган марраларга чиқиб олиш учун 1988—1990 йилларда ҳар йили ўртача гўшт етиштириш 17 процент, сут етиштириш 17 процент, картошка етиштириш 26 процент, мева ва резавор мева етиштириш 26 процент, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш 12 процент, дон етиштириш 30 процент кўпайишини таъминлаш зарур. Ем-хашак етиштириш деярли 25 процент кўпайтирилиши керак.

Ҳар бирингиз амалдаги ўз суръатларингизни ана шу кўрсаткичлар билан қиёслаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча асосий тармоқларини ривожлантиришга қандай жадаллик бахш этиш лозимлигини, Озиқ-овқат программаси топшириқлари бажарилишини таъминлаш учун нақадар тиғиз ишлаш лозимлигини аниқлаб олишингиз мумкин.

Ўтган йили КПСС Марказий Комитети сизлар билан биргаликда республика агросаноат комплексида ишнинг аҳволини батафсил таҳлил қилди. Озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш учун табиий-иқтисодий потенциалдан ўта қониқарсиз фойдаланилаётганлиги қайд этилди. Жуда катта давлат маблағлари ва ресурслари сарфланганига қарамай, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда ижобий ўзгаришларга эришилмаганлиги алоҳида таъкидланди. Бунинг устига республика ўзи эгаллаган мавқеини қўлдан бера бошлади.

Орадан бир йил, зўр ғайрат билан меҳнат қилинган йил ўтди, ана шу йил давомида олдин йўл қўйилган нуқсонлар ва хатоларни бартараф этиш юзасидан кўп иш қилинди, аммо аҳвол жуда секинлик билан ўнгланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳатто ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик даражага ҳам етгани йўқ. Фондларнинг самарадорлиги камайиб бормоқда. Агар ўнинчи беш йилликда асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўми ҳисобига 92 тийинлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда 66 тийинлик, ўтган йили эса фақат 61 тийинлик маҳсулот етиштирилди. Шу фактни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу кўрсаткич Ўрта Осиёдаги қўшни республикалар кўрсаткичларидан 20—30 процент камдир. Ҳар бир ходим ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш икки беш йилликдан буён бир даражада ўзгаришсиз қолмоқда — мамлакатда ҳар бир ходим ҳисобига ўртача 6,5—7,8 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилаётган бўлса, республикангизда 3,8—3,9 минг сўмлик маҳсулот етиштирилмоқда.

Умуман, Ўзбекистон, бинобарин, кўпчилик областлар, районлар ва хўжаликлар давлат олдидаги мажбуриятини уддалай олмаётганлигини нормал ҳол, деб бўлмайди. Дон, пахта, полиз маҳсулотлари, яъни мамлакатда республика қиёфасини белгилаб берадиган асосий маҳсулотлар харид қилиш планлари анча бажарилмай қолмоқда. Шуни ҳам айтмай бўлмайди, давлат марказлаштирилган фондлардан белгиланган қатъий планга мувофиқ равишда республикага гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бермоқда, республикадан умумиттифоқ фондига полиз мах-

сулотлари ва узум етказиб бериш планлари эса ўтган йили анча кам бажарилди. Энг асосий камчилик шундан иборатки, республика сўнгги икки йил ичида мамлакатга 1570 минг тоннадан кўпроқ пахтани кам етказиб берди, бунинг устига етказиб берилаётган маҳсулотнинг сифати ҳам паст.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳали турғунлик ҳолати тугатилмаган, деб хулоса чиқарди.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик тармоғи мамлакатимизда алоҳида ҳисобда туради. Давлат бу соҳага жуда катта маблағ ва ресурсларни сарфламоқда. Эслатиб ўтаман, сўнгги ўн йил ичидагина тармоққа сарфланган капитал маблағ бу ерда 43 миллиард сўмдан ортиб кетди. Шу даврда ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражаси икки баравардан зиёдроқ ошди. Табиийки, коммунистлар, республика агросаноат комплексининг меҳнатчилари кўпроқ самарадорлик билан иш олиб боришларини кутишга ҳақлимиз.

Сизларнинг диққат-эътиборингизни мелиорацияланган ерлардан фойдаланишни қатъий яхшилаш зарурлигига яна бир бор қаратмоқчиман. Республика мамлакатда энг катта суғориладиган ерлар массивига эга. 4,4 миллион гектар экинзорларнинг 4,1 миллион гектардан кўпроғи суғорилади. Бу эса мамлакатдаги суғориладиган ерларнинг тахминан бешдан бир қисмига тенг. Шундай қилиб деҳқончиликни интенсив юритиш, пахта, дон, озуқа экинлари, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлардан гарантияли ҳосил олиш учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Шу билан бир вақтда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришда ҳануз катта нуқсонлар ва камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Мелиорация ишларининг сифатсиз бажарилганлиги, қурилиш комплекс тарзда олиб борилмаганлиги, ерлардан фойдаланишдаги хўжасизлик оқибатида бу ерларнинг бир қисми лойиҳадаги ҳосилдорликни таъминлай олмаяпти. Кўпчилик массивларни шўр босиб, ботқоққа айланиб бормоқда, сув таъсирида нураш авж олмоқда. Оқибат эса мана бундай: республиканинг суғориладиган ерларидаги асосий экинлар ҳосилдорлиги ўсиш у ёқда турсин, ҳатто камайиб бормоқда. Кўпгина хўжаликларда дон экинлари ҳосилдорлиги анча йиллардан буён амалда ошаётгани йўқ, умуман республикада ҳосилдорлик ўн биринчи беш йилликдаги 41 центнердан ўтган йили 29 центнерга тушиб қолди. Шоли ҳосилдорлиги 35—38 центнерни ташкил этади. Бу айтайлик, Краснодар ўлкаси ва Қримдагига нисбатан анча камдир, сиздаги шароит эса у ердагидан ёмон эмас. Маккажўхори ҳосилдорлиги ўн биринчи беш йилликдаги 56 центнердан ўтган йили 34 центнерга, пахта ҳосилдорлиги эса 29,7 центнердан 23 центнерга, сабзавот 204 центнердан 188 центнерга тушиб қолди. Шуни таъкидлашни истар эдикки, минерал ўғитлар, техника, жуда катта одам ресурслари билан тўла-тўкис таъминланган бир шароитда шундай бўлмоқда. Агар биз бундан буён ҳам суғориладиган ерларда ана шундай тарзда хўжалик юритадиган бўлсак, озиқ-овқат мўл бўладиган даврни ҳали узоқ вақт кутиб туришга тўғри келади.

Яқинда Марказий Комитет топшириғи билан КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил 30 майдаги қарори қандай бажарилаётгани текширилди. Текшириш мавжуд бўлган камчиликларни ўнглаб олишда ҳали ҳам зарур самарага эришилмаганлигини кўрсатди.

Капитал маблағлар йўналишларида ўзгаришлар бўлганлигини ижобий, деб таъкидлаш мумкин бўлар. Маблағларнинг 70 процентга қадарини ишга солинган суғорма ерларни реконструкциялаш ва обод қилишга сарфлаш тўғрисидаги талаб асосан бажарилмоқда. Аммо бошқа ғовлар пайдо бўлди. Сув хўжалиги ташкилотлари ана шу ишларни биринчи навбатда адо этишга киришишга шошилмаяптилар: уларга янги қурилишларни давом эттириш фойдалироқдир. Агросаноат комитети ҳам суғориладиган массивларни реконструкцияга ажратиб бериш учун барча ишларни қилаётгани йўқ, шу мақсадлар учун зарур бўлган моддий-техника ресурслари ҳамиша ҳам ажратиб берилмаяпти. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида тузилган ремонт-эксплуатация бирлашмаси ҳам ишга рисоладагидек киришгани йўқ. Уларнинг агросаноат комитети органлари билан ўзаро муносабатларида кўпгина чигал жиҳатлар бор. Бунинг оқибатида Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё областларидаги бирлашмалар бу йил суғориладиган ерлардаги пудрат ишлари планларини адо этмадилар. Хўжаликлар ичи-

даги суғориш шохобчаларида иш илгаригидек сустлик билан ўнгланмоқда. Кўп жойлардаги суғориш шохобчаларида сув ўлчагич асбоблар ўрнатилмаган. Бу эса пул тўлаб, сувдан фойдаланишга ўтишга халал бермоқда. Шунинг учун ҳам суғориладиган ерларда сув сарфини 15 процент камайтириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишида ҳозирча амалий силжиш кўзга чалинаётгани йўқ, суғориладиган ҳар гектар ерга сув сарфи республикада бултур ўтган беш йиллик даражасида қолиб кетди.

Кўп сув исроф бўлмоқда. Умуман Ўрта Осиё региони бўйича ўтган йили суғориш манбаларидан 105 кубкилометрга яқин сув олинди, хўжаликларга эса шунинг нари борса 78 кубкилометри етиб келди, яъни қарийб 27 кубкилометр сув ёки барча сув миқдорининг тўртдан бир қисми йўл-йўлакай исроф бўлиб кетди. Суғориш чоғида ҳам анчагина сув бекорга исроф бўлмоқда. Ёмғирлатиб суғориш ҳозирча фақат Қирғизистонда қўлланилмоқда. Қайишқоқ трубопроводлар, суғориш сифонлари, тупроқ тагидан томчилатиб суғоришдан фойдаланиш тўғрисида гапирмай ҳам қўяқолайлик. Барча ишлар эскичасига давом этмоқда: ариқни очиб, далага сувни бемалол оқизавер. Сув жазирама саратонда буғланиб кетаверсин. Суғорма сув ресурсларига ана шундай муносабатга бугунги кунда мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз бугун бу ҳақда республикадаги ўртоқларга ҳам, бу ерда ҳозир бўлган мелиорация ва сув хўжалиги министримиз ўртоқ Васильевга ҳам рўй-рост айтишимиз керак. Таассуфки, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳозирча суғориладиган деҳқончиликда прогрессив методлардан фойдаланишга чинакамига киришгани йўқ.

Бугунги пленумда қилинган докладда республика қишлоқ хўжалиги барча тармоқлари тараққиётининг муаммолари анча батафсил кўриб чиқилди, у ёки бу маҳсулот етиштиришдаги ишларнинг аҳволига баҳо берилди. Шу боисдан ҳам ўз нутқимда назаримизда пайсалга солиб бўлмайдиган бир қанча энг муҳим масалалар хусусида айрим мулоҳазаларнигина айтиб ўтмоқчиман.

Партия Марказий Комитетида бизни республика пахтачилигидаги аҳвол ташвишга солмоқда. Бу тармоқдаги ишнинг аҳволи яхшиланаётгани йўқ. Пахта етиштириш кўпайиш ўрнига, ҳатто камаймоқда. Пахта ҳосилдорлигининг ниҳоятда пастлиги бунинг асосий сабабидир, ҳосилдорлик йил сайин камайиб бормоқда, Ўтган йили фақат 9 хўжалик ҳар гектар ердан 40 центнердан кўпроқ пахта олган. 352 та колхоз ва совхозда (бу пахтакор хўжаликларнинг 60 процентини ташкил этади) ҳосилдорлик 10—20 центнер атрофида бўлди, 38 совхозда эса (7,6 процент) ҳосилдорлик 10 центнердан ҳам камроқ бўлди. Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларининг янгитдан ўзлаштирилган ерларида, Қорақалпоғистон АССРда ана шундай хўжаликлар айниқса кўп.

Монокультурага чек қўйилмас экан, пахтазорда илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш жорий этилмас экан, пахта майдонининг маҳсулдорлигини ошириб бўлмаслиги ҳақида республикада ҳам, бизнинг марказий органларда ҳам кўп гапирилмоқда. Ўтган йили Марказий Комитет Сиёсий бюросида «Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантиришдаги жиддий нуқсонлар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинаётганида партия Марказий Комитети республиканинг таклифларини инобатга олиб, пахта харид қилиш ҳажмини бирмунча қисқартирди, бунинг эвазига пахта майдонларини камайтириш ва пахта етиштиришнинг самаралироқ системасига ўтиш лозим эди.

Аммо бу ғоя амалда рўёбга чиқаётгани йўқ. Пахта жами майдонларнинг 74 процентини эгаллаб турганлигига қарамай, ўтган йили республикада пахтазорлар камайиш ўрнига, ҳатто кўпайиб кетди. 1985 йилда пахта-беда алмашлаб экиш пахта комплексидаги ҳайдаладиган ерларнинг 55 процентида қўлланилган эди, 1987 йилда эса фақат 42 процентида қўлланибди. Ҳамонки, республика маҳаллий органларининг раҳбарлари, илмий муассасалар ўзларининг тўғри ғояларини хўжаликларга етказишга, мутахассисларни муаммони тўғри ҳал этишга ишонтиришга қодир эмас эканлар, уларнинг муддаоси нима эди?

Пахта толаси сифатига, демакки, нав ишига, уруғчиликка ва пахта етиштириш технологиясига ҳали кўп эътирозлар айтилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йил ғўзанинг ривожи ҳамма ерда яхши. Унинг авжи ўртача йиллик кўрсаткичларга нисбатан баландроқ. Мўл ҳосилни йиғиштириб олиш, бу йилги планни бажариш билан бир қаторда ўтган йилларда

бой берилган ҳосил ўрнини анча қоплаш имконияти ҳам бор. Жойлардаги бутун ташкилотчилик ишини худди ана шу йўналишда, худди ана шундай талаб билан олиб бориш керак.

Иккинчи муаммо донга тааллуклидир. Сўнгги икки йилда республикада дон экинлари учун нисбатан қулай шароит вужудга келди. Бу дон етиштиришни бир кадар кўпайтиришга имкон берди, аммо ҳали хотиржам бўлишга асос йўқ. Агар ўтган йили ялпи дон ҳосили 1800 минг тоннага етган бўлса, чорвачилик учун йилига 2 миллион тоннага якин омихта ем сарфланмокда. Демак, дон етиштиришни кўпайтириш, суръатни жадаллаштириш лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон маккажўхори дони етиштиришда ўзига мутлақо муносиб бўлмаган ўринда турганлигига эътиборни қаратмоқчи эдим. Сизнинг суғориладиган ерларингизда табиий иқлим шароити соз, маккажўхорининг юкори ҳосилли навлари ва гибридларини ўстириш имкониятларига эгасиз, кадрларингизнинг тажриба ва маҳоратидек жуда муҳим фазилатни ҳам инобатга оладиган бўлсак, маккажўхори дон ва озуқа етиштиришнинг энг муҳим манбаига айланиши мумкин ва лозим. Шу муносабат билан сизга қўшни бўлган Қирғизистон ССРнинг Ўш области кўрсаткичларини яна бир карра эслатиб ўтмоқчиман, у ерда барча майдонлардан 72,5 центнердан маккажўхори дони олинди, кўпгина бригада ва звенолар эса 100—130 центнер ва бундан ҳам кўпроқ ҳосил кўтардилар.

Республикангизда ҳам ана шу экиндан яхши ҳосил олаётган илғорлар бор. Андижон область Ленин районидаги «Социализм» колхозидаги Ҳ. Мўйдинов бошчилик қилаётган бригада 72 гектар майдондан 111 центнердан ҳосил кўтарди. «Савай» совхозидаги А. Бурҳонов бригадаси 78 центнердан, Чиноз районидаги Навоий номли колхоздан У. Акромов раҳбарлигидаги бригада эса 85 центнердан ҳосил кўтарди. Аммо умуман республика бўйича маккажўхори дони ҳосили ниҳоятда камдир. 1986 йилда ҳар гектар ердан 33 центнер, 1987 йилда эса 35,5 центнер ҳосил олинди. Бу ўн биринчи беш йилликдаги ўртача кўрсаткичдан 18 центнер камдир. Бундай кўрсаткичлар — илғор технология талабларини унутиш ва бориб турган хўжасизликнинг оқибати, хўжаликлар агросаноат органлари раҳбарлари ва мутахассислари ўз вазифаларига бефарқ қараётганликларининг натижасидир. Кадрларни ўргатиш керак. Аммо ҳокимиятни қўлланиш вақти ҳам келди, барча даражаларда талабчанликни кучайтириш лозим.

Ўзбекистон ўз табиий иқлим шароитларига кўра аҳоли тобора кўп талаб қилаётган мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш энг қулай бўлган районлардан биридир. Аммо сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва резавор мева етиштиришни тобора кўпайтириб бораверишп учун ана шу шароитлардан ҳам, шунингдек меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўплигидан ҳам дурустроқ фойдаланилмаяпти. Мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш сўнгги йилларда кўпайиш у ёқда турсин, ҳатто камайиб кетди. Ўтган йили мева ва резавор мева ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик ҳажмидан 23 процент, қовун-тарвуз 17 процент кам етиштирилди. Картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва резавор мева, узум харид қилиш планлари йил сайин бажарилмай қолмоқда.

Бу экинларнинг ҳосилдорлиги ниҳоятда паст. Ўтган йили фақат учта область — Наманган, Сурхондарё ва Фарғона областларида картошка экилган ҳар гектар ердан 100 центнердан кўпроқ ҳосил олинди, ўнта областда эса унинг ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди. Шунинг учун ҳам бугунги пленумдаги докладда республика аҳолисини картошка билан таъминлаш хусусида катта ташвиш билан гапирилганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, картошканинг ялпи ҳосили ҳам, унинг давлат хариди ҳам кўп йиллардан буён аслида бир даражада қолиб келмоқда. Ўтган йили эса ҳосил анча камайиб кетди. Сабзавотда ҳам аҳвол ана шундай: сабзавотнинг ялпи ҳосили ҳам, хариди ҳам секин ўсмоқда. Бундай бир қадар ўсишга ҳам асосан экстенсив омиллар эвазига эришилмоқда. Ўтган йили картошка етиштириладиган 1149 хўжаликдан 535 таси ҳар гектар ердан 50 центнердан камроқ ҳосил олди, сабзавот етиштираётган 1615 хўжаликдан 440 таси ҳар гектардан 50 центнердан камроқ ҳосил кўтарди. Бундан ёмонроқ ҳам кўрсаткичлар бор: Қорақалпоғистон АССРдаги 61 хўжаликдан 52 тасида ўтган йили картошка ҳосилдорлиги 30 центнердан ҳам кам бўлди. Қашқадарё ва Бухоро областларидаги совхозларнинг ярмида картошка экилган майдонларнинг маҳсулдорлиги худди шун-

дай даражададир. Бу ишни жиддий яхшилаш лозим. Суғорма ерларни банд қилгандан кейин ҳосил олиш керак-да.

Республикада маҳаллий аҳолини таъминлаш ва умумиттифоқ фондига етказиб бериш учун эртаги сабзавот етиштириш борасидаги ишларнинг сустлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Кеч кузги экинлар экиш, плёнкалардан фойдаланиб, маҳсулот етиштириш учун барча шароитлар мавжуд. Кези келганда шуни айтиш керакки, шу мақсадлар учун республикага плёнка ажратиш анча кўпайтирилди. Агар 1986 йилда республикага 32 миллион квадрат метр шартли плёнка ажратилган бўлса, бу йилги фонд 50 миллион квадрат метрга етди.

Яна бир масала. Республикадаги кўпгина хўжаликларда сабзавот ва айникса полиз экинларининг ялпи ҳосилини кўпайтириш кетидан қувиб, уларни парвариш қилиш технологиясини бузмоқдалар, оширилган миқдорларда азот ўғитлари солмоқдалар, то йиғим-терим бошлангунга қадар суғормоқдалар, ҳосил тўла пишиб етилмасдан илгари уни йиғиштириб олишга киришмоқдалар. Натижада мева-сабзавот маҳсулотининг сифати анча пасаймоқда. Баъзан, ҳатто, Москвага ҳамда мамлакатнинг саноат марказларига помидорлар, қовун, мева ва резавор мева қай ҳолатда келаётганини кўриб уяласан, киши. Шу маҳсулотларнинг кўп қисми стандартга мос келмайди. Йўлдаёқ нобуд бўлиб истеъмолчиларга етиб бормайди.

Жиддий танқидий гаплар айтилганига қарамай, теплицаларда сабзавот етиштиришда деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. 1985 йилда ҳар квадрат метрдан 7 килограмм, 1986 йилда 7,9, 1987 йилда 7,5 килограмм маҳсулот олинди. Бу — бизнинг илғор корхоналаримиздагига қараганда 4,5 баравар камдир. Ҳаққоний шундай бир савол туғилади: усти ёпиқ сабзавот корхоналаридан фойдаланишнинг зарур даражасига чиқиб олиш учун республика сабзаводкорларига неча йил талаб қилинаркин?

Мева ва резавор мева етиштиришга оид катта муаммоларни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Шу маҳсулотнинг ўтган беш йилликка нисбатан бирмунча (12,7 процент) ўсишига янги мевазор майдонларни ишга тушириш ҳисобидан эришилди. Меваларнинг ҳосилдорлиги эса ўтган беш йиллик даражасида қолди, бунда жамоат секторидаги ҳосилдорлик жуда паст — гектар бошига атиги 47 центнер бўлди.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда мева ва резавор мева етиштириш нормадаги 55 килограмм ўрнига фақат 46 килограммни ташкил этади. Республика аҳолисининг пистали меваларга бўлган эҳтиёжи шу ернинг ўзида етиштирилган маҳсулот ҳисобига 61 процент, резавор меваларга бўлган эҳтиёжи — 10, ёнғоқларга бўлган эҳтиёжи 17, субтропик меваларга бўлган эҳтиёжи — 80, цитрус меваларга бўлган эҳтиёжи — 2,5 процент қондирилмоқда.

Республикада боғдорчиликни концентрациялаш ва ихтисослаштириш борасидаги ишлар сусайтириб юборилган, боғлар тобора майдалаштириб юборилмоқда, мева ва резавор мева дов-дарахтларини зараркунандалар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилиш суст йўлга қўйилган. Ҳимоя тадбирларининг самарасизлиги сабаблигина меваларнинг эҳтимол тутилган ҳосилидан 35—40 процентдан маҳрум бўлинаётганлиги ҳисоблаб чиқилган.

Мева-резавор мева экинлари, навларни янгилаш структурасида жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. 10 йил мобайнида олча, олхўри, ёнғоқнинг бирорта ҳам нави районлаштирилмади, кўчат хўжаликлари эса районлаштирилмаган навлар ниҳолини ҳамон етиштириб турибди, бу эса боғларнинг республикада мевазор боғларни парвариш қилиш учун унча яроқли бўлмаган кўчатлар билан тўлиб-тошиб кетишига олиб боради. Афтидан, бунда хўжалик органларининг ишида ҳам, республикадаги илмий муассасаларнинг фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар бўлса керак. Боғдорчиликда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаси юкланган Р. Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республика хўжаликларига конкрет ёрдамни кучайтириши шарт.

Биз умуман озиқ-овқат ресурсларини жадал кўпайтириш бутун муаммоси каби деҳқончилик самарадорлигини ошириш масалаларини ҳам кўриб чиқа туриб, шуни яққол тасаввур этишимиз шартки, фан-техника тараққиёти ютуқларидан, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги формаларидан кенг кўламда фойдаланиш асосидагина мана шу жуда катта социал-сиёсий вазифани муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Пудрат ва ижара муносабатларининг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, мавжуд хўжаликлар доирасида ҳам, шунингдек бошқа

корхоналар ва экономика тармоклари билан ўзаро боғланиб кооперативларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш асосида одамларнинг ижодий ташаббусини бутун чоралар билан намоён этиш озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишнинг энг қисқа йўли эканлиги эндиликда мутлақо равшан бўлиб қолди.

XIX партия конференциясида ҳозир мамлакатда колхоз ва совхозларнинг хўжалик юритиш янги принципларига ҳамма жойда ўтиши учун зарур шарт-шароитлар етилганлиги, бунга ҳалақит қилувчи барча корхоналар — ҳам жойлардаги, ҳам марказдаги корхоналар тугатилиши кераклиги тўғрисида мутлақо асосли ва табиий хулоса чиқарилди. Бу вазифани ҳал этишда колхоз ва совхозларнинг бевосита раҳбарлари ҳамда мутахассислари, қишлоқ коммунистлари, халқ депутатлари Советлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг бутун системасини тубдан қайта қуриш, ҳамма жойда хўжалик ҳисоби пудратини ўзлаштириш лозим бўлади. Унинг формалари ғоят хилма-хил — коллектив пудрат, жумладан, кичик группали, оилавий, якка пудрат бўлиши мумкин. Аммо бунда муносабатларнинг моҳияти ижара асосида қурилиши лозим.

Республика колхоз ва совхозларининг кўпгина меҳнат коллективлари янгича ишлаш афзаллигини исботламоқдалар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, пудрат бўлинмалари одатдаги бригадалар ва звенолар билан бир хил шароитда бўлсаларда, 20—30 процент кўп маҳсулот олмоқдалар, улардаги меҳнат унумдорлиги эса 2—3 баравар юқоридир.

Бу хусусда республиканинг ғоят турли районларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қарши районидаги 8-совхозда ўртоқ Лев Николаевич Ким бошчилик қилаётган агроучасткалардан бирининг меҳнат коллективи 1300 гектар ерни пудратга олиб, тўла алмашлаб экишни жорий этган ва ҳамма экинлардан мўл ҳосил етиштирмоқда. Ўтган йили ҳар бир ишловчи ҳисобига 30 минг сўмлик маҳсулот олинди, бу эса республикадаги ўртача кўрсаткичдан қарийб 10 баравар кўпдир.

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоздан ўртоқ Т. Қудратов бошлиқ пудрат коллективи сабзавот ва мева етиштирмоқда. Бултур гектаридан 577 центнер, яъни хўжаликдагига ва райондагига қараганда салкам икки баравар кўп сабзавот маҳсулоти олди, унинг рентабеллиги 60 процентга етди.

Республикада пудрат, ижара муносабатларини ривожлантириш чоғида ўзига хос демографик, табиий иқлим, тупроқ хусусиятлари ҳамда бошқа хусусиятларни эътиборга олиш лозим. Республикангизда мамлакатнинг бошқа регионларидан фарқли ўлароқ қишлоқ аҳолиси сони тез ўсиб бормоқда. Кейинги 10 йил мобайнидагина қишлоқ аҳолиси 2,4 миллион киши ёки 28 процент кўпайди. Бунинг устига, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган кишилар ҳам ортиб бормоқда, ўтган йили улар 1 миллион 400 минг киши, шу жумладан 800 минг нафари кўп болали аёллар эди, улар ўз уйлари яқинида муайян ишни бажаришлари мумкин бўлур эди.

Яқинда Бухоро районидаги «Маданият» колхозида бўлган вақтимда аёллар шу хўжаликдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ёрдамчи цехларда қандай тиришқоқлик билан меҳнат қилишаётганини кўрган эдим. Шундай тажриба бошқа бир қанча хўжаликларда ҳам бор, бундай тажрибани ҳар томонлама рағбатлантириш ва оммалаштириш керак.

Аммо гап ёрдамчи корхоналар тўғрисидагина эмас. Озиқ-овқат ресурсларини мумкин қадар тезроқ кўпайтириш учун ҳар бир кишига ерда ишлаш имкониятини бериш лозим. Бунда коллектив пудратнинггина эмас, шу билан бирга оилавий, якка пудратни ҳам ривожлантираётган, одамларга кичикроқ ер участкаларини ажратиб бераётган, томорқа участкаларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш тўғрисида, ўз ҳовлисида чорва молларни боқиб семиртириб бериш ҳақида улар билан шартнома тузаётган хўжаликлар ва районларнинг тажрибаси фойдали бўлади.

Наманган районидаги «Ленинград» колхозидан Сайдаҳмад Раҳмонов оиласи 16,3 гектар майдондаги ғаллазорни пудратга олиб гектар бошига 62 центнердан ҳосил кўтарди.

Тошкент областидаги «Қорасув» совхозидан Шавкат Нуриддинов звеноси 26 гектар майдонда сабзавот ва картошка етиштирмоқда. Биринчи ҳосилдан 559 тонна маҳсулот топширилди, бу эса пландагидан 230 тонна ортиқдир. Ҳозир шу майдонларга кечки картошка ва сабзавот такрорий экилган бўлиб, яна худди шун-

ча маҳсулот олиш имконини беради. Бу ўрнак олса арзийдиган намуналар эмасми, ахир!

Деҳқонларни колхоз ёки совхоз доирасида хўжалик ҳисобидаги пудрат муносабатларига кенг кўламда жалб этиш, жамоат ишлаб чиқаришини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнида қишлоқ хўжалик кооперативларининг янги турларини ҳамда оилавий меҳнат деҳқон хўжаликларини дадил ва қатъият билан ташкил эта билиш керак.

Қоида шундай бўлиши керак: агар одам коллектив, жамият билан янгича ўзаро муносабатларда бўлишга, озиқ-овқат ресурсларини тез кўпайтириш мақсадида ўзининг бутун кучи, билими ва маҳоратини сарфлашга қарор қилган бўлса, унинг ерни, бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олишини ҳеч ким тақиқлаб қўя олмайди.

Барча поғоналардаги партия комитетлари учун, колхозлар, совхозларнинг бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари учун ҳозир ижара коллективларини ташкил этишдан, бутун хўжалик фаолиятини янги иқтисодий ўзаро муносабатлар изига ўтказишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Бунинг учун ташаббускор кишиларни излаб топиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш, яъни кадрларни тайёрлаш, ўқитиб-ўргатиш, уларнинг ердаги чинакам соҳиблар сифатида камол топиши ҳақида ғамхўрлик қилиш керак.

Шу билан бир қаторда ижара коллективларининг хўжаликлар ва давлат билан ўзаро муносабатининг зарур иқтисодий шарт-шароитини вужудга келтириш ҳамда шу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозим.

Чорвачилик республика агросаноат ишлаб чиқаришидаги энг мушкул соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳол аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси пастлиги, шунингдек умуман бу тармоқнинг аҳволи ниҳоятда қониқарсизлиги билан ҳам, уни ривожлантиришга сарфланаётган маблағлар ва ресурслар самарасининг пастлиги билан ҳам боғлиқдир.

Докладда гўшт ва сут етиштиришга, чорва маҳсулдорлигига оид кўрсаткичлар айтиб ўтилди, зотан уларни такрорлашга ҳожат йўқ. Аммо сизларнинг эътиборингизни шундай бир фактга қаратмоқчиман. Аҳоли жон бошига жами истеъмол қилинган 30 килограмм гўштнинг 20,7 килограмми ўтган йили ўзларингизда етиштирилди, истеъмол қилинган 187 килограмм сут ва сут маҳсулотларининг эса 132 килограммини ўзларингиздаги ресурслар ташкил этди. Агар шу миқдордан яна бошқа жойлардан келтирилган ем-хашак ҳисобига олинган маҳсулотнинг талайгина қисми чиқариб ташланса, энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги манзара яна ҳам ачинарли бўлади. Шу қадар паст даражада қолиш мутлақо мумкин эмаслиги ҳар бир кишига тушунарлидир. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни яна ҳам жадалроқ кўпайтириш юзасидан қатъий чоралар кўриш керак. Бунинг учун кўпгина имконият ва резервлар мавжуд.

Чорвачиликда ҳам меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формаларини, хўжалик ҳисобидаги ижара муносабатларини кенг қўлланиш зарурати етилди.

Биз республикада умуман чорва молларининг гўшт ва сут маҳсулдорлиги анча паст эканлигини қайд этиб ўтамиз. Лекин мана шу манзарада пудрат коллективларининг кўрсаткичлари айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, Сурхондарё область Шўрчи районидаги Киров номли колхозда Тўра Жўраев бошлиқ оилавий звено беш йилдан буён ижара шароитида 90—100 бош бузоқни сўқимга боқиб, ўртача 450 килограммдан 500 килограммгача вазндаги молларни сотмоқда ва колхоз кассасига 130 минг сўмдан кўпроқ даромад келтирмоқда.

Самарқанд областидаги «Зарафшон» совхозидан Латиф Бобомуродов 10 бош қорамолни ўз ҳовлисида боқишга олиб, ҳар суткада молларнинг 1580 граммдан эт қўйишига эришди, бир килограмм эт қўйиш учун ем-хашак сарфи 8,3 озуқа бирлигини ташкил этди.

Мутахассислар ҳам пудрат коллективларига қўшила бошлаганликларини қайд этиб ўтиш қувончлидир. Жомбой районидаги «Октябрь» колхозининг зоотехниги Тахсим Мусаев бошчилик қилаётган коллектив 350 бош сигири бўлган чорвачилик фермасини, жами эса 1120 бош қорамол ва 842 гектар озуқабоп экин майдонини 5 йил муддат билан ижарага олди. Бунда ферма ходимлари учдан бир бара-

вар камайди, чорва маҳсулдорлиги ошди. Афсуски, бу ҳаракат ҳозирча жуда суст бормоқда.

Барча қишлоқ партия ташкилотлари ижара муносабатларига ўтишлари керак эди, аммо республикада ҳозирча бундай бўлгани йўқ. Шу боисдан бу ерда кўпгина меҳнат коллективлари расман пудратга ўтган деб ҳисоблансада, ҳозирча ишда тегишли самарадорликка эришилгани йўқ, қолаверса, маълумотларга кўра, бригада ва фермаларнинг 90 проценти пудрат асосида ишлашга ўтган ҳисобланиб, 1907 хўжаликдан фақат 7 хўжалик ижарага ўтган экан, самарадорликка умид боғлаб бўладими, ахир. Хўжаликлар ва ташкилотларнинг кўпида пудрат бўлинмаларини ташкил этиш ҳам юзаки ўтди, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг эскириб қолган, умрини яшаб бўлган, меҳнатнинг пировард натижаларини, маҳсулот сифатини эътиборга олмайдиган формаларига ҳамон кўз тикилмоқда. Биз ижара пудрати — озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг энг қисқа йўли, деб эълон қилдик, бинобарин қишлоқда янги иқтисодий ўзаро муносабатларнинг мана шу илғор негизини ўзлаштириш қишлоқ партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, колхоз ва совхозлардаги барча жамоат ташкилотлари ишининг энг асосий вазифаси бўлиб қолиши керак.

Республикада чорвачиликни юксалтириш масалалари, дангал айтамизки, партия, совет ва хўжалик органларининг бу соҳага янада доимий диққат-эътибор беришларини талаб этади.

Биринчидан, ғоят шошилинч тартибда кадрларнинг мана шу тармоқни ривожлантиришга муносабатини ўзгартириш зарур. Ҳозир барча даражаларда фақат пахта талаб қилинган ва ҳар қандай рағбатлантиришлар пахта учун берилган. Фақат бир хил экин экиш кайфияти вақти ўтди. Экономикани комплекс ривожлантиришни таъминлаш, одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак.

Биз республика яқин йиллар ичида ўз аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўла ҳажмда таъминлай олмаслигини назарда тутяпмиз. Шу муносабат билан истиқболда ҳам ана шу маҳсулотларни марказлаштирилган фондлардан олиб келишни давом эттириш кўзда тутилади. Бундай олиб келинадиган маҳсулот ҳажми белгиланган. Шунга қарамай, умуман республикада ва ҳар бир областда ўз чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳисобига аҳолини шундай маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш имкониятлари мавжуд. Ахир, сизлар етиштираётган ҳамма нарса маҳаллий аҳолини таъминлашга сарфланади. Афтидан, ҳар бир раҳбарнинг ўзи ишлаши керак. Партия комитетлари ҳам давлатдан кенг яйловлар, барча социал-маданий-маиший шароити бўлган уй-жой массивлари олган, аммо кўп йиллар давомида ҳатто ўз фарзандлари учун зарур миқдорда сут тайёрлашни йўлга қўйиш учун фурсат тополмаётган хўжалик раҳбарларингизга нисбатан қатъий талаблар қўйишлари лозим.

Йирик совхоз ёки колхозда (бундай хўжаликлар республикада анчагина) 100—150 бош сигир боқилиб, совхозларнинг ишчилари, колхозчилар ўз хонадонида мол боқишига ёрдам берилмаётган, бунинг учун бузоқлар, зарур миқдорда ем-хашак ажратилмаётган ва шу сингари ишлар амалга оширилмаётган экан, ишни қандай юритиш мумкин.

«Главсредазирсовхозстрой» системаси хўжаликларида (бундай хўжаликлар сони 90 тага яқин) юз гектар қишлоқ хўжалик майдонига атиги 3,5 бош сигир тўғри келади, 62 центнер сут ва 8,5 центнер гўшт етиштирилмоқда. Бу республикадаги ўртача кўрсаткичлардан 9,4 баравар камдир.

Республика Давлат статистика комитетининг маълумотларига кўра, 169 та хўжаликда қорамол боқилмайди, 286 та колхоз ва совхозда сигир йўқ.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришда аҳолининг шахсий хўжаликлари ғоят салмоқли роль ўйнайди. Шахсий хўжаликлар гўштнинг 50 процентини, сутнинг 64 процентини ва тухумнинг 33 процентини етказиб бермоқдалар. Аммо бу борада ҳали резервлар бор. Қишлоқдаги хўжаликларнинг қарийб 40 процентида сигир боқилмайди, хонадонларнинг ярмида қўй, бешдан бир қисмида ҳеч қандай чорва боқилмайди.

Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозларида чорвачилик экстенсив асосда олиб борилмоқда. Ўтган йили ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори атиги 2316 килограммни ташкил этди. Хўжаликнинг 30 процентдан кўпроғида

сигирлардан 2000 килограммдан кам сут, шу жумладан 40 процент колхоз ва совхозда 1650 килограммдан кам сут соғиб олинмоқда. Афтидан, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни камида 3 минг килограммга етказиш вазифасини ўртага қўйиш пайти келди.

Қорамолларни сўқимга боқиш қониқарли йўлга қўйилган эмас. Гўштга топшириладиган молларнинг кўп қисми яхши семиртирилмай гўштга топширилмоқда. Ўтган йили ички хўжалик эҳтиёжлари учун сўйилган 131 минг бош қорамолнинг ўртача вазни 193 килограммни ва 510 минг қўйнинг ўртача вазни 31 килограммни ташкил этди. Фақат шу туфайли 10 минглаб тонна гўшт маҳсулоти кам етказиб берилди.

Подалар туёғини кўпайтиришни яхшилашга етарли эътибор берилмаяпти. Сигирларнинг 20 процентдан кўпроғи қисир қолмоқда. Хўжаликларнинг 15 проценти эса ҳар 100 сигирдан 60 тадан камроқ бузоқ олмоқда. Подалар туёғини кўпайтиришнинг аҳволи тармоқнинг маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқдир.

Кейинги йилларда республикада қўйчиликни ривожлантириш суръатлари секинлашди. Йил бошида мавжуд ҳар бир қўй ҳисобига атиги 4—6 килограмм қўй гўшти етиштирилмоқда, жун қирқиб олиш ўртача 1,5 килограммни ташкил этмоқда. Қўйчилик хўжаликларининг 70 процентидан кўпроғи зарар кўриб ишламоқда. Унча қимматли бўлмаган ва нуқсонли қоракўл тери етиштириш кескин кўпайди. Асосан иккинчи сортли ва паст сифатли мўйна етказиб берилмоқда.

Пленумдаги докладда республика чорвачилигида ихтисослаштириш тугалланганлиги айтилди. Бунда, афтидан, орзу қилинган марра ҳақиқат қилиб кўрсатилмоқда. Ихтисослаштирилган корхоналар (паррандачилик фабрикаларидан ташқари) ҳозирча чорвачилик маҳсулотининг учдан бир ҳиссасидан камроғини етказиб бермоқда. Айни вақтда ана шу корхоналарнинг қувватлари ҳали тўла ўзлаштирилган эмас. Сут ва мол гўшти етиштириш бўйича лойиҳадаги қувватларнинг атиги 61 проценти, чўчқа гўшти етиштириш бўйича 88 проценти таъминланди. Ҳар бир оператор кўпи билан 15 та сигирни парвариш қилмоқда. Бу мамлакат барча фермаларидаги ўртача даражадан камдир.

Меҳнат, озуқа сарфи ва маҳсулот бирлигининг таннархи чорвачиликка эътибор берилмаётганлигидан, мазкур тармоқдаги хўжасизликдан далолат беради. Республика хўжаликлари ўтган йили сигирлардан бир центнер сут соғиб олиш ва уларни семиртириш учун мамлакат хўжаликларидаги ўртача даражага нисбатан 1,5 баравар кўп меҳнат ва ем-хашак сарфлади. Ўн биринчи беш йиллик давомида бир центнер сутнинг таннархи ўтган беш йилликдагига нисбатан колхозларда 16 процент ва совхозларда 20 процент кўпайди.

Моллар орасида тарқалган турли касалликлар ва аввало бруцеллёз, сил касалликлари каби ғоят хатарли касалликлар чорвачиликка катта зарар етказмоқда. Бундай касалликларга қарши кураш кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Жойларда ана шундай касалликлар пайдо бўлганлигини яширишга уринилаётган ҳоллар тез-тез учраб турибди. Бу эса қорамоллар орасида бундай касалликлар тез ва назорат қилиб бўлмайдиган даражада тарқалиб кетишига олиб келади. Чунончи шу йилнинг 7 ойи давомида бруцеллёз ва сил касалликлари пайдо бўлган 177 та пункт аниқланди. Улардан атиги 36 та хўжаликда молларни соғломлаштиришга эришилди.

Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм областларидаги иш практикаси хўжаликларни соғломлаштириш имкониятларидан ёмон фойдаланилаётганлигини кўрсатиб турибди. Ана шу областларда йил бошида атиги 1—2 тадан шундай пункт бор эди, бироқ шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, касалликларни тугатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмади. Умуман чорвачиликда ветеринария-санитария ҳолати масалалари янада доимий диққат-эътиборни талаб қилади.

Ем-хашак базасининг мустаҳкам эмаслиги чорвачиликни интенсив ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан биридир. Ем-хашак тайёрлашнинг аҳволини таҳлил этганда колхозлар, совхозлар ва агросаноат органларининг кўпгина раҳбарлари бу ишга қанчалик хўжасизларча, ташаббуссизлик билан муносабатда бўлаётганликларидан ҳайратга тушасан киши. Жойларда тўпланган ғоят бой амалий тажрибадан фойдаланилмаяпти. Масалан, Андижон областининг Балиқчи районини олиб кўрайлик: районда ҳозир ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 210 центнердан ошириб беда ўриб олинмоқда, умуман областда эса атиги

115 центнер беда ўриб олинмоқда. Бухоро областининг Вобкент районида беда ҳосилдорлиги гектарига 160 центнерга етмоқда, шу районнинг Калинин номли колхозида Т. Собиров бошлиқ бригада гектар бошига 250 центнер беда ўриб олмоқда, умуман Бухоро областида эса атиги 104 центнер беда олинмоқда.

Наманган районидаги Ленин номли колхоздан Бекмирзаев бригадасида гектаридан 280 центнер беда пичани тайёрлашга эришдилар, областда эса бундан 2,5 баравар кам ҳосил олинмоқда. Мана, кўриниб турибдики, республиканинг кўпгина совхоз ва колхозлари катта-катта суғориладиган ерлар фондига, озуқа экинларидан икки ва ҳатто уч марта ҳосил олиш имкониятига эга бўла туриб, ўз чорвачилигини ҳатто 70—80 процент ем-хашак билан таъминлашнинг ҳам уддасидан чиқмаяптилар. Айни вақтда аҳвол йил сайин ҳатто ёмонлашмоқда. Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг: ўн биринчи беш йилликда ҳар бош қорамолга ўртача ҳисобда 28 центнер озуқа бирлиги тўғри келган бўлса, ўтган йили бу миқдор эса атиги 25 центнерни ташкил этди.

Озуқабоп экинлар учун ажратилган майдонлардан чигит экиш учун фойдаланишдек яроқсиз практика давом этмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 42 минг гектардан кўпроқ майдонга беда экилмай қолди. Хўжаликларнинг ўзлари тузган озуқа экинлари экиш плани бу йил ҳам бажарилмади. Бу айниқса Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа бир қанча областларга тааллуқлидир. Айни вақтда мана шу барча областлар чигит экиш планини ошириб бажардилар. Бундай ишларни давлат интизомини ва ҳатто партиявий интизомни бузишдан бошқа нарса эмас, деб баҳолаш керак. Бунга йўл қўяётган раҳбарларга, партия комитетларига нисбатан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ғоят қатъий талаблар қўйиши керак.

Пахтакор хўжаликларда озуқа экинлари учун қўшимча майдонларни қидириб топиш осон эмаслиги равшан. Энг аввало ем-хашак майдонларидан интенсив фойдаланишни таъминлаш керак. Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатиб турибдики, беда пичани йиғиштириб олиш гектар бошига 200 центнерга етказиладиган бўлса, қўшимча равишда 1550 минг тонна озуқа бирлигига эга бўлиш мумкин. Бу эса сут етиштиришни 1 миллион тонна кўпайтириш имконини берган бўлур эди.

Биз беда ҳосилдорлигининг пастлиги тўғрисида гапирдик. Афсуски, бошқа бир қанча озуқа экинларининг ҳам ҳосилдорлиги пасайиб кетмоқда. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 200 центнердан маккажўхори кўкати олинди. Ваҳолонки, ўн биринчи беш йилликда йилига ўртача ҳисобда 250 центнердан кўк масса йиғиштириб олинган эди. Умуман пичанзор ва яйловларнинг ҳосилдорлиги шу давр ичида 44 центнердан 40 центнер озуқа бирлигига камайди.

Табиий озуқа майдонларидан тартибсиз фойдаланилиши натижасида улар зарур самара бермаяпти. Ҳолбуки, республикада бундай майдонлар 21 миллион гектарни ташкил этади. Ана шундай ем-хашак майдонларининг ҳосилдорлиги атиги 2,5—3 центнер озуқа бирлигини ташкил этмоқда. Ваҳолонки озроқ меҳнат сарфлаганда ҳам уларнинг ҳосилдорлигини икки-икки ярим баравар ва ҳатто ундан кўпроқ ҳам ошириш мумкин бўлади. Республикада пичанзорлар ва яйловларни яхшилаш билан деярли ҳеч ким шуғулланмаяпти. Ҳамма вақт ана шу майдонларнинг атиги 1 процентини тартибга солишга вақт топишди. Ўтган беш йилликда пичанзор ва яйловларни тубдан яхшилаш плани 50 процент, 1986 йилда 18 процент, 1987 йилда 3 процент бажарилди.

Ем-хашак тайёрлаш ва уни сақлаш даврида технологиянинг жиддий бузилишига йўл қўйилмоқда, бу эса ем-хашакнинг тўйимлигига анча путур етказмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларича, республикада ем-хашак сифатини пасайтириш ҳисобига кўрилаётган зарар 800 минг тонна озуқа бирлигидан ошмоқда. Бу эса қарийб 100 минг тонна гўшт ёки ярим миллион тонна сут етказиб берилмаганлиги билан баробардир. Айни вақтда ишдаги бир нуқсон бошқасига олиб келади. Хашак ва ширали озуқа етарли эмаслиги ҳамда уларнинг сифати пастлиги туфайли ҳар бир маҳсулот бирлигига нисбатан уларнинг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда, концентрат сарфи кескин кўпаймоқда. Республикада дон ғоят кам етиштирилаётганлиги сабабли ҳар йили давлат ресурсларидан концентрат озуқа ажратиш кўпаймоқда.

Ем-хашак сақлаш базасини вужудга келтиришга оид ишлар суст олиб борилмоқда. Ҳар йили қабул қилинаётган озуқа омборлари қуриш планлари етарли

эмас. Гарчи бу борадаги планлар асосан бажарилаётган бўлсада, ишларнинг аҳволи ўнгланмаяпти. Силос ва сенаж бостириладиган озуқа омборлари 75 процент, пичан омборлари 25 процент, илдиз мевалар сақланадиган озуқа омборлари 10 процент таъминланмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида республика хўжаликларида пичан ва озуқабоп илдиз мевалар сақланадиган биронта ҳам омбор қурилмади. Ўртоқлар, ем-хашак тайёрлашдаги ишни қандай ўнглаш мумкин, деган қонуний савол туғилади.

Паррандачилик тўғрисида бироз гапирмоқчиман. Республикада мазкур тармоқни саноат негизига ўтказиш юзасидан анчагина ишлар қилинди. 60 тага яқин ихтисослаштирилган корхона қурилди. Шу корхоналар йилига 1 миллиард 300 миллион донадан кўп тухум, 65 минг тонна бройлер гўшти етказиб бермоқда. Бу борада ҳам қувватларни ўзлаштириш муаммоси бор. Тухум етиштириш билан шуғулланувчи паррандачиликда қувватлар 73 процент, парранда гўшти етиштиришда эса 50 процентдан камроқ ўзлаштирилди. Натижада республика шу беш йиллик икки ярим йилидаёқ қарийб 100 минг тонна бройлер гўшти ололмади.

Паррандачилик фабрикаларининг маҳсулдорлиги ошмаяпти: республика паррандачилик саноати хўжаликларида ҳар бир товуқдан олинаётган тухум йилига зўрға 200 тага етмоқда, бройлерларнинг бир кунлик семириши атиги 14 граммни ташкил этмоқда. Бу мамлакатдаги бутун паррандачилик саноати системасидагига нисбатан 41 дона кам тухум етиштирилаётганини ва бройлерлар 7,5 грамм кам семиртирилаётганини билдиради. Республикада паррандачилик маҳсулоти етиштиришга бошқа регионлардагига қараганда кўпроқ озуқа ва меҳнат сарфланмоқда. Буларнинг ҳаммаси корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти паст даражада эканлигини кўрсатади.

Республикада паррандачилик маҳсулотлари билан фирма усулида савдо қилишни ривожлантиришга қаратилган тўғри йўл олиб борилмоқда. 20 га яқин ихтисослаштирилган магазин ишлаб турибди, янги-янги савдо корхоналари очилмоқда. Ана шундай магазинлар барча катта шаҳарларда ва ишчилар посёлкаларида бўлиши учун бу ишни ривожлантириш керак. Савдода паррандачилик маҳсулотлари турини кўпайтириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш зарур. Бу борада халқ сизларни қўллаб-қувватлайди.

Озиқ-овқат соҳасидаги ишлар тўғрисида гапириб, саноатнинг озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш масалаларини четлаб ўтиб бўлмайди. Сизларга маълумки, партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида агросаноат комплексининг ана шу тармоқларини ривожлантириш юзасидан катта программа белгиланган. 1988—1995 йилларда бу соҳага капитал маблағ ажратиш 1,5 баравар, озиқ-овқат ҳамда гўшт ва сут саноатига 1,7 баравар кўпайтирилган. Вазифа шу тахлитда қўйилмоқдаки, маҳсулотнинг барча турларини етиштириш учун имконият бўлган ҳар бир республикада, ўлка ва областда ўз ресурслари ҳисобига аҳолининг эҳтиёжлари тўла-тўкис таъминлансин.

Бу борада Ўзбекистонга нисбатан ҳозирча жиддий даъволаримиз бор. Республикада жуда катта хом ашё ресурслари, ишчи кучи жиҳатидан чексиз имкониятлар бўлишига қарамай, турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларининг хилини кўпайтириш ва умумий миқдорини анча оширишда муҳим силжишга эришилмади. Айни вақтда шу жойнинг ўзида етиштириш мумкин бўлган кўпгина маҳсулотларни истеъмол қилиш даражаси мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан ҳамон ғоят паст ва анчагина орқада қолмоқда. Жумладан, ўтган йили кондитер маҳсулотлари истеъмоли СССРда аҳоли жон бошига 16,5 килограмм бўлгани ҳолда бу ерда атиги 12,1 килограммни ташкил этди. Алкоголсиз ичимликлар эса СССРда аҳоли жон бошига 18,6 литрни ташкил этса, республикада 8,5 литр истеъмол қилинди. Қиём-мармелад маҳсулотлар эҳтиёжга нисбатан беш баравар кам ишлаб чиқарилмоқда, майонез эса йилига ҳар бир киши ҳисобига атиги 60 граммдан ишлаб чиқарилмоқда. Беш йиллик давомида кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқариш 3,3 процент кўпайди, беш йиллик топшириққа нисбатан эса 8,9 минг тонна (9 процент) кам етказиб берилди.

Республикага бошқа регионлардан 50 минг тонна ёки истеъмол ҳажмининг қарийб 30 проценти миқдорида кондитерлик маҳсулотлари ташиб келтирилмоқда. Бу йил бошқа регионлардан салкам 18 минг тонна карамель, 21 минг тонна

бошқа конфетлар, 6 минг тонна ирис, 2 минг тоннадан ортиқ ҳолва келтириш мўлжалланади. Ўзбекистондагига, Шарқдагига қараганда қаерда яхшироқ ҳолва тайёрлай олишарди? Яна қаердан келади, денг — Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбайжондан олиб келинади!

Минерал сув Шимолий Кавказ ва Закавказьедан келтирилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина 7 миллион шишадан ортиқ минерал сув етказиб берилади. Айни вақтда республикада минерал сув ишлаб чиқарадиган корхоналар қувватининг атиги 60 проценти, алкоголсиз ичимликлар корхоналари қувватининг 80 проценти, пиво ишлаб чиқарадиган корхоналар қувватининг 62 процентидан фойдаланилмоқда. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, республикада бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш бўйича ҳам мавжуд қувватлардан фойдаланиш коэффициенти пасайиб кетмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина ўсимлик мойи ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан фойдаланиш коэффициенти 83,4 процентдан 80,6 процентга, кондитерлик маҳсулотлари бўйича 89,2 процентдан 82,6 процентга тушиб кетди. Шу сабабли аҳолига йилига 15 минг тонна кондитерлик маҳсулоти, 130 миллион шиша минерал сув, кўпгина бошқа маҳсулот кам етказиб берилди.

Яна бир гап: республика қурувчилари озиқ-овқат комплекси олдида ғоят қарздор бўлиб қолмоқдалар. Ўзбекистон Давлат агросаноат комитетининг озиқ-овқат саноати қурилишларида йил сайин катта миқдордаги маблағ ўзлаштирилмай қолмоқда. Кейинги икки йил ичида капитал маблағлар ўзлаштириш планга нисбатан атиги 69 процентни ташкил этди. 21 миллион сўм ўзлаштирилмади. Шу йилнинг биринчи ярмида йиллик план 33 процент бажарилди.

Республикада гўштни, ёғи олинмаган сутни қайта ишлайдиган қувватларни, холодильникларни ишга тушириш плани бажарилмади.

Қайта ишловчи тармоқ жуда орқада қолаётганига қарамай, бундай қувватларни ишга тушириш одатда беш йилликнинг сўнгги йилларига планлаштирилмоқда. Масалан, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик планни бажариш учун қолган икки йил ичида қувватларнинг 70 процентдан кўпроғини, холодильникларнинг 52 процентини ишга тушириш зарур. Кўпгина корхоналарни қуриш ва реконструкциялаш барбод бўлмоқда. Беш йиллик планда кўзда тутилган Тошкент ёғ-мой комбинатининг реконструкцияси шу вақтгача бошлангани йўқ, бунинг оқибатида йилига 32 минг тонна миқдорда маргарин ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш хавф остида қолмоқда.

Гўшт-сут комплекси тармоқларида ҳам вазият бундан яхши эмас. Ўтган икки йил ичида чорва моллар ва сут харид қилишнинг ўсиши 22 процент, гўшт тармоғи корхоналарининг гўшт ишлаб чиқариши эса атиги 12 процент, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 процент кўпайди. Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 процент ошди. Пишлоқ ишлаб чиқариш олдинги даражада қолди. Гўшт комбнатларида қайта ишланадиган хом ашёнинг ҳар бир тоннасидан маҳсулот чиқиши амалда кўпаймаяпти, сутни қайта ишлаш чоғида эса бу кўрсаткич тахминан 3 процент камайиб кетишига йўл қўйилган.

Республика агросаноат комплекси тармоқларида узоққа чўзилган қурилишлар кўпайиб кетди. Чунончи, Бухоро областида 54 мингта чўчқага мўлжалланган Қоғон чўчқачилик комплекси қурилиши 1975 йилдан буён давом этмоқда. Қорақалпоғистон АССРдаги Беруний паррандачилик фабрикаси ҳамда Бухоро областидаги Ғиждувон паррандачилик фабрикаси етти йилдан буён қурилмоқда. Улар ҳар бирининг қуввати 3 миллионта гўштбоп паррандага мўлжалланган.

Икки йил ичида социал соҳадаги объектлар қурилишида жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Республикада уй-жой ва мактабгача тарбия болалар муассасалари, поликлиникалар қуриш плани бажарилмади. Айниқса якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилиши жуда ёмон бормоқда, уй-жойларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши 60 процентдан кўпроқни ташкил қилади.

Мамлакатнинг бошқа регионларида бўлгани каби республикангизда агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш уни илмий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Ишимизнинг мана шу ғоят муҳим соҳасида ҳозирча катта камчиликлар ва нуқсонлар бор. Расмий жиҳатдан қараганда, ҳаммаси тўғридек кўринади. КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, республика бошқарув органларининг ҳужжатлари чиқарилган, сўнгра Давлат агросаноат комитети буйруқ чиқарган. Аммо, биринчи-

дан, бу ишлар жуда секин бажарилмоқда. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг қарори 1987 йил 9 июлда қабул қилинган эди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз ҳужжатини 26 октябрда эълон қилди, республика Давлат агросаноат комитети эса шу қарор юзасидан буйруқни 1988 йил 12 апрелдагина чиқарди. Аслини олганда, илмий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш иши бир йилдан кўпроқ вақтдан буён ҳали бошлангани йўқ.

Областларда ва районларда янгидан тасдиқланган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари бош марказларининг ҳамда ташкил этилаётган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг фаолияти ҳозирча сезилмаяпти, ана шу марказларнинг ўзи ҳам ҳозирча ўз ишларини кўрсатишга шошилмаяпти, улар ҳозир ўз кенгашлари иш планини тузиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини мувофиқлаштириш билан овора бўлмоқдалар, конкрет иш эса ҳамон кўринмаяпти. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг «Союзхлопок», «Дон», «Шоли», «Механизация» ва бошқа баландпарвоз номлари тезроқ реал кучга эга бўлиши ва илмий ишланмаларни йўлга қўйишга, хўжаликларнинг амалий ишига таъсир ўтказиши лозим.

Илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш системаларини ташкил этиш жараёни кечикканлиги тўғрисида яна бир бор гапириб ўтиш керак. Ҳозир мамлакатда ҳамманинг тан олишича, бу системаларнинг тузилиши ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга тағин ҳам реалроқ таъсир кўрсатади. Республикада маккажўхори юзасидан эндигина «Гибрид» илмий-ишлаб чиқариш системаси тузилди ва у ҳозирча республика чорвачилик илмий тадқиқот институти базасида жойлашган. Мана шу илмий муассасада «Паррандачи», «Қўй ва эчки», «Мол гўшти», «Ем-хашак», «Сут» илмий-ишлаб чиқариш системалари тузилмоқда. Улар амалий иш бошлайдиган вақт аллақачон келган.

Пиллачилик, сабзавотчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, бошқа институтлар базасида илмий-ишлаб чиқариш системаларини тузиш ундан ҳам орқада қолмоқда. Бу муҳим ишда биз агросаноат ва ВАСХНИЛ айрим ходимларининг имиллашига қараб ўтира олмаймиз. Илмий жиҳатдан таъминлаш ва у билан боғлиқ бўлган интенсивлаш, технологияларни модернизациялаш, фан ва илғор амалиёт келтириб чиқарган барча янгиликларни, илғор нарсаларни ишлаб чиқаришда қўлланиш — давлат иши, партия иши бўлиб, Компартия Марказий Комитети билан Министрлар Совети, агросаноат комитетлари ва бирлашмалари, барча кадрларимиз бу ишни ўз қўлига олишлари керак.

Шу муносабат билан айтиш мумкинки, илмий ечимлар билан янгиликларни амалда ўзлаштириш бир-бирига боғланадиган жойда турган ғоят муҳим муаммога тўхталмай бўлмайди. Республикада ихтисослаштириш ҳисобга олиниб, ғўзага кўп миқдорда пестицид сепилмоқда. Бу эса экология вазиятини қийинлаштирмоқда. Шу боисдан химиявий моддаларни қўлланишни камайтиришга, уларни биологик усуллар билан алмаштиришга имкон берадиган илмий ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа ва оммалаштирса арзийди. Ғўза зараркунандаларига қарши курашда биологик усулларни қўлланиш туфайли Наманган, Фарғона, Сирдарё областларида пестицидлар деярли ишлатилмайдиган бўлиб қолди, умуман республикада пестицидлардан фойдаланиш камайди, бироқ бу муаммо илмий муассасалар, агросаноат органлари ҳали кўп куч сарфлашини талаб қилади.

Барча даражадаги кадрларимизни ўқитиш, малакасини ошириш, уларга хўжаликни интенсив, юксак самарали юритиш кўникмаларини сингдириш юзасидан ғоят муҳим вазифа турибди.

Илмий муассасалар, бирлашмалар ва илмий-ишлаб чиқариш системаларини, уларнинг база хўжаликларини хўжалик юритишнинг илғор усуллари ва методларининг чинакам мактабига айлантириш керак. Бунинг учун республикада, ҳар бир областда кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг конкрет планига эга бўлиш, ўқитувчилар составини пухта танлаш, бу ишни партиявий йўл билан мунтазам контрол қилиб бориш керак. Умуман қишлоқда янги иқтисодий муносабатларга мумкин қадар тезроқ ўтишни реал изга солиб юбориш, мамлакатимизда озиқ-овқат етиштириш ишини ривожлантириш юзасидан биз ҳозир ва яқин келажакда ҳал қилишимиз лозим бўлган жуда катта вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз, оммавий касбдаги кадрларимиз фаолиятини кучайтиришнинг бутун системасини ишга солишимиз зарур.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ - ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд этадики, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси мамлакат тақдири учун зўр тарихий аҳамиятга молик жуда катта воқеа бўлди. Конференция қабул этган қарорларни амалга ошириш қайта қуриш жараёнларини, туб иқтисодий ислоҳотни ва совет жамиятини демократиялашни анча жадаллаштириш имконини беради.

Социал-иқтисодий соҳада халқ фаровонлигининг энг зарур муаммоларини ҳал этишни ва, аввало, мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашни анча яхшилашни жадаллаштиришдан иборат жуда муҳим вазифа ўртага қўйилди. Партия буни туб социал-сиёсий масала, деб билади.

Бутуниттифоқ партия конференциясида, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида Ўзбекистон ССР турғунлик ҳодисалари учун, қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлиги пастлиги учун танқид қилинди. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш даражаси кўпаймаяпти, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ҳажмларининг ортиши эса аҳоли ўсиши эҳтиёжларини қондиришнигина таъминламоқда.

Табиий-иқлим шароитларидан ва агросаноат комплексининг иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги вужудга келган аҳволнинг асосий сабабидир. Кейинги ўн етти йил мобайнида агросаноат комплексини ривожлантиришга 36 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди, асосий ишлаб чиқариш фондлари салкам беш ҳисса кўпайди, бироқ ялпи маҳсулот атиги 40 процент ортди, фондларнинг самарадорлиги учдан бир ҳисса камайди.

Пахтачилик хўжаликлари алмашлаб экишни ўзлаштиришдан, ғўза ҳосилдорлигини оширишдан ва суғориладиган экинзорларни озиқ-овқат экинлари учун бўшатиб олишдан дурустроқ манфаатдор бўлмаяптилар. Мева-сабзавот тармоғининг ривожланиши Озиқ-овқат программаси топшириқларидан анча орқада қолмоқда. Кейинги йилларда ихтисослаштирилган боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари камайди, кўпгина областларда мева-сабзавотнинг ялпи ҳосили озайди. Картошкакорлик ўз ҳолига ташлаб қўйилган, шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг атиги учдан бир қисми республикада етиштирилган картошка ҳисобига қондирилмоқда. Мева, узум ва сабзавот ҳосилдорлиги ҳамон пастлигича турибди, колхоз ва совхозлар шу маҳсулотларнинг белгиланган турларини етиштириш ва тайёрлаш планларини узлуксиз бажармай келмоқдалар. Кўпгина областларда данакли мевалар харид қилиш ҳажмлари икки бараварга яқин камайди, уларни умумиттифоқ ва республика фондига етказиб беришга оид шартномалар бажарилмаяпти. Теплица хўжаликлари имкониятларининг ярмисидан фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳри ва бошқа саноат марказлари аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш муаммолари ҳамон ўткир бўлиб турибди.

Дончилик барқарор ривожланмаяпти, кейинги беш йил мобайнида шоли етиштириш ва давлатга топшириш планлари бажарилмади. Тупроқ ҳосилдорлигини ошириш учун ўтмишда коллектор-зовур тармоқларини қуриш ва ишлатишда йўл қўйилган жуда қўпол хатоликларни тугатиш, ерларни тайёрлаш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Марказий Комитет пленуми чорвачиликни ривожлантиришга партиявий раҳбарликнинг даражаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидан қўйилаётган талаблар ва вазифаларга мувофиқ эмас-

лигини таъкидлайди. Кўпгина колхоз ва совхозларда қорамоллар туёғини мавжуд экинзорларга мувофиқ равишда кўпайтириш имкониятлари рўёбга чиқарилмаяпти. Қўй ва эчкилар туёғи камайиб бормоқда. Наслчилик ва зооветеринария иши қониқарсиз ташкил этилган, чорва моллар ва паррандаларни боқиш ҳамда асраш технологиясига риоя этилмаяпти, чорвачиликдаги кўпгина сермеҳнат жараёнлар механизациялаштирилмаган. Ем-хашак етиштиришни тубдан яхшилашга эришилгани йўқ.

Балиқчилик тармоғининг ишида сезиларли натижалар кўринмаяпти. Уни ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти, товар маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб кетмоқда, балиқни қайта ишлаш масалалари секинлик билан ҳал қилинмоқда, бу маҳсулот билан савдо қилиш қониқарсиз ташкил этилган.

Пленум республикада корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари, гражданларнинг шахсий хўжаликлари, боғ-полизчилик ширкатларининг аҳоли таъминотини яхшилашдаги ролига етарли баҳо берилмаётганини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол, деб ҳисоблайди. Бу тармоқларни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни кўпгина министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бажармаяптилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базаси мушкул аҳволда қолмоқда, шунинг оқибатида кўп нобудгарчиликларга ва сифатнинг пасайишига йўл қўйилмоқда. Бир қанча янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш чўзилиб кетмоқда. Қайта ишлаш тармоқларини ўз хом ашё ресурслари билан, шунингдек асбоб-ускуналар билан ҳамда жойлаш учун идишлар билан таъминлаш масалалари суст ҳал этилмоқда. Кўпгина корхоналар хом ашё зоналаридан олисда жойлашган, мева-сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш шу маҳсулотлар етиштириладиган жойларга марказлаштирилмаган. Аҳолини ёғи кам ва ёғсиз сут маҳсулотлари, оқсилли ва бошқа қўшимчалар қўшиб тайёрланган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобига таъминлашни яхшилаш резервларидан етарли равишда фойдаланилмаяпти.

Аҳолига савдо-сотиқ хизматини яхшилашда тузук силжишлар рўй бермаяпти, бу соҳа одамларнинг социал фаровонлигини оширишга тўсиқ бўлиб қолди. Республика Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари харид қилиш учун навбат кутиб туришга олиб келадиган сабабларни тугатиш юзасидан самарали чораларни кўрмаяптилар.

Пленум шуни таъкидлайдики, агросаноат комплексида ҳозирча бутун бошқарув ва хўжалик юритиш системасини қайта қуриш ҳаддан ташқари секинлик билан бормоқда. Янги иқтисодий механизмни жорий этиш асоссиз равишда пайсалга солинмоқда, кўпгина партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари меҳнатнинг пудрат усулларини ва уни рағбатлантиришни ташкил этишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ва қайта ишлаш тармоқларида ижара пудратини, кооперативларни ривожлантиришда расмиятчилик ҳамда андозачилик фактларига муросасозлик билан қараб келмоқдалар. Зарар кўраётган ва кам рентабелли хўжаликлар сони секинлик билан камаймоқда. Уларни ижарачиларга ва кооперативларга топшириш иши йўлга қўйилмаяпти. Мамлакатда ўзининг яхши хусусиятларини кўрсатган агросаноат комбинатларини, агро-савдо фирмаларини ва маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда сотишни бирлаштиришга асосланган бошқа тузилмаларни барпо этишда журъатсизлик ва қатъиятсизлик қилинмоқда. Хўжаликлар ҳамда ўртача бошқарув бўғини раҳбарларининг анчагина қисми мутахассислар хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини етарли равишда эгаллаб олмаганлар, янги шароитда ишлашга яхши тайёргарлик кўрмаганлар.

Партия, совет ва хўжалик органлари қишлоқни социал жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар турмушини, уларга медицина, маданий ва савдо хизматини яхшилашнинг аҳамиятига ҳамон етарли баҳо бермаяптилар.

Пленум озиқ-овқат таъминотининг ҳолати учун биринчи галда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари масъулдирлар, деб ҳисоблайди. Бироқ озиқ-овқат масалалари юзасидан қабул этилаётган қарорлар ташкилотчилик ва сиёсий иш билан етарли равишда мустаҳкамланмаяпти. Область, шаҳар ва район партия комитетлари коммунист раҳбарларга нисбатан юксак талабчан-

лик қилмаяптилар, масъулиятсизлик ва лоқайдлик фактларига тоқат қилмоқдалар, раҳбарликнинг сиёсий усулларини секинлик билан ўзлаштирмоқдалар, маъмуриятчиликдан ва буйруқбозлик-тазйиқ усулларидан воз кечганлари йўқ. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари колхоз ва совхозларнинг, савдо ва тайёрлов ташкилотларининг ишини, ёрдамчи хўжаликларнинг ва гражданлар шахсий хўжаликларининг имкониятларини мувофиқлаштириб туриш, шунингдек қўшимча озиқ-овқат ресурсларини қидириб топиш учун ўз ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланмаяптилар. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, бошқа илмий муассасалар озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга ҳали ҳам кам ҳисса қўшмоқдалар.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми йўл-йўриқларига амал қилиб, Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг коммунист раҳбарлари зиммасига озиқ-овқат муаммосини шошилинч ва ғоят муҳим вазифа деб билиб, бутун ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларни ана шу муаммони ҳал этишга қаратиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989—1995 йилларда республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш юзасидан тавсия этган тадбирлари асосан маъқуллансин. Марказий Комитет Бюросига айтилган таклиф ва танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиб, мазкур тадбирларни ишлаб чиқишни 2—3 ой ичида ниҳоясига етказиш, барча область ва республика қишлоқ хўжалик органлари ҳамда бўлинмалари, шунингдек иттифоқ Госплани ва Давлат агросаноат комитети билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш базасини ривожлантириш истиқболларининг асосий кўрсаткичларини мувофиқлаштириб олиш топширилсин.

Бу йил етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва тайёрлаш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни сезиларли даражада яхшилаш биринчи галдаги вазифа, деб ҳисоблансин. Шу беш йилликнинг охирига бориб, гўшт етиштириш 25 процент, сут етиштириш 17 процент, мева ва узум етиштириш 1,5 баравар, картошка етиштириш икки баравар кўпайтирилсин, нон-булка, макарон маҳсулотлари, сабзавот, ўсимлик ва мол ёғи истеъмол қилишнинг оқилона нормалари даражасига эришилсин. 1995 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш 1987 йилдагига нисбатан 1,5—2,2 баравар кўпайтирилишига эришилсин. Озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига истеъмол қилишни кўпайтириш билан бир қаторда республиканинг умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етказиб бериш юзасидан ўсиб бораётган мажбуриятлари бажарилиши таъминлансин.

3. Марказий Комитет пленуми тиғиз, аммо бемалол бажарса бўладиган вазифани ўртага қўяр экан, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар, жойлардаги хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг куч-ғайратларини вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан янада тўлароқ фойдаланишга, илмий ишланмаларни чуқурлаштиришга ва уларни жорий этишга, озиқ-овқат тармоқларини ва савдо соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга сафарбар этишни зарур, деб ҳисоблайди. Озиқ-овқат таъминотини анча яхшилаш жуда катта социал-сиёсий масала, деб қаралсин.

Шу мақсадда:

— Деҳқончиликда пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, ҳар бир колхоз ва совхоз учун деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини ишлаб чиқиш 1990 йилда тугаллансин, интенсив технологияларни кенг жорий этиш таъминлансин. Ҳосилдорликни ошириш ҳисобига шу беш йиллик охирига бориб ялпи дон йиғиштириб олиш 2 миллион тоннага, 1995 йилда эса 2,3 миллион тоннага етказилсин.

Мева-сабзавот тармоғини ривожлантиришга муносабат тубдан ўзгартирилсин, товар маҳсулот ишлаб чиқариш асосан ихтисослаштирилган хўжаликларда марказлаштирилсин. Талаб этилаётган даражада хилма-хил ва шартнома мажбу-

риятларига мувофиқ, мева ва сабзавот етиштиришдан деҳқонларнинг манфаатдорлигини оширишни таъминловчи иқтисодий механизм ишлаб чиқилсин. Аҳолини йил бўйи сабзавот билан таъминлаш учун теплица хўжалигининг самарадорлиги оширилсин ва уларнинг ҳосилдорлиги 1990 йилда ҳар бир квадрат метрдан 20 килограммга ва 1995 йилда 25 килограммга етказилсин. Картошкакорликда уруғчиликни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштиришга, пленка остидаги картошка майдонларини кенгайтиришга эътибор кучайтирилсин;

— Чорвачиликда сермаҳсул сигирлар етиштиришни кўпайтириш, 1990 йилда подадаги сигирларнинг ялпи салмоғини 35 процентга, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни камида 3 минг килограммга, қорамолларнинг гўштга топшириладиган ўртача вазнини 450 килограммга етказиш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблансин. Қўйчиликни интенсивлаш тадбирлари амалга оширилсин, ҳар бир хўжаликда оғилхонада боқиладиган қўйчилик фермаси бўлсин, чўчқачилик комплексларини саноат асосига ўтказиш тугаллансин, янги паррандачилик фабрикалари қуриш ва мавжуд фабрикаларни реконструкциялаш жадаллаштирилсин. Мустаҳкам емхашак базасини вужудга келтириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилсин, 1995 йилда озуқа экинлари майдони 1,5 миллион гектарга етказилсин. Яйловларни реконструкциялаш ва уларга сув чиқариш ишларининг суръатлари оширилсин;

— Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини, гражданларнинг шахсий хўжаликларини, боғдорчилик-полизчилик ширкатларини озиқ-овкат ресурсларини кўпайтиришнинг катта резерви сифатида ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашилсин. Ер, уруғлик, бузоқлар ва зарур инвентарлар ажратиш билан боғлиқ масалалар ўз вақтида ҳал этилсин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Давлат агросаноат комитети ана шу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ва ишлаб чиқилган тадбирлар амалга оширилиши устидан контролни кучайтирсинлар.

4. Пленум республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлашнинг ривожланган базасини ва уни қайта ишлайдиган қувватларни вужудга келтириш ғоят муҳимлигини таъкидлайди. Дала ва фермаларда етиштирилган маҳсулотлар энг яхши ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилсин. Республика Министрлар Совети, Қурилиш давлат комитети ва Давлат агросаноат комитети йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини қоплаш, маблағ ва ресурсларни биринчи галда кондитер, ёғ-мой, гўштни қайта ишлайдиган, консерва, нонвойхона ва бошқа тармоқларда омборлар қуришга, қувватларни ривожлантиришга сарфлаш юзасидан узил-кесил чора-тадбирлар кўрсинлар. Ана шу тармоқларни қайта жиҳозлашга оид ишларга республиканинг барча машинасозлик заводлари ва ремонт корхоналари жалб этилсин.

Маҳсулотни қайта ишлаш базаларини хом ашё етиштириладиган жойларга яқинлаштиришга алоҳида эътибор берилсин, корхоналар ва кам қувватли кўчма цехлар ташкил этилсин. Ҳамма жойда хом ашёни ҳар томонлама қайта ишлаш ва чиқитсиз технология йўлга қўйилсин.

Давлат агросаноат комитети яқин вақт ичида қайта ишлайдиган тармоқларни ресурсларнинг барча турлари билан таъминлаш программасини ишлаб чиқсин. Шу беш йилликнинг охирига бориб, ресурсларни мамлакатнинг бошқа регионларидан келтириш энг кам даражада бўлишига эришилсин. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга ва унинг турларини кўпайтиришга жиддий эътибор берилсин. Ёғи кам ва ёғсиз сут маҳсулотларини, овқатбоп консерваларни, болалар овқатини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шарбатлар, чанқовбосди ичимликлар ва музқаймоқ турлари оширилсин. Бозор фондлари ҳажмидан қадоқланган ҳолда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 50 процентга, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 80 процентга, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 40 процентга етказишга оид вазифани яқин икки-уч йил ичида рўёбга чиқаришнинг қўшимча имкониятлари излаб топилсин. Озуқабоп маҳсулотлар учун идишларнинг сифат жиҳатидан янги турларини кўп чиқариш йўлга қўйилсин.

5. Пленум озиқ-овқат таъминотининг аҳволидан жиддий ташвишланиб, бу муҳим социал-сиёсий вазифани ҳал этишда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида банд бўлган коммунистлар, барча ходимларнинг роли ва масъулиятини кескин ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Навбатда туришлар, харидор ҳақидан уриб

қолиш ва уни алдаш, сунъий тақчилликни вужудга келтириш ҳоллари ва бошқа салбий ҳолатлар тугатилиши учун қатъий кураш олиб борилсин, савдо соҳаси ноинсоф ва нопок шахслардан тозалансин.

Республика Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, Давлат агросаноат комитети область ижроия комитетлари билан биргаликда савдонинг моддий-техника базасини ривожлантиришни ва уни шу беш йилликнинг ўзида нормативлар даражасига етказишни таъминласинлар. Барча аҳоли пунктларида мева-сабзавот маҳсулотини харид қилиб оладиган доимий ишловчи ва мавсумий кўчма пунктлар, саноат молларини ва шахсий хўжаликни юритиш учун барча зарур нарсаларни сотадиган магазинларнинг кенг тармоғи ташкил этилсин. Икки-уч сменали режимда ишлайдиган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари кўпайтирилсин.

Аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотадиган ярмаркалар ўтказиш практикаси кенгайтирилсин, фирмали магазинлар тармоғи кўпайтирилсин. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилишга алоҳида эътибор берилсин, балиқ аквариумлари қайта тиклансин ва қўшимча ташкил этилсин.

6. Марказий Комитет пленуми КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш йўли билан колхоз ва совхозларнинг имкониятларини бутун чоралар билан очиб бериш орқали озиқ-овқат таъминотини энг қисқа вақт ичида яхшилаш мумкинлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларини назарда тутиб, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришнинг пудрат ҳамда ижара формаларини жорий этиш, мавжуд хўжаликлар доирасида, шунингдек бошқа корхоналар ва экономика тармоқлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда кооперативлар кенг тармоғини вужудга келтиришга қаратилган йўлни қатъият билан ўтказиш вазифасини юклайди ҳамда республика Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, агросаноат комитетлари ва бирлашмаларига тавсия этади.

Хўжаликни юритишнинг янги формалари пировард натижалар учун моддий рағбатлантириш билан биргаликда озиқ-овқат ҳажмини кескин кўпайтиришнинг негизи бўлиб қолишига эришилсин. Қишлоқ меҳнаткашларида, ўз меҳнати билан озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш истагини билдираётган барча кишиларда ташаббускорликни ва соҳиблик туйғусини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилсин.

Агросаноат комплексини бошқаришни демократиялаш, агросаноат комбинатлари, фирмалари ва бошқа хил тузилмалар ташкил этиш тадбирлари қатъият билан амалга оширилсин. Корхоналар ва ташкилотларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ишлари авж олдирилсин. Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришга, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг меҳнат ҳамда турмуш шароитини яхшилашга эътибор кучайтирилсин ва бу нарса ҳозирги замон аграр сиёсатининг туб масаласи деб ҳисоблансин.

7. Пленум Марказий Комитет Бюросига, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига ўзларининг бутун фаолиятини аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўртага қўйган вазифаларни ташкилий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашга қаратишни топширади. Қайта қуриш, туб иқтисодий ислоҳот ва ижтимоий турмушни демократиялаш жараёнлари жадаллаштирилсин. Иш услуби ва методларини такомиллаштира бориб, раҳбарликнинг сиёсий усуллари қатъият билан эгаллансин, экономикани янада юксалтиришда, социал ва маънавий соҳани ривожлантиришда коммунистларнинг ташаббускорлиги ва уюшқоқлигини оширишга эришилсин. Демократия ва ошкораликни кенгайтириш асосида барча бўғинлар ташаббускор, янгича фикрлайдиган ва қайта қуриш ишига содиқ кадрлар билан меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олиб, мустаҳкамлансин.

Партия ташкилотларида бўладиган ҳисобот-сайловлар партия XXVII съезди қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишга бўйсундирилсин, коммунистларнинг куч-ғайратлари озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга оид амалий ишларга сафарбар этилсин, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш барча партия, жамоат ташкилотлари, ҳар бир меҳнат коллективи ишининг негизи бўлиб қолишига эришилсин.

Й. МАМАТИСАЕВ

МОЛИЯ МЕХАНИЗМИ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Экономикани бошқаришнинг яхлит, самарали ва мослашувчан системасини яратишга доир конкрет тадбирлар орасида молия механизмини ислоҳ қилишга муҳим ўрин ажратилмоқда. КПСС XXVII съезди ҳамда унинг МК кейинги Пленумларининг материалларида таъкидланганидек, қайта қуриш арафасидаги йилларда молия механизмининг роли анчагина пасайиб кетди — экономикани юксалтиришнинг актив воситасидан у қарорларга молиявий ресурслар билан хизмат кўрсатиш системасига айланиб қолди, бу қарорлар эса қиймат қонуни, пул муомаласи талабларини, эҳтиёж ва таклифларни ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинарди. Кўп йиллар мобайнида, деб таъкидлади КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев 1988 йил 28 июнда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қилган докладида, давлат бюджетининг харажатлари даромадлардан тезроқ ошиб борди. Бюджетнинг камомади бозорга тазйиқ қилади, сўмнинг барқарорлигига ва бутун пул муомаласига путур етказади, пулнинг қадрсизланиш жараёнларини келтириб чиқаради.

Экономикани бошқаришда молия ролининг пасайиши хўжалик фаолиятини ташкил этишда хўжалик ҳисобига асосланган негизларнинг заифлашиши билан бирга борди. Ишларни миришкорлик билан олиб бориш, молия планларини ва давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш учун масъулият барча даражаларда пасайиб кетди. Молия интизоми ёмонлашди. Ўзаро молиявий муносабатлар ҳаддан ортиқча регламентга солиб қўйилиб, улар кўпинча зўрма-зўраки қабул қилинган қарорларга таянар эди.

Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, корхоналар ўз ишларидаги зиён кўрмаслик ва рентабеллик учун жавоб бермай қўйдилар, давлат дотацияларининг миқдори жадал суръатлар билан ўсиб борди, тайёрга айёрлик кайфияти кенг миқёсда ривож топди. Экстенсив ўсиш инерцияси иқтисодий боши берк кўчага, турғунликка етаклади. Молия ва кредит ресурслари, пул маблағлари оборотининг моддий қимматлар ҳаракатидан ажралиб қолиши юз берди. Халқ хўжалигида молиявий танглик кучайиб борди.

Умуман мамлакат экономикаси учун хос бўлган салбий ҳодисалар 70-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ССРда ҳам яққол кўзга ташланиб қолди — иқтисодий ривожланиш суръатлари кескин пасая бошлади, ишда тўхтаб қолишлар кучайди, тайёрга айёрлик кайфиятлари ривожланиб борди, виждонан ишлашнинг обрўси туша бошлади. Юзага келган аҳволга принципиал баҳо берилган Ўзбекистон Компартияси XXI съездида таъкидланганидек, экономикага сарфланган маблағлар билан ишлаб чиқариш ўсиши ўртасидаги, мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондлари билан улардан фойдаланиш ўртасидаги жиддий мутаносибсизликлар натижасида Ўзбекистон ССРнинг мамлакат миллий даромадини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси кейинги ўн йил ичида амалда кўпаймаган.

МАМАТИСАЕВ Йигит Исаевич, Ўзбекистон ССР молия министри.

Партия ва ҳукумат белгилаган ҳамда экономикадаги нохуш тенденцияларни бартараф этишга йўналтирилган тадбирлар орасида молия сиёсатига муҳим ўрин ажратилган. У социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ёрдам бериш учун, миллий даромад, фойда ҳамда давлатнинг бошқа молия ресурслари муттасил ўсишини таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш учун даъват этилган.

Республиканинг иқтисодий хизматлари, шу жумладан, Молия министрлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан халқ хўжалигидаги турғунлик ҳодисаларига барҳам беришга, умумдавлат манфаатларини меҳнат коллективлари ва территориялар манфаатлари билан қўшиб олиб боришни таъминлашга доир тадбирлар ишлаб чиқилди.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездидан сўнг республикамизда экономика ва социал соҳани комплекс ривожлантириш борасида маҳаллий совет органларининг ваколатлари анчагина кенгайтирилди, бошқаришнинг иқтисодий методларини қўлланиш ҳамда корхона ва бирлашмаларнинг мустақиллигини кучайтириш, уларни тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш негизида хўжаликни бошқаришнинг демократик асослари чуқурлашмоқда.

Қайта қуришнинг ўтган йиллари мобайнида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ресурсларни тежаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш масалаларига эътибор сезиларли равишда ошди. Саноатда, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир иш авж олдириляпти. Инсон омилидаги мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланган ҳолда бошқа иқтисодий ва ташкилий-техникавий тадбирлар билан жамликда олиб борилган бу ишларнинг бари республиканинг иқтисодий ва социал соҳаларидаги нохуш тенденцияларни бартараф этишда дастлабки қадамларни қўйишга имкон берди. Масалан, агар 1983—1984 йилларда саноат маҳсулоти ўсишининг ўртача йиллик суръатлари Ўзбекистон ССРда 3,5 процентни ташкил этган бўлса, кейинги икки йил ичида у 6,5 процентга етди, меҳнат унумдорлиги эса 0,3 процентдан 4 процентга кўтарилди. 1986—1987 йилларда бундан олдинги икки йилга қиёслаганда ортиқча 600 минг квадрат метр уй-жой, 60 минг ўринли мактаб, 16 минг ўринли болалар боғча ва яслилари, касалхоналарда 2 минг ўрин ишга туширилди. Аҳолига гўшт, сут, тухум сотиш кўпайди. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари ошди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли саноат 1987 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш планларининг бажарилишини таъминлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турларини етиштириш ва тайёрлаш кўпайди. Планда зарар кўриши кўзда тутилган корхоналарнинг сони кейинги йилларда биринчи марта қисқарди.

Шу билан биргаликда республика экономикасининг аҳволини ҳозирги беш йилликнинг икки йили якунлари ва уни ривожлантириш тенденциялари бўйича анализ қилиш қайта қуриш жараёни ҳозирча жуда секин бораётганини кўрсатяпти. Баъзи ижобий силжишлар билан бир қаторда жиддий нуқсонлар, кишини ғазаблантирадиган хўжасизлик, давлат маблағларидан норационал фойдаланиш, план ва молия интизомини бузиш фактлари учраб турибди. Натижада Ўзбекистон халқ хўжалиги айрим тармоқларининг молиявий аҳволидаги танглик ўзгармай келяпти.

1987 йил учун молия фаолиятининг умумий якунлари ижобий: Ўзбекистон ССР давлат бюджети даромадлар бўйича 103,7 ва харажатлар бўйича 97,7 процент қилиб бажарилди. Бюджет қўшимча даромадларини қидириб топиш бўйича 1987 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар умуман республика бўйича ошириб бажарилди. Аммо, илгарилари ҳам бўлганидек, ўнлаб районлар, областга бўйсунувчи бир неча шаҳар, юздан зиёд қишлоқ ва посёлка Совети даромадлар бўйича бюджет планини бажармадилар. Айниқса Қорақалпоғистон АССР, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Жиззах ва Тошкент областларидаги айрим шаҳар ва районларнинг даромадлар бўйича бюджетлари амал-тақал қилиб бажарилди.

1987 йили оборотдан олинадиган солиқ плани умуман 101,3 процент қилиб бажарилганига қарамай 21 тармоқдан тўрттаси 8 миллион сўмни кам берди. Бюджетга фойдадан ажратиладиган тўловлар плани 10,1 процентга ошириб бажарилди, лекин шунга қарамай 5 министрлик ва идора 15,3 миллион сўмни кам берди. Дарвоқе, 1987 йили республика молия органлари бюджетга тўловларни ўз вактида тўламагани учун хўжаликлардан 2,6 миллион сўмлик пеня ундириб олдилар.

Етказиб беришга доир мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотнинг планли реализациясини таъминлаш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг катта резервидирки, 1987 йилда республика саноати буни уддалай олмади. Енгил саноат корхоналарига маҳсулот ассортиментини белгилашда мустақиллик берилганлиги ҳам етказиб беришни яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатмади. Бунда юзага келган имкониятлардан тегишли даражада фойдаланилмади, натижада корхоналарнинг 40 процентдан кўпроғи етказиб бериш мажбуриятлари ҳисобга олинган реализация қилиш планини 99,2 миллион сўмга бажармади (бу эса республика бўйича етказиб берилмаган маҳсулот умумий суммасининг деярли 30 процентини ташкил этади).

Ўзбекистоннинг 57 саноат корхонасида товар маҳсулотнинг таннархи 38,3 миллион сўмга кўтарилди, 97 корхона эса фойда кўриш планини бажариш у ёқда турсин, балки пландан ташқари 110,2 миллион сўмлик зарар ҳам кўрди.

Корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашишига уларнинг ўз оборот маблағларининг планда кўзда тутилмаган мақсадларга жалб этилиши сабаб бўляпти. Бундай ҳол эса одатда молиявий имкониятларни ва ҳақиқий эҳтиёжни эътиборга олмаган ҳолда хом ашё ва материаллар «ғамлаб қўйиш учун» олиб келинадиган, моддий ресурслар жамғариб қўйиладиган жойларда юз беради.

Бирлашма ва корхоналарнинг кўпгина раҳбарлари қўшимча молия ресурслари олишнинг аҳолибоп товарлар ассортиментини зудлик билан янгилашдек резервини менсимайдилар. Ҳали ҳам буюртма берилмаган маҳсулот, эскирган моделлардаги товарлар ишлаб чиқарилиши давом этяпти, улар омборларга ортиқча юк бўлиб келиб тушяпти (қолдиқ юк кўпайиши ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишидан анчагина илгарилаб кетиши ҳоллари учраб туради).

Қурилишдаги молиявий талафотлар тармоқда асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларни жиддий яхшилашга эришилмаганлиги билан боғлиқдир. Пудрат ташкилотларининг катта қисми объектларни ишга тушириш топшириқларини, фойда кўриш ва меҳнат унумдорлиги планларини бажармаяпти. Қурилиш ташкилотлари ўз ишлаб чиқариш қувватларини ўстиришга ва зарар кўрувчи ҳамда норентабел ташкилотларни қисқартиришга доир ҳозирча самарали ташкилий ва иқтисодий чоралар кўрмаяпти. Натижада уларнинг кўпчилиги ўз оборот маблағларини «еб битира» бошладилар.

Агросаноат комплекси тармоқлари ривожланишидаги қолоқликка сустлик билан барҳам беріляпти. Унга кирган министрлик ва идоралар ихтиёридаги барча корхоналарнинг амалда бирортаси ҳам зарар кўрмасдан ишлашга эриша олмади.

Юзага келган аҳволдан қутулиш йўли қандай? Мутахассисларнинг фикрича, молия-кредит механизмини халқ хўжалигини молиявий соғломлаштиришни мақсад қилиб қўйган ҳолда ислоҳ қилиш лозим. Ушбу ислоҳотнинг моҳияти молиявий марказлаштириш механизмининг шаклини жиддий ўзгартиришдан ҳамда унинг ишлаб чиқаришдаги ички хўжалик ҳисобини янада чуқурлаштиришдек бош йўналишини қарор топтиришдан иборатдир.

КПСС XXVII съезди молияни партия иқтисодий стратегиясини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан қуролига айлантириш вазифасини қўйди. В. И. Ленин айтганидек, биз нима қилиб бўлса ҳам молия соҳасида мустаҳкам туб ўзгаришларни амалга оширишга эришмоғимиз лозим (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 398-бетга қаралсин). Ҳозирги босқичда бу нарса аввало хўжалик юритишнинг пировард натижалари, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан рационал фойдаланиш, давлат олдидаги мажбуриятларни бажариш учун масъулиятни кучайтириш билан бир вақтнинг ўзида иқтисодий методлар, кенг демократиялаш, фойда, тўлиқ хўжалик

ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга асосланган ҳолда молияни бошқаришга ўтишни билдиради.

Корхоналар, министрликлар ва маҳаллий органларнинг бюджет билан ўзаро муносабатларини норматив негизга ўтказиш молияислоҳотининг асосий йўналиши ҳисобланади. Территориал молияни бошқариш тубдан ўзгаради. Ўтмишда молияни бошқаришнинг тармоқ жиҳатлари устун бўлиб келганлиги жойларда ишлаб чиқариш ва социал ривожланишни молиявий таъминлаш резервларини аниқлаш имкониятини анчагина заифлаштирган эди.

Барқарор иқтисодий нормативлар асосида халқ депутатлари Советларининг молиявий базасини шакллантиришга босқичма-босқич ўтиш молия ислоҳотининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу нимани англатади? Биринчи навбатда молия системасини қайта қуришга халқ хўжалигидаги молиявий ўзаро муносабатларни ташкил этишда корхона билан давлат манфаатларини бирга қўшиб олиб боришни таъминлашга даъват этилган принцип жиҳатидан янгича ёндашишлар асос қилиб олинганини англатади.

Молия механизмини қайта қуриш проблемаларининг бутун комплексини ҳал этиш республикамиз учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон ССР бюджети умуман олганда баланслашган. Лекин бунга қандай методлар ёрдамида эришилди? Партия ва ҳукумат ҳужжатларида ушбу методларни иқтисодий томондан ҳам, социал томондан ҳам муваффақиятли деб эътироф этиб бўлмаслиги аниқ қилиб айтилган. Аввало бу шу сабабли ҳамки, биз вино-арақ маҳсулотини сотишдан каттагина даромадлар олардик. Масалан, ўн биринчи беш йилликда у республикага оборот солиғи тарзида ҳар йили ўртача 1,2 миллиард сўм олиб келарди, ҳозир эса 650 миллион сўмга тушиб қолди.

Алкоголли ичимликлар реализациясини қисқартиришдан кўриладиган зарар ўрни халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ўстириш ҳисобига қопланади деб мўлжалланган эди. Бунда умуман молни эмас, балки халқнинг талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш талаб қилиниши тушунарли. Бундан ташқари, пулли хизматлар ассортименти ва ҳажмини кўпайтиришга умид боғланган эди. Демак, реал бозор талабини ҳар томонлама қондириш учун тўғри йўл танланган эди. Лекин хўжалик механизмининг сусткашлиги шунчалик каттаки, яқин йиллар ичида, практиканинг кўрсатишича, тилга олинган проблемани ҳал қилиб бўлмайди, натижада бюджетнинг даромад қисми ушбу фактор таъсирини анча вақтгача сезиб бораверади.

Бюджет даромадларининг кучли банди — фойдадан олинадиган тўловлардир. Уларнинг мутлақ суммаси йилдан-йилга ўсиб боряпти, лекин бюджетнинг ўсиши ҳисобига уларнинг умумий ҳажмдаги ҳиссаси қисқариб боряпти. Масалан, 1985 йили фойда тўловлари бўйича киримлар бюджет ҳажмида 19,2 процентни, 1986 йилда 17,9 процентни ташкил этди, 1988 йилда бу кўрсаткич 16,7 процентга тушиб қолиши тайин.

Корхона (бирлашма)ларнинг тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши давомида уларнинг илгари бюджетга олиб қолинган маблағларининг борган сари каттароқ қисми ўзларида қола бошлайди. Бу ҳам давлат молиясининг фаолиятини мураккаблаштиради, чунки корхоналарда қоладиган маблағлардан самара олиш аста-секин, хўжалик юритишнинг янги методларини эгаллаб борган сайин ошиб боради.

Ва охирги, яна бир муҳим ҳолат — давлат плани ва бюджетидаги ориентациялардаги ўзгаришлардир, яъни партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ социал-маданий тадбирларга сарфланадиган харажатлар ошиб боряпти. Жумладан, соғлиқни сақлашга пул ажратиш 1988 йилда 16,1 процент кўпаяди (миллий даромад 4,7 процент ўсгани ҳолда). Умуман олганда бу йил социал-маданий тадбирларга йўналтириладиган маблағлар 5 миллиард 112,8 миллион сўмни — Ўзбекистон ССР бюджети барча харажатларининг 56,4 процентини ташкил этади.

Шу билан бирга республикада ишлаб чиқариш самарадорлиги зарур бўлганидан ҳамда унинг халқ хўжалигида тўпланган потенциали нуқтаи назаридан қараганда мумкин бўлганидан кўра сустроқ даражада ошиб боряпти. Натижада 1985 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР бюджети дотация ола бошлади, қолаверса, умумиттифоқ бюджетидан олинадиган дотациялар миқдори йил сайин ошиб боряпти: агар 1985 йили у 406,5 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб эса

1 миллиард 884 миллион сўмни ташкил этди. Аҳволни тузатиш учун мавжуд барча резервларни ишга солиш, энг аввало хўжалик механизмини созлаб олиш лозим.

Ана шу ғоят муҳим вазифани бажаришда молияни соғломлантириш программасига муҳим роль ажратилган, у КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси МК VI пленуми (1987 йил сентябрь) йўл-йўриклари асосида экономикани бошқаришни қайта қуришни таъминлашга доир Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларнинг комплекс планига мувофиқ тузиб чиқилган. Ушбу программа зарар кўришни тугатишга ҳамда барча корхоналарнинг рентабелли ишлашга ўтишини таъминлашга, уларнинг ўз оборот маблағларини пландан ташқари мақсадларга жалб этишни истисно этган ҳолда сақлаб қолишга ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган. Программада республикадаги пул муомаласини нормаллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Кадрлар масалаларига — барча категориядаги раҳбарларни, халқ хўжалиги мутахассисларини, ишчиларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйишга, уларнинг ўқувини ташкил этишга ҳам катта ўрин ажратилади.

Белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишни нимадан бошламоқ керак? Бизнингча, аввало корхоналарда экономика ва молияни соғломлантиришга доир иқтисодий, техникавий ва ташкилий чоралар комплексини амалга оширишдан бошлаш лозим.

Анализнинг кўрсатишича, корхоналарнинг зарар кўриши ва рентабеллиги паст бўлиши кўп ҳолларда маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарф-харажатнинг ортиқча бўлиши, ноишлаб чиқариш харажатлари ва планда кўзда тутилмаган талафотлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасининг етарлик эмаслиги, кувватлардан фойдаланиш коэффициенти паст бўлиши билан боғлиқдир. Республика министрлик ва идораларининг мутахассислари норентабел корхоналарнинг қарийб 15 процентини ишлаб чиқариш чиқимларини қисқартириш ҳисобига фойдадаги талафотларнинг 20 проценти ўрнини қоплай олиши мумкинлигини ҳисоблаб чиққанлар. Масалан, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети системасида молиявий натижаларга доир планни бажармайдиган зарар кўрувчи корхона ва ташкилотлар салкам 30 процентни ташкил этадики, тилга олинган фактор ҳисобига уларнинг миқдорини тенг ярмига, олинмаган фойда суммасини эса 18 процентга камайтириш мумкин бўларди. Бу ўринда ноишлаб чиқариш харажатларини ҳамда планда кўзда тутилмаган талафотларни қисқартириш норентабел ишлаётган корхоналар сонини яна 20 процентга, олинмаган фойда суммасини эса 27 процентга камайтириш имконини беради.

Кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш 1990 йилга бориб республикада зарар кўришни 116,3 миллион сўмдан (1988 йилда) 38 миллион сўмга қисқартириш, кўпчилик корхона ва ташкилотларда ўз оборот маблағларини сақлаб қолиш, ҳозирги пайтда пландан ташқари мақсадлар учун жалб этилган 2,1 миллиард сўмни хўжалик оборотига қайтариш имконини беради.

Пул муомаласини мустаҳкамлаш молияни соғломлаштиришнинг ажралмас қисмидир. Меҳнат унумдорлигининг илдам ўсиши меҳнатсиз даромад олишнинг барча йўлларига ғов қўйилиши, ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш учун аҳоли маблағларини жалб қилишнинг янги формаларини барча чоралар билан ривожлантириш (1986 йилга келиб республикамиз аҳолиси омонат кассаларга қўйган пул 5 миллиард 53 миллион сўмга етган) бу соҳадаги асосий йўналишлардир. Юқорида тилга олинган программада шунингдек товар обороти планининг товарли қоплаш билан балансланишига эришиш ва уни қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўсиши ўзаро нисбатининг белгиланган нормативларига қатъий риоя этиш, аҳолининг пул даромадларини товар ва хизматлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Аҳоли қўлидаги пулни омонат кассаларга бундан буён ҳам жалб этиш хусусида тадбирлар белгиланган. Гражданларга хизмат кўрсатувчи банк ташкил этилиши муносабати билан уй-жой, боғ участкаларини қуриш ва бошқа эҳтиёжлар учун аҳолига кредитларни расмийлаштиришга доир хизматлар кўрсатиляпти.

Ана шу барча тадбирларнинг бажарилиши республика экономикасининг молиявий аҳволини анча яхшилаш ва барча корхона ва ташкилотларни тўлиқ хўжа-

лик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш учун иқтисодий шароитни мустаҳкамлаш имконини беради.

Бир қатор министрлик, идора, бирлашма, корхона, колхоз, совхозлар, илмий ва бошқа муассасалар 1988 йилнинг биринчи кунларидан бошлаб тилга олинган тадбирларни амалга оширишга фаоллик билан киришдилар. Лекин ҳамма жойда ҳам ишга етарлича масъулият билан ёндашмадилар. Расмиятчилик фактлари, қунт билан тушунтириш, ташкилотчилик иши олиб бориш ўрнига товар-моддий қийматларнинг нормативдан ортиқча запасларини, унумсиз харажатлар ва талафотларни, ўрнатилмаган ускуналарни қисқартириш юзасидан директив топшириқларни «эскичасига» бериш билан алмаштириш фактлари мавжуд.

Ишлаб чиқаришнинг зарар келтиришини тугатиш учун корхоналарнинг ўзида нима иш қилиш керак? Халқ хўжалиги хўжалик ҳисобидаги бўғинларининг молиявий аҳволини қандай қилиб максимал равишда мустаҳкамлаш мумкин?

Аввало ҳар бир зарар кўрувчи корхонада уни рентабелли қилишга имкон берувчи тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини қайта қараб чиқиш, касод товарлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва аҳоли талаб қиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстириш, унинг сифатини яхшилаш талаб қилинади. Бу нарса ўз вақтида амалга оширилмагани туфайли ҳам ҳозирги кунда республикада молиявий соғломлаштириш программаси оқсамоқда.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш билан боғлиқ социал-иқтисодий ва инженерлик-техник проблемаларини малакали ҳал этишга корхона, бирлашма, идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бошчилик қилишлари керак. Ана шу муносабат билан кўпгина хўжалик кадрлари ички хўжалик ҳисобига ҳануз йўналтирилмагани, конструктор ва технологлар, бригадирлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, тижорат ва бошқа хизматлар ҳалигача етарли даражада ҳаракатга келтирилмагани ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас. Тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтган ва ўтаётган корхоналардаги меҳнат коллективлари советларига юқоридан туширилаётган буйруқлар, инструкция, кўрсатма, топшириқ, тавсиялар қандай иқтисодий натижаларга олиб келаётганини чуқуррок ўрганиб чиқиш зарар қилмас эди. Барча хўжалик кадрлари ва мутахассисларини иқтисодий жиҳатдан қайта йўллаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали системасини яратиш, ишнинг ушбу йўналишида ижобий тажрибани айирбошлаш масалаларини оперативроқ ва жиддийроқ ҳал этиш лозим.

Бошқаришнинг аввалги, ўз умрини тугатган системаси ҳозирча аста-секин барҳам топаётганини, янги, демократик система эса эндигина шакллана бошлаганини, созланаётганини ҳам унутмаслик керак. Ҳозирги вақтда республика бошқарув органларининг миқдорини жиддий қисқартириш, уларнинг вазифалари ва ички структурасини конкретлаштириш мақсадида халқ хўжалик комплексларини ташкил этиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар пухта ишлаб чиқиляпти. Ушбу вазифани рўёбга чиқариш раҳбарлик органларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, ортиқча ва параллел ишловчи бўғинларни йўқотиш, бошқарув ходимлари миқдорини, демак, уларга кетадиган харажатларни ҳам қисқартириш, хўжалик муносабатлари барча иштирокчилари масъулиятининг таъсирчан системасини яратиш имконини беради.

Территориал бошқаришни қайта қуришга доир бир-бирига боғланган тадбирларнинг бутун бир комплекси ишлаб чиқилдики, у бошқарувнинг ташкилий структураларини, планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ва маблағ билан таъминлашни ўз ичига олган.

Халқ депутатлари область Советларида ишлаб чиқариш-иқтисодий бош бошқармаларининг тузилиши ташкилий структурани такомиллаштиришнинг муҳим элементи бўлади, ўзига тегишли территориядаги бутун хўжалик ишига раҳбарлик қилиш, ижроком бошқармалари ва бўлимларининг, областда жойлашган барча корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини координациялаш, шунингдек уларга амалий ёрдам кўрсатиш уларнинг асосий вазифасидир. Маҳаллий молия, банк, статистика органлари, моддий-техника таъминоти, нарх белгилаш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи муассасалар ана шу ишга актив жалб қилинадилар.

Бошқарув аппаратини қайта қуриш ҳам республика халқ хўжалигининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ана шу йўналишда ўтказиладиган тад-

бирлар унинг миқдорини 29 минг кишига қадар қисқартириш имконини беради.

Молия механизмини қайта қуриш молия органларининг иш услуби, форма ва методларини такомиллаштиришдан, улар кадрларини жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдан ажралмас эканини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги аппаратининг партия ташкилоти ўз аъзолари активлигини оширишга, уларнинг қайта қуришнинг масъулиятли маррасидаги авангардлик ролини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқди.

Министрлик ходимларининг сиёсий ва иқтисодий ўқувига катта эътибор берилянти. Социалистик хўжалик юритишнинг 12 мактаби программасига лекция ва семинарлар машғулотларидан ташқари молия механизмини қайта қуриш мавзусига доир амалий топшириқлар киритилган. Иккинчи йилдирки, профессионал маҳоратни такомиллаштириш мактабида аппаратнинг раҳбар кадрлари билан машғулотлар ўтказилянти. 1988 йилда «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш ва Ўзбекистон ССР Молия министрлиги аппаратининг ишини хўжалик юритишнинг янгича шароитида такомиллаштириш йўллари» курсининг ўрганилиши янги молия механизми шаклланишининг актуал амалий вазифаларини муҳокама қилишни, хўжалик раҳбарлари, етакчи олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари билан учрашувларни, илмий-амалий конференциялар ўтказишни, конкрет вазият шароитида вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутади. Буларнинг ҳаммаси марказий аппарат ва қуйи молия органларининг ходимларини чуқурлашаётган демократия, кенг ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, меҳнаткашларнинг социал активлиги юксалган вазиятда ишга давлат миқёсида ва ижодий ёндашиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Умумдавлат манфаатларининг маҳаллий бошқарув органлари манфаатлари билан узвий бирикиб кетиши, халқ депутатлари Советлари молия базасининг янада такомиллаштирилиши ва мустаҳкамланиши экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шу мақсадда республикамизда пахта-толага оборот солиғи билан биргаликда улгуржи нарх жорий қилиш масаласини иттифоқ органларида ҳал қилишимиз керак.

Ўзбекистон ССР мамлакатда пахта экувчи ва пахта толаси ишлаб чиқарувчи асосий район бўлиб, у бюджетга каттагина маблағ олиб келади. Ҳолбуки, пахтачилик берадиган даромаднинг асосий қисмини республика йўқотянти, чунки оборот солиғи пахта етиштириладиган жойда эмас, балки ундан ишлаб чиқарилган газламалар реализация қилинадиган жойда ундириляпти. Ўзбекистонда бир йилда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг атиги 7 процентигина республика тўқимачилик саноатида газлама тайёрлаш учун ишлатилади, улар реализация қилингач оборот солиғи тарзида 120 миллион сўм бюджетга келиб тушади. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг бир йилда ҳосил қилинган пахта толасидан ишланган газламаларнинг реализацияси оборот солиғининг умумий суммаси салкам 3,9 миллиард сўмни ташкил этади.

Ана шундай суммадаги оборот солиғи ҳосил бўлишининг моддий негизи Ўзбекистон ССРнинг пахта комплекси эканлигини ҳисобга олиб ҳамда унинг давлат бюджети билан балансланганлигини мустаҳкамлаш, дотацияга муҳтожлигини тугатиш, жойларда хўжалик юритишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга доир ишни авж олдириш мақсадида пахта-толага ҳар бир тонна учун камида 1,5 минг сўм миқдорида оборот солиғилик улгуржи нархни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу чора республика бюджетининг даромадларини ҳар йили 2,5—2,7 миллиард сўмга кўпайтириш ва дотацияни қисқартириш (1989 йили — 83,1 процентга) имконини беради.

Бизнингча, колхозларда социал страхованиенинг ягона бўлинмас фондини яратиш хусусида ўйлаш ҳам зарур, унинг маблағлари ҳисобига колхоз аъзоларининг барча турдаги нафақаларига пул тўлаш мумкин бўларди.

Шунингдек СССР Молия министрлиги даражасида:

соғлиқни сақлаш учун сарф-харажатларни «койка-ўринлар» ва поликлиникага мурожаат қилишлар миқдорига қараб эмас, балки демографик, социал, иқтисодий ва экологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонига, мўлжалланган нормативлардан келиб чиқиб планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш хусусидаги;

асосий тармоғи қийин гидрогеологик шароитда жойлашгани сабабли Ўзбекистонда автомобиль йўлларининг 1 километрини ремонт қилиш ва қараб туриш харажатлари нормасини ошириш хусусидаги;

шаҳар ва посёлкаларни ташқи томондан ободонлаштириш харажатлари нормаларини, уларнинг шу жиҳатдан реал аҳволини ҳисобга олган ҳолда, кўпайтиришни кўзлаган ҳолда кайтадан кўриб чиқиш хусусидаги масалаларни ҳам ҳал қилиш лозим.

Бугунги кунда республика молия органларининг ходимлари олдида турган вазифалар КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Хўжалик юритишнинг янги шароитида молия механизмини қайта қуриш ва СССР Молия министрлигининг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида (1987 йил июль) аниқ-равшан белгилаб берилган. Аппаратимизнинг бош вазифаси тежамкорлик режимига риоя этилиши, социалистик мулк бутлиги устидан таъсирчан молия контролини таъминлашдан, иқтисодий ва контрол-ревизия ишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга молия механизмининг таъсир кўрсатиш форма ва методларини такомиллаштиришдан иборатдир. Қорхона (бирлашма)ларга бўлар-бўлмасга ҳомийлик қилишдан ва уларни молиявий регламентлашдан воз кечган ҳолда биз уларнинг ҳуқуқ ва бурчларига қатъий риоя қилинишини назорат қилиб боришимиз керак.

Мамлакатда авж олиб кетган қайта қуриш жараёнига янги қудратли омил бағишлаган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси молия ходимларида ҳам халқ хўжалигининг барча участкаларида молиявий-иқтисодий ишни кучайтириш, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришга қўшадиган ўз ҳиссаларини кўпайтириш зарурлигига бўлган ишончни мустаҳкамлади.

М. ЙЎЛДОШЕВ

АСК ПАХТАЧИЛИК КИЧИК КОМПЛЕКСИНИНГ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ қарорларига мувофиқ ҳолда экономиканинг асосий бўғини — корхона (бирлашма)дан бошланган хўжалик механизмини тубдан ўзгартириш аввало корхоналарда энг мақбул иқтисодий муҳитни яратишга, уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаб, масъулиятини оширишга қаратилган. КПСС МҚ билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплекси тараққиётини илмий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида (1987 йил август) олимлар олдига хўжалик ҳисобидаги муносабатларни ривожлантириш, планлаштиришнинг норматив методларини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини, АСКнинг барча хўжалик ва корхоналари ўз харажатларини ўзи қоплаши ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашига имкон берувчи тадбирлар системасини ишлаб чиқиш ва практикага жорий этиш асосида АСКда хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Масаланинг бундай қўйилиши бошқариш ва хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш хусусидаги партия ва ҳукумат қарорларининг аграр секторда изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолат беради. Республикамизга татбиқан олганда асосий вазифа ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон АСҚ барча бўғинларининг уйғун ривожланишини ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминловчи хўжалик механизмини яратиш ва уни созлашдан иборатки, ушбу механизмни ўн учинчи беш йилликда тўлиқ ишга тушириш мумкин бўлсин.

Ўзбекистонда бунёд этилган қудратли ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциал, сув ресурслари, қулай табиий шароитдан қониқарсиз фойдаланилаётгани факти АСҚдаги мавжуд хўжалик механизми бугунги кун талабларига жавоб бермаётганини тасдиқлайди. Уни такомиллаштириш жараёнида ҳали қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар билан қайта ишловчи, тайёрловчи корхона ва ташкилотлар манфаатларининг бирлигини таъминлашга, АСҚни ташкил этувчи бўғинларни бир бутун яхлит ҳолда планлаштириш ва маблағ билан таъминлашга эришишга, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш системасига ўтишга, ҳар бир бўғин хўжалик фаолиятини пировард натижага қараб баҳолашга ва ҳоказоларга муваффақ бўлинмаган. Ана шу масалаларга Ўзбекистон Компартияси МҚ ва республика ҳукумати алоҳида эътибор бераётганлиги ҳам бежиз эмас. Мазкур мақолада уларнинг баъзи бирларини қараб чиқамиз.

Турли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришларининг саноатдаги қайта ишловчи тармоқлар билан ҳамкорликда ўзаро алоқада бўлиши ва бир-бирига боғлиқлиги республика АСҚ составида озиқ-овқат кичик комплексларининг ташкил топишига объектив равишда олиб келади. Улар пировард маҳсулотни муайян турдаги хом ашёдан ишлаб чиқувчи территориал-тармоқлараро тузилмалардир, — республика АСҚ таркибидаги пахта, дон, гўшт-сут, сабзавот-мева, узум, тамаки ва баъзи бошқа маҳсулотлар тайёрлайдиган тузилмаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни қайта ишлашни ташкил этишнинг табиий ва иқтисодий шароитни ҳисобга олиш имконини берувчи прогрессив формаларидир. Лекин шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ишлаб турган озиқ-

---

ЙЎЛДОШЕВ Мўминжон Йўлдошевич, Ўзбекистон ССР Госпланининг Ҳисоблаш марказига эга бўлган Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институтининг АСҚни планлаштириш ва ривожлантириш бўлими мудири, иқтисод фанлари кандидати.

овқат кичик комплекслари ҳали агросаноатнинг реал тузилмаларига айланмаган, улар фаолиятининг самарадорлиги ўрганилмаган ва умумлаштирилмаган.

Агросаноатнинг пахтачилик кичик комплекси (АПКК) фаолиятига мурожаат қиламиз. У пахта етиштирувчи хўжаликлар ва уни қайта ишловчи корхоналарни бирлаштиради, катта моддий ва меҳнат ресурсларига, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурага эга. Республика АСК ушбу кичик комплексининг хўжалик механизмини бошқаришнинг ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш форма ва методлари хос бўлган муайян усули сифатида характерлаш мумкин. Ишлаб чиқариш муносабатлари конкрет формаларининг ишлаб чиқарувчи кучларнинг эришилган даражасига мувофиқлигини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнай бориб, ушбу механизм регион ва умуман мамлакат экономикаси ривожланишининг ҳозирги шарт-шароитига айнан ўхшаш бўлиши керак. Ҳозирги вактда унда КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида (1986 йил март) белгиланган барча бўғинлар ишламоқда. Лекин ҳали улар яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди.

Пахтакор колхоз ва совхозларнинг қайта ишловчи корхоналар билан ўзаро иқтисодий муносабатлари ундаги энг заиф жойлардан биридир. Бунда планлаштиришнинг мукаммал эмаслиги ҳам, товар ва хизматларнинг ноэквивалент айирбошланиши ҳам, комплексловчи бўғинларда иқтисодий манфаатларнинг мувофиқ келмаслиги (тарқоқлиги) ҳам, шунингдек, улар ҳуқуқ ва бурчларининг халқ хўжалиги пировард натижасига номувофиқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти.

Тўқимачилик саноатини керакли ассортиментдаги тола билан таъминлаш республика АПККнинг асосий вазифасидир. Лекин энг сўнгги вақтгача кичик комплекснинг иқтисодий механизми пахта етиштиришни тола сифатини ҳамда халқ хўжалиги учун самарадорлигини ҳисобга олмасдан, асосан пахта майдонини кўпайтириш ҳисобига ўстиришга имкон берарди. Бунда Ўзбекистон аҳолиси учун зарур озиқ-овқат давлат фондидан олиниши кўзда тутилган эди. Натижада деҳқончилик самарадорлиги пасайиб кетди, раҳбарликнинг «пахтани харид қилиш плани ҳар қандай қилиб бўлсада бажарилсин» деган принципга асосланган маъмуриятчилик-буйруқбозлик методлари кучайди.

Давлат план топшириқларини белгилаб, ўз зиммасига моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлашни олди, кичик комплекс маҳсулотини унга бўлган реал талабдан қатъий назар сотиб беришни гарантиялади. Бу эса муайян даражада иқтисодий алоқаларнинг ва АПКК бутун системасининг деформациясига олиб келди. Республика пахтакор хўжаликларининг раҳбарларида пировард натижалар учун масъулиятни нафақат юқори ташкилотларга, балки тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқларига юклаш, қайта ишловчиларда эса технологиядаги нуқсонларни яшириш ва брак учун айбни пахта етказиб берувчиларга тўнкаш одати пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси нимага олиб келгани яхши маълум.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда бошқаришнинг иқтисодий методларига асосланган системани ишлаб чиқиш ҳамда АПККнинг хўжалик юритиш практикасига татбиқ этишга жуда катта эътибор берилмоқда. «Корхона ўз манфаатларини амалга ошира бориб, жамият ундан кутаётган қарорларни ҳеч қандай иккиланмасдан қабул қилишга мажбур бўлган хўжалик шарт-шароитини марказлаштирилган тарзда яратиш ва доимо янгилаб бориш, — деб тўғри таъкидлайди ВАСХНИЛ академиги В. А. Тихонов, — бундай бошқаришнинг асосий мазмунидир» («Плановое хозяйство», 1987, № 4, с. 14).

АПКК хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичида, бизнингча, қуйидагилар зарур:

биринчидан, экономиканинг бошланғич бўғинлари социалистик ва коллектив товар ишлаб чиқарувчилар сифатида қараб чиқилган, меҳнат коллективларининг ўзини ўзи бошқариши билан бирга марказлаштирилган бошқарувнинг узвий бирикувини кўзда тутувчи социалистик хўжалик механизмининг принципиал томонлари белгилаб берилган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни ва СССРда кооперация ҳақидаги Қонун талабларига оғишмай риоя қилиш;

иккинчидан, тегишли партия, совет, давлат, план-иқтисод, хўжалик, контрол органлари ўртасида район ва область агросаноат бўғинларини бошқаришга доир вазифаларни аниқ чегаралаш. Бу ерда В. И. Лениннинг ҳозир ҳам ғоят актуал

бўлган сўзларини эсга олиш ўринлидир: «партия (ва унинг Марказий Комитети) функциялари билан Совет ҳокимиятининг функцияларини бир-биридан янада кўпроқ аниқ қилиб ажратиш зарур; совет ходимларининг ҳамда совет муассасаларининг масъулиятини ва мустақиллигини ошириш, партия зиммасида эса жами давлат органларининг ишига умумий раҳбарлик иши сақлаб қолиниши, лекин, ҳозиргидек, жуда тез-тез аралаша бериш, тартибсиз суратда, кўп вақт майда-чуйда нарсалар билан аралашиш ҳоллари бўлмаслиги керак» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 73-бет).

АПКҚнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий системасида планлаштиришни қайта қуриш у нормативлар методига асосланишини талаб этади. Шунингдек планлаштириш соҳасида ҳар бир бўғин ва умуман кичик комплекс учун берилган мустақилликни қўллашга доир методик ҳужжатларни ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Қолхоз ва совхозларнинг тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши муносабати билан ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг фойдали ва фойдасиз сортлари ҳақидаги масала айниқса кескин бўлиб турибди. Қуйидагича муаммо пайдо бўлади: АПКҚ бошланғич бўғинларининг хўжалик мустақиллигига шикаст етказмаган ҳолда уларнинг фаолиятини қандай қилиб ягона халқ хўжалик планида белгиланган йўналишларга қаратиш мумкинки, улар планларининг йиғиндиси унинг параметрлари билан айнан бўлишига ҳамда кичик комплекснинг пировард маҳсулотида ишлаб чиқаришнинг ҳажмлари ва структураси бўйича ижтимоий эҳтиёжларнинг ҳажмлари ва структурасига яқинлашсин.

АПКҚ барча бўғинларининг пировард маҳсулот ҳажми жиҳатидан ҳам, ассортименти жиҳатидан ҳам ишлаб чиқаришнинг халқ хўжалик плани контрол топшириқлари кўрсаткичларига яқинлашишини рағбатлантиришга қобил бўлган фаолиятини планли бошқаришнинг янги системаси талаб қилинади. Маълумки, пахтакор хўжаликларга раҳбарлик узоқ вақт марказлаштирилган план топшириқларини давлатга пахта хом ашёси сотиш, пахта тозалаш саноатида — пахта толаси, ёғ-мой саноатида тозаланмаган пахта мойи ишлаб чиқаришга етказиш ёрдамида амалга ошириб келинди. Пахта етиштиришни ўстиришнинг муайян суръатига унинг сифати ва ассортиментини ҳисобга олмасдан туриб эришишга асосланган планлаштиришнинг бундай системасида тўқимачилик саноатида муайян дефицит юзага келди, ушбу кичик комплексда маълум номатлуб ҳодисалар туғилди.

Аҳволни иқтисодий нормативлар орқали тузатиш мумкин, бу нормативлар АСК ривожланишини халқ хўжалиги манфаатларига мувофиқ равишда тартибга солиб туриши керак. Агар талаб қилинмайдиган маҳсулот учун ҳақ тўлаш гарантияси йўқ қилинса, ҳар бир хўжалик истеъмолчига зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодий жиҳатдан мажбур бўлади. Бундай шароитда пахта толаси ишлаб чиқарувчининг тўқимачилик саноати эҳтиёжларига доимо мослашиши керак бўлади.

Мамлакат пахтачилик комплексини ривожлантиришнинг асосий параметрлари халқ хўжалиги структурасидаги ягона яхлит нарса сифатида планлаштиришнинг балансли, мақсадли-программали, норматив методлари асосида аниқланмоқда. Ушбу вазифа фақат мамлакатнинг марказий планлаштирувчи органларига тегишлидир. Пахтакор республикаларга етиштириш ва етказиб бериш ҳажмлари (давлат буюртмаси) юқоридан белгиланади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни контрол рақамлар у ёки бу маҳсулотга бўлган ижтимоий эҳтиёжларни ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг минимал даражаларини акс эттиришини кўзда тутади. Улар директива характерига эга эмас, планларни ишлаб чиқишда меҳнат коллективини бўғиб қўймаслиги керак. Мамлакатнинг пахта мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида пахта толаси олиш ва пахтани қайта ишлаш маҳсулотига бўлган давлат буюртмалари албатта планга киритилиши керак, чунки етказиб берувчи ва истеъмолчининг ўзаро масъулияти кўзда тутилади. Хўжалик шартномаси улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилиши керак. Бундай шартномалар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш планларини ишлаб чиқиш учун асосий база бўлгани ҳолда АПКҚни ривожлантириш ягона планининг негизини ҳам ташкил этади.

Ғўза асосан тола учун етиштирилади. Ҳозирги вақтда етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммасини пахта тозалаш заводлари орқали давлат сотиб олади. Колхоз ва совхозларга бир вақтнинг ўзида унинг 90 процент қиймати тўланади, қолган қисми эса қайта ишлаш якунлари ва олинган толага қараб тўланади. Хўжаликлар билан пахта тозалаш заводлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобнинг ушбу методи ҳозирданоқ конкрет натижалар бера бошлади: тола сифати яхшиланди, унинг чиқиши кўпаймоқда. Масалан, 1984 йилда пландаги 30,6 процент ўрнига 31,1 процент тола олинган ва пахтакор хўжаликларга 67 миллион сўм қўшимча ҳақ тўланган бўлса, 1985 йилда пландаги 30,5 процент ўрнига 32 процент тола олинди. 1986 йил ҳосилидан 1985 йилга қараганда кўпроқ — 32,2 процент тола олинган, ҳолбуки пахта деярли 500 минг тонна кам тайёрланган эди, 1987 йил ҳосилидан эса салкам 32,5 процент тола олинган.

Лекин моддий ва маънавий стимуллар пахтакор ва қайта ишловчиларга бир вақтнинг ўзида бирдек таъсир кўрсатмаяпти. Масалан, РАСБ пахтакор хўжаликлар иштирокида контрол топшириқлар асосида пахта етиштириш ҳажмини ҳисоблаб чиқади. У тўлиқ қайта ишлангунга қадар бўлган даврда колхоз ва совхозлар фаолияти олдиндан белгиланган пахта сифати асосида тайёрлашнинг ҳажмига қараб баҳоланади. Хўжаликларнинг пахта тозаловчилар билан ўзаро ҳисоб-китоби қайта ишлаш ва тола чиқиши натижалари асосида амалга оширилади, теримнинг молиявий якуни чиқарилади ва бутун кичик комплекс ишининг самарадорлиги аниқланади. Вақтга қараб олинганда бу асосан кейинги йил ҳосилини йиғиб-териб олишни ташкил этишнинг бошланишига тўғри келади. Натижада, биринчидан, кичик комплекс турли бўғинларининг пировард натижа учун моддий ва маънавий масъулияти ҳар хил бўлади, иккинчидан, пировард мақсадга эришиш учун хўжалик механизми асосий бўғинини планлаштиришнинг роли вақт жиҳатидан маънавий рағбатлантиришдан ажралиб қолган моддий рағбатлантириш билан кифояланиб қолади. Ушбу механизм ҳалигача хўжалик юритишнинг маъмуриятчилик методларидан тўлиқ ҳолда халос бўлмаганлиги бу камчиликни янада чуқурлаштиради.

Ҳозирги вақтда амал қилаётган АПКК планларини тузиш системаси — пахтани сотиб олиш ва уни саноат асосида қайта ишлаб маҳсулот олиш — қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш тармоқлари мақсадларининг бирлигини (пировард маҳсулотга эҳтиёжни қондиришни) таъминламайди.

АПКК бошланғич бўғинлари иқтисодий механизмининг яхшиланишига бизнингча, улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига бериладиган баҳонинг ўзгариши ҳам ёрдам беради. Ер, сув, ишлаб чиқариш фондлари, демографик ва социал шароитларга берилган иқтисодий баҳони ҳисобга олган ҳолда ушбу механизмни планлаштиришнинг норматив методлари асосида тубдан қайта қуриш харидорга зарур бўлган маҳсулотни кўпроқ ишлаб чиқаришга йўллайди. Шу билан бирга экин майдонларининг иқтисодий ва табиий-иқлим хусусиятлари қатъий ҳисобга олинган шароитда пахта экувчи ва қайта ишловчи тармоқлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга, ўз ишлаб чиқаришларини кичик комплекс пировард маҳсулоти эҳтиёжларининг ҳажмлари ва ассортиментига мослаштиришга мажбур бўладилар. Бундай қилинганда, бизнингча, енгил саноат пахта толасини мустақил сотиб олгани мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, ушбу проблемани ҳал қилиш пахтачилик кичик комплексининг бошланғич қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш бўғинлари интеграциясини янада чуқурлаштириш ҳамда фақат пировард маҳсулотини ҳисобга олиш асосида планлаштириш системасини жорий қилишга боғлиқдир.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни ва СССРда кооперация тўғрисидаги Қонунга мувофиқ АПКК ташкилий-ишлаб чиқариш структурасини тартибга солиш учун, бизнингча, қуйидаги вазифаларни ҳал қилмоқ керак:

а) кичик комплекс асосий ишлаб чиқариш бўғинининг оптимал кўламини аниқлаш;

б) тармоқ ва территориал бошқарувнинг рационал бирикувини топиш;

в) хўжаликка оид қарорларни қабул қилишда АПКК барча бўғинларининг биргаликда ҳаракат қилиши ва бир хил масъулиятини таъминлаш.

Пахтачилик кичик комплексини бошқариш механизмини ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан такомиллаштириш жараёнида пахтачилик агротехникаси, ҳосилни йиғиб-териб олиш, тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан, шунингдек, хўжалик юритишнинг янги методлари билан боғлиқ бир қатор хусусиятларни ҳисобга олиш талаб қилинади. Бу эса ленинча принципга мувофиқдир: бошқариш учун ишлаб чиқаришнинг барча шарт-шароитини ҳамда ушбу ишлаб чиқаришнинг замонавий негиздаги техникасини тўлиқ билиш зарур.

Қолхозлар, совхозлар, пахтани ва унинг уруғлигини қайта ишловчи корхоналар, шунингдек ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани район даражасида таъминловчи ташкилотлар АПКК ишлаб чиқариш системасининг бошланғич бўғинлари ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида районлараро ва тармоқлараро ташкилотлар иш олиб бормоқда. Пахтакор хўжаликлар асосан РАСБга, пахта тозалаш ва ёғ-мой тармоқлари облагропром ва Ўзбекистон ССР Госагропромига бўйсунади. Шундай қилиб, биргина кичик комплекснинг қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш тармоқларининг бевосита бўйсуниш даражаси мос тушмайди, бу эса хўжалик юритишнинг барча даражасида реал бошқаришни таъминлашни қийинлаштиради.

Қолхоз ва совхозлар аввалгидек кичик комплекс оралиқ маҳсулотини етиштиришга йўлланган. Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарининг фаолиятига РАСБ совети орқали таъсир кўрсатиш мумкин, унга ўша корхоналар директорлари ҳам киради. Тўқимачилик саноати корхоналари билан эса колхоз ва совхозлар ҳозирча ҳеч қандай иқтисодий алоқага эга эмаслар. Пахтакор хўжаликларнинг коллективлари, аввалари бўлганидек, ғўзани районлаштиришга доир область агропроми тасдиқлаган планга мувофиқ ҳолда пахта тайёрлаш хусусида пахта заводлари билан шартнома тузадилар. Кичик комплекс пировард маҳсулотининг асосий турлари яратиладиган қайта ишловчи тармоқлар коллективлари эса унинг сотувчилари сифатида иш кўрадилар. Пахта бўйича ҳам, тола бўйича ҳам икки ёклама планлаштириш ҳоллари учрайди.

Бундай шароитда, бизингча, умуман кичик комплексда бошқаришнинг иқтисодий методларига ўтиш мумкин эмас, чунки ҳали номатлуб ҳодисаларни туғдирувчи хўжалик юритишнинг маъмуриятчилик методлари учун замин сақланиб келмоқда. Зотан, РАСБ ҳозирча моҳиятан АСКнинг юқори органларидан қайта ишловчи корхоналарга йўл-йўриқ кўрсатувчи директиваларни етказиш бўғини бўлиб қоляпти. Қолхозлар, совхозлар, қайта ишловчи корхоналар ва бошқа хўжалик ташкиотларини пировард натижага эришишга аниқ йўллаган ҳолда уларнинг чуқур интеграциясини таъминлаш бу аҳволни тузатишнинг реал йўлидир.

Ўзбекистон ССР Госагропроми, область агросаноат комитетлари, РАСБлар ташкил этилишидан асосан қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришини интеграциялаш, республика, область ва район даражасида бошқариш, планлаштириш ва маблағ билан таъминлашнинг ягона комплексини таъминлаш мақсади кўзланган эди. АСҚ барча кичик комплексларининг, шу жумладан, пахтачилик кичик комплексининг халқ хўжалик самарадорлиги кўрсатилган даражаларда юзага келадиган масалаларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишига кўп даражада боғлиқдир. Ушбу даражаларда бошқариш сифатини ошириш учун унинг методлари бошланғич ишлаб чиқариш бирликлари — колхоз, совхозлар, қайта ишловчи корхоналарда юз бераётган интеграциянинг объектив жараёнларига мувофиқ келишига эришиш даркор.

Республика АСҚ пахтачилик агросаноат кичик комплексида интеграциянинг реал ва самарали боришини таъминлаш пахтакор колхоз ва совхозларни, қайта ишловчи корхоналарни аста-секин ягона пахтачилик агросаноат бирлашмаларига айлантиришга асосланади. Хўжалик юритишнинг ушбу даражасидагина кичик комплекс барча бўғинлари манфаатларининг бирлиги ва мос келишига, улар фаолиятини ягона бир бутун нарса сифатида планлаштиришга ўтишга, энг кам сарф-харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида улар ишининг ўзаро мос ва оптимал тартибига эришиш мумкин.

Республикада иккита пахтачилик агросаноат бирлашмаси — Наманган областида «Қизил равот» ва Самарқанд областида «Нарпай» совхоз-заводлари ишлаб турибди, уларда пахта тозалаш заводлари интеграцияловчилик қилмоқдалар. Улар тўловнинг ҳамма турлари бўйича давлат бюджети билан ҳисоб-китобни

марказлаштирилган тартибда ўз ҳисоб-китоб дафтарчалари асосида амалга оширмоқдалар, уларда қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришларининг иқтисодий бирлик даражаси РАСБга қараганда анча юқори.

Бу тажриба шуни кўрсатадики, чуқур интеграция қилинганда айрим ходимлар, кичик комплекс меҳнат коллективлари ва умуман жамият манфаатларининг мос келишига эришиш учун шароит яратилади. Қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришларининг келишилган, системали ўзаро ҳаракати ҳисобига олинган иқтисодий самара хўжалик юритишнинг ҳамма даражасида агросаноат интеграциясининг пировард моҳияти ва мазмунидир. Ишлаб чиқариш барча босқичларини баланслаш, координациялаш ва ўзаро мослаш, кичик комплекс тайёр маҳсулотини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, технологик нобудгарчиликлар барча хилини, қишлоқ хўжалик, саноат ва истеъмолчилар ўртасидаги бошқарувнинг воситачи бўғинларини тугатиш, қўшимча ва транспорт чиқимларини кескин камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат, хом ашё ва молия ресурсларидан рационал фойдаланиш ана шу самаранинг кўпайишига ёрдам беради.

Бизнингча, ана шундагина бошқаришнинг иқтисодий методлари ўзини тўла кўрсатади, хўжалик ходимларининг қабул қилинган қарорлар учун масъулияти, омилкорлиги, ташаббускорлиги ошади. Шу сабабли колхоз, совхоз ва пахта тозалаш заводларининг интеграциясини такомиллаштиришга, уларни босқичма-босқич пахтачилик агросаноат тузилмаларига айлантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишни жадаллаштириш керак.

СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун кучга киритилиши «давлат-кооператив» ёки «кооператив-давлат» тузилмаларини ташкил этиш негизида колхоз, совхоз ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини жадаллаштириш учун шарт-шароит яратади. Интеграциянинг бундай формаси пахтачиликда ҳам, саноатнинг қайта ишловчи тармоқларида ҳам ихтисосланишни сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқариш билан пахтани қайта ишлаш ўртасидаги барқарор ташкилий алоқани таъминлайди. Хўжалик юритишнинг бундай даражасида бир бутун яхлит планлаштиришга ва кичик комплекс барча бўғинларининг балансланган социал-иқтисодий ривожланишига эришиш мумкин, чунки унда қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришларининг иқтисодий бирлик даражаси РАСБга қараганда анча юқоридир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш корхоналарининг мустақиллиги ошади, биринчи навбатда умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига тўсқинлик қилаётган қолоқ участкаларда умумхўжалик ва социал проблемаларни уюшқоқлик билан ҳал этиш имкони туғилади.

АПКҚнинг янги хўжалик механизмини ишлаб чиқиш учун 1988—1989 йилларда агросаноат тузилмаларини — бир ҳолда айрим колхоз ёки совхозни пахта тозалаш заводи билан кооперациялаш негизида, бошқа ҳолда эса бир неча пахтакор хўжаликни йирик пахта тозалаш заводи асосида кооперациялаш ҳисобига — ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Амалдаги интеграцияда ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ҳамма турдаги маҳсулотнинг сифати ва миқдорига объектив баҳо бериш коллектив пудратни ҳамма жойда жорий қилишга ва кескин иқтисодий ўсишга имкон беради.

Пахтачилик кичик комплексининг хўжалик механизмини тубдан қайта қуришни 1990 йилда тугаллаш мўлжалланган. Лекин ушбу вазифани ҳал этишда биз ҳозирча бошланғич босқичда турибмиз, ҳозирча синаш ва экспериментлар асосида изланишлар олиб боряпмиз, зеро уларда ҳам хато бўлиши мумкин. Масалан, кейинги беш йил мобайнида пахта тозалаш саноатини бошқариш структураси тўрт марта ўзгарди. Афсуски, барча ўзгаришлар бошланғич бўғинлар иқтисодий мустақиллигини ошириш ниятида эмас, балки маъмурий-буйруқ бериш аппаратига қулай бўлсин учун амалга оширилган эди. Қуйи қисмда интеграциялаш жараёнини тугалламай туриб, бошқаришнинг юқори қисмидаги бундай ўзгаришларнинг нафи бўлмайди, улар ишга халақит беради. Ўтиб кетган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун мумкин қадар тезроқ кооперациялашган агросаноат тузилмаларини ташкил этиш ва хўжалик юритишнинг янги шароитида уларнинг яшовчанлигини текшириш мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, улар базасида пахта-тола тайёрлашда ҳар бир транспорт бирлигининг физик оғирлигига қараб унинг миқдо-

ри, сифатини ва унга тўланадиган ҳақни аниқлаш методини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш мумкин. Ушбу метод экспериментал текширишдан ўтиб бўлди ва Ўзбекистон ССР Госагропромининг идоралараро комиссиясининг тавсиясига биноан Ленинск (Андижон области) ва Шўрчи (Сурхондарё области) пахта заводларида татбиқ этилди ҳам.

Агропроми 1988 йилдан тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган Сурхондарё областида АПКҚда хўжалик юритишнинг янги методлари кенг миқёсда текширишдан ўтади. Янги хўжалик механизми барча кичик системаларини синовдан ўтказиш давомида республика АСҚнинг пахтачилик кичик системаси учун яхлит система ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бу ерда шунга яна бир бор эътиборни қаратиш ўринли бўладики, областда хўжалик юритишнинг янгича шароитида ғўзанинг фойдали ва фойдасиз сортлари ҳақидаги масала айниқса кескин бўлиб турибди. Сурхондарёнинг табиий-иқлим шарт-шароити ингичка толали сортларни етиштириш учун ғоят қулайлигини ҳисобга олганда, умуман область пахтачилик кичик комплекси учун ва унинг ҳар бир бошланғич бўғини учун ушбу сортлар иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Лекин ўн иккинчи беш йилликнинг кейинги йилларида ғўзанинг ана шу сортларини етиштириш ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик тайёрланганидек даражада — 1986 йилда эришилганидан камроқ қилиб планлаштирилган. Чунки асосий сабаб тола сифатининг қониқарсизлигидир. Афсусланадиган жойи шундаки, АШ-25 сорти дастлабки биологик маълумотларига кўра ГОСТга мос келади, лекин ҳосил терими ва қайта ишланиши пайтида ушбу хусусиятини йўқотади. Асосан ғўзанинг ингичка толали сортлари хусусиятларини ҳисобга олувчи дефолиант ва пахта териш машиналарининг йўқлиги бунга сабаб бўлмоқда. Машина теримида ғоят ифлосланган пахтани пахта тозалаш заводларининг мавжуд технологик ускуналари тозалашга қодир эмаслиги ҳам шунга боғлиқ.

Тилга олинган проблемалар яхши маълум, уларни ҳал этиш учун йиллар даркор бўлса керак. Уларни шунинг учун ҳам келтириб ўтдикки, агросаноат пахтачилик кичик комплекси янги хўжалик механизмини ишлаб чиқишда уларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Уни такомиллаштириш проблемалари доирасига нарх белгилаш, маблағ билан таъминлаш ва кредит беришни тартибга солиш ҳам, иқтисодий рағбатлантириш системасини, ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиш форма ва методларини ривожлантириш ҳам, бир қатор бошқа тадбирлар ҳам киради. Уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

———

Шаҳар ва район партия комитетлари қайта қуриш йўлларида

Ш. ГАТАУЛИН

ТАЖРИБАНИ ЖАМЛАБ, ЯНГИЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари қайта қуришни чуқурлаштириш, партия ва жамиятни янада демократиялаш ишида қудратли омил бўлди. Сиёсий авангард сифатида партия ролини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга моликдир. Барча коммунистлар, биринчи навбатда, албатта, партия ходимлари КПСС фаолияти нафақат мазмунан, шу билан бирга методларига кўра ҳам жамиятда партиянинг раҳбарлик роли ленинча концепциясига тўла-тўкис мувофиқ бўлиши учун ёрдам беришга даъват этилганлар. XIX партия конференциясининг «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида»ги резолюцияси зиммамизга шуни юклайди.

Республикадаги барча партия комитетлари сингари бизнинг райком ҳам сиёсий система ислоҳотини турмушга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга оширмоқда. Ана шу вазифага мувофиқ партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси ўтказилмоқда, партия аппарати қайта ташкил этилмоқда, партия билан Советлар ўртасидаги вазифаларни ажратиб олиш тўғрисида қабул қилинган қарорни ҳисобга олган ҳолда унинг структурасига ўзгартиришлар киритилмоқда. Ҳозир кўп нарса тубдан ўзгармоқда, лекин айтиш лозимки, бунгача ҳам анча иш қилинганди. Ўтган уч йил мобайнида тажриба орттирдик, бу тажриба ҳозир қайта қуриш муқаррар бўлишини таъминлашга, ҳозирги шароитларда иш форма ва методларини конкретлаштиришга ёрдам бермоқда.

Менга, XIX партия конференциясининг делегатига ана шу анжуман давомида инсонни социал жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш хусусида айтилган фикрлар айниқса яқиндир. Зотан, КПСС МКнинг 1988 йил февраль пленумида тўғри таъкидланганидек, инсон қайта қуришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Унинг сиёсий ва ахлоқий хислатлари, маданият ва билим даражаси, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, профессионал маҳорати ва ўз бурчини ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Булар эса бизнинг бутун кўп қиррали ҳаётимиз: мактаб, меҳнат ва ижтимоий фаолият билан, меҳнат, турмуш, коллективлардаги ўзаро муносабатлар қандай ташкил этилганлиги, хўжалик фаолиятининг идеологик оқибатлари билан шакллантирилади. Бу соҳада кўп камчиликлар, қолаверса, хато тасаввурлар ҳам йиғилиб қолган. Шу сабабли қайта қуриш — бизнинг районимиз учун ҳам тасодиф эмас, балки ҳаётий заруратдир.

Турғунлик ҳолатларини бартараф этиш, ҳаётимизни янгилаш борасида фақат дастлабки қадамлар қўйилди, холос. Лекин ана шу озгина ишлар ҳам муайян хулосаларга келишга, фойдали сабоқлар чиқаришга имкон беради.

Чунончи, биз бу ишни XIX партия конференцияси қарорлари асосида чуқурлаштирмоқ учун қишлоқни социал ривожлантириш соҳасида тўпланган тажрибадан фойдаланиш ниятидамиз. Бунда район партия комитети структураси ва соста-

ГАТАУЛИН Шомил Қодирович, Ўзбекистон Компартияси Қоракўл райкоми (Бухоро области) секретари, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегати.

вида юз бераётган ўзгаришлар ҳам ёрдам беради. Эндиликда фаолиятимиз инсонга, унинг эҳтиёжлари ва орзу-ниятларига янада кўпроқ яқинлаштирилади. Дарвоқе бундай йўналиш бугун пайдо бўлгани йўқ. Қайта қуриш йилларида партия аппарати ўз ишини меҳнат коллективларида — партия сиёсатини турмушга ошириш учун курашнинг олдинги маррасида жамлашга муваффақ бўлди. Бугун партия ходимларининг обрў-эътибори уларнинг кучларни бирлаштира олиш маҳорати билан, одамларга авж олаётган янгиланиш жараёнида ўз ўрнини топиб олишига ёрдам бериш қобилияти билан ошиб бориши мумкинлигини ҳисобга олиб, биз партиявий ишни аввалдагидан кўра чуқурроқ ва изчиллик билан олиб боришга интилмоқдамиз. Ҳозир кадрларга баҳо беришнинг асосий мезони — кишилар билан жонли иш олиб бориш орқали уларнинг қайта қуришга қўшадиган реал ҳиссасидир.

Биз 87 бошланғич партия ташкилотининг ҳаммаси ҳозирги шароитда ҳужумкорлик, ташаббускорлик билан ҳаракат қилишига эришмоқдамиз, токи меҳнаткашларда пировард натижаларни яхшилаш учун эгаларча манфаатдорлик ўссин, ҳар бир кишининг ижодий қобилиятлари тўла-тўкис юзага чиқсин. Ана шу мақсадда партия ташкилотларининг структураси ҳам пухта ўйланди. Чунончи, бизда ҳозир қишлоқ хўжалигида 77 цех партия ташкилоти ва 119 партия группаси, саноатда — 5, транспортда — 4, соғлиқни сақлаш соҳасида — 5 цех партия ташкилотлари иш кўрмоқда. Бу ҳар бир коммунистни яқиндан билиш ва унинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, партия аъзолари орқали ишлаб чиқариш, социал соҳанинг барча муҳим жабҳаларида ишлар аҳволига самаралироқ таъсир кўрсатиш имконини беради.

Биз бошланғич партия ташкилотлари билан иш олиб боришда XIX партия конференцияси ғояларини изчил амалга оширмоқдамиз. Шулардан энг муҳими партияда принципиаллик, ошкоралик, мунозара, танқид ва ўз-ўзини танқид, онгли интизом, партиявий ўртоқчилик ва шубҳасиз шахсий жавобгарлик, ишчанлик вазиятини тўла-тўкис тиклашдан иборат. Район партия комитети ҳар бир бошланғич ташкилотга ташаббускорлик, етилган проблемаларни тадбиркорлик, мустақиллик ва манфаатдорлик билан ҳал қилиш учун, барча коммунистларнинг гражданлик позицияларини намоён этиш учун имконият беришга ҳаракат қилмоқда. Бу нарса албатта ўз коллективидаги ишларнинг аҳволи учун, қайта қуришга шахсий ҳисса қўшиш учун жавобгарликни тақозо этади. Бунда КПСС аъзоларининг авангардлик ролини оширишнинг таъсирчан формаси бўлиб қолган коммунистларнинг ҳисоботлари ёрдам беради.

Социалистик янгиланиш учун курашда раҳбарлар позицияси алоҳида аҳамиятга моликдир. Эски касаллик ҳалиям йўқолгани йўқ. Улардан баъзилари юқоридан кўрсатма кутишни афзал кўради, ўзлари бир иш қилишдан чўчишади. Ўйлаймизки, сайлов асослари, КПСС ҳаётини демократиялаш борасида XIX партия конференцияси ишлаб чиққан тадбирларнинг бутун бир комплекси халқ ишончига эга бўлган коммунистларнинг ўзлари бошқараётган участкалардаги ишлар аҳволи учун шахсий масъулиятини оширишга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленумидан (1984 йил июнь) кейин, республиканинг ҳамма ерида бўлганидек, бизда ҳам кадрлар соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Биз қишлоқ хўжалик органларини компетентли, ҳалол кишилар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Амалда колхоз раҳбарларининг, партия комитетлари секретарларининг ҳаммаси ўзгартирилди, раҳбарларни танлашда ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликни тугатиш тадбирлари амалга оширилди. Кўп соҳаларга, шу жумладан партиявий ишга ҳам ҳозирдаёқ ҳаёт мактабини ўтган, ишлаб чиқаришда ишлаган ёшлар келишди. Биз уларни тажрибали ўртоқлар билан ёнма-ён қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хуллас, райком ва партия ташкилотлари кадрларни синчиклаб танламоқдалар, уларга иш ўргатмоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Шу муносабат билан кадрлар резервлари хусусида эскириб қолган қарашлардан воз кечишга тўғри келди. Уни шакллантиришда биз ошкораликдан кенг фойдаланмоқдамиз. Чунончи, резервга тавсия этилганларнинг рўйхати район газетаси саҳифаларида эълон қилинди. Бу раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг ишчанлик, ахлоқий ва сиёсий хислатларини пухта ўрганишга ёрдам берди. Улар тўғрисида коллективлардаги фикрни ўрганиш, анкета тарқатиш, номзодларни очиқ

партия йиғилишларида кўрсатиш расм бўлмоқда. Район партия комитетида ишлашга Ж. Шукуров билан С. Очилов шу тариқа тавсия этилдилар. Шукуров номзодини В. И. Ленин номидаги колхоз коллективи, Очилов номзодини эса район сув хўжалиги бўлимининг коммунистлари ва партиясиз кишилар таклиф этишди.

Бундан ташқари, резерв билан ишлашда қайта қуриш кишилардан компетентлиликни, юксак профессионализмни, кенг маълумотни талаб қилиши ҳисобга олинмоқда. Бугунги кунда ҳар тарафлама тайёргарчиликсиз, ишлаб чиқариш, фан ва техника, экономикани бошқариш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, психология масалаларида чуқур билимларсиз ишлаб бўлмайди. Буларсиз хўжаликни билиб юритиш, қолаверса партиявий раҳбарликни амалга ошириш мумкин эмас. Шуни ҳисобга олиб, район партия комитети ўз аппаратидаги бир нечта ходимни ўқиш ва стажировкадан ўтиш учун мамлакатнинг бошқа регионларига юборишни илтимос қилди. Масалан, инструктор М. Жўраева Киев область партия комитетида стажировкадан ўтди, инструктор Мамараҳимов Минскда, К. Маркс номли колхоз парткомининг секретари Т. Матниёзов Новосибирскда билимини оширмоқда. Район партия комитетида масъул лавозимларни эгаллаш резервига киритилган хўжаликларнинг партия комитетлари секретарлари аввал бизда стажировкадан ўтадилар.

Кадрларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси улар фаолиятини асослироқ ва объектив баҳолашга имкон беради. Биз бу ишни партия комитетлари секретарларидан, райкомнинг масъул ходимларидан бошладик. Индивидуал ёндашув ҳар бир ходимнинг фаолияти ва сиёсий, ахлоқий, маданий қиёфаси билан яқиндан танишиш имконини беради. Райком таклифи билан биринчилар қаторида мактаб директорлари, маъмурий органларнинг ходимлари аттестациядан ўтказилди.

Ҳозир кадрлар билан ишлашнинг янги формаларини тобора кенгроқ қўлланмоқдамиз. Масалан, район партия комитети, район ижроия комитетининг инструкторлари, бўлим мудирлари лавозимларига конкурс билан танлашни жорий этмоқдамиз.

Ҳар ҳафта ўтказиладиган кенгашлар аппаратимиз фаолиятида муҳим роль ўйнамоқда. Бу кенгашларда масъул ходимлар планлаштирилган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида, бошланғич партия ташкилотларига бўлган командировкалар якунлари тўғрисида ҳисобот берадилар. Кенгашларда ишчанлик, ўртоқлик вазияти ҳукм суради, аппаратнинг тажрибали ходимлари ўз билимларини ёшлар билан ўртоқлашадилар, келиб чиқадиган проблемаларни қандай қилиб яхшироқ ҳал этиш тўғрисида маслаҳатлар берадилар, биронта ҳам танқидий мулоҳаза эътиборсиз қолдирилмайди, камчиликларни бартараф этиш юзасидан оператив тадбирлар кўрилади.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, меҳнат коллективи, одамлар район партия комитети ҳар бир ходими фаолиятининг асосий соҳасидир. Райкомнинг ҳар бир масъул ходимига 5—8 нафар бошланғич партия ташкилоти бириктирилган. Бу нарса жойларда тез-тез бўлиб туриш, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек ташкилий-партиявий, идеология иши соҳасидаги ишлар аҳволини ўрганиш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароити аҳволини билиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳар бир ходимимиз муайян участкада контролни амалга ошириб боради. Бу, масалан, бошланғич партия ташкилотларида КПСС МКнинг аъзолик взнослари тўғрисидаги инструкциясига риоя қилиш; КПСС аъзолигига қабул қилиш масалалари; пленумларда, партия активи йиғилишларида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари; жамоат ташкилотларининг фаолияти; сиёсий ва иқтисодий ўқув; медицина хизматини, халқ маорифини, физкультура ва спортни ривожлантириш; маданий-маърифий муассасалар, союзпечать иши, кинолаштириш, социал таъминот проблемалари; савдо ва маиший хизмат.

Райком аппарати ходимлари бошланғич партия ташкилотлари секретарларига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар, семинарлар, сайланиб қўйиладиган активнинг ўқувини амалий ўйинлар шаклида вақти-вақти билан ўтказиб турадилар, келиб чиқадиган проблемаларни ҳал этишда методик ва амалий ёрдам кўрсатадилар. Масалан, ўрта мактаблар партия ташкилотлари секретарлари билан партия йиғилишларига, маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан амалий ўйинлар қизиқарли ўтди. Шундай ўйинлар кейинчалик барча бошқа бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари билан ҳам ўтказил

Партия ва давлат органлари вазифаларини чегаралаб олиш ҳозир райком фаолиятида марказий масалалардан биридир. XIX партия конференцияси ҳужжатларида бунга лозимича ўрин ажратилди. Бу қонуний бир ҳолдир. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев конференциядаги докладида таъкидлаганидек, сиёсий системамимизни қайта қуриш ҳам, умуман қайта қуришнинг муваффақияти ҳам ана шу масаланинг ҳал қилинишига боғлиқдир. Биз конференциянинг район ва шаҳар партия комитетлари аппаратларини янги талабларга мувофиқ шакллантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини ҳисобга олиб, шундай йўналишда иш олиб бормоқдамизки, натижада у партия комитетларига уларнинг бевосита сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий вазифаларини бажаришларига яхшироқ ёрдам берсин. Бунда биз ўзимиз орттирган тажрибага таянмоқдамиз.

Кейинги йилларда маъмуриятчиликни, совет ва хўжалик органлари вазифаларини такрорлашни бартараф этишда бирмунча иш қилинди. Масалан, райком бюроси ижроия комитети компетенциясига кирадиган масалалар юзасидан район ижрокоми билан биргаликда қарорлар қабул қилишдан воз кечди. Бюронинг ҳар бир аъзоси вазифалари аниқ белгилаб қўйилди, бу эса шахсий жавобгарликни тақозо этади. Бўлар-бўлмасга совет ва хўжалик органларига ҳомийлик қилавериш ҳам барҳам топди. Иш регламентини ўзгартирдик. Барча оммавий тадбирлар шанба кунлари ўтказилади, район партия комитети бюро мажлислари сони, кун тартиби моддалари миқдори камайтирилди (масалан, хўжалик масалаларининг кўпчилигини райижроком, РАПО муҳокамасига оширдик). Район партия комитети бўлимлари эндиликда жойлардаги ишларнинг аҳволини ўрганишга анча жиддий қарайдиган бўлиб қолганликлари учун ахборотлар қисқароқ ва мазмундор бўлиб қолди. Район ташкилотларида раҳбарлар, мутахассисларни чақириб туриш жуда камайди, уларни қоғозлардан, турли-туман ҳужжатлардан қутқариб, ходимлар диққат-эътибори перспектив муаммоларга қаратилди. Райком бюроси ва пленум мажлисларида, партия активи йиғилишларида асосан район партия ташкилоти учун принципиал аҳамиятга молик йирик масалаларгина кўриляпти.

Райком бюроси ишида очиқ-ошкор фикр алмашиш, ишга аналитик ёндашув тобора қарор топмоқда. Ошкоралик кучайди, кўриб чиқилган масалалар тўғрисидаги ахборотлар, район партия комитетининг энг муҳим қарорлари район газетасида мунтазам босиб турилади.

Бугунги кунда бизда район партия комитети нима билан шуғулланиши кераклиги, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетига қандай масалалар юклатилгани, РАПО компетенциясига нималар кириши аниқ белгилаб қўйилган. Умуман, ҳар бир киши ўз иши билан банд, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш муаммоларини эса ҳамма ўзига хос методлар билан ҳал этади.

Кадрлар билан ишлаш — район партия комитети фаолиятининг тамал тошидир. Бу соҳада асосий диққат-эътибор кишилар тафаккурини, психологиясини қайта қуришга, ишга, ижтимоий бурчга виждонан муносабатда бўлишни тарбиялашга қаратилгандир. Колхоз ва совхозлар раҳбарлари ва мутахассислари, агросаноат комплекси ходимлари хўжалик масалаларини ҳал этишда катта эркинлик олишди. Одамлар ўзларига ишонилаётганини, уларнинг фикрларига эътибор берилаётганини, улар билан ҳисоблашилаётганини сезмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари уларнинг кўпларига қайта қуришда ёрдам беришди, натижада улар ижодий, ташаббус кўрсатиб меҳнат қила бошлашди. Бу активликнинг ўсишига, оммавий ташаббусларга сабаб бўлмоқда. Масалан, «Правда» колхози коммунистлари хўжаликни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишга қарор қилишди. Барча пахтачилик бригадаларида хом ашё етиштиришнинг интенсив индустриал технологиясини, уни машинада йиғиб-териб олишни жорий этиш белгиланди, бу ўтган йили ҳам атиги 60 процентни ташкил қилган эди.

Районимиз асосан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб берувчи бўлгани учун биз коллективларни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга сафарбар этишни, хўжалик ҳисобини, оилавий пудратни ёйишни, пастдан бўладиган илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлашни биринчи даражали вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Бир нечта мисол келтираман.

Республикадаги бошқа районлар механизаторларининг илғор тажрибасига асосланиб, «Правда» колхози партия комитети атроф муҳитни соғломлаштириш, шунингдек хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш мақсадида ғўзани дефолиация

қилишни ерда ишлайдиган аппаратура билан ўтказишга ёрдамлашди. Бу ташаббусга райондаги барча колхозлар эргашди.

«Искра» колхози механизаторларининг эски СКА ғалла ўриш комбайнларини беда ўримида ишлатиш учун қайта жиҳозлаш тўғрисидаги рационализаторлик таклифи партия комитети томонидан маъқулланди ва хўжаликларда жорий этилмоқда.

Райсельхозтехниканинг коммунист инженерлари ғўзани механик тарзда яганалаш машинаси яратиш таклифи билан чиқдилар. Бу машина ҳозирдаёқ Ленин номидаги колхоз далаларида синаб кўрилди, уни ишлатиш анча-мунча кишини машаққатли меҳнатдан қутқарди.

Комплекс механизацияни ривожлантириш мақсадида РАПО ходимлари қишлоқ хўжалик мутахассислари билан бирга бир қатор ташкилий тадбирларни амалга оширдилар. Ҳар операция ёки ишлар цикли юзасидан семинарлар ўтказилди, янги техникадан қандай фойдаланиш тўғрисида гап юритилди.

Партия комитетлари, колхозлар правлениелари, РАПО мутахассислари оилавий пудратни жорий этиш учун талай иш қилишди. Ҳозир 350 дан зиёд оила билан қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашни кўзда тутадиган шартнома тузилган. Бу, жумладан, бебаҳо капитал — инсонга, унинг ижодий қобилиятларига, меҳнат потенциялига муносабатнинг ўзгарганлигидан далолат беради.

Кўпдан-кўп фактлар ишлаб чиқаришни интенсивлашда ҳар бир меҳнатчи ролини тўғри тушуниш, бутун коллектив имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш қандай наф келтириши мумкинлигидан дарак беради. Киров номидаги колхозда хўжалик ҳисоби жорий этилди, интенсив технология кенг қўлланила бошлади. Бригада кенгашларига катта ваколатлар берилди, социал масалалар қунт билан ҳал этила бошлади. Бунинг натижасида кейинги икки йил ичида ялпи маҳсулот етиштириш 15 процент, меҳнат унумдорлиги эса — 27 процент ошди. Хўжалик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 1987 йил планлари ва мажбуриятларини бажариб, рентабеллик 46,5 процент бўлгани ҳолда 1,5 миллион сўм фойда кўрди. Бу ерда бир колхозчи ҳисобига 4,6 минг сўмлик ялпи маҳсулот етиштирилмоқда.

Хўжалик раҳбарларимиз ўзларини тез қайта қуриб олдилар, асосий диққат-эътиборни ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуроллантиришга, фан ютуқлари, меҳнатнинг илғор усулларини жорий этишга жамладиларки, буни район партия комитети аппаратининг муайян мақсадга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий ишининг натижаси деб ҳисоблаш мумкин. Бу нарса биздаги мавжуд қишлоқ хўжалик тармоқлари самарадорлигининг ўсишига ҳал қилувчи даражада таъсир этди.

Лекин орттирган тажрибамиздан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, бундан уч йил аввал район партия комитети бюроси, унинг аппарати, бошланғич партия ташкилотлари қайта қуришни меҳнат аҳли тўғрисида конкрет ғамхўрлик қилишдан бошлаб тўғри йўл тутганлар. Бунинг учун биринчи навбатда районни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга партиявий раҳбарлик услуби ва методларини қайта кўриш зарур бўлди. Бошланғич партия ташкилотлари иши чуқур анализ қилинди — уларда ишга маъмурий, технократик ёндашув устун эди, социал масалаларни ҳал этишга, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондиришга деярли эътибор берилмас эди.

Илдиз ёзган ёндашувларни ўзгартириш осон бўлмади. Партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш масалалари партия бюросининг деярли ҳар бир мажлисида, райком пленумларида, партия-хўжалик активи йиғилишларида эшитилди. Бунда фақат иқтисодий кўрсаткичларни ўстиришгагина талаблар қўйилгани йўқ. Уларнинг динамикаси меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш, улар меҳнати ва турмуши шароитларини яхшилаш билан қандай ўзаро боғлиқлиги албатта ҳисобга олинди. Буларнинг ҳаммаси коммунистлар авангардлик ролини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, партия комитетларининг меҳнат коллективлари билан алоқасини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Идеология фаолиятида ҳам янгича ёндашувлар зарур бўлди. Бу ўринда биз асосий эътиборни одамлар билан якка тартибда ишлашга қаратдик. Кейинги вақтларда райком секретарлари, бюро аъзолари, бошқа масъул ходимларнинг меҳнат-

кашлар билан учрашувлари. Очиқ хатлар кунлари мунтазам ўтказилмоқда. Ягона сиёсий кунларни тайёрлаш ва ўтказишнинг муайян системаси таркиб топди. Тасдиқланган графикка мувофиқ партия, совет ва хўжалик активининг вакиллари ой сайин меҳнат коллективларига бориб турадилар. Улар меҳнаткашларнинг аризалари, танқидий мулоҳазалари ва таклифларини таҳлил этишга катта эътибор берадилар. Партия ва совет органларининг камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилиши учун доимий контроли ташкил этилган.

Одамлар билан бўлган кўпдан-кўп учрашувлардан, масалан, шу нарса маълум бўлдики, қишлоқ меҳнаткашлари оилаларининг ярмида стол, стуллар, бошқа мебель, холодильниклар, телевизорлар йўқ экан. Бу камбағалчиликдан эмас. Аҳолининг кўпида автомашиналар, мотоцикллар, молхонада бир нечтадан сигир-бузоқлар бор. Айни вақтда уйда ақалли кичкинагина шахсий кутубхона йўқ, китоблар, газета, журналлар кам ўқилади.

Шуларнинг ҳаммаси район партия, совет активини турмуш маданияти муаммоларини ҳал этишга жиддий киришишга ундади. Ишни тушунтиришдан бошладик. Шу билан бир қаторда аҳолига столлар, стуллар, кир ювиш машиналари, телевизорлар, гиламлар, пилесослар ва бошқа уй рўзғор буюмлари сотиш учун аҳоли пунктларига район матлубот кооперациясининг автолавкалари жўнаб кетди.

Биз сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ҳам киришдик. Районда 87 минг киши яшайди, водопроводдан эса ҳар ўн кишидан биттаси фойдаланади, қолганлар эса қудуқдан сув ичади. Медицина ходимларимизнинг таклифи билан 1364 та қудуқнинг усти ёпилди. Амударёдан тортилган водопровод линияси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Мактабгача тарбия муассасалари ишига алоҳида эътибор бера бошладик. Амалда барча болалар боғчалари менюсига сут, гўшт, тухум, шарбатлар киритилиб муайян муваффақиятга эришдик деб ўйлаймиз.

Биз учун социал тараққиёт масалаларининг муҳимларидан бири ҳаммомлар қурилишидир. Маҳаллий Советлар, партия ташкилотларининг ёрдами билан колхозларда махсус тадбирлар плани ишлаб чиқилди. Ҳозир барча чорвачилик фермалари, ҳар қайси механика устахоналарида дам олиш хоналари, ҳаммомлар, душхоналар бор.

XIX партия конференциясидан кейин идеология вазифаларини ҳал этиш алоҳида катта аҳамият касб этди. Ана шу жуда муҳим ишга янгича, самаралироқ ёндашувни таркиб топтириш зарур. Бу соҳада район партия комитетига пропаганда ва агитация бўлими ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази катта ёрдам кўрсатмоқда. Тўрт секция қишлоқ хўжалик экономикасини ривожлантириш йўлларини, социал муаммоларни, социалистик турмуш тарзини қарор топтириш ва такомиллаштириш масалаларини, аҳолининг турмуши, унга медицина хизмати кўрсатиш, умумий таълим ва ҳунар-техника мактаби ислоҳотини амалга ошириш проблемаларини ўрганмоқда. Социологик тадқиқот нафақат одамларнинг эҳтиёжларини, шу билан бирга кайфиятларини, шу жумладан уларнинг қайта қуришга доир конкрет ишга муносабатларини ҳам аниқлашни мақсад қилиб қўймоқда. Масалан, Қораун қишлоғида амалга оширилган анкета тарқатиш ва уйма-уй танишув район партия комитетига, М. Горький номидаги ва «Ўзбекистон» колхозлари партия ташкилотларига аҳолининг турмуш тарзини ҳар тарафлама ўрганиб, баъзи етилган масалаларни ҳал этишга фаол киришиш имконини берди. Жумладан, бу катта сарф-харажатлар билан боғлиқ баъзи урф-одатлар ва маросимларга тааллуқлидир. Масалан, 8—10 минг сўм миқдорида қалин бериш ҳозиргача бор. Кўплаб кишилар сохта муллалар таъсирига берилганлар, баъзилар «муқаддас зиёратгоҳлар»га боришади. Одамлар шундай аҳволга кўникиб қолганлар, кўплар умр бўйи энг зарур чиқимлардан ҳам қочиб пул йиғишади.

Район партия комитетининг ходимлари ҳамда хўжалик парткомларининг секретарлари вазиятни пухта ўрганиб, қишлоқ Советларининг депутат активлари билан биргаликда ана шу муаммоларни кенг муҳокама қилдилар, бу ишга оқсоқоллар ва бошқа мўътабар кишиларни жалб қилдилар. Эски урф-одатлар ва анъаналарга кўр-кўрона берилишни ҳамма якдиллик билан қоралади. Ижроя комитет ҳузурида янги маросимларни тайёрлаш ва ўтказишни назорат қиладиган, кишиларга

зарур амалий ёрдам кўрсатадиган комиссиялар тузишга қарор қилинди. Район партия комитетининг бюроси шу масалани муҳокама қилиб, бошқа хўжаликларнинг партия ташкилотларига, коммунист депутатларга бундай тажрибани кенг жорий этишни тавсия қилди. Ҳозир аҳвол умуман район бўйича яхшиланиб бормоқда, лекин айрим муаммо ва қийинчиликлар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Ошкораликнинг, ишларнинг аҳволига ҳамда ўз ишини баҳолашга аналитик ва танқидий ёндашувнинг қарор топтирилишига «Олға» район газетаси редакцияси ташкил этаётган раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимларининг район меҳнаткашлари билан телефонда бевосита суҳбатлашуви кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Одамлар бунда райондаги, у ёки бу хўжаликдаги, корхоналар, муассасалардаги аҳволни очиқчасига, ишчанлик билан муҳокама қиладилар, у ёки бу мураккаб масалаларни қандай ҳал қилиш тўғрисида маслаҳатлашадилар, кўпинча камчиликлар ва салбий ҳодисаларни таг-туги билан тугатиш йўлларини айтадилар. Шу нарса характерлики, одамлар район партия комитетига, партия ташкилотларига ишонмоқдалар, қайта қуриш умумий иши учун астойдил қайғурмоқдалар, ўзларининг шахсий иштироки билан уни қўллаб-қувватламоқдалар.

Район партия комитети жамоатчилик фикрини жамлаб, меҳнаткашларнинг таклифларини умумлаштириб ва таҳлил этиб, социал соҳани ривожлантириш йўлини қатият билан турмушга оширмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг бошида район партия комитетининг бюро мажлисида пахта тозалаш заводи дирекцияси ва партия ташкилотининг меҳнаткашлар учун ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароит яратиш соҳасидаги иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бунинг олдидан катта тайёргарлик иши олиб борилди: жумладан, ишчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида анкеталар тарқатилди. Бу завод маъмурияти ва партия ташкилоти фаолиятига баҳо беришга реалистик ёндашув, зарур тадбирларни кўриш имконини берди. Орадан бирмунча вақтдан кейин район партия комитети назорат тариқасида заводдаги ишлар аҳволини текшириб чиқди, кўпгина камчиликлар ва нуқсонлар бартараф этилмаганлиги сабабли масалани бюро муҳокама қилди. Жумладан, завод маъмурияти 1987 йилда моддий рағбатлантириш фондидан атиги 25,4 процент фойдаланган, социал-маданий тадбирлар учун кўзда тутилган маблағлар эса жами 19,6 процент сарфланган. Кейинги уч йил давомида корхона уй-жой қурмаган, натижада уй-жойга муҳтож кишилар анча кўпайди. Мактабгача тарбия муассасаларига болаларни жойлаштириш қийин. Заводда ишчилар тушликни тўғридан-тўғри станок олдида қиладилар ва дам оладилар, биронта ҳам цех хотин-қизларнинг шахсий гигиена хонасига эга эмас. Бу ернинг ҳавоси ёмон. Физкультура ва спортни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаётир.

Бюро мажлисида завод партия ташкилоти, коммунистлар бундай аҳволга кўникиб қолганликлари, ташаббус, талабчанлик кўрсатмаётганликлари, ишга ижодий ёндашмаётганликлари қайд этилди. Одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия нормасига айланмаган. Район партия комитети бюроси завод маъмурияти ва партия ташкилотига уй-жой қуриш программасини ишлаб чиқишни, болалар боғчаси ҳамда корхона территориясида маиший хизмат уйи, шунингдек ҳаммом қуриш билан жиддий шуғулланишни, душхоналар, кийим ечиш хоналари бунёд қилишни, ишчи ва хизматчилар болалари учун пионер лагери, санаторий-профилактория қурилиши учун лойиҳалар тузишга буюртмалар беришни юклади. Бу тадбирларнинг бажарилиши контрол остига олинди, заводга зарур амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Социал шароитларни яхшилаш борасидаги системали, конкрет иш ҳозирдаёқ натижалар бермоқда. Масалан, ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача мўлжалланган районни социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс плани муваффақиятли бажарилмоқда. 1987 йилда 22,3 минг квадрат метр уй-жой қурилди, бу ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Бу йил эса 26,9 минг квадрат метр тураржой майдони қуриш режалаштирилган. Кейинги икки йил ичида бир кунда 150 киши қатнайдиган поликлиника, касалхонанинг юқумли касаллар бўлими, 820 ва 320 ўқувчи ўринли иккита мактаб, 320 ўринли иккита мактабгача тарбия муассасаси, савдо маркази ишга туширилди. Аҳолига маиший хизмат соҳасида қўшимча 46 точка очилди. Колхоз ва совхозларда 9 стадион, 11 ёзги кинотеатр қурилди, қишлоқларни ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Район партия ташкилотлари маҳаллий Советлар билан биргаликда янги урф-одатлар ва маросимларни жорий этмоқдалар. Хотира куни, намунавий уй ва кўча учун конкурслар, бадиий ҳаваскорлик кўриклари, ҳосил байрамлари, спорт комплекслари иши мусобақалари ва кўриклари мунтазам ўтказилмоқда. Масалан, 1987 йилда «Дўстлик» поезди ташкил этилди. Бунда район қишлоқ хўжалик илғорларидан 400 киши Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилди. Жами санаторийлар, дам олиш уйларида икки йил мобайнида 5 минг киши дам олди, бу ишловчилар сонининг 17,8 процентини ташкил этади.

Одамлар яхшироқ меҳнат қиладиган бўлиб қолишди. Чунончи, 1985 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 1987 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий турларини етиштиришнинг ўсиши қуйидагича бўлди: пахта — 51 процент, сут — 18, тухум — 27, пилла — 19, полиз экинлари — 20 га яқин, узум — 32 процентни ташкил этди.

Бизда асосий экин бўлган пахта етиштиришни интенсивлаш натижасида 12 колхоздан 8 таси миллионер хўжаликка айланди. Фақат 1987 йилнинг ўзида район хўжаликлари пахтачиликдан 54 миллион сўм даромад олди, бу ўтган йилдагидан 20 миллион сўм кўпдир. Ўтган хўжалик йили якунларига кўра ҳар бир колхозчининг ойлиқ иш ҳақи 180 сўмни, ёки 1985 йилдагига нисбатан 1,5 баравардан кўпроқни ташкил этди.

Лекин булар — позитив кўп қиррали қайта қуриш жараёнининг бошланишидир, холос, бу жараённи бутун чоралар билан ривожлантириш, олға томон ҳаракатга тўсиқ бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини қатъият билан бартараф этиш керак. Афсуски, ҳали барча партия комитетлари эскирган схемалар ва ёндашувлардан қутулган деб бўлмайди. Лекин, ўйлаймизки, XIX партия конференцияси қарорлари, партия ташкилотларида бошланиб кетган ҳисобот ва сайловлар энг пассив кишилар учун ҳам туртки бўлади. Масалан, район экономикаси аграр секторида, гарчанд анча-мунча иш қилинган бўлсада, бу соҳада камчиликлар бор. Кўпгина хўжаликларда ердан, моддий-техника ва молия ресурсларидан оқилона фойдаланилмаяпти, дала ва фермалар маҳсулдорлиги паст. Бир қатор хўжаликларда фонднинг самарадорлиги пасайиб кетмоқда, маҳсулот таннархи арзонлашмаяпти. Аграр секторда туб бурилиш ясаш район партия ташкилоти учун сиёсий етукликка бир имтиҳондир.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ҳал этилмаган кўп муаммолар бор. Чунончи, район меҳнаткашлари ҳамон савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизмат, жамоат транспорти соҳаларига ҳақли даво қилмоқдалар.

Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтиш зарур. Районда юз берган яхши ўзгаришлар юқори партия органлари масъул ходимларининг ўз ишига сифат жиҳатдан янгича муносабатда бўлишларининг натижасидир. Область партия комитети бошқача ишлайдиган бўлиб қолди, майда-чуйда нарсаларга аралашмайди. Текширишлар талабчанроқ, лекин пухта ўйланган, аналитикроқ бўлиб қолди, бизга кенг фаолият кўрсатиш учун кўпроқ эркинлик, имконият берилди. Бу — XIX партия конференциясидан кейин қайта қуриш янада илдам, муваффақиятли бориши учун бир гаровдир.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

П. АБДУРАҲМОНОВ

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТ: ҲОКИМИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

МЕН, совет ходими XIX партия конференциясидаги қизғин мунозаралар, чиқишларнинг тўрт кун шоҳиди ва иштирокчиси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Қайта қуришнинг энг долзарб вазифаларини ҳал қилишга хилма-хил ёндашишлар намоён бўлди. Бу, ҳойнаҳой, яхши аломат: демак, мамлакатда янгиланиш муваффақиятларидан астойдил манфаатдор одамларгина эмас, шунингдек бу ишга реал ҳисса қўшишга қодир одамлар ҳам кўп экан. Мен биринчи навбатда амалий ҳаётнинг энг қайноқ жойида турганларни — ишчилар, колхозчилар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, зиёлиларни назарда тутяпман.

Конференция қайта қуриш иши кўламининг кенгайишини ифодаловчи резолюциялар қабул қилди: «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида», «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида», «Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида», «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида», «Ошкоралик тўғрисида», «Ҳуқуқий ислоҳот тўғрисида». «Мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»-ги резолюция белгиланган туб ўзгартишларни амалга ошириш механизмини «юргизиб юборгандай» бўлди.

Масалаларнинг кўпчилиги сиёсий системани қайта тузишга тааллуқли эди. Ҳа, бу қонунийдир: зеро бу ишни амалга оширмасдан туриб экономикада силжишларга эришиб бўлмайди. Ахир, илгарилари совет жамиятини соғломлаштириш борасидаги бир қанча муваффақиятсиз уринишларнинг сабаби шунда эдики, биз экономикани такомиллаштиришга киришганмиз-у, лекин маъмурий-буйруқбозлик услубининг хатарли ҳужайраларини туғдирган сиёсий системани бутунлигича қолдирганмиз. Шунинг учун ҳам 60-йиллардаги ислоҳот «қумга сингиб кетди», муваффақиятсизликка учради. Шу нарса яна такрорланмаслиги учун биз энг асосий нарса — сиёсий системани ислоҳ қилиш учун ўзимизда куч ва жасорат топишимиз керак.

Ижрочи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни ажратмасдан туриб бундан кейин демократиялаш мумкин эмаслигини бугун биз кўриб турибмиз. Шундай бир мантиққа зид ҳолат юзага келди. Совет ижроия комитети раҳбарияти сессияга йиғиладиган депутатларнинг активлигидан мутлақо манфаатдор эмас. Депутатлар қанчалик актив бўлсалар ижроком аппаратида иш шу қадар кўпаяди-да. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш зарурати туғилади: Совет аппаратни бошқариши, уни контрол қилиши, унга нисбатан мустақил бўлиши керак.

Шу муносабат билан Совет раисининг шахси хусусида гап кетди. Ким раис бўлиши керак? Шуни таъкидлаш лозимки, партком секретарлари Совет раисининг

АБДУРАҲМОНОВ Пўлат Мажидович, Тошкент область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегати.

вазифасини ҳам бажариши кераклиги тўғрисидаги фикр КПСС МҚ Тезисларида йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу фикрнинг конференцияда ўртага ташланиши ҳамма учун кутилмаган бир воқеа бўлди. Мазкур таклифнинг энг кучли демократик жиҳати: партия секретарини Советга сайлаш тартиби тўғрисидаги фикр дарҳол илғаб олинмади. Ҳа, партия комитети бир номзодни — ўзининг биринчи секретарини тавсия қилади. Лекин бу номзоднинг муҳокамадан кейин ўтиш-ўтмаслиги маълум эмас-у. Агар ўтмаса, унда, нега унга ишонч билдирилмади, деган савол туғилади? Хўш, шундан кейин ҳам у партия етакчиси бўлиб қола оладими? Бошқача қилиб айтганда, партия комитети икки назорат — ҳам коммунистлар, ҳам депутатлар назорати остида бўлади. Очиғини айтганда, партия етакчиларига ҳавас қилмайман. Уларни катта қийинчиликлар кутади. Янги талабларга кўра масъул лавозимларда чинакам энг яхши кадрлар ишлаши мумкин. Ҳақиқий обрў-эътиборсиз сайланиб қўйилган битта ҳам одам эндиликда амалда узоқ қололмайди.

Тўғри, Советларнинг роли ва таъсирини кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўрар эканмиз, депутат статуси хусусида ҳам гапирмаслик мумкин эмасди. У йилига камида икки ой ўзининг профессионал вазифаларидан озод қилиб қўйилиши керак, деб ҳисоблашди делегатлар. Бунда унинг сиёсий фаолияти учун иш ҳақи корхона ҳисобидан эмас, балки давлат бюджетидан тўланиши керак.

Айтилганларни сарҳисоб қилиб, Советлар аҳволини мустаҳкамлашнинг уч йўналиши: ташкилий (Совет ва ижроия комитетнинг ўзаро муносабатлари), ҳуқуқий (Совет ўз территориясидаги корхона, муассасаларга нисбатан нима қила олади), моддий (Совет қандай маблағларга эга бўлади) йўналишлари белгиланди.

Совет органларини қайта қуриш, халқ депутатлари Советларининг жамият ҳаётидаги роли ва ўрнини ўзгартириш улар фаолиятининг ҳамма томонларини қайта ташкил этишни тақозо этади. Бунда Советларнинг хўжалик ишларига таъсирини чуқурлаштириш, улар иқтисодий потенциалини кучайтириш Советларнинг сиёсий статусини мустаҳкамлаш гаровидир. Акс ҳолда улар илгаригидай «куч-қудратсиз ҳокимият» бўлиб қолаверади.

Советлар ролининг ўзгариши уларни корхоналарнинг тенг ҳуқуқли ва обрў-эътиборли партнёрларига айлантириши керак. Шу муносабат билан маҳаллий Советларнинг хўжалик соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш борасидаги амалий ишларга эҳтимол ҳозироқ мавжуд қонунлар доирасида киришиш кераклигини ҳал этиш муҳимдир. Ёки аввалига СССР Олий Советининг сессиясини, кейин 1989 йил апрелидаги янги сайловларни, сўнгра янги инструкцияларни кутиб ўтириш керакми? Бу саволга XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида жавоб берилди: узил-кесил қарорларни кутмасдан, ишга киришиш керак. Тажриба қанчалик кўп тўпланса, экспериментлар кўлами нечоғлик кенг бўлса, Советлар ҳақидаги қонун ҳам юридик, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан шунчалик сифатли, асосли бўлади.

Хўш, конкрет олиб қаралганда биринчи навбатда нима қилиш керак? Ўша тажриба, унинг анализидан келиб чиқиб иш кўриш лозим.

Тажриба эса шуни кўрсатадики, Тошкент области саноати ишида анчагина проблемалар бор. Чунончи, гарчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми плани бу беш йилликда умуман ошириб бажарилаётган бўлса-да, лекин 42 корхона барибир салкам 48 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди.

1987 йил январидан давлат қабулига 9 корхона ўтди, ҳозир 46 саноат корхонаси хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишламоқда. Халқ истеъмоли молларини чиқаришга доимо эътибор берилмоқда. 1987 йилда пландан ташқари, сифати яхшиланган «Н» индекси билан салкам 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди,— бу бир неча йил аввал чиқарилгандагига қараганда қарийб икки баравар кўпдир. Сир эмаски, яқин-яқинда ҳам территориялар бўйича план саноат корхоналари берган кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқиларди. Мана уч йилдирки область план комиссиясида социал-иқтисодий ривожлантириш планларини тузиш бўйича ишчи группалар ишламоқда. Бу планлар лойиҳаларини анча оператив ва сифатли тайёрлаш ва уларни тузишни умуман белгиланган муддатларда тугаллашга имкон беради.

Областда ўнта комплекс тармоқ программаси ишлаб чиқилган: «Интенсив-

лаштириш — 90», «Озиқ-овқат программаси», «1987—1990 йилларда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш», «Иккиламчи ресурслар», «Меҳнат — 90», «Сифат», «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш», «2000 йилгача уй-жой программаси», «Саломатлик», «Халқ хўжалигини 2000 йилгача химиялаштириш».

Мана, масалан, «Саломатлик» комплекс программасини олайлик. Унинг бажарилиши аҳолини амбулатория-поликлиника муассасалари, касалхона койкалари билан таъминлашни кескин оширишга, болалар ошхонаси учун сут маҳсулотлари ишлаб чиқишни кўпайтиришга имкон беради.

Кейинги икки ярим йил ичида областда салкам 1000 койкали касалхоналар, 12 даволаш амбулаторияси ва фельдшер-акушерлик пунктлари қурилди. 46 маъмурий ва бошқа бинолар даволаш-профилактика муассасаларига берилди. Улардан 36 таси ҳозир ишлаяпти, қолган объектлар реконструкция ва капитал ремонт қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси амбулатория-поликлиника муассасаларининг қувватини бир сменада 1920 қатновга оширди ва болалар муассасаларини анча кенгайтирди. 4 та район касалхонаси (1990 йилда фойдаланишга топширилади), болалар касалхонаси, туғруқхона қурилиши давом этяпти. Бу беш йилликнинг охиригача давлат капитал маблағи ва коммунистик шанбаликда ишлаб топилган маблағлар ҳисобига 990 койкали касалхонани ва бир сменада 1050 қатновга мўлжаллаган поликлиникани ишга тушириш планлаштирилмоқда. Бундан ташқари, саноат корхоналари ва облагросаноати Оҳангарон, Чиноз районларида, Олмалиқ, Ангрен, Наримонов, Чирчиқ шаҳарларида медицина-санитария қисмлари ва касалхоналар очиш учун пул ажратишга қарор қилишди. Соғлиқни сақлаш объектлари қурилишини авж олдириш билан биз кам мослашган биноларда жойлашган касалхона ва поликлиникаларни аста-секин тугата борамиз.

Маълумки, уй-жой проблемасини ҳал этиш социал программанинг жуда муҳим қисмидир. Бу йўналишдаги тадбирларни ишлаб чиқишда областдаги шаҳар ва районлар меҳнат коллективлари қатнашишди. Уй-жой қурилиши структурасини белгилаш қурилиш базасини жуда синчиклаб анализ қилишни талаб этди. Қишлоқда уй-жой қуришда маҳаллий самарали қурилиш материалларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилди. Қилинган ҳисоб-китобларга кўра, уй-жойларнинг 50 процентини аҳоли маблағига қуриш, 40 процентини эса корхоналар кучи билан барпо этиш керак бўлади, бунда хўжалик юритишнинг янги шароитларида олинаётган фойданинг бир қисмидан фойдаланилади, қолгани — марказлаштирилган давлат капитал маблағи ҳисобидан тўланади. Ҳаммаси бўлиб 2000 йилга бориб умумий майдони 225,6 минг квадрат метр тураржой топширилиши керак — бу ўрта ҳисобда йилига 15 минг квартира демакдир. Ижроия комитети уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантиришга, транспорт ва алоқа ишига, йўл хизматига, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишларга доимо катта эътибор бермоқда. Агросаноат комплексини мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиламиз. Ўтган икки йил ичида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6 процентга ортди. Гўшт ва сут етиштириш 6 процент, тухум — 15 процент кўпайди. Агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш, унинг ишини қайта қуриш борасида ҳам тадбирлар кўрилмоқда.

Облагросаноат ва унинг барча бўғинларининг асосий вазифаси — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашдир. Ўз-ўзидан равшанки бу вазифа халқ депутатлари Советларининг актив иштирокида ҳал этилади, агар асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳар ким ўзини ўзи таъминлашга ўтиши зарурлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Советлар иштироки жуда зарурдир.

Шуни айтиш керакки, ҳозир, янги иқтисодий шароитларда облагросаноат корхоналари ва ташкилотлари иш самарадорлигини оширдилар. Ресурс потенциалидан янада рационал фойдаланиш, қишлоқда социал сиёсатни активроқ амалга оширишга томон бурилиш кўзга ташланмоқда.

Агар район даражаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу ерда бошқаришнинг «Тошкент» агрофирмаси, «Ғазалкент» комбинати сингари янги ташкилий формалари юзага келди. Калинин, Орджоникидзе, Янгийўл районларида агросавдо фирмаларини барпо этиш масаласи кўрилмоқда. Шундай қилиб РАПО (район агросаноат бирлашмаси) тугатилади, унинг функциялари штатлари билан бирга фирма ёки комбинатга ўтказилади.

Агрофирмалар иши кенг мустақилликка мўлжалланган. Совет бундай фирмани бошқаришнинг олий органи бўлиб, у унинг составига кирадиган корхоналар ҳамда ташкилотларнинг вакиллари томонидан сайланади. Совет мажлислари орасида масалаларни оперaтив ҳал қилиш учун президиум ташкил этилган. Бош директор раҳбарлик қиладиган бошқарув аппарати агрофирма фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, кўпгина РАПОлар агросаноат составига кирадиган корхоналар ва ташкилотларни бошқаришнинг ягона органлари бўлганича йўқ. РАПОнинг ҳамма ходимлари ҳам бошқаришнинг демократик принципларига амал қилишмайди. Хўжаликларнинг ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган кўп масалалар бошқарувчи органларнинг ихтиёрида қолади, улар бошқаришнинг иқтисодий методларидан эмас, балки ҳали ҳам маъмурий, буйруқбозлик методларидан фойдаланишади.

Янги тузилмаларни — комбинатлар, фирмалар, хўжалик ҳисобидаги хилма-хил ташкилотларни барпо этиш йўли билан бевосита область агросаноатига бўйсунадиган айрим бўғинларни қисқартириш мақсадга мувофиқ деб топилмоқдаки, бу бошқарув структурасини яхшилашга, хўжалик юритиш методларини ўзгартиришга имкон беради.

Область агросаноати Ўзбекистон халқ хўжалигида биринчилардан бўлиб янги иқтисодий механизмни ўзлаштирди, пудратни, хўжалик ҳисобини, товар-пул муносабатларини жорий қилди. Ҳозирги кунда оилавий пудратни ёйишга жиддий эътибор берилмоқда.

Колхоз, совхоз ва агросаноат бошқа корхоналарининг план кўрсаткичларини, йиллик ва оператив ҳисоботларини қисқартириш борасида катта ишлар қилинди. Статистик ҳисобот, масалан, учдан бирга, йиллик ҳисоботлардаги кўрсаткичлар сони 30—35 процентга қисқарди.

Паст рентабелли ва зарар кўрувчи хўжаликлардан 12 таси тугатилди. Камқувват хўжаликларни юқори рентабелли хўжаликлар билан бирлаштириш юзасидан конкрет таклифлар тайёрлаб қўйилган. Лекин бу масалаларда областни республика Давлат агросаноати, министрликлари ва идоралари яхши қўллаб-қувватламаяпти. Айни бир вақтда область ижроия комитети, облагросаноати шаънига ишлаб чиқариш потенциалининг кам самаралилиги учун ҳақли равишда танқидий фикр-мулоҳазалар айтилмоқда.

Тўғри, ҳамма проблемалар ҳам биз истагандек тез ҳал бўлавермайди. Хўжалик механизмини қайта қуриш процесси осон кечмаяпти. Агросаноат комплексини бошқаришнинг ташкилий структурасини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Советлар ролининг тобора ошиб бораётганлиги тўғрисида гапирар эканмиз, шу фактни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун корхоналар, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларидан, гражданларнинг шахсий хўжаликларидан, коллектив боғдорчилик ва полизчиликдан тўла-тўкис фойдаланиш керак. Биз, депутатлар, одамлар билан индивидуал ишлашни кучайтиришимиз, ҳар бир қишлоқ ҳовлисида мол ва паррандаларнинг бўлишига эришишимиз керак.

Колхозларнинг қайта қуриш давридаги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтишни истардик. «СССРда кооперация тўғрисидаги қонун» бу хўжаликларнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини янада ривожлантиришни белгилаб берди, улар ана шу шароитларда ҳаракат қилади, ўша шарт-шароитлар уларни ҳар қандай асосланмаган аралашувлардан ҳимоя қилади. Тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш хўжаликлар ва облагросаноат корхоналари учун қулай вазият яратадики, бу иқтисодий кўрсаткичларни анча ва қисқа муддатда яхшилашга имкон беради. Советлар эса бундан жуда манфаатдордирлар.

Шунинг учун ҳам колхозлар, совхозларнинг ташаббус кўрсатишларига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши резервларидан фойдаланишда омилкорлик кўрсатишларига халақит бермасдан, балки ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишга ишнинг кўзини билиб ёндашишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш керак.

Областда кооперативчилик ҳаракати ривожланмоқда. Ҳозирги кунда 559

кооператив рўйхатга олинган бўлиб, уларда 6,7 мингдан ортиқ киши ишламоқда. Иш бошидан буён улар 3,6 миллион сўмлик маҳсулот етиштирдилар ва аҳолига хизмат кўрсатдилар. Кооперативларни ташкил этиш ва ривожлантириш учун салкам 9,4 миллион сўм банк кредити берилди. Меҳнатни ташкил этишнинг кооператив формаси Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Коммунистик, Паркент ва Тошкент районларида кўпроқ ривожланди. Область ижроия комитети шаҳар ва районларда кооперативлар фаолиятини координациялаш бўйича хўжалик ҳисоби советларини барпо этишга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳар ижроия комитети қошидаги ана шундай совет иши маъқулланди. Бу ижобий тажриба областда ёйишга тавсия этилди.

«Кооператив» тармоқ программасини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқдаки, у бу формани биринчи навбатда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида жорий этиш бўйича тадбирлар комплексини кўзда тутади. Ангрендаги «Ясная поляна» сингари йирик қўшма кооператив-комбинатлар кўпроқ ривожлантирилади, у уйларни ремонт қилади, ёғочга ишлов беради, девор соатлар ясайди, машиналар кўналғаларини жиҳозлайди, гаражлар қуради, болалар боғчаси, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этади ва ҳоказо.

Лекин бу ишда қийинчиликлар оз эмас. Кооперативларнинг 35 процентга яқини асбоб-ускуна, хом ашё ва материаллар йўқлиги туфайли ишламаяпти. Кооперативларни транспорт воситалари (тракторлар, автомобиллар, прицеплар ва ҳоказо) билан таъминлаш масаласи айниқса кескин бўлиб турибди. Буларнинг ҳаммаси хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, инструментларни қонунсиз йўл билан қўлга киритиш ҳолларининг кўпайишига олиб келади. Барпо этилган кооперативларнинг «бекор туриб қолиши» сабабларидан бири муҳр ва бурчакли штампларнинг узоқ вақт (4 ойдан 6 ойгача) тайёрланишидирки, бу молия-касса операцияларига халақит беради. Шунга қарамай, кооперативчилик ҳаракати ривожланмоқда, ўз позицияларини мустаҳкамламоқда, улар кундан-кунга кўпаймоқда.

Областимизнинг социал-иқтисодий ривожидаги ижобий тенденциялар, халқ хўжалигининг барча соҳалари фаолиятини қайта қуриш тўғрисида гапирар эканмиз, йўл қўйилган камчиликлар, субъективистик хатолар хусусида гапирмасдан бўлмайди. XIX партия конференциясида таъкидлаб ўтилгандек, халқ депутатлари Советларининг халқ вакиллигининг тўла ҳокимиятли органлари сифатидаги роли ва ваколатларини тўла ҳажмда тиклаш жамиятимиз ҳамда давлатимизни демократиялашнинг бош йўналишидир.

Маҳаллий Советлар фаолияти меҳнаткашларда ҳақли равишда қониқмаслик туйғусини уйғотмоқда. Маълум деформациялар натижасида вакиллик органларининг ҳуқуқ ва ҳолатлари кемтик қилиб қўйилганди, партия комитетларининг улар устидан ўринсиз васийлиги халақит берарди. Министрлик ва идоралар кўп ҳолларда ҳамон хўжалик ва социал ривожланиш масалаларини Советлар билан маслаҳатлашмай ўзларича ҳал қилиб келмоқдалар, регионал манфаатларни инкор этадилар.

Шундай бир мисол келтираман. Янги цемент комбинатини қуришга тайёргарлик кўришда СССР Кўмир саноати министрлиги область ижроия комитети комиссиясининг фикрига қўшилмади, комиссия атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва суғориладиган ерларни сақлаб қолиш мулоҳазаларидан келиб чиққанди. Область ижроия комитетининг ва Оҳангарон шаҳар Совети депутатларининг мутахассислари хулосасига асосланган қатъий позициясигина тўғри қарор қабул қилишга имкон берди.

Умуман экологик вазият ҳақида гапирар эканмиз, иттифоққа ва республикага бўйсунувчи айрим министрликлар, идоралар фаолиятидаги жиддий камчиликларни таъкидлаб ўтиш керак бўлади. Кўпинча шундай бўлардики, мамлакатнинг турли регионларида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш негадир экологик оқибатларни лозимича ҳисобга олмай ва ягона табиат-муҳофаза сиёсати юргизилмасдан амалга оширилларди. Шуни таъкидлашим кераки, бизнинг областимиз ҳам, афсуски, бу масалада истисно бўлолмайди. Бундай муносабатни кўрсатувчи ҳар бир факт ўлкамиз табиий бойликларини сақлаб қолиш учун қаттиқ кураш олиб боришга бизни мажбур этади.

Масалан, бизга СССР Химия саноати министрлигининг позицияси тушунарли эмас, у Чирчиқ шаҳри аҳолиси, атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати, Совет

депутатлари ва унинг доимий комиссияси фикрини ҳисобга олмай «Электрохимпром» бирлашмасидаги мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мўлжаллаган. Табиийки, министрликнинг таклифи қўллаб-кувватланмади. Умуман ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳожат борми (қачонки мавжуд кувватлардан тўла фойдаланилмаётганда), бу ерда ҳаво ва сувни ифлос қилаётган чанг-газ тозаловчи ва бошқа иншоотлар коникарсиз ишламоқда.

Бошқа министрликлар ва идораларнинг областимиз территориясида жойлашган корхоналари ҳам регионнинг социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишга керагича эътибор бермаяптилар. Сув хўжалиги, савдо, қурилиш министрликлари, Госкомводстрой, Главсредазирсовхозстрой ҳам ўз вақтида Наримонов шаҳрида территориал тармоқлараро бирлашмани (ТТБ) барпо этиш масаласи муҳокама қилинган вақтда ана шундай тушунишмаган эди. Бу биринчи навбатда тор маҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндашиш, тўла хўжалик ҳисобига ўтмаган корхоналарнинг мавжудлиги, айрим раҳбарларнинг проблема моҳиятини чуқур ўрганишни истамаётганликлари билан изоҳланади. ТТБни барпо этиш чоғида масалаларни келишиб олиш Ўзбекистон ССР Министрлар Советида ҳам охиригача пухта ишлаб чиқилмаган.

Министрлик ва идоралар кўпинча меҳнаткашлар ва маҳаллий Советларнинг фикрини эътиборга олмайдилар. Масалан, Чирчиқ трансформатор заводи меҳнат коллективи совети ва область ижроия комитети СССР Электротехника саноати министрлигига, Юқори Чирчиқдаги тажриба заводи меҳнат коллективи Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) «Машхлопок»га давлат буюртмалари ҳажми моддий ресурслар билан мустаҳкамланмаганлиги хусусида мурожаат қилганларида, бу расмий талабларга мазкур министрликлар ва идоралар ҳатто жавоб беришни ҳам лозим кўришмади.

Маълумки, XIX партия конференциясида бюрократизмнинг жуда катта зарари тўғрисида кўп гапирилди. Лекин бу офат кимдан чиқишини ҳеч ким ошкор айтмади. Бюрократни ҳатто ёввойи одамга ҳам ўхшатишди: ҳаммаёкни пайҳон қилди, ҳамма ерда из қолдирди-ю, барибир ўша-ўша кўринмас бўлиб қоляпти.

Бюрократияни ушлаб турган нарса нима? Биринчи навбатда ички бир тиргак, унинг структураси, одатларига нисбатан бўладиган ҳар қандай тажовузга қарши ундаги қаҳр-ғазаб энергияси ушлаб туради... Ташқи тиргак ҳам йўқ эмас. Бугун ДИБни тугатгудай бўлсанг, агросаноат, область ижроия комитети, қурилиш индустриясидаги оралиқ бўғинларни ҳам ўша заҳоти йўқотиш керак бўлади... Қарабсизки, бюрократиянинг ягона фронти пайдо бўлади, уни йўқотиш қайта қуриш кучлари учун осон бўлмайди.

Учинчи, энг мушкул сабабни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Агар чуқур ўйлаб кўрилса, энг яхши кадрлар барча ўша эски уюмларни тўлдириб туради. Агар бирор одам қурилишда ўзини кўрсатса, биз уни дарров ДИБ, бошқарма, министрликка оламиз. У ишга қандайдир янгилик олиб келади, гўё фойдаси тегаётгандек бўлиб кўринади, бунинг устига обрўси бор. Шу тариқа бюрократик системанинг умрини узайтирамиз. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: масъулият бўлмаган жойда бюрократизм бошланади. Иваново станоксозлик заводининг Бош директори В. П. Кабаидзе, XIX партия конференциясида мен, ўз хатти-ҳаракатлари учун оддий халқ олдида реал жавоб берадиган, бошқарувчилик фаолияти билан реал фойда келтирадиган министрликни боқишга розиман дейиш билан масалани жуда тўғри қўйган эди.

XIX партия конференцияси бюрократияни уни озиқлантирувчи барча манбаларни беркитиб, пастдан турибгина енгиш мумкинлигига бизни яна бир бор ишонтирди. Уни ичидан портлатишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди: худбинлик манфаатлари халқ, давлат манфаатларидан кучлироқ бўлиб чиқади.

XIX партия конференциясининг бир талай хулосалари иқтисодий ислоҳотни самарали ўтказишга, уни чуқурлаштиришга қаратилган. Уларда бугун-эрта ҳал қилишимиз керак бўлган энг долзарб вазифалар ҳақида ҳам, янада чуқурроқ ишлашга, конкретлаштиришга муҳтож бўлган истиқболлар тўғрисида ҳам гап боради.

Халқ хўжалик проблемаларини мана шундай босқичма-босқич ҳал қилиш тўғридир. Ҳамма нарсани бирданига бажариб бўлмайди. Айниқса ҳозирги иқтисодий тафаккурни тезда қарор топтириб бўлмайди. Лекин шунга қарамай ортиқ-

ча пайсалга солмай изчил ҳаракат қилиш керак. Одамларнинг кўпчилиги қайта қуришнинг маъносини ҳали ҳам тушуниб етгани йўқ деган миш-миш гапларга сира қўшилмайман. Шуни қатъий айта оламанки, улар тушунишди ва кўп иш қилишга уринишмоқда.

Узоқ йиллар давомида областимиз бир томонлама ривожланди. Капитал маблағларнинг жуда катта қисми ундирма ва қайта ишловчи соҳаларга сарфланарди. Турғунлик даврида иттифоқ министрликларининг тўла диктаторлиги ва жойларда эса ҳеч нарсани ўйламасдан ижро этиш устунлик қиларди. Ҳозир саноатимиз хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтди, корхоналарнинг мустақиллиги кенгайтирилди. Бундай қараганда, манёвр қилиш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Лекин бюрократик одатлар сақланиб қолмоқда. Бир мисол. Иттифоқ идоралари пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан, шу жумладан, қурилиш материаллари, халқ истеъмол молларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйди. Биз планга қўшимча равишда ишлаб чиқарган ҳамма нарса яна марказлаштирилган ҳолда тақсимланмоқда. Бунга чек қўйиш вақти келди.

Бошқарув аппаратини қисқартириш тўғрисида ўтган йилнёқ қарор қабул қилинганди. Айрим регионларда бу иш ҳозирдаёқ амалга оширилиб бўлди.Лекин Ўзбекистонда негадир пайсалга солиб келиняпти. Иттифоқ органларида ҳам бошқарма аппаратини қисқартириш «раҳмдиллик» асосида ўтказилди. Унинг натижасида раҳбарлик ўринлари сақланиб қолмоқда.

Кўплар пайқаган бўлса керак , XIX партия конференцияси минбаридан битта ҳам тармоқ министри, биронта Госплан ёки бошқа асосий идоралар ходими гапирмади. Чакки бўлди. Қабул қилган чалакам-чатти, келиштирувчи, баъзида хато қарорларини оқлаш учун улар нималар дейишган бўларди, бир эшитиш керак эди. Ҳолбуки, айни ўша қарорлар иқтисодийислоҳотни турмушга оширишни секинлаштиряпти, унга чалкашлик олиб киряпти, ҳар хил шубҳалар туғдиряпти.

Мана корхоналарнинг шу йилги планлари қандай ишланганини олиб кўрайлик. Давлат буюртмаси баҳонасида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича илгариги мажбурий топшириқ системаси аслида сақланиб қолинди. Партконференцияда бу «тажрибани» министрликларнинг ўзбошимчалиги деб аташди, Госплан ва СССР Министрлар Советининг доимий органлари бундай ўзбошимчаликни етарли даражада контрол қилмайди, баъзида эса кўра-била туриб бунга йўл қўйиб берадилар.

Областимизнинг ер ости бойликлари кўп. Улардан металлар, Менделеев даврий системасининг 50 элементи қотишма ва химик бирикмалар сифатида олинмоқда ва ишлаб чиқарилмоқда. Лекин товар ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида хом ашёдан комплекс фойдаланиш ҳисобига олинадиган қўшимча маҳсулотнинг салмоғи жуда арзимасдир. Ҳолбуки ағдарилган тупроқ миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар жуда катта территорияни ишғол қилиб ётибди, атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. Ҳолбуки, олимларнинг тадқиқотларига қараганда, заводларнинг майдаланган шлагига атиги беш процент цемент қўшилса, у пишиқ қурилиш материалига айланади. Практиканинг кўрсатишича, иссиқлик электростанцияси кулидан фойдаланиш катта фойда келтиради.

Тўғри, корхоналар, цехлар, қурилмалар барпо этиш керак. Лекин бунга идоравий тўсиқлар халақит беради. Бунинг сабаби нимада? Капитал маблағлардами? Ҳечам-да. Шлакдан боғловчи материаллар ишлаб чиқариш цемент ишлаб чиқаришга қараганда бир неча баравар кам маблағ талаб қилади. Идораларни чўчитаётган нарса ҳам мана шу арзончилик. Ахир, улар ҳозиргача ҳам ўша машъум ялпи маҳсулотни пул ҳисобида реализация қилиш миқдорини,бошқача айтганда, чиқимли методни биринчи ўринга қўйишадики, у арзон вариантларни қабул қилмайди. Экономикадаги катта ва кичик пародокслар ҳам шундан келиб чиқади. Ўша СССР Кўмир саноати министрлиги жуда кам маблағ сарфлаб (бир неча майдалаш машинаси ўрнатиб, шунингдек бойитиш цехи қуриб), цемент ишлаб чиқаришида иккиламчи ресурслардан фойдаланиш тўғрисида СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги билан келишиб олиши мумкин. Бу қаёқда дейсиз: Тошкент области олдига янги цемент заводи қурилиши учун ер ажратиш вазифаси қўйилган.

Афсуски, бугунги кунда бизда маҳаллий органга (область, район) бўйсунадиган корхона деярли йўқ ҳисобида. Район саноат комбинатларининг (саноат корпорациялари) тугатилиши ҳам бунга ёрдам берди. Маҳаллий саноат корхоналари ё бевосита республика министрлигига бўйсунишади, ёхуд ҳам республика, ҳам об-

ластга бўйсунади. Кўпинча республикага, чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маҳаллий саноат область бошқармалари (бошқариш-фармойиш бериш функциялари нуқтаи назаридан) аслида республика министрликлари хоҳиш-иродасининг оддий ретрансляторлари ҳисобланади. Планларнинг контрол рақамлари, давлат буюртмаси, таъминот — бу ерда ҳам биринчи, ҳам охирги сўзни министрликлар айтишади. Қишлоқ жойларда, район марказларида жойлашган, Центросоюз, Агропром системасига кирувчи унча катта бўлмаган корхоналар хусусида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин.

Шундай қилиб, марказлаштириш илгаригидай кучли. Область, район, қишлоқ Советлари ижроия комитетлари эса аслида ҳатто маҳаллий имкониятлар ҳисобига маҳаллий хом ашёдан тайёрланган товарларни ишлаб чиқаришга бошчилик қилишдан ҳам четлаштириб қўйилган. Аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш учун барча мана шу резервлардан ёмон фойдаланилаётганлигининг бош сабаби мана шунда. Унча катта бўлмаган корхоналар ва ишлаб чиқариш, ёрдамчи ҳунармандчилик ва кооперативларнинг секин ривожланаётгани ҳам шунда эмасмикан?

Маҳаллий Советларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун масъулияти кўпгина ҳужжатларда тантанали равишда эълон қилинган. Лекин Советлар реал ҳақ-ҳуқуққа (қўшимча топшириқ белгилаш ҳуқуқидан ташқари, булар юқори идорага бўйсунувчи корхоналар учун мажбурий эмас) эга эмас. Шунинг учун ҳам жойларда улар кўпроқ иш билан эмас, балки гап-сўз ёки кўндириш билан шуғулланишади. Партия органларига аралашишга, партиявий ҳокимиятни, партиявий директивани қўллашга тўғри келади. Бу билан аҳволни тузатиб бўлмайди, албатта. Советларни ташкилотчилар сифатида ишга тўла куч билан аралаштириш, уларга тегишли дастак-қуроллар ва ҳуқуқни бериб қўйиш керак.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Маҳаллий саноат, қайта ишловчи тармоқлар асосан озиқ-овқат тармоғидаги кўпчилик корхоналарни (биринчи навбатда кичкиналарини) республика ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идоралари қарамлигидан чиқариб, уларни бевосита область, район, қишлоқ Советлари ихтиёрига бериш керак.

Регион билан айни шу депутатлар Советлари шуғулланиши, эҳтиёж-талабни ўрганиш ва қондиришни ташкил этишлари керак. Бинобарин товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, жойлардаги имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш учун ҳам ўшалар жавоб бериши керак.

Шу мақсадда Тошкент области ижроия комитети қошида 1988 йилнинг 1 январидан Бош план-экономика бошқармаси ишлай бошлади, у область хўжалигини комплекс ривожлантиришни планлаштиради, тармоқлараро координациялашни ва кооперацияга раҳбарликни амалга оширади. Мазкур бошқарма структураси принципиал жиҳатдан янги бўлиб, у практик жиҳатдан яна пухта ўрганилмоқда. Шунинг учун ҳозирча қандайдир натижа ҳақида бир нима дейиш қийин.

XIX партия конференцияси делегатларнинг, жумладан шахсан менинг умидларимни оқладими? Оқладигина эмас, биз кутгандан бир неча бор ортиқ бўлди.

Академик Л.И. Абалкин сўзларини эслайлик. Уни қандайдир пессимизм, апрелдан кейин қилинган ишларни камситгани учун танқид қилишди. Лекин олимнинг фикрлари, даъволарининг тўғри жойлари ҳам бор. Унинг ташвишини асоссиз деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам конференция «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюциясида шундай деб ёзгани бежиз эмас: «Иқтисодий, социал ва маданий тараққиётда туб бурилиш рўй бермади. Халақит берувчи тўғаноқлар ҳали тўла-тўкис бартараф этилгани ва жадаллаштириш омиллари билан алмаштирилгани йўқ». Хўш, нега?

Менимча конференциянинг энг катта аҳамияти шундаки, у асосий масалага жавоб берибгина қолмай, зарур бўлган туб бурилишнинг мутлақо конкрет йўлларини ҳам белгилаб берди. КПСС МҚнинг июль (1988 йил) Пленуми уларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилди. Бошланган туб ўзгартишлардаги нуқсон ва камчиликлар, англашилмовчиликлар энди тугатилди, бу ҳам жуда муҳимдир.

Область халқ депутатлари Совети ижроия комитети ҳаёт, воқелигимиз олдимизга қўяётган мураккаб, лекин олижаноб вазифаларни бажариш учун астойдил курашишга азму-қарор қилган.

А. НОСИРОВ

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ЁШ ГВАРДИЯСИ

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

КОМСОМОЛНИ ҳақли равишда революциянинг навқиронлиги дейишади. Унинг сиёсий ва ташкилий жиҳатдан қарор топиши революцион жанглар алангаси орасида янги, социалистик жамиятнинг белгилари кўрина бошлаган вақтга тўғри келди. Навқирон Советлар Республикасининг ёшлари ленинчи большевикларни фидокорлик билан қўллаб-қувватлаб, бунёдкорлик жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида майдонга чиқди.

Ҳозирги кунда ҳам жамиятимизда революцион янгиланиш руҳи ҳукм сурмоқда. Қайта қуришга бошчилик қилаётган Коммунистик партия мамлакатни сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга, социализмга чинакам демократик давлатнинг замонавий формаларини сингдиришга қатъий аҳд қилган.

Совет мамлакати тарихий ривожининг энг масъулиятли босқичларида комсомол ҳамма вақт партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлиб келди. Ижтимоий ҳаётни қайта қуришда иштирок этиш ҳозирги кунда ҳам ёшларнинг ор-номус ишидир. Ватанимиз тарихи уларнинг гражданлик бурчини ҳис этишлари учун озиқлантирувчи манба бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ҳозирги ёш авлод комсомол босиб ўтган йўлни мушоҳада этар экан, ҳозир даврни янада жиддийроқ ва чуқурроқ тушуниб олишга, ижтимоий тараққиётнинг тенденция ва истиқболларини кўрсатишга ўрганади.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида «ёшларни коммунист бўлишга тайёрлаш, Коммунистик партия сиёсатини турмушга оширишда фаол қатнашиш» — комсомол фаолиятида асосий нарса деб кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги кунда партия комсомолнинг новаторлар ташкилоти бўлиб қолишини, ранго-ранг ижтимоий манфаатларнинг жамини акс эттирувчи ва ўз фаолиятида рўёбга чиқарувчи бўлишини истайди. Ўз позицияларини ифодалашда ошкоралик, очиқ-ойдинлик, ёшларга оид долзарб муаммоларни муҳокама қилишда баҳслашувлар ва мунозаралар комсомол ҳаётининг нормаси бўлиб қолмоғи лозим.

Совет ёшларининг сиёсий авангарди бўлган комсомол ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланган тақдирдагина комсомол ташкилотларининг, унинг барча бўғинларининг фаолиятини қайта қуриш мумкин бўлади. Жойлардаги ишларни анализ қилиш, ёшлар коллективларидаги учрашувлар Ўзбекистонда комсомол ҳаётини янгилаш кучайиб бораяпти, деган хулоса чиқариш имконини беради. Унинг асосий белгилари тарбиявий ишга янгича ёндашишларни излаш ва барқарор этишда намоён бўлмоқда, комсомол ташкилотлари барча бўғинлари фаолиятини демократиялашда акс этмоқда.

ВЛКСМ XX съезди мамлакатни социал иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга ёшлар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришни биринчи даражали вазифа қилиб белгилади. Ана шу даъватга амал қилиб, республика комсомоли экономика ва социал соҳанинг асосий муаммоларини ҳал этишга фаол киришди.

НОСИРОВ Азиз Носирович, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Ҳозир республика комсомолларининг 45 проценти моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилмоқда. 900 минг комсомол — шонли ишчилар синфининг, 400 мингдан ортиғи — колхозчи деҳқонларнинг вакилларидир, 370 минги — халқ хўжалиги мутахассислари ва ёш олимлардир. Уларнинг аксарияти ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб, давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш, корхоналарнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга, ўз харажатларини ўзи коплашга ўтиши ҳозирги кунда бизни ишлаб чиқаришни бошқаришда ёшлар ролини оширишга, йигит ва қизларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини кучайтиришга алоҳида эътибор беришга мажбур этмоқда. Ана шу мақсадда республика ЛКСМ Марказий Комитети бир қатор министрликлар ва идоралар коллегиялари билан биргаликда комсомол ташкилотларининг ҳуқуқлари ва ваколатларини мустаҳкамловчи қарорлар қабул қилди. Чунончи, ўтган йилнинг ўзида 32 та йирик бирлашма ва корхоналарда шундай буйруқлар чиқарилдики, улар меҳнаткаш ёшларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ишлаб чиқариш ва маиший муаммоларни ҳал этишда комсомол комитетларининг ролини оширади.

Ишламаётган ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш республика комсомоли учун жуда катта социал аҳамиятга молик иш бўлиб қолди. Ана шу муаммога янгича ёндашишларни кўрсатувчи кўп мисоллар бор. Масалан, Зомин район комсомол комитети қишлоқдаги қурилишларда ишлаш учун 45 нафар уй бекасидан учта комсомол-ёшлар отрядини тузди, яна қирқ нафар қиз комсомол йўлланмалари билан Жиззах бадиий буюмлар фабрикасига ишга юборилди. 75 нафар йигит ва қизларни Андижон мебель фабрикасига ишга жойлаштириш корхонанинг уч сменали иш режимига ўтишига имкон берди.

«Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида», «СССРда кооперация тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши билан мамлакатимизда ёшлар кучини ишга солиш учун кенг истиқболлар очилди. Шу кунгача Тошкентдаги комсомол комитетлари қошида ўн еттита кооператив бунёд этилди, Янгиердаги 89-ўрта мактаб қошида «Кичкинтой» кооперативи очилиб, у болалар ич кийимлари тайёрлаш ва сотишга ихтисослаштирилмоқда, Самарқанд ва Хоразм область комсомол комитетлари ўз корхоналари ва шунингдек аралаш корхоналар барпо этишни планлаштирмоқдаки, уларга чет эллик шериклар жалб этилмоқчи.

Лекин ҳар ҳолда шуни тан олиш керакки, ёшларни меҳнат асосида тарбиялаш, ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига жалб қилиш масалаларига ҳозирча етарли эътибор берилмаётир. Айрим комсомол комитетлари бу борада кутиб туриш позициясини эгалламоқдалар. Кўп корхоналарда ёшлар коллектив шартномаларни ишлаб чиқиш ва тузишга яхши жалб этилмайди. Меҳнат коллективи кенгашларида уларнинг вакиллари кам. Ваҳоланки, амалда юз мингдан зиёд комсомол аъзоси бўлган уй бекалари астойдил ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этишни ҳам, ўз оиласи бюджетига ҳисса қўшишни ҳам истайди. Ана шу муаммоларнинг жами комсомолларнинг фаол тарзда аралашувини талаб қилади.

Комсомол вакилларини молия органлари қошида тузилган якка тартибдаги меҳнат фаолиятига патентлар бериш бўйича комиссия составига киритмаслик фактлари учраб турипти. Комсомол ташкилотлари ҳунармандчилик билан шуғулланишга аҳд қилган ёшларга ёрдам бериш ишидан атайлаб четлаштирилиши ҳоллари йўқ эмас. Эндиликда «якка тартибда ишловчилар»ни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда комсомол-ёшлар кооперативларини, хайрли хизматлар бюроларини, оилавий устахона ва ательеларни, меҳнат фаолиятининг бошқа формаларини барпо этишга фаолроқ кўмаклашиш лозим.

Мусобақалашув туйғуси ёш, ижодкор кучларга ҳамиша хосдир. Кейинги вақтларда республика комсомол ташкилотида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди, унинг янги-янги формалари пайдо бўлди. Улар орасида интернационал характерга эга бўлганлари, мамлакатимиз турли регионлари ёшларининг бир-бирига яқинлашувига хизмат қиладиганлари борлиги кишини қувонтиради. Чунончи, республика «Ёш ленинчи», Ленинграддаги «Смена» ва Харьковдаги «Ленинский змини» ёшлар газеталари редакцияларининг ташаббуси билан Тошкент трактор заводи, Ленинграддаги «Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Харьков трактор заводи комсомол-ёшлар коллективлари ўртасида

меҳнат борасида беллашув ташкил этилди. Унинг биринчи босқичи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига, иккинчиси — комсомолнинг ҳозирги юбилейига бағишланди. ВЛКСМ ташкил топиши юбилейига тайёргарлик кўриш жараёнида ёшлар коллективлари орасида бошқа шонли ташаббусларни бошлаб берганлар ҳам пайдо бўлди.

Эндиликда биз «илғор» деган сўзни янгича тушунадиган бўлиб қолдик. Унинг ишлари ва ҳаракатларида биз фақат тантанавор рақамларнигина эмас, балки шахснинг хислатларини: актив гражданлик позицияси намоён бўлишини, энг қийин иш участкаларида бўлишга интилишни, комсомолча ғайрат-шижоатни бошқаларга ҳам юқтира билиш қобилиятини кўришга интиламиз. «Туямуюнгидрострой» электр пайвандловчиси А. Бекчанов, Самарқанд қўшма авиаотряди АН-2 самолёти экипажининг командири Е. Тараненко, Бухоро трикотаж фабрикаси тикувчи моторчиси М. Мажидова, Жиззах пластмассалар заводининг қуювчиси С. Исломова ва бошқа кўп кишилар айни шу хислатлари билан ажралиб турадилар. Ёш ишлаб чиқарувчиларнинг ишларида энг асосий нарса — янгича фикрлаш куртаклари, ўз меҳнат коллективларининг муҳим муаммоларига давлат нуқтаи назаридан ёндашиш кўзга ташланмоқда.

Энди ёшлар хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштиришда реал қатнашиб, амалий экономикага ўрганмоқдалар. Ўтган йили 2240 та комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси план топшириқларини муваффақият билан бажарди. Уларнинг кўпчилиги бригада пудрати методи асосида ишламоқда.

Комсомол ташкилотларининг қолоқ хўжаликларга берадиган ёрдами янада конкретроқ бўлиб қолди. Масалан, Самарқанд область комсомол комитети Пастдарғом районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозига уч йил оталиқ қилиши давомида у ерга доимо ишлаш учун ўн иккита ёш оилани — қишлоқ хўжалиги мутахассисларини юборди. Бу ерда ўнта комсомол-ёшлар коллективлари, шу жумладан 6 та хўжалик ҳисобида ишлайдиган коллектив тузилди. 136 та ёшлар звенолари оилавий пудрат асосида меҳнат қилмоқда. Ҳозирдаёқ ижобий натижаларга эришилди. Сўнгги беш йил ичида биринчи марта ўтган йили совхоз 250 минг сўм фойда олди. Бу эса ёшлар фаол иштирок этган ҳолда болалар боғчаси, ҳаммомни қуриб битириш, уй-жойлар қуришга киришиш имконини берди. Янгиариқ районидаги «Москва» колхозида, Дўстлик районидаги «Комсомол», Усмон Юсупов районидаги «Совет Россияси» колхозларида комсомоллар ёрдами самара бермоқда.

Студентлар отрядларининг жангчилари паст рентабелли хўжаликларга конкрет ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида меҳнат семестри иштирокчилари республика колхоз ва совхозларида 250 тонна мева-сабзавот маҳсулотини териб бердилар, 176 тонна дағал хашак тайёрладилар, 100 тадан зиёд қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилдилар.

Иқтисодий жиҳатдан камқувват колхоз ва совхозларга комсомолнинг оталиқ ёрдами ўзини батамом оқлади. Масалан, Қашқадарё областида қилинганидек, бу ишни янада кучайтириб, комсомол-ёшлар хўжаликларини барпо этиш лозим бўлса керак. Областда хўжалик ҳисоби участкаси базасида ВЛКСМ XX съезди номли комсомол-ёшлар совхози ҳозирдаёқ ишлаб турипти, у давлатга пахта топшириш планини республикада биринчи бўлиб бажарди. Совхозни барпо этиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон ЛКСМ МК бюроси билан республика Давлат агросаноат комитети коллегияси қўшма мажлисида қабул қилинган эди. Бу хилдаги комсомол-ёшлар хўжаликларини бу йил Сирдарё областида ҳам ташкил қилиш мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳозир саккиз мингдан ортиқ ёш механизаторлар ўз касбларидан бошқа касбларда ишламоқда, ваҳоланки пахта териш комбайнларининг икки сменада ишлашини таъминлаш учун тўққиз минг нафар механик-ҳайдовчи етишмайди. Хўш, нима учун аҳвол шундай? Афсуски, кўп механизаторларнинг ихтисосий тайёргарлик даражаси ҳали ҳам яхши эмас. Лекин юзага келган бундай аҳвол учун техникани ёшларга ишониб топшириб қўйишни истамаётган хўжалик раҳбарларининг ҳам қисман айби бор. Зеро равшанки, айнан кишига ишониш ундаги масъулият туйғусини оширади. Шу боисдан комсомол комитетлари механизаторлик касбини эгаллаган ёшларни ишга жойлаштиришга, уларга илғор техникани ва тажрибали мураббийларни

биркитиб қўйишга, ёш механизаторларни асосан доимий ишлаётган комсомол-ёшлар коллективларига юборишга қунт билан эриша боришлари керак. Қишлоқ ёшларининг умумий техника таълими хилларини кўпайтириш ва унинг янги формаларини топиш, улар ўртасида касб маҳорати конкурсларини ўтказишга бир қолипда ёндашмаслик лозим.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз юксак пировард натижаларга эришиш имконини берадиган замонавий техника билан етарлича таъминланган. Барча мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш муҳимдир. Аммо инсон омили ролини ошириш бу йилги пахта ҳосили учун ҳал қилувчи курашда энг асосийсидир. Унинг имкониятларини тўла-тўкис ишга солиш учун комсомол ходимлари ҳамиша омма орасида бўлишлари, қишлоқ ёшларининг ташвиш ва ишлари ҳақида жон куйдиришлари лозим.

Меҳнатнинг самарадорлиги ёшларга нормал шароит яратилишига кўп даражада боғлиқдир. Бу жиҳатдан қишлоқ ҳозирда шаҳардан анча орқада. Республиканинг колхоз ва совхозларида қарийб 3 мингта дала шийпони, 583 та чорвадорлар уйи етишмайди. Пахта теримида қатнашаётган студентларнинг яшаши учун тегишли шароит яратиш ҳақида ҳар йили гап бўлади. Аммо Сирдарё, собиқ Жиззах ва бошқа областларнинг кўп хўжаликларида бу борада ҳанузгача ҳеч иш қилинмаган.

Бундай аҳволнинг сабаби фақат хўжалик раҳбарларининг позициясидагина эмас, балки комсомол комитетларининг ёшлар ҳақида чинакам ғамхўрлик қилмаётганлигидадир ҳам. Инсон омилига тегишлича эътибор берилаётган жойда ишга муносабат ҳам бошқача. Масалан, Боғот районидаги Наримонов номли, Пахтачи районидаги «Коммунизм» илғор колхозларида барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган дала шийпонлари, профилакторийлар, спорт иншоотлари, бошқа социал-маданий объектлар ишлаётган ёшларга хизмат қилмоқда.

Бироқ ҳозирча ҳамма хўжаликларда ҳам деҳқонлар ҳақида ғамхўрлик қилинаяпти деб бўлмайди, асло. Қорақалпоғистон АССРнинг ҳамда Қашқадарё областининг кўрик районларида қишлоқ ёшлари айниқса кўп қийинчиликларни бошларидан кечирмоқдалар. Хўжаликларнинг социал-иқтисодий ривожланиш планларини муҳокама этиш ва қабул қилиш, меҳнат коллективларининг корхоналар маъмурияти билан шартномалар тузиши пайтида комсомол комитетлари мазкур масалаларни кескин қилиб қўйишлари керак.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети қишлоқ жойларда кўпайиб кетган актуал муаммоларни ҳисобга олиб, Наманган областида сайёр пленум ўтказди. Пленумда қишлоқ ёшлари турмуш маданиятини оширишни кўзда тутувчи тадбирлар комплекси муҳокама этилди. Комсомол ташкилотларининг шу соҳадаги ишининг конкрет йўллари белгилаб чиқилди, хотин-қиз ёшлар билан олиб бориладиган ишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Сайёр пленум қарорларининг комсомол комитетлари томонидан бажарилиши уларнинг қишлоқ ёшлари турмуш даражасини ошириш ишига қўшадиган конкрет ҳиссаси бўлади.

Ўзбекистон комсомол ташкилотлари фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш ишига зўр ғайрат билан киришдилар. Ҳозир республикада ёшлар илмий-техникавий ижодининг ягона системаси ташкил топмоқда. Ҳозирдаёқ ёшлар илмий-техникавий ижодининг республика ва областлар советлари барпо этилди. Ҳозирги кунда ёшлар илмий-техникавий ижодининг хўжалик ҳисобига асосланган 18 та маркази, шу жумладан Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Хоразм области, Тошкент шаҳар комсомол комитетлари қошида ишлаб турипти. Улар салкам 9 миллион сўмлик миқдорда шартномалар туздилар ва 3,2 миллион сўмликдан зиёд буюртмаларни бажардилар. Серғайрат ёшларнинг ташаббуси билан ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг ёрдамида ёшлар илмий-техникавий ижодининг республика виставкаси ташкил этилди, виставкага икки юздан зиёд иш қўйилди. Ёшларнинг кўп ихтиролари ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этишга тавсия қилинди.

Комсомол — КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан социал сиёсатни турмушга оширишнинг актив иштирокчисидир. Ёшлар уй-жой комплексларини барпо этиш мазкур вазифани ҳал қилишга кўмаклашувчи конкрет ишлардан биридир.

Ёшлар уй-жой комплексининг дастлабки уйлари Зарафшонда фойдаланишга топширилди. Самарқанд областининг Учқудук, Тошкент областининг Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида, Сирдарё областининг Оқолтин районида ҳозирги вақтда дастлабки уйлар битай деб қолди. Республика шаҳар ва районларида яна ўн еттита ёшлар уй-жой комплексини қуриш ишлари авж олмоқда.

Совет жамиятини янгилаш стратегияси — бу фақат экономикани юксалтириш, социал соҳа масалаларини ҳал этишгина эмас, балки янги ижтимоий онгни, актив ҳаётий позицияни, аниқ-равшан дунёқараш ориентирларини шакллантириш ҳамдир. «Қайта қуришга,— деган эди КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев ВЛКСМ XX съездида сўзлаган нутқида,— гражданлик принциплари мустаҳкам, социалистик ғоявий эътиқодли, ўзининг маънавий бурчи юксаклигида бўлишга қодир, ҳақиқат учун қаттиқ туриб кураша оладиган, хушомадгўйлик, икки юзламалик юқмаган одамлар керак».

Ёшлар билан олиб бориладиган идеология ишининг тажрибаси шундай ишонч туғдирадики, эндиликда энг кескин, долзарб муаммолар бўйича ҳалол, рўй-рост, ҳурмат билан гаплашмоқ керак. Шунинг учун ҳам республика комсомоли Марказий Қомитети, Наманган, Фарғона область, Тошкент ва Андижон шаҳар комсомол комитетлари ўтказган «бевосита мулоқотлар» йигит ва қизларда катта қизиқиш ва зўр иштиёқ туғдиргани ажабланарли эмас. Бу тадбир ўз навбатида комсомол ходимларига ёшларнинг кайфияти ва талаб-эҳтиёжларини яхшироқ билиб олиш имконини берди.

Сиёсий агитациянинг клуб формалари ривожланиши 80-йиллар охиридаги комсомол ишига хос хусусиятдир. Бундай клублар Фарғона, Термизда, Тошкент авиасозлари Маданият саройида, кўпгина мактаб комсомол ташкилотларида ўзининг дастлабки қадамларини қўйди. Ёшлар иштиёқ билан қатнашадиган сиёсий клублардаги учрашувлар сиёсий ахборот билан долзарб идеологик муаммолар бўйича диспутларни бир бутун қилиб қўшиш имконини беради; бу ерда ёш рассомлар ишлаган сиёсий плакатлар намойиш этилади, сиёсий қўшиқлар ва шеърлар конкурси ўтказилади. Ахборотнинг мўллиги ва эмоционаллик, жонли алоқа ва мулоқотнинг хилма-хил формаларини сиёсий клубларга қатновчи йигит ва қизлар айниқса қадрлайдилар. Ҳозирги кунда республикада ёшларнинг 150 тадан кўпроқ сиёсий мунозара клублари ишламоқда.

Комсомол ташкилотлари идеология ишининг атеистик йўналишида янги-янги формаларни ижодий тарзда изламоқдалар. Масалан, Андижон областида комсомол комитетлари маҳаллаларга оталиқ қилмоқдалар. Чойхоналар ва маҳалла комитетлари қошида атеистик тарбиялаш, ёшлар турмушига прогрессив расм-русм ва маросимларни жорий этиш марказлари барпо этилган.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида интернационал тарбия масалаларига катта эътибор берилди. Совет кишиларининг ҳар бир авлоди ватанпарварлик ва интернационализм сабоғини ўзига хос тарзда олади. «Оила ва мактабдан, пионер ва комсомол ташкилотларидан бошлаб,— деб таъкидланади «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюцияда,— шахснинг дастлабки социал тажрибасидаёқ шу қадриятлар узвий равишда бирга қўшилиши, мустаҳкам бирликда намоён бўлиши, миллий нигилизмни ҳам, миллий яккаланишни ҳам истисно қилиши муҳимдир».

Жамият маънавий ҳаётининг ана шу соҳасини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, кўп салбий ҳолатларнинг сабаблари ёшларнинг ўз республикаси, мамлакатининг, СССР халқларининг тарихий ўтмишини билмаслигидадир. Миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон комсомол Марказий Комитетлари билан биргаликда уларнинг комсомол ташкилотлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш ҳақида шартнома тузишди. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди ҳам, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёшларининг санъат фестивали ўтказилди.

Ёшларнинг ҳамкорлиги муттасил кенгайиб, унинг янги-янги формалари пайдо бўлмоқда. Чунончи, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон пойтахтлари ўртасида телекўприклар ўрнатилди, Қашқадарё областида совет ва болгар ёшларининг кўркам фестивали ўтказилди. «СССРда Ҳиндистон кунлари» фестивали учинчи босқичининг ёшлар программаси юксак савияда ўтди, фестиваль давоми-

да интернационал дўстлик кечаси, қўшма концертлар, митинглар, намойишлар бўлиб ўтди. Бундай учрашувлар ёш авлоднинг маънавий бойишига хизмат қилади, амалдаги интернационализмнинг ёрқин далилидир.

Республикамизнинг кўп жойларида йигит ва қизлар «Комсомолец Узбекистана» анъанавий агитпоезди иштирокчилари билан бир неча марта учрашдилар. Замонавий техника ва аппаратлар билан жиҳозланган агитпоезд ҳамиша эътиборни ўзига тортиб, ёшларнинг мароқли учрашувлари ўтадиган жойга айланди. Ўтган ярим йилнинг ўзида унинг пропагандистик-бадиий группалари шаҳарларда ва қишлоқ районларда 800 дан ортиқ тадбирлар ўтказдилар. Ҳозирги кунда «Комсомолец Узбекистана» жойларда ёшларни ғоявий-сиёсий, атеистик тарбиялаш, унинг бўш вақтини уюштиришини йўлга қўйиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш ишида ўз активлигини анча кучайтирди. Эндиликда агитпоезднинг рейслари муайян тематик йўналишга эга бўлиб, маҳаллий хусусият ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

Ёшлар матбуоти ҳам қайта қуриш йўлидан бормоқда. Унинг саҳифаларида қизиқарли материаллар кўпаймоқда, радио ва телевидениенинг ёшлар программалари энг долзарб муаммоларни кўпроқ ёритадиган бўлиб қолди. «Комсомолец Узбекистана» газетаси эълон қилган социал аҳамиятга молик ишлар кўригини Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретариати маъқуллади. Кўрик ғолиблари учун «Нива» автомобили, видеомагнитофонлар ва чет элларга коллектив туристик йўлланмалар ажратилган. Бундай ташаббусларда биз ёшлар газеталари фаолиятининг ташкилотчилик томони амалда гавдаланаётганлигини кўрамиз.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш комсомол ташкилотларининг диққат марказида турипти. Бу борада ҳам янгича ёндашувлар зарур. Афғонистондаги жанглар алангаси синовидан ўтган жангчилар ўз интернационал бурчини бажаришдаги одамни тўлқинлантирувчи тажрибаларини армияга чақирилиш арафасида турган ёшлар билан ўртоқлашмоқдалар. Республикада ҳаммаси бўлиб 130 та запасдаги жангчилар советлари тузилган, улар ўзларининг комсомол ташкилотларининг актив ёрдамчилари эканликларини кўрсатдилар.

Сурхондарё, Наманган, Фарғона областларида Афғонистонда ҳалок бўлган солдат ва офицерларни комсомол-ёшлар меҳнат коллективларининг рўйхатига киритиш ташаббуси кенг ёйилди. Тошкент шаҳар комсомол комитети интернационалист жангчилар ёдгорлигини қуриш ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Банкда очилган махсус счётга ҳозирдаёқ 300 минг сўмдан ортиқ пул тушди.

Хоразм областида ёшларни келажакда армияда хизмат қилишга тайёрлаш борасида мароқли тажриба ҳосил бўлди. Областда комсомол ташкилотлари область ҳарбий комиссарлиги билан биргаликда умумий таълим мактабларида бошланғич ҳарбий тайёргарлик шаҳарчаларини қуриш юзасидан шу йилнинг бошидан буён уч дафъа комсомол-ёшлар шанбаликлари ўтказдилар. Область мактабларини ана шундай шаҳарчалар билан жиҳозлаш 70 процентга етди.

Ёш авлодни тарбиялаш ҳақида гапирганда социалистик турмуш тарзи нормаларидан маълум даражада четга чиқилганлигига, бу эса ижтимоий онгга, ёшларнинг ахлоқий ориентирларига катта зиён келтирганлигига эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Эндиликда республика комсомол ташкилотлари ёшлар орасида учраб турадиган истеъмолчилик, худбинлик, олибсотарлик, нашавандлик, безорилик ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга қарши қатъий ва муросасиз кураш олиб бормоқдалар. Олмалиқ, Бухоро, Фарғона ва бошқа шаҳарларда бу кураш аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда. Оператив комсомол отрядлари составида социалистик жамиятга ёт ҳолатларга қарши кураш бўйича махсус группалар тузилган. Комсомоллар ўз рейдларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда ўтказмоқдалар.

Ёш авлодни меҳнатда тарбиялашни кучайтириш ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республикада мактаб ўқувчиларининг меҳнат уюшмаларини ташкил этиш борасида қимматли тажриба тўпланган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика комсомол ташкилотининг ушбу ҳаракатни ташкилий ва моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш тадбирлари ҳақидаги takли-

фини қувватлади. Ўтган йилнинг ёзида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг ҳар учтасидан биттаси хўжаликларнинг структуравий бўлинмалари ҳуқуқи асосида ишлади.

Миллий ишчи кадрларни тайёрлашни, йигит ва қизларни интернационал тарбиялашни яхшилаш мақсадида комсомол комитетлари халқ маорифи органлари билан биргаликда ҳар йили комсомол йўлланмаси билан республика ёшлари вакилларини Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссиянинг ҳунар-техника билим юртларига ўқишга юбориб турипти. Улар билан муттасил алоқа қилиб турилади. Комсомол ходимлари уларнинг қандай ўқиётганлигини, турмуш ва дам олиш шароитларини ўрганиш мақсадида бир неча марта мазкур республикаларга ўз вакилларини юборди. Ўзбекистондан борган йигит ва қизлар ўқиётган билим юртлари ўзбек тилидаги кутубхоначалар, миллий музика асбоблари билан таъминланди.

Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг комсомол ташкилотлари фаолияти ўзгара бошлади. Студентларнинг ўзларини ўзлари бошқаришини ривожлантириш, илмий советлар, стипендия ва қабул комиссиялари составида студентлар ва ўқувчилар вакилларининг салмоғи анча ортди. Студентларнинг турмуш шароитини яхшилашга кўпроқ эътибор берилмоқда. Комсомол Марказий Комитети билан республика Халқ контроли комитетининг қўшма мажлисларини ўтказиш таомилга кирмоқда, уларда ўқувчи ёшларнинг моддий, уй-жой-маиший шароитларини ва уларга медицина хизмати кўрсатилишини текшириш якунлари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон ЛКСМ XXIII съездидан кейин ёш депутатлар билан олиб бориладиган ишлар активлашди. Комсомол комитетлари секретарлари билан халқ сайлаган ёш депутатларнинг қўшма семинар-кенгашлари ўтказилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети қошида комсомоллар группаси тузилди, худди шундай группалар халқ депутатлари область Советларининг саккизтасида иш олиб бормоқда. Ёшлар ташаббусларини рўёбга чиқаришда комсомол комитетларига ёрдам кўрсатиш учун уларга ёш депутатларни бириктиб қўйиш тажрибаси тобора кенг қулоч ёймоқда.

Комсомол ўз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйганлигини ҳамма нарса кўрсатиб турипти. Ҳаётимизда содир бўлаётган жўшқин ўзгаришлар комсомолни совет ёшларининг сиёсий авангарди сифатидаги ўз вазифасини конкрет ишлар билан бажаришга мажбур этмоқда. Республика комсомоли ўз фаолиятини қайта қура бориб, ўз ривожига тўғаноқ солаётган ҳамма тўсиқларни қатъият билан олиб ташламоқда, ўз бисотида вақт синовидан ўтган форма ва методларни сақлаб қолмоқда.

Ленинчи ёшлар союзининг юбилейи — бутун халқимиз ҳаётидаги катта воқеадир. Зеро, деярли икки юз миллион совет кишилари комсомолчасига чиниқиш мактабидан ўтган. Бу ҳол комсомол ташкилотлари зиммасига жамият олдида алоҳида масъулият юклайди. Комсомол совет ёшлари учун янада кўпроқ жозибадор куч бўлиб қолмоғи учун ҳали кўп ишлар қилиш лозим бўлади. Аммо ҳозирги кунда унинг ҳаракати бутун совет жамияти тараққиётининг кенг йўли — қайта қуриш ва янгиланиш йўлига мосдир.

ИДЕОЛОГИЯНИ ЯНГИЛАШ, ЖАМИЯТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ, МАЪНАВИЙ ПОТЕНЦИАЛИНИ АКТИВЛАШТИРИШ— ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги жонланганлиги совет жамияти ҳозирги ҳолатининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. У демократик жараён ўзи учун озиқ оладиган энергиянинг жонли манбаидир. Бугунги кунда жамиятимизга таъсирчан, кучли кўринишларда намоён бўлувчи демократия зарур — ошкоралик, очиқ-ойдинлик, ижод ва мунозаралар эркинлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид, сайлов йўли билан тайинлаш, меҳнаткашларнинг бошқариш ва контрол қилишда реал иштирок этиши керак. Фақат ана шундагина социализмни янгилаш сиёсатини миллионларнинг муқобил ҳаракати қабул қилиб олади, қўллаб-қувватлайди ҳамда кучайтиради.

Революцион қайта қуришнинг энг бошиданоқ партия устун соҳалар ўрнини дадил ўзгартириш, маънавий соҳа ролини қатъият билан ошириш, унга етарли баҳо бермасликни бартараф этишдек комплекс вазифани илгари сурганлиги шу сабабли ҳам қонунийдир. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида таъкидланганидек, «жамиятнинг фан, таълим, бутун маданиятдан иборат интеллектуал, маънавий имкониятини ҳар томонлама активлаштирмай туриб қайта қуриш, социализмни янгилаш мумкин бўлмайди».

Қайта қуришнинг ушбу жиҳатини қараб чиқишда тингловчилар билан мулоқотни қуйидаги план асосида олиб бориш мумкин:

1. Жамиятшуносликда чуқур қайта қуришнинг, догматизмга бутунлай барҳам беришнинг зарур эканлиги.

2. Таълимнинг ролини ошириш — жамият иқтисодий ва социал тараққиётининг, уни маънавий янгилашнинг энг муҳим факторларидан бири.

3. Совет кишиларининг маданиятини юксалтириш — социалистик янгилашнинг энг муҳим йўналиши.

ЖАМИЯТШУНОСЛИКДА ЧУҚУР ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ, ДОГМАТИЗМГА БУТУНЛАЙ БАРҲАМ БЕРИШНИНГ ЗАРУР ЭҚАНЛИГИ

Ушбу масаланинг муҳокамасини совет жамияти тарихига қисқача сафар қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу тарих эса, хусусан, «ҳаёт дарахти»дан, тажрибадан, социал-тарихий практиканинг проблема ҳамда вазифаларидан ажралиб қолган назария муқаррар равишда ақидалар катехизисига (савол-жавоб тарзидаги баёнига) ёхуд энг яхши ҳолда кечаги куннинг ҳақиқатларига айланиб қолишини кўрсатадиган бир қатор далил-исботлар тақдим этадики, ҳатто у ёки бу даражада узоқ муддатга мўлжалланган ва ўткинчи бўлмаган элементларга эга бўлган тақдирда ҳам улар бугунги ҳамда эртанги куннинг янги проблемалари ва вазифаларини ҳал қилишда дастуриламал бўлиш учун етарли эмас.

Буни қуйидаги мисолда исботлаш мумкин: образли қилиб айтганда, догматизм совет даврида социалистик кемамизни уч дафъа тўғри қояга бориб урилиш ҳолатига олиб келишга муваффақ бўлдики, штурвални кескин буриб юбориш учун эпчиллик ва жасоратга эга куч топилгани туфайлигина биз фалокатдан қутулиб қола олдик.

Бу нарса биринчи маротаба 20-йиллар бошида юз берди. Ўша пайтда ёш Советлар мамлакатини «ҳарбий коммунизм» қолипи фалокат ёқасига олиб келиб қўйган эди. Лекин партиямиз асосчиси ва Октябрь социалистик революциясининг йўлбошчиси В. И. Ленин деҳқонларга нисбатан бўлган сиёсатни кескин ўзгартириб, туғилиб келаётган жамиятни қутқариб қолишга муваффақ бўлди. Ўша вақтдаги ленинча ғоялар ўз қимматини ҳозир ҳам йўқотгани йўқ. Албатта, догматиклар одатда қиладигандек нусха кўчириш орқали эмас, балки янги реалликларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилган тақдирда шундай бўлиб қолади.

Иккинчи маротаба мамлакатни Сталин догматизми боши берк кўчага олиб кириб қўйди. 50-йиллар ўртасидан бошлаб нормал ҳаётга қайтиш, партия томонидан ленинча раҳбар-

лик принципларининг тикланиши вазиятни анчагина соғломлаштирди. Мамлакат казармавий-бюрократик социализмдан аста-секин халос бўла борди.

Догматизмнинг учинчи сиқиғи турғунлик даври билан боғланган. Ушбу давр ҳақида батафсил сўз юритиш лозим. Айни у ҳозир назарий фикримизга ҳам, амалий ҳаракатларимизга ҳам ғоят кучли таъсир кўрсатяпти. Кеча нималар юз берганини яхши тушуниб етсак, бугун нималар юз бераётганини ҳам равшанроқ англаб етамиз.

Турғунлик догматизмнинг ҳақиқий салтанати эканлигини англаб етиш, мушоҳада қилиш муҳимдир. У — фикр ҳаракатига барҳам берилган, аслида ҳаёт тўхтатиб қўйилган уйқудаги жамиятдир. Турғунлик даврида догматизм жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида сукулиб кириб олди. Экономикада у халқ оммасининг манфаатларига бутунлай бепарво эканлигини намоён этди ва бу нарса муқаррар равишда ишлаб чиқаришни барбод қилишга олиб келишини кўришни истамади. Сиёсатда эса у миллионларнинг истак-хоҳишига қулоқ солиш керак бўлган жойларда ўз иродасини тиқиштиришга интилди ҳамда йўл қўйган хатоларида катъий туриб олиб сиёсий системамиз камчиликларини кескин равишда чуқурлаштирди. Социал соҳанинг катта қисмини, гўё у умуман бўлмагандек, эътибордан соқит қилди. Идеология ва тарбия соҳасида эса ўтакетган бюрократизм ва чексиз демагогияни жорий этди.

Турғунлик йилларида назарияни ижодий ривожлантиришга эмас, балки схоластикага, марксизм-ленинизмнинг баъзи қоидаларини догматик талқин қилишга афзаллик берилган эди деб бутунлай аниқ айтиш мумкин. Социализмга доир айрим ленинча ғоялар юзаки талқин қилинди, уларнинг назарий чуқурлиги ва аҳамияти бемаънилаштирилди. Социализм ва коммунизм хусусида саёз тасаввурлар, абстракт назариябозлик, ҳаётдан ва унинг реал жараёнларидан ажраб қолган каромат қилиш кенг тарқалди.

Масалан, ривожланган социализм концепциясига очиқ-ойдин равишда жамиятни жузъий нарсалар бўйича бамайлихотир, журъатсизлик билан, изчил такомиллаштиришга йўллайдиган конъюнктуравий талқин берилдики, у беғамликни муқаддаслаштирди, етилган туб проблемаларни англаб етишни заифлаштирди. Кооперациянинг социалистик принципларини эътиборсиз қолдириш, ёрдамчи хўжаликларга ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятига моҳиятан қандайдир ёт нарса сифатида муносабатда бўлиш жамиятнинг каттагина потенциал ресурсларидан уни маҳрум қилиб қўйди. Бошқаришнинг марказлаштирилган формаларига таянган ҳолда демократик централизм принципининг бир томонлама татбиқ қилиниши ташаббускорлик, мустақиллик ва социалистик тадбиркорликни аста-секин бўғиб қўйди, хўжалик механизмининг етакчи воситаларига айланган меҳкамачилик, бюрократизмни кучайтирди. Назарияда ва практикада қиймат қонунини менсимаслик, бир қатор тармоқлар экономикасида хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи қоплаш, дотация методини эътиборга олмаслик бундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан биргаликда халқ хўжалигига катта зиён етказди.

Назарий хатолар коммунизмга яқинлашиб борган сайин бир хиллик ўсиб бориши, хилма-хиллик эса йўқолиб бориши хусусидаги тасаввур аста-секин тиқиштириб борилишида ҳам ифодаланди. Масалан, гўё экономикада фақат давлат мулки формаси, уни бошқаришда ягона схема, социал соҳада — барча ва ҳар қандай тафовутларнинг йўқотилиши сиёсий соҳада — сиёсий структураларнинг ўзгармаслиги мавжуд эди. Бундай ёндашиш тарафдорларига тараққиёт ўсиб борадиган соддалаштириш, ҳаммани ва барча нарсани тўғрилаш бўлиб кўринарди.

Ҳолбуки, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари аввало ҳаётнинг реал диалектикасини, тарихий ривожланишнинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини кўра билиш билан ажралиб туради. Бизга маълум бўлган бутун тажриба тарих ҳеч-қачон, ҳеч қандай йўналишда соддалаштириш орқали тараққиётга эришмаганидан далолат беради. Аксинча, ҳар бир кейинги формация, социал-иқтисодий ёки сиёсий система аввалгисидан ботинан мураккаброқ бўлган. Бинобарин, социализм ва коммунизмни бу маънода истисно деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос йўқ. Шунга қарамай, бир хиллик концепциясини ҳайрон қоларли қатъият билан практикага ҳам, назарий мулоҳазаларга ҳам жойлаб бордилар. Унинг таъсирини ҳозир ҳам кўриш қийин эмас — уни экономика, социал соҳа, маданият вазифаларини ҳал қилишга ёндашишларда кўриб турибмиз.

Тингловчилар эътиборини оғир аҳволни юзага келтирган вазиятга қаратиш фойдали бўлади: практикадаги носоғлом ҳодисалар ижтимоий онгда, фанда ҳам носоғлом тенденцияларни туғдирди. Улар эса, ўз навбатида, назария ва практиканинг реализм, барча зиддиятлари билан ҳақиқий ҳаёт оқимига қайтишини борган сари кучлироқ қийинлаштириб борди. Бошқача қилиб айтганда, танқидий равишда ўзини ўзи анализ қилиш қобилияти аста-секин йўқолиб борди. Реал, жонли социализмни ўрганиш ўрнига мавҳум моделларни конструкциялаш афзал кўрилди. Назария борган сари тавтологик тус олиб борди. Биз ё коммунизм қурилишини шу куннинг бевосита вазифаси деб эълон қилиб олға қараб шошдик, ё моҳиятан сийқа бўлган эволюционизмга амал қилиб, хўжалик, социал ва бошқа структураларнинг стабиллигини мутлақлаштирдик, социалистик ўзгартишлар жараёнидаги турғунлик, сусткашликни оқладик. Ижтимоий фанга бўлган талаб нуқул конъюнктуравий характер касб этди, натижада фан ҳам ўзининг ҳақиқий вазифасини қўлдан бой берди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси жамиятшуносликда чуқур қайта қуришни

амалга ошириш, догматизм, схоластика, қироатхонликни таг-томири билан йўқотиш, фанни ҳаётга яқинлаштириш вазифасини қўйганлиги ҳам қонуний ҳолдир. Тубдан қайта қуриш фаннинг ўзини нормал ривожлантириш учунгина зарур эмас. Бундан бутун жамиятимиз манфаатдор, чунки мамлакатнинг интеллектуал, маънавий потенциалини активлаштириш кўп жиҳатдан жамиятшуносларнинг ижодий куч-ҳаракатларига, улар тадқиқотларининг объектив ва холис бўлишига боғлиқ. Бу эса социализмни янгилашнинг зарурий шартидир.

Шахсга сиғиниш, раҳбарликнинг бюрократик методлари, билиб-билмай аралашиш оқибатида жамиятшуносликка етказилган жароҳатларни даволаш пайти келди. Шу муносабат билан партия аввало реал воқеликни, аввалги тарихий давр қадриятларини материалистик диалектикага, замонавий илмий билиш ва прогрессив жаҳон практикасининг юксак ютуқларига таянувчи марксча-ленинча мезонлар ёрдамида чуқур англаб етиш вазифасини қўймоқда.

Фақат шундагина биз аввалги ғоя, иш форма ва методларимизнинг қайсилари тарих синовидан ўта олганини ҳамда ҳозирги ва келгусидаги фаолиятимиз учун ишончли асос бўлиб хизмат қила олишини; жаҳон цивилизациясининг ўсиб бораётган жараёнидаги ўрнимизни; ҳаётимизнинг қандай соҳаларида ва қандай сабаблар натижасида орқада қолганимизни; яқин ва олис ўтмишнинг қандай зарур проблема ҳамда вазифалари ҳал қилинмай қолганини; биз бугун ва эртага рўёбга чиқаришимиз керак бўлган эски ва янги вазифалар қандай эканлигини; уларни қандай қилиб бажариш мумкинлигини англаб етамиз.

Энг асосийси шундаки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, «қайта қуришнинг иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани реконструкция қилиш, демократиялаштириш, гуманистик янгиланиш, миллатлараро муносабатлар, янги сиёсий тафаккур ва бошқа кўпгина проблемаларининг объектив тадқиқотлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг сифат жиҳатидан янги ҳолати томон бораётган жамият ривожланишининг яхлит концепциясига, жараёнлар диалектикасини, уларнинг омма онгида зиддиятли акс этишини идрок эта билишга, фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олишга, илмий асосланган истиқболни ишлаб чиқишга муҳтождир.

Партия ижтимоий фанларда ижодий изланишни рағбатлантиришни давом эттиришни, қайта қуришнинг назарий хазинаси бойишига ёрдам беришни ўз вазифаси деб билади. Аммо фанга муносабатда туб ўзгаришлар бўлиши керак».

Бу ўринда сўз қуйидаги талаблар хусусида бораётганини аниқлаб олиш муҳимдир:

— жамиятшунос олимлар жадаллаштиришнинг стратегияси ва тактикасини назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш, уларни бундан буён ишлаб чиқиш учун, қайта қуриш қандай бораётгани, қандай қийинчиликларга дуч келаётгани ва уларни бартараф этиш йўллари учун масъулиятли эканликларини жиддий англаб етишлари;

— ижтимоий фанларда ижодий изланиш, ахтарувчи фикр жонланиши, новаторлик ғояларига, янгича қараш ва оригинал таклифларга кенг йўл очилган муҳит яратиш;

— схематик, ҳаётдан ажралиб қолган конструкцияларни тубдан бартараф этиш, ҳаётда ўз тасдиғини топмайдиган ёки деформацияланган практикага таянувчи, объектив равишда турғунлик ва консерватизмнинг мадҳиясига айланадиган барча нарсалардан қатъиян воз кечиш;

— қайта қуриш, жадаллаштириш манфаатларини ҳамда фаннинг ўз манфаатларини кўзлаб жамиятшунослар билан практика ўртасида мустаҳкам ташкилий алоқаларни йўлга қўйиш. Бунингсиз назария қотиб қолади, фикр қурийди, практика эса ҳаётий проблемалар узра юзаки сузишга мажбур этилади;

— илмий коллективлар фаолиятининг шундай механизми яратилиши лозимки, у олимларнинг чинакам демократик ўзаро муносабатларини мунтазам равишда рағбатлантирсин, ҳақиқатни монополия қилиб олишга бўлган ҳар қандай уринишни қатъиян рад этсин.

Ушбу бўлимни якунлашда Ф. Энгельснинг социализм фанга айлангач унга фанга нисбатан бўлгандек муносабатда бўлиш зарур деган фикрини эслатиб ўтиш мумкин. Ҳар қандай фан сингари марксизм-ленинизмнинг ривожланиши ҳам диалектиканинг қатъий объектив қонунларига бўйсунади, уларни бузиш унинг назарияси ва практикасида сон-саноқсиз талафотларга олиб келади.

Фан диалектикаси бениҳоя демократикдир, лекин шу билан бирга у жуда қаттиқ тартибни, методологик интизомни талаб қилади. Унинг чуқур демократизми шундан иборатки, у ҳеч қандай чегарани, демак, инсон билимининг ҳар қандай проблемасини илмий ишлаб чиқишда ҳеч қандай тақиқ ва ҳеч қандай монополияни ҳам тан олмайди. Унинг қонуни ғояларнинг эркин кураши — илмий мунозарадан иборат бўлгани учун фан демократикдир.

ТАЪЛИМНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ — ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЕТИНИНГ, УНИ МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ФАКТОРЛАРИДАН БИРИ

Идеологияни янгилашни, жамиятнинг интеллектуал, маънавий потенциалини активлаштиришни ўрта ва олий мактаб ролини оширмасдан туриб тасаввур қилиш мумкин эмас. Зотан реал тараққиётни пировард натижада профессионал тайёргарлик кўрган, ўзича мус-

такил фикрловчи, ижодга, давлат микёсида ўйлашга кодир, ўзларига замонавий билим ва маданиятни сингдирган кишилар таъминлайдилар.

Мутахассисларнинг дадил фикрлаши, билимдонлиги, юксак профессионал малакаси ҳар доим кадрланади. Лекин ушбу хусусиятлар жамиятимиз ҳаётида революцион ўзгаришлар бораётган пайтда айникса аҳамиятга молик бўляпти. Даврнинг ўзи социал-иктисодий ва маънавий ўзгартишларнинг сифат жиҳатидан янги боскичини таъминлашга кодир бўлган новаторларча тафаккур ва хатти-ҳаракатлар шаклланиши учун буюртма беряпти. Айни шу сабабли партия ва ҳукумат кайта куришнинг биринчи навбатдаги вазифалари каторида ўрта ва олий мактаб ислоҳотини белгилаб берди. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКнинг 1988 йил февраль Пленумидаги нуткида шундай деб таъкидлади: «Мактабга, маориф ва тарбияга тааллукли бўлган ҳамма ишлар социализмни ривожлантириш билан, кайта куриш билан тўғридан-тўғри боғлик бўлибгина колмай, унинг энг муҳим йўналиши ҳам эканлигига ҳеч кандай шак-шубҳа йўк».

Партия тарихнинг айни бурилиш паллаларида ёшларнинг таълими ва тарбияси проблемаларига мурожаат килаётгани бежиз эмас. Гражданлар уруши алангасидан чиккан ёшлар авлоди учун В. И. Лениннинг ўкиш-ўрганиш, инсоният тўплаган билимларнинг бутун бойлигини эгаллашга даъвати, зеро, бунингсиз коммунизм куриб бўлмайди, ҳанг-манг килиб кўядиган накадар кутилмаганлик билан ҳамда кандай конуний янграганлигини эсга олайлик. Янги совет мактабини бунёд этишни Владимир Ильич партиянинг кечиктириб бўлмайдиган ишларидан бири деб ҳисоблаган эди. Ҳозир, ўйланган ва бошлаб юборилган туб ўзгартишларнинг микёси жиҳатидан революцион бўлган давримизда ҳам партия олий ва ўрта мактаб системасини янгилашни умумхалк эътиборини талаб киладиган катта сиёсат масаласи тарзида караб чикяпти.

Проблеманинг моҳиятини янада чукуррок англаб етиш учун тингловчиларга кейинги йилларда, айникса КПСС МКнинг 1988 йил февраль Пленуми арафасидаги даврда бутун таълим системасининг фаолияти совет жамоатчилигининг ғоят кенг доираларида, матбуот саҳифаларида кизғин ва ҳар томонлама муҳокама килинганлигини эслатиш муҳимдир. Меҳнаткашлар барча ёшларга ўрта маълумот бериши шарт бўлган мактаб нима учун унинг даражасини амалда «ўртадан пастга» тушириб юборганлигини, нима учун мактаб билан олий ўкув юртида курслар ва хусусий репетиторлар ёрдамида тўлдиришга тўғри келадиган раҳна ҳосил бўлганлигини ғоят манфаатдорлик билан, очик-ойдин ва ипидан-игнасигача муҳокама килдилар. Ўрта мактаб касб-ҳунар ўргатишга кодирми ва бу нарса билим олишга зиён етказмайдими деган асосли шубҳа юзага келди. Мактаб ва олий ўкув юртларида ёшларнинг истеъдоди, кобилияти, ўзига хослигини эътиборга олмайдиган бараварлаштириш мавжудлиги ташвиш уйғотди.

Бошкача килиб айтганда, ҳозирги шароитда реал зиддият кескин равишда кўзга ташланиб колди: олим ва мутахассисларнинг илгари ҳеч качон бунчалик йирик отрядига эга бўлмаган мамлакат интеллектуал ресурслар дефицитини, юксак маълумотли ва ғайратли кишилар камёблигини ҳис этяпти. Бунинг бир талай сабаблари бор. Институт ва университетларнинг ҳаммаси ҳам ўзлари берган дипломларнинг сифатига кафолот бера олмаслиги асосий сабаблардан биридир. Педагогик таълимдаги нуксонлар айникса ташвиш туғдиради. Масалан, СССР Олий ўкув юртлари давлат инспекциясининг маълумотларига караганда, мамлакат областларидаги пединститутлардаги битирувчи курслар студентларининг кўпчилиги ва ҳатто пойтахтларда ҳам бир талай кисми нафакат олий ўкув юрти, балки мактаб программасидаги талабларни ҳам бажара олмайди: адабиётчилар кўплаб имловий ва синтактик хатоларга йўл кўядилар, математиклар алгебраик ўзгартиришларни бажара олмайдилар, физиклар ўз предметида «довдирайдилар», битирувчиларнинг психологик-педагогик тайёргарлиги «оксайди».

Ўзбекистон Компартияси МК X пленумида (1988 йил апрель) куйидаги фактлар келтирилди. Нукус давлат университети рус тили ва адабиёти факультетининг IV курс студентларига саккизинчи синф ўкувчиларига мўлжалланган диктантни ёзиш таклиф килинган. Натижада ҳар бир студент ўртача 25 тадан хатога йўл кўйган. Низомий номли педагогика институтини тугатганлиги хусусида якиндагина диплом олган тошкентлик ёш ўкитувчилар ўртасида ўтказилган сўров эса уларнинг 30 процентн дарсни тўғри уюштира олмаслигини, 40 процентдан кўпроғи дарсдан ташкари вактда тарбия ишини олиб бора олмаслигини кўрсатди. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида ҳам мутахассисларни тайёрлаш иши яхши аҳволда эмас.

Мамлакат олий ўкув юртлари томонидан инженер кадрлар тайёрланиши замонавий талабларга жавоб бермайди. Масалан, СССРдаги энг йирик олий ўкув юртларидан бири бўлган Беруний номли Тошкент политехника институтидаги текширув чоғида энергетика факультети юкори курс студентларининг деярли 90 проценти арифметикага доир (!) масалаларни еча олмаган. Радиоэлектроника ва автоматика, механика-машинасозлик факультетлари студентларининг ҳар иккитадан биттаси мактаб физикасига доир контрол ишни бажара олмаган. Кўпчилик транзистор ва диодларнинг вазифасини тушунтириб бера олмаган. Ахир, Тошкент политехника институтини анъанага кўра Ўрта Осиё республикалари учун

инженер кадрлар тайёрланадиган асосий манба деб атайдилар-ку. Табиийки, Ўрта Осиё регионн халқ хўжалиги кўпгина тармоқларининг келажаги унинг талабалари профессионал даражасининг қанчалик юқори бўлишига боғлик.

Юзага келган вазият учун олий ўқув юртларининг ўзларигина масъулиятлими? Йўқ, албатта. Кейинги ўн йилликлар ичида ўз мавқеини очиқ-ойдин йўқотган мактаб ҳам бунда уларга шерикдир. Шундай мисолни келтириш мумкин: агар 15—20 йил аввал мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртларида биринчи курс студентларининг тахминан 65 проценти умумтаълим билимларини текширишга доир топшириқларни бажара олган бўлса, 1986 йилга келиб атиги 25 процент студент уларни уддалай олган.

1987 йили Тошкент халқ хўжалиги институтида математикадан кириш имтиҳони топширган 6 мингдан зиёд кишидан салкам 4 минги, ёки учдан икки қисми, қониқарсиз баҳо олган, атиги 1,6 проценти «аъло» олган. Фарғона политехника институтига кирувчиларнинг 50 проценти физикадан имтиҳон топшира олмаган. Ҳолбуки, марказий олий ўқув юртлариникига қараганда билетларнинг вариантлари соддалаштирилган эди.

Қечаги мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги ўқиб-ўрганишга лаёқатлари... бутунлай йўқлигини намойиш этаётганлиги айниқса ташвишлидир. Улар умуман олганда зарур кўникмаларга эга эмаслар, мустақил фикрлай олмайдилар, одат бўлиб қолган «дарс асосида» регламентлашни кутиб ўтирадилар. Ўқув қўлланмалари қанчалик чуқур илмий негизда ишлаб чиқилмасин, агар ўқувчилар улар устида ишлай олмаса, уларнинг таъсири жуда оз самара келтиришини тажриба кўрсатяпти. Бундай ношудликнинг меъёрини ҳатто ҳамма ҳам тасаввур этавермайди. Турли синф, турли мактаб, турли шаҳарлардан 1200 ўқувчи иштирок этган махсус текшириш ўтказилган эди. Мана қандай натижа олинди: атиги 0,3 процент ўқувчи, яъни 1200 кишидан 4 тасигина (!) китоб билан ишлашнинг энг оддий усулларини эгаллаган экан.

Айтилганлардан халқ таълими системасини қайта қуриш, бошланиб кетган олий ва ўрта мактаб ислоҳотини чуқурлаштириш вазифаси келиб чиқади. Моҳиятан, у — жамиятимизни сифат жиҳатидан янгилашнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Ҳар бир кишида инсоннинг ўзи, унинг қобилиятлари, ижодий потенциалини очиб бериш ва рўёбга чиқариш экономика, маданият, социал ва маънавий ҳаётни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи фактори ва шу билан биргаликда ушбу ривожланишнинг пировард мақсади эканлиги хусусидаги фикр ҳосил бўлиши керак. Шу сабабли КПСС МКнинг 1988 йил февраль Пленуми кишилар таълими ва тарбиясини қайта қуришнинг ғоят муҳим йўналиши сифатида белгилаб берди. Ўрта ва олий мактаб соҳасидаги баъзи бир одатий характеристика ва қоидаларга янгича қарашга ва уларни янгидан мушоҳада қилишга чақирди.

Бугун талаб қилинаётган одамнинг узлуксиз таълим олишида умумтаълим мактаби базавий бўғин ролини ўйнаши кераклигини англаб етиш муҳимдир. Бу — МК февраль Пленумида олға сурилган принципиал қоидадир. Базавий таълим концепцияси мактабни битирувчиларда билимлар, меҳнат кўникмалари, маданий ривожланиш, мустақил фикрлашнинг ижтимоий зарур даражаси бўлишини, кейинчалик фан-техника тараққиёти жараёнида ишни ўзгартиришга мослашувчанлик қобилияти мавжуд бўлишини, ижтимоий-сиёсий ишда фаол қатнашишни, ҳар бир ўқувчида ўзига хос шахслик хусусиятларини ҳосил этишни, уни эҳтирос ва зиддиятлари, қийинчилик ва ташвишлари бўлган ҳақиқий ҳаётга жалб этишни, уларнинг демократик онг ва демократик хулқ-атвор кўникмаларини эгаллаб олишларини тақозо этади. Аслини олганда базавий таълим концепцияси — тайёрлашнинг принцип жиҳатидан бошқача даражасидир. Социалистик мактабнинг ягона меҳнат, политехник мактаб сифатидаги ривожланиши хусусидаги ленинча қоидаларни мусаффо ҳолда сақлабгина бунга эришиш мумкин. Ягоналик тушунчаси фикрлар ва ҳоказолар бўйича бир хил, стандартлашган, бир шаклга келган деган маънони англатмайди, балки ғоявий йўналганлик; ҳар бир киши учун ўз қобилиятлари, истеъдоди, ижтимоий бурчини юзага чиқаришдаги баравар имкониятлар маъносида ягоналикни англатади.

Баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилган мактаб тобора кўп даражада меҳнат мактаби бўлишга даъват этилган. Шу сабабли февраль Пленумида мақсадга мувофиқ, ижтимоий фойдали коллектив меҳнат, ишлаб чиқариш муносабатларини, хўжалик ҳисобини, сўмнинг қийматини билиш мактабни ҳаёт билан боғлаши, шахснинг етилишини жадаллаштириши алоҳида таъкидланди (буни тушуниб олиш ҳам жуда муҳимдир). Мактаб ўқувчиси билан студентнинг меҳнати бугунги кунда хўжалик ҳисобига асосланган муносабатлардан, кооперациянинг турли формаларидан четда тура олмайди. Ёшларнинг онги ва психологиясига даромад, фойда, шахсан моддий манфаатдорлик тушунчалари бегона бўлмаслиги керак. Иқтисодий тайёргарлик билан бирга қўшилган ижтимоий фойдали меҳнат мактаб битирувчиси ўзини хўжалик ислоҳоти шароитида дадил ҳис этиши учун кафолат бера олади.

Сўнгра, таълим политехник тус ҳам олгандагина уни базавий таълим деб ҳисоблашимиз мумкин. Илгари ўқувчилар назария ва практикада ишлаб чиқаришнинг барча асосий тармоқлари билан таништирилмас эди. Лекин фан-техника революциясининг ютуқларини социализмнинг иқтисодий сиёсати билан қўшишни эълон қилган жамиятда ана шу билимларсиз ҳаётда йўл топиш, ўзини дадил ҳис этиш қийин бўлади.

Тингловчилар эътиборини МКнинг 1988 йил февраль Пленумида умумий таълим, ҳунар ва олий мактабни кенг миқёсда техника билан жиҳозлашни, идоравий тўсиқларга барҳам беришни, барча типдаги ўқув юртлари, ишлаб чиқариш ва фаннинг ўзаро манфаатдор ҳаракатини кўзда тутувчи комплекс программа таърифлаб берилганига қаратиш керак. Ҳунар-техника таълими эртанги кун ишлаб чиқаришида ишлашга қодир бўлган юксак малакали кадрлар тайёрловчи яхлит давлат системаси сифатида тасаввур қилинади. Лекин ҳозирча ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққанлар замонавий технологиялар орасида ўзларини ноқулай, фан-техника революциясига бегона деб ҳис этадилар.

Шунингдек партия олға сурган олий мактабни қайта қуриш яхлит концепциясининг моҳиятини умумий таърифларда очиб бериш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Унинг мақсади — олий таълим даражаси ва самарадорлигини оширишдир. Асосий йўли эса экстенсив методлардан интенсив методларга, соф миқдор кўрсаткичларидан асосан сифат кўрсаткичларига ўтишдан иборат. Қайта қуришнинг қуйидаги асосий механизмлари белгилаб берилган: олий ўқув юрти фанини ривожлантириш, шу асосда ўқитувчиларнинг илмий малакасини ошириш, студентларнинг мустақил ишлашига эътиборни кучайтириш ва шу муносабат билан таълим бериш характерининг ўзини жиддий ўзгартириш, майда-чуйда нарсаларга ҳомийлик қилишга барҳам бериш мақсадида раҳбарлик системасини ўзгартириш, олий ўқув юртлари ҳаётининг бутун хилма-хил соҳасида мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш, таълим ва тарбиянинг узвий бирлиги. Бунда таълимнинг социал-иқтисодий, дунёқарашга доир, умуммаданий, гуманистик йўналганлик проблемаси ҳозирги пайтда нафақат ижтимоий фанлар кафедралари олдига (албатта, улар олдига биринчи навбатда қўйилсада), балки олий ўқув юртларининг барча ўқитувчилари олдига ҳам қўйиляпти, шунга мувофиқ ҳолда у биргаликдаги куч-ҳаракатлар ёрдамида ҳал қилиб борилади.

Бундай концепциянинг яхлитлиги, бир томондан, қайта қуриш учун аниқ ориентирлар беради, иккинчи томондан эса, актив изланишни, эксперимент ўтказишни, пировард натижада, ҳам ўқитувчининг, ҳам студентнинг янги типини шакллантиришни тақозо этади.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — СОЦИАЛИСТИК ЯНГИЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Теманинг ушбу бўлимини ёритишда аввало бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари, бюрократлаштириш ва демократияни чеклаб қўйиш, кенг ошкоралик мавжуд бўлмаганлиги, ресурслар ажратишнинг қолдиқ принципи маданиятнинг ривожланишига етказган жиддий зарар ҳақида ҳикоя қилиш тавсия этилади. Қайта қуришгача бўлган даврда ўтказилган маданий сиёсатнинг нафақат қалтислиги ва заифлигини, балки баъзи ҳолларда хато ҳам бўлганини кўрсатиш муҳимдир. Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида — иқтисодий, социал, илмий, ахлоқий-маънавий... соҳаларда бунинг оқибатидан «баҳраманд» бўляпмиз.

Турғунлик, гражданлик пассивлиги, ахлоқий бефарқлик, беғамлик вируси санъатга ҳам кириб келди. Бюрократик кўникма ва нафсониятлар бу ерда ҳам ўрнашиб олди. Миқдор кўрсаткичлари сифат кўрсаткичларини сиқиб чиқара бошлади. Бадиий даража ўртача даражага тушиб қолди, кўп ҳолларда бадиийлик мезонлари эътибордан четда қолди. Истеъдодли санъаткорларнинг яқин ўтмишимиздаги ўткир проблемаларни тилга олувчи асарлари кўпинча томошабинга ва китобхонга етиб бормади. Партия XXVII съездида, унинг Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларида, КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида жамиятимиз ҳаётидаги, унинг маданиятидаги ана шу ва бошқа салбий жиҳатлар анализ қилинди.

Партия маданий қурилишга экономикага қўйилган қандайдир норентабел нагрузка, фойда келтирмайдиган сарф-харажатлар тарзида қарашдек ўн йилликлар мобайнида томир отган нотўғри практикани қатъий қоралади. Бундай ёндашиш натижасида ҳатто планга киритилган маданият муассасаларини бунёд этиш жойларда узоқ йилларга чўзилиб келар эди. Оқибатда ҳозиргача мамлакатдаги салкам 500 та район маркази маданият уйларига эга эмас, 1 мингдан ортиқ аҳолига эга бўлган кўплаб аҳоли пунктларида клублар, ҳатто энг оддий маданият ўчоқлари ҳам йўқ. Масалан, фақат Самарқанд областининг ўзидагина қарийб икки юзта аҳоли пунктида улар йўқ.

Миллий республикаларда она тилида китоб чиқариш соҳасида ҳам нохуш аҳвол юзага келган (зотан, китобни ҳақли равишда маданият нони деб атайдилар). Масалан, туб ерли аҳоли тилида китоб нашр этиш жиҳатидан республикамиз СССРда охирги ўринда турибди.

1965 йили мамлакатда салкам 130 та янги театр очилди, ҳозир эса, 1986 йил маълумотларига қараганда, улар 622 тага етган. Лекин ҳозиргача 900 дан кўпроқ театр ишлаб турган урушдан олдинги даражага етиб олишга муваффақ бўлинмаган.

Бундай сиёсат, табиийки, энг кенг маънода тушунилган маданият ривожида жиддий камчиликлар туғдирмаслиги, аҳолининг анчагина қисмида ижтимоий онгни деформацияламаслиги, меҳнат этикасининг даражасига, хўжалик ҳаётининг ахлоқий негизларига кескин салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди.

Шу сабабли ҳам қайта қуришнинг стратегик вазифалари мамлакатдаги умумий маданий тонусни юксалтиришни бунёдкорлик ишининг олдинги маррасига чиқаришни, жамиятимизда маданий қурилишни кенг миқёсли, чинакам давлатга хос тарзда юритиш проблемасини, совет кишилари маданиятининг сифат жиҳатидан янги даражасига эришиш заруратини қўймоқда. Қуйидаги фикрни англаб етиш муҳимдир: маданият соҳаси фаолиятидаги янгича сифатсиз, халқнинг маънавий ҳаётидаги ижобий жараёнларни ривожлантирмасдан, социалистик ва умуминсоний қадриятларни қарор топтирмасдан туриб қайта қуришга эришиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, сўз маданий сиёсатнинг ленинча принципларига қайтиш хусусида боряпти. Бу эса маданиятни ҳаётнинг ёрдамчи эмас, балки ғоят муҳим қисми, унинг маънавий ҳолати ва ривожланишининг кўрсаткичи, унинг инсонийлиги даражаси деб эътироф этишни англатади.

Сўнгра қуйидаги масалаларга эътиборни жамлаган ҳолда партиянинг Совет кишилари маданиятини юксалтириш борасидаги стратегиясини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

КПСС меҳнаткаш омма томонидан маънавий ва моддий маданият бойликларининг янада тўлиқроқ ва чуқурроқ ўзлаштирилишига, уларни бадиий ижодга актив жалб этишга, аҳоли турли категорияларининг маданий эҳтиёжларини қондиришга, қобилиятларни ривожлантириш, соғлом эҳтиёжлар ҳамда юксак эстетик дидларни шакллантириш мақсадида уларни зарур имкониятлар билан таъминлашга жуда катта аҳамият бермоқда. Маданий-маърифий ишнинг мазмуни ва методларини мунтазам такомиллаштириб боришни, унинг моддий базасини мустаҳкамлашни, қишлоқда ва янгидан ўзлаштирилаётган районларда маданий қурилишни интенсивлаштиришни партия ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарурий шарти деб биляпти. Шу билан биргаликда маданият муассасаларининг иш методларини такомиллаштириш уларнинг ўз спецификаларини излашлари билан боғланяпти. Бу эса маданиятни ривожлантиришга янгича ёндашишдир.

Жумладан, аҳолига маданий ва информацион хизмат кўрсатиш моделини шакллантириш вазифаси қўйиляпти. Бунда бир неча устун йўналишлар ажралиб туради. Биринчиси — совет халқининг ягона маданиятини, мамлакатимиз халқлари ва элатлари маданиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, ўзаро боғланган умумиттифоқ, миллий, регионал ва ҳоказо маданий марказлар системасини шакллантириш. Ушбу марказларда профессионал бадиий ижод қилиш, хилма-хил маданий эҳтиёжларни қондириш учун шароит яратилади. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан жамоатчилик фойдаланиши, маданий фаолиятнинг анъанавий формалари бўлмиш халқ бадиий ҳунармандчилиги, халқ бадиий ижодиётини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг оммавий ахборот воситаларига қаратилган маданий, информацион ва ҳордиқ чиқариш эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш иккинчи йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимиз бутун аҳолисини телевизион кўрсатув билан қамраб олиш, телевидение ва радио программалари сонини кўпайтириш, аҳолининг босма маҳсулотга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, шу жумладан, вақтли матбуотнинг ҳамма турларига, классик адабиёт асарларига лимитсиз обуна бўлишни таъминлаш кўзланяпти.

Мамлакатимиз аҳолисига маданий хизмат кўрсатишнинг унинг территориал системалари ўзаро ҳамкорлик қилишига асосланган комплекс системасини шакллантириш эса учинчи йўналишдир. Бу эса меҳнаткашларнинг турли хил маданий ва ҳордиқ чиқариш эҳтиёжларини қондиришга табақалаштирилган ёндашувчи реал ресурс имкониятлари билан қўшиб олиб бориш имконини беради. Ушбу система доирасида истиқомат жойларида аҳолининг умуммаданий ва ҳордиқ чиқариш манфаатлари билан, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш билан боғланган кундалик эҳтиёжлари қондирилиши керак. Одатда камёб бўлмаган, лекин етарлича ривожланган моддий базага эга бўлган маданият ва санъат муассасаларига қаратилган даврий эҳтиёжлар тегишли қишлоқ райони марказидаги доимий ишловчи муассасаларда, уларнинг филиалларида қондирилади. Шунингдек мунтазам гастроллар, кўчма кўргазмалар, экспозициялар ташкил этиш орқали ҳам ушбу эҳтиёжларни қондириш мумкин.

Маданий ва информацион хизмат кўрсатишнинг бундай системасини яратишдан кўзланган асосий мақсад қандай? Энг асосий вазифа йирик маданий марказлардан олисда яшовчи кишиларда улар маданий ҳаётнинг қолоқ, ҳақиқий эмас, иккинчи даражали деб хис этилишини бартараф этишдир. Маънавий ҳаётнинг активлаштирилиши эса мустақил билим олишда, маданий ривожланишда янги эҳтиёжларни юзага келтиради. Агар бундай эҳтиёжлар юзага келмаса, халқнинг ўзини ўзи ривожлантириши, ўз фикрини ифодалаши учун кенг имкониятлар рўёбга чиқмай қолаверади. Жуда катта маблағлар сарфлаб қуриладиган серҳашам театр ва маданият саройлари бўм-бўш бўлиб қолаверади, маданий ривожланишнинг маданий қурилишда демократизм ва ижтимоий ўзини ўзи бошқариш талабларини менсимаган ўзга бино қўювчи стратегияси учун обидага айланади.

Партиянинг ҳозирги маданий сиёсати демократизм ва ошкораликка, яъни муштарак ҳаётимизни ташкил этган ва этаётган ҳамма нарсани очиқ-ойдин муҳокама қилишга асосланишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Совет кишиси, жумладан, адабиёт ва санъатнинг турли сабабларга кўра унга етиб келмаган кўпгина асарлари сари илк бор йўл топди.

Уларнинг оммавий матбуотда кенг муҳокама этилиши истеъдодли, ғоявий-тарихий жиҳатдан муҳим асарларни тилга олмаслик жамиятда, айникса ёшлар ўртасида ўсиб борган тарихдан бехабарлик, социал пассивлик, сиёсий етилмаганликни фақат чуқурлаштирганлигини кўрсатди. Жамият ва маданиятга етказилган маънавий зарар янада катта бўлди: лом-мим демаслик айни мамлакатни экономикасидаги кризисолди ҳолатига, маънавий турғунликнинг кўпгина ҳодисаларига олиб келган ижтимоий кучлар фойдасига хизмат қилди.

Шу билан бирга совет маданиятини янгилашни фақат «запасхона» ва «махфий жой»ларга йўл очиб беришдангина иборат қилиб қўймаслик кераклиги таъкидланса мақбулдир. Сўз аввало шундай ахлоқий-психологик муҳит ҳамда ижодий союзлар ва ташкилотларнинг кундалик иши учун шундай шароит яратиш ҳақида боряптики, халқнинг ҳаёти ва ишлари ҳақидаги ҳақиқатни, социалистик ва умуминсоний идеаллар ҳақиқатини элтувчи барча талантли асарлар китобхонга, томошабинга, тингловчига етиб борсин, ижодий интеллигенциянинг социализмни янгилашга қўшадиган ҳиссаси мамлакатимиз халқларининг истеъдод соҳиби ва социалистик озод эканлигини акс эттирувчи ҳақиқатан ҳам эркин ва қудратли ҳисса эканлигини кўрсатсин.

Қайта қуриш шароитида давлат маданият органлари, идеология хизматлари, ижодий союз ва коллективлар билан очиқ, бир-бирига ишонч билдирувчи ҳамкорлик қилишнинг янги, янада мослашувчан ва таъсирчан формаларини қунт билан изламоқдалар. Бунда ҳам кўп нарса республикалар, областлар, районлардаги партия комитетларига боғлиқдир. Маданиятнинг ғоят муҳим «децентрализация»сига эришиш демократия ривожлантирилган, маъмуриятчиликдан қатъий воз кечилган, чинакам ғоявий ва юксак бадиий мезонлар, маданият арбобларининг билимдонлиги, ўз-ўзига талабчанлиги ва гражданлик масъулияти ҳукмрон бўлган соғлом, мусобақалашувчи, ижодий муҳит яратилган тақдирдагина мумкин бўлади. Партия маҳаллий маданий кучларга авайлаб муносабатда бўлишга, уларни тўлдиришга, тўплашга, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чақиради. Юксак маданият пойтахтларнинг имтиёзидир деган фикрни унутиш пайти келди. Мамлакатда профессионал жиҳатдан мустаҳкам, талантли журналистлар, ёзувчилар, театр коллективлари, ноширчилик ва ўлкашунослик марказлари, рассомлар бирлашмалари, музика ансамбллари, хор ва оркестрлар қанчалар кўп бўлса, халқнинг маънавий маданияти шунча юқори, унинг кундалик ҳаёти шунчалик бой бўлиб боради.

Хулосада тингловчиларга юксак маънавий маданият кишини нафақат олижаноб қилиб қўймаслигини эслатиш мумкин. Кишининг ҳақиқий, чуқур шахсий ва шахсиятга оид мулкига айланган юксак маънавий маданият унинг барча қобилиятлари, истеъдодлари, ижодий салоҳияти, инсондаги барча яхши нарсалар шаклланиши ҳамда юзага чиқиши учун реал замин яратади. Буни таъминлаш эса ривожланишимизни амалда жадаллаштириш, шаксубҳасиз устунлик идеаллари, қизиқишлари билан биргаликда меҳнаткаш инсонга, ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги гуманистик қадриятларга берилиши лозим бўлган жамият — социализмнинг асосий бунёдкорлик потенциалининг маънавий-ахлоқий кучини кўпайтириш демакдир. Бу эса, К. Маркс ва Ф. Энгельс айтганидек, ҳар бир кишининг эркин ривожланиши барчанинг эркин ривожланиши шарти бўлган уюшманинг шаклланиши ва гуллаб-яшнаши учун замин ҳозирлаш демакдир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

В. И. Ленин. **Ёшлар союзларининг вазифалари.** Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг III Бутун Россия съездида 1920 йил 2 октябрда сўзланган нутқ. — Тўла асарлар тўплами, 41-том, 333—355-бетлар.

В. И. Ленин. **Янги иқтисодий сиёсат ва сиёсий-оқартув муассасаларининг вазифалари. Сиёсий-оқартув муассасаларининг II Бутун Россия съездида 1921 йил 17 октябрда қилинган доклад.** — Тўла асарлар тўплами, 44-том, 178-201-бетлар.

В. И. Ленин. **РКП(б) Марказий Комитетининг сиёсий ҳисоботи. 1922 йил 27 март.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 81—135-бетлар.

КПСС XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986. 96—104-бетлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1988 йил 17—18 февраль. — Т., «Ўзбекистон», 1988.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материаллари. «Ўзбекистон коммунисти», 1988, № 8.

М. С. Горбачев. **Интеллектуальный заряд перестройки.** Речь на встрече с деятелями культуры и науки ПНР и СССР в Варшаве 14 июля 1988 года. — «Советская культура», 16 июля 1988 года.

Ўзбекистон Компартияси МК X пленуми материаллари. — «Ўзбекистон коммунисти», 1988, № 5.

Общественные науки — перестройке. Богатство теоретического знания должно служить народу. — «Правда», 27 июля 1988 года.

ДИАЛЕКТИКА ПРОБЛЕМАЛАРИНИНГ АКТУАЛ ТАДҚИҚИ

Партия илгари сурган ва амалга ошираётган кайта куриш ва жадаллаштириш концепцияси, совет кишисининг янги кадрият ориентацияси — буларнинг ҳаммаси амалдаги диалектикадир. Ҳозирги дунёни, мамлакат ривожланишининг ҳозирги боскичини анализ килишга диалектик-материалистик методологияни изчиллик билан татбиқ қилишда революцион назарияга кўшилган янги ҳиссанинг моҳиятини, унинг марксизмнинг «жонли руҳи»га мувофиклигини, догматизмга зидлигини тушуниб етиш омили мавжуд.

Айни ушбу ҳол материалистик диалектикани бундан буён ҳам тадкиқ қилишни, дунёни революцион янгилаш ва принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал этиш ишида унинг ўрганилмаган имкониятларини очиб беришни тақозо этяпти. Такриз килинаётган монография* ана шу фаннинг ҳозирги шарт-шароитдаги энг муҳим проблемаларига бағишланган бўлиб, унда диалектика қонунлари ва категорияларининг моҳияти, функциялари, системалари билан боғланган масалаларнинг кенг доираси борлиқ ва билишнинг аҳамияти ҳар томонлама ўсиб бораётган умумий ривожланаётган формалари сифатида тадкиқ қилинади. Диалектика китобда совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини кайта куришнинг асосий куроли, ушбу жараёнга айнан мос бўлган янгича тафаккурнинг методологик негизи сифатида кўриб чиқилади.

Автор ҳозирги илмий билиш илгари сурган бир қатор нисбатан янги масалаларни тилга олади ва ҳал этади: «тафаккур услуби» тушунчасининг шаклланишини кузатади, илмий тафаккурнинг асосий структура элементларини конкретлаштиради, унинг хусусиятларини анализ қилади. Монографияда назариянинг илмий таафаккур услубига таъсир кўрсатиш формалари махсус караб чиқилади. Назария илмий тадкик килиш методларини, фан фактлари ва конунларини танлаш ҳамда талкин қилиш усулларини белгилайди, илмий билишнинг тушунчага оид аппаратини ҳосил килади. Ушбу хулосалар китобда келтирилган конкрет фан маълумотларига асосланганлиги учун автор позициясининг ишонтирарли ва далил-исботли бўлишини анча мустаҳкамлаган. Лекин назарияни типлар асосида караб чиққан Ж. Т. Туленов бу методни тафаккур услубларига нисбатан татбик этмаган. Масалан, илмий тафаккурнинг конкрет услублари, уларнинг типологияси ва классификацияси хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳолбуки, мисол учун, илмий тафаккурнинг кибернетик,система ва бошка услубларини таърифлаш жуда фойдали бўлар эди.

Автор тафаккурнинг философик услуби тарихий формаларини ҳамда уларни қўлланиш чегараларини ёрита бориб, инсон фикрлаш фаолиятининг мантиқий формаларидан фаркли ўларок «тафаккур услуби фикрлаш фаолияти ўзининг, унинг мантиқий структурасининг мундарижасини характерлайди» (21-бет) деб таъкидлайди. Материалистик диалектика тафаккур фалсафий услубининг олий формасидир. Бундай сифатда у философик билимнинг регулятивлари бўлмиш дунёкараш ва методологик принципларнинг конкрет намоён бўлиши деб тушунилади ҳамда тафаккурнинг софистик, метафизик-догматик ва эклектик услубларига қарама-карши туради. Монографияда ана шу услубларнинг моҳияти, гносеологик ва социал илдизлари, бир томонламалиги ва чекланганлиги очиб ташланган.

Лекин, шундай бўлсада, автор томонидан тафаккурнинг диалектик усулига етарлича эътибор берилмаганлиги сезилиб туради: формал-мантиқий ва диалектик тафаккурларни қиёслаш пайтида диалектик методнинг асосий белгилари ва тафаккурга нисбатан бўлган талаблари таърифланмайди, диалектик мантиққа кенг характеристика берилмайди. Китобда диалектиканинг мантиқ сифатидаги ва билиш назарияси сифатидаги проблемаларига, формал ва диалектик мантиқнинг формал-мантиқий ва диалектик зиддиятларининг моҳияти ҳамда ўзаро нисбатига доир кўпдан-кўп мунозаралар эслатиб ўтилмаган. Мисол учун, мантиқнинг ана шу икки хили ўртасидаги принципиал тафовутни очиб бериш учун ҳеч бўлмаганда ҳақиқат ва зиддиятлар проблемаси караб чиқилганда, автор диалектиканинг принциплари, қонунлари ва категорияларини билишда формал мантиқнинг ҳисоблари ҳам бир хил роль ўйнамаслиги хусусидаги масалада ўз нуктаи назарини

* Ж. Т. Туленов. Диалектика и современность. Материалистическая диалектика — методологическая основа перестройки, развития науки и практики. Ташкент, «Фан», 1988, 416 с.

равшанрок ифодалай олган бўларди. Зеро, билимсизликдан билим сари харакат бўлган билиш жараёни аввало диалектика оркали белгиланиши асосий жихат хисобланади. Айни у формал-мантикий воситаларнинг илмий билимни анализ килишдаги ўрнини хам шартлайди.

Мамлакат хаётидаги революцион ўзгаришлар бевосита боғлик бўлган янгича тафаккур факат диалектик тафаккур бўлиши мумкин деган хулосани алохида ажратиб кўрсатиш керак эди. Бугунги кунда вокелигимиз ва ушбу объектив заруратни англаб етган Коммунистик партия масалани ана шундай кўймокда.

«Материалистик диалектика борлик ва билиш умумий конунларининг илмий системаси сифатида» боби диалектика асосий конунларининг методологик ролини анализ килишга, КПССнинг кайта куриш ва мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир стратегик йўлини амалга оширишда уларнинг ахамиятини кўрсатишга бағишланган. Авторнинг ушбу масаладаги позицияси каттагина ахамиятга ва эътиборга моликлигини биринчи навбатда ана шулар белгилайди.

Ж. Т. Туленов карама-каршиликлар бирлиги ва кураши конунини асосли хамда хар томонлама караб чикаркан, эътиборини аввало социализмнинг ривожланишида ноантагонистик зиддиятларнинг туғилиши, хусусиятлари, шунингдек, уларни ўз вактида аниклаш ва бархам бериш зарурлигига каратади. Унинг бу борадаги позицияси куйидагилардан иборат. Биринчидан, ушбу зиддиятлардаги карама-каршиликларнинг муносабатлари анчагина ўткирлик ва кескинлик касб этиб, ижтимоий турмушнинг турли сохаларида турғунлик ва кризисолди холатига олиб келсада, улар ноантагонистик характерга эга. Иккинчидан, тўпланган тажрибага асосланиб автор социализмда хатто тилга олиш расм бўлмаган сохаларда хам диалектик зиддиятларнинг кўриниши объектив ва умумий эканлигини кайта куриш ғоят яккол кўрсатгани хусусида хулоса чикаради. Учинчидан, ушбу зиддиятлар бирбиридан ажралган холда эмас, балки ўзаро боғланган ва бир-бирини шартлаган холда мавжуд, шу сабабли, мисол учун, экономикадаги зиддиятлар ўз вактида очиб ташланмаса ва хал килинмаса, чукурлашиб кетади ва сиёсий, социал, маънавий сохалардаги келишмовчиликларни, фактларни кескинлаштиради ва аксинча бўлиши мумкин. Тўртинчидан, ижтимоий тузум сифатидаги ривожланаётган социализм зиддиятлари ташкаридан олиб келинмаган, балки унинг мохиятидан, ички табиатидан келиб чикиб, «жонли хаёт»ини ифодалайди. Ва, нихоят, содир бўлаётган кайта куриш социализмдаги диалектик зиддиятларни хал килишнинг форма ва усулларини, ушбу жараёнда инсон омили ўйнайдиган ролни янгича ёритди.

Ана шу методологик хулосалар ижтимоий хаёт зиддиятларини анализ килишда Ж. Т. Туленовга ориентир бўлиб хизмат килган. У асосий эътиборни ишлаб чикарувчи кучлар билан ишлаб чикариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятларга каратади. Узок вакт мобайнида гўё социализмда ишлаб чикариш муносабатларининг ишлаб чикарувчи кучлар характери ва ривожланиш даражасига мувофиклиги конуни сал бўлмаса автоматик равишда амал килади деган фикр юзага келган эди. Бундай ёндашиш ишлаб чикарувчи кучларни мунтазам такомиллаштириб бориш зарурлиги хусусидаги масалага амалда ўрин колдирмади, социалистик курилиш назарияси ва практикасига жиддий зарар етказди, назарияда хам, практикада хам бутун бир катор салбий ходисаларни юзага келтирди. Шу сабабли бугунги кунда партия мулкка эгалик, таксимот муносабатларини, якка тартибдаги мехнат фаолиятини такомиллаштириш, бошкарувдаги буйрукбозлик-бюрократик методларга бархам бериш ва уни тубдан ислох килиш проблемаларини, хуллас, ишлаб чикариш муносабатлари билан бевосита боғланган нарсаларнинг хаммасини биринчи ўринга куяётгани бежиз эмас.

Лекин автор зиддиятларни асосан онтологик планда кўрсатишга эътиборини каратиб, уларнинг гносеологик жихатини назардан четда колдирган. Зеро, тадкик килишнинг ички мантики, шунингдек социализм назариясини ишлаб чикишда, умуман мамлакатдаги ижтимоий фанларни ривожлантиришда, кайта куришнинг максад ва вазифаларига айнан мос бўлган янгича тафаккурни шакллантиришда мавжуд бўлган зиддиятлар масаласини ўрганишни хам такозо этади.

Микдор ва сифат ўзгаришларининг бирбирига ўтиши конунининг мохияти ва методологик ролини караб чикиш авторга, шунингдек уларнинг кайта куриш жараёнидаги диалектикасини хам очиб бериш имконини берган: «Социал-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш совет жамиятининг янги марраларга, чинакам революцион ўзгариш (сиёсий революция маъносида эмас, балки социал-иктисодий революция маъносида) бўлган янги сифат холатига ўтишини таъминлашга даъват этилган» (126-бет).

Лекин у ушбу конуннинг структураси ва харакат килиш механизмини кўрсатаркан, «меъёр» тушунчасини, унинг турли формаларини ажратиб кўрсатсада, тўлик очиб бермаган (115-бетга каралсин). Микдор философик категорияси билан унинг математик мазмуни хам аник фарклаб берилмаган. Конун таърифининг ўзини хам янада аникрок ифодалаш лозим эди. Масалан, шундай деб уктирилади: «Микдор сифатга **ўтиши** мумкин ва аксинча, маълум шароитда сифат микдорга **ўтади»** (ў ш а ж о й д а, шунингдек 16-бетга хам каралсин, таъкид

бизники — **Ю. Е.)**. Марксистик диалектикада ўтиш деганда миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлиги, биргаликдаги ҳаракати англанади. Шу сабабли ривожланиш миқдор ўзгаришлари натижасида эски сифатдан янгисига ўтиш демакдир.

Автор бутун эътиборини қараб чиқилаётган қонуннинг методологик ва амалий аҳамиятига қаратади, унинг гносеологик жиҳати эса, хусусан, билимни, шу жумладан гуманитар билимни математикалаштириш, бунинг учун компьютер техникаси ва миқдорий методлардан фойдаланиш амалда анализ қилинмаган. Агар компьютерлаштириш, «сунъий интеллект»ли системаларни яратиш ва ишлатиш ҳозирги фан-техника революциясининг нафақат энг муҳим йўналиши, балки икки ижтимоий системанинг илмий-техника мусобақасида асосий жиҳат ҳам эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бирбирига ўтиши қонунига мурожаат қилмасдан туриб фан ва техника тараққиёти масалаларини, турли технократик назарияларни танқидини илмий мушоҳада қилиб бўлмайди.

Автор инкорни инкор қонунининг методологик ролини кўрсатаркан, воқеликнинг турли соҳаларида янгилик билан эскилик, инкор ва давомийлик диалектикасини ишонтирарли қилиб очиб беради, тарихий ўтмишни бўрттириш ҳам, унга муносиб баҳо бермаслик ҳам ножоизлиги ҳақида огоҳлантиради. Социализмда ушбу қонун прогрессив ривожланиш формасини касб этади ва бунда «эски жиҳатни янгиси билан алмаштириш мавжуд ижтимоий тузум негизларини инкор қилишни англатмайди» (152-бет).

Ана шу муносабат билан, бизнингча, Ж. Т. Туленов совет жамиятида қайта қуришнинг моҳияти ҳақида, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев консерватив ва авангардист кучлар деб таърифлаган кучларнинг фаолияти хусусида олиб борилаётган мунозараларга партиянинг муносабатини муфассалроқ ёритса бўларди. Агар консерватив кучлар қайта қуриш социалистик қурилишнинг аввалги барча тажрибасидан ҳамда социализм принципларидан «воз кечаётгани». хусусида сўзлаб, уни тўхтатиб қўйишга интилаётган бўлсалар, авангардист кучлар эса буйруқбозлик, бюрократик методлар ёрдамида қайта қуришнинг зарур босқичларидан «сакраб» ўтишга уринмоқдалар. Иккала йўналиш ҳам объектив равишда қайта қуришга тормоз бўлаётганини сезиш қийин эмас, чунки улар қайта қуриш диалектикасини тушунмасликка асосланган.

Материалистик диалектиканинг бир-биридан алоҳида олинган асосий қонунлари, деб таъкидланади китобда, нарсалар ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. «Улар фақат ўзаро жамланган ҳолда, бир-бирини тўлдира бориб, бизга моддий воқеликнинг предмет ва ҳодисалари ҳақида ўзаро боғлиқлик ва ривожланишдаги яхлит манзарани бера оладилар» (155-бет). Ривожланиш зиддиятли, лекин ягона жараёндир. Диалектика қонунлари ҳодисанинг турли қирраларини зиддиятлар, ўзаро боғлиқликлар ва ўзаро таъсирлар системаси тарзида оча бориб, бир вақтнинг ўзида намоён бўладики, бу ҳол уларни, шунингдек бирликда ва яхлитликда қараб чиқишни тақозо этади. Афсуски, автор диалектика қонунларининг ана шу бирлиги қайта қуриш шароитида қандай юзага чиқишини кўрсатиб бермаган.

«Материалистик диалектика категориялари шаклланишининг моҳияти, системаси ва қонуниятлари» бобида диалектика категорияларининг табиати, хусусиятлари, вазифалари, системавий характери ҳамда унинг асосий қонунлари билан ўзаро алоқаси тадқиқ этилади. Категорияларни борлиқ ва билиш қонуниятлари ифодаланадиган энг муштарак тушунчалар тарзида анъанавий тушуниш, авторнинг фикрича, ана шу фикрлаш формалари ҳақида тўлиқ тушунча бермайди. У китобда қуйидаги қоидалар воситасида уларни тўлдиради ва ойдинлаштиради:

— диалектика категориялари ўз мажмуида объектив дунёнинг умумий қонуниятларини акс эттиради, демак, улар объектив (онтологик) мазмунга эга;

— тафаккур формалари бўлмиш диалектика категориялари мантиқий формалар тарзида майдонга чиқиб, мантиқий мазмунга эга;

— инсоннинг кўргазмали, моддий-ҳиссий фаолияти сифатидаги амалиёт диалектика категориялари шаклланиши ва ривожланишининг негизи ҳисобланади, шу сабабли уларни гўё ижтимоий практиканинг «йиғиндиси» деса бўлади;

— амалиётдан юзага келган диалектика категориялари дунёни маънавий ўзлаштиришда инсонга методологик ориентир сифатида хизмат қилади;

— диалектика категориялари «жонли ҳаёт»ни акс эттириб, ҳаракатчан, кўчиб юрувчи, мослашувчан категориялардир;

— диалектика категориялари бир-бири билан боғланган бўлиб, муайян системани ҳосил қилади.

Ж. Т. Туленов шундан келиб чиқадики, «диалектика категориялари системаси деганда барча философик тушунчалар мажмуини тушунмоқ лозим, улар ёрдамида табиат ва жамият ривожланишининг энг умумий қонуниятлари ҳамда уларнинг инсон онгида инъикоси, яъни фан сифатида диалектика предметини ташкил этувчи нарсалар ифодаланади» (174-бет). Бизнингча эса, диалектиканинг бирлиги (айниятлиги), билиш мантиқи ва назарияси принципигина ана шундай системани тузишнинг белгиловчи принципи бўла олиши мумкин. Диалектика категориялари системасининг баёни

эса фаолиятнинг мақсадга йўналтирилиши билан шартланади.

Шуниси эътиборга сазоворки, автор айрим категориялар анализини қайта қуриш ва мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш вазифалари билан, янгича тафаккурни шакллантириш зарурлиги билан чамбарчас боғлаб амалга оширади, бу эса, шубҳасиз, уларнинг амалий салмоғини оширади. Масалан, умумийлик ва алоҳидалик диалектикаси КПССнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги стратегияси ва тактикасини аниқлаб боришда очиб берилади; имконият ва воқелик категориялари анализида қайта қуришнинг барча потенцияларини рўёбга чиқариш, унинг муқаррарлиги масалаларига жиддий эътибор берилган.

Автор материалистик диалектика асосий қонунлари ва категорияларининг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг айниятлиги ва тафовутларини қараб чиқади ва ишонтирарли тарзда асослаб беради. Бундай ўзаро боғликлик ривожланиш жараёнининг ўзи бир бутун эканлиги, шунингдек, умумий алоқадорлик ва ривожланиш ҳақидаги таълимот сифатида диалектиканинг ўз предмети орқали шартланган.

Диалектик-материалистик тафаккурнинг бошланғич принципи бўлмиш нарсанинг объектив анализи моҳиятининг муфассал ўрганилганини «Диалектиканинг асосий қонунлари ва категориялари борлиқ ва билишнинг мослашувчан формалари сифатида ҳамда уларнинг методологик аҳамияти» бобининг фазилатларидан бири деб ҳисоблаш лозим. Ушбу принцип қуйидаги бир қатор асосий жиҳатларни ўз ичига олади: берилган нарсанинг барча томонлари, хоссалари, хусусиятларини яхлит ҳолда ўрганиш; унинг бошқа нарсалар билан ўзаро алоқаси; нарсанинг ривожланиши; конкрет-тарихий вазиятни ва берилган нарса мавжудлиги объектив шароитларини ҳисобга олиш; айниқса социал ҳодисалар соҳасида уни баҳолашга синфий ёндашиш (292-бетга қаралсин). Объективлик ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида реалистик сиёсат юритишнинг зарурий шарти эканлиги учун ҳам КПССнинг стратегия ва тактикаси айни ана шу талабларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда.

Китобда марксистик диалектиканинг олимларни методологик йўллаш учун, диалектик тафаккурнинг фан тараққиёти учун аҳамияти ишонтирарли тарзда очиб берилган; диалектиканинг ҳозирги илмий билишга таъсири ва унинг қонунлари ҳамда категориялари мазмунини чуқурлаштиришга фанларнинг тескари таъсири формалари тадқиқ этилади.

Тақриз қилинаётган монография автори материалистик диалектика айни назария сифатида воқеликни билиш ва ўзгартириш умумий методи ролини бажаради, илмий билишда диалектик методдан фойдаланиш тегишли философик принциплар, қонунлар ва категорияларни қўллашни англатади деб билади. Улар айни шу сифатда субъектнинг тафаккур услубини белгилаб беради. Шу сабабли философиянинг хусусий фанлар билан алоқасини кучайтириш учун ана шу фанлар намояндалари тафаккурининг философик ва умумилмий маданиятини оғишмай ошириб бориш зарур. Бу вазифанинг актуаллиги КПСС XXVII съезди материалларида ҳам таъкидланган.

Ҳозирги шароитда, маълумки, тафаккурнинг янгича услуби диалектик-материалистик методология асосида шаклланиши зарур. Лекин автор уни характерларкан, унда синфий ва умуминсоний мазмуннинг ўзаро нисбати хусусида фикр юритмайди. Бунингсиз эса, масалан, уруш ва тинчлик, тинчлик ва ҳаётни умуминсоний қадриятлар сифатида тушуниш проблемаларини тўла даражада англаб етиш мумкин эмас.

Китобдаги бошқа баъзи камчиликларни ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, унда диалектиканинг асосий принциплари муфассал ёритилмаган. Марксистик философияда материализм билан диалектиканинг бирлиги хусусидаги қоида охиригача очиб берилмаган. Автор ҳақли равишда диалектикани қайта қуришнинг методологик негизи деб ҳисоблагани ҳолда, бир томондан, методология тушунчасининг анализига, иккинчи томондан эса — қайта қуришнинг ўзининг диалектикасига етарлича эътибор бермаган. Бу эса назария учун ҳам, практика учун ҳам зарур, чунки ҳозирги ҳаёт назарий ишланмалардан анча илгарилаб кетган.

Монографияда келтирилган қуйидаги хулосага тўла қўшилиш мумкин: бугунги кунда «назарий фаолиятнинг ўзи социалистик ва коммунистик қурилишнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг ғоят муҳим қуроли бўлмоқда» (407-бет). Бинобарин, янги, диалектик тафаккурни шакллантириш назариянинг вазифаларидан биридир. Бутун монография ана шундай асосий фикр билан йўғрилган. Автор анализнинг синалган воситаси — материалистик диалектикага мурожаат қилмасдан туриб янги ижтимоий тузумнинг ленинча қиёфасини тиклаш мумкин эмаслиги хусусидаги фикрни ҳам изчиллик билан баён этиб боради. Умуман олганда тақриз қилинаётган китоб совет олимларининг диалектика назариясига доир асарлари сериясини давом эттириб, философия фанининг энг муҳим масалаларини ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшган.

Ю. ЕГОРОВ,
Москва электрон техника институти философия кафедрасининг мудири, философия фанлари доктори.

ЯНГИ КИТОБ ВА БРОШЮРАЛАР

С миссией дружбы в Советский Узбекистан. Ташкент, «Узбекистан», 1988, 103 с.

Китобда республикамизга 1984 йилдан бошлаб ташриф буюрган чет эллик давлат ва жамоат арбобларининг фикрлари тўпланган. Улар Ўзбекистон совет республикаларининг қардошлик оиласида 70 йил ичида экономика, социал ва маданий ҳаёт соҳасида эришган муваффақиятлардан олган таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

Стефановский Г. А. **Воспитать патриота — интернационалиста.** Ташкент, «Узбекистан», 1988, 80 с.

Брошюрада ёшларни Совет Армиясида хизмат қилишга тайёрлаш, уларда ватанпарвар-интернационалист, социализм ютуқларининг ишончли ҳимоячиси бўлишдек юксак хислатларни шакллантириш ҳақида, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ва Ўзбекистон раҳбарлиги, партия ва комсомол ташкилотларининг иш тажрибаси ва ана шу ишни янада яхшилашга доир ҳамкорликда олиб бораётган амалий ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Тэлль Р. **СССР — братство народов.** Ташкент, «Узбекистан», 1987, 96 с.

Брошюрага турли миллатга мансуб меҳнатсевар, матонатли, қалби дарё, ўз ишини жон-дилдан севувчи замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли очерклар кирган.

Усманов М. **Культура поведения молодежи.** Ташкент, «Укитувчи», 1988, 42 с.

Хулқ-атвор маданияти — инсоний маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бинобарин, ўзини интеллигент деб билган ҳар бир киши аввало социалистик турмуш тарзимизга мувофиқ бўлган ва уни янада баркамоллаштиришга ёрдам берувчи хулқ-атвор маданиятини ўзида ҳосил қилиши керак. Брошюрада ана шундай мақсадга эришишнинг баъзи бир йўллари хусусида сўз юритилади.

Ҳидоятов Г. А. **Тарих ва мафкуравий кураш.** Тошкент, «Ўқитувчи», 1988, 204 бет.

Китоб ҳозирги буржуа историографиясининг ғайриилмий негизларини, ғаразли ниятларини ва кейинги йилларда Ғарб олимларида катта қизиқиш уйғотган икки проблемага — Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ва ўлкада социалистик революциянинг амалга оширилишига доир реакцион тенденцияларини фош этишга бағишланган. Автор танқид объекти сифатида буржуа историографиясининг энг янги концепцияларидан, далил-исбот тарзида эса тарихий фактлардан фойдаланган.

Черников В. Г. **Ленинская забота о детях-сиротах.** Ташкент, «Укитувчи», 1988, 86 с.

Брошюрада Совет давлатининг қаровсиз қолган етим болалар тақдири ҳақида машаққатли 20-йилларда кўрсатган ғамхўрлиги, Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида Туркреспублика ва Ўзбекистон территориясида болаликни муҳофаза қилиш хусусидаги Ленин ғоялари қандай амалга оширилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Болалар қаровсизлигини бартараф этиш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда олиб борган ишларга алоҳида эътибор берилган.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 8.09.1988 й. Босишга рухсат этилди 12.10.1988 й. Формати $70 \times 108^1/_{16}$. Фотонабор.
Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,8.
Тиражи 27059. Нашр № В-59. Заказ № 4386.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134—2193
Баҳоси 25 тийин
Индекс 75399

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



12

ДЕКАБРЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 12
ДЕКАБРЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Регионларнинг кўпроқ мустақиллиги учун шароит яратиш, ҳар бир республика ўз фаровонлигининг, Совет давлатининг муштарак бойлиги ва қудратини кўпайтиришнинг негизи бўлмиш ўз хўжалик фаолияти пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдор бўладиган ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш — марказий вазифалардан биридир.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — ҲАЁТИМИЗ ПРИНЦИПИ

ИНСОН ВА ТАБИАТ

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

ХАТЛАР, КОРРЕСПОНДЕНЦИЯЛАР

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Э. АҚРАМОВ

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, уни ҳар томонлама интенсивлашда муҳим ўринни эгаллайди. Унинг мамлакатимиздаги микёслари хусусида 1986—1990 йилларда ҳамда 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида белгиланган вазифаларга асосланиб сўз юритиш мумкин. Ҳозирги беш йилликда давлат капитал маблағлари ҳисобига 3,3 миллион гектар суғориладиган ва 3,6 миллион гектар захи қочирилган ерни фойдаланишга топшириш, 8,3 миллион гектар майдонда маданий-техника ишларини амалга ошириш, 5,6 миллион гектар майдонда ишлаб турган суғориш системаларининг техник ҳолатини яхшилаш керак бўлади. Шу билан бирга суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, улардан лойиҳада белгиланган ҳосилни олишга эришиш кўзланяпти.

Сунъий суғориш қишлоқ хўжалигини қайта қуришнинг моддий асоси, республика бутун ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ғоят муҳим шарти бўлиб хизмат қиладиган Ўзбекистон ССР ерларни мелиорациялашга эҳтиёж сезадиган асосий районлардан биридир. Шу сабабли давлат бу ерда жуда катта маблағлар сарфлаяпти. Чунончи, 1966—1986 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 45 миллиард сўм йўналтирилди, улардан 17,1 миллиард сўми ерларни мелиорациялаш билан боғлиқ сув хўжалиги тадбирлари учун сарфланди. Шу вақт мобайнида 1,5 миллион гектардан кўпроқ янги ер суғорилди ва ўзлаштирилди, салкам 1 миллион 888 минг гектар ер тубдан текисланди, 2,5 миллион гектардан ортиқ майдонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 3 миллион 831,7 минг гектар майдонда суғориш тармоғи реконструкция қилинди ва сув билан таъминланиши яхшиланди, 6 миллион 900 минг гектар яйловга сув чиқарилди.

Йирик қўриқ массивларини суғориш ва қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштиришда комплекслилик методларидан фойдаланиш Ўзбекистонда суғорма деҳқончиликни ривожлантиришнинг энг муҳим характерли хусусиятидир. Аслини олганда, ушбу метод шу ерда туғилган ва илк маротаба амалда қўлланилган эди. Йигирма йил ичида республикамизнинг собиқ қўриқ ерларида 160 совхоз ташкил этилди, 7,7 миллион квадрат метр уй-жой, 37 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 102 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, бошқа кўплаб социал ва маиший объектлар бунёд этилди. Шу вақт ичида ўзлаштирилган майдонда 10,4 миллион тонна пахта ҳамда қишлоқ хўжалигининг кўпгина бошқа маҳсулотлари етиштирилди.

Расмий маълумотларга қараганда, республикада сув хўжалиги қурилиши, суғориш ва қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларни сув билан таъминлаш ҳамда яйловларга сув чиқариш даражасини ошириш борасида аҳвол гўё дурустга ўхшайди. Лекин дастлаб қараганда

АҚРАМОВ Эргаш Акрамович, иқтисод фанлари доктори, Тошкент олий партия мактаби «СССР экономикаси» кафедрасининг раҳбари.

туюлганидек ҳамма ишлар яхши бораётгани йўқ. Чунончи, КПСС МК октябрь (1984 йил) Пленумидаёқ сув хўжалиги қурилиши мелиоратив системаларнинг узоқ муддат хизмат қилиши ҳамда юқори самарадор бўлишини ҳисобга олмаган ҳолда доим ҳам сифатли ва комплекс олиб борилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Компартияси МК ноябрь (1984 йил) пленумида эса ана шу баҳонинг тасдиғи сифатида фойдаланилмаган ҳайдаладиган ерлар майдони 1975—1983 йиллар мобайнида 4 мингдан 67 минг гектарга кўпайгани, суғориладиган гектар маҳсулдорлиги эса республикада 1980—1983 йиллар ичида 1337 сўмдан 1241 сўмга пасайгани қайд этилди.

Таъкидланган тенденциялар ривожланишда давом эта борди. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қайд этганидек, ўзлаштирилган ерларнинг кўпгина массивлари зарур инженерлик-техника таъминотига эга эмас, у ерларда дренаж ва коллекторлар системаси йўқ, қўриқ совхозларининг комплекс ҳолда қурилмаслиги барқарор коллективлар шаклланишини қийинлаштирмоқда.

Буларнинг ҳаммаси республиканинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмай қолмас эди. Унинг якунлари ўн биринчи беш йилликда қониқарсиз бўлиб чиқди: қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми ўнинчи беш йилликнинг тегишли кўрсаткичи билан таққослаганда пландаги 17 процент ўрнига атиги 10 процент ошди. Давлатга миллион тонна пахта, анчагина миқдорда дон, гўшт, сут, тухум кам етказиб берилди. Республика қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўша пайтда 14 процентга пасайган эди.

Ҳозирги беш йиллик дастлабки икки йилининг натижалари эса ўзини яққол кўрсатиб турибди: 1986—1987 йилларда Ўзбекистон ССР аграр-саноат комплекси ялпи маҳсулотининг ҳажми 3,8 процентга камайган (планда эса 9,9 процент кўпайтириш мўлжалланган эди). Тўғри, меҳнат унумдорлиги 3,8 процентга ўсган, лекин у планга кўра 10,3 процент ошиши керак эди.

Буларнинг ҳаммаси республика деҳқончилигида жиддий камчиликлар мавжудлигидан далолат берадики, улар, хусусан, КПСС МКнинг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисида»ги қарорида (1987 йил июнь) кўрсатиб ўтилди.

Партия ва ҳукумат Ўрта Осиё республикаларида суғоришга доир ишларнинг ғоят катта ҳажмда бўлишини асосларкан, бу ерда ерлар ҳосилдорлиги, ҳарорат етарлилиги, меҳнат ресурслари мавжудлиги, бинобарин, энг кўп самара олишга тезроқ эришиш мумкинлигидан келиб чиққан эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғорма деҳқончиликни ривожлантиришда оғир аҳвол юзага келиб қолганлигининг асосий сабаблари нимада ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари қандай?

Бундай сабабларга аввало сув хўжалиги қурилишида, қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштиришда комплекслилик бузилганини, иш муддатлари чўзиб юборилганлигини, қўриқ совхозларининг лойиҳалаштирилган техник-иқтисодий кўрсаткичларига эришишга доир барча зарурий чоралар ўз вақтида кўрилмаганини кўрсатиш мумкин. Мелиоратив қурилиш ирригация қурилишидан, уй-жой ва социал-маданий муассасаларни бунёд этиш суръатлари эса ишлаб чиқариш объектларини қуришдан орқада қоляпти. Хўжаликни бундай юритишнинг қайғули натижалари бугунги кунда тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси МК VII пленумида (1987 йил декабрь) тоқат қилиб бўлмайдиган шундай факт келтириб ўтилди: собиқ Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРдаги 66 совхоз ҳар гектардан атиги 10—11 центнердан пахта ҳосили оляпти ва самара ўрнига ҳар йили 45 миллион сўмдан кўпроқ зарар кўряпти, ваҳоланки, уларни ташкил этиш учун давлат 2,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаган эди. Қишлоқ меҳнаткашлари бундай «самарадорлик» натижасида қандай кун кечираётганлиги ҳам ошкоралик замонида маълум бўлиб қолди. О. Лацисниҳг «Экономика философияси» мақоласида бу тўғрида жуда очиқ-ойдин фикр айтилган: «регионни ривожлантиришнинг бутун стратегияси, талайгина капитал маблағларни тақсимлаш аҳолининг фаровонлигини оширишга, меҳнат ва табиий потенциалдан оптимал фойдаланишга эмас, балки пахта етиштиришни

имкони борича кўпайтиришга бўйсундирилган эди» («Коммунист», 1988 йил, 14-сон, 41-бет).

Республикада илгари ўзлаштирилган ерларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қўриқ ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш билан, янги ерларни суғоришни суғориб келинган ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш билан оқилона қўшиб олиб бориш йўлга қўйилмаганини эътироф этиш керак. Амалда сув хўжалиги ташкилотлари ва агросаноат комитетларининг асосий диққат-эътибори монокультура тазйиқи оқибатида энг сўнгги вақтларгача янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришга қаратилганлиги сир эмас. Эскидан суғориб келинган ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилашга ҳар йили кўплаб капитал маблағлар йўналтирилиб келинсада, жиддий бирор иш қилинмаган эди. Бунга эҳтиёж эса жуда катта. Зеро, республикада жами суғорма ерларнинг 3,9 миллион гектарлик майдонидан атиги 50 процентигина шўрланган эмас, қолганлари эса турли даражада: 15—20 проценти камроқ, 30—35 проценти ўртача ва кучли даражада шўрланган. Шунингдек камроқ шўрланган ерларда пахта ҳосилининг 10 проценти, ўртача шўрланган ерларда 25 ва кучли шўрланган ерларда 50 процентдан кўпроғи йўқотилиши маълум. Натижада ана шу сабаб туфайлигина республика ҳар йили 600 минг тоннадан кўпроқ пахтани кам оляпти.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигига суғориш ва мелиоратив тармоқ системаларини танлаш ҳамда қуришдаги камчиликлар жиддий таъсир кўрсатяпти. Чунончи, суғориш тармоқларини қуришда, одатда, тупроқ қазиш билан кифояланиб қолинади — уларнинг умумий узунлигида (165 минг километрдан ортиқ) 20 процентдан камроғи қаттиқ қопламага эга. Ушбу системалар фойдали иш коэффициентининг пастлиги (кўпларида у 0,53 дан ошмайди) ҳам ана шунга боғлиқ.

Сув хўжалигидан фойдаланиш давлат органлари билан сув истеъмолчилари — колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар такомиллашмаганлиги ҳам суғорма ерлардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир этмасдан қолмаяпти. Ҳозирги вақтда суғориш ва мелиоратив системаларидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчиларни суғорма сув билан таъминлашга доир барча харажатлар давлат ҳисобига бўляпти. Бундай шароитда суғорма сувни рационал тақсимлашда сув хўжалиги органларининг ҳам, ундан тежаб-тергаб фойдаланишда сув истеъмолчиларининг ҳам моддий манфаатдорлигига эришиб бўлмайди.

Яна бир ҳолатни таъкидлашни муҳим деб ҳисоблаймиз. Сўз суғорма ерни хўжаликларнинг эҳтиёжларига номувофиқ тарзда ажратиш хусусида боряпти. Аввало шуни унутмаслик керакки, ҳозирги вақтда ҳар гектар ерни суғориш ва қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштиришга давлат 8—10 минг сўм сарфлаяпти. Бинобарин, бундай гектарларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқариб ташланиши нафақат сарфланган капитал маблағлар совурилиши ва суғорма деҳқончилик самарадорлигининг пасайиши бўлиб қолмай, балки бундай деҳқончиликнинг Озиқ-овқат программасини бажаришдаги, саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашдаги имкониятларини чеклаш ҳамдир.

Суғорма ерларнинг иқтисодий самарадорлиги сув хўжалиги қурилишининг сифати ва сув хўжалиги давлат органлари фаолиятининг ҳолати билангина эмас, балки ана шу ерлардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши натижалари билан ҳам белгиланади. Шу сабабли уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ташкил этишдаги камчиликлар ва ҳал қилинмаган масалаларни аниқлаш ҳам лозим. Бугунги кунда улар, бизнингча, аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, химиялаштириш ва электрлаштириш даражасини оширишда фан-техника тараққиёти ютуқларини заиф қўлланишда; қишлоқ хўжалик корхоналарини концентрациялаш ва ихтисослаштириш имкониятларидан, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларидан, аввало пудрат формаларидан етарлича фойдаланмасликда, мавжуд деҳқончилик ва чорвачилик системасини такомиллаштиришдаги сусткашликда кўриняпти.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, суғорма деҳқончилик ривожланишига тўғаноқ солади, унинг самарадорлигини пасайтиради. Партия ва ҳукумат масалани юзага келган аҳволдан қатъиян ва тезда чиқиб олиш керак деб қўяётганлиги бежиз эмас. Бунинг учун нима қилиш керак?

Бизнингча, бунинг учун суғорма ерларни суғориш ва қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштиришга доир, илмий-тадқиқот ишларини, саноат, сув хўжалиги, совхоз қурилиши, шу жумладан уй-жой, маданий-маиший ва социал қурилишга доир зарур ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш ҳамда бунёд этишни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан кенг фойдаланиш базасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишни, қўриқда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини дастлабки қайта ишлашни изчил, бир-бирига боғлаган ҳолда олиб боришни ўз ичига оладиган сув хўжалиги тадбирларининг бутун мажмуини комплекс ҳолда амалга ошириш керак.

Бунда сўз шунчаки йирик қўриқ массивларини суғориш ва ўзлаштириш комплекс методининг анъанавий принципларига риоя этиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш хусусидагина бораётгани йўқ. Бунда, шубҳасиз, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (1985 йил ноябрь) мувофиқ ҳолда лойиҳалар ва сметалар экспертизаси, капитал маблағлар ва мелиоратив ишларни маблағ билан таъминлаш учун лимитларни белгилаш, тугалланган қурилиш объектларини қабул қилиш функциялари СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидан Давлат агросаноат комитетига берилиши самарали таъсирга эга бўлади.

Илгари ўзлаштирилган майдонларда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш янги ўзлаштирилаётган ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш билан, шунингдек янги ерларни ўзлаштириш суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан оптимал қўшиб олиб борилиши яна бир ғоят муҳим йўналишдир. Маълумки, иқтисодчилар ва хўжалик ходимлари узоқ вақт мобайнида суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ишлаб турган суғориш системаларини қайта қуришга ажратиладиган капитал маблағлар ҳиссасини ошириш таклифини илгари суриб келдилар — мелиорацияга ажратилган капитал маблағларнинг умумий суммасида бу ҳисса 10 процентдан ҳам ошмас эди.

Партия ва ҳукумат ушбу масалани эътибор билан қараб чиқди ва янги ерларни устун миқёсда ўзлаштиришдан воз кечиш хусусида қарор қабул қилинди. Ҳозирнинг ўзида давлат маблағларининг 70 процентдан кўпроғи ремонт-тиклаш ишларига, суғориладиган ерларни реконструкциялаш ва сифат жиҳатидан яхшилашга йўналтирилмоқда. Бу эса ўз самараларини бера бошлади: 1987 йили республикада 117 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, усти ёпиқ горизонтал дренажлар қурилиши суръатлари 2,5 баравар ошди. Тўғри, Ўзбекистонда етарлича самарали мелиоратив фон яратилган янгидан ва эскидан суғориладиган районлар ҳозирча мавжуд эмас, суғорма ерларни тубдан мелиорациялаш проблемаси тўла-тўкис ҳал этилмаган. Лекин усти очиқ ёки ёпиқ горизонтал, шунингдек, вертикал дренажлар қуриш орқали суғорма ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилашнинг муайян тажрибаси тўпланган. Республикада 76 минг километрлик коллектор-дренаж тармоғи, шу жумладан, 18 минг ёпиқ горизонтал дренаж ишлаб турибди, вертикал дренаж учун 3,5 мингта қудуқ қазилди.

Эскидан суғориладиган районларда ерларнинг учдан бири шўрлангани ёки шўрлана бошлагани, янгидан ўзлаштирилаётган майдонларда эса шўрланганлик баъзан 80 процентга бориши факти суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашнинг аҳамиятини кучайтиради. Бундан ташқари, қўриқ зонаси табиий зовурлар кўплиги, ер устки қатлами ҳамда тупроқ ости сувларининг дастлабки шўрланганлиги анчагина эканлиги билан характерланадики, бу нарса мавжуд шўрланганликни бартараф этишнигина эмас, балки суғорма ерлар қайтадан шўрланишининг олдини олиш заруратини ҳам тақозо этади.

Ҳозирги вақтда республикадаги барча суғорма ерларнинг ярмига яқини мелиоратив жиҳатдан яхшиланишга муҳтож. Ҳар йили 500—600 минг гектар майдонда мелиоратив тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, бунга муҳтож бўлган ерлар ҳиссаси камаймаяпти. Бинобарин, ҳозир қилинаётган ишлар етарли эмас, бунинг устига суғорма ерларни тубдан мелиоратив яхшилаш сифати талаб қиладиган даражада эмас. Натижада ерларни ювишга қўшимча сарф-харажатлар қилиняпти (улар эса оз эмас): республикада ҳар йили куз-қиш мавсумида ҳар гектарга 2—3 мингдан 5—6 минг кубометргача сув сарфланган ҳолда 1 миллион гектардан кўпроқ майдонда ўтказиляпти. Бу эса, ўз навбатида, суғориш тармо-

ғини ўз вақтида тозалашга ва ғўза ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун суғорма ерларни тайёрлашга кўпинча салбий таъсир кўрсатяпти.

Суғорма ерларни мелиоратив тармоқ билан тўлиқ таъминлаш, коллектор-дренаж тармоғининг турли хилларини, вертикал дренажни гидрогеологик шароитни ҳисобга олиш билан оптимал қўшиш, мавжуд мелиоратив тармоқдан фойдаланишни жиддий яхшилаш орқали суғорма ерларнинг мелиоратив аҳволини тубдан яхшилашгина бундай ерлар маҳсулдорлигини оширишга имконият яратади.

Хуллас, амалда суғориш ва мелиоратив тармоқнинг бутун системаси реконструкцияга, қайтадан қуришга эҳтиёж сезяпти. Ўзбекистон ССРда 1,5 миллион гектар суғорма ер шамол ва сув эрозиясига учраган, бунинг учдан бирида бу ҳол кучли даражададир. Кўпгина майдонлар тубдан текислашга муҳтож. Сувдан, суғориш системалари ишидан фойдаланиш коэффициентлари паст. Ушбу масалаларнинг ҳаммаси доимо республика раҳбарларининг эътибор марказида турганлиги тушунарли, бу борада кўп ишлар қилиняпти ҳам. Чунончи, 1987 йилнинг ўзидагина 79,5 минг гектар ер тубдан текисланди, 195,5 минг гектар майдонда суғориш тармоғи қайта қурилди ва суғорма ерларнинг сув таъминоти яхшиланди. Лекин ҳал қилинмаган масалалар ҳам бор. Масалан, суғориш системаларини қайта қуриш лойиҳалари кўпинча мавжуд гидромелиоратив тармоқ ҳамда далаларнинг контур чегаралари билан боғланмаган ҳолда ишлаб чиқиладики, бу, хусусан, ҳосилдор тупроқнинг сифат жиҳатидан ёмонроқ қатлам тагида қолиб кетишига, маҳсулдор тупроқнинг пастлик ерларда жойлашишига олиб келади.

Суғориш системаларини қайта қуриш ва реконструкциялашга ажратиладиган маблағлар аслида хўжаликлар ўртасида уларнинг бунга амалдаги эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олмай, ер массивлари, суғориш системалари ва хўжаликларга доир тадбирларни ўтказишда навбатни аниқ белгилаб олмасдан туриб, суғорма ерлар майдонига пропорционал равишда тақсимланади. Суғориш системаларини фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари даражасида тубдан ва комплекс қайта қуришга эриша бориб, бундай практикага тезроқ барҳам бериш керак.

Сув хўжалиги системаларини уларнинг фойдали иш коэффициентлари ҳамда суғорма ерлардан фойдаланишни ошириш мақсадида узлуксиз такомиллаштириш бунда қонуний шарт-шароит ҳисобланади. Деҳқончилик маданияти ҳам, экинлар ҳосилдорлигининг ўсиши ҳам сув хўжалиги тадбирларининг ўтказилишига боғлиқдир. Лекин, улар, юқорида таъкидланганидек, республикада очиқ-ойдин қониқарсиз суръатларда амалга ошириляпти.

Суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратиладиган капитал маблағлар кўпайтирилиши, суғориш системаларини қайта қуриш ва реконструкциялаш, директив ва хўжалик органларининг ушбу масалаларга эътиборининг кучайиши янги ерларни ўзлаштириш аҳамиятининг камайишини билдирмайди. Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида (1988 йил январь) таъкидланганидек, «эскидан ҳайдаладиган ерларни тартибга солишимиз керак. Лекин шу билан бирга оқилона микёсларда, аҳоли ўсишини ҳисобга олган ҳолда янги ерларни ўзлаштириш лозим. Янги ерларни ўзлаштирмасдан туриб қишлоқ хўжалигидаги проблемаларни муваффақиятли ҳал эта олмаймиз. Лекин дарҳол юқори самара олишимиз учун уларни комплекс равишда ўзлаштириш керак».

Суғорма ерлар майдони кўпайиб бориши сабабли уларнинг сақланиб қолишини таъминлаш ва улардан рационал фойдаланиш проблемаси ўзига янада жиддий эътибор беришни тақозо этади.

Ерга тўғри муносабатда бўлинса, ишлаб чиқариш жараёнида, у бошқа меҳнат воситаларидан фарқли равишда, мунтазам яхшиланиб боради. Суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари чекланган шароитда ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлгани учун у авайлаб муносабатда бўлишга муҳтождир деган оддий ҳақиқат алоҳида салмоқ касб этади. Лекин практика ҳамма ҳам бу ҳақиқатни тушуниб етмаётганидан далолат беряпти. Ирригация жиҳатидан тайёрлаб қўйилган ерларнинг бутун майдонидан қишлоқ хўжалик оборотида тўлиқ фойдаланмаслик, уларни қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган эҳтиёжларга ажратиб бериш (кўпинча бунга етарлича асос бўлмагани ҳолда), илмий асосланган алмашлаб экишни суст ўзлаштириш, суғориладиган экинзорларни бошқа кам маҳсулли категорияларга ўтказиш, унинг ўрнига тоғ этакларида, бош-

ка «ноқулай» ерларда жойлаштириш мумкин бўлган кўп йиллик кўчатлар экиш ҳоллари учрайди.

Маълумки, экин майдонларининг агрономия фани асослаб берган структураси, деҳқончиликнинг юксак маданияти билан биргаликда илмий асосланган алмашлаб экиш талабларига амал қилиш суғорма ерлардан, суғориш суви, мелиоратив фондлардан юқори самарали фойдаланиш негизи ҳамда чорвачиликни ривожлантиришнинг, бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳаёт мелиорацияланган ерлардан фойдаланиш учун хўжаликлар ҳамда меҳнат коллективлари раҳбарларининг иқтисодий ва маънавий масъулиятини кучайтириш хусусидаги масалани борган сари қатъий қилиб ўртага қўймоқда. Ушбу масалага доир партия-ҳукумат қарорлари ҳам қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси МҚ ноябрь (1984 йил) пленумининг қарорида суғориладиган майдонлардан фойдаланиш учун хўжалик раҳбарларидан талабни кучайтириш, ер фондининг аҳволи ва бутлиги устидан қатъий назорат ўрнатиш, суғориладиган гектар талон-торож қилинишига, суғориладиган экинзорларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан асоссиз чиқиб кетишига йўл қўймаслик зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Афсуски, ушбу соҳада ҳали тегишли тартиб ўрнатилишига муваффақ бўлинганича йўқ, натижада ирригация жиҳатидан тайёрланган суғорма ерлардан тўлиқ фойдаланиш ва уларнинг сақланиб қолинишини таъминлаш суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим талаблари бўлиб қолмоқда.

Бу ўринда барча районларда ташкил этилган ремонт-эксплуатация бирлашмаларининг алоҳида роль ўйнаши хусусида сўз юритмай бўлмайди. Улар барча гидромелиоратив системаларни реконструкциялаш ва уларга хизмат кўрсатишни ўз зиммаларига олишлари зарур ҳамда ҳар бир гектарнинг мелиоратив ҳолати ва унинг амалий самараси хусусида тўлиқ даражада, шу жумладан моддий жавобгардирлар ҳам. Лекин, Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи секретари 1988 йил 8 октябрда Нукусда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида таъкидлаганидек, бу бўлинмалар ҳозирча ўз ишларини уларга юклатилган вазифаларга мувофиқ тарзда бўлиши йўлида жуда секинлик билан қайта қурмоқдалар, суғорма ерларнинг ҳар бир гектарига хизмат кўрсатишга ўтишни сира истамаяптилар. Госагропром билан Госкомводхоз ана шу ташкилотларнинг ҳар бир гектар экинзор ва ҳар бир литр сувдан самарали фойдаланиш учун бўлган масъулиятини рағбатлантирадиган иқтисодий механизмни узил-кесил ишлаб чиқишлари керак бўлади.

Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш зарур шарт ҳисобланади. Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалик корхоналари ва сув хўжалиги ташкилотларининг фаолияти ягона технологик жараёнга бирлашади, бу ерга йўналтириладиган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва сув хўжалиги натижаларининг мажмуига боғлиқ бўлади. Бинобарин, у иккала жабҳада фан ва техника ютуқларини қўлланишга боғлиқ бўлади. Бу нарса сув хўжалиги соҳасида суғориш ва мелиоратив системалар, гидротехника иншоотлари конструкцияларини, суғориш режимларини, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш методлари ҳамда техникасини такомиллаштиришда, сув хўжалиги қурилишида, суғориш ва мелиоратив системалардан фойдаланишда энг янги машина ва механизмлардан фойдаланишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида эса — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни комплекс механизациялашни жадаллаштиришда, қишлоқ хўжалик экинларининг янги, янада маҳсулдор навларини етиштиришда, тупроққа ишлов бериш технологиясини яхшилашда ва прогрессив агротехника усулларини қўлланишда, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив ва ижара пудратлари сингари прогрессив методларидан кенг фойдаланишда ифодаланиши мумкин.

Суғорма деҳқончилик самарадорлигини оширишнинг юқорида санаб ўтилган йўналишлари билан бир қаторда унинг ривожланишини бошқариш системасини такомиллаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши кейинги ўн йилликларда шаклланган ишлаб чиқариш муносабатларининг орқада қолиши туфайли тўхтаб қолганлиги хусусидаги маълум факт суғорма деҳқончилик соҳасига ҳам тааллуқлидир. Бундай номувофиқликка барҳам бериш мақсадида қўлланилаётган чоралар орасида экономикани бошқариш системасини такомиллаштириш ҳам бор. Агросаноат комплексига, шу жум-

ладан суғорма деҳқончиликка татбиқан олганда улар КПСС XXVII съезди ва унинг МҚ июнь (1987 йил) Пленуми қарорларида, КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида», «Агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида конкретлаштириб берилди.

Агросаноат комплексининг шериклари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш янги хўжалик механизмининг қатъий талаби бўлиб, ҳозирги кунда асосий вазифа ишлаб чиқариш коллективларининг тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга асосланган фаолиятини таъминлашдан иборатдир. Суғорма ерлардан оқилона фойдаланишга, улардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга эриша бориларкан, қишлоқ хўжалик корхоналари билан сув хўжалиги давлат органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни яхшилашни четлаб ўтиб бўлмайди. Сўз хусусан ҳозирги вақтда бюджет таъминотида бўлган сув хўжалигини эксплуатация қилиш давлат органлари фаолиятига аввалига хўжалик ҳисоби элементларини, кейинроқ эса тўлиқ хўжалик ҳисобини ҳам жорий этиш хусусида боряпти. Дарвоқе, сув хўжалиги органлари ишида бошқаришнинг хўжалик ҳисобига асосланган методидан фойдаланиш мумкинлиги аллақачон, аввало Кубань суғориш системаси тажрибасида, 1972 йилдан эса Қирғизистон ССР барча суғориш системалари фаолияти воситасида исботланган. Хуллас, бу ишдаги вазифалардан бири давлат сув хўжалиги органлари билан сувдан фойдаланувчилар — қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзаро алоқаларини яхшилашга, бинобарин, суғориш ишини ривожлантиришни жадаллаштиришга ва унинг самарадорлигини ҳам оширишга самарали таъсир кўрсатувчи мавжуд тажрибани эътибор билан ўрганиш ва ижодий қўллашдан иборат.

Шундай қилиб, республикада суғорма деҳқончиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун имкониятлар оз эмас. Уларни эътибор билан ўрганиш ва айрим мелиорацияланган ва суғориладиган зоналар конкрет шароитларини ҳисобга олган ҳолда улардан фойдаланиш Ўзбекистонда бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ва, бинобарин, аҳолини маҳсулотлар билан, саноатни зарур хом ашё билан таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу йилнинг 8 октябрида Нукусда бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи секретари Р. Н. Нишонов қилган докладда таъкидланганидек, ўлкада амалда туб мелиоратив ўзгартишлар қилиш керак бўлади. Улар шу кунги проблемаларни нафақат сифат жиҳатидан янги даражада ҳал қилади, балки ресурсларимиз болаларимизга, невараларимизга, эвараларимизга хизмат қилиши, бутун мамлакатнинг, бутун совет халқининг фаровонлиги йўлида кўп маротаба самара келтириши учун ҳам имконият яратади.

К. БЕДРИНЦЕВ, А. МИРЗАЕВ

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРИ ҚАЕРДА ЯШАЙДИ?

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МКнинг қайта қуришга раҳбарлик қилишга бағишланган IX пленумида (1988 йил январь) олимларнинг куч-ғайрати республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий проблемаларини ҳал этишга етарлича сафарбар этилмаётганлиги ҳаққоний таъкидлаб ўтилди. Шунингдек перспектив характердаги масалалар билан кўпроқ шуғулланишса деган истак билдирилди, чунки истиқболни кўра олишгина эмас, балки ҳозир унинг учун асос яратиш ҳам керак. Шу билан бирга шундай бир фактни ҳам инкор этмаслик керакки, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев буни бир неча бор кўрсатиб ўтди: ўтмишга қанча кўп мурожаат қилсак, бугун ҳам, эртага ҳам нима қилишимиз кераклигини шунча кўп тушунамиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўтказаётган келгусида республика аҳолиси сони анча кўпайиши (демографларнинг ҳисоб-китобларига кўра XXI аср бошига бориб у икки баравар ошиши мумкин) билан боғлиқ стратегик характердаги регионал илмий тадқиқотларни биз ҳам худди ана шу нуқтаи назардан қараб чиқмоқчимиз.

Бундай перспектива қатор проблемаларни — кўчиб юрувчи аҳоли сонини планли равишда тартибга солиб туриш, уни иш, уй-жой, бошқа социал-маданий неъматлар билан таъминлаш проблемаларини ҳал этишни талаб қилади. Бу масалаларнинг матбуотда кенг муҳокама қилинаётганлиги бежиз эмас. Жумладан СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсуповнинг «Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари: проблемалар ва перспективалар» номли мақоласи («Қишлоқ ҳақиқати», 1988 йил 19 апрель сони) диққатга сазовордир. Унда республиканинг тез ўсиб бораётган аҳолисининг иш билан бандлиги масаласи батафсил қараб чиқилган, унинг меҳнат потенциалидан рационал фойдаланиш йўллари ва имкониятлари ёритилган: бунга саноатда — янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан оқилона фойдаланиш, сменалилик коэффициентини ошириш ва ҳоказолар ҳисобига, қишлоқ хўжалигида — унинг тармоқ структурасини такомиллаштириш, пахтачилик, мева-сабзавотчилик, ипакчилик, шунингдек районларнинг ўз ичида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ меъёрда қондира оладиган тармоқларига ихтисослашувига мувофиқ ривожлантириш йўли билан эришилади.

Шу билан бирга мақолада республика меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга янада тўлароқ жалб этиш зарурати ҳозирнинг ўзидаёқ муайян қийинчиликлар туғдираётгани таъкидланади. Бу қийинчиликлар фақат иш ўринларини эмас, шунингдек уларни барпо этиш ва одамларни жойлаштириш учун зарур бўлган территорияларни ҳам кенгайтириш зарурати билан боғлиқдир. Бу ерда гап ҳам бизнинг авлод, ҳам келгуси авлод тўғрисида боряпти, уларнинг социал ва

БЕДРИНЦЕВ Кирилл Николаевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ЎзССР ФА СОПСнинг илмий консультанти.

МИРЗАЕВ Одил Ёнғинович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси СОПСнинг меҳнат ресурсларини прогнозлаш ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири, иқтисод фанлари кандидати.

маънавий ривожланиши, моддий фаровонлиги ва етарлича бадастир ҳаётий территориянинг зарур даражасига эга бўлишлари учун максимум имконият яратиб берилиши керак.

Бу мавзуни жуда муҳим ҳисоблаб, унга батафсилроқ тўхталмоқчимиз. Ўзбекистон ССРда одамларни жойлаштиришнинг реал имкониятини шунда кўрамизки, ҳозирги суғориладиган зонани янада ривожлантириш билан бирга чўл ва тоғ-тоғ этаклари территорияларидан ҳам тўлароқ фойдаланиш керак. Чўл ва тоғ-тоғ этаклари территорияси ҳиссасига республикамиз барча майдонининг салкам 90 проценти тўғри келади, бу ерда ҳозирча аҳолининг атиги 10 процентигина яшайди. Бугунги кунда бу потенциал ҳаётий кенгликлар ва уларнинг ресурслари экстремал шароитга тушиб қолган. Уларни тўла-тўкис ўзлаштириш — бу осон иш эмас. Ўтган йиллар тажрибаси уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам бериши керак. Ўша тажрибага мурожаат қилайлик.

50-йилларнинг бошларида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига район комплекс проблемаларини ўрганиш юзасидан тадқиқот ишларини кенг авж олдириш топширилган эди, бу ўша давр учун муҳим тадбир ҳисобланиб, у республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга, унинг умумиттифоқ фондига қўшаётган ҳиссасини оширишга, урушдан кейинги экономикани мустаҳкамлашга жиддий ёрдам бериши керак эди. Ўша вақтда Мирзачўлни, Фарғона водийсини, Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноати районини, Бухоро-Навоий, Амударёнинг қуйи оқимидаги ва бошқа районларни ўзлаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилган эди.

Тадқиқотда республика Фанлар академиясининг деярли ҳамма илмий-тадқиқот институтлари, кўплаб идораларга қарашли муассасалар, лойиҳалаш-қидириш муассасалари, олий ўқув юртларининг кафедралари, Госплан ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари иштирок этишди. Ҳамма ишлар ўзаро келишилган ҳолда ягона программа, ягона ният асосида олиб борилди. Тугалланган ишлар ҳукуматга ва олий умумиттифоқ юқори органларига тақдим этилишидан олдин республика ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш Совети мажлисларида муҳокама қилинарди. Совет составига (сони 20 кишидан ортарди) йирик олимлар, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қатор институтларининг директорлари, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш муассасаларининг раҳбарлари, ишланмаларда бевосита иштирок этган Госплан ва айрим ташкилотларнинг мутахассислари кирган эди. Советнинг ҳар бир аъзоси проблеманинг умуман тўла-тўкис ҳал этилишидан у ёки бу тарзда манфаатдор эди. Бу ишга раҳбарлик қилган республика ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш совети (СОПС) ўша йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми қошида эди.

Эҳтимол, бу практикани чўл, тоғ ва тоғ этаклари зоналарини бундан буён ўрганишга ҳам татбиқ қилишнинг маъноси бордир. Тўғри, бу районларни хўжалик нуқтаи назаридан ўзлаштириш учун келгусида амалга ошириладиган ишларнинг ҳажми, характери, илмий мазмуни ва табиат ҳамда инсон олдидаги масъулияти бирмунча ортади, албатта. Бу ишга ёндашишда бугунги кунда, бизнинг фикримизча, академик В. И. Вернадскийнинг тасаввурларига албатта жавоб берадиган анча юқори илмий даража зарур. Унинг моҳияти биосферани — эндиликда ноосферани янгича, янада тўлароқ ва чуқурроқ тушунишдадир. Модомики биосфера ҳаётнинг ер куррасида тарқалиш соҳаси бўлса, ноосфера — бу инсоннинг оқилона фаолияти, «биринчи навбатда, В. И. Вернадскийнинг сўзлари билан айтганда, илм-фаннинг ўсиши, унга асосланган инсониятнинг социал меҳнатини илмий нуқтаи назардан тушуниш» туфайли шаклланадиган ернинг бир қисмидир.

Ҳозирги замоннинг атоқли табиатшуноси В. И. Вернадский 50 йил муқаддам «табиатга тушадиган антропоген оғирликнинг ҳар томонлама ортиб бориши, инсоннинг табиати ташкил этувчи фактор эканлиги, табиатга кўрсатиладиган таъсирни унинг имкониятлари билан қиёслаб бориш зарурлиги, яъни агар ундаги антропоген оғирликнинг ортиб кетишига йўл қўйилса, бу биосфера учун бир фалокат эканлиги тўғрисида» гапирган эди. Бугунги кунда бу фикрнинг тўғрилигини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Орол денгизи ҳавзасидаги табиий муҳитнинг ҳозирги аҳволи, Қорақум канали зонасидаги даштнинг ботқоқланиши, тоғ зонасидаги ва чўл ўтлоқларда ўсимликларнинг озайиб кетиши бунга ибратли мисол бўла оладики, ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда ҳамма нарса экологик

чекка чегарада турибди ва тегишли тадбир-чораларнинг бутун бир системасини зудлик билан амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш комиссиясининг Чирчиқ ва Ангрен дарёлари ҳавзасидаги табиий муҳитнинг жиддий, ҳалокатли даражада бузилаётганлиги тўғрисидаги материаллари ҳам ташвиш туғдиради. Уларга ифлосланган ортиқча сувларнинг оқизиб юборилиши Қибрай сув олиш иншооти ва бу ҳавзадаги шаҳар ҳамда қишлоқларни сув билан таъминловчи бошқа манбаларнинг ишдан чиқиши учун реал хавф туғдирмоқда. Райoннинг бир қатор жойларида санитария-гигиена жиҳатдан оғир вазият юзага келди.

Буларнинг бари кўпгина мутахассислар — бу соҳадаги муҳим проблемаларни ўрганиш ва ҳал этиш билан машғул бўлаётган табиатшунос олимлар ва амалиётчи ходимларнинг диққат-эътиборини В. И. Вернадскийнинг биосфера-ноосферага оид концепциясига тортди. Ўзбекистон олимлари қўшни республикалардаги ҳамкасблари билан биргаликда келажак авлодларнинг тўкис яшашлари учун Ўрта Осиёнинг тоғ-тоғ этаклари ва чўл зоналарини ўзлаштиришнинг илмий асосларини (концепцияларини) В. И. Вернадский ўйлаган тарзда ишлаб чиқишга қодирмиканлар? Албатта, қодирлар. Ҳозир расмий илмий ва бадиий-публицистик нашрларда одамларни Ўзбекистондан Ноқоратупроқ, Сибирь ва мамлакатимизнинг аҳолиси кам бошқа районларига кўчириш имкониятлари тўғрисидаги фикр тез-тез баён этиляпти. Лекин, одамлар — бу асбоб-ускуна эмаслиги, уларни бир жойдан бошқа жойга шунчаки ташиб олиб бориб қўйиш мумкин эмаслиги тўғрисида ҳам кўп ёзилди. Хоҳлаганлар шартномалар асосида ташкилий қабул йўли билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтмоқдалар ва бундан кейин ҳам ўтаверадилар. Лекин улар озчиликни ташкил этади. Ўзи туғилиб ўсган жойни ташлаб кетишни истамаганлар анча кўпроқ. Айни шу туғилиб ўсган ерларни, айниқса тоғ-тоғ этагидаги ва чўл зонасидаги жойларни одамлар қулай яшайдиган ва меҳнат қиладиган ҳолатга келтириш керак.

Хўш, фан бу йўлда нима қилди ва келгусида нималар қилиши керак?

Сув ресурслари ва суғориладиган ерларни кенгайтириш имконияти чекланганлиги туфайли чўл, тоғ ва тоғ этакларидаги ерлар ҳисобига республика аҳолиси учун ободонлаштирилган яшаш жойларини кўпайтириш муқаррар бир перспектива эканлиги 70-йилларнинг охирларидаёқ назарда тутилган эди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш совети олимлари ўшандаёқ бу проблемани комплекс ўргана бошлаган эдилар. Ўтган йилларнинг иш якунлари умумлаштирилди, янги қўшимча тадқиқотлар ўтказилди ва натижалар коллектив томонидан тайёрланган икки монографияни ташкил этди, улар: «Ўзбекистон ССР чўллари ва ярим чўлларининг иқтисодий потенциали ва уни реализация қилиш йўллари» (1987 йил) ва «Ўзбекистон ССР тоғлари ва тоғ этакларининг иқтисодий потенциали ва уни реализация қилиш йўллари» (1988 йил) номи билан «Фан» нашриётида босилиб чиқди.

Мазкур монографияларда шу территорияларнинг ресурсларидан принципиал жиҳатдан янги технологик асосда фойдаланиш таклиф этиладики, у экологик вазиятга салбий таъсир этмайди. Олимлар ҳозир ишлаб турган йигирмата тоғкон саноати корхоналарини мавжуд фойдали қазилмалар базасида ривожлантириш ва реконструкция қилиш билан бирга тегишли ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурага — йўллар, электр узатиш линиялари, сув билан таъминлаш системалари, қурилиш базаларига эга бўлган ундирма корхоналаридан яна камида 15 тасини барпо этиш мумкин деб ҳисоблашади.

Ҳозирги вазиятда яна шу нарса ҳам муҳимки, юқорида гап юритилган зоналарни бундан буён ўзлаштириш озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга жиддий ҳисса қўшиш имконини беради. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, тоғ-тоғ этаклари зонасида агросаноат комплексини ривожлантириш орқали у ерда келгусида ҳар йили 400 минг тонна атрофида узум, 350 минг тонна мева олиш, тирик вазнда 200 минг тонна гўшт, чўл зонасида (чўл яйловларини кенгайтирган ҳолда) қоракўл қўйлар сонини 14—20 миллион бошга ва гўшт етиштиришни тирик вазнда — 140—200 минг тоннага етказиш мумкин бўлади. Лекин булар келажакда мўлжалланган умумий имкониятлардир, холос.

Бундан ташқари, юқорида тилга олинган монографияларда тоғ ва тоғ этак-

лари зоналари бўйича минерал-хом ашё ресурслари, ундирма ва қайта ишловчи корхоналарнинг ҳозирги аҳволи, бу тармоқларни ривожлантиришнинг потенциал имкониятлари, кон саноати районлари ва узелларини шакллантириш истиқболлари дифференциал тарзда ёритилган. Бу зонада агросаноат комплексларини ривожлантириш аспектида лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик-узумчилик ва тоғ-яйлов хўжалигининг табиий шароитлари ва ресурслари, қишлоқ хўжалик потенциали кўрсатиб берилган, умумий хулосалар ва таклифлар берилган.

Хуллас, монографияларда баён этилган материаллар республика тоғ-тоғ этаклари ва чўл зоналарининг аҳволи, уларни ривожлантириш имкониятлари ва йўналишлари тўғрисида муайян тасаввур беради. Лекин уларда конкрет, илмий асосланган амалий таклифлар, шу жумладан коллектив ақл-идрок — фан ва техника ҳиссасини кўпайтириш ҳисобига биосфера зонасини бойитишга, экологик тўсиқлар бузилишининг олдини олиш учун уларнинг табиатга кўрсатадиган антропоген оғирлигини чеклашга қаратилган таклифлар етишмайди. Зонанинг бугунги ва келгуси аҳолиси ҳаёти учун энг яхши, қулай шароитлар яратиб бериш, қуёш инсоляцияси, шўр босган ерлар ва сув ресурслари, шамол энергиясидан фойдаланиш даражасини оширишга оид таклифлар ҳам йўқ. Геохимик, геофизик ва геология-қидирув ишларининг бошқа энг янги комплекс методларидан фойдаланган ҳолда фойдали қазилмаларни янада чуқурроқ излашни кенгайтириш ҳақида ҳам монографияларда ҳеч нима дейилмаган. Тадқиқотлар вазифаси ва предметининг яхлит мазмунини, бу проблемани ҳал этишда фақат олимлар ҳамда мутахассислар эмас, шунингдек амалиётчи активистлар ҳам кенг иштирок этиши зарурлигини янада чуқур очиб бериш керак бўлади. Бизнинг фикримизча, тоғ-тоғ этаклари ва чўл зоналарида табиий ўсимликларни тиклаш ҳамда маданий экинларни экишда халқ қурилиши усулидан фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, бу ерда тез ўсаётган аҳоли келажак авлодларини жойлаштириш мақсадида Ўзбекистон ва Ўрта Осиё бошқа республикаларининг тоғ-тоғ этаги ва чўл зоналарини янада тўлароқ ўзлаштириш проблемаси жуда муҳим ҳаётий проблемадир. Шунинг учун ҳам унга тор маҳаллий, ҳатто республика проблемаси деб эмас, балки умумиттифоқ проблемаси деб қаралиши керак. Буни мамлакатда юз берган объектив вазият ва Ўрта Осиё регионида қатъий барқарор экономикани барпо этишни таъминлайдиган конструктив ёндашув тақозо этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси СОПС ва республиканинг бошқа илмий-тадқиқот ташкилотларининг олимлари томонидан ўтказилган ишланмалар юқорида кўрсатиб ўтилган зоналарда хўжаликларни ташкил этиш ва одамларни жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беради. Дарвоқе, бу проблемалар Ўзбекистонда ҳам, умуман бутун Ўрта Осиёда ҳам ишлаб чиқарувчи кучларнинг бутун комплексини янада ривожлантириш ва уни жойлаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқдир. Тоғ ва тоғ этаклари зонаси уларда биринчи навбатда жанубий боғдорчилик ва мевани қайта ишловчи, кон ундирма ҳамда ундирилган хом ашёни қайта ишловчи саноат, рекреацион базалар, дам олиш зоналари ва шаҳар атрофидаги сабзавот-чорвачилик хўжаликларининг келгусидаги йирик райони сифатида тақдим этилади. Бу зонага асосан данакли мевалар — ўрик, шафтоли, олча, шунингдек анор, хўраки узум навлари ва ёнғоқ, бодом, писта етиштириш юзасидан бутун иттифоқ бўйича ихтисослашган район деб қаралянти.

Бу прогнозлар олимларнинг шунчаки эзгу истаклари бўлиб қолмаслиги (улар айрим илмий ишларда баён этилган ҳам) учун улар яқин вақтларда халқ хўжалик планларида акс этиши, ким, қачон ва қаерда нима қилиши кераклиги аниқ кўрсатиб берилиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ экиладиган кўчат турлари составини аниқлаш ва қатъий районлаштириш, тегишли питомниклар, мевани қайта ишловчи корхоналар совхозларини, шунингдек узоқ истиқболда кон-ундирма ва кон қайта ишловчи корхоналар ҳамда рекреацион базаларни жойлаштириш ва ривожлантиришни аниқлаб олиш керак. Геологлар, гидрогеологлар ва ирригаторлар фойдали қазилмалар ҳамда ер ости сувларини излаш ва ўзлаштиришнинг энг перспектив районларини қайта-қайта аниқлаб олишлари керак. Шунингдек фақат зонанинг ўзига боғлиқ бошқа вазифалар ҳам борки, уларни пайсалга солмай тезда ҳал этиш керак. Масалан, тоғ ва тоғ этаклари шароитларида ишлашга мўлжаллан-

ган қишлоқ хўжалик машиналарининг тегишли системасини яратиш ана шундай вазифалардан биридир.

Чўл зоналари учун ҳам тахминан шу хилдаги вазифалар турибди. Қоракўлчиликни энг оптимал даражада ривожлантириш, маҳаллий халқ селекцияси йўли билан қўйларни — экстремал табиий шароитлар: сувсизлик, қуруқ ем-хашак, 50 градус иссиқ билан 50 градус совуқ ўртасида ўзгариб турадиган об-ҳавога мослаша оладиган ноёб моллар зотини кўпайтириш ана шу вазифалар ичида биринчи ўринда туради. Шунингдек республикамизнинг бу зонаси учун зарур бўлган яйлов-озуқа ва бошқа ўсимликларнинг, шу жумладан мевали ўсимликларнинг оптимал составини танлаб олиш ва тўлдириш; яйловларни районлаштириш, запас ем-хашак, озуқабоп сабзавот ва боғ-ток кўчатлари етиштириш базаси сифатида майда воҳали суғориш районларини аниқлаш ва уларнинг контур картасини яратиш; совхозлар составида чорвадорлар учун ичиладиган ва суғориладиган сув билан таъминланган таянч поселкаларни барпо этиш керак бўлади.

Шак-шубҳасизки, тоғ-тоғ этаклари ва чўл-яйлов зоналарини келгусида бекаму кўст ўзлаштириш етарли даражада ривожланган ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани: йўллар, транспорт воситалари, электр узатгич линиялари, қурилиш базалари, водоводлар ва насос станциялари, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа социал-маданий муассасаларга эга бўлган обод қишлоқларни барпо этишни тақозо этади.

Юқорида тилга олинган барча ишлар билан боғлиқ планларни олдиндан эълон қилиш (тегишли хариталардан фойдаланиб) ва кенг муҳокама қилиш керак деб ҳисоблаймиз. Бу, шубҳасиз, юқорида тилга олинган территорияларни ўзлаштиришда яхши стимул бўлиб хизмат қилади, чунки одамларга ўз келажагини реал тасаввур этишларига ёрдам беради, зеро ўша режаларни амалга оширишда одамлар ҳозирданоқ актив иштирок этишлари керак.

Шу мақсадда, юқорида кўрсатилган зоналарда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича олиб борилаётган илмий-қидирув ишлари ва амалга оширилаётган тадбирлар йўналишини очиб берувчи илмий-оммабоп брошюра тайёрланса ва нашр этилса, яхши бўларди, унда тегишли харита-схемаларда келгусида яшаш ва меҳнат қилиш учун ўзлаштирилаётган территорияларда нималар қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилиши керак.

Буларнинг ҳаммаси олимлар, мутахассислар, табиатшунослар ва иқтисодчилар зиммасига кўрсатиб ўтилган территорияларни янада ривожлантиришнинг оқилона йўлларини топиш учун бу территориялар биосферасини янада чуқурроқ ўрганиш вазифасини юклайдики, улар табиатга антропоген оғирликнинг ортиқча бўлишини ва экологик бузилишни истисно этсин, бунда илгари йўл қўйилган хатоларни эътироф этишдан, фан ва практиканинг бу соҳасида тан олинган фикр-мулоҳазаларни ўзгартиришдан чўчимаслик керак. Шунингдек республиканинг тоғ-тоғ этаклари ва чўл зоналарида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича илгари бажарилган ишлардаги таклифларни перспектив планга киритиш учун уларни қайта кўриб чиқиш ва системалаштириш керак.

Мамлакатда қайта қуришни амалга ошириш давомида жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида жуда улкан ишларни бажариш керак бўлади. Партия ана шу масъулиятли даврда жамиятнинг илмий, интеллектуал кучларига катта умид боғлайди. Лекин муваффақиятнинг энг муҳим шарти — мўлжалланган ишларни амалга оширишда кенг халқ оммасини активлаштиришдан иборат. Бу жараён тобора кучайяпти. КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев 1988 йил 8 апрелда Ўзбекистон Компартияси МҚда республика раҳбар ходимлари олдида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, одамлар социал лоқайдлик, юз бераётган нарсаларга бепарво қараш ҳолатидан чиқмоқдалар. «Нима учун шундай? Шунинг учунки, — деб давом этди М. С. Горбачев, — ҳозир одамлар жамият ҳақида, ўз республикаси тўғрисида, бугунги ва кечаги кун ҳақида, келгусида нималарни амалга ошириш кўзда тутилаётгани тўғрисида кўпроқ биладилар. Агар одамлар буларнинг ҳаммасини билсалар, улар умумий жараёнга қўшила бошлайдилар». Авторлар ушбу мақолани эълон қилар эканлар, диққат-эътиборни кўтарилган проблемага жалб этиб, ўзбекистонликларнинг ҳозирги ва келажак авлодлари манфаатлари йўлида унинг тез ҳал этилишига ёрдам беришни кўзда тутишди.

Б. КОНОНЕНКО

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ: СОЦИАЛ-ДЕМОГРАФИК ЖИҲАТЛАР

Меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги рационал ва самарали бўлишини таъминлаш социал-иқтисодий ҳаётни қайта қуриш жараёнида Ўзбекистон ССРда ҳал қилинаётган биринчи навбатдаги, ғоят актуал вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтмишда йўл қўйилган, қайта қуришгача бўлган давр учун хос бўлган ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар, хўжалик механизмининг самарадор эмаслиги ҳамда социал соҳага эътибор сустлиги республика аҳолиси табиий ўсишининг мавжуд юқори даражаси билан биргаликда кейинги йилларда тилга олинган проблемани жуда кескинлаштириб юборди. Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР ҳукумати уни ҳал этиш хусусида доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани ана шу сабабли ҳам қонунийдир. Шу мақсадда махсус ҳукумат комиссияси тузилди, илмий кучлар эътибори бир ерга жамланди.

Кейинги 10—15 йил ичида иқтисодчилар, философлар, тарихчилар, партия ва совет ходимлари томонидан республикадаги социал-демографик вазият анализ қилинган, унинг жуда катта меҳнат потенциалини регионал тақсимлаш ва ундан фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан тўлиқ банд бўлишини таъминлашнинг турли йўллари, восита ва методлари таклиф қилинган бир қанча асарлар эълон қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда, 1986—2005 йиллар мобайнида республикада 3,5—4 миллион иш ўрнини яратиш зарур бўлади. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўзидагина меҳнатга қобилиятли тахминан 600 минг гражданни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш режалаштирилган. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ ижтимоий фойдали меҳнат ёки таълим олиш билан банд бўлмаган кишилар сони ушбу рақамдан ошиб кетган ва у бундан буён ҳам кўпайиб бораверади, чунки республика аҳолисининг ўсиши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилаётганлар миқдоридан анчагина олдинда боряпти. Масалан, 1986 йилда ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг ўсиш суръати 1985 йилга қиёслаганда (0,97 процент) аҳолининг ўсиш суръатидан (2,9 процент) деярли уч баравар паст бўлган эди.

Бундай шарт-шароитда меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини ошириш жуда ўткир сиёсий, иқтисодий ва социал проблема бўлиб қолишини англаб етиш мушкул иш эмас. Бугунги кунда иш билан бандлик проблемасини ҳал этишда қуйидаги стратегик йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ижтимоий ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш, социал факторларни ҳамда меҳнат фаолиятининг шарт-шароитини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва ривожлантириш асосида техника ва ускуналардан янада самарали фойдаланиш, республиканинг қишлоқ жойларида, ишчи посёлкаларида, кичик ва ўрта шаҳарларида янгидан қурилаётган

КОНОНЕНКО Борис Иванович, СССР Ички ишлар министрлиги Тошкент олий мактаби КПСС тарихи кафедраси бошлиғининг ўринбосари, философия фанлари кандидати.

корхоналарни кадрлар билан тўлдириш мақсадида туб ерли миллатларга мансуб кишилар ҳисобига ишчилар синфининг ўсишини таъминлаш; регион ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам қишлоқ аҳолисининг миграцион ҳаракатчанлигини ошириш. Тилга олинган йўналишлардаги ишларнинг реал аҳволини таҳлил қилиб кўрайлик-чи.

Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг зарур шарти бўлмиш юқори унумли техника ва ускуналардан самарали фойдаланиш, унинг сменалилиги коэффициентини ошириш меҳнат ресурслари билан таъминланган регионларда иш кучининг талайгина қисмини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Масалан, Қўқон саноат корхоналарида кейинги икки йил ичида ускуналарнинг сменалилигини ошириш ҳисобига 1830 киши ишга жойлаштирилди. Лекин иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишнинг бундай реал резервидан жуда самарасиз фойдаланиляпти: республикада икки, уч сменали ишга ўтиши керак бўлган корхоналарнинг ҳозирча учдан биридан камроғи ана шундай режимда ишлаяпти. Ҳатто «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ва В. П. Чкалов номли авиация бирлашмаси каби илғор ишлаб чиқариш бирлашмаларида программа билан бошқариладиган ускуналардан, ишлаб чиқарадиган марказлар, автомат линиялар, мослашувчан ишлаб чиқариш модулларидан атиги 1,5 смена мобайнида фойдаланиляпти.

Мутахассислар Ўзбекистонда кўп сменали иш режимига тўлиқ миқёсда ўтилиши қўшимча равишда салкам 300 минг кишини иш билан банд этиш имконини яратади деб ҳисоблаяптилар. Ушбу вазифанинг ҳал этилиши, ташкилий масалаларни (корхоналар, ускуналар, кадрлар ва шу кабилар миқдорининг ҳисоб-китобини) ишлаб чиқишдан ташқари, социал жиҳатларга жиддий эътибор беришни талаб этади. Сўз унга эргашиб келадиган проблемалар комплекси ҳақида, хусусан: умумий таълим мактабида конкрет регионда халқ хўжалиги ривожланишининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашнинг амалий йўналганлигини таъминлаш; ҳунар-техника ўқув юртларининг профилини илмий асосда белгилаш, уларни ўқувчилар билан ҳар томонни ўйлаб комплекслаш; кўп сменали иш шароитида меҳнат ва дам олиш учун нормал шароит яратиш ва ҳоказолар тўғрисида боряпти. Буларнинг бари инсон омилини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, кишилар ўртасида жуда катта ташкилотчилик ва тарбия иши олиб бориш, қарорлар қабул қилишда ижтимоий тараққиётга катта зиён етказган волюнтаризмга йўл қўймаслик зарурлиги билан бевосита боғланган.

Меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш айниқса уларни тайёрлаш ва тақсимлаш борасида комплекс ҳолда ва айни вақтда табақалаштириб ёндашиш туфайли мумкин бўлади. Масалан, республикамизда аҳолининг, бинобарин, меҳнат ресурсларининг ҳам асосий ўсиши туб ерли аҳоли ўртасида туғилиш юқорилиги ҳисобига бўлаётгани маълум. Демак, маҳаллий миллатларга мансуб ёшларни касбга йўллашда асосий эътибор ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаси учун (биринчи навбатда иқтисодий ривожланишни белгиловчи саноат тармоқлари ва қурилиш учун) ишчиларни тайёрлашга қаратилиши керак.

Туб ерли миллатларга мансуб кишилар ҳисобига ишчилар синфи сафларининг ўсиши иттифоқдош республикалар ҳамда уларда яшовчи халқларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини бараварлаштиришда, уларни ижтимоий муносабатлар бутун системасини такомиллаштириш жараёнига узвий жалб этишда ғоят муҳим омил бўлаётгани учун ҳам бу ҳол айниқса муҳимдир. Шу нарса эътиборга лойиқки, Ўзбекистонда кейинги йигирма йил мобайнида ўзбек ишчилари сони туб ерли аҳолининг умумий сонига қараганда уч баравар жадалроқ ўсган. Лекин республика саноат ишлаб чиқаришининг етакчи тармоқларида туб ерли миллатларнинг салмоғи ҳозирча паст. Бунинг устига меҳнат характери ва мазмуни, малака, маълумот бўйича ишчиларнинг турли группалари состави бир хилда эмаслиги кўзга ташланади. Ушбу ҳолат кўп даражада республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлар, техника тараққиёти, маданият ривожланиши даражаси билан фарқланувчи турли районларида моддий ва маънавий қадриятлар бир маромда тақсимланмаслиги билан шартланади.

Ишчилар синфи сафини тўлдириш, саноат ишлаб чиқаришидаги меҳнатнинг нуфузини кўтариш учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг биринчи навбатда техника тараққиётини белгиловчи тармоқлардаги профессионал ўсиши учун шарт-шароит

яратиш, техника тараққиётига, энг замонавий маҳсулот ишлаб чиқаришга дахлдорликдан фахрланишни тарбиялаш лозим. Айни малакали саноат ишчилари ишчилар синфи миллий кадрларининг ўзагини ташкил этишини унутмаслик керак.

Ҳолбуки республикада ҳунар-техника таълими структураси жиддий бузилган, бу таълим асосан қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга қаратилган: ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг умумий сонида бўлажак индустрия ишчилари атиги 19 процентни ташкил этади. Қолаверса, саноат учун кадрлар тайёрланадиган жойларда туб ерли миллатлар ўқувчиларининг салмоғи жуда паст. Шу билан бирга Тошкент савдо билим юртларида улар 80 процентдан кўпроқдир.

Туб ерли миллатлар вакилларидан ишчилар синфи шаклланишига таъсир кўрсатувчи субъектив факторларга, бизнингча, улар турмуш укладига хос анъанавий ўтроқлик, катта оила бўлиб яшаш каби бир қатор хусусиятлар киради. Бунинг натижасида ёшлар уй таъсиридан кийинчилик билан узоқлашадилар, уларнинг ишчилар коллективига киришиб кетиш жараёни мураккаброқ кечади.

Албатта, меҳнат ресурсларини бошқариш методларини танлашда, демографик сиёсатни ишлаб чиқишда регионларнинг миллий ва социал-маданий хусусиятлари жуда диққат-эътибор билан ҳисобга олиниши керак. Лекин бунда социал-иқтисодий ривожланиш ва тарбия ишидаги чиқимлар кўпинча анъаналар ва урф-одатлар ҳисобига бўлаётганига эътиборни қаратмаслик мумкин эмас. Сабаб билан оқибатнинг ўрни алмаштириляпти, анъаналарни рўкач қилиш эса кўпинча хеч қандай иш қилмаслик учун, миллий урф-одатларга аралашмаслик ниқоби остида проблемаларни ҳал этишдан қочиш учун қулай важдан бошқа нарса эмас. Масалан, республикамиздаги кўпгина ёш деҳқонлар ота-боболаридан қолган ярoғлардан фойдаланиб примитив меҳнат билан шуғулланишлари факти анъаналарни давом эттириш истаги билан эмас, балки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техникавий жиҳозланиши паст даражада эканлиги билан изоҳланади. Бунинг устига консерватив турмуш уклади ижодга бўлган эҳтиёжнинг ривожланишига тўсқинлик қиляпти. Қишлоқ мактабларимиз мамлакатнинг социал-иқтисодий ҳаётини қайта қуриш планлари назарда тутган баркамол шахсни шакллантириш вазифасини ҳозирча эплай олмаётганини ҳам эътироф этиш керак.

Тарбия иши билан шуғулланувчи кишилар энди сусткашлик қилишлари мумкин эмаслигини англаб олишлари учун вақт етди. Кишиларни турғунлик ҳолатидан чиқариш лозим. Ишни аввало жойлардаги ишлар аҳволини, конкрет районларда социал-психологик муҳитни жадал ўрганишдан бошлаш керак. Бу нарса меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишга ҳам тааллуқлидир.

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган районларда ишлашга қишлоқ аҳолисини жалб этган ҳолда саноат корхоналари қурилишини кенгайтириш энг яқин истиқболда иш билан бандлик проблемасини ҳал этиш ҳамда Ўзбекистон ишчилар синфи составида миллий кадрларни кўпайтиришда муҳим роль ўйнаши керак. Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи секретари Р. Н. Нишонов КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси матбуот марказида 1988 йил 29 июнда сўзга чиқиб айтганидек, ортиқча меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш соҳасига жалб этиш мақсадида республика территориясида 1995 йилгача қайта ишловчи ва енгил саноатнинг 152 корхонасини қуриш мўлжалланган. Бундан ташқари, 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон қишлоқ жойларида, район марказлари, йирик посёлкаларида саноат корхоналарининг филиал ва цехлари қурилмоқда. Ҳозирги вақтда уларда 80 мингдан кўпроқ киши ишламоқдаки, уларнинг асосий қисми туб ерли миллат ёшларидан иборат.

Лекин шу борада қабул қилинган қарорларни амалга ошириш суръатлари бизни қониқтирмайди. Бизнингча, оғир индустрия йирик корхоналарининг замонавий ускуналар билан жиҳозланган филиаллари тармоғини анчагина кенгайтириш ҳамда қайта ишловчи саноат объектлари бунёд этилишини жадаллаштириш, маҳаллий ҳунармандчиликни активроқ ривожлантириш лозим. Зеро, иш кучининг меҳнат ресурслари ортиқча бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан бошқа тармоқларга аста-секин қуйилишининг реал йўллари ана шундайдир.

Албатта, бунда социал характердаги бир қатор проблемалар юзага келади. Биринчидан, бундай корхоналардаги ишни жозибали қиладиган шарт-шароит яратилмаса, иш кучини тўплашда қийинчиликлар пайдо бўлади. Иккинчидан,

бош бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарларига филиалларни ташкил этиш билан биргаликда нафақат ишлаб чиқаришга доир, шу билан бирга кўп сонли социал-маиший масалаларни ҳам ҳал этишларига тўғри келади. Учинчидан, айникса қишлоқ жойларда ёшларни касбга йўллаш ва бир мақсадни кўзлаб тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли иш жойларини малакали кадрлар билан комплектлаш манбаларининг заифлиги, кўпинча эса ишончсиз эканлиги ҳам мавжуд.

Республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларида қишлоқда, кичик ва ўрта шаҳарларда ўқув юртлари қурилиши кўзда тутилган. Афсуски, у паст суръатларда олиб борилянти. Масалан, ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон ССРнинг собиқ Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ажратилган маблағларнинг атиги 79 проценти ўзлаштирилган. Бундай ўзлаштирмаслик, ҳисоб-китоб маълумотларига қараганда, оммавий профиллардаги салкам 15 минг ишчини тайёрлашга имкон бермаган.

Ҳунар-техника ўқув юртлари қурилишини планлаштириш чоғида саноат корхоналарининг перспективали ривожланиши ҳамда уларни кадрлар билан таъминлаш етарлича ҳисобга олинмайди. Бошқа проблемаларнинг, жумладан, социал-педагогик проблемаларнинг кескинлашуви ана шунга боғлиқ. Агар ташкилий ва иқтисодий томондан мустаҳкамланмаса, мактаб ўқувчиларининг хеч қандай, ҳатто ғоят мукаммал равишда ҳар томонлама касбга йўлланиши ҳам ишчиларнинг зарурий оқимини таъминлай олмайди. Кўринишича, касбга йўллаш проблемаларини ишлаб чиқиш ва уни ўтказиш билан шуғулланувчи республика Госплани, Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети бўлимлари социал-демографик факторларнинг бутун комплексини ҳисобга олган ҳолда кадрларга бўлган эҳтиёжни чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганишлари, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, профессионал структурадаги ўзгаришларни қисқа вақтга ва узоқ муддат учун прогнозлашни амалга оширишлари, давлат планлаштириш, халқ таълими органлари, жамоат ташкилотлари ишини координация қилишлари керак бўлади.

Халқ хўжалиги қурилиши микёсларининг кенгайиши ва меҳнат ресурсларини оптимал тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш зарурати аҳолининг регион ичидаги ва регионлараро миграцион ҳаракатчанлигини ошириш эҳтиёжини туғдиради. Марксизм-ленинизм классиклари миграция жараёнлари яққол социал характер касб этишини бир неча марта уқтириб ўтган эдилар. Масалан, В. И. Ленин таъкидлаган эдики, «аҳолининг ҳаракатчанлигини вужудга келтирмай туриб унинг тараққий қилиши ҳам мумкин эмас ва, кишиларга жанубда ҳам, шимолда ҳам, деҳқончиликда ҳам, саноатда ҳам, пойтахтда ҳам, узоқ бурчакларда ҳам турли муносабатлар ва тартиблар билан мустақил суратда танишиш имконини берадиган нарсани ҳар қандай қишлоқ мактаби ҳам бера олади, деб ўйлаш жуда соддадиллик бўлар эди» (Тўла асарлар тўплами, 3-том, 276-бет).

Социализм шароитида миграция жараёнлари меҳнат ресурсларини рационал тақсимлашга ёрдам беради ва мамлакат умумий социал тараққиётининг бир қисми ҳисобланади. Уларнинг моҳияти, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига таъсир кўрсатиш даражаси социалистик системанинг динамизмидан, унинг иқтисодий, социал ва маънавий структураси ривожланганлигидан, жамият эҳтиёжлари мазмунидаги ўзгаришлардан, интернационал алоқалардан, шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларидан далолат беради. Лекин Ўзбекистон туб ерли қишлоқ аҳолисининг миграцион ҳаракатчанлиги ҳозирча, мисол учун, Россия, Украина, Белоруссия ёки Болтикбўйи республикалари қишлоқ аҳолисига қараганда анча паст. Индустриялаштириш ривожланиб бораётгани, янги шаҳарлар пайдо бўлаётгани, меҳнаткашларнинг маълумот ва маданият даражаси ўсганлигига қарамай, Ўзбекистон ССР қишлоқ жойларида аҳолининг ўрнашиш жараёни кейинги йигирма йил ичида нафақат заифлашмади, аксинча, абсолют кўрсаткичларда кўпайди ҳам: агар 1970 йили қишлоқда 7,5 миллион киши яшаган бўлса, 1987 йилга келиб эса 11 миллион кишидан ошиб кетди.

Бунинг асосий сабабини, шубҳасиз, Ўзбекистон туб ерли аҳолиси ижтимоий ҳаётининг тарихан шаклланган шарт-шароитидан излаш керак. Бошқа сабаблар қаторида кўп болали оилаларга эга бўлишнинг қулайликлари кўплиги (асосан томорқа участкалари ҳисобига) ҳақида қишлоқ аҳолиси орасида кенг ёйилган фикрни (бундай оилалар сони республикада йилдан-йилга кўпаймоқда) ҳамда

янги ўзлаштирилган жойларда социал инфраструктура етарлича ривожланмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳолбуки Ўзбекистоннинг бир қатор регионларида туғилиш даражасининг юқорилиги натижасида нафақат аҳолининг иш билан бандлиги, балки унинг яшаши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида ҳам кескин вазият юзага келиб қолган. Масалан, агар республика бўйича аҳолининг зичлиги ҳар бир квадрат километр учун 1987 йил 1 январда ўртача 42,5 кишини (1970 йилда 26,4 эди) ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Хоразм областида 150,6 (88,4), Наманган областида 174,5 (107,2), Фарғона областида 287,6 (187,6), Андижон областида 388,6 (252,1) кишига тенг бўлган. Ушбу областлар аҳолисининг бир қисмини янги қурилиш районларига ҳамда Сирдарё ва Қашқадарё областлари совхозларига кўчиришга доир чоралар ҳозирча зарур самарани бераётгани йўқ. Кишилар аввало социал шароит ёмон аҳволдалиги сабабли бу ерларга боришга иштиёқманд бўлмаяптилар. Зеро, баъзи бир партия ва совет ходимлари, хўжалик раҳбарларининг улар тақдирига бефарқ бўлиши, расмиятчилик кўрсатиши ва волюнтаризми миграция ғоясининг ўзига путур етказяпти, муҳим давлат ишининг социал самарадорлигини чиппакка чиқаряпти.

Миграция жараёнларини бошқариш йўлларини ишлаб чиқиш ва планлаштиришда социализм тарихан шаклланган миллий анъаналар ва алоқаларга барҳам беришни эмас, балки уларни иқтисодий эҳтиёжлар ва социал, гуманистик мақсадлар билан узвий қўшиб олиб боришни кўзлашидан келиб чиқиш керак. Шу сабабли кишиларни кўчиришни бошқариш анчагина мураккаб бўлиб қолмай, ғоят нозик иш ҳамдир, чунки у киши онги фактори ҳамда меҳнат қилиш соҳасини СССР Конституцияси 40-моддасида гарантияланганидек нисбатан эркин танлаш ҳуқуқи билан боғланган.

Ушбу маънода олганда республикалараро миграция проблемаси жуда мушкул проблемадир. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларига мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда Ноқоратупроқ зонани ўзгартиришда, Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштиришда республика меҳнаткашларининг иштироки ошиб бориши керак. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича республика комиссиясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган саккиз области иш кучига эҳтиёжи ғоят катта тармоқларни таъминлаш мақсадида Россия Федерациясининг саккиз области ва ўлкасини оталиққа олди. Жумладан, Андижон области Приморье ўлкасига, Сурхондарё области Хабаровск ўлкасига, Самарқанд области Амур областига, Хоразм области Чита областига, Фарғона области Иркутск областига, Бухоро области Томск областига оталиқ қиляпти. Лекин айниқса ёшлар ўртасида меҳнатга лаёқатлиларнинг кўплигини ҳисобга олганда кўрилаётган чораларни дастлабки қадамларгина деб ҳисоблаш мумкин.

Аҳолининг ҳаракатчанлик жараёнини халқ хўжалиги манфаатлари ҳамда шахснинг социал ривожланиши изига солиш учун бир қатор вазифаларни ҳал қилиш керак бўлади. Аввало аҳоли зич жойлашган районларда ёшларни касбга йўллаш ва тайёрлаш даражасини кескин ошириш, рус тилини яхшироқ эгаллаб олиш учун шарт-шароит яратиш, салбий ҳолатлар ва эскирган урф-одатларга барҳам беришда кишиларга ёрдам бера бориб, социалистик турмуш тарзини шакллантиришга активроқ кўмаклашиш зарур. Ушбу вазифалар, мисол учун, социал инфраструктурани ривожлантиришга қараганда анчагина қийинроқ бўлиб, уларни ҳал этиш кўп вақтни талаб этади. Шу сабабли уларни амалга оширишда мулоҳазакорлик ва саботлилик муҳимроқдир, бу нарсани туб ерли аҳолининг шу жумладан ўз республикаси «остонаси»дан ташқарига ҳам миграциясини активлаштиришда муайян тайёргарлик босқичи деб ҳисоблаш мумкин.

Реал воқелик шундан иборатки, меҳнат ресурсларининг анчагина миқдорини қайта тақсимлаш воситаси сифатида яқин вақт ичида миграцион ҳаракатчанлик ошишига катта умид боғлаб бўлмайди (проблемани жойидан силжитиш учун юз минглаб кишилар хусусида сўз юритиш керак бўлади). Зотан, истиқомат жойини ўзгартирган кишиларнинг бошқа республикаларда ўрнашиб қолиши ҳозирча жуда қийин кечяпти. Масалан, РСФСР, Украина, Белоруссия корхоналарида ишлаш учун 1986 йили Ўзбекистондан планли тартибда юборилган уч мингдан ортиқ йигит ва қиздан 1987 йил охиригача атиги 300 га етар-етмас кишигина қолган (тўғри, йигитларнинг бир қисми Совет Армияси сафларига чақирилган).

Ваҳоланки, республикамиз аҳолиси ўсишининг мавжуд суръатларида туғилиш юқорилиги натижасида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган кишиларнинг абсолют миқдори, юқорида таъкидланганидек, ўсиб боряпти. 1986 йилда, масалан, меҳнат ресурслари 250 минг кишига кўпайган, ижтимоий ишлаб чиқариш ва таълим олишга эса салкам 150 минг киши жалб этилган. Дарвоқе, 1990 йилга бориб Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиш суръатлари нафақат барқарорлашади, балки пасаяди ҳам деган фикр мавжуд. Лекин бундай прогнозлар учун ҳозирча реал асосларни кўрмаяпмиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг олимлари эса ҳатто 2010 йилга бориб республика аҳолиси икки ҳисса кўпаяди деб ҳисобламоқдалар. Ҳар ҳолда, туғилиш стабиллашган тақдирда ҳам бизда аҳолининг ўсишидаги юқори даража сақланиб қолади.

Бундай шароитда, мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари кўрсатаётганидек, аҳолининг иш билан оптимал бандлигига эришиш учун республика экономикасига капитал маблағлар сарфлаш суръатларини кескин ошириш лозим — уни ишлаб чиқариш ҳажми ўн иккинчи беш йилликдан бошлаб 2000 йилгача 2,5 баравар ўсиши керак. Бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни қайтадан ориентирлаш заруратини келтириб чиқаради. Регионнинг бундан буёнги индустриялаштирилиши унинг социал-иқтисодий ва экологик спецификасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Ҳозир табиий ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи корхоналар устун бўлган саноатни ривожлантириш структурасидаги бир ёқлама характерни ҳам, унинг объектларини территориал жойлаштиришдаги нотекисликни ҳам бартараф этиш лозим. Буларнинг ҳаммаси республика қишлоқ аҳолисининг талайгина қисмининг турмуш, маълумот, профессионал тайёргарлик даражасини кўтариш, улар ҳисобига ишчилар синфи сафларини анчамунча тўлдириш имконини беради. Кооперация ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ҳам иш билан бандлик проблемасини ҳал этишга хизмат қилади.

Лекин индустриялаштиришни чуқурлаштириш программаси қанчалик тиғиз бўлмасин, Ўзбекистон ССР миллий даромади барибир аҳолининг турмуш неъматлари зарур даражада ўсишини таъминлай олмайди — аввалгидек умумиттифоқ бюджетидан дотациялар талаб қилинаверади. Бошқаришнинг иқтисодий методларига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтиш кучайган сари эса ушбу манбадан фойдаланиш тобора қийинлашиб боради. Туғилишнинг юқори даражада бўлиши эса аҳолини иш билан банд этиш жараёнини ҳатто планли равишда бошқаришга эришиб бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Республиканинг планлаштириш ва бошқариш органлари олдига эса ушбу фактор нафақат янги иш жойларини яратиш билан, балки ноишлаб чиқариш соҳаси объектлари, педагогика ва медицина кадрлари тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор специфик вазифаларни ҳам қўймоқдаки, бу ҳол жамият сарф-харажатларини анча оширишни талаб этади. Шундай қилиб, аҳолининг жадал ўсиши миллий даромад, реал даромадлар, уй-жой билан таъминлашнинг ҳар бир киши учун ҳисобланган кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Оилада туғилишни тартибга солиш йўли билан уни стабиллаштиришга қаратилган, илмий асосланган демографик сиёсат тилга олинган проблемаларни ҳал этишнинг воситаларидан бири бўлиши керак. Ушбу масала кейинги йилларда тез-тез кўтариляпти ва ғоят зиддиятли нуктаи назарларни юзага чиқаряпти. Оилани тартибга солишга салбий қараш тарафдорлари кўпинча регион туб ерли аҳолисининг анъанавий кўп болалилигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Лекин оилани режалаштириш ғояси уни фармойиш асосида чеклаш билан айнан бир хил эмаслигини кўрсатиб ўтиш лозим. У оқилона тартибга солиш позициясига асосланадики, унда оилада қанча бола бўлиши масаласини фақат ота-онанинг ўзи уларни бадастур тарбиялаш учун моддий шарт-шароитни, шунингдек, онанинг соғлиғи қандайлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этади. Зеро, ҳозир эр-хотинлар ана шу ғоят муҳим масалага кўпинча реал перспективаларни ўйламай, беғамлик билан муносабатда бўляптилар. Шу сабабли таклиф қилинаётган оилани режалаштириш моҳиятан ота-оналарнинг ўз фарзандлари келажаги учун масъулиятини оширишни англатади.

Бундан ташқари туғилишни тартибга солиш оналар ва улар болаларининг соғлиғини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Олимлар бунда бевосита боғлиқ-

лик борлигини аниқлаганлар: тез-тез туғиш онанинг организмини ҳолдан тойдиради, оқибатда болалар нимжон бўлиб туғилади, кўпинча касалга тез чалинадилар.

Шу муносабат билан, бизнингча, болали аёлларни социалистик жамиятнинг баркамол шахси сифатида ривожлантириш масаласи янада аниқ ва изчил қилиб қўйилиши ҳамда ҳал қилиниши керак. Ҳозирги шарт-шароитда кўп болали оилалар бундай имкониятни чеклаётганлиги сир эмас. Аёлнинг уй-рўзғор вазифаларининг анъанавий доирасидан оқилона даражада четга чиқиши унинг нафақат гражданлик, балки оиладаги роли ҳам юксалишига имкон беради — кенг профессионал ва ижтимоий қизиқишларга эга бўлган она ўз болаларини жамиятнинг баркамол аъзолари қилиб тарбиялашга яхшироқ тайёрланган бўлади.

Туғилишга доир масалалар урф-одат, анъаналар билан боғлиқлиги ҳамда республика кўпчилик аҳолисининг манфаатларига дахлдор бўлганлиги сабабли бунда туғилиш юқорилигининг социал-иқтисодий ва физиологик оқибатлари, оиланинг оптимал таркиби хусусидаги конкрет илмий тадқиқотларга таянувчи тушунтириш ишини сабр-тоқат билан олиб бориш зарур. Унга медицина ходимларини, педагог, психолог, экономист, социологларни, атеистик пропаганда активистларини, партия, совет, комсомол ходимларини жалб этиш лозим бўлади.

Социал-демографик сиёсат демографик ривожланишдаги прогрессив тенденцияларни барча чоралар билан қўллаб-қувватлаб, мустаҳкамлашга, айни вақтда эса номатлуб тенденцияларни чеклаш ва бартараф этишга, бу соҳада юзага келадиган муаммо ва зиддиятларни юмшатишга қаратилиши керак. Социал-демографик сиёсат мақсадларини таърифлаш ва уни амалга ошириш методларини танлашда юзакичиликдан қочиш учун ана шу мақсадларни янада конкрет, методларини эса янада самарали қилиш, ҳозирги демографик жараёнларни кенг миқёсда тадқиқ этиш лозим. Мавжуд муаммо ва зиддиятларни ҳозир қилинаётганидан анча тўлароқ ва чуқурроқ очиб ташлаш, уларни конъюнктурани кўзлаб қайд этишдан ҳар томонлама назарий мушоҳада этишга ўтиш керак. Қисқаси, барча ижтимоий фанларда бўлганидек, тадқиқотларнинг ушбу соҳасида ҳам КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюциясида илгари сурилган — догматизмни ва ҳаётдан ажралиб қолишни узил-кесил бартараф қилиш, социализмни ривожлантиришнинг энг зарур ва истиқболли масалаларини ижодий ишлаб чиқиш лозимлиги хусусидаги қоидани зудлик билан ҳаётга татбиқ этиш керак.

Г. ШЕРМАТОВА

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТНИ янгилаш, унинг ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш жараёни миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни Коммунистик партия социал-иқтисодий ва идеологик фаолиятининг устун йўналишларидан бири сифатида олға сурди.

Ўтмишнинг тарихий тажрибаси мамлакатимизда революцион ўзгартишларни амалга ошириш, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва социализм асосларини қуришда турли миллат ва элатларга мансуб меҳнаткашларнинг синфий бирдамлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганидан шаҳодат беради. «Буюк иттифоқимиз ташкил этилишига асос бўлган ғоя ҳақлигини ҳаёт тасдиқлади, — деб таъкидланди М. С. Горбачевнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладида, — куч-ғайратларнинг қўшилиши, бирлашиши ҳар бир миллатга ва умуман жамиятга ўз ҳаракатини кескин равишда жадаллаштириш, тарихий тараққиётнинг янги марраларига чиқиб олиш имконини берди». СССР халқларининг дўстлиги ва жипслашганлиги бугунги кунда ҳам Совет давлати қудрати ва мустаҳкамлигининг асосий негизларидан бири, иқтисодий, социал ва маданий ўзгартишларни муваффақиятли амалга оширишнинг гарови бўлиб келяпти.

Лекин миллий қурилиш практикасида яққол кўриниб турган ютуқлар унда юз бераётган жараёнлар проблемалардан холи деган тасаввур яратмаслиги керак. «Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, — деб уқтирилди КПСС XXVII съездида, — улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир. Энг муҳими — уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб беришдан иборат». Олмаотада, Тоғли Қорабоғда, мамлакатнинг бошқа регионларида юз берган воқеалар миллатлараро муносабатлар соҳасида жиддий нуқсонлар борлигидан далолат беряпти. Улар манбаларининг илдизлари конкрет чоралар кўриш ҳамда ҳар томонлама ўйланган ҳаракатлар қилиш ўрнига етилган зиддиятлар хаспўшланган, сирти силлиқланган турғунлик йилларига бориб тақалади.

«Ҳозирги миллий сиёсат, — дейилади КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида, — илмий-назарий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилишига муҳтож. Бу — илмий муассасалар ва мутахассисларга бериладиган социал буюртмадир. Бу буюртмани муваффақиятли бажариш учун тегишли ташкилий шарт-шароитлар яратилиши ва кадрлар вояга етказилиши, илмий жамоатчиликнинг куч-ғайратлари бирлаштирилиши керак». Мамлакатимиз республикалари аҳолисининг социал-иқтисодий, маданий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда интернационалистик онг шаклланиши жараёнини ўрганиш ушбу йўналишдаги назарий тадқиқотларнинг йўлларидан биридир. Бунда СССР халқлари дўстлиги ва интернационал жипслигини мустаҳкамлаш ижобий жараёнларига тўсқинлик қилувчи факторлар

ШЕРМАТОВА Гулсара, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими, философия фанлари кандидати.

мажмуини ҳар томонлама қараб чиқиш учун зўр эҳтиёж мавжуд.

Демократиялаш шароитида совет жамияти социал-иқтисодий ва маданий ривожланишининг хилма-хил зиддиятлари нафақат кўзга ташланиши, балки консерватив, кўпинча қайта қуришга очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатувчи кучлар ўзини борган сари яққолроқ намоён қилишлари туфайли ҳам интернационал бирликни шакллантириш проблемаларини тадқиқ қилишнинг социал аҳамияти ошиб боради. Айни шу сабабли совет кишиларининг ғоявий-сиёсий, дунёқарашга доир маданиятини тарбиялаш, уларнинг ҳар бири социалистик жамият халқларининг тарихий тақдирлари бирлигини англаб етиши жуда муҳим ва актуалдир.

Миллий проблемаларни демократия асосида ҳал этиш, ушбу соҳада юз бераётган жараёнлар хусусидаги догматик тасаввурларни бартараф этиш йўлида ҳам ўтмишдан қолган, ҳам турғунлик даврида юзага келган кўплаб уюмларни тозалашга тўғри келади. Хусусан, бугунги кунда республика аҳолисининг интернационал ва ватанпарварлик тарбиясидаги камчилик ва нуқсонлар очиқ кўзга ташланиб қолди: ушбу йўналишдаги ишлар системасиз олиб бориляпти, унда дабдабабозлик ва расмиятчилик устун, салбий жиҳатлар тилга олинмайди, кескин нуқталар четлаб ўтиляпти; иқтисодий, маданий ва маънавий соҳалардаги миллатчилик ва маҳаллийчилик кўринишларига тегишли зарба берилмаётир.

Жамиятдаги иқтисодий муносабатлар, маълумки, унинг бошқа барча соҳаларидаги ўзаро муносабатларнинг характерини белгилайди. Шу сабабдан миллатлараро муносабатларни бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш миллатлар ва элатлар дўстлиги ҳамда ҳамкорлигининг социал-иқтисодий негизларини мустаҳкамлаш йўлларини ҳар томонлама ўрганишни, миллатлараро иқтисодий алоқаларда социал адолат бузилишлари чуқур таҳлил қилинишини тақозо этади. Ушбу проблема хўжалик механизмини ислоҳ қилиш, меҳнаткашларда иқтисодий ва ҳуқуқий билимларга қизиқиш ошган, меҳнат коллективларининг контрол қилиш функциялари кучайган шароитда актуал тус олмоқда.

Совет кишисининг социал аҳволига, энг муҳим моддий ва маънавий эҳтиёжларига тааллуқли барча нарсаларга реалистик ёндашмоқ лозим — КПССнинг асосий талабларидан бири ана шундай. Бунда аввало меҳнатнинг Иттифоқ ичидаги тақсимоти ва кооперацияланиши афзалликларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш зарурдирки, улар миллий ва умумхалқ манфаатларини илмий асосда бир бутун қилиб боғлаши мумкин. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида таъкидланганидек, бунда меҳнаткашлар ўз республикалари қандай ривожланаётгани ва у халқ хўжалик комплексида қандай ўринни ишғол этаётганидан хабардор бўлишлари, нафақат қўшнилари, балки мамлакатнинг барча республикалари қандай яшаётганини ҳам билиб туришлари керак. Баъзан республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусида етарлича тўлиқ бўлмаган ёки ҳатто бир ёқлама ахборотга асосланган гап-сўз ва мулоҳазаларга дуч келинаётгани учун ҳам шундай иш қилиш лозим бўлади.

Социал соҳада ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам совет кишиларининг интернационалистик онги шаклланишига салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги бошқа кўпгина регионлар сингари Ўзбекистонда ҳам социал-маданий объектлар қурилиши, аҳолига медицина хизмати кўрсатилиши учун ажратилган пул маблағлари тўлиқ даражада ўзлаштирилмаётганлиги сир эмас. КПСС XXVII съездида қабул қилинган ҳамда эътибор марказига конкрет кишининг манфаатларини қўядиган кучли социал сиёсат ўтказиш йўли жамиятнинг социал фаолиятини анча оширишга даъват этилган.

Турмуш даражасининг ҳолати, аҳолининг маданий ва социал эҳтиёжларини қондириш барча меҳнат ресурсларини социал-ўзгартирув фаолиятига актив жалб этиш билан бевосита боғланган. Республикада юзага келган демографик вазиятни анализ қилганда бизда ҳали ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, асосан хотин-қизлардан иборат ишлашга қобилиятли кишилар ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, Тошкентнинг Октябрь районидагина улар 90 процентни ташкил этади. Бундай аҳволнинг сабаблари хилма-хилдир: улар орасида ёшларни касбга йўллашдаги, ишчи хотин-қизларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги камчиликлар ҳам, меҳнат ва дам олиш учун шарт-шароит йўқлиги ҳам, маданий-маиший объектлар, мактабгача тарбия муассасалари билан кам таъминланганлик ҳам бор.

Бугунги кунда халқларнинг бир-бирини улар эришган ютуқлар билан бойитишда, интернационал онг ва психологияни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайдиган ишчилар синфи миллий отрядларининг миқдор ва сифат масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. В. И. Ленин унинг ижтимоий ҳаётдаги роли қонуний ошиб бориши хусусида сўзларкан, таъкидлаган эдики, «фақат шу синфгина меҳнаткашлар оммасининг бирлашувига, жипслашувига ва коммунистик жамиятни узил-кесил ҳимоя қилишга, узил-кесил мустаҳкамлашга, уни узил-кесил қуриб бўлишга ёрдам бера олади» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 346-бет).

Республикамизда туб ерли миллат малакали ишчилар синфининг қудратли отряди мавжуд эмаслигини фақат аввалги ўн йилликларда жамият социал структурасининг деформацияланиши оқибати сифатидагина эмас, балки салбий ҳодисалар такрор ҳосил бўлишининг сабабларидан бири сифатида ҳам қараб чиқиш лозим. Унинг хўжалик юритишнинг янгича шароитида сифат жиҳатидан тўлдирилиши ишчиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнларга таъсири ошишига ёрдам бериши шубҳасиздир. Лекин кўпгина партия ташкилотлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ишида ушбу проблемани ҳал этишнинг муҳим эканлигини етарлича тушунмаётганликлари кўринмоқда.

Ижтимоий ҳаётни демократиялаш миллатлараро маданий ўзаро таъсир масалаларига жуда эътибор беришни талаб этади. Ушбу соҳадаги камчилик ва нуқсонлар Иттифоқ даражасида қабул қилинган бошқарувга доир нотўғри қарорларнинг натижаси бўлибгина қолмай, маҳаллий партия ва совет органлари томонидан КПСС миллий-маданий сиёсатини бузишларнинг ҳам оқибатидир. Масалан, икки тилликни ривожлантиришда шундай бўлди: миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилини пропаганда қилиш ва ўрганишдаги камчиликлар билан бир қаторда кўпинча ўзбек, тожик ва бошқа тилларда таълим бериладиган мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларни бунёд этиш ҳамда кенгайтиришга етарлича эътибор берилмай келди.

Турли республикалардаги ижодкор интеллигенция вакиллари ўз съезд ва пленумларида, матбуот саҳифаларида бундай фактлар хусусида ғоят ташвишланиб сўзладилар. Бу эса тушунарли: туб ерли ва бошқа миллатлар тиллари ривожланишининг аҳволи кўп жиҳатдан миллий маданият формалари: адабиёт, театр, кино санъати, фольклор ва бошқалар тараққиётини белгилаб беради. У ёки бу республикада яшайдиган туб ерли миллат тилининг, бошқа халқлар тилларининг барча имкониятларидан фойдаланиш қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашда, омма ўртасида кенг тушунтириш ишини олиб боришда муҳим ғоявий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Идеология кадрлари томонидан туб ерли миллат тилининг эгаллаб олиниши пропаганданинг, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашнинг самарадорлигини анчагина оширади ва аксинча. Анкета маълумотлари ҳам буни тасдиқламоқда. Чунончи, сўралган партия ходимларининг 70 процентга яқини ўзбек тилини билмаслик уларнинг кишилар билан мулоқотини мушкуллаштиришини айтган. «Билим» жамияти ташкилотлари, маданият муассасалари қошида ўзбек, қорақалпоқ, тожик ва бошқа тилларни ўрганиш бўйича курслар ташкил этиш зарурати пишиб етилган кўринади. Республика партия ташкилотини мустаҳкамлаш учун кейинги йилларда мамлакатнинг бошқа регионларидан келган кишилар бунга айниқса эҳтиёж сезяптилар.

Ўзбекистонда баъзи умумий таълим мактабларида ўқитиш ўзбек ва рус тиллари билан бир қаторда тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қрим татар тилларида олиб борилмоқда, бу ерда яшайдиган миллат ва элатларнинг бошқа маънавий эҳтиёжлари ҳам қондирилмоқда. Лекин, шуни эътироф этиш керакки, республикада яшовчи миллий группаларнинг маданий эҳтиёжлари ҳали тўла даражада ўрганилган эмас. Уларнинг Ўзбекистон территориясида жойлашишининг муфассал картасини тузишга зарурат бор. Социологик тадқиқотлар, аҳолининг шу группалари ўртасида жамоат фикрини ўрганиш асосида ана шу масалаларни ўрганиш ва уларнинг маданий эҳтиёжларини қондиришга доир ҳаракат программасини белгилаб олиш зарур. Бўлажак Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати муносабати билан ана шундай ёндашишни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилади.

Кишилар хулқ-атворида интернационализм принципларини мустаҳкамлаш,

уларда интернационал онгни шакллантириш хусусида сўз юритганда ҳар бир конкрет кишида умумий маданият ҳамда маълумотлилик қанчалик даражада ривожланганлигига эътибор бериш керак. Халқ таълимида йиғилиб қолган камчиликларни бартараф этиш қайта қуришни идеологик таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. КПСС МҚ февраль (1988 йил) Пленумида, хусусан, студентлар ва мактаб ўқувчиларини ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган турли иш ва тадбирларга жалб этишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Бу айниқса республикамизнинг қишлоқ мактабларига тааллуқлидир, уларда ўн йиллик программа кўпинча ўқув фанларидан таълим бериш сифати паст бўлган ҳолда 8,5—9 йилда амал-тақал қилиб ўтилади. Бундай ҳол қишлоқ ёшларининг рус тилини эгаллаб олишларига ҳам салбий таъсир кўрсатади, бу эса уларнинг ўз навбатида йирик саноат корхоналарида, кўп миллатли меҳнат коллективларида коллективга киришиб кетишларини қийинлаштиради.

Социал-иқтисодий, маънавий-психологик проблемаларнинг комплексини ўз ичига оладиган миллатлараро алоқалар маданиятини такомиллаштириш тадқиқотчиларнинг ишини активлаштиришни тақозо этади. Бошқарувга доир қарорларнинг иқтисодий ва социал соҳаларда акс этиши масалаларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг, мисол учун, йирик социал ва миллий группалар хулқ-атворини бошқарувчи ҳамда бутун-бутун район, область ва ҳатто республикалардаги маънавий-психологик иқлимни белгиловчи ижтимоий онгни шакллантиришга бўлган таъсири қандай? Ихтилофли вазиятлар етилиши характерининг сабабларларини ўрганиш, воқеаларнинг кейинги боришини прогнозлаш партия ва совет органларининг фаолияти учун катта амалий аҳамиятга эга. Аҳолининг турли категориялари ўртасида ўтказиладиган мунозаралар, суҳбатлар, анкета тарқатишлар умумлаштириш учун бой материал беради. Улар ошкоралик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтиши муҳимдир. Жамоатчилик фикрини ўрганишга айни шундай ёндашиш танг нуқталарни ва етила бошлаган проблемаларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

Масалан, республиканинг туб ерли миллатга мансуб аҳолиси жамоатчилик фикрида бугунги кунда араб графикасини ўрганишга доир эхтиёж қайд этилмоқда. Бу нарса миллий ўзлигини англаш ўсганлиги билан боғлиқ, бундай ўзлигини англаш одатда ўз халқининг тарихига, унинг маданияти сарчашмаларига қизиқиш ошиши билан характерланади. Зеро, нафақат қадимий қўлёзмалар, балки Совет Ўзбекистонининг дастлабки ўн йилликлари ҳужжатли солномаси ҳам араб графикасида ёзилган. Бизнингча, ушбу масалани амалий тарзда ҳал этиш ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш, дарслик ҳамда мустақил ўрганиш қўлланмаларини қўшимча нашр этиш билан боғлиқ.

Интернационал тарбияда декларативлик, шиор ва чақириқлардан воз кечиш керак. Бунда партия органларининг конкрет проблемаларни ҳал этишга, турғунлик даври салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган пухта, мунтазам ва илмий асосланган иши зарур. Практика кўрсатаётганидек, миллий анъаналар, урф-одат, байрамларнинг ижобий функцияларини етарлича баҳоламаслик оммавий онг даражасига салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, Наврўзни байрам қилиш баҳорги дала ишлари бошланиши олдидан халқнинг ўзига хос эмоционал бирлигига айланиши мумкин.

Республикада яшовчи турли миллатлар анъанавий маданиятининг ранг-баранглигидан шунингдек меҳнаткашларнинг интернационал тарбиясида муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Хилма-хиллик — жамиятимиз маънавий бойлигининг негизидир. Миллий маданиятларнинг эркин ва тенг ҳуқуқли ривожланиши миллатлараро алоқа маданиятининг тамал тоши бўлган ишонч ва қулай социал-психологик муҳитни яратади.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида қабул қилинган «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюцияда шундай деб таъкидланади: «Ҳар бир миллий регионда иқтисодий ва социал тараққиёт миллатлар ва элатларнинг маданий ўзига хослигига таянувчи маънавий тараққиёт билан қўшиб олиб борилиши муҳимдир». Партия миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир ишни ташкил этаркан, ҳар бир миллат ва элат маданий меросининг умуминсоний прогрессив мазмуни кўп миллатли совет жамиятининг маънавий ҳаётига қўшилиб кетиб, уни ривожлантириш манбаи, совет кишиларининг маънавий бойлигини

шакллантириш фактори бўлиб хизмат қилишидан келиб чиқади.

Бинобарин, бугунги кунда ҳар бир миллатнинг маданий тажрибасидаги барча ижобий жиҳатларни сақлаб қолишга доир муайян куч-ҳаракат, уюшган ҳаракат зарур. Анъанага айланган маданий формаларни интернационал мазмун билан бойитиш миллийлик билан динийликни фарқ этишга, маънавий соҳадаги салбий ҳодисаларга, анъана ва урф-одатлардаги реакцион мазмунга қарши курашни активлаштиришга ёрдам беради. Республикамиз учун ҳам характерли бўлганидек, диний-патриархал урф-одатларни миллий анъаналар, маҳаллий ўзига хослик сифатида кўрсатишга уринишлар давом этаётган вазиятда бу нарса айниқса муҳимдир.

Демократиялаш шароитида миллий муносабатларни, интернационал тарбияни такомиллаштириш проблемалари янгича ёндашувлар, сиёсий сезгирлик, билимдонлик ва илмий асосланганликни тақозо этади. Миллий психологияга таъсир кўрсатишда Лениннинг: бу соҳадаги жуда арзимас даражадаги тазйиқ, зўрлик маданий ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг шубҳасиз прогрессив бўлган аҳамиятини йўққа чиқара олишга қодир, деган васиятини эсда тутиш лозим. Шу билан бирга миллатчилик, маҳаллийчилик, юртдошлик, гуруҳбозлик ва уруғ-аймоқчилик нафсониятлари ўзбек халқининг ҳам, республикамизда яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ҳам ривожланиш манфаатларига зиддир.

Жумладан, бу нарса областлар, районлар, колхозлар, совхозлар чегараларини ўзгартиришда намоён бўлади. Мамлакатимиз территорияси совет халқининг, республика территорияси эса унда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг муштарак мулкидир. Аҳолининг миллий таркиби энг муҳим иқтисодий факторлардан бири бўлсада, лекин ягона ҳамда бошқа факторлар орасида энг муҳими эмаслиги хусусидаги ленинча қоида территориал бўлиниш проблемаларини ҳал қилишда асос бўлувчи принципдир. Шу сабабли, бизнингча, бутунлай «миллий-территориал» принципга асосланиш мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда миллатлараро муносабатларни бошқаришни такомиллаштириш ва ундан кейин партия ҳамда совет органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ проблемалар комплексини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтида философлар, тарихчилар, этнографлар, тилшунослардан иборат тадқиқот группаси ташкил қилинган, миллатлараро мулоқот соҳасида пайдо бўладиган реал зиддиятларнинг сабабларини, уларни ҳал қилиш йўлларини социологик анализ қилиш методлари ўзлаштирилмоқда, аҳолининг турли категорияларини интернационал руҳда тарбиялашнинг самарали форма ва методлари изланяпти.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг 7 областида КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти, Ўзбекистон Компартияси МК пропаганда ва агитация бўлими КПСС МК қошидаги ИФА Илмий атеизм институтининг Тошкентдаги республикалараро филиали билан ҳамкорликда олиб борган дастлабки тадқиқотлар сўраб чиқилган салкам 3 минг нафар партия, совет, комсомол ва хўжалик раҳбарининг асосий қисми ленинча миллий сиёсатнинг интернационалистик принципларини асосан тўғри тушунишларини, КПСС XXVII съездининг ушбу проблемага доир асосий қоидалари билан таниш эканликларини аниқлади. Шу билан бир вақтда партия ходимларининг 15,9 проценти, совет ходимларининг 22,5 ва комсомол ходимларининг 32,5 процентигина ана шу материалларни қисман ўрганганлар, сўралганларнинг атиги 45,3 процентигина улардан амалда фойдалана оладилар. Миллатлараро муносабатлар проблемаларининг партия-хўжалик активи томонидан юзаки ўрганилиши, жумладан уларнинг социалистик жамиятда миллатлар ва миллий муносабатлар назариясининг асосий категориялари моҳияти ҳамда мазмуни хусусидаги билимлари тарқоқ характер касб этишига олиб келди. Бу нарса, масалан, анкетанинг «В. И. Ленин «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» асарида қандай проблемаларни кўтариб чиққан?» — деган саволига берилган жавобларда ўз аксини топди. Партия ходимларининг 31,5 проценти, совет ходимларининг 32,5, комсомол ходимларининг 39,6 ва хўжалик раҳбарларининг 42,7 проценти Лениннинг ана шу асарини умуман ўқимаганлиги маълум бўлди.

Қуйидаги натижаларни ҳам таъкидлаш мумкин: партия ходимларининг 75,7 проценти, совет ходимларининг 70,6 ва хўжалик раҳбарларининг 60,7 про-

центи уларнинг коллективларида интернационал тарбия проблемалари мунтазам муҳокама қилинишини айтганлар. Лекин партия ходимларининг атиги 11,5 проценти, совет ходимларининг 12,4 ва хўжалик ходимларининг 7,3 процентигина ушбу проблемаларга доир конкрет тадбирлар кўрган. Бундай аҳвол миллатлараро муносабатларни бошқариш, интернационал тарбия соҳасида ҳали ҳам сўз билан иш бир-бирига мос келмайдиган стереотип амал қилаётганидан далолат беради.

Сўралганларнинг миллатлараро муносабатлар проблемалари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳақидаги саволга берган жавоблари ибратлидир. Олинган натижалар анализи республиканинг туб ерли миллатларига хос бўлган анъанавий мулоқот формалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатяпти. Шу билан биргаликда анкета тарқатилганларнинг 38,3 проценти тилга олинган проблемалар бўйича жамоатчилик фикри асосан меҳнат коллективларида шаклланади деб жавоб бердилар. Бинобарин, интернационал тарбиянинг анъанавий мулоқот жойларида ҳам (чойхоналар, истиқомат жойларида ва ҳоказо), меҳнат коллективларида ҳам аҳолининг турли социал группалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориладиган илмий асосланган методларининг таъсирчан системаси зарур.

Миллатлараро муносабатларни бошқаришни қайта қуриш партия ва совет органларида турли структураларни ташкил этишни, шунингдек илмий-ахборот хизматларининг ишини йўлга қўйишни тақозо этади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида сиёсий системамиз доирасида миллатлараро проблемаларнинг бутун комплекси билан шуғулланадиган давлат ва жамоат тартиботлари ташкил этилиши муҳимлиги таъкидланади. Ушбу йўналишда иш олиб бораётган илмий марказлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтида, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида мавжуд. Ҳозирда, Ўзбекистон ССР Олий Советининг миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалаларига доир Комиссияси ташкил этилган. Олимлар ҳамда жамоатчилик фаолиятини координациялаш республикада миллатлараро муносабатлар проблемаларини илмий асосда, ленинча интернационализм принциплари позициясида ва СССР миллатлари ҳамда элатларининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаган ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини революцион янгилаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг гаровидир.

М. АБДУЛЛАЕВ

ЭСТЕТИК МАДАНИЯТДА МИЛЛИЙ ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАР

Совет кўп миллатли давлатининг бутун тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчиликка ҳамда у юзага келтирадиган синфий антагонизмларга барҳам бериш миллий масалани принципиал ҳал этишнинг, миллатлараро зиддиятларни, миллатлар ва улар маданиятларининг бир-биридан бегоналашувини бартараф этишнинг негизидир. Мамлакатнинг барча халқларида совет ҳокимияти йилларида янги маданият — мазмунан социалистик, шаклан миллий, руҳан интернационал маданият шаклланди. Лекин бугунга келиб маданиятдаги миллий ва интернационал жиҳатлар проблемаси ўз актуаллигини йўқотди деб ҳисоблаш мумкин эмас. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига МҚ Сиёсий докладида таъкидланганидек, «бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқ, деган тасаввур туғдирмаслиги лозим. Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир».

Зиддиятлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмаслик, айникса инкор этиш, масалан, сўнгги пайтда мамлакатимиз баъзи регионларида юз берган воқеалар кўрсатганидек, миллатчилик ва шовинизм ҳодисаларининг такрорланишига олиб келиши мумкин ва, афсуски, олиб келяпти ҳам.

* * *

Совет жамиятининг маданияти мураккаб системадан иборат бўлиб, эстетик маданият унинг таркибий қисмларидан биридир. Айни унда миллий фактор алоҳида аҳамиятга эга; бу ерда у жуда равшан намоён бўлади. Эстетик маданият кишининг эмоционал олами билан бевосита боғлиқлигини, шахс қалбининг энг нозик торларига дахлдор эканлигини ҳам унутмаслик керак. Шу сабабли совет халқларининг эстетик маданиятидаги миллий ва интернационал жиҳатлар масаласи ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Кўп йиллар мобайнида илмий ва оммабоп адабиётларда эстетик маданият кишилар томонидан ижтимоий-тарихий практика жараёнида яратилган эстетик қадриятларнинг мажмуидир деган фикр ҳукм суриб келди. Бундай ёндашиш (бу нарса ҳозир ҳам санъатшунослик асарларининг кўпчилигига хос) бадиий маданият асарларинигина анализ қилишга олиб келди. Миллий ва интернационал жиҳатлар проблемаси эса уларнинг адабиёт, рассомлик санъати, музика, архитектура ва ҳоказолардаги ўзаро нисбатини тадқиқ қилишга айланиб қолди. Лекин, бизнингча, мазкур проблема бу билан чекланиб қолмаслиги керак. Зеро халқнинг эстетик маданияти у ёки бу ютуқларнинг шунчаки рўйхати бўлмай, балки моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, шахслараро ва группалараро (шу жумладан миллатлараро ҳам) мулоқот жараёнида эстетик қадриятларни яратаётган ва ўзлаштираётган, ўз эстетик эҳтиёж ва қобилиятларини рўёбга чиқараётган ҳамда бойитаётган омманинг жонли фаолиятидир.

АБДУЛЛАЕВ Маҳмуд, Улугбек номли Фарғона педагогика институтининг доценти, философия фанлари кандидати.

Ана шундан келиб чиқиб, эстетик маданиятни ижтимоий субъект сифатидаги инсоннинг эстетик эҳтиёжлари ва қобилиятларини моддий, социал, сиёсий ва маънавий соҳаларда рўёбга чиқаришнинг тарихан шаклланган ва доимо ривожланиб борадиган хилма-хил формалари тарзида таърифлаш мумкин. Бизнингча, бундай таъриф бадиий ижод натижаларида миллий ва интернационал жиҳатларнинг ўзаро нисбатинигина ўрганиш билан чегараланишга имкон бермайди, балки проблемани анча кенгроқ тарзда қараб чиқишни тақозо этади.

Биринчидан, халқнинг эстетик маданияти унинг бадиий маданияти билан айнан бир нарса эмас. Бадиий маданият кишининг эстетик эҳтиёжлари ва қобилиятларини рўёбга чиқаришнинг муҳим бўлсада, лекин ягона соҳаси эмас. Эстетик маданият моддий ишлаб чиқаришда ҳам (меҳнат эстетикаси, дизайн, ишлаб чиқариш фаолияти шарт-шароитининг эстетик асослари), социал муносабатларда ҳам (турмуш эстетикаси, оила, шахслараро ва группалараро мулоқот) намоён бўлади ва ҳоказо. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортдаги эстетик асослар, атроф муҳитга эстетик муносабат, илмий ижоднинг эстетик моментлари ва ҳатто сиёсий тартиботлар ҳамда улар фаолиятининг эстетик жиҳатлари хусусида гапирсак тўғри бўларди. Миллий ва интернационал жиҳатлар проблемасини ана шу соҳалар ҳар биридаги эстетик маданият кўринишларига татбиқан ўрганса арзийди. Зотан, мисол учун, бадиий маданият ва меҳнат эстетикаси соҳасида муайян халқда тегишли даврда миллий ўзига хослик билан интернационал жиҳатларнинг ўзаро нисбати бир хилда бўлмайди. Шу нарса кўпдан маълумки, миллий факторлар асосан оила ва турмуш эстетикасида барқарор бўлади, интернационаллашиш эса эстетик дидлар, кўпроқ кийимда, дизайнда юз беради.

Иккинчидан, миллий ва интернационал жиҳатлар проблемаси эстетик фаолият натижалари учунгина катта аҳамиятга молик эмас. Маданиятнинг структура ҳосил қилувчи барча элементларига татбиқан уни тадқиқ қилиш лозим. Ана шундай элементлар сифатида актив ҳаракат қилувчи омил тарзидаги эстетик фаолият субъектини; турли хил ва формаларда амалга оширилувчи фаолиятнинг ўзини; ушбу фаолиятнинг мужассамлантирилган натижаларини, яъни ҳосил этилган эстетик қадриятларни; ва ниҳоят, фаолият йўналтирилган объектни кўрсатиш мумкин. Ушбу элементларнинг барчаси бевосита ёки билвосита тўғри ва тескари алоқадорликка эга.

Эстетик маданиятдаги миллий ва интернационал жиҳатларни тадқиқ қилишдаги жиддий камчиликлар шунингдек системалилик принципидан чекинишлар билан ҳам боғлиқдир. Адабиётда эътибор одатда эстетик фаолият натижаларидаги, бадиий усул ҳамда ифодалаш воситаларидан фойдаланиб яратиладиган асарларнинг мавзу ва сюжетларидаги миллий ҳамда интернационал жиҳатларнинг ўзаро нисбатига қаратилади. Эстетик маданиятнинг субъекти ва объекти: уларнинг эстетик қарашлари, йўл-йўриқлари, афзал кўришлари, эҳтиёж ва қобилиятлари, эстетик қадриятларни идрок этиш ва ўзлаштириш хусусиятлари анализ доирасидан четда қоляпти. Турмушдаги, шахслараро мулоқот, кундалик хулқ-атвор ҳамда муайян расм-русм ва маросимлар билан боғлиқ вазиятлардаги кишилар эстетик активлигининг миллий ва интернационал жиҳатлари ўзаро нисбати ҳам жуда чекланган ҳолда ўрганиляпти. Лекин буларнинг ҳаммаси эстетик маданиятнинг ажралмас компонентлари-ку, ахир.

Эстетик маданиятдаги миллий ва интернационал жиҳатлар проблемаси мураккаб ва кўп қирраладир. Уни маданият мазмуни ва шаклига ленинча методологик ёндашув асосидагина муваффақиятли тадқиқ қилиш ва ҳал этиш мумкин.

Ўзбек халқининг эстетик маданияти конкрет тарихан шаклланган, муайян ижтимоий тузум шароитида яшайдиган ҳамда ўзбек тили, айникса кенг ривожланган эстетик фаолият жанрлари ва формалар, услубий компонентлар, тасвирлаш усуллари, ритмика ва куй-оҳанг, ранг идроки ва инъикоси хусусиятлари, мулоқотда, кундалик хулқ-атвор ва алоҳида муҳим вазиятларда фойдаланиладиган барқарор образлар, белги системалари ва ҳоказо катта аҳамиятли жиҳатлар билан характерланувчи миллий формага эга бўлган кишилар бирлиги маданиятидир.

Эксплуататорларнинг эстетик маданияти билан эксплуатация қилинувчиларнинг эстетик маданияти ягона миллий шаклга эга бўлсада, улар турли синфий мазмунга эга. Айни бир пайтда турли миллатлар пролетариатининг эстетик маданияти

шаклан миллий бўлсада, мазмунан ягонадир ва шу маънода олганда у интернационал маданиятдир. В. И. Ленин «Маданий-миллий автономия» оппортунистик шиорига қарши чиқиб, шундай деб ёзган эди: «Биз... *миллий маданият*ни эмас, балки *интернационал* маданиятни ёқлаймиз, бу интернационал маданиятга ҳар бир миллат маданиятидан бир қисми, чунончи: ҳар бир миллат маданиятининг фақат изчил-демократик ва социалистик мазмунигина киради» (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 234-бет). В. И. Ленин капитализмдаги миллий маданиятни ҳеч қачон инкор этмаган, пролетариат ғалабасидан сўнг эса, интернационализм душманлари айблаганларидек (ҳатто ҳозир ҳам айблашни давом эттираётганларидек), қандайдир номиллий маданият барпо этишга чақирмаган эди. Аксинча, у очиқдан-очиқ «интернационал маданият номиллий маданият эмас» (ТАТ, 24-том, 139-бет) деб айтган эди. Бу маданиятни В. И. Ленин шакли томонидан эмас, балки мазмуни нуқтаи назаридан қараб чиққан эди. Умуман маданиятдаги ва хусусан эстетик маданиятдаги интернационал жиҳат миллий жиҳатни инкор этиш, истисно қилиш тарзида эмас, балки мазмун шаклга қандай қарама-қарши бўлса, шу кўринишда қарама-қарши туради.

Социализмда антагонистик синфлар ва бир-бирига қарши курашувчи социал группалар йўқ. Социалистик маданият, шу жумладан, эстетик маданият ҳам ботинан бир хилдир. Бу таркибида ишчилар синфи етакчи роль ўйнайдиган халқнинг бир бутун маданиятидир. Мамлакатимизнинг исталган миллати ёки элатида эстетик маданият шаклан социалистикдир. Совет Иттифоқи барча халқларининг маданиятидаги интернационал жиҳат ҳам айни шунда намоён бўлади. Эстетик маданият умуман олганда ва унинг айрим кўринишлари социалистик ижтимоий муносабатларга қанчалик мувофиқ келиши, уларни акс эттириши ва ифодалаши, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун имконият яратиши даражасида интернационалдир.

Совет халқларининг эстетик маданиятига Улуғ Октябрдан сўнг яратилган нарсаларгина кириб қолмайди. Ундан эски, революциягача бўлган санъатнинг энг яхши намуналари ҳам ўрин олган. В. И. Ленин маданият соҳасидаги ворислик ҳақида гапирар экан, унга ҳеч қачон ўргатиш учунгина зарур бўлган ва музаффар халқ ўзининг янги санъатини бунёд этгандан сўнг ўз аҳамиятини йўқотадиган намуна сифатида қараган эмас. Зеро ўтмишда яшаган атоқли санъаткорларнинг кўпчилиги социализм идеалларидан илҳомланмаган, ўз ижодларида уларга амал қилмаган эди. Агар совет халқи бадиий маданиятининг каттагина қисмини ана шундай «мерос» ташкил этар экан, унинг мазмунан социалистик маданият эканлиги хусусида сўз юритиш тўғри бўладими?

Бу жўн савол эмас. Унга марксистик диалектика, маданиятнинг тарихий давомийлигини илмий тушуниш асосидагина жавоб бериш мумкин.

Ўз даврида яратилган, унинг проблемаларини, долзарб мавзуларини ўзида ифодалаган санъат асарлари ўзида умуминсоний, демократик, гуманистик асосларни ҳам элтган эди. Ўтмишда яратилган бадиий асарларни мазмунан-эстетик идрок этишда биз уларга муайян давр вазиятлари тақозо этган нарсаларни эмас, балки социалистик жамиятнинг адолатли, уйғун ривожланган кишиси ҳақидаги тасаввурларимизга жавоб берадиган, унинг дунёсини бойитадиган, ижодий активлигини ривожлантирадиган, социал ёвузликка қарши курашга чорлайдиган гуманистик қадриятларнигина қабул қиламиз. Совет жамиятининг маданиятига узвий кириб кетган, яратилиш даврида мазмунан социалистик бўлмаган эски бадиий маданият асарларини ҳам бизлар мазмун контекстида социалистик маданиятга зид эмас, балки мувофиқ келувчи асарлар сифатида қабул қиламиз. Бундай ҳолда интернационал ва миллий жиҳатларнинг ўзаро нисбати хусусида биринчи галда социалистик мазмун билан миллий шаклнинг ўзаро нисбати сифатида сўз юритиш тўғри бўладими? Ўйлашимизча, тўғри бўлади.

Мисол учун хулқ-атвор эстетикасини олиб кўрайлик. Мулоқотнинг ташқи формалари социализмда кишилар ўртасидаги алоқалар характерини — ҳурмат қилиш, ўртоқларча ўзаро ёрдам, қарашлар бирлигига асосланган ҳамжиҳатлик, беғаразлик ва ҳоказоларни акс эттиради. Бунда хулқ-атвордаги эстетик жиҳат этик жиҳат билан бирликда майдонга чиқади.

Мулоқотнинг ички нафосати хулқ-атворнинг эстетик жиҳатдан муҳим аҳамиятли формасида ўз ифодасини топади, хусусан, расм-русм, одоб-ахлоқ қоида-

лари каби барқарор ҳосилаларида намоён бўлади. Социалистик воқелик шахсга чуқур эмоционал таъсир кўрсатувчи ўз расм-русмларини, ўзининг эстетик жиҳатдан қимматли одоб-ахлоқ қоидаларини яратади. Лекин совет кишиси хулқ-атворининг эстетикаси у ёки бу халқда анъанавий жиҳатдан шаклланган кўпгина миллий формаларни ҳам ўз ичига олдики, улар гуманистик ва демократик мазмунли негизни қай даражада ўзларида ифодалашларига мувофиқ ҳолда эстетик социалистик маданиятга киритилиши мумкин. Шу муносабат билан Ўрта Осиё халқларининг катталарни иззат-ҳурмат қилиш каби соғлом анъанасининг сақланиб қолиши ғоят қимматли жиҳат ҳисобланади, лекин у сажда қилишга, сўзсиз бўйсунишга, уларга кўр-кўрона итоат қилишга айланса ёмон. Республикамизда эса айни шундай ҳол юз берди. Бу ерда донишманд қарияларни ҳурмат қилиш тушунчаси деформацияланди. Уни ўзидан амали юқори бўлган, жамиятда юқорироқ мавқени эгаллаган кишиларга татбиқ қилишди. Шундай қилиб мансабга ва мансабдор шахсларга сиғиниш шаклланди.

Бошлиқларга ёқиш мақсадида яратилган поэмалар, сценарийлар, мақолалар, пьесаларда кўрсатилган сохта маданият ҳақиқий маданиятни зўрлик билан сиқиб чиқара бошлади. Турғунлик йиллари шундай «шоир» ва «ёзувчилар»ни юзага келтирдики, улар ўз ижодлари билан антидемократик, антиинтернационалистик вазиятни чуқурлаштирдилар. «Жойлардаги раҳбарларнинг муайян қисмида, — деб ёзади СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Ю. Юсупов, — хушомадгўйлик ва мансабдорга итоат қилиш психологияси шаклланди, бу нарса юқори лавозимдаги мансабдор шахсларнинг барча кўрсатмаларига сўзсиз рози бўлишда ифодаланарди» (Перестройка и повышение идейно-политической зрелости кадров. — «Вопросы философии», 1987, № 10, с. 7).

Мазмун ва шаклнинг ўзаро нисбати — эстетик маданиятдаги интернационал ва миллий жиҳатлар проблемасида асосий масаладир. Лекин у бу билан якунланмайди. Эстетик маданиятнинг ўз миллий формасидаги миллий ва интернационал жиҳатлар хусусидаги масалани ўртага қўйиш ҳам ўринлидир. Ана шундай нуқтаи назардан олганда интернационал жиҳат нафақат муайян халқнинг, балки бошқа халқ ва элатлар эстетик маданиятининг формаларига хос муштарак жиҳат бўлиб майдонга чиқади. Интернационализм даражасининг ўзи хилма-хил бўлиши мумкин: бир хил жиҳатлар — бир неча халқларнинг маданияти учун характерли бўлади, баъзилари бутун-бутун регионлар учун типик, учинчи хиллари эса кўпчилик ёки ҳатто барча халқларнинг маданиятига хос бўлади.

Кишилик жамияти ривожланиб борган сари эстетик маданиятдаги муштаракликнинг роли ва аҳамияти ўсиб боради, чунки миллатлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар янада кучайиб боради. Октябрь революциясидан олдиноқ В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Инсониятнинг бутун хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаёти капитализм вақтидаёқ тобора интернационаллашди. Социализм уни батамом интернационаллаштиради» (ТАТ, 23-том, 355-бет). Эстетик маданиятни интернационаллаштириш жараёни социализмдан анча олдин пайдо бўлган бўлсада, у янги шароитда илгари кўрилмаган даражада кенглик ва динамизм касб этди.

Ушбу жараён миллий хусусиятларни сиқиб чиқариш, тугатишни ҳамда бир хил, текислаштирилган, миллий ўзига хосликдан маҳрум формани қарор топтириш кераклигини англатмайди. Ҳар бир халқнинг маданиятида муштарак, интернационал жиҳатлар муқаррар равишда миллий-ўзига хос хусусиятлар касб этади. Аслида интернационал жиҳат эстетик маданият формасида миллий жиҳатларга зид эмас, балки ана шу миллийликда, у орқали намоён бўлади.

Баъзан эстетик маданиятдаги интернационаллик бошқа халқлардан қабул қилиб олинган нарсалардир, миллийлик эса азалдан муайян халқнинг ўзигагина хос бўлади деган фикрни учратамиз. Бунда миллат ёки элат маданиятига Совет ҳокимияти ўрнатилгунгача хос бўлган нарсаларгина миллий, Октябрь революциясидан сўнг кирган барча нарсалар эса интернационал нарсалар деб эълон қилинади. Бундай даъво икки томонлама янглишдир.

Биринчидан, эстетик маданиятдаги миллийлик у ёки бу халққа биологик жиҳатдан хос, генетика йўли билан юклатилган нарса эмас. Бугунги кунда миллий-ўзига хослик анъанаси сифатида қабул қилинаётган нарсаларнинг ўзи ҳам халқнинг алоҳида ҳолда эмас, балки бошқа миллатлар билан алоқада ўтган узоқ

вақтли тарихий ривожланишининг натижасидир. Ана шу мазмунда олганда миллийликдаги ҳамма қимматли жиҳатлар умуминсоний негизга эга, унингсиз миллийлик йўқолиб кетишга маҳкум бўлган экзотик, ягона ҳодиса бўлиб қоларди.

Маълумки, туркий тилларга мансуб ўзбек халқининг ҳамда ўзига бундан олдинги бутун тарихий ютуқларни сингдирган эстетик маданиятининг шаклланиш жараёни асосан XI—XII асрларда якунланди. Лекин ўзбек маданиятининг бошқа маданиятлар билан алоқалар натижасида бойиб бориши эса бундан кейин тўхтаб қолди дейиш мумкинми? Ўзбек адабиёти тарихининг тадқиқотчилари асрлар мобайнида у қўшни халқларнинг ижодиёти билан алоқада бўлиб келганини ҳақли равишда таъкидлайдилар. XX асрга қадар ва ҳатто бизнинг кунларда ҳам кўп ўзбек шоирлари форс-тожик тилида ўз она тилларида ёзгандек шеърлар ёзганлар; форс тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан форс тилига таржима қилиш кенг тарқалган эди. Буларнинг ҳаммаси халқлар эстетик маданиятларининг бир-бирини бойитишига, уларда ўзаро яқин образ системаси ва ҳатто бир хил тасвирий воситалар шаклланишига ёрдам берди. Бугунги кунда миллий-ўзига хос маданият сифатида эътироф этилаётган, совет давригача шаклланган миллий ўзбек эстетик маданияти ҳам маълум даражада бошқа халқлар маданиятлари бир-бирига таъсири ҳамда бир-бирини бойитишининг натижаси бўлганлиги «этник жиҳатдан соф» бўлмай, ўзига интернационал элементларни олганлиги шубҳасиздир.

Иккинчидан, бошқа миллатларга хос нарсаларнинг муайян халқ томонидан ўзлаштирилиши жараёнида у ёки бу даражада кўринишини ўзгартиради, ўзига унинг эстетик маданияти учун анъанавий бўлган жиҳатларини сингдиради. У янги миллий заминда муайян маънода ўзгаради; бошқа миллатларга хос нарсалар билан анъанавий миллий жиҳатлар қотишиб кетади. Интернационал жиҳатлар халқнинг эстетик маданияти формасида миллий жиҳатлар билан ёнма-ён эмас, балки унинг ўзида мавжуд бўлади. Айтиш мумкин-ки, ўзбек халқининг эстетик маданиятидаги интернационаллаштириш, бир томондан, бошқа миллат ва элатлар ютуқларини ўзлаштириш ҳисобига, бошқа томондан эса, ўз қадриятларини бошқа халқлар учун муштарак аҳамиятли қадриятларга айлантириш йўли орқали юз бериб келди ва юз бериб бормоқда.

Масалан, Октябрь социалистик революциясигача шаклланган ўзбек маданияти опера санъатини билмас эди. Рус маданиятининг бевосита таъсири остида ўзига ўзбек халқининг музика анъаналарини олган ва миллий-ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ўзбек операси пайдо бўлди. Шу сабабли ўзбек операсини ҳам интернационал, ҳам миллий ҳодиса сифатида қараб чиқиш керак. Яхши маълумки, Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар сингари ўзбекларнинг анъанавий эстетик маданияти ҳам симфоник музика ва дастгоҳли ранг тасвир санъатини билмас эди. Туркман адабиётида 20-йиллар ўртасигача эпик проза бўлмаган. Революциягача бўлган қозоқ ва қирғиз поэзиясида сўзлашув тилига хос интонациялар мавжуд эмас эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бошқа халқларнинг, аввало рус халқи маданиятининг бевосита таъсири остида тарихан қисқа муддат ичида миллий маданиятлар — жанр ва услуб жиҳатидан жуда бойиди, уларда бадиий ижоднинг янги турлари шаклланди ва ривож топди.

Агар эстетик маданиятни унинг бутун кўламида қараб чиқсак, унда нафақат бадиий ижодни, балки кишиларнинг эстетик эҳтиёжлари қондириладиган ва бойитиладиган, уларнинг эстетик аҳамиятли нарсаларни ўзлаштириш ва яратишга доир қобилиятлари рўёбга чиқадиган халқ фаолиятининг жараёнлари ҳам бор эканлигини кўра олсак, интернационаллаштиришнинг яна бир муҳим томонини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Социализм даврида миллий маданиятлар аввалги ёпиқ-ёпсирашининг тугатилиши кенг омманинг бошқа халқлар эстетик қадриятларидан баҳраманд бўлишига олиб келди. СССРдаги қайси миллат ёки элатга мансублигидан қатъи назар, замондошимиз А. С. Пушкин ва Л. Н. Толстой асарларини ўқир, П. И. Чайковский ва А. И. Хачатурян музикасини тинглар экан, чинакам эстетик лаззат олади. Бу асарлар унинг эстетик эҳтиёжларини қондиради, шахс сифатида ривожлантиради ва активлаштиради, диди ва нафосат ҳақидаги тасаввурларини бойитади. Бошқа миллатларга мансуб бу авторларнинг ушбу асарлари бугунги кунда ўзбек, қозоқ ёки мамлакатимиздаги бирор бошқа халқнинг эстетик маданиятига кирмайди дейиш мумкинми? Зотан бу маданият фақат муайян халқ яратган маҳсулот эмас, балки маданий фаолият субъекти ва объекти

ўзлаштирган қадриятларнинг ҳаммаси ҳам бўлиб, у моҳиятан янги, интернационал эстетик эҳтиёжларнинг шаклланиши билан чамбарчас боғланган.

Ушбу жараённи, масалан, китобхонлар, тингловчилар, томошабинларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали кузатиш мумкин. Бизлар, хусусан, Фарғона давлат педагогика институти ўзбек ва рус студентларининг кутубхонадаги формулярларини ўрганиб чиқдик. У ўзбек студентларнинг рус адабиётига, рус студентларининг эса ўзбек адабиётига ўзаро қизиқишлари натижасини кўрсатди. Ўзбекларнинг 34 проценти М. Горький асарларига, 30 проценти А. П. Чехов ва 28 проценти Л. Н. Толстой асарларига мурожаат қилган, руслар орасида эса 30 проценти Исфандиёр асарларини, 27 проценти Зулфия ва Саид Аҳмад, 24 проценти Ойбек асарларини ўқиш учун олган.

Халқлар эстетик маданиятларининг бир-бирини бойитишини амалга оширадиган воситалар хилма-хилдир. Булар орасида қадриятларни оммавий коммуникация воситалари (матбуот, радио, телевидение, кино) орқали узлуксиз айирбошлаш ҳам; санъат арбоблари, томошабинлар, тингловчилар ва бошқаларни театр репертуарларини айирбошлаш, гастролларни, сайёр кўргазмаларни, қардош халқлар адабиёт ва санъати байрамларини ташкил этиш орқали бошқа халқларнинг ютуқлари билан бевосита таништириш ҳам; энг яхши асарларни СССР халқларининг тилларига мунтазам таржима қилиш ҳам; оммавий туризм, маданий-маърифий ишнинг бошқа формалари ҳам бор.

Ушбу соҳадаги жуда катта ютуқларни қайд этиш билан бирга мавжуд имкониятлардан ҳозирча етарли фойдаланилмаётганини кўрмаслик мумкин эмас. Кўпинча биринчи ўринга ялпи кўрсаткичлар қўйилади: қанча китоб таржима қилинганн, қанча киши қамраб олингани, қанча тадбирлар ўтказилгани ҳақида гап боради. Нималар таржима қилинди ва намойиш этилди, кишилар нима билан бойиди, улар бошқа халқларнинг эстетик маданияти билан мулоқотдан нималар олди, бизнингча энг муҳими мана шу. Фестиваллар, адабиёт ва санъат декадалари ва кунлари турғунлик йилларида кўпинча тантанавор, дабдабали тус олган эди.

Мазмунан социалистик, шаклан миллий ва руҳан интернационал бўлган эстетик маданият ривожланишига ушбу маданият соҳасидаги факторлар билан боғлиқ жараён сифатида қараш мумкин эмас. Ўша маданият соҳиби бўлмиш кишилар, субъект ва объектлар халқнинг бутун турмуш тарзи орқали шаклланадилар. Уларнинг эстетик эҳтиёжлари, дидлари, маслаклари, гўзалликни идрок этиш ва ижод қилиш қобилиятлари ва, ниҳоят, эстетик активликни намоён этиш усуллари, формалари, воситалари ҳаётимиз ва меҳнат муҳитига боғлиқдир. Интернационаллаштириш социалистик турмуш тарзининг барча томонларига — ишлаб чиқариш, социал-сиёсий, маиший, оилавий, таълимий, тарбиявий томонларига сингиб кетган. Шу билан бир вақтда социалистик турмуш тарзи эстетик маданиятни интернационаллаштириш жараёнига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Чунончи, кўп миллатли ишлаб чиқариш коллективларида шахслараро мулоқот мобайнида бошқа халқларнинг хулқ-атворидаги муҳим жиҳатлар, дидлар, афзал кўришлар билан ўзаро танишув юз беради. Ва шу асосда улар маданиятининг у ёки бу элементлари ўзлаштирилади. Бошқа маданиятларнинг қадриятлари билан танишишда армиядаги хизмат, бошқа республикаларда, комсомол қурилишларида ишлаш пайтидаги миллатлараро мулоқот катта роль ўйнайди.

1985 йил апрелидан сўнг совет халқи ҳаётидаги барча эскирган нарсаларга қатъиян барҳам берила бошланди. Турғунликни, баъзи бир жойларда эса орқага кетишни ҳам юзага келтирган ҳодисаларнинг илдизига болта урилди. Совет эстетик маданиятининг энг муҳим тарбиявий интернационал вазифаси — янги, прогрессив нарсаларнинг қарор топишига ёрдам беришдир. «Турмушимиз ва биргаликдаги меҳнатимизнинг бутун муҳити, оила ва мактаб, армия, маданият, адабиёт ва санъат, — деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида, — барча миллатларга мансуб совет кишиларини ва аввало ёшларни энг олижаноб туйғулар — интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғулари руҳида тарбиялаб вояга етказиши керак».

Ю. ШОДИМЕТОВ

АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИНГ СОЦИАЛ-ЭКОЛОГИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

Инсоният ривожланишининг ҳозирги босқичида жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати сиёсий партиялар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, жаҳон жамоатчилиги кенг доираларининг ўзига нисбатан эътиборини янада оширяпти. Бу ҳолга фан ва техника тараққиётининг экологик оқибатларига социологик ёндашиш зарурати сабаб бўлди. «Биз табиатдан фойдаланишга нисбатан ҳозирги ёндашувларни давом эттириш ўзининг глобал оқибатларига кўра фалокатли эканлигини ҳам батамом англаб етганимиз йўқ, — деб таъкидлади «Коммунист» журнали саҳифаларида КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС МҚ секретари А. Н. Яковлев. — Табиатни орқа-ўнгига қарамасдан бўйсундириш принципларига асосланувчи техника цивилизациясининг ривожланиши табиий комплексларнинг ўзини ўзи тиклаш потенциалини анча барбод этди. Айни бизлар, марксчилар, инсониятни экологик фалокатдан халос қилишнинг илмий стратегиясини ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқишимиз керак...» («Коммунист» 1987, № 8, 17—18-бетлар).

Фан ва техниканинг экологик вазиятни нормаллаштиришдаги сингари, уни кескинлаштиришдаги роли ҳам жуда каттадир. Шу билан бир вақтда бундай боғлиқликнинг намоён бўлиш даражаси ҳукмрон синф ўтказадиган сиёсат, муайян мақсадларга эришиш йўлида у қўлланадиган методлар ва ҳоказолар билан алоқадор. Ф. Энгельс шундай деб ёзган эди: «Ўз ишлаб чиқарувчи кучларининг ягона умумий план бўйича уйғун бирикувини ўрнатишга қодир жамиятгина саноатни бутун мамлакат бўйлаб унинг ривожланиши ва сақланиши учун, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бошқа элементларини ривожлантириш учун энг қулай тарзда жойлаштира олади... Шаҳар билан қишлоқни қўшиш орқалигина ҳаво, сув ва тупроқнинг ҳозирги заҳарланишига барҳам бериш мумкин...» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч, т. 20, с. 307—308).

Реал социализм практикаси экологик проблемаларни ҳал қилишга комплекс тарзда ёндашишни, жамият тараққиётининг шундай стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этадики, у нафақат салбий, бунинг устига фалокатли оқибатларга олиб келмаслиги, балки, аксинча, инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароитлар яратилишини гарантиялаши ҳам керак. Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида актив сиёсат олиб бориляпти: табиатдан планли, авайлаб фойдаланиляпти, экологик тафаккур ҳосил қилиняпти, инсониятнинг планета табиий ресурсларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун курашида аҳолининг иштироки кенг ривожланяпти (масалан, Болтикбўйида «кўкатпарастлар» ҳаракати). Ўз навбатида Ўзбекистон партия комитетлари олимларнинг, министрлик ва идоралар, хўжалик ташкилотлари, идеологик муассасаларининг куч-ҳаракатини республикадаги экологик вазиятни яхшилашга, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга, инсонлар соғлиғига авайлаб муносабатда бўлишни тарбиялашга йўналтирмоқда.

ШОДИМЕТОВ Юсуфжон Шодиметович, философия фанлари кандидати.

Ушбу йўналишда кўп ишлар амалга оширилган бўлсада, биздаги экологик вазият ҳали мақбул даражадан анча олисда. Ўзбекистон ССРнинг бир қатор областларида ишлаб чиқарувчи кучларни шакллантириш баъзан экологик оқибатлар керакли тарзда ҳисобга олинмасдан туриб амалга оширилади, доим ҳам табиат муҳофазасига доир ягона сиёсат ўтказилавермайди. Хусусан, сув ҳавзалари, ҳаво, тупроқ ифлосланиши масалалари ҳануз ўткир бўлиб қоляпти.

Ишлаб чиқариш қурилишининг жадал ривожланиши, агросаноат комплексининг кенгайтирилиши, умуман олганда кейинги ўн йилликларда экономиканинг экстенсив ривожланиши сув истеъмолининг ўсишига ва, бунинг оқибати тарзида, сув ажратилишининг кескин ошишига олиб келди. Ўзига хос табиий-иқлимий ва гидрогеологик шароит, бир қатор районларда йирик табиий очиқ сув оқимларининг йўқлиги, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги ўзига хослик шунингдек оқова сувларни чиқариб юбориш, тозалаш, зарарсизлантириш ва улардан фойдаланишнинг, сув манбаларини шаҳар корхоналари ва канализация томонидан, қишлоқ жойларда эса заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар билан ифлосланишидан муҳофаза қилишнинг баъзи хусусиятларини шартлаган.

Орол бўйида юзага келган ва аҳоли соғлиғининг ёмонлашишига бевосита алоқадор бўлган вазият Ўрта Осиё регионидаги ўткир экологик, демографик ва социал-иқтисодий проблемалардан бири бўлиб қолди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Орол денгизи районида экологик ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида» қарор (1988 йил) қабул қилди. Унда, жумладан, Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига келиб қуйилиши кескин қисқаргани, Орол сувининг сатҳи 13 метрга пасайиб, акваторияси майдони 1960 йилга нисбатан олганда учдан бир ҳиссага камайгани таъкидланади. Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги дарё сувларининг сифати йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пасайиб кетди, улар ичимлик сув билан таъминлаш учун кам яроқли бўлиб қолди. Шундай қилиб, Орол проблемаси нафақат сув тақчиллигига бориб тақалади. Сув тақчиллиги, аслида, регионлаги экологик зиддиятларнинг сабаби эмас, балки оқибатидир.

Ўзбекистонда, масалан, сувнинг 98 процентга қадар қисми суғорма деҳқончилик ва бошқа қишлоқ хўжалик мақсадларига, 1,5 проценти саноат ва 0,5 проценти рўзғор-маиший эҳтиёжларга сарфланади. Умуман олганда сув истеъмоли бутун халқ хўжалигида йилдан-йилга ошиб боряпти. Бу эса мавжуд сув ресурсларини илмий асосда ҳисобга олишни тақозо этмоқда. Бунинг устига Ўзбекистон ССРнинг юзада жойлашган барча сув манбалари табиий гидрогеологик режимда амалда сарфланиб бўлган. Шу сабабли, деб кўрсатилди КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Орол денгизига доир қарорида, бундан буён улардан жуда қаттиқ тежаш ва суғориш системасини рационал тарзда қайта қуриш орқалигина фойдаланиш мумкин. Ушбу йўналишда ҳозирданоқ кўпгина ишлар қилинди, лекин бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 73 ва қишлоқ аҳолисининг 51 процентигина марказий сув таъминоти билан таъминланган, қишлоқларда яшовчи 3,5 миллион аҳоли ариқ сувини ишлатади.

Хўжалик фаолиятининг кенгайиши ичимлик сув манбаи бўлган дарё, канал, ер ости сувларининг ялпи ифлосланишига олиб келди. Республикамизда сувда пестицидларнинг қолдиқ миқдори энг кўп даражада эканлиги аниқланган — у 2,7 процентга тенг (умуман мамлакат бўйича — 1,4 процент), бу эса сурункали заҳарланишларга олиб келади. Табиий сув ҳавзаларига тушаётган саноат оқова сувлари ўз таркиби ва киши организмига таъсир кўрсатиш кучига қараб икки группага бўлиниши мумкин. Биринчи группага химия, кон-ундирма ва металлургия саноати корхоналарининг, ёғ-мой, пиллачилик, луб, абразив тармоқлари айрим ишлаб чиқаришларининг оқовалари киради. Иккинчи группага ўз таркибига кўра шаҳар канализацияларининкига яқин ишлаб чиқариш оқовалари киради (кўнчилик, сут ва консерва заводлари, ип газлама ва трикотаж фабрикалари, гўшт ва тегирмон комбинатлари, нон заводлари ва ҳоказоларнинг оқова сувлари). Бундай сувларнинг миқдори анчагина катта, уларнинг анчагина қисми юзада жойлашган сув ҳавзаларига тушиб, уларнинг санитария аҳволини ёмонлаштиради.

Қишлоқда ичиш учун ҳамда санитария-гигиена мақсадлари учун сифатли

сувнинг етишмаслиги бир қатор ҳолларда терлама ва паратиф касалликлари эпидемиясининг ўсишига сабаб бўляпти. Республикада кейинги икки йил ичида салкам 300 минг киши ўткир ичак касалликларига учради ҳамда овқатдан заҳарланди, ярим миллиондан кўпроқ киши вирусли гепатит билан хасталанди. Бундай юқумли касалликлардан келган иқтисодий зиён 1987 йилнинг ўзидагина қарийб 300 миллион сўмга етди. Лекин жамият оналар ва болалар ўлими туфайли кўраётган жуда катта зарарни ҳеч қандай пул сарфлари билан ўлчаб бўлмайди, бунинг асосий сабабларидан бири ҳам яхши сифатли сувнинг тақчил бўлиб қолганлигидир. Республикада ҳар йили 30 мингдан ортиқ бола бир ёшга етмай вафот этяпти. Ана шундай қайғули кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Парагвай ва Таиланддан кейинги ўринда туради.

Хавф-хатарнинг муҳит факторларини тадқиқ қилиш натижалари қишлоқ оилаларида болалар ўсишининг кечикиши ва улар организмининг ҳолдан тойиши ариқ ва қудуқлар сувидан фойдаланиш билан боғлиқлигини тасдиқлади. Бунинг учун ажабланиш ҳам ортиқча: республикадаги мактабгача тарбия муассасаларининг салкам 37 проценти водопровод ва канализацияга эга эмас.

Агар ёш авлоднинг морфофизиологик хусусиятларига келадиган бўлсак, улар бошқа республикалардаги (хусусан, Европа қисмидаги) тенгдошлариникидан анча фарқ қилади. Бундай орқада қолганлик айникса СССР Қуролли Кучларида хизмат қилиш учун чақириш даврида ёркин кўзга ташланади. Регион туб ерли аҳолиси антропометрик параметрларининг ёмонлашуви агросаноат комплексида меҳнат унумдорлигининг пасайишида бевосита ўз аксини топмоқда. В. Соколовнинг пахта териш комбайнлари ёмонлиги ва уларга ишониб бўлмаслиги хусусидаги мулоҳазаси адолатлидир; гоҳ эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, гоҳ об-ҳавонинг ноқулайлиги, гоҳ дефолиация сифатининг ёмонлиги, баъзан эса комбайнчилар соғлиғининг заифлиги (зеро, комбайн педалларини чинакам паҳлавонларгина бошқара олади) комбайнларни қантариб қўйишга мажбур этади («Литературная газета», 1988, 16 март сонига қаралсин).

Кўриниб турибдики, юзага келган вазиятда социал-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналиши Ўзбекистон ва Ўрта Осиё бошқа республикаларининг аҳолисини юксак сифатли ичимлик сув билан, шаҳар ва қишлоқларни эса мукаммал тозалаш ва канализация системалари билан таъминлашдан иборат. Бунинг учун артезиан қудуқларидан, мембрана технологияси ёрдамида сувни тозалашдан фойдаланиш мумкин.

Ўрта Осиё регионининг демографик хусусиятлари аҳоли меҳнати ҳамда соғлиғининг социал-гигиеник, психофизиологик ва эргономик хусусиятларини тадқиқ қилиш проблемасига комплекс ёндашишни талаб қилади. Бир қатор меҳнат коллективларидаги меҳнат муҳофазаси шароитини яхшилаш ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирлари комплекс планларининг анализи уларнинг кўпчилиги киши соғлиғи учун нохуш бўлган оқибатларнинг сабабларига барҳам беришга эмас, балки ана шу оқибатларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилганини кўрсатди. Меҳнатнинг бир хилдалигини камайтиришга, ишловчилар зиммасидаги психоэмоционал нагрузкаларни оптималлаштиришга, эргономика, социал психология ва гигиена талабларини ҳисобга олган ҳолда иш жараёнлари ташкил этилишини яхшилашга доир бўлимлар амалда йўқ. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни экологияга мувофиқлаштиришнинг энг муҳим проблемалари ҳозирча ушбу планлардан тегишлича ўрин олган эмас.

Аҳоли меҳнатини ҳамда соғлиғи муҳофазасини оптималлаштириш масалаларини тадқиқ этиш ижтимоий фанлардан тортиб табиий фанларгача бўлган турли фанлар вакилларининг куч-ғайратларини интеграциялашга муҳтожлик сезяпти. Фан-техника революциясининг социал жиҳатларини чуқур ўрганиш зарур. Ҳозирча ушбу йўналишда қайта қуриш секин боряпти, кишининг ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги фаолиятининг конкрет шароитларини илмий-техника ва социал-гигиеник жиҳатдан таъминлаш суст амалга оширияпти.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё қишлоқларида яшовчи хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароити кейинги ўн беш йил ичида амалда ўзгаргани йўқ. Қишлоқни социал ривожлантириш проблемаларини ҳал қилишдаги қолдиқ принципи хотин-қизлар ва болалар соғлиғининг анча ёмонлашувига олиб келди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси О. Ёқубов қишлоқ аёлининг «кун тартибини» жуда ҳаққоний

кўрсатиб берди. Эрта тонгдаёқ, соат олти бўлмасидан у аллақачон уйғониб бўлади: сигирини соғиши, нонушта тайёрлаши, болаларни мактабга кузатиши керак. Соат саккиздан, ёзда эса еттидан то оқшомгача далада ишлайди, ғўзага ишлов беради, оғир кетмонда чопиқ қилиб силласи қурийди. Уйга қуёш ботиши олдидан, пахта терими даврида эса бундан ҳам кеч қайтади. Яна сигир, болалар, кечки овқат ташвиши. Маънавий озиқ тўғрисида гапириш қайда! («Литературная газета», 1987, 19 август сонига қаралсин).

Туғилишнинг юқори даражаси, аҳолининг табиий ўсиши айниқса қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг паст самарадорлиги билан биргаликда Ўрта Осиё республикаларида социал-маиший инфраструктуранинг асосий компонентлари, шу жумладан, уй-жой, хизмат кўрсатиш, медицина муассасалари, болалар боғча ва яслилари соҳасида кескин орқада қолишга олиб келди. Чунончи, улар касалхоналардаги ўринлар билан таъминланиш бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибдилар. Ўзбекистоннинг ўзидагина соғлиқни сақлашни ривожлантиришга ажратилган маблағлар мунтазам равишда тўлиқ ўзлаштирилмай келмоқда. Қишлоқда социал-маданий объектлар, профилакторийлар қурилиши, агросаноат комплексининг хотин-қиз меҳнатчиларини санитария-маиший хоналар билан таъминлаш бўйича топшириқлар йилдан-йилга бажарилмай келмоқда. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, хотин-қизлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Регион туб ерли халқларига мансуб хотин-қизлар анчагина қисмининг турмуш тарзи билан боғлиқ умумий аҳволни қуйидагича таърифлаш мумкин: бу ерда туғилиш камайишига ҳали ўтилганича йўқ. Тез-тез ҳомиладор бўлиш, туғиш, болаларни парваришлаш аёлларнинг қизиқиш доирасини, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш имкониятини чеклайди, соғлиқни путурдан кетказади. Совет ва чет эл олимлари ўтказган медицина-гигиена тадқиқотлари туғилишнинг юксак даражаси билан оналар ва болалар ўлими ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатди: юқори хавф-хатарли группага жуда эрта туға бошлаган, ҳаддан ташқари кўп ҳамда жуда оз танаффус билан туғадиган ёки кексайгунча туғишни давом эттирадиган аёллар киритилади. Социал шароитлар қанчалик ёмон бўлса, тилга олинган бир ёки бир неча факторнинг таъсир кўрсатиш эҳтимоли шунча кўп бўлади. 20—39 ёшлилар орасидаги ёш группасида туғилишни чегаралаш оналар ўлимини 11 процентга камайтириши мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган, бешинчи ва ундан сўнгги болалар туғилиши олдини олиш эса уни яна 4 процент пасайтиради.

Меҳнат характерини, регионнинг иқлимий-географик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда балансланган тарзда овқатланиш кишилар соғлиғи ҳамда актив меҳнат фаолиятининг ғоят муҳим мезонидир. Буни ташкил этиш Ўрта Осиё шароитида бир қатор проблемаларга бориб тақалади. Тарихан шаклланган анъаналар, гигиена режимига амал қилмаслик, иссиқ иқлим шароитида овқат таркибида углеводларнинг устун даражада бўлиши ҳамда витаминларнинг етишмаслиги аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Социал-гигиеник тадқиқотларнинг далолат беришича, республика қишлоқ районларида яшовчи катта ёшли аҳоли ва болаларнинг суткалик рационида зарур биоактив моддаларнинг мавжудлиги паст даражададир. Текшириб чиқилганларнинг кўпчилигида организмнинг умумий заифлиги, ҳаддан ташқари ҳориганлиги, шунингдек иммунореактив ҳолати паст эканлиги кўрилган. Гўшт маҳсулотлари истеъмолининг чекланганлиги (бир йилда киши бошига 21—28 килограммгача) ҳамда овқатланиш структурасида нон маҳсулотларининг салмоғи анчалиги (нормадаги 110—120 килограмм ўрнига 170—180 килограммгача) модда алмашинуви, жигар касалликлари, семириб кетиш, қанд касаллиги кўпайишига олиб келди.

Шу билан бир вақтда регионда мавжуд ишлаб чиқариш-иқтисодий ва табиий потенциалдан қониқарсиз фойдаланиляпти. Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатлари кескин пасайди; кишилар турмуш фаолиятининг социал ва биологик жиҳатлари ўртасида муайян зиддият пайдо бўлди. Регион аҳолисининг анчагина қисми ўзининг бадастур овқатланишга бўлган физиологик эҳтиёжларини қондирмаяпти.

Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпгина турларини етиштириш ҳамда ишлаб чиқариш Озиқ-овқат программаси топшириқларидан ва аҳолининг ўсиш суръатларидан анча орқада қолиб кетди. Ҳар бир киши ҳисобига маҳсулот чиқариш, иккинчи беш йилликдирки, амалда бир хил даражада туриб-

ди — у мамлакатдаги ўртача 7 минг сўм ўрнига бизда 4 минг сўмни ташкил этмокда. Бу ҳол гўшт ва гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қисқаришига олиб келди. Регионда ёз фаслида сабзавот ва мевалар мўл-кўл бўлишига қарамай, сақлаш омборлари етишмаслиги сабабли улар қиш учун кам миқдорда тайёрланади, республикадаги бундай омборлар миқдори эҳтиёжнинг ярмини ҳам қопламайди. Айниқса қишлоқда консервалаш базаси заиф ривожланган. Натижада Ўзбекистон, қанчалик ажабланарли бўлмасин, аҳоли жон бошига мева ва узум истеъмол қилиш бўйича иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан орқада қоляпти.

Шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг ўсиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши жамиятнинг атроф муҳитга таъсирини кучайтиради, инсон билан табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини интенсивлайди, улар баъзан меҳнат шароитига салбий таъсир кўрсатади: унинг самарадорлигини пасайтиради, бракнинг, касалланиш ва травматизмнинг кучайишига олиб келади ва ҳоказо. Химия корхоналарининг ўзида таркибида соғлиқ учун зарарли углерод ва азот оксидлари. фторли ва олтингугуртли бирикмалар, турли органик ва ноорганик кислоталар ва ҳоказолар бўлган отқиндилар каттагина хавф солади.

Масалан, Чирчиқ шаҳрининг ҳаво ҳавзаси азот оксидлари, олтингугурт гази. аммиак билан кучли даражада ифлосланган. Айрим кунлари унда аммиакнинг концентрацияланиши нормадагидан 20 баравар, сульфат кислота буғлари эса 12 баравар кўп бўлади. Олмалиқда олтингугурт газининг ўртача йиллик тўпланиши йўл қўйиладиган нормадан 14—15, айрим пайтларда эса 35—40 баравар юқори. Бу — мамлакат шаҳарлари ичида газ билан ифлосланишнинг энг юқори даражасидир. Шу билан бирга, масалан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида табиат муҳофазасига доир 13 тадбирдан атиги биттаси рўёбга чиқарилган. Шу пайтгача аммиакни қайта ишлашга, азот оксидларини термик йўл билан зарарсизлантириш ва ҳоказоларга доир бешта экологик тоза қурилмалар бунёд этилиши тугаллангани йўқ. Фарғона шаҳрининг нисбатан кичик территориясида йирик саноат комплексларининг тўпланиши эса аҳолининг соғлиғига ҳозирданоқ кучли нагрузка ҳосил қилиб, юрак-қон томир, нафас олиш, сийдик чиқариш ва асаб системалари, ошқозон-ичак йўли, онкологик касалликларнинг, хусусан, ўпка раки (у атмосферада қурум, бензпирен кўп миқдорда бўлиши билан боғлиқ) касаллигининг абсолют миқдорини оширди.

Қишлоқ хўжалигида химиявий препаратлардан фойдаланиш ғоят муҳим регионал социал-экологик проблема бўлиб қолди. Чунончи, юқори температура билан пестицидларнинг биргаликдаги таъсири заҳарланиш белгиларини юзага келтириб, пестицидларнинг заҳарлилигини кучайтиради. Тери қопламининг гиперемияси ва ҳаддан ташқари кўп миқдорда тер ажралиб чиқиши баъзи химиявий моддаларнинг тери орқали сингишига ва тезроқ сўрилишига олиб келиши мумкин. Химиявий моддаларни кенг микёсда қўлланиш психик фаолияти бузилган. асаб системаси ва нафас олиш органлари касалланган кишилар миқдори кўпайишига олиб келади.

Химия ишлаб чиқариши шубҳасиз бўлмиш ютуқлар билан бирга табиатга анчагина зарар ҳам етказади. У кўпинча унинг маҳсулотлари жонли организмга қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олмаган ҳолда ривожлантирилди. Химиявий технологиядан фойдаланиш кенгайиши билан синтетик буюмлар оммавий миқдорда ишлаб чиқарила бошланди, улар эса атроф муҳитга сингиб кетмайди ва шу сабабли унинг циклига қўшилмай, тупроқ, сув ва ҳавони ифлослантиради. Бунинг оқибати тарзида ўзини ўзи поклаш биологик механизмларининг ишдан чиқиши экологик мувозанатни охиригача хароб қилувчи примитив ҳаёт формалари кўпайиб кетишига имкон беради.

Бундай шароитда давлатнинг социал-экологик сиёсати ишлаб чиқаришнинг биофизик, биохимиявий ва биологик методларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга асосланиши керак. Ўзбекистонда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг хавфсиз, хусусан, биологик усулларига катта эътибор бериляпти. Агар 1980 йили 1,4 миллион гектар ерда шундай усуллардан фойдаланилган бўлса, ҳозир эса улар 5 миллион гектардан кўпроқ ерда қўлланиляпти. Биометодлар заҳарли химикатларни жуда оз сарфлаган ҳолда ғўзани зараркунандалардан бутунлай ҳимоя қилиш имконини беради.

Заҳарлилиги юқори препаратларнинг кам заҳарли препаратларга алмаштирилиши, ер усти аппаратлари, химиявий воситаларни тўғри сақлаш ва ташиш қишлоқда атроф муҳитнинг ифлосланишини пасайтиришда муҳим роль ўйнайди. Лекин республика қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидларнинг, айниқса заҳарлилиги юқори хлорорганик бирикмаларнинг умумий ҳажми ҳануз каттагина; уларни сақлаш учун типовой омборлар ва заҳарсизлантирувчи цехлар қурилиши суст олиб борилялти; аҳолининг заҳарли химикатлардан бўшаган идишлардан фойдаланиши ҳолларига йўл қўйиляпти; авиация ёки чанглатиш ёрдамида пахта далаларига химиявий ишлов бериш ҳам аҳолининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатяпти.

КПСС МК ва республика Компартияси Марказий Комитетининг экологик вазиятни тубдан яхшилашга, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорлари қониқарсиз бажарилаётганини қайд этишга тўғри келади. Масалан, Ўзбекистонда зарарли отқиндиларни камайтиришга доир 1400 тадбирдан атиги 800 тасигина бажарилган. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида министрлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг фаолиятини координациялаш учун тузилган республика кенгаши амалда ишламаяпти. Ўзбекистон Давлат план комитети, министрлик ва идоралари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари бу ишда ўз ваколатларидан тўлиқ даражада фойдаланмаяптилар. Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг таклиф ва фармойишлари кўпинча бажарилмайди. Маъмурий органлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш хусусидаги қонунларни бузувчиларни жавобгарликка тортмаётирлар. Кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялар, хом ашёдан комплекс фойдаланиш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш, зарарли модда ва бирикмаларни ушлаб қолишнинг юксак самарали методлари суст ишлаб чиқиляпти ва жорий этиляпти; табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган капитал маблағлар кўпаймаяпти, мавжудлари эса охиригача ўзлаштирилмаяпти. Айрим хўжалик раҳбарлари психологиясида чуқур илдиз отган, ишлаб чиқариш планларини ҳар қандай қилиб бўлсада бажаришга қаратилган технократик, тор маҳкамачилик ёндашуви, бошқарув қарорларининг экологик оқибатлари учун масъулият ҳис этмаслик айниқса зарарлидир.

Ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришларни маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари билан комплекс ҳолда қуриш кенг миқёс касб этади. Бу эса саноатни йирик шаҳарларда концентрациялашни тўхтатиш имконини беради, атроф муҳитни самарали ҳимоя қилишни таъминлайди. Янги корхоналарни, масалан, химия индустрияси, рангли ва қора металлургия, бинокорлик материаллари корхоналарини қуриш учун жой танлаганда аҳоли энг кам тўпланган районларга эътибор берилиши керак. Бундай завод ва фабрикалар атрофида кенг санитария зоналари бунёд этиш, ходимларга транспорт хизматини тегишли равишда ташкил этиш билан бирга уй-жой қурилишини саноат объектларидан йироқда олиб бориш лозим.

Фан-техника тараққиётининг табиатга мумкин бўлган салбий таъсирини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш мақсадларида регионал экологик мониторинг (узлуксиз назорат қилиш) ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. У, хусусан, антропоген нагрузкаларни ҳамда бошқача экологик-иқтисодий ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этувчи мумкин бўлган иқлимий-географик, экологик ўзгаришларни ривожлантиришни кўзда тутиши; айрим республикалар миқёсида ҳам, регионал нуқтаи назардан туриб ҳам социал-гигиеник ва экологик прогнозлар тузиши; атроф муҳитга зарарли моддаларни чиқариб ташлаш ва ҳоказолар чегарасини аниқлашга имкон берувчи экологик нормалаш системасини ишлаб чиқиши; биосферанинг экологик резервини, унинг киши соғлиғи учун тўлиқ хавфсизлигига риоя қилган ҳолда ассимиляциялаш ҳажмини аниқлаши керак.

Бугунги кунда бутун бир қатор препаратларнинг заҳарлилигига характеристика берилди; зарарли моддаларнинг иссиқ иқлим шароитида уларнинг атмосфера ва сув хавзаларида йўл қўйиладиган даражада концентрацияланишини аниқлашда гигиеник нормалаш хусусиятларини ҳисобга олиш йўлга қўйиляпти; пестицидларнинг ҳаво, сув, ўсимликлар ва тупроқдаги миқдорини аниқлаш метод-

лари ишлаб чиқиляпти (Ўзбекистонда 1988 йилнинг ўзидагина 10 га яқин ана шундай метод яратилди). Ана шу тадқиқотлар регион ва мамлакат учун қишлоқ хўжалигини химиялаштиришга нисбатан илмий асосланган экологик сиёсатни ишлаб чиқиш имконини беради.

КПСС МКнинг Бутуниттифоқ врачлар съездига табригида таъкидланганидек, «халқ хўжалигини ривожлантириш унинг социал-гигиеник ориентациясини, атроф муҳитга ва инсонга ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни кучайтиришни талаб этади». Ўрта Осиёдаги ҳозирги вазият ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот марказларининг куч-ҳаракатларини кишиларнинг турмуш фаолиятига турли экологик факторлар таъсирини ўрганишни, ичимлик ва оқова сувларни тозалаш ҳамда зарарсизлантириш усулларининг санитариявий ишончлилигини ошириш мақсадида интеграциялашни, саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан фойдаланишнинг янги методларини гигиеник баҳолашни талаб этади.

Фан ва техника тараққиёти шароитида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси инсоннинг кўп факторли ҳаётини социал-философик ва илмий жиҳатдан янгича идрок этиш, сиҳат-саломатликни иқтисодий, социал, ахлоқий қадриятлар системасига киритиш вазифасини қўймоқдаки, унингсиз киши ва инсоният ривожланишини прогнозлаш ҳамда унинг перспективаларини планлаштириш тобора қийинлашиб боради. Фан-техника тараққиёти аҳоли соғлиғининг регионал проблемаларини сифат жиҳатидан янада юксак даражада ўрганиш заруратини келтириб чиқаряпти. Бу ҳол медицина-гигиеник ва социал-экологик жараёнларнинг намоён бўлишининг, уларнинг илмий асосланган прогнозлаштирилишининг қонуниятларини ўрганишни шартлайди. Бундан аҳолининг миграцион активлиги ва табиатни ўзгартириш шароитида аҳоли соғлиғини тадқиқ қилиш билан боғланган бир қатор методологик проблемалар келиб чиқади.

Кейинги ўн йилликда юз берган номақбул ҳодисалар Ўрта Осиё регионн туб ерли аҳолиси социал-биологик табиатининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди. Кишиларнинг морфофизиологик характеристикаси ёмонлашди, айниқса меҳнатга яроқли ёшдаги аҳолининг касалланиши ва ўлими анча кўпайди. Регион учун характерли бўлган туғилишнинг жуда юқори даражаси турмуш даражаси пастлиги, кризисли экологик шарт-шароитлар фонида оналар ва болалар ўлимининг ўсишига, хотин-қизлар организмининг такрор ҳосил этувчилик қобилияти пасайишига олиб келди.

Юзага келаётган экологик вазият ва демографик жараёнлар инсон соғлиғи проблемаларига диалектик-материалистик ёрдашиш зарурлигини борган сари ёрқинроқ намоён этяпти. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган қайта қуриш кучли социал-экологик ва экологик-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, экологик тафаккур ва амалий ҳаракатларни, партия, совет ва хўжалик кадрларининг фан ва техника тараққиёти социал-гигиеник ва экологик оқибатларини чуқур тушуниб етишларини шакллантириш учун объектив шарт-шароит яратади. М. С. Горбачев КПСС МК июль (1988 йил) Пленумидаги докладда экология масалаларига тўхтаб, шундай деб таъкидлади: «Бу муаммонинг ўткирлигини ва пайсалга солиб бўлмаслигини жамият чуқур тушуниб етди ва жамоатчилик фикри шундайки, бу соҳада ёндашувларни тубдан ўзгартириш талаб қилинади». Кишилар, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларидаги айни янгича ёндашишлар, янгича тафаккур аҳоли соғлиғининг социал-экологик проблемаларини ҳал этишда муҳим фактор бўлиб қолади.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ТАШҚИ СИЁСАТНИ ЯНГИЛАШ— ЯНГИЧА СИЁСИЙ ФИКРЛАШ АСОСИ

Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

СССРда содир бўлаётган қайта қуриш совет жамияти ҳаёт-фаолиятининг барча жиҳатларини, шу жумладан ташқи сиёсатни ҳам қамраб олади. У реал вазиятга мувофиқ бўлмаган ҳамма нарсаларни улоқтириб ташлайди, новаторлик ғоялари ва ташаббусларини илгари суриб, халқаро ишларни ички туб ўзгартишларни амалга ошириш учун қулай шароит яратишга бўйсундиради. Камчиликлар ва хатоларни виждонан ва дадиллик билан тан олиш, уларни бартараф этиш борасидаги аниқ мақсадни кўзлаган, жиддий иш, КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, партия Марказий Комитети Пленумлари ишлаб чиққан жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга келишига қаратилган йўлни турмушга ошириш дунёда фақат катта акс-садо берибгина қолмай, балки бир-бирини яхши тушуниш ва бир-бирига ишонч муҳитини яратиб, халқаро муносабатларда психологик ва сиёсий иқлимни соғломлаштиришга таъсир қила бошлади.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси таъкидлаганидек, СССРдаги қайта қуриш бутун дунё аҳамиятига молик омил бўлиб қолди. Мамлакат ичидаги туб ўзгаришлар халқаро ишларда ҳам янгича ёндашувларни талаб этди.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Совет ташқи сиёсатининг асосий принциплари.**
2. **Ракета-ядро асрида янгича сиёсий фикрлаш.**
3. **КПСС ва Совет давлати халқаро фаолиятининг бош йўналишлари.**

СОВЕТ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

КПСС XXVII съездининг халқаро муносабатларда одат бўлиб қолган кўп ёндашувларни тубдан ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги хулосасининг моҳиятини тингловчиларга тушунтиришга киришишдан аввал пропагандист мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини: социал-иқтисодий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципи ва пролетар интернационализми принципини эслатиб ўтади. Бу принциплар совет ҳокимиятининг дастлабки ҳужжатларидаёқ — Сулҳ тўғрисида декрет, Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси, Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларациясида — эълон қилинган эди ва, равшанки, Ленин ҳужжатлари номини олган эди, чунки уларни капитализмдан социализмга ўтиш даврига татбиқан биринчи марта таърифлаб ва баён қилиб берган инсон Октябрь революциясининг доҳийси, партиямиз ва давлатимизнинг бунёдкори В. И. Ленин бўлган эди.

Социализм мамлакатлари ҳамдўстлигининг ажралмас қисми бўлган Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида жаҳон социалистик системасининг интернационал бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият беради. СССРнинг ташқи сиёсий йўли — бу қардош мамлакатлар билан мувофиқлаштириб олинган ташқи сиёсат бўлиб, бу сиёсатда совет халқининг туб манфаатлари ҳам, шунингдек бутун социалистик ҳамдўстлик ва бутун дунё меҳнаткашларининг интернационал манфаатлари ҳам бирга қўшилгандир.

Совет давлати пролетар интернационализми принципига амал қилиб мустамлакачилик зулмидан озод бўлиб олган мамлакатларга нисбатан ҳам ўз сиёсатини белгилайди. У янгича мустамлакачиликка қарши уларнинг курашини қўллаб-қувватлайди, уларга иқтисодий, техникавий, маданий ёрдам кўрсатади.

Октябрь революциясининг ғалаба қилиши билан бирга ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципи ҳам дунёга келди. Советлар II съездида 1917 йил 26 октябрь (8 ноябрь) даги Сулҳ ҳақидаги доклад юзасидан якунловчи нутқида В. И. Ленин бундай деган эди: «Биз талончилик ва зўрлик қилиш тўғрисидаги ҳамма моддаларни рад қиламиз, лекин тотувлик шартларини ва иқтисодий битимларни ўз ичига олган ҳамма моддаларни хурсандлик билан қабул қиламиз, биз уларни рад қила олмаймиз» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 21-бет). Кейинчалик у таъкидлаган эдики, РСФСР «барча халқлар билан тотувликда яшашни истайди ва... ўзининг бутун кучини ички қурилишга қаратишни истайди» (ТАТ, 39-том, 421-бет). В. И. Ленин тинч-тотув яшашни халқаро сиёсат масалаларини ҳал қилиш учун ҳарбий воситаларни қўлланмасликдан шунчаки воз кечиш деб эмас, балки давлатларнинг энг актив мулоқоти, кенг кўламдаги ўзаро фойдали ҳамкорлиги деб тушунганлиги принцип жиҳатдан муҳимдир.

Тинч-тотув яшаш принципини турмушга ошириш Совет Иттифоқига турли халқаро ташкилотларда кўзга кўринарли роль ўйнаш, бир қанча муҳим халқаро битимларга эришишга қимматли ҳисса қўшиш ва кўп капиталистик давлатлар билан нормал сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантириш имконини берди. Тинч-тотув яшаш сиёсати тинчлик ишини мустаҳкамлайди ва мамлакатимизнинг ички вазифаларини ҳал қилиш учун қулай ташқи сиёсий шароит яратишга кўмаклашади. Бу билан у халқларнинг туб манфаатларига, социализм манфаатларига жавоб беради.

Тинч-тотув яшаш, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, тотув яшаш зарурлигини, давлатларнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлигини тан олишни билдиради. Аммо, равшанки, бундай ҳамкорлик бизнинг коммунистик эътиқодларимиздан, халқларнинг озодлик курашидан, эксплуататорлик тузумини танқид қилишдан воз кечишни англатмайди. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни ҳимоя қилиш манфаатлари мазлум халқларнинг озодликка, ҳаётни революцион тарзда янгилашга ҳамда курашда ўзлари лозим топган йўлдан фойдаланишларига бўлган ҳуқуқларини тан олишни инкор этмайди. Худди шу манфаатларнинг ўзи ҳам миллий мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун, социал тараққиёт учун курашаётган халқларга интернационал ёрдам ва мадад бериш заруратини ҳам истисно этмайди.

Ўз идеологиясига амал қилиш ҳар бир халқнинг, ҳар бир давлатнинг ўз ихтиёридадир, бу уларнинг ички ишидир. Муҳими шундаки, айрим давлатлар ўз қарашларини уруш-лар йўли билан бошқаларга мажбуран тиқиштирмасликлари керак. Идеология кураши — бу қурол кучи билан эмас, балки ғоялар кучи билан курашишдир. Совет Иттифоқи бу курашни айнан ана шундай тушуниш тарафдоридир. Ҳар бир давлат, ҳар бир синфнинг ўз идеологиясига эга бўлиш ҳуқуқини тан олмасдан туриб, мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин эмас. Ана шунинг учун ҳам тинч-тотув яшаш социализм билан капитализм ўртасидаги идеология курашига татбиқ этилмайди, айни чоқда уни инкор ҳам этмайди. Ишонтириш воситалари орқали олиб бориладиган бундай кураш билан тинч-тотув яшаш ўртасида шунинг учун ҳам ҳеч қандай зиддият йўқ. У халқлар ўртасидаги тинчликни, халқлар озодлигини бузмайди. Инсоният олдида турган альтернатива — бу тинч-тотув яшаш билан идеология курашидан бирини эмас, балки тинч-тотув яшаш билан жаҳон урушидан бирини танлаб олишдир.

Урушларнинг олдини олиш учун, ялпи тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш учун кураш — совет ташқи сиёсатининг асосий элементидир, мамлакатимизнинг халқаро фаолиятида пролетар интернационализми ва тинч-тотув яшаш принципларини амалда турмушга оширишнинг энг муҳим омилидир. Совет ҳокимияти дунёга келган кунидан бошлабоқ ҳормай ва изчиллик билан ана шундай кураш олиб бормоқда. Сулҳ ҳақидаги Ленин декрети бу курашга асос солдики, декретда демократик ва одилона тинчликни ўрнатишга даъватгина мавжуд бўлмай, балки ғалаба қилган социалистик революция давлати ташқи сиёсатининг асосий принциплари ҳам баён этилган эди. 1921 йил февралида В. И. Ленин бундай деб қайд этди: «...Биз сулҳ тузишни хоҳлашимизни исбот қилиш учун барча ишларни қилдик...» (ТАТ, 42-том, 369-бет). 1918 йилдан 1940 йилга қадар Совет давлати капиталистик мамлакатлар билан фақат сиёсий ва ҳарбий сиёсий характердаги 20 дан зиёд шартномаларни тузди.

Совет ташқи сиёсати солномасида бир талай ажойиб саҳифалар бор. Унда биз Гитлерга қарши коалиция тузилганини ҳам, урушдан кейин тинч ҳаётни йўлга қўйиб юборишга оид кенг кўламли вазифаларни ҳал этишни ҳам, Теҳрон, Ялта, Потсдамдаги халқаро конференцияларни ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини барпо этишни ҳам кўрамиз. СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ютуқлари орасида — қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасидаги ғоят муҳим битимларга олиб келган қатъий ҳаракатларни, ГФР билан тузилган Москва шартномасини, Ғарбий Берлин бўйича тўрт томонлама битимни, Хельсинкидаги Якунловчи актни кўрамиз. Империализмнинг мустамлакачилик системасини тугатиш тўғрисидаги масалаларни қўйиш ва ҳал этишда совет ташқи сиёсати ўйнаган роль шубҳасиздир.

Кўриниб турибдики, Совет давлатининг ташқи сиёсий йўли тарихий тараққиётнинг барча босқичларидаги ўзининг асосий йўналишлари узлуксизлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, мамлакатимиз ички ҳаётидаги деформациялар, догматизм, субъективистик ёндашув халқаро ишларнинг йўналишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Матбуотда мамлакат ичидаги салбий ҳолатларнинг унинг ташқи сиёсатига таъсири тўғрисида аллақачон гапириб ўтилди. Пропагандистнинг ана шу маълумотларининг ақалли баъзи бирлари билан тингловчиларни таништириши мақбулдир.

30-йиллардаги бедодлик ва репрессиялар совет позицияларига ва принципларига бўлган ишончга путур етказди, СССРнинг қиёфаси ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилди. Ўйламай-нетмай ижро этавериш, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ютуқларини бўяб кўрсатиш халқаро фаолиятнинг демократик характерини чеклаб қўя бошлади. Турли-туман, мураккаб жаҳон воқеаларини стереотипларнинг тор доирасига тиқиштиришга, ана шу воқеаларни сийқалаштирилган «дўст — душман» схемасига мослаштиришга уриниш устунлик қилди.

Сталин шахсига сиғиниш даврида чет эллардаги совет ваколатхоналари ишида Москвага маълум қилинадиган ахборотни у ерда юзага келган фикр билан ҳар нима қилиб бўлса ҳам «мослаштириш»га уриниш кўзга ташланарди. «Доҳий»нинг ҳар қандай фикрлари ва баҳоларига керакли «фактлар» ва «исботлар» танлаб олинарди, уларнинг аксарияти тўқиб чиқарилган бўларди. Бу, албатта, салбий оқибатларга, баъзан эса, гитлер Германиясининг СССРга ҳужуми арафасида бўлганидек, фожиали оқибатларга олиб келарди.

Ўз вақтида В. И. Ленин бошқа мамлакатлар билан муносабатларда фош этувчи формулировкалардан ва «даҳшатли сўзлар»дан огоҳлантирган эди. Бироқ кейинчалик халқаро анжуманлар ва музокараларда совет вакиллари анча-мунча қуруқ ибораларни, айблашлар ва дўқ-пўписаларни ишлатиб келдилар. Бу А. Вишинский ташқи ишлар министрининг ўринбосари, сўнгра эса министр бўлиб ишлаган чоқда айниқса яққол намоён бўлди. Унинг нутқларида фақат музокаралар иштирокчилари шаънигагина эмас, балки улар вакили бўлган давлатлар шаънига ҳам шахсиятга тегадиган кўплаб ҳақоратомуз сўзлар айтилар, ёрлиқлар («уруш оловини ёқувчи», «империализмнинг малайи» ва ҳоказо деган) осиларди. Музокарадошларга, халқаро конференция иштирокчисига умуман «тарсаки қўйиш», «адабини бериш»ни баъзи бир кимсалар сиёсий жасорат, ватанпарварлик кўрсатиш деб билишарди. Равшанки, ана шуларнинг ҳаммаси позицияларнинг яқинлашувига, келишиб олишларга кўмаклашмади, вазиятни анализ қилишга сийқа ёндашув эса шунга олиб келдики, баъзан бошқа томоннинг таклифлари шу заҳотиёқ рад этиларди.

Бизнинг мухолифларимиз, маълумки, СССРга нисбатан, совет халқининг дўстликка, фидойиликка интилишга, социализмнинг тинч ва гуманистик идеалларига қарамай, «душман образи»ни яратдилар. Юқорида айтилганидек, «биз сизларни кўмиб ташлаймиз» типидаги баёнотлар, кескинликнинг юмшалуви даврида тинч-тотув яшашни синфий курашнинг ўзига хос формаси деб нотўғри тарғиб қилиш ўша «душман образи»га батамом мос бўлиб тушарди.

Баъзан ҳатто энг муҳим қарорлар ҳам бир гуруҳ шахслар томонидан, коллектив тарзда, ҳар томонлама кўриб чиқмасдан ва анализ қилмасдан, баъзан эса дўстлар билан лозим даражада маслаҳатлашиб олмасдан туриб ҳам қабул қилинаверарди. Бу ҳол халқаро воқеаларни ва бошқа давлатларнинг сиёсатини нотўғри тушунишга, ҳатто хато қарорларга ҳам олиб келарди.

Ҳаракатларнинг у ёки бу варианти халққа қанчалик қимматга тушиши ва қандай оқибатларга олиб келиши ҳамиша ҳам тарозуга солиб кўрилавермасди. Зеро халқаро ишларда ҳар бир қадам ўз қимматига эга, у давлатнинг яхши яшаши бюджетига ё бирон нарса қўшади ёки бирон зиён етказади.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз дунёдаги асосли ўзгаришлардан орқада қолиб борди, кескинликнинг юмшатилиши учун ва халқларнинг бир-бирини кўпроқ тушуниши учун янги имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмади. Ҳарбий-стратегик мувозанатга эришишга интилиб, давлатнинг хавфсизлигини сиёсий воситалар орқали таъминлашга ҳамиша ҳам ҳаракат қилинавермади ва бунинг натижасида қуролланиш пойгасига тортилишимизга имконият яратилдики, бу ҳол мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишига ва унинг халқаро аҳволига таъсир кўрсатмай қолмас эди.

Тилга олинган ва бошқа сабабларга кўра ташқи сиёсатни шунчаки такомиллаштириш эмас, балки қатъиян янгилаш даркор бўлиб қолди. Аммо бунинг учун янгича сиёсий фикрлаш керак эди. Бундай фикрлашга КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съезди асос солди.

РАКЕТА-ЯДРО АСРИДА ЯНГИЧА СИЁСИЙ ФИКРЛАШ

Эндиликда, деб уқтиради пропагандист, КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти давлатлар ўртасида одобли, маданий, чинакам инсонпарварона муносабатларни

баркарор этишда ўзига хос бир новаторлик ва ижодкорона изланиш руҳини янги куч билан намойиш этмокда. Бу халкаро ҳаётдаги жараёнлар ва ҳодисаларни мушоҳада этишнинг сифат жиҳатдан янги кўлами, эскириб колган ёндашувлар ва баҳоларни улоктириб ташлашга интилиш ва бунга кобиллик, узок вактгача ҳал килиб бўлмайдиган деб ҳисобланиб келган муаммоларни ностандарт тарзда ҳал этишни излаш ва бунинг йўлларини топишга шайликдир.

КПСС ва Совет давлатининг жаҳон майдонидаги иш-ҳаракатларини партия XXVII съезди ишлаб чиккан стратегик йўл-йўриклар белгилаб беради. Ҳозирги, ядровий аср реалликларини анализ килишга марксча-ленинча таълимотни ва методни ижодий татбик этишнинг натижаси бўлган фундаментал илмий концепция бу иш-ҳаракатларнинг негизини ташкил этади. У КПСС МК Пленумлари карорларида, М. С. Горбачевнинг, бошка совет раҳбарларининг баёнотлари, нутклари ва суҳбатларида янада ривож топди.

Мазкур концепция янгича сиёсий фикрлашга таянадики, ҳозирги дунё умуминсоний кадриятлар ва манфаатлар устун бўлиб турган дунёдир, деган хулоса унинг марказий бўғинидир. Совет Иттифоки халкаро муносабатларни инсонпарварлаштиришнинг кенг программаси билан чикди. Ядровий кирғин хавфи принципиал янги вазиятни вужудга келтирмокда, инсониятга ўзгача нуктаи назар бахш этмокда.

Бу вазият эса ғоят хавфлидир. Дунё фан ва техникани ривожлантиришда шундай боскичга келиб колдики, бунда янги кашфиётлар ва ихтиролар, бир томондан, Ер юзида неъматлар мўллигини, жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун, шахснинг камол топиши учун моддий шарт-шароитларни таъминлаш имкониятини берса, иккинчи томондан — куролланиш пойгасини янада авж олдириб юборишга, у тўхтатиб бўлмас характер касб этадиган, кишилар контроли остидан чикиб кетадиган шароит яратишга кодирдирки, бундай ҳол бутун жонзот учун олдиндан айтиб бўлмайдиган фожиали окибатларга олиб келиши мумкин.

Фан ва техниканинг ўзи тинчликка хавф солмайди, албатта. Бу хавф империализмдан, энг реакцион милитаристик кучлар сиёсатидан келиб чикади. Бу кучлар тарих жараёнини тўхтатиб кўйишга, социализм позицияларига путур етказишга, бутун дунё микёсида социал касос олишга интилишларини тўхтатаётганлари йўк. «Империализм,— деб кайд этилди КПСС XXVII съездида, — ўз ижтимоий табиатига кўра тажовузкорлик, авантюристик сиёсатини муттасил кучайтириб бормокда».

Шу ўринда пропагандист таъкидлаб ўтиши муҳимки, янгича фикрлашни шунчаки СССРнинг, социалистик ҳамдўстлик давлатларининг миллий манфаатлари, миллий хавфсизлиги ҳакида ғамхўрлик килиш такозо этибгина колмай, балки у — унинг моҳияти ҳам ана шунда — бутун дунёнинг такдири учун, барча кишиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, Ер юзида ҳаётнинг ўзини ва цивилизацияни саклаб колиш учун тарихий масъулият руҳи билан йўғрилгандир. Термоядро ҳалокати ғоят катта хавф солиб турган шароитда инсониятнинг омон колиши проблемаси жуда ҳам кўндаланг бўлиб колди, шунинг учун ҳам урушларсиз дунё — бирдан-бир альтернативадир. КПСС ва Совет ҳукумати барча халклар, партиялар ва давлатларни ана шу ҳакикатни англаб олишга, уни амалий фаолият учун таянч нукта ва раҳбар принцип килиб олишга даъват этмокда. Инсониятни эса ядро куролини йўкотиш йўлидан бошкача йўл билан ўлим хавфидан халос килиб бўлмайди. СССР ўзининг асосий куч-ғайратини ана шу йўналишга жамлаб, ядро киличи инсоният тарихининг жонли ришталарини узиб ташламасдан аввал, бу килични жаҳон сиёсати кўлидан тортиб олишга интилмокда.

Совет ташки сиёсат концепцияси ҳозирги дунёни ранго-ранг, зиддиятларга тўла, лекин айни чокда ўзаро боғланган ва яхлит деб янгича тушунишга таянади. Халкаро тараккиёт диалектикаси шундайки, эндиликда инсоният олдига иккидан бирини: ё биргалашиб туриб одил, муштарак, мустаҳкам тинчлик биносини куришни, ёки биргаликда ҳалок бўлишни танлаш муаммосини кўйди. Учинчи йўл йўк. Цивилизацияни саклаб колмок учун урушлар ва зўрлик ишлатиш сиёсати учун ғоят тор ва мўрт бўлиб колган планетамизда биргаликда, тотув яшашга ўрганиш, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш маҳоратини эгаллаш зарурдир. Бунинг учун эса урушларнинг макбуллиги, уларга йўл кўйиш мумкинлигига, ҳарбий жиҳатдан устун бўлишга интилишга асосланган асрий фикрлар ва ҳаракатлар тарзига катъиян барҳам бериш лозим.

Янгича фикрлаш шуни англаб олишни такозо этадики,

ядро уруши хавфи ялпи характерга эга бўлиб, хеч ким учун истисно бўлиб колмайди, хеч кимни четлаб ўтмайди ва бу хавфни барча халклар ва давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайрати билангина даф этиш мумкин;

куролланиш пойгаси мутлако ҳамма мамлакатларга хавф солмокда, бинобарин, фақат биргаликда куч-ғайрат кўрсатиш билангина ундан кутулиш, урушнинг моддий негизини йўкотиш мумкин;

ресурслар камайиб бораётган ва шароит оғирлашаётган бир пайтда кенг, бемалол ва ўзаро фойдали амалий ҳамкорлик доирасидагина моддий ҳаётнинг зарур даражасини саклаб туриш мумкин;

факат халклар ва давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина инсон

яшайдиган муҳитни сақлаш, янги энергия манбаларини излаш, космосни ва жаҳон океанини ўзлаштириш, иқтисодий қолоқликка, қашшоқликка, очлик ва касалликларга қарши курашиш проблемасини ҳал этиш мумкин.

Бундай шароитда хавфсизликни таъминлаш проблемасига ҳам янгича ёндашиш талаб этилади. Ракета-ядро асрида «ўзининг» ва «ўзганинг», миллий ва халқаро хавфсизлик ўртасидаги алоқадорлик тобора кўпроқ бузилмас бўлиб бормоқда. Ҳозирги замон урушининг ҳалокатли оқибатлари биронта ҳам миллатни четлаб ўтмайди, шунинг учун ҳам уларнинг ҳаммаси ўзини баб-баравар хавфсиз ҳис қилиши лозим. КПСС XXVII съездида бундай деб таъкидланди: «Башарти СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гапирганда, хавфсизлик фақат муштарак бўлиши, умуман халқаро муносабатлар олинган тақдирда эса — фақат ялпи бўлиши мумкин».

Ана шунинг учун ҳам КПСС эски аҳволни, яъни дунё ядро қирғини хавфи остида қолган аҳволни халқаро хавфсизликнинг ялпи системаси билан алмаштириш ғоясини илгари сурди. Бу системанинг партия XXVII съезди ишлаб чиққан асослари дунёда юзага келган янги реалликларни ҳисобга олади. Бу система шунга таянадики, цивилизацияни сақлаб қолиш вазифаси блоклар манфаатларидан, миллий ва бошқа манфаатлардан, сиёсий, иқтисодий ёки миллий-этник ихтилофлардан юқори туради. У икки система ўртасидаги идеологик зиддиятларнинг давлатлараро муносабатлар соҳасига ёйилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди, икки система кураши ноҳарбий беллашув формасидагина кечиши лозимлиги ҳақидаги принципиал хулосага таянади. Бу система ҳозирги даврда кескинликни юмшатишнинг, тинч-тотув яшашнинг чинакам кодекси бўлиб қолди. Унда давлатлараро муносабатларнинг барча муҳим соҳалари — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалари ўзаро боғланган, қолаверса, ҳар бир соҳа учун энг муҳим проблемаларни конкрет ва тубдан ҳал этиш йўллари тавсия этилади.

М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида баён қилинган шу аср охирига қадар оммавий қирғин қуролларини батамом йўқотиш ва уруш хавфининг олдини олиш программаси юқорида тилга олинган системанинг ўзагидир. Ядросиз дунё ҳақидаги ана шу программани рўёбга чиқариш учун курашни КПСС XXVII съезди СССР ташқи сиёсатининг марказий йўналиши сифатида белгилаб берди.

Янгича сиёсий фикрлаш доирасида давлатларнинг тинч-тотув яшаши ленинча ғояси ижодий тарзда янада ривож топди. КПСС тинч-тотув яшаш халқаро муносабатларнинг олий универсал принципи, қонуний бўлиб қолиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бунда тингловчиларга шу нарсани тушунтириб бериш тавсия этиладики, бизнинг капитализмга бўлган муносабатимиз, шунингдек унинг тарихий тақдири ҳақидаги тасаввуримиз ҳам ўзгаргани йўқ. Аммо Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлардаги капиталистик ижтимоий тартибларни ағдаришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди — аксинча, у планетада тинч яшашни, муросага келтириб бўлмайдиган синфий қарама-қаршиликларни қуролли кураш йўли билан ҳал этишдан воз кечишни, ўзаро алоқалар ва амалий ҳамкорлик ўрнатишни таклиф этади. Равшанки, бошқа томон ҳам социализмнинг яшаш ва эркин ривожланиш ҳуқуқини тан олиши, унга нисбатан «салб юришлари»дан ва хилма-хил камситишлардан воз кечиши лозим. КПСС Программасида тинч-тотув яшаш принципи айнан ана шундай маънода баён этилган.

Мана бундай бир моментга ҳам эътиборни қаратмоқ лозим. Янгича сиёсий фикрлаш тинч-тотув яшашни синфий курашнинг алоҳида бир формаси деб билишни рад этади. Ҳужум қилмасликка, суверенитетни ва миллий мустақилликни ҳурматлашга, ички ишларга аралашмаслик ва ҳоказоларга асосланган сиёсатни бундай форма билан айнан бир нарса деб билиш ярамайди. Бир-бирига қарама-қарши икки системанинг кураши эндиликда ҳозирги даврнинг белгиловчи тенденцияси эмас. Ҳозирги пайтда илғор фан, юксак техника ва технология негизида жадал суръатлар билан моддий неъматларни кўпайтириб бориш ва уларни одилона тақсимлаш, инсониятнинг омон қолиши учун зарур бўлган ресурсларни биргаликдаги куч-ғайрат билан тиклаш ва ҳимоя қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Аммо гап ана шуни деб социализм билан капитализм ўз идеологияларини қурбон қилишлари ҳақида эмас, балки рақобат қилаётган томонлар давлатлараро муносабатларни шакллантиришда идеологиялаштирилган ёндашувлардан қутулиб олишлари ҳақида бораётир. Ракета-ядро асрида донолик ана шу муносабатларда шубҳасиз мавжуд бўлган ва батамом реал тафовутлар ва ихтилофларни биринчи ўринга қўйишдан эмас, балки бу тафовутлар ва ихтилофларни ҳисобга олган ҳолда муштарак, ўзаро мақбул, икки томон учун фойдали жиҳатни излашдан иборат эканлигидадир. Шунинг учун ҳам совет дипломатияси конфронтациялаштирувчи ёндашувларга йўл қўймай, уларни халқаро ҳаётдан йўқотишга эриша бориб, худди ана шу йўлдан боришга интилмоқда. Умуман бутун дипломатияни нотўғри фикрдан ва тоқатсизликдан халос этиш амалда ҳар бир халқ ва давлатнинг социал ва сиёсий йўлни эркин танлашини тан олиш демакдир.

Янгича сиёсий фикрлашда йўлни эркин танлаш концепцияси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида қайд қилинганидек, бу концепцияни дунёнинг мислсиз ва тобора кўп хилма-хиллашиб бораётганлиги тақозо этади.

Асрлар давомида тарихдан четда қолиб келган миллиард-миллиард кишилар унинг олд саҳнасига чиқдилар. Халқларнинг ўз озодлиги учун адолатли кураши бормоқда ва бораверади, бинобарин, уларни чет эл зулмига ёки ички реакция истибдодига кўникишга мажбур этиб бўлмайди, чунки ҳар бир халқ тинчлик ва эркинлик шароитида яшаш, миллий мустақиллик ва социал туб ўзгаришлар қилиш қонуний ҳуқуқига эгадир.

Суверенитет ва мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва аралашмаслик умум эътироф этган нормаларга айланаётган, куч ишлатиш сиёсати тарихан ёшини яшаб бўлган бир шароитда йўл танлаш эркинлиги халқаро муносабатларни демократиялаштиришнинг ажралмас элементидир. Озодликка чиқиб олган давлатларнинг халқлари ўз тақдирларининг хўжайини бўлишни истайдилар, улар ҳар қандай зўравонлик кўринишларига қаршидирлар.

Янгича сиёсий фикрлаш жаҳон майдонида ҳаракат қилиш методларини такомиллаштиришни талаб этди, албатта. Бу нарса амалга оширилди ҳам. Энг аввало совет ташқи сиёсати ошкоралик принципидан тўла фойдаланмоқда. У ўз мақсадларини очиқ-ошкора эълон қилиб, ленинча традицияни тиклаб ва унга амал қилиб, анъанавий дипломатик каналлар орқали фақат ҳукуматларгагина эмас, балки бевосита халқларнинг ўзига ҳам мурожаат қилмоқда. Музокарадошларнинг ғояларимизни яхши тушунишларига, бизнинг эса тинчликни яхши билишимиз ва тушунишимизга имкон берувчи диалог КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг ўзига хос белгилари бўлиб қолди.

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе айтганидек, совет дипломатияси халққа хизмат қилишни ўз ишининг мазмуни деб билади. У ўз фаолиятини халқ орзу-умидларига мувофиқ режалаштиришни, ўз ишлари учун унинг олдида жавоб беришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Ташқи сиёсатга оид энг муҳим қарорларни муҳокама қилиш ва қабул этишнинг конституцион-ҳуқуқий механизми (XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси уни шакллантиришни ёқлаб фикр билдирди) мазкур қарорлар бехатолигининг гарантияси бўлиб қолмоғи лозим. Ушбу механизм энг яхши йўлни танлашнинг демократик тартибини назарда тутадики, бундай йўлни халқ сайлаб қўйган кишилар халк иродасига, тўла ошкоралик шароитида худди шундай демократик йўл билан аниқланган халк иродасига батамом мувофиқ тарзда амалга оширадилар.

Конституцион-ҳуқуқий механизм яратилиши билан шундай бир қонун чиқариш тартиби жорий этиладики, бу тартибга биноан ҳарбий ва ҳарбий-саноат фаолияти билан шуғулланувчи барча идоралар сайлаб қўйиладиган бутун халқ олий органлари контроли остида бўладилар. Бу мамлакат ташқарисида ҳарбий кучлардан фойдаланиш масалаларига ҳам, мудофаа иншоотлари қурилиши планларига ҳам, миллий хавфсизлик проблемаларига асосан боғлиқ ҳолда ҳарбий бюджетларнинг очиқ-ошкоралигига ҳам тааллуқлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бизда ҳуқуқий давлатни шакллантириш умуминсоний турмуш нормаси сифатида халқаро ҳуқуқ негизини барқарор этишга бутун дунёдаги интилишлар билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Шу боисдан СССР ялпи хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, гуманитар, экологик гарантиялари қаторида унинг ҳуқуқий гарантияларини ҳам биринчи ўринга қўймоқда.

КПСС ташқи сиёсатда ҳам ҳақиқатни ўзи айтиши монополиясидан воз кечди. Зеро, уни (ҳақиқатни), айниқса бизники каби мураккаб ранго-ранг дунёда, ким томонидан айтилганидан қатъи назар, барча оқилона ғояларни ҳисобга олган ҳолдагина билиб олиш мумкин. Бундай ёндашув самарали натижалар бермоқда.

Пропагандист буни тасдиқлаш учун теманинг ушбу бўлими масаласи кўриб чиқилаётганида айтилган гапларга якун ясаб қайд этадики, давлатлараро муносабатларда ўзига йўл очиб бораётган янгича сиёсий фикрлаш — энди бу принциплар мажмуи эмас, балки иш-ҳаракат, практикадир. У қўлга киритган ютуқлар орасида қуйидагиларни кўрамиз:

— ўртача ва камроқ олислик ракеталарини йўқотиш тўғрисидаги совет-америка шартномасининг тузилиши ва рўёбга чиқарилиши;

— Афғонистонга доир масалаларнинг сиёсий тарзда ҳал этилиши, Женева битимлари асосида ушбу мамлакатдан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш бошланганлиги;

— ядровий-космик ва оддий қурол-яроғлар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама музокараларнинг сезиларли даражада олға силжиши;

— химиявий қурол-яроғни батамом тугатиш ва тақиқлаш ҳақидаги конвенцияни имзолаш сари ҳаракат;

— бир-бирига «душман образлар»нинг йўқола бораётганлиги ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёр шерик образининг тикланиши;

— ахборотлар алмашувнинг ва кишилар мулоқотларининг кенгайиб бораётганлиги.

КПСС ВА СОВЕТ ДАВЛАТИ ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи тинчликка янгича илмий-реалистик қарашни эълон этиб, ўз ташқи сиёсатини реал ишларда гавдалантирмоқда. Бунинг натижасида халқаро ҳаёт активлашди, кўпроқ ҳаракатчан бўлиб қолди. Дунёда сиёсий, иқтисодий, илмий-

техникавий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш формалари ва воситаларини излаш тенденцияси мустаҳкамланди.

Қайта қуриш бораётган деярли тўрт йил совет ташқи сиёсатининг тинчлик бунёд этувчи ғайрат-шижоатини кучайтирди. Ҳозирги кунда йирик давлатлар иштирок этадиган урушларнинг бевосита хавфи камайди. Дунёдаги вазият кўпроқ барқарор ва олдиндан кўра билса бўладиган тус олди, куролланиш пойгасини жиловлаш истиқболи янада реал бўлиб қолди.

СССР барча давлатлар билан нормал муносабатларни халқаро стабиллик ва хавфсизликни таъминлашнинг ҳал қилувчи омилларидан бири деб билиб, улар билан ҳамкорликни кенгайтиришга, улар лидерлари билан сиёсий диалогни чуқурлаштиришга тобора қатъият билан интилмоқда. Кейинги вақтларда М. С. Горбачев, бошқа совет раҳбарлари барча қитъалар давлатлари давлат ва партия арбоблари билан тобора кенг кўламда олиб бораётган музокаралар ва суҳбатлар ҳозирги замоннинг энг кескин проблемалари бўйича позицияларнинг бир-бирига мослиги ёки яқинлигини аниқлаш, ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш учун йўлни тозалаш имконини бермоқда. Олий даражадаги совет-америка учрашувларини алоҳида қайд қилмоқ лозим — кейинги уч йил ичида бундай учрашувлардан тўрттаси бўлиб ўтди, бу учрашувларнинг ҳар бири бизнинг АҚШ билан муносабатларимизни, бутун дунёда тинчлик ишини олға бостирди.

Бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш, унинг мазмуни ва формаларини янгилаш совет ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари орасида устун йўналишдир. Бунда асосий эътибор социализм қуриш ғоялари ва тажрибасини алмашув соҳасига қаратилмоқда. Социализм мамлакатлари ривожининг турли босқичларида таназзул ҳам, қийинчиликлар ҳам бўлиб турди, зиддиятлар вужудга келди. Аммо уларни бартараф этиш социалистик ҳамдўстликни тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги поғонасига олиб чиқди, юзага келаётган проблемаларни самарали тарзда ҳал этиш йўлларини топиш имконини берди. Кейинги йилларда Совет Иттифоқи Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш учун кўп куч-ғайрат кўрсатдики, бу СССР билан ХХР ўртасида иқтисодий ва ташқи савдо алоқаларини, маданият ва фан соҳасида алмашувларни кенгайтиришга олиб келди. КПССнинг социализм мамлакатларини бирлаштирувчи ҳамма омиллардан максимал фойдаланишга қаратилган йўли катта аҳамиятга молик.

Социалистик давлатларнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятида уларнинг тинчликни саклаб қолиш учун курашга қўшадиган ҳиссасини ошириб бориш биринчи даражали ўрин тутади. СССРнинг кўпдан-кўп тинчлик ташаббуслари бошқа социализм мамлакатларининг таклифлари билан тўлдирилиб туради. Бундан ташқари, кўпгина муҳим халқаро-сиёсий (Европа хавфсизлиги, Европада куролли кучларни ва оддий курол-яроғни қисқартириш, низо манбаларини тугатиш ва ҳоказолар бўйича) таклифлар Варшава Шартномаси ташкилотининг Сиёсий маслаҳат комитети томонидан киритилиб турди.

СССРнинг ташқи савдо оборотида қардош мамлакатларнинг улуши 60 процентдан ортиқ. Шу билан бирга кейинги йилларда улар билан иқтисодий алоқаларда қийинчиликлар кўпая бошлади: комплектловчи буюмларни тўла етказиб бермаслик ҳоллари тез-тез учраб турди, бир қатор битимлар бўйича планлар бажарилмади, маҳсулот етказиб бериш муддатлари бузилди. Маҳсулот баъзи бир турларининг сифати юқори даражада бўлмади. Ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш соҳасида резервлардан тўла фойдаланилмади, келишиб олишларнинг кўп поғоналилиги тўғаноқ солиб турди. Ўзаро алмашув динамикаси йўл қўйиб бўлмайдиган даражага тушиб қолди: 1985 йилдан буён мамлакатларнинг бири-бирига етказиб бераётган маҳсулотининг қиймати атиги 4 процент кўпайди.

Шу боисдан қардош мамлакатлар ҳамкорлиги соҳасида чуқур сифат ўзгаришлари даври бошланди. ЎИЕК сессиясининг 44-мажлисида (1988 йил июль) 1991—2005 йилларга мўлжалланган халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг коллектив тарзда ишлаб чиқилган концепцияси маъқулланган эди. Социалистик интеграция иқтисодий механизмини қайта қуриш сари йўл тутилди. Қардош мамлакатлар ҳамкорлигини такомиллаштиришда СССР билан Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия хўжалик ташкилотлари ўртасида бевосита ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги, шунингдек қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар барпо этиш тўғрисидаги 1986 йилда имзоланган битимлар муҳим қадам бўлиб, бу шерикларнинг имкониятларини яхшироқ билишга, ихтисослаштирилаётган маҳсулотнинг илмий-техникавий даражасини янада оперативроқ оширишга, ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорликка оид конкрет масалаларни тез ҳал қилишга кўмаклашади. Масалан, Тошкент Марказий универмаги билан Будапештдаги «Корвин» универмаги ўртасида (сотиш учун бир-бирига товарлар етказиб бериш, иш тажрибасини алмашиш ва ҳоказо), шунингдек Ўзбекистон ССР билан Руминия бир группа енгил саноат корхоналари ўртасида (ярим фабрикатлар ва хом ашёни бир-бирига етказиб бериш, технологияда тажриба алмашиш, ишчилар ва инженерларни бир-бирига стажировкага юбориб туриш ва ҳоказо) бевосита алоқалар ўрнатилди.

Бунда тингловчиларга шу нарсани гапириб бериш ўринлики, СССРнинг ташқи иқтисодий фаолиятини қайта қуриш социалистик бўлмаган давлатлар билан муносабатларга ҳам тааллуқлидир. Бу ишдаги янги нарса энг аввало Совет Иттифоқи территориясида капиталистик мамлакатлар фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этишдан иборатдир. 1988 йил 1 октябрига қадар ҳаммаси бўлиб 105 та қўшма корхоналар, шу жумладан социалистик мамлакатлардан бўлган шерикларнинг иштирокида 15 та корхона, капиталистик мамлакатлардан бўлган шерикларнинг иштирокида 90 та корхона рўйхатга олинди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа иқтисодий ҳамжамияти ўртасида расмий муносабатларни ўрнатиш каби замон руҳига мос бўлган воқеа халқаро сиёсатда янгича реалистик ёндашув маҳсули бўлди. Бу биринчидан, ҳар иккала ташкилотлар составига кирган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алмашувларни ривожлантириш учун янада қулайроқ шароит яратади, иккинчидан, экономиканинг турли тармоқларида йирик-йирик умумевропа лойиҳаларини амалга ошириш учун истиқбол очиб беради, учинчидан, Европадаги ва бутун дунёдаги сиёсий иқлимга жуда ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шу йилнинг октябри бошида бўлиб ўтган мажлисида КПСС МК Сиёсий бюроси ҳукумат ишлаб чиққан СССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари стратегиясининг, ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Концепциясининг ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган СССР экспорт базасини ривожлантириш программасининг лойиҳаларини қўллаб-қувватлади. Уларда ана шу алоқаларга янгича ёндашув акс этганки, бу ёндашув ушбу алоқаларнинг мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришдаги ролини оширишга, Совет Иттифоқи халқ хўжалик комплексини халқаро меҳнат тақсимотига янада активроқ ва ҳар томонлама қўшишга қаратилгандир.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида М. С. Горбачев Совет Иттифоқи ташқи сиёсатидаги Европа йўналишининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб, Европанинг тарихий имконияти, унинг келажаги — қитъа давлатларининг тинч ҳамкорлигидадир, деб уқтирди. Шу боисдан «тўпланган капитални сақлаб қолган ҳолда янада олға: кескинлик юмшалишининг дастлабки босқичидан кўпроқ барқарор бўлган босқичи сари, етук юмшалиш сари, сўнгра эса Хельсинки жараёни, ядровий ва оддий қурол-яроғларни тубдан қисқартиш негизида мустаҳкам хавфсизликни яратиш сари ҳаракат қилиш муҳимдир».

Эндиликда Европада кескинликнинг юмшатилиши ишига «иккинчи мадад», янги динамизм ва кўламдорлик бахш этиш учун объектив шароитлар етилмоқда. Ана шу мақсадда Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлигининг барча жиҳатлари бўйича хилма-хил таклифларни илгари сурдилар.

СССР Европада юзага келган сиёсий реалликни ҳисобга олиб айнан янгича фикрлаш асосида «Умумевропа хонадони» ғоясини кўтариб чиқди. Бу ғоя қитъада жойлашган давлатларнинг турли социал-иқтисодий системаларга ва уларнинг бир-бирига қарама-қарши ҳарбий-сиёсий ташкилотларга мансублигига қарамасдан Европанинг Атлантикадан то Уралгача яхлитлигини кўзда тутади. «Умумевропа хонадони» унинг аҳолисининг тарихий-маданий муштараклигини, ҳал қилиш учун етилган проблемаларнинг ўзаро боғлиқлигини, хавфсизлик ва тинч ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларни камраб олувчи ва мустаҳкам системасини яратиш зарурлигини гавдалантиради.

Осиё-Тинч океан йўналиши КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолиятида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бизнинг мамлакатимиз барча халқлар билан биргаликда Осиё ва Тинч океанда тинч-тотув яшаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик принципларига асосланган янги, одил муносабатларни вужудга келтиришга интилаётганлигини бир неча бор кўрсатди. М. С. Горбачевнинг 1986 йил 28 июлда Владивостокда сўзлаган нутқида илгари сурилган беш йўналиш: регионал низоларни ҳал этиш, регионда ядро қуролининг ёйилишига тўсиқ қўйиш, Тинч ва Ҳинд океанлари ҳавзаларида флотлар активлигини ва умуман ҳарбий кучлар бўлишини чеклаш, Осиёда қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғни тубдан қисқартиш, бир-бирига ишониш тадбирларини амалда муҳокама қилишга киришиш йўналишлари бўйича ҳаракатларнинг комплекс программасини илгари сурганлиги мазкур йўлдаги муҳим одим бўлди.

Орадан бир йил ўтгандан кейин мазкур программа М. С. Горбачевнинг Индонезияда чиқадиган «Мердека» газетасига жавобларида ривожлантирилди ва конкретлаштирилди. Шу йилнинг сентябрида эса Красноярскдаги нутқида Михаил Сергеевич мана бундай янги таклифларни илгари сурди: ядро қуроли бўлган барча давлатларнинг Осиё-Тинч океан регионида қўшимча равишда ядро қуролини жойлаштирмаслиги; регионлаги асосий ҳарбий-денгиз давлатлари ўртасида бу ерда ҳарбий-денгиз кучларини кўпайтирмаслик ҳақида консультациялар ўтказиш; СССР, ХХР, Япония, КХДР ва Жанубий Корея соҳиллари бир-бирига яқинлашувчи районларда ҳарбий соҳада бир-бирига қарама-қарши туришни камайтириш тўғрисидаги масалани кўп томонлама асосда муҳокама қилиш; башарти АҚШ ўз ҳарбий базаларини Филиппинда тугатадиган бўлса, СССР Вьетнам ҳукумати билан келишиб туриб, Камрань бухтасидаги флотни моддий-

техникавий таъминлаш пунктидан воз кечишга тайёр бўлади; очиқ денгизда ва унинг устидаги осмонда можаро чиқишининг олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш; узоги билан 1990 йилгача Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш ҳақида халқаро конференция ўтказиш; Осиё-Тинч океан регионн хавфсизлигига тааллукли бўлган совет таклифларини ва бошқа ҳар қандай таклифларни кўриб чиқиш учун музокаралар механизмини барпо этиш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, СССР ўзининг ташқи сиёсатини Европа ва Осиё сиёсатига бўлмайди. У икки китъа — Европа ва Осиё қитъаларининг урушга қарши, ядро урушига қарши куч-ғайратларини ягона евро-осиё жараёнига қўшишга интилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг озодликка чиққан давлатлари билан муносабатлар Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бунда ҳамкорлик йўналишлари хилма-хилдир. Бу энг аввало ишлаб чиқариш, социал-маиший ва маданий объектлар қуришда, кадрлар тайёрлашда, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда ёрдам кўрсатишдир. (Пропагандистга машғулот вақтида Э. Ҳайитбоевнинг журналнинг шу сонида эълон қилинаётган «Ўзбекистон ССРнинг халқаро алоқалари» мақоласидаги маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади).

СССР социалистик йўлни кўзлаган мамлакатлар билан алоқаларга алоҳида эътибор бериб, озодликка чиқиб олган кўп давлатлар билан сиёсий ҳамкорликни фаол тарзда амалга оширмоқда. Совет Иттифоқи Қўшилмаслик ҳаракатини қўллаб-қувватламоқда, унинг жаҳон сиёсатидаги ролини ошириш учун курашмоқда.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ажралмас қисми бўлмиш КПСС бу ҳаракатнинг жипслигини мустаҳкамлашга, обрў-эътиборининг ортишига ҳаракат қилмоқда. У ёки бу проблемалар бўйича узил-кесил бўлмаган баҳолар ва дискуссияларга нисбатан КПССнинг позицияси шундан иборатки, айрим масалалар бўйича ихтилофларнинг мавжудлиги коммунистик партияларнинг интернационал ҳамкорлигига, уларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишларига тўсқинлик қилмаслиги керак. У ёки бу проблемалар бўйича келишмасликларни, деб ҳисоблайди КПСС, ўртоқларча муҳокама қилиш орқали, ўзаро мақбул баҳоларни ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш мумкин. КПСС қардош партиялар билан ўз муносабатларида пролетар интернационализми принципига қатъий амал қиладики, бу принцип революцион бирдамликни ҳам, ҳар бир партиянинг тўла мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишни ҳам ўз ичига олади.

Пропагандист хулоса қилиб шуни уқтирадики, ҳозирги пайтда масала мана бундай тарзда қўйилган: ё инсониятнинг сиёсий фикрлаши оммавий қирғин қуролларининг ғоят катта аслаҳахонаси жамланган ҳозирги вазиятнинг талабларига мувофиқлашуви, ёки Ер юзида ҳаёт битиши керак. Шундай қилиб, янгича сиёсий фикрлаш замон амри бўлиб қолди. Уни шакллантириш — барча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг, ҳамма халқларнинг иши ва бурчидир.

Яна бир масала. Мамлакатимизда авж олиб кетган революцион туб ўзгартишлар фақат бизнинг жамиятимиз учунгина эмас, балки бутун социализм учун, бутун дунё учун ҳам тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ҳар бир совет кишисининг қайта қуриш ишини ўз иш жойидаги фидокорона меҳнати билан қўллаб-қувватлаши айникса муҳимдир. Биз ўз ички ишларимизни қанчалик муваффақиятли тарзда уддаласак, Совет Иттифоқининг жаҳон майдонида тинчлик фойдасига янграйдиган овози шунчалик қудратлироқ жаранглайди.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Совет Иттфоқи Коммунистик Партияси XXVII съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон», 1986, 6—23, 71—86, 192—205, 287—289, 368—369-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари. 1988 йил, 28 июнь — 1 июль., «Ўзбекистон», 1988, 28—34-бетлар.

За новое политическое мышление в международных отношениях.— Сборник. М., Политиздат, 1987.

М. С. Горбачев. — **Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун.** — Т., «Ўзбекистон», 1988.

М. С. Горбачев. **Время действий, время практической работы.** Выступление на встрече с представителями трудящихся Красноярского края 17 сентября 1988 года. «Правда», 1988, 18 сентября.

Добиваться всеобъемлющей безопасности. Выступление главы советской делегации Э. А. Шеварднадзе на 43-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН 28 сентября 1988 года. — «Правда», 1988, 29 сентября.

А. Бовин. **Новое мышление — новая политика.** — Коммунист, 1988, № 9.

В. Медведев. **Великий октябрь и современный мир.** — Коммунист, 1988, № 2.

ҚИЙИН МАСАЛАЛАР ДАВРИ

20—30-йиллар тарихи ва ҳозирги замон ижтимоий тафаккури

Бугунги мунозаралар тугаб, бизни ҳаяжонлантираётган муаммолар ўткирлиги узоқ ўтмиш мулки бўлиб қолгандан кейин, ҳозирги зеҳннинг очилиши ҳаммага маълум бўлган ҳақиқат бўлиб қолгандан кейин, тортишувларнинг синган ўқ-ёйлари музейлар омборхоналарига тушганидан кейин, ана ўшанда, ҳойнаҳой «80-йиллар одамлари»нинг маънавий ўсиш жараёнини 20—30-йиллардаги совет тарихи тўғрисидаги мақолалар ва нашрлар бўйича қайта тиклаш осон бўлиб қолса керак. Бугун аниқ бўлган нарса эртага яна ҳам аниқроқ бўлади. Ўтмишни, жамиятимизга 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошларида путур етказган кризисли ҳолатларнинг илдизлари ва манбаларини танқидий таҳлил этишнинг теранлиги ва муросасизлиги ҳозирдаёқ қайта қуриш тарихи ва унинг орзу-умидлари билан қўшилиб кетди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг катта илмий ходими Т. БОРДЮГОВ ва сектор мудири В. ҚОЗЛОВнинг «Правда» газетасининг 1988 йил 30 сентябрь ва 3 октябрдаги сонларидан кўчириб босилаётган мақоласида 20—30-йиллар тарихининг айрим мунозарали ва ниҳоятда замонавий масалалари кўриб чиқилади.

Материал академик Г. Л. СМИРНОВ таҳрири остида босилмоқда.

«ОҚ ДОҒЛАР» ВА ОММАВИЙ ШУУР

Бизнинг яқин ўтмишимиз муаммолари бирданига қизғин мунозаралар ва муҳокамаларга сабаб бўлгани йўқ. Ижтимоий онг муайян вақтгача қўзғалиш тараддудида бўлди. Шундан кейин ўтмиш тўғрисидаги тасаввурларнинг «барқарор» деб аталмиш мустаҳкам туюлган тўғонини шубҳалар ва саволларнинг журъатсиз жилғалари тешиб ўта бошлади. «Сталинизм» ибораси янграй бошладики, биз илгари ундан ўзимизни четга олардик, у нуқул салбий туйғуни уйғотарди, уни биз «ўзимизники эмас», деб ҳисоблардик. Энди бу ибора расм бўлиб қолди, публицистлар томонидан фаол фойдаланилмоқда.

Қайта қуриш концепцияси 30—40-йилларда қарор топган маъмурий-буйруқбозлик системасини инкор этишни назарда тутиши маълум бўлганидан кейин бу системанинг отасига, у билан номи боғлиқ бўлган, унинг тимсоли ва рамзи бўлган Сталинга мурожаат қилиш табиий бир ҳол бўлиб қолди. 60-йилларда Сталинни ва у дунёга келтирган системани танқид қилиш қандай осонлик билан тўхтатиб қўйилгани ҳақидаги хотира энг жасур ва қатъиятли публицистларни партия XX съезди ғоялари ва баҳолари йўлига дарҳол қайтишга ундади. Ижтимоий онг сталинизмга дастлабки журъатсиз ҳужумдан тарихий йўлимиз фожиасини тобора чуқурроқ тушуниш сари, бундан 20 йил муқаддам биз бермаган ва бера олишимиз мумкин бўлмаган саволларни аниқ ифода қилиш сари илгарилаб борди. Бироқ кўпчилик, илгари бўлганидек, ҳали ҳам йўл-йўриқ кўрсатадиган нутқларни кутиб турарди ва олдинига сийқаси чиқиб кетган йўлни ўзгартириш мумкинлигига ишонишмади ҳам чоғи.

М. С. Горбачевнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган доклади бурилиш нуқтаси бўлди. У бизнинг тарихий ривожланишимиз янги концепциясининг умумий шаклини белгилаб берди; 20—30-йиллар тарихига «ёмон ният» позициялари-

дан туриб (асосан оппозициячилар, нифоқчилар, ички ва ташқи душманларга қарши доимий курашдан иборат, деб) қараш қатъиян рад этилди. Кўпгина догмалар чиппакка чиқди, муҳокама қилиш учун янги масалалар юзага келди. Айтиш мумкинки, партия узоқ танаффусдан сўнг биринчи марта бизнинг тарихий ўтмишимиз масалаларини «ёпиғлик қозон» тахлитида ташлаб қўймади, балки уларни жиддий таҳлил қилиш учун дадиллик, муросасизлик билан ўртага қўйди. Доклад риоя қилиниши зарур бўлган абадий ҳақиқатларни мустаҳкамламади.

Ижтимоий онг янги жиддий муаммоларни қўйиш сари борди. «Эзгуликка йўл» топиш ҳозирги замон публицистикасининг асосий ғояси бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Ўтмиш тўғрисида фикр юритганда инсонпарварлик ўлчови унга зарур таркибий қисм сифатида киритилаётир, биринчи беш йилликларни баҳолаш ҳақидаги, 30-йиллардаги сиёсатнинг социал-иқтисодий ва назарий асосланганлиги ҳақидаги, сталинизмни туғдирган шарт-шароитлар ҳақидаги, партия Марказий Комитетининг коллектив жавобгарлиги ҳақидаги, Сталин суянган социал кучларни аниқлаш ҳақидаги, НЭПни «йиғиштириш»дан манфаатдор бўлган кучлар ҳақидаги масалалар ўткир қилиб қўйилмоқда.

1988 йилнинг битирувчилари «тарихсиз қолишди» — мактабларда имтиҳонларни бекор қилишга тўғри келди. Эскиси бузиб ташланди, янгисини яратиш учун материаллар тўплаш вақти келди. Профессионал ва оммавий тарихий онгни ривожлантиришда бугун қандай тенденциялар кўзга ташланмоқда? Ҳозирнинг ўзидаёқ биз «оқ доғлар» муаммосига тор маънода изоҳлаш мавқеида ёндашишга қизиқиш сусаяётганининг дастлабки белгиларини кўриб турибмиз. Шахсга сиғиниш тўғрисида, оммавий репрессиялар тўғрисида ўқувчилар ҳали ҳамма нарсаларни ҳам билиб олгани йўқ, улар ниҳоятда кўп. Бу иш давом эттирилади; бироқ кўпгина ҳодисаларни тушунтириб беролмайдиган ва уларни қандайдир бир бутун концепция доирасида ягона қилиб боғлай олмайдиган профессионал тарихчиларда ҳам, шунингдек, кенг ўқувчилар доирасида ҳам қандайдир етишмовчилики сезиш ўсиб бораётир. Агар одамлар яқин вақт ичида 20—30-йиллар воқелигининг зиддиятли томонларини янгича, янада чуқурроқ тушунтириб берадиган, қандайдир боғланган концепцияга эга бўлмас эканлар, агар биз «позитив» ҳақида етарли гаплар айтилди, ҳозирда эса «негатив»га эътибор бериш керак деган соддадил тасаввурдан воз кечмас эканмиз, кунларнинг бирида бизга: «негатив» тўғрисида етарли гаплар айтилди (20 йил муқаддам шундай бўлган эди), «позитив» тўғрисида гапириш вақти келмадими? — дейдиган вақт келмаслигига кафолат қаерда?

«АСОСИЙ БЎҒИН»НИ ҚИДИРИБ

Бугунги кунда оммавий шуур бошидан кечираётган «ғоялар фожеасини» бартараф этишга интилиб, айрим адабиётчилар ва публицистлар Сталинни социализмдан ажратиб ташлашни таклиф қилмоқдалар. Бироқ тарихий ҳақиқатга путур етказмай туриб, бу ишни қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаса керак. Бизнинг замондошларимиз халқнинг социализм учун қаҳрамонона курашини ва айрим сиёсий раҳбарларнинг хатолари, янглишишлари, ҳатто жиноятларини бир-биридан ажратишга адолатли равишда интилмоқдалар. Аммо социализм қураётган раҳнамосиз мамлакат, раҳбарсиз халқ, — бундай ҳол фақат назарий абстракциялашда бўлиши мумкин, лекин реал ҳаётда эмас. Назаримизда, аслида биз хийла умумий проблема олдида турибмиз, — ўтиш даврини социализмдан ажратиб олиш зарур. Бу 20—30-йилларни идрок қилиш ракурсини ҳам, ўша даврдаги жамиятимиз етуклигига берилган баҳони ҳам дарҳол ўзгартиради.

30-йилларда биз ахир қандай социализм қурдик? — кўпинча савол шундай қўйилмоқда. Уни қандай ўлчовлар билан баҳолашмоқда? Мулкчилик формалари, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси — мана булар етакчи ва асосий ўлчовлардир. Бироқ, биз уларни абсолютлаштирганимизда тўла манзарага эга бўлмаймиз. Шунинг учун ҳам ҳозирги публицистлар олдинга қараб бормоқдалар. 30-йилларда барпо этилган тузумни қандай аташнинг турли вариантлари пайдо бўлди, — «давлат социализми», «казарма социализми», «илк социализм». Ҳатто жиддий равишда сал бўлмаса «феодал социализми» тўғрисида ҳам гапирмоқдалар. Афтидан, бу масалаларнинг қўйилишининг ўзи социализм тўғрисида

30—40-йилларда қарор топган тасаввурлардан қаноатланмасликни ифодаламоқда.

Аммо муаммо принцип жиҳатдан яна бир муҳим ракурсга эгадир. Бугунги кунда Лениннинг «...социализмга қарашимизнинг ҳаммаси тубдан ўзгарганини эътироф қилишга мажбурмиз» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 421-бет) деган сўзлари кенг машҳур ва тез-тез цитата қилиб келтирилмоқда. Бу сўзлар НЭПнинг дастлабки йиллардаги тажрибасини умумлаштириш муносабати билан айтилган эди ва улар ҳозиргача ўзида муайян жумбоқ белгисини сақлаб келмоқда. Маълумки, «қарашимизнинг ҳаммаси тубдан ўзгаргани...» Ленинни социализм тўғрисидаги масалани цивилизациялашган кооператорлар тузуми сифатида қўйишга олиб келган эди. Аммо, табиийки, бошқа савол ҳам кўндаланг бўлиши мумкин. Ленинда ва партияда илгари социализмга қарашда қандай нуқтаи назар бўлган, ахир? 1917 йилда Ленин шундай деб ёзган эди: «Социализм **бутун халқ фойдасига ишлайдиган,** демак, шу билан бирга капиталистик монополияликдан **чиқиб кетган,** давлат капиталистик монополиянинг худди ўзгинасидир» (ТАТ, 34-том, 225-бет). Социализмга худди шундай қараш афтидан, Ленинда цивилизациялашган кооператорлар тузуми концепциясига ўсиб ўтган бўлса керак.

Шу билан бирга социализмга мана шу «эскича қараш» Лениннинг сафдошлари ва ворислари учун амалий йўналиш хизматини ўтайверган. Қаттиққўллик билан марказлаштирилган хўжалик системаси, шаҳар билан қишлоқ ўртасида тўғридан-тўғри маҳсулот алмашиш ва бошқалардан иборат идеал шундан келиб чиққан эди. Улар ўз вақтида РКП(б)нинг иккинчи Программасида ёзиб қўйилган эди. Социализмга «эскича қараш» аслида 30-йиллардаги жамиятимизнинг етуклигини баҳолаган ўша ўлчовларга ҳам асос қилиб олинган эди. Ўша қараш социализм асослари ва асосан социализм қурилганлиги тўғрисидаги сталинча талқинни белгилаган эди. Бунда фикр юритиш соддагина бўлган: агар давлат пролетар давлати бўлса, агар ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик қарор топган бўлса, агар эксплуататор синфлар ва кўп укладлилик барҳам топган бўлса, демак социализм асосан қуриб бўлинган. Аммо социализмнинг бундай талқинида, умуман олганда, «цивилизациялашган кооператорлар» ғояси йўқолди. Биз фақат бугунги кундагина ана шу ғояга келмоқдамиз.

30-йилларда биз қандай социализм қурганлигимиз тўғрисидаги масалани муҳокама қилганда ана шу ҳолни назарда тутиш лозим. Бу нарса жамиятшуносларни ўтиш даврининг хронологик доиралари устида ҳам бош қотиришга мажбур қилади. Уларни, биз ўрганиб қолганимиздек, 30-йилларнинг охири билан чегаралаш мумкинми? Балким социализм асосан қурилганини шахсга сиғиниш меросидан покланиш, экономикада социал программаларга аҳамият бериш бошланган, маъмурий-буйруқбозлик системасини демократия асосида ислоҳ қилишга уриниб кўрилган 50-йилларнинг охирига суриш керакдир. Балким, ўтиш даври маъмурий-буйруқбозлик системасига барҳам бериш билан якунланар — қайта қуриш ўз олдига ана шундай мақсадни қўймоқда.

Лекин 30-йилларда социализмга «эскича қараш»нинг қарор топиши асосан Лениннинг сафдошлари ва ворислари унинг сўнгги ғояларини тушунмаганликлари ва қабул қилмаганликлари билан изоҳланади, дейиш мумкинми? Албатта, масаланинг бир томони шунга ҳам боғлиқ. Ҳозир маълум бўлиб қолган ҳужжатлар бўйича мулоҳаза қилганда, Лениннинг ворислари унинг айрим сўнгги ғояларини оғир бетоб доҳийнинг ғоялари сифатида партияга маълум қилганлар. Аммо, афтидан масала фақат мана шундагина эмас. Яна шу нарса ҳам борки, реал ҳаётнинг ўзида социализмга «эскича қараш»нинг қарор топиши учун, унинг (социализмнинг) маъмурий-буйруқбозлик системаси билан бир хил бўлиб кетишига асослар мавжуд эди.

Капитализмнинг иккинчи эшелонига мансуб бўлган бизнинг мамлакатимиздаги ўтиш даврининг хусусиятлари ана шундай бўлиб кетишнинг объектив асоси бўлган эди. Россия капитализм босқичини тўла ҳажмда босиб ўтмади. Социализм учун эса муайян моддий-техника базаси зарур, капиталистик фабрикада ўн йиллар мобайнида шаклланган цивилизациялашган ходим зарур. Ана шундай моддий-техника базасига, шундай юқори даражадаги интизомли ва масъулиятли ходимга мамлакат 1917 йилда тўла ҳажмда эга эмас эди.

Гражданлар уруши тамом бўлганидан кейин драматик вазият қарор топдики, Ленин уни: «Ҳозирча ёлғиз қолдик», «БЕГОНАНИНГ ЁРДАМИСИЗ ҚАДДИМИЗНИ КЎТАРАМИЗ», деган сўзлар билан таърифлади. Ғарбда пролетар революциялари рўй бермади. Советлар Россияси ривожланган мамлакатлар пролетариатидан моддий-техника ёрдамини ҳам, маданий ва технология ёрдамини ҳам олмади. Мамлакат янги жамият туғилишининг «узоқ дард тутиш азоблари» даврига якка-ёлғиз ҳолда қадам қўйди.

Сталин (афсуски, угина эмас) социалистик қурилиш вазифаларини дағаллаштирди, «тўғрилаб қўйди» ва кенг умумлаштириш (цивилизациялашган кооператорлар тузуми) ва давлатлаштириш (халқ фойдасига хизмат қилувчи давлат монополияси) жараёни ўртасида тенглик аломатини қўйди, деган фикр адолатлидир. Охир-оқибатда маъмурий-буйруқбозлик системаси социализм учун етишмаган формация тарихан қарор топадиган шарт-шароитларнинг «ўрнини тўлдирувчи» бўлди.

Биринчи беш йиллик даврида ана шу система ёрдамида қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларининг алоҳида формаси яратилди. Бу форма унинг учун зарур моддий-техникавий шарт-шароитлар шаклланмасдан олдин яратилди. Коллективлаштириш натижасида рўй берган базис ўзгаришлари ёрдамида моддий базани ўзгартирилган ишлаб чиқариш муносабатлари даражасигача «тортқилаб етказиш» бошланди. Бундай иш нафақат шаҳарда, балки қишлоқда ҳам рўй берди. 30-йилларда бу вазифани тўла ҳажмда ҳал этишга айниқса, қишлоқда муваффақ бўлинмади. Колхозларни, таъкидлаган эди Бухарин 1934 йилда, энг аввало улар суянган моддий база нуқтаи назаридан ҳали изчил социалистик типдаги корхоналар деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Биз қандай социализм қурганимиз тўғрисидаги масала, табиийки, бошқа — уни қандай методлар билан қурдик, деган масала билан алоқадордир.

Социалистик реконструкциялаш вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан «штурм ва қисув» методлари билан, зўравонликни ортиқ даражада кучайтириш ҳисобига ҳал этилди ва «юқоридан революция қилиш» формасига эга бўлган эди. Тарихий вазиятга тўғри келмайдиган жиҳат шунда эдики, баъзан мажбур бўлинган, кўпинча эса социализм қурилишининг хатодан иборат бу методлари кейинчалик нафақат системага айлантирилди, балки маълум чегарагача социализм тўғрисидаги эски, «НЭП давригача» бўлган тасаввурларга сингдирилди. Бугун эса 20-йиллар охири — 30-йиллар бошларидаги «революцион сакраш»нинг қанчалар қимматга тушганлиги аниқ-равшан кўриниб турибди. Ўша даврда жамиятимизни ривожлантиришнинг йўлини танлаш муаммоси биринчи ўринга қўйилган эди.

НЭПНИ ИНКОР ҚИЛИШ УНИНГ ЎЗ БАҒРИДА ЕТИЛГАН ЭДИ

Халқнинг тарихий хотирасида Сталиннинг шахсий ҳокимият режими бир умрга НЭП тақдири билан боғланиб қолган экан. Бири иккинчиси билан чамбарчас бўлиб кетган. Бу аниқ кўриниб турган нарса. Мазкур икки ҳодисанинг ҳақиқий алоқаси унчалар очиқ-ойдин эмас. Сталин қарор топган вазиятдан социализм тўғрисидаги ўз тасаввурларини амалга ошириш ва шахсий ҳокимиятини қарор топтириш учун ёмон ният билан НЭПни йиғиштириб қўйди, деган оддийгина жавоб билан кифояланиш мумкин бўлмаса керак.

Кейинги вақтда жиддий публицистлар НЭПни «йиғиштириш» ҳақидаги масалани аппарат ичидаги кураш, партия ичидаги фитна доирасидан чиқариб, унга кенгроқ қарамоқдалар. Шу нарсани етарли равишда аниқ идрок қилиш кераки, Сталин режими объектив социал-иқтисодий жараёнлардан ўз мақсадларида фойдаланиши мумкин эди, аммо уларни белгилай олмас эди. Тўғри, биз Сталиннинг ҳокимиятпарастлигини, қандай қилиб бўлмасин, сиёсий жиноятлар қилишдан ҳам ўзини тиймай, ҳокимият тепасида барқарор бўлиб қолишга интилганлигини биламиз. Аммо у оқимга кўндаланг туролмас, уни батамом тўсиб қўя олмас эди. Объектив эҳтиёжлардан келиб чиқадиган сиёсатни белгилаётганда, кўпол қилиб айтганда, яхши ёки ёмон тенденцияларга суяниш мумкинлиги эса — бошқа масала. Сталин методларни танлашда жуда бот-бот худди ана шу ёмон, аммо реал

мавжуд бўлган тенденцияларга суянди. Бироқ барча муаммолар таҳлилини унинг шахсияти, унинг шахсий диктатурага интилиши билан боғлаш ва бунда социал-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнлар контекстидан четга чиқиш фатализмнинг янги типига йўлиқтиради. Масалага бундай ёндашиш Сталиннинг ҳокимият тепасига келиши ундан кейинги барча воқеаларнинг асосий сабабчисидир, деб талқин қилишга олиб боради.

Нега биз ҳамма вақт сталинча сиёсатнинг объектив социал-иқтисодий асослари тўғрисидаги масалани кўндаланг қилиб қўймоқдамиз? Нима, Сталинни оқламоқчимизми? Йўқ. Бунинг боиси шундаки, биз бу воқеалар қайтарилмаслигининг ҳақиқий кафолатларини изламоқдамиз.

Сталиннинг фавқулодда қобилиятлилигини аниқлаб олмоқ, сталинизм, шахсий ҳокимият режими қобилиятини аниқлаб олмоқ учун биз 30-йилларда шаклланган маъмурий-буйруқбозлик системаси НЭП экономикаси доирасида туғилганлигини тушуниб олишимиз керак. Бу система, бир томондан, «ҳарбий коммунизм» анъаналарини давом эттирди, бироқ иккинчи томондан — НЭП даври жамиятининг ўз доирасида пишиб етилди. Хўш, демократик потенциалга эга бўлган, шахсий манфаатга йўналтирилган ва бошқа жиҳатларга эга бўлган НЭПдан қандай қилиб унинг инкори — маъмурий-буйруқбозлик системаси ўсиб чиқдийкин? Бу системани НЭПнинг тўла инкори деб ҳисоблаш мумкинми ёки улар ўртасида яна ҳам нозикроқ боғланиш борми? НЭПдан унинг маъмурий-буйруқбозлик инкори маъмурий-буйруқбозлик системасидан шу системани инкор қилувчи ҳозирги қайта қуриш кўринишидаги тадбирга қараганда нима учун хийла катта енгиллик билан ўсиб чиқди? Бу нима билан боғланган?

Трест хўжалик ҳисобига қарамасдан, бошламасига кучли маъмурий тиргакларсиз давлат саноати мавжуд бўла олмас эди. НЭПнинг жорий қилинишидан эътиборан партия оғир саноат билан енгил саноат ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозорнинг ҳаракатини жиддий равишда чегаралаб қўйди. Завод ва фабрикаларда ишчилар билан маъмурият ўртасидаги ўзаро муносабатлар пировард натижа учун ишлаш, масалан, коллектив пудратига ўхшаш хўжалик ҳисоби формалари билан эмас, балки нормалар, тарифлар ва баҳолашлар каби анъанавий система билан тартибга солинди. Натижада ишчининг пировард натижалардан моддий манфаатдорлиги сустлашиб кетганди, корхона коллективининг ҳам манфаатдорлиги ўзига хос характерга эга эди, негаки унинг ишлаб топган фойдаси трестнинг ягона балансида эгасизлантириларди. Давлат саноатида амал қилиб турган система, образли қилиб айтганда, бошлиқлар учун хўжалик ҳисоби эди. Янги иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқаришда бевосита ҳис этмаган ишчилар синфи НЭП принципларини қаттиқ ушлаб оладиган ва унинг учун курашадиган социал куч бўла олмади. Тўғри, НЭП ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилади, бироқ ишлаб чиқаришга чуқур кириб бормади. 1927 йилга келиб социал муаммолар ўткирлашди, озиқ-овқат қийинчиликлари пайдо бўлди, 1928 йилга келиб «забор китобчалари» (маҳсулот билан таъминлашнинг карточка системаси) жорий қилинди, ана шундай шароитларда ишчи анъанавий НЭПга умуман қизиқмай қўйди.

Бунинг устига, 20-йилларда бўлғуси маъмурий-буйруқбозлик системасининг куртаги — маъмурий методлар ишчилар синфи учун муайян социал кафолатлар системасини яратиб берди. Ғалати эмасми? Фақат илк қарашда шундай. Шуни ҳисобга олиш керакки, ишчи меҳнат қилаётган ерда жорий қилинган хўжалик ҳисоби у ёки бу даражада ишчилар синфининг моддий аҳволини хусусий бозор стихиясига қарам қилиб қўйган бўлур эди. Давлатнинг экономикага маъмурий аралашуви ишчиларни хўжалик ҳисоби шароитларида хўжалик таваккалчилигининг муқаррар оқибатларидан озод қилди. Шунинг учун ишчилар синфининг ўзи ҳам унинг манфаатларини маъмурий йўл билан кафолатлашни талаб қилди. Айрим қатламлар, асосан индустрия корхоналарига янги ишга келганлар ҳатто меҳнатга ҳақ тўлашда текисчиликнинг қарор топишига интилишди, бу эса 1928 йилдаги тариф ислоҳоти билан қисман амалга оширилди.

НЭПга мутлақо боғланиб қолган куч деҳқонлар бўлиши керакдек эди. Лекин аслида шундай эдими? Деҳқонларнинг қишлоқ хўжалик солиқларидан озод этилган 35 проценти, қишлоқнинг пролетар, ярим пролетар, люмпен-пролетар ва камбағал элементлари — ана шулар НЭПнинг сақланишидан манфаатдор эдиларми? 20-йилларда қишлоқ камбағаллари фойдаланган имтиёзлар, синфий кафолатлар

давлатнинг бевосита экономикага аралашуви билан кафолатланган эди. Деҳқонлар НЭПга хусусий бозор стихияси орқали эмас, балки ҳар хил давлат капиталистик формалари — энг аввало кооперациянинг қуйи формалари орқали боғланганмидилар? Амалда шунга ўхшарди. Аммо 1925—1927 йилларда бу формаларнинг оммавий равишда ривожланиши тимсолида кооперациялар раҳбарлари уни «давлатлаштириш»ни кўрдилар.

20-йилларнинг бошларидаёқ янги иқтисодий сиёсатнинг принцип жиҳатдан ўзини ўзи инкор этишига бориши мумкинлиги равшан эди. Коммунистик Интернационалнинг 1922 йилда бўлиб ўтган IV конгрессида Бухарин айтган эдики, пролетариат инқилоб ғалабасидан сўнг ишлаб чиқаришнинг ўзи оқилона ташкил этиши мумкин бўлган ва социализм қурилишининг бошланғич босқичида ўзи бошқара олмайдиган шакллари ўртасидаги нисбатлар муаммосига дуч келади. Бухарин уни энг муҳим иқтисодий муаммолар қаторига қўшиб, агар пролетариат тўғридан-тўғри тартибга солиш борасида ўз зиммасига ҳаддан ташқари кўп юмушни оладиган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқарувчи кучлар эркин ҳаракат қила олмайдилар, деган хулосага келди. Сталинча «юқоридан революция қилиш» натижалари нималарга олиб келганлигини ва бундай инқилоб қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучларни барбод этганлигини ҳисобга олиб қарайдиган бўлсак, Бухариннинг бу сўзлари башорат бўлиб чиқди, деб ҳисоблаш мумкин. Унинг янги иқтисодий сиёсат тақдири тўғрисидаги масала кўндаланг бўлган 1928 йилда яна шундай фикр-ўйларга мурожаат қилганлиги тасодифий эмас.

Бухарин айни ўша пайтда бозор вазифаларини тартибга солиш ишини ўз қўлига олишга интилувчи маъмурий-буйруқбозлик системаси юзага келиши хавфи тўғрисида яна гапирган эди. Аммо уни сақлаб туришга сарфланадиган харажатлар пировард натижада майда ишлаб чиқаришнинг бошбошдоқлик ҳолати оқибати бўлмиш кўпдан-кўп чиқимлардан анча кўпроқ бўлиши мумкин. Боз устига Бухарин ҳарбий коммунизмнинг маълум тажрибасига таянган ҳолда эртами-кечми, барибир бу системани тугатишнинг қатъий зарурати келиб чиқишини олдиндан кўрди. Бундай заруратни бизнинг кунларимизда ҳам кўриб турибмиз ва уни тугатишга интилмоқдамиз.

Демак, янги иқтисодий сиёсатдан маъмурий-буйруқбозлик бюрократик системаси ўсиб чиқиши эҳтимолини ўз-ўзидан тўла-тўкис англаб етганлар. Ўшанда асосий масала у назарий жиҳатдан нечоғли аниқ-равшан бўлишида (тўғри, партиянинг ҳамма арбоблари ҳам уни тўла-тўкис ўзлаштириб ололмадилар) эмас, балки социалистик қурилишнинг ҳар бир босқичида, янги муаммолар кўндаланг бўлиши муносабати билан, пролетар давлати ўзининг бошқарувчиликдан иборат тўғридан-тўғри ҳаракат таъсирига ҳамма нарсани бўйсундириши, «ҳазм» қилиши ва бундай таъсирга кучсиз бериладиганлар ёки умуман берилмайдиган нарсалар ўртасидаги тўғри нисбатга риоя қилишида эди. Нисбатнинг қўшилиши реставрациялаш тенденциясининг ўсишига, ўзида пролетариат диктатурасига солинадиган хавфни яширишига, ёки маъмурий-буйруқбозлик системасининг вужудга келишига ва бу система янги иқтисодий сиёсатни йўқ қилиб, улкан йўқотишлар ва сарф-харажатларга олиб келиши мумкин эди.

1925 йилда ўтказилган ички партиявий мунозаралар марказида, пировард натижада ўша пайтда мавжуд бўлган пропорцияни, давлатнинг бошқарувчилик таъсири ва хусусий бозор стихияси ўртасидаги нисбатни қандай баҳолаш керак, деган масала ҳам пайдо бўлган. Бу ўткир курашда амалда йигирманчи йиллар ўртасидаги социалистик экономика элементларининг етуклиги муаммоси муҳокама қилинди. Баҳслашаётган иккала томон позицияларида конструктив элементлар бор эди. «Янги оппозиция» таҳлилида янги иқтисодий сиёсат келажакда дуч келадиган кризисларнинг манбалари пролетар давлатининг хусусий бозор стихиясига кўрсатадиган таъсири реал имкониятларига ортиқча баҳо берилганлиги натижаси деб кўрсатилди. Бухарин қарашларида давлатнинг бошқарувчилик таъсири билан қишлоқда майда товар ишлаб чиқаришини ривожлантириш ўртасидаги нисбатни сақлаб қолишга интилиш бор эди. Унга кўра давлат ўзига ҳаддан ташқари ортиқча нарсани олмаслиги ва унинг бошқарувчилик таъсири кам самарали маъмурий-буйруқбозлик системасига ўсиб чиқмаслиги керак эди. «Янги оппозиция»нинг олдинда кризислар бор, деган башорати тўғри чиқди. Бироқ томонларнинг биронтаси ҳам тўғри ечимларни таклиф қилмади.

«Янги оппозиция» амалда онгли равишда давлат бошқаруви билан бозор ўртасидаги нисбатни кўшишни таклиф қилдики, бу нарса сўзсиз маъмурий-буйруқбозлик системасини вужудга келтирар ва ана шу жиҳатга хос бўлган салбий оқибатларнинг барчасини келтириб чиқарарди. Бироқ ўша пайтда Бухарин ва Сталиннинг қарашлари хатодан холи эдими? Улар «янги оппозиция» вакилларининг кризис ҳоллари етилиб келаётганлиги тўғрисидаги тўғри огоҳлантиришларини анчагина миқдорда суваб кетдилар, янги иқтисодий сиёсат ярим автомат равишда яшаб келаётганлигига суяндилар ва ўзларининг конкрет амалий фаолиятларида пролетариат давлати умуман олганда бозор механизмини қўлга олган деган қарашдан келиб чиқдилар. Вазиятга бундай баҳо бериш пировард натижада янги иқтисодий сиёсатнинг ўз-ўзидан пайдо бўладиган элементлари, умуман олганда, экономикага ноамалийлик таъсирини ўтказишига олиб кела бошлади. Нисбатлар бозорнинг стихияли асослари кенгайиши томон сурила бошлади. Бу нарса эса ўз навбатида ўз ҳаракатларида қийин аҳволга тушиб қолган пролетар давлатининг экономикага маъмурий аралашишни кучайтириш эвазига бой берган ўз мавқеларини тиклашга ҳаракат қилишига олиб келиши билан хавфлидир.

Шундай қилиб, 1925 йилда оппонентлар позицияларининг хилма-хиллиги йироқ истиқболда бир-бирига қўшилиб кетган. Баҳслашаётган иккала томоннинг таклифларидаги оқилона элементлардан фойдаланиш тўғри сиёсатни қидириб топишни тақозо қиларди. Бироқ, ҳозирги пайтда биз учун бошқа нарсани тан олиш муҳимдир. Янги иқтисодий сиёсатнинг маъмурий-буйруқбозлик системасига ўсиб чиқиши эҳтимоли НЭПнинг ўзидаги объектив реаллик замирида ётарди. Бухарин буни тушунарди. Буни унинг оппонентлари ҳам тушунарди. Бу имкониятлар охир-оқибатда ҳақиқатга айланди.

Пролетар давлатининг бошқарувчилик механизми самарасиз маъмурий-буйруқбозлик системасига айланмаслиги учун новаторларча ҳаракатлар керак эди. Бироқ, амалда 1925 йилдаги қарор НЭП давридаги жамият ичида маъмурий-буйруқбозлик системаси пружинасини айлантира бошлаган, деб тасаввур қиламиз. Бу пружина текисланиб тўғриланиши учун... якка деҳқон хўжалигининг заиф базасига суянган ҳолда индустрлаштиришни бошлаш кифоя эди. Бунда бир нарсани бир жойдан бошқа жойга ўтказиш механизмини ишга солиш, яъни давлат саноати билан майда товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўртасида тенг бўлмаган айирбошлашни йўлга қўйиш кифоя эди. Бундай нотенглик асосидаги айирбошлаш муайян шарт-шароитларда «классик» ҳисобланмиш янги иқтисодий сиёсат экономикасидаги нобарқарор тенгликни беқарорлаштиришга, маъмурий-буйруқбозлик усуллари ҳаракатини кенгайтиришга қобил эди. Бу жараённинг стихияли равишда ривожланишини тўхтатиб қолиш учун индустрлаштиришни янги социал-иқтисодий заминга ўтказиш талаб қилинарди. Бироқ 1925 йилдаги «танг нуқта» ўтказиб юборилди. Зиддиятларни тўпловчи маховик ҳаракатга келди. Бу зиддиятлар репрессия шаклидаги маъмурий-буйруқбозлик системаси йўли билан ҳал қилина бошланди.

Янги иқтисодий сиёсатни барбод қилишга қодир бўлган кучлар НЭП даври жамиятининг ўзида етилиб кела бошлади. Жин кўзанинг ичида ўтирарди. Аммо унинг очиқликка чиқиши учун барча зиддиятлар кескин кучайиши, кризис бошланиши керак эди. Бундай танглик 1927—1928 йилларда кучайди. У ўша пайтлар учун одатга айланиб қолган ва шу сабабли аввалига унчалик ташвиш туғдирмаган дон тайёрлашни ўтказишдаги узилишлардан бошланди.

КРИЗИС БЎЛГАНМИДИ?

1927—1928 йилларда дон тайёрлашдаги тангликка баҳо бериш НЭПни тугатиш ва унинг тарихий қисмати тўғрисида олиб борилаётган бугунги мунозараларнинг асосий жиҳатидир. Агар бу кризис донга белгиланган паст нархлар, умуман олганда дон тайёрлаш кампаниясининг муваффақиятсиз ўтказилганлиги билан боғлиқ нуқул конъюнктуравий хатолар туфайли вужудга келган бўлса ёки фараз қилайлик, Сталин партияни шунчаки чалғитган бўлса, у ҳолда ҳамма гап янги иқтисодий сиёсатни барбод қилишга қаратилган тамомила волюнтаристик иш оқибатидадир.

Масалани тўғридан-тўғри қўяйлик. 1927 йилда қишлокда дон бор эдими? Ҳа, ҳосил аввалги йилдагига қараганда кам бўлса-да, 1927 йилда дон бор эди. Муаммонинг моҳияти қишлоқда дон бор-йўқлигига бориб тақаладими? Йўқ, тақалмайди! Чунки, шаҳарларни нон билан таъминлаш ва экспорт операцияларини таъминлаш бозор асосига қўйилган, дон тайёрлаш муаммоси ҳосил ҳажми билангина эмас, энг аввало, балки деҳқонларнинг донни тезроқ сотишга қизиқишини қай даражада ошириш билан боғлиқ эди (1924 йилгача доннинг анчагина қисми давлатга бозор механизмини четлаб ўтиб, солиқ бўйича етказиб берилардн). Бу йўл билан мақсадга эришиш борган сари қийинчилик туғдирарди. У, энг аввало, товар очарчилиги билан боғлиқ эди (1927 йил августидаёқ уруш ҳақидаги овозалар тарқалиши муносабати билан товар запаслари анчагина миқдорда олиб қўйилган эди). Бундай вазиятда товар донини асосий сотувчиларга доннинг нархи қимматлашишини кутиш фойдали эди — донни ўша заҳоти сотишдан улар манфаатдор эмасдилар. Дон тайёрлашни реал суратда барқарорлаштириши мумкин бўлган етарли миқдордаги товар массаси давлатда йўқ эди.

Шундай қилиб, давлатнинг дон тайёрлаш идишлари устини бекитиш муаммоси дон миқдори билан тўғридан-тўғри боғланмаган эди. Ҳосил, энг аввало, нарх даражасига таъсир кўрсатди. Давлат нархлари юқори бўлганмиди? Йўқ. 1927—1928 йилларда, дон тайёрлаш бошларида дон нархи паст бўлиб, бу нарса аҳволни янада оғирлаштириб юборди. Бизнинг фикримизча, бу фактнинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш керак эмас. Дон сотиб олиш учун ажратилган пул ҳажми давлат ихтиёрида чекланган эди. Тўғри, 1926 йилдаги операцияни такрорлаш мумкин эди. Ўшанда дон тайёрловчилар жуда кўп миқдорда пул олишган эдики, Молия халқ комиссари Сокольниковнинг фикрича, червон пуллар «чайқалаётган» валютага айланган эди. Тўғри, дон тайёрловчиларга кўплаб пул бериш ҳам мумкин эди. Лекин уларнинг олтин ва товар таъминоти даражаси қай аҳволга тушарди? Хуллас, доннинг нархини шунчаки ошириш пулнинг қадрсизланишини оширар ва товар очарчилигини кучайтирарди.

Энди бугунги мунозаранинг бошқа жиҳатига тўхталайлик. Дон тайёрлашда танглик 1927—1928 йиллардан олдин ҳам бўлган эди, деган фикрга келайлик. Масалан, 1926 йил ҳосилини харид қилишда шундай бўлган эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўшанда давлат жиддий қийинчиликка дуч келганди. Ҳа, ўшанда бу қийинчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлинганди. Бу сафар ҳам вазиятдан худди шу тарзда чиқиш мумкинмиди? Жуда ҳам қийин эди. Нима учун? Чунки, бир қатор таниқли партия арбоблари, хусусан, Г. Каминскийнинг баҳосига кўра, биринчи навбатда 1926 йилги дон тайёрлашда кризисдан қутулишга оборот соҳасида янги иқтисодий сиёсатни «йўқотиш» ҳарбий коммунизм усулларини қўллаш ҳисобига муваффақ бўлинди. НЭП бир марта қисқа муддатга «йўқ қилинган» эди. Бу тўғрида ҳозирча ҳеч ким ёзмаяпти ва эсга олмаяпти. Лекин ёзса ва эсга олса арзийди.

Бизнинг назаримизда, 1927—1928 йиллардаги дон тайёрлаш соҳасидаги тангликнинг сунъийлигини, кўпиртирилганлигини ғоят жиддий танқидий нуқтаи назардан туриб текширувдан ўтказиш керак. Негаки, 1928 йил январида бутун партия раҳбарияти, шу жумладан, Бухарин, Риков ва Томский (бу ҳақда сукут сақлаш мумкин эмас) бир овоздан фавқулодда чоралар учун қўл кўтаришди. Демак, вазият жуда жиддий, амалда чорасиз деб баҳоланган.

Бухарин кейинчалик, 1929 йил апрелида дон тайёрлаш танглиги сабабларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келди: 1925—1927 йилларда дон муаммоси диққат марказидан тушиб қолган, индустрлаштириш учун эса мустаҳкам замин яратилган эмас эди. Натижада мамлакат «фавқулодда чораларнинг биринчи даврасн»га тушиб қолди. Кейин эса партия ва жамият «фавқулоддачилик» машинасига борган сари кўпроқ ва яна кўпроқ мурожаат қила бошлади.

ЛЕНИН НИМА ҚИЛГАН БЎЛАРДИ?

Бугунги кунда одатда публицистлар қўяётган ана шу саволга биз ҳам қўшилайлик. Хўш, Ленин узоқроқ умр кўрганида қандай сиёсатни ўтказар эди?

Лениннинг цивилизациялашган кооператорлар тузуми сифатидаги социализм ҳақидаги тасаввурларини биз ҳозирча энг оддий кўринишдагина тикладик. Коопе-

рация моҳиятининг муаммоси, уни қайси пайтдан бошлаб социалистик деб ҳисоблаш ва ўтиш даври шарт-шароитларида кооперациянинг барча шаклларини социалистик деб ҳисоблаш мумкинми, деган масалаларнинг ҳаммаси ҳозирча очиқ турибди. Ҳозирги замон адабиётида йигирманчи йиллардаги кооперациянинг бошланғич, қуйи шаклларини муайян даражада социализмга тенглаштириш ҳоллари учрамоқда. Уларни аслида социалистик деб ҳисоблаш, демак, сал бўлмасада колхозлаштиришга альтернатива қилиб қўйиш тенденцияси мавжуд. Агар биз Ленинга мурожаат қилсак, доҳийнинг кооперация, айниқса, унинг қуйи шакллари муаммоларини анча мураккаб тарзда тушунганлигини кўрамиз. Кооперация, деб ёзган эди у, тўла социалистик жамият қуриш учун зарур бўлган нарсадир ва ўша заҳоти қўшимча қилади: «бу ҳали социалистик жамиятни қуриш эмас, лекин бу уни қуриш учун зарур ва кифоя қиладиган нарсаларнинг ҳаммасидир» (ТАТ, 45-том, 415-бет).

Ленин мавжуд тузумда кооператив корхонаси социалистик корхонадан фарқ қилмаслигини таъкидлар экан, уларнинг социалистик эканлигига ўлчов бўлувчи бутунлай аниқ мезон киритди — агар кооператив корхонаси давлат ихтиёридаги ерда ташкил топган бўлса ва давлатга, яъни ишчилар синфига қарашли ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланса бу социалистик кооператив бўлади. Шундай қилиб, Ленин учун ишлаб чиқариш воситалари умумлаштирилган кооперативлар соф социалистик шаклдаги кооперативлар ҳисобланади. Кооперациянинг қуйи шакллари амалда социалистик идеаллар сари олға боришнинг турли босқичларида турибди.

Ленин майда хўжайинларнинг тор бирлашмалари шаклидаги кооперациялар ҳам тузилиши мумкин, деб ҳисоблаган эди. Бундай кооперативларни давлат қўллаб-қувватламаслиги керак. Бундан ташқари, у кооперациялар сонини шунчаки кўпайтириш, социализмни бир хилда ўстириш тўғрисидагина эмас, айни пайтда цивилизациялашган кооператорлар тўғрисидаги масалани қўйган эди. Цивилизациялашув кооперациянинг энг юқори марраларга чиқишини кўзда тутади. Албатта, ана шундай позициялардан, цивилизациялашув ва маданиятлилик позициясидан қарайдиган бўлсак, йигирманчи йиллардаги кооперацияни соф социалистик деб бўлмайди.

Мавзудан ташқарига чиқилган бундай фикр-мулоҳазалар бир-бирига зид икки йўлдан бирини танлаш имкониятини тушуниш учун қандай аҳамиятга эга? Ленинда янги иқтисодий сиёсат йўллари бўйлаб ривожланишнинг бир нечта фазаси бўлиши тўғрисидаги концепция етилиб келаётган эди, дейиш учун асослар бор. Социалистик жамиятдан олдин келувчи иккинчи фаза кооператив фазасидир.

Бу босқичда барча кооперацияни ҳали социалистик деб ҳисоблаш мумкин эмас. У ҳали социалистик жамият қурилди, дегани эмас, балки унинг ниҳоятда зарур шартидир. Йигирманчи йилларда амалда ана шу навбатдаги босқични — кооператив НЭПини «ўтказиб юбордилар». Мамлакат мураккаб вазиятга тушиб қолди. Кооперация, майли, қуйи давлат капитализми шаклларида бўлсин, у қандайдир шаклда деҳқонларнинг шахсий манфаатларини ўзига жалб қилиш билан айни пайтда нормал иқтисодий ҳаётни бузмаган ҳолда индустрлаштириш учун анчагина миқдорда маблағни олиш имконини берарди. Партия раҳбарияти 1925 йилдан кейин хусусий деҳқон хўжаликларидан маблағларни индустрлаштиришга тортиб олиш йўлига ўтиб, келажак машаққатларига замин тайёрлаган эди.

Эҳтимол, худди ўша пайтда янги иқтисодий сиёсатни «жиддий равишда ва узоқ муддатга», лекин ўзгартирилган шаклда сақлаб қолишнинг стратегик имкониятлари қўлдан бой берилган эди.

Йигирманчи йиллар ўрталарида кооперацияларни «давлатлаштириш», унинг хўжалик ҳисобидаги асосларини барбод қилиш тенденцияси кучаяди. У маблағ ундиришнинг асосий манбаларидан бирига айланади. 1927 йил сентябрида ҳатто кооператив ҳаракати қандайдир янги нарсадир, унга нисбатан «кооперация» сўзини қўлланиш қийин, хусусий савдо манфаатларини умумий манфаатлар билан қўшишнинг зарур даражасини «биз амалда ҳали бутунлай топганимиз йўқ», деган фикр-мулоҳазалар ҳам тарқалди. Айни пайтда куч-ғайратлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг совет ва коллектив хўжаликлари соҳасига жамланмади. Ўша пайтда колхозлар «социализмга олиб борадиган асосий йўл эмас», деган тасаввурлар ҳам ёйилган эди. Шу боис колхозлар миқдори унчалик кўп бўлмай,

секинлик билан ўсарди. Лекин колхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун бошқа соҳаларга зарар етказмайдиган даражада ажратиш мумкин бўлган маблағларнинг муайян қисми индустрлаштириш даврида узоқ вақт қурилган иншоотларда ҳаракатсиз қолиб кетди.

Мана шу ўринда Ленин бундай жиддий хатога йўл қўймаган бўлар эди, деб дадил айтиш мумкин. Зеро маблағларни бир соҳадан тортиб олиб, бошқа соҳага ўтказиш сиёсатига таянган индустрлаштириш қарори ғалати вазиятни вужудга келтирди: мамлакатни индустрлаштиришни ривожлантирувчи «локомотив» «изга қўйилди», фақат орадан икки йил ўтгачгина, партиянинг XV съездида бу локомотивни ҳаракатга келтирувчи «ғилдираклар» тўғрисидаги масала жиддий равишда ишлаб чиқилди. Янги иқтисодий сиёсатни оҳисталик билан социалистик реконструкциялаш мақсадлари учун ўзгартириш программаси ўша вақт учун деҳқонларни ишлаб чиқариш кооперацияларига жалб этишнинг реал микёсларини кўзда тутган эди. У индустрлаштириш суръатларини белгилашда, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда ва энг муҳими, экономиканинг аграр секторини ривожлантиришнинг асоси сифатида якка деҳқон хўжалигини узоқ вақтгача сақлаб қолишда шошмасликни, баланслиликни ва босиқликни кўзда тутарди. Бундай программа идеалда мамлакатимиз учун реал ва мақбул эди. Бироқ халқаро вазият мураккаблашиб кетди. 1927—1928 йилларда дон тайёрлаш танглиги кучайди. Маневр қилиш учун ортиқча вақт йўқ эди. Деҳқонларнинг манфаатига кам салбий таъсир қилувчи усуллар доирасида индустрлаштиришни ўтказиш истиқболи ниҳоятда чекланган эди.

Ниҳоятда чекланган резервлар ниҳоясига ета борган сари, маблағларни бир соҳадан бошқа жойга олиб бериш (дарвоқе, Ленин умуман бундай масалани ҳеч қачон қўймаган эди) эртами-кечми кризисга олиб келиши керак эди. Натижада мамлакат «фавқулодда чоралар дарвозаси»га тушиб қолди. Ўшанда кооперациянинг ишлаб чиқариш шаклларини — иқтисодий ва социал-психологик жиҳатдан ҳавода муаллақ бўлган колхозларни ташкил этишга жадаллик билан киришилди. Айни пайтда кооперацияларнинг қуйи шакллари четда қолиб кетди. Шу сабабли ҳам бундай социал-иқтисодий конструкция юқоридан туриб жорий қилинди. Чунки, у йигирманчи йилларда табиий равишда қишлоқда ўзи униб чиқмади.

Тарихий зарур бўлган фазани ўтказиб юбориш мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Зеро, ушбу фаза шунчаки индустрлаштиришни жадаллаштиришни таъминлашдан ташқари ижтимоий муносабатларни ҳам ривожлантириши керак эди. Шу билан бирга 20—30-йилларда индустрлаштириш билан социализм ўртасига анчагина даражада тенглик аломати қўйилган эди. Социализм қурилишини бир соҳанинг устун даражада ривожланиши билан белгилаб бўлмайди. Акс ҳолда иморат қурилиши битмай қолади. Худди шундай бўлди ҳам. Цивилизациялашган ходим тайёрлашдан иборат ўта муҳим босқич ўтказиб юборилди. Социализмнинг маданий шарт-шароитларини ленинча кенг кўламда тушунадиган бўлсак, улар жуда сусткашлик билан ўстирилди. Биз бу босқични ўтказиб юбориб, социализмнинг формация заминлари заифлиги ўрнини қоплаш учун маъмурий-буйруқбозлик усулларини ҳаддан ташқари кучайтиришга берилиб кетдик. Сталин шахсий қарашларининг таъсири остида тазйиқ ўтказишнинг шундоқ ҳам улкан роли «фавқулоддачилик» ва тўғридан-тўғри зўравонликни мутлақлаштиришга олиб келди.

Ҳозирги пайтда биз яна ўша муаммога, ўтказиб юборилган босқичнинг бир қатор масалаларини ҳал қилишга қайтишга мажбур бўлмоқдамиз. Тўғри, бу сафар биз принципиал бошқача моддий негизга эгамиз. Бу вазифалар хўжалик юритиш ва бошқаришнинг иқтисодий усулларидан, кооператив шаклларни ривожлантиришдан, демократиялаштиришдан, маданийликни ва цивилизациялашувни оширишдан иборат. Кооперациялаш тўғрисидаги ленинча ғоялар бутун тўлалиги билан ўз вақтида рўёбга чиқарилганда эди, биз, эҳтимол, бугун излаётган натижаларга анча илгарироқ эришган бўлардик.

Вазиятга баҳо беришда йигирманчи йилларнинг ўрталарида йўл қўйилган хатолар учун Сталиннинг шахсий масъулияти қандай, ахир? Энг аввало, Сталиннинг сиёсий ечимларни ишлаб чиқиш жараёнини ҳокимият учун курашга бутунлай бўйсундирилганлиги таъсир кўрсатди. Худди шу ҳокимият учун кураш унга

ўзига тарафдорлар танлашда ҳам, сиёсий позицияларни, чунончи, хўжалик масалаларидаги позицияни белгилашда ҳам дастуриламал бўлди. У ҳамма нарсани ҳокимият учун курашга бўйсундириб, бизнинг сиёсий системамиз шароитларида Бош секретарь зиммасига тушадиган вазифани — фикрларнинг барча қирраларини ҳисобга олиб тўғри қарорларни ишлаб чиқишга кўмаклашишдан иборат асосий вазифасини бажармади.

ФАВҚУЛОДДА ЧОРАЛАРНИНГ «ЛАКМУС ҚОҒОЗИ»

Мақоланинг биринчи қисмида «классик» янги иқтисодий сиёсат кризиси тўғрисида фикр юритилди. Бизнинг фикримизча, бу танглик 1925 йилдаги социал-иқтисодий вазиятга баҳо беришдаги хатонинг натижаси бўлди. Ушбу кризис НЭПнинг партиянинг узоқ муддатга мўлжалланган сиёсати сифатида ҳали ўз имкониятларининг ҳаммасидан фойдаланиб бўлди, деган маънони билдирмасди. Аммо якка деҳқон хўжалигининг индустрлаштиришни жадаллаштириш эҳтиёжларини таъминлашдаги имкониятларига берилган дастлабки баҳодаги янглишиш кескинликни шундай кучайтириб юбордики, оқибатда фавқулодда чоралар кўришга мажбур қилди. Бу чоралар аввалига онда-сонда қўлланилган бўлса, кейин эса шахсан Сталиннинг тўғридан-тўғри мажбур қилиши туфайли мунтазамлиликка айланди. Марказий Комитет аъзоларининг кўпчилиги икки йўлдан бирини танлашга мажбур бўлиб қолди. Бу йўлдан бири — фавқулодда чоралар бўлса, иккинчиси демократик анъаналарни сақлаб қолиш эди. Ҳа, нотўғри йўл танланди. Бунга нима мажбур қилганлигини ҳали биз тушуниб олишимиз керак бўлади.

Хўш, партия олдида турган икки йўлдан бирини танлаш имкониятининг моҳияти нимада эди? Хўш, бу йўл маданий хўжайинга тенглашиш, қишлоқ хўжалигини фермерчасига ривожлантириш йўлимиди? Бухарин, Риков ва Томскийларда мазкур муаммоларга шундай қараш кўринмайди. Улар ишлаб чиқаришни кооперациялашни вазифа деб билиб, унинг аҳамиятини тушунардилар. Колхозлаштириш муддатлари тўғрисидаги масала, айни пайтда мамлакатни ривожлантиришда майда деҳқон хўжалиги таянч бўлиши кераклиги ва унга устун даражада ёндашишни сақлаб қолиш ёки колхозларни «тузиш»ни жадаллаштиришга бутун диққат-эътиборни қаратиш ҳақидаги масалалар — бошқа гап. 1928—1929 йиллар давомида Бухарин группаси тутган позиция билан ўша пайтда Сталинни қўллаб-қувватлаган Марказий Комитет аъзолари кўпчилигининг позицияси ўртасида аста-секин яқинлашиш рўй берди. (Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу кўпчилик партияда, Марказий Комитетда Сталин яратган ва назорат қилаётган, партия аппарати тўла-тўкис Бош секретарь хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлган система туфайли партияда мавқега эришган кишилардангина иборат эмас эди). Позицияларнинг яқинлашиши 1929 йил ноябрида Бухарин, Риков ва Томский индустрлаштириш суръатларини жадаллаштириш зарурлигини тан олганларида, колхозлар «социализмга олиб борадиган асосий йўл» эканлигини ҳамда ёппасига, оммавий равишда коллективлаштириш кераклигини тан олганларида намоён бўлди.

Бухарин группаси билан Сталин тарафдорлари ўртасида қолган якка-ю ягона келишмовчилик дон тайёрлашни ўтказиш чоғида, колхозларни тузиш, қулоқлаштиришда фавқулодда, маъмурий куч ишлатиш чоралари масаласига муносабатга боғлиқ эди. Партия раҳбариятидаги иккиланиш каттагина эди. Марказий Комитетнинг 1928 йилги июль Пленуми фавқулодда чоралар хусусида амалда Сталиннинг эмас, Бухарин группасининг нуқтаи-назарини намоён этгани тасодифий ҳол эмас. Айни пайтда Пленумда фавқулодда чоралар партия сиёсатининг ўзидан келиб чиқади, улар асосланган ва зарурдир, деган фикр янгради. Бухаринчилар принцип жиҳатидан фавқулодда чораларни онда-сонда қўллаш мумкинлигини инкор этмасдилар. Бироқ улар фавқулодда чораларни системага айлантиришга бутунлай қаршилик кўрсатишар ва бунда ленинча ғояларни изчил ўтказувчи бўлиб майдонга чиққан эдилар. Сталин эса бу масалада ҳам ленинизмдан ва, умуман, марксизмдан қўпол равишда чекинди, фавқулодда чоралар системага, куч ишлатиш колхозларни ташкил этишда асосий усулга айлантирилди.

Марказий Комитет аъзолари фавқулодда чоралар масаласида Сталинни қўллаб-қувватлаб ҳамда Бухариннинг фавқулодда чоралар системага айланиши ке-

рак эмас, яъни ижтимоий жараёнларга таъсир ўтказишнинг доимий усули бўлмаслиги лозим деган концепциясини тан олмай, амалда 20—30-йиллар чегарасида ва 1937—1938 йилларда рўй берадиган фожиаларга замин яратиб қўйган эдилар.

Фавқулодда чораларнинг системага айлантирилганлиги ижроия ва жазо органлари вазифаларининг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига, уларнинг партия назорати остидан чиқиб кетишига олиб келди. Ўз навбатида «фавқулоддачилик» шароитларида Сталин Марказий Комитет Бош секретари сифатида ғоят эркин ҳаракат қилиш имкониятини қўлга киритди. Натижада Марказий Комитет аъзолари ўзларини ғоятда мураккаб аҳволга солиб қўйдилар. Уларнинг Сталин усулларига қаршилик кўрсата олишлари мумкин бўлган кураш майдони жудаям торайиб кетди. Сталин томонидан уюштирилган ва уни қўллаб-қўлтиқловчи Марказий Комитет аъзоларининг кўпчилиги бир марта система сифатида фавқулодда чораларни қўллаб-қувватлаш йўлига кириш туфайли кейинчалик шу йўлдан янада ва янада чуқуррок боришга мажбур бўлдилар. 1933 йил январида ўтказилган ВКП(б) Марказий Комитети ва Марказий Контрол комиссиясининг Қўшма Пленумида Каганович сўзга чиқиб, гўёки биз одамларни кам отяпмиз, деб қанчалик даҳшатли бораётганига қарамай репрессияларни янада кучайтиришга чақирди. Шунда Марказий Комитет аъзоларининг биронтаси ҳам бу мудҳиш даъватга умуман очиқдан-очиқ қарши чиқолмадилар. Албатта, Сталинга ва унинг яқин малайларига норозилик билдириш учун каттагина жасорат ҳам керак эди.

Социализм муваффақиятларга эриша борган сари синфий кураш кучайиб боради, деган «назария»ни аввалига Бухарин группаси принципиал равишда ёқтирмас эди. Энди эса бу назария Марказий Комитетда борган сари ўз юзаки тарафдорларини кўпайтирди ва бу билан Сталинни қўллаб-қувватлашни кучайтирди. Марказий Комитет аъзолари Бухарин ва унинг маслакдошлари позициясидан керакли мағизни ола билмадилар, уларнинг революцион конунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича таклиф қилган тадбирларига бутун жиддийлик билан ёндашмадилар. 20—30-йиллар маррасида онда-сонда фавқулодда чоралар қўлланиш жамиятни бошқаришнинг мунтазам системасига айланиб кетиши фақат Сталинни шахсан манфаатдорлигига боғлиқ эмас эди. Айни пайтда у қарорлар қабул қилиш учун коллектив масъулият ўз зиммасида бўлган Марказий Комитетнинг бу системага ишонч билдиришига эришиши керак эди.

Марказий Комитет аъзолари худди шундай қилдилар. Сўзсиз, бунда экстремал вазият ўз ролини ўйнади. Воқеликни ташвишли, кескинлашган деб қабул қилиш, революцион тафаккурнинг алоҳида типи ҳам ўз ишини қилди. Коммунистик авангарднинг кўпгина намояндаларида ҳуқуққа, граждан жамиятига ўзига хос муносабат мавжуд эди. 1928 йилда Марказий Комитет Пленумида «Шахти иши» кўрилиб, унда сўзга чиққан ҳатто Риков ҳам немис мутахассисларини қамаш хусусида гапириб, жумладан партия у ёки бу жараёнларни сиёсат масалаларига бўйсундириши, бунда айбдорларни адолат бўйича жазолашлик мавҳум принципларига риоя этмаслиги керак, одамларни қамаш масаласига бизнинг жиноий иш кўзғаш практикамиз манфаатлари нуқтаи назаридан ёки «адолат» принципидангина эмас, балки бизнинг «катта сиёсат» нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш керак, деб уқтирди.

Социал воқеликни бундай идрок қилиш, эҳтимол, ўткир синфий можароларнинг сўзсиз оқибати, коммунистларнинг яширин ҳаракат, революция ва гражданлар уруши давридан олиб чиққан шахсий ва коллектив тажрибаси инъикоси бўлиши мумкин, 20-йиллар охирида онгнинг ана шу типида жиддий бузилиш рўй бериб, у амалда майда буржуа революционизми томон оғди. Бухарин, Риков ва Томский партия ўзининг амалий фаолиятида қандайдир принципиал маррадан четга чиқаётганлигини ҳис қилиб, ана шу тенденцияга қарши чиқдилар. Аввалига ўрта партия бўғинида, суд органлари, прокуратура ва ҳоказоларнинг ўрта ва қуйи бўғинларида муайян қаршилик кўрсатиш ҳоллари ҳам рўй берди.

Бу қаршилик дон тайёрлашда фавқулодда чораларни қўлланиш практикасида анчагина босиқлик қилишда, 1933 йилда рўй берган очарчиликка пировард натижада олиб келган усулларга қарши норозиликда кўрилди. Жойлардаги суд ходимлари социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги жуда қаттиқ қонунларни бузганлик билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш чоғида уларнинг 40 процентида айбдорларни қонунда белгиланганидан камроқ даражада жазоладилар,

яъни улар ўн йилдан камроқ муддатга қамалдилар. Бу суд ходимларининг айнан революцион ахлоқ нормаларига амал қилганликларидан далолат беради. Каганович бу воқеалар ҳақида Марказий Комитетнинг 1933 йил январь Пленумида доклад қилиб, араванинг ўғирланган тўртта ғилдираги учун ўн йил қамоқ жазоси беришга ботинмаган судьяни мисол қилиб келтиради. Каганович маҳаллий ходимлар тутаётган бундай «яроқсиз» кўрсатмаларни кескин танқид қилиб, қонунларни эмас, балки партия ва ҳукумат қарорларини бажаришга даъват этди. Бу ҳам Пленум қатнашчиларида норозилик уйғотмади. Қуйи суд бўғинини тозалаш тўғрисидаги талабга ҳам индашмади.

Партияда икки тенденция ўртасидаги кураш давом этарди. Мамлакатда партия раҳбарлигининг «юмшоқ» йўлини ўтказиш тарафдорларига аввалгидек Бухариннинг жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини нормал олиб боришга мунтазам равишда қаратилган қарашлари жиддий таъсир ўтказган бўлиши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, Марказий Комитет ва Марказий Контрол комиссиясининг 1933 йил январида ўтказилган Қўшма Пленумида пленумнинг бир неча қатнашчиси Бухарин тўғрисида илиқ гапларни айтишади. Бухарин ўз хатоларини бартараф этди, энг муҳими у келажакка интилмоқда, фавқулодда даврдан сўнг ҳаракатга келтириладиган хўжалик юритишнинг механизмини топишга интилаётганлигини айтишиб, унга ишонч билдиришди.

Маълумки, Бухарин 1934 йил майида «Известия» газетасида «Советлар мамлакатининг экономикаси» мақоласи билан чиқди. Бухариннинг бу мақоласида социалистик бозорни вужудга келтириш тўғрисидаги, совет савдоси механизми орқали ҳаракатланувчи моддий рағбатлантиришни ишга солиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар сезилар-сезилмас кўзга ташланади. Бухарин принципиал жиҳатдан бошқача социал-иқтисодий вазиятни вужудга келтирган социалистик қурилишнинг янги фазасига қилинган сакрашни қабул қилар экан, бу фаза нормаллаштиришга, жамиятни нормал, хотиржам ривожлантириш воситаларини қидиришга муҳтож, деб ҳисоблайди.

Партиянинг муайян доираларида бу ғояни қўллаб-қувватладилар. Сталиннинг унда хавф-хатарни кўриб Сиёсий бюро аъзоларига махсус мулоҳазалар билан мурожаат қилгани, амалда бу билан Бухарин мақоласидаги асосий фикр-мулоҳазаларни далил-исботсиз инкор қилишни зарур, деб ҳисоблагани бежиз эмас. Сталин танлаган мунозара усули унинг бу мунозарани ошкор қилишдан қўрқишидан далолат беради. Дастлабки қарашда янгидан вужудга келган баҳс соф назарий тусда бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса гап: шаҳар билан қишлоқ ўртасида нормал, барқарор муносабатларни ўрнатишга эришиб бўладими, ёки вазиятни қўлга олишга ноқобиллик аввалгидек куч ишлатиш билан тўлдириладими, деган ўша масала тўғрисида борарди.

СТАЛИНИЗМГА ҚАРШИЛИК БЎЛГАН ЭДИ...

1933 йил январидан 1937 йил февраль-мартигача бўлган давр партия ва мамлакат тарихида жуда ўзига хос давр бўлди. Айтиш мумкинки, у ўзида кейинги тарихнинг муайян сир-асрорларини сақламоқда. Бу ерда ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил февраль-март Пленуми қарорларида янграган Сталин сўзларини эсга олиш даркор: «Ички ишлар халқ комиссарлиги халқнинг ёвуз душманларини... фош қилишда кам деганда тўрт йилга кечикди». Мана шу тўрт йил айни 1933 йилдан 1937 йилгача бўлган даврни ташкил қилади.

Хўш, Пленумнинг Ички ишлар халқ комиссарлиги органларининг иши тўғрисидаги резолюцияси нима учун керак бўлиб қолди? 20-йилларнинг охирларидаёқ социалистик қурилишдаги барча қийинчиликларнинг сабаби зараркунандаликдадир, деб олға сурилган концепция 1933 йил январидан бошлаб кенг кўламда янграй бошлади. Бу сиёсатнинг кейинги тўрт йил мобайнида амалда қўлланилишида қандайдир четга чиқишлар ва ҳатто қаршиликлар кўрсатилганлиги намоён бўлди, деб тахмин қилиш мумкин. У қайси шаклда намоён бўлганлигини ҳали аниқлаш зарур. Бироқ шуниси аёнки, бу қаршилик тўғридан-тўғри Сталиннинг ўзига қарши қаратилмаган эди. Бу зўравонлик ҳаддан ташқари ошганлигига нис-

батан яширин қаршилик эди. Оммавий сиёсатда эса доҳийни кўкларга кўтариб мақташ давом этарди.

Бизнинг фикримизча, 1933—1934 йилларда фавкулодда чораларга мурожаат қилиш ва уларни система даражасига кўтариш, жойларда ўзига хос «кўш ҳокимиятчилик»ни шакллантиришга олиб кела бошлади. Бу нарса айниқса қишлоқларга тааллуқли эди. Бир томондан МТСларнинг сиёсий бўлимлари (сиёсий бўлим бошлиғи ўринбосарларидан бири Давлат бирлашган сиёсий бошқармаси ходими бўларди), иккинчи томондан эса район партия комитетлари иш олиб борарди. Улар ўртасида мунтазам равишда ихтилофлар чиқарди. Амалда бу фавкулодда органлар билан мунтазам ишловчи, оддий органлар ўртасидаги низо эди. Худди шундай мураккаб ўзаро муносабатлар Марказий Комитетнинг заводлардаги парторглари билан шаҳар, район партия комитетлари ўртасида ўрнатила бошландики, бунда ҳам оддий тартиб-қоидаларни очик-ойдин бузувчи структура юзага келаётган эди. 1934 йил охирларига келиб Марказий Комитетнинг кўпгина аъзолари сиёсий бўлимлар мисолида «фавкулоддачилик» системасининг етарли самара бермаслигини тушуниб ета бошладилар. Бу система хўжалик-сиёсий функцияларни жуда тор, оператив вазифаларни бажаришга йўналтирар эди, холос. Умумий вазиятни қамраб олишни, бутун территориядаги ривожланишга тўғри раҳбарликни таъминлай олмасди.

Областлар, ўлкалар ва республикалар даражасида ҳам параллел равишда жазо органлари мавжуд бўлиб, улар «зараркунандаларни аниқлаш» йўли билан хўжалик вазифаларини бажаришни ҳам таъминларди. Умумий вазиятни қўлга олиши даркор бўлган область, ўлка партия комитетлари, Марказий Комитет «фавкулоддачиликка» бутунлай таяна олмасдилар. Жамият ишларини бошқаришда нонормал вазият пайдо бўла бошлади. Фавкулодда органлар ҳам, район ва область партия комитетлари ҳам социал-иқтисодий муаммоларни тўлалигича мустақил таҳлил эта олмасдилар ва ҳал қилолмасдилар. Шу боис ихтилофлар чиқарди. Масала, мантиқ юзасидан, мавжуд партия органлари системасини тугатиш ва фақат фавкулодда органларга бутунлай суянишга қараб борарди. Аммо бу нарса социал ҳаётнинг бир қатор жуда муҳим соҳалари назорат остидан чиқиб кетишини билдирарди. «Зараркунандаларни аниқлаш» орқали вазифани ҳал этиш йўли ишлаб чиқилган бир пайтда фавкулодда органлар тугатиладиган бўлса, бу — ана шу йўлнинг ўзидан воз кечишни билдирарди.

Марказий Комитетнинг 1934 йил ноябрь Пленуми қарорларида қишлоқлардаги фавкулодда органлар сифатида МТСларнинг сиёсий бўлимларини қисқартириш билан боғлиқ сиёсат томон муайян бурилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган эди. Агар қишлоқларда «қўш ҳокимиятчилик» тугатиладиган бўлса ва район партия комитетлари МТСларнинг сиёсий бўлимлари устидан «ғалаба қозонса», улар бу билан ўзларининг назоратидан четда турган фавкулодда органлар системаси устидан ҳам зафар қозонган бўларди. Шундай қилиб партия «фавкулоддачилик»ни қандайдир рамкага солишга уриниб кўрди. Ҳар ҳолда 1934 йил охирида Марказий Комитет Пленумида партия раҳбарлигидаги мўътадил йўл муайян даражада қўллаб-қувватланди, деб тахмин қилиш мумкин.

Янги Конституцияни тайёрлаш бўйича комиссия тузиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинади. Бу ҳуқуқий жамиятни шакллантиришга йўл тутилганлигидан, унда фавкулодда чоралар система сифатида мужассамлана олмаслигидан далолат берарди. Лекин тарих зиддиятларини қарангки, 1936 йил декабрида қабул қилинган демократик Конституция амалда фавкулодда чоралар билан йўққа чиқарилди, унинг кўпгина қоидалари амалий ишда ўз аксини топмади. Хўш, у ҳолда нима учун ва нима сабабдан Конституция яратилди? Ҳамма нарсани фақат Сталиннинг муғомбирлиги ва мунофиқлигига обориб тақаш мумкинмикин? Шуни тахмин қилиш мумкинки, Конституцияни тайёрлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишнинг ўзи ўша пайтда партия раҳбариятидаги мўътадил йўлнинг кучайиши билан боғлиқдир.

Айни пайтда Сталин барча даражалардаги партия комитетларини фавкулодда чораларга қайта йўналтиришга эришиш, уларни «фавкулоддачилик» идеологиясига бўйсундириш, яъни улар кучсиз қаршилик кўрсатган системага бўйсундиришга ҳаракат қилди. «У соҳадан бу соҳага ўтиш»нинг бундай жараёни 30-йилларнинг ўрталарида рўй берди. МТС сиёсий бўлимлари тугатилиши учун ку-

рашган мўътадил сиёсат тарафдорлари воқеаларнинг бу тарзда ўзгариб кетишини тахмин ҳам қилмаган бўлсалар керак. Бироқ, Сталин ва унинг атрофидагиларнинг партия комитетлари диққат-эътиборини тез қайта йўналтиришга бўлган умидлари ҳам афтидан ўзини оқламади. Ана шунда жойларда керакли кадрлар ўтирибдими йўқми, деган масала ўткир қилиб қўйилди. Бу нарса ўша давр руҳига батамом мос эди. Мураккаб вазиятлар сабабини тез-тез кадрлар жой-жойига нотўғри қўйилганлиги, танланганлиги билан изоҳлашар ва бошқа кадрлар қўйилса, ишлар сўзсиз юришиб кетишини овоза қилишарди.

Натижада маъмурларнинг партия органлари томон «кўтарилиши» натижасида улар жойларда анча каттароқ ҳокимиятга эга бўлдилар. Юқоридан туриб назорат қилиш даражаси камайиб, ҳаракат қилиш эркинлиги кенгайди. Буларнинг ҳаммаси замирида ўз-ўзидан маҳаллийчилик муаммоси пайдо бўлди. Барча ресурслар, ҳамма кучлар ва маблағларни унчалик кўп бўлмаган устун даражадаги вазифаларни ҳал қилишга бўйсундириш йўли жойларнинг манфаатларига зид бўлиб қолиши турган гап эди. Бу зиддиятларни хўжалик, иқтисодий манфаатларни бирлаштирувчи қандайдир чораларни излаш йўли билан бартараф этиш мумкин эди. Лекин мақбул механизмни яратишга муваффақ бўлинмади. Маҳаллийчилик ўсиб, сиёсий планда бу нарса маҳаллий «доҳийлар» ва «доҳийчалар» шаклида намоён бўла бошлади. Кейинчалик ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил февраль-март Пленумида бир қатор раҳбарлар шу хусусда айбландилар.

Аммо бу ўринда масаланинг бошқа томони бор. Фикримизча, шу Пленум қарорларининг ўзи, ундан кейин юз берган репрессияларнинг авж олганлигини Сталиннинг ўз шахсий ҳокимиятини узил-кесил қарор топтиришга бўлган жиноий интилиши, деб изоҳлаш мумкин. Бунда у «аппарат» билан омма ўртасидаги, маҳаллий манфаатлар билан марказ манфаатлари ўртасидаги мавжуд реал зиддиятлардан фойдаланиб, кўр-кўрона бўйсунишни жорий қилиш ва ҳар қандай мустақилликни бостириш йўли билан муаммони «бирданига ва ҳамишаликка» ҳал қилишга интилди.

Партия ва халқ фожиасининг ҳал қилувчи акти анча илгарироқ, 1934 йил охирларида, С. М. Киров ўлдирилгандан кейин бошланган эди. Марказий Комитетнинг ноябрь Пленуми эндигина чеклашга муваффақ бўлган «фавқулоддачилик» яна тикланади, собиқ оппозициячилардан ўч олинади, оммавий равишда қамашлар бошланади, ўлим жазолари зудлик билан ижро этилади. Хуллас, фавқулодда чоралар йўлини очиқдан-очиқ қатъийлаштиришга киришилади. 1937 йил бошларига келиб фавқулодда органлар (алоҳида кенгашлар ва бошқалар)нинг ваколатлари кескин ошади, улар партия назорати остидан чиқади. Шунга қарамай, Марказий Комитетнинг 1937 йил февраль-март Пленумида қаршилик кўрсатиш ва курашнинг сўнгги лаҳзалари кўзга ташланади. Амалда ана шу Пленумдан сўнг кенг кўламда партия кадрларини йўқ қилиш бошланади. Оммавий репрессиялар бошланишини эҳтимол Сталиннинг Марказий Комитет аъзолари, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларини йўқ қилишга қарор берганлиги билан боғлаш керакдир. Чунки уларнинг кўпчилиги фавқулодда системага қаршилик кўрсатишган (асосан сезилар-сезилмас шаклда), нормал вазиятни вужудга келтириш учун курашган эдилар. Илгари қаттиқ йўл тарафдорлари, Сталин тарафдорлари бўлган бу кишилар қарор топаётган системани тўла ҳажмда қабул қила олмасдилар. Шу сабабли уларнинг қисмати ҳал этилган бўлиб, улар раҳбарликдан четлаштирилиб, кўпчилиги қатли ом қилинган эдилар.

Сталин жуда ўзига хос маъмурий система яратишга муваффақ бўлди. «Нормал» маъмурий система расман раҳбарни кўкларга кўтариб (масалан, Брежнев даврида шундай бўлган эди), аслида уни ўзига бўйсундиради. Бундай турдаги система жўшқинликка эга бўлмайди ва турғунликка олиб келади. Сталин бўлса жўшқинликни, юқори суръатларни мўлжаллардики, буни тан олиш керак. Маъмурий системани қистовга олиш, жадаллатиш учун у аппаратни нафақат юқоридан, балки қуйидан ҳам доимий тазйиқ остида тутиб туриши керак эди. 30-йилларда омманинг раҳбарлик соҳасидаги иккиюзламачилар, троцкийчиларни фош этишга муттасил чақириб туриш ана шундай «назорат»нинг айниган формаси бўлди.

Бизнинг назаримизда, вазиятнинг зиддиятлилиги шунда эдики, Сталин ва унинг тарафдорлари, масалан Жданов, жуда тез-тез ички партиявий ҳаётни кенг

демократиялаш, кооптация, тайинловчилик практикасидан воз кечиш, партия раҳбар органларига сайловлар ўтказишда тадбирбозликка берилиб кетмасликка чақириб, нутқ сўзлардилар. Амалда бўлса ички партиявий ҳаётни демократиялаш байроғи остида жойларда эски раҳбарларни янгилари билан алмаштириш енгил бўларди. Янгилар эса «ташаббускор»лик билан шуғулланмай, юқорининг кўрсатмасини сўзсиз бажарадилар.

Сталин ленинчасига оммага суяниб иш тутолмасди, негаки, бундай қилиш демократия механизмларини кенг авж олдиришни талаб этарди ва қуйидан бўладиган назорат ҳокимиятнинг шахсий режимини рад этарди. У бошқа мақсадда — ўз ишини қилиб бўлган раҳбарни алмаштириш, янгидан келган раҳбарлар вазиятни тезроқ билиб олиб, янги сакрашни таъминлашлари учун шароитлар яратиш мақсадида мурожаат қиларди. Бу ленинча тасаввурларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, иқтисодий ўсиш жўшқинлигини таъминлашнинг ғирт сталинча модели эди. Аслида бўлса бу модель, ҳатто агар унинг ноинсонпарвар характерини абстракциялаган тақдирда ҳам, умуман тежамкор эмас эди. У жамиятда муттасил фалажлик вазиятини яратарди.

Афтидан, кадрларни йўқ қилиш жараёни назорат остидан чиқиб кетганди ва қурбонлар сони, агар таъбир жоиз бўлса, шахсан Сталинга керак миқдордан кўп маротаба ошиб кетган эди. Ўша йилларда у яратган жамият системасида қўрқитиш муҳитини ўрнатиш зарур таркибий қисм бўлган, албатта. Аммо қўрқитиш микёслари, унинг қаттиққўллиги одамларнинг иродасини сусайтирди, маънавий айнишга олиб келди. Оммавий репрессиялар тусини олган кадрларни алмаштириш оқибати шу бўлдики, кўпгина раҳбарлар фикр-мулоҳаза юритмай қўйдилар, улар юқоридан бўладиган кўрсатмаларгагина кўз тутишди.

Партия раҳбарлигидаги келишмовчиликлар ва жамиятдаги бошқача фикрлашни бартараф этишга сталинча ёндашишнинг натижаси бўлган репрессия жараёнининг стихияли тўлқини партия ва мамлакатни нормал бошқаришга имкон бермади. Афтидан, Сталин буни тушунар эди. Шунинг учун ҳам вақти-вақтида унинг ташаббуси билан, бу ҳақда албатта оммага маълум қилинар эди, ўзига хос «орқага қайтиш» рўй берарди, одамлар онгига репрессиялар тўлқини тамом бўлди, барча душманлар янчиб ташланди, энди нормал ишлаш мумкин, деган янги хомхаёллар сингдириларди. Сталин ва у яратган модель бусиз ҳаракат қила олмасди. Бу унинг шунчаки мунофиқлиги бўлмай, балки онгли сиёсий маневри эди.

СТАЛИН ҚИМЛАРНИНГ СИНФИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАГАН?

Кейинги вақтлардаги публицистикамизда турли формаларда, баъзан ғоят ғайриоддий формаларда Сталиннинг ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олганлиги муаммоси қўйилди. Бу масала бўйича фикрларнинг хилма-хиллигига тўхтамаган ҳолда шуни таъкидлаймиз: масалани қўйилишининг ўзи бизни ҳокимият социологияси, синфий ҳукмронликни ҳукумат ёки шахс томонидан зўрлик билан эгалланиши тўғрисидаги принципиал марксча-ленинча ғояларга қайтаради, совет жамияти сиёсий тарихини тушунишнинг янги даражасига олиб чиқади. 20—30-йилларда ҳокимият учун курашнинг конкрет тарихи ҳам фаол равишда ишлаб чиқилмоқда. Бу ўринда бир талай масалалар йиғилиб қолган. Авваламбор ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олиш натижасида тузумнинг ўз характери ўзгарадими? Сталин режими ишчилар синфи манфаатларини ифодаламаган, деб айтиш мумкинми? Бугун бизнинг ижтимоий тафаккуримиз ана шу саволларга жавоб изламоқда.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ, Ленин айтганидек, Советлар «меҳнаткашлар учун», бироқ «меҳнаткашлар орқали бўлмаган» органларга айланган эди. Ишчилар ва деҳқонлар цивилизациялашганлиги ва маданиятлилигининг реал даражаси демократияни чегаралаган эди. Бир қатор ҳолларда демократияни жуда жиддий даражада чегаралаш (масалан, Совет ҳокимияти олий органларида ишчи ва деҳқонлар вакиллигининг нопропорционал бўлиши, синфий белгисига қараб сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва шунга ўхшашлар РСФСР-

нинг 1918 йилги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганлиги) ўша вақтда муқаррар ва зарур бўлган. Ленин бундай типдаги давлат аста-секин ўлади, деб ҳисоблаган эди. Сталин эса, давлатнинг, ҳаётнинг барча соҳаларидаги, шу жумладан, оиладаги кенг қамровли назоратини кўзлаган эди.

Якка-ёлғиз ҳолда социализм қураётган майда деҳқонлар мамлакатида ҳокимият мавжуд бўлишининг реал механизми бошқаришнинг барча дастаклари Марказий Комитет ва Сиёсий бюро қўлида муқаррар равишда концентрацияланиши билан қўшиб олиб борилди. Ҳокимият механизмида партиянинг эски гвардияси ҳам алоҳида роль ўйнагани аниқ. 20-йиллар бошларида В. И. Ленин сиёсий тузумимизни демократиялаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, раҳбар партия органлари фаолиятига ишчилар синфи кадр ўзаги вакилларини жалб этиш тўғрисида гапираркан, бирон-бир принципиал қарор қабул қилиш ва партия сиёсатини ишлаб чиқишда эски гвардия ваколатларини кенг омма табақасига бериш масаласини ҳеч қаерда қўйган эмас. Партиянинг пролетар сиёсатини таъминлаш учун ана шу «нозик қатлам»нинг бирлигини сақлаш тўғрисида гап борган эди. Бу партия сиёсатининг шаклини ўзгартириб юборишга қобилиятли бўлган майда буржуазия стихиясининг партияга ўтказаётган кучли тазйиқи билан изоҳланган эди. Шундай қилиб, ишчилар синфининг синфий ҳукмронлигини амалга оширишнинг ўзига хос формаси мавжуд эди.

20-йилларда, Ленин вафотидан сўнг Сиёсий бюро ва Марказий Комитетда бўлган мунозаралар ҳокимият учун кураш билан оғирлашиб, жуда ўткир тус олди. Ана шу мунозараларда ҳам пировардида кўпчилик сўзсиз Сталин тарафида бўлди. Нима учун? Эски гвардиянинг бўлиниб кетиши, унинг ички партиявий демократия доирасидаги ленинчасига бартараф этишга муваффақ бўлинмаган ғоявий келишмовчиликлари Сталинга усталик қилиш ва оппозиция унга танқид билан, баъзан жуда адолатли равишда, муттасил ҳужум қилиб туришига қарамай, ўз лавозимини сақлаб туриш имкониятини берди. Ғоявий курашга ҳар доим шахсий жиҳат аралаштириб юборилганди. Ленин томонидан яратилган коллектив раҳбарлик системасининг ҳаракат доираси тобора торайиб борди. Ғоявий кураш ва ҳокимият учун кураш борган сари шафқатсиз тус олганлиги туфайли кўпчилик ленинча позицияларда маҳкам туролмади ва келишмовчиликларни ҳал этишнинг бошқа методларига — оппонентларни фаол сиёсий ҳаётдан чиқариш методларига ўтилди. Сиёсий бюро аъзолари ўртасидаги чуқур келишмовчиликлар Бош секретарь сифатида Сталин учун алоҳида вазиятни вужудга келтирди. Сиёсий қарорлар ишлаб чиқишни ҳокимият учун курашга бўйсундириб, Сталин ана шу алоҳида вазият туфайли Марказий Комитетда муттасил равишда ўз тарафдорлари кўпчилик бўлишини таъминлай олди.

20-йиллар охирларида таркиб топган ва принципиал фикр-мулоҳазалар бўйича Сталинни қўллаб-қувватлаган Марказий Комитетдаги ўша кўпчилик (Орджоникидзе, Рудзутак ва бошқалар) аслида партиявий сиёсатни ҳам белгиларди. Партия структурасининг ўзида масъулиятлилик, компетентлилик, ҳокимиятнинг энг юқорида мужассамлашувининг муайян «пирамида»си таркиб топди. Худди шу ҳокимиятни Сталин ишчилар синфи принципиал қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини берган нозик қатламдан зўравонлик билан тортиб олди. Бу ҳам етмагандек, кейинчалик мазкур қатлам жисмонан йўқ қилиб ташланди. Афтидан, айтиш мумкинки, Сталин раҳбар партия органларининг партия ва ишчилар синфи манфаатларини ифодаловчи ҳуқуқларини зўравонлик билан тортиб олди.

Шуни таъкидлаймизки, алоҳида шахслар диктатураси орқали революцион синф диктатураси ифодаланиши эҳтимоли Ленинга эриш туюлмаган эди. Бухариннинг эса шарт-шароитлар муайян даражада уйғунлашганда синф ҳукмронлиги шахсий режимда ифодаланиши мумкин, деган фикри Ленининнинг: тўғри, аммо «шахсий режим» сўзлари иккинчи даражали маънога эга, деган эътирозига учраган эди. Афсуски, юмшоқроқ қилиб айтганда, Сталиннинг шахсий режими айни икки маънода шаклланди. Сталинча сиёсатнинг расмий равишда эълон қилинган мақсадларининг ўзи (оғир саноатни ривожлантиришни жадаллаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш) ишчилар синфининг манфаатларига зид келмасди. Худди шунинг учун ҳам унинг жадаллаштирилган индустрлаштириш концепциясини ишчилар синфи ҳам, партия ҳам, Марказий

Комитет ҳам қўллаб-қувватлади. Аммо тарихан прогрессив мақсадларга эришишнинг сталинча методлари ишчилар синфи манфаатларига жавоб бермади. «Меъмор»нинг ярамас методлари бинонинг шаклини ўзгартириб юборди, дастлабки лойиҳадан, социалистик идеалдан чекинишга олиб келди.

Кўпгина авторлар ёш ишчилар синфи ўзининг деҳқон ўтмишидан, майда буржуа сарқитларидан, адашишлардан холи бўлмаганлигига эътиборни жалб этмоқдалар. Сталин ҳам методларни танлашда жуда тез-тез ишчилар синфининг айни шу қисми, аниқроқ қилиб айтганда, унинг кўп сонли янги табақалари «табиати»нинг энг ёмон томонини акс эттирдики, эски тарбия кўрган кам сонли индустриал ядро шу табақа ичида йўқ бўлиб кетди. Турли-туман кайфиятларни, ишчилар синфининг ҳар хил табақалари манфаатларини тўғрилаб туриш, уларни тўғри оқимга йўналтириш ўрнига Сталин кўпинча шу кайфиятларнинг асири, қули бўлиб қолганди. Ҳали йигирманчи йиллардаёқ, Сталин қандай усул билан ўзига кўпчиликни тортишига қараб, унинг позицияси ўзгариб турган пайтда бу нарса муайян даражада мавжуд бўлган.

Маълум маънода айтиш мумкинки, Сталин ўзининг социализм тўғрисидаги тасаввурлари билан ана шу қолоқ, сарқит, эски тасаввурлардан ўсиб чиқди. Нафақат унинг ўзи доҳий ҳақидаги оммавий тасаввурни «ясади», балки янги ишчилар оммасининг ўзи ҳам доҳийни «ясади». Сўлларча бетоқатлик, бир зарб билан барча муаммоларни ҳал этишга интилиш ана шу оммадан куртак отиб чиқди. Эски партия гвардиясининг сиёсий йўлни ишчилар синфининг индустриал, кадрлар ядроси интилишлари ва анъаналари доирасида ушлаб туришга уриниши муваффақиятли чиқмади. Ёш ишчилар синфида «юқори»да қарорлар қабул қилинганда ваколатли делегатлар юбориш тушунчаси шаклланиб бўлган эди. Бундай вазият бошданоқ тор табақа ёки «доҳий» томонидан ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олиш учун жуда қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Буни Ленин ҳам тушунган эди. Аммо у социалистик истиқболнинг ҳақиқатан муносиб ташувчисига айлантириш учун ишчилар синфида унинг энг яхши хислатларини ривожлантиришга интилган эди. Ленин демократияни цивилизациялашганлик мактаби деб ўйлаган эди, ишчилар синфи илғор қатламларининг бошқаришга, ҳаётнинг янги шаклларини ижод қилишга бўлган интилишига суянган эди. Сталин ишчилар синфининг бу яхши томонларини инкор қилди, деб айтиш мумкин эмас. У бу хислатлардан мамлакатни қайта ўзгартириш ишида фойдаланишга интилди ҳам. Бироқ, сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг алоҳида шакли сифатида Сталиннинг шахсий режими ёш ишчилар синфида ҳам мавжуд бўлган бошқа тенденциялардан — шахснинг нуфузига кўр-кўрона эргашишдан, «ёмон ишчилаштирилган мужик» (Л. Рейснер ибораси) психологиясидан ўсиб чиқди.

* * *

Ҳозир 20—30-йиллар тарихий тажрибасидан қандай сабоқлар чиқариб олиш мумкин? Афтидан, энг аввало, жамият ўз ривожида «танг нуқталар», деб аташ мумкин бўлган паллаларни босиб ўтади. Бу паллада барча зиддиятлар, хўжалик юритишнинг, жамиятни бошқаришнинг у ёки бу системаси зиддиятлари энг кўп даражада концентрациялашади. Бу — ҳаракатнинг қандайдир янги типига ўтиш мумкин ва зарур бўлган палладир. Бу — тарихий танлаш рўй берадиган нуқтадир. 20—30-йиллар тажрибаси кўрсатадики, ўша даврда ана шу «танг нуқталар»нинг ўзини кўпинча илғашмаган. Агар «танг нуқталар» жиддий кризисли ҳодисалар билан боғлиқ бўлмаса, уларни «сакраб» ўтишган. Кўпинча қандайдир мутлақо муайян социал-иқтисодий, социал-психологик ва сиёсий белгиларига қараб бурилиш палласини қатъий равишда аниқлаш имконини берадиган назарий огоҳлантиришга эга бўлинмаган.

1925 йилда ўша даврнинг кўпгина арбоблари ана шундай бурилиш сезилаётганлигини ифодалашга уриниб кўришди. Бироқ бурилишни ҳис этишнинг ўзи ўша пайтда жўнгина қарор қабул қилиш билан юпатиб қўя қолинган. Тўғри, партия индустрлаштириш сари йўл тутди. Аммо шу йўлни амалга оширишда бошданоқ ишлаб чиқариш кооперациясини, жуда бўлмаганда дон хўжалигида кооперацияни кенг ривожлантиришга суяниш имконини берадиган системалироқ қарор қабул

қилинишци зарур ва мумкин эди. Бундай бўлмади. Натижада НЭПнинг анча «равон» тарзда бир шаклдан иккинчи шаклга айланишининг, уни янада юксакроқ кооператив фазасига ўтказишнинг реал имконияти бой берилди.

20-йилларнинг охири, Бухарин группаси билан курашнинг сўнгги даврини ҳам совет тарихининг «танг нуқта»си деб ҳисоблаш мумкин. Ўша танг вазиятда фавқулодда чораларни сира ҳам мунтазам системага, жамиятни бошқариш системаси даражасига кўтариш мумкин эмаслигини тушуниш ва буни тўхтатиб қолиш мумкин эди. «Фавқулоддачилик»ка бурилиш рўй берганидан кейин бу билан коллективлаштириш давридаги кейинги бузилишларга, оммавий репрессияларга асосий шарт-шароит вужудга келди.

Наздимизда, мамлакат 1934 йилда ҳам танг нуқтани босиб ўтган. Бу даврда жамиятни янада ривожлантириш хусусида сталинча қараш қарор топади. Тўғри «Известия» газетасида Бухариннинг юқорида эслатилган мақоласи босилиб чиқиб, унда автор социализмнинг хўжалик ҳисоби асосларини тушунишга яқинлашган эди. Аммо партиядаги вазиятнинг ўзи кенг ижодий изланиш ва масалаларни дадиллик билан қўйишга имкон бера олмай қолган эди. Лекин шунга қарамай анча вазмин сиёсат сари йўлланган тенденция ўзига йўл очади. Бироқ ҳушёр, балансланган сиёсат ўтказишга интилган кучлар Сталиннинг хатолари ҳақидаги, уни Бош секретарь лавозимидан тушириш тўғрисидаги масалаларни жиддий равишда қўйиш имкониятидан аллақачон маҳрум бўлган эдилар.

Ўтмишда вазиятни баҳолашда ўтган даврда ишлаб чиқилган моделларга, гарчи бу моделлар аллақачон зарарли догмага айланиб қолган бўлса ҳам, кўркўрона бўйсунишга жуда кўп йўл қўйиларди. Бизнинг партиявий сиёсатдаги «танг нуқта»ларнинг ҳаммасида ҳам бурилиш ўз ифодасини топмаган. Тажриба шуни кўрсатадики, ўз вақтида бурилиш қилишнинг қўлдан бой берилган имконияти ҳар сафар пировард натижада шунга олиб келдики, партия, мамлакат бу бурилишга кризисли ҳодисалар, ҳатто «фавқулодда тадбирлар дарвозаси орқали» ҳам тортилган. 1929 йил бунга бевосита гувоҳдир.

Демак, агар танг паллада, бурилиш палласида тарихан пишиб етилган муаммо амалий сиёсий вазифа қилиб қўйилмас экан, агар эскичасига ҳаракат қилиш давом эттирилаверар экан, зиддиятлар муқаррар равишда кескинлашади, фалсафада зиддиятларнинг ўз-ўзини ҳал этиши деб аталадиган жараён бошланади. Бундай ҳолатда стихияли жараёнлар авж оладики, уларнинг оқибатларини бартараф қилиш борган сари мураккаблашаверади. Муаммоларни ҳал этишга ноқулай мавқелардан киришилганлиги учун кейинчалик қилинадиган қайта ўзгаришлар ҳам жуда қимматга тушади. Ваҳоланки, бу муаммоларни бир неча йил муқаддам анча осонлик билан ҳал этиш мумкин бўлган бўлур эди. Биз мураккаб, кризисли ёки кризис олдида турган аҳволга тушиб қолганимиздан кейин, кўпинча барча муаммоларни куч ишлатиш, маъмурий тазйиқ ўтказиш ва шунга ўхшаш йўллар ҳисобига ҳал этишга интилиш пайдо бўлган. Албатта, кейинчалик тарихий қонуният барибир ўзига йўл очиб олади. Аммо кўзимиз қанчалик кечроқ очилган бўлса, янада олға ҳаракат қилиш программаси хом-хаталалигини қоплаш учун куч ишлатиш, буйруқбозликка зўр бериш, маҳлиё бўлиш шунчалик кучайди.

Қандай бўлмасин бугунги тарихий мунозара кафолатлар муаммосига — ўзгаришларнинг муқаррарлиги кафолатларига келиб тақалмоқда. Кўпчиликка кафолатлар муаммоси — бу айтайлик, ташкилий-сиёсий муаммога ўхшаб кўринади, яъни муайян механизмларни ишга тушириб юбориш кифоядир ва улар деярлик автоматик равишда ишлаб кетаверади. Ҳолбуки, бу муаммо ҳар ҳолда социал-сиёсий муаммодир. У инсоннинг ўзига, унинг маданиятлилиги, цивилизациялашганлиги, гражданлик лаёқати ва ўз-ўзини идрок этишига бориб тақалади. У иқтисодий асослар билан тўғридан-тўғри боғланганки, улар у ёки бу сиёсий режимни сиёсий шаклни белгилаб беради.

Бу ўринда, албатта, жамият социал-иқтисодий ривожининг ўзаро таъсири диалектикасини, унга мос келадиган сиёсий система ва инсон диалектикасини тушуниш жуда муҳимдир. Бугун биз маъмурий-буйруқбозлик системаси қандай қилиб, нимадан ўсиб чиққанлиги тўғрисида кўп нарсаларни биламиз. Ана шуни ҳисобга олиб, жамиятда қайта қуришни ўз ортидан «эргаштириб» борадиган реал кучлар ўсишига эришиш учун курашмоқдамиз. Агар ишчилар синфи ва деҳқон-

лар қайта қуришга социал-иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлмас эканлар, ўшанда НЭП билан содир бўлган — мазкур асосий кафолатнинг ўзини оқлай олмагани каби воқеа рўй бериши мумкин. XIX партия конференцияси совет жамияти сиёсий структурасини қайта қуришнинг фундаментал мақсадларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар бизга шунчаки умид бағишлаб қолмай, қайта қуришимиз НЭПнинг фожиали тақдирига учрамайди, деган назарий жиҳатдан асосланган ишончни ҳам беради. 30-йиллар сиёсий системаси аслида бошқача бўлиши, Сталиннинг шахсий режимини дунёга келтирмаслиги, инчунин оммавий репрессияларга олиб келмаслиги мумкин эди. Аммо биз муқаррар равишда бошқа нарсани ҳам тан олишимиз керак. Афтидан, ўша вақтда жамиятимизнинг цивилизациялашганлик даражаси ана шу ҳолатларга қарши туриш, уларга нисбатан самарали демократик посанги яратиш учун ҳар ҳолда етарли бўлмаган. Ленин сўзлари билан айтганда, нафақат ишчилар ва деҳқонларда, балки мамлакатни бошқараётган коммунистлар табақасида ҳам маданият етишмаган.

Қайта қуришнинг тақдири тўғрисидаги бугунги саволга ҳам Лениннинг қуйидаги сўзларидан жавоб топиш мумкин: «**Агар** нима етарли бўлса, муваффақият таъминланади? **Маданиятлилик**!!!». Бу маданиятлилик наинки фақат мамлакатнинг барча аҳолисида ўрта мактабни тамомлаганлик тўғрисидаги гувоҳнома борлигини акс эттиради, балки энг аввало реал демократизм кўникмаларини, ҳаётга, одамларга гуманистик муносабатда бўлишни ҳам назарда тутади. У фақат омманинг принципиал сиёсий қарорларни ишлаб чиқишда, ишлаб чиқаришни, жамият ишларини кун сайин бошқаришда чинакамига иштирок этиши натижасидагина шаклланиши мумкин.

Э. ЮСУПОВ,
Э. ҚАРИМОВ

ОБЪЕКТИВ БАҲО БЕРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларидан келиб чиқувчи вазифалардан бири СССР халқлари бадиий адабиётлари тараққиётига, революция ғалабаси ва мамлакатимизда социализмнинг барпо этилишига ҳисса қўшган сўз санъаткорлари ижодига принципиал баҳо беришдир. Кўп миллатли совет адабиёти тарихи узуқ-юлуқ ҳолда эмас, балки асл қиёфаси билан гавдаланиши лозим.

КПССнинг XX съездидан кейин И. Бабель, А. Воронский, М. Герасимов, М. Кольцов, В. Кин, А. Малишкин, О. Мандельштам, П. Орешин, А. Тарасов-Радионов, Т. Табидзе, П. Яшвили (Грузия), Е. Чаренц (Арманистон), С. Сейфуллин (Қозоғистон), Ғ. Иброҳимов (Татаристон), А. Кулаковский (Ёкутистон) ва бошқа кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг бадиий мероси халққа қайтариб берилди. Ўзбек совет адабиётида эса асарлари кўп миллатли совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган, ўзбек романнавислигининг асосчиси Абдулла Қодирий, революциянинг оташқалб жангчиси ва камбағаллар етакчиси Сўфизода, Боту, Усмон Носир номлари қайта тикланди. Ҳолбуки, уларнинг барчасига 30-йилларда буржуа миллатчилари, пантуркист ва панисломистлар, аксилинқилобчилар, халқ душманлари ёрлиғи ёпиштирилган эди. Ўша йиллар муҳити нафақат репрессия қилинган ва аёвсиз танқид бўронига учраган шоир ва ёзувчиларнинг асарларига бўлган йўлни узоқ давр мобайнида ёпиб қўйди, айни пайтда ўзбек адабиёти ва санъатининг айрим даврларини ўрганишни ҳам ман этиб ташлади.

Партия «ўтмишдаги савалашлар, таъқиблар, тақиқлар, ижодий ҳаётга билар-билмас аралашувларни» қаттиқ қораламоқда, ҳолбуки аввалги вульгар-социологик фикрлар, конъюнктурачилик, сиёсий ғўрлик инерцияси яқин-яқиндагина ҳам ўзини кўрсатиб келди. Йўқса, ўзбек классик адабиётининг мураккаб ва зиддиятли ҳодисалари — Аҳмад Яссавий, Бобур, Нодира ижодини ўрганишга киришган олимларнинг асоссиз равишда қораланаётганини нима билан изоҳлаш мумкин. Нега энди ўзбек классик адабиётини, шу жумладан камбағал бечоралар, адолат ҳимоячиси Бобораҳим Машраб поэзиясини «сарой адабиёти» деб аташга уринишлар бўляпти. Нега энди социалистик реализм адабиёти асари бўлмиш П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романи асоссиз равишда майда буржуача романтизм асари деб эълон қилиняпти.

Халқнинг маънавий ҳаётидан ўрин олган барча тарихий ва бадиий қадриятлар, унинг фалсафий ва эстетик тафаккуридаги барча илғор ҳодисалар, бугунги маданият фактига айланиши учун ҳақиқатни айтиш ва ёзиш вақти келди. Совет давлатининг 20—30-йиллар маданий ҳаётида рўй берган жараёнларни янгича сиёсий фикрлаш позициясидан туриб, объектив баҳолашнинг вақти етди. Нарса

ЮСУПОВ Эркин Юсупович, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ҚАРИМОВ Эрик Абдуллаевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлимининг мудири, филология фанлари доктори.

ва ҳодисалар тўғрисида ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмаган ҳолда марксча-ленинча дунёқараш нуқтаи назаридан туриб, айни пайтда жамоатчилик фикри ва омма кайфиятини инобатга олган ҳолда ўйлаш ва мулоҳаза юритиш зарур.

* * *

В. И. Ленин, партия Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бадиий интеллигенцияни тарбиялаш, уни уюштириш ва жипслаштириш, баъзан социализм сари мураккаб йўллар билан борган маданий кучларга нисбатан объектив муносабатни қарор топтириш учун кўп иш қилдилар. Афсуски, бу даврда марксизмни вульгарлаштирган, «табақавозлик» уруғларини сочиб, ишчилар синфини меҳнаткаш деҳқонлар ва халқ интеллигенциясига қарши қўйган пролеткультчи-раппчилар руҳидаги хато тарихий, фалсафий ва адабий-бадиий концепцияларнинг кенг ёйилиши адабиёт, санъат ва, умуман, маданиятда гумонсираш, ҳадиксираш, сиёсий айблар ва шубҳалар шароитини вужудга келтирди. Бугун И. В. Сталиннинг социализм олға силжиган сайин синфий курашнинг кескинлашиши тўғрисидаги хато концепцияси нақадар аянчли, айтиш мумкинки, фожиавий оқибатларга олиб келганлиги, сталинча коллективлаштириш қандай кулфатлар келтирганлиги ҳаммага маълум.

1937—1938 йилларда репрессия қилинган ҳамда вафотидан кейингина тўла равишда оқланган ўзбек совет ёзувчилари Чўлпон ва Фитрат мероси ҳанузга қадар етарли ўрганилмасдан келмоқда.

Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймонов, 1897—1937) ижоди маърифатпарварлик реализмидан социалистик реализмга қадар бўлган мураккаб ва зиддиятли йўлни босиб ўтди. Унинг революцияга қадар бўлган даврда яратган ҳамда 1914—1917 йилларда ҳукм сурган феодал-клерикал ва буржуа идеологиясига қарши қаратилган асарларида камбағал халқнинг машаққатли ҳаёти акс эттирилди, халқ дарди ва ҳасратларига бефарқ бўлган руҳонийлар ва бойларнинг социал шафқатсизлиги қораланди. Етим-есирлар,сил аёл, фақир сартарош, бахтсиз ошиқлар, жамиятни маърифатлаштирмоқчи бўлган рус врачлари, ўқитувчилар ва ҳоказолар унинг асарларига қаҳрамон бўлиб кирдилар. Чўлпон «Ёзғувчиларимизга мурожаат» (1915) мақоласида сўз усталарини халқ орасига киришга, унинг турмушини ўрганиш ва тасвирлашга, унга кўмак беришга чақирди. У ўзбек санъаткорлари рус интеллигенцияси, Европанинг энг яхши ёзувчиларидан ибрат олишлари лозим, деб ҳисоблади. Чўлпон халқ ҳаётида фақат нуқсонларни эмас, айни пайтда эзгу ва ижобий ҳолларни ҳам кўриш зарурлигини таъкидлади.

Чўлпоннинг революцияга қадар бўлган асарларида даврнинг ўткир сиёсий проблемалари акс этди. «Халқ жумҳурияти» учун курашган ва «Шўрои исломия» томонидан ёвуз феодал усуллари асосида ўлимга ҳукм этилган Мирмуҳсин Шермуҳамедовни ҳимоя қилиб ёзган «Туркистонлик протопоповларга» мақоласи (1917 йил апрели) озодлик душманлари, реакцион кучлар ва руҳонийларга қарши қаратилди.

Аммо Чўлпонни идеаллаштириш ва унинг хатоларидан кўз юмиш тўғри эмас. Очиқдан-очиқ айтиш керакки, у Қўқон мухториятига нисбатан тўғри муносабатда бўлмади, дастлабки кезларда миллий масалани ҳал этишнинг ленинча принципларини ҳам яхши тушунмади. Унинг миллий маҳдудлиги ва хатолари худди шундадир. Аммо Қўқон мухториятини ўз шеърлари билан олқишлаган, айрим ижтимоий ҳодисаларга баҳо беришда хатоларга йўл қўйган, ўзбек адабиёти ва санъатида социалистик реализмга асос солган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам худди шундай зиддиятли руҳий эволюция йўлини босиб ўтди. Ва бу ҳол табиий эди.

Кейинчалик, 1927 йилда Чўлпон матбуотда ўз хатоларини эътироф этиб ёзди: «Сўнгги икки-уч йил орасида шоирлик ва ёшлик майллари билан баъзи бир хатоларим бўлди, — деб ёзди у Ўзбекистон иккинчи маданиятчилар қурултойининг раёсат ҳайъатига йўллаган «эътироз»ида. — Чунончи, миллатчилик ва ватанпарварлик руҳида шеърлар ва нарсалар ёзиб, баъзи жойда шу йўлда сўзлаганларим ҳам бўлди. Сўнг вақтда... ўз хатоларимга ўзим ҳам тушундим. У ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим камбағал ва йўқсиллар душманларининг фойдасига хизмат қилганини билдим» («Маориф ва ўқитувчи», 1927 йил, № 12).

...Октябрь ғалабасидан сўнг қарийб барча шоир ва ёзувчилар ижоди янги ўзбек адабиёти ўзанида шаклланди. Ҳар бир ўзбек шоири бўлмаса ҳам, аксар

адибларимиз ўз «Интернационал»лари ва «Марсельеза»ларини, революцион ва ҳарбий маршларини яратдилар. Уларнинг революцион, социалистик кундалик турмушни бундай уюшқоқлик билан акс эттиришлари, рус ва жаҳон революцион поэзияси тажрибасини изчил ўзлаштиришлари тасодифий эмас. Бу ҳол давр тақозоси билан, шунингдек совет маданияти, хусусан адабиётнинг вужудга келиши большевиклар партияси томонидан ташкил этилганлиги ва йўналтирилганлиги билан, партиянинг сўз санъаткорларини халқ ва революция хизматига сафарбар этганлиги билан белгиланади. Кўпгина шоирлар Октябрь самараларини қалам билангина эмас, жанг майдонларида ҳам ҳимоя қилдилар.

Октябрдан кейинги дастлабки йилларда ўзбек маданияти намояндалари бой революцион адабиётни яратдилар ва бу адабиёт оркестрида Чўлпон овози ҳам баралла жаранглади. У Улуғ Октябрни халқни эски дунё билан мардона курашга отлантирган шеър ва қўшиқлар билан кутиб олди. Масалан, «Қизил Байналмилал»да шоир халққа мурожаат этиб, асрий зулм ва истибдоддан қўлда қурол ва «Байналмилал» қўшиғи билан халос бўлиш мумкин, дейди. Чўлпон бу ва бошқа шеърларида пролетариатнинг синфий позицияларида турган шоир эканлигини намойиш этди.

Чўлпоннинг шеърий ижодини унинг публицистик мақолалари — «Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса» (1920), «Қизил Шарқ» поезди келди» (1920), «Шарқ уйғонмоқда» (1920) ва бошқалар тўлдириб туради. Бу мақолаларда Совет ҳокимиятининг сиёсати, унинг турли миллатга мансуб ишчилар ва деҳқонлар тўғрисида қилган ғамхўрлиги тушунтирилади, тарғиб этилади ва қўллаб-қувватланади. Чунончи, у Тошкентга келган «Қизил Шарқ» тарғибот ва ташвиқот поезди меҳнаткашлар дўстлиги ва қардошлигининг тимсоли бўлган поезд эканлигини таъкидлайди. «Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса» мақоласида ҳам ёркин фикр олға сурилган ва муайян масала ўртага ташланган: «Санойи нафиса бу дунё ва шаҳар учунгина эмас; мана шу ер шўролар идорасининг энг улуғ хосиятидир. Санойи нафиса ўзини туғдирувда кўп роль ўйнайтурғон қишлоқ ва қишлоқ меҳнаткашлари учун кўп ишлагусидир... Шўролар санойи нафисаси ила Шарқни қул эмас, ҳур қилғусидир».

Чўлпон ижодини унинг биографияси фактларидан, унинг партия, совет, маданий-маърифий ва касаба союзлари ташкилотлари фаолиятидаги иштирокидан ажратиб текшириш мумкин эмас. У 1918—1920 йилларда «Иштирокиюн» («Коммунист»), «Қизил Байроқ», «Туркистон» газеталари, «Инқилоб» ва бошқа журналларда ишлади, «ТуркРОСТА ойнаси»нинг масъул муҳаррири бўлди. 1921 йилда у партия томонидан Бухоро Халқ Совет республикасига юборилиб, «Бухоро ахбори» газетасининг адабиёт бўлимига мудирлик қилди, кейин Фарғонага бориб, «Дарҳон» қизил аскарлар газетасининг санъат ва адабиёт бўлимида ишлади. Шу йилларда у Туркистон республикаси Маориф Халқ Комиссарлиги илмий кенгашининг аъзоси, Ўзбек давлат «Турон» труппаси ва театрининг директори вазифаларини адо этди. 1924 йили Чўлпон Москвада, Вахтангов театрида стажировкада бўлган ўзбек драма студиясида хизмат қилди.

Чўлпон ижодида хотин-қизлар масаласи алоҳида ўринни эгаллайди. Хотин-қизларнинг Шарқдаги аҳволи, уларни қуллик психологиясидан халос этиш, эскиликка, ўз умрини ўтаган одатларга қарши кураш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш проблемалари «Халил фаранг», «Чўрининг исёни» пьесалари, «Ёркиной», «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев», «Ҳужум» сингари ўткир социал драмаларда катта бадиий куч ва эҳтирос билан тасвир этилди.

Чўлпоннинг «Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса» (1920), «Шарқ уйғонмоқда» (1920), «Қизил Шарқ» поезди келди» (1920), «Буюк мактаб эгаси» (М. Горький тўғрисида, 1930), «500 йил» (Алишер Навоий тўғрисида), «Мейерхольд театруси» (1927), «Маликаи Турандот», «Тагор ва тагоршунослик», «Ашулага ишқибоз» (Ҳалима Носирова тўғрисида), «Турсуной саҳнада» (жаҳолатпарастлар томонидан ўлдирилган биринчи ўзбек совет актрисаси тўғрисида), «Мирзо Улуғбек», «Увайсий» ва бошқа мақолалари теранлиги, сербилимлиги, фикр ва баҳоларнинг ўзига хослиги ва тадқиқот маданияти билан ҳозир ҳам ўзининг маърифий, эстетик ва илмий қимматини йўқотган эмас.

Чўлпоннинг ўзбек халқини жаҳон бадиий тафаккури ютуқлари билан ошно этишдаги ҳиссаси ҳам муҳимдир. 20—30-йилларда республикада таржима соҳа-

сида Чўлпон билан тенглаша оладиган ёзувчи бўлмаган. У. А. Пушкиннинг «Борис Годунов» тарихий драмаси, шеърлари ва достонини, И. Тургеневнинг «Ася» ва «Баҳор сувлари» қиссаларини, Н. Гоголь, А. Чеховнинг қисса ва ҳикояларини, Т. Шевченко, Абулқосим Лоҳутий, А. Серафимович ва П. Орешиннинг насрий ва шеърий асарларини, М. Горькийнинг «Она» романи, Демьян Бедний, А. Блок, В. Брюсовнинг шеърларини, В. Ивановнинг «14—69-сонли Бронепоезд», С. Третьяковнинг «Ўшқир, Хитой», Файконинг «Портфелли киши», В. Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Отелло», Лопе де Веганинг «Қўзибулоқ», «Кўза ушлаган қиз», Мольернинг «Хасис», К. Гоццининг «Маликаи Турандот», К. Гольдонининг «Икки бойга бир қарол», Сервантеснинг «Дон Кихот» асарлари, Эжен Потьенинг «Интернационал», Рабиндранат Тагор, Поль Верленнинг шеър ва ҳикояларини ўзбек тилига ўгирди. Бу таржималар ўзбек адабиёти ва театрининг ривожланишида, республика маданий ҳаётида мислсиз роль ўйнади.

30-йиллар Чўлпон ижодида энг самарали йил бўлди. Унинг долзарб совет тематикасига бағишланган, сюжет, мундарижаси, социал конфликтларни ечиш принципига кўра ўзига хос асарлари майдонга келди. Ўзбек театрлари саҳнасида унинг «Муштумзўр», «Ўрток Қаршибоев» пьесалари саҳналаштирилди. Ўзбек халқининг Октябрь революцияси ғалабаси туфайли «кеча»ги ўтмиш зулматидан келажакнинг ёруғ «кун»ига бўлган йўлини мушоҳада этувчи «Кеча ва кундуз» роман-дилогиясининг биринчи китоби нашр этилди. «Октябрь», «Янги мен», «Бугуннинг шоири», «Бизнинг ватан», «Диёрим», «Ленинсиз ўн йил» сингари социалистик самараларни тараннум этувчи, совет гражданлик ва сиёсий лирикаси анъаналарини давом эттирувчи, теран, серманъно шеърлари пайдо бўлди. Унинг 30-йиллардаги поэзиясига теранлик ва донишмандлик кириб келдики, улар машаққатли ҳаёт сабоқлари эвазига эришилган эди. У янги давр бўсағасида турарди...

Фитрат (Абдурауф Абдураҳимов, (1886—1937)нинг 1905—1917 йиллар маърифатпарварлик адабиёти ўзанида ривожланган революциягача бўлган ижодида Бухоро амирлигида жамиятни демократик қайта қуриш программаси ишлаб чиқилди. Унинг «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усул жадид хусусида қилган мунозараси» (1909), «Ҳинд сайёҳи баёноти» (1911) асарлари, ватан тўғрисидаги «Сайха» шеърлар туркумида (1914), Файзулла Хўжаевнинг таърифига кўра, Бухородаги феодал тузуми шафқатсиз равишда танқид қилинган, зулм ва зўравонлик орқасида хонавайрон бўлган меҳнат аҳлининг аянчли аҳволи тасвир этилган эди. Дин ва руҳонийлар, турли-туман авлиёларга сиғиниш сингари бидъат ва хурофот Фитрат сиймосида ўзининг муросасиз ва шафқатсиз рақибини кўрди.

У айни вақтда дунёни қайта қуришни ўйловчи, ўз онгига кўра интернационалист (фаранг, ҳинд сайёҳи, рус дўхтири, Шаҳрисабз қозиси), халқ дардига ҳамдард, жамиятни ислоҳ этиш вазифасини кўтарувчи қаҳрамоннинг янги тарихий-маданий типини яратишга уринди.

Бошқа ўзбек маърифатпарварлари (Ҳамза, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулла Қодирий, Тавалло, Шавкат Искандарий) сингари Фитрат ҳам Ўрта Осиё халқларини нодонлик ва жаҳолат ботқоғига олиб келган социал сабабларни ўрганди, дин ва реакцион тузум туфайли пайдо бўлган ижтимоий кризисдан чиқиш йўлларини ахтарди. Ялпи қардошлик ғояси унинг «Оила» (1915), «Нажот» (1919) ва бошқа фалсафий рисолаларида ўз талқинини топди. Бу асарларда кўплаб халқлар ва миллатлар инсоният деб аталган ягона оилани ташкил этадилар; турли тилларда сўзлашувчи ва турли-туман диний маҳзабларга эътиқод қиладиган барча халқлар тарихий истиқболда бир оилага келиб бирлашадилар; бу улар учун нажот бўлади; ялпи қардошлик ва бахт-саодат ана шунда бошланади, деган фикр тарғиб қилинади.

Маърифатпарварлик учун характерли бўлган демократизм билан буржуачилик ўртасидаги тебранишлар, хато ва зиддиятлар, муросасозлик кўринишларига қарамай, Фитрат сиймосида демократ белгилари устиворлик қиларди. Бу ҳол унинг ижодида алоҳида кўзга ташланади; унинг ғоявий ва фалсафий мазмунига кўра ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ижоди эса ёш бухороликлар-революционерлар яратган асарлардан кўп жиҳатдан устун эди. У ўзининг сиёсий қарашлари билан улардан олдинда борди. Бу нарса Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро инқилоби ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тарихи» китобида ҳам тасдиқланади. Ёш бу-

хороликлар амир ҳокимиятини чеклаш масаласини кўтарганларида, Фитрат уни ағдариб ташлашни оқилонароқ деб билди.

Революцион ҳаракатнинг юксалиши билан Фитрат ҳам сиёсий жиҳатдан улғайди. 1914 йил ёш бухороликлар ўртасида ихтилоф келиб чиқди. Фитрат уларнинг демократик Россия билан яқинлашишга интилган сўл, радикал қанотига бошчилик қилди. 1918 йил бошларида ёш бухоролик революционерлар Туркистон совет республикаси билан иттифоқда Бухоро амирлигини емириб ташлашга илк дафъа уриндилар, тўғри, бу уриниш натижа бермади. Аммо Файзулла Хўжаев ва Фитрат учун бу иттифоқ рамзий аҳамиятга молик бўлди. «Россия ишчилари билан биргалашиб тўкилган қон, — деб ёзган эди Файзулла Хўжаев, — Бухородаги революциянинг ривожланиш йўлини белгилаб берди, деса бўлади. Бухоронинг меҳнаткаш халқи билан рус революцион пролетариати ўртасида бундан анча вақт олдин, 1917 йилдаги март воқеалари чоғидаёқ вужудга кела бошлаган иттифоқни бу қон абадий мустаҳкамлади» (Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. Тошкент, «Фан», 1965, 156—157-бетлар).

Фитрат 1918 йил ноябрида Бухоро Компартиясига кирди, партиянинг I съездида эса (1919 йил июни) Марказий Комитет составига аъзо бўлиб сайланди. Партия матбуотида, дастлабки совет мактаблари ва олий ўқув юртларида хизмат қилди, маориф институтида олий математикадан дарс берди, Туркистон республикасининг мусулмон бюроси назоратидаги «Чиғатой гурунги» имло тўдасига кирди. Бухоро революциясининг ғалабаси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилгандан кейин Фитрат маориф, ташқи ишлар нозири, Бухоро Халқ Нозирлари Кенгаши ва Марказий Ижроия Комитети раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади, Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзоси қилиб сайланди.

Фитрат 1923—1924 йилларда Москвада Жонли Шарқ тиллари институти (ҳозирги СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти)да ишлайди. Бу даврда СССР Миллатлар ишлари Халқ Комиссарлиги қошидаги Марказий Шарқ нашриётида унинг «Қиёмат» ҳикояси, «Бедил» фалсафий-атеистик очерки, «Абулфайзхон» трагедияси нашр қилинади. Нариман Наримановнинг «Ленин ва Шарқ» китоби Фитрат таржимасида шу ернинг ўзида ўзбек тилида босилиб чиқади.

Фитрат 1925 йили Ўзбекистондаги Педагогика академияси, Самарқанд Давлат университети, Бухоро ва Тошкентдаги ўқитувчилар институтлари, Ўзбекистон маданий қурилиш илмий текшириш институти сингари маданий-маърифий ўқув ва илмий-текшириш институтлари фаолиятида иштирок этди, янги ўзбек алфавити марказий комитети ва республика Маориф Халқ Комиссарлиги қошидаги илмий кенгашга аъзо қилиб сайланди. У ўзбек ёзувини ислоҳ қилиш тўғрисида таклиф киритиб, ўзбек алфавитини лотинлаштириш, кейинроқ эса уни рус графикасига ўтказиш тараддудларида қатнашди.

Фитрат «Шарқ сиёсати» (1919) деб номланган мақолалар туркумида бундай ёзади: «Менинг кўзимга Шарқни бирлаштирувчи бир куч эса, ул Русия Кенгашлар Ҳукумати.Русия Кенгашлар Ҳукумати Оврупо жаҳонгирлари билан курашмоқ йўлинда ўз ўлимини кўрган, ўз бошини қўйган. Русия Кенгаш Ҳукуматининг шиори: енгиш ё ўлимдир. Шарқни бирлаштирмоқ учун мана шундайин ҳиммат, мана шундайин ўктамлик керакдир». У В. И. Ленин қиёфасида янги типдаги сиёсатчини, Советлар Россиясининг бунёдкорини, Шарқ ва Ғарб меҳнаткашларининг доҳийсини кўрди. Фитрат 1920 йилда ёзилган «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» пьесаларида ҳинд халқининг Британия мустамлакачиларига қарши олиб борган курашини кўрсатиб берди. Бу асарларда турли диний мазҳабларга мансуб халқларнинг якдиллиги ва бирдамлиги ғояси илгари сурилди.

Фитрат ҳаёти ва ижоди динни ҳамда руҳонийлар фаолиятини фош этишга бағишланди. У аслида Ўрта Осиё худосизларининг сардори бўлди. Унинг «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Меърож», «Оқ мозор», «Заҳронинг имони», «Зайд ва Зайнаб» каби динга қарши ва антиклерикал асарлари, «Бедил» очерки, «Қийшиқ эшон» ҳажвияси, «Рўзачилар» трагикомедияси ва бошқалар ўзбек совет адабиётида янги бир йўналишни бошлаб берди.

Фитрат ўзбек совет драматургияси ва театри тараққиётига ҳам ёркин саҳифа қўшди. Унинг қаламига мансуб «Абулфайзхон» тарихий трагедияси (1924) ва «Арслон» (1928) драмаси революция ағдариб ташлаган эски дунё устидан дах-

шатли айбнома бўлса, «Восе қўзғолони» ва «Тўлқин» тарихий революцион драмалари, долзарб совет мавзуларига бағишланган шеърлари халқнинг революцион ҳаракатини ёритишда янги, янада юксак босқич бўлди. Воқеа ва ҳодисаларни музаффар социалистик революция нуқтаи назаридан туриб, халқчил ва синфий идрок этиш бу асарларнинг бадиий жиҳатдан яхлит бўлишини таъминлади.

Фитратнинг Шарқ классик адабиётига бағишланган илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга молик. У халқнинг бадиий меросига ленинча позициялардан туриб ёндашар экан, Алишер Навоий, Умар Хайём, Лутфий, Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Бедил, Муҳаммад Солиҳ, Турди, Фурқат, Муқимий, Нодира ва бошқа шоирларнинг асарларини тўплаб, системага солди, ўрганди ва кенг пропаганда қилди. «Адабиёт қоидалари» (1926), «Ўзбек классик музикаси ва унинг тарихи» (1927), «Энг эски турк адабиёти» (1927), «Ўзбек классик адабиёти намуналари» (1928), «Аруз тўғрисида» (1936) китоблари, «Она тили» (1918, Қаюм Рамазон билан ҳамкорликда), «Ўзбек тили грамматикаси» (1924), «Тожик тили грамматикаси» дарсликлари унинг қаламига мансубдир. Унинг ўша давр учун характерли, муайян нуқсонлардан холи бўлмаган, ўзбек адабиётининг тарихи ва назариясига, тилшуносликка оид асарлари ўзбек совет филология фанининг илмий пойдеворини яратиб берди, Ўзбекистон олимларининг камол топишида катта роль ўйнади. Фитратнинг улкан илмий ва бадиий меросида фақат эълон қилинган асарларгина сақланиб қолган, холос. Унинг қўлёзмалари эса, афтидан, изсиз йўқолган.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида (1931 йил 4 май) эълон қилинган «Очиқ хат»ида ўзининг ўтмишда йўл қўйган пантуркистик ва миллатчилик руҳидаги хатолари тўғрисида сўзлаб ва вульгар-социологик танқидчилик томонидан отилган туҳмат тошларига жавобан Фитрат бундай деб таъкидлаган эди: «Шўро ҳукумати ва Коммунистлар партиясининг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда бу кунги жаҳоншумул муваффақиятларини кўрмай турган даражада кўр эмасман. Мен жуда яхши биламанки, ер ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, динга қарши кураш, янги алифбе, меҳнаткаш деҳқон оммасининг сиёсий, маданий онгини тараққий қилдириш соҳасида бу кунги муваффақиятларни Ўзбекистон ва бутун Шўро Шарқига Октябрь инқилобидан бошқа ҳеч бир куч бера олмас эди».

* * *

Чўлпон ва Фитратнинг ижодий ҳаёти адабиёт ҳақидаги «назарий жиҳатдан хато ва амалий жиҳатдан зарарли» (В. И. Ленин) пролеткультча-раппча концепция ва баҳолар авж олган мураккаб, зиддиятли бир шароитда кечди. Улар ўзбек классик адабиёти ва «пантуркист», «чиғатой», «миллатчи», «феодал» шоир Алишер Навоийни ўрганганлари учун вульгар-социологик танқидчилик томонидан пантуркизм, чиғатойизм ва миллатчиликда айбландилар. Фитрат ва Чўлпоннинг миллатчилик руҳидаги хатолари уларнинг марксчи сифатида етарли даражада шаклланмаганлари, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари билан боғлиқ марксча-ленинча принципларни яхши ўзлаштирмаганларидан шаҳодат беради.

Эътироф этиш керакки, уларнинг асарларида ўша даврдаги адабий жараённинг барча мураккабликлари ўз ифодасини топди; уларнинг 1918—1923 йилларда социалистик реализмни эгаллаш йўлида йўл қўйган хатолари фақат майда буржуазия майллари туфайлигина эмас, айни пайтда айрим ҳолларда ўта сўл, максималистик формалар касб этган эҳтирослар туғёни, регионлаги шовинистик ва буржуа-миллатчилик тенденцияларининг кучайиши, гражданлар урушининг драматизми, НЭП даврининг хусусиятлари, колониал кечмиш меросини бартараф этиш қийинчиликлари, социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги оғишлар ва янглишишлар, партиянинг миллий сиёсатидаги адашишлар туфайли пайдо бўлди. Фитратнинг «Темур сағанаси», «Ўғузхон» (1920) драмаларида пантуркизм — чиғатойизм ғояларининг акс-садоси эшитилди. У Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматида ишлаган чоғларида ҳам хатоларга йўл қўйди. 20-йиллар аввалидаги мураккаб тарихий шароитни тушуниб етмаган Чўлпон поэзиясида ҳам гумонсираш ва чилпарчин бўлган умид мотивлари пайдо бўлдики, бу мотивлар уни хато, миллатчилик руҳидаги баёнотлар беришга олиб келди. Аммо улар ҳатто бу даврда ҳам Совет ҳокимияти ва Октябрь революцияси шаънига ғаразли фикрлар билдирмадилар. Кейинчалик эса улар ўз хатоларини тан олдилар.

Чўлпон ва Фитратнинг аксар асарлари нафақат тарихий-маърифий, балки ғоявий-бадиий, илмий-тарбиявий аҳамиятини ҳанузга қадар сақлаб келади. Таассуфки, уларнинг бадиий ва илмий мероси шу вақтга қадар кенг китобхонлар оммасига номаълум бўлиб қолмоқда. Ўзбек совет адабиёти тарихини улар ижодини эътиборга олмай туриб ёритиш номукаммал ва бир томонлама бўлади.

Совет адабиёти ва санъатининг вужудга келиши ҳамда тараққиёти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги ижодкор интеллигенция ғоявий-сиёсий позициясининг шаклланиши ўзига хос характерга эга бўлиб, капитализмни четлаган ҳолда социализмга ўтишнинг хусусиятлари билан белгиланган эди. Социалистик қурилиш асносида нафақат майда буржуазия, балки феодал-клерикал тузум идеологиясига қарши, миллатчилик, шовинизм, маҳаллийчилик, гуруҳвозликка қарши ҳам кураш олиб боришга тўғри келди. Булар ҳаммаси маълум даражада Чўлпон ва Фитрат ижодида, улар қарашлари ва эътиқодлари эволюциясида ўз аксини топмай қолмади.

В. И. Ленин, КПСС революциядан олдинги интеллигенция вакиллари орасида ғоявий-сиёсий ишни изчил амалга оширишга катта эътибор бериб келдилар. Мана шу ғамхўрлик туфайли Чўлпон ва Фитрат эски тасаввурлар, эътиқодлардан қадам-бақадам, аста-секин қутула бориб, социалистик реализм йўлига ўтдилар, ақл-заковати ва талантларини халқ олдида турган муҳим вазифаларни бажаришга бахшийда этдилар.

Идеологик душманларимиз Абдулла Қодирий, Сўфизода, Боту, Усмон Носир ва бошқаларнинг адабий меросини советларга, коммунистларга қарши пропаганда мақсадида фойдаланишга уринганлар, уларни Совет ҳокимиятининг, партия миллий сиёсатининг изчил душманлари қилиб кўрсатганлар. Бу ёзувчи ва шоирларнинг ҳаммаси оқланган, уларнинг асарлари босилиб чиққан бизнинг кунларда ғарбда Чўлпон ва Фитратнинг миллатчилик руҳидаги баъзи бир хатоларини кўпиртирган ҳолда улар ижоди тўғрисида ёзишни яхши кўрадилар, айни пайтда уларнинг совет социалистик воқелиги, СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлиги, ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг асрий қолоқликни бартараф этишларида рус халқи кўрсатган ёрдамни тараннум этувчи асарларини мутлақо четлаб ўтадилар.

Чўлпон ва Фитрат ижодининг илмий, партиявий баҳоси буржуа идеологлари қўлидаги сўнгги «дастак»ни тушириб юборади. Ошкоралик ва демократия шароитида Чўлпон ва Фитрат ижодида мавжуд бўлган барча ижобий фактларни ўрганиш ва оммалаштириш вақти аллақачон келган. Улар меросини халқ оммасининг мулкига айлантириш лозим.

ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИ

«Хотин-қизларнинг тўла озод бўлишлари ва ҳақиқатан ҳам эркаклар билан ҳуқуқда тенг бўлишлари учун, — деган эди В. И. Ленин, — ижтимоий хўжалик бўлиши ва хотин-қизлар умумий унумли меҳнатда иштирок қилишлари керак. Ана ўшанда хотин-қизлар эркаклар билан тенг мавқеда бўладилар» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 233-бет).

Хотин-қизларни озодликка чиқаришда, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида унга бериб қўйилган тенг ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда Совет ҳукуматининг ютуқлари яхши маълум. Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш стратегияси халқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнатидан оптимал фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишни кўзда тутади, шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқаришга хотин-қизларни кенг жалб қилиш қайта қуришнинг ғоят муҳим зарурати ҳисобланади.

Бизнинг республикада халқ хўжалигида меҳнат ресурслари билан таъминланганлик юқори даражада бўлган бир пайтда малакали иш кучлари етишмаяпти. Кўпгина хотин-қизлар ижтимоий меҳнат соҳасида машғул эмасликлари ҳамда кўпинча корхоналарга ва қурилишга боришга иштиёқ ҳам билдиришмагани сир эмас. Масалан, Қўқон нон комбинатида кейинги беш йил ичида ишчиларнинг умумий сони 31,5 процент кўпайгани ҳолда, уларнинг ичида хотин-қизлар эса атиги 14,3 процент ўсган. Бундай аҳвол саноатимизнинг кўп тармоқлари учун характерлидир. Бунинг сабаби нимада?

Ишлаб чиқаришга хотин-қизларни жалб этишдаги жиддий тўсиқлардан бири унда қўл меҳнати ҳиссасининг кўплигидир. Масалан, нон заводларимизда қадоқланган маҳсулотларни тахлаш каби процесс атиги 10 процент механизациялаштирилган. Ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларида ҳам хотин-қизлар меҳнатининг ҳиссаси юқори.

Қўл меҳнатининг ялпи паспортлаштирилиши жорий қилинган ва унинг асосида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган Челябинск, Запорожье ва Куйбишев областларининг тажрибаси диққатга сазовордир. Бу иш бизнинг республикамизда ҳам амалга оширилса яхши бўларди. Бунинг учун иш жойларини тайёрлаш талаб қилинмайди, фақатгина борларини такомиллаштириш керак. Бунда меҳнатни тежашнинг, моддий-техника, социал-иқтисодий ва ташкилий омиллардан фойдаланишнинг ишлаб чиқаришдаги ички резервларини рўёбга чиқаришнинг барча йўналишлари ҳисобга олинади. Шунда биз қўл меҳнатини қўллашнинг аниқ манзарасига ва уни тугатишнинг равшан истиқболига эга бўлардик.

Қўқон нон комбинатида ҳаракатдаги ишлаб чиқаришни реконструкция қилишнинг кенг программаси амалга оширилялти, эскирган ускуналар алмаштирилялти, янги механизмлар ва автоматлар жорий қилинялти. Хамирни тайёрлаш, уни ишлаш ва пишириш пайтида меҳнат шароитини яхшилайдиган поток-механизациялашган линия монтаж қилинди ва синаб кўрилди. Киев озиқ-овқат саноати институти ходимлари билан ҳамкорликда обинонларни ёпиш учун печь монтаж қилинди. Бунда ишловчи ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди, обинонлар сифати ҳам анча яхшиланди. Юк ортиш-тушириш ишлари, завод ичида туз, шакарни, суюқ ҳолдаги хамиртурушни, зардоб ва сутни транспортда ташиш ишлари механизациялаштирилмоқда; макарон ишлаб чиқаришнинг техника билан жиҳозланганлиги яхшиланди; печенье цехи реконструкция қилинди. Комплекс механизациялашган участкаларда қўл меҳнати ҳиссасини минимум даражага тушириш учун биз кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ташишни модернизациялаш ҳамда бошқа операцияларни, компрессор цехини реконструкция қилишни, печенье қадоқлаш учун иккита автомат ўрнатишни мўлжаллаганмиз. Афсуски, нон ёпиш саноатида янги асбоб-ускуналарни фақат янгидан ишга туширилаётган корхоналарга ўрнатиш тенденциясидек турғунлик даврининг инер-

цияси ўз кучини саклаб келяпти, кўл кучи билан ишлаш давом этаётган эскиларида эса туб реконструкция ўтказилмаяпти.

Меҳнатни илмий ташкил этишда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг йирик резерви мавжуд. Агар янги техника ва асбоб-ускуналарни жорий этиш узок муддатли жараён бўлиб, кимматга тушса, завод ичидаги меҳнат тежамкорлигининг ресурсларидан ва ташкилий омиллардан фойдаланиш харажатлари унча катта бўлмаслиги, уларни тез қоплай олиши ва юксак сермаҳсул самара бериши билан характерланади. Нон ёпиш тармоғи мисолида НОТ (меҳнатни илмий ташкил этиш) учун қилинган харажатлар икки-уч йил ичида ўзини коплаши ва маблағларнинг ҳар бир сўмига 2—3 сўмлик иктисодий самара келтириши кўриниб турибди.

НОТни жорий қилиш пайтида маблағларни сарфлаш асосан ишлаб чиқариш мақсадларида техникани, технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ва бошқариш системасини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади. НОТ юзасидан чора-тадбирларни ўтказиш меҳнат коллективларини ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида бундан буён ишларни яхшилашга сафарбар қилади. Ҳолбуки, НОТни суст жорий этиш шунга олиб келадики, гарчанд озиқ-овқат саноати тармоқларида кейинги 5 йилда юк кўтаргич-ташиш асбоб-ускуналари парки 1,5 баравар ошган бўлса-да, юк ортиш ва тушириш ҳамда юк кўтаргич-ташиш ишлари ҳажми эса атиги 40 процент ўсган.

Қўқон нон комбинатида НОТ юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш пайтида участкалар, цехлар структураси, уларни планлаштириш, жиҳозлаш, маҳсулотни ташиш маршрутлари, корхона структурасининг самарадорлиги ўрганилди. Комбинат қайтадан планлаштирилгандан кейин нон заводи ичида транспортда ташиш харажатлари қисқарди, макарон маҳсулотларини қадоқлашда меҳнатни ташкил қилиш яхшиланди, нон ишлаб чиқариш биносида яна учта печь ўрнатилди.

Бироқ, меҳнатни илмий ташкил қилишга доир план тузиш вақтида кўпинча фақат техник жиҳатлар ҳисобга олинади ва инсон омили унутиб қўйилади. Цехларни эстетик безаш, иш ўринларини жиҳозлаш, танаффуслар вақтида ва иш сменаси тугагандан кейин маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш каби жиҳатлар кўпинча эътибордан ташқарида қолмоқда. Масалан, кўпчилик нон ёпиш корхоналарида айникса хотин-қиз ишчиларга зарур дам олиш, психолог консультациясини тинглаш мумкин бўлган руҳан енгилланиш хоналари мавжуд эмас.

Меҳнатнинг соғлом шарт-шароитларини яратиш социализмнинг объектив қонуниятлари билан ўзаро боғлиқ, лекин XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев қайд этганидек, «хотин-қизлар шубҳасиз афзалликларга эга бўлиши билан бир қаторда уларнинг ташвишлари ҳам борки, бу ташвишлар хотин-қизларга ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишга ҳамон кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Турмушнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, болалар муассасаларининг етишмаслиги, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаси ишларидаги камчиликлар — буларнинг ҳаммаси энг аввало хотин-қизлар қийинчилигини орттирмоқда». Масалан, 4—5 кишидан иборат бўлган оилада машиналар ёрдамида кийимларни ювишга кетадиган меҳнат сарфи бир йилда ўртача 320—500 соатни ташкил қилиши ҳисобланган. Республикамизда кир ювиш фабрикалари кўпми? Асло, бундай эмас. Нон ёпиш тармоғи корхоналарида маиший хизмат кўрсатиш ишлари жуда ёмон аҳволда: кир ювиш фабрикаларининг қабул пунктлари йўқ, химчистка кўчма қабул пунктлари аҳён-аҳёндагина келади. Агар Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги янги пунктларни жойлаштиришни планлаштириш пайтида нон ёпиш саноати корхоналарининг эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Заводларимизда комплекс қабул пунктларининг қурилиши иш вақтини йўқотишни ва кадрлар қўнимсизлигини кескин қисқартиришга имконият яратади.

Узхлебпром раҳбарлари ишчиларнинг маиший хизмат эҳтиёжларига сарфланадиган харажатлар тез иқтисодий самара бермайди ва шу сабабли бу ишда шошмаслик керак, деб ҳисоблашади. Шунинг учун бу ерда меҳнат шароитини яхшилашга маблағ қолдиқ принципи асосида ажратиляпти. Масалан, бизнинг системамиз корхоналарида болалар боғча ва ясилиларидан жой олишнинг ўртача муддати 2 йил. Хотин-қиз ишчиларнинг уй-жойга эҳтиёжи катта. Лекин тармоқ раҳбарлари уй-жой программасини рўёбга чиқаришга ҳали киришганлари йўқ. Мен бизда ўз кучимиз билан, балки хўжалик усули билан уй-жой ва унча катта бўлмаган мактабгача болалар тарбия муассасаларини қуриш учун ҳамма имкониятларимиз бор деб ҳисоблайман.

Серунум меҳнатни такомиллаштиришга кам аҳамият берилаётир. Тариф ставкасининг табақалаштирилиши фақат 16 процент ишчилар машғул бўлган ишлаб чиқаришнинг зарарли ва оғир шароитларини ҳисобга олади. Нон ёпиш саноатининг ходимлари бошқа тармоқлар ишчиларига нисбатан кам иш ҳақи оладилар. Хотин-қиз кадрларни стабиллашнинг кўп йил ишлаганлиги учун ойлигига қўшимча ҳақ тўлаш каби муҳим омилидан ҳам фойдаланилмайди.

Нон ёпишнинг давлат тармоғини кенгайтириш энг муҳим зарурат ҳисобланади. Зеро аҳоли бозордаги уннинг 60 процентини нон-булка маҳсулотлари билан ўзини ўзи

таъминлаш учун, шунингдек уларни сотишга тайёрлаш учун ишлатади. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларни ижтимоий меҳнатдан чалғитади. Минглаб хотин-қизлар уй хўжалигида банд бўлган, меҳнат ресурслари ортиқча районларда кўпроқ корхоналар қуриш керак. Тажриба нон ёпиш саноати корхоналари айникса хотин-қизлар ҳисобига меҳнат ресурслари билан осонроқ таъминланишини кўрсатаяпти.

Ва яна бир фикр. Саноат учун, шунингдек нон ёпиш учун хотин-қиз кадрларни тайёрлашни ҳам унутмаслик керак. Ҳатто ишлаб чиқариш-техника ўқуви системасида хотин-қиз ишчиларни тайёрлашга интилиш сезилмайди. Масалан, 1985 йилда республика ҳунар-техника билим юртларига атиги 32,2 процент қизлар қабул қилинди.

Комбинатимизда ишчилар учун соғлом шарт-шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Бизда санитария-маиший хизмат хоналари, хотин-қизларнинг шахсий гигиена хонаси мавжуд, Сўх дарёси бўйидаги «Сариқўрғон» дам олиш зонаси шуҳрат қозонган. Макарон-кондитер ишлаб чиқаришида санитария-маиший хизмат комплекси қурилиши ниҳоясига етмоқда. Социал-маданий тадбирларга маблағ ажратиш йил сайин кўпаймоқда. Агар 1970 йилда уларга 31 минг сўм ажратилган бўлса, 1985 йилда эса 68 минг сўм ажратилди. Комбинат ишчилари виждонан меҳнат қилмоқдалар. Биз 1987 йил иш якунларига кўра комбинат КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлигидан фахрланамиз. Мукофот бизни янада яхши ишлашга, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди.

Мен хотин-қизлар меҳнатидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш проблемаси тўғрисидаги ҳикоямни В. И. Ленинннинг сўзлари билан якунлашни истардим: «...Совет ҳокимияти томонидан бошланган иш бутун Россияда юзларча хотин-қизлар ўрнига миллион-миллион хотин-қизлар иштирок қилган вақтдагина илгарига қараб қадам боса олади» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 236-бет).

З. ТЎРАХЎЖАЕВА,
Қўқон нон комбинатининг бош инженери.

ЛЕКТОР НИМАЛАРГА ҚОДИР?

МАМЛАКАТИМИЗДА ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларига анча-мунча зарари теккан турғунлик ҳолатлари лекция пропагандасини ҳам четлаб ўтмади. Лекцияларда жиддий муаммоларни хаспўшлаб ўтиш одат тусига кириб қолган эди. Башарти биронта лектор чирсиллаб турган, етилган масала ҳақида сўз юритишга журъат этган тақдирда ҳам орқа-олдига қараб қўяр, бошлиқларнинг норозилигига дучор бўлмасмиканман, деб ҳадиксирарди. Социал адолатсизлик, консерватизм, мунофиқлик, ожизлик ҳақида ошкора ва рост сўзлашга интилган лекторларни хушлашмасди. Кўпинча айрим лекциялар вақтида: «Сиз бу билан кимнинг тегирмонига сув қуяпсиз? Фикр-мулоҳазаларингиздан биз наф кўрамизми ёки душманлар?, — деб сўраб-суриштириб қолишарди. Турғунликка танқидий муносабатда бўлганларнинг таноби шу тарзда тортиб қўйилар, сунъий равишда муайян доирадаги кишиларга қулай бўлган танқиддан холи зоналар барпо этиларди. Оқибат-натижада лекторлар ҳақиқатни четлаб ўтар ва бу билан тингловчилар ишончини йўқотар эдилар.

Ҳақиқатсиз, тўғри сўзсиз янги тафаккур бўлмайди. Лектор ҳақиқат туфайлигина ишонч муҳитига эришади, бунда ҳақ гап сохталикдан устун келади. Шу сабабли лекция пропагандасини қайта қуриш энг аввало ҳаққоний фактларни, рақамларни ва тарихий маълумотларни баён этишдан иборат. Одамлар билан ошкора мулоқот, қайта қуриш йўлига тўғаноқ бўлаётган сабабларни аниқлаш лекторни илҳомлантиради, унинг кучига куч қўшади. Тайинли гап айта оладиган, фикр берадиган, янгиликни одамлар шуурига етказа биладиган шахс сўзга чиққанида тингловчи конкрет муаммо хусусида маълумот олиш билан бирга мулоҳаза қилиб кўриш учун озуқа ҳам олади.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳот қайта қуриш жараёнларининг асосий бўғинидир. Мамлакатимиз айрим экспериментлардан яхлит, илдам ривожланиб борадиган янги хўжалик механизмини шакллантиришга ўтмоқда. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципи жорий этилмоқда, моддий-техника таъминоти, давлатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти қайта қурилмоқда. Ўн миллионлаб кишилар «давлат буюртмаси», «пудрат», «ижара» сингари янги мазмун касб этган тушунчаларга ошно бўлмоқдалар. Шу сабабли меҳнат коллективлари ўз иқтисодий билимларини янгилаш ва тўлдиришга жуда-жуда муҳтождир. Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш имконини берувчи формалардан бири лекциялардир.

Эндиликда бундай лекцияларга талаб-

эҳтиёж катта бўлиб, у кун сайин ортиб бормоқда. Мен лектор сифатида ҳар куни 5—6 аудиторияда сўзга чиқиш учун буюртма оламан. Назаримда, иқтисодий мавзулардаги лекциялар туб иқтисодий ислоҳот юзасидан тингловчиларни қизиқтираётган масалаларга жавоб бериши, кескин ва мунозарали тарзда бўлиши керак. Бунда қаерда лекция ўқилаётган бўлса, шу коллектив фаолиятига доир факт ва мисоллар керак бўлади. Шу мақсадда масалан, мен олдиндан корхона билан боғланиб, сўзга чиққанимда керак бўладиган барча зарур маълумотларни оламан. Айтайлик, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш хусусида гапирар эканман, даромад олишнинг эҳтимол тутилган манбалари, резервларини топишга, коллектив бу нарсадан қандай наф кўришини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан..

Яхшироқ тасаввур этиш учун мисол келтира қолай. Асаларичилик совхозида, масалан, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни хусусидаги лекциядан кейин хўжалик раҳбарларига 50 минг ўрнига 250 минг сўм қўшимча даромад олиш тадбирлари планини ишлаб чиқишда ёрдамлашишга тўғри келди. Гап шундаки, экинларни чанглатиш, ҳаваскор асаларичиларга маслаҳат бериш сингари кўпгина хизматлар учун совхоз мутахассислари маблағ ва вақт сарфлашса-да, пул олишмасди. Бундан ташқари, совхоз анчагина қимматга сотиб оладиган буюмларни шу ернинг ўзида чиқиндилардан ишлаб чиқариши мумкин. Бу икки баравар арзонга тушади.

Лектор меҳнат коллективларига маслаҳати билангина эмас, амалий жиҳатдан ҳам ёрдам бериши керак, деб ўйлайман. Чунончи, ҳозирги вақтда корхоналарнинг бир қисми ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш учун тадбирлар ишлаб чиқишда қийналмоқда. Шуни ҳисобга олиб, 1986—1987 йилларда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш юзасидан иттифоқ ва республика миқёсидаги материаллар асосида тавсиялар тузиб чиқдим ва қаерда лекция ўқисам, ўша коллективга бу тавсияларнинг бир нусхасини қолдираман. Область ремонт-қурилиш тресги, «Узхладоторгмонтаж» корхоналарида, «Красный двигатель» ва «Кинап» заводларида, «Труд женщин» фабрикаси, «Зангори экран», Узавтострой, Стальмонтаж, область китоб савдоси идораси бу тавсиялардан фойдаланиб кўришди.

Самарқанддек саноати ривожланган шаҳар, қолаверса, область учун бир неча иқтисодчи лектор куч-ғайратининг ўзи камлик қилади. Самарқандда иқтисодчи олим ва амалиётчилар оз эмас. Улар меҳнат коллективларига ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишда баҳоли қудрат ёрдам беришлари мумкин. Лекин нима сабабдан улар активлик кўрсатмаётганлигига тушуниш қийин. Лекторларимиз кўпинча тингловчиларнинг реал эҳтиёжларини эмас, кўпроқ қизиқишларини қондиришади. Улар областнинг конкрет корхонаси олдида турган иқтисодий вазифалардан кўра таркибида зарарли моддалар бўлган ёмғирлар ҳақида сўз юритишни афзал кўрадилар.

Кўп йиллик лекторлик тажрибамга суяниб, лекцияни диалог, суҳбат йўсинида олиб боришга ҳаракат қиламан, тингловчиларга тез-тез саволлар билан мурожаат этиб, уларни ўйлантириб юрган масалаларни, қайси фикримга қўшилмасликларини билиб оламан. Бугунги кунда шундай мулоқот ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Ёзувидан бош кўтармай лекция ўқишдан наф кам. Жонли сўз яхши кутиб олинади, тингловчилар билан юзма-юз туриб мулоқотда бўлиш, минбардан айтилаётган фикр қандай таъсир этаётганлигини кўриб сезиб туриш имконини беради. Лектор учун бунинг аҳамияти катта. Тингловчилар миннатдорчилиги эса ўқилган лекция юзасидан чиқарилган энг яхши баҳодир.

Эндиликда иқтисодий билимлар лекция пропагандасида асосий эътибор қуйи ишлаб чиқариш бўғинлари — бригадалар, сменалар, участкаларга қаратилмоқда. Бу янгилик бўлмаса ҳам шу жабҳада ишни ташкил этиш анчагина яхшиланиши керак. Зеро, кўпинча лекциялар бевосита моддий бойликлар бунёдкорлари бўлмиш ишчилар билан колхозчилар учун эмас, балки бошқарув аппарати учун ўтказилади. Шу боис иқтисодий билимлар юзасидан лекция иши уни ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғинларида олиб боришнинг янги форма ва методларини излашга қаратилмоғи керак. «Билим» жамияти республика правлениеси шаънига айтадиган истагимиз шуки, областлардаги лектор кадрларни мунтазам равишда қайта тайёрлаш ишини ҳам йўлга қўйиш керак. Масалан, лекторлик қилаётганимга 30 йилдан ошди, лекин ҳали бирон марта ҳам бундай курсда бўлмадим.

Экономиканинг муҳим муаммолари юзасидан сўзга чиқиш тингловчиларгагина эмас, лекторнинг ўзига ҳам таъсир этади. Гап ҳар бир лекцияга жуда пухта тайёргарлик кўришдагина эмас. Энг муҳими кишиларнинг кайфиятини билиш, уларни ташвишлантираётган масалалардан бохабар бўлиш, бошқача қилиб айтганда, корхоналар экономикасидаги аҳволни ўз кўзи билан кўриш, тингловчиларда актив ҳаётий позицияни шакллантиришга, уларда янгича иқтисодий тафаккур юзага келишига таъсир ўтказишдадир. Бу эса ҳозирги кунда лекция ишида асосий нарсадир. Мамлакатимиз ижтимоий ва хўжалик ҳаётини қайта қуриш юзасидан бораётган жараёнга лектор фақат шу йўл билангина ҳисса қўшиши мумкин.

С. ҲУСАИНОВА,
«Билим» жамияти Самарқанд область ташкилотининг лектори, иқтисод фанлари кандидати.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг доценти Ж. Раҳимов СССРнинг халқаро алоқаларида республикамиз иштироки тўғрисида гапириб беришимизни сўраган.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

ҚАЙТА ҚУРИШ СТРАТЕГИЯСИДА, СССРнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда ташқи иқтисодий алоқаларга муҳим ўрин ажратиладики, уларсиз бугунги кунда бундан кейинги иқтисодий, фан-техника ва маданий тараққиётни тасаввур этиш қийин. «Ҳозирги дунёда,— деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС МКнинг июнь (1987 йил) Пленумида, — биронта давлат иқтисодий жиҳатдан ўзини бошқа давлатлардан яккаланган, деб ҳисоблай олмайди. Шу маънода бизнинг мамлакатимиз ҳам истисно эмас. Совет экономикаси — жаҳон хўжалигининг бир қисмидир. Мамлакатларнинг халқаро савдо ва валюта-молиявий ўзаро муносабатлари, сўнгги фан-техника ўзгартишлари бизнинг ўз экономикамиздаги ишларнинг аҳволига ҳам бирон бир тарзда муқаррар таъсир қилади».

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил августда қабул қилган «Социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришни тубдан такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида бевосита алоқаларни ривожлантириш, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг халқаро илмий-ишлаб чиқариш кооперациясига актив қўшилишига имкон берадиган уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиб бериш кўзда тутилган: ҳамкорликнинг йўналиши ва унинг конкрет мақсадларини мустақил белгилашга, ҳар қандай мамлакатларда шерикларни танлашга, етказиб беришни амалга ошириш, шу жумладан хўжалик шартномалари ва контрактларни имзолашга; ҳамкорликнинг иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш, кооперациялаштириладиган комплектловчи буюмлар ва кўрсатиладиган хизматларга қўйиладиган баҳони келишиб олишга рухсат берилади. Шундай қилиб ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги қайта қуриш халқ хўжалиги турли тармоқлари ишига актив таъсир кўрсатиш, маҳсулот сифатини ошириш ва анчагина иқтисодий фойда олишга имкон беради.

Иттифоқдош республикалар экономикасини ривожлантириш, Совет халқларининг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамига ҳар тарафлама кўмаклашувчи ленинча миллий сиёсат социалистик Ўзбекистоннинг халқ хўжалигида жиддий силжишларга олиб келди. Республика индустрияси ишлаб чиқариш ҳажми бўйича СССРда тўртинчи ўринни эгаллайди. Бу республиканинг халқаро меҳнат тақсимотига қўшаётган ҳиссасини ошириш, унинг Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий, илмий-техникавий ва савдо алоқаларида янада кенгроқ иштирок этиши учун қулай имкониятлар яратади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакати билан ҳамкорлик қилади, 220 дан зиёд корхона ўз маҳсулотининг бир қисмини экспорт қилади. Ўзбекбирлашув чет эллик шериклари билан савдо алоқаларини фаол ривожлантирмоқда. Ташқи бозор билан ижодий иш олиб борилаётганини кўрсатувчи мисоллар бор. Чунончи, «Узбытпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида «Совпластитал» Совет-Италия корхонаси барпо этилди. Тошкент ЦУМи Будапешт универмаги, Ўзбекистон ССР Госагропроми — Болгариянинг «Агромодель», Венгриянинг «Боскооп» фирмалари, Чехословакиянинг «Мотохов» бирлашмаси, ГДР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан бевосита савдо алоқаларини йўлга қўйган. Андижон ва Тошкент областлари меҳнат коллективларининг Болгарияниг Ямбол ва Хасково областлари меҳнат коллективлари билан анъанавий алоқалари янада кенгайди. Экспорт-импорт операцияларини юритиш, ташқи савдо фаолиятининг янги формаларини ривожлантириш учун Республика ташқи савдо бирлашмаси «Узбекинторг» барпо этилди. Шу билан бирга, эътироф этиш керакки, Ўзбекистон ССРнинг ташқи савдо алоқаларидаги иштироки даражаси унинг потенциал имкониятларига жавоб бермайди. Республика министрликлари, идоралари, бирлашма-

лари, корхоналари ва ташкилотлари, жойлардаги совет органлари бу соҳада ўз олдиларида очилаётган истиқболни доим ҳам аниқ тасаввур этмаётирлар. Маҳаллий саноат министрлиги, Госкомиздат, Госагропром, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ конметаллургия комбинати, «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель», республика Фанлар академиясининг бир қатор институтлари чет эллик шериклари билан бевосита алоқа ўрнатиш имкониятига эга.

Масалан, ўн беш йил муқаддам Тошкентда пахтадан энг соф оқсил олинган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра ҳозирги кунда 20 сўмга сотилаётган 1 тонна пахта шротидан 7 минг сўмлик маҳсулот олиш мумкин (унга ўзимизнинг мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам талаб катта). Афсуски, шу давр ичида чет эл бозорига чиқиш имкониятини қўлдан бой бердик. Республика Госагропроми билан «Узбекинторг» пахта чиқитларини қайта ишлаш юзасидан чет эллик фирмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари, агар керак бўлса, бунинг учун чет эл капиталини жалб қилишлари керак эди.

Бундай ҳамкорликнинг мазмуни ва мақсадлари тўғрисида кўпинча янги талаблар, ёндашувлар ва имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда илгарилари қарор топган стереотиплар асосида фикр юритилади. Баъзида бир нарсани тушунишмайдики, алоқалар делегацияларни айирбошлаш ва бирбирларининг ҳузурларига бориб келиш учун эмас, балки икки томон учун ҳам ҳаётий муҳим бўлган проблемаларни ҳал этиш, конкрет натижаларга эришиш учун ўрнатилади. Партия комитетлари, совет органларининг ўз ишини қайта қураётган, фаолиятнинг бу томонига нисбатан психология ва муносабатни ўзгартираётганлар тажрибасини чуқур ўрганмаётганликлари ҳам кўп кийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Халқаро ярмарка ва кўргазмалар ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ёрдам бермоқда, Совет Ўзбекистони бошқа иттифоқчи республикалар билан бирга уларда мунтазам иштирок этиб келади. Унинг экспозициялари Ўзбекистон ССРнинг экономика, фан ва маданиятда эришган ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилади, янги экспорт ресурсларни қидириб топишга, номенклатурани кенгайтиришга ва ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилашга ёрдам берди. Фақат кейинги беш йилликнинг ўзида республикамиз Измир (Туркия), Брно (ЧССР), Мапуто (Мозамбик), Касабланка (Марокаш), Лейпциг (ГДР), Базел (Швейцария), Лима (Перу), Лиссабонда (Португалия) ташкил этилган кўргазма ва ярмаркаларда қатнашди. Шу давр ичида бизда 22 чет эл кўргазмалари ўтказилиб, уларда 19 мамлакат фирмалари иштирок этди.

Бундай тадбирларни ўтказиш амалий алоқаларни ўрнатишга, фан-техника ютуқлари тўғрисида ахборотлар олишга, Ўзбекистон корхоналари маҳсулотларини реклама қилишга, бевосита алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Лекин бундай қулай шарт-шароитлардан республика министрликлари ва идоралари суст фойдаланмоқдалар, бинобарин, кўргазмалар ҳозирча зарур самарани бермаяпти. Бунинг сабабларидан бири уларга доимо ҳам музокаралар олиб бориш ваколатига эга бўлган, илмий-техника ва бошқа ахборотларни тўплаш ҳамда анализ қилишга тайёр компетентли мутахассисларнинг юборилмаслигидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ССРнинг Афғонистон, Ҳиндистон, Македония Социалистик Республикаси, ХХРнинг Синьцзян-Уйғур автоном райони билан дўстона алоқалари самарали ривожланмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона областлари билан Афғонистон республикасининг шимолий вилоятлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган. Чегарага яқин районларда савдо анча кенгайди.

1988 йилнинг май ойида Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш бошланганидан кейин СССР билан АР ўртасидаги ўзаро алоқаларда, хусусан афғон халқига интернационал ёрдамни ташкил этиш борасида янги ёндашувлар юзага келди, бу корхоналар билан ташкилотлар ўртасидаги бевосита оталиқ алоқаларида, кўпроқ болалар уйлари, мактаблар, касалхоналар, қишлоқ хўжалик кооперативлари, саноат объектлари, маданият муассасаларига кўрсатилаётган ёрдамда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекбирлашувнинг Афғонистон билан чегара яқинида савдо-сотиқни ташкил этиш, биргаликда корхоналар — Деновда кишмишни қайта ишлаш фабрикаси; Тошкентда ресторан билан магазин барпо этиш борасидаги фаолияти диққатга сазовордир.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан ҳамкорлиги кенгаймоқда, бу мамлакатнинг Тошкентда Бош консулхонасининг очилиши бунга ёрдам берди. 1987 йил Ҳиндистоннинг СССРдаги ва СССРнинг Ҳиндистондаги йирик фестиваллари билан нишонландики, Ўзбекистон ССР уларда фаол иштирок этди.

Бизга дўст бу давлатда А. Навоий номидаги Давлат Катта академик театри, Республика қўғирчоқ театри группалари гастролда бўлишди. Ҳиндистон фирмалари Тошкентда, Самарқанд ва Бухорода меҳмонхоналар қуришга киришдилар. Шунга қарамай, Ҳиндистон билан савдо-иқтисодий ва илмий-техника алоқалари етарлича самарали ривожланмаяпти. Чунончи, Ўзбекистондан жўнатилаётган моллар асосан рангли металлар, пакетниклар ва ипак газлама билан чегараланиб қолмоқда, биргаликдаги

лмий тадкикотлар факат икки мавзу юзасидан олиб борилялти.

Ўзбекистоннинг Македония (ЮСФР) билан алоқалари мунтазам характер касб этмоқда. 1987 йилда Тошкентда Македония фирмалари делегациялари билан республикамиз министрликлари ва идоралари раҳбарлари ўртасида бир-бирларига қатор товарлар етказиб бериш тўғрисида музокаралар бўлиб ўтди. Совет-Хитой ҳамкорлиги доирасида Ўзбекистон ССР савдо ташкилотлари билан Синьцзян-Уйғур автоном райони ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилди: биз уларга минерал ўғит, шойи ва холодильниклар етказиб берамиз, бунинг эвазига улардан болалар тикув буюмлари, термослар ва бошқа товарлар оламиз. 1988 йилнинг майида Тошкентда хитой буюмларининг кўргазмаси ташкил этилди, октябрь ойида эса Урумчида (ХХР) Ўзбекистон иштирокида совет кўргазмаси очилди. Иттифоқ ва республика ташқи ишлар министрликлари вакилларининг 1987 йил ноябрида Олмаотада бўлиб ўтган кустовой кенгаши Синьцзян-Уйғур автоном райони билан алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланиб, унда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг бу район билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш учун яхши перспективалар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, биргаликда корхоналар барпо этиш, парламент делегациялари билан алмашиш кўзда тутилялти.

Ўзбекистоннинг беш шаҳри 12 хорижий шаҳар билан ўзаро яқин муносабатлар ўрнатган. Тошкентнинг Скопле (ЮСФР), Сиэтл (АҚШ) билан дўстона алоқалари анча мустаҳкамланди. Шу йил Скопледа, Триполи (Ливия), Тунис (Тунис), Марракаш (Марокаш)да Тошкент кунлари бўлиб ўтди. Бухоро билан Кордова (Испания) шаҳарлари ўртасидаги дўстона алоқалар қарор топиш босқичида.

Республикамиз мутахассислари Афғонистонда, Сурияда, Анголада, Мозамбикда, Гвинеяда, Вьетнамда, ЯХДР, Ироқда, Кампучияда, Жазоирда, Малида, Монголияда, Болгарияда, Кубада ва бошқа мамлакатларда сув хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги объектларини қуришга ёрдам беришяпти. АҚШ, ГФР, ХХР, Италия, Канада, Афғонистон, Ҳиндистон, Мозамбик олимлари билан илмий алоқалар кенгаймоқда.

Республиканинг чет эл мамлакатлари билан маданий алоқалари тез ривожланмоқда. 1988 йили Ўзбекистон ССР иштирокида Совет Иттифоқи кунлари Японияда, КХДР, ВХР, Мексикада бўлиб ўтди. Республикамиз СССР номидан ГФР, Канада, Ироқда қатнашди. Кунлар доирасида Ўзбекистоннинг кўп қиррали ҳаётини акс эттирувчи фотокўргазма, халқ-амалий санъати, кулолчилик буюмлари, рассомлик санъати, нашриёт маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади, машҳур бадиий коллективларнинг чиқишлари, лекциялар, суҳбатлар, матбуот конференциялари уюштирилади.

СССРнинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар планини амалга оширишда республикамизнинг ижодий ташкилотлари актив иштирок этмоқдалар. Масалан, Лейпцигда ўзбек кинематографчиларининг энг яхши асарлари намойиш қилинди. «Ўзбекфильм» киногруппаси ГДР ва ГФРда «Мен Совет Иттифоқи гражданиман» номли фильмини суратга олиб бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи учрашувлар ўтказиш ва мамлакат адабий ҳаёти билан таништириш учун ёзувчи Л. Қаюмовни Кампучияга юборди. «Баҳор» халқ рақс ансамбли СССРнинг Ҳиндистондаги фестивалида қатнашди, «Лазги» ансамбли Японияда концертлар берди, артистлар коллективи АҚШ, Мексика, Миср, Сурия, Иордания томошабинларини Ўзбекистон санъати билан таништирди. Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти шу йил 45 давлатдан 57 делегация ва 27 туристик группани қабул қилди. Ўзбекистон «Ватан» жамияти Шарқ, Ғарбий Европа, Америка, Австралия ва Африкада яшаётган ҳамюртлари билан алоқа қилиб туради. Тинчликни ҳимоя қилиш Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик комитетлари, Совет тинчлик фонди мазмундор ишларни амалга оширмоқдалар. Республика жамоатчилиги бу ташкилотлар орқали халқлар ўртасида ишонч ва бир-бирини тушуниш туйғуларини қарор топтиришга даъват этилган Тинчлик юриши ва бошқа тадбирларда актив иштирок этмоқдалар.

Э. ҲАЙИТБОЕВ,
тарих фанлари кандидати.

Тошкентлик журналхон Р. Бобохонов редакциямизга бундай деб ёзибди: «Ҳозирги кунда Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти социал тараққиёт ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Ливия ҳам шундай мамлакатлар жумласидандир. Журнал саҳифаларида ушбу мамлакат тўғрисида, совет-ливия ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз»

ЛИВИЯ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

АФРИКА ШИМОЛИДАГИ араб давлати Ливия 40-йилларга қадар йирик империалистик давлатлар — Англия, Франция ва Италия мустамлака сиёсатининг объекти бўлган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ливия территориясига АҚШ ўз қўшинларини олиб кирган эди.

Урушдан кейинги йилларда Ливия халқининг мамлакат тараққиёти ва бирлиги учун кураши кучая борди. 1949 йил 21 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Ливияга мустақиллик бериш тўғрисида қарор қабул қилди; лекин шундан кейин ҳам бу ерда чет мамлакатларнинг ҳарбий базалари сақланиб қолаверди. Англия ва АҚШ Ливиянинг оғир аҳволидан фойдаланиб, унга асоратга солувчи молиявий-иқтисодий муносабатларни тиқиштирдилар, Идрис I нинг монархик ҳокимияти ўзини батамом ғарб ҳомийларининг измига солди. Буларнинг ҳаммаси ватанпарвар кучларнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларни бекор қилиш, чет мамлакатларнинг ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши ва ҳарбий базаларни йўқотиш тўғрисидаги талабларини анча кучайтирди. 60-йилларнинг охирига келиб, қирол ва унинг аъёнлари фаолияти билан Ливия миллий тараққиётининг муҳим эҳтиёжлари ўртасида кучли зиддият юзага келди; монархияга қарши революция учун шарт-шароитлар вужудга келди.

1969 йил 1 сентябрга ўтар кечаси Ливия армиясининг бўлинмалари Муаммар Каддафи раҳбарлигида қирол ҳокимиятини ағдариб ташладилар ва Ливия Араб Республикаси — Социалистик Халқ Ливия Араб Жамахириясини эълон қилдилар.

Ёш давлат иқтисодий ривожланиш ва социал тараққиёт йўлидан бориб, миллий жипсликка, гражданларнинг этник мансубликларидан қатъи назар тенглигига кўмаклашувчи принциплар ва нормаларни конституцион тартибда мустаҳкамлади; этник жиҳатдан устунликни пропаганда қилиш ва шу асосда сиёсий партиялар ёки ташкилотлар тузиш тақиқланди.

Ливиянинг ҳозирги иқтисодий юксалиши халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани асосида амалга оширилмоқда, унинг доирасида экономикани диверсификациялаш, индустрлаштириш, мамлакатнинг ўзини ўзи зарур саноат ва қишлоқ хўжалик товарлари билан таъминлаши, темир йўл қурилиши ва темир йўл транспортини вужудга келтириш, денгиз портлари товар оборотини ошириш рўй бермоқда. Ливия олий халқ комитети халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоқда: ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларида ўқитиш, медицина хизмати бепулдир. 3,5 миллионли Ливия халқининг тураржой билан тўла-тўкис таъминланганлиги республиканинг катта ютуғидир.

Ҳозирги кунда мамлакатда анча ривожланган илмий-техника потенциали мавжуд: халқ хўжалиги учун нефть саноати институти (Тобрук), электроника институти (Бени Валид), электротехника институти (Хуна), банк ишлари институти (Триполи) кадрлар тайёрлайди. Бундан ташқари ўқитишнинг бошланғич ёки тайёрлов босқичи ҳажмидаги билимга эга бўлган шахслар учун 22 та ўқув маркази ишлаб турибди.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ Ливия ҳукумати прогрессив ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. Ливия революциясининг лидери М. Қаддафи мисрисроил сепарат шартномасини қоралади, Эрон ва Ироқни яраштиришда ташаббус кўрсатди, Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси тўхтатилишини талаб қилди. Лекин мана бир неча йилдирки, АҚШ мамлакатнинг ўзига таҳдид солиб келади. Ливия Жамахириясининг мустақил сиёсати, унинг Африка ва Яқин Шарқдаги миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши Қўшма Штатларга маъқул келмаяпти. Вашингтон агрессив ҳаракатларининг сўнггиси 1986 йил апрелда содир бўлган эди, ўшанда америка қидирув самолётлари Триполи ва Бенгазини бомбардимон қилгандилар, ўнлаб тинч аҳоли ҳалок бўлди.

АҚШнинг Ливияга қароқчиларча ҳужуми кескин халқаро кризисни келтириб чиқарди, Жанубий Ўрта денгиз бўйида вужудга келган вазиятнинг ниҳоятда хатарли эканлигини кўрсатди. Американинг «Ньюсуик» ҳафталик журнали ушбу ҳужумни «иккинчи жаҳон урушидан буён ёки, ҳар ҳолда, Сувайш урушидан буён, яъни ўтган 30 йил мобайнида юз берган энг йирик кризис», деб баҳолади.

Шуниси характерлики, Ливия билан капиталистик мамлакатлар ҳукуматлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда «узоқ муддатли» деган сўзлар тобора камроқ учрайди. Бунинг боиси шундаки, ёрдам кўрсатиш планлари тез-тез империалистик давлатларнинг айби билан барбод бўляпти, бу нарса шунда кўринадики, улар ёш африка давлатини бойкот қилмоқда, халқ хўжа-

лик объектлари қурилишини тўхтатиб қўймоқда, эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни ўз вақтида етказиб бермаяпти.

Ливия халқи тинчликсевар халқ, бироқ унинг тинчлик йўлидаги интилишларига Америка империалистлари монелик қилмоқда. Улар ҳамон Жамахирияга нисбатан хавфли сиёсатни амалга оширмоқда. Ёш мамлакатнинг душманлари унинг ҳақида ёлғон-яшиқ гапларни тўқимоқдалар, Чадда гражданлар уруши оловини ёқишда айбламоқдалар. Ливия бу қўшни давлатнинг мустақиллиги, бирлиги ва хавфсизлигини ҳамиша ёқлаб келди ва Африка Бирлиги Ташкилотининг регионда тинчликни тиклаш соҳасидаги куч-ғайратини ҳар пайт қўллаб-қувватлашга тайёрдир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг Ливияни интернационалистик қўллаб-қувватлаши ҳам Ўрта денгиз бўйида стабиллаштирувчи роль ўйнамоқда.

1974 йилда Москвада савдо битими тузилганлиги совет-ливия муносабатлари тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди, ушбу битимга кўра томонлар бир-бирларига энг кўп қулайлик режимини яратиб бериш тўғрисида келишиб олдилар. Қуйида бир нечтагина мисол келтирамиз.

Революцияга қадар Ливияда, нефть ва газдан ташқари, минерал ресурслар қазиб олинмасди. Ҳатто цемент чет элдан келтириларди. Шунинг учун ҳам Ливия ташкилотларининг СССР билан геологик изланишлар соҳасида ҳамкорлик қилишга қизиқиши табиийдир. Совет геологлари 100 минг квадрат километрли Ливия территориясини карталаштиришни тугалладилар.

1981 йилдан буён Одесса билан Триполи ўртасида совет кемалари хизмат кўрсатадиган мунтазам пассажир линияси ишлаб турибди. Иккита давлат ўртасидаги асосий юк ташишларни Азов денгизи пароходчилиги амалга оширмоқда. Бердянск порти билан тез ривожланаётган Мисурата индустриал райони маркази ўртасида 1980 йилдан буён юк ташиш линияси очилган. СССРдан келаётган цементни туширишни тезлаштириш учун Триполида совет порт ходимлари бригадаси ишламоқда. Ҳар йили Ливия гаванларига Совет Иттифоқининг бир юз элликтача кемаси келади.

Мамлакатимиз Ливиядан зайтун мойи, ер ёнғоқ, хурмо, алаф ўти, чарм, жун сотиб олади, ўз навбатида станоклар, электр ускуналар, пармалаш қурилмалари, цемент ва баъзи бошқа кенг истеъмол товарлари етказиб беради. Ливия Жамахириясида кўплаб совет врачлари ишлайди. Чунончи, улар Бен Гаширда 500 ўринли госпиталга хизмат кўрсатадилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти орқали медицина соҳасидаги алоқалар йил сайин ривожланмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида анчагина совет ва ливия спортчилари бир-бирларининг ҳузурларида бўлдилар. Ливиялик тренерлар мамлакатимиздаги курсларда ўқитилмоқда, уларнинг СССРдаги спорт ишлари ташкил этилишига қизиқишлари ортмоқда.

Совет-ливия маданий алоқалари катта самара келтирмоқда, уларнинг доирасида бадиий коллективлар, кинофильмлар, эстрада ва фольклор ансамблларининг концертлари мунтазам равишда айирбошланмоқда. Совет телетомошабинлари Ливия халқ рақс ансамбли ижоди билан таниша олдилар. Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа совет республикаларидан борган балет артистлари группасининг чиқишлари Ливия жамоатчилигида зўр қизиқиш уйғотди.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб, янги-янги шакл касб этмоқда. Совет Иттифоқи Ливия халқининг ҳақиқий дўстидир.

Б. ҒИЁСОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтининг илмий ходими.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚ СТРУКТУРАСИНИНГ АНАЛИЗИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришга, унинг структурасини такомиллаштиришга биринчи даражали аҳамият берилялти. Ҳозиргача экономикага ёндашишда чиқимдорликка йўл қўйиб келинганлиги, айниқса унинг аграр секторининг пахта монокультурасига йўлланганлиги республиканинг бутун халқ хўжалиги структурасига ўз таъсирини кўрсатди, унга бир ёқлама йўналиш берди, ривожланишдаги комплекслилик ва балансланганликни ҳамда ички алоқаларни издан чиқарди. Машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноатлари бугунги кунда асосан пахтачилик учун ишлаяптиларки, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 45 процентдан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келяпти. Бундай аҳволда қишлоқ хўжалигининг ва экономика бошқа тармоқларининг ишлаб чиқариш воситаларига, хом ашё ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжи етарли даражада қондирилмаяпти. Индустрия структура жиҳатидан мукаммаллашмаганлигининг социал жиҳатлари, унинг самарадорлиги паст даражада эканлиги, меҳнат ресурслари анчагина қисмининг иш билан банд эмаслиги кескин намоён бўлди.

Ўзбекистон саноат потенциали тармоқ ва территориал структурасини қайта қуришга доир перспектив йўналишларни ва конкрет таклифларни ишлаб чиқишга бағишланган коллектив монографияда* ана шу ва бошқа проблемалар муайян даражада қараб чиқилган. Асарда Ўзбекистон ССР индустриясидаги структура сиёсатини назарий жиҳатдан асослашга, шунингдек, ривожланишнинг интенсив йўлига ўтиш шароитида уни қайта қуришнинг объектив заминларини аниқлашга ҳаракат қилинган.

Кўриб чиқилаётган китобда саноатда структура сиёсатини ишлаб чиқишга комплекс, программ-мақсадли ёндашишнинг асосий принципларини; меҳнат ресурслари билан таъминланган регионда саноатни ривожлантиришдаги структура сиёсати бир мақсадга қаратилган, комплекс, узлуксиз, самарадор бўлишини тадқиқ қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Уларнинг амал қилиш соҳаси, улардан узоқ муддатли истиқболда фойдаланиш етарлича чуқур ва далил-исботли қилиб очиб берилади. Авторларнинг ушбу масаладаги позицияси республика индустрияси структурасини такомиллаштириш концепциясини илмий асослашга янгича ёндашилганлиги билан эътиборга лойиқ.

Авторлар ғоят сермеҳнат бўлган, пировард маҳсулот ишлаб чиқарилиши кескин кўпайтирилишини таъминлайдиган ҳамда тез ўсиб борувчи меҳнат ресурсларини иш билан банд қилишда самарадорликка эришиш имконини берадиган устун тармоқларни, айниқса қайта ишловчи тармоқларни танлаш ва асослаб беришни ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари деб ҳисоблайдилар. Улар орасидан авторлар электротехника ва электрон саноатини, машинасозлик комплексининг приборсозлик, станоксозлик ва бошқа бўғинларини, шунингдек, ип газлама, шойи газлама, трикотаж, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини етакчи тармоқларга киритадилар.

Бу ва бошқа назарий асослар бой фактик материалга ҳамда индустриядаги тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги структура силжишларини анализ қилиш натижаларига суянади. Фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларнинг (ёқилғи, энергетика, машинасозлик ва ҳоказо), шунингдек енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатлари айрим бўғинларининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилувчи камчилик ва сабаблар батафсил ҳамда пухта илмий савияда очиб берилган.

Авторлар индустрия структураси ўзгаришларининг мураккаблиги ва кўп жиҳат-

---

* Совершенствование структуры регионального промышленного производства (на материалах Узбекской ССР). Ответственный редактор С. К. Зиядуллаев. Ташкент, «Фан», 1987, 230 с.

...лигини ҳисобга олиб, уни такомиллашти...ишга таъсир қиладиган факторларни тад...иқ қилганлар. Меҳнат ресурсларининг иш...илан бандлиги самарадор бўлишини таъ...инлашга ва малакали ишчилар тайёрлаш...и яхшилашга боғлиқ фактор улар орасида ...нг муҳим факторлардан биридир. Улар ...ктисодий воситаларнинг қишлоқ хўжалик ...а минерал хом ашё ресурсларининг ўсиши ...труктура силжишларига, бунинг устига ...шлаб чиқариш тараққиётида фан ва техни...анинг аҳамияти кучайиб бориши билан ...амбарчас боғлиқ ҳолда таъсир кўрсатиш ...оирасидаги ролини бошқа бир фактор деб ...ўрсатадилар.

Кўриб чиқилаётган асарда регионал иш...лаб чиқаришни территориялар бўйича таш...кил этишга, территориал-ишлаб чиқариш ...комплексларига, районлараро ва ташқи ...иктисодий алоқаларни такомиллаштиришга ...катта аҳамият берилган. Регионни социал...иктисодий ривожлантиришда республика ...ва маҳаллий бошқарув органларининг, шу...нингдек тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўзини ...ўзи маблағ билан таъминлашга ўтаётган ...корхоналарнинг ролини ошириш, бошқа...ришнинг иқтисодий методларига асослан...ган ҳолда халқ хўжалигига раҳбарликда ...юксак самарадорликка эришиш, унинг таш...килий структураларини ўзгартириш — КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми қа...рорлари асосида республика экономикасини ...қайта қуришда амалга оширилаётган ...асосий йўналишлар ана шулардан иборат.

Китобда Ўзбекистон саноати структура...сини узоқ муддатли истиқболни кўзлаб такомиллаштиришнинг принципиал муҳим масалалари тилга олинган. Тегишли маълумот ва ҳисоб-китобларни анализ қилиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва фан-техника тараққиётининг имкониятлари ва резервларини ҳисобга олиш асосида авторлар томонидан индустрия тармоқларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилганки, улар, бизнингча, республика социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш вазифаларига умуман олганда жавоб беради. Бунда авторлар агросаноат комплексини, хусусан мева-сабзавотчиликни интенсивлаш резервларини, уни концентрациялаш ва ихтисослаштириш масалаларини, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш зонасида у ердаги мавжуд минерал ва қишлоқ хўжалик хом ашёсидан комплекс фойдаланиш базасида саноатни шакллантириш, территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этиш имкониятларини ўрганишга алоҳида аҳамият берганликларини таъкидлаш керак.

Умуман олганда тақриз қилинаётган асарни ижобий баҳолаб, айниқса республика индустриясидаги структура сиёсатининг назарий ва амалий масалаларини ёритишда янгилигини таъкидлаган ҳолда унда учрайдиган баъзи нуқсон ва камчиликларни кўрсатиб ўтишни истардик. Жумладан, авторлар Ўзбекистон саноатининг территориал принцип асосида ривожланишининг аниқ перспективаларини белгилаб бермаганлар. Ҳозирги вақтда республика экономикасини бошқаришни ислоҳ қилиш авж олаётир, кўпгина корхоналар тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтдилар, бу эса, шубҳасиз, унинг индустриал секторида самарали структура сиёсатини амалга ошириш учун янги, янада қудратли омилларни бунёд этади. Бироқ китобда саноатни бошқаришни қайта қуриш уни ривожлантириш суръатларига ва самарадорлигини оширишга қандай таъсир кўрсатиши етарлича очиб берилмаган. Хўжалик механизмини такомиллаштириш масалалари, унинг саноат ишлаб чиқариши ва унинг айрим тармоқларида оптимал структурасига эришишдаги аҳамияти ҳам етарлича очиб берилмаган.

Б. ЛИ,
иқтисод фанлари доктори,
Ўзбекистон ССР Госпланига қарашли
Ҳисоблаш марказига эга Экономика
ва нормативлар илмий-тадқиқот институти
директорининг ўринбосари.

Г. ДАНИЛОВ,
иқтисод фанлари кандидати,
институт бўлимининг мудири.

1988 йилда «Ўзбекистон коммунисти» журналида босилган мақола ва материаллар кўрсаткичи

БОШ ВА РЕДАКЦИОН МАҚОЛАЛАР

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

ИНСОН — ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ПУБЛИЦИСТИКА, ОЧЕРКЛАР, ЛАВХАЛАР

СОЦИАЛИСТИК ХАМДЎСТЛИК

ХАЛКАРО ТЕМАЛАРДА

ХОЗИРГИ ДУНЁДА FОЯЛАР КУРАШИ

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

ТАНКИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» 1989 ЙИЛДА

Журналимиз — республиканинг 1920 йил декабридан чиқа бошлаган кекса артиявий журналидир. Унинг ўтган йиллардаги тахламларини варақлаб ўринг — унинг сарғайган саҳифаларидан сиз билан Даврнинг ўзи сўзлаша-и. Давр бизлар учун турлича кечди. Партиянинг ўз тарихи жамиятимиз арихи, республика тарихи каби жўшқин ва мураккаб бўлди.

Биз сиз билан ҳаётимизнинг ҳамма томонларини қайта қуриш, револю-цион янгилаш бораётган ажойиб даврда яшаяпмиз. Давр ҳам бизга, жур-алистларга ўз иш услубини тақозо этиб турибди. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, партия Марказий Комитети Пле-умлари қарорлари 1989 йилдаги бутун фаолиятимизнинг бош негизи бўлиб олади.

Журнал марксизм-ленинизм классикларининг буюк ғоявий меросини ропаганда қилишга, қайта қуришнинг энг муҳим назарий ва амалий пробле-маларига, Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётининг актуал масалаларига биринчи даражали аҳамият бериш, ўз саҳифаларида республика меҳнаткашлари учун ҳаётий муҳим қуйидаги темаларни мунта-зам ёритиш ниятида:

— жамиятимизни демократиялаш ва унинг сиёсий системасини ислоҳ қилиш, социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш;

— партиянинг омма билан алоқасида, халқ билан унинг сиёсий аван-гарди бирлигида янгича сифатни шакллантириш жараёнлари;

— туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, шаҳар ва қишлоқда хў-жалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш ҳамда улар фаолиятига хос проблемалар;

— Озиқ-овқат программасини бажариш, жамиятни маънавий поклаш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган му-раккаб масалалар комплекси;

— «инсон — жамият — табиат» системасидаги зиддиятларга хос проб-лемалар, унинг сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий жиҳатлари тўғрисидаги темалар шулар жумласидандир.

Янги йилда КПССнинг миллий сиёсати масалалари, совет жамиятидаги миллатлараро муносабатлар проблемалари журнал саҳифаларидан муносиб ўринни эгаллайди. Пухта илмий анализ ва аниқ баҳолар асосида ишлаб чиқилган ленинча ҳушёр миллий сиёсат нима дегани? Миллийлик билан миллатчилик ўртасидаги чегара қаердан ўтади? Ўз сиёсатида ҳар бир миллат-нинг ва умуман мамлакатнинг манфаатларини ҳисобга оладиган, СССРдаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги ва интернационал бирдамлигини барча чоралар билан мустаҳкамлашга йўналтирилган партиянинг социал, иқтисодий ва идеологик платформаси нималардан иборат? Бу ва бошқа кўпгина масалаларни биз ўз мақолаларимизда янги позициялардан, янгила-ниш идеологияси позицияларидан туриб қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Журналхонлар журналда партия қурилишининг назарияси ва практика-си, идеология ишига бағишланган, советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Биз ленинча иш услубини тиклаш билан боғлиқ, сиёсий раҳбар-ликдаги назария ва практиканинг диалектик бирлиги, демократик централизм принципларини партия ташкилотлари фаолиятидаги ташаббускорлик ва мус-

тақилликни барча чоралар билан ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш проблемаларини, партия аппаратининг ишлаш маданияти масалаларини мунтазам ёритиб борамиз. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандист ҳамда тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли темаларига доир методик тавсия ва консультациялар оладилар.

Янги йилда қайта қуриш шароитида маънавий соҳани ривожлантиришнинг моҳияти, қонуниятлари, структураси ва асосий йўналишларини очиб бериш проблемаларига, ҳозирги социалистик баркамол шахснинг ахлоқий қиёфасини такомиллаштириш масалаларига — унинг бир бутунлиги, активлиги, унинг маънавий-ахлоқий фазилатларига фан-техника революциясининг таъсирига алоҳида аҳамият бериш мўлжалланмоқда.

Журналда мамлакатимиз тарихи, маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларига доир, шунингдек КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти, қардош мамлакатлардаги социалистик қурилиш тажрибаси ва улар билан интернационал ҳамкорлик тўғрисида, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида мақола ва материаллар, контрпропагандистик мазмундаги мақолалар мунтазам эълон этиб турилади.

Журнал муҳим саналар ва воқеалар тўғрисида мақолалар, долзарб темадаги хатлар, корреспонденция ва очерклар, «давра суҳбати» материаллари, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китобларга тақризлар, вақтли нашрларнинг обзорлари, библиографик материаллар босишни давом эттиради.

Биз ўз олдимизга редакциянинг ижодий потенциали ва унинг авторлар активини янги формаларни доимо излашга, ёритилаётган проблемаларнинг сифат даражаси ва компетентлигини оширишга сафарбар этиш, республика, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаёти олға сураётган барча масалаларга оператив равишда жавоб бериш вазифасини қўямиз.

«Ўзбекистон коммунисти»
журнали редакцияси

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: маркса-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71, фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь**

Теришга берилди 10.11.1988 й. Босишга рухсат этилди 7.12.1988 й. Формати 70×108¹/₁₆. Фотонабор
Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6.
Тиражи 27009. Нашр В-48. Заказ № 4786.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

0134—2193
Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»га

1989 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашига, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш ва революцион янгилаш практикасини анализ қилишга бағишланган материаллар журнал саҳифаларидан марказий ўринни эгаллайди.

Журнал аввалгидек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётининг актуал проблемаларига жиддий эътибор бериб боради, республикамиз меҳнаткашлари учун ғоят муҳим бўлган мавзулар: жамиятимизни демократиялаш ва унинг сиёсий системасини ислоҳ қилиш, социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш; партиянинг омма билан алоқаси, халқ билан унинг сиёсий авангарди бирлиги янги сифатининг шаклланиш жараёнлари; туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, шаҳарда ва қишлоқда хўжалик юритишнинг янги методлари жорий этилиши ва уларнинг амал қилиши, Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, жамиятни ахлоқан поклаш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш проблемалари хусусидаги суҳбатни давом эттиради. КПСС миллий сиёсати масалалари, совет жамиятидаги миллатлараро муносабатлар проблемалари журнал саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллайди.

Журналхонлар журналдан партия ва совет қурилиши назарияси ҳамда практикасига, идеология ишига, Советларнинг, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид мақолалар топа олади. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик тавсиялар ва консультациялар оладилар.

Журналда Ватан тарихи, маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларига доир, шунингдек КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти, қардош мамлакатларда социалистик қурилиш тажрибаси, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисидаги мақола ва материаллар, контрпропагандистик мазмундаги мақолалар мунтазам бериб борилади.

Журнал муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолаларни, долзарб мавзулардаги корреспонденция ва очеркларни, «давра суҳбати» материаллари, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китобларга тақризлар, вақтли нашрларнинг обзорлари, библиографик материалларни бериб боради.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади. Унга обуна «Союзпечать» барча бўлимлари томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Тўққиз ойга — 2 сўм 25 тийин.

Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.

Уч ойга ·

3 0000 085 399 800